

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ**  
**(II-қисм)**

**ТОШКЕНТ-2009**

## Муаллифлар жамоаси

Мирзоулуғбек Абдусаломов, юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси – 36, 47-боб;

Худойкул Азизов, юридик фанлари номзоди, доцент – 29-боб 5-§.

Б.Ахмаджонов–45-боб (С.Бобоқулов билан ҳаммуал);

Сотиболди Бобоқулов, юридик фанлари номзоди, доцент –32, 34, 38, 41, 46, 48, 49, 51-боблар. 45-боб (Б.Ахмаджонов билан ҳаммуал),

Миродил Баратов, юридик фанлари номзоди, доцент – 29 боб 8-§, 30, 31, 39, 50-боблар;

Жахонгир Бобоев, юридик фанлари номзоди – 29-боб 3-§, 4-§, 6-§-параграф;

Икром Зокиров, юридик фанлари доктори, профессор – 33, 53-боб;

Бобоқул Ибратов, 37-боб 1-§, 2-§, 3-§ (Ж.Юлдашев билан ҳаммуал);

Нурилло Имомов, юридик фанлари номзоди – 37-боб 5-§, 57-боб 1-§, 63-боб. 37-боб 4-§ (Ф.Сайфуллаев билан ҳаммуал), 59-62, 64-65-боблар (О.Оқюлов билан ҳаммуал.);

Дилором Караходжаева, юридик фанлари номзоди, доцент – 54, 55, 58-боблар;

Тамара Кочергина, юридик фанлари номзоди, доцент – 42,43,44-боблар;

Рустам Мухаммедов, юридик фанлари номзоди, доцент – 66, 67, 68, 69-боблар;

Омон Оқюлов, юридик фанлари доктори, профессор 29-боб 1-§, 2-§, 7-§, 53, 56-боблар. 52 боб (Н.Эгамбердиева билан ҳаммуал.) 59-62, 64-65-боблар (Н.Имомов билан ҳаммуал.);

Фуат Сайфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан ва техника арбоби, профессор 37-боб 4-§ (Н.Имомов билан ҳаммуал), 40-боб (Ж.Юлдашев билан ҳаммуал);

Жахонгир Юлдашев, юридик фанлари номзоди, ўқитувчи - 37-боб 1,2,3-параграфи (Б.Ибратов билан ҳаммуал ), 40-боб (Ф.Сайфуллаев билан ҳаммуал);

Ботир Самархўжаев, юридик фанлари доктори, профессор – 70, 71-боблар;

Самад Ҳамроев-юридик фанлари доктори, профессор в.б. – 35-боб.

Наргиза Эгамбердиева, юридик фанлари номзоди, ўқитувчи 57-боб 2-§, 3-§. 52-боб (О.Оқюлов билан ҳаммуал).

Наргиза Ашурова, юридик фанлари номзоди, ўқитувчи 57-боб 4-§.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор **Ҳожиакбар Раҳмонқулов**, юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик институти “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудирини, профессор **Икром Зокиров** ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, юридик фанлари номзоди, доцент **Фозилжон Отахоновларнинг** умумий таҳрири остида.

Фуқаролик ҳуқуқи. (II-қисм). –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 920 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**Нашр учун масъул муҳаррирлар:** юридик фанлари доктори, профессор **Омон Окюлов**, юридик фанлари доктори, профессор **Шоакбар Шорахметов**, юридик фанлари номзоди, доцент **Сотиболди Бобоқулов**

**Такризчилар:** юридик фанлари доктори, профессор **Ш.Н.Рўзиназаров**, юридик фанлари доктори, профессор **Р.Ж.Рўзиев**.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари, Фуқаролик кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инobatга олинган ҳолда, Фуқаролик Кодексининг махсус қисмига оид 800 дан ортиқ моддани, 100 дан ортиқ қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида ёзилган ушбу китоб университет юридик факультетлари, юридик институт ва ҳуқуқ асослари ўқитиладиган олий мактаб талабаларига дарслик сифатида тавсия этилади. Шунингдек, суд, прокуратура, нотариат, адвокатура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қўлланма сифатида мўлжалланган.

## МУНДАРИЖА

### Сўз боши

#### **29-боб. Олди-сотди**

- 1-§. Олди-сотди тўғрисида умумий қоидалар
- 2-§. Чакана олди-сотди
- 3-§. Маҳсулот етказиб бериш
- 4-§. Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти
- 5-§. Контрактация
- 6-§. Энергия таъминоти
- 7-§. Кўчмас мулкни сотиш
- 8-§. Корхонани сотиш

#### **30-боб. Айирбошлаш**

#### **31-боб. Ҳадя**

#### **32-боб. Рента**

- 1-§. Умумий қоидалар
- 2-§. Доимий рента
- 3-§. Умрбод рента

#### **33-боб. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш**

#### **34-боб. Мулк ижараси**

- 1-§. Умумий қоидалар
- 2-§. Прокат
- 3-§. Транспорт воситалари ижараси
- 4-§. Бинолар ва иншоотлар ижараси
- 5-§. Корхонани ижарага бериш
- 6-§. Лизинг (молия ижараси)

#### **35-боб. Уй-жой ижараси**

#### **36-боб. текин фойдаланиш**

#### **37-боб. пудрат**

- 1-§. Пудрат тўғрисида умумий қоидалар
- 2-§. Маиший пудрат
- 3-§. Қурилиш пудрати
- 4-§. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати
- 5-§. Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати

#### **38-боб. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш**

#### **39-боб. Йўловчи, багаж ва юк ташиш**

#### **40-боб. Транспорт экспедицияси**

#### **41-боб. Қарз ва кредит**

- 1-§. Қарз
- 2-§. Кредит

**42-боб. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш**

**43-боб. Банк омонати**

**44-боб. Банк ҳисобварағи**

**45-боб. Ҳисоб-китоблар**

1-§. Ҳисоб-китоблар тўғрисида умумий қоидалар

2-§. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш

3-§. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар

4-§. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар

5-§. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш

**46-боб. Топшириқ**

**47-боб. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш**

**48-боб. Воситачилик**

**49-боб. Мол-мулкни ишончли бошқариш**

**50-боб. комплекс тадбиркорлик лицензияси (Франшизинг)**

**51-боб. Омонат сақлаш**

1-§. Омонат сақлаш ҳақида умумий қоидалар

2-§. Омонат сақлашнинг алоҳида турлари

3-§. Товар омборида омонат сақлаш

**52-боб. Суғурта**

**53-боб. Оддий ширкат**

**54-боб. Оммавий танлов**

**55-боб. Мукофотни ошкора ваъда қилиш**

**56-боб. Қимор ва гаров ўйинлар ўтказиш**

**57-боб. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар**

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

3-§. Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

4-§. Маънавий зарарни қоплаш

**58-боб. Ассосиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар**

**59-боб. Умумий қоидалар**

**60-боб. Муаллифлик ҳуқуқи**

**61-боб. Турдош ҳуқуқлар**

**62-боб. саноат мулкига бўлган ҳуқуқ (ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ)**

**63-боб. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ**

**64-боб. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш**

**65-боб. Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари**

1-§. Фирма номи

2-§. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)

3-§. Товар чиқарилган жой номи

**66-боб. Ворислик тўғрисидаги умумий қоидалар**

**67-боб. Вasiят бўйича ворислик**

**68-боб. Қонун бўйича ворислик**

**69-боб. Меросни эгаллаш халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик- ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш**

**70-боб. Умумий қоидалар**

**71-боб. Коллизион нормалар**

1-§. Шахслар

2-§. Шахсий номулкий ҳуқуқлар. интеллектуал мулк

3-§. Битимлар. вакиллик. даъво муддати

4-§. Ашёвий ҳуқуқлар

5-§. Шартнома мажбуриятлари

6-§. Шартномадан ташқари мажбуриятлар

7-§. Ворислик ҳуқуқи

## К И Р И Ш

“Фуқаролик ҳуқуқи” иккинчи қисми дарслиги “Фуқаролик ҳуқуқи” биринчи қисми дарслигининг узвий давоми ҳисобланади. “Фуқаролик ҳуқуқи”нинг иккинчи қисми бозор муносабатлари шароитида иқтисодий муомалани таъминлашнинг энг муҳим воситаси бўлган шартномалар ва уларнинг ҳуқуқий моҳиятини, шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда деликт (зарар етказишдан келиб чиқадиган) мажбуриятларнинг ўрни ва аҳамиятини, кишининг ақлий-ижодий фаолияти ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари, шахс вафоти (юримдик шахснинг қайта ташкил этилиши) дан кейинги унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг юримдик тақдирини белгиловчи ворислик ҳуқуқи масалаларини ўзида ифодалайди ҳамда жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ахлоқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Мазкур дарслик талабаларга фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи шартномаларнинг алоҳида турларини таснифлаш асосларини, уларнинг ҳуқуқий белгиларига кўра тартибга солиниш хусусиятларини, ҳар бир шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини ва уларни қўллашни, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари ва етказилган зарарни қоплаш тартибини, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни, ворислик асослари, васиятнома ва унинг шакли, қонун бўйича ворислик навбатларини ўрганишига ёрдам қилади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида “Фуқаролик ҳуқуқи”нинг иккинчи қисмига бир қатор янги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар (рента, лизинг, факторинг, трастинг, франшизинг ва бошқалар) киритилди. Мазкур шартномалар мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фани учун янги институтлар бўлиб, уларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бугунги кун нуқтаи назаридан долзарбдир. Шу билан бирга интеллектуал мулк ҳуқуқини тартибга солувчи нормаларни белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлари киритилганлиги ҳамда интеллектуал мулк объектларига оид махсус қонунларнинг иккинчи авлоди амал қилмоқда. Шу муносабат билан фуқаролик ҳуқуқи фани олдида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя

қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари мавжуд.

“Фуқаролик ҳуқуқининг иккинчи қисми”ни ўрганишда талабалар Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган ҳар бир шартномани ҳуқуқий белгилари, мақсади ва хусусиятига кўра таснифлаши, шартнома тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шартнома шартларини бузганлик учун белгиланадиган жавобгарлик чораларини ҳар бир шартномага нисбатан қўллай олиши, ҳар бир шартноманинг бекор бўлиш асослари ва тартиби ҳақида тushунчага эга бўлиши, ФКда белгиланган ҳар бир шартнома лойиҳасини туза олиши, етказилган зарар ва уни қоплаш тартиби, миқдори ва ҳажмини аниқлаши, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳақидаги кўникмага эга бўлиши, ворислик ҳуқуқини амалда қўллай олиш малакасини эгаллаши лозим.



## **29-боб. ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ**

### **1-§. ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1.1. Олди-сотди шартномаси, унинг тушунчаси, белгилари ва турлари**

Олди-сотди инсоният томонидан энг қадим замонлардан буён қўлланиб келаётган шартномалардан бири ҳисобланади. Жамиятда товар-пул муносабатлари қарор топиши билан турли касб-хунар кишилари олди-сотди шартномаси орқали бошқа касб-хунар кишилари меҳнати маҳсулотларини сотиб олиб, истеъмол қилиш ва айти вақтда, ўз меҳнатлари маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва бунинг учун белгиланган пул суммасини (баҳосини) тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 386-моддаси, 1-қисми).

Олди-сотди шартномаси ўз ҳуқуқий табиати бўйича мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёхуд мулк ҳуқуқларни бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш бўйича мажбуриятлар туркумига киради. Айти вақтда ушбу шартномани бошқа ўхшаш шартномалардан ажратиб турувчи ҳуқуқий белгилари мавжуд бўлиб, унга қуйидагилар киради:

Биринчидан, олди-сотди шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган (пулли) шартнома ҳисобланади. Бунда ҳар доим сотувчи топширадиган мол-мулк (товар) эвазига сотиб олувчи муайян миқдорда пул (сўм, валюта) билан белгиланган ҳақ тўлайди.

Иккинчидан, олди-сотди шартномаси консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб. Бошқача айтганда, бу шартнома бўйича тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартноманинг барча муҳим шартлари тўғрисида ўзаро келишилган ва шартнома тегишли шаклда расмийлаштирилган вақтдан бошлаб вужудга келади.

Учинчидан, шартнома муносабатлари таркибига кўра, у икки томонлама шартнома бўлиб ҳисобланади. Юқорида Фуқаролик кодексига мустаҳкамлаб қўйилган шартномага берилган таърифдан ҳам кўриниб турибдики, ушбу шартномада икки тараф - сотувчи ва сотиб олувчи қатнашади ва ҳар иккала тараф маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади: сотувчи ашёни топшириш бурчини ва бунинг учун ҳақ олиш ҳуқуқини олади, олувчи эса ашё (товар) қийматини тўлаши

лозим ва сотилган ашёнинг ўзига топширилишини талаб қилиш ҳуқуқини олади.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, олди-сотди шартномаси бўйича сотилган ашё (товар)га нисбатан мулк ҳуқуқ сотувчидан сотиб олувчига ўтади ва бу ҳолат шартноманинг энг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Бунда товарлар муомаласида бевосита товар эгалари, яъни бу товарларни тасарруф қилишга ҳақли бўлган шахслар иштирок этадилар.

Бозор муносабатлари тизимида олди-сотди шартномаси хўжалик юритувчи турли субъектлар ўртасида муносабатларни расмийлаштиришнинг энг муҳим ва асосий ҳуқуқий воситаларидан бўлиб ҳисобланади. Айни вақтда, у кишиларнинг кундалик турмушида ҳам энг кўп қўлланиладиган шартнома сифатида эътироф этилади.

Олди-сотди шартномаси савдо муносабатларининг хусусиятларига ва шаклларига қараб, бир неча турларга бўлинади: улгуржи савдо; чакана савдо; ким ошди савдоси; насияга товарларни сотиш ва ҳ.к. Шартнома предмети бўйича эса у турар-жойларнинг, корхонанинг, кўчмас мулкнинг, қимматли қоғозларнинг олди-сотди шартномалари, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти ва ш.к. шартномаларга бўлинади.

## **1.2. Ташқи савдо муносабатларида олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий асослари**

Олди-сотди шартномаси нафақат мамлакат ички муомаласида, балки ташқи иқтисодий муносабатларда ҳам энг кўп қўлланиладиган шартнома ҳисобланади. Ушбу шартнома халқаро миқёсларда кенг қўлланилаётгани сабабли ҳам халқаро ташкилотлар томонидан унинг ҳуқуқий негизлари шакллантирилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, 1980 йили Венада қабул қилинган БМТнинг Товарларни халқаро олди-сотди шартномалари ҳақидаги конвенцияси, савдо-сотикда қўлланиладиган «Инкотермс» атамаларини талқин этиш бўйича халқаро қоидалар, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Вена Конвенцияси халқаро савдо-сотикда кўпчилик томонидан қўлланиладиган ўзига хос умумий (универсал) ҳуқуқий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Конвенцияда умумий ҳуқуқ ва Қитъа ҳуқуқи тизимларини савдо-сотик бўйича шартномаларининг турлича ёндашувларини, зиддиятларини юмшатиб, ҳуқуқий-техник

жиҳатдан муросага келтириш ва умумий қоидалар ишлаб чиқилишига эришилган.

Вена Конвенцияси турли мамлакатлардаги субъектлар ўртасидаги товарлар олди-сотдисини тартибга солишга қаратилган умумий ва ягона меъёрларни ўзида мужассамлайди.

Конвенция, асосан, тадбиркорлик соҳасидаги халқаро олди-сотди шартномаларини тартибга солади, шу сабабли ҳам шахсий, оилавий ёхуд уйда фойдаланиш учун товарлар харид қилишда қўлланилмайди. Айтилиши вақтда, Конвенция ундирувга қаратилган мол-мулкни аукционларда сотишга, қимматли қоғозлар, акциялар, таъминлов қоғозлари ва муомала ҳужжатлари, сув транспорти ва ҳаво транспорти кемалари, электр энергияси сотиб олишга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Вена Конвенцияси фақат олди-сотди шартномасининг тузилишини ва ушбу шартнома асосида тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишини тартибга солади. Шу сабабли ҳам агарда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, у шартноманинг ўзи, унинг шартлари ҳақиқийлиги, шунингдек сотилган товарга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақида шартнома белгиланган оқибатларга тааллуқли эмас. Шу билан бирга, Конвенция сотувчининг товар бирор шахснинг соғлиғини шикастланиши ёхуд ўлимига сабаб бўлган ҳолатлар учун жавобгарлик масалаларига ҳам қўлланилмайди.

Конвенциянинг 11-моддасига асосан олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт қилиб қўйилмаган, умуман шартнома шаклига нисбатан талаблар мавжуд эмас. Шартноманинг мавжудлиги йўл қўйилмаган далилларнинг барчаси, шу жумладан, гувоҳ кўрсатувлари орқали ҳам исботланиши мумкин. Вена Конвенциясида олди-сотди шартномасининг тузилиши масалалари ҳал этилган, сотувчи ва харидор мажбуриятлари, тарафлар томонидан шартнома шартлари бузилганда ҳуқуқий муҳофаза воситалари белгилаб қўйилган, шунингдек унда товар шикастланган ёки нобуд бўлган ҳолларда харидорга зарар таҳликаси (хавф-хатари) қандай ўтиши ҳақидаги қоидалар тарафларни жавобгарликдан озод қилиш асослари ва ш.к меъёрлар мавжуд.

Конвенциянинг 28-моддасига асосан тузук тараф шартнома шартларини бузган тарафдан мажбуриятни асл (натура) ҳолича бажариш ёхуд етказилган зарарларни тўла қоплашни талаб қилишга ҳақли<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Комаров А. С. Ответственность в коммерческом обороте. –М.: Юр. Лит. 1996. -182 б.

Маълумки, олди-сотди шартномасида қўлланиладиган иборалар турли мамлакатларда турлича талқин этилади. Бинобарин, ташқи савдо муносабатларидаги субъектлар ўртасида бу борада турли англашилмовчиликлар, низолар келиб чиқиши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун “Инкотермс” савдо-сотик ибораларини талқин этиш бўйича халқаро қоидалар ишлаб чиқилган. Қачон сотувчи ўз мажбуриятини бажарган ҳисобланиши ва демак сотилган товарнинг шикастланиши ёки нобуд бўлиши натижасида вужудга келадиган зарар ва харажатлар қачондан бошлаб харидор зиммасига юкланиши қоидаларини белгиловчи франко турларининг ягона талқини ҳам “Инкотермс”да мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, тегишли шартнома турида товарни суғурталаш, товарнинг экспорти учун божни ким (харидор ёки сотувчи) тўлаши масалалари ҳам назарда тутилган. Тарафлар «Инкотермс» қоидалари орқали ўзлари учун маъқул вариантларни танлаб олишлари мумкин. «Инкотермс»ни қўллаш тадбиркорларга турли мамлакатлар савдо-сотик амалиётидаги тафовутлар, бундай фарқлар натижасида келиб чиқадиган низолар ва уларни суд тартибида ҳал этишдаш вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар ва қийинчиликларни бартараф этиш имконини беради.

### **1.3. Олди-сотди шартномасининг шакли**

Олди-сотди шартномасининг шаклига нисбатан битимларнинг шакли ҳақидаги қоидалар (ФКнинг 108-112-моддалари), шунингдек, шартноманинг шакли ҳақидаги қоидалар (ФКнинг 336-моддаси) қўлланилади. Бунда шартноманинг тури ва товарнинг ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Олди-сотди шартномаси шаклини белгилашда, биринчидан, фуқаролик муомаласининг талаблари, иккинчидан эса, олди-сотди битимлари қонунийлигининг устидан назорат қилиш зарурати, бундай муносабатларда жамият манфаатлари ёхуд айрим шахслар манфаати ҳимоясини таъминлаш зарурати билан боғлиқ ҳолатлар белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, нақд пул ҳисобига амалга ошириладиган чакана савдода тарафларга қулайлик туғдириш учун олди-сотди шартномасини махсус расмийлаштириш талаб этилмайди. Нақд пул бараварига тузиладиган ва тузилиш вақтининг ўзидаёқ ижро этиладиган олди-сотди шартномаси, умумий қоида бўйича суммасидан қатъи назар, оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Бинобарин, савдо дўконларида, бозорларда тузиладиган олди-сотди шартномалари товарларнинг харидорларга дархол топширил-

гани ва шу ондаёқ ҳақ тўлангани сабабли оғзаки расмийлаштирилиши мумкин.

Агарда олди-сотди шартномасини амалга оширишда ҳақ тўлаш ва сотилган товарни топшириш бир вақтнинг ўзида, сотувчи ва харидор томонидан муқобил ижро этилмаса, масалан, товар ҳақини олдиндан тўлаш, насияга товар сотиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ФКнинг 420-422-моддалари) ҳолларида шартнома ёзма равишда тузилиши мақсадга мувофиқ ёхуд бундай ҳолларда тегишли ҳаракатларнинг содир этилганлиги (масалан, пул олдиндан тўланганлиги, товар насияга сотилгани) факти чек, жетон, тилхат орқали гувоҳлантирилиши лозим. Бу эса келгусида тарафлар ўртасида низолар келиб чиқишининг олдини олади ёхуд бундай низоларнинг адолатли ҳал этилишига хизмат килади.

Кўчмас мол-мулк шу жумладан, турар-жойлар олди-сотдиси, автомобиллар, ов, ўқ отар қуроллари ва ш.к. предметлар олди-сотдиси устидан назорат ўрнатиш ижтимоий аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам бундай шартномалар ёзма тузилиши, нотариал гувоҳлантирилиши, махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади. Бундай ҳолларда шартнома тегишли шаклда расмийлаштирилмаслиги унинг ҳақиқий саналмаслиги ёки қонунда белгиланган бошқа оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай талаблар ташқи савдо битимларига нисбатан ҳам қўлланилади.

#### **1.4. Олди-сотди шартномасида тарафлар**

Олди-сотди шартномасида тарафлар сотувчи ва харидор ҳисобланади. Бунда тарафлар сифатида фуқаролар ва юридик шахслар қатнашиши мумкин. Айни вақтда муайян ҳолларда шартномада тараф сифатида давлат ҳам иштирок этиши мумкин.

Олди-сотди шартномаси юқорида кўрсатилган субъектлар ўртасида, шунингдек, ўзаро тузилиши мумкин. Шартномада тараф сифатида фуқаро қатнашганда у муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бинобарин, вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган ва қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган ҳар қандай шахс шартномада тараф сифатида иштирок эта олади. Айни вақтда, қонун муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг ҳам олди-сотди шартномасида тараф сифатида қатнашиш ҳолатларини назарда тутлади. Масалан, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар майда маиший битимлар тузишга, масалан, кичик суммада товарлар сотиш ёки сотиб олишга (музқаймоқ, чанқовбосди ичимлик-

лар, қалам, дафтар, ҳаво шарлари ва ш.к) ҳақли (ФКнинг 29-моддаси 2-қисми 1-банди). Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадлари ҳисобига товарлар сотиб олиш ёхуд уларни сотишга ҳақли (ФКнинг 27-моддаси 2-қисми 1-банди).

ФКнинг 22-моддаси, 2-қисми ва 28-моддада белгиланган тартибда тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганлар ҳам олди-сотди шартномасида суммасидан қатъи назар, тўла ҳуқуқли тараф сифатида қатнаша оладилар. Спиртли ичимликлар ёхуд наркотик моддалар суиистеъмол қилганлиги сабабли муомала лаёқати чекланган шахслар ҳам мустақил равишда майда маиший битимлар туза оладилар (ФКнинг 31-моддаси). Бундай шахслар, шунингдек, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар йирик суммадаги олди-сотди шартномаларини фақат ҳомийси, ота-оналари ёки фарзандликка олувчилар розилиги билангина туза оладилар.

Ҳар хил ташкилий тузилмалар олди-сотди шартномасида тараф бўлишлари учун қуйидаги икки талабга жавоб беришлари шарт: биринчидан, бундай тузилмалар юридик шахс мақомига эга бўлишлари ва иккинчидан, улар тузаётган олди-сотди шартномаси уларнинг таъсис ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

Одатда шартномада сотувчи сифатида қатнашаётган шахсга сотилаётган ашё мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади, бироқ айрим ҳолларда сотувчи сотилаётган товарнинг мулкдори бўлмаслиги ҳам мумкин. У ҳолда сотувчининг товарни сотишга бўлган ҳуқуқи қонун ёки шартнома асосида вужудга келган бўлиши лозим (масалан, давлат корхонаси томонидан унга хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилган товарни сотиши ёхуд воситачилик (комиссион) дўконларида товарларни сотиш).

Қонунда бир неча субъектга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ашёларни сотишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган шериклари сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси). Эрхотинга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, никоҳ давомида орттирилган мол-мулк ҳам ҳар иккаласининг розилиги асосида сотилади.

## **1.5. Олди-сотди шартномасининг предмети, бахоси ва муддатлари**

Олди-сотди шартномаси бўйича эркин суратда бошқа шахсларга берилиши мумкин бўлган, фуқаролик муомаласидан ташқари чиқарилмаган ҳар қандай ашёлар товар бўлиши мумкин.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган объектлар олиш-сотиш предмети бўла олмайди. Сотилиши ҳамда сотиб олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида<sup>1</sup> кўрсатилган. Бунга давлат мутлақ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган объектлар, тарихий-маданий ва табиий мерос объектлари, ҳарбий-техникавий мол-мулк ҳарбий кўрол-яроғлар, портловчи ва радиоактив моддалар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, қабристон ва ш.к. объектлар кирди. Айрим объектлар фуқаролик муомаласида чекланган ҳаракатда бўлади. Уларни махсус рухсат олиш асосида сотиб олиш ёки сотиш мумкин (масалан, кучли наркотик дорилар фақат махсус рецепт асосида, рўйхатда қайд этилиб сотилади).

Товар сифатидаги ашёлар хусусий аломатлар билан белгиланган ашёлар ёхуд жисмий аломатлари билан белгиланган ашёлар ёки кўчмас мол-мулк бўлиши мумкин.

Валюта қийматларини олиш-сотиш давлатнинг ваколатли идоралари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Мамлакатимиз ички савдо муомаласида сотилган товарлар учун ҳақ чет эл валютасида эмас, балки умумий қоида тарзида сумда амалга оширилади. Сотилган товар ҳақини чет эл валютасида тўлашга давлатнинг ваколатли идоралари томонидан белгиланган тартибда ва ҳоллардагина йўл қўйилади. Қимматли қоғозларни олиш-сотиш, айрим турдаги олди-сотди (чакана олди-сотди, товарлар етказиб бериш, энергия таъминоти, корхонани сотиш, кўчмас мол-мулкларни сотиш) махсус белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, қимматли қоғозларни олди-сотди қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Қонун олди-сотди шартномаси предмети доирасига ашёлар, валюта қийматликлари, қимматли қоғозлар билан бирга мулкый ҳуқуқларни ҳам киритади. Бошқача айтганда ФКнинг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги умумий қоидалари параграфи нормалари мулкый

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 14-сон, 109-модда.

ҳуқуқларни сотишга нисбатан ҳам қўлланилади, агарда ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳолат келиб чиқмаса (ФКнинг 386-моддаси 4-қисми). Албатта мулкӣ ҳуқуқлар доираси ниҳоятда кенг ва ранг барангдир. Амалиётда баъзи мулкӣ ҳуқуқларни ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказиш ҳолатлари учрайди. Улар орасида кенг тарқалгани интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни сотиш ҳисобланади. ихтирога фойдали моделга, саноат намунасига, фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни сотиш мумкин. Агар мутлақ ҳуқуқ патент орқали расмийлаштирилган бўлса бундай олди-сотди ваколатли давлат идорасида (патент идорасида) расмийлаштирилиши лозим. Муаллифлик мутлақ ҳуқуқларни олди-сотди шартномаси эса ёзма тузиш шарт (нотариал расмийлаштириш мақсадга мувофиқ).

Мажбурият билан боғлиқ ҳуқуқларни олди-сотди предмети бўлиши учун қуйидагилар талаб этилади:

Биринчидан, сотувчининг ўз-ўзига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлари шартнома предмети бўла олмайди;

Иккинчидан шартноманинг предмети фақат мулкӣ ҳуқуқ (мажбурият эмас) бўлиши лозим (корхона олди-сотдиси бундан мустасно);

Учинчидан шартномалардан ва шартномалардан ташқари мажбуриятлардан келиб чиқувчи талаб қилиш ҳуқуқи натурал (асл ҳолича) бўлиши керак (бинобарин пул бўйича тўловни ундириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш олди-сотди бўлиб ҳисобланмайди)<sup>1</sup>.

Олди-сотди шартномаси, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек, келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида ҳам тузилиши мумкин.

Шартноманинг товар ҳақидаги шарти унинг асосий ва муҳим шарти ҳисобланади, бусиз шартнома мавжуд бўла олмайди. Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шарти келишилган ҳисобланади.

Олди-сотди шартномасида баҳо харидор томонидан сотиб Олинаётган товар учун сотувчига тўланадиган маълум миқдордаги пул суммасидир. Агарда харидор олинаётган товар эвазига сотувчига пул эмас, балки ашёни топширса, ёхуд маълум хизмат кўрсатишни, иш

<sup>1</sup> Гражданское право. Т. 2. –М.: Проспект. 1999. Б. 11-12.



бажаришни ўз устига олса, ёхуд текин олиш назарда тутилган бўлса, у ҳолда олиш-сотиш ҳисобланмайди.

Олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к) қўлланилади (ФКнинг 356-моддаси, 2-қисми). Масалан, айрим турдаги товарлар фақат бир ёки чекланган доирадаги бир неча корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши ва бу корхоналар ўзларининг бундай устун, монополь мавқеидан фойдаланиб, товарлар баҳосини белгилашда суиистеъмолликлар қилиши мумкин. Шу сабабли ҳам “Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун (1996 йил 27 декабрда қабул қилинган), “Табиий монополиялар тўғрисида” ги қонун ва шу каби қонунларда товарлар нархи белгилаб қўйилиши мумкин, бироқ бозор муносабатлари тизимида кўпчилик товарларнинг баҳоси тарафлар томонидан ўзаро келишув асосида белгиланади.

Тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш харидор ҳисобидан амалга оширилади (ФКнинг 418-моддаси 1-қисми). Масалан, пулни почта орқали юбориш, сотувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиш харажатлари ва ҳ.к.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, агар шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, у соф оғирлиги (нетто) бўйича аниқланиши лозим, бунда товарнинг идиш ёки ўров ҳолидаги оғирлиги (брутто) асос бўлиб ҳисобланмайди.

Агар олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсаткичлар (таннарх харажатлар ва ҳ.к.)га қараб ўзгартирилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, аммо шу билан бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланган бўлмаса, баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва товарни топшириш пайтдаги ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, олди-сотди шартномаси январь ойида тузилди, товар харидорга май ойида топширилди. Мана шу вақт оралиғида товарнинг баҳоси 20 фоизга қимматлашди. Бинобарин, бундай ҳолда бирламчи баҳо ва охириги баҳо ўртасидаги нисбат ҳисобга олинмоғи лозим.

Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини кечиктириб юборганида баҳо товарни шартнома бўйича топшириш лозим бўлган вақтдаги баҳо бўйича тўланади.

Шартнома тузилгандан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари, шартномада назарда тутилган ҳолатларда ва шартларда йўл қўйилади.

Баҳо ҳақида келишув шартноманинг муҳим шартидир. Бундай келишувга эришилмаганида шартнома тузилмаган ҳисобланади. Баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда баҳо худди товарлар учун тўланадиган нархлар бўйича белгиланади. Ушбу қоида ФКнинг 356-моддаси, 3-қисми мазмунидан келиб чиқади. Мазкур ҳолларда, гарчи шартномада баҳо ҳақида келишув мавжуд бўлмаса ҳам, тарафлар бундан келишувга эришгани ҳақидаги презумпция амал қил ад и.

Олди-сотди шартномасини ижро этиш муддати тарафларнинг ўз мажбуриятларини амалга ошириш вақти билан белгиланади. Бундай муддат қонун ҳужжатларида ёхуд тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

### **1.6. Олди-сотди шартномасининг мазмуни**

Олди-сотди шартномасининг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ташкил этади.

Сотувчининг асосий бурчи ва ҳуқуқи сотилган ашёни шартномага мувофиқ олувчининг ихтиёрига топширишдан ва бунинг учун тегишли ҳақни олишдан иборат.

Олувчининг асосий ҳуқуқи ва бурчи сотилган товарни қабул қилиб олиш ва бунинг учун белгиланган ҳақни тўлашдан, агар сотилган товар ўзига шартнома шартларига мувофиқ топширилмаган бўлса, уни ўзига топширишни талаб қилишдан иборат бўлади.

Олди-сотди шартномасини ижро этиш юзасидан қилинадиган ҳаракатларни, яъни товарни топшириш ва ҳақини тўлаш, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, дарҳол амалга ошириш лозим. ФКнинг 419-моддаси, 1-қисмига асосан харидор товар ҳақини сотувчи томонидан ушбу товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Қонун айна вақтда тарафлар зиммасига яна бир қатор қўшимча мажбуриятлар ҳам юклайди.

Сотувчи сотилган мол-мулкни (товарни) то у топширишигача сақлаши шарт. Бу қоида ФК 391-моддасида мустаҳкамланган. Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига ўтган ҳолларда сотувчи мол-мулкнинг ёмонлашувига

йўл қўймай, уни топширгунга қадар сақлаши шарт. Бунда қилинган чиқимлар харидор зиммасига юклатилади.

Сотувчи зиммасига яна бир мажбурият ФКнинг 393-моддасида белгилаб қўйилган. Сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни (ижарага берилган, гаровга қўйилган, текин фойдаланишга берилган товарни) қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчи ушбу мажбуриятни бажармаган ҳолларда харидор товар баҳосини камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарлар қопланишини талаб қилишга ҳақли (сотиб олувчи бу товарга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлигини билган ёки билиши лозим бўлгани исботланадиган ҳоллар бундан мустасно).

Юқоридаги қоидалар товарни сотиб олувчига топшириш пайтида унга учинчи шахсларнинг даъволари борлиги сотувчига маълум ҳолларда (масалан, учинчи шахс сотилаётган товар ўзининг мулки эканлиги ҳақида сотувчига айтган ва унинг ўзига қайтарилишини талаб этиб, даъво қилаётган ҳолларда) ҳам, агар бу даъволар кейинчалик белгиланган тартибда қонуний деб тан олинган бўлса, тегишли равишда қўлланади.

Агар учинчи шахс олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар вужудга келган асос бўйича товарни олиб қўйиш тўғрисида сотиб олувчига даъво қилса (эвикция), сотиб олувчи сотувчини ишда қатнашишга жалб қилишга ҳақли, сотувчи ҳам бу ишда сотиб олувчи тарафида қатнашиши шарт. Масалан, А. исмли шахс Б. исмли шахсга сигир сотади. Орадан кўп ўтмай, Д. исмли шахс ушбу сигир унинг мулки эканлиги ва ундан ўғирлаб кетишганини билдириб, сигирни ўзига қайтариш ҳақида судга виндикацион даъво билан мурожаат қилади. Бундай ҳолда Д. Б.га нисбатан даъво қилади. Айни вақтда Б. ушбу ишга А.ни жалб этиши лозим.

Агарда сотувчи ишда қатнашганида сотилган товар сотиб олувчидан олиб қўйишликнинг олдини олган бўлиши мумкинлигини исботлаб берса, сотиб олувчи сотувчини ишда қатнашишга жалб қилмаслиги сотувчини сотиб олувчи олдида жавобгарликдан озод қилади.

Сотиб олувчи томонидан ишда қатнашишга жалб қилинган, бироқ унда қатнашмаган сотувчи (агарда, масалан, товар учинчи шахс томонидан даъво қўзғатиш асосида сотиб олувчидан олиб қўйилган

бўлса) сотиб олувчининг ишни нотўғри юритганлигини исботлаш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

ФКнинг 395-моддасида сотиб олувчидан товар олиб қўйилганда сотувчининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Агар юқоридаги мисолга мурожаат қилсак Д.нинг Б.га нисбатан даъвоси қаноатлантирилган, яъни сигир ундан олиниб, Д.га берилган тақдирда А. Б.нинг барча зарарларини қоплаши лозим. (Б. сигирнинг ўғирланган эканлигини ва А. уни сотишга ҳақли эмаслигини билган ҳоллар бундан мустасно).

Олинган товар учинчи шахслар томонидан сотиб олувчидан талаб килиб олинадиган ҳолларда тарафларнинг сотувчини жавобгарликдан озод қилиш ёки унинг жавобгарлигини чеклаш тўғрисидаги келишуви ҳақиқий эмас.

Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи товарни харидорга мулк сифатида топшириши шартнома реал ижросининг белгиси эканлиги сабабли сотиб олувчи қачондан бошлаб сотилган товарга нисбатан мулкдор бўлиб ҳисобланиши муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу масалани тўғри ҳал этиш қатор ҳуқуқий оқибатлар билан боғлиқ жумладан, товарнинг тасодифан шикастланиши ёки нобуд бўлиш хавф-хатари кимнинг зиммасига тушади, сотилаётган товарга нисбатан у ёки бу тараф кредиторларининг ҳақ ундириш ҳақидаги талабларига қаратиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, харидорга ушбу мол-мулкка нисбатан эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилиш бўйича ваколатларнинг реал амалга ошириш имкониятлари вужудга келиши мана шундай ҳолатлардан ҳисобланади.

Масалан, В. исмли шахс Д. исмли шахсдан енгил машина сотиб олди. Шартнома тузилиб, нотариал гувоҳлантирилди, ДАНда рўйхатдан ўтказилди. Шартнома бўйича В. шартнома рўйхатидан ўтказилган куннинг эртасига Д.га пулни тўлаб, машинани олиб кетиши керак эди. Бироқ ўша куни тунда гаражга яшин тушиб, машина ёниб кетди. Савол туғилади: В. Д.га пулни тўлаши керакми ёки йўқми? Бу масаланинг ечими машина ёнган вақтда кимнинг мулки эканлиги билан боғлиқ.

ФКнинг 185-моддасига мувофиқ, шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи агар қонунда ёки шартномада бошқача белгиланмаган бўлса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёхуд нотариал тасдиқланиши керак бўлса, тегишли ҳаракат содир этилгандан бошлаб, агар шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйха-

тидан ўтказиш зарур бўлганида эса, рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

ФКнинг 390-моддасида сотувчининг товарни топшириш мажбуриятини бажариш пайти белгилаб қўйилган. Бунга асосан, башарти олди-сотди шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади:

агар шартномада товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида; шартномада назарда тутилган муддатда товар тегишли ерда сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлган ва сотиб олувчи шартнома шартларига мувофиқ товар топширишга тайёр эканлигидан хабардор қилинган вақтда товар сотиб олувчи ихтиёрига топширилган деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўл билан тасдиқданган бўлмаса, товар топшириш учун тайёр деб ҳисобланмайди.

Олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш мажбурияти келиб чиқмайдиган ҳолларда, агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига (транспорт ташкилотига), алоқа ташкилотига топшириш пайтида сотувчининг товарни топшириш мажбурияти бажарилган ҳисобланади. Умумий қоида бўйича сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёларни, шунингдек, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати, фойдаланиш учун йўриқнома ва ҳ.к.)ни ҳам топшириши лозим.

Сотувчининг товарни харидорга топшириш мажбуриятини бажариш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади, агар шартномада бундай шарт мавжуд бўлмаса, ФКнинг 242-моддаси қоидалари қўлланилади.

Белгиланган муддат бузилган тақдирда харидорда шартномани бажаришга қизиқиш йўқолиши шартномадан аниқ билиниб турса, масалан, арча безакларини харидорга 29 декабргача топшириш ҳақидаги шарт, олди-сотди шартномаси уни қатъий белгиланган муддатда бажариш шarti билан тузилган ҳисобланади. Сотувчи бундай шартно-

мани унда белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан сўнг харидорнинг розилигисиз бажаришга ҳақли эмас.

ФКнинг 392-моддасида кўрсатилишича, агарда олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавф-хатари сотувчи товарни сотиб олувчига топшириши бўйича ўз мажбуриятларини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади. Агарда тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўлда бўлган пайтида сотилган товарнинг тасодифан шикастланиш ёки нобуд бўлиш хавфи шартнома тузилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Олди-сотди шартномасининг товар тасодифан нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи у биринчи ташувчига топширилган вақтдан бошлаб сотиб олувчига ўтиши ҳақдаги шарти, агар шартнома тузилган вақтида сотувчи товар йўқолгани ва шикастланганини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса ва бу ҳақда сотиб олувчига маълум қилмаган бўлса, сотиб олувчи талабига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар товарни топшириш сотувчи томонидан кечиктирилса ёки харидор томонидан товарни қабул қилиб олиш кечиктирилган бўлса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавф-хатари кечиктирган тараф зиммасига юкланади.

Хусусий белгили ашёларнинг олди-сотди шартномасида ФК 331-моддасида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Харидор зиммасидаги асосий мажбурият товар ҳақини қонун ёки шартномага мувофиқ муддатда ва миқдорда тўлаш ҳисобланади. Умумий қоида бўйича харидор сотувчи унга товарни ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг унинг ҳақини кечиктирмасдан тўлаши лозим. Агарда шартномада ҳақни бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, ҳақ товарнинг тўлиқ баҳоси миқдорида тўланиши лозим. Агар ҳақ тўлаш харидор томонидан кечиктирилса, сотувчи кечиктирилган давр учун фоизлар талаб қилишга ҳақли. ФКнинг 420-моддасида товар ҳақини олдиндан тўлаш 421-моддада насияга сотилган товарлар ҳақини тўлаш, 422-моддада эса товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш қоидалари ва тартиби белгилаб қўйилган.

Юқорида сотиб олувчига сотиб олган товар унга топширилиши билан мулк ҳуқуқи ўтиши айтиб ўтилган эди. Қонунда ёки шартномада ушбу умумий қоидадан истиснолар назарда тутилиши мумкин. Масалан, товар харидорга топширилмасдан унга нисбатан мулк

ҳуқуқи вужудга келиши мумкин. Баъзан эса бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, товар насияга сотилганда ёхуд унинг ҳақи бўлиб-бўлиб тўланиши ҳолларида товар ҳақи тўлангунга қадар, гарчи товар харидорга топширилган бўлса ҳам мулк ҳуқуқи сотувчида сақланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда агарда товарнинг вазифасидан ёки унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса харидор мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча товарни бировга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф қилишга ҳақи эмас (ФК 424-моддаси).

### **1.7. Олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари**

Олди-сотди шартномасида қатнашувчи ҳар иккала тараф қонун ёки шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгардир.

Сотувчи қуйидаги ҳолатларда харидор олдида жавобгардир:

- а) сотилган товарни топширмаса ёки топширишни кечиктирса;
- б) сотилаётган товарда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақида харидорни огоҳлантирмаса;
- в) сотилаётган товар миқдори, ассортиментини ҳақидаги шартларни бузса ёки сифатсиз товар сотса.

Сотиб олувчи ҳам ўз навбатида сотувчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

- а) сотилган товар учун ҳақни тўламаса ёки тўлашни кечиктирса;
- б) сотилган товарни ўз вақтида қабул қилиб олмаса ёхуд қабул қилиб олишни кечиктирса.

Тарафлар юқоридаги ҳолатлардан бири содир бўлишига йўл қўйган ҳолларда уларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланади. Бундай чоралар мажбуриятни бажариш ва зарарларни қоплаш, шартномадан бир томонлама бош тортиш ва зарарларни қоплаш кўринишида бўлиши мумкин.

Умумий қоида бўйича сотувчи харидорга сотилаётган товарнинг камчиликлари ҳақида огоҳлантирмоғи лозим.

Сотилган товардаги камчиликлар учун сотувчининг қай ҳолларда жавобгар бўлиши ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бозор муносабатлари тизими харидор – истеъмолчини алоҳида ҳуқуқий мақомга кўтарди. Сотилаётган товарлар сифати лозим даражада бўлиши учун сотувчи харидор олдида масъулдир. Ўзбекистан Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунларида бундай ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган.

Сотувчи сотиб олувчига сифати олди-сотди шартномасига мос келадиган товарни топшириши шарт. Бундай шартлар шартномада кўрсатилмаганида эса товар сифати белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлиши лозим. Товар намунаси бўйича ёки таърифи бўйича (реклама бўйича) сотилганда товар сифати намуна ёки таърифга мос келиши лозим.

Агарда қонунда белгиланган тартибга мувофиқ сотилаётган товар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган сотувчи харидорга ушбу мажбурий талабларга жавоб берадиган товарни топшириши шарт (масалан, полиз маҳсулотлари лаборатория текширувидан ўтган бўлиши лозим), озиқ-овқат маҳсулотлари албатта мувофиқлик сертификатиغا эга бўлиши лозим.

Товарларнинг сифати талаб даражасида бўлиши меъзонлари бўлиб товарнинг кафолат муддати ва товарнинг яроқлилиқ муддати ҳисобланади.

Товар сифатининг кафолати унинг мавжуд талабларига жавоб бериши ва оқилона муддат давомида белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлишини англатади. Умумий қоида бўйича кафолат муддати товар харидорга топширилган пайтдан ўта бошлайди. Агар харидор сотувчига боғлиқ бўлган ҳолатлар туфайли (масалан, йўриқномани ёки техник паспортни топширмагани сабабли) товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, кафолат муддати ўтиши тўхтаб туради. Товар (бутловчи буюм) алмаштирилганда кафолат муддати янгидан ўта бошлайди (ФКнинг 404-моддаси).

Қонун ҳужжатларида, шу жумладан, давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади, деб ҳисобланадиган вақт (яроқлилиқ муддати) белгиланиши мумкин.

Товарнинг яроқлилиқ муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқлилиги аниқланадиган сон билан белгиланади. Яроқлилиқ муддати тугаган товардан фойдаланиш инсон ҳаёти, соғлиғи учун хавф туғдиради. Шу сабабли ҳам бундай товарларни сотишга йўл қўйилмайди.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада товарнинг сифатини текшириш назарда тутилган бўлса, текшириш уларда белгиланган та-



лабларга мувофиқ амалга оширилиши, давлат стандартларида, техник шартларда ва ш.к.да мажбурий талаблар белгиланган бўлса, товар сифати улардаги кўрсатмаларга мувофиқ равишда текширилиши лозим. Текшириш сотувчи томонидан ҳам харидор томонидан ҳам, шунингдек, учинчи шахслар томонидан ҳам ўтказилиши мумкин, бироқ бунда текшириш шартлари ўзгармаслиги лозим.

Кўп ҳолларда товарлар сифатини текшириш махсус тузилмалар - товар-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни сертификатлаштириш, яъни уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш, гувоҳлантиришга оид фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар тизими мавжуд. Бозорга сотиш учун чиқарилган товарлар «мувофиқлик сертификати» (товарнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат), «мувофиқлик белгиси» (муайян товар аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун товарга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги)га эга эканликлари уларнинг сифати махсус текширувдан ўтганлигини билдиради. Сертификатлаштириш шарт бўлган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайди. Одатда бундай товарлар одамларнинг соғлиғи, ҳаёти, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотлар ҳисобланади. Мажбурий сертификатлаштирилиши шарт бўлган товарларни сертификатлаштириш ўтказмасдан туриб сотиш ман қилинади. Қонун ихтиёрий сертификатлаштиришни ҳам назарда тутаяди. Ҳар қандай товар тегишли талабларга мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштирилиши мумкин.

Сертификатлаштириш тизими сифатсиз товарларни сотувга чиқаришнинг олдини олувчи муҳим ташкилий-ҳуқуқий воситадир.

Агар товарнинг камчиликлари сотувчи томонидан маълум қилинмаган бўлса, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар топширган сотувчи сотиб олувчининг хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштириши;

харид нархини тегишлича қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштириши;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этиши ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатларни қоплаши;

харид нархини мутаносиб равишда камайтириши;

кўрилган зарар ўрнини қоплаши лозим (ФКнинг 434-моддаси).

Шу билан бирга, сотиб олувчи томон шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани чегириб қолишга ҳақли эмас. Харидорга сифати лозим даражада бўлмаган товар сотилганида унинг сотувчига нисбатан қандай талаблар қўйишга ҳақли эканлиги, яъни юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар альтернатив характерга эга бўлиб, харидор улардан ўзи учун маъқулини танлайди.

Харидор товардаги камчиликлар товар унга топширилгунга қадар пайдо бўлганлиги ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли вужудга келганлигини исботлаб бериши лозим.

Сотувчи товардаги нуқсон ёки камчиликлар қуйидаги ҳолатлар сабабли юз берганлигини исботлаб бера олса, жавобгарликдан озод бўлади:

сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки сақлаш қоидаларини бузганлиги сабабли;

учинчи шахслар ҳаракати туфайли;

олдини олиб бўлмайдиган куч таъсирида (ФКнинг 409-моддаси).

Қонунда топширилган товарнинг камчиликларини аниқлаш муддатлари ҳам белгилаб қўйилган. Камчилик ёки нуқсон ушбу муддатлар давомида аниқланса, харидор тегишли талаб билан сотувчига даъво қилишга ҳақли бўлади. Булар: қонунда ёки олди-сотди шартномасида белгилаб қўйилган ёхуд кафолат муддати билан ёки товарнинг яроқлилик муддати билан белгиланади.

Камчиликлар оқилона муддатда, бироқ товар сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йил давомида аниқланганида ҳам (агар юқоридаги муддатлар белгиланмаган бўлса) харидор сотувчига талаб қўйишга ҳақли.

Товарнинг камчиликлари харидор томонидан кафолат муддати ёки яроқлилик муддати тугаганидан кейин аниқланган ҳолларда, харидор бу камчиликлар товар унга топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо

бўлганлигини исбот қилиб берган ҳолларда жавобгарлик сотувчи зиммасига юкланади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Олди-сотди шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Олди-сотди шартномасининг предмети, баҳоси, муддатлари ва шакли.
3. Олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш пайти. Ашёни тасодифан нобуд бўлиши оқибатлари.
5. Сотувчининг товарни учинчи шахслар ҳуқуқидан озод ҳолда топшириш мажбурияти.
6. Олди-сотди шартномасини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги.

## **2-§. ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ**

### **2.1. Чакана савдо**

Фуқароларга савдо хизмати кўрсатишнинг асосий фуқаролик-ҳуқуқий шакли чакана олди-сотди шартномаси ҳисобланади. Чакана олди-сотди олди-сотди шартномасининг бир тури сифатида эътироф этилади. Чакана савдо муносабатларида бир томонда сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ва юридик шахслар қатнашса, иккинчи томонда истеъмолчи фуқаролар қатнашадилар.

Чакана савдо муносабатларини одатдаги оддий товар айирбошлаш ҳаракати сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу ўринда шартнома муносабатларини бошлашдан асосий мақсад фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади. Шартноманинг охир-оқибат натижаси савдо хизмати сифати бўлиб, унинг таркибига сотилаётган товарларнинг сифатигина эмас, балки яна истеъмолчига товарларни сотиб олишда маълум қулайликлар яратиш мақсадидаги кўшимча хизматлар, шунингдек юқори даражадаги хизмат кўрсатиш маданияти ҳам киради.

Юқорида айтиб ўтилганидек чакана олди-сотди шартномасида қатнашувчи тарафлар ўзига хос мақомга эга: сотувчи сифатида юри-

дик шахслар (мулк шаклидан қатъи назар) ва фуқаролар (юримдик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи) ҳамда сотиб олувчи сифатида фуқаролар - истемьмолчилар иштирок этади. «Истемьмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда истемьмолчи фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истемьмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) деб таъриф берилган. Барча ривожланган мамлакатлар фуқаролик ва савдо қонунларида истемьмолчининг алоҳида ўзига хос имтиёзли мавқеи мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу «истемьмолчи ҳар доим ҳақ» деган тамойилда ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай ишлаб чиқариш, бозор муносабатларининг пировард мақсади истемьмолчиларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилиши лозим. Истемьмолчи бўлмаса ишлаб чиқариш ҳам, бозор ҳам мавжуд бўлмайди. Бошқа томондан олганда, истемьмолчининг манфаатлари инсон манфаатларининг айнан ўзидир. Инсон – истемьмолчи фуқаро ўз ҳаётида жуда кўп ва хилма-хил товарларга ва хизматларга муҳтож. Айни вақтда, у товарларнинг барчаси ҳақида уларнинг барча тафсилотлари бўйича маълумотлар ва билимларга ҳар доим эга эмас ва зотан, бунга зарурат ҳам йўқ. Бинобарин, инсон ўзи сотиб оладиган товарларнинг хусусиятлари ҳақида махсус билимга эга эмас деб тан олинар экан (бу ҳолат ривожланган мамлакатлар қонунларида ва иш муомаласи одатларида мустаҳкамлаб қўйилган), бу ҳолда заиф томон - истемьмолчи қўшимча ҳуқуқларга эга бўлмоғи, сотувчи зиммасига эса қўшимча мажбуриятлар юкланмоғи лозим бўлади.

Чакана олди-сотди шартномасининг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири - тарафларнинг шартнома олдидан ўзаро алоқалари, мулоқотлари ва муносабатларнинг ҳуқуқий ифодаси ҳисобланади. Бу мулоқотдан асосий мақсад истемьмолчини қизиқтирувчи барча маълумотларни унга билдириш, истемьмолчининг ахборотлар олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашдир. Истемьмолчи нафақат товар ҳақида, балки ушбу товарни тайёрловчи, сотувчи ҳақида ҳам тўғри ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиши лозим.

«Истемьмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига асосан, товарни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ўз корхонасининг номи, жойлашган (юримдик) манзили ҳақида, шунингдек сотувчи иш тартиби ва савдо қоидалари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот бериши шарт. Айни вақтда ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ис-

теъмолчига ўзи реализация қилаётган товар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар кўрсатилиши шарт: товар мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг (масалан, озик-овқат маҳсулоти) ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчининг кафолат мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат ўтиши оқибатлари;

ишлаб чиқарувчининг номи, мулкчилик шакли, руйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчининг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари.

Агар товар сертификатлаштирилиши лозим бўлса, сертификатга доир маълумотлар.

Товар ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда ёки бу маълумотлар етарли даражада тўлиқ бўлмаса ва бунинг оқибатида истеъмолчи зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олишига сабаб бўлса, харидор шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олинган товар ундан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи бундай маълумотларнинг кўпи билан уч кун ичида берилишини талаб қилишга ҳақли. Агар бу шарт бажарилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини (товар учун тўланган ҳақни, товарни уйга келтириш бўйича транспорт харажатлари ва ш.к) талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчининг товар ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблари сотиб олинган товарнинг хоссалари ва жихатлари

ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас, деган қоидага асосланиб қараб чиқилади.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади (ФК 425-моддаси). Бунинг маъноси шуки, сотувчи сотиш учун таклиф этган товарни бунинг учун тегишли ҳақни тўлашга рози бўлган ҳар қандай шахс сотиб олишга ҳақли (агарда қонунга зид бўлмаса, масалан, спиртли ичимликлар ёш болаларга сотилиши мумкин эмас ва ҳ.к.).

Маълумки, сотувчи харидорларни жалб этиш учун товарларини кенг реклама қилади. Реклама қилиш сотувчи учун муайян оқибатларни вужудга келтиради. ФКнинг 426-моддасига асосан чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда, товар рекламаси, каталоглар, шунингдек товарни номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта ҳисобланади. Товарларни кўргазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар (таърифлар, каталоглар, фотосуратлар ва ҳ.к.) бериш, сотувчи товарни сотишга мўлжалланмаганлигини аниқ белгилаган ҳоллардан ташқари, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган, кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта ҳисобланади. Бинобарин, сотувчи пештахтага (витринага) қўйилган товарни сотишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Харидор чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни талаб қилишга ҳақли. Айни вақтда, харидор товарнинг сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга. Сотувчи бунинг учун назорат ўлчов асбоблари, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Тузилган захоти бажариладиган чакана олди-сотди шартномаси, қоида тариқасида оғзаки тузилади (қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно). Тузилган вақтдан бошлаб (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма-савдо ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади (Қонуннинг 8-моддаси).

Олди-сотди амалга оширилганда, истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чеки бермасдан сотиш тақиқланади (Қонуннинг 1-моддаси).

Чакана олди-сотди шартномасининг хусусиятларидан бири шуки, истеъмолчи ўзи танлаган товарни сотиб олишдан унинг ҳақини тўлагунга қадар хоҳлаган вақтда воз кечишга ҳақли. Хатто товар учун ҳақ тўланиб, товар мақбул сифатли бўлса (камчилик ва нуксонлари йўқ бўлса) ҳам, бироқ товар ўзининг шакли, фасони, ранги, хажми ёки бошқа сабабларга кўра истеъмолчига ёқмаса ёки истеъмолчи ундан фойдалана олмаса, харидор харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида сотувчидан уни айти шундай товарга алмаштириб олишга, агар бундай товар бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Товарни бундай тартибда алмаштиришда унинг товар кўриниши, сифати, пломбаси, фабрика ёрлиғи бус-бутун бўлиши, касса (товар) чеки ҳам сақланган бўлиши шарт. Озиқ-овқат маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, дори-дармонлар, ички кийимлар, пайпоқлар, чойшаб-ёстик жилдлари алмаштириб берилмайди.

Қонун истеъмолчини сифатсиз товар сотиб олишга ёки бир товарга бошқа товарни кўшиб сотиб олишга мажбурлашни тақиқлайди. Бошқача айтганда, шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонунга зид бўлган талаблари ҳақиқий ҳисобланмайди (Қонуннинг 2-моддаси).

Сотувчи томонидан истеъмолчига сифати лозим даражада бўлган товар топширилиши шарт. Товарни ишлаб чиқарувчи ушбу товарнинг яроқлилик муддати давомида фойдаланиш имкониятини таъминлаши лозим.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида товарнинг таъмирланиши, унга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиши лозим.

ФКда ҳам, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунда ҳам истеъмолчига сифати лозим даражада бўлмаган товар сотилиши оқибатлари ва бунинг учун сотувчининг жавобгарлиги аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Бундай ҳолатда сотувчи билан биргаликда товарни ишлаб чиқарган корхона ҳам солидар жавобгар бўлади. Истеъмолчи ўзига қулай бўлишига қараб, сотувчига ёки корхонага ўз талабларини қўя олади.

Харидорга сифати лозим даражада бўлмаган товар сотилганда сотиб олувчининг ҳуқуқлари олди-сотди шартномаси ҳақидаги параграфда баён қилинган. Бунга қўшимча равишда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) товарнинг хавфсиз бўлиши учун ҳам масъулдир. Ишлаб чиқарувчи товар хизмат муддати ёки яроқлилик муддати давомида, агарда бундай муддат белгиланма-

ган бўлса, товар истеъмолчига сотилган кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт. Товар тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ёки бошқа нуқсонларни, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган воситалар қўлланиши оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қопланиши лозим.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарарни, уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди. Маънавий зарар мулкӣ зарардан қатъи назар, қопланиши лозим. Масалан, Д. исмли фуқаро скрипка сотиб олди. Скрипканинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги сабабли Д. иштирок этган халқаро конкурсда муваффақиятсизликка учради. Бинобарин, Д.га ўзига хос маънавий зарар етди. Д.нинг талаби билан суд мусиқа асбоблари сотувчи фирмадан Д. фойдасига маънавий зарар учун маълум пул суммаси ундириш ҳақида адолатли ва қонуний қарор чиқарди.

Чакана олди-сотди шартномасининг турларига товарларни насияга сотиш, аввалдан буюртма бўйича сотиш, товарни намуна бўйича сотиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш савдоси, автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотиш ва ш.к. киради.

Товарлар насияга сотилганда харидор доимий, барқарор ва белгилаб қўйилган суммадан кам бўлмаган даромад манбаига эга бўлиши шарт. Товар ҳақини белгиланган муддатларда тўламаган сотиб олувчи мулкӣ жавобгар бўлади. Харидор сотувчи билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилгунга қадар ўз доимий яшаш жойини ўзгартирса, бу ҳақда сотувчини огоҳлантириши лозим.

Аввалдан буюртма бериш бўйича олди-сотди озиқ-овқат товарларига, шунингдек транспорт воситаларининг олди-сотдисидида қўлланилади. Буюртма берган харидор кейинчалик буюртмани бекор қилганда сотувчига тегишли зиёнларни тўлаши лозим. Буюртма оғзаки (асосан, озиқ-овқат товарларига), ёзма булиши мумкин. Шартномада белгиланган муддатда харидорнинг товарни қдбул қилиб олиш учун келмаслиги ёки бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширмаслиги шартномадан бир томонлама воз кечиш деб қаралиши мумкин.

Товар автоматдан фойдаланиб сотилган ҳолларда автомат эгаси сотувчининг номи (фирма номи), у жойлашган манзил, иш тартиби, шунингдек харидорнинг товарни олиш учун амалга ошириши зарур



бўлган ҳаракатлари ҳақида маълумотларни автоматга жойлаштириши ёки бошқача усулда харидорга тақдим этиши лозим. Бундан асосий мақсад харидор сотувчининг кимлигини аниқ билиши ва зарур ҳолларда унга талаб қўя олишини таъминлашдир.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш савдосида товар харидор томонидан танланиб, савдо дўкони идишига (аравачасига) солинади. Харидор пулини тўлагандан кейин унда мулк ҳуқуқи вужудга келади. Савдо дукони ходимлари харидорларнинг шахсий буюмларини текширишга, бундай буюмларни савдо залига киришда қолдириб кетишни талаб қилишга ҳақли эмас. (Харидор ўз хоҳишига кўра қолдирганда, сотувчи унинг сақланиши учун жавобгардир).

## **2.2. Ким ошди савдоси, товар биржаларида савдо-сотик шартномалари**

Товар мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот ким ошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ким ошди савдосининг ташкилотчиси суд қарорларини ижро этиш учун (мусодара қилинган, мажбурий тартибда ҳақ ундиришга қаратилган ашёларга, гаров ашёлари ва ҳ.к) ҳам ким ошди савдоси ташкил этади.

Ким ошди савдоси бўйича ихтисослашган ташкилот товар мулкдори (мулкый ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради, улар номидан ёхуд ўз номидан ҳаракат қилади.

Ким ошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади. Ким ошди савдосининг шакли, агарда қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулк ёхуд мулкый ҳуқуқ эгаси томонидан белгиланади.

Харидор сифатида фақат бир иштирокчи қатнашган аукцион ёки танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Аукционлар ва танловлар очик ёки ёпик бўлиши мумкин.

Очик аукцион ёки танловда ҳамма қатнашиши мумкин.

Ёпик аукцион ва ёпик танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ташкилотчи ким ошди савдоси ўтказилиши ҳақида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда ким ошди савдосининг жойи, вақти ва шакли, ким ошди савдосига нима қўйилгани, шу жумладан, ким ошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тартиби, бошланғич нарх ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиши шарт.

Умумий қоидага кўра, ким ошди савдоси ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтда, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин бош тортишга ҳақли.

Ким ошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан бош тортиш ҳақида муддатларга риюя қилмаган ҳолларда иштирокчиларнинг ҳақиқий (реал) кўрган зарарини тўлаши лозим.

Ёпиқ аукцион ёки ёпиқ танловда ташкилотчи ким ошди савдосидан қайси муддатда бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши лозим.

Ким ошди савдосининг қатнашчилари ким ошди савдоси ҳақида хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закат пули тўлайдилар. Ким ошди савдосида қатнашган, лекин ғолиб чиқмаган иштирокчиларга закат пули қайтарилади. Ғолиб чиққан шахснинг пули товар баҳоси учун тўланадиган ҳақ тартибига киритилади.

Ким ошди савдосида энг юқори нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб ҳисобланади ва у билан олди-сотди шартномаси тузилади. Ғолиб билан ташкилотчи ўртасида ким ошди савдоси натижалари ҳақида баённома имзоланади. Агар ғолиб баённомани имзолашдан бош тортса, берган закатидан маҳрум бўлади. Агар ташкилотчи баённомани имзолашдан бош тортса, закат суммасини икки баробар қилиб қайтаради.

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Масалан, ким ошди савдоси ҳақида нотўғри маълумот берилса ёки қатнашчилар олдиндан тил бириктириб олган бўлсалар ва ҳ.к. Ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ғолиб билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади (ФКнинг 381-моддаси).

Биржалар ҳам олди-сотди шартномаларини тузадиган махсус тузилма ҳисобланади.

Фонд биржаларида қимматли қоғозлар олди-сотдиси амалга оширилади. Фонд биржаларининг фаолияти «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Товар биржаларида эса мол-мулк сотилади. Биржаларда олди-сотди шартномаларининг хусусиятлари, энг аввало, биржа фаолиятининг ўзига хосликлари билан белгиланади (ким ошди савдоси, битимларни маклер ёзувлар орқали расмийлаштиради, биржа сотишга қўйиладиган мол-мулклар савдоси ва ҳ.к).

Биржаларга олди-сотди шартномаларига нисбатан ФКнинг тегишли нормалари, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонун қўлланилади.

Муайян биржада тақдим этилган товарлар олди-сотдиси бўйича биржа воситачилари ўртасида тузилган биржа савдо-сотиғи қоидаларига мувофиқ амалга оширилган ва белгиланган тартибда биржа рўйхатидан ўтган битимлар, суммасидан қатъи назар, нотариал идорадан тасдиқланмайди (кўчмас мол-мулк корхоналар олди-сотдиси бундан мустасно). Биржа битимининг мазмуни (товарнинг номи, нархи, ижро ўрни ва муддатидан бўлак) ошкор этилиши мумкин эмас.

Битимларда:

бор (мавжуд) товарларнинг олди-сотди битимлари, шу жумладан, товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар топширишни ҳам кўзда тутовчи олди-сотди битимлари;

форвард битимлар, яъни бор (мавжуд) товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир битимлар;

фьючерс битимлар, яъни стандарт контрактларга доир битимлар;

опцион битимлар, яъни товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари ва ш.к. тузиш мумкин. Форвард, фьючерс, опцион битимлар тузилганда биржа ўзининг ҳисоб-китоб марказлари орқали битимлар ижросини кафолатлаши шарт.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Чакана олди-сотди шартномасини тузиш тартиби ва шакли.
3. Чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Чакана олди-сотди шартномасининг турлари.
5. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.

### 3-§. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

**Маҳсулот етказиб бериш тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.** Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 437-моддаси).

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси товарлар олди-сотдиси бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўртасида қўлланадиган ва энг кўп амалиётда учрайдиган шартномалардан биридир. Ушбу шартнома моддий неъматларни бир шахсдан бошқа шахсга ўтишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий муносабатларни ривожланишига олиб келади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномасининг алоҳида тури бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>. Ушбу шартномани айрим ҳолларда тадбиркорлик ёки савдо олди-сотдиси деб аташади. Агар тарихга назар ташласак собиқ иттифоқ даврида маҳсулот етказиб бериш шартномаси ўрнини унинг бир кўриниши бўлмиш товарларни давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш шартномаси тўлиқ эгаллаб, уни сиқиб қўйган эди. Чунки ўша даврдаги режали иқтисодни юритиш учун давлатнинг олди-сотдига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга аралашуви оддий ҳол эди. Шартнома тарафларининг тенг эмаслиги ва шартномаларни олдиндан белгиланган тартибда режа асосида тузилиши хусусий ҳуқуқнинг асосий тамойилларига тўғри келмасди.

Ўзбекистон Республикаси ўзини мустақил давлат деб эълон қилди ҳамда демократик ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилди. Мулк шакллари ўзгарди, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг тадбиркорлик

<sup>1</sup> Ушбу қоида бундан ярим аср олдин А.В.Венедиктов томонидан илгари сурилган чунки ўша давр қонунчилигида бунга етарлича асос яратилмагандай эди О.С. Иоффе эса аксинча маҳсулот етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномаси билан бир қаторда мулкни ҳақ эвазига реализация қилишга оид мажбуриятларнинг бир қисми эканлигини таъкидлайди. Ҳозирги қонунчилигимиз ушбу юқорида келтирилган иккала ҳолатни ўзида мужассамлаган. Буни эса, ҳозирда олди-сотди шартномаси ҳақ эвазига мулкни мулк қилиб топшириш мажбуриятининг синоними дейилишида кўришимиз мумкин.

фаолияти билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратилди. Ушбу ўзгаришлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган субъектларнинг шартнома тузиш эркинлиги, тарафларнинг тенглиги, қонун устуворлиги каби тамойилларини амалда таъминланишига олиб келди. Жумладан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳам бундай ўзгаришлардан сўнг ўзини хусусий ҳуқуқнинг нормал шартномалари қаторига кириб, олди-сотди шартномаларига хос хусусиятларини шакллантирди.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси улгуржи олди-сотди шартномаси туркумига киради. Шунингдек маҳсулот етказиб бериш шартномаси хўжалик шартномаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ҳуқуқий белгилари.** Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ҳуқуқий белгилари олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий белгиларига ўхшаш. Жумладан унинг **биринчи ҳуқуқий белгиси** шартнома икки томонламалиги. Яъни шартномада иштирок этаётган иккала тарафда ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият юзага келади. **Иккинчи ҳуқуқий белгиси** шартнома ҳақ бараварига тузилиб, яъни етказиб берилган маҳсулот учун маҳсулот етказиб берувчига ҳақ тўланади. **Учинчи ҳуқуқий белгиси** консенсуал шартномалар турига кириши. Яъни, маҳсулот етказиб бериш ҳақида тарафлар келишган ва улар ўртасидаги ушбу келишув қонун билан белгиланган тартибда ва шаклда расмийлаштирилган пайтдан шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

**Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:**

1. Шартнома предметига бўлган товар билан бирга унга бўлган мулкӣ ҳуқуқ ҳам сотувчи (маҳсулот етказиб берувчи)дан сотиб олувчига ўтади.

2. Шартнома субъектлари фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар (юрӣдик шахс тузмасдан тадбиркорлик лицензия асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмонӣ шахслар ва юрӣдик шахслар) бўлиши мумкинлиги.

3. Шартнома сотувчи томонидан ишлаб чиқариладиган ёки сотиб олинладиган товарлар юзасидан тузилиши.

4. Шартномада тарафлар ўртасидаги муносабатлар одатда бир йил, ундан узоқроқ муддатга ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган муддатлар ичида давом этиши мумкин. Олди-сотди

---

<sup>1</sup> Ушбу шартнома хўжалик шартномаси ҳисобланганлиги туфайли бу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юрӣтувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

шартномасидан фарқли равишда бу шартномада шартномавий алоқалар кўп мартали ва узок муддатли ҳисобланади. Чунки маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарни жўнатиш кўп марта амалга оширилади ва бу жараён олдиндан белгилаб олинган жадваллар асосида амалга оширилади. Олди-сотди шартномасида эса сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириши билан шартномавий алоқалар барҳам топади.

5. Шартнома предмети сотувчи томонидан фақат тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олувчига топширилишидиган товарлар ҳисобланади.

**Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг элементлари. Шартнома тарафлари.** Шартномада сотувчи сифатида **маҳсулот етказиб берувчи** намоён бўлади. Маҳсулот етказиб берувчи – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган товар ишлаб чиқарувчи ёхуд товарларни сотиб олиб уни сотиб олувчига сотувчи (жисмоний ёки юридик) шахс.

**Сотиб олувчи** - фақат тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар мулк қилиб олувчи шахс (жисмоний шахс, юридик шахс ва давлат).

**Шартнома предмети** – муомаладан чиқарилмаган ҳар қандай ашёлар шартнома предмети бўла олади. Улар аксарият ҳолларда турига хос аломатлари билан белгиланади. Аммо қонун хусусий аломатларга эга бўлган ашёларни шартнома предмети бўлишига тўсқинлик қилмайди. Кўпинча шартнома тузиш вақтида маҳсулот етказиб берувчи ушбу товарга эга бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 437-моддасида шартнома предметини маҳсулот етказиб берувчи ишлаб чиқарадиган ёки сотиб оладиган товарлар ташкил қилиши айтиб ўтилган. Аммо ушбу қоидага жуда ҳам жиддий қарамаслик лозим. Чунки бизга маълумки маҳсулот етказиб берувчига қонунда назарда тутилган бошқа йўллар орқали (маҳсулотни қайта ишлаш, юридик шахсни қайта ташкил қилинаётганда ҳуқуқий ворислик асосида ва бошқалар) ҳам мулкий ҳуқуқлар ўтиши мумкин. Шунингдек, товарга нисбатан мулкий (ва бошқа ашёвий) ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ҳам ушбу шартномада маҳсулот ет-

казиб берувчи сифатида қатнашиши мумкин. Мисол учун насияга олинган товарлар олди-сотисида.

**Шартнома баҳоси.** Шартнома баҳосига доир алоҳида қоида қонунлар билан белгиланмаган. Шартнома предмети - товар баҳосини белгилашда тарафлар эркин бўлиб, шартнома баҳоси тарафлар ўзаро келишуви асосида, товарнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Олди-сотди шартномаларига оид умумий қоидаларга кўра баҳо шартноманинг муҳим белгиси ҳисобланмайди. Товар баҳоси тарафлар ўзаро келишувига кўра шартномада аниқ қиймат мисолида кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, товар етказилиб берилаётган даврдаги бозор нархини назарда тутиши мумкин. Аммо айрим турдаги **товарларнинг нархлари давлат томонидан қатъий қилиб белгиланиб қўйилиши ва тартибга солиб турилиши** мумкин.

**Шартноманинг муддати.** Шартнома муддати унинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Барча олди-сотди шартномалари каби маҳсулот етказиб бериш шартномасида ҳам шартнома шартларини аниқ бажарилиши учун тарафлар шартнома муддатларини аниқ келишиб олишлари шарт. Албатта шартнома муддати деганда унинг амал қилиш муддатига биринчи навбатда тўхталиш керак бўлади. Шунингдек, маҳсулот етказиб бериш шартномаси хусусиятидан келиб чиқиб, унда оралиқ ва шартноманинг муҳим мажбуриятларини белгилаб қўйилиши учун ишлатиладиган муддатлар мавжуд бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, маҳсулот етказиб бериш шартномаси узок муддатли шартномалардан биридир. Умумий қоидага кўра шартнома асосан бир йилгача бўлган муддатга ёки бир йилдан ортиқ муддатга ёинки тарафлар ўзаро келишувига биноан бошқа муддатга тузилиши мумкин. Шартнома муддати шартноманинг муҳим шартларидан бири бўлганлиги туфайли қонуншунос агарда шартномада тарафлар томонидан муддат масаласи ҳал қилинмай қолдирилган бўса, ушбу шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланиши тўғрисидаги қоидани белгилаб қўйди.

Агар узок муддатли шартномада етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгаланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишлича бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Узоқ муддатли шартнома тарафларидан бири етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорини ёки шартноманинг бошқа шартларини кейинги даврлар учун шартномада белгиланган тартибда келишиб олишни рад қилган ёки ундан бош тортган тақдирда бошқа тараф тегишли даврларда товарларни етказиб бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ёхуд шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (ФК 438-модда).

**Шартноманинг шакли ва тузиш тартиби.** Маҳсулот етказиб бериш шартномасини шакли ва тузиш тартибига доир масала ФКда унинг ўзига хос хусусиятини инобатга олган ҳолда атрофлича очиқ берилган.

Аксарият ҳолларда ушбу шартнома ёзма шаклда тузилади. Аммо шартномалар шаклига нисбатан ўрнатилган умумий қоидалардан келиб чиқиб, маҳсулот етказиб бериш шартномаси оғзаки шаклда тузилиши ҳам мумкин. Унинг фақат ёзма шаклда тузилиши шарт деб белгиланиши нотўғри бўлади. Мисол учун шартнома агарда минимал ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам суммага тузилса ҳамда шартнома тарафлари юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бўлса улар ўртасидаги шартнома оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Бунда ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмаган бўлади. Амалиётда бунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Улгуржи савдо бозорларида савдо қилаётган сотувчи-тадбиркорлар сотиб олувчи-тадбиркорларга аҳолига дўконлари орқали сотишлари учун товарлари сотганда оғзаки шаклда шартнома тузилишини кўп учратганмиз. Аммо хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида ФКда 439-моддаси ўрнатилган бўлиб, унинг талаблари ушбу шартномани ёзма шаклда тузилиш тартибини белгилайди. Бу талаблар тарафлар шартномани ёзма шаклда тузиш учун келишганда ва шартнома шартларига нисбатан ўрталигида келишмовчиликлар юзага келганда амал қилади. Жумладан, оферент юборган шартнома лойҳасининг акцептини эмас, балки қарши офертани олганда 30 кунлик муддатда шартнома шартларини келишиш чораларини кўриши (имконият бўлса, бошқа тараф билан биргаликда) ёки шартнома тузишни рад этишини бошқа тарафга ёзма равишда билдириши лозим бўлади. Албатта бундай 30 кунлик муддат оферент илк бор юборган шартнома лойҳасини олган акцептантга ҳам берилади. У ўзининг эътирозларини оферентга ёзма шаклда келишмовчиликлар баённомасини тузган ҳолда ёки шартноманинг бошқа вариантини юбориши керак бўлади.



ФКнинг 439-моддасида ишбилармонликнинг энг улуғ қоидалари ва этикасини кузатиш мумкин. Яъни, маҳсулот етказиб бериш шартномаши шартлари бўйича келишмовчиликлар баённомасини олган, бироқ шартнома шартларини келишиш чораларини кўрмаган ва шартнома тузишни рад этишни 30 кунлик муддатда бошқа тарафга маълум қилмаган тараф шартнома шартларини келишиб олишдан бош тортиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади. ***Culpa in contrahendo*** (сўзма сўз таржима қилганда: шартнома тузиш жараёнидаги айб) деб номланган бу ҳолат шартномадан ташқари зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар (делект)га мисол бўла олади.

**Шартноманинг мазмуни.** Маълумки, шартномаларнинг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. **Сотувчининг мажбуриятларига** сотиб олувчига товарларни тўлиқ барча керакли жиҳозлари ва ҳужжатлари билан келишилган миқдорда, ассортиментда ва комплектда, белгиланган сифатдаги, ўрамдаги ва турдаги шунингдек учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан холи ҳолда топшириши киради. Сотувчининг бундай мажбуриятлари олди-сотди шартномаларига нисбатан ФКнинг 29-бобини 1-§ талабларига риоя қилиши жумладан, 398, 400, 402, 403, 414-моддалари талабларига кўра амалга ошириши талаб этилади. Шунингдек, тарафлар келишувига мувофиқ 423-модда талабларига кўра товарни суғурталаниши сотувчи зиммасига юкланиши ҳам мумкин.

Товарни сотиб олувчига етказиб бериш мажбурияти товарни сотиб олувчига (ёки шартномада у кўрсатган қабул қилиб олувчи учинчи шахсга) ортиб юбориш орқали амалга оширилади. ФКнинг 440, 441 ва 442-моддалари мазмунидан маҳсулотни етказиб бериш сотувчининг зиммасида эканлиги анлашилади. Шундай экан бундан келиб чиқиб агар товарни етказиб берилиши ҳақида шартномада ҳеч қандай шартлар белгиланмаган бўлса товарни етказиб бериш мажбурияти сотувчи зиммасида бўлади.

Маҳсулот етказиб берувчи шартномада белгиланган шартларга мувофиқ етказиб бериши лозим. Жумладан, товарларни бирданига ҳаммасини етказиб бериш мажбурияти юклатилган бўлса, уларни шартномада белгиланган вақтда, унинг сифатига, ассортиментига ва бошқа товарга нисбатан белгиланган талабларга жавоб берадиганини сотиб олувчига етказиб беради.

Агар тарафлар товарларни шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум қилиб етказиб беришни назарда тутган

бўлсалар ва унда алоҳида туркумларни етказиб бериш муддатлари (етказиб бериш даврлари) белгиланган бўлса ушбу белгиланган муддатлар етазиб бериши шарт. Агарда бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарлар ҳар ойда бир хил туркумларда етказиб берилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу муносабатни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларида ҳамда мажбуриятнинг ўзига хос моҳияти ва мазмуни ёки иш муомаласи одатлари бошқача тартибни назарда тутмаган бўлса юқоридаги муддатларда, назарда тутилган бўлса ушбу шартларга асосан амалга оширилиши керак.

Шартномада маҳсулот етказиб бериш даврларини белгилаш билан бир қаторда товарларни етказиб бериш (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳоказо) жадвали ҳам белгиланиши мумкин. Бундай жадвалларни белгиланиши жуда муҳим сабаби ушбу шартнома товарлар олди-сотдисини таъминловчи асосий хўжалик шартномаси бўлгани туфайли унинг қанчалик аниқлик билан тузилса, мажбуриятлар аниқ белгиланса шартнома юзасидан тушунмовчиликлар бўлмаса товарларнинг савдо айланмаси шунчалик тез бўлади натижада барча фақат фойда кўради.

Товарлар шартномада белгиланган муддатдан олдин етказиб берилишига фақат сотиб олувчининг розилиги билангина йўл қўйилади. Бунга сабаб маҳсулот етказиб берилганда уни сақлаш, реализация қилиш тегишли тайёргарликни ва харажатларни талаб қилади. Товар муддатидан илгари етказиб берилиши сотиб олувчига турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун сақлаш учун жойи ва имконияти бўлмаслиги мумкин. Шунингдек юқорида айтганимиздек сотиб олувчи рози бўлса, яъни унга товарларни муддатидан олдин етказиб берилиши ҳеч қандай муаммоларни юзага келтирмаса, балки аксинча жуда харидоргир товар бўлса уни қабул қилишга ҳеч иккиланмайди. Муддатидан олдин етказиб берилган ва сотиб олувчи томонидан қабул қилинган товарлар кейинги даврда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

Шартномада товарларни етказиб бериш тартибини келишиб олиниши жуда муҳим. Аксарият ҳолларда бундай мажбурият маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юклатилади. Товарларни етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни шартнома бўйича сотиб олувчига ёки шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида сотиб олувчининг сотувчига кўрсатмалар бериш

хукуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатади (топширади). Жўнатиш разнарядкаси – маҳсулот етказиб берувчига ёзма шаклда сотиб олувчи томонидан белгиланган шахсларга топшириш учун етказиб берилиши керак бўлган товарларни бир йўла ёки белгиланган график асосида ортиб юбориш (жўнатиш) ёки топшириш бўйича кўрсатмасини мужассамлайди. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот етказиб берувчига ҳам қулайликларни келтириб чиқаради. Жумладан, маҳсулот етказиб берувчи товарларни аниқ, ўз вақтида етказиб бериши белгиланса бошқа томондан қулайлиги ўз ишини тартибли олиб боришга асос бўлади. Бу эса, бир йўла бир неча мижоз буюртмасини вақт ва транспорт харажатларини камроқ қилган ҳолда етказиб берилишига олиб келади. Шунингдек, шартнома шартларига риоя қилиниши таъминланади ва бир қаторда товарни етказиб берилганлик учун қўшиладиган қиймати камайиши ҳисобига товарларни тан нархини ҳам камайишига олиб келади.

Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва муддати маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланади. Айрим ҳолларда жўнатиш разнарядкасини юбориш муддати шартномада назарда тутилмаслиги ҳам мумкин<sup>1</sup>. Бунга сабаб шартнома консенсуал характерда бўлганлиги туфайли ва шартнома характеридан келиб чиқиб сотиб олувчи ушбу муддатни аниқ белгилашга иккиланиши мумкин. Бундай ҳолларда сотиб олувчи зиммасига маҳсулот етказиб берувчини маҳсулот етказиб бериш даври бошланишидан камида 30 кун олдин жўнатиш разнарядкасининг аниқ муддатларни маълум қилиши яъни юбориши лозим бўлади.

Сотиб олувчининг белгиланган муддатда жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслиги маҳсулот етказиб берувчига ё маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тортиш, ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш хукуқини беради. Бундан ташқари маҳсулот етказиб берувчи жўнатиш разнарядкасини тақдим қилмаслик туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли (ФК 441-модда).

Товарларни олиб бориб бериш етказиб берувчи томонидан уларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган транспортда ва унда белгиланган шартларда жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Маҳсулот етказиб бериш шартномаси товарларни туркум-туркум қилиб етказиб бериш шarti билан бир ойдан кам муддатга тузилган бўлса товарларни шартномада тарафларнинг келишувига кўра, агар бундай келишув бўлмаса бундай муддатлар иш муомаласи одатларига кўра белгиланиши керак бўлади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни қай йўл билан етказиб берилиши жуда муҳим. Сабаби юқорида айтганимиздек, олиб бориб бериш қайси транспорт турида (ҳаво, сув тарспортида ҳамда темир йўл ёки авто йўллар транспортида) ёки қандай шартларда амалга оширилиши амалда тарафларнинг тортишувининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Чунки у маҳсулотнинг тан нархига таъсир кўрсатади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарларни етказиб берувчидан (унинг маҳсулотлари сақланадиган омборидан ёки бошқа жойдан) олиб кетишни сотиб олувчи ўзининг бунга имконияти мавжудлиги ва товар тан нархини камайтириш мақсадида ҳамда бошқа ўзига фойдали томонини кўзлаб ўз зиммасига олиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам маҳсулот етказиб берувчи қайси вақтда шартнома шартларида белгиланган ассортиментдаги ва сифатдаги товарларни қандай ўрам ва шаклларда сотиб олувчига олиб кетиши учун топшириши ҳақида алоҳида разнорядкада белгилаб қўйиши ва товарнинг юк хатини тақдим этиши лозим бўлади.

Аммо айрим ҳолларда шартноманинг бундай шартлари белгиланмасдан қолиши мумкин, унда олиб бориб берувчи транспорт турини мустақил танлаб, товарни олиб бориб бериш шартларини ҳам мустақил белгилаб етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлади. Маҳсулот етказиб берувчининг бундай ҳуқуқи қонун ҳужжатларида, мажбуриятнинг моҳияти ёки иш муомаласи одатларида бошқача тартиб англашилмаса йўл қўйилади. (ФК 442-модда).

Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига шартномада белгиланган миқдордаги товарларни етказиб бериши шарт. Товар миқдорини аниқлаш усуллари олди-сотди шартномасига нисбатан ўрнатилган умумий қоидалар билан деярли бир хил. Аммо маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарнинг миқдорини аниқ шартномада белгиланганидек етказилишини таъминлаш қоидаларидан четга чиқиш мумкин. Яъни маҳсулотни етказиб берилиши ҳолатидан келиб чиқиб унинг миқдори аниқланиши мумкин. Мисол учун қопланмаган (50 ёки 100 кг.дан алоҳида қопларга солинмаган яъни расфасофка қилинмаган) 10 тонна цемент ёки 1 цистерна ўсимлик ёғини етказиб берилётганда плюс-минус 0,1% дан 5% гача кам ёки кўп етказиб берилиши мумкин.

Товар етказиб беришнинг айрим даврида уни тўлиқ етказиб бермаган товар етказиб берувчи, агар товар етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказиб берилмаган

товарлар миқдорини шартнома амал қилиш муддати доирасидаги кейинги даврда (даврларда) тўлдириши лозим бўлади.

Узоқ муддатли шартномага мувофиқ товар етказиб беришнинг айрим даврида маҳсулот етказиб берувчи томонидан тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрни, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарлар тўлиқ етказиб берилмаган йилнинг кейинги даврида (даврларида) тўлдирилиши лозим.

Товарлар маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган бир неча олувчига жўнатилган тақдирда бир олувчига шартномада ёки жўнатиш разнарядкасида назарда тутилганидан ортиқ миқдорда етказиб берилган товарлар бошқа олувчиларга тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини қоплаш учун ҳисобга олинмайди ва агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар етказиб берувчи томонидан тўлдирилиши лозим. (ФКнинг 443-м).

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган миқдордан кам ёки тўлиқ бўлмаган товарлар етказиб берилганда тарафларнинг ўзаро келишувига кўра унинг ассортименти кўриб чиқилади. Сотиб олувчининг ихтиёрига кўра ва маҳсулот етказиб берувчининг таклифига биноан унинг имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланиши мумкин. Агар тарафлар ўзаро келиша олмасалар маҳсулот етказиб берувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлиқ етказиб бермасликка йўл қўйилган давр учун белгиланган ассортиментда тўлдиришга мажбур бўлади.

Бир номдаги товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилгандан кўпроқ миқдорда етказиб бериш шу ассортиментга кирадиган бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олинмайди ва унинг ўрни тўлдирилиши лозим, бундай етказиб бериш сотиб олувчининг олдиндан берган ёзма розилиги билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно. (ФКнинг 445-мода).

**Сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Шартномага берилган таърифни таҳлил этиб, сотиб олувчи унга етказиб берилаётган товар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлишини талаб этишга ҳақлидир. Бундай сотувчи зиммасидаги мажбурият ушбу шартномада маҳсулот етказиб берувчи сифатида қатнашувчи тарафнинг аввало тадбиркорлик субъекти бўлиши ва айниқса ушбу фаолият билан шуғулланиш учун ваколатли бўлиши (улгуржи

савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши) талаб этилганлиги сабабдир. Товарлар сотиб олувчига вақтида етказилиши шарт. Агар товарнинг етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган бўлса, сотиб олувчи ушбу товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли бўлади. Товарларни қабул қилишни рад этишнинг ҳам ўзига хос тартиби мавжуд. Рад этиш билдириш хатини топшириш орқали амалга оширилади. Яъни сотиб олувчи товар етказиб берувчини товарларни қабул қилмаслиги ҳақида ёзма ҳолда хабардор қилиши талаб этилади. Билдириш хати икки нусхада тузилиб, биттаси маҳсулот етказиб берувчига берилади. Иккинчиси эса ушбу билдириш хатини топширилганлигини тасдиқлаш учун сотиб олувчида сақланади. Маҳсулот етказиб берувчи билдириш хати орқали хабардор қилингунига қадар етказиб берган товарларини сотиб олувчи қабул қилишини ва уларни ҳақини тўлашини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган товар ҳақини тўлашдан бош тортиши ёки тўлашни кечиктиришига қонун йўл қўйилмайди. Бу борада ушбу норма диспозитивлигини этиборда тутиш лозим. Яъни шартномада бошқача тартиб назарда тутилиши ҳам мумкин. Жумладан, шартномада товарларни жўнатиш разнорядкаси бўйича шартнома шартларини аниқ бажарилиши юзасидан қатъий шартлар белгилаб қўйилган бўлса, товарни қабул қилишни рад эта олмайди. Рад этган тақдирда маҳсулот етказиб берувчи кўрган барча зарарларни қоплаши шарт бўлади.

Шу боис сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Жумладан етказиб берилган товарларни тез ва сифатли қабул қилиш учун шароитларни яратиш қўйиши. Товарни туриб қолмаслигини таъминлаши шарт. Етказиб берилган товарни текшириб унинг сифатини аниқлашни ҳам шу турдаги товарларни аниқлаш ва сифатини текшириш учун одатда кетадиган вақтдан ўтиб кетмаслигини таъминлаши керак. Албатта бундай талабларни барчасини қонунда акс эттирилиши жуда қийин шу боис бундай талаблар тўғри бажарилганини ёки бажарилмаганини аниқлаш сотиб олувчи (олувчи) томонидан қабул қилинган (ёки қабул қилиниши керак бўлган) товарларни қонун ҳужжатларида (ФКда, алоҳида қабул қилинган қонунларда, ВМнинг қарорларида шунингдек турли низомларда), маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддат (ёки маддатлар)да кўздан кечириши талаб этилади. Ушбу кўздан кечириш натижасида товарлар миқдори ва сифати юзасидан аниқланган номувофиқликлари ва камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Дарҳол деган сўзни изоҳлаганда

шунингдек, олиш керакки, сотиб олувчи ўзининг максимал имкониятларини ишлатган ҳолда ўта масъулиятлилик билан бунга ёндашиб, имкони борича қисқа муддатда ёзма (факс, интернет, телеграмма ҳамда почта орқали) ёки зарурат тақозо этса оғзаки (телефон орқали шунингдек модемограмма) шаклда зарур маълумотни тақдим этиши англашилади.

Етказиб берилган товарлар транспорт ташкилотидан олинган тақдирда сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг транспорт ва юк ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириши, шунингдек бу товарларни транспорт ташкилотидан белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қабул қилиши лозим. Транспорт ташкилоти етказиб берилган товарга қўйилган талаблар (товар сифати, тури ва ассортиментини ҳамда ишлаб чиқариш браки) учун жавоб бермаганлиги боис, сотиб олувчи маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи унга топшириш учун юборган товарларни сақлаш учун масъул бўлмайди. Чунки унинг мажбурияти фақат товарларни унга қандай топширилган бўлса шундай топширишдан иборат. Сотиб олувчи унга етказиб берилган товарларни қабул қилишни рад этган тақдирда ушбу товарларнинг токи маҳсулот етказиб берувчи олиб кетмагунга (ёки олиб кетиш чорасини кўрмагунга) қадар бут сақланишини таъминлаши (масъулиятли сақлаш) шарт бўлади. Товарлар юзасидан эътирозни ва нима сабабдан товар рад этилаётганини дарҳол маҳсулот етказиб берувчи хабардор бўлиши юзасидан барча чораларни кўриши шарт бўлади.

Маҳсулот етказиб берувчи бундай хабарни олганидан сўнг сотиб олувчи томонидан масъулиятли сақлашга олинган товарни зудлик билан олиб чиқиб кетиши чорасини кўриши ёки сотиб олувчининг огоҳлантирган ҳолда ва барча зарарларни қоплаган ҳолда, оқилона муддат ичида ушбу товарни тасарруф этиши шарт бўлади. Агар маҳсулот етказиб берувчи ўзини масъулиятсиз тутиб оқилона муддатларни бузиб товарни тасарруф этмасдан ёки олиб кетмасдан ўзини пайсалга олса, сотиб олувчи товарни реализация қилиб кўрган зарарларни ундан чегириб қолиб, қолган маблағларни маҳсулот етказиб берувчига қайтаришга ёки маҳсулот етказиб берувчига товарларни қайтариб юбориш билан боғлиқ зарур харажатлари у томонидан қопланиши шarti билан қайтариб юбориш чораларини кўришга ҳақли бўлади.

Сотиб олувчи ўзининг ҳаракатларини қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мос ҳолда амалга ошириши лозим бўлади.

Агарда сотиб олувчи етарли асосларсиз маҳсулот етказиб берувчидан товарни қабул қилиб олишни рад этган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи бу ҳолат (асоссиз маҳсулотни қабул қилишни рад этиш) ни ишботлай олса сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Сотиб олувчи билан маҳсулот етказиб берувчи шартнома тузиш вақтида товарларни сотиб олувчи томонидан *танлаб олиши* тўғрисидаги шарт белгиланиши мумкин. Товарларни танлаб олиниши сотиб олувчи жойлашган ерда ёки маҳсулот етказиб берувчи жойлашган ерда амалга оширилиши мумкин. Аммо аксарият товарларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, товарларни танлаб олиш улар ишлаб чиқариладиган ёки сақланаётган жойда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис маҳсулот етказиб бериш шартномасида сотиб олувчининг етказиб берувчи жойлашган ерда товарларни танлаб олиши назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи ўзига топшириладиган товарларни улар топшириладиган жойда кўздан кечириши лозим. Товарларнинг шартномага номувофиқлиги аниқланганда, у бундай товарларни олишдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Сотиб олувчининг товарларни танлашни товарнинг хусусиятидан келиб чиқиб маҳсулот етказиб берувчи билан келишиб шартномада белгиланган муддат ичида, бундай муддат белгиланмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига жўнатишга мўлжалланган товарларнинг тайёрлиги тўғрисида билдириш хати орқали маълум қилгандан сўнг, агар сотиб олувчи оқилона муддатда товарларни танлаб олмаса маҳсулот етказиб берувчи шартномани бажаришдан бош тортиб, уни бир томонлама бекор қилиши ва кўрган зарарларини қопланишини талаб қилиши мумкин. Шунингдек, сотиб олувчи буюртмасига кўра ишлаб чиқарилган ёки сотиб олиб келинган товарларни ҳақини сотиб олувчи томонидан тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида етказиб берилган товарлар учун *ҳисоб-китобларни* амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Умумий қоидага кўра тарафлар келишувида ҳисоб-китобларнинг алоҳида тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади. Агар сотиб олувчи товар ҳақини тўлашни бошқа шахс (товарни қабул қилувчи) зиммасига юклаган бўлса ҳам, маҳсулот етказиб берувчи олдидаги ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод бўлмайди. Шунинг учун то-



варни қабул қилувчи етказиб берилган товар ҳаққини тўламаса, маҳсулот етказиб берувчи товар ҳаққини тўлашни сотиб олувчидан талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар сотиб олувчи бир турдаги бир неча шартномалар орқали маҳсулот етказиб берувчи билан ҳуқуқий муносабатга киришган бўлса ва барча шартномаларнинг умумий ҳисобкитобини амалга ошириши келишилган бўлса-ю, аммо умумий суммадан камроқ ҳақ тўланса, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига қайси шартномага ҳақ тўланган деб ҳисобланиши лозимлиги танлаш имконини бериши лозим<sup>1</sup>.

Шартнома хусусиятидан келиб чиқиб, етказиб берилаётган товарлар оддий ва мураккаблигини инобатга олган ҳолда шартномада улар учун ҳақ тўлашнинг ўзига ҳос қоидалари ФКнинг 449-моддасида ўрнатилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, шартномада товарларни тўпламга кирадиган алоҳида қисмлар бўйича етказиб бериш назарда тутилган бўлса, сотиб олувчи товарлар ҳаққини, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўпламга кирадиган сўнгги қисм жўнатилганидан (танлаб олинганидан) кейин тўлаши белгиланган.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарлар ҳақи олувчи (тўловчи) томонидан тўланиши назарда тутилган бўлса ва у ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортса ёки товарлар ҳаққини шартномада белгиланган муддатда тўламаган бўлса, етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб берилган товарлар ҳаққини тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Шунингдек маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) товар келтирилган *кўп марта ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини* етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтариши шарт.

Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина етказиб берувчига қайтарилади. (ФКнинг 450-модда)

**Маҳсулот етказиб бериш шартномасида жавобгарлик.** Маҳсулот етказиб бериш шартномаси хўжалик шартномаси эканлиги ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тузилиши унинг асосини таваккалчилик ташкил этишини эътироф этиш керак. Шу боис тарафлар томонидан шартнома шартларини бузилганда асосан етказилган за-

---

<sup>1</sup> Бу вазиятда сотиб олувчи ўзига қулайлик туғдиришни ўйлайди. Мисол учун қайси шартномада ҳақ тўланиши кечиктирилганда неустойка камроқ белгиланган бўлса ана шу шартномани қолдирилишини талаб этишга ҳақли бўлади.

рарни қоплаш ва неустойка<sup>1</sup> шаклида амалга оширилади.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилган сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

-худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

-харид нарҳини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

-товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

-харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни;

-кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас (ФКнинг 434-моддаси). Етказиб берилган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан сотиб олувчига етказилган товарларни истеъмолчига чакана савдо орқали сотилганда товарнинг сифатсизлиги ва камчиликлари аниқланганда сотиб олувчи унга истеъмолчи томонидан қайтарилган товарни оқилона муддат ичида маҳсулот етказиб берувчи томонидан алмаштирилиши ва сотиб олувчи кўрган зарарларни қоплаши лозим бўлади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартларини бузган ҳолда **бут бўлмаган товарлар етказиб берилганда** маҳсулот етказиб берувчидан сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

-харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни;

-товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

---

<sup>1</sup> Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарликга оид масалаларга бир неча бор юқорида ҳам тўхталиб ўтилди. ФКни қабул қилиниши билан қонуний неустойкаларни қўлланиши анча қисқарди. Унинг ўрнини шартномавий неустойка эгаллади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида асосан шартномавий неустойкани иккала шакли қўлланилишини кўришимиз мумкин. Товар етказиб беришни ёки ҳақини тўлашни кечиктиргандан пеня шаклида ва товар сифати, бутлиги ва ўрами юзасидан белгиланган шартларни бузилганда жарима шаклида қўлланилади.

Агар маҳсулот етказиб берувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

-бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга;

-шартномани бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади (ФКнинг 413-моддаси). Маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларнинг бут эмаслиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олганидан кейин товарларни дарҳол бутлаган ёки уларни бут товарлар билан алмаштирган бўлса бундай жавобгарликдан озод бўлади.

Товарларни чакана нархларда сотаётган сотиб олувчи (олувчи), агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, истеъмолчи томонидан қайтарилган бут бўлмаган товарларни оқилона муддат ичида бут товарлар билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир. (ФКнинг 452-моддаси).

Сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига товарлар тўлиқ етказиб берилмагани, товарларнинг камчиликларини бартараф этилиши ёки товарларни бутлаб берилиши тўғрисидаги талабларини дарҳол ёки оқилона муддатларда бажарилмай қолдирилганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1. Агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган миқдорда етказиб бермаган бўлса ёхуд сотиб олувчининг тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарларни бошқа шахслардан олиб, уларни олиш билан боғлиқ барча зарур ва оқилона харажатларни маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга.

2. Маҳсулот етказиб берувчи товарларни тўлиқ етказиб бермаган ёки сотиб олувчининг товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларини бажармаган ҳолларда сотиб олувчининг бошқа шахслардан товарлар олишга қилган харажатларини ушбу Кодекс 456-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

3. Сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг камчилиги бартараф этилгунча ва улар бутлангунча ёки алмаштирилгунча тегишли даражада сифатли бўлмаган ва бут бўлмаган товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, борди-ю, товарлар ҳақи тўланган бўлса, - тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. (ФКнинг 453-моддаси).

4. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун қонунда ёки шартномада белгиланган неустойкани тўланишини маҳсулот етказиб берувчидан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундириш ҳуқуқига эга. (ФКнинг 454-моддаси).

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш нафақат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси балки, ушбу шартнома хўжалик шартномалар гуруҳига кирганлиги сабабли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29.08.1998 й. N 670-I Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки қонун ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25 – 32-моддаларида қуйидаги жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгиланган.

1. Маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқиба-тида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди. (“Хўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғри-сида”ги Қонуннинг 25-моддаси.)

2. Агар етказиб берилган маҳсулотлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи маҳсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, маҳсулот етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар маҳсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган сум-мани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар

етказиб берганлик учун жарима маҳсулот етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига маҳсулотларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади. (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси.)

3. Бут бўлмаган маҳсулотлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи:

-товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчининг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

-бундан буён товарлар бутлаб берилгунча қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

-етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, маҳсулот етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси).

4. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин маҳсулот етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги маҳсулот етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки

идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси).

5. Маҳсулот етказиб берувчи талабига биноан қўйилган Аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси).

6. Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддаси).

7. Товарларни олиб кетмаслик, шунингдек маҳсулот етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланиши талаб қилишга ҳақлидир (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси).

8. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига ўтказиб юборилган

ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддаси).

**Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш тартиби.** Олди-сотди шартномаларини бекор бўлишининг умумий асослари ФКнинг 455-моддасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлаштирилди. Шундай қилиб шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

-тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;

-товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

Сотиб олувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

-товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш;

-товарларни бир неча бор олиб кетмаслик.

Тарафларнинг келишувида маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган ёки тарафлар келишувида белгиланмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Шартномани бекор қилиш вақтида зарарни ҳисоблаш ҳисоблаш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади.

Агар сотувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотиб олувчи шартномада назарда тутилган товар ўрнига бошқа шахсдан бирмунча юқори, аммо оқилона баҳода товар сотиб олса, сотиб олувчи сотувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига

тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Агар сотиб олувчи томонидан мажбурият бузилганлиги оқибатида шартнома бекор қилинганидан кейин оқилона муддат ичида сотувчи товарни бошқа шахсга шартномада назарда тутилганидан бирмунча пастроқ, бироқ оқилона баҳода сотган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан шартномада белгиланган баҳо билан унинг ўрнига тузилган битимдаги баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар юқоридаги асослар бўйича шартнома бекор қилинганидан кейин унинг ўрнига бошқа битим тузилмаган ва товарнинг жорий баҳоси мавжуд бўлса, тараф шартномада белгиланган баҳо билан шартнома бекор қилинган пайтдаги жорий баҳо ўртасидаги фарқдан иборат зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин бўлади.

Товар топширилиши лозим бўлган жойда одатда ўхшаш шароитларда бир хил товар учун ундириладиган баҳо жорий баҳо деб эътироф этилади. Агар бу жойда жорий баҳо мавжуд бўлмаса, товарни ташиш харажатларидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда бошқа жойдаги унинг ўрнини боса оладиган оқилона жорий баҳодан фойдаланади.

Бундай талабларни қондириш ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тарафни бошқа тарафга етказган ўзга зарарни қоплашдан озод қилмайди. (ФКнинг 456-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мулкни ҳақ эвазига сотиш шартномалар тизимида тутган ўрни.

2. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг тушунчаси, шакли ва тузиш тартиби.

3. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузганлик учун жавобгарлик.

5. Маҳсулот етказиб бериш шартномасидан бир томонлама бор тортиш.

## **4-§. ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОНТРАКТИ**



Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти асосида, шунингдек унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари давлат эҳтиёжлари дейилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш борасидаги муносабатларга маҳсулот етказиб бериш шартномасининг қоидалари ҳам татбиқ этилади. Бундан ташқари давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Давлатнинг фаолияти фуқаролик ҳуқуқи билан амалга ошириладиган муносабат билан чекланмай, унданда кенгроқ муносабатларни қамраб олади. Давлатнинг асосий функцияларидан бири бу аҳолини турли товарларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун барча чораларни кўришидир. Яъни давлат бу ишларни тўғри йўлга қўйиш мажбуриятига эга. Ҳозирги кунда бунинг умумий икки йўли мавжуд:

- биринчидан, барча ишлар давлат ва унинг мутасадди ташкилотлари орқали бажарилиши;

- иккинчидан, тадбиркорликка кенг имконият яратиб, бу ишларни амалга оширишни юридик ва жисмоний шахслар ( якка тадбиркорлар) га юклаши ва улар фаолиятини қонунлар орқали тартибга солиб, уни назорат қилиш орқали.

Ҳозирги кунда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётган бир вақтда аҳолининг турли хилдаги товарларга бўлган деярли барча эҳтиёжларини тадбиркорлик субъектлари таъминламоқда. Аммо деярли деган сўзнинг замирида давлатнинг стратегик аҳамият касб этадиган маҳсулотларни яъни турли ёқилғи – мойлаш материаллари, озиқ – овқат моллари, дори – дармон воситалари ва бошқа давлатнинг моддий эҳтиёжларини таъминловчи товарларни, жумладан, тегишли иқтисодий ва сиёсий ( ташқи ва ички ) фаолиятни олиб бориш, давлат бошқарув аппаратини моддий ва техник таъминлаш ҳамда сақлаш,

давлат хавфсизлиги ва мудофаа ишлари учун, уларнинг қудратини ошириш учун, ижтимоий-маданий ишлар учун хуллас барча давлатнинг асосий эҳтиёжларини таъминланиши учун давлат ўзи сарф-харажат қилади. Яъни олди-сотди муносабатларга билвосита ва бевосита киришади.

Бевосита товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти тузиш орқали. Билвосита давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси тузиш орқали. Иккала шартнома ҳам улгуржи олди-сотди шартномаси туркумига киради. Шунингдек улар хўжалик шартномаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг ҳуқуқий белгилари.** Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси ҳуқуқий белгилари олди-сотди шартномасининг умумий қоидаларида белгиланган ҳуқуқий белгилар билан бир хил. Жумладан,

**Биринчи ҳуқуқий белгиси** шартнома икки томонламалиги. Яъни шартномада иштирок этаётган иккала тарафда ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият юзага келади.

**Иккинчи ҳуқуқий белгиси** шартнома ҳақ бараварига тузилади.

**Учинчи ҳуқуқий белгиси** консенсуал шартномалар турига киради. Яъни, тарафлар ўзаро келишган ва улар ўртасидаги ушбу келишув қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шаклда расмийлаштирилган пайдан бошлаб тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.**

1. Шартнома предмети бўлган товар билан бирга унга бўлган мулкӣ ҳуқуқ ҳам сотувчидан сотиб олувчи (давлат) га ўтади.

2. Шартномада сотувчи сифатида фақат тадбиркор (юрӣдик ва жисмоний шахс) қатнашса, сотиб олувчи сифатида эса товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактида давлат буюртмачиси (Ўзбекистон Республикаси) ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномалари фақат давлат (шунингдек, махсус ваколатли давлат ташкилот ва муассалари) иштирок этади.

---

<sup>1</sup> Ушбу шартнома хўжалик шартномаси ҳисобланганлиги туфайли бу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юрӣтувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

3. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси маҳсулот етказиб бериш шартномасининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Сотувчи ишлаб чиқарадиган ёки сотиб оладиган товарларни етказиб бериши юзасидан шартнома тузади.

4. Шартнома асосан узоқ муддатга тузилади.

5. Шартнома кўп ҳолларда тендир яъни танлов асосида тузилади. Бунда давлат органи давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан танлов эълон қилади ва танловда ғолиб чиққан шахс билан давлат контракти тузилади.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг элементлари.** Шартномада сотувчи (ижрочи) сифатида маҳсулот етказиб берувчи намоён бўлади. Маҳсулот етказиб берувчи – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган товар ишлаб чиқарувчи ёхуд товарларни сотиб олиб уни сотиб олувчига сотувчи (якка тадбиркор ёки юридик шахс).

Сотиб олувчи сифатида товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактида фақат давлат (давлат буюртмачиси) қатнашса, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасида давлат эҳтиёжларини қондиришга далаатнинг берган ваколати доирасида хизмат қилувчи юридик шахс<sup>1</sup> қатнашади.

Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг предмети – давлат эҳтиёжларини тامينланиши учун зарур бўлган барча ашёлар бўла олади. Давлат эҳтиёжлари доираси жуда кенг бўлиб, бошқа фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари сотиб олиши мумкин бўлмаган, яъни фуқаролик муомаласидан чиқарилган ва муомалада бўлиши тақиқланган ашёларни ҳам сотиб олиши мумкинли боис уни чегарасини ўрнатиш жуда қийин. Аксарият ҳолларда турига хос аломатлари билан белгиланади. Аммо қонун хусусий аломатларга эга бўлган ашёларни шартнома предмети бўлишига тўсқинлик қилмайди. Кўпинча шартнома тузиш вақтида маҳсулот етказиб берувчи ушбу товарга эга бўлмайди.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг баҳоси.** Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контрактида баҳо масаласига оид ўзига хос қоидалар мавжуд. Албатта барча

---

<sup>1</sup> Бу ўринда юридик шахснинг қандай мулкчилик шаклида ташкил топганини аҳамияти йўқ. Яъни у оммавий мулк шаклидаги давлат юридик шахси ёки хусусий мулк шаклидаги хусусий юридик шахси ёки аралаш мулк асосида ташкил топганми фарқи йўқ.

олди-сотди шартномалари сингари давлат контрактида ҳам товар баҳосини белгилашда тарафлар эркиндирлар. Аммо давлатгагина хос бўлган устиворлик, сотиб олиш мақсадини ўзига хос хусусиятиларидан келиб чиқиб сотувчига тақдим этиладиган имтиёзлар эвазига бозор нархидан анча арзон нархларда товарларни сотиб олиши мумкин. Мисол учун, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинadиган товарларга нисбатан айрим солиқлардан озод ҳолда ишлаб чиқарилиш тан нархида ёки республикага кириб келиш нархида (божхона тўловларидан ҳоли) сотиб олиши мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасида шартнома баҳоси тарафлар ўзаро келишуви асосида, товарнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Олди-сотди шартномаларига оид умумий қоидаларга кўра баҳо шартноманинг муҳим белгиси ҳисобланмайди. Товар баҳоси тарафлар ўзаро келишувига кўра шартномада аниқ қиймат мисолида кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, товар етказилиб берилаётган даврдаги бозор нарҳини назарда тутиши мумкин.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, айрим турдаги товарларнинг нархларини давлат қатъий қилиб белгилаб қўйган бўлса ана шу нархлар асосида сотувчидан сотиб олиши мумкин. Сотувчи томонидан давлат белгилаган нархларда ушбу товарлар сотилмайдиган бўлса давлат кескин чораларни, жумладан жазо чораларини кўриши мумкин. Сотувчига товарларни давлат белгилан нахларда сотиши унга зарар келтирадиган бўлсачи деган ўринли савол туғилиши мумкин. Аммо давлат тадбиркор (ишлаб чиқарувчи, сотувчи)ни бундай ҳолларда зарар кўрадиган вазиятга солиб қўйиши мумкин эмас. Агар тадбиркор зарар кўрганини исботласа уни кўрган зарарини давлат тўлиқ ҳажмда қоплаб беради. Бундай айрим турдаги товарларни нарҳини қатъий қилиб белгиланишидан асосий кўзланган мақсад, ушбу товарлар нарҳини бозорда асоссиз ошириб сотилишини олдини олиш ва аҳолининг сотиб олиш қобилиятидан келиб чиқиб уни тартибга солишдир.

Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг муддати. Шартнома муддати унинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Барча олди-сотди шартномалари каби товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасида ҳам шартнома шартларини аниқ бажарилиши учун тарафлар шартнома муддатларини аниқ келишиб олишлари

шарт. Албатта шартнома муддати деганда унинг амал қилиш муддатига биринчи навбатда тўхталиш керак бўлади. Шунингдек, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унда оралик ва шартноманинг муҳим мажбуриятларини белгилаб қўйилиши учун ишлатиладиган муддатлар мавжуд бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси узоқ муддатли шартномалардан ҳисобланади. Умумий қоидага кўра шартнома асосан бир йилгача бўлган муддатга ёки бир йилдан ортиқ муддатга ёинки тарафлар ўзаро келишувига биноан бошқа муддатга тузилиши мумкин. Шартнома муддати шартноманинг муҳим шартларидан бири бўлганлиги туфайли қонуншунос агарда шартномада тарафлар томонидан муддат масаласи ҳал қилинмай қолдирилган бўса, ушбу шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланиши тўғрисидаги қоидани белгилаб қўйган.

Агар узоқ муддатли шартномада етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгилалиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишлича бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Узоқ муддатли шартнома тарафларидан бири етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорини ёки шартноманинг бошқа шартларини кейинги даврлар учун шартномада белгиланган тартибда келишиб олишни рад қилган ёки ундан бош тортган тақдирда бошқа тараф тегишли даврларда товарларни етказиб бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ёхуд шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. (ФК 438-модда)

Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг шакли ва тузиш тартиби. Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг шакли ва тузиш тартибига доир масала ФКнинг маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид умумий қоидаларда назарда тутилган нормалар асосида белгиланади.

Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Давлат контрактини тузиш тартиби давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш тартибидан фарқ қилади.

**Давлат контрактини тузиш тартиби.** Давлат контракти лойиҳаси давлат буюртмачиси томонидан ишлаб чиқилади ва маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га юборилади. Аммо шартномада тарафлар келишувига кўра аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Давлат контракти лойиҳаси икки нусхада тузилади. Иккала нусхани иккинчи тарафга юборилади. Давлат контракти лойиҳасини олган тараф кечи билан 30 кунлик муддатда уни имзолаб, бир нусхасини биринчи тарафга қайтаради, давлат контракти шартлари юзасидан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, 30 кунлик муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган давлат контракти билан биринчи тарафга юборади ёки унга давлат контрактини тузишдан бош тортишини маълум қилади.

Давлат контракти билан келишмовчиликлар баённомасини олган биринчи тараф 30 кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, контракт шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга давлат контрактини келишилган тахрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Бу муддат тугагач, манфаатдор тараф ҳал қилинмаган барча келишмовчиликларни 30 кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Давлат контракти давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмани жойлаштириш танлови натижалари бўйича тузиладиган ҳолларда давлат контракти танлов ўтказилган санадан бошлаб 30 кун ичида тузилиши лозим.

Агар давлат контрактини тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контрактини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (**460-модда**).

**Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш тартиби.** Агар давлат контрактида шартнома лойиҳасини тайёрлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса ёки шартнома лойиҳаси сотиб олувчи томонидан тақдим қилинган бўлмаса, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бириктириш тўғрисидаги билдириш хатида кўрсатилган сотиб олувчига давлат буюртмачиси-

дан билдириш хати олинган вақтдан бошлаб, 30 кундан кечиктирмай давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини йўллаши лозим.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг лойиҳасини олган тараф кечи билан 30 муддатда уни имзолайди ва шартноманинг бир нусхасини иккинчи тарафга қайтаради, шартнома шартлари бўйича келишмовчиликлар бўлганда эса худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан биргаликда бошқа тарафга юборади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини келишмовчиликлар баённомаси билан олган тараф 30 кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, шартнома шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга шартномани келишилган таҳрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Манфаатдор тараф ҳал қилинмаган келишмовчиликларни 30 кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин.

Агар маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан бош тортса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)ни сотиб олувчи ишлаб чиққан шартнома лойиҳаси шартларида шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (**462-модда**).

Юқоридаги солиштирувдан кўриниб турибдики қонуншунос муддатларни белгилашда жуда қулай ва тўғри ечимга келган. Яъни шартномани тузиш, эътироз билдириш, бекор қилиш ва зарарларни ундиришга оид талабларни қўйиш учун 30 кунлик муддатларни белгилаган. Умуман олганда товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш тартибининг бир биридан фарқи йўқ.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасининг мазмуни.** Бизга маълумки шартномаларнинг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади.

Давлат контракти шартларига мувофиқ товарлар бевосита давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмаси (жўнатиш разнарядкаси)га мувофиқ бошқа шахс (олувчи)га етказиб бериладиган ҳолларда контрактни бажариш бўйича тарафларнинг муносабатлари ФКнинг 437-456-моддаларида назарда тутилган қоидалар билан тартибга соли-

нади. Яъни маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид қоидалар қўлланилади.

Агар давлат контрактида сотиб олувчиларга товарлар етказиб бериш маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан давлат буюртмачиси белгилайдиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, давлат буюртмачиси давлат контракти тузилган кундан бошлаб кечи билан 30 кунлик муддатда сотиб олувчининг етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчи-ижрочи ва сотувчига билдириш хати юборади.

Сотиб олувчи етказиб берувчи (ижрочи)га бириктирилгани тўғрисидаги билдириш хати давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар жўнатиш разнарядкаларида кўрсатилган олувчиларга етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида бошқача ҳисоб-китоб тартиби назарда тутилган бўлмаса, товарлар ҳақи давлат буюртмачиси томонидан тўланади.

Товарлар сотиб олувчиларга давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаси бўйича етказиб берилган ҳолларда, агар давлат контрактида баҳо белгилаш ва ҳисоб-китобларнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчилар товарлар ҳақини давлат контрактига мувофиқ белгиланадиган баҳоларда тўлайдилар.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти бўйича товарлар ҳақи сотиб олувчи томонидан тўланганда давлат буюртмачиси сотиб олувчининг ушбу мажбурияти бўйича кафил деб ҳисобланади.

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасида жавобгарлик.** Давлат контрактининг бажарилиши ёки бекор қилиниши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш агар давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёки давлат контрактида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактига мувофиқ товар топширилган кундан эътиборан кўпи билан ўттиз кун ичида давлат буюртмачиси томонидан қопланиши лозим.

Давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га етказилган зарар давлат контрактига биноан қопланмаган тақдирда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)



давлат контрактини бажаришдан бош тортишга ва давлат контракти бекор қилинганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Жумладан, ушбу асослар бўйича давлат контракти бекор қилинганида маҳсулот етказиб берувчи давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Маҳсулот етказиб берувчининг бундай бош тортиши туфайли сотиб олувчига етказилган зарар давлат буюртмачиси томонидан қопланади (464-модда).

**Товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти ва давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини бекор қилиш тартиби.**

Сотиб олувчи бириктириш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган товарлардан ҳамда уларни етказиб бериш шартномасини тузишдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) бу ҳақда дарҳол давлат буюртмачисига маълум қилиши лозим ва давлат буюртмачисидан бошқа сотиб олувчини ўзига бириктириш тўғрисида билдириш хати беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)нинг билдириш хатини олган кундан бошлаб кечи билан 30 кун ичида ё маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га бошқа сотиб олувчини бириктириш тўғрисида билдириш хати беради, ёки маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га товарларни ким олиши кўрсатилган жўнатиш разнарядкасини юборади, ёхуд товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашга розилигини хабар қилади.

Давлат буюртмачиси ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) ё давлат буюртмачисидан товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашни талаб қилиш, ёки товарларни ўз ихтиёри билан реализация қилиб, товарларни реализация қилиш билан боғлиқ оқилона харажатларни давлат буюртмачисига юклаш ҳуқуқига эга.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Давлат буюртмаси тушунчаси в аҳамияти.
2. Давлат контракти (шартномаси) тузиш асослари ва тартиби.
3. Давлат контрактини ижро этиш.
4. Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномаларни тузиш.

5. Давлат контрактини ижро этиш юзасидан вужудга келган зарарни қоплаш.

6. Товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти натижасида юзага келадиган зарарларни давлат томонидан қопланиши.

## 5-§. КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

**Контрактация шартномасининг тушунчаси.** Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар учун ҳам шартномалар институтининг умумий тамойиллари бўлган шартномаларни тузиш эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш, тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги тамойиллари хос бўлсада, бу шартномалар ўзининг айрим хусусиятлари билан бошқа хўжалик шартномаларидан фарқланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик соҳасида қўлланиладиган шартномалар юридик адабиётларда алоҳида тадқиқотлар объекти бўлиб келган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хослиги шундаки, бунда шартнома предмети бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни, биринчи навбатда, табиий иқлим шароитлари, экинларнинг касалланиши ва ҳ.к. (форс-мажор ҳолатлар)га боғлиқли-ги бу соҳада тузиладиган шартномаларнинг муҳим хусусиятларидан биридир<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, контрактация шартномаси ҳам қишлоқ хўжалик тизимида фаолият юритадиган барча мулк шаклларидаги корхоналар, хусусан, қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан маҳсулот харид қилувчи (тайёрловчи, савдо, қайта ишловчи) ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Контрактация шартномаси иқтисодий мазмуни жиҳатдан олди-сотди шартномаси-нинг бир туридир. Лекин у ўзига хос ҳуқуқий белгилари билан олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан ажралиб туради.

Контрактация шартномасига мувофиқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул

---

<sup>1</sup> Абдусаломов М. Синдаров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари. –Т.: “Консаудитин-форм”, 2002. 17-б.

қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади (ФКнинг 465-моддаси).

**Контрактация шартномасининг ҳуқуқий белгилари:** биринчидан, консенсуал бўлиб, шартнома тарафлар ўртасида келишилиб (тузилиб) имзолангандан сўнг дарҳол кучга киради ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди; **иккинчидан**, у икки томонлама бўлиб, шартномада хўжалик ва тайёрловчи ўзларига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар олади;

**учинчидан**, у ҳақ бараварига тузилади, яъни етказиб берилган маҳсулот эвазига иккинчи тараф унинг ҳақини тўлашга мажбурдир;

**тўртинчидан**, шартнома ҳам режали, ҳам эркин келишувда бўлиши мумкин.

**Контрактация шартномасини ҳуқуқий тартибга солиш манбалари.** Шартнома субъектлари ҳисобланган хўжаликларнинг, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги Конституциямизнинг 53-моддасида мустақкамланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бериш, қайта ишлаш ва харид қилиш билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодексининг 465-моддасида “Контрактация шартномаси”, 466-моддасида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчининг мажбуриятлари”, 467-моддасида “Тайёрловчининг мажбуриятлари” каби қоидалар асосида белгиланган. Шунингдек, ушбу муносабатлар Ер кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик, ижара, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунлар орқали ҳам тартибга солинади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг манфаатлари ҳимоясини яна ҳам кучайтириш мақсадида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги №ПФ-3226-сонли Фармони бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, унда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов,

қайта ишаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузиш ҳуқуқи кафолатланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги Қарори асосида пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтириш учун белгиланган прогноз ҳажмларидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси учун жорий ҳисоб-китоб ягона харид нархларидан 20 фоиз ортиқ бўлган нархлар бўйича амалга оширилишининг белгиланиши пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжалиklarини рағбатлантиришда, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизматкўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида белгиланади.

Контракция шартномасини тузиш ва бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига, юқорида кўрсатилган Низомга, шартнома шартларига ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларга амал қилишлари лозим. Агар Фуқаролик кодексида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у шартномавий-мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, контракция шартномаларига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, баъзи ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги қоидалар, шунингдек, шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномасининг қоидалари ҳам қўлланилиши мумкин.

**Шартномада тарафлар.** Аввало шуни айтиш керакки, бугунги келиб контракция шарномасида қатнашувчи тарафларнинг таркибий қисмида жиддий ўзгариш юз берди. Яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартнома бўйича ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар турли шаклдаги (оммавий ва хусусий) мулк асосида фаолият кўрсатувчи давлатга қарашли ёки хусусий корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик ширкатлари бўлиши мумкин.

Контрактация шартномасининг тарафлари бўлиб, бир томондан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжалик жамоалари, корхоналари, маҳсулотни етиштиришда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, иккинчи томондан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи ташкилотлар, уни қайта ишловчи ёки қайта ишламасдан сотиш учун харид қилувчи ташкилотлар ва корхоналар қатнашади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи хўжаликлар сифатида қишлоқ хўжалик ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, шартномада контрактантлар сифатида давлат буюртмасини амалга оширувчи тайёрлов, савдо, қайта ишловчи корхоналар ва ташкилотлар ҳам иштирок этиши мумкин.

**Шартнома предмети.** Контрактация шартномасининг предмети бўлиб хом ашё кўринишидаги ёки дастлабки ишлов берилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобланади. Бироқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шартнома шартларига асосан хўжаликлар томонидан дастлабки ишлов берилган бўлиши мумкин (масалан қуруқ мевалар). Бундай ҳолларда шартномада қайта ишланган маҳсулотнинг миқдори, ассортимент ва топшириш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим.

Шартнома предмети ҳисобланган қишлоқ хўжалик маҳсулоти шартнома тарафи бўлган хўжалик томонидан етиштирилган ва қайта ишланган бўлиши лозим. Пахта, дон, пилла, полиз экинлари, сут, чорва моллари, паррандалар, хўл ҳамда қуруқ мевалар шулар жумласидандир. Ваҳоланки, ушбу шартноманинг бошқа хўжалик шартномаларидан ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти ҳам унинг предмети-дир. Шунинг билан бирга, контрактация шартномасининг предмети бўлиб ҳар қандай мол-мулк эмас, балки муомаладан чиқарилмаган ёхуд муомалада бўлиши чекланмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлиши мумкин.

**Шартноманинг ўзига хос хусусиятлари.** Айрим ҳуқуқий адабиётларда контрактация шартномасини шартноманинг алоҳида тури сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас деган фикрларни учратсак, бошқа бир манбаларда бунинг аксини кўриш мумкин. Демак, бу борада ҳам цивилист олимлар ўртасида муайян тортишув ва баҳс-мунозаралар мавжуд. Лекин, контрактация шартномаси олди-сотди шартномасининг бир тури ҳисобланса-да, ўзининг бир қатор

муҳим хусусиятлари билан турдош (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва бошқалар) шартномалардан фарқ қилади:

- олди-сотди шартномасининг предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ҳар хил мулклар бўлиши мумкин. Контрактация шартномасида эса фақат етиштирилган ва дастлабки қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларигина шартнома предмети ҳисобланади;

- олди-сотди шарномасида тарафлар сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар бўлса, контрактация шарномасида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи шахслар, маҳсулот харид қилувчи сифатида эса маълум фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Шунингдек, амалиётда шартномалари тарафлари сифатида маҳсулот етиштирувчи ва тайёрловчининг банклари ҳам иштирок этади. Бу қоида шартнома бўйича ҳисобкитобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида ўрнатилган;

- шартноманинг яна бир хусусияти унинг иккинчи тарафи бўлган тайёрловчи ташкилотларнинг маҳсулот етиштирувчи билан бевосита ҳамкорлигида кўринади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 30-бандига кўра, тайёрловчи хўжаликларга топшириладиган маҳсулот учун шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича шартномада кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс тўлаш мажбуриятини олади (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно);

- контрактация шартномасида олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш шартномаларидан фарқли ўлароқ тайёрловчи зиммасига айрим қўшимча вазифалар юклатилади. Масалан, тайёрловчи зиммасига қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчидан у жойлашган ерда қабул қили олиш мажбурияти юклатилади. Агар қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрловчи кўрсатган ёки жойлашган ерда қабул қилиб олишга келишилган бўлса, маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, маҳсулотни етиштирувчи маҳсулотни қайта ишлаш натижасида ундан ҳосил бўлган иккиламчи хом ашё ва маҳсулотлар (ёғ, кунжара ва ҳ.к.)ни тайёрловчидан талаб қилиб олишга ҳақли бўлади. Шунинг билан бирга, контрактация шартномасининг маҳсулот етказиб бериш шартномасидан фарқли томонларини субъектив таркиби, предмет ива шартномасининг қўлланилиш соҳаси орқали ҳам кўриш мумкин. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида маҳсулот сотувчи сифатида ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар бўлиши мумкин. Контрактация шартномасида эса фақат бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи шахслар сотувчи ҳисобланади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг предмети турга хос ёки хусусий аломатларга эга бўлган маҳсулот етказиб берувчи томонидан ёки бошқа шахслар томонидан тайёрланадиган ёхуд тайёр маҳсулотлар бўлса, контрактация шартномасида эса шартнома предмети фақат турга хос аломатга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлиб, улар яна етиштирилиши мумкин;

- контрактация шартномаси давлат томонидан ўрнатилган режага асосланган бўлади. Шартнома предмети, унинг миқдори, баҳоси ва бошқа шартнома шартлари олдиндан белгиланган бўлади. Агар хўжалик билан тайёрловчи ўртасидаги муносабатлар давлат режасига асосланмаган бўлса, вужудга келган шартнома муносабатлари олди-сотди ёки маҳсулот етказиб бериш шартномаси мақомига эга бўлади;

- давлат эҳтиёжи учун учун контракт шартномаси билан контрактация шартномасининг фарқи шундаки, контрактация шартномаси хўжаликнинг ташаббуси билан, давлат буюртмасидан ортикча етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун тузилади ва унда маҳсулотни харид нархи келишилган миқдорда белгиланади. Давлат контракти бўйича тузилган шартномада эса давлат ваколат берган тайёрловчи ташкилот томонидан хўжаликлар билан белгиланган миқдорда ва харид нархида амалга оширилади. “Давлат контракти дейилади ФКнинг 459-моддасида давлат буюртмачисининг маҳсулот етказиб берувчи қабул қилган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш буюртмаси асосида тузилади. Берган буюртмаси маҳсулот етказиб берувчи томонидан қабул қилинган давлат буюртмачиси учун давлат контракти тузиш шарт” ҳисобланади. Худди шунингдек, хўжалик ҳам давлат буюртмасига асосан шартнома тузишга мажбурдир;

- контрактация шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларининг жавобгарлигини ҳал этишда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганликлари ҳам эътиборга олинади. Хусусан, юқорида қайд этиб ўтилган Низомнинг 79-бандида илк бор маҳсулот етиштирувчилар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда, шунингдек хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контрактация шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари фермер, ширкат ва деҳқон хўжаликлари томонидан бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳам жавобгарлиги кўриб чиқилади.

**Контрактация шартномаси тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.** Контрактация шартномасини тузишда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга ҳамда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

Контрактация шартномаларини тузиш бевосита хўжаликларда амалга оширилади. Контрактация шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агро-техника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, аммо календарь йил бошланишидан кечикмай тузилиши лозим.

Шартнома тузишда тайёрловчи ваколатли вакилини хўжаликка юборади. Тайёрловчи контрактация шартномаси лойиҳаларини хўжаликларга, агар улар турли вилоятларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар, почта орқали юборишга ҳақлидирлар.

Хўжалик тайёрловчининг вакили хўжаликка келган кундан бошлаб ёки шартнома лойиҳаси почта орқали олингандан кейин етти кун мобайнида шартномани имзолашга ва уни тайёрловчига қайтариши шарт. Агар шартнома шартлари бўйича хўжаликда эътирозлар пайдо бўлса, хўжалик худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва имзоланган шартномани келишмовчиликлар баённомасининг икки нусхаси билан бигаликда тайёрловчига юборади.



Тайёрловчи келишмовчиликлар баённомасини олгач беш кун ичида уни кўриб чиқишга қабул қилинган таклифларни шартномага киритишга, низоли масалаларни эса худди ўша муддатда кўриб чиқиш учун бўлган хўжалик судига беришга мажбурдир.

Шартнома уч нусхада тузилади ва имзоланади. Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб уч кун давомида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун такдим этилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилиниши мумкин эмас.

Шартнома қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартиб рўйхатдан ўтказди. Агар шартнома белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартномадаги камчиликларни бартараф этиб, уч кун муддатда уни такроран такдим этиши шарт.

**Шартнома шакли.** Контрактация шартномаси ёзма шаклда тузилади. Шартнома тарафларнинг ўзаро эркинлиги ва келишувига мувофиқ имзоланади ва тарафлар юридик шахс бўлса, уларнинг муҳри билан ёки нотариал идоралар томонидан тасдиқланади.

Контрактация шартномаси тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

**Шартнома муддати.** Контрактация шартномаси хўжалик ва тайёрловчининг келишувига кўра бир йилдан беш йилгача бўлган муддатда тузилади.

**Шартнома шартлари.** Контрактация шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (маҳсулотлар турлари бўйича), сифати, нархи, шартноманинг умумий суммаси, етказиб бериш тартиби ва шартлари, маҳсулотни топшириш, қабул қилиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);

- тайёрловчи томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиниб, ўзининг ёки жалб этилган транспорт билан ташиб кетиладиган маҳсулот миқдори, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ҳажмларига мувофиқ контрактация шартномаси бўйича сотилиши керак бўлган маҳсулотнинг хўжаликда қайта ишланган миқдори;

- идишга, маркировка қилишга, ўраш ва жойлаштиришга қўйиладиган талаблар;

- тайёрловчининг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган нархлар бўйича тўлашга доир мажбуриятлари;

- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ҳамда юклаб жўнатиш реквизитлари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этишда ва тайёрловчининг қабул пунктида транспортда ташишида хўжаликларга ёрдам кўрсатиш бўйича тайёрловчининг мажбуриятлари;

- шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаган-лиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;

- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг манзиллари, шартнома тузилган сана ва жой.

Бундан ташқари, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишда унинг **миқдори ва ас-сортименти** тарафларнинг келишуви билан аниқланади. Сотиладиган маҳсулотнинг сифати эса давлат стандартлари талабларига, техник шартлар, ветеринария ва санитар назоратидан ўтган бўлиб, қонун қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак. Маҳсулотни юклаш харажатларини хўжалик кўтаради. Ташиш, жўнатиш, тушириш харажатларини эса тайёрловчи тўлайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етказиб бериш (топшириш) муддатлари шартномада қишлоқ хўжалик экинининг етилиш вақтини, уларни қайта ишлаш ва сақлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш муддати ҳар бир чорвачилик соҳаларининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

**Шартнома алоқаларининг тузилиши.** Контрактация бўйича шартнома алоқаларининг тузилиши оддий, яъни хўжаликнинг ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини топширадиган тайёрловчи бир пайтнинг ўзида ҳам маҳсулотни қабул қилувчи ҳисобланади. Иккинчисида эса мураккаб тузилишдаги, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулоти шартнома тарафи ҳисобланган тайёрловчига эмас, балки у

шартномада кўрсатилган маҳсулотни қайта ишловчи корхонага, савдо ёки бошқа ташкилотларга топширади.

Контрактация шартномаси оддий тузилишда тузилганда **тўғри**, мураккаб тузилишда эса **воситачилик ташкилотлари иштирокидаги шартнома** дейилади.

**Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.** Контрактация шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида таклиф олган томон таклиф олингандан кейин беш кундан кечикмай жавоб бериши лозим. Агар томон беш кун мобайнида жавоб бермаса, таклиф ўз-ўзидан қабул қилинган деб ҳисобланади. Томонлар шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида бир қарорга келмасалар, тарафлар ўртасидаги низо ҳал этиш учун белгиланган тартибда хўжалик судига берилади.

**Контрактация шартномасининг мазмуни ва бажарилиши.** Контрактация шартномаси мазмунини томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Шартномани тузиш ва бажаришда томонларнинг ҳар бири бошқа томоннинг хўжалик ҳисоби манфаатларига риоя қилиш, ўз мажбуриятларини энг тежамли тарзда бажариши, унинг лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриши, бу ҳақида иккинчи томонга ўз вақтида хабар қилиши ҳамда мажбуриятларни бажаришда унга кўмаклашиши керак. Масалан, тайёрловчилар хўжаликлар томонидан тақдим этилган барча маҳсулотни шартномада назарда тутилган муддатларда харид қилишларини ва узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлашни ташкил этиш, қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналарининг хўжаликлар билан тўғридан-тўғри ва узоқ муддатли алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, маҳсулотларни бевосита хўжаликларда қабул қилиб олиб ўзининг ихтисослашган транспорт ва келишилган график бўйича ташишни таъминлаш, харид қилинаётган маҳсулотнинг сифатини тўғри аниқлаш, маҳсулот учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида тўла амалга ошириш, маҳсулотни тайёрлаш, ташиш ва сақлашда унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслиги, хўжаликларни идиш ва бошқа зарур эҳтиёжлар билан таъминлаши керак.

Контрактация шартномаси бўйича вужудга келадиган муносабатларда маҳсулотни етказувчи тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тайёрловчи тарафникига нисбатан устун туради. Контрактация шартномаси тарафлари тенг ҳуқуққа эга бўлган олди-сотди шартномасидан ва маҳсулот етказиб бериш шартномасидан шуниси билан фарқ қилади. Контрактация шартномаси бўйича маҳсулотни тайёрловчи (сотиб олувчи) зиммасига айрим қўшимча вазифалар юклатилади. Масалан, диспозитив норма қоидасидан келиб чиқиб, тайёрловчининг зиммасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини уни етиштирувчидан у жойлашган ерда қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилади. Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчи кўрсатган ёки жойлашган ерда қабул қилишга келишилган бўлса, маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортишга қўл қўйилмайди. Ушбу норма императив хусусиятга эга<sup>1</sup>.

Хўжаликнинг асосий мажбурияти тайёрловчига ёки унинг топшириғи билан бошқа ташкилотга шартномада кўрсатилган миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини давлат стандарти талабларига, техник шартларга, ветеринария ва санитария назорати қоидаларига мувофиқ ҳолда шартномада белгиланган муддатларда ҳамда кўрсатилган жойда топширишдан иборат.

Лекин шунини ҳам таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари, хусусан, контрактация шартномасининг бажарилиши кўп жиҳатдан табиий иқлим шароитлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, табиатнинг ҳар қандай инжиқлиги шартноманинг бажарилишини хавф остига қўяди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномани лозим даражада бажаришга бўлган ҳар қандай интилиши табиат ноқулайликлари олдида кутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин. Айниқса, сувсизлик ва қурғоқчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ шартномаларнинг бажарилмай қолишига маълум-маънода сабаб бўлади. Аммо, шартнома муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликда бу ҳолатларга “форс мажор” вазиялар сифатида етралича эътибор берилмаган. Бундан ташқари, ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда ҳам бу масала алоҳида тадқиқот объекти тарзида чуқур ўрганилмаган. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга оид шартномаларда “форс мажор” ҳолатлар шартноманинг муҳим шарти сифатида кўзда тутилиши лозим.

---

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат, 2000. 107-108-бетлар.

## **Хўжаликнинг ҳуқуқлари.**

### **Хўжалик:**

- шартномада назарда тутилган ҳолларда тайёрлов ташкилотидан уруғ ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш;
- маҳсулотни топшириш ва унинг сифатини аниқлашда иштирок этиш ҳамда тайёрлов ташкилотидан тегишли тўловни талаб қилиш;
- тайёрлов ташкилотидан маҳсулот етиштириш учун шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда аванс тўланишини талаб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёлари учун харид қилиш бундан мустасно;
- тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан амалдаги давлат стандартлари ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан маҳсулот хўжалик ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қопланишини талаб қилиш;
- хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага биноан тегишли сифатдаги, ассортиментдаги маҳсулотлар етказиб беришни ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)ни талаб қилиш;
- тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Маҳсулотни тайёрловчига топшириш ёки уни бевосита хўжаликда қабул қилиб олиш томонлар ўртасида келишилган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган график бўйича амалга оширилади. Шартномада маҳсулотни етказиб беришнинг даврлари белгиланиши билан биргаликда товарларни жадваллари (ўн кунлик, суткалик ва бошқалар) назарда тутилиши мумкин. Агар шартномада бундай жадвал назарда тутилмаган тақдирда, хўжалик тайёрлов ташкилотини маҳсулотни шартномада назарда тутилган ассортиментда реализация қилиш учун шартномада белгиланган муддатларда мўлжалланаётган ҳажмлар ва топшириш муддатлари тўғрисида хабардор қилиши керак. Агар шартномада бундай муддат ҳам кўрсатилмаган бўлса, маҳсулот топширилгунга қадар ўттиз кун ичида (мавсумий маҳсулотлар бўйича ўн беш кундан кечиктирмай) топшириши ва маҳсулотни календарь (сутка бўйича) топшириш жадвалини тайёрлов ташкилоти билан келишиши керак. Томонлар ўзаро келишувга кўра, шартномани

бажариш жараёнида графикни ва маҳсулотни етказиб бериш пунктини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Хўжалик томонидан маҳсулот тайёрлов ташкилотига жўнатилганда (етказиб берилганда) маҳсулотга белгиланган шаклдаги ҳужжатлар илова қилиниши, маҳсулот тайёрлов ташкилоти томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олинган тақдирда қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари илова қилиниши керак. Хўжалик тайёрловчи билан келишув бўйича маҳсулотни контрактация шартномасига кўра навбатдаги топшириш даврида топширилиши керак бўлган маҳсулот миқдори ҳисобига ўтказган ҳолда маҳсулотни муддатидан олдин топшириши мумкин. Маҳсулотни етиштирувчи хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш натижасида ундан ҳосил бўлган чиқиндиларни тайёрловчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Чиқиндиларнинг нархи келишилган ҳолда белгиланади.

### **Хўжаликнинг мажбуриятлари.**

Хўжалик:

- маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш;

- илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш;

- маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

- етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўлов (ҳисоб-китоблар)ни хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириши лозим.

Хўжалик томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган кун деб маҳсулотни хўжаликда қабул қилиш-топшириш ҳужжати тузилган сана ёки тайёрловчининг қабул қилиш-топшириш пунктида қабул қилиш-топшириш ҳужжати тузилган сана ҳисобланади. Маҳсулот олувчига юклаб жўнатилганда эса маҳсулот транспорт ташкилотига топширилган сана ҳисобланади. Тайёрловчининг маҳсулот ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятлари бажарилган кун деб ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана ҳисобланади.

Агар маҳсулот етиштирувчи ФК 466-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалик маҳсулоти контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

### **Тайёрловчи ташкилотнинг ҳуқуқлари.**

Тайёрловчи:

- тасдиқланган жадвалга мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот-ларнинг муайян турларини белгиланган миқдорда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аванс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини хўжаликлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно.

### **Тайёрловчининг мажбурияти ва унинг бажарилиши.**

Тайёрловчи:

- хўжаликлар билан ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажариш;

- хўжаликлар томонидан тақдим этилган барча маҳсулотни шартномада назарда тутилган муддатларда харид қилишни ва узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлашни ташкил этади. Тақдим этилган маҳсулот деганда тайёрловчининг қабул пунктига топшириш, қабул қилиб олиш пунктига қабул қилинганда эса бу ерга келтирилган маҳсулот тушунилади;

- қайта ишлаш саноати ва савдо корхоналарининг хўжаликлар билан тўғридан-тўғри ва узоқ муддатли алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бевосита хўжаликларда қабул қилиб олишни ҳамда ўзининг ихтисослаштирилган транспорти, умумий фойдаланиладиган транспорт ёки хўжалик ижарага олган транспорт билан келишилган график бўйича ташишни таъминлаш;

- харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга асосан ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда унинг нобуд бўлишини олдин-олиш, қисқаририш;

- хўжаликларни шартномалар бўйича идиш, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан таъминлаш;

- хўжаликлар ихтиёрида қолдирилган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

- шартномада назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаши лозим.

Тайёрловчининг асосий мажбурияти контрактация шартномасига мувофиқ кўрсатилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ўз вақтида қабул қилиб олиш ёки ташиб олиб кетиш ҳамда хўжаликка топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ва транспорт ҳамда бошқа харажатларни тўлашдан иборат.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас. Шунингдек, тайёрловчи (сотиб олувчи) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаса, маҳсулотни хўжаликнинг ўзи тайёрловчига (сотиб олувчига) етказиб бериши мумкин. Бундай ҳолда тайёрловчи маҳсулот қийматига қўшимча равишда хўжаликнинг уни етказиб келтириш билан боғлиқ харажатларини ҳам тўлаши керак.

Маҳсулотни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш муддатлари томонлар учун мажбурий бўлган қоидалар ёки йўриқномалар билан белгиланади. Маҳсулотни қабул қилишдан бош тортганда тайёрловчи бу ҳақда хўжаликка ёзма шаклда хабар бериши керак (товар-транспорт накладнойга белги қўйиш, телеграф орқали ва шу кабилар). Агарда тайёрловчи маҳсулотни қабул қилишни рад этганлигини ёзма ифодалашдан бош тортса, хўжалик инспектори ёки тумандаги юқори турган бошқа ташкилот вакили иштирокида тайёрловчининг рад этганлигини тасдиқловчи далолатнома тузилади.

Хўжаликларда сақланаётган маҳсулотларга ҳақ контрактация шартномасида белгиланган шартларда тўланади. Хўжалик томонидан шартномада белгиланган муддатларда топширилмаган маҳсулот



миқдори томонлар келишилган бошқа муддатларда топширилиши ва у ҳақиқий топшириш даврида ҳисобга олиниши керак, ундан маҳсулотларнинг етиштирилиши мавсумий тусда бўлган ҳамда уларнинг топширилмаган миқдори ўрнини тўлдириш мумкин бўлмаган турлари истиснодир.

Агар стандартлар, техник шартлар ёки тузилган шартномаларда маҳсулотнинг идишда ёки ўрамда етказиб берилиши назарда тутилган бўлса, тайёрловчи зарур идиш, миҳ ва ўраш материаллари билан хўжаликни таъминлайди. Хўжаликларнинг тайёрловчилардан ва тайёрловчиларнинг хўжаликлардан оладиган идишлари учун ҳақ томонлар келишувига кўра тўланади ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Айрим маҳсулот турларига мўлжалланган идиш ва ўраш материалларини сотиш, улардан фойдаланиш хусусиятлари, шунингдек, уларни қайтариш тартиби ҳамда муддатлари тегишли маҳсулот турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномаларда, қоидаларда ёки тузиладиган шартномаларда назарда тутилади.

Маҳсулот ташиш, жўнатиш ва тушириш билан боғлиқ барча харажатлар тайёрловчи зиммасида бўлади. Маҳсулот хўжалик транспортида етказиладиган бўлса, тайёрловчи хўжаликка маҳсулот ташиш харажатларини ҳақиқий вазни бўйича қоплайди. Маҳсулотни ташиш харажатлари бутун масофа учун қопланади. Контрактация шартномаси бўйича харажатлар маҳсулот хўжаликдан жўнатилган жойдан бошлаб (саралаш пункти, бўлим, бригада, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор ва ҳ.к.) шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктларигача қопланади.

Ташиш ва тушириш харажатлари амалдаги норма ва тарифларга ёки томонлар келишувига кўра маҳсулотни етказиб бериш амалга оширилган транспорт тури учун эркин нархларда аниқланади. Тайёрловчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёни хўжаликлар, жамоа хўжалиги аъзолари ва бошқа фуқаролардан қабул қилиб олиш, шунингдек, бу маҳсулотнинг тайёрлов пунктларига етказиб бериш харажатларини томонлар келишувига асосан қоплайди. Маҳсулотни темир йўл, ҳаво ва сув транспорти ёки аралаш алоқа воситаларида етказиб бериш харажатларини қоплаш юкларни шу транспорт турларида ташишнинг амалдаги тарифлари бўйича амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчининг қўшимча талабларга риоя қилиб жўнатишга алоқадор харажатлар тайёрловчи ҳисобидан тўланади.

Хўжаликлар ва тайёрловчилар ўртасида ҳисоб-китоблар тайёрловчи томонидан хўжалик топширган маҳсулот қийматини унинг шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб, махсус ҳисоб-китоб ёки махсус ссуда ҳисоб рақамида тўлов топшириқлари билан ҳисоблаб ўтказиш, чеклар билан тўлаш орқали амалга ошилади. Ҳисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг уч кундан кечиктирмай, тайёрловчи ва унга хизмат кўрсатувчи банк муассасаси аҳоли яшайдиган ҳар хил жойларда жойлашган бўлса, шунингдек, алоқа шарт-шароитларини ҳисобга олиб маҳсулот қабул қилиб олингандан кейин беш кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

### **Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари.**

Хизмат кўрсатувчи ташкилот:

- амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва якуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

- тақдим этилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асос-сиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни хўжаликлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг мажбуриятлари.**

Хизмат кўрсатувчи ташкилот:

- хўжаликлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- хўжаликларнинг буюртномаларига биноан шартномага мувофиқ муддатларда, миқдорда ва сифатда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);

- етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

- шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида хўжаликка етказилган зарарни қоплаш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Контракция шартномасини бузганлик учун жавобгарлик. Мулкый жавобгарликни белгилаш тартиби.** Контракция шартномасининг предметига хос хусусиятлар, тарафларнинг хўжалик соҳасида тутган ўрни ва ҳуқуқий ҳолати шартнома тарафларининг ўз

мажбуриятларини бажармаганликлари оқибатида юзага келадиган жавобгарликни белгилашда ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шартнома бўйича, агар хўжалик ўз вазифасини бажаришга совуққонлик билан қараб, зарур бўлган ишларни бажармаса ва унинг натижасида шартномада назарда тутилган миқдорда ва ассортиментда маҳсулотнинг олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи (сотиб олувчи) шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ҳамда унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Демак, зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик маҳсулотни етиштирувчи хўжаликнинг айби билан мажбурият бажарилиши мумкин бўлмай қолган тақдирдагина вужудга келади<sup>1</sup>.

Контрактация шартномаси бўйича шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг мулкӣ норматив тартибда (қонун ҳужжатлари асосида) ва шартнома тартибида (тарафларнинг ўзаро келишуви асосида) белгиланади.

**Контрактация шартномаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларнинг мулкӣ жавобгарлиги.** Контрактация шартномасига мувофиқ, барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва урларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Хўжалик маҳсулотни ўз жойида топшириш-қабул қилишга тайёрлаб қўймаган ва бу ҳақда тайёрловчини огоҳлантирмаган, тайёрловчи эса қабул қилиш жойига транспорт юборган бўлса, хўжалик тайёрловчига транспорт ва транспортнинг бекор туриб қолиши бўйича барча харажатларни қоплайди. Ювилмайдиган бўёқ билан қўйилган белгили ёки ёт нарсалар билан ифлосланган жун юклаб жўнатганлиги учун хўжалик бундай жун қийматининг беш фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шартномада келишилгандан пастроқ сифатли маҳсулотни сотганлиги учун хўжалик жавобгар бўлади, паст сифатли маҳсулотни

---

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат, 2000. 109-бет.

топшириш хўжаликларга рухсат этилган шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тайёрловчи хўжаликка етказиб берган идишни йиллик контрактация шартномаси амалда бўлиш муддати тугагандан сўнг қайтарилмаганлиги учун хўжалик тайёрловчига қайтарилмаган идиш қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди. Хўжаликка томонлар ўртасида келишилган ҳужжатларга асосан маҳсулотга келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортиқча бекор туриб қолганлиги айбдор томон бекор туриб қолиш билан боғлиқ харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган даволатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

Агар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортименти, стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Контрактация шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликларининг жавобгарлигини ҳал этишда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганликлари ҳам эътиборга олинади. Жумладан, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 79-бандида илк бор маҳсулот етиштирувчилар томонидан контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда, шунингдек хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контрактация шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари фермер, ширкат ва деҳқон хўжаликлари томонидан бажарилмаслиги (лозим даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи (МТП, Қишлоқхўжаликкимё) ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Маълумки, контрактация шартномалари бўйича маҳсулот етиштирувчилар томонидан ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилиши (белгиланган ҳосилни олиш) кўп жиҳатдан агротехника, агрокимё ва бошқа агросервис хизматларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан узвий боғлиқдир. Мисол учун, шудгорлаш ёки кимёвий озиклантириш ишларининг ҳатто қисқа муддат кечиктириб

бажарилиши ҳам ҳосилдорликнинг кескин равишда пасайиб кетишига ва натижада контрактация шартномаси бўйича маҳсулот етиштирувчи мажбуриятларининг бажарилмай қолишига сабаб бўлади. Демак, маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари кўп жиҳатдан хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг вазифаларини қай даражада амалга оширишларига бевосита боғлиқдир. Муқаддам контрактация шартномасининг бажарил-маслигида хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби бор ёки йўқлиги инобатга олинмас эди. Бу янги қонуннинг киритилиши фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>1</sup>.

### **Тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг мулкӣ жавобгарлиги.**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳол учун тайёрловчи хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг тўрт фоизи миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Қабул қилиш-топшириш жойига етказиб келтирилган маҳсулотни қабул қилиш асосиз рад этилганда тайёрловчи хўжаликка уни етказиб келиш харажатларини қоплайди. Тайёрлов ташкилоти шартномага ва топшириш-қабул қилишнинг келишилган жадвалига мувофиқ тайёрловчига тақдим этилган тез бузиладиган маҳсулотни қабул қилишни рад этган тақдирда, хўжалик ушбу маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра бошқа шахсларга сотиши мумкин. Бунда тайёрлов ташкилотлари маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги учун мулкӣ жавобгарликдан озод этилмайди.

Тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиладилар ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

<sup>1</sup> Синдаров К. Контрактация шартномаси ва унинг хусусиятлари. Хўжалик ва ҳуқук. Т.: №2. 2004. 19-20-бетлар.

Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган идиш ва ўраш материаллари билан маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки шартномада белгиланган миқдор ва муддатлар-да таъминламаганлиги учун тайёрловчи хўжаликка етказиб берилмаган идиш, мих ва қоқиш материалларини етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчи хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пайсишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрловчи кўрсатилган жаримадан ташқари, хўжаликка кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка моддий-техника ресурслари етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ҳам тўлайди.

Етказиб бериш муддати кечиктирилган, товарлар етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва етказиб бериш кечиктирилганлиги, товарлар тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод қилмайди.

Томонларнинг келишувига кўра шартномада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги жавобгарликнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин. Зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан кўриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор ҳоллари) муносабати билан уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбурият-

лари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Контрактация шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва аҳамияти.

2. Контрактация шартномаси тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Контрактация шартномаси тузиш тартиби.

4. Контрактация шартномаси бўйича ҳақ тўлаш.

5. Контрактация шартномаси бўйича жавобгарлик.

6. Контрактация шартномасининг бекор бўлиши.

## **6-§.ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ**

**Энергия таъминоти ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши.** Энергия таъминоти шартномаси олди-сотди шартномасининг алоҳида тури сифатида унинг бошқа турларидан ўзининг предмети билан ажралиб туради. Шу муносабат билан мазкур шартнома ўзининг предметиға кўра мустақил фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида ўз ўрнига эга. Мазкур шартнома предмети ҳисобланган энергия ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектларидан ўзига хос белгилар билан ажралиб туради. Энергия билан таъминлаш одатдаги товарларни етказиб беришдан фарқ қилиб, у оддий товар сингари сотувчидан сотиб олувчига ўтмасдан балки энергия билан таъминловчи ташкилотга тегишли бўлган махсус воситалар – туташтирилган тармоқлар орқали истеъмолчига етказиб берилади. Энергия таъминоти шартномасига кўра, энергия билан таъминловчида ва сотиб олувчи (истеъмолчида) муайян симлар, қувурлар (электр ва иссиқлик тармоқлари)нинг мавжуд бўлиши ва улар умумий тармоққа уланган бўлиши шарт. Энергия билан таъминлаш туташтирилган тармоқ мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

Энергия одатдаги моддий неъмат сифатида тушунилиши мумкин эмас. Энергия ўзида моддийлик хусусиятини намоён этиб, ўзида муайян моддийлик ҳолати (ток кучланиши, сувнинг ҳарароти) ни ифода этади. Ушбу хусусиятлар инсонлар фойдали натижаларга эришишини, турли хилдаги техник операцияларни амалга оширишини таъминлаш, ишлаш ва дам олиш учун зарурий шароитларни яратишга

хизмат қилади. Энергияни физик хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа товарлар каби омборларда ва маҳсус идишларда кўп миқдорда тўплаш ва сақлаб туришнинг имкони йўқ. Энергиянинг фойдали хусусиятлари ундан фойдаланиш, уни истеъмол қилиш жараёнида намоён бўлади. Фойдаланиш натижаси сифатида бажарилган иш ёки амалга оширилган технологик операцияларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бироқ, бунда энергиянинг ўзи бирор-бир маҳсулот ёки бошқа шаклига айланмайди, балки йўқ бўлиб кетади. Энергиянинг мавжуд бўлганлиги ва ундан фойдаланилганлиги улчов асбобларининг кўрсаткичларида акс этади холос.

Таъкидлаш лозимки, ҳали тармоқда бўлган ва истеъмолчи томонидан фойдаланилмаган энергия тармоқ эгаси ва энергияни ишлаб чиқиш манбасининг эгасига тегишлидир. Энергия билан таъминловчи ташкилотнинг мулкдор сифатидаги ваколатларининг асосийсини энергияни тасарруф этиш ҳуқуқи ташкил этади. Бу ҳуқуқ энергияни сотиб олувчи (абонент) ларга сотиш (узатиш) ёхуд бошқа битимлар (масалан, қарз) тузиш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга энергия билан таъминловчи ташкилот энергиянинг муайян миқдоридан ўзининг эҳтиёжларини қондиришда фойдаланади. Ўзи қабул қилиб олаётган энергияга эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича абонентнинг ваколатлари энергияни амалдаги қоидалар ва шартнома шартларига риоя қилган ҳолда, ўзига тегишли ускуналар ишлашини таъминлаган ҳолда ўзининг хоҳишига кўра, турли технологик эҳтиёжлар: иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва шу кабиларга йўналтириш имкониятига эгалигида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, жамият тараққиётининг ўтган асрларга нисбатан XIX-XX асрлар давомидаги жадал ривожланиши шундай даражага етиб келдики, бу даврда энергия таъминоти иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарурий воситасига айланди, чунки бу даврга келиб, машина ва асбоб-ускуналар, уй-жойлар, қурилиш ва ишлаб чиқариш объектларининг барчаси энергияга муҳтож бўлиб қолди. Шундай шароитларда истеъмолчиларга энергия бериб туришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи энергия таъминоти шартномаси юзага келди<sup>1</sup>.

Энергия таъминоти билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни<sup>2</sup>, Ўзбекистон Рес-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм). –Т.: Адолат, 1999. 53-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 118-модда



публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” ва “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш” Қоидалари<sup>1</sup> билан тартибга солинади.

**Энергия таъминоти шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.** Энергия таъминоти шартномаси олди-сотди шартномаларининг бир тури бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объектларидан бири бўлган энергия турларини истеъмолчиларга бевосита етказиб беришга қаратилади. Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Энергия таъминоти шартномасининг муҳим хусусияти, олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқли равишда сотувчидан сотиб олувчига ўтадиган мол-мулк одатдаги етказиб бериш ёки топшириш усулида эмас, балки туташтирилган тармоқ орқали амалга оширилиши ҳисобланади. Масалан, газни баллонларда етказиб бериш анъанавий олди-сотди шартномасининг кўриниши ҳисобланса, газни қувурлар орқали етказиб бериш энергия таъминоти шартнома ҳисобланади. Чунки қувурлар туташтирилган тармоққа кириб абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилотни бевосита боғлайди. Туташтирилган тармоқ деганда, энергия ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи корхоналар билан абонентни бевосита, тўғридан-тўғри боғлайдиган симлар, қувурлар ва шу каби бошқа воситалар тушунилади. Бунда етказиб берилаётган энергиянинг миқдори махсус ўлчов воситалари орқали аниқланади. Масалан, электр энергияси, газнинг миқдори махсус ҳисоблагичда аниқлаб борилади.

Энергия таъминоти шартномасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- энергия таъминоти шартномасида ҳар доим мажбурий субъект сифатида энергия билан таъминловчи ташкилот иштирок этиши лозим;

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 3-4-сон, 26-модда.

- шартнома предмети ҳисобланган энергия турлари фуқаролик муомаласининг одатдаги ашёлар эмас, балки хавфли хоссаларга эга ашёлар ҳисобланади;

- агар олди-сотди шартномасида сотиб олувчи зиммасига «товарни қабул қилиб олиш» мажбурият юклатилса, энергия таъминоти шартномасида абонент «қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш» мажбуриятини бажариши лозим бўлади. Бу эса мазкур шартномада абонентга товарни қабул қилиш мажбурияти, аниқроғи муайян миқдордаги энергияни қабул қилиш мажбурияти юклатилмаслигини англатади;

- олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилиб, энергия таъминоти шартномасида сотиб олувчи (абонент)га ўзи сотиб олаётган товардан фойдаланишга, уни эксплуатация қилишга нисбатан қатъий талаблар белгиланган. Яъни абонент қабул қилинган энергиядан фойдаланишда энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади. ФКнинг 478-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан энергия таъминоти шартномалари татбиқ этилади;

- шартнома предметидан фойдаланишда абонентдан муайян билим ва кўникмага эга бўлиш талаб этилади. Зеро, бундай талаб энергия турлари ўзига хос қайта тикланмайдиган ва ишлаб чиқарилиши катта меҳнат ва сарф-харажатни талаб этадиган моддий неъматлар жумласига кириши билан белгиланади;

Энергия таъминоти шартномаси ўзининг ҳуқуқий белгиларига кўра, икки томонлама (энергия билан таъминловчи ташкилотда ва абонентда ҳам муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд), конесенсуал<sup>1</sup> (тарафлар томонидан ўзаро келишувга эришилгач шартнома тузилган ҳисобланади), ҳақ эвазига (қабул қилиб олинган энергия учун абонент ҳақ тўлаш мажбуриятини олади) тузиладиган шартнома ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Энергиядан турмушда фойдаландиган фуқаро абонент бўлганда энергия таъминоти шартномаси реал шартномалар тоифасига киради. Зеро, ФКнинг 469-моддасида «энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисоблиши» назарда тутилган. Бу ҳолат эса реал шартномаларга хос хусусият ҳисобланади.

Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган абонент билан тузилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, абонент тармоққа белгиланган тартибда амалда биринчи марта уланган пайдан бошлаб у билан шартнома тузилган ҳисобланади.

Энергия таъминоти шартномасининг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Агар тарафлардан бири шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин янги шартнома тузиш ҳақида таклиф киритса, тарафларнинг ўзаро муносабатлари янги шартнома тузилгунга қадар аввал тузилган шартнома билан тартибга солиб турилади.

## **2. Энергия таъминоти шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Энергия таъминоти шартномасида икки тараф: энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонент иштирок этади. Энергия билан таъминловчи ташкилотлар жумласига, “Ўзбекэнерго” ДАК тизимидаги ва “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзтрансгаз” Миллий холдинг компаниялари, “Ўзкоммунхизмат” давлат агентлигига қарашли корхоналар кирди. Абонентлар сифатида эса, шартномада фуқаролар, юридик шахслар ва давлат органлари иштирок этишлари мумкин. Ушбу шартнома олди-сотди шартномасидан фарқли равишда ўзига хос мажбурий шартлар олдиндан белгилаб қўйилиши билан, шартнома иштирокчиси ҳисобланган абонент шартноманинг заиф томони сифатида ун қўшимча шўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаслиги билан ажралиб туради. Зеро, энергия таъминоти шартномасида қандай шартлар ифодаланиши лозимлиги қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилади. Масалан, “Электр энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларига мувофиқ, абонент ва энергия таъминоти ташкилоти ўртасидаги шартномада қуйидагилар назарда тутилади:

- шартнома мавзуси;

- истеъмол қилишнинг белгиланган режимларига риоя қилишнинг ва электр энергияси сифати кўрсаткичларини келишишнинг мажбурийлиги;

- тармоқлар ва энергия ускуналарининг баланс бўйича мансублик чегаралари;

- электр энергияси учун ҳақ тўлаш бўйича истеъмолчиларнинг тариф гуруҳлари;

- истеъмолчининг тасарруфидаги тармоқлар ва энергия ускуналаридан, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланишнинг хавфсизлигини ва уларнинг созлигини ҳамда энергия таъминотининг ишончлигини таъминлаш;

- субабонентларни абонентнинг тармоғига улаш (истеъмолчининг номи, қуввати, ҳисобга олиш приборлари, тарифлар ва бошқа маълумотлар);

- алоҳида шартлар;

- аҳдлашувчи томонларнинг жавобгарлиги;

- низоларни ҳал этиш тартиби;

- томонларнинг реквизиитлари.

Энергия билан таъминловчи ташкилот энг асосий мажбурияти туташтирилган тармоқ орқали энергияни бериб туриш ҳисобланади. Шу билан бирга энергия билан таъминловчи ташкилот энергияни энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда бериш туриши лозим. Энергиянинг миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади. энергияси “киловатт”да ҳисобланса, энергия таъминловч берган ва абонент қабул қилган газнинг миқдор “кубометр”да аниқланади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда энергия бериши лозим. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган ва абонент қабул қилган энергия миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади.

Қонун ҳужжатларида энергия билан таъминловчи ташкилотнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қуйилган. Масалан “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш” Қоидаларига мувофиқ, иссиқлик таъминоти ташкилоти қуйидагиларга мажбур:

- шартномага мувофиқ истеъмолчига иссиқлик энергияси узлуксиз берилишини таъминлаш, иссиқлик манбаи коллекторларидан бе-

рилаётган иссиқлик манбалари параметрларининг (буғ ва иссиқ сув) шартномага мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг:

- буғ бўйича (босим ва ҳарорат) - (Қ) 5 фоизга;

- иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - (Қ) 3 фоизга; сув босими бўйича:

- иссиқлик берувчи қувурда - (Қ) 5 фоизга;

- орқага қайтадиган қувурда - (Қ) 20 кПа четга чиқишига йўл қўймаслик;

- иссиқлик тўлиқ етказиб берилмаганлиги тўғрисида истеъмолчиларнинг ёзма аризаларини истеъмолчилардан ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

- иссиқлик таъминоти ташкилотининг айби билан технологик мақсадлардаги тўлиқ етказиб берилмаган энергия қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми истеъмолчининг вакили иштирокида иссиқлик таъминоти ташкилоти томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

Электр энергиясини етказиб берувчи энергия таъминоти ташкилоти эса қуйидагиларга мажбур:

- электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш;

- электр энергияси сифат кўрсаткичларини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида шартнома ва стандартлар билан белгиланган даражада сақлаб туриш;

- энергия таъминоти ташкилотининг электр тармоқларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

- электр энергияси беришнинг режадан ташқари тўхтатилиши сабабларини хабар қилиш;

- ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичларини амалдаги давлат норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;

- жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда ўз вақтида хабар қилиш;

- электр энергиясининг энергия таъминоти ташкилоти ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ истеъмолчига узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

- истеъмолчиларнинг электр энергиясининг тўлиқ берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузилишлари тўғрисида-

ги аризаларини истеъмоладан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш ва ушбу қоидаларга мувофиқ муфассал жавоб юбориш.

Энергия таъминоти шартномасида абонентнинг ўзи қабул қиладиган энергиянинг шартномада белгиланган миқдорини энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергияни шартномада белгиланмаган миқдорда беришни таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш шарти билан ўзгартириш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

Энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро энергия таъминоти шартномасига мувофиқ абонент бўлган тақдирда у энергиядан ўзи учун зарур бўлган миқдорда фойдаланишга ҳақли.

Энергия билан таъминловчи ташкилот берадиган энергиянинг сифати стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ, абонентга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

1. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган энергия ҳақини ўз вақтда тўлаш;

2. Шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш;

3. Тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш;

4. Ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш.

Абонент ишлатилаётган энергетика тармоқлари, асбоб ва ускуналарнинг зарур техникавий ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаши, энергия ишлатишнинг белгиланган тартибига амал қилиши, шунингдек авариялар, ёнғинлар, энергияни ўлчаш асбобларидаги носозликлар ва энергиядан фойдаланиш пайтида келиб чиқадиган бошқа бузилишлар тўғрисида энергия билан таъминловчи ташкилотга дарҳол хабар бериши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, энергетика тармоқлари, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш асбобларининг зарур техник ҳолати ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилот зиммасига юклатилади.

Электр энергияси истеъмолчилари қуйидагиларга мажбур:

- электр энергияси ва истеъмол қилинадиган қувват учун шартномадаги миқдорнинг камида 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш ва истеъмол қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобни ҳисоб-китоб оyi тугаганидан сўнг 30 кун мобайнида амалга ошириш;

- энергия таъминоти ташкилоти талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиш ва хабар қилиш:

- ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфлар ва истеъмол қилинадиган қувватнинг ҳақиқий миқдори;

- энергия тизимининг энг катта ва энг кичик юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

- энергия тизимининг энг катта юкмаси вақтида ҳар 30 дақиқадаги актив энергия (қувват) сарфи.

Электр энергияси истеъмолчилари энергия таъминоти ташкилотидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш;

- электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган қийматда сақлаш;

- энергия таъминоти ташкилотининг электр тармоқларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида огоҳлантириш;

- электр энергияси таъминоти ташкилоти билан келишган ҳолда электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий миқдорини чораклик миқдор доирасида жорий йил мобайнида 2 марта (1 ва 2-ойларда - улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимлаш.

Энергетика тармоқлари, асбоб ва ускуналарнинг техник ҳолатига ва уларни ишлатишга қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

Абонент энергия билан таъминловчи ташкилотдан туташтирилган тармоқ орқали қабул қилиб олган энергияни бошқа шахс (қўшимча абонент)га фақат энергия билан таъминловчи ташкилот розилиги билан беришга ҳақли.

Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, абонент томонидан энергияни қўшимча абонентга бериш шартномасига нисбатан энергия таъминоти шартномаси қоидалари қўлланади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергияни қўшимча абонентга бериш чоғида абонент энергия билан таъминловчи ташкилот олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Агар энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса, энергия билан таъминловчи ташкилот айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли даражада бажармагани учун жавоб беради.

Энергия беришдаги узилишларга, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклашга тарафлар келишувига мувофиқ йўл қўйилади, абонентга қарашли энергетика қурилмаларининг қониқарсиз аҳволи авария хавфини келтириб чиқариши мумкинлиги ёки фуқаролар ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдираётгани давлат энергетика назорати органи томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно. Энергия билан таъминловчи ташкилот абонентни энергия беришдаги узилишлар, энергия беришни тўхтатиш ёки чеклаш тўғрисида огоҳлантириши лозим.

Абонент билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ унга дарҳол хабар берган ҳолда энергия беришни вақтинча узиб қўйиш, тўхтатиш ёки чеклашга энергия билан таъминловчи ташкилот тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда у энергия билан таъминловчи ташкилотга маълум қилиш ва фойдаланилган энергия ҳақини тўлиқ тўлаш шarti билан шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент бўлган тақдирда абонент ўзи фойдаланган энергия ҳақини тўламагани туфайли энергия билан



таъминловчи ташкилот шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда у шартномани бажаришдан бош тортишдан камида бир ой олдин абонентни бу ҳақда огоҳлантириши лозим.

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ юридик шахс абонент бўлган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот абонент шартномани жиддий бузган тақдирда шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Энергия таъминоти шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Энергия таъминоти шартномаси тарафлари.
3. Энергия таъминоти шартномасини тузиш.
4. Энергиянинг сифати ва миқдори тўғрисидаги шарт.
4. Энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик.

## **7-§. КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ, КОРХОНАНИ СОТИШ, АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ**

### **1. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тушунчаси ва унинг турлари**

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади. Сотиб олувчи эса бунинг учун тегишли ҳақни тўлаши лозим. ФКнинг 83-моддасига асосан кўчмас мулк ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Кўчмас мулкнинг муҳим белгиларидан бири шундан иборатки, у ер билан мустаҳкам узвий боғлиқ. Бундай боғлиқлик табиий ҳолда вужудга келганми (масалан, булоқ, кон) ёки инсон меҳнати орқали вужудга келганми (масалан, бино, қудуқ, боғ ва шу кабилар) аҳамиятга эга эмас. Кўчмас мол-мулк ер билан узвий эканлигидан, унинг иккинчи бир белгиси келиб чиқади; бундай мол-мулкни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас ёки кўчириш жараёнида катта қийинчиликлар вужудга келади. Бундай қийинчиликлар, энг аввало, кўчмас мол-мулкни кўчирганда ўзининг табиий хусусиятларини йўқотиши, ундан тайин-

ланиш мақсади бўйича фойдаланиб бўлмаслиги, шаклан ёки жисман ўзгаришларда намоён бўлади. Кўчмас мол-мулкнинг муҳим белгиси сифатида унинг алоҳида қийматга эга эканлиги ҳам адабиётларда кўрсатиб ўтилган. Масалан, баъзи мамлакатлар қонуни бўйича денгиз ва дарё кемалари, космик объектлар ҳам (масалан, ернинг сунъий йўлдошлари) кўчмас мол-мулк жумласига киритилган.

Кўчмас мол-мулкнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) мол-мулк мажмуи сифатида корхона;

б) тураржой бинолари;

в) ер ости қатламида, ер бағрида жойлашган объектлар (конлар, шахталар, ғорлар, ер ости суд хавзалари, тоннеллар);

г) жойлашган жойидаги ер сатҳи билан узвий мустаҳкам боғлиқ объектлар (бинолар, боғлар, иншоотлар, ўрмонлар, кўллар, дарёлар, ариқлар);

д) ер участкалари;

е) гарчи ер билан боғлиқ бўлмаса-да, алоҳида қийматга эга эканлиги сабабли фуқаролик муомаласида кўчмас мол-мулкнинг ҳуқуқий режими жорий қилинган объектлар-денгиз ва ҳаво кемалари, фазо объектлари.

## **2. Кўчмас мол-мулк сотиш шартномасининг шакли**

Маълумки, ФКнинг 84-моддасига асосан кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганда мулкдорларга кўчмас мол-мулкка нисбатан мулкдор эканлиги ҳақидаги ҳужжат бериш, шунингдек, кўчмас мулкдорини махсус давлат реестрида қайд қилиш орқали амалга оширилади. Кўчмас мол-мулкнинг сотувчиси, бинобарин, мулкдор сифатида тегишли ҳужжатга эга бўлиши, кўчмас мол-мулкнинг ўзи ва мулкдори давлат реестрида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Акс ҳолда, у кўчмас мол-мулк олди-сотди шартномасида сотувчи сифатида қатнаша олмайди. ФКнинг 480-моддасига асосан, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Бинобарин, бунда ҳужжатларни алмашиш йўли билан шартнома тузиш мумкин эмас. Кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси ёзма шаклдаги битта ҳужжат сифатида мавжуд бўлади. Юқоридаги талабга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Қонун талаб қилган

ҳолларда кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси нотариал гувоҳландирилмоғи лозим (Масалан, корхоналарнинг, тураржой биноларининг олди-сотди шартномасида ва ҳоказо). ФКнинг 481-моддасига асосан, кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шартноманинг давлат рўйхатидан ўтказилиши шартнома матнига ваколатли давлат идораси томонидан устхат ёзиш йўли билан амалга оширилади. Айни пайтда сотиб олувчи мулкдор сифатида кўчмас мулк давлат ресстрида қайд этилди ва унга мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берилади. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилганига қадар тарафларнинг кўчмас мол-мулкни сотиш шартномасининг бажарилиши уларнинг учинчи шахс билан муносабатларини ўзгартириш учун асос бўлмайди. Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафларнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бош тортаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги сабабли кўрган зарарини қоплаши шарт.

### **3. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг предмети ва баҳоси**

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган мулкни аниқ бериш имконини берадиган маълумотлар, шу жумадан, кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлаштирилганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт. Масалан: Ер кодексининг 18-моддасида белгиланган асослар бўйича хусусийлаштирилган ер участкаси сотилганда у жойлашган ҳудуд ернинг тоифаси, умумий майдони ва чизма режаси, иншоотлар, нотураржой иморатлар сотилганда унинг манзилгоҳи, тайинланиш мақсади, майдони, неча қават эканлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим. Кўчмас мулк хусусий аломатлари билан белгиланадиган мол-мулк бўлганлиги сабабли, унинг айнан худди ана шу сифат белгилари шартномада аниқ-равшан белгиланган бўлиши керак. Бу ҳолат тарафлар ўртасида ҳар хил низолар вужудга келишининг олдини олади. Агар шартномада кўчмас мулк

ҳақида юқоридаги маълумотлар бўлмаса, кўчмас мулк ҳақидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, шартнома эса тузилмаган ҳисобланади. Бинобарин, кўчмас мулк сотиш ҳақидаги шартноманинг муҳим шартларидан бири бўлиб, шартнома предмети ва хусусий аломатлари шартномада белгиланган бўлиши шарт (ФКнинг 485-моддаси). Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисида шарт бўлмаса уни сотиш тўғрисидаги шартнома бузилмаган ҳисобланади. Бинобарин, тарафлар кўчмас мулкнинг баҳоси ҳақида ўзaro келишувга эришган ва бу келишув ёзма шартномада ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Агар шартномада баҳо ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, ФКнинг 356-моддаси 4-қисмида назарда тутилган баҳони белгиланган қоидалари қўлланилмайди. Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топшириладиган ер участкаси, тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлиги (масалан, 1 кв.м.га 500 сўмдан) ёки бошқа кўрсаткичига (масалан, боғда жойлашган мева дарахтлар сони) қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулк бўлиши лозим бўлган умумий баҳоси сотиб олувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади. Бинобарин, бундай ҳолларда кўчмас мулкнинг умумий баҳоси белгиланган бўлиши шарт эмас. Масалан 20 кв.м. квартира сотилган бўлса, ҳар бир квадрат метр учун 10.000 сўмдан баҳо келишилган бўлса ва шартномада ўз ифодасини топган бўлса, квартиранинг баҳоси 200.000 сўм қилиб белгиланади.

#### **4. Кўчмас мулк билан бирга сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳуқуқлар таркиби ва уни амалга ошириш ниятлари**

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан, сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда, ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиши зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади (ФКнинг 487-моддаси 1-қисми). Бундан нафақат кўчмас мулк жойлашган ер участкаси, балки ундан фойдаланиш учун зарур бўлган майдон, масалан, бинога олиб кирадиган

йўлак ҳам назарда тутилади. Маълумки, Ер кодексининг 18-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ер олди-сотди қилинмайди. Ер давлат мулки бўлиб ҳисобланади ва фақат фойдаланиш учунгина берилиши мумкин, холос. Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи билан ер устида жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи фарқланади. Масалан, боғга нисбатан мулк ҳуқуқи маълум бир фуқарога тегишли бўлса, боғ жойлашган ерга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатга тегишли бўлади. Боғнинг эгаси ер участкасидан фойдаланувчи бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, боғ сотилган тақдирда, сотиб олувчига нисбатан мулк ҳуқуқи ва боғ жойлашган ер участкасига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқи ўтади.

Сотувчи сотаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ҳам берилади. Агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш чун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Сотувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонун ёки шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ана шу участкаси мулкдорларнинг розилигисиз сотишга йўл қўйилади. Бундай кўчмас мулк сотилганида, сотиб олувчи кўчмас мулкни сотаётган шахс ер участкасининг тегишли қисмидан қандай шартларда фойдаланган бўлса, ўша шартларда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ФКнинг 483-моддасида ер участкаси сотилганда, кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқ мазмуни белгилаб қўйилган. Ер кодексининг 18-моддасига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо, хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириб олганда улар жойлашган ер участкаларини ҳам хусусийлаштириш имкониятлари белгилаб қўйилган. Бинобарин, бундай ҳолатда юридик ёки жисмоний шахсда нафақат кўчмас мол-мулкка нисбатан, балки ўша кўчмас мулк жойлашган ер участкасига нисбатан ҳам мулк ҳуқуқи вужудга келади. ФКнинг 483-моддасида мулкдор ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқларни алоҳида-алоҳида ҳолда тасарруф этиш оқибатлари белгилаб қўйилган. Сотувчига қарашли бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк жойлашган ер участкаси ана шу кўчмас мулкни сотиб олаётган шахс-

га мулк қилиб топширмаган ҳолда сотилса, ер участкасининг кўчмас мулкў жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан сотувчининг фойдаланиш ҳуқуқи сотиш шартномасида белгиланган шартларда сақланиб қолади. Масалан, шахс Ер кодексининг 18-моддасини сотган ҳолда, ер участкаси устида жойлашган савдо ёки хизмат кўрсатиш объектига нисбатан мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган бўлса, ушбу объектлардан фойдаланиш шартлари ер участкасини сотиш ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилган бўлиши керак. Агар участканинг тегишли қисмидан фойдаланиш шартлари уни сотиш шартномаси билан белгиланган бўлмаса, сотувчи ер участкасини кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан кўзланган мақсадларда фойдаланиш учун зарур бўлган қисмдан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини сақлаб қолади. Олди-сотди шартномасининг шаклига нисбатан битимларнинг шакли ҳақидаги қоидалар (ФКнинг 108-112-моддалари), шунингдек, шартноманинг шакли ҳақидаги қоидалар (ФКнинг 336-моддаси) қўлланилади. Бунда шартноманинг тури ва товарнинг ўзига хос хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Олди-сотди шартномаси шаклини белгилашда, биринчидан, фуқаролик муомаласининг талаблари, иккинчидан эса, олди-сотди битимлари қонунийлигининг устидан назорат қилиш зарурати, бундай муносабатларда жамият манфаатлари ёхуд айрим шахслар манфаати ҳимоясини таъминлаш зарурати билан боғлиқ ҳолатлар белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, нақд пул ҳисобига амалга ошириладиган чакана савдода тарафларга қулайлик туғдириш учун олди-сотди шартномасини махсус расмийлаштириш талаб этилмайди. Нақд пул бараварига тузиладиган ва тузилиш вақтининг ўзидаёқ ижро этиладиган олди-сотди шартномаси, умумий қоида бўйича суммасидан қатъи назар, оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Бинобарин, савдо дўконларида, бозорларда тузиладиган олди-сотди шартномалари товарларнинг харидорларга дарҳол топширилгани ва шу ондаёқ ҳақ тўлангани сабабли оғзаки расмийлаштирилиши мумкин.

Агарда олди-сотди шартномасини амалга оширишда ҳақ тўлаш ва сотилган товарни топшириш бир вақтнинг ўзида, сотувчи ва харидор томонидан муқобил ижро этилмаса, масалан, товар ҳақини олдиндан тўлаш, насияга товар сотиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ФКнинг 420-422-моддалари) ҳолларида шартнома ёзма равишда тузилиши мақсадга мувофиқ ёхуд бундай ҳолларда тегишли ҳаракатларнинг содир этилганлиги (масалан, пул олдиндан тўланганлиги, товар насияга сотилгани) факти чек, жетон, тилхат орқали гувоҳ-

лантирилиши лозим. Бу эса келгусьда тарафлар ўртасида низолар келиб чиқишининг оддини олади ёхуд бундай низоларнинг адолатли ҳал этилишига хизмат қилади.

Кўчмас мол-мулк, шу жумладан, тураржойлар олди-сотдиси, автомобиллар, ов, ўқ отар қуроллари ва ш.к. предметлар олди-сотдиси устидан назорат ўрнатиш ижтимоий аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам бундай шартномалар ёзма тузилиши, нотариал гувоҳлантирилиши, махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади. Бундай ҳолларда шартнома тегишли шаклда расмийлаштирилмаслига унинг ҳақиқий саналмаслиги ёки қонунда белгиланган бошқа оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай талаблар ташқи савдо битимларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Олди-сотди шартномасида тарафлар сотувчи ва харидор ҳисобланади. Бунда тарафлар сифатида фуқаролар ва юридик шахслар қатнашиши мумкин. Айни вақтда муайян ҳолларда шартномада тараф сифатида давлат ҳам иштирок этиши мумкин. Давлат ўзининг таъсир этиш ҳуқуқ лаёқатига эга бўлганлиги учун тадбиркорлар ва сотиб олувчи истеъмолчилар билан тузиладиган олди-сотди шартномасида иштирок эта олмайди. Масалан, чакана олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти шартномаларида ва ҳ.к. Олди-сотди шартномасида давлат иштирокининг яққол мисоли давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасидир<sup>1</sup>.

Олди-сотди шартномаси юқорида кўрсатилган субъектлар ўртасида, шунингдек, ўзаро тузилиши мумкин.

Шартномада тараф сифатида фуқаро қатнашганда у муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бинобарин, вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган ва қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган ҳар қандай шахс шартномада тараф сифатида иштирок эта олади. Айни вақтда, қонун муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг ҳам олди-сотди шартномасида тараф сифатида қатнашиш ҳолатларини назарда тутди. Масалан, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар майда маиший битимлар тузишга, масалан, кичик суммада товарлар сотиш ёки сотиб олишга (музқаймоқ, чанқовбосди ичимликлар, қалам, дафтар, ҳаво шарлари ва ш. к.) ҳақли (ФКнинг 29-моддаси 2-қисми 1-банди). Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадлари ҳисобига товарлар сотиб олиш ёхуд уларни сотишга ҳақли (ФКнинг 27-моддаси 2-қисми 1-банди).

<sup>1</sup> Гражданское право. Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1998. 12-б.

ФКнинг 22-моддаси, 2-қисми ва 28-моддада белгиланган тартибда тўла муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаганлар ҳам олди-сотди шартномасида суммасидан қатъи назар, тўла ҳуқуқли тараф сифатида қатнаша оладилар. Спиртли ичимликлар ёхуд наркотик моддалар суиистеъмол қилганлиги сабабли муомала лаёқати чекланган шахслар ҳам мустақил равишда майда маиший битимлар туза оладилар (ФКнинг 31-моддаси). Бундай шахслар, шунингдек, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар йирик суммадаги олди-сотди шартномаларини фақат ҳомийси, ота-оналари ёки фарзандликка олувчилар розилиги билангина туза оладилар.

Ҳар хил ташкилий тузилмалар олди-сотди шартномасида тараф бўлишлари учун куйидаги икки талабга жавоб беришлари шарт: биринчидан, бундай тузилмалар юридик шахс мақомига эга бўлишлари ва иккинчидан, улар тузаётган олди-сотди шартномаси уларнинг таъсис ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

Одатда шартномада сотувчи сифатида қатнашаётган шахсга сотилаётган ашё мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади, бироқ айрим ҳолларда сотувчи сотилаётган товарнинг мулкдори бўлмаслиги ҳам мумкин. У ҳолда сотувчининг товарни сотишга бўлган ҳуқуқи қонун ёки шартнома асосида вужудга келган бўлиши лозим (масалан, давлат корхонаси томонидан унга хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилган товарни сотиши ёхуд воситачилик (комиссион) дўконларида товарларни сотиш).

қонунда бир неча субъектга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ашёларни сотишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган шериклари сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси). Эрхотинга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, никоҳ давомида ортгирилган мол-мулк ҳам ҳар иккаласининг розилиги асосида сотилади.

Олди-сотди шартномаси бўйича эркин суратда бошқа шахсларга берилиши мумкин бўлган, фуқаролик муомаласидан ташқари чиқарилмаган ҳар қандай ашёлар товар бўлиши мумкин.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган объектлар олиш-сотиш предмети бўла олмайди. Сотилиши ҳамда сотиб олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 ав-



густдаги 119–1-сонли қарорига 1-иловада кўрсатилган<sup>1</sup>. Бунга давлат мутлақ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган объектлар, тарихиймаданий ва табиий мерос объектлари, ҳарбийтехникавий мол-мулк; ҳарбий қуроляроғлар, портловчи ва радиоактив моддалар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, қабристон ва ш.к. объектлар киради. Айрим объектлар фуқаролик муомаласида чекланган ҳаракатда бўлади. Уларни махсус рухсат олиш асосида сотиб олиш ёки сотиш мумкин (масалан, кучли наркотик дорилар фақат махсус рецепт асосида, рўйхатда қайд этилиб сотилади).

Товар сифатидаги ашёлар хусусий аломатлар билан белгиланган ашёлар ёхуд жисмий аломатлари билан белгиланган ашёлар ёки кўчмас мол-мулк бўлиши мумкин.

Валюта қийматларини олиш-сотиш давлатнинг ваколатли қарорлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Мамлакатимиз ички савдо муомаласида сотилган товарлар учун ҳақ чет эл валютасида эмас, балки умумий қоида тарзида сўмда амалга оширилади. Сотилган товар ҳақини чет эл валютасида тўлашга давлатнинг ваколатли идоралари томонидан белгиланган тартибда ва ҳоллардагина йўл қўйилади. қимматли қоғозларни олиш-сотиш, айрим турдаги олди-сотди (чакана олди-сотди, товарлар етказиб бериш, энергия таъминоти, корхонани сотиш, кўчмас мол-мулкларни сотиш) махсус белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди шартномаси, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек, келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида ҳам тузилиши мумкин.

Шартноманинг товар ҳақидаги шарти унинг асосий ва муҳим шарти ҳисобланади, бусиз шартнома мавжуд бўла олмайди. Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги олди-сотди шартномасининг шарти келишилган ҳисобланади.

Олди-сотди шартномасида баҳо харидор томонидан сотиб олинаётган товар учун сотувчига тўланадиган маълум миқдордаги пул суммасидир. Агарда харидор олинаётган товар эвазига сотувчига пул эмас, балки ашёни топширса, ёхуд маълум хизмат кўрсатишни, иш бажаришни ўз устига олса, ёхуд текин олиш назарда тутилган бўлса, у ҳолда олиш-сотиш ҳисобланмайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 9 сон, 194-модда

Олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади. қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади (ФКнинг 356-моддаси, 2-қисми). Масалан, айрим турдаги товарлар фақат бир ёки чекланган доирадаги бир неча корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши ва бу корхоналар ўзларининг бундай устун, монополь мавқеидан фойдаланиб, товарлар баҳосини белгилашда суиистеъмолликлар қилиши мумкин. Шу сабабли ҳам «Товар бозорида монополистик ҳолатни ва рақобатни чеклаш тўрри-сида»ги қонун (1996 йил 27 декабрда қабул қилинган), «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун (1997 йил 27 апрелда қабул қилинган) ва шу каби қонунларда товарлар нархи белгилаб қўйилиши мумкин, бироқ бозор муносабатлари тизимида кўпчилик товарларнинг баҳоси тарафлар томонидан ўзаро келишув асосида белгиланади.

Тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш харидор ҳисобидан амалга оширилади (ФКнинг 418-моддаси 1-қисми). Масалан, пулни почта орқали юбориш, сотувчининг банк ҳисоб рақамига ўпсазиш харажатлари ва ҳ.к.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, агар шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, у соф оғирлиги (нетто) бўйича аниқланиши лозим, бунда товарнинг идиш ёки ўров ҳолидаги оғирлиги (брутто) асос бўлиб ҳисобланмайди.

Агар олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсаткичлар (таннарх, харажатлар ва ҳ.к.)га қараб ўзгартирилиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, аммо шу билан бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланган бўлмаса, баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайгдаги ва товарни топшириш пайтидаги ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, олди-сотди шартномаси январь ойида тузилди, товар харидорга май ойида топширилди. Мана шу вақт оралиғида товарнинг баҳоси 20 фоизга қимматлашди. Бинобарин, бундай ҳолда бирламчи баҳо ва охириги баҳо ўртасидаги нисбат ҳисобга олинмоғи лозим.

Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини кечиктириб юборганида баҳо товарни шартнома бўйича топшириш лозим бўлган вақтдаги баҳо бўйича тўланади.

Шартнома тузилгандан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари, шартномада назарда тутилган ҳолатларда ва шартларда йўл қўйилади.

Баҳо ҳақида келишув шартноманинг муҳим шартидир. Бундай келишувга эришилмаганида шартнома тузилмаган ҳисобланади. Баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда баҳо худди товарлар учун тўланадиган нархлар бўйича белгиланади. Ушбу қоида ФКнинг 356-моддаси, 3-қисми мазмунидан келиб чиқади. Мазкур ҳолларда, гарчи шартномада баҳо ҳақида келишув мавжуд бўлмаса ҳам, тарафлар бундай келишувга эришгани ҳақидаги презумпция амал қилади.

Олди-сотди шартномасини ижро этиш муддати тарафларнинг ўз мажбуриятларини амалга ошириш вақти билан белгиланади. Бундай муддат қонун ҳужжатларида ёхуд тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

## **5. Кўчмас мулкни топшириш тартиби ва сифати лозим**

### **даражада бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари**

ФКнинг 486-моддасида сотувчи томонидан сотиб олувчига кўчмас мулкни топшириш тартиби ва уни расмийлаштириш шартлари белгилаб қўйилган. Кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзоладиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади. Кўчмас мулкни топшириш сотувчи зиммасидаги мажбуриятдир. Сотиб олувчи зиммасига эса шартнома бўйича келишилган ҳақни тўлаш ва топширилган кўчмас мулкни қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилган. Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзоланган кейин бажарилган ҳисобланади. Тарафлардан бирининг кўчмас мулкни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзолашдан бўйин товлаши тегишли равишда сотувчининг мулкни топшириш мажбуриятини бажаришдан, сотиб олувчининг эса мулкни қабул қилиб олиш мажбуриятини бажаришдан бош тортиши ҳисобланади. Қайси тараф ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, қонунда ва шартномада белгиланган асослар бўйича жавобгарликка тортилади. Сотиб олувчининг кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шартларига мос бўлмаган кўчмас мулкни қабул қилиб олиши ҳатто бундай мос келмаслик хусусида кўчмас мулкни топшириш тўғрисидаги ҳужжатда писанда қилиб қўйилган бўлса ҳам сотувчининг шартномани тегишли даражада ба-

жарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди. Сотувчи томонидан сотиб олувчига тегишли даражада сифатли бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари ФКнинг 485-моддасида белгилаб қўйилган. Бундай ҳолларда сотиб олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир: кўчмас мулк баҳосини ундаги камчиликларга мутаносиб равишда камайтиришга; кўчмас мулкдаги камчиликларнинг сотувчи томонидан бартараф этилишини талаб қилишга; агарда ўз томонидан ёки учинчи шахслар томонидан кўчмас мулкнинг камчиликлари бартараф этилган бўлса, бунинг учун қилинган харажатларнинг сотувчи томонидан қопланиши талаб қилишга; кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда кўчмас мулкни сотиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Юқоридаги муқобил ҳуқуқлардан қайси бирини амалга ошириш сотиб олувчи томонидан белгиланади.

## **6. Уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари**

Фуқароларнинг доимий яшашга мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган бинолар уй-жой деб эътироф этилади. Уй-жой кўчмас мулк ҳисобланади. ФКнинг 488-моддасида уй-жой биноларини сотишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган. Биринчидан, сотувчи сотиб олгандан кейин қонунга мувофиқ, уй-жой биносидан фойланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир. Агар сотувчи сотиб олувчидан бундай шахслар мавжудлигини яширса, шартнома ушбу тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг даъвосига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Шунингдек, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Бинобарин, уй-жой биноларини сотиш ҳақидаги шартноманинг оғзаки ёки оддий шакл билан расмийлаштирилгани шартноманинг ўй-ўзидан ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Шартнома шакли ва расмийлаштириш тартиби.
3. Кўчмас мулкни топшириш.
4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Уй-жойларни сотишнинг хусусиятлари.
6. Тарафларнинг шартнома бўйича жавобгарлиги.

### 8-§. КОРХОНАНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ

Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг алоҳида турларидан бири – корxonани сотиш шартномасидир. Корxonани сотиш шартномаси предметининг ўзига хослиги билан кўчмас мулкни сотиш шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилади ва шу муносабат билан ФКда алоҳида шартнома сифатида белгиланган.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар (И.В.Елисеев, А.У.Тўраев) нинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида корxonа ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида мол-мулк тури ҳисобланади. Биринчидан, корxonа тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга хизмат қилувчи мулк; иккинчидан, корxonа хусусий ёки жамоа тадбиркорлигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг моддий негизи бўлиб ҳисобланади; учинчидан, корxonа истеъмол қилинмайдиган мураккаб ашё, турли хил предметлар жамламаси бўлибгина ҳисобланмасдан, ягона мулкӣ комплекс ҳамдир ва ниҳоят, тўртинчидан, корxonа кўчмас мулкдир<sup>1</sup>.

Ушбу фикрларга қўшимча қилиб, корxonа хусусий аломатлари билан белгиланмайдиган мураккаб ашё ҳисобланишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Корxonанинг объект сифатидаги бу хусусияти уни муқобилига алмаштириб бўлмаслигини англатади.

ФКнинг 489-моддасига кўра, корxonани сотиш шартномасига мувофиқ, сотувчи сотиб олувчига бутун корxonани мулкӣ мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

---

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.2./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект. 1997. 103-б.; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. 2-қисм./Ҳ.Раҳмонқулов, И.Зокировларнинг умум. тахр. остида. -Т.: Адолат. 1999. 65-б.

Корхонани сотиш шартномаси консенсуал, икки томонлама ва ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Маълумки, корхона бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқининг объекти ва субъекти (унитар корхона, хусусий корхона) ҳисобланади. Шу муносабат билан объект сифатида корхонани сотиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар шартнома субъектлари, шакли, предмети ва мазмуни билан характерланади.

Корхонани сотиш шартномасининг субъектлари сифатида фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари иштирок этишлари мумкин. Давлат ва унинг органлари, юридик шахслар ва фуқаролар корхонани сотиш шартномасида сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашадилар.

Давлатга қаршли корхоналар сотилганда сотувчи сифатида шу корхона тегишли бўлган давлат юридик шахслари иштирок этадилар. Одатда, корхонани сотиш шартномасининг субъектлари сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва тижоратчи юридик шахслар эътироф этилса-да, корхонани сотиш шартномасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида шартнома субъектларига нисбатан бундай чеклашлар белгиланмаган. Бу ҳолат эса, исталган фуқаронинг ёки тижоратчи бўлмаган юридик шахснинг корхонани сотиш шартномасининг субъекти бўла олиши мумкинлигини англатади. Корхонани сотиб олган фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномага эга бўлмасдан ҳам корхонага нисбатан мулк ҳуқуқининг соҳиби бўлишга ҳақли. Бу ҳолатда корхонанининг тадбиркорлик фаолиятини шундай рухсатномага эга бўлган мулкдорнинг вакили амалга ошириши ёки мулкдор корхонани ижарага бериш орқали бу фаолиятини олиб бориши мумкин.

Корхонани сотиш шартномаси кўчмас мулкни сотиш шартномаси каби тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Кўчмас мулкни сотишдан фарқ қилиб, корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни расмийлаштиришга нисбатан ФК қуйидаги қўшимча талабларни белгилайди:

1. Корхона мол-мулки, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳақиқий ҳолатини ифодаладиган ҳужжатларни шартномага илова қилиш. Бу талаб корхонанинг ҳуқуқ субъектчилиги билан боғлиқ бўлиб, унинг учинчи шахс олдидаги мажбуриятлари ва мулкий талабларини аниқлашга ва келажакда тарафлар ўртасида низо вужудга келмаслигига хизмат қилади. Шартномага илова қилинадиган ҳужжатлар жумласига: инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, муста-

қил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси, кредиторлар ва улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган қарзлар рўйхати киради.

2. Шартноманинг нотариал гувоҳлантирилиши. Баъзи ҳолларда корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиш талаб қилинмайди. ФКнинг 490-моддасига мувофиқ, ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиш шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши шарт эмас. Айтилган вақтда қонуннинг 110-моддаси 2-қисми 2-бандига кўра, тарафлардан бирининг талаби билан ушбу шартнома нотариал тасдиқланиши шартлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси каби корхонани сотиш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона ҳуқуқ субъекти ҳисобланганлиги муносабати билан уни сотиш шартномаси адлия органларида рўйхатга олинади.

Юқоридаги талабларга амал қилмасдан тузилган корхонани сотиш шартномаси ҳақиқий эмас деб топилади. Бундай шартнома ўз ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади, уни бажаришга йўл қўйилмайди ва бир тарафни битимни бажариши уни ҳақиқий деб ҳисобланишига олиб келмайди. Шунингдек, тарафлардан бирининг корхонани сотиш шартномасининг давлат рўйхатидан бош тортиши, иккинчи тарафнинг суд тартибида шартномани рўйхатдан ўтказдиришига олиб келмайди.

Корхонани сотиш шартномасининг предмети шартноманинг асосий шарти ҳисобланади. ФКда корхонани сотиш шартномасига нисбатан қатъий талаблар қўйилган. Биринчи навбатда, ушбу шартноманинг предмети мулкий мажмуа ҳисобланган корхона ҳисобланади. Иккинчидан эса, фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари шартнома предметини ташкил этади.

ФКнинг 85-моддасига мувофиқ, бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Мулкий комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар,

агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

Мулкий мажмуа сифатида корxonанинг таркибига кирувчи мол-мулкларнинг рўйхати аниқланиши лозим. Сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати корxonани сотиш шартномасида инвентаризациялашнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган корxonани тўлиқ инвентаризациялаш асосида аниқланади.

Умумий қоидага кўра, корxonанинг предмети моддий ва номоддий неъматлардан ташкил топади. Корхона предмети ҳисобланган моддий неъматларга корxonанинг биноси, турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини киритиш мумкин. Номоддий неъматларга эса, корxonанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мутлақ ҳуқуқ объектлари (патент, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.) киради.

Сотилаётган корxonанинг мажбуриятлари хусусида сотувчи ўз кредиторларини, корхона сотиб олувчиларга топширилгунга қадар унинг сотилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корхона сотилиши тўғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида ё мажбуриятни бажаришни тўхтатишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва сотувчи томонидан зарар қопланишини, ё бўлмаса корxonани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Корxonанинг сотилиши тўғрисида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилинмаган кредитор сотувчи корxonани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотувчи ва сотиб олувчи топширилган корхона таркибига киритилган, сотиб олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корxonани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.



Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун берилган махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани сотиб олувчига берилмайди. Чунки, бундай лицензиялар маъмурий ҳуқуқий характерга эга бўлиб, фақатгина муайян шахс номига берилади ва бошқа шахсга тўғридан-тўғри ўтказишга йўл қўйилмайди.

Агар, сотувчи шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига махсус рухсатнома (лицензия) га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритса, у кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилинмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар.

Корхонани сотиш шартномасининг баҳоси, ФКнинг 491-моддаси кўзда тутилган ҳужжатлар асосида аниқланади. Бундай ҳужжатларни тузиш учун қилинган харажатлар тарфларнинг келишувига кўра қопланади ва унинг қиймати шартнома баҳосига киритилмайди. Корхонани сотиш шартномаси тарафларнинг эрки асосида тузиладиган шартнома бўлганлиги сабабли, баҳо тарафларнинг эрк-иродаларига мувофиқ белгиланади.

Корхонани сотиш шартномасининг муддатини белгилаш ҳам тарафларнинг эркига мувофиқ аниқланади. Қонун ҳужжатларида корхонани сотиш шартномасининг муддати тўғрисида кўрсатмалар берилмаган.

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ, сотувчининг асосий мажбурияти корхонани ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда топширишдан иборат. Бунда корхона яхлит ҳолда топширилиши лозим<sup>1</sup>. Ушбу мажбуриятни бажариш учун сотиб олувчи бир қанча ҳаракатларни амалга ошириши зарур. Биринчи навбатда сотувчи корхонани сотишга тайёрлаши, шартномага илова қилинадиган ҳужжатларни ва сотиб олувчига ўтадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар рўйхатини тузиши лозим.

ФКнинг 493-моддасига кўра, сотувчининг корхонани сотиб олувчига топшириши топшириш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади, унда корхонанинг таркиби ва кредиторлар корхона сотилиши тўғрисида хабардор қилинганлиги, шунингдек топширилган мол-мулкда аниқланган камчиликлар ҳақида маълумотлар ва йўқол-

---

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси. -Т.: Адолат. 2000. 139-б.

ганлиги туфайли топшириш мажбуриятлари вужудга келиши мумкин бўлмайдиган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилади.

Корxonани топширишга тайёрлаш, шу жумладан, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Иккала тараф топшириш далолатномасини имзолаган кундан бошлаб корхона сотиб олувчига топширилган ҳисобланади. Шу пайтдан бошлаб корхона таркибида топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи сотиб олувчига ўтади.

Корхонага мулк ҳуқуқи бу ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Сотиб олувчининг корхонага мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, башарти корxonани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг бевосита амалга оширилади.

Корxonани сотиш шартномасида корхона ҳақи тўлангунича ёки бошқа ҳолатлар юз бергунча сотувчининг сотиб олувчига топширилган корхонага мулк ҳуқуқи сақланиб қолиши назарда тутилган ҳолларда сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунча топширилган корхона таркибига кирадиган мол-мулкни мулкый мажмуа сифатида корхона фаолиятини таъминлаш учун зарур даражада тасарруф қилишга, шунингдек ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли бўлади.

Топшириш далолатномаси бўйича сотувчи томонидан таркиби, шу жумладан, топширилган мол-мулкнинг сифати, корxonани сотиш шартномасида назарда тутилган талабга мувофиқ бўлмаган корxonанинг топширилиши ва сотиб олувчининг қабул қилиши оқибатлари, агар шартномадан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва у ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган бўлмаса, ФКнинг 393-395, 399, 402, 408, 412-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида аниқланади.

Корxonани топшириш далолатномасига мувофиқ, корхона топширилган ва қабул қилинган бўлиб, унда корxonанинг аниқланган камчиликлари ва йўқотилган мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган тақдирда, агар корxonани сотиш шартномасида бундай ҳолларда бошқа талабларни қўйиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи корxonанинг харид нархини тегишинча камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотиб олувчига корхона таркибида сотувчининг корхонани сотиш шартномасида ёки топшириш далолатномасида кўрсатилмаган қарзлари (мажбуриятлари) ҳам топширилган тақдирда, агар сотиб олувчи шартнома тузиш ва корхонани топшириш вақтида бундай қарз (мажбурият) лар борлигини билганини сотувчи исботламаса, сотиб олувчи харид нархини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Сотувчи корхона таркибида топширилган мол-мулкдаги камчиликлар тўғрисида ёки топширилиши лозим бўлган айрим турдаги мол-мулкнинг бу таркибда йўқлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш хати олган ҳолларда тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни дарҳол алмаштириши ёки сотиб олувчига етишмаётган мол-мулкни бериши мумкин.

Агар корхонанинг сотувчи жавобгар бўлган камчиликлар туфайли корхонани сотиш шартномасида айтиб ўтилган мақсадлар учун яроқсизлиги ва бу камчиликлар ФКга, қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ белгиланган шартларда, тартиб ва муддатларда сотувчи томонидан бартараф қилинмаганлиги ёки бундай камчиликларни бартараф қилиб бўлмаслиги аниқланган бўлса, сотиб олувчи корхонани сотиш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришни ва тарафлар шартномага мувофиқ бажарганларини қайтаришни суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Корхонани сотиш шартномасининг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Шартноманинг шакли ва расмийлаштириш тартиби.
3. Корхонани топшириш.
4. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Корхонани камчиликлар билан топшириш оқибатлари.

## 30-БОБ. АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ

### 1. Айирбошлаш шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва предмети

Айирбошлаш товар ва пул муносабатларига асосланган бозор иқтисодиётида ҳам муайян аҳамиятга эга. Шу боисдан у амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий асосларини топган. Айирбошлаш бартер деб ҳам юритилади.

Айирбошлаш деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра шартномада қатнашувчи ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади (ФКнинг 497-моддаси). Унинг моҳияти шундаки, шартнома предмети бўлган бирон-бир товар иккинчи тарафга, одатдагидек, мазкур товар қийматини умумий эквивалент бўлган ёки унга деярли тенг келадиган бошқа бир товарга айирбошланади. Демак, мазкур ҳуқуқий муносабат одатдаги шартномалар, айтайлик, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш каби шартномаларга ўхшаб, тарафларга бу орқали келиши мумкин бўлган муайян пул суммаларига талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқмай, балки бевосита мазкур шартноманинг предмети бўлган товарга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқади. Бироқ бу шартнома кўп ҳолларда субъектлар ўртасида ҳисобкитоблар йўлга қўйилмаган ёки ўзаро ишонч бўлмаган инфляция шароитида кенг қўлланиладиган шартномалардан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланган бозор тизимида у ахён-ахёнда қўлланилади.

Шартноманинг яна бир хусусияти шундаки, шартноманинг мазмунидан бошқача ҳол англашилмаса, айирбошланаётган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади. Айни пайтда товарни топшириш ва уни қабул қилиш харажатларини, ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади. Шубҳасиз, бошқа шартномаларда бўлгани сингари айирбошлашда ҳам унинг предмети ҳисобланган товарнинг баҳоси муайян аҳамиятга эга. Баъзан амалиётда айирбошлаш предметининг қиймати бир хил бўлмайди. Бундай ҳолларда баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни тошпираётган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, товар ёки товарни тасарруф қилиш ҳужжатлари тогаирилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим бўлади. ФКнинг 242-моддасига кўра, агар қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, қарздор ҳисобланган тараф

бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Айрим ҳолларда товарлар ўртасидаги юқорида тилга олинган фарқ доимо конкрет белгиланавермайди. Фуқаролик қонунчилигининг мазмунидан англашилишича, бундай ҳолларда шартномани бажарганлик учун худди шунга ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳолар – ҳақ тўланиши керак. Айнан бундай ҳолларда иш муомаласи одатлари, яъни одат ҳуқуқи нормалари қўлланилади (ФКнинг 6-моддаси тартибида).

Айирбошлаш шартномаси қуйидаги ҳуқуқий белгилари билан характерлидир:

биринчидан, айирбошлаш консенсуал шартнома ҳисобланади, яъни унга кўра тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари шартнома қонун талаблари доирасида расмийлаштирилган пайтда вужудга келади;

иккинчидан, айирбошлаш ҳақ эвазига тузиладиган шартномадир, яъни шартнома бўйича тарафлар зиммасига муқобил ижро мажбуриятларини бажариш юкланган, яъни товарларни ўзаро айирбошлаш, шунингдек товарлар қиймати тенг бўлмаганда – қиймат ўртасидаги фарқни пул шаклида тўлаш;

учинчидан, айирбошлаш икки томонлама шартномалар туркумига киради. “Шартнома иштирокчиларининг ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам сотиб олувчи ҳисобланадилар”<sup>1</sup>. Демак, бунга кўра ҳар икки тараф ҳам ҳуқуққа, ҳам бурчга эга бўлади. Бу шартноманинг моҳиятан, янада аниқроғи, тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқдорлик ва бурчдорликнинг нисбатидан келиб чиқади;

тўртинчидан, шартноманинг яна бир белгиларидан бири – айирбошланадиган мулкнинг эгасидаги унга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи (эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш) иккинчи тарафга ўтади ва аксинча. Шартноманинг муҳим жиҳатларидан бири айирбошланадиган товарларга бўлган мулк ҳуқуқининг иккинчи тарафга қачондан бошлаб ўта бошлашидир. Одатда, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, айирбошланадиган товарларга мулк ҳуқуқи айирбошлаш шартномасига мувофиқ, сотиб олувчи ҳисобланадиган тарафларга иккала тараф тегишли товарларни топшириш мажбуриятини бажаргандан сўнг бир вақтда ўтади (ФК, 500-модда). Айирбошлаш шартномасининг предмети муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган, ай-

---

<sup>1</sup> Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. –Т.: Ўзбекистон. 1988. 18-б, Рўзиназаров Ш. Олди-сотди шартномалари.//Хўжалик ва ҳуқуқ. 1997. №7. -37 б.

ни пайтда кишиларнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира оладиган нарсалар, яъни ашёлар бўла олади. Ашёлар ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари кўринишида, кўчар ва кўчмас мулк шаклларида бўлиши мумкин. Бироқ, бу ерда муҳими, ашёларнинг фуқаролик муомаласида бўлши масаласидир. ФКнинг 82-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Айирбошлаш шартномасининг предмети бўлиши учун ашёлар мулк ҳуқуқи асосида мулкдорларнинг ҳақиқий эгалигида, фойдаланувида ва тасарруфида бўлмоғи ҳам керак (ФКнинг 164, 207-моддалари тартибида). Масалан, фуқаро М. 1997 йил 1 сентябрда фуқаро Н. билан айирбошлаш шартномасини тузди. Шартномага мувофиқ, Н. ҳовлисини М. ҳовлисининг 1/3 қисмига алмашди. М. нинг қизи А. 1997 йил 1 декабрда судга мурожаат қилиб, уйнинг ярми ўзига тегишли эканлигини ва унинг розилигисиз отаси ҳовлининг бир қисмини алмаштирганлигини кўрсатиб, мазкур шартномани бекор қилишни сўради. У ўз талабини асослаш учун уйнинг бир қисми онасидан мерос бўлиб, ҳали отаси билан бўлиб олмаганлиги сабабли, уйни алмаштириш натижасида эгалик ҳуқуқининг бузилганлигини кўрсатади. Албатга, бундай ҳолларда суд фуқаро А. нинг талабини қондириши лозим.

Ёки қуйидаги мисолни кўрайлик. Фуқаро К. эгасиз турар жойга ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган. Ва у 1998 йил 1 апрель куни бу уйни фуқаро Д.га қарашли автомобиль билан айирбошлаш тўғрисида шартнома тузишган. Аниқланишича, К. бу уйга 1986 йил 1 янавардан 1998 йил 1 апрель кунигача, яъни 12 йил давомида эгалик қилган. ФКнинг 187-моддаси талабларига кўра, бу муддат 15 йилни ташкил этиши лозим эди. Демак, фуқаро К.да ҳали бу уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келмаган, бинобарин, у мазкур объект юзасидан шартномада тараф сифатида иштирок эта олмайди.

## **2. Шартномада қатнашувчи тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Юқорида айтилганидек, шартномада қатнашувчи тарафларнинг ҳар, бири бир вақтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам сотиб олувчи ҳисоб-

ланадилар. Бу билан айирбошлаш олди-сотди шартномасига ўхшаб кетса-да, бироқ ундан фарқ қилади. “Фарқи шундаки, бунда бир мулк иккинчисига пулсиз алмаштирилади”<sup>1</sup>. Айни пайтда айирбошлаш олди-сотдига ўхшашлиги туфайли, унга нисбатан баҳо ва харажатлар ҳақидаги қоидалардан ташқари, олди-сотдини тартибга солувчи барча қоидалар қўлланаверади.

Шартномада сотувчи ва олувчи бўлиб фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари, шу жумладан, жисмоний шахслар, юридик шахслар, давлат тузилмалари иштирок этишлари мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида баъзи ҳолларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар билан истеъмолчилар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи асослардан бири сифатида айирбошлаш (бартер) шартномаси қўлланади. Бартер инглизча “barter” сўзидан олинган бўлиб, бевосита товар алмашуви маъносини билдиради<sup>2</sup>. У, айниқса, бозор тизимига ўтиш даврида ўзаро ҳисоб-китоблар яхши йўлга қўйилмаган давр учун бирмунча характерлидир. Валюта беқарор бўлган ҳозирги замон халқаро савдо-сида янада кенг тарқалмоқда. Бартер битими вақтида пул тўловларининг йўқлиги товар етказиб бериш баҳоларини ва уларни пул формасида ҳисобга олишни истисно қилмайди. Бартер битими тушунчаси айирбошлаш шартномаси туфайли вужудга келувчи мажбуриятлар мазмунини тўла қамраб ололмайди, унга тўла жавоб беролмайди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Бир қатор олимларнинг хусусан, Ш. Рўзиназаровнинг тадқиқотларида бартер ҳақида салмоқли фикр юритилади. Назаримизда, бартер тушунчаси айирбошлаш шартномасини ўзида акс эттира олади.

Юқорида кўрсатилганидек, шартномада тарафлар сифатида жисмоний ва юридик шахслар қатаашиши мумкин.

Юридик шахсларнинг бу борадаги фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 июлдаги ПФ-616-сонли “Бартер асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари бўйича тартиб бузилишлари ва суиистеъмолликларга чек қўйиш тўғрисида”ги Фармони билан мустаҳкамланган. Унга кўра, келишиб олинган миқдордаги бир товарни бошқа бир товарга ўзаро ҳисоб-китобларни валютада амалга оширмасдан алмаштаришни назарда тутувчи шартнома бартер шартномаси ҳисобланади. Шартномада ўзаро етказиб бериладиган товарларнинг миқдори ва қиймати ёхуд томон-

<sup>1</sup> Аҳоли учун юридик маълумотнома. 4-серия, Мас.мух. Аъзамхўжаев А.А., Иноятов А.-Т.: Адолат. 1995. -9 б.

<sup>2</sup> Қисқача сиёсий луғат. –Т.: Ўзбекистон. 1983. -32 б.

лар эквивалентлик асосида етказиб бериш мажбуриятини олган товарларнинг суммаси олдиндан келишиб кўйилади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 11 апрелдаги ПФ-1096-сонли “Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2003 йил 15 январдаги ПФ-3194-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги, 2005 йил 20 сентябрдаги ПФ-3661-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Фармонларига кўра, 616-сонли Фармонга айрим жузъий ўзгартиришлар киритилди<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидданганидек, шартномада қатнашувчи тарафлар бир пайтнинг ўзида ҳам сотувчи, ҳам сотиб олувчи сифатида қатнашади. Шунинг учун ҳам шартномада қатнашувчи тарафлар деярли бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Айирбошлаш шартномаси бўйича тарафлар:

биринчидан, айирбошланаётган товарни ўз вақтида, келишилган тартибда қабул қилиб олиш;

иккинчидан, қабул қилинган товар эвазига айирбошланиши лозим бўлган товарни ўз вақтида топшириш;

учинчидан, топширилаётган товарларнинг сифати, ассортиментти, яхши бўлишини таъминлаш каби мажбуриятларга эгадирлар.

Тарафлар, айти пайтда, куйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

биринчидан, шартнома мажбуриятларини муқобил равишда бажарган тарафлар иккинчи тарафдан товарнинг топширилишини талаб қилишга ҳақли;

иккинчидан, шартнома шартлари кўпол равишда бузилган бўлса, хусусан, сифатсиз товар айирбошланган, товарни топшириш муддати узрсиз узоқ муддатга кечиктирилган ҳолларда бир тараф шартномани бекор қилишга ҳақли;

учинчидан, айирбошлаш шартномаси шартлари иккала тараф томонидан тўлиқ бажарилган бўлса, ҳар иккисида ҳам товарларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг қарорлари тўплами, 1993 йил, 10-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон, 3-модда; 2005 йил, 37-38-сон, 282-модда.



### **3. Шартноманинг шакли, муддати.**

#### **Шартнома бўйича тарафларнинг жавобгарлиги**

Айирбошлаш шартномаси, одатда, фуқаролар ўртасида тузилганда ва шартнома предметининг баҳоси Республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача бўлган ҳолларда оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Шунингдек, ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин (ФК, 106-модда, 3-банд). Қолган ҳолларда, яъни юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузган ушбу туркумдаги битимлари, фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлари ёзма шаклда тузилади. Баъзи ҳолларда шартноманинг предмети ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулклар бўлганда, бундай битимлар нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинади (ФК, 110-111-моддалари тартибда). Шунингдек, ФКнинг 497-моддасининг 2001 йил 7 декабрдаги таҳририга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини айирбошлаш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги белгиланади.

Шубҳасиз, шартнома шаклига доир юқоридаги талабларга риоя қилмаслик бир қанча ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради (ФК, 109, 112-моддалари).

Айирбошлаш шартномасининг муддати бевосита тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Шартнома бўйича жавобгарлик олди-сотди шартномасидаги жавобгарликка жуда ўхшаб кетади. Умумий ҳолда ФКнинг 393-моддасига кўра, сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқлардан озод ҳолда топшириши шарт, деб белгилаб қўйилган. Қонунда агар топширилган товарни сотиб олувчидан учинчи шахслар олиб қўядиган бўлса, сотувчи тарафнинг бевосита жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Яъни, “ФКнинг 501-моддасига кўра, айирбошлаш шартномаси бўйича олган товарини учинчи шахслар олиб қўйган тараф, ФКнинг 395-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бошқа тарафдан айирбошлаш асосида олинган товарни қайтаришни ёки зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Кўришиб турибдики, айирбошланаётган товарни учинчи шахслар ҳуқуқидан озод қилмасдан айирбошлаш кейинчалик бундай ҳаракатни амалга оширган тарафнинг жавобгарлигини келтириб чиқарар экан. Бироқ

шунинчә эсдә тутиш керәкки, сотиб олувчи учинчи шахсхиарнинг хуқуқлари бұлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шартнома буйича айирбошланаётган товарларнинг миқдори, ас-сортименти, унинг сифати, товарнинг бутлиги муҳим унсур ҳисобланиб, уларни шартномада келишилганидек бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик тегишинча тарафларнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Хусусан, товарни топширувчи шартнома шартларини бузиб, товарни қабул қилиб олувчига шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, товарни қабул қилиб олувчи агар шартномада бошқача тартиб назарда тугалмаган бўлса, товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю унинг эвазига келишилган товар топширилган бўлса, олдин топшириб қўйилган товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Умуман, айирбошлаш шартномаси буйича кўп ҳолларда олди-сотдига доир қоидалар қўлланилгани боис, бу ҳақдаги нормалар батафсилроқ олди-сотдига бағишланган бобда келтирилди.

Шуни айтиш керәкки, қонунда белгиланганидан ташқари, тўғридан-тўғри шартнома буйича айирбошлаш нәтижасида ҳам жавобгарликнинг бошқа турлари назарда тутиши мумкин. Айирбошлаш шартномаси буйича жавобгарлик фақат бир томонда эмас, ҳар икки томонда ҳам юзага келиши мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Айирбошлаш шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Айирбошлаш шартномаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Шартнома шартларини лозим даражада ва умуман бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Бозор муносабатлари шароитида олди-сотди шартномаси ва унинг мазмуни.
2. Халқаро олди-сотди муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари

3. Олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик
4. Чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
6. Чакана олди-сотди шартномасида товарни сотиш шакллари
7. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг тушунчаси ва мазмуни
8. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик
9. Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
10. Контрактация шартномасининг тушунаси ва аҳамияти
11. Контрактация шартномасининг шакли ва тузиш тартиби
12. Контрактация шартномасининг мазмуни
13. Контрактация шартномасида жавобгарлик
14. Энергия таъминоти шартномасининг тушунчаси ва аҳамияти
15. Энергия таъминоти шартномасининг мазмуни
16. Энергия таъминоти шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик
17. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг тушунчаси, шакли ва мазмуни
18. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома предмети ва баҳосини аниқлаш
19. Уй-жойни олди-сотди қилиш шартномаси
20. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва расмийлаштириш тартиби
21. Корхонани сотиш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

## 31-БОБ. ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ. ХАЙР-ЭҲСОН

### 1. Ҳадя шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва предмети

Ҳадя деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи) га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қилади ёйинки озод қилиш мажбуриятини олади (ФКнинг 502-моддаси). Унинг моҳияти шундаки, бунда мулк текин топширилади, яъни ҳадя қилувчининг тасарруфида бўлган ашё ҳадя олувчига мол-мулк қилиб ўтказилади.

Бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб боргани сари шартномаларнинг мазмуни, доираси, кўлами ҳам кенгайиб бормокда. Чунончи, 1963 йилги фуқаролик қонунчилигида ҳадя шартномаси деганда, бир тараф (ҳадя қилувчи) мулкни иккинчи тарафнинг (ҳадя олувчининг) эгаллигига текинга топшириши<sup>1</sup> нормаланган эди. Амалдаги ФКда эса, бу ҳолат сезиларли такомиллаштирилди. Бунинг натижасида юқоридаги ҳадя предмети доираси кенгайтирилиб, у ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин бўлди:

биринчидан, бир тараф бошқа тарафга текинга мол-мулк қилиб бериладиган ашёларни;

иккинчидан, бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи) га ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни берадиган ё бериш мажбуриятини олган ҳолларда мулкӣ ҳуқуқни;

учинчидан, бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи) ни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкӣ мажбуриятдан озод қиладиган ёхуд озод қилиш мажбуриятини олган ҳолларда ҳам мулкӣ ҳуқуқни.

Кўриниб турибдики, ҳар бир ҳолатда ҳам мустақил икки тушунча қўлланилган ашёни топширади ёки топшириш мажбуриятини олади, мулкӣ мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Бу мазкур шартномагагина хос бўлган хусусиятдир.

Шартнома реал бўлса-да, айти пайтда ҳадя қилувчи ҳадя олувчига келгусида ҳадя қилиш мажбуриятини олади. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам ҳадя шартномаси вужудга келавермайди. Айтилик, ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Гражданлик кодекси. –Т.: Адолат. 1993. –79 б.

мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тан олинмайди (ФК, 502-модда, 2-қисми). Бундай шартномаларга ФКнинг 250-моддаси, 124-модданинг иккинчи қисми қоидалари қўлланилади.

Шунингдек, юқоридаги учта ҳолатга тўртинчи мустақил ҳолатни ҳам киритиш мумкин. Яъни, бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки бирон-бир шахсни мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулк мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади (ФК, 502-модда, 3-қисми).

Ҳада бир томонлама, реал, текинга тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Шубҳасиз, ҳада бир томонлама битим бўлиб, тарафларнинг ўзаро келишувига асосланади. У ҳада олувчининг таклиф қилинган мулк ҳуқуқини қабул қилишга розилик беришида ифодаланади, айнан шу белгиси билан ҳада қарз шартномасидан фарқ қилади.

Фуқаролик қонунчилигида ҳадини ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширилишини назарда тутувчи шартнома тан олинмайди. Бундай ҳадига нисбатан васиятнома тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Ҳадининг васиятномадан фарқи шундаки, мулк ҳада қилувчининг тириклигида топширилади, бу унинг мулки камайишига олиб келади, васиятнома эса инсоннинг ҳаётлигида унинг мулк ҳуқуқларида акс этмайди. Васиятнома бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин, ҳада эса қоида тариқасида ортга қайтмайди. Ҳадини шартнома дейиш мумкин, васиятнома эса одатда, бир томонлама битим бўлиб кўрилади.

Ҳада шартномасининг предмети фуқаролик муомаласидаги объектлар: ашёлар, мулк ҳуқуқлар, кўчар ва кўчмас мол-мулклар бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда шартнома ҳада қилувчининг ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулк мажбуриятдан озод қилиш ёки озод қилиш мажбуриятини олиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолда шартноманинг тузилиш вақти мулк ҳуқуқининг ўтиш даври билан мос келмаслиги мумкин. Бунда мажбурият ҳуқуқий муносабатлари вужудга келади, унинг мазмунида ҳада қилувчининг ўз мулкни камайтириш ҳисобидан ҳада олувчини бойитиш ётади. Шартномада ҳада предмети аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Номаълум ашёни ҳада қилишга йўл қўйилмайди, бинобарин, улар ҳеч қандай ҳуқуқий

аҳамиятга эга эмас. Ҳадя олувчини қарздан озод қилиш ҳақида қилинган ваъдада ҳам ушбу қарз суммасини аниқ кўрсатиш лозим бўлади.

Ҳадя шартномасининг шакли унинг мазмунидан келиб чиқади. Умумий ҳолда ҳадя қилиш, яъни ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки тарзда амалга оширилиши мумкин. Кўпинча, ҳадяни топшириш, уни тақдим қилиш рамзий топшириш (масалан, янги квартирани ёки автомобиль калитини топшириш) ёки мулкӣ ҳуқуқни гувоҳландирувчи бирон-бир ҳужжатни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Кўчар мулклар бўйича қуйидаги ҳолларда ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилади:

ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганида;

фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортик суммага шартнома тузилаётганида;

шартнома бўйича келажакда ҳадя қилиш ваъда қилинган ҳолларда.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунингдек, ФКнинг 504-моддасининг 2001 йил 7 декабрдаги таҳририда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автототранспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги белгиланди.

Ҳадя шартномаси одатдаги шартномалардан баъзи ҳуқуқӣ белгиларига кўра фарқ қилади. Айтайлик, буни мазкур турдаги шартноманинг ҳақиқӣ саналмаслиги ҳолларида ҳам кўриш мумкин. Битимларнинг ҳақиқӣ саналиши учун одатдаги қўйиладиган шартлардан ташқари, ҳадяда, биринчидан, ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкӣ мажбуриятдан озод қилиш шаклидаги ҳадя ашёсини (предметини) аниқ кўрсатиш керак; иккинчидан, ҳадя предмети ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг тириклигида топширилиши керак. Шунингдек, юқоридаги учта ҳолат бўйича тузилган шартномалар, албатга, оддий ёзма шаклда тузилиши, кўчмас мулкларни ҳадя қилиш эса, айни пайтда, нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам керак.

Ҳақиқӣ саналмаслик ҳолати ҳадя олувчининг номи ва нарсаси кўрсатилмаган ҳадяни вакил томонидан амалга оширилувчи ишончномаларга ҳам тааллуқли.

## **2. Шартномада қатнашувчи тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Шартномада қатнашувчи тарафлар ҳады қилувчи ва ҳады олувчи деб аталиб, ўз навбатида улар фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин. Ҳады фуқаролик-ҳуқуқий характеридаги шартнома бўлганлиги боис, ҳады қилувчи ва ҳады олувчи муомала лаёқатига эга бўлиши лозим. Баъзан муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар номидан шартномаларни уларнинг қонуний вакиллари тузадилар.

Айни пайтда қонунчиликда истисно ҳолат ҳам мавжуд бўлиб, яъни ФКнинг 29-моддаси, иккинчи қисм, иккинчи бандига асосан олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган воёга етмаганлар ўзлари мустақил равишда ҳады қилувчи ва ҳады олувчи сифатида қатнашиб, шартномани ўз стипендиялари, иш ҳақлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа даромадлари миқдорида тузишлари мумкин. Лекин улар мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ашёларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бундай битимларни амалга ошириш учун у қонуний вакилларининг розилигини олиши керак. Чунки ҳады уларнинг соишғига зарар етказиши, яширин даромадларга эга бўлишига олиб келиши, пировардида уларнинг ҳуқуқларига салбий таъсир қилиши мумкин. Айрим шахсларга ҳады шартномасини тузишда рад қилиш ва чегаралаш қўйилган (ФКнинг 505-моддаси тартибида).

Қонун эр ва хотинлар ўртасида ҳады шартномаси тузилишини чекламайди. Ҳады қилинган мол-мулк, ашё ёки мулкый ҳуқуқ ҳады олувчининг шахсан ўзигагина тегишли бўлади. Айтайлик, эр-хотиннинг никоҳ давомида (ёки никоҳга қадар) ҳады ҳисобига ортгирган мол-мулклари улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади<sup>1</sup>. Бинобарин, ундан ҳақ ундиришга ёки бошқача тарзда ўзлаштиришга фақат мулкдорнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Шартнома юзасидан тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари уни бажаришдан бош тортиб, ҳадыни бекор қилиш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Энг умумий ҳодда, ҳады бўйича ҳады қилувчи мулкни ёки унга нисбатан бўлган мулкый ҳуқуқни ҳады олувчига топширишга, ҳады

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Т.: Адолат. 1998.

олувчи эса уни қабул қилиб олишга мажбур ҳисобланадилар. Бирок, айна пайтда, қуйидаги ҳолларда:

биринчидан, ҳадя қилувчининг моддий аҳволи жвдций ёмонлашганлиги туфайли, у келгусида ҳадя олувчига ашёни ёки мулкый ҳуқуқни ёхуд мулкый мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли. Лекин ҳадя қилувчининг бундай аҳволга тушиб қолиши олдиндан маълум бўлмаслиги лозим.

иккинчидан, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилинган ҳолларда ҳадя қилувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақлидир (бундай ҳолларда шартномани бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади).

Шуни эслатиш керакки, юқоридаги асослар ҳадя қилувчининг айбини истисно этганлиги сабабли, унинг ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳадя олувчига бу билан боғлиқ зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

Юқорида айтганимиздек, ҳадя бўйича тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчлари ҳадяни бекор қилиш ва ундан воз кечиш билан узвий боғлиқ. Масалан, ҳадя олувчи ҳаद्याдан қуйидаги ҳолларда воз кечиши мумкин:

биринчидан, ашёнинг нобуд бўлиши туфайли;

иккинчидан, ашё фуқаролик муомаласида бўлмаганлиги туфайли (ФК, 82-моддаси);

учинчидан, ваъда қилинган ҳаракатларни содир этиш учун чеклашлар мавжуд бўлса.

Бундай мажбуриятлар, одатда, бажариш мумкин бўлмаганлига туфайли бекор қилинади. Бирок, ашё ҳадя қилувчининг қасддан ёки эҳтиётсизлидан содир этган ҳаракатлари оқибатида нобуд бўлса, у ҳадя олувчига етказган зарарларни қоплаш мажбуриятини олади.

Ҳадя қилувчининг субъектив ҳуқуқлари ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги ва шахсга текинга ўтказилганлиги боис, ушбу муносабатларда қонунчилик ҳадя қилувчига бир қатор устуворликлар беради. Чунончи, агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадяни суд тартибида бекор қилишга ҳақли. Демак, бу ҳадя олувчининг ҳаद्याга нисбатан виждонан муносабатда бўлишини ва уни сақлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун



хужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишдан олдинга бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин. Бу ҳолат, шубҳасиз, кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Бу жиҳатдан ҳадяни шартли битимлар сирасига киритиш мумкин (ФК, 104-моддаси).

Ҳадя бекор қилинган ҳолларда ашё ҳадя қилувчига, агар у ҳадя бекор қиянган пайтда асл ҳолатида сақланиб қолган бўлса, қайтарилиши лозим. Ҳадя олувчининг ҳадядан олган даромадлари унинг ўз тасарруфида қолади. Дгар ашё учинни шахсларга ўтказилган бўлса, уни қайтаришнинг имкони бўлмайди. Борди-ю, ҳадя қилувчи ҳадя олувчининг ҳадяни қайтариб бермаслик учун учинчи шахсларга ўтказганлигини исботласа, у ҳадя олувчига нисбатан даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар ашё тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳадя қилувчига қайтарилгудек бўлса, бундай келишувни янгидан тузилган ҳадя деб тушуниш мумкин.

Ҳадя текинга тузиладиган шартнома бўлгашши боис ҳадя олувчи топширилаётган мулкнинг сифатсизлиги ҳақидаги талабларни қўйишга ҳақли эмас. Албатга, топширилаётган ашё сифатсиз, бутсиз, унинг камчиликлари бўлиши мумкин, бироқ бу ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказмаслиги керак. Бундай ҳолларда ҳадя қилувчининг бу ҳақда ҳадя олувчини огоҳлантирганлиги исбот қилиниши талаб этилади.

Мазкур шартноманинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу ҳадя ваъда қилинганда ҳуқуқий ворислик масаласидир. ФК 510-моддасининг мазмунига кўра, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя ваъда қилинганда ҳадя олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) га ўтмайди, ҳадя беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари эса унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари)га ўтади. Демак, ҳадя қилишда ҳадя берувчининг ваъдаси муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга, яъни у келгусида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини келтириб чиқаради.

### **3. Хайр-эҳсон**

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти муносабатларида турли-туман шартномалар вужудга келмоқда. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келти-

риш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувларнинг ҳуқуқий ифодаси, шакли сифатида шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутмоқда. Ана шундай шартномалардан бири хайр-эҳсондир. Хайр-эҳсон ҳадянинг бир кўриниши бўлиб, бунда қилинадиган ҳадя умумфойдали мақсадларга хизмат қилиши билан характерлидир. Демак, хайр-эҳсон кенг омманинг умумфойдали мақсадларини амалга ошириш учун қилинади. Қонунчилик хайр-эҳсон, асосан, нотижорат субъектларига (даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига, хайрия, илмий муассасаларига, фондларга, музейларга, жамоат бирлашмалари, диний, ташкилотларга ва бошқа шунга ўхшаш субъектларга), шунингдек фуқароларга ва давлатга қилиниши мумкинлигини нормалайди. Хайр-эҳсон қилинган мол-мулк келгусида уни қабул қилиб олган шахснинг маблағлари жумласига киради, унинг оцератив бошқарувига ўтади. Жумладан, амалдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуннинг 24-моддаси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонуннинг 15-моддаси мазмунига кўра, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонлари мазкур юридик шахслар мол-мулкининг ташкил топиш манбаларидан ҳисобланади ва улар томонидан тегишли тартибда мустақил тасарруф этилади.

Хайр-эҳсоннинг предмети фуқаролик муомаласида бўлган объектлар, яъни пуллар, қимматли қоғозлар, мол-мулклар, ашёлар, бинолар, иншоотлар (уларнинг бир қисми), автомобиллар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг (яъни, учинчи шахснинг) рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилинган мол-мулк бир қатор шартлар асосида амалга оширилади. Чунончи:

биринчидан, хайр-эҳсон қилувчилар мол-мулкни топшираётганда ундан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим. Масалан, “ҳадя қилинган уй-жойдан фақат болалар яслиси учун фойдаланиш лозимлигини шарт қилишлари мумкин”<sup>3</sup>. Бундай шарт қўйилмаса, у оддий ҳадя деб ҳисобланади ва ундан ҳадя олувчи мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланади;

иккинчидан, аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим;

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 1999 йил 11 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон,

<sup>3</sup> Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. Т.2. –Т.: Ўқитувчи. 1988, -18 б.

учинчидан, вазият жиддий ўзгарганлиги боис бундай мол-мулкдан кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаса, ундан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, агар мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, бундай ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

ФКнинг 511-моддаси мазмунига кўра, хайр-эҳсон қилинган мулкдан кўрсатилган мақсадда фойдаланмаслик келгусида хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсонни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Ҳадя шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Ҳадя шартномаси тарафлари.
3. Ҳадя шартномаси бўйича ҳуқуқий ворислик.
4. Ҳадя шартномасини бекор бўлиши.
5. Хайр-эҳсон.
6. Хайр-эҳсоннинг бекор бўлиши

## 32-БОБ. РЕНТА ШАРТНОМАСИ

### 1-§. Рента шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари

Фуқаролик кодексининг 512-моддасида рента шартномасига қуйидагича таъриф берилган. Рента шартномасига мувофиқ, бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) мулк қилиб беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

“Рента” сўзи Фарб мамлакатларида (Германия, Франция, Англия) алоҳида даромад келтириш деган маънони англатади. Бунда рента олувчи рента тўловчи фойдаланиш учун берган ери учун олинадиган ҳақ назарда тугилади.

Шартнома берилган таъриф мазмунидан келиб чиқиб, унга қуйидаги ҳуқуқий белгилар хослигини кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан**, шартнома реал характерга эга, чунки унга мувофиқ рента тўловчига мулк ўтказилган пайдан бошлаб тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

**Иккинчидан**, рента шартномаси ҳақ бараварига тузилиши мумкин.

**Учинчидан**, рента шартномаси бир томонлама шартномалар туркумига киради. Яъни, рента олувчида фақат рента тўловини ўз вақтида тўлашни ва мол-мулкдан оқилона доирада фойдаланишни талаб қилиш ҳуқуқи, рента тўловчида рента тўловларини ўз вақтида тўлаб бориш мажбурияти мавжуд бўлади.

Қонунда рента шартномаси шаклига жиддий эътибор берилган. Рента шартномаси нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шarti билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозимлиги Фуқаролик кодексининг 513-моддасида ўз аксини топган. Фуқаролик кодексида назарда тутилган ушбу норма императив характерга эга бўлиб, тарафлар ушбу қоидага қатъий амал қилишлари шарт. Ушбу қоидага амал қилмаслик шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Рента шартномасининг объекти кўчмас ва кўчар мулклар ёки уларнинг мажмуи бўлиши мумкин. Жумладан рента объекти сифатида ер участкаси, корхона, бино, иншоот ва бошқа катта қийматдаги кўчмас ёки оддий кўчар мол-мулклар бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 515-моддасига мувофиқ, рента тўлаш шарти билан берилган ер участкаси, корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкдан рента олинади. Рента тўловчи бундай мол-мулкни бошқа шахсга берган тақдирда рента шартномаси бўйича унинг мажбуриятлари мол-мулкни олувчига ўтади. Рента олинadиган кўчмас мулкни бошқа шахсга мулк қилиб берган шахс, агар Фуқаролик кодексида, бошқа қонунда ёки шартномада бу мажбурият бўйича солидар жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, рента олувчининг рента шартномаси бузилгани туфайли келиб чиққан талаблари бўйича бошқа шахс билан субсидиар жавобгар бўлади.

Яъни, рента тўловчи рента шартномаси асосида олган мол-мулкни бошқа шахсга ҳам бериши мумкин. Дастлабки рента тўловчи рента объекти бўлган кўчмас мулкни бошқа шахсга берган тақдирда, рента тўловчининг мажбуриятлари мол-мулкни олувчи янги шахсга ўтади. Бунда янги рента тўловчи биринчи рента тўловчининг барча мажбуриятларини бажариши шарт. Агар рента олувчининг шартнома шартлари бузилиши натижасида келиб чиққан талаблари юзасидан, Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки тарафлар ўртасидаги шартномада дастлабки рента тўловчи солидар жавобгар бўлиши назарда тутилмаган бўлса, рента олувчи олдида биринчи рента тўловчи субсидиар (қўшимча) жавобгар бўлади.

Рента тўлаш шарти билан ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк берилганида рента олувчи ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида бу мулкка гаров ҳуқуқини олади.

Рента сифатида пул суммаси ёки бошқа кўчар мол-мулкни бериши назарда тутадиган шартноманинг муҳим шарти шуки, унда рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришнинг гаровини тақдим этишга ёки ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини рента олувчи фойдасига суғурталашга мажбур бўлади (ФКнинг 516-моддаси).

Ушбу моддада рента тўлашни таъминлашнинг қуйидаги усуллари назарда тутилган:

1. Рента олувчи берилган рента объекти, яъни ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк учун ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида бу мулкка гаров ҳуқуқини олади;

2. Рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажариш гаровини рента олувчига тақдим этади;

3. Рента тўловчи ўз мажбуриятларни бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик хавфини рента олувчи фойдасига ёки у кўрсатган бошқа шахс фойдасига суғурталашга мажбур бўлади.

Санаб ўтилган рента тўлашнинг таъминлаш усуллари билан биринчиси ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулк рента шартномаси объекти бўлганда қўлланилса, иккинчи ва учинчи усуллари пул суммаси ёки бошқа кўчар мол-мулкни рента сифатида берилганда қўлланилади.

Рента тўловчи Фуқаролик кодексининг 516-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, рента олувчи жавобгар бўлмайдиган ҳолатларда таъминлаш йўқотилган ёки таъминлаш шароитлари ёмонлашган тақдирда рента олувчи рента шартномасини бекор қилишга ёки шартнома бекор қилиниши туфайли кўрган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Рента тўлаш шarti билан ер участкаси ёки бошқа кўчмас мол-мулк берилганида рента олувчида рента тўловчи ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш мақсадида бу мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи вужудга келишини баён қилинган эди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида” ги қонунининг II бобидаги “Ипотека тўғрисида” ги қоидалар амал қилади.

Одатда рента шартномасига мувофиқ рента тўловчи ренти пул суммаси шаклида ёки бошқа шаклда тўлаши мумкин. Шартнома бўйича тўловлар топшириладиган мулкнинг қийматига монанд равишда кўп ёки озроқ бўлиши ҳам мумкин, чунки бир неча юз миллион сўмлик қийматга эга бўлган мулк билан оддий автомобиль учун тўланаётган рента ўртасида фарқ бўлиши табиий ҳолдир. Рента бўйича топшириладиган мулк учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда бўлиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 517-моддаси рента тўлашни кечиктирганлик учун жавобгарликни белгиловчи қуйидагича қоидали белгилайди;

Рента тўлашни кечиктирганлик учун рента тўловчи рента олувчига, агар рента шартномасида бошқача фоизлар миқдори назарда тутилган бўлмаса, Фуқаролик Кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни тўлайди. Бу фоизлар миқдори рента шартномасининг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин. Агар шартномада мазкур фоизлар белгилаб қўйилмаган бўлса, ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар тадбиқ этилади. Бунда тўловни рента тўловчи рента олувчи яшайдиган жойда, рента олувчи юридик шахс бўлганда эса, унинг жойлашган ерида рента тўловларининг тегишли қисми тўланган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.

Шунингдек, рента олувчи рента тўловчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаётгани ва унга нисбатан ҳеч қандай зарарли ҳаракатлар қилмагани ҳолларда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли. Лекин бундай ҳолларда фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларига асосан рента олувчи рента тўловчининг талабига мувофиқ, у томонидан қилинган барча харажатлар (рента тўлови, шартномани тузишдаги харажатлар, шунингдек, кўрсатган хизматлари ва рента объектини сақлаш билан боғлиқ харажатлар) ни тўлашга мажбур бўлади. Бундай харажатларни тўлаш рента объектидан олинган соф даромад ҳисобидан рента тўловчи фойдасига ундирилиши мумкин.

Юқоридаги ҳуқуқий белгилар ва бошқа хусусиятларига қараб рента шартномасини бошқа олди-сотди, ҳадя, мулк ижараси шартномалардан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Биринчидан**, олди-сотди, ҳадя шартномалари каби мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи рента шартномасида рента тўловчига ўтсада, бу ҳуқуқ рента олувчи билан боғлиқлиги мавжуд бўлади.

**Иккинчидан**, олди-сотди, мулк ижараси ва рента шартномалари ҳар доим ҳақ бараварига тузиладиган шартномалардир. Ҳадя шартномаси эса ҳар доим текинга тузилади.

**Учинчидан**, олди-сотди, ижара, ҳадя шартномалари предметларига қараб оғзаки, ёзма, нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказиладиган шаклда тузилса, рента шартномасининг шакли ҳар доим нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шarti билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим.

**Тўртинчидан**, олди-сотди, ижара, ҳадя шартномалари консенсуал характерли шартномалар бўлса, рента шартномаси реал характерга эга.

**Бешинчидан**, олди-сотди, ижара муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тақсимланишига қараб икки томонлама шартномалар турига мансуб бўлса, рента ва ҳадя шартномаларининг ўхшаш жиҳати, ушбу шартномалар бир томонлама шартномалар туркумига киради.

**Олтинчидан**, рента шартномаси асосида пайдо бўлган муносабатлар узоқ, муддатли, «барқарор», ишончлилиқ хусусиятларини ўз ичига олади. Бу ҳолат шартнома предметига қараб олди-сотди, ижара шартномаларида ҳам кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда олди-сотди ва ижара муносабатлари бир марталик характерини ўзида

сақлаб туради ва товар алмашинувида уларнинг эквивалентлигига асосланади.

**Еттинчидан**, рента шартномасида рента тўлов миқдори унинг ўзлаштириш нархидан ошиб ёки камайиб кетиши мумкин. Шунинг учун рента шартномаси тузишда томонлар ушбу ҳолатларни кўзда тутишган ва бу ҳолатга келишиб олишган бўлишлари шарт. Рента шартномасидан фарқ қилиб, олди-сотди шартномасида мулкнинг умумий қиймати шу мол-мулк мутаносиб равишда белгиланади. Ижара шартномасида ҳақни мол-мулкнинг умумий қиймати учун эмас, мулкдан фойдаланганлик учун тўлаш назарда тутилади.

Фуқаролик кодексининг 512-моддаси иккинчи қисмида рента шартномасига мувофиқ рентани муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчи ҳаёт бўлган муддат мобайнида тўлаш (умрбод рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилиши ва умрбод рента фуқарони ўз қарамоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шарти билан белгиланиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида назарда тутилган бўлиб, ушбу қоида мазмунидан рента шартномасининг икки тури мавжудлигини аниқлаш мумкин:

1. Доимий рента.
2. Умирбод рента.

Рента шартномасининг ушбу турлари ўзларининг таъминлаш шакллари, таъминлашнинг энг кам миқдори, муддати, мажбуриятларининг субъектлари таркиби, ҳуқуқий ворислик ва рентани сотиб олиш имконида мулкнинг фавқулодда нобуд бўлиши туфайли пайдо бўладиган ҳолатларига қараб фарқланади.

Рента шартномаси умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига ўхшаса-да, бироқ умирбод таъминлаш шарти билан уй-жой, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси предметининг ягоналиги, яъни фақат уй-жой ёки квартира бўлишлиги билан ва амалиётда кўп қўлланилиши ва бошқа айрим жиҳатлари билан Фуқаролик кодексига алоҳида шартнома сифатида киритилган.

## **2-§. ДОИМИЙ РЕНТА**

Фуқаролик кодексининг 518-моддасига кўра, доимий рентани фақат фуқаролар ва нотажорат ташкилотлари олишлари мумкин, башарти, бу ҳол қонунга зид келмаса ва уларнинг фаолият мақсадига мос бўлса.



Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента шартномаси бўйича рента олувчининг ҳуқуқлари Фуқаролик кодекси 518-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга талабдан воз кечиш йўли билан топширилиши ва ворислик бўйича ёки юридик шахслар қайта ташкил қилинганда бошқа шахсларга ўтиши мумкин.

Кўп ҳолларда рента олувчи рента объекти бўлган мулкнинг эгаси, мулкдори бўлади. Олувчининг субъект ёшига етмаганлиги ёки муомалага лаёқатсизлиги сабабли шартнома уларнинг қонуний вакиллари ёки васий ва ҳомийлари томонидан ҳам тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда шартнома бўйича тўловчи мажбуриятларининг бажарилишини ҳам улар назорат қилиб турадилар. Доимий рента учинчи шахслар фойдасига тузилган тақдирда учинчи шахс рента олувчи бўлиб иштирок этади ва унинг розилигисиз шартнома бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин эмас.

Доимий рента шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири рента олувчи ҳуқуқларининг талабдан воз кечиш йўли билан бошқа фуқаро ва нотижорат ташкилотига топширилиши мумкинлиги ва ушбу ҳуқуқларнинг ворислик бўйича ёки юридик шахслар қайта ташкил этилганда бошқа шахсга ўтиши мумкинлигидир. Демак, доимий рента шартномаси субъектлар доирасида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Агар рента олувчи фуқаро бўлса, у рента тўловчининг розилигисиз рента олиш ҳуқуқини бошқа шахсга мерос қилиб қолдириш ёки ҳадя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Нотижорат юридик шахслар ҳам бундай ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин, лекин рента олиш ҳуқуқининг тижорат ташкилотларига ўтказилишига йўл қўйилмайди. Борди-ю, нотижорат ташкилотлари вақт ўтиши билан тижоратчи ташкилотга айланса ҳам қонун рента олиш ҳуқуқини бермайди. Бундай рента объектини сотиб олиш дастлаб рента тўловчига берилади, акс ҳолда, рента олувчи рента тўловчининг шартнома бўйича барча харажатларни тўлаб, шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, рента олувчида рента олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи ҳам сақланиб қолиши мумкин.

Рента тўловчилар сифатида муомалага лаёқатли бўлган барча фуқаролар ва ҳар қандай мулк шаклига асосланган юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Доимий рента пул билан тўланиб, у рента тўлаш шарти билан топширилган мол-мулкка ўхшаш мол-мулкни ижарага беришда

қўлланиладиган мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг ўртача ставкаси доирасида шартнома билан белгиланадиган миқдорда, рента тўлаш шарти билан пул суммаси топширилганда эса Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган банк фоизининг тегишли даражада жорий этилган ставкаси доирасида бўлади.

Шартномада рентанинг пул суммасига тенг қийматдаги ашёларни бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам рента тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Агар доимий рента шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳақининг тегишли ставкаси ёки банк фоизи ставкаси ўзгарса, тўланидиган рента миқдори ҳам мутаносиб равишда ўзгаради (ФКнинг 519-моддаси).

Фуқаролик кодексининг 520-моддасига кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, доимий рента йилнинг ҳар бир календар чораги тугаши билан тўланади.

Фуқаролик кодексида назарда тутилган қоидада доимий рента йилнинг ҳар бир календар чораги (ҳар уч ой) тугаши билан тўланиши белгиланган. Аммо бу муддат тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада ўзгача тартибда ҳам белгиланиши мумкин. Доимий рентани тўлаш муддати тарафларнинг келишувига мувофиқ, ҳар ойда ёки йил охирида ёхуд бошида ҳам тўланиши мумкин.

Қонунда рента объекти бўлган ер участкаси, корхона, бино, иншоот ва бошқа объектлардан фойдаланишда рента тўловчига ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Лекин рента тўловчи рента предмети бўлган объектдан ижара ёки қарз ҳақидаги умумий қоидаларга амал қилган ҳолда фойдаланиши лозим.

Доимий рентани тўловчи уни сотиб олиш йўли билан бундан буён рента тўлашдан бош тортишга ҳақли. Агар рента тўловчи рента тўлашдан бу тарзда бош тортишини рента тўлашни тўхтатишидан камида уч ой олдин ёки шартномада назарда тутилганидек ундан ҳам аввалроқ ёзма равишда маълум қилган бўлса, бундай бош тортиш ҳақиқий ҳисобланади. Агар шартномада сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, рента тўлаш мажбурияти, рента оловчи сотиб олиш суммасининг ҳаммасини олиб бўлгунга қадар тўхтатилмайди.

Шартноманинг доимий рента тўловчи уни сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномада доимий рентани сотиб олиш ҳуқуқини рента оловчи ҳаётлигида ёки шартнома тузилган пайдан бошлаб ўттиз

йилдан ошмайдиган муддат мобайнида амалга ошириб бўлмаслиги назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 521-моддаси).

ФКнинг 522-моддасида доимий рента олувчи рента объектини рента тўловчидан сотиб олиши мумкин бўлган ҳолатлар баён қилинган:

1. Рента тўловчи томонидан шартнома шартларига хилоф равишда тўлов муддати бир йилдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолатда.

2. Рента тўловчи томонидан рентани тўлаш бўйича мажбуриятлар бузилган ҳолатда.

3. Рента тўловчи томонидан рента шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда тўланмаслигини келтириб чиқарадиган вазият вужудга келса ёки рента тўловчи тўловга қодир эмас деб топилса.

4. Рента тўлаш шarti билан топширилган кўчмас мол-мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахс ўртасида тақсимланган ҳолатда. Масалан: рента тўлаш шarti билан топширилган уй-жой оила (эр-хотин) мулкига айланса ёки улар ўртасида тақсимланса.

5. Шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Шартномада рента олувчининг эҳтиёжларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун тўловчи юқоридаги ҳолатлар бўйича сотиб олишдан бош тортса, шартнома бир томонлама бекор қилиниши ва мулк рента олувчига қайтарилиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 521-522-моддаларида назарда тутилган ҳолларда доимий рента шартномада белгиланган баҳода сотиб олинади.

Рента тўлаш шarti билан мол-мулк ҳақ эвазига топширилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш йиллик рента тўловлари суммасига мос баҳода амалга оширилади.

Рента тўлаш шarti билан мол-мулк текинга берилган доимий рента шартномасида сотиб олиш баҳоси тўғрисида шарт бўлмаганида сотиб олиш баҳосига йиллик рента тўловлари суммаси билан бир қаторда топширилган мол-мулкнинг ўхшаш вазиятларда белгиланадиган баҳоси ҳам қўшилади (ФКнинг 523-моддаси).

Фуқаролик кодексининг 524-моддасида доимий рента тўлаш шarti билан рента тўловчига топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи қайси тарафда бўлишлиги баён қилинган. Унга биноан агарда мол-мулк доимий рента тўлаш шarti билан бепул топширилса, мол-мулкнинг тасодифан но-

буд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи рента тўловчи зиммасида бўлади, яъни бундай ҳолатда мол-мулк нобуд бўлса ёки бирон тарзда бузилса, юзага келган зарарнинг барчасини рента тўловчи ўз зиммасига олиши шарт.

Агар мол-мулк доимий рента тўлаш шарти билан ҳақ эвазига топширилган мол-мулк тасодифан нобуд бўлганда ёки тасодифан бузилганда тўловчи рента тўлаш мажбуриятини тегишли равишда тўхтатишни ёки уни тўлаш шартларини ўзгартиришни рента олувчидан талаб қилишга ҳақли.

### **3-§. УМРБОД РЕНТА**

Фуқаролик кодексининг 525-моддасида белгиланишича, умрбод рента мулкани рента тўлаш шарти билан топшираётган фуқаро ҳаёт бўлган даврга ёки у кўрсатган бошқа фуқаро ҳаёт бўлган даврга белгиланиши мумкин.

Умрбод рентани бир неча фуқаро фойдасига белгилашга йўл қўйилади, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олиш ҳуқуқида уларнинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рента олувчиларнинг бири вафот этган тақдирда унинг рента олиш ҳуқуқидаги улуши ундан кейин ҳаёт бўлган рента олувчиларга ўтади, охирги рента олувчи вафот этган тақдирда рента тўлаш мажбурияти бекор бўлади.

Шартнома тузилган пайтгача вафот этган фуқаро фойдасига умрбод рента белгилайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ушбу шартноманинг моҳияти рента олувчи ҳуқуқларининг талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш йўли билан, шунингдек, ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиш ҳолатларини истисно этади. Шунинг учун рента олувчининг вафоти ёки улар қонуний тартибда вафот этган деб топилганлиги мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб келади. Умрбод рента тўловчиларга келганда эса уларга ҳеч қандай махсус талаблар қўйилмайди. Умрбод рента олувчи бўлиб фақат фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

Умрбод рента предмети бўлиб, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ҳар қандай кўчар ва кўчмас мулклар бўлиши мумкин. Рента тўлаш шаклига келганда эса қонун фақат бир шаклни кўзда тутади, яъни у пул шаклида тўланиши лозим. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 526-моддасида қуйидаги ҳолат назарда тутилган.

Умрбод рента шартномада рента олувчи ҳаёт бўлган даврда унга вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси сифатида белгиланади.

Умрбод рентанинг шартномада белгиланадиган бир ойлик миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак, бунда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган энг кам миқдори оширилишига муносиб равишда умрбод рента тўлови ҳам оширилиб борилади.

Умрбод рентанинг миқдори шартноманинг муҳим шартларидан ҳисобланади ва у шартномада назарда тутилган бўлиши шарт. Умрбод рентанинг миқдорини аниқлашда томонлар рентанинг қонунда кўзда тутилган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни бузмаслиги шарт. Бу охириги талаб доимий рента шартномасидаги худди шу талабга кўра императивлик хусусияти билан фарқланади ва у томонлар келишуви бўйича бекор қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг 527-моддасига мувофиқ шартноманинг амал қилиш муддати ҳаракат муддати рента олувчининг ёки охириги олувчининг ҳаёти давомийлиги билан белгиланади. Бу муддат давомида рента тўловчи рента олувчига ўз вақтида рента тўловларини тўлашга мажбур. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган булмаса, умрбод рента ҳар бир календарь ойи тугаши билан тўланади.

Бу шартнома бекор бўлишининг табиий асоси бўлиб рента олувчининг вафоти ҳисобланади. Рента олувчининг ҳаёти давомида шартнома томонлар келишуви билан, шунингдек, тўловчининг қарзи кўпайиб кетиши ва рента олувчининг бир томонлама ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бир томонлама шартномани рента олувчи томонидан бекор қилиш учун асос рента тўловчи томонидан шартноманинг жиддий бузилиши ҳисобланади. Бу жиддий бузилишлар рента тўловларини ўз вақтида тўламай кечиктиришда, рента олувчи манфаатларини хавф остига қўювчи рентани зарурий таъминлашнинг тақдим этилмаганлигида кўринади. Рента тўловчи томонидан шартноманинг муҳим деб топилган шартларининг бузилиши юқоридаги оқибатларни келтириб чиқаради.

Рента тўловчи умрбод рента шартномасини жиддий бузган ҳолларда рента олувчи рента тўловчидан рентани Фуқаролик кодексининг 523-моддасида назарда тутилган шартларда сотиб олишни ёки шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар умрбод рента тўлаш шarti билан текинга квартира, уй ёки бошқа мол-мулк топширилган бўлса, рента тўловчи шартноманинг

муҳим шартларини жиддий бузган тақдирда, рента олувчи бу мол-мулкни унинг қийматини сотиб олинадиган рента ҳисобига қўшган ҳолда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шартнома бекор қилинганда рента олувчи зарарни ундириш билан бир қаторда барча мулкӣ йўқотишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда олинган рента суммаларига мос равишда мулк қиймати қисқаради. Умрбод рента тўлаш шарти билан топширилган рента тўловчини рента шартномасида назарда тутилган шартларда тўлаш мажбуриятдан озод қилмайди. Шу тариқа рента олувчининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Рента шартномасининг тушунчаси ва аҳамияти.
2. Рента шартномасининг предмети.
3. Рента шартномасининг турлари.
  - 3.1. Доимий рента шартномаси:
    - а) доимий рента шартномасининг субъектлари;
    - б) доимий рента шартномасида ҳақ;
    - в) доимий рентани сотишни ва сотиб олишни талаб қилиш.
  - 3.2. Умрбод рента шартномаси:
    - а) умрбод рента шартномасининг субъектлари ва муддати;
    - б) умрбод рента шартномасида ҳақ;
    - в) умрбод рентани тасодифан нобуд бўлиши хавфи.

### **33-БОБ. УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙ (КВАРТИРА)НИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ**

#### **1. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси тушунчаси, аҳамияти ҳуқуқий белгилари ва бошқа шартномалардан фарқи**

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси мол-мулкни бир шахсдан иккинчи бир шахсга топшириш шартномалари туркумига киради. Бу шартноманинг моҳиятини уй-жой ёки квартира ва у билан боғлиқ ер участкасини иккинчи бир шахсга топшириш ташкил этади. Мазкур шартнома миллий минталитетимиз асосида қабул қилинган Фуқаролик кодексининг ўзига ҳос хусусиятларидан ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, аксарият мамлакатлар фуқаролик қонунчилигида бу шартнома рента шартномасининг бир тури сифатида кўрсатилади. (Масалан, РФ ГКсининг 601-моддаси). Лекин мамлакатимизда ожиз, заиф кишиларга ёрдам бериш, уларга ғамхўрлик қилиш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг мазкур тури ижтимоий заиф шахсларни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиши учун алоҳида шартнома тури сифатида эътироф этилди.

Республикамизда бозор муносабатларига, эркинлик ва демократияга асосланган буюк келажак сари илдамлик билан олға ривожланиб бормоқда. Бозор тамойилларини жамиятда кенг қўлланиб борилиши ва илдиз отиши одамлардаги тадбиркорлик, ташаббускорлик интилишларини авж олдирмоқда, даромад олишнинг анъанавий усуллари самарали фойдаланиш, ноанъанавий усулларини ахтариб топшишга ундамоқда. Аммо, кекса, сихат-саломатлиги аҳволи ёмон бўлган ёки бошқа тоифадаги имкониятлари чекланган фуқаролар тадбиркорлик майдонида етарли даражада ҳаракат қилиш ва шу йўл билан даромад топиш имконига ҳар доим ҳам эга бўлавермайдилар. Инсоннинг энг асосий маънавий қадриятларидан бири – ожиз, заиф кишиларга ёрдам бериш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Бу қадрият ахлоқий қоидаларда ҳам, ҳуқуқий меъёрларда ҳам ўз ифодасини топган. Шу сабабли бундай ғамхўрлик масъулияти ўзгаларга кўмак беришга лаёқатли ҳар бир инсон зиммасида деб айтиш мумкин. Кўп ҳолларда бундай масъулият ҳеч қандай таъмасиз, эзгу ниятлар билан амалга оширилади. Айни вақтда қонунларда ўзгалар қаровига, парваришига муҳтож шахслар билан шундай парваришни амалга оширувчи шахслар манфаатини умумлаштириш,

уларнинг ўзаро муносабатларини шартнома асосида расмийлаштириб, уларнинг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб қўйиш ҳолатлари ҳам назарда тутилган.

Давлат ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобига ушбу тоифадаги фуқароларга пенсиялар, нафақалар, бошқа ижтимоий таъминот бериш шаклларида моддий мадад кўрсатилаётган бўлса-да, бу ёрдамлар ўз ҳажмига кўра ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди, бу шахсларда қўшимча кун кечириш манбаларини қидириб топиш заруратини юзага келтиради. Кундалик ҳаётимизда кенг тарқала бошлаган мулкни ижарага бериш, ўз маблағларини омонатга қўйиш ёки корхоналарнинг қимматли қоғозларига эга бўлиш орқали, улардан келадиган дивиденд (фоиз даромад) ҳисобига даромад топиш кабилар ана шундай ҳаёт кечиришга ёрдам берувчи манбалардан саналади. Лекин бу манбани қўлга киритиш учун шахс муайян ҳаракат қилиши лозим бўлади. Гарчи бу шартномалар ижтимоий қўллаб қувватлашда муҳим аҳамият касб этаса-да, ҳеч қайсиси умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга топшириш шартномасидек таъминотга мухтож кишини кундалик таъминоти учун “қайғурмайди”. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга топшириш шартномаси афзаллик жиҳатларидан бири қария ёки ногирон шахс амалда ҳеч қандай харажат қилмагани ҳолда тирикчилик ўтказишнинг асосий манбаини қўлга киритиш муносабатини юзага келтиради.

Бундай шартноманинг интизомий аҳамияти шундан иборатки, ўзгалар қаровига мухтож кишилар ўзларига зарур ёрдам – кўмак оладилар, иккинчидан, уларнинг мол-мулки қаровсиз, хўжасиз бўлиб қолмай, доимий назорат остига ўтади, учинчидан, ожиз кишиларни парвариш қилувчи шахс келажакда бу хизматлари эвазига маълум мол-мулкка эга бўлади. Бинобарин, бундай шартнома тузилиши ва амалга оширилишидан барча – шартнома иштирокчилари ҳам, жамият ҳам манфаатдордир.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 22-моддасида турар жойларни хусусий мулк қилиб олиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга асосан умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш ҳам турар-жойни хусусий мулкка айлантириш асоси сифатида кўрсатилган.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа



тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришlash ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. (ФКнинг 530-моддаси).

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ўзига турдош бўлган умрбод рента шартномасидан қуйидаги хусусиятлари билан фаркланади:

биринчидан, бу шартнома предмети (нарсаси) фақат уй-жой, квартира ёки квартирининг маълум бир қисми бўлади;

иккинчидан, умрбод таъминлаш шартномасида таъминлаш харажатининг умумий баҳоси кўрсатилиши лозим бўлади;

учинчидан, асралувчини пул шаклида ҳам, натура шаклида ҳам таъминлашга йўл қўйилади;

тўртинчидан, асровчига топширилган ашё унга гарчанд эгалик қилиш ҳуқуқи ўтган деб ҳисобланса ҳам, лекин ашёни гаровга ёки ижарага фақат асралувчининг розилиги билангина берилиши мумкин.

Ушбу шартнома умрбод рентадан шартнома объекти бўлган кўчмас мулк – уй-жой тақдири бошқача ҳал этилиши билан фарқ қилади. Умрбод рента шартномасида рента олувчи кўчмас мулкни (уй-жойни) рента тўловчига текинга мулк қилиб бермасдан, аслида ижарага беради ва шартномада рента объекти бўлган кўчмас мулк (масалан, уй-жой) кейинчалик сотиб олиниши мумкинлиги кўзда тутилиши мумкин. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга топшириш шартномасида эса, бошқа шахсга топширувчи (уй-жой мулкдори бўлган фуқаро) вафот этгани тақдирда, уй-жой олувчига мулк ҳуқуқи сифатида ўтади.

Бу шартнома икки томонлама, консессуал, ҳақ бараварига тузиладиган шартномалардан бири бўлиб, тарафлар сифатида фақат фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

## **2. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг мазмуни**

Шартнома мазмуни асралувчи шахснинг ўзига эгалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жойнинг ёки унинг бир қисми (квартира)ни ёхуд бошқа ашёларни топшириш мажбурияти бўлса, мулкни олувчининг эса асралувчи шахснинг умрбод уй-жой, озиқ-овқат, касал бўлганида парвариш қилиш ва зарур бўлган бошқа ёрдамларни кўрсатиш мажбурияти ташкил этади.

Бу шартномада тарафлар сифатида фақат фуқаролар иштирок этади. Шартнома моҳиятига кўра, унда уй-жой (квартира)ни олувчи сифатида вояга етган, муомала лаёқатига тўлиқ эга бўлган, моддий жиҳатдан ўзга шахсни тўлиқ таъминлаш имкониятига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс (шу жумладан, чет эллик фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс) иштирок этса, уй-жой (квартирани бошқа шахсга берувчи сифатида фақат ногиронлиги, кексалиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган фуқаролар (жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тарзда доимий яшовчи чет эл фуқароси шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар) иштирок этишлари мумкин бўлади. “Меҳнатга лаёқатсиз фуқаро” тушунчаси шартномада тараф сифатида иштирок этиши назарда тутилаётган субъектлардан кенг бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз деганда вояга етмаган фуқаролар, ногиронлар, қариялар, ақли заиф ва рухий хасталар тушунилади. Шартномада тараф сифатида эса вояга етмаган фуқаролар умрбод таъминлаш учун уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини тузишга ҳақли эмаслар. Улар келажакда вояга етгандан сўнг меҳнатга лаёқатли бўлишлари мумкинлиги бу шартномани тузишга тўсқинлик қилади. Демак шартномада умрбод таъминланишга мухтож тараф сифатида қариялар, ногиронлар иштирок этишлари мумкин.

Умрбод асраш шарти билан уй-жой (квартира)ни топшириш шартномаси тузилиши ва ижро этилишида қонунийликни таъминлаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда қонунийлик муҳитини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга.

Мазкур шартномада меҳнат қилиш ёшида бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар кредитор сифатида қатнаша олмайдилар, чунки меҳнатга лаёқатли шахс уй-жойни ёки бошқа ашёсини асралувчи шахс сифатида бошқа бировга топшириши – унинг меҳнат қилмай яшашига ва жамият олдида ахлоққа тўғри келмайдиган ҳолат юз беришига сабаб бўлади. Демак, бундай шартномада ногиронлар, шунингдек, қариллик пенсиясини олиш ёшига етган шахслар кредитор сифатида қатнашадилар.

Мулкни олувчи фуқаро муомала лаёқатига эга бўлган, асралувчи шахсни умрбод моддий таъминлаш, парваришlash ва зарур бўлган бошқа ёрдамлар бериб туриш мажбуриятини бажара оладиган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин (бирок васийлар ва ҳомийлар ўз назорати остидаги шахслар билан бундай шартнома туза олмайдилар).

### **3. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети, баҳоси ва шакли**

Шартнома предмети (нарсаси) уй-жой (квартира) ёки унинг бир қисми бўлишига кўрсатилган бўлса ҳам, аммо баъзи истеъмол қилинмайдиган қимматбаҳо ашёлар (автомобиль, машҳур расом асарлари бўлган ноёб картина, асровчи шахс шажараси (авлоди) учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган тарихий ашёлар ва бошқа нарсалар) ҳам шартнома предмети бўлиши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномасининг қанча вақт давомида кучда бўлиш ва асралувчига нисбатан қилинадиган харажатларни ҳам пул бараварида олдиндан белгилаб бўлмайди.

Уй-жой (квартира) ни олган шахс бу мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини асралувчи вафот этгандан сўнггина бошқа шахсларга ўтказишга (сотишга, айирбошлашга, ҳадя қилишга ва васият қилишга) ҳақли бўлади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномасида асралувчига кўрсатиладиган моддий таъминотнинг қатъий суммасини аниқ белгилаб қўйиш мумкин бўлмаса ҳам, лекин унга нисбатан қилинадиган бир ойлик харажат пул суммаси билан ифодаланган бўлиши керак. Булар жумласига: тураржой учун тўланадиган пул суммаси, коммунал тўловлар, озиқ-овқат учун тўланадиган пул суммаси, ҳар хил урф-одатлар ва маросимларга кетадиган харажатлар, шунингдек, бошқа зарур бўладиган сарф-харажат турлари шартномада тарафларнинг келишуви билан белгилаб қўйилиши лозим.

Асралувчининг яшаши учун бериладиган турар-жой топширилаётган уй-жой (квартира)нинг айнан ўзида бўлмасдан, балки тарафлар ўзаро келишган ҳолда асралувчининг яшайдиган жойи бошқа ерда ҳам бўлиши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси Фуқаролик кодексининг 110-моддасидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқланиши керак, акс ҳолда шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 14-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Нотариал ҳаракатлар ва битимларни тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонунга асосан амалга оширилади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузувчилар шартномани нотариал тасдиқлаш учун нотариусга мурожаат этар экан, нотариус шартномани тасдиқлаб бераётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқлайди ва агар шартнома вакил томонидан тузилаётган бўлса унинг ваколатини (ёзма ваколатнома, ишончнома) ни ҳам текширади. Чунки бу ҳаракат жуда муҳим бўлиб, келажакда шартноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳолатини олдини олади.

Агар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузаётган фуқаро жисмоний нуқсон, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра шартномани ўз қўли билан имзолай олмаса, шартнома унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлаш учун судга мурожаат этилаётганда шартнома мантнига қўйиладиган талаблар ҳам мавжуд. Бу талаблар “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган. Унга асосан нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган шартномани қабул қилмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса - улар органларининг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак. Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлаш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил шартномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тасдиқлаш учун берилаётганда унга илова қилинган ҳужжатлар (уй-жой, квартира ҳужжатлари) қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича унинг предмети бўлган уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира ёки иморат жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

Уй-жой кодексининг 122-моддасига асосан, умрбод таъминлаш шарти билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турар жойдан фойдаланиш шу шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Шартномада турар жойдан фақат турар жойни бошқа шахсга бераётган ва уни олаётган шахс фойдаланиши назарда тутилиши, турар жойдан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилиши ёки белгиланмаслиги ёхуд турар жойни фойдаланиш учун учинчи шахсга (учинчи шахсларга) бериш ёки қонун йўл қўядиган бошқача усулда фойдаланиш белгиланиши мумкин.

Ушбу шартнома бўйича уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда асралувчи томонидан берилган уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотишга, бошқа шахсга ҳадя қилишга, уни айирбошлашга ҳақли эмас, шунингдек уй-жой (уйнинг бир қисми) квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган (хўжасизларча) муносабатда бўлиш, ўз вақтида зарур бўлган таъмирлаш ишларини олиб бормаслик ва ҳ. к. ҳолатларга йўл қўймас-лик лозим. Мазкур уй (уйнинг бир қисми) дан квартира олувчининг қарзлари бўйича ҳақ ундиришга ҳам йўл қўйилмайди.

#### **4. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича жавобгарлик ва шартномани бекор қилиш**

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича жавобгарлик умумий асосларда ФКнинг 24-боби талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан нобуд бўлиши асровчини ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилишга асос бўлмайди. Уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани умрбод таъминлаш шарти билан мулкни олган шахс шартнома юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини, масалан, белгиланган вақтда озиқ-овқат билан таъминлаш, турар-жойни иситиш ва шу каби бошқа бурчларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаётган бўлса, асралувчи шахс мулкни олган шахсдан яшаши учун зарур бўлган таъминотнинг белгиланган ва маълум муддатларда тўланадиган пул суммалари билан алмаштирилишини ёки шартноманинг бекор этилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Қонун уй-жой (квартира) ни олувчи талаби билан ҳам шартнома бекор қилиниши мумкинлигини белгилайди. Мулк олувчининг ўзига боғлиқ бўлган ҳолатлар юз берганида, масалан, унинг оғир касаллиги, бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёки моддий аҳволининг жиддий ўзгариб қолиши, асралувчига доимий равишда парвариш қиладиган одамнинг бўлмаслиги ҳолларида, шунингдек асралувчининг меҳнат қобилияти тикланса, шартнома олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси асралувчи томонидан бекор қилинган тақдирда, асровчи шартнома амалда бўлган вақтда асралувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туриши учун қилинган сарф-харажатларнинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи вафот этган тақдирда, бу шартнома юзасидан олган мажбуриятлари асровчининг ворисларига ўтади. Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчининг ворислари бўлмаса ёки ворислари умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бериш тўғрисидаги шартномадан воз кечсалар,

мулк асралувчининг ўзига қайтарилади. Агар бундай уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ворислик ҳуқуқи асосида бир неча ворисларга ўтса, асралувчига таъминот бериш мажбурияти ворисларнинг ҳар қайсиларига олган мерос улушларига қараб ўтади

Агар ворислар ўз ҳиссаларидан битта ворис фойдасига воз кечсалар, асралувчининг таъминлаш бурчи ана шу ворис зиммасида бўлади.

Ворислар асралувчи ҳаёт вақтида уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани сотишга, бошқа шахсларга ҳадя қилишга ҳақли эмаслар.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бериш шартномасининг тушунчаси ва аҳамияти.

2. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бериш шартномаси субъектлари ва предмети, шартноманинг шакли.

3. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бериш шартномасида ҳақ тўлаш.

4. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бериш шартномасида ҳуқуқий ворислик.

5. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

## 34-БОБ. МУЛК ИЖАРАСИ

### 1-§. МУЛК ИЖАРАСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1.1. Мулк ижараси шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари

Хозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулк ижараси билан боғлиқ муносабатлар тобора ривожланиб, унинг кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Лекин ижара бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келиб чиқадиган бутунлай янги ҳуқуқий муносабат эмас, албатта. Ижара мамлакатимизда илгари ҳам мавжуд бўлган ва у тегишли қонун-қоидалар билан тартибга солиб турилган эди. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мулк ижараси билан боғлиқ муносабатларнинг янада кенгайишига сабаб бўлди. Эндиликда ижара, ижарачи ва ижарага берувчи деган сўзлар ва тушунчалар кундалик турмушимизда кенг қўлланилмоқда, чунки ижара турмушимизнинг ҳамма соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда.

Ижара бу мулк эгасининг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа буюмларини муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа бировга ўзаро келишувига мувофиқ топширишдир. Мулк эгаси (ижара берувчи) ўз мулкини бошқа бировга (ижарачига) вақтинча эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун беради.

Ижара муносабатларини ижарага берувчи ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори бўлиб қолаверади. Ижарачи эса шартномада кўрсатилган муддат давомида мулкдорнинг баъзи ҳуқуқларини олади ва бунинг учун ижара ҳақини тўлайди. Шу билан бирга, ижарачи ижара фаолияти давомида ишлаб чиқариш воситаларининг вақтинча эгаси, олинган маҳсулот ва даромадларнинг эса мустақил эгаси ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 535-моддасида мулк ижараси шартномасига қуйидагича таъриф берилган: “Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади”.

Ушбу таърифда мулк ҳуқуқи элементларининг бир эгадан иккинчи эгага ўтишига қараб ижара шартномасининг икки турини фарқлаш мумкин.

1. Ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

2. Ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни



вақтинча фақат фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Биринчисида ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлса, иккинчисида эса фақат мулкдан фойдаланиш ҳуқуқигина мавжуд бўлади. Масалан, уй-жой эгаси ўз яшаб турган уйга ижара шартномаси асосида бошқа шахсларнинг яшашлари учун фақат фойдаланишга беради.

Мулк ижараси шартномасининг олди-сотди шартномасидан фарқлайдиган муҳим хусусияти ҳар доим мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдор қўлида сақланиб қолиши ҳисобланади.

**Мулк ижараси шартномасига қуйидаги ҳуқуқий белгилар хосдир.**

**Биринчидан,** мулк ижараси шартномаси тузилиш пайти ва мазмунига қараб консенсуал характерни ўзида ифода этади. Чунки шартнома тарафлар ўртасида келишувга эришилган ва қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

**Иккинчидан,** мулк ижараси шартномаси ҳамма вақт ҳақ бараварига тузилади. Таърифда келтирилганидек, ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

**Учинчидан,** мулк ижараси шартномаси тарафлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб, икки томонлама шартномадир. Бунда ижарага берувчида ҳам ижарага олувчида ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади.

Мулк ижараси шартномасида мулк ҳуқуқининг қуйидаги, яъни мулкни эгаллаш ва фойдаланиш ёки фақат мулкдан фойдаланиш элементларигина ижарага берувчидан ижарага олувчига ўтади. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи ҳар доим мулкдор қўлида сақланиб қолади.

**Мулк ижарасининг объекти.** Мулк ижарасининг объекти, яъни предмети шартноманинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 537-моддасида мулк ижарасининг объектлари кўрсатилган бўлиб, ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида мулк ижарасига берилиши мумкин бўлмаган ёки чекланган корхоналар турлари (гуруҳлари) ва мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Мулк ижараси шарномасида қандай мол-мулк ижарага берилаётганлигига қараб аренда ёки прокат деб аталиши мумкин. “Аренда” сўзи русчадан ижара деган маънони англатади. Шундай экан аренда мулк ижарасининг русча номланиши дейиш мумкин. Прокат ҳам ижаранинг бир тури. Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ ижарага берилаётган мол-мулкнинг турига қараб аниқланади.

Агар бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлмаган ёки кўчирилиши жуда катта меҳнатни талаб қиладиган, кўчирилиши натижасида ўзининг дастлабки хусусиятларини йўқотадиган кўчмас мулклар, яъни турар-жой бўлмаган бинолар, савдо бинолари, омборлар ижарага берилганда тузиладиган шартномани одатда «аренда шартномаси» дейиш мумкин.

Агар ижара объекти бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши мумкин бўлган ва фуқароларнинг маиший эҳтиёжини қондиришга қаратилган ашёлар, яъни спорт буюмлари, уй-рўзғор ашёлари ва шунга ўхшаш бошқа мулклар ижарага берилганида «прокат» деб аталади. Бундай атамалар ҳуқуқий жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аммо мулкдан вақтинча ҳақ эвазига фойдаланишда бўладиган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда улар ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

**Мулк ижараси билан прокат шартномаси ўртасида маълум ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.**

**Мулк ижараси шартномасининг шакли.** Қонунда мулк ижараси шартномасининг шаклига алоҳида аҳамият берилган. Агар мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга тузилиши мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси нотариал гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади (ФКнинг 539-моддаси).

**Мулк ижараси шартномасида тарафлар.** Мулк ижараси шартномасида ҳар доим тараф сифатида ижарага берувчи ва ижарага

олувчи иштирок этади. Фуқаролик кодексининг 538-моддасида кимлар ижарага берувчи бўлишлиги назарда тутилган, жумладан мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Ижарага олувчи ўз фаолиятида зарур бўлган мол-мулкни эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳақ эвазига вақтинча ўзига олиб турган шахсдир.

Ижара муносабатларида тарафлар сифатида, жисмоний ва юридик шахслар, давлат, чет эл юридик шахслари, хорижий давлатлар иштирок этиши мумкин.

**Мулк ижараси шартномаси муддати.** Мулк ижараси шартномаси тарафлар келишуви билан белгиланадиган муайян муддатга тузилади. Фуқаролик кодексининг 540-моддасига мувофиқ, мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса - уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (охирги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, агар ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунда белгиланган охирги муддат тугагунича тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, охирги муддат ўтиши билан шартнома бекор бўлади. Қонунда белгиланган охирги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охирги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг юқоридаги нормаси қоидаларидан келиб чиқиб, мулк ижараси шартномаси қуйидаги муддатларда тузилиши мумкин.

1. Шартномада белгиланган аниқ муддатга.
2. Шартномада кўрсатилмаган ноаниқ муддатга.
3. Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун белгиланган энг

кўп (охирги) муддатга.

Гарчи қонунда мулк ижараси шартномаси учун турли муддатлар белгилансада тарафлар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса - уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ерларни ижарага беришнинг энг кўп муддати белгиланган, жумладан ерлар узоқ муддатли ижара шартномаси асосида ўзга шахсга беришнинг охирги муддати 50 йил қилиб белгиланган.

## **1.2. Мулк ижараси шартномасининг мазмуни**

Мулк ижараси шартномасининг мазмунини тарафлар ўртасида белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбурият ташкил этади.

Мулк ижараси шартномаси бўйича барча муҳим шартлари тўғрисида тарафлар ўзаро келишган ва қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилган вақтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Мулк ижараси шартномасининг муҳим шартлари бўлиб, шартнома объекти, шартнома муддати ва ҳақнинг миқдори, шунингдек тарафларнинг шартнома шартларини бузганда қўлланиладиган жавобгарликлар ҳисобланади.

Томонлар шартнома шартларига рози бўлиб ўзаро келишганларидан ва уни белгиланган шаклда расмийлаштирилганларидан сўнггина уларда ҳуқуқ ва мажбурият вужудга келади.

Ижарага берувчи ашёни муайян муддатга фойдаланиш учун ижарага олувчига бериш мажбуриятига, ижарага олувчи шартнома бўйича келишилган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ҳуқуқига, ижарага берувчи бунинг учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади, ижарага олувчи эса ҳақ тўлаш мажбуриятига эга бўлади. Бунда ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир-бирига қарама-қаршидек кўринсада улар бир мақсад сари йўналтирилган бўлади. Фуқаролик кодексининг мулк ижарасини тартибга соладиган нормаларида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглик асосида ишлаб чиқилган. Хусусан, бир тарафнинг ҳуқуқи қаршисида иккинчи бир тарафнинг мажбурияти бўлишини ва аксинча ҳар бир бурчли тараф ўз қаршисида унга ҳуқуқи бўлган тарафни бўлишини талаб этади.

### **Ижара шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Фуқаролик кодексининг 541-моддасида ижарага берувчининг қуйидаги мажбуриятлари назарда тутилган.

- ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширмоғи лозим;

- мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади;

- агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади.

Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди.

Шартнома тузишда ижарага берувчи ижарага олувчини ижарага топширилаётган мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари (сервитут, гаров ҳуқуқи ва ҳоказолар) ҳақида огоҳлантириши лозим. Ижарага берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижарага олувчига мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради (ФКнинг 543-моддаси).

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши лозим.

Ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар натижасида келиб чиққан шошилиш зарурат туфайли ўтказиладиган таъмирлашни ижарага берувчи ўз ҳисобидан амалга ошириши шарт.

Капитал таъмирлаш мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар бу муддат шартномада белгиланмаган ёки шошилиш зарурат туфайли ўтказилса, оқилона муддатда амалга оширилмоғи лозим.

Ижарага берувчининг капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаслиги ижарага олувчига ўз хоҳишига кўра:

➤ шартномада белгиланган ёхуд шошилиш зарурат тақозо этилган капитал таъмирлашни амалга ошириб, таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш;

➤ ҳақни тегишинча камайтиришни талаб қилиш;

➤ шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради (ФКнинг 547-моддаси).

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса – мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 545-моддаси).

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ижарага олувчининг асосий мажбуриятларидан бири бўлиб, Фуқаролик кодексининг 544-моддасида назарда тутилган. Унга кўра, ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

➤ вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;

➤ ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;

➤ ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;

➤ ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

➤ ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Тарафлар мулк ижараси шартномасида мол-мулкдан фойдаланганлик учун ФКнинг 544-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳақ шакллари ариалаш амалга оширишни ёки ҳақ тўлашнинг бошқа шакллари назарда тутишлари мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори шартномада белгиланган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижараси учун ҳақ

миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача энг кам муддатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, у мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тегишли равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлаш муддатлари ижарага олувчи томонидан жиддий бузилган тақдирда, ижарага берувчи ундан ижара ҳақини муддатидан олдин, ижарага берувчи белгиланган муддатда, шунингдек, ижарага берувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўпи билан икки муддатнинг ҳақини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳуқуқларидан бири бу ижарага олинган мол-мулкни тасарруф қилишдир. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 546-моддасида қуйидагича қоида назарда тутилган. Агар Фуқаролик кодексиде, бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга, шунингдек бу ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари устав фондига (капиталига) ҳисса сифатида ёки ишлаб чиқариш кооперативига пай бадали сифатида топширишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда ижарага олувчи шартнома бўйича ижарага берувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади, қайта ижара бундан мустасно. Мол-мулкни бошқа шахсларга топшириш ҳақидаги шартнома ижара шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмас.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олинган мол-мулкни иккиламчи ижарага топшириш ҳақидаги шартномага нисбатан мулк ижараси шартномаси ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, уни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим (ФКнинг 548-моддаси).

### **1.3. Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик**

Тарафларнинг жавобгарлиги қонун ёки шартнома билан белгиланади. **Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»**ги Қонунининг 32-моддасида тарафларнинг жавобгарлиги белгиланган. Жумладан, шартнома тузиш тартибини ва шартларини бузишда, шартнома мажбуриятларини бажармасликда шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби ҳамда шартларини бузишда айбдор тараф, шунингдек, давлат идораларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланганидек жавобгарликка тортиладилар.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзлари етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда тўлашлари шарт деб кўрсатилган. Фуқаролик кодексининг 541-моддаси 3-4-қисмларида ижарага олувчига ижара мол-мулкни тўлиқ ва ўз вақтида топширмаганлик учун ижарага берувчининг жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра:

- агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агарда бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулқдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

- агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи Фуқаролик кодексининг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 542-моддасига мувофиқ ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчининг жавобгарлиги қуйидагича белгиланган.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, хатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса



ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

- ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

- ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

- шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларни бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши ижарага олувчи кўрган зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда кечиктирилган ижрони қабул қилишдан бош тортишга фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Шунингдек, агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 545-моддаси 2-қисми).

Ижарага олувчи шартнома муддати тугаши билан ижарага олинган мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришини ҳисобга олиб ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариши лозим.

Агар ижарага олувчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечикиб қайтарса, кечиктириб қайтарилган барча вақт учун ижара ҳақини тўлашни ижарага берувчи талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчининг кўрган зарарини қопламаган тақдирда, зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин. (ФКнинг 554-моддаси).

#### **1.4. Мулк ижараси шартномасининг бекор бўлиши**

Мулк ижараси шартномаси шартнома муддати тугаб, ижара мулки қайтарилиши билан бекор бўлади. Айрим ҳолларда шартнома ижарага берувчининг талаби билан ҳам ижарага олувчининг талаби билан ҳам бекор бўлиши мумкин. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 551-моддасида белгиланганидек, мулк ижараси шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар ижарага олувчи:

- ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;
- мол-мулкни жиддий ёмонлаштира;
- шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса;
- қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасидаги мажбурият бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга оширмаса.

Мулк ижараси шартномасида Фуқаролик кодексининг 382-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ижарага берувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Ижарага берувчи ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантирганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талаби билан эса мулк ижараси шартномаси суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар:

➤ ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса;

➤ ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда мол-мулкни кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган бўлса;

➤ ижарага берувчи шартномада белгиланган муддатларда, агарда шартномада муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаса;

➤ ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Мулк ижараси шартномасида Фуқаролик кодекс 382-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ижарага олувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк ижараси шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномасининг бекор бўлишига олиб келади. Бу ҳолда иккиламчи ижарага олувчи иккиламчи ижаранинг қолган муддати давомида иккиламчи ижара шартномасига мувофиқ ўзи фойдаланиб келган мол-мулкни бекор бўлган мулк ижараси шартномасининг тегишли шартлари асосида ижарага олиш ҳақида шартнома тузиши мумкин.

Агар мулк ижараси шартномаси қонун ҳужжатларидан назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, унга мувофиқ тузилган иккиламчи ижара шартномалари ҳам ҳақиқий эмас деб топилди (ФКнинг 550-моддаси).

Фуқаролик қонун ҳужжатлари ижара шартномаси бекор қилинганидан кейин инсофли, ижарага олинган мулкдан оқилона фойдалан-

ган ижарага олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга муайян имтиёзлар яратиб бериш ҳақидаги қоидаларни ўзида мужассам этади. Фикримизнинг исботи сифатида Фуқаролик кодексининг 553-моддасига мурожаат этамиз.

Агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Мулк ижараси шартномасини янги муддатга тузишда шартнома шартлари тарафларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Агар ижарага берувчи ижарага олувчи билан янги муддатга шартнома тузишни рад этса-ю, аммо у билан тузилган шартнома муддати тугаганидан кейин бир йил ичида бошқа шахс билан мулк ижараси шартномасини тузса, ижарага олувчи ўз хоҳишига кўра ё тузилган шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзига ўтказилишини ва ўзи билан шартномани янгилашни рад этиш оқибатида ўзига етказилган зарарнинг тўланишини ёки фақат зарарнинг ўзи тўланишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар мулк ижараси шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ҳам ижарага олувчи мулкдан фойдаланишни давом эттирса ва ижарага берувчи бунга эътироз билдирмаган бўлса, шартнома аввалги шартлар асосида номаълум муддатга қайтадан тузилган ҳисобланади.

**Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш оқибатлари ва сотиб олиш.** Фуқаролик кодексининг 555-моддасига мувофиқ, агарда мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олса бўладиган тарзда яхшиланиши унинг мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ўз маблағлари ҳисобидан ва ижарага берувчининг розилиги билан яхшилаган, бу яхшилашни мол-мулкка зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома бекор бўлганидан кейин, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу яхшилашлар қийматини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мол-мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмайди.

Ижарага олинган мол-мулкдан амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилган, мол-мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган яхшилашлар ижарага берувчининг мулки бўлади.

Ижара шартномасининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, ижарачи ижарага олинган мулкни сотиб олиши ҳам мумкин. Фуқаролик кодексининг 556-моддасида белгиланишича, мулк ижараси шартномасида ижарага олинган мол-мулк ижара шартномасининг муддати тамом бўлганидан кейин ёки тамом бўлмасдан олдин ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда унинг мулкига айланиши назарда тутилиши мумкин.

“Ижара тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасида ҳам ижарага олинган мулкни сотиб олиш тўғрисидаги қоида назарда тутилган ижарачи ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг розилиги билан тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин, ер ва бошқа табиий ресурслар бундан мустаснодир. Давлат мол-мулки Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тарзда сотиб олинади.

Агар ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш шarti шартномада назарда тутилмаган бўлса, у тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин, бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлик учун илгари тўланган ҳақни ҳарид нархига киритиш тўғрисида келишишга ҳақлидирлар.

Қонунларда ижарага олинган мол-мулкни сотиб олишни тақиқлаш ҳоллари белгилаб қўйилиши мумкин (ФКнинг 556-моддаси).

Мулкни сотиб олиш ҳақида шартнома тузилади. Сотиб олиш шартномасида сотиб олинаётган мол-мулкнинг тури ва баҳоси, сотиб олиш шакллари ва манбалари, сотиб олиш тартиби ва муддатлари, сотиб олишда учинчи шахсларнинг, жумладан, кредиторларнинг қатнашуви, кафолатлар, сотиб олинаётган мол-мулкнинг сифати ва бошқа қоидалар белгилаб қўйилиши мумкин.

Сотиб олиш билан боғлиқ шартномани томонлар бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, шартномани бир томонлама бекор қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва тузилган ана шу шартномада белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар.

Сотиб олиш шартномасини тузиш ва уни бажариш билан боғлиқ низолар тегишли суд томонидан ҳал қилинади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Ижара шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Ижара шартномасида томонлар.
3. Ижара шартномасидасининг элементлари:
  - 3.1. Шартноманинг предмети;
  - 3.2. Шартноманинг муддати;
  - 3.3. Ижара ҳақи;
4. Иккиламчи ижара шартномаси.
5. Ижара шартномасининг шакли.
6. Ижара шартномасини тузиш.
7. Ижара шартномасини ижро этиш:
  - 7.1. Мулкни ижарачига топшириш;
  - 7.2. Ижара мулкдан фойдаланиш;
  - 7.3. Ижарага олинган мулкни яхшилаш.
8. Ижара шартномаси юзасидан томонларнинг жавобгарлиги.
9. Ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

## **2-§. МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ**

### **1.1. Прокат шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари**

Аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномалардан бири прокат шартномасидир. Прокат шартномасининг таърифи Фуқаролик кодекси 558-моддасининг биринчи қисмида берилган бўлиб унга кўра, прокат шартномаси бўйича доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади.

Ушбу тарифдан прокат шартномасининг қуйидаги ҳуқуқий белгиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Биринчидан,** прокат шартномаси икки томонлама шартномалар туркумига киради. Чунки шартнома тарафларининг (ижарага берувчи ва ижарага олувчиларнинг) ҳар иккисида ҳам тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд.

**Иккинчидан,** шартнома ҳар доим ҳақ бараварига тузилади. Бунда мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

**Учинчидан,** шартнома консенсуал характерга эга. Шартнома юзасидан тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзаро келишувга эришилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

**Прокат шартномасининг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд.**

**Биринчидан,** прокат шартномасида мулк ҳуқуқининг икки эълементи, яъни эгалик қилиш ва фойдаланишгина ижарага берувчидан ижарага олувчига вақтинча ўтади ва муайян муддатдан сўнг ижарага олинган мол-мулк ўз эгасига қайтариб берилади.

**Иккинчидан,** прокат шартномасининг предметини кўчар мол-мулклар ташкил этади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ва истеъмол қилинмайдиган ҳар хил ашёлар прокат шартномасининг предмета бўла олади. Буларга, масалан, спорт инвентарлари, музика асбоблари, машиналар, уй-рўзғор буюмлари, турли хилдаги техника воситалари, қисқаси, бир марта фойдаланиш билан ўзининг дастлабки қийматини йўқотмайдиган ҳамда истеъмол қилинмайдиган кўчириш мумкин бўлган мулклар ҳисобланади.

**Учинчидан,** ижарага берувчи бўлиб, махсус субъект доимий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган прокатчи иштирок этади.

**Тўртинчидан,** прокат шартномаси бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол мақсадларида фойдаланилади. Фуқаролик кодексининг 558-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ушбу қоида билан Фуқаролик кодексининг 89-моддаси қоидаларини солиштирадиган бўлсак, прокат шартномасида назарда тутилган қоида гўёки, нотўғридек кўриниши мумкин. Чунки истеъмол қилинадиган ашёларга қуйидагича таъриф берилган. Жумладан, бир карра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланади. Ушбу тарифда назарда тутилган ашёларни эса ҳеч ҳам прокат шартномаси асосида бошқа шахсга бериб бўлмайди. Масалан, 10 кг гўшт ёки шунча миқдордаги картошка. Шунингдек, прокат шартномасида ижарага берувчи ижарага олувчига

мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учунгина бериш мажбуриятини олган ҳалос, мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини эса ўз зиммасида сақлаб қолади. Агар истеъмол қилинадиган ашёлар прокат шартномаси билан ижарага олувчига берилган бўлса, (масалан, гўшт ёки сут маҳсулотлари) ижарага олувчи бу маҳсулотларни албатта тасарруф этиб юбориши муқаррар. Бу ерда қонун чиқарувчи прокат шартномасида мол-мулкдан истеъмол мақсадларида фойдаланилади деганда, инсоннинг озиқланиши ва ҳаёт кечириши учун керак бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилинишни эмас, балки, озиқланиш (ейиш, қорнини тўйдириш) учун истеъмол қилмасида, лекин ўзининг бошқа ҳаётий эҳтиёжини қондириш (кўришга, эшитишга, кийишга ва бошқа) учун зарур бўлган мол-мулкларни назарда тутган. Масалан, телевизордан истеъмол мақсадларида фойдаланиш деганда, ижарага олувчи ўзининг жаҳонда содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлишга қаратилган истеъмолини назарда тутиш мумкин.

**Бешинчидан,** прокат шартномаси оммавий шартномалар гуруҳига киради (558-модданинг 3-қисми). Прокат шартномаси уни тузишни хоҳловчи барча шахслар билан тузилади. У ҳаммага хизмат кўрсатишга қаратилганлиги учун ҳам оммавий шартномалар гуруҳига мансубдир. Шунингдек, прокат шартномасининг шартлари ва ижара ҳақи ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади. Прокат шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчи талаб қилаётган мол-мулкни ижарага беришга имконияти бўла туриб, прокат шартномасини тузишдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

**Олтинчидан,** мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар прокат шартномасига нисбатан қўлланмайди.

**Еттинчидан,** прокат шартномаси бўйича ижарага олувчига топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришга, ижарага олувчи прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкнинг бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига (капиталига) ҳисса тариқасида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тариқасида қўшишга йўл қўйилмайди.

**Прокат шартномасининг шакли.** Прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади. (558-модданинг 3-қисми). Прокат шартномасининг



шакли тўғрисидаги қоида императив характерга эга бўлиб, агар тарафлар ушбу қоидага амал қилмай прокат шартномасини тузган бўлсалар, прокат шартномаси тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди.

**Прокат шартномасининг муддати** Фуқаролик кодексининг 559-моддасида белгилаб берилган. Унда кўра, прокат шартномаси бир йилгача муддатга тузилади. Мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар прокат шартномасига нисбатан қўлланмайди.

**Прокат шартномасида баҳо.** Прокат шартномаси бўйича мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўловлар шаклида белгиланади (ФКнинг 562-моддаси 1-қисми). Ушбу қоидадан кўриниб турибдики, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланганлиги учунгина ҳақ тўлайди. Шартномада ҳақ тўлашнинг икки тури назарда тутилган:

1. Вақти-вақти билан тўланадиган пул суммаси шаклида;
2. Бир йўла тўланадиган қатъий суммадаги тўлов шаклида.

Ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарган тақдирда ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан тегишли қисмини мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисоблаган ҳолда қайтаради.

Мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақи бўйича ижарага олувчининг қарзлари нотариуснинг ижро устхати асосида сўзсиз ундириб олинади (ФКнинг 562-моддаси).

## **1.2. Прокат шартномасининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Прокат шартномасида икки тараф яъни ижарага берувчи ва ижарага олувчи иштирок этади.

Ижарага берувчи тараф сифатида доимий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган (прокатчи) шахс иштирок этади. Яъни, кишилар эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган муайян кўчар мол-мулкларни ижарага бериш ва бунинг натижасида даромад олиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти амалга ошириб келаётган (якка тадбиркор ёки тижоратчи юридик шахс) шахс.

Прокат шартномасида ҳамма ҳам ижарага берувчи сифатида қатнаша олмайди. Фақат ўзининг фаолият мақсади прокат билан боғлиқ бўлган тадбиркорликни амалга ошириётган шахсларгина ижа-

рага берувчи бўлишлари мумкин. Ушбу ҳолат прокат шартномасининг субъекти таркибига кўра бошқа шартномалардан фарқловчи муҳим хусусиятдир.

Ижарага олувчи сифатида эса, шартнома натижасида олинаётган мол-мулкни ўзининг шахсий истемол (фойда олишни кўзламайдиган) мақсадларида фойдаланувчи шахслар иштирок этадилар.

**Прокат шартномасида ижарага берувчининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд.**

- Ижарачига мол-мулкни топшириш ижарага берувчининг зиммасида бўлиб, прокат шартномасини тузган ижарага берувчи ижарага топширилаётган мол-мулкнинг созлигини ижарага олувчи иштирокида текшириши, шунингдек уни мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари билан таништириши ёки унга бу мол-мулкдан фойдаланиш ҳақидаги ёзма қўлланмани бериши шарт (ФКнинг 560-моддаси).

- ижарага берувчи прокатга олинган ашё прокатга олувчининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилиб қолса, бу тўғрида хабардор бўлган кундан эътиборан тезлик билан бошқасига алмаштириб бериши мумкин.

- шартнома бўйича ижарага топширилган мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш ижарага берувчининг бурчидир (ФКнинг 563-моддаси).

- Агар ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарса, ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан тегишли қисмини қайтаришга мажбур. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 562-моддаси иккинчи қисмида қуйидагича қоида назарда тутилган.

Ижарага олувчи мол-мулкни муддатидан олдин қайтарган тақдирда ижарага берувчи унга мол-мулкдан фойдаланганлик учун олинган ҳақдан тегишли қисмини мол-мулк амалда қайтарилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисоблаган ҳолда қайтаради.

-Агар ижарага олувчи ашёдан нотўғри фойдаланаётган ёки шартнома шартларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, ижарага берувчи ашёни муддатидан олдин қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

**Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат.**

- ижарага олинган мол-мулкнинг ҳақини белгиланган муддатларда тўлаб бориш;

- ижарага олинган мол-мулкдан унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ равишда фойдаланиш;

- шартнома муддати тугаши билан ижарага олинган прокат

предметини ижарага берувчига ўз вақтида қайтариб бериш;

- агар ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бўлса, ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташиш харажатларини тўлаш ва бошқалар.

Ижарага олувчи ўзига топширилган мол-мулкни иккиламчи ижарага беришга, ижарага олувчи прокат шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига, бу мол-мулкнинг бепул фойдаланиш учун бериб қўйилишига, ижарага олувчининг ҳуқуқларини гаровга қўйишга ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига (капиталига) ҳисса тариқасида, ишлаб чиқариш кооперативларига пай бадаллари тариқасида қўйишга ҳақли эмас (ФКнинг 563-моддаси 2-қисми).

Шартномага мувофиқ, фуқаро ашёни олиши учун прокатга берувчига ўзининг паспортини ёки паспорт ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжатларини, агар шундай ҳужжатни ижарачи талаб этса, фақат кўрсатиши мумкин.

Автомашина, мотоцикл ёки мопед прокатга олинганида, фуқаро бу техникани бошқара олиш ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги гувоҳнома-сини ҳам кўрсатиши лозим.

### **1.3. Тарафларнинг жавобгарлиги ва шартноманинг бекор бўлиши**

Прокат шартномасига кўра, ўз зиммасидаги бурчларни бажармаганлик учун томонларга мулкый жавобгарлик юклатилади. Жумладан, прокат олувчининг ихтиёрида бўлган мол-мулк унинг айбисиз зарарланса, унинг камчилиги таъмирлаш жараёнида аниқланса, шу мулкни таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатлар ижарага берувчи зиммасида бўлади. Агар прокатга олинган ашё ижарачининг айби билан яроқсиз ҳолга келса, у худди шундай нарсани қайтаришга ёки унинг қийматини тўлашга мажбурдир. Прокатга олинган ашёнинг айрим қисмлари қайтарилмаса, ижарага олувчи бундай қисмларнинг қийматини тўлиқ миқдорда тўлайди.

Агар чинни, биллур ёки шунга ўхшаш идишлар синган, алмаштирилган, йўқотилган бўлса, бу ҳақда мулк эгаси далолатнома тузиб, уни ижарага олувчига тақдим этади. Ижарага олувчи худди шу турдаги буюмни прокат пунктига тезлик билан келтириб топшириши шарт. Агар келишилган муддат ичида янгиси олиб келиб топширил-

маса, синган идишларнинг чакана қиймати ундирилади. Агар ижарага олувчи ана шу буюмларнинг синиб қолганини прокат пунктига тақдим этмаса, унинг қиймати уч барабар миқдорда ундириб олинади. (Маиший прокат қоидаларининг 18-пункти).

Прокат шартномаси томонларнинг хоҳиши билан муддатидан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Шартнома ижарага берувчи талаби билан муддатидан аввал фақат қуйидаги ҳолларда, яъни ижарага олинган мулкдан шартномага ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланилмаса, ижарага олувчи қасддан ёки бепарволиги орқасида мулкни ёмонлаштира, ижара ҳақини тўлаш муддати ўтганидан сўнг бир ой давомида тўламаса, шартномани бекор қилиши мумкин.

Ижарага олувчи шартномани муддатидан аввал бекор қилса, ижарага берувчи ижара ҳақининг тегишли қисмини қайтаришга мажбур.

Агар ижарага топширилган мол-мулкдаги камчиликлар ижарага олувчи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бўлса, ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни таъмирлаш ва транспортда ташиш харажатларини тўлайди (ФК 561-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Прокат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Шартнома предмети ва муддати.
3. Прокат шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

## **3-§. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ**

### **3.1. Транспорт воситалари ижараси шартномаси тушунчаси**

Транспорт воситалари ижараси мулк ижараси шартномасининг турларидан биридир. Унинг ижара шартномаси тури сифатида алоҳида кўрсатилиши унинг предметида келиб чиқади. Транспорт воситалари ижараси шартномасининг предмети ҳар қандай транспорт воситаси ташкил қилади, яъни юклар, йўловчилар ва багаж ташиш бўйича маконда ҳаракатланган техник қурилмалар ташкил этади. Транспорт воситаси, мураккаб техник қурилма бўлиб, у айна вақтнинг ўзида атроф учун ошиқча хавф манбаси ҳам ҳисобланади. Айна шунинг учун ҳам, яъни шу икки сифатнинг мавжудлиги бу шартномани ижара шартномаларининг алоҳида тури сифатида ажратишга

сабаб бўлади. Фуқаролик кодексининг 564-моддасининг 1-2-қисмларида транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси назарда тутилган. Унга кўра:

Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади (ФКнинг 564-моддаси 1-қисми).

Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради (ФКнинг 564-моддаси 2-қисми).

Мулк ижарасининг бошқа турлари учун қўлланиладиган айрим қоидалар жумладан, ижара шартномасини номуайян муддатга қайта тузиш ва ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланмайди. Ушбу ҳолат тарнспорт воситаларини ижарага бериш шартномасининг ўзига хос хусусиятини ифода этади.

Агар ижарага олувчида транспорт воситаларини қайтадан ижарага олиш истаги пайдо бўлса, умумий асосларга кўра шартнома тузиши мумкин.

Тарнспорт воситалари ижараси шартномасига қуйидаги ҳуқуқий белгилар хосдир.

**Биринчидан**, шартнома икки томонлама характерга эга, яъни шартнома тарафларининг ҳар бирида ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият мавжуд.

**Иккинчидан**, шартнома ҳақ бараварига тузилади. Шартномада албатта муқобил ижро яъни ҳақ тўлаш назарда тутилиши лозим.

**Учинчидан**, шартнома консенцуал характерга эга.

Шартнома натижасида ижарага берувчидан ижарага олувчига мулк ҳуқуқининг фақат икки эъленти, эгалик қилиш ва фойдаланишгина ўтади. Тасарруф қилиш эса мулкдор қўлида сақланиб қолади.

Юқорида шартномага берилган таърифдан кўриниб турибдики, транспорт воситалари ижараси шартномасининг икки тури мавжуд:

1. Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш.
2. Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш.

**Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш** ҳақида сўз юритганда, аввало экипаж деганда нима назарда тутилишини ва унинг таркибига кималар киришини англаб олиш зарур.

Экипаж сўзи рус тилидан таржима қилинганда шахсий таркиб деган маънони англатади. Яъни, темир йўл, автотранспорт воситалари, сув, ҳаво, космик ва шунга ўхшаш маконда мустақил ҳаракатлана оладиган техник қурилмаларни бошқариш учун тайинланадиган шахслар жамоасидир. Уларнинг таркибига: ҳайдовчи, меҳаник, инженери, экспедитор ва шу кабилар киради.

Транспорт воситаларини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Шартнома предмети ҳар қандай турдаги транспорт воситалари: темир йўл, автомобиль, сув, ҳаво, космик ва шунга ўхшаш маконда мустақил ҳаракатлана оладиган техник қурилмалар;

2. Транспорт воситалари бошқариш ва улардан техник фойдаланиш бўйича ижарага берувчи ўз кучи билан, яъни экипаж ёрдамида ёки айнан ижарага берувчи билан меҳнат ёки ишларни бажаришга доир бошқа муносабатларда бўлган, масалан, пудрат шартномасига асосланган ходимлар орқали хизмат кўрсатади;

3. Транспорт воситасини ижарага олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтади. Ижарага берувчи шартнома предметиға эгалик қилишни ўзади сақлаб қола олмайди, бироқ транспорт воситасини бошқаришни ижарага берувчининг ходимлари давом эттирадилар ва одатда тегишли мулкка эгалик қиладилар. Шунинг учун ҳам вақтинча ходимлар транспорт воситаларини бошқара туриб, иш бажарувчининг эмас, балки бегона шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишлигини назарда тутиш керак бўлади.

4. Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг мазмунидан унда ижарага берувчининг икки турдаги мажбурияти бирлаштирилганлигини англаш мумкин:

а) мулкдор ўзига тегишли бўлган транспорт воситасини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради;

б) ўз кучи билан уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади.

Транспорт воситаларини экипажи билан ижарага бериш шартномаси ўзида ижара ва хизмат кўрсатиш (пудрат) шартномаларининг хусусиятларини ифодалаган, чунки ижарага берувчи ижарага олувчи-

га транспорт воситаларини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади. Шартнома тузилиши ҳам тегишли равишда жойлаштирилган (564-модданинг 1-қисми). Бироқ бу шартномани аралаш деб айтиш мумкин эмас, чунки у кодекс билан алоҳида тартибга солинади. Шунинг учун ҳам транспорт воситаларини экипажи билан ижарага бериш шартномасига ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ёки пудрат тўғрисидаги нормаларни фақат аналогия бўйича қўллаш мумкин бўлади.

Транспорт воситаларини экипаж билан ижарага бериш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ижарага берувчининг зиммасида кўпроқ мажбуриятлар мавжудлигини билдиради.

Транспорт воситалари ижарасининг иккинчи тури транспорт воситаларини экипажсиз ижарага бериш бўлиб, унга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1. Шартнома предмети ҳар қандай турдаги транспорт воситалари: темир йўл, автомобиль, сув, ҳаво, космик ва шунга ўхшаш маконда мустақил ҳаракатлана оладиган техник қурилмалар;

2. Транспорт воситасини бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш ижарага олувчининг ўзи томонидан ёки учинчи шахс ёрдамида амалга оширилади. Шартноманинг ушбу турида транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилмайди.

3. Шартномага мувофиқ транспорт воситаси ижарага олувчининг эгаллиги ва фойдаланишига ўтади. Ижарага берувчи эгалликни ўзида сақлаб қолмайди.

Шартноманинг мақсади – транспорт воситасини ўз эгаллиги ва фойдаланишга олиш, уни мустақил, техник ва тижорат хизмати учун ишлатиш. Бундан ташқари, айрим турдаги транспорт воситаларини ижарага беришнинг хусусиятлари Фуқаролик кодексида ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

**Шартноманинг шакли.** Фуқаролик кодексининг 565-моддасига кўра, транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Бундай шартномага Фуқаролик кодексининг 539-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди.

Бироқ, ҳаво, денгиз ва ички сув транспортларини ижарага бериш (чартер ҳамда каботаж) шартномасига нисбатан бу қоидалар қўллани-

лади, чунки ушбу транспорт воситалари кўчмас мулк тоифасига киритилган.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ФКнинг 565-моддаси 2-қисми).

Бундан ташқари, бир тараф юридик шахс бўлган тақдирда муддатидан қатъи назар, шартнома ёзма шаклда тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида”га Низомга мувофиқ, 2006 йил 1 июлдан бошлаб, автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айрибошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Гербли (махсус) бланкалардаги ишончномалар ва шартномалар нотариал тартибда тасдиқланганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида герб йиғими ундирилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва уларни ижарага бериш шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автотранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилиши керак. Ҳисобга қўйиш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатларда олиб келинган автотранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш улар божхона органларида расмийлаштирилганидан ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида”га Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. №10. 2006 йил март. 18-19-бетлар.



“Ўзавтотранс” корпорацияси корхоналарида енгил автомобиль-таксини сотиб олиш ҳуқуқи билан ички хўжалик ижарасига бериш тўғрисидаги 1997 йил 27 мартдаги низомга мувофиқ, ижарага берувчи (такси сарой, автобус-таксомотор саройи ва бошқа корхоналар) томонидан ҳайдовчига (ижарага) автомобиль-таксини белгиланган тўловларни тўлаб сотиб олиш ҳуқуқи билан ички хўжалик ижарасига бериш шартларини белгилайди.

Ички хўжалик ижара шартномаси ижарага берувчи ва ҳайдовчи (ижрачи) ўртасида тузилади. Ижарага берувчи корхона номидан шартнома корхона раҳбари томонидан имзоланади.

Ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида низолар келиб чиқишининг олдини олиш учун бирлашма (концерн) билан келишилган ҳолда тузилган шартнома нусхаси, ўзгариш ва қўшимчалар билан имзолангандан кейин бир ой муддатга текшириш ва рўйхатга олиш, шунингдек, кейинчалик унинг ижрочи **устидан назорат қилиш учун “Ўзавтотранс”** корпорациясидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб шартнома кучга кирган ҳисобланади. Рўйхатга олиш учун шартнома бирлашма (концерн) томонидан тақдим этилади.

Ижарага берилаётган ҳар бир автомобиль нархлар далолатноси тузилиб, унда унинг русуми ва модели, ҳаракат таркиби ҳамда асосий узеллари ва агрегатлари техник ҳолати акс эттирилади, уларнинг яроқлилик фоизи белгиланади, амалдаги чакана нархларда уларнинг нарх қиймати кўрсатилади.

Юк автомобилларини халқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларига ижарага бериш фақат “Ўзавтотранс” корпорацияси розилиги билан, фойдаланувчиларга ижарага бериш эса, бирлашма ва концерн розилиги билан амалга оширилади.

Юк автомобилларини ижарага беришда шартномаларда улардан фойдаланганлик учун олдиндан ҳақ тўланиши кўрсатилган. Маблағни ўз вақтида ўтказмаган ёки кассага топширмаган ҳолда корхона юк автомобилини ижарага олган ташкилотдан тортиб (қайтариб) олади.

Ижара ҳақи миқдори ҳаракат таркибининг турига боғлиқ ҳолда ўрнатилади ва автокорхоналарда, умуман, юк ташиш бўйича вужудга келган рентабеллик билан шартномавий нархлар бўйича белгиланади, лекин бу рентабеллик 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорациясининг 1997 йил 30 ноябрдаги 05.3 ~ 166-сонли буйруғи.

### **3.2. Шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагича.

**Фуқаролик кодексининг 566-моддасида транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатган ҳолда ижарага берилганда ижарага берувчининг мажбуриятлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра:**

Ижарага берувчи шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага берилган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаши, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлаши ҳамда зарур асбоб-ускуналарни бериши шарт.

Ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича ижарага олувчига кўрсатадиган хизматлари ҳажми транспорт воситасининг шартномада кўрсатилган ижара мақсадларига мос равишда нормал ва хавфсиз ишлатилишини таъминлаши шарт. Ижара шартномасида ижарага олувчига кўрсатиладиган хизматларнинг янада кенгроқ доираси назарда тутилиши мумкин.

Транспорт воситаси экипажининг таркиби ва унинг малакаси тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларга ва шартномада белгиланган шартларга, борди-ю, тарафлар учун мажбурий бўлган қоидаларда бундай талаблар белгилаб қўйилмаган бўлса, - шундай турдаги транспорт воситасини ишлатишнинг одатдаги амалиёти талаблари ва шартнома шартларига жавоб бериши лозим.

Экипаж аъзолари ижарага берувчи билан меҳнат муносабатларини сақлаб қоладилар. Улар ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига ва ижарага олувчининг транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга доир кўрсатмаларига бўйсундилар.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, экипаж аъзоларининг хизматида ҳақ тўлаш, шунингдек уларни сақлаш харажатлари ижарага берувчи зиммасида бўлади.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини суғурта қилиш ва (ёки) унинг томонидан ёки уни ишлатиш муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталаш мажбурияти, бундай суғурталаш қонун ёки шартномага мувофиқ мажбурий бўлса, ижарага берувчи зиммасига юклатилади.

### **Ижарага берувчининг ҳуқуқлари.**

Ушбу шартнома юзасидан тарафларнинг (ижарага берувчи ва ижарага олувчи) ҳуқуқлари кўпроқ талаб қилишдан иборат бўлиб, зиммаларига юклатилган мажбуриятларни тегишли ёки лозим даражада бажармаганликлари натижасидан келиб чиқади.

Жумладан, ижарага берувчи ижарага олувчидан транспорт воситасидан фойдаланганлик учун шартномада белинган ҳақни ўз вақтида тўлашни, транспорт воситасини экипажсиз ижарага берилганда ижарага олувчидан шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага олинган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаб туришини, транспорт воситасидан унинг фаолият мақсадига мос равишда фойдаланишни, уни жорий таъмирлашни, шунингдек, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, капитал таъмирлашни ҳам амалга оширишни ҳамда шартномада назарда тутилган муддат тугаши билан ижарага берилган транспорт воситасини ўзига қайтариб беришини талаб қилишга ҳақли.

Транспорт воситаси экипажи билан ижарага берилганда, ижарага берувчи транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёнилғи ва фойдаланиш жараёнида сарфланадиган бошқа материаллар ҳақини, йиғимлар ва бошқа чиқимларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 567-моддасида гарчи транспорт воситаси экипажи билан ижарага берилган бўлсада, бироқ ушбу транспорт воситасидан тижорат мақсадларида фойдаланганлик учун сарф қилинадиган харажатлар кимнинг зиммасида бўлишлиги назарда тутилган. Унга кўра: агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатиш муносабати билан ёнилғи ва ишлатиш жараёнида сарфланадиган бошқа материаллар ҳақини тўлаш, йиғимлар ва бошқа чиқимларни тўлаш ижарага олувчи зиммасида бўлади.

**Фуқаролик кодексининг 568-моддасида транспорт воситаси уни сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида ижарага олувчининг мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.** Унга кўра: ижарага олувчи транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси амал қилиб турган бутун муддат давомида ижарага олинган транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаб туриши, жумладан уни жорий таъмирлашни, шу-

нингдек, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, капитал таъмирлашни ҳам амалга ошириши шарт.

Ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини ўз кучи билан бошқаради, шунингдек ундан тижорат мақсадида ва техник фойдаланишни амалга оширади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини сақлаш, уни суғурталаш, шу жумладан ўз жавобгарлигини суғурталаш, транспорт воситасини ишлатиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширади.

Шунингдек, шартнома юзасидан ижарага олувчи шартномада назарда тутилган транспорт воситасидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш, ижара шартномасида назарда тутилган транспорт воситаларидан унинг мақсадларига мувофиқ равишда фойдаланиш ҳамда шартномада кўрсатилган муддат тугаши билан ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини нормал эскириш даражасини ҳисобга олган ҳолда ижарага берувчига қайтариб бериши мажбуриятларини олади.

#### **Ижарага олувчининг ҳуқуқлари.**

Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган транспорт воситасини экипаж билан ёки экипажсиз ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчининг розилиги билан қўшимча ижарага беришга ҳақли (ФКнинг 569-модда 1-қисми)

Ижарага олувчи ижарага берувчининг розилигисиз ўз номидан, агар ижара шартномасида назарда тутилган транспорт воситаларидан фойдаланиш мақсадларига, борди-ю бундай мақсадлар белгилаб қўйилган бўлмаса, транспорт воситасининг вазифасига хилоф бўлмаса, учинчи шахслар билан ташиш шартномаларини ва бошқа шартномаларни тузишга ҳақли (ФКнинг 569-модда 2-қисми).

Шунингдек, ижарага олувчи шартномада белгиланган шартларга ва талабга жавоб берадиган транспорт воситасини ўзига топширилишини, агар транспорт воситаси экипажи билан ижарага олинадиган бўлса, экипаж таркибини юқори малакали ва етарли тажрибага эга бўлишлигини, транспорт воситасидан шартномада белгиланган ва транспорт воситасининг мақсадларига мос равишда, эркин фойдаланишга бирон-бир тарзда тўсиқ қўймаслигини талаб қилишга ҳақли.

### **3.3. Шартнома юзасидан тарафларнинг жавобгарлиги**

Транспорт воситалари ижараси шартномасида икки турдаги жавобгарлик назарда тутилган:

1. Транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик.
2. Транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлик.

**Транспорт воситасига етказилган зарар учун жавобгарлик** Фуқаролик кодексининг 570-моддасида қуйидагича баён этилган.

Ижарага берилган транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, агар ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт.

**Транспорт воситаси билан етказилган зарар учун жавобгарлик.** Экипаж билан ижарага берилган транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгарлик, Фуқаролик кодексининг 57-боби қоидаларига мувофиқ, ижарага берувчи зиммасида бўлади. Ижарага берувчи зарар ижарага олувчининг айби билан етказилганлигини исботласа, учинчи шахсларга тўланган пул суммасини қоплашни ижарага олувчидан регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

Транспорт воситаси сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун Фуқаролик кодексининг 57-боби қоидаларига мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўлади.

Томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, юқорида айтиб ўтилганидек, транспорт воситаларини ижарага бериш тўғрисидаги низом ва йўриқ-номаларда ҳам белгиланган. Масалан: “Ўзавтотранс” корпорациясининг 1997 йил 27 мартдаги 90-сон буйруғида 1-иловада “Ўзавтотранс” корпорацияси корхоналарида енгил автомобиль-таксини сотиб олиш ҳуқуқи билан ички хўжалик ижарасига бериш тўғрисидаги Низомнинг 4-бўлимида томонларнинг мажбуриятлари берилган бўлса, 5-бўлимида томонларнинг ҳуқуқлари санаб кўрсатилган. Лекин ҳозирги кунда транспорт воситаларини ижарага олиш шартномаси бўйича томонлар жавобгарлигининг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, томонларнинг мажбуриятлари белгилашда енгил бўлмас куч

таъсири остида мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатлари ҳам кўзда тутилиши керак бўлади.

**Шартноманинг бекор бўлиши.** Транспорт воситаси ижараси шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

1. Шартномада белгиланган муддатнинг тугиши билан. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижара шартномасини номуайян муддатга қайта тузиш ва ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига нисбатан қўлланмайди.

2. Қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Мулк ижараси шартномасининг алоҳида турлари.

2. Транспорт воситаси ижараси шартномасининг турлари, шакли ва муддатлари.

3. Экипаж билан ва экипажсиз транспорт воситалари шартномаларининг ўзига хусусиятлари.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги.

## **4-§. БИНО ВА ИНШОТ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ**

### **4.1. Бино ва иншоот ижараси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (ФКнинг 573-моддаси, 1-қ.).

Аввал кўриб чиқилган прокат, ижара, транспорт воситалари ижараси шартномасидаги фарқли ўлароқ бу шартнома ўзининг хусусиятларига кўра, мулк ижараси шартномасининг алоҳида шакли сифатида киритилган. Бино ва иншоотни ижарага беришда махсус белгиланган тартиби ва бундай ҳуқуқий муносабатларни регламентловчи (белгиловчи) қоида муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳар қандай кўчмас мулк ижарасига тегишли махсус қоидалар бевосита ижара тўғрисидаги умумий қоидада ўз аксини топган, Ма-

салан, ер участкаларини ижарага бериш тартиби қонун билан ўрнатилиши мумкин, кўчмас мулк ижара шартномаси Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ЎЗР ФКнинг 539-м., 2-қ.). Ижарага берувчи агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ўз ҳисобидан ижарага берилган мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини олади. Ижарага олувчининг вафот этиши унинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ижара шартномаси бўйича унинг ворисларига ўтади. Юқорида келтирилган қоидалар кўчмас мулк ижараси шартномасининг барча турларига тегишли бўлиб, агар қонун ҳужжатларида ёки бошқа қоидаларда ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, улар бино ва иншоотни ижарага шартномасининг махсус қоидаларига ҳам киради.

Шундай қилиб, бино ва иншоот ижараси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар биринчи навбатда ФКнинг 34-боб 4-параграфда белгиланган қоидалар билан ва бошқа махсус қоидалар билан тартибга солинади.

**Бино ва иншоотлар ижараси шартномасининг ҳуқуқий белгилари:**

**Биринчидан,** ушбу шартнома тарафларининг ҳар иккисидан ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлганлиги сабабли икки томонлама характерга эга.

**Иккинчидан,** ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар таркибига киради.

**Учинчидан,** ҳуқуқ ва мажбуриятнинг вужудга келиш пайтига кўра шартнома консенсуал характерга эга.

Мазкур шартномада мулк ҳуқуқининг бир ёки икки эълементи ижарага берувчидан ижарага олувчига ўтиши мумкин. Ижарага берувчи бино ёки иншоотни эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ёки фақат фойдаланиш учунгина ижарага бериши мумкин.

Бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномасининг объекти бўлиб, бино ва иншоот ҳисобланади. Улар кўчмас мулкнинг объекти бўлиб ҳам ҳисобланади, чунки бино ва иншоот ер участкасида жойлашган бўлиб, уни бир жойдан бошқа жойга кўчиришда унинг хусусиятлари йўқолиши, шакли ўзгариши мумкин. Фуқаролик кодексида кўрсатилган кўчмас мулк объектларига таъриф-тавсифда айрим камчиликка эга. Бу ҳозирги замон техникасининг ривожини бино ва иншоотни бир жойдан бошқа жойга кўчириши унинг хусусиятларини йўқотмасдан, шаклини ўзгартирмасдан амалга ошириш имконини бе-

ради. Бундай ҳолатларга нисбатан Н.А.Сыродоевнинг фикрича «Юридик жиҳатдан бир ер участкасида кўчмас мулк бузилиб, бошқа жойда қад кўтаради. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганда, бундай ҳолатларда ҳеч ҳам чекиниш мумкин эмас, чунки қандай шаклда бўлмасин кўчмас мулк объекти ерга эмас, аниқ бир ер участкасига ўрнатилади. РФнинг ФКда «ер участкалари ўз номига кўра кўчмас мулк объектларига киради, худди шунингдек, «ерга мустаҳкам боғланган, ўрнатилган» кўчмас мулкни ҳам ташкил этади».<sup>1</sup>

Ҳозирги замон юридик адабиётларида бино ва иншоот тушунчаларига таъриф беришга уларнинг белги ва фарқларини кўрсатишда турли қарашлар мавжуд. В.Н.Литовкиннинг фикрича: «Бино ва иншоот ўзининг қўзғалмаслигини, аниқ бир ер участкасига фундаментал мустаҳкамланганлигини, узок муддат давомида фойдаланиш учун мўлжаллаб қурилганлигини, айрим бадий қийматга эгаллиги учун юқори қийматга эгаллиги ҳамда ноёб объект бўлиши билан бирга қерда жойлашганлиги бино ва иншоотга таъсир қилиши мумкин».<sup>2</sup>

«Иншоот тушунчаси одатда қуйидаги объектларни санаб ўтиш билан таърифланади, масалан: нефть ва газ иншоотлари, АЁҚШ, гидротехник иншоотлар, магистрал қувурлар, спорт, соғломлаштириш иншоотлари (стадион, концертлар саройи, спорт заллари, сузиш бассейнлари), кўприклар, трансформаторлар, иситиш станциялари ва бошқа ерга фундаментал боғланган иншоотлар».<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида бино билан иншоот тушунчалари ўртасидаги фарқ кўрсатилмаган. Бу сўзларнинг умум фойдаланишдаги маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, «бино» одамларнинг яшаш ёки ишлаш мақсадида унда доимо бўлишлари учун фойдаланилса, «иншоот» кўпгина ҳолларда техник мақсадларга хизмат қилади ва унда одамлар вақтинча бўлишади. Бино ва иншоотга хос бўлган юридик жиҳатларни белгилаш кўчмас объектларни тўғри талқин этиш имконини беради:

**Биринчидан**, инсон томонидан сунъий тарзда қурилган бино ва иншоотлар (масалан, тоғлар, қир-адирлар, улардаги ғорлар ва бошқа жойлар).

**Икинчидан**, ерга фундаментал тартибда мустаҳкамланган (масалан, ер остида жойлашган муҳандислик иншоотлари, кўмир конлари).

<sup>1</sup> Сыродоев Н.А. «Регистрация прав на землю и другое недвижимое имущество». «Государство и право». 1998г, №8, стр.91.

<sup>2</sup> «Гражданское право России», Часть вторая: Обязательственное право.

<sup>3</sup> Курс лекций/ Отв.ред. О.Н.Садиков, М.,1997г, с219, с223.



**Учинчидан**, ер участкасига мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керакки, уни бир жойдан кўчиришда ўзининг хусусиятларини ва шаклини йўқотиши мумкин бўлиши керак. Бундай белги бино ва иншоотни айрим қурилиш ёки бошқа объектлардан фарқлаш имконини беради (масалан, палатка, лоток, киосклар булар сирасига кирмайди).

**Тўртинчидан**, бино ва иншоот ўзининг бошқа қурилиш объектларидан алоҳида туриши билан фарқланади.

**Бешинчидан**, фақат қурилиши тугалланган ва ўзининг белгиланган мақсадида фойдаланиш имконини объектлар киради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим кўчмас мулк объектига кирадиган бино ва иншоотлар маълум бир хусусиятга эгаки, улар ижарага бериш-ҳуқуқий муносабатини тартибга солишда алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, кўчмас мулкнинг махсус объекти сифатида қонунчилик томонидан турар-жой фондига кирувчи бинолар, инсонлар яшайдиган уй-жойлар ҳам киради. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Уй-жой кодексига кўра, турар-жой ва одам яшамайдиган бинолар инсонларнинг доимий яшашлари учун мўлжалланади ҳамда улардан белгиланган тартибда хизмат хоналари, ётоқхона сифатида фойдаланиш мумкин, лекин тураржой биноларидаги хоналарни ишлаб чиқариш характеридаги фаолият учун бериш тақиқланади. Инсон яшаши мумкин бўлган давлатга ва жамоага қарашли бўлган уй ва тураржойларни одам яшамайдиган ҳолатга келтиришга йўл қўйилмайди.

**Мазкур шартномани ҳуқуқий тартибга солишда** Фуқаролик кодексининг 535-557-моддалари ва 573-578-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида «Ижара», «Ер» тўғрисидаги қонунлар, ижара тўғрисидаги умумий қоидалар ва махсус қоидалар тўлиқ қўлланилади.

**Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли.** Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ФКнинг 574-моддаси).

Бино ёки иншоот ижара шартномасининг шаклига қўйиладиган махсус талаблар шундан иборатки, бундай шартнома тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатдан иборат. Бундай тартибга амал қилмаслик

шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Фуқаролик кодексида ҳар қандай кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган битим сингари бино ёки иншоот ижара шартномасини нотариал йўл билан гувоҳлантиришни талаб қилмайди, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, 1964 йилдан Ўзбекистон Республикаси Гражданик кодексида шартномаларнинг алоҳида турлари нотариал йўл билан гувоҳлантирилиши мажбурий қилиб белгиланганди, лекин бундай шартномалар белгисига кўра кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ бўлган шартномалар қаторига кирмаслиги мумкин. Уй-жойни олиб-сотиш шартномаси, шаҳарда ва шаҳар типигаги посёлкада бўлган уй-жойни олиш-сотиш шартномаси, гарчи тарафлардан бири фуқаро бўлган тақдирда (1964 йилги ЎзССР Гражданлик Кодексининг 257-258-моддалари), шунингдек уй-жойни ҳадя қилган ҳолларда (1964 йилги ГКнинг 275-модда 3-қ.) ҳам нотариал йўл билан гувоҳлантириш мажбурий шарт қилиб белгиланган. Худди шу вақтда кўчмас мулкка ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган шартномалар ҳамда 500 сўмдан ошиқ суммага тузиладиган ҳадя шартномаси ва 50 сўмдан ошиқ суммадаги валюта қийматларига тузиладиган ҳадя шартномаси нотариал йўл билан гувоҳлантирилиши шарт деб кўрсатилган. (1964 йилги ГКнинг 275-м. 1-қисми).

Бино ва иншоот шартномаси кўчмас мулк билан боғлиқ барча битимларга мажбурий шарт сифатида нотариал йўл билан гувоҳлантиришни умумий тартиб қилиш муаммоси мақсадга мувофиқ (ёки мақсадга номувофиқ) лигини инобатга олиб, қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

Биринчидан, кўчмас мулк билан боғлиқ битим ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни Давлат рўйхатидан ўтказишнинг мажбурий шартига нотариал шарт тасдиқлашнинг қўшилиши мулккий муносабатлар иштирокчиларга қўшимча тарзда мажбурият юклайди. Бунда гап ўзини оқламайдиган вақт ва ортиқча маблағларни сарфлаш ҳақида бормоқда. Бу борадаги битимларни нотариал йўл билан гувоҳлантиришнинг мажбурий тартиби функционал вазифаси ва юридик мазмунига кўра кўчмас мулкни Давлат рўйхатидан ўтказишнинг тизими бу борада шундай масалаларни ҳал қилиш учун қаратилганлигини, нотариал тартибда битимлар учун қўйиладиган талаблар: тузилаётган битимларнинг қонунийлигини текшириш, уларнинг оммавий ҳақиқийлигини таъминлаш ва бошқалар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни мажбурий нотариал йўл билан

гувоҳлантириш мақсади Давлат рўйхатидан ўтказишнинг олдида турган мақсадлари билан тўла мос келади.

Иккинчидан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ва кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини нотариал йўл билан гувоҳлантиришга алмаштириб бўлмайди, чунки Давлат рўйхатидан ўтказиш тизими орқали кўчмас мулк объектларини ягона давлат реестрига киритиш имкониятини беради.

Учинчидан, Давлат рўйхатидан ўтказиш ёрдамчи функцияларга эга эмас ва бу адвокатларни жалб этишни талаб этади. Бу эса кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал йўл билан гувоҳлантиришни киритишга асос бўла олмайди. Агар мулкый муносабатлар иштирокчилари нотариусдан (адвокатдан эмас) ҳуқуқий ёрдам олишни хоҳламасалар, улар ҳеч қандай тўсқинликсиз нотариусдан олишлари мумкин.

Амалдаги ЎЗР ФКда шундай қоида борки, унга кўра: бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (574-м., 3-қ.). Аввал шуни кўрсатиб ўтиш керакки, янги ФКнинг лойиҳаси тайёрланганда ва қабул қилинаётганда бино ичидаги одам яшамайдиган хоналар кўчмас мулк объекти деб тан олинмаган, шу сабаб билан одам яшамайдиган хоналар билан тузилган битимлар (улар ижара шартномаси) Давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилмаган. Бугунги кундаги вужудга келган ҳолатда Фуқаролик кодекси айбдор эмас, бино ижара шартномаси 11 (ўн бир) ойга тузилган бўлса, Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайди. Худди шундай ана шу бинонинг алоҳида хонаси ижара шартномаси ундан кам бўлмаган муддатга тузилган бўлса ҳам Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб этмайди. Бундай ҳолат РФнинг 1997 йил 21 июлдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ бўлган битимларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги қонунга кўра одам яшамайдиган хоналар кўчмас мулк объектига киритилган. Одам яшамайдиган ижарага бериш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган ижара тўғрисидаги умумий қоидаларга бўйсунди. Хусусан, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса кўчмас мулк ижара шартномаси Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Юқорида айтилганидек, бино ва иншоот ижара шартномаси бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага бериш шартномаси тузилганда қонун

ҳужжатларида бошқача тартибни белгилаган бу қоида одам яшамайдиган хоналар ижарасига дахлдор эмас. (ГК 651-м., 2-қ. РФ).

Юридик адабиётларда одам яшамайдиган хоналарни ижарага бериш шартномаси ҳақида бошқа хил фикрларни учратиш мумкин. Масалан, И.Исрафилованинг фикрича «одам яшамайдиган хоналар умуман алоҳида ижара муносабатларининг объекти бўлиб ҳисобланмайди, чунки улар умумий «бино» тушунчаси, белгиси остида бирлаштирилган, шунинг учун уларга ҳам бино ва иншоот ижара шартномаси қоидаларини қўллаш лозим. Ижара шартномаларини Давлат рўйхатидан ўтказиш ФКдан фарқли равишда федератив қонунчиликда «кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ бўлган битимларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги айрим ҳолларда ижара ҳуқуқини Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилади. Масалан, қонуннинг 609-м., 1-қ. Кўчмас мулкка нисбатан ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ўз.Р. ФКнинг 574-моддаси 3-қисмида шартнома Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Бундан ташқари ФКнинг 357-моддасида шартномаси тузилган пайтдан кучга киради, дейилган ва тарафлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтирилади. Шунинг учун бино ва иншоот ижара шартномаси фақатгина давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради, давлат рўйхатидан ўтказиш унга қадар бўлган даврда у ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмайди. Кўчмас мулк билан боғлиқ битим ва шартномалари Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи асл нусха ҳужжатида, яъни ижара шартномасида гувоҳлантирувчи регистрация-қайд қилиш штамп ёзуви қўйилади.

Бино ва иншоот ижара шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилиши бир вақтнинг ўзида ижарага берувчининг мулкка ёки бошқа ижарага берилаётган мулккий ҳуқуқларга, ижарага берилаётган объектга ҳуқуқларини чекланишини англатади. Бино ва иншоот ижара шартномаси ҳақидаги маълумотлар давлат рўйхат реестрининг III бўлимига киритилган. Бу бўлимда махсус боб мавжуд бўлиб, у ижара ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Ижара ҳақидаги маълумотларга «ижара предметлари» графасига ижарага олинаётган кўчмас мулк объекти ёки уни қисми ҳақида маълумотлар «муддат» графасига ижарага бериш муддатининг боғланиш куни ва тугалланиш куни ёки ижарага бериш муддатининг бошланиши ва унинг узайтирилганлиги агар муддат чегараси белгиланган бўлмаса, узайтирилган ижара деган жойга «муддатсиз» деб ёзилади. Бино ва иншоотни ижарага бериш

шартномаси тугаганда бундай ёзувлар устига штамп қўйилиб, ижарага берувчининг мулкка ёки бошқа ижарага берилаётган мулккий ҳуқуқларга қўйилаётган чекловлар олиб ташланиб, у ўша ҳуқуқларга тўлиқ эга бўлади.

#### **4.2. Ижарачи (ижара олувчи)нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи**

Айтиб ўтилганидек, бино ва иншоотлар кўчмас мулк объектларига киради. Улар ерга ажралмас-узилмас боғланган ва уларнинг кўчирилишида унинг хусусияти ва шаклига зарар етказилмаслик мумкин эмас. Ижарачи томонидан бундай объектларга эгалик қилиш ва фойдаланиш унда бино, иншоот жойлашган ер участкасига нисбатан маълум бир ҳуқуқлар мавжудлигини билдиради. Бундай ҳуқуқларни тўлиқ белгилаш ФКнинг 575-576-моддаларида ўз аксини топган. Белгиланган қоидалар икки ҳолатга нисбатан: бино, иншоотни ижарага берувчи ер участкасининг эгаси, мулкдори ва бино, иншоот жойлашган ер участкаси ижарага берганнинг мулкдори бўлганда ўрнатилган. Биринчи ҳолат бўйича бино, иншоот ижара шартномасида бир вақтнинг ўзида ижарага олувчига ер участкасига (бино ёки иншоот жойлашган жойга) бўлган ҳуқуқни ўтказиш масаласи ҳал қилинади. Ижарага олувчига шартномада назарда тутилган объект билан бирга ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа тартибда берилиши ҳам мумкин. Ижарага олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса, ер участкасининг бино ва иншоот жойлашган ва улардан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи бино ёки иншоот ижарага берилган муддатга ижарага олувчига ўтади (ФКнинг 575-моддаси 3-қ.). Ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган бино ёки иншоотни ижарага беришга агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонунда ёки ер участкасининг мулкдори билан тузилган шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ушбу участка мулкдорининг розилигисиз йўл қўйилади (ФКнинг 575-моддаси 4-қ.). Бундан кўришиб турибдики, бундай ҳолатда ижарачига ижарага берувчидан бино ёки иншоот жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмига тегишли бўлади.

Ижара муносабатларини мустаҳкамлашда ва ижарага олувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

қонуншунос айрим масалаларга аниқлик киритиб ўтган. Ижарага олинган бино ёки иншоот жойлашган ер участкаси бошқа шахсга сотилган ҳолларда ер участкасининг бино ёки иншоот жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмдан фойдаланиш учун ушбу ер участкаси сотилгунига қадар амалда бўлган шартлар билан ана шу бино ёки иншоотни ижарага олувчи шахс сақланиб қолади (ФКнинг 576-моддаси).

### **Бино ва иншоотлар ижараси шартномасида ҳақ.**

Бино ва иншоот ижара шартномасида бошқа турдаги мулк ижара шартномаларидан фарқли равишда ижара ҳақи миқдори ортиб боради. Шуниси муҳимки, ижара тўғрисидаги қонуннинг умумий тартиби, агарда шартномада ижара ҳақининг миқдори, шакли, тўлаш муддати, нархи белгиланмаган бўлса ва бошқа қоидалар кейинчалик белгиланиши мумкин бўлса, бино ва иншоот шартномасида бу тартиб қўлланилмайди. Умумий тартибга кўра, бундай ҳолатда тарафлар ижара тўғрисидаги қоидаларга амал қилиб, бундай мулкларни ижара ҳақи билан белгилайдилар (ФКнинг 544-моддаси). Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида ижара ҳақининг миқдори назарда тутилиши лозим. Ижара ҳақининг миқдори тўғрисида тарафлар ёзма шаклда келишган шартлар бўлмаган тақдирда бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тузилмаган ҳисобланади (ФКнинг 577-моддаси). Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасига бундай талаб қўйиш ижара ҳақининг аниқ белгиланиши уни ижара шартномаларидан алоҳида турига ажратиш учун асос бўла олмайди.

Бино ва иншоотни ижарага беришдан муносабатни тартиблашда бундай махсус қонуннинг мазмуни шундан иборатки, бундай ҳуқуқий муносабатга диспозитив меъёрларни қўллаб бўлмайди. Тарафлар имзолаган ҳужжатда ижара ҳақи кўрсатилган бўлмаса, шартнома ҳақий эмас деб топилиши мумкин ва унга тенглаштирилган ижара ҳақлари белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги ҳам бунга киради. Бино ва иншоотни ижара шартномасининг ижара ҳақини тўлаш шarti ушбу шартнома тури учун мажбурий бўлса-да, ФКнинг 577-моддасида ушбу ҳақни тўлашнинг шартлари ва шакллари: тўлаш муддати, тўлов шакли кўрсатилмаган. Шунинг учун бу борада ижара тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади. Бино ёки иншоот ижара шартномаси қўлланилаётган ижара ҳақи тўғрисидаги умумий қоидалар ижара ҳақини қатъий суммада, бўлиб-бўлиб ёки бир йўла тўлиқ тўлаш шarti мажбурий ҳисобланмайди. Тарафлар ижара ҳақи тўлашни ўзаро келишиб олишлари мумкин. Масалан, бино ёки иншоотдан фойдала-

ниш натижасида ижарачига тушадиган фойдадан қисман улуш олиш шаклида; ижара олувчи томонидан ижарага берувчига кўрсатиладиган хизматлар шаклида; ижарага олувчига бино ёки иншоотни тўлиқ таъмирлаш харажатларини ўтказиш шаклида ва бошқаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Энг асосийси ижарага берувчи ва ижарага олувчи томонидан ўзаро розилик асосида ижара ҳақи сифатида амалга оширилаётган ҳисобқитоб ижара шартномасида пул қийматида эга бўлиши ва у тарафлар ижара ҳақи белгилаганлик ҳақидаги келишувини билдириши керак.

### **Шартномани бажариш**

Бино ва иншоот ижара шартномасининг махсус қоидалар билан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шартномани бажаришдир ФКнинг 578-моддаси 1-қисми. Бино ёки иншоотни ижарага берувчи томонидан топшириш ва ижарага олувчи томонидан қабул қилиб олиш тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топширишга доир бошқа ҳужжат бўйича амалга оширилади. Бино ёки иншоотни топшириш далолатномаси имзолангунга қадар амалий жиҳатдан қабул қилинмаган ва шартнома бажарилмаган ҳисобланади. «Агар қонунда ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг бино ёки иншоотни ижарага олувчининг эгалигига ёки фойдаланишига топширилганидан ва тарафлар топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолаганларидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлардан бирининг бино ёки иншоотни шартномада назарда тутилган шартларда топшириш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладан бош тортиши тегишли бўлишлигига қараб, ижарага берувчининг мол-мулкни топшириш бўйича ўз мажбуриятларини, ижарага олувчининг эса, мол-мулкни қабул қилиб олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш деб қаралади. (ФКнинг 578-м., 2-3-қисмлари). Ижарага берувчи томонидан ижарага топшириш мажбуриятини бажармаслик унга нисбатан ноқулай вазиятни келтириб чиқаради, шунингдек, унга умумий мажбуриятлардан ташқари мажбуриятни бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклайди.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширилган бўлса, ижарага олувчи ФКнинг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва шартномага мувофиқ ижронинг

кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 541-м., 4-қ.). Кредитор мажбурият нарчаси бўлган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳақли (ФКнинг 331-м. 2-қ.). Ижарага олувчи томондан ижарага берилган бино ёки иншоотни қабул қилиш мажбуриятини бажармаслик унга нисбатан маълум бир оқибатларни бир оқибатларни и. ФКнинг 34-боби 4-параграфда бундай ҳолатни тартибга солувчи қоидалар бўлмаса ҳам, ижарага олувчи қонунни ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ёхуд ижара шартномасини бузиб ижарага олинган мулкни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан бош тортса, ижарага берувчи ижарага олувчидан ижара объектини қабул қилишни талаб қилиши ёки шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг муддати тугаганда ёки бекор қилинганда, ижарага олинган бино ёки иншоот ФКнинг 578-моддада назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда ижарага берувчига қайтарилиши лозим. Мана шу мулоҳазалар билан бино ва иншоот ижара шартномаси ҳақидаги фикрларга яқун ясамак бўларди, чунки ФКда белгиланган қоидалар ва бу турдаги шартноманинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилди, лекин бу турдаги ҳуқуқий муносабатларнинг юридик адабиётларда яна бир хусусияти тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Бино ва иншоот ижара шартномаси хусусиятлари ҳақидаги қизғин фикрлардан бири бундай шартномаларни тузишда субъектлар доираси маълум бир вақтда ўзгача, яъни ижарага берувчи томондан айнан мулкдор эмас, балки оператив бошқарув ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича тасарруфида бўлган балансида турувчи мулкдор ижарага берувчи бўлиши мумкин. В.Н.Литовкиннинг фикрича: «Ташкилот мулкдор бўлмаса ҳам лекин балансида турувчи мулкдор сифатида ижара муносабатларида маълум бир ўринни эгаллаб туриши мумкин. (Балансида турувчи мулкдор тушунчаси шартнома тузиш амалиётда ва ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилади.)»<sup>1</sup>

В.Н.Литовкиннинг ёзиши бўйича балансида турувчи мулкдор-бу оммавий ҳуқуққа эга бўлган юридик шахсдир (оператив бошқарув ҳуқуқига эга). Ижарага берувчи томондан туриб шартномаларга имзо қўяди, лекин мулкдор олдида ижара объектининг техник хизмат кўрсатишига, сақланишига, фойдаланиш ва таъмирлаш учун жавобгар бўлади. Балансида турувчи мулкдор-ижарага берувчининг хўжа-

<sup>1</sup> «Гражданское право России» Часть вторая, Обязательственное право: Курс лекций, стр.232.



лик юритувчи субъекти, у ижара шартномасини тузиш ҳуқуқини олмаган, шартномани ҳақиқий бош мулкдор тузади, лекин балансида турувчи мулкдорнинг имзоси лозим бўлиб ҳисобланади. Агарда балансида турувчи мулкдор имзо чекишдан бош тортса, шартномани ҳақиқий-бош мулкдор, балансида турувчи мулкдорнинг тутган ҳолатидан қатъи назар, имзолайди. Балансида турувчи мулкдор ҳақиқий бош мулкдорнинг тарафида бўлиб, шартномада тузилган мажбуриятларни бажариши шарт.<sup>1</sup>

Хулоса қиладиган бўлсак бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномаси ўзига хос хусусиятга эга эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ лекин жуда кўп ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларда кўплаб ижобий фикрлар, мулоҳазалар борлигини юқорида ўзингиз гувоҳи бўлдингиз. Ҳақиқатдан ҳам ушбу муносабат долзарб бўлган ва долзарб бўлиб келмоқда. Сабаби, бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир вақтда ҳар бир тадбиркор ёки ишбилармон субъектларга бинолар ва иншоотлардан ижара асосида фойдаланиш зарурати туғилади. Шунинг учун ҳозирда ҳаракатда бўлган қонун ҳужжатларни яна ҳам такомиллаштиришимиз лозим.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Шартнома шакли.
3. Ижарага топшириш тартиби.
4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Томонларнинг шартнома юзасидан жавобгарлиги.

### **5-§. КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ**

#### **5.1. Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Фуқаролик кодексининг 579-моддасининг 1-қисмида корхонани ижарага бериш шартномаси назарда тутилган бўлиб, унга кўра: “Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулквий комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига

<sup>1</sup> «Гражданское право России» Часть вторая, Обязательственное право: Курс лекций, стр.232.

бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустаном”.

Берилган таърифга кўра корхонани ижарага бериш шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагича.

**Биринчидан**, шартнома икки томонлама характерга эга, яъни шартнома тарафларининг ҳар бирида ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият мавжуд.

**Иккинчидан**, шартнома ҳақ бараварига тузилади, яъни ижарага берувчи бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига ижарага олувчига бериш мажбуриятини олади.

**Учинчидан**, шартнома консенсуал характерга эга.

Корхонани ижарага бериш шартномаси натижасида ижарага берувчидан ижарага олувчига мулк ҳуқуқининг фақат икки эълементи, эгаллик қилиш ва фойдаланишгина ўтади. Тасарруф қилиш эса мулкдор кўлида сақланиб қолади.

Корхонани ижарага бериш шартномаси муддатли шартномалар таркибига кириб, бу муддат шартномада аниқ белгилаб кўйилади. Корхоналар учун бу муддат 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Корхонани ижарага бериш мулк ижарасининг алоҳида тури сифатида белгиланиши қуйидаги хусусиятлар билан ифодаланади.

1. Корхонанинг фаолияти бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

2. Корхона кўчмас мулк таркибига киради.

3. Корхона Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил тижоратчилик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс мақомига эга субъектидир.

Корхона ижарага берилаётганда ижарага берувчининг кредиторлар олдидаги мажбурияти. Корхона ижарага берилиши натижасида ижарага берувчининг шу корхонага оид барча қарз мажбуриятлари ижарага олувчига ўтиши муносабати билан Фуқаролик кодекси шу мажбуриятлар бўйича кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кўшимча чораларини белгилаган.

Жумладан, шартнома тузиш жараёнида ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблар-

дан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарачига топширилиши мумкин.

Корхона мулкӣ комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи махсус рухсатнома (лицензия)си бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топширилаётган корхона таркибига киритиш ижарага берувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди.

**Шартноманинг шакли.** Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Корхонани ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Корхонани ижарага бериш шартномасининг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади (ФКнинг 580-моддаси). Ушбу қоида императив характерга эга бўлиб, тарафлар шартноманинг шаклига қатий амал қилишлари лозим, акс ҳолда юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқий оқибат келиб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ижара шартномасида қуйидагилар:

корхонани ижарага бериш ва ижарага берилган мол-мулкни ишлатиш шартлари;

ижара корхонаси хўжалик фаолиятига оид шартлар;

томонларнинг ижара шартномасини бажариш юзасидан ўзаро мажбуриятлари;

томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун ўзаро жавобгарлиги шартлари;

ижара муддати;

ижара ҳақи миқдори ва уларнинг тўловини амалга ошириш тартиби билан боғлиқ шартлар;

шунингдек, ижарага бериладиган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати;

ижара берувчининг мол-мулкни ижарачига шартномада курсатилган ҳолатда бериш мажбурияти;

ижарачининг мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиш мажбурияти;

томонларнинг мол-мулкни таъмирлаш ва уни тиклаш юзасидан ўзаро тақсимланган мажбуриятлари;

ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг мол-мулкни ижарага берувчига шартномада кўрсатилган ҳолатда қайтариш юзасидан мажбурияти;

шартнома субъектлари ўзаро келишилган ҳолда зарур деб толган бошқа шартлар ўз ифодасини топиши лозим.

Ижара шартномасида ижарага берилган мол-мулкнинг қиймати ушбу мол-мулк ижарага берилаётган вақтдаги қийматидан келиб чиққан ва унинг эскирганлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Демак, ижарага берилган мол-мулкнинг келгусида хизмат қилиши, ишлатиш муддати томонларнинг келишувига мувофиқ шартномада кўрсатилиши керак бироқ бу муддат фойдаланиш муддатидан, тўлиқ эскириб, ишдан чиқиш муддатидан кўп бўлмаслиги лозим.

Ижарага олинган корхона ижарага олувчига топшириш далолатномаси бўйича топширилади. Агар ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олинган корхонани топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг зиммасидаги мажбурият ҳисобланади ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. (ФКнинг 581-моддаси).

Корхоналарни ижарага бериш шартномаси қонунга мувофиқ қуйидагиларга амал қилган ҳолда тузилиши зарур:

1. Ижара шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, чунки оғзаки тузилган шартнома юз бериши эҳтимоли бўлган баҳсли ҳолатларда суд ажримлари учун юридик асос бўлиб хизмат қилолмайди.

2. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун бўйича шартномада кўрсатилган ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилган бўлиши лозим.

3. Корхоналарни ижарага бериш шартномаси фақат муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида тузилиши керак.

4. Ижара шартномаси ихтиёрий тузилган ва аниқ бир ҳуқуқий мақсадга эришишига қаратилган бўлиши керак яъни шартномада ўз ифодасини топган мақсадлар ижарачи ва ижарага берувчининг ҳақиқий мақсадларига мос тушиши керак. Ижара шартномаси юқори идора буйруғи ҳужжат таъсирида ёки алдаш орқали тузилмаслиги лозим.

## **5.2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун мулкний комплекс сифатида бутун корxonани ёки унинг бир қисмини ҳақ. эвазига бериш мажбуриятини олади. Ижарага берувчи мол-мулкни ижарага олувчига шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топширмоғи лозим. Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан, тошнириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Агарда корxonани ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификата ва б.қ.) билан бирга ижарага топширилади. Ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган корxonани шартномада кўрсатилган муддатда топшириши лозим. Башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, мақбул муддатда топширилмаган бўлса, ижара олувчи ФКнинг 331-моддасига мувофиқ, корxonани ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ижарага берувчи ижарага топширилган корxonадан ёки унинг бир қисмидан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, хатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгардир.

Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

ижарага берувчидан ёки мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда унга камчиликларни бартараф этишга сарфланган харажатлари суммасини мол-

мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этиши мумкин.

Корхонани ижарага бериш шартномасини тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижара олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки корхонани ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлиги текширилганда ижарага олувчи аниқлаш керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

Корхонани ижарага бериш шартномасини тузишда ижара берувчи ижарага олувчини ижарага топширилаётган корхонага нисбатан учинчи шахсларнинг барча ҳуқуқлари ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Ижара берувчи томонидан бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ижара олувчига корхонадан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни камайтиришни ёхуд шартномани бекор қилиш ва зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган корхонани ёки унинг бир қисмини ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Капитал таъмирлаш мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар бу муддат шартномада белгиланмаган ёки томоннинг зарурати туфайли ўтказилмаса, мақбул муддатда амалга оширилмоғи лозим.

Ижарага берувчининг капитал таъмирлаш мажбуриятининг бажарилмаслиги ижарага олувчига ўз хоҳишига кўра;

- шартномада белгиланган ёхуд томоннинг зарурат тақозо этаётган капитал таъмирлашни амалга ошириб таъмирлаш қийматини ижарага берувчидан ундириб олиш ёхуд мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳисобига ўтказиш;

- ҳақни тегишинча камайтиришни талаб қилиш;

- шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

## **Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса, мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи молмулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланмаса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

вақти-вақти билан ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот ёки даромаднинг белгиланган улуши тариқасида;

ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Ижарага олувчи ижара шартномаси амал қилиб турган бутун вақт мобайнида корхонани тегишли техник ҳолатда сақлаб туриши, шу жумладан, уни жорий таъмирлаши ва шартномада назарда тутилган ҳолатларда капитал таъмирлаши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олинган корхонани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, ижарага олинган мол-мулкни суғурталаш бўйича тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ижарага олувчи зиммасига юклатилади (ФКнинг 582-моддаси).

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи ижарага олинган корхона молмулки таркибига кирувчи моддий бойликларни ижарага берувчининг розилиги билан сотиш, айирбошлаш ва унинг розилигисиз вақтинча фойдаланишга ёхуд қарзга, қўшимча ижарага беришга, шунингдек, корхона

бахосини пасайтирмаслик ва ижара шартномасининг бошқа бандларини бузмаслик шarti билан бундай бойликларга нисбатан ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтказишга ҳақли.

Агар корхонани ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган корхонани ижарага берувчининг розилигисиз қайта қуришга, уни кенгайтириб, техник жиҳозлаб, қийматини оширишга ҳақли (ФКнинг 583-моддаси).

Корхонани ижарага олиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани ижарага олувчи ижарага берувчининг рухсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли.

Агар ижарага берувчи ижарага олувчининг бундай яхшилашга қилган харажатлари ижарага олинган мол-мулкнинг қийматини унинг сифати ва (ёки) ундан фойдаланиш хусусиятларини яхшилашга қараганда беқиёс даражада ошириб юборганлигини ёки бундай яхшилашни амалга ошириш вақтида ҳалоллик ва оқилоналик тамойиллари бузилганлигини исботласа, суд уни бундай яхшилаш ҳақини ижарага олувчига тўлаш мажбуриятидан озод қилиши мумкин (ФКнинг 584-моддаси).

Мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда нормал эскиришини ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим.

### **5.3. Шартноманинг бекор бўлиши**

Корхоналарни ижарага бериш шартномаси одатда шартнома муддати тугагандан сўнг ижарага олинган мол-мулк ижарага берувчига қайтарилиши билан бекор бўлади.

Баъзи ҳолларда корхона ижараси шартномаси муддатидан аввал ҳам бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бундай бекор қилиниши ижарага берувчининг ҳам, ижарага олувчининг ҳам ташаббуси билан бўлиши мумкин. ФКнинг 552-моддасида кўрсатилганидек ижара шартномаси ижарага олувчининг талаби билан қуйидаги ҳолларда муддатидан аввал бекор қилинади:

агар ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишига тусқинлик қилса;



ижарага берувчи шартномада белгиланган муддатларда, агарда шартномада муддат белгиланган бўлмаса, мақбул муддатларда ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш вазифасини бажармаса; ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Шартнома ижарага берувчининг ташаббуси билан ҳам бекор қилиниши мумкин. ФКнинг 551-моддасида кўрсатилганидек шартнома ижарага берувчининг ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар ижарага олувчи:

ижара берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;

мол-мулкни жиддий ёмонлаштира;

шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса;

қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасидаги мажбурият бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, мақбул муддатларда мол-мулкдан капитал таъмирлашни амалга оширмаса.

Ижарага берувчи ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантиригандан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина шартнома муддатидан олдин бекор этилишини талаб қилишга ҳақли.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Корхоналарни ижарага бериш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Корхонани ижарага бериш шартномасининг шакли.
3. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Шартноманинг бекор бўлиши.

## **6-§. ЛИЗИНГ (МОЛИЯ ИЖАРАСИ) ШАРТНОМАСИ**

### **6.1. Лизинг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Лизинг - инглизча «Forlease» сўзидан олинган бўлиб, “ижара олмоқ” деган маънони англатади.

Фуқаролик кодексининг 587-моддасида лизинг шартномсига қуйидагича таъриф берилган. Унга кўра, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, лизинг шартномаси қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эга.

**Биринчидан**, лизинг уч тарафлама (сотувчи - лизинг берувчи - лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи - лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

**Иккинчидан**, лизинг шартномаси консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб.

**Учинчидан**, шартнома ҳақ бараварига тузилади. Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектидан фойдаланганлиги учун лизинг тўловларини тўлайди.

Лизинг ҳуқуқий муносабатлар жаҳон банки амалиёти учун янгилик эмас. Лизинг типидagi операцияларнинг эрамизгача 2 минг йил мукаддам кадимги Бобилда мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларнинг қолдиқ қиймати йиғиндисида сотиб олиш кўзда тутилади.

Лизингни фарқлантирувчи хусусиятлардан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли кўпинча лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган лизинг операциялари эканлиги қайд этилган. Бунда, одатда, банкнинг узоқ муддатли кре-

дитлари жалб қилинади. Ижарачи ижарага берилаётган ускуналар қийматининг 80%гача ҳажмда узоқ муддатли кредит берилаётган ускуналар ва ижара тўловлари берилган кредитлар учун таъминланганлик ҳисобланади.

Лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси).

**Лизинг шартномасининг шакли.** Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасида белгиланишича, лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

Лизинг шартномаси:

шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра;

мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

**Лизинг тўлови** лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади (ФКнинг 590-моддаси).

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

**Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси хусусиятлари.**

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Тарафларнинг хоҳишига кўра лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мумкин. Шартнома бўйича лизинг сотувчидан лизинг берувчи мулк ҳуқуқи асосида лизинг объектини сотиб олади ва лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беради.

Лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объекти қайси мақсадда олинаётганлигидан

сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд этиши шарт (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 14-моддаси).

**Қуйидагилар лизинг шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади:**

лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

шартноманинг амал қилиш муддати;

сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши.

Тарафларнинг келишувига биноан лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

лизинг объектини сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;

лизинг объектини суғурта қилиш;

форс-мажор ҳолатлар;

лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, бундай хизматларсиз лизинг объектидан фойдаланиб бўлмаса;

лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Бизга маълумки, ҳозирда жаҳонда жуда кўп лизинг ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Энг йирик халқаро лизинг ташкилотларидан «Эбиклиз»ни ва Миллий лизинг ассоциацияларининг Европа Федерацияси («Лизюроп»)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

а) буларга аъзо мамлакатлар қонунчиликларини ўрганиш, таққослаш;

- б) барча ҳуқуқий солиқ, молиявий масалаларни ҳал этиш;
- в) лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотни йиғиш;
- г) лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш.

Республикада ҳам бир қатор лизинг ташкилотлари мавжуд. Уларга Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 майдаги қарори билан ташкил этилган “Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ” қўшма лизинг, 2003 йил 23 октябр қарори билан ташкил этилган “Қурилиш-лизинг”, 1999 йил 30 октябр қарори билан ташкил этилган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияларини киритишимиз мумкин.

## **6.2. Лизинг шартномаси объекти ва субъектлари**

**Лизинг объекти:** истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлади. Ер участкаси ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно (ФКнинг 588-моддаси).

Шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси).

**Лизинг субъектлари бўлиб,** лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчилар иштирок этади.

Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади (ФКнинг 589-моддаси).

**Маълумки, лизинг шартномаси маълум таркибий** қисмлардан иборат. Лизинг шартномаси қуйидаги унсурларни, албатта, ўз ичига олган бўлиши керак:

1. Лизинг объект.

2. Етказиб бериш муддати.
  3. Ижара муддати.
  4. Ижарага берувчининг мулк ҳуқуқи.
  5. Хавф-хатар, жавобгарлик усқунанинг соз эканлиги.
  6. Усқуналардан фойдаланиш йўриқномалари.
  7. Усқунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш.
  8. Зарарлар, тасодифий ҳодисалар.
  9. Суғурталаш.
  10. Ижара тўлови.
  11. Тўловни кечиктирганлик учун жарима.
  12. Сотиб олиш имконияти.
  13. Шартномани бекор қилиш шартлари.
  14. Усқунани қайтариш вақти.
  15. Солиқ
  16. Томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари.
  17. Лизинг шартномасининг кучга киришини кечиктирувчи шароит.
  18. Зарур маълумотларни етказиш мажбуриятлари.
  19. Томонларнинг жойлашган ўрни.
  20. Банкнинг кафолати.
  21. Бундан ташқари форс-мажор ҳолатлар, лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби ва бошқалар.
- Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.
- Лизинг шартномаси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги шартномалардан бўлиб, иқтисодий ҳаётга жадал кириб бормоқда. Албатта, бу шартнома бундан аввал чет эл давлатларида асосий роль ўйнаган. Лекин Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши натижасида бу шартноманинг ўрни сезиларли билинмоқда. “Ҳозирги вақтда ислохотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди”<sup>1</sup>, - дейди И.А. Каримов ўзининг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» рисоласида.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 194-б.

### **6.3. Шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ҳамма шартномада бўлганидек, лизинг шартномасида ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Маълумки, лизинг шартномаси бошқа шартномалардан фарқ қилиб, унда учта тараф қатнашади, яъни 1) сотувчи; 2) лизинг олувчи; 3) лизинг берувчи.

#### **Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

лизинг олувчининг лизинг объектдан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш;

лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли. Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 597-моддаси 3-4-қисмлар).

Лизинг берувчи:

лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиш (ФКнинг 591-моддаси);

лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир (ФКнинг 594-моддаси).

Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мужбуриятларни бажариши мумкин.

### **Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Лизинг олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси).

Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса:

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи вақти-вақти билан бўнак сифатида тўлаган пулларини ва бошқа суммаларни лизинг объектдан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.



Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 595-моддаси).

Агар лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 592-моддаси).

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли (ФКнинг 596-моддаси).

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдиғини лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда бир йўла тўлашга ҳақли (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси).

Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади (ФКнинг 593-моддаси).

### **Лизинг олувчининг мажбуриятлари:**

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур (ФКнинг 597-моддаси).

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси).

#### **Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Сотувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради.

Агар лизинг шартномасида ёки олди-сотди (маҳсулот етказиб бериш) шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидек бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли эмас (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси). Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади (ФКнинг 592-моддаси).

Сотувчи – лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини билиши шарт.

#### **6.4. Лизинг шартномаси субъектларининг жавобгарлиги**

Лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектанинг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатада иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарчаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, ушбу Кодексда сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўладилар.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли (ФКнинг 598-моддаси).

### **Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи.**

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида

бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганда лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади (ФКнинг 599-моддаси).

Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига кўра, лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши мумкин.

Лизингни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Лизинг шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Лизинг иштирокчилари.
3. Лизинг объекти ва лизинг тўлови.
4. Шартномани тузиш тартиби ва шартлари.
5. Лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
6. Лизинг шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Ижара шартномасининг тушунчаси ва мазмуни
2. Ижара шартномасининг ҳуқуқий асослари
3. Ижара шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик
4. Ижара шартномасининг бекор бўлиш асослари ва тартиби
5. Янги муддатга мулк ижараси шартномаси тузишда ижарага олувчининг имтиёзли ҳуқуқи
6. Ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш ва унинг оқибатлари
7. Прокат шартномасини қўллаш муаммолари
8. Транспорт воситалари ижараси шартномасининг турлари ва уларни расимйлаштириш тартиби

9. Транспорт воситаларини экипажи билан ижарага бериш шартномасининг мазмуни
10. Транспорт воситаларини экипажисиз ижарага бериш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
11. Транспорт воситалари ижараси шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик
12. Бино ва иншоотни ижарага бериш шартномасининг тушунчаси ва расмийлаштириш тартиби
13. Бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
14. Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчас ва шакли
15. Ижарага берилган корхонани ижарага берувчига қайтариш
16. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари
17. Лизинг шартномасини тузиш тартиби
18. Лизининг шартномасининг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари
19. Лизинг объектлари ва субъектлари
20. Лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
21. Лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларининг жавобгарлиги

## 35-БОБ. УЙ-ЖОЙ ИЖАРАСИ

### 1. Давлат уй-жой сиёсатининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейинги ўтган йиллар давомида кўп миллатли ўзбек халқининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган иш-хотлар ўз самарасини бера бошлаганлигини жамиятимиз тараққиётининг барча жабҳаларида кузатиш мумкин.

Инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида улуғланиб келгани боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида жуда кўплаб муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи янги қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ва уни дунё ҳамжамиятига интеграциялашувини янада жадаллаштириш борасида олиб борган сиёсатларининг бири давлат уй-жой сиёсатидир. Республикамиз аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бевосита давлат уй-жой сиёсатининг асосий вазифасига айланди.

Буларнинг барчаси давлатимизнинг фуқароларни шинам тураржойлар билан таъминлаш ҳақидаги узлуксиз ғамхўрлигининг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тураржой қурилиши масаласидаги вазифаларни амалга ошириш билан бирга, фуқароларнинг тураржойга бўлган ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиб келмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларига, шу жумладан, уларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш мақсадида дастлаб, 1998 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 1999 йил 15 апрелда “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат уй-жой сиёсатининг асосий вазифаларини қуйидагича белгилаб олди:

ҳар бир фуқаро ўз эҳтиёжлари ва имкониятларига қараб уй-жой қуриши, уни мулк қилиб олиши, ижарага олиши мумкин бўлган шарт-шароитларни яратиш;

уй-жой фондини ривожлантириш ва асраш;

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганлар ҳисобида турувчи фуқароларга давлат муниципал уй-жой фондидан уй-жой бериш;

фуқароларнинг ижтимоий жихатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича давлат аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди ҳисобидан уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, уларга коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва уй-жойдан фойдаланишда компенсациялар бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож бўлганлар ҳисобида турувчи фуқароларга уй-жой қуриш, уни қайта қуриш, таъмирлаш ҳамда сотиб олиш учун кредитлар ва ссудалар бериш;

уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож бўлган ёш оилаларга уй-жой қуриш ёки уй-жой олишда кўмаклашиш;

уй-жой қуриш, уни қайта қуриш ва сақлашни давлат томонидан иқтисодий ва молиявий омиллар тизими орқали рағбатлантириш;

қулай ва шинам уй-жойлар, кўрғонча шаклидаги кам қаватли тураржой бинолари барпо этиш кўламини кенгайтириш;

аҳолига ижтимоий-маиший, маданий ва бошқа хизматлар кўрсатадиган зарур инфраструктураси бўлган қулай ҳаётий муҳит яратиш.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси уй-жой соҳасини янада кенг ривожлантиришга бағишланган ўзининг узоқ муддатли яхлит давлат дастурига эга.

**Уй-жой фондлари.** Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 8- моддасига кўра уй-жой фонди хусусий ва давлат уй-жой фондларига бўлинади.

Хусусий уй-жой фондига қуйидагилар киради:

фуқаролар мулки бўлган уй-жой фонди (якка тартибда қурилган уйлар, хусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой қуриш ҳамда уй-жой кооперативларига қарашли уйлардаги пай бадаллари тўлиқ тўланган квартиралар, фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олинган квартиралар ва уйлар);

хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки аукционда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фонди.

Давлат уй-жой фондига қуйидагилар киради:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, шунин-

гдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал уй-жой фонди;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида бўлган идоравий уй-жой фонди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган, шунингдек хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фондидан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифалари учун хусусийлаштириш ҳуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун берилган аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди.

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида бўлган идорага қаршли уй-жой фонди.

## **2. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи**

Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк хусусий мулк ёки давлат мулки бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг субъекти бўлиб ҳисобланадилар.

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли уй-жой биносига ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Уй-жой биноларининг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Уй-жой бинолари, квартиралар, бинонинг бир қисми, квартиранинг бир қисмининг хусусий мулклиги миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатидан чекланмайди.

Фуқароларнинг хусусий мулки бўлган уй-жой бинолари, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уй-жой биносига, квартирага эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Уй-жой фақат қонунда белгилан-



ган ҳолларда ва тартибда суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, уй-жойнинг умумий мулк бўлиши ўз навбатида икки турга бўлинади. Биринчиси, уй-жой мулкдорлардан ҳар бирининг улуши аниқлаб қўйилган - улушли мулк, иккинчиси эса, улушлар аниқлаб қўйилмаган – биргаликдаги мулк ҳолида бўлади.

Умумий улушли мулкда мустақил равишда бошқа шахсга берилиши мумкин бўлмаган объектлар қуйидагилардан иборат: уйларнинг умумий жойлари, устун ва тўсинлар, квартира ташқарисидаги ёки ичкарасидаги, биттадан ортиқ квартирага хизмат қилувчи механик, электр, санитария-техника, бошқа турдаги қурилмалари.

Квартира миқдори тураржой биносининг умумий мол-мулкидаги ўз улушини бошқа шахсга беришга, шунингдек бу улушнинг квартирага бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига олиб келувчи ўзга ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Шу ўринда яна бир ҳолатни эслатиб ўтиш жоиз бўладики, бунда қонунчилик мулкчилик турларининг ўзгариши муносабати билан уй-жойга нисбатан эгаллик ҳуқуқи ҳам ўзгариши мумкинлигини назарда тутлади. Қайсики бу: давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказиш ёки тугатиш чоғида уларнинг тўла хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида бўлган уй-жой фонди ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқий ворисларининг (агар улар қонун талабларига кўра аниқланган бўлсалар), бошқа юридик шахсларнинг тўла хўжалик юритишига ёки оператив бошқарувида ёхуд белгиланган тартибда фуқароларнинг барча уй-жой ҳуқуқларини, шу жумладан, уй-жойни хусусийлаштириш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юритишига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолатларда уй-жойнинг янги эгаси илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида айнан шу уй-жойни ижарага берувчига айланади.

Давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги уй-жой бинолари уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга ижара шартномаси бўйича уй-жой шароитларини яхшилаш учун тузилган мавжуд навбатга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан берилади.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга уй-жой бериш тартиби ва имтиёзлар рўйхатини Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Уй-жой беришнинг бундай тартибга солиниши айнан шу соҳада адолат принципларининг янада мустақкамланишини тўла таъминлайди.

Шахсга хусусий мулк сифатида қарашли бўлган уй, квартирани ижарага олиш шартномасининг шартлари тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланади.

Уй-жой биносини ижарага олиш ҳуқуқи давлат уй-жой фондига қарашли уйлардан қонун ҳужжатларида белгиланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида уй-жой биноларини олувчи фуқароларга берилади.

Давлат уй-жой фондига қарашли уйларда ижара шартномаси бўйича яшовчи фуқароларнинг бу уйларда яшайдиган бошқа фуқаролар кўчиб кетган тақдирда уй-жой биносини эгаллаб турган майдондан қатъи назар, ижарага олиш ҳуқуқи сақланади. Фуқароларда эса уй-жойни берган давлат ҳокимияти органларига ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ижтимоий нормадан ортиқча майдонга эга бўлган уй-жой биноларини ижтимоий норма доирасидаги уй-жой биноларига алмаштириб бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

Уй-жой биноларини ижарага олиш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари томонидан уй-жой майдони олувчи фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

### **3. Уй-жой ижараси шартномасининг тушунчаси, ҳуқуқий белгилари**

Уй-жой ижараси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф – ижарага берувчи иккинчи тарафга – ижарага олувчига тураржойни яшаш учун ҳақ бараварига топшириш мабжуриятини олади.

Уй-жой ижараси шартномасининг ҳуқуқий белгилари тўғрисида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу шартнома икки тарафлама, консенсуал, ҳақ бараварига тузиладиган ва мулкдан фойдаланиш ҳуқуқинигина ўтказишга қаратилган шартнома бўлиб ҳисобланади.

Уй-жой ижараси шартномасининг аҳамияти шундаки, давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги уй-жой бинолари уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан бериладиган ордер ўз-ўзича бу мақсадга эришиш, яъни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини

узил-кесил олиш учун кифоя қилмайди. Қолаверса, бунинг учун тарафларнинг ҳар томонлама ҳуқуқ ва бурчларини назарда тутувчи алоҳида тузилиши лозим бўлган шартноманинг бўлиши ҳам талаб этилади. Бинобарин, бу уй-жой ижараси шартномаси ижарага олувчининг уй-жойдан фойдаланишга оид қатор ҳуқуқларини кўрсатувчи ва бу ҳуқуқларга яраша маълум бурчларини белгиловчи, шунингдек, шартнома шартларини бузувчиларга нисбатан мулкӣ жа-вобгарликни назарда тутган муҳим ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

**Уй-жой ҳужжати (ордери).** Муниципал, идоравий уй-жой фон-ди ва аниқ, мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида уй-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида давлат ҳокимияти маҳаллий органи фуқарога ягона намунадаги ҳужжат (ордер) беради. У берилган уй-жойга жойлашиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳужжат (ордер) фақатгина бўш, алоҳида бўлган уй-жойга, янги қурилган уй-жой би-ноларида эса фақат давлат комиссиясининг уйни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлангандан кейин ту-ман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) ҳокимининг қарори би-лан берилиши мумкин. Уй-жой ҳужжати (ордер)нинг шаклини белги-лаш Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг ваколати доирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 53-моддасида уй-жой ҳужжатини (ордерини) ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартиби белгиланган. Унга кўра, фуқаролар томонидан уй-жой шаро-итларини яхшилашга муҳтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри кел-майдиган маълумотлар тақдим этилганда, бошқа фуқаролар ёки юри-дик шахсларнинг ҳужжатда (ордерда) кўрсатилган уй-жойга нисбатан ҳуқуқлари бузилганда, уй-жой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракат-лар қилинганда, шунингдек, уй-жой бериш тартиби ва шартларининг бошқача бузилишлари содир этилганда, муниципал идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойга берилган ҳужжат (ордер) суд тартибида ҳақиқий эмас, деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида-ги талаб ҳужжат (ордер) берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида кўтарилиши мумкин. Агарда шу уч йил мобайнида уй-жойдан фойда-ланиш ҳужжати (ордери) суд тартибида ҳақиқий эмас, деб эътироф этилса, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар оқибатида ҳужжатни (ордер-ни) олган шахслар уларга бошқа уй-жой берилмаган ҳолда яшаб тур-

ган уй-жойлардан кўчириб чиқариладилар. Агар ҳужжат (ордер)да кўрсатилган фуқаролар илгари давлат уй-жой фондининг биносидаги уй-жойдан фойдаланиб келган бўлсалар, улар илгари эгаллаб турган уй-жойга қайтарилиши ёки бўлмаса бошқа шунга тенг уй-жой билан таъминланиши зарур.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойдан фойдаланаётган ижарага олувчи ундан белгиланган мақсадда ва шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиши шарт. Агар ижарага олувчи уй-жойдан аниқ мақсадларга мувофиқ фойдаланмай келса, бу ҳақда ижарага берувчи томонидан ёзма равишда огоҳлантирилган бўлишига қарамай, яна шу ижарага олиш шартномаси шартларига номувофиқ равишда ундан фойдаланса, ижарага берувчи шартномани бекор қилишни ва номувофиқ равишда фойдаланиш оқибатида етказилган зарар миқдорини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **4. Уй-жой ижараси шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Ижарага берувчи, ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари ҳуқуқлари ҳамда бурчлари уй-жойдан фойдаланишга оид норматив актлар билан, шу жумладан, Уй-жой кодекси, типовой шартнома, уй-жойлардан фойдаланиш қоидалари ва ижара шартномалари билан белгиланади.

Ижарага берувчи ижарага олувчига муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки коммунал уй-жой фондининг биносидаги бўш уй-жойни доимий яшаш учун яроқли ҳолатда бериши шарт. Шунингдек, у ижарага топширилган уй-жой жойлашган бинодан тегишли равишда фойдаланишни амалга ошириш, ижарага олувчига ҳақ тўлаш эвазига зарур коммунал хизматлар кўрсатишга ёки хизматлар кўрсатилишини таъминлашга, кўп квартирали уй-жой биносидаги умумий мол-мулкни ва уй-жойдаги коммунал хизматлар кўрсатиш қурилмаларини таъмирлашни таъминлашга мажбурдир.

Ижарага олувчи оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида шуни айтиш керакки, ижара шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчлар тураржойни ижарага олувчи билан бир қаторда, унинг ўзи билан бирга яшовчи оила аъзолари учун ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Ижарага олувчининг ўзи билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзолари бу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан баравар жавобгар бўладилар.

Ижарага олувчи билан бирга яшовчи эри ёки хотини, уларнинг болалари ва ота-оналари ижарага олувчининг оила аъзолари бўлиб ҳисобланадилар. Ижарага олувчи қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек, бошқа фуқаролар ижарага олувчи билан бирга яшасалар ва унинг билан бирга умумий хўжалик олиб борсаларгина ижарага олувчининг оила аъзолари бўлиб ҳисобланадилар.

Ижарага олувчи оила аъзолари билан уй-жойдан шартномада кўрсатилгандай ички тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишга, жойлардаги уй бошқармаси (уй эгаси) уй-жойдан фойдаланганлик учун квартира ҳақини ва коммунал хизматлари учун белгиланган суммани ўз вақтида тўлашга мажбур. Агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ижарага олувчи тураржойни ўз ҳисобидан жорий ремонт қилишга (таъмирлашга) мажбур бўлиб ҳисобланади. Бундай таъмирлаш квартира ичидаги ва умум фойдаланадиган жойларнинг деворини оқлаш, эшик-деразаларини ва полини бўйлаш, марказий иситиш қувурларидан, квартира ичидаги сув ва канализация қувурларидан, электр энергиясидан тежамли фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Уй-жойни шартнома асосида ижарага олувчининг асосий бурчларидан яна бири квартира ҳақини ўз вақтида тўлашдир. Ижарага олувчи квартира ҳақини ўз вақтида тўлашга мажбур.

Квартира ҳақининг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Квартира ҳақининг асосий ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Квартира ҳақи бевосита туриш учун фойдаланилаётган тураржой майдонига қараб белгиланади. Бинонинг барча бошқа майдони, чунончи, даҳлиз, ошхона, йўлаклар, ювиниш хоналари, табиий ёруғлик тушмайдиган қоронғи хоналар тураржой бўлиб ҳисобланмайди.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойни ижарага олувчи ижарага берувчи олдида оила аъзолари ва ўзи билан доимий яшаётган фуқароларнинг уй-жойни ижарага олиш шартномаси шартларини бузганлиги учун жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Уй-жойни ижарага олиш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойни ижарага олиш типовой шартномаси тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Агар ижарага олиш шартномасига бошқа фуқароларни киритиш ва бу

ерда яшаётганларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб тан олиншига, шунингдек, мулк ҳуқуқида уй-жойи бўлган шахслар уй-жой майдонининг социал нормасидан кам бўлмаган майдонга эга бўлишига олиб келса, бундай фуқароларнинг ижарага олиш шартномасига киритилишига йўл қўйилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолларда ҳам оила таркибининг ўзгариши ижарага олиш шартномасининг тегишли қисмини ўзгартириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган фуқаролар ижарага олувчининг оила аъзолигидан чиқиб қолган бўлсалар ва ижарага олинган уй-жойда яшайверсалар, ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари билан бир қаторда шартнома юзасидан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар. Чунончи, эр ва хотин никоҳларини бекор қилган (ажралишган) бўлсалар ҳам уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотмайдилар. Уй-жой ижараси шартномаси бўйича ижарага олувчи уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган ҳолларда, шунингдек, бу уй-жойдан фойдаланувчилар ўзаро келишганларида, ижара шартномаси шу уй-жойни эгаллаб турган оиланинг бошқа вояга етган аъзоси билан тузилиши мумкин.

## **5. Давлат уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойни ижарага олиш шартномаси ва унинг муддатлари**

Давлат уй-жой фондининг (муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди) биноларидаги уй-жойни ижарага олиш шартномасига биноан бир томон уй-жой мулкдори ёки ваколат берган шахс (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарага олувчига) уй-жойни ҳақ эвазига у ерда яшаш учун унинг эгалигига ва фойдаланишига бериш мажбуриятини олади. Ижарага олиш шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар белгилаб қўйилади. Ижарага олиш шартномасида ижарага олувчи билан доимий яшовчи фуқаролар кўрсатилган бўлиши керак. Агар шартномада ана шундай қайдлар кўрсатилмаган тақдирда, бундай шахсларни кўчириб келиш фуқаролик қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 58-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Муниципал, идоравий уй-жой фондининг аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойни ижарага олиш шартномасининг объекти бўлиб фуқароларнинг яшашлари учун яроқли бўлган алоҳида уй-жой биноси ёки квартиралар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хонанинг бир қисми ёки битта умумий кириш жойи билан боғланган хона (туташ хоналар), шунингдек, ёрдамчи хоналар (ошхона, йўлак, ҳужра ва шу кабилар) ижарага олиш шартномасининг мустақил объекти бўла олмайди.

Кўп квартирали уй-жой биносидаги уй-жойни олувчи ана шу уй-жойдан фойдаланиш билан бир қаторда, умумий фойдаланишдаги мол-мулкдан (хона ташқарисида ёки ичкарасида жойлашган ҳамда бир неча хонадонларга хизмат кўрсатувчи кўтарилиш жойлари, зинапоялар, лифтлар, том, чиқиндилар тўпланадиган хона, шунингдек, механик, электр, санитария-техника ва бинонинг бошқа муҳандислик қурилмалари, белгиланган доиралардаги дов-дарахтлар ва бошқа қулайликларга эга бўлган ер участкалари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой биноларидаги кўчмас мулкнинг ягона комплексига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бошқа объектлардан) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб ҳисобланади.

Уй-жойни ижарага олиш шартномаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ёки улар ваколат берган органлар билан уй-жойни олаётган фуқаролар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзма шаклда тузилади. Уй-жойни ижарага олиш шартномасининг ёзма шаклда бўлишига риоя қилмаслик пировард-натижада шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади.

Ижарага олиш шартномасига биноан эгаллаб турилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгартирилишига ёки бекор бўлишига олиб келмайди. Бундай пайтда янги мулкдор илгари тузилган уй-жойни ижарага олиш шартномаси шартлари асосида ижарага берувчи бўлиб қолади.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларидаги уй-жойни ижарага олиш типовой шартномаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Мазкур турдаги шартнома узоғи билан беш йил муддатга тузилади. Агар шартномани тузиш вақтида томонлар шартноманинг амал қилиш муддатини аниқ қилиб кўрсатмаган бўлсалар, айнан шу тузилган уй-жойни ижарага олиш шартномаси беш йил муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Шунинг билан бир қаторда, уй-жойни ижарага бериш шартномаси қисқа муддатга ҳам тузилиши мумкин. Бир йилгача муддатга тузилган уй-жой шартномаси қисқа муддатли шартнома бўлиб ҳисобланади.

Уй-жой ижараси шартномасининг белгиланган муддати тугашига қарамасдан, ижарага берувчи томонидан уй-жойни ижарага олувчига нисбатан ҳеч қандай талаб ва эътирозлар билдирилмаган тақдирда, шартнома қайта тузилган деб ҳисобланади.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги бинолардан тураржойни ижарага олувчилар учун тураржой майдонининг нормаси Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида белгиланган тураржой нормасига мувофиқ белгиланади, лекин у бир кишига 9 квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги «Давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 325-сонли қарорига 1-илова, «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги Низом талабларига кўра фуқароларнинг айрим тоифаларига нормадан ортиқча тураржой майдони бир хона сифатида ёки 10 квадрат метр ҳажмдаги қўшимча тураржой майдони берилади. Қўшимча тураржой майдони бериш тартиби ва шартлари, шунингдек, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биносидagi уй-жой олиш ҳуқуқига ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифадаги, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ва уй-жой олиш учун ҳисобда турган фуқаролар эгадирлар, яъни:

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ва байналминал жангчилар;

- захирага ёки истеъфога чиққан зобитлар ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчилари;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган рўйхат бўйича сурункали касалликларнинг оғир кўринишларига дучор бўлган фуқаролар;

- ўн олти ёшга тўлмаган, етти ва ундан ортиқ болалари бўлган кўп болали оилалар;

- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

- ота-онасиз, ўн олти ёшга тўлган, ҳомийликка (васийликка) олинмаган етим болалар;

- етим болаларни ҳомийликка (васийликка) олган оилалар;

- боқувчисини йўқотган, уч ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган оилалар;

- I ва II гуруҳ ногиронлари,



- кекса ва ёлғиз пенсионерлар;
- ногирон болалари бўлган оилалар;
- биринчи марта оила қурган ёшлар, агар иккала томон яшаб турган жойда улар уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож деб эътироф этилсалар.

Бундай шахсларни ҳисобга олиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларида амалга оширилади. Шунингдек, уй-жой фондига эга бўлган ва уй-жой қурилишини олиб борувчи ёки уй-жой қурилишида улуш билан қатнашувчи давлат корхоналарида, муассасаларида, ташкилотларида яшовчи уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож фуқароларни ҳисобга олиш иш жойида, уларнинг хоҳишига кўра эса, яшаш жойида ҳам амалга оширилади. Шу ўринда яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Юқорида қайд қилиб ўтилганлар билан тенг ҳолатда пенсияга чиқиши муносабати ушбу корхоналардан, муассасалардан, ташкилотлардан ишдан кетган фуқаролар, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги туфайли вафот этган шахсларнинг оила аъзолари, улар ушбу корхона, муассаса ва ташкилотда ишлашидан қатъи назар, унинг иш жойида ҳисобга олинадилар. Оила аъзосининг ҳисобга олиниши оила бошқа аъзоларининг, уларнинг хоҳишига кўра, ўз иш жойида уй-жой шароитларини яхшилашга мухтожлар ҳисобида туришига тўсқинлик қилмайди.

## **6. Уй-жойни иккиламчи ижарага бериш**

Муниципал ва идоравий уй-жой фондининг уйларида уй-жойни ижарага олувчи, ижарага берувчининг розилиги билан ҳамда ўзи билан бирга яшаётган вояга етган оила аъзоларининг, ўзи билан доимий яшовчи фуқароларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойни иккиламчи ижарага беришга ҳақли бўлиб ҳисобланади. Ижарага олувчи ўзи эгаллаб турган уй-жойнинг бир қисмини, вақтинча кўчиб кетаётганда эса, барча хоналарни (унинг фойдаланиш ҳуқуқи сақланадиган барча давр учун) иккиламчи ижарага топшириши мумкин. Бундай ҳолларда ижарага олиш шартномаси бўйича ижарага берувчи олдида ижарага олувчи бевосита жавобгар бўлиб ҳисобланади. Аммо ижарага олувчининг уй-жойида иккиламчи ижарага олиш шартномаси асосида яшаётган шахслар айнан ана шу уй-жойга нисбатан мустақил ҳуқуққа эга бўла олмайдилар. Ўзбекистон Республикасида уй-жой ижараси муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тала-

бига кўра, уй-жойни иккиламчи ижарага олиш шартномасининг муддати уй-жойни ижарага олиш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агарда уй-жойни ижарага олиш шартномаси муддатидан илгари тўхтатилса, бундай ҳолларда уй-жойни иккиламчи ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати ҳам тўхтатилади ва уй-жойни иккиламчи ижарага олиш шартномасига нисбатан янги муддат учун шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги қоида татбиқ этилмайди. Бундан ташқари, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг биноларида уй-жойларни иккиламчи ижарага топширишга йўл қўйилмайди.

### **7. Уй-жой ижараси шартномасининг бекор бўлиши**

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси тарафларнинг ўзаро келишуви билан бекор қилинади. Агар уй-жойни ижарага олувчида шу шартномани бекор қилиш истаги пайдо бўлса, бундай ҳолларда у ўзи билан доимий яшайдиган бошқа фуқаролардан яшаб турган уй-жойни ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида келишиб олгандан кейин ижарага берувчини камида уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли ҳисобланади. Аммо ижарага олувчи ҳеч қандай огоҳлантиришсиз шартномани бекор қилган тақдирда яна уч ойлик уй-жой ҳақини тўлаши шарт.

Бундан ташқари, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаб келаётган фуқаролар бошқа аҳоли пунктига доимий яшаш учун кўчиб кетган ёки шу аҳоли пунктидаги бошқа уй-жойга кўчаётганида, уй-жойни ижарага олиш шартномаси жўнаб кетган ёки кўчиб ўтган кундан бошлаб бекор қилинган, деб ҳисобланади.

Уй-жойни ижарага олиш шартномаси исталган томоннинг талабига биноан суд тартибида қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

агар уй-жой доимий яшаш учун яроқсиз бўлиб қолса, шунингдек, у авария ҳолатига келиб қолса, агар уй-жой жойлашган бино бузилиши керак бўлса, амалдаги уй-жойлардан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам уй-жой ижараси шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Ижарага олиш шартномаси ижарага берувчининг талабига биноан суд тартибида қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

агар шартномада узоқроқ муддат белгиланмаган бўлса ва ижарага олувчи олти ойдан кўпроқ муддат давомида уй-жой ҳақини узр-

сиз сабабларга кўра тўламасдан келса, қисқа муддатли ижарага олиш ҳолларида, шартномада белгиланган муддатли ижарага олиш ҳолларида эса шартномада белгиланган тўлов муддати ўтгач, икки мартадан кўпроқ ўз вақтида тўламаса (сурункали тўлов муддатига риоя қилмаслик); ижарага олувчининг ўзи ёки бирон-бир хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавоб берадиган фуқаролар уй-жойни бузган ёки шикастлантирган ҳолларда. Агар бундай ҳолларда уй-жойни ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавоб берадиган бошқа фуқаролар уй-жойдан ўзга мақсадларда фойдаланаётган бўлса ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузаётган бўлсалар, ижарага берувчи ижарага олувчини огоҳлантириши мумкин ва бу талаблар бажарилмаганидан кейин уй-жойни ижарага олиш шартномасини суд тартибида бекор қилишга ҳақли бўлиб ҳисобланади.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш учун асос бўлган қоидабузарликларга барҳам беришнинг чора-тадбирлари ва муддати Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 76-моддаси талабига кўра, қонун билан белгилаб қўйилади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш усуллари.
2. Ўзбекистон Республикасида уй-жой фонди тушунчаси ва турлари;
3. Уй-жой муносабатлари тушунчаси ва вужудга келиш асослари.
4. Давлат уйида ва муниципал уй-жой фондидаги уй-жой майдонига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши.
5. Уй-жой қурилиш кооперативлари ва уй-жой кооперативларига, уй-жой майдонига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши.
  - е) хусусий уйларда яшаш ҳуқуқининг вужудга келиши;
  - ж) хизмат уйларида яшаш ҳуқуқининг вужудга келиши;
  - з) махсус уйларда ва ётоқхоналарда яшаш ҳуқуқининг вужудга келиши;
  - и) яшаш жойларидан фойдаланиш.

## **36-БОБ. ТЕКИН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТНОМАСИ**

### **1. Текин фойдаланиш шартномаси тушунчаси, ҳукуқий белгалари ва предмети**

Текин фойдаланиш (ссуда) деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тараф (ссуда олувчи)га ашёни вақгинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишини ҳисобга олиб, худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 617-моддаси).

Шартноманинг предмети иккинчи тарафга вақгинча фойдаланиш учун топширилишига кўра, у мулк ижараси шартномасига ўхшаб кетади, айти пайтда, текин фойдаланиш учун топширилиши билан ундан фарқ қилади.

Текин фойдаланиш шартномаси учун қуйидаги ҳукуқий белгилар характерлидир:

биринчидан, агар юридик шахс муайян мол-мулкни текин фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олган бўлса, бу тўғрисидаги шартнома мол-мулкни фойдаланиш учун олувчининг юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, консенсуал характердаги шартнома бўлиб кўрилади;

иккинчидан, шартнома текинга (ҳақсиз) тузилади;

учинчидан, текин фойдаланиш бир томонлама шартномалар туркумига киради.

Шартноманинг ўзига хос белгиларидан яна бири шундаки, шартнома бўйича текин фойдаланувчига мулкдорнинг фақат икки ҳукуқи, яъни мулкка эгалик ва ундан фойдаланиш ҳукуқи ўтади.

Агарда бирон-бир фуқаро ашёни текин фойдаланиш учун топширишга ваъда қилса, унинг бундай ваъдаси юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Айти вақгда ашёни текин фойдаланиш учун топширишга мажбур қилиб ҳам бўлмайди. Лекин ссуда олувчи ФКнинг 620-моддаси тартибида берилиши лозим бўлган ашёни олмаса (яъни ссуда берувчининг айби билан), у шартномани бекор қилиши ва етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг турли субъектлари ўртасида қўлланилади. Фуқаролар ўртасида ушбу шартнома бир-бирларига турли хилдаги маиший хизматлар кўрсатиш тартибида юзага келади.

Шартнома текинга тузилганлиги туфайли тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчларни белгилашда ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Текин фойдаланиш шартномаси мулкни топширувчи – ссуда берувчи шахсга нисбатан ҳеч қандай манфаатлар белгиламасдан, балки мулкни олувчига нисбатангина муайян манфаатлар белгилаб тузилади. Текин фойдаланиш шартномаси асосий хўжалик шартномаларидан бўлиб ҳисобланмаса-да, аммо бу шартнома баъзан муносабатларда муайян аҳамиятга эгадир. Жумладан, бу шартнома фуқаролар ўртасида уларнинг бир-бирларига хизмат кўрсатишларида, кўмаклашишларида тузиладиган маиший битимдир. Баъзи ҳолларда бундай шартнома ташкилотлар ўртасида ҳам, масалан, давлат корхоналари бир-бирларига ўзларида фойдаланилмай ётган ускуналарни вақгинча ҳақ олмасдан фойдаланиш учун топширишларида тузилиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, текин фойдаланиш мулк ижарасига ўхшаб кетганлиги боис, унга нисбатан мулк ижарасига оид бир қатор қоидалар қўлланилади (ФК 617-моддасининг 2-қисми). Чунончи, шартноманинг объектлари, муддати, мол-мулкдан унинг вазифасига мувофиқ фойдаланилиши, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, шартнома муддати тамом бўлганидан кейин мулкдан фойдаланишни давом эттириш, мол-мулкни яхшилаш ҳақидаги қоидалар.

Шартноманинг предмети истеъмол қилинмайдиган ашёлар, яъни ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, мулкый комплекс сифатида корхоналар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва шу кабилар бўлиши мумкин.

## **2. Ссуда шартномаси бўйича тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ссуда шартномаси асосий хўжалик шартномаларидан бўлмаса-да, лекин айрим соҳаларда, масалан, маиший, маърифий соҳаларда, шунингдек, маҳалла аҳолиси ўртасида, кўни-қўшничиликда анча муҳим роль ўйнайди. Ссуда шартномасининг бу аҳамияти унда иштирок этишга томонлар ўртасида рағбатни оширади. Ссуда шартномаси бўйича фақат икки тараф субъект сифатида муносабатларга киришиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 617-моддасига мувофиқ, ссуда шартномасида тараф сифатида ссуда олувчи ва ссуда берувчи иштирок этиши мумкин.

Мол-мулкни текинга фойдаланишга мулк ҳуқуқи асосида муайян мол-мулки бўлган ҳар қандай шахс бериши мумкин. Шунингдек,

ФКнинг 618-моддасига биноан ашёни текин фойдаланишга бериш ҳуқуқига унинг мулкдори бўлмаган, лекин қонун ёки мулкдор томонидан ваколат берилган бошқа шахслар ҳам эга бўлади. Айтилган пайтда, тижорат ташкилоти ўз муассиси, иштирокчиси (акциядори), раҳбари, ўз бошқарув ёки назорат органларининг аъзоси бўлган шахсга ашёни текин фойдаланишга беришга ҳақли эмас (ФКнинг 618-моддаси 2-қисми). Ссуда шартномаси ссуда берувчининг манфаатларини кўзлаб тузилмайди, бинобарин, бу шартнома ижара шартномасидан фарқ қилган ҳолда, мулкдорнинг бирор манфаатларига жавоб бермайди ва мулкдорнинг ушбу шартномадан манфаат кўришига оид ҳуқуқлари бўлмасдан, фақат ссуда олувчининг манфаатларини кўзловчи мажбуриятларигагина мавжуддир. Чунинчи, ФКнинг 619-моддасига биноан, ссуда берувчи ашёни текин ҳамда вазифасига мувофиқ фойдаланиш шартларига жавоб берадиган ҳолатда барча мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топшириши шарт. Ушбу мажбурият ссуда берувчининг асосий мажбурияти бўлиб, бунда ссуда олувчининг манфаатлари кўзланган. Чунки ссуда олувчига зарур ашё топширилмаса, топширилса-да, у лозим даражада сифатли бўлмаса, бунда ссуда берувчи ФКнинг 620, 621-моддаларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади, яъни агар ссуда берувчи ашёни ссуда олувчига бермаса, ссуда олувчи шартномани бекор қилиш ва етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади (ФК 620-моддаси).

ФКнинг 621-моддасига мувофиқ, ссуда берувчи текин фойдаланиш шартномасини тузиш пайтида қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик билан ашёнинг камчиликларини айтиб қўймаган бўлса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Ссуда берувчи ашёни топшираётган пайтда унинг камчиликларини айтиб, зарур бўлса, шартномада кўрсатиб, топшириши лозим. Агарда айтиб топширмаган бўлса, ссуда берувчи айбининг даражаси, етказилган зарардаги ҳақиқий иштироки, яъни ҳиссаси унинг бу ҳаракатни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир қилганлиги билан белгиланади.

Бундай ҳолларда ссуда олувчи:

- 1) ашёдаги камчиликларни текин бартараф қилишни;
- 2) ашёнинг камчиликларини тузатиш учун қилинган харажатларни қоплашни;
- 3) шартномани муддатидан илгари бекор қилишни ва кўрилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Чунки ссуда

берувчи камчиликлари бор бўлган ашёни бериши оқибатида ссуда олувчининг манфаатларига катта зарар етади. Жумладан, у ссуда олиш натижасида кўриши мумкин бўлган фойдани ололмай қолиши, шартномадан нисбатан тўлиқроқ фойдаланиш учун бошқа шахслар билан тузган турли соҳадаги шартномалардан воз кечиши натижасида улар кўрган зарарларни тўлаши, шартнома борасидаги низо бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, суд, хўжалик судига мурожаат қилганида вужудга келадиган харажатлари натижасида катта маънавий ва моддий зарар кўриши мумкин. Бундай ҳолда ҳақиқий зарар деб ссуда олувчининг ололмай қолган фойдасидан ташқари, қилган барча харажатлари тушунилади ва у бу зарарни тўлиқ ҳолда қоплашни талаб қилиб, судда, хўжалик судида даъво қўзғатишга ҳақди. Бизга маълумки, шартноманинг реал ёки консенсуал характерда бўлиши тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларига боғлиқдир. Юқоридаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар консенсуал характердаги шартномаларда вужудга келади. Булардан ташқари, тарафлар яна бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бунда ҳам мажбуриятлар, асосан, ссуда берувчига тегишли бўлиб, бу мажбуриятларнинг у томонидан бажаришшаслиги ссуда олувчида маълум ҳуқуқларни вужудга келтиради.

Ашёни ссудага топширишда яна шундай ҳолат ҳам борки, бу ҳолат ссудага топширилаётган ашёга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ.

Учинчи шахслар жумласига меросхўрлар, ашё гаровга қўйилган бўлса, кредиторлар, сервитут ҳуқуқи бўйича мол-мулкнинг бир қисмидан фойдаланаётган бошқа шахслар ва шу кабилар киради. Фуқаролик қонунчилиги талабларига биноан ашёни, мол-мулкни текинга фойдаланишга топшириш унга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ашёни, мол-мулкни текин фойдаланишга топшираётганда ссуда берувчи ссуда олувчига мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи тўғрисида айтиб, топшириши лозим. Агарда ссуда берувчи томонидан бу ҳаракат ҳилинмаса, ашёдан фойдаланиш мобайнида унга нисбатан ушбу ҳуқуқпар мавжудлиги аниқланса ва бу ҳолат шартнома бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, бундай ҳолда ссуда берувчи жавобгар бўлади. Бунда ссуда олувчи ссуда берувчидан шартномани муддатидан илгари бекор қилишни ва кўрилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Юқоридаги ҳолатлар, асосан, ссуда олувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўзлаб ҳаракатда бўлади. Лекин шартноманинг текинга тузилиши унинг бир томонлама мажбури-

ятлар белгилаб тузилишини билдирмайди. Ссуда олувчининг ҳам мол-мулкни сақлаш бўйича бир қатор мажбуриятлари мавжуддир.

Хусусан, ФКнинг 623-моддаси мазмунига кўра, ссуда олувчи унга фойдаланиш учун топширилган ашёни нормал ҳолатда сақлаши шарт. Агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ссуда олувчи ашёни жорий ва капитал таъмирлаши, уни сақлаш бўйича харажатларни ўз ҳисобидан амалга ошириши лозим. Бу норма мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди ва шартнома бир томонлама характерда бўлишлигини инкор этади. Ашёни текинга фойдаланишга топшириш ссуда олувчида у юзасидан ҳамма ҳаракатларни амалга оширишга олиб келмайди. Ссуда олувчи унга топширилган ашёдан шартномада белгиланган шартларга мувофиқ, агар шартномада бу шартлар белгиланмаган бўлса, ашёнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга мажбурдир. Бу ҳолат ФКнинг 617-моддаси 2-қисмига биноан 545-моддага ҳавола қилинган бўлиб, бунда агар ссуда берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ссуда олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ссуда берувчи шартномани муддатидан илгари бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Келтирилган зарар ҳажмини аниқлашда фойдаланишга берилган мол-мулкнинг қиймати, аҳамияти, унга етказилган зарар миқдори, низо бўйича ссуда берувчининг қилган харажатлари ҳисобга олиниши, айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ссуда олувчининг яна бир мажбурияти ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиши хавфи остида жавобгарлик унинг зиммасида бўлишидир. ФКнинг 624-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда ушбу мажбурият бузилишда жавобгарлик ссуда олувчи зиммасида бўлиши кўрсатилган:

1) ашёдан шартномага ёки унинг вазифасига номувофиқ ҳолда фойдаланиши натижасида ушбу хавф туғилса ёки амалга оширилган бўлса;

2) ашёни ссуда берувчининг розилигисиз учинчи шахсга бериши туфайли юқоридаги ҳол содир бўлса;

3) гарчи ссуда олувчи ўз ашёсидан воз кечиб, ссудага берилган ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилишини бартараф қилиш имкониятига эга бўлса ҳам ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан бузилиш хавфи унинг зиммасида бўлади.



Биринчи қисмда кўрсатилган қоидалар мулкка нисбатан хўжасизликнинг олдини олишга қаратилган. Чунки шартнома ҳақ эвазига тузилмаганлиги учун ссуда олувчининг ашёдан қайтарзда ва тартибда фойдаланишидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолда ҳам фойда кўриш имконияти бўлганлиги сабабли, ссуда олувчи ашёдан ссуда берувчи манфаатларига зид ҳолда фойдаланиши хавфи анча реал ва амалиётда кўп учрайдиган ҳолдир. Шу маънода юқоридаги норма ушбу ҳолни бартараф қилишга қаратилган.

Иккинчи норма ссуда берувчининг ашё эгаси сифатида уни тасарруф этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

ФКнинг 164-моддаси, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup>нинг 1-моддаси 2-қисмига мувофиқ, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Шу Қонуннинг 1-моддаси 3-қисмида мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир, дейилади.

Агарда ссуда олувчи юқоридаги ҳаракатни бажарса, яъни мулкдор (ссуда берувчи) розилигисиз уни (ашёни) учинчи шахсга фойдаланишга берса, бунда мулкдорнинг юқорида санаб ўтилган мутлақ мулккий ҳуқуқларини бузган бўлади. Иккинчидан, шу ҳаракати натижасида ашё бузилса ёки нобуд бўлса, ссуда олувчи ссуда берувчига мулккий зарар етказди ва мулкдорнинг мулккий ҳуқуқларига жиддий путур етказди (ҳам мулккий, ҳам шахсий номулкий, яъни маънавий). Бу ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигини билдиради, чунки одатда шартнома тарафларнинг манфаатларига зид ҳолда тузилмайди. Бинобарин, ссуда олувчининг юқоридаги ҳаракатлари ссуда берувчининг манфаатларига зиддир ва бу ўз-ўзидан ссуда берувчида бир қатор ҳуқуқлар вужудга келтиради.

Юқоридагига мутаносиб равишда, қуйидаги ҳолларда ссуда берувчи ашёдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга етказилган зарар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади:

1) агарда зарар ссуда олувчи томонидан ёки бу ашё ссуда берувчининг розилиги билан кўлига тушиб қолган шахслар томонидан қасддан ёки кўпол эҳтиётсизлик туфайли етказилганлигини ссуда берувчи исботлай олмаса;

2) агар зарар ссуда берувчининг розилигисиз ссуда олувчи ихтиёридан чиқиб кетган ашёдан фойдаланиб етказилганлигини ссуда берувчи исбот қила олмаса.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон, 371-модда.

Юқоридаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ссуда берувчи ва ссуда олувчиниш ҳуқуқий мақомини белгилайди ва ссуда шартномасининг мазмунини очиб беради.

### **3. Шартноманинг бекор бўлиши.**

#### **Шартнома шартларини ўзгартириш тартиби**

ФКнинг 630-моддаси мазмунига кўра, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ссуда олувчи фуқаро вафот этган ёки ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда текин фойдаланиш шартномаси бекор бўлади.

Айни пайтда шартнома муддатидан илгари тугатилиши, бекор бўлиши ҳам мумкин.

ФКнинг 627-моддасида шартноманинг муддатидан илгари бекор бўлиш асослари келтирилган бўлиб, улар ссуда берувчининг талабига кўра, қуйидагилардир.

Агар ссуда олувчи:

1) ашёдан шартномага ёки ашёнинг вазифасига мувофиқ фойдаланмаса;

2) ашёни соз ҳолда сақлаш ва уни асраш мажбуриятини бажармаса;

3) ашёнинг ҳолатини анча ёмонлаштиради;

4) ссуда берувчининг розилигисиз ашёни учинчи шахсга берган бўлса.

Ушбу асослар бўйича ссуда берувчи шартномани муддатидан илгари бекор этишни талаб қилиши мумкин.

Ашёдан шартномага ёки ашёнинг вазифасига мувофиқ фойдаланилмаслига деганда, ашёдан фойдаланиш тартиби ва қоидаларига, ундан тайинланиш мақсадларига риоя қилмаган ёки зид равишда фойдаланиш тушунилади. Бундай фойдаланиш натижасида ашё бузилади ёки бузилиш хавфи вужудга келади.

Ссуда олувчи ашёни нормал ейилишини ҳисобга олган ҳолда соз сақлаши ва уни зарарли таъсирдан ёки тажовуздан асраши лозим. Ссуда олувчининг ушбу мажбуриятни бажармаслиги ссуда берувчининг мулкӣ ҳуқуқларига путур еткази ва бу унга моддий зарар келтириши мумкин.

Ашёнинг ҳолати анча ёмонлаштирилиши ашёдан фойдаланиш даврида уни капитал таъмирламаслик, жорий таъмирламаслик ва ташқи зарарли таъсирдан асрамаслик натижасида келиб чиқадиган

салбий ҳолат бўлиб, бу ерда ашёнинг нормал ейилиши, дастлабки ҳолати эътиборга олиниб, баҳо берилади.

Ссуда берувчи шартнома муносабатларида ашёнинг мулкдори сифатида қатнашиб, унинг эгалик ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Ссуда олувчининг ашёни ссуда берувчи розилигисиз учинчи шахсларга бериши, юқорида айтганимиздек, ссуда берувчининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида белгиланган ҳуқуқлари бузилишига олиб келади ва унда ФКнинг 231-моддасида белгиланган тартибда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, айти пайтда, шартномани муддатидан илгари бекор қилиш йўли билан ўз ҳуқуқлари бузилишини бартараф қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Ссуда олувчи ҳам шартномани қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари бекор қилишни талаб этишга ҳақлидир:

1) ашёдан нормал фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ёки қийинлаштирадиган нуқсонларни аниқлаган ва бу нуқсонлар ҳақида шартнома тузилаётганида билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган тақдирда;

2) агар ашё унинг айбисиз фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса;

3) шартнома тузилаётган вақтда у ссуда берувчи томонидан ашёга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса;

4) ссуда берувчи ашёдан фойдаланишда зарур бўладиган мансуб ашёларни ва тегишли ҳужжатларни бериш мажбуриятини бажармаган бўлса.

Ҳар икки тарафнинг ссуда шартномасини бекор қилишга бўлган талаби ўзаро низони тинч йўл билан ҳал қилиш орқали ёки шартномани бекор қилиб беришни сўраб судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

Худди шунингдек, шартнома шартларини ўзгартириш масаласи ҳам тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш тартиби ФКнинг 384-моддасида белгилаб қўйилганидек, агар қонун ҳужжатларида, шартномада ёки иш муомаласи одатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, шундай шаклда ўзгартирилади. Ссуда шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади, чунки амалиётда ссуда шартномаси кўп ҳолларда юридик шахслар ўртасида ёки юридик шахслар билан фуқаролар ўртасида вужудга келади. Шу сабабли шартномага ўзгартириш киритиш ҳам ёзма шаклда бўлади. Тарафлар томонидан

ваколат берилган икки вакил шартномани ўзгартираётганда, шартнома матнини қўшимча ва ўзгартиришлар билан янғидан тузиб, тасдиқлаши ёки шартномага ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида янга келишув тузиб, уни шартномага илова қилишлари мумкин. Ўзгартиришлар тўғрисидаги ҳужжатларни тарафлар ўз имзолари ва мухрлари билан тасдиқлашлари зарур.

Агарда ушбу масала тарафлар ўртасида ўзаро келишув билан ҳал этилиши мумкин бўлмаса, яъни тарафлардан бири шартнома шартларини ўзгартиришни рад этса ё таклифни қонунда ёки шартномада кўрсатилган муддат ичида асоссиз жавобсиз қолдирса, манфаатдор тараф шартномани ўзгартириш талабини судга такдим этишга ҳақли.

Шунингдек, қонунчилик баъзан шартномадан муддатидан илгари воз кечишни ҳам нормалайди. ФКнинг 617-моддаси ушбу ҳолатни 540-моддага ҳавола қилади. Ушбу моддага ва 628-модданинг талабларига кўра, қуйидаги ҳолларда шартномадан воз кечилиши мумкин:

1) шартномада ашёдан текин фойдаланиш муддати белгиланмаган ва бу ҳаққа хабар қилишнинг бошқа муддати назарда тутилмаган бўлса, ҳар қайси тараф иккинчи тарафни бир ой олдин (кўчмас мулклар бўйича 3 ой) хабардор қилиб, шартномадан хоҳлаган пайтда;

2) шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ссуда олувчи муддати кўрсатиб тузилган шартномадан ссуда берувчини бир ой олдин (кўчмас мулклар бўйича 3 ой) хабардор қилиб, шартномадан хоҳлаган пайтда воз кечиши мумкин. Мазкур ҳуқуқ текин фойдаланиш шартномаси ссуда олувчига нисбатан манфаатлар белгиланганлиги учун ҳам унга тегишлидир.

Воз кечиш шартномаларни бекор қилишнинг бир шакли бўлиб, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тугатилишига олиб келади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

2. Ссуда шартномаси бўйича тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Шартномани муддатидан олдин бекор бўлиш асослари.

4. Шартнома шартларини ўзгартириш ва тугатиш тартиби.

## **37-БОБ.**

### **1 §. Пудрат тўғрисида умумий қоидалар**

#### **1. Пудрат шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Пудрат шартномаси бозор иқтисодиёти шароитида кўп учрайдиган ҳамда кишиларнинг турмуш ҳаётида жуда кўп қўлланиладиган шартномалардан бири ҳисобланади. Пудрат шартномаси тузиш орқали ишлаб чиқариш техникасига оид техника воситаларини тайёрлаш, ясаб бериш, уй-жойлар, бинолар, иншоотлар қуриб бериш, қайта тиклаш, таъмирлаш, лойиҳалаш, қидирув ишлари, илмий-тадқиқот ишлари, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш каби муносабатлар вужудга келади.

Пудрат муносабатлари турли даврларда аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондиришнинг асосий воситаси ҳисобланган. Бу шартнома тури ҳар қандай “изм”ларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча турли норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинган ва такомиллаштирилиб борилган. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ пудрат ишларини бажариш иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида ички ва ташқи сиёсатнинг асосий меъзонларидан бирига айланган десак муболаға бўлмайди. Шу сабаб ҳам бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида пудрат ишларини бажариш ҳаётини заруратга айланиб бормоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пудрат муносабатлари кеча пайдо бўлган муносабат эмас. Мазкур шартнома тури қадимги рим ҳуқуқи давриданоқ бизга маълум. Аниқроқ фикрни изоҳлайдиган бўлсак, рим ҳуқуқи цивилистлари ҳам пудрат муносабатларини, унинг вужудга келиш асосларини, муносабатни тартибга солиш усули ва воситаларини, низоларни бартараф этиш масалаларини илмий ва амалий тадқиқ этишга ҳаракат қилишган ҳамда у даврда амалда бўлган турли норматив-ҳужжатлар орқали тартибга солишга ҳаракат қилишган. Пудрат шартномаси (*locatio-conductio operis*) рим ҳуқуқида ашёларни, ишлар ва хизматларни ижарага бериш шартномаси (*locatio-conductio*) нинг бир тури сифатида қаралган<sup>1</sup>. О.С.Иоффе ва Е.А.Сухановларнинг таъкидлашларича рим ҳуқуқида ижаранинг уч кўриниши бўлган. Улар нарсаларни ижарага бериш, хизматларни

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.2. под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект. 2005.-358 б.

ижарага бериш ва ишларни ижарага олиш. Қонунчилик тизимида нарсаларни ижарага олиш яхши ривожланган. Хизмат кўрсатиш ва ишлар бажариш шартномаларининг ўхшаш томонлари бўлганлиги сабабли, бир-биридан предмети билан фарқланган<sup>1</sup>.

М.И.Брагинский ушбу ҳолат ҳақида фикр юритар экан, турли хил иш ва хизматларга эҳтиёжни қондиришнинг асосий усули қуларнинг ҳаракати шартномаларнинг бундай бирлашувига асос бўлган. Агар иш бажариш учун қул ёлланган бўлса, ашёларни ижарага бериш шартномаси тузилган, агар ижрочи эркин рим фуқароси бўлса, у ҳолда пудрат ёки хизматлар ижараси шартномаси тузилган. Лекин хизматлар ижараси ва пудрат шартномалари бир-биридан ажратилган. Булар орасидаги фарқ пудрат шартномаси бўйича ҳар доим маълум иқтисодий натижа (opus) га эришилган, хизматлар ижарасида эса бундай натижа келиб чиқмаслиги билан белгиланган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб пудратчи ишининг бажарилиши маълум бир натижага эришишни кўзда тутган. Масалан, ашёларни ишлаб чиқариш, унинг таъмирланиши, унинг истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши ёки ўзгариши ёхуд ижрочидан аниқ ашёвий ёки моддий натижани олишга йўналган.

Хозирги кунда пудрат муносабатлари алоҳида шартнома тури сифатида ҳуқуқий асослари ва назарий жиҳатлари яхши ишланган. Бу шартнома алоҳида шартнома тури сифатида фуқаролик қонунчилигида махсус нормалар билан тартибга солинади. Пудрат шартномаси муносабатлари махсус қонунлар – ФКнинг 37-боби (Пудрат тўғрисида умумий қоидалар (631-655-моддалар), маиший пудрат (656-665-моддалар), қурилиш пудрати (666-685-моддалар), лойиха ва қидирув ишлари пудрати (686-692-моддалар), илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномалари (693-702-моддалар)), Шаҳарсозлик кодекси (масалан, ШКнинг 16-моддаси объектлар қурилиши бўйича пудратчиларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради)<sup>3</sup>, Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун<sup>4</sup> ва бошқа қонунлар билан тартибга солиниши билан бирга қонун ости ҳужжатлари асосида ҳам ҳуқуқий тартибга солинади.

Жумладан, “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекис-

<sup>1</sup> Гражданское право. –М. Бек. 1993. -264 б., Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: Юр.лит. 1975. -488 б.

<sup>2</sup> Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. –М.: 1999, -10 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси. –Т.: Адолат. 2004.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001. №1-2. -21-модда.

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003 йилги 395-сонли Қарори, 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2000 йил 13 апрелдаги “Капитал қурилишни бошқариш тузилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 144-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори<sup>2</sup>, 2000 йил 5 августдаги “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 305-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори<sup>3</sup>, “Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.1999 йилги 135-сонли Қарори, “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғриси”да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.09.1997 йил 446-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисод стат вазирлиги ва Давархитектқурилиш қарори билан Тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 26.05.2001 йил 1035-сон билан рўйхатга олинган “Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>4</sup> ва бошқалар.

Пудрат шартномаси бўйича шахсларнинг меҳнат натижалари товар топшириш ёки хизмат кўрсатиш эмас, муайян ишни бажаришга қаратилган бўлади. Пудрат шартномаси орқали бир неча турдаги ишлар бажарилади. Айнан мана шу бажариладиган ишлар пудрат шартномасининг предмети ҳисобланади. Пудрат шартномасига маиший таъминлаш, муайян объектни қуриш ва таъмирлаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. №9-10. 69-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2000. апрел.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. №3 38-модда.

<sup>4</sup> Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан., 2001., N 9-10

лойиҳалаш ва режалаштириш, илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ва тажриба ишлари киради.

Пудрат шартномаси тушунчаси ФКнинг 631-моддасида берилган. Пудрат шартномаси деб пудратчи ҳисобланган бир тарафнинг буюртмачи (иккинчи тараф) топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиш билан боғлиқ шартномага айтилади.

Пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)га, агар ФКнинг бундай турдаги шартномалар тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Пудрат шартномасини бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фарқлаш лозим.

Пудрат шартномавий муносабати мол-мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган шартномалар (олди-сотди (чакана олди-сотди, маҳсулотни етказиб бериш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти, контрактация, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, уй-жой биноларини (квартираларни) сотиш, корхонани сотиш), шунингдек айрибошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш)<sup>1</sup> дан фарқи шу билан белгиланадики, пудрат муносабатлари муайян ишни бажариш ва унинг натижасини топшириш билан боғлиқ бўлса, мол-мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномавий муносабатларда мулк тайёрлаш, бажариш қайта таъмирлаш мутлақо аҳамиятсиз бўлиб, келишувга асосан кредиторга мулк топширилишининг ўзи кифоя бўлади. Шунингдек, пудрат шартномасининг предмети пудратчи меҳнатининг ижобий натижаси ҳисобланиб, у буюртмачининг топшириғига асосланади ва буюртма асосида яратилади.

Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган шартнома (масалан, ҳақ эвазига амалга ошириладиган турли хил, шунингдек юридик хизматлар, турли хил транспорт воситаларида йўловчи, багаж ва юк ташиш, транспорт экспедицияси, омонат сақ-

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2005. Б. 18-19.



лаш, молиявий хизматлар (суғурта, қарз ва кредит) репититорлик, сайёҳлик хизмати шартномалари)ларнинг предмети моддий (пудрат шартномаси каби) кўринишда бўлмасдан, хизмат кўрсатиш шартномаларининг натижаси одатда, ғоявий, номоддий кўринишда бўлади.

Пудрат шартномаси меҳнат шартномаларидан ҳам фарқланади. Мазкур фарқ муносабат субъектларида, объектларида ҳамда муносабатнинг вужудга келиш асосида кўринади. Меҳнат муносабатларида тузиладиган меҳнат шартномаларининг тарафлари иш берувчи ҳамда ходим ҳисобланиб, топшириқни бажарувчи хизматчи-ходим фақатгина жисмоний шахс ҳисобланади. Пудрат шартномасида эса пудратчи фуқаролар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Меҳнат шартномаси объекти ходимнинг меҳнат фаолияти ҳисобланса, пудрат шартномасида эса пудратчининг меҳнат натижаси ҳисобланади. Меҳнат шартномасида ходим ташкилотга қўшилган ҳолда у белгилаган ички тартиб қоидаларга бойсунган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга оширса, пудрат шартномасида пудратчи ўз фаолиятини ўзи мустақил белгилайди ва иш натижаси юзасидан бутун масъулиятни зиммасига олган ҳолда нуқсонли ишнинг оқибати фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан яқунланишини эътиборга олиб, фаолият юритади.

Шунингдек, меҳнат шартномаси меҳнат муносабатларидан келиб чиқса, пудрат шартномаси фуқаролик ҳуқуқий муносабатни юзга келтиради. Меҳнат шартномаси шартларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига асосланган ҳолда интизомий жавобгарликка тортилса, пудрат шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий моддий жавобгарликка тортилади.

Меҳнат шартномаси бўйича уйда иш бажарадиган ходимнинг меҳнати билан пудрат шартномаси бир-бирига ўхшаб кетса-да, лекин улар фарқланади. Уйда иш бажарувчи аниқ бир буюртмани ишхонадан олиб уйда бажариб беради. Лекин гарчи у корхона меҳнат тартиб қоидаларидан йироқда бўлса-да корxonанинг ишчиси ҳисобланади ва унга нисбатан ижтимоий кафолатлар қўлланилади.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон Қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида»ги Низомга асосан касаначилик фаолияти ри-

вожланмоқда. Касаначиликнинг пудрат муносабатларидан фарқи ҳам юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб белгиланади. Касаначилик бу – тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ 16 ёшдаги ёки ундан катта ёшдаги жисмоний шахс (касаначи) нинг яшаш жойи бўйича ёки унга ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга ошираладиган иш – меҳнат фаолиятидир. Корхона билан меҳнат шартномасини имзолаган касаначига корхонаасбоб-ускуналар, жихозлар, хом ашё ва материаллар етказиб беради. Корхонада ишлаётган ходим билан касаначининг мақоми тенглашади. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий муҳофазалаш, ижтимоий суғурталаш масалалари ҳал қилинади ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилади. Демак касаначилик пудрат шартномасидан фарқли равишда меҳнат муносабатларини вужудга келиши учун асос бўлади.

Шунингдек меҳнат муносабатларида ходим иш берувчига бойсунади, касаначи ҳам буюртмачи билан меҳнат муносабатлари орқали боғлиқ бўлганлиги ва фақатгина унинг буюртмаси орқали меҳнат қилишини назарда тутсак унга нисбатан ҳам “иш берувчига бўйсунди” иборасини қўлласак бўлаверади. Ходим иш берувчи буюрган ишни яқунлагандан сўнг ҳам иш берувчи билан муносабатда қолаверади. Пудрат шартномасида эса пудратчи буюртмачига бўйсунмайди ва ундан алоҳида унинг буюртмасини бажаргандан сўнг у билан муносабатлари тугайди.

Пудрат шартномаси билан тузиладиган мажбуриятларнинг конститутив белгилари қуйидагилардан иборат:

-пудратчи буюртмачининг топшириғи бўйича буюртмачининг у ёки бу индивидуал топшириқларини қондириш мақсадида ишни бажаради;

-пудратчи янги ашёни яратиш ёки қайта тиклаш, яхшилаш, мавжуд бўлган ашёни ўзгартириш каби натижага эга бўлган белгиланган ишни бажаришга мажбуриятини олади;

-пудрат шартномаси бўйича яратилган ашё то буюртмачи бажарилган ишни қабул қилгунга қадар пудратчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади;

-пудратчи шартномага асосланган натижага эришиш усул ва воситаларини мустақил танлаш ҳуқуқига эга (шартномада ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

-пудратчи ишни бажариш жараёнида унинг натижасига нисбатан таваккалчилик қилади.

Пудрат шартномасининг ҳуқуқий белгилари куйидагилардан иборат:

Пудрат шартномаси *икки томонлама* шартнома ҳисобланади. Чунки, пудрат шартномасида шартнома тарафларининг ҳар бирида ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд. Пудратчида шартномада белгиланган ишни бажариш мажбуриятини ва бажарилган иш ҳақини талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса, буюртмачи шартномада белгиланган, бажарилган иш учун ҳақ тўлаш мажбурияти ва ишни бажаришни талаб қили ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Пудрат шартномаси *консенсуал* шартнома ҳисобланади. Чунки, шартнома тарафлар ўртасида келишувга эришилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва шу пайтдан бошлаб кучга киради.

Пудрат шартномаси *ҳақ бараварига* тузиладиган шартномалар туркумига киради. Пудрат шартномасида буюртмачи пудратчи томонидан амалга оширилган ишлар учун шартномада белгиланган ҳақни тўлаши лозим бўлади. Бажарилган ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Тарафларнинг келишувига кўра, пудратчи томонидан бажариладиган ишлар пудрат шартномасининг предмети ҳисобланади. Пудрат шартномаси бўйича бажариладиган иш маълум бир ашёни тайёрлаш, масалан, ишлаб чиқариш техникасига оид бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича олиши мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ясатиб олиш, фуқароларнинг маиший эҳтиёжлари учун буюмлар тайёрлаб бериш ёки ашёларни қайта ишлаб, таъмирлаб, хом ашёга қайта ишлов бериш ёхуд бошқача тартибда ишни бажариб, буюртмачига топшириш ё буюртмачининг топшириғига мувофиқ, унинг томонидан кўрсатилган, вакил қилинган шахсларга топширишдан иборат ҳисобланади.

## **2. Пудрат шартномасида тарафлар.**

Пудрат шартномасида икки тараф – пудратчи ва буюртмачи иштирок этади. Пудратчи – ишни бажарувчи, буюртмачи эса – иш бўйича топшириқ берувчи ҳисобланади. Шунингдек шартномада пудратчи томонидан ёрдамчи пудратчи иштирок этади. Пудрат шартномасида ҳам буюртмачи ҳам пудратчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлганлиги сабабли бир пайтнинг ўзида ҳар икки тараф ҳам кредитор ҳам қарздор сифатида мажбурият муносабатларида қатнашади.

Пудрат ҳуқуқий муносабат тарафлари (субъектлари) сифатида муомала лаёқатига эга фуқаролар, ҳуқуқий ҳолати бўйича ўз номидан

мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўладиган ва уларни амалга ошириш имкониятга эга бўлган юридик шахслар ва алоҳида тарзда ўз ваколати доирасида давлат ҳам иштирок этади. Демак, пудратчи ёки буюртмачи бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ўз лаёқатлари доирасида шартномавий муносабатга киришишлари мумкин. Давлат корхоналари агар таъсис ҳужжатларида белгиланган бўлсагина пудратчи бўлиб иштирок этиши мумкин.

### **Буюртмачи.**

Маълум бир ашёни тайёрлаш, ишлаб чиқариш техникасига оид бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича олиши мумкин бўлмаган асбоб-ускуналар ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ясатиб олиш, маиший эҳтиёж учун буюмлар тайёрлаш, ашёларни қайта ишлаш ҳамда таъмирлаш, хом ашёга қайта ишлов бериш каби бир қатор топшириқларни берувчи шахс буюртмачи ҳисобланади.

Буюртмачи фуқаро бўлган тақдирда, у истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланади. Агар у якка тадбиркор ёки юридик шахс ёхуд давлат ва унинг органлари бўлса бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди.

Пудрат шартномасида агар фуқаро иш натижасидан фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун буюртма берса у истеъмолчи мақомига эга бўлади. Истеъмолчи деб, бундай муносабатларда, иш натижасидан шахсий, оилавий, уй-рўзғор ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган, яъни фойда олишни мақсад қилиб қўймаган ҳолда фойдаланаётган жисмоний шахс – фуқаро тушунилади. Ҳозирги кунда аҳолига ишлар ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланиб бормоқда. Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда истеъмолчи асосий ўринни эгаллайди, чунки барча иш ва хизмат унинг истеъмолчисига, яъни буюртмачисига қаратилади. Бу муносабатлар бозорида жуда шиддатли “кураш” кетади<sup>1</sup>.

Агар буюртмачи якка тадбиркор ёки юридик шахс ва давлат бўлса ФК ва амалдаги қонун ҳужжатларига асосан буюртмачи мақоми қўлга киритади. Буюртмачи иш натижасидан манфаатдор шахс. Шу сабабли айрим ҳолларда ўзи топшириғи асосида айрим ҳолларда эса пудратчининг касбий маҳоратига таяниб муайян ишни бажариш бўйича топшириқ беради.

---

<sup>1</sup> Бабаев Ж.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. дисс. ю.ф.н. –Т.: 2005.

Кўпинча буюртмачи мутахасиси бўлмаганлиги сабабли пудратчига ишонч билдиради. Буюртмачи – истеъмолчи бўлган ҳолларда айниқса “мутахассис бўлмаганлик” қондаси кўп қўлланилади. Иш натижасидан қоникмаслик, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини паймол этилиш ҳоллари “истеъмолчи ҳамиша ҳақ” қондасидан келиб чиқиб низони ҳал қилишга имкон яратади.

Давлат ва унинг органлари буюртмачи бўлган ҳоллар айрим алоҳида ҳуқуқий тартиботни юзага келтиради. Давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий вазифаларини ҳал қилиш ва амалга ошириш учун муайян ишларга нисбатан эҳтиёж сезади. Лекин давлат ўз эҳтиёжларини бозор муносабатлари қонуниятларига таянган ҳолда маъмурий буйруқбозликдан воз кечиб, пудратчини танлов асосида танлаб, унинг имкониятларини ўрганган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга пудратчи билан тенг ҳуқуқли тараф сифатида муносабатга киришади. Давлат ўз буюртмаларини тендерлар, танлов савдолари ўтказиш орқали пудратчиларга бермоқда. Давлатнинг мамлакат ички муносабатидаги ўзига хос иштироки, илгари мавжуд бўлган объектларни янгилаш, таъмирлаш, кенгайтириш, янги замонавий бинолар, иншоотлар қуриш, лойиха-қидирув ишларини амалга ошириш зарурати ҳозир ҳам давлат эҳтиёжлари учун буюртмалар бериш давом этаётганлигини, бозор иқтисодиёти қарор топиб бўлса-да бундай давлат эҳтиёжларини муайян пудрат ишларини бажариш орқали қондирилишини билдиради.

Шунингдек, Уй-жой кодексининг 137-моддасига асосан уй-жой фондини бошқарувчи ташкилотлар уй-жой фондини қараш ва таъмирлаш, истеъмолчиларни коммунал хизматлар билан таъминлаш юзасидан пудратчилар билан тузиладиган шартномалар бўйича барча ишларни амалга оширишда буюртмачи вазифасини бажаради. Бундай буюртмачи ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатлар доираси Уй-жой кодексининг тегишли нормалари билан тартибга солинади.

### **Пудратчи.**

Шартномада келишилган буюртмани бажариш учун мажбурият олган шахс пудратчи ҳисобланади. Одатда шартномада белгиланган ишни пудратчининг ўзи бажариши лозим. Агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пуд-

ратчи бош пудратчи жалб қилинган учинчи бир шахс ёрдамчи пудратчи ҳисобланади.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчиникелишилган шартнома бўйича ишни бажариш билан боғлиқ зарур материаллар билан таъминлаш мажбуриятини олади. Ишни бажариш муддати бош пудратчи билан ёрдамчи пудратчининг келишувчига асосан белгиланади. Лекин бу муддат асосий пудрат шартномасида буюртмачи билан келишилган муддатдан кўп бўлиши мумкин эмас. Ёрдамчи пудратчи муддат ва келишилган ишни бажариш усул ва воситаларига шартнома шартларига қатъий риоя этиши шарт. Ёрдамчи пудратчига ишни бажариш усулини ўзи белгилаш имкони берилган ҳоллар бундан мустасно.

Бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

ФКнинг 634-моддасининг биринчи қисмидаги қоидаларни ёки пудрат шартномасини бузиб, шартномани бажариш учун ёрдамчи пудратчини жалб қилган пудратчи ушбу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, етказган зарар учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда бевосита буюртмачи олдида мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланадилар. Бош пудратчи ишнинг бир қисмини бажарган бошқа шахслар билан иш бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатда бўлмайди. Шу туфайли бош пудратчи бошқа шахслар ишни нуқсонли бажарганликлари учун буюртмачи олдида жавобгар бўлмайди. Аксинча учинчи шахслар буюртмачи олдида бундай ҳолат учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

### **3. Пудрат бўйича бажариладиган ишлар**

Пудрат шартномаси ишни бажариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар туркумига кирганлиги са-

бабли унинг предмети моддий кўринишга эга бўлган ашёни яратиш ёки таъмирлашга қаратилади.

ФКнинг 632-моддасига асосан пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилади.

Агар буюртмачи берган материалдан фойдаланган ҳолда ишни бажариш шартномада назарда тутилган бўлса пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш туганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдиғини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт.

Пудратчи буюртмачи берган материални тегишли сурада қабул қилиб олаётганида ундаги камчиликларни аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сақланмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачининг топшириғини бажариш усуллари пудратчи мустақил белгилайди.

Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

Пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар

билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Агар қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Пудратчи белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бирмунча юқори талабларга жавоб берадиган ишни бажариши пудрат шартномаси асосида ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчи буюртмачига ишнинг сифатига кафолат бериши назарда тутилган бўлса, пудратчи бутун кафолат муддати давомида ФК 647-моддасининг биринчи қисми талабларига мос келадиган иш натижаларини буюртмачига топшириши шарт. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишлар натижасининг сифатига берилган кафолат ишнинг натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади.

### **Ишнинг бажариш муддати ва баҳоси**

Пудрат шартномасининг муҳим шартларидан бири унинг муддатидир. Пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги муддатлари кўрсатилади. Аксарият ҳолларда шартномада ишнинг якунлаш қисми кўрсатилади. Пудратчи мазкур муддатдан келиб чиқиб ишни ўзига режалаштириб олади. Аммо тарафлар келишуви асосида, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин. Бу оралиқ муддатлар пудратчининг мўйаян ишнинг маълум бир қисмини бажариш ва уни топшириши билан боғлиқ бўлади. Пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охириги ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик жавобгардир. Айрим ҳолларда шартномада белгиланган охириги муддатда иш натижаси буюртмачи лозим даражада топширилса, оралиқ муддатда юзага келган жавобгарликдан озод этилади.



Тарафлар келишувисиз шартнома муддатини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Муддатларни ўзгартириш ўзаро келишувга кўра шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Пудрат шартномасида бажариладиган ишнинг баҳоси ёки уни аниқлаш усуллари кўрсатилади. Пудрат шартномасида баҳо назарда тутилмаган бўлса шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши лозим бўлади.

Пудрат шартномасидаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига олади. Пудратчининг чиқимлари иш натижасини яратиш учун буюртмачи бирор материал бермаганлик натижасида пудратчи томонидан ишни бажариш учун қилган сарф харажатлари киради. Масалан, пояфзални таъмирлашда уста томонидан ишлатилган ямаш, тикиш учун материаллар, мих қоқиши, елимлаши натижасида уларнинг қийматини ўз-ўзидан пудрат қийматига киритиб юборади. Иш бажарганлик учун тўланган ҳақ пудратчининг меҳнатида рағбатлантириш ҳисобланади. Бу иккиси бир бўлиб шартнома баҳосини ташкил этади. Айрим ҳолларда пудратчининг чиқимларисиз ҳам шартноманинг баҳоси белгиланиши мумкин. Бунда буюртмачи пудратчини барча материаллар билан таъминлаши лозим бўлади.

Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади.

Ишнинг баҳоси (смета) тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) қатъий ҳисобланади.

Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантир-

маган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, қоида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан тақдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Бу ҳолатлар вазиятнинг жиддий ўзгариши ҳисобланади. Пудрат шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартнома баҳосини (сметани) ўзгартириш мумкин. Бу ҳолатлар юз берса ФКнинг 383-моддаси талабларидан келиб чиқиб, пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюртмачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, қуйидаги ҳолларда шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин:

1) пудрат шартномасини тузиш пайтида тарафлар иш учун кетадиган материалларнинг нарх-навосида бу даражада ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф (пудратчи, буюртмачи) пудрат шартномасининг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) пудрат шартномасини унинг баҳо ҳақидаги шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкӣ манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Баҳо борасида вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида пудрат шартномаси бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади. Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

Айрим ҳолларда пудратчи ишни бажариш жараёнида қўшимча ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлиб қолади. Шу сабаб ишнинг тахминий баҳоси шу нуқтаи назарда ошиши мумкин. Агар бу баҳонинг ошиш эҳтимоли юзага келса буюртмачини дарҳол огоҳлантириши шарт бўлади. Тахминий сметани ошириш тўғрисидаги огоҳлантиришга буюртмачи рози бўлмаса, у ҳолда пудратчи шартномадан воз кечишга ҳақли. Бу ҳолатда пудратчи агар ишнинг маълум бир қисми бажарилган бўлса, шу қисмининг баҳосини мутаносиб равишда буюртмачидан талаб қилишга ҳақли. Агар смета қийматининг оширилиши пудратчининг айби билан боғлиқ бўлса, буюртмачи сметадан ортиқча сарфланган харажатларни тўламаган ҳолда мажбуриятни бажарилишини пудратчидан талаб қилиши мумкин.

Агар сметани ошириш ҳақида буюртмачи ўз вақтида огоҳлантирилмаса пудратчи сметадан ортиқча харажатларни ўз ҳисобига ўтказиб, шартнома бўйича олинган мажбуриятни бажаришга мажбур. Лекин у шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Натижада у қилган қўшимча меҳнат учун буюртмачидан ҳақ ундириб олиш имкониятини йўқотади. Пудрат шартномасида қатъий смета ўзгартирилиши мумкин эмас.

Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти буюртмачи пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун пудрат шартномасида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Пудрат шартномасида пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилиши мумкин.

Агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт. Пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закат берилишини талаб қилишга ҳақли.

Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга, бу пудратчининг буюртмачи ўз мажбуриятини бажариши учун қилган таъминлаш усули ҳисобланади.

#### **4. Пудрат шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Пудратчи буюртмачининг топшириғига асосан муайян ишларни амалга ошириш бўйича шартнома тузар экан, унинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари буюртмачи топшириғига асосан ишни бажариш ва унинг ҳақини талаб қилиб олиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

ФКнинг 632-моддаси талабларидан келиб чиқиб, буюртма пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилиши назарда тутилган бўлса шартнома баҳосини пудратчи сарфлаётган маблағларни қўшган ҳолда шакллантиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Вазият тақозоси билан ишни бажаришда қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини (тахминий сметани) анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин.

Буюртмачини пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) ошириш зарурлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантир-

маган пудратчи иш учун шартномада кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда шартномани бажариши шарт.

Пудратчи, қоида тариқасида, қатъий баҳо (қатъий смета)ни оширишни, буюртмачи эса уни камайтиришни талаб қилишга, шу жумладан бажарилиши керак бўлган ишнинг тўла ҳажмини ёки бунинг учун зарур харажатларни пудрат шартномаси тузилаётган пайтда назарда тутиш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам, ҳақли эмас.

Пудратчи томонидан тақдим қилиниши керак бўлган материаллар ва ускуналар, шунингдек учинчи шахслар томонидан унга кўрсатиладиган хизматлар баҳоси анча ошган ва буни шартнома тузиш вақтида назарда тутиш мумкин бўлмаган ҳолларда пудратчи белгиланган иш баҳосини (сметани) оширишни талаб қилишга, буюртмачи бу талабни бажаришдан бош тортган тақдирда эса, шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 644-моддаси талабларига мувофиқ, буюртмачи пудрат шартномаси бўйича ўзининг муқобил мажбуриятларини бажармаганлиги, хусусан материал, ускуналар, техник ҳужжатларни ёки қайта ишланиши (ишлов берилиши) керак бўлган ашёни бермаганлиги пудратчининг шартномани бажаришига тўсқинлик қилган ҳолларда, шунингдек мазкур мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида пудратчи ишга киришмасликка, бошланган ишни эса тўхтатиб қўйишга ҳақли. Масалан, ганчкор керакли сифатдаги маҳсулотни талаб қилганда буюртмачининг ўз вақтида олиб келмаслиги ёки бошқа сифатдаги маҳсулотни олиб келганлиги ишнинг сифатига, амалга оширилиш муддатига таъсир этиши мумкин. Чунки бошқа сифатли ганч маҳсулоти тез қатмаслиги ёки бошқа хусусиятга эга бўлиб, ганч ишида ишлатилмаслиги мумкин. Шу сабабли ганчкор келишилган ганч маҳсулоти келгунча ишни тўхтатиб туриши ёки муддат ўтиб кетаётганлигини, буюртмачининг эътиборсизлигини важ қилиб шартномани бекор қилишга ҳақли бўлади.

Агар буюртмачи пудратчининг ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти буюртмачи пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этганлигини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун пудрат шартномасида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Пудрат шартномасида пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилиши мумкин.

Пудратчи қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва миқдордагина ўзига бўнак ёки закат берилишини талаб қилишга ҳақли. Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни мажбуриятни бажарилишини таъминлаш мақсадида ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Бу орқали пудратчи буюртмачининг ўзига юклатилган суммани тўлинишини ўз вақтида амалга оширилишига эришади.

Шунингдек, агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачининг топшириғини бажариш усуллари пудратчи мустақил белгилайди. Бу ерда ишнинг ўзига хос усулини танлаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда пудратчи ишни тез, сифатли, тежамли асосда бажариш йўлларини ўйлаб топишга ҳақли. Бу ерда асосан пудратчининг маҳорати, тажрибаси ўзига хос ишни бажариш усулини танлаш имконини беради.

Кўп ҳолларда ишнинг бажариш муддати, иш сифати, бажариш имконияти пудратчининг ёрдамчи кўмагига муҳтож қилиб қўйиши мумкин. Пудрат шартномаси шахсий характерда бўлган ҳолларда бундай ёрдамчилар кўмагидан фойдаланмаслик, ишни фақат пудратчининг ўзи бажариши шартлиги белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, косибнинг маҳоратини эшитиб келган мижоз, ишни фақат ушбу уста бажаришини талаб қилиши мумкин. Бу ҳолда пудрат шахсий характерга эга бўлади. Пудрат шартномасини бузиб, шартномани бажариш учун ёрдамчи пудратчини жалб қилган пудратчи ушбу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, етказган зарар учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисмини бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар.

ФКнинг 640-моддасига асосан пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугаганидан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши, шунингдек унинг қолдиғини қайтариб бериши ёхуд ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши шарт. ФКнинг 653-моддасига асосан, агар шартномада назарда тутилган бўлса ёки ахборотнинг характеридан иш натижасидан пудрат шартномасида назарда тутилган мақсадларда ушбу ахборотсиз фойдаланиш мумкин эмаслиги англашилса, пудратчи буюртмачига ишнинг натижаси билан бирга пудрат шартномасининг нарчасини ишлатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишга тааллуқли бўлган ахборотни ҳам бериш мажбуриятига эга.

Айрим ҳолларда бажарилаётган иш махфий, учинчи шахсларга ошкор қилинмайдиган тусда ҳам бўлиши мумкин. Агар иш шундай характерда бўлса у ҳолда бажарилаётган иш, у ҳақдаги маълумотлар махфий ҳисобланади. Бу ҳолларда буюртмачи мабода ишнинг натижасини пудратчига бу махфий маълумотларни ошкор қилиш

оқибатида бажарилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, пудратчига ишни бажариш жараёнида бу каби ахборотларни етказиши мумкин.

Бундан ташқари пудратчи ҳам амалга ошираётган ишларини тижорат сири сифатида учинчи шахсларга ошкор қилинишини хоҳламаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бир тараф (пудратчи ёки буюртмачи) пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли иккинчи тарафдан янги ечимлар ва техникавий билимлар, жумладан ҳуқуқий муҳофаза қилинмайдиган ечим ва билимлар, шунингдек тижорат сири деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълумотлар олса, у бу маълумотларни иккинчи тарафнинг розилигисиз учинчи шахсларга маълум қилишга ҳақли эмас. Бундай ахборотдан фойдаланиш тартиби ва шартлари тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Пудратчи қуйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

-буюртмачи берган материал, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

-буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

-пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган бошқа ҳолатларни.

Юқоридаги ҳолатлар тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёхуд буюртмачи ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида мазкур ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас.

Пудратчининг асосий мажбуриятларидан бири албатта бажариладиган ишнинг сифати билан боғлиқ. Чунки айнан ишнинг сифатли бажарилиши пудрат шартномаси тузилишидан кўзланган мақсад ҳисобланади.



Пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида эса, одатда тегишли турдаги ишларга, иш муомала одати бўйича бундай турдаги ишларнинг бажарилиш шартларига қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Буюртмачи истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланганлиги сабабли унга нисбатан “истеъмолчи мутахассис эмас” деган тамойил қўлланилади. Шу сабабли пудратчи бажараётган иш бўйича буюртмачи тунмаслиги сабабли бутун масъулиятни пудратчи зиммасига юклайди. Шу сабабли бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Айрим ҳолларда қонун ҳужжатларида пудратчига мажбурий ишни бажариш учун талаблар қўйилиши мумкин. Шу ҳолларда пудратчи мазкур талабларга амал қилишга мажбур бўлади. Агар қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи ишни бундай мажбурий талабларга шартномада назарда тутилган бўлмасада амал қилган ҳолда бажариши шарт.

Ишнинг сифати бўйича кафолат бериш талаб қилинадиган бўлса бу кафолат пудратчи томонидан берилиши шарт. Юқорида буюртмачи истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланишини назарда тутдик. Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни 12-моддасига асосан истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модда талабларидан келиб чиққан ҳолда бажарилган иш буюртмачининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлиши билан боғлиқ бўлса пудратчининг кафолати билан боғлиқ талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни 12-моддасига асосан пудратчи иш-

нинг хизмат муддати ёки яроқлилиқ муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

- камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;
- иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтиришни;
- шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи белгиланган муддатларда иш натижасининг лозим даражада сифатли эмаслигини аниқлаган тақдирда, ишнинг натижаси лозим даражада сифатли эмаслиги билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли. Иш натижасига кафолат муддати белгиланмаган ҳолларда иш натижаларидаги камчиликлар оқилона муддатда, бироқ иш натижаси топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида аниқланган тақдирда, агар қонунда, шартномада ёки иш муомаласи одатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, буюртмачи иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйиши мумкин. Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга кўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати бажарилган иш натижаси буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган ёки қабул қилиб олинishi лозим бўлган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

ФКнинг 642-моддасига асосан Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли.

Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суи бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим.

Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тугатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар исталган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

Буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тугатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тас-

дикловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очик кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буюртмачи иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, пудратчи қасддан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак. Экспертиза ўтказиш харажатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиганида, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни чегириб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли. Пудратчи пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли.

Агар буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.

Пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топши-

рилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулкларни сақланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим босқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Шунингдек ишнинг сифатли, аниқ ва белгиланган муддатда бажарилиши нафақат пудратчига балки айрим ҳолларда буюртмачига ҳам боғлиқ бўлади. бу ҳолатларда буюртмачи пудратчига ёрдам бериши лозим бўлади. пудратчининг ишни бажаришига буюртмачи пудрат шартномасида назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда ёрдам бериши шарт.

Буюртмачи бу мажбуриятни бажармаса, пудратчи кўрилган зарарни, шу жумладан бекор туриб қолганлик оқибатидаги кўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартириш ёхуд пудрат шартномасида кўрсатилган иш баҳосини оширишни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг ҳаракати ёки йўл қўйган хатоси туфайли пудрат шартномаси бўйича ишни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, пудратчи ишнинг бажарилган қисмини ҳисобга олган ҳолда шартномада кўрсатилган баҳони олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

**Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик.** Пудрат шартномаси бўйича жавобгарлик ҳар икки тарафнинг ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларида келиб чиқади.

Аксарият ҳолларда буюртмачининг жавобгарлиги, иш натижасини ўз вақтида қабул қилмаганда, шартнома баҳосини ўз вақтида тўламаганда, пудратчининг иши тижорат сирини ёки учинчи шахсларга ошкор қилмаслик билан боғлиқ бўладиган бўлса ва уни ошкор қилмаслик буюртмачи зиммасига мажбурият сифатида юклатилиб, буюртмачи томонидан бу мажбуриятга риоя этилмаганда ва бошқа ҳолларда келиб чиқади. Аксарият ҳолларда буюртмачи фуқаро бўлса у истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланиб, “истеъмолчи ҳамиша ҳақ” тамойилидан фойдаланади.

Топширилган ишни пудратчи ўз ҳисобидан амалга оширадиган ва ишни бажариш усулини ўзи танлайдиган бўлса пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлма-

ганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади. Шунингдек, пудрат шартномасини бажариш муносабати билан буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сақланмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Шартномада пудратчининг ёрдамчи пудратчи олишга ҳуқуқи бўлса у ҳолда ФКнинг 241, 334 ва 634-моддаларига асосан бош пудратчи буюртмачининг пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ёрдамчи пудратчи олдида жавобгар бўлади, буюртмачи олдида эса, ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ва ёрдамчи пудратчининг ҳар бири бош пудратчи билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни бир-бирига қўйишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмидаги қоидаларни ёки пудрат шартномасини бузиб, шартномани бажариш учун ёрдамчи пудратчинини жалб қилган пудратчи ушбу ёрдамчи пудратчи шартномани бажаришда қатнашиб, етказган зарар учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бош пудратчининг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар.

Пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги, шунингдек оралик муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

агар пудратчи буюртмачи берган материални тегишли суратда қабул қилиб олаётганида ундаги камчиликларни аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

ФКнинг 650-моддасида ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун пудратчининг жавобгарлиги назарда тутилган. Унга асосан иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни

шартномада назарда тутилган мақсадлар учун ёхуд шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;  
иш учун белгиланган баҳони мутаносиб равишда камайтиришни;

шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг характерига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёхуд аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шарти, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди.

Ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлади.

Шартномада назарда тутилган кафолат муддати икки йилдан кам бўлиб, буюртмачи иш натижасидаги камчиликларни кафолат муддати тамом бўлгач, бироқ ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган пайтдан эътиборан икки йил давомида аниқлаган ва бу камчиликлар иш натижаси ўзига топширилгунича ёки топшириш пайтига қадар юзага келган сабабларга кўра пайдо бўлганлигини исбот қилса, улар учун пудратчи жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасининг алоҳида турларида жавобгарлик ўзига хос тарзда қўлланилади. Тарафларнинг жавобгарлик масалалари хатто махсус қонун ҳужжатлари асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Масалан, 15.12.2000 йилда қабул қилинган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Пудрат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Пудрат муносабатларининг бошқа турдош муносабатлардан чегараланиши ва турлари.
3. Пудрат шартномаси бўйича буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Пудрат шартномаси бўйича пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Пудратчининг таваккалчилиги ва ахборот бериш мажбурияти.

## **2 §. Маиший пудрат шартномаси**

### **1. Маиший пудрат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Маиший пудрат шартномаси энг кўп қўлланиладиган оммавий шартномалардан бири ҳисобланади. ФКнинг 656-моддасига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи – фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган шартнома ҳисобланади.

Бу шартноманинг ўзига хос томонлари шартнома субъектлари ва предметида кўринади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи фақат фуқаро ҳисобланади. Бошқа пудрат шартномасида бундай буюртмачининг “фақат фуқаро бўлишлик” тушунчаси мавжуд эмас. Маиший пудрат



шартномаси буюртмачиси – фуқаро Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан истеъмолчи мақомига эга бўлади ҳамда унда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Шунингдек шартноманинг иккинчи тарафлари бўлган пудратчи эса албатта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахс яъни тадбиркорлик субъекти бўлишлиги лозим. Маиший пудрат бўйича бажариладиган иш албатта тадбиркорлик фаолияти натижаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланиб, унинг субъектлари Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Пудратчи – тадбиркорлик субъектининг якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланидими ёки юридик шахс мақомини олган ҳолда бу фаолият билан шуғилланидими бу аҳамиятсиз. Бундан ташқари агар таъсис ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ваколати бўлса нотижорат юридик шахслар ҳам пудратчи бўлишлари мумкин. М.Х.Рустамбоевнинг фикрича тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин, бироқ, бу тадбиркорлик фаолияти:

А) ҳар доим устав фаолиятига қўшимча бўлиши, ҳеч вақт асосий фаолиятга аралашмаслиги лозим;

Б) тадбиркорлик натижасида олинган фойда, даромадлар ҳар доим уставда назарда тутилган мақсадларга сарф қилиниши шарт, муассислар, аъзолар ўртасида тақсимланмайди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига шарҳ. –Т.: Ўзбекистон. 2005. –11 б.

Шартноманинг иккинчи бир ўзига хос хусусияти унинг предмети бўлиб шартнома фақат маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш учун тузилади. Масалан, техникани тузатиш, кийим тикиш ёки таъмирлаш ва бошқалар. Шартнома тузишдан мақсад маиший эҳтиёжларни қондириш бўлганлиги учун ҳам у “маиший пудрат шартномаси” номини олган ва алоҳида бир тур сифатида пудрат шартномасидан ажралиб чиққан.

Агар қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада, шу жумладан буюртмачи қўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги, уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Маиший пудрат шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагиларни ташкил этади:

Шартнома икки тамонлама шартнома, ҳақ эвазига тузиладиган консессуал шартнома ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномасини тузиш ФК ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш

Қоидаларига асосан амалга оширалади<sup>1</sup>.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартномалар жумласига киради. Чунки пудратчи буюртма беришни истаб ўзига муро-жаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган вазифалари белгилаб қўйиладиган шартнома ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома сифатида бир қатор муҳим қоидалари мавжуд:

-биринчидан, пудратчи буюртмачиларнинг бир-бирига нисбатан афзаллик беришга яъни бир буюртмачини иккинчисидан устун қўйишга ҳақли эмас;

-иккинчидан, бажариладиган ишнинг баҳоси барча буюртмачилар учун бир хил бўлиши керак.

-учинчидан пудратчинини асоссиз равишда шартнома тузишни рад этишига йўл қўйилмайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлар тўплами. 1995. №10 40-модда

## **2.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартномани тузиш тартиби**

Пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Буюртмачи иш унга топширилгунча истаган вақтда белгиланган ҳақнинг у пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги билдиришни пудратчи олгунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини ва шартномани бажариш мақсадида шу пайтгача қилинган харажатларни пудратчига тўлаб, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса, маиший буюртма шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли. Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Маиший пудрат шартномаси тузилгунга қадар пудратчи таклиф қилинаётган иш, унинг турлари ва хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонарли ахборотни топшириши, шунингдек буюртмачининг илтимосига биноан шартномага ва тегишли ишга доир маълумотларни унга бериши шарт. Агар ишнинг хусусияти бўйича аҳамияти бўлса, пудратчи уни бажарадиган аниқ шахсни кўрсатиши керак.

Пудратчидан олинган ахборотнинг тўлиқ ёки ишончли бўлмаганлиги оқибатида буюртмачи назарда тутган хусусиятларга эга бўлмаган ишни бажариш тўғрисида шартнома тузилган бўлса, буюртмачи бажарилган ишга ҳақ тўламаган ҳолда маиший пудрат шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 658-моддаси).

Буюртмачи истеъмолчи сифатида иш тўғрисида тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқи “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан ҳам кафолатланган. ушбу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда пудратчи истеъмолчи-буюртмачига ўзи бажарётганишлар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Иш ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

Иш мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

Ишнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси (тарифи)

пудратчининг кафиллик мажбуриятлари;

Иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

Иш натижасининг хизмат (яроқлилиқ) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

пудратчининг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

пудратчининг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

Иш ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай ишни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Агар иш ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган иш натижаси олиншига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

бажарилганишдан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у пудратчи олдида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Буюртмачи иш ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган ишнинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида буюртма берилган ва унинг натижасини қабул қилинганлиги туфайли истеъмолчига етказилган зарар пудратчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Пудратчи буюртмачига ишни топшириш вақтида иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риоя этилиши зарур бўлган талабларни, шунингдек тегишли талабларга риоя қилмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини маълум қилиши шарт.

Буюртмачи ўзига мақул усулда шартномани тузишга яъни шартнома тузиш жойини (масалан, пудратчи жойлашган жойда ёки ўзи хоҳлаган жойда) буюртма усулини (телефон, интернет, автомат қурилмалар) танлашга ҳақли. Буюртмачи ишга буюртма берар экан, ишни ҳолати, бажарилиш услуби, сифати ҳақида кўрсатмалар бериши мумкин. Бунинг учун турли журналлардан, рассом-модельер эскизларидан, намуна сифатида белгиланган моделлардан фойдаланишга ҳақли.

Буюртмалар буюртмачининг ва пудратчининг материали (хом ашёси)дан фойдаланиб бажарилади. Пудратчи материал (хом ашё)ни буюртмачи кўз олдида кўриб чиқиши ва унинг яроқлилиги тўғрисидаги фикрини айтиши шарт.

Агар пудратчи материалнинг яроксизлиги ёки сифати пастлиги, буюртмачининг ишни бажариш усули ҳақидаги илтимосига риоя қилишнинг имкони йўқлиги, шунингдек, бажарилаётган ишнинг пишиқлиги ва яроқлилигига таъсир этиши мумкин бўлган, корхонага боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар мавжудлиги тўғрисида буюртмачини огоҳлантирмаган ҳамда белгиланган шаклдаги ҳужжатда буни кўрсатиб ўтмаган бўлса, бажарилаётган буюртманинг сифати учун жавоб беради.

Маиший пудрат шартномасида назарда тутилган буюртмалар пудратчининг амалда бўлган норматив-техник ҳужжатлар (технология, сарф-харажат нормалари, лекал ва бошқалар) асосида ёки иш муомаласидан келиб чиққан ҳолда келишувда назарда тутилган тартибда бажарилиши керак.

Буюртмани бажариш муддати буюртма қабул қилингандан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади. Буюртмачи хоҳишига кўра буюртма шошилиш равишида бажарилиши мумкин. Бундай ҳолда буюртмани бажариш муддати белгиланган шаклдаги ҳужжатда кўрсатилган буюртма қабул қилинган вақт (кун, соат)дан бошлаб ҳисобланади. Агар буюртмани бажариш муддатининг охири куни иш кунига тўғри келмаса, муддатнинг тугаш куни сифатида ундан кейин келувчи иш куни қабул қилинади.

Ўзига хос, нодир буюмларни ҳамда конструкцияси ва чизмаси ўзгартирилган аппаратларни бир марта тайёрлаш ва чет элда ишлаб чиқарилган буюмларни тузатиш пудратчи томонидан буюртмачи билан келишиб белгиланган муддатларда бажарилади.

Айрим ҳолларда буюртма буюртмачи уйида курсатилиши мумкин, бунда пудратчи буюртмачи билан келишилган вақтда келиши, буюртмачи эса бажариладиган иш учун зарур шарт-шароитларни яратиши шарт.

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга булади:

агар пудратчи шартномани бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки буюртмани бажариш муддати асоссиз бузилаётган бўлса;

агар бажарилган ишдаги аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаган бўлса;

агар бажарилаётган ишда жиддий камчиликларга, шартномадан четга чиқишларга йўл қўйилган ёки буюртма тузатиш мумкин бўлмаган нуқсонлар билан бажарилган бўлса. Бунда, агар буюм буюртмачи материалдан тайёрланган бўлса, буюртмачи шу турдаги шундай сифатдаги материаллардан бошқа буюм тайёрлаб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Шартнома бекор қилинган тақдирда буюртмачи зарарнинг шартнома бекор қилинган вақтда амалда бўлган нархларда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар хўжалик юритувчи субъект ишни шартнома шартларидан четга чиқиб ёмон бажарган ёки ишда бошқа камчиликларга йўл қўйган бўлса, буюртмачи ўз истагига кўра кўрсатилган камчиликлар мутаносиб муддатда текин тузатиб берилишини ёки буюртмачи йўл қўйган нуқсонларни ўз маблағлари билан тузатишга сарфлаган харажатларни қоплашни, агар шартномада буюртмачининг бундай ҳуқуқи ёки иш учун бериладиган пулни тегишлича камайтириш назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақлидир. Пудратчи буюртмачи берган материал (хом ашё, буюм)дан нотўғри фойдаланилганлиги учун жавоб беради. Иш якунланганда ёки буюртма бекор қилинганда пудратчи материалнинг ортиб қолган қисмини ёки буюртмани бажаришга киришмаган бўлса, унинг ҳаммасини қайтаришга мажбурдир. Пудратчи буюртмани бажариш учун буюртмачига берилаётган материал сифати учун жавоб беради ва материал сифатсиз бўлиб чиққан ҳолда, уни буюртмачи талабига кўра ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбурдир.

Тайёрланган, тузатилган буюмлар, тузатилган уй-рўзғор машина ва приборлари, радиоэлектрон аппаратлар буюртмачи иштирокида текширилиши лозим. Буюртмачи пудратчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ, бажарилган ишни кўриб чиқишга ва қабул қилиб олишга мажбурдир.

Агар буюртмачи кафолат муддатига эга бўлмаган буюмларни қабул қилишда пудратчига ишни бажаришдаги шартнома шартларидан четга чиқишларни дарҳол маълум қилмаса, у кейинчалик бу четга чиқишларни асос қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ишни оддий қабул қилишда аниқланиши мумкин бўлмаган буюртмани бажаришда йўл қўйилган четга чиқишлар ва бошқа камчиликлар тўғрисида буюртмачи бу нуқсонлар аниқланган заҳоти корхонани хабардор қилиши керак.

Буюртмачи кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаганлигини (буюмни олганлигини) квитанцияда ёки бошқа ҳисобга олиш ҳужжатида ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган кўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда, буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Буюртмачи иш унга топширилгунча истаган вақтда белгиланган ҳақнинг у пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги билдиришни пудратчи олгунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисмини ва шартномани бажариш мақсадида шу пайтгача қилинган харажатларни пудратчига тўлаб, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса, маиший буюртма шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли. Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФКнинг 657-моддаси).

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган ёки ишни қабул қилишдан бошқача тарзда бўйин товлаган тақдирда, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона нархда сотишга, тушган пулни эса, ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни чегириб қолиб, ФКнинг 249-моддасига мувофиқ буюртмачининг номига депозитга ўтказишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда пудратчи иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келти-

рилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Буюртмачи маиший хизматлар қийматини корхонада амалда бўлган ва тасдиқланган, хизматларнинг ҳар бир турига ишлаб чиқилган калькуляция асосида тузиладиган нарх ва тарифлар бўйича тўлайди.

Маиший хизматларнинг нархи белгиланмаган бир марталик айрим турлари учун бир марталик калькуляция тузилади ва нарх буюртмачи билан келишиб олинади. Пудратчи буюртмачи илтимосига кўра буюртмани расмийлаштиришда назарда тутилмаган хизматларни бажарган тақдирда буюртмачи уларнинг қийматини қўшимча тарзда тўлайди.

Корхона иш билан тўлиқ таъминланмаган даврда аҳоли талабини ошириш мақсадида корхона хизматларнинг амалдаги нархларидан мавсумий чегиришларни қўллашга ҳақлидир.

Пудратчининг хизматлар кўрсатиш вақтида ишлатиладиган ва хизматлар қийматига киритилмаган материаллари (хом ашё, буюмлари) қиймати буюртмачи томонидан корхонада белгиланган нархлар бўйича қўшимча равишда тўланади. Пудратчи шартнома шартларини бажармаган тақдирда маиший хизмат кўрсатишнинг алоҳида шартлари ва қўшимча турлари учун назарда тутилган устамалар (қўшимча ҳақ) ундирилмайди.

Кўрсатилган хизматлар қийматини тўлашда Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидаларига асосан қуйидаги тартибга риоя қилиниши керак:

- радиоэлектрон аппаратлар, пойабзал, кийим-кечакни тузатиш, сартарошлик хизматлари учун ҳақ буюртма бажарилгандан кейин олинади;

- мураккаб уй-рўзғор техникасини тузатиш хизмати учун буюртмачи пудратчи билан келишилган, аммо 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан ҳақ тўлайди;

- мебелни тайёрлаш ва тузатиш, уй-жой ва турар жой бўлмаган биноларни тузатиш ва қуриш, пойабзал тайёрлаш ва якка тартибда кийим тикиш бўйича хизматлар учун буюртмачи буюртмани расмийлаштиришда иш қийматининг 50 фоизи миқдорида аванс тўлаши керак;

- тантанали тадбирларда хизмат кўрсатиш, маросимларни ўтказиш, аҳолини курсларда ўқитиш (ҳақи бир ой олдин тўланади) кино-фотолаборатория ва сураткашлик, кимёвий тозалаш, кир ювиш, овоз



ёзиб олиш студиялари, транспорт, маълумот-ахборот, воситачилик ва комфорт хизматлари учун тўловлар буюртмани расмийлаштиришда тўлиқ тўланади.

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган прејскурантда кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин.

Буюртмачи исталган хизмат турини расмийлаштиришда ўз хоҳишига кўра унинг қийматини тўлиқ тўлаши мумкин. Пудратчи томонидан тайёрланган ва тузатилган буюмларнинг кафолат муддатлари амалдаги стандартлар, техник шартлар билан аниқланади ва тайёр буюртма эгаси томонидан олинган кундан бошлаб ҳисобланади, буюмлар буюртмачи айби билан ўз вақтида олинмаган тақдирда - шартномада кўрсатилган буюртмани бажариш муддати тамом бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Буюртмачи маиший хизмат сифатига оид эътирозларни буюртмани қабул қилиш ва бериш жойида белгиланган кафолат муддатлари мобайнида, кафолат муддати бўлмаган буюмларга эътирозларни эса буюртмани олиш вақтида билдиришга ҳақлидир. Буюртмани уйда бажариш учун ходимлар буюртмачи билан келишилган вақтда келмаса, буюртмачи пудратчидан етказилган моддий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Пудратчи буюртмачи эътирозини дарҳол, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қиладиганларини эса - эътироз билдирилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида кўриб чиқиши керак.

Пудратчининг шартнома шартларидан иш сифатини ёмонлаштирадиган даражада четга чиқиши ёки бошқа камчиликлар билан боғлиқ даъволар буюртмачи томонидан иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида, агар нуқсонларни ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқлаш мумкин бўлмаса - иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида берилиши мумкин.

Қурилма ва иншоотлардаги ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликларга оид даъвони буюртмачи иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч йил мобайнида бериши мумкин.

Агар шартномада кафолат муддати назарда тутилган ва ишдаги нуқсонлар тўғрисидаги мурожаат кафолат муддати доирасида бе-

рилган бўлса, даъво муддати нуқсон тўғрисида муурожаат қилинган кундан бошланади.

Пудратчи буюртмани бажариш муддатини бузган тақдирда, у буюртмачига ҳар бир кун учун буюртманинг буюртма қабул қилинган пайтдаги қийматининг 1 фоизи миқдорида, лекин иш ёки буюртма қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Буюртмачи бажарилган буюртмани ўз вақтида олиб кетмаган ҳолларда пудратчи буюртмачидан қвитанцияда кўрсатилган буюртмани бажариш муддати тамом бўлган кундан бошлаб кечиктирилган ҳар бир кун учун иш қийматининг 1 фоизи миқдорида, лекин иш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундиради.

Буюртма сифатсиз бажарилган тақдирда пудратчи буюртмачига иш ва хизматларнинг буюртмани бажариш вақтидаги қийматининг 20 фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

Буюртмачига тегишли бўлган буюм (материал, хом ашё)ни тўлиқ ёки қисман йўқотган (ишдан чиқарган) пудратчи уч кун муддатда уни худди шундай буюм (материал, хом ашё) билан алмаштириши ёки буюртмачига етказилган зарарни шу вақтда амалда бўлган нархларда қоплаши керак.

Пудратчи ва буюртмачи ўртасида юзага келган низолар пудратчилар раҳбарияти томонидан ёки суд орқали ҳал қилинади.

### **3. Ишнинг натижалари ва натижани қабул қилмаслик оқибатлари**

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан фойдаланиб бажарилса, буюртмачи материал ҳақининг ҳаммасини шартнома тузиш вақтида тўлайди ёки унинг шартномада кўрсатилган қисми тўланиб, пудратчи бажарган ишни буюртмачи қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб-китоб қилинади.

Маиший пудрат шартномасига биноан материал пудратчи томонидан насияга берилиши, шу жумладан буюртмачи томонидан материалнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ҳам берилиши мумкин. Пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг маиший пудрат шартномаси тузилганидан сўнг ўзгариши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди.

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилса, шартнома тузилаётганда буюртмачига пудратчи томонидан бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг кели-

шуви бўйича белгиланадиган баҳоси кўрсатилиши керак. Патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатдаги материалнинг баҳоси хусусида буюртмачи кейинчалик судда низолашиши мумкин.

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган преискурантда кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин.

Буюртмачи иш натижасини қабул қилиб олаётган ёки пудрат нарчасидан фойдаланаётган пайтда камчиликларни аниқласа, умумий муддат давомида, кафолат муддати бўлганида эса, шу муддат давомида амалга ошириши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларини текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, агар қонунда белгиланган тартибда узоқроқ муддат (хизмат муддати) назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин. Бундай талаб ушбу камчиликлар қачон аниқланганлигидан қатъи назар, шу жумладан улар кафолат муддати тугагандан сўнг аниқланган бўлса ҳам, қўйилиши мумкин. Мазкур талаб пудратчи томонидан бажарилмаса, буюртмачи юқорида кўрсатилган муддат давомида ё иш учун тўланган ҳақнинг тегишли қисмини қайтаришни ёхуд ўз кучи билан ёки учинчи шахслар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан истеъмолчи сифатида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

буюртма нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки ўзи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

буюртма нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган иш натижасини сифати тегишли даражада бўлган бошқа иш натижасига алмаштириш чоғида пудратчи иш натижасининг маиший пудрат шартномасида белгиланган баҳоси билан алмаштириш ёки суд томонидан алмаштириш тўғрисида қарор чиқариш пайтида мавжуд бўлган худди шундай иш учун тўланадиган баҳо ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш пудратчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар, шартнома тўғрисидаги, мажбуриятларнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Маиший пудрат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Буюртмачи ҳуқуқларининг кафолати.
3. Буюртмачининг материаллари асосида ишни бажариш қоидалари.
4. Бажарилган ишдаги камчиликларнинг мавжудлигини аниқлаш оқибатлари.
5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

### **3 §. Қурилиш пудрати шартномаси**

#### **1. Қурилиш пудрати шартномаси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари**

Қурилиш пудрати шартномаси пудрат шартномасини бир тури ҳисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 666-моддасида қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудрат-

чи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Қурилиш пудрати шартномаси мамлакат иқтисодиётида кўп қўлланиши билан ва ўзига хос жиҳатларга эгаллиги билан маиший пудрат, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати, илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномаларидан ажралиб туради.

Қурилиш пудрати шартномаси мураккаб тузилишга эга. Чунончи ушбу шартнома бошқа пудрат шартномаларидан фарқли равишда тартибга солиш доираси кенг қамровли ҳамда бошқа шартномаларнинг ҳам элементларини ўзида мужассам этади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхоналарни, турар-жорйларни бино ва иншоатларни қуриш, қайта тамирлаш ва реконструкция қилиш, монтаж ишларини амалга ошириш мақсадида тузилади.

Пудрат шартномалари ичида қурилиш пудрати ҳуқуқий тартибга солиш манбаларига бойлиги билан ажралиб туради. Чунки бу шартномавий муносабатларни, унинг субъектларини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Пудрат шартномаси тарихига назар ташлайдиган бўлсак собиқ иттифоқ даврида қурилиш пудрати билан боғлиқ муносабатлар умуман ривожланмасдан қолди. Тўғри бу даврда қурилиш пудрати шартномаси алоҳида шартнома эканлиги айтилсада, унда албатта режали асос мажбурий эканлиги ва социалистик корхоналар ўртасида амалга оширилиши айтиб ўтилган. Фақатгина 1952 йилга келиб қурилиш пудрати шартномаси пудрат шартномасини бир шакли эмас балки алоҳида шартнома эканлиги таъкидланди ва бунга ҳуқуқий асос яратилди.

Қурилиш пудрати муносабати 1991 йилдан сўнгина мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топиши билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борди.

Ўтган давр мобайнида қурилиш пудратини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар бевосита ёки билвосита қурилиш пудрати муносабатини тартибга солишга асос бўлади.

Жумладан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун, Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шах-

сларнинг жавобгарлиги тўғрисида<sup>1</sup>”ги қонунлар қабул қилинган бўлса, қонун ости актлари жумласига:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида”ги Низом<sup>2</sup>;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом<sup>3</sup>;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги 26.12.2006 йилги Қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги пқ-535-сон қарори билан тасдиқланган 2007-2010 йилларда ва узоқ муддатли истиқболда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш Концепцияси<sup>4</sup>

-Тошкент шаҳар ҳокимининг 2005 йил 11 июлдаги 326-сонли қарори билан тасдиқланган Шаҳарсозлик иншоотларини жойлаштириш ҳужжатларини расмийлаштириш, шаҳарсозлик объектлари томонидан қурилиш муддатларига амал қилиш Регламенти;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2005 йилги Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида<sup>5</sup> ги Қарори

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида<sup>6</sup>18.08.2004 йилги 400-сонли Қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги Низом<sup>7</sup>

-Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 24.01.2004 йилги 1303-сонли рўйхатга олинган Капитал қурилишда икки

<sup>1</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2000., № 11, ст. 162

<sup>2</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда.

<sup>3</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 51-52-сон, 518-модда.

<sup>4</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 51-52-сон, 508-модда.

<sup>5</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 7-сон, 54-модда.

<sup>6</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 33-сон, 373-модда.

<sup>7</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004. 15-сон, 177-модда.

босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом ва бошқаларни киритиш мумкин.

Хусусан, қурилиш пудрати шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини хўжалик судлари томонидан амалиётга қўллашни такомиллаштирилиши қурилиш пудрати соҳасида келиб чиқаётган низоларни кўришларида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тадбиқ этишнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шаклланган сари, жамиятда мулкдорлар синфи ортган сари қурилиш пудрати шартномасига эҳтиёж ортиб боради. Бу эса ўз-ўзидан уни тартибга солувчи қонунчилик базасининг ривожланишига сабаб бўлади.

Қурилиш пудрати шартномаси буюртмачи билан пудратчининг ўзаро муносабатини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш пудрати шартномасини ўзига ҳос хусусиятларидан бири шундаки, унда тарафлар ўртасидаги муносабатлар бажарилган ишлар якунлангандан кейин ҳам давом этади. Бунда пудратчи шартномага кўра қурилиш якунлангандан сўнг ушбу объектга хизмат кўрсатиш жумладан, буюртмачининг ходимларини объектдан фойдаланишни ўргатиш, фойдаланиш учун турли кўринишдаги йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолатлар назарда тутилади. Одатда бундай хизматлар ҳажми, қиймати ва бошқа тавсифлари ҳақидаги келишув қурилиш пудрати шартномасида кўрсатиб ўтилади. Демак, пудратчининг мажбуриятларига объектни қуриб битказишгина эмас ушбу объектдан мақсадли фойдаланиш учун буюртмачига техник ва бошқарув кўникмаси ва билимларини бериш мажбурияти ҳам киради. Пудрат шартномасини тузишда юқорида кўрсатиб ўтилган тарафларнинг мажбуриятларини киритиш билан ўз касбий фаолиятини амалга оширишда эътиборли бўлиш ва ишни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда келгусида шартнома тарафи билан ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмак беради.

Қурилиш пудрати шартномасининг асосий ҳуқуқий белгилари:

биринчидан, бу шартнома сонсенсуал, яъни тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришилган ва шартномада тузилган пайтдан бошлаб тарафларда ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтирадиган шартномалар гуруҳига мансабдир;

иккинчидан, ҳақ бараварига тузиладиган шартномадир;

учинчидан, қурилишга оид пудрат шартномаси ҳар икки тараф учун ҳам муайян ва бурчлар белгилайдиган икки томонлама шартнома ҳисобланади.

Қурилиш пудрати шартномаси корxonани, бинони, иншоотни бир объектни қуриш ёки қайта қуриш, шунингдек, монтаж, соzлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақидаги тузилиши мумкин.

Пудратчи, одатда тегишли объектни тўла асосда тамомлаш учун шартнома тузади. Бунга лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатацияга тошириш билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим ишлар, объектни тўла эксплуатацияга топшириш ишлари киради. Қурилиши пудрти шартномасида шартнома баҳоси ва уни бажариш муддати муҳим аҳамиятга эга. Шартномада уларнинг кўрсатилмаслиги шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Шунингдек, буюртмачи томонидан шартноманинг бажарилиши учун пудратчига зарур бўлган шароитларни бериш мажбурияти ҳам унинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади.

Шартноманинг субъектлари сифатида буюртмачи ва пуратчи иштирок этади. Буюртмачи сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, асосий буюртмачилар тегишли объектнинг лозим даражада қурилишини, таъмирланишини, жиҳозланишини таъминлаш учун зарурият туғилганда ўзининг барча ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказишлари мумкин. Бунинг учун улар мазкур шахсларга тегишли тарзда ваколат беришлари шарт бўлади Масалан: давлат ўз эҳтиёжлари учун қуриладиган объектларнинг белгиланган муддатда қуриб топширилиши ва эксплуатация қилишини тўғри таъминлаш мақсадида маълум бир вазирлик, агентлик ёки муассасага ўз ваколатини бериши мумкин. Бундай тарзда ваколатини ўтказишга фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ҳам ҳақлидирлар.

Шартноманинг иккинчи томони ҳисобланган пудратчи сифатида бундай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига тегишли тарзда мутасади ташкилотлардан махсус лцензия олган, табиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.09.2005 йилги 186-сонли қарори<sup>1</sup>га асосан лицензиялар камида 5

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 37-38-сон, 285-модда.



йил муддатга берилиши назарда тутилган бўлиб, таъмирлаш қурилиш-монтаж ишларига лицензияни Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан берилади.

Шунингдек пудратчилар махсус уюшмаларга бирлашган ҳолда ҳам муносабатга киришишлари мумкин. Масалан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.08.2004 йилги 400-сонли “Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига<sup>1</sup> асосан монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш ва лойиҳалаштириш ташкилотларининг, металл конструкциялари тайёрловчи саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш тузилмаларининг Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси (“Ўзмонтажмахсус-қурилиш” уюшмаси) ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига 93 - Махсус трест” ОАЖ, Қўконқурилиш” ОАЖ, Ал-меъмор” МЧЖ, “Қурилишмонтаж” ХФ, “Бинокор” саноат-қурилиш компанияси” МЧЖ, “Ўзтаъминбутлаш” ОАЖ, “Монтажлойиҳа ЛТИ” МЧЖ каби 41 та қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари корхоналари, Саноат корхоналари ва ташкилотлари Лойиҳалаш ташкилотлари, Ишлаб чиқариш-техник бутлаш корхоналари ихтиёрий равишда кирганлар.

Шунингдек, пудратчи қонун йўл қўйган ёки шартномада кўрсатилган ҳолатларда мазкур қурилиш объектини тезроқ битказиб топшириш ёки таъмирлаш мақсадида бошқа шахслар билан субпудрат шартномаларини тузиши мумкин.

Бажарилган ишларга ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари буюртмачи томонидан қонун ҳужжатларида ёки шартномда кўрсатилган ишлар асосида амалга оширилиши лозим. Шартномада объект босқичларига бўлиниб топширилиши хусусида келишилган бўлса, буюртмачи ўзи босқичма-босқич қабул қилган объектлар учун ҳисобкитобларни амалга ошириши лозим. Тарафлар ўзаро келишган ҳолларда буюртмачи тегишли объектни қуриш учун лозим бўлган ҳаракатлар суммасини олдиндан пуратчига ўтказиб қўйиши ҳам мумкин.

Шартнома предмети кўчмас мулк объектлари – турар жой, бино, иншоат, корхона ва унинг бир қисми каби объектларни қуриши, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобланади.

## **2. Қурилиш пудрати шартномасининг тузилиши ва танлов савдоларини ўтказиш**

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 33-сон, 373-модда.

Қурилиш пудрати шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Тарафлар ўзаро келишиб олишгач, уни имзолайдилар ва шу вақтдан эътиборан уларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужуга келади. Шартнома буюртмачи ва пудратчининг ўзаро муносабатлари қандай амалга оширилиши лозимлиги тўғрисида аниқ ва тушунарли келишувга эришишлари муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш пудрати шартномаси бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг режали характерини йўқотди. Шунинг учун уни тузиш ва амалга ошириш томонларнинг ўзаро келишуви асосида олиб борилмокда. Буюртмачи томон ваколатли давлат органларига мурожаат қилади. Бундай ваколатли органлар сифатида лойиҳалаштирилаётган объектнинг аҳамиятига қараб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимларининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқарма ва бўлимлари иш олиб борадилар.

Шунинг учун ҳам буюртмачи, энг аввало, қурилиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси ёки бўлимнинг розилигини олиши лозим. Шунингдек, тегишли объектни қуриш ва эксплуатация қилишга бошқа бир қанча маъмурий органларнинг ҳам розилиги талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида Низомга асосан амалга оширалади. Мазкур Низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишда мажбурий ҳисобланса, бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари учун тавсия хусусиятига эга.

Танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор буюртмачи томонидан фақат танлов савдолари предмети тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар) билан тасдиқланган молиявий ресурслар билан таъминланган тақдирда қабул қилинади.

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш, танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга ошириш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин), мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш каби ҳуқуқларга эга.

Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак. Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар,

инвестициялар ва савдо вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади. Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин. Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

очик танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади. Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очик ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин. Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг ёлибини аниқлаш - унинг иккинчи тури ҳисобланади. Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очик ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади. Икки босқичли танлов савдолари буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган ҳамда шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади. Иккинчи босқичда танлов

савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади. Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Давархитектқурилиш" кўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади. Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади. Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва (ёки) унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади. Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

- харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;
- етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади. Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда, харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса) ҳамда импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилишига йўл қўйилади.

Агар танлов савдолари предметининг бошланғич қийматига нисбатан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса, бундай ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мустақил лотларга бўлинган ҳолда битта танлов савдоларига бирлаштирилади, бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади. Буюртмачининг асосланган қарорига мувофиқ танлов савдолари предметини лотларга бўлган ҳолда танлов савдолари ўтказилишига йўл қўйилади (курулиш ва монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва монтаж қилиш, юкларни транспортда ташиш ва ҳоказо). Бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади, бош пудратчи ташкилот функциясини буюртмачи бажаради ва лойиҳада назарда тутилган ишлар ва хизматларнинг бутун комплекси бажарилиши учун жавоб беради. Инвестор ва/ёки буюртмачи товарларни харид қилишда танлов савдолари предмети бўлиниши учун жавоб беради. Танлов савдоларини кейинчалик танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган турлар бўйича ўтказиш имконини берувчи унинг қийматини пасайтириш мақсадида танлов савдолари предметини онгли равишда бўлишга йўл қўйилмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

-танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-устав сармоясининг миқдори;

-танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнишиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Агар танлов савдолари предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида қатнашишга қўйилади.

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади. Буюртмачининг тор ихтисослашган пудратчи ташкилотлари очик танлов савдоларида умумий асосларда қатнашадилар, ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

-танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

-танлов савдолари предмети маблағ билан таъминлаш манбалари;

-танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

-танлов савдолари предмети сотиш муддати;

-талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

-танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;

-оферталарни тақдим этиш жойи, охири куни ва вақти;

-оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва/ёки талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газе-

таларда, web-сайтда ва /ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади. Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади. Ушбу қисмларга нималар кириши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида Низомда белгиланган.

Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади. Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади. Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштирилдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдорида ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари - резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

Танлов ва талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига шартлар ва талаблар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолари ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш



муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтириши керак.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади. Оферта уни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин. Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади. Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди. Офертани тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномасидаги оферта олинганлиги тўғрисидаги қайд бўйича ёки танлов савдолари ташкилотчисининг оферентга берилган (оферта чопар орқали етказиб бериладиган ҳол) оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича белгиланади. Талабгор оферта таркибида танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани танлов ҳужжатларида кўрсатилган, лекин танлов савдолари предмети ҳисоблаб чиқилган қийматининг кўпи билан 2 фоизи миқдорида таъминлашни тақдим этади. Таъминлашнинг амал қилиш муддати офертанинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаслиги керак.

Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминлаш кафилининг ишончилиги бўйича талабларни, унинг шакллари ва танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлашдан фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

танлов савдолари ғолибига - шартнома тузилгандан кейин, шартнома ижросини талаб қилинадиган таъминлаш тақдим этилгач;

қолган оферентларга - танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузилгандан кейин, лекин офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

офертани қайтариб олган оферентга - уни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунгача қайтарилади.

Буюртманомани таъминлаш уни қайтариш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайтарилади.

Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

офертани тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагач офертани ўзгартирган ёки уни қайтариб олган оферентга;

танлов савдолари ғолибига - оферта унинг амал қилиш даврида қайтариб олинганда, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш ёки шартнома ижросининг талаб қилинадиган таъминланишини тақдим қилиш рад этилганда қайтарилмайди.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади. Танлов комиссияси мажлиси белгиланган муддат тугагандан кейин ўтказилади. Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади. Оферталар солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдиришган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади. Танлов комиссияси мажлиси натижалари протокол билан расмийлаштирилади. Танлов комиссияси мажлислари натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади. Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатлари талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан оферентга қайтарилади. Танлов комиссияси танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин. Танлов ҳужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади. Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

Офертада арифметик хатолар мавжудлиги аниқланган тақдирда сўзлар билан кўрсатилган якуний сумма тўғри миқдор сифатида қабул қилинади. Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов савдолари ғолиби танлов савдолари қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар хабардор қилинади. Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Танлов савдолари агар:

оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса, ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари;  
оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;  
оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

"Давархитектқурилиш" кўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

Оддий пудрат усулида қурилиш пудрати шартномаси тузишда буюртмачи ва пудратчи ўртасида асосий шартномада қадар дастлабки битим тузилади. Унда юуртмачи ва пудратчининг шартнома бўйича асосий режалари, дастлабки тадбирлар келишиб олинади. Қурилишнинг номи пудратчи бажарадиган ишлар ҳажми, қурилишнинг бошланиш муддати, қурилиш майдонини топшириш вақти, қурилишни жиҳозловчи материаллар ва конструкциялар билан таъминлаш, қурилишни оммавий таъминлаш манбалари ва контрактгача бўлган келишувни бузганлик учун томонларнинг жавобгарлик масалалари дастлабки келишувда назарда тутилиши лозим.

Айрим қурилиш объекти бўйича икки ва ундан ортиқ пудратчи бўлса, буюртмачи уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган ишлар ҳажми бўйича лозим бўлган ҳужжатларни тақдим қилиши шарт.

Пудрат шартномаси тарафларнинг фақат бир-бирлари олдидаги бурчларнигина эмас, балки, аввало, уларнинг қонун олдидаги бурчларини белгилайди. Бундай ҳол қурилишга оид пудрат шартномасининг бошқа шартномалар қатори қонунда кўзда тутилган ёки йўл қўйилган асосларда тузилиши ва бажарилишининг аҳамиятидан келиб чиқади.

Буюртмачи билан бош пудратчи қурилишнинг барча ҳажми юзасидан умумий пудрат шартномаси тузадилар. Бу шартномага кўра, ФКнинг 631-моддасида кўзда тутилганидек, бош пудратчи шартномада кўрсатилган барча қурилиш ишларини бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Агар қурилиш ишларини бажариш бир йилдан ошиқ муддатни ўз ичига оладиган бўлса, буюртмачи ва пудратчи умумий пудрат шартномаси билан бир қаторда, йиллик пудрат шартномасини ҳам тузади. Йиллик пудрат шартномасида маълум ҳўжалик йилида бажариладиган қурилиш ишларининг бажарилиш шартлари кўрсатилган бўлади.

Зарурат туғилганда махсус қурилиш-монтаж ишлари бош пудратчи билан субпудратчи (пудратчидан ишни пудратга олувчи) бўлган ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари ўртасида тузиладиган субпудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида тузиладиган бевосита шартномага мувофиқ, мазкур ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотларининг кўчи билан бажарилиши келишилган бўлиши мумкин.

Пудрат тўғрисидаги қоидада бир қурилишда барча умумий қурилиши ва махсус ишларни бажаришни з зиммасига оладиган фақат битта бош пудратчи бўлиши мумкинлиги белгиланади.

Пурат шартномасида қуйидагилар кўриб чиқилиши лозим:

а) шартноманинг кириш қисмида шартноманинг қачон ва қаерда тузилганлиги, қайси қурилиш ташкилоти пудратчи ва қайси ташкилот буюртмачи бўлишлги кўрсатилади;

б) барча умумқурилиш ва махсус қурилиш ишларини тасдиқлайдиган лойиҳа, смета ва қурилиш объектларининг шартномага илова қилинган рўйхатга мувофиқ равишда қуриб битказишни пудратчи ўз зиммасига олганлиги кўрсатилади;

в) шартномада кўрсатилган ишларни лойиҳа-смета ва қурилиш ҳужжатларига мувофиқ равишда шартнома бўйича белгиланган муддат ичида ўзининг моддий-техника базаси ва кадрлари билан битказиб топшириш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олганлигини ёки субпудратчиларни жалб қилиш ҳуқуқи кўрсатиб ўтилади;

г) шартномада сметага мувофиқ пудратчи зиммасига юклатилган ишларнинг қиймати қанча суммани ташкил қилиниши кўрсатилади;

д) шартномани бажаришда тарафлар “Қурилишга оид пудрат шартномалари ҳақидаги қоидалар”га риоя қилишлари лозимлиги кўрсатилади;

е) шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қоидалар кўрсатилади;

ж) шартнома шартларини бажармаган ёки ўз вақтида лозим даражада бажармаган томон учун қўлланиладиган жарима миқдори кўрсатилади;

з) шартнома тарафларнинг банк ҳисоб рақамлари, адреслари, вакилларининг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланади.

Қурилишга оид пудрат шартномаси 3 нусхада тузилиб, икки нусхаси тарафларда қолади, бир нусхаси эса қурилишни маблағ билан таъминловчи банкка юборилади. Йиллик пудрат шартномаси умумий

пудрат шартномасининг бажарилиши юзасидан бир йил мобайнида амалга ошириладиган қурилиш ишларини белгилаш учун тузилади. Йиллик шартнома умумий пудрат шартномасига қўшимча бўлиб, маълум бир хўжалик йили ичида бажариладиган қурилиш ишларининг ҳажмини, бажарилишнинг календарь планини аниқлаб беради. Умумий ва йиллик шартномалар мазмун жиҳатидан бир-бирига тўғри келмайди. Умумий пудрат шартномасида кўрсатилган ишларнинг ҳажми ва муддати йиллик шартномаларда аниқлаштирилади. Йиллик шартнома маълум бир хўжалик йили ичида бажарилиши лозим бўлган қурилиш ишлари юзасидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгила беради. Ҳозирги вақтда қурилиш бўйича шартнома муносабатларида йиллик пудрат шартномаси асосий ўрин эгаллайди.

Қурилиш бўйича пудрат шартномаси умумий пудрат шартномасисиз ҳам тузилиши мумкин. Жумладан, агар қуриладиган объект бўйича барча қурилиш ишларини бир йил ичида кўриб бирказиш мумкин бўлса, йиллик шартнома тузилади. Йиллик шартномада тасдиқланган лойиҳа-смета, барча субъектлар рўйхати, бу объектларни қуришни бошлаш ва қуриб битказиш муддатлари, ишлаб чиқаришнинг календарь плани, буюртмачи томонидан пудратчига иш чизмаси ва сметаларни топшириш муддати, шартноманинг бошқа алоҳида шартлари кўрсатилади ва қурилишга оид ҳужжатлар илова қилинади. Йиллик шартнома ишлар плани тасдиқлангандан сўнг икки ой муддат ичида қурилишга оид намунавий пудрат шартномаси шаклида тузилиши лозим.

ФКнинг 667-моддасига мувофиқ, топширилмаган пудрат объектининг нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи пудратчи зиммасида бўлади. Шунингдек, пудрат объектида бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун ҳам пудратчи жавобгар бўлади.

Шунинг учун қурилиши пудрати шартномасида тарафлар бошқача тартиб ва шартлар қўйгн бўлмасалар шартномада назарда тутилган объектни ёки ишлар мажмуини пудратчи ўз ҳисобидан суғурталаш шарт.

Суғурталаш мажбурияти юклатилган тараф қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган тартибда иккинчи тарафга шартнома шартларига мувофиқ суғурта шартномаси тузганини тасдиқловчи далилларни, шу жумладан суғурта қилувчи, суғурта суммаси миқдори ва суғурталанган таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши керак.

Суғурталаш тегишли тарафни суғурта ҳодисаси юз беришининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятдан озод қилмайди. Пудратчи ёки буюртмачи қурилаётганлиги, ундан нима мақсадда фойдаланиш режалаштирилганлиги ҳақида суғурталовчига суғурта қилдирувчидан объект билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотларни ҳам талаб қилиши ва улар билан танишиб чиқиши мумкин.

### **3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари**

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт.

Кўп ҳолларда бино ва иншоотларнинг қурилиши намунавий лойиҳалар бўйича амалга оширилади. Бундай ҳолларнинг қўлланиши лойиҳалаш ҳужжатларини ирмунча камайтириш ва нархини ҳам арзонлаштиришга имкон беради.

Лойиҳалаш икки босқичли бўлганда лойиҳа икки йўл билан: лойиҳа топшириғини ва иш чизмаларини тайёрлаш йўли билан амалга оширилади. Лойиҳа топшириғида қурилишнинг техникаий имкониятлари ва иқтисодий томондан мақсадга мувофиқлиги текширилади, қурилиш бўйича белгиланган муддатлар, қурилиш майдонининг тўғри танланганлиги, қурилишни асосий хом ашё, электр энергияси ҳамда сув ва қурилиш материаллари билан таъминлаш манбалари, қурилишнинг умумий қиймати ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичлари белгилаб берилади.

Иш чизмаси ва смета ўз моҳияти жиҳатидан қурилиш ишларини аниқ кўрсатиб берувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шартнома тузишда ва қурилиш ишларини олиб боришда уларнинг аҳамияти каттадир.

Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни, шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқлаб, буюртмачига хабар қилмаган ҳолда ёки унинг жавобини кутмасдан, буюртмачининг манфаатларини кўзлаб, хусусан, ишнинг тўхтатилиши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиши зарур бўлганлигини исботлай олмаса, у бажарган қўшимча иши учун буюртмачидан ҳақ тўлашни ва шу туфайли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлага буюртмачи рози бўлса, бу ишлар пудратчининг касб фаолиятига мос келмаслиги ёки ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уларни бажара олмаган ҳоллардагина пудратчи мазкур ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши, ресурслардан оқилона фойдаланишни, атрофмуҳитга зарар етказмаслигини тўлиқ ҳисобга олиши лозим.

Шартномада назарда тутилган объектнинг техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишлар туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг 10%идан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга (лойиҳа, смета, шартноманинг тегишли бандларига) ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Бундай ҳолда буюртмачи пудратчининг розилиги олиши талаб қилинмайди. Қурилиш пудрати шартномасининг объекти бўлган қурилишнинг маълум бир қисмини қайтадан қуриш ёки лойиҳага ўзгартириш киритиш ўз навбатида сметага ўзгартириш критиси ёки қўшича смета тузишни талаб қилади.

Техник ҳужжатларга умумий қурилиш қийматининг 10%идан ортиқ қийматга эга бўлган қўшимча ишлар бажариш лозим бўлганда бундай ишлар тарафлар ўртасида келишилган қўшимча смета асосида амалга оширилади, қўшимча смета каби пудратчи томонидан тўлиқ бажарилиши шарт бўлиб ҳисоланади. Лойиҳа бўйича бажарилган ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида 10% ошган бўлса, пудратчи Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ, сметани қайтакўриб чиқишни буюртмачидан талаб қилишга ҳақли. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, Қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартнома тарафларнинг келишувчига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Шунингдек, пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ бўлган мақбул харажатларни буюртмачидан талаб қилишга ҳақлидир. Мақбул харажатлар ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида ҳисобланиши ва улар реал бўлиши мумкин.

#### **4. Қурилиш пудратининг шартномаси бўйича тарафларнинг**

## **ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Буюртмачи бажарилаётган ишларнинг ҳажми, қиймати ва сифати лойиҳа ва сметаларга мувофиқ бўлиши устандан текшириш ва техниквий назоратни амалга ошириш, истаган вақтда қурилиш ва монтаж ишларининг бажарилиши ва сифатини, шунингдек, фойдаланилаётган материалларнинг сифатини, ишларнинг графикка мос равишда олиб борилаётганлигини, буюртмачи берган материаллардан оператив хўжалик фаолиятига аралашмасидан текшириш мумкин. Буюртмачи (ёки унинг вакили) қурилиш объектида йўл қўйилган ҳар қандай камчиликлар тўғрисида пудратчига эътироз билдириши ва уларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли бўлади. Бундай тарзда буюртмачи томонидан аниқланган ва пудратчига ёзма равишда билдирилган, техник ҳужжатларга мос бўлмаган ишлар шартномада кўрсатилган шартлар асосида ёки оқилона муддатда бартараф этилиши лозим.

Буюртмачи (ёки унинг вакили) қурилиши объектида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаган ҳолда бу ҳақда пудратчини огоҳлантирмаса ва уларни бартараф этишни талаб қилмаса, уларни бартараф этиш имкони йўқолганидан сўнг даъво қилиш имконидан маҳрум бўлади. Қонун шу тариқа объектнинг етарли даражада сифатли бўлиши учун буюртмачига ҳам масъулият юклайди. Лекин қолган ҳолларда объектдаги камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқини сақланиб қолади.

Буюртмачи ишнинг лозим даражада сифатли, чидамли ва ўз вақтида тугалланиб топширилишидан манфаатдор бўлгани учун пудратчи билан ҳамкордай ҳаракат қилади.

Буюртмачи қурилишнинг лойиҳа, иш чизмаси ва сметасини тасдиқлаштириш, қурилишни маблағ билан таъминлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни банкка тақдим этиш, ваколатли органлардан қурилиш учун ер участкаси ажратиш ҳақида актни олиш, қурилиш майдонида қурилиш ишларини олиб бориш учун тегишли органлардан рухсатнома олиш ва қурилиш майдонини бўшатиш ишларини амалга ошириш;

шартномада назарда тутилган ҳолларда ўз вақтида қурилишни технология, энергетика, электротехника ва умумзавод ускуналари ҳамда аппаратуралари билан таъминлаш, шунингдек, бино ва иншоотларни фойдаланишга бериши шарт. Шуртномага мувофиқ, буюртмачи зиммасига қурилиш материаллари билан таъминлаш вазифаси ҳам юкланиши мумкин, лекин улардан тўғри фойдаланиш ва уларни сақлаш пудрати зиммасида бўлади.



Буюртмачи шартномада назарда тутилган ҳолларда ўз ихтиёрида бўлган темир йўл транспортдан, сув, буғ, электр қуввати ёрдамида ишлайдиган қурилмаларидан пудратчи учун фойдаланишга бериши лозим. Пудратчи унинг учун тариф бўйича белгиланган баҳода ҳақ тўлайди.

Агар қурилишни ва у билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қурилиш пудрати шартномасини тегишли тарзда бажаришда тўсиқлар борлиги маълум бўлса, уларни бартараф этишда буюртмачи ўзига боғлиқ чораларни кўриши ва пудратчи билан ҳамкорлик қилиши шарт. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда буюртмачи ўзи кўрган зарарни пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади. Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда қилинган харажатларни буюртмачи пудратчига тўлаши лозим бўлади.

Пудратчи шартномада кўрсатилган барча қурилиш ва махсус ишларни, шунингдек, машина ва ускуналарни монтаж қилиш ишларини қурилишнинг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига, иш чизмаси ҳамда унинг сметасига мувофиқ равишда бажариб, буюртмачига топширишга мажбур. Пудратчи бажарилган қурилиш ишларининг буюртмачи томонидан қабул қилинишини талаб этиши мумкин.

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши шарт.

Тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш шартнома ва тегишли қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Қабул қилиш давлат ваколатли органлари вакиллари ташкил қилган давлат қабул комиссияси томонидан буюртмачи, бош пудратчи ва субпудратчилар иштирокида амалга оширилади. Топширилаётган объект хусусий сектор ҳисобидан молиялаштирилган ва давлат учун муҳим аҳамия касб этмаса, қабул қилиш давлатнинг мутасадди ташкилотлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари иштирокидаги комиссияси томонидан тегишли тарафлар қатнашган ҳолда амалга оширилади.

Шартномада кўрсатилган бўлса, қабул комиссиясини ташкил этиш буюртмачи томонидан амалга оширилади. Шартномага биноан қурилиш объекти тўла ёки қисмларга бўлиниб топширилиши мумкин. Буюртмачи томонидан қабул қилинган объект пудратчининг айби бўлмаган ҳолда нобуд бўлса, зарар буюртмачи зиммасида бўлади. Шунинг учун буюртмачи ўзи қабул қилган объектни ёки унинг бир

қисмини сақлаш ва суғурта қилиш учун тегишли ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади.

Қабул қилиш вақтида тегишли техника, дастгоҳ ва агрегатлар дастлабки синовдан ўтказилиши лозим. Буюртмачининг талаби билан бино ва иншоотларни қабул қилишда, унинг ҳисобидан вужудга келтирилган сунъий равишдаги ер силкенишларида ҳам синаб кўрилиши мумкин.

Қурилиш объектини қабул қилиш, топшириш тегишли тарзда акт тузилиши орқали амалга оширилади. Уни, одатда, буюртмачи, пудратчи, тегишли комиссия аъзолари имзолайдилар. Барча камчиликлар актда кўрсатиб ўтилади. Аниқланган барча камчиликлар кимнинг айбли ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, ўша томоннинг ҳисобидан пудратчи томонидан оқилона бартараф этилиши лозим.

Бажарилган ишда қурилиш пудрати шартномасида кўрсатилган фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар борлиги аниқланган ва уларни пудратчи, буюртмачи ёки учинчи шахс бартараф этиши мумкин бўлмаган тақдирда, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Пудратчи шартнома ёки қонунга мувофиқ топширилаётган объектни эксплуатация қилишга кафолат муддати беришга мажбур. Кафолат муддати қурилиш қабул қилинган кундан бошлаб шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, 10 йилдан иборат.

Қонун қурилиш объектини буюртмачи ёки пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхтатилишини назарда тутади. ФКнинг 679-моддасига биноан, агар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш пудрати шартномаси бўйича ишлар тўхтатилган бўлса, қурилиш объекти консервация қилинган бўлса, буюртмачига консервация қилинган пайтга қадар бажарилган ишлар ҳақининг ҳаммасини тўлаши, шунингдек, ишларни тўхтатиш ва консервация қилиш зарурияти туфайли қилинган харажатларни тўлаши шарт.

Объект буюртмачи томонидан консервация қилинган ҳолларда пудратчи тегишли ҳақ ва консервация харажатларидан ташқари олинмай қолган фойдасини, объект консервация қилиниши натижасида кўрган зарарларини ҳам талаб қилиши мумкин.

Қурилиш пудрат шартномаси кўйидаги ҳолларда бекор бўлиши мумкин:

ваколатли давлат органларининг қарорлари билан;  
томонлардан бирининг ташаббуси билан;

пудратчи томонидан қурилиш-монтаж ишларини бажариш муддатлари, қурилиш графигида кўзда тутилган вақт систематик равишда бузилганда;

қурилиш-монтаж ишлари сифат жиҳатдан ёмон ҳолатда бораётган бўлса;

пудратчининг ҳамкорликда фаолият кўрсатиш тўғрисидаги таклифи доимий равишда буюртмачи томонидан рад қилиб келинганда;

буюртмачи томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар систематик равишда бузилганда;

молиялаштирувчи банк томонидан буюртмачи тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган ҳолатда.

Фуқаролик қонунчилиги қурилишга оид пудрат шартномасини тўла ва ўз муддатда бажариш мақсадида шартноманинг бажарилишини таъминлаш мақсадида тарафларнинг жавобгарлик ҳолатларнинг жавобгарлиги пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар асосида тартибга солинади. Лекин, қурилиш пудратининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унга жавобгарликни белгилловчи қўшмча ҳолатлар ҳам татбиқ этилиши мумкин. Қурилиш ишларини олиб борувчи юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган мулкӣ жавобгарлик шартнома талабларини бузишда айбдор бўлган тарафга нисбатан пеня, айбона, жарима каби санкцияларни қўллаш билан жабрланувчининг кўрган зарарини қоплаш имконини беради. Қурилишга оид пудрат шартномасида мулкӣ санкцияларнинг қўлланиши тарафларнинг шартномани бажаришдан манфаатдорлигини оширишга имкон беради. Шунингдек, иккинчи томонни ўз мажбуриятларини реал бажаришга мажбур қилади. ФКнинг 680-моддасида буюртмачи пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижасида ёки агар шартномада назара тутилган бўлса, ишлар бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олгач, уни қабул қилишга киришиши шарт.

ФКнинг 681-моддасига мувофиқ, бажарилган ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлик масалалари кўрсатилган. Унга мувофиқ, пудратчи қурилиш-пудрат шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек, қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужатларида белгиланган кўрсаткичларга, жумладан, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Пудратчи объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга, шу жумладан, корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати-га эришмаганлиги учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериб, жавобгарликдан озод бўлиши мумкин. Унинг айбсизлигига буюртмачи томонидан тайёрланган лойиҳа материаллари, буюртмачи ажратган ва қурилиш объекти жойлашган ер, атроф-муҳит, корхона қувватини ҳисоблашдаги буюртмачи томонидан йўл қўйилган жиддий хатолар ва бошқа ҳолатлар асос бўлиши мумкин.

Пудратчи пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ, қурилиш объектнинг қафолат муддати давомида аниқланган барча камчиликлари учун жавобгар бўлади. Буюртмачи аниқланган камчиликлар ҳақида пудратчини ўз вақтида огоҳлантириш ва уларни барта-раф этиш учун пудратчига лозим бўлган шароитларни яратиб бериши зарур. Пудратчи тегишли объектни эксплуатация қилишаги жиддий нуқсонлар ёки таъмирлаш ишларининг нотўғри олиб борилиши натижасида объектга зарар етказилганлигини исботласа, жавобгар-ликдан озод бўлади.

Бино ёки иншоот реконструкция қилинганда (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганда ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлили-ги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудрати зиммасига юкланади, яъни пудратчи тегишли ишларни бажаришга киришган ҳолларда реконструкция, реставрация, капитал таъмирлаш натижаси-да мазкур объектга ёки унинг бир қисмига ерган зарар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Пудратчининг қурилиш объекти бўлган корхона ишлаб чиқариш қувватига эришмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгарлик ма-саласи қонунчиликда янги ҳолатдир. Шунинг учун томонлар объект-нинг эксплуатация қилиш техник талаблари ва қафолат муддати тўғрисида шартларнинг шартномада кўрсатилишига эришишлари ло-зим.

Қурилиш пудрати шартномасини тартибга солишдаги низоларга барҳам бериш учун махсус қонунларда ва ҳукумат қарорларида та-рафларнинг мулкӣ жавобгарлик даражаси ўрнатилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқ-ланган “Қурилишни контракт асосида ташкил қилиш тўғрисида”ги Низомда пудратчи ва буюртмачининг мулкӣ жавобгарлиги кўрса-тилган. Пудратчи буюртмачи олдида шартнома бўйича мажбурият-

ларни бажармаганлиги учун қуйидаги моддий жавобгарликка тортилиши мумкин:

объектни, унинг қисмларини, бинони ўз вақтида қуриб тамомамласа, маҳсулот чиқаришга тайёрлаш ёки хизмат кўрсатишни ўз вақтида амалга оширмаса, ҳар бир кеч қолган куни учун асосий баҳонинг 0,05% миқдорида жарима тўлайди, лекин жарима объектни буюртмачига топширилган кунигача минимал ойлик иш ҳақининг 15 баробаридан ошиб кетмаслиги керак;

ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга тайёрланаётган бино, иншоот ёки унинг бир қисмини қуриб битириш кечиктирилган тақдирда тўланаган жарима ҳажми асоси қийматнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,05% бўлиши, лекин бир кунлик жарима миқдори 15 баробаридан кўп бўлмаслиги керак;

буюртмачи билан шартнома тузган бошқа махсус муассасаларга майдонни ўз вақтида топширмаслик асосий қийматнинг 0,03% миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади, лекин тўланадиган жарима миқдори энг кам ойликиш ҳақининг 5 баробаридан ошмаслиги керак;

ерларни қайта тайёрлаш бўйича иш ҳажмининг ва муддатининг бузилганлиги учун лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, унинг қийматини ҳисобга олмаган ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун энг кам иш миқдорининг 2 баробар миқдорида жарима тўлайди;

буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан қурилиш давомида ёки оралик қабул вақтида ишларнинг чалалиги, конструкцияларда дефект борлиги аниқланганда, улар 10 кун ичида бартараф қилинмаса, пудратчи ҳар бир кечиктирилган кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди;

агар пудратчи буюртмачи билан келишган ҳолда белгиланган муддатда камчиликларни йўқотмаса, буюртмачи ёки эксплуатация қилувчи ташкилот дефектни ўз кучи билан пудратчи ҳисобидан йўқотиши ва бажарилган иш қийматининг 50%и миқдорида неустойкани пудратчидан талаб қилиши керак.

Буюртмачи бош пудратчи олдида шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун қуйидаги ҳолларда моддий жавобгар бўлади:

буюртмачи тегишли назорат органларининг рухсати ҳақидаги ҳужжатларни ёки қурилиши учун ажратилган жойда иш бошлашга рухсат берувчи геодезик масалаларнинг рухсатномасини ўз вақтида бермаганида, ҳар бир кечиктирилган кун учун минимал ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди;

монтаж қилиш учун лозим бўлган жиҳозларни, материал ва маҳсулотларни, шунингдек, жиҳозларни монтаж қилиш учун лозим бўлган материал ва маҳсулотларни кечиктириб топширганлиги учун тегишли жиҳоз ва материаллар қийматининг 1%идан 4%игача миқдорда жарима тўлайди;

комплект бўлмаган жиҳозларни монтаж учун топширганда, топширилган жиҳознинг 5%и миқдорида жарима ва етишмаган деталнинг қийматини тўлиқ тўлайди;

қўшимча шартномани тузишга тайёргарлик кўриш учун лозим бўлган қайта тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаганлиги сабабли ҳар бир бириктирилган кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди;

сув, газ, иссиқлик, буғ ва электр қувватидан фойдаланиш учун қурилиш бошлангунга қадар бир ой олдин тегишли ташкилотларнинг рухсатномасини тақдим қилмаган ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди;

бузилиши лозим бўлган биноларни ўз вақтида топширмаганлиги, қурилиш майдонидан магистрал электр линияси, темир йўл, ер ости коммуникацияси ва бошқа инженерлик иншоотларини бошқа жойга кўчириш тўғрисидаги рухсатномани ўз вақтида топширмаганлиги сабабли ҳар бир кечиктирилган кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробарида жарима тўлайди;

қурилиш тўхтатилган ва консервация қилинган объектларни қабул қилишни ва бажарилган ишлар учун иш ҳақини ўз вақтида тўламагани учун ҳар бир кечиктирилган кун учун келишилган тўлиқ нархнинг 0,05%и миқдорида жарима тўланиши лозим, лекин бу жарима энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан ошмаслиги керак;

қурилишни молиялаштириш шартнома тузилган вақтдан бошлаб 15 кундан кўп вақтда кечиктирилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди.

## **5. Қурилиш пудрати шартномаси бўйича жавобгарлик**

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича жавобгарлик пудрат шартномаларидан келиб чиқадиган умумий жавобгарлик билан бирга махсус жавобгарлик ҳолатлари ҳам Фуқаролик кодексида назарда тутилган. ФКнинг 668-моддасига асосан бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун пудратчи жавобгар бўлади. Чунки пудратчи айнан

техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошираётган пайтда унинг атрофини ўраб олиши ёки бирор белги қўйиши лозим. Акс ҳолда атроф муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, мулкларга жиддий зарар етказиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Айнан бу ҳолат ФКнинг 678-моддасида назарда тутилган. Унга асосан пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши шарт ва бундай талаблар бузилганлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилишни материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади. Қурилишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган тараф ўзи топширган материаллар (деталлар, конструкциялар)дан, шунингдек ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиб бўлмаслиги вужудга келганлиги учун, агар фойдаланиб бўлмаслик иккинчи тараф жавоб берадиган вазиятлар туфайли вужудга келганлигини исбот қилмаса, жавобгар бўлади. Буюртмачи берган материаллар ёки ускуналардан бажарилаётган ишлар сифатини ёмонлаштирмаган ҳолда фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқланган ва буюртмачи уларни алмаштиришдан бош тортган тақдирда, пудратчи қурилиш пудрати шартномасидан воз кечишга ва буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда шартнома нархини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Бино ёки иншоот реконструкция қилинганида (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганида ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади. Пудратчи буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларидан буюртмачининг жиддий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқиш ҳолларига йўл қўйганлиги учун, башарти

бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганлигини исботлаб бера олса, жавобгар бўлмайди.

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи қурилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агар қонунда ёки шартномада бошқача кафолат муддати назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати объект буюртмачи томондан қабул қилинган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади.

Агар пудратчи кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар (нуқсонлар) объектнинг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиққан қўлланманинг нотўғрилиги, объектни буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар тегишли даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади. Кафолат муддати пудратчи жавобгар бўлган камчиликлар натижасида объектдан фойдаланиш мумкин бўлмаган бутун вақтга тўхтатиб турилади. Кафолат муддати давомида камчиликлар аниқланган тақдирда, буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейинги оқилона муддат давомида улар ҳақида пудратчини хабардор қилиши керак.

Қурилиш пудрати шартномасида пудратчининг у жавобгар бўлмаган камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича ва буюртмачи ҳисобидан бартараф қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин. Камчиликларни бартараф қилиш иши қурилиш пудрати шартномасининг нарчасига бевосита боғлиқ бўлмаган ёки бу ишни пудратчи ўзига алоқаси йўқ сабабларга кўра бажара олмайдиган ҳолларда пудратчи кўрсатилган мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Қурилиш соҳасида пудратчи сифатида аксарият ҳолларда юридик шахслар иштирок этади. Уларнинг жавобгарлик масаласи махсус қонун – Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 йилда қабул қилинган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонун билан ҳам тартибга солинади.

Қонуннинг 2-моддасида қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик тушунчаси берилган бўлиб, унга асосан юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қу-



рилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, лойиҳалаш ва қурилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилик параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риоя этилмаслиги, шунингдек объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бир йўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда жарима солинади. Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

Аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, турар жой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш чоғида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш қонун асосида жаримага тортилишига сабаб бўлади. Чунки қурилиш нормативларини бузиш иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилик, пухталиқ ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқотилишига, пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Қонунга асосан объектларни давлат экспертизаси томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари, жумладан иш ҳужжатлари хусусида берилган ижобий хулосасиз, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва уларнинг рухсатномасисиз қуриш, қурилишда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин сертификатланмаган материаллар, буюмлар ва

конструкцияларни қўллаш, объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш, Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик ҳам ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади.

## **6. Қурилиш пудрати шартномасининг турлари**

Қурилиш пудрати шартномаси предмети, тарафлари, мақсади асосида бир қатор турларга бўлинади. Бу турлар қурилиш пудрати шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Улар жумласига

1. якка тартибда уй-жой қуриш учун тузиладиган қурилиш пудрати шартномаси;

2. давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати шартномаси ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрда қабул қилинган 272-сонли қарори билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низом<sup>1</sup> асосида шартнома тузилади. Шартноманинг предмети якка тартибдаги қуриладиган ёки таъмирланадиган уй-жой (бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати) ҳисобланиб, у ўз ичига ёрдамчи-хўжалик иморатлари (уй ҳайвонлари ва паррандаларни сақлаш учун иморатлар, омборхона, гараж, ёзги ошхона, тандирхона, ертўла, ҳаммом, ҳовлидаги ҳожатхона, душхона, иссиқхона, ҳовуз, сауна, буғ қозонхонаси ва одамларнинг вақтинча бўлиши билан боғлиқ ишларнинг ҳар хил турларини бажаришга мўлжалланган бошқа функционал иморатлар, ҳовлидаги иншоотлар (тўсиқ, дарвоза, эшик, қудуқ, фаввора ва одамларнинг яшашига ҳамда маиший ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга мўлжалланмаган бошқа ясси ёки линияли иншоотлар)ни олади.

Уй-жой қурилиши намунавий ёки якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин, якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа туман (шаҳар) архитектори билан келишилиши керак. Уй-жой қурилишига лойиҳа қуйидагиларни ўз ичига олади:

ерости ва ерусти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси режаси;

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 йил, 51-52-сон, 518-модда.

уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадлари режалари;

смета-молия ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлганда).

Белгиланган тартибда келишилган уй-жой қурилишига якка тартибдаги ёки намунавий лойиҳа уй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши пудрат усули билан ёки хўжалик усули билан (қурувчиларнинг ўз кучи билан) амалга оширилиши мумкин.

Уй-жой, ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар қурилиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бир ер участкасида икки ёки ундан ортиқ оилага тегишли бўлган бир нечта уй-жой қурилишига йўл қўйилади. Якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш якка тартибдаги уй-жойни қураётган шахснинг (кейинги ўринларда "қурувчи" деб юритилади) ўз маблағлари, банкнинг ипотека кредитлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши устидан техник назоратни қурувчи амалга оширади. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органлари уй-жой қурилишида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар. Уй-жой қурилиши тугаллангандан кейин қурувчи туман (шаҳар) ҳокими томонидан уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан ташкил этиладиган қабул қилиш комиссиясига мурожаат қилади. Қабул қилиш комиссияси жойнинг ўзига бориб қурилиши тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тузади.

"Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ҳудудий органи 10 кун муддатда янгидан қурилган (реконструкция қилинган) уй-жойни техник хатловдан ўтказиши ҳамда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари билан келишув бўйича уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори лойиҳасини киритади.

Уй-жойлар қурувчининг ўз кучи билан қурилган ҳолларда битта (иккита) турар жой хонаси, ошхона, ҳожатхона, уй фасадининг ташқи беағи қурилиши тамом бўлгандан, лойиҳага мувофиқ уй муҳандислик коммуникациялари билан таъминлангандан кейин алоҳида ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотларсиз ва ҳудудни ободонлаштирмасдан уйнинг бир қисмини фойдаланишга қабул қи-

лишга йўл қўйилади. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли қарор лойиҳаси киритилгандан кейин икки кундан кечикмай қабул қилинади. Ҳокимнинг қарорига мувофиқ уй қурувчига уй дафтари берилади.

Уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи "Ергеодезкадастр" давлат кўмитасининг ҳудудий органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлади.

Қурувчи - пудратчи:

берилган (реализация қилинган) ер участкасидан ва мақсадли ипотека кредитидан ёрдамчи-хўжалик иморатлари билан бирга фақат уй-жой қуриш учун фойдаланишга;

уй-жой ва ёрдамчи-хўжалик иморатларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилган ҳолда келишилган ва тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қуришга;

берилган (реализация қилинган) ер участкасини берилган (реализация қилинган) кундан бошлаб икки йил мобайнида ўзлаштиришни бошлашга ва қурилиш тугаллангандан кейин бир ой мобайнида уй-жойни ва унга бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Уй-жой қурувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу мақсадлар учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатномани олмасдан ёхуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари жиддий равишда бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан қуриш аниқланган тақдирда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қуриш ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатнома тузилиши билан бир вақтда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қурилатган қурилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилади. Кўрсатманинг нусхаси ўзбошимчалик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади. Ҳуқуқи бузилган шахснинг ёхуд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни қурган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобига бузиб ташланиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қурувчи уй-жой қуриш ёки реконструкция қилишга тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи органга ёки суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан иморат қуриш масалалари бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришнинг пудратчиларга афзаллиги шундан иборатки, қонун ҳужжатлари уларга тегишли рағбатлантирувчи чоралар тизимини белгилайди. Шунингдек, пудрат ишлари бўйича давлат буртмаси бундай ишларни бажариш учун зарур бўлган марказлаштирилган давлат бюджетидан ажратишиб таъминланган тақдирдагина берилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар инвесторлар учун кафолатланган давлат буюртмасини бажаришга объектив шароит яратади.

Давлат эҳтиёжлари учун қурилиш пудрати шартномаси давлат аҳамиятига молик бўлган ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларни, қишлоқ хўжалигини юритиш объектларини, транспорт ва алоқа, уй-жой, геология-қидирув объектлари ижтимоий соҳа объектлари (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва савдо объектлари) ни қуриш ва таъмирлаш мақсадида тузилади. Бундай пудрат ишлари бюджетдан молиялаштирилган ҳолда амалга оширилади. Айрим ҳолларда ҳомий ташкилотларнинг мадади орқали ҳам молиялаштирилиши мумкин. Бу шартноманинг бошқа қурилиш пудрати шартномаларидан фарқи шартнома предмети ва субъектида бўлиб, буюртмачи фақат давлат органлари бўлса предмети давлат эҳтиёжлари учун қурилиш ва таъмирталаб объектлар ҳисобланади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Қурилиш пудрати шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Қурилиш пудрати шартномасини тузиш тартиби.
3. Қурилиш пудрати шартномасининг лойиҳасини ҳужжатлари.
4. Қурилиш пудрати шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва бурчлари.
5. Қурилиш пудрати бўйича пудратчининг жавобгарлиги.
6. Қурилиш пудрати бўйича буюртмачининг жавобгарлиги.

## **4 §. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати**

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси ўзининг предметиға кўра пудрат шартномаларининг мустақил тури ҳисобланади.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси ўзининг моҳиятиға кўра қурилиш шартномаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади, чунки лойиҳа ва (қидирув ишлари пудрати шартномаси бўйича пудратчи лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича шарномада белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 686-моддаси). Бу шартнома кўп ҳолларда қурилиш пудрати шартномаси тузилишидан олдин тузилади. Баъзи ҳолларда лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати ва қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи бўлиб бир шахс иштирок этиши ҳам мумкин. Бунда қурилиш пудрати шартномасини тузишда тарафлардан бири-пудратчи ёки буюртмачи зиммасига келишилган муддатда қурилишнинг лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва иккинчи томонга танишиб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилади. Одатда лойиҳалаш ва қидирув ишлари тегишли объектни қуришга нисбатан мураккаб ва алоҳида малака ҳамда билим талаб қилганлиги учун бундай фаолият билан махсус муассасалар шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II сонли Қарорига 1-илова - «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг фаолият турларининг» Рўйхатиға мувофиқ, лойиҳа қидирув ишлари пудрати билан боғлиқ, қуйидаги фаолият турлари тегишли лецинзия асосида амалга оширилади:

- ёнғинга қарши автоматика воситаларини, кўриклаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларға техник хизмат кўрсатиш;

- ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларға хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан ҳимояланиш воситаларини ясаш ва тайёрлаш;

- магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш;
- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш;
- қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш;
- телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш<sup>1</sup>.

Тегишли тарзда лицензия олган юридик шахслар лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасида пудратчи бўлиб иштирок этишлари мумкин. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудратига тегишли махсус қоидалар ва пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ, тарафлар шартномани фақат лойиҳа ишлари бўйича ёки қидирув ишлари бўйича ҳам тузишлари мумкин. Буюртмачида пудратчини танлаш ва унга иш топшириш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасини тартибга солишда Фуқаролик кодекси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарафлар ўрта-

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами", 2002 й. 2-сон

сидаги муносабатларни тартибга солишда шартноманинг аҳамияти жуда катта роль ўйнайди. Фақат шартномагина қонун ёки меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилмаган, лекин йўл қўйилган ҳаракатларни амалга оширишда иккала томон учун масъул бўлган шартларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасининг предмети бўлиб лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш ҳисобланади. Шартнома предмети сифатида одатда қурилиш лойиҳаларини ва мазкур қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш асосий аҳамият касб этади.

Қуриш лойиҳалари батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси асосида, белгиланган қизил чизиқлар чегараларида ёки ер участкалари чегараларида ишлаб чиқилади.

Қуриш лойиҳалари:

- қуришни тартибга солиш чизиқларини;
- бинолар ва иншоотларнинг жойлашуви, неча қаватлилиги, тури ҳамда бошқа тавсифларини;
- қуришнинг архитектура ечимини;
- муҳандислик ускуналари, алоқа ва ободонлаштириш тизимларини, шунингдек мазкур тизимларни аҳоли пунктларининг ер участкалари, мавзелари, даҳалари ва режалаштирилган тузилмасининг бошқа қисмлари доирасидан ташқарида бўлган муҳандислик ускуналари, алоқа ҳамда ободонлаштириш тизимлари иншоотлари ва коммуникацияларига улаш шартларини;
- транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати қандай ташкил этилишини;
- умум фойдаланишдаги ҳудудларни белгилайди.

Туманларнинг, шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари қуриш лойиҳаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаган қўшимча талаблар, шу жумладан маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналарида лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришга, кичик шаклдаги архитектура объектларини, реклама, пешлавҳалар ва бошқа ахборотни жойлаштаришга доир талаблар киритишга ҳақли (Шаҳарсозлик кодексининг 38-моддаси).

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек обо-



донлаштириш ишлари қийматини белгилайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмалари, санитария-эпидемиология хизматлари, ёнғинга қарши назорат хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа хизматлар билан келишиб олинади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш буюртмачининг ташаббуси билан ва унинг ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари объектлар қурилиши учун рухсатнома беришга асос бўлади.

Пудратчи ўз фаолиятининг якуни сифатида буюртмачига тегишли техник ҳужжатларни ёки ҳисоботларни буюртмачига топшириш шарт. Шартнома ҳар бир ҳолатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун унинг предмети ҳам унга мутаносиб равишда ўзгариб туради.

Лойиҳа ҳужжатлари тегишли объектни техник жиҳатидан асосланган чизмалар, смехалар, рангли тасвирлар, уларга берилган тушунтиришлардан иборат, яъни лойиҳа ҳужжатлари қурилиш ҳажмини, унинг мазмуни ва олиб бориладиган ишлар моҳиятини аниқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Лойиҳалаш бир томонидан ижодий иш бўлса ҳам уни амалга оширувчидан, асосан, тажриба, маҳорат ва махсус малака талаб қилади.

Смета ҳужжатлари тегишли объект лойиҳаси асосида тузилади. Смета ҳужжатларини тузишда ҳам малакага эга бўлган мутахассислар фан ва амалиётга маълум бўлган усуллар асосида тегишли лойиҳадаги қурилиш учун қандай материаллар ишлатилиши лозимлигини ва у қандай суммага битказилишини ҳисоблаб борадилар. Буюртмачи қурилиш лойиҳасини қабул қилишда смета қийматига албатта эътибор беради. Шунинг учун буюртмачи смета қийматини арзонлаштиришга ёки иложи борица камайтиришга ҳаракат қилади.

Қидирув ишлари лойиҳа смета ҳужжатларидан олдин ҳам ёки ундан кейин ҳам амалга оширилишимумкин. Қидирув ишлари тегишли объект учун ажратилган ерни тўлиқ ўрганиш ёки бу объект учун энг қулай бўлган жойни иқтисодий асослаб бериш, белгиланган ҳудуднинг табиий шароити, рельефи, қурилиш материалларидан фойда-

ланиш имкони, сув манбалари, транспорт коммуникацияси, электр энергияси таъминоти ҳақида илмий амалий асосланган маълумотларни жамлаш ва ҳулосалар тузилиб, буюртмачига топшириш билан яқунланади. Лойиҳа-смета ҳужжатларидан олдин ўтказилган қидирув ишлари пудрати тегишли объектни кўришга асос солади. Дастлабки маълумот бўлган қидирув ишлари якуни асосида лойиҳа ва смета тузилади. Тайёр лойиҳаларни қуриш учун жой танлашга зарурият туғилганида қидирув ишлари амалга оширилиши мумкин. Бунда смета қиймати умумий асосда қайта кўриб чиқилиши лозим. Масалан: комплекс тадбиркорлик лицензияси бўйича лицензиатга берилган лицензия асосида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш комплексини бошқа жойда, бошқа ҳудудда бўлган ҳам қурилган ҳолларда бунга зарурат вужудга келиши мумкин.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасида субъектлар сифатида буюртмачи ва пудратчилар иштирок этадилар. Буюртмачилар сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Энг муҳими, уларнинг лойиҳа ва қидирув ишларига бўлган эҳтиёжи ва хоҳиш-иродасидир, лекин фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам қонун йўл қўйган асослардаги соҳалар, объектлар бўйича буюртмачи бўлишлари мумкин. Улар фуқаролик муомаласида бўлган объектларга белгиланган тартибда буюртмачи бўлишга ҳақлидирлар. Атом энергетикаси объектлари, магистрал трубопроводлар, кўприкларни лойиҳалаш ишларини буюртма қилишга шундай фаолиятларни амалга ошириш тўғрисидаги ваколатлари уларнинг низомларида кўрсатилган ва тегишли тарзда махсус рухсатномалар олган бўлишлари лозим. Кўп ҳолларда қурилиш пудратчилари буюртмачилар бўлиб иштирок этадилар.

Пудратчилар сифатида қонун ҳужжатлари асосида махсус рухсатнома (лицензия) олган ва тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ташкилотлар иштирок этадилар. Пудрат шартномасининг умумий қоидаларига мувофиқ, лойиҳа ва қидирув пудрати шартномасининг махсус қоидаларга зид бўлмаганлиги учун буюртмачининг топшириқларини бажаришда субпудратчилар ҳам жалб қилиниши мумкин. Бунда буюртмачи, бош пудратчи ва субпудратчи ўртасида муносабатлар пудрат ва қурилиш пудрати тўғрисидаги қоидалар асосида амалга оширилади.

Шартнома бўйича бажарилган ишларга ҳақ миқдорини белгилаш икки хил усулда амалга оширилиши мумкин: пудратчи белгиланган тарифлар асосида ўзи амалга оширилиши лозим бўлган ишлар

бўйича смета тузади ва буюртмачига тақдим этади; буюртмачи якуний хулоса ва техник ҳужжатларни тайёрлашга (уларнинг ижобий ва салбий бўлишидан қатъи назар) пудратчи билан келишилган ҳақни тўлайди.

Шартномани тузишда унга кўрсатилган ишларни бажариш ва буюртмачига топшириш муддатлари кўрсатилган бўлиши лозим. Буюртмачи ишнинг тез бажарилиши учун оқилона муддатни қисқартириш мақсадида пудратчига тарифда белгиланган суммага нисбатан кўпроқ ҳақ тўлашни ёки мукофоти ваъда қилиши мумкин. Агар шартномада уни бажариш муддатлари кўрсатилмаган бўлса, пудратчи тегишли ишларни оқилона бажариши лозим.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси ёзма шаклда тузилади. Унинг тузилишига буюртмачи томондан тегишли объектни лойиҳалаш ёки қидирув ишларини олиб бориш ҳақидаги пудратчига қилган таклиф асос бўлади. Пудратчи бундай таклифни қабул қилса, шартнома матнини тўзишга, унинг шартларини буюртмачи билан келишишга киришади.

Буюртмачининг дастлабки мажбурияти пудратчига лойиҳалаш ҳақида топшириқ, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни беришдан иборат. Лойиҳалаш ҳақидаги вазифани буюртмачининг топшириғи бўйича пудратчи тайёрлаши мумкин. Бу ҳолда вазифа буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб, тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишлари бўйича топшириқни тайёрлашни учинчи шахсларга ҳам шартнома асосида бериш мумкин.

Буюртмачи пудратчи барча ишларни бажариб бўлганидан кейин белгиланган нарх ёки келишилган сумманинг ҳаммасини тўлаши лозим. Буюртмачи ўз вақтида пудратчининг ҳақини тўламаса, ФК 327-моддаси асосида жавобгар бўлади. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаш ҳақидаги шарт ҳам киритилиши мумкин.

Пудрат шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилиб, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасида, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари шартномасини тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги хавфи буюртмачининг зиммасига тушади. Тасодифан бажариш мумкин бўлмаган хавф сифатида буюртмачи ва пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар тушунилади. Бундай ҳолларда буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун тегишли ҳақни тўлайди. Шартнома-

да бошқача ҳолат кўрсатилган бўлмаса, кўшимча мукофот тўғрисидаги шарт киритилган бўлса, пудратчи уни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, буюртмачи пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ кўшимча пудратчига харажатларни тўлаши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи пудратчидан олинган лойиҳа-смета харажаларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт. Шартномада кўзда тутилган ҳолларда лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси натижаларидан буюртмачи ихтиёрий тарзда фойдаланиши, уни учинчи шахсларга сотиш ва фойланишга бериши мумкин бўлади.

Буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишларини бажаришда шартномада кўзда тутилган ҳажмда ва шартларда пудратчига хизмат кўрсатиши шарт. Буюртмачи ўзидаги алоҳида маълумотлари, малакали мутахассислари ёки тегишли техникаси билан пудратчига хизмат кўрсатиши мумкин.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда пудратчи билан қатнашиши шарт.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, буюртмачи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахслар томонидан буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга пудратчини жалб қилиши шарт. Пудратчини бундай ишларда жалб қилишдан асосий мақсад унга ўз тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув натижаларини ҳимоя қилишга имкон яратишдан иборат, чунки буюртмачига қўйилган даъвога лойиҳа-смета ҳужжатлари ёки қидирув ишлари натижалари асос бўлиши мумкин. Пудратчини бундай ишларга жалб қилмаслик буюртмачининг унга нисбатан регресс даъво кўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 689-моддасида пудратчининг мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ, пудратчининг дастлабки мажбурияти унга топширилган ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топши-

риқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ бажариши ҳисобланади. Пудратчи ўзига берилган топшириқдан четга чиқишга ҳақли эмас. Қурилиш пудрати қоидалари ва қонунга мувофиқ, пудратчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгарган ҳолларда буюртмачига тезлик билан хабар бериши лозим. Шартнома шартларига киритилган ҳар қандай ўзгаришлар буюртмачининг розилиги билан амалга оширилади. Буюртмачи пудратчининг ички хўжалик фаолиятига аралашманган ҳолда ўз топшириғининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида назоратни амалга ошириши мумкин.

Пудратчи тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, буюртмачи билан тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши шарт. Масалан, шаҳарсозлик кодексининг 16-моддасига мувофиқ, пудратчи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаси ва буюртмачи билан келишган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг архитектура-бадий кўриниши ҳамда амалий ечимини ёмонлаштирмаган тарзда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгаришлар киритиши лозим.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлгач, улар билан буюртмачини таништириши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мақсадга мувофиқлигини исботлаб бериши, тегишли ҳудудда қурилиши ишлари олиб боришнинг хавфлилик даражасини ва қандай қурилиш материалларидан фойдаланиш лозимлиги тўғрисида маълумоларни тақдим қилиши лозим. Буюртмачи шартномада белгиланган муддатда пудратчи берган лойиҳа-смета ва қидирув ишларига тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиши лозим бўлади. Пудратчи берган хулосаларни эътиборга олишга мажбур. Барча техник ҳужжатлар тарафларнинг келишувидан сўнг пудратчи томонидан тасдиқланади.

Зарур бўлган ҳолларда пудратчи буюртмачи билан биргаликда ўзи ишлаб чиққан лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишлари яқунларини давлатнинг ваколатнинг органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва келишиб олишда иштирок этади. Бунда пудратчи ўз фаолиятининг яқунлари илмий-амалий асосланганлиги, атроф-муҳитга зарарсизлигини исботлаб бериши лозим. Тегишли органлар томонидан аниқланган камчиликлар шартнома шартларига мувофиқ пудратчининг ўз ҳисобидан ёки буюртмачи ҳисоби-

дан амалга оширилади. Пудратчи ўзига берилган топшириқларни белгиланган муддатга, келишилган нусхада топширишга мажбур.

Пудратчи буюртмачининг розилисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги ва уларни сир сақлаши шарт. Лекин пудратчи ўзининг кейинги фаолиятида бошқа буюртмани бажаришда ўзидаги мавжуд маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Кейинги бажарилган буюртмалар биринчисидан фарқ қилмай қолган (чунончи: пудратчи бошқа буюртмачиларга ҳам илгаридан тайёр лойиҳанинг айнан ўзини топширган) ҳолларда, пудратчи биринчи буюртмачи олдидан мажбуриятларини бажарилмаганлиги учун суд тартибида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи учинчи шахсларда пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаши лозим.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасида пудратчи бундай кафолат беришининг мажбурий аҳамиятга эгаллиги улар томонидан ўз ваколатлари доирасида ва тегишли давлат стандартларига мос бўлган лойиҳаларни яратишда роль ўйнайди.

Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси бўйича пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан, кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қушимча қидирув ишларини бажариши, шунингдек, агар Қонун ёки шарномада бошқача тартибда белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт. Пудратчи ўзининг айби билан етказилган зарар учун учинчи шахслар олдиди ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Келтирилган зарар пудратчи берган ҳужжатларга асосан нотўғри қуриш, қурилиш материалларидан нотўғри фойдаланиш, қурилишни қайта қуриш, жиҳозлаш учун қилинган харажатлар йиғиндисидан иборат. Объект тадбиркор фаолиятида ишлатилиши лозим бўлган ҳолларда олинмай қолган фойда, бошқа ҳолатларда жарима кўзда тутилиши мумкин.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

2. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбариятлари.

3. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасидаги ишлар ва ҳужжатлар бўйича пудратчининг жавобгарлиги

### **5 §. Илмий текшириш, тажриба конструкторлик ва технология ишлари пудрати**

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати (ИТТКТП) шартномаси алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур шартнома ФКнинг 37-боби 5-параграфида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлсада, ИТТКТП шартномасининг предмети, унинг хусусиятлари, шартнома тузиш, бажариш ва шартномани бажариш натижаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш нуқтаи-назаридан ушбу шартноманинг ФКда жойлашиши, унинг номланиши ва ҳуқуқий тартибга солиниши бўйича ҳуқуқий адабиётларда турли фикрлар мавжуд. Баъзи мутахассислар мазкур шартномани пудрат шартномаларига мансублигини таъкидлаб, ФКнинг 37-боби 5-параграфида ушбу шартнома жойлаштирилишини мақсадга мувофиқ, - деб ҳисоблашса<sup>1</sup>, бошқа мутахассислар ИТТКТП шартномасини ФКда ўрнини белгилаш ва пудрат шартномасининг бир тури сифатида белгилашни муваффақиятли чиқмаганлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, пудрат ишларидан илмий-тадқиқот ишларининг асосий фарқи шундан иборатки, агарда пудрат шартномасининг предмети ҳар доим муайян натижа бўлса, илмий-тадқиқот ишларида кўп ҳолларда фаолият ўзи ҳисобланади, пудрат шартномасида натижага нисбатан мулк ҳуқуқи буюртмачига ўтса, илмий тадқиқот ишлари натижалари аксарият ҳолларда интеллектуал мулк-ҳуқуқий режимига бўйсунди. Шу билан бирга ФКнинг 37-боби 1-параграфидаги пудрат тўғрисидаги умумий қоидаларни ИТТКТП шартномаларига ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ эмас<sup>2</sup>.

Албатта мазкур вазиятда иккинчи фикрга қўшилган ҳолда, ИТТКТП шартномасининг Россия Федерация ГКдаги каби алоҳида бобда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм) (мазкур боб муаллифи – Б.Ибратов). –Т.: Адолат.1999.-335 б.

<sup>2</sup> Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2004. 277 б.

ФКнинг 693-моддасига мувофиқ, илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифада кўрсатилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса - янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижрочи-га) техникавий топшириқ бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Пудратчи билан тузилган шартнома тадқиқот олиб бориш, намуналар ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг бутун жараёнини ҳам, уларнинг айрим босқичларини (элементларини) ҳам қамраб олиши мумкин.

Мазкур шартномада бир вақтнинг ўзида бир-биридан фарқ қилувчи, лекин муайян умумийликка эга бўлган бир неча фаолият тури ва у асосида амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўрсатиб ўтилган. Яъни:

- илмий-текшириш ишлари;
- тажриба-конструкторлик ишлари;
- технология ишлари.

Фуқаролик қонунчилиқда фаолият мазкур турларининг тушунчаси берилмаган. Бироқ, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик, технология, илмий-тадиқот фаолиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

илмий (илмий-тадқиқот) фаолият – янги билимлар яратишга ва уларни татбиқ этишга йўналтирилган фаолият бўлиб, улар жумласига:

- фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, жамият ва атроф табиий муҳитнинг тузилиши, амал қилиш ва ривожланишининг асосий қонуниятлари тўғрисидаги янги билимларни яратишга қаратилган эксперименталь ва назарий фаолият;

- амалий илмий тадқиқотлар – амалий мақсадларга эришиш ва аниқ амалий вазифаларни ечимини топиш бўйича энг мақбул, янги билимларни қўллашга қаратилган фаолият.

Илмий-техникавий фаолият – технологик, инженерлик, иқтисодий, ижтимоий, инсонпарварлик ва бошқа муаммоларнинг ечимини топиш, фан, техника ва ишлаб чиқаришни ягона тизим сифатида амал қилишини таъминлаш бўйича янги билимларни яратиш ва қўллашга қаратилган фаолият.



ИТТКТП шартномаси ўзнинг ҳуқуқий табиатига кўра, икки томонлама, консенсуал ва ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

ИТТКТП шартномасини тартибга солишда интеллектуал мулк ҳуқуқи қоидалари қўлланилади. Зеро, мазкур шартнома асосида пудратчи амалга ошираётган ишлар илмий-ижодий фаолият ҳисобланади, яратилган натижалар эса аксирият ҳолларда интеллектуал мулк объектлари жумласига киради. ФКнинг 702-моддасига мувофиқ, илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари асосидаги муносабатлар ФК билан бир қаторда, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Ушбу шартномада пудратчи сифатида одатда илмий-текшириш институтлари, университет ва институтлар, тажриба-конструкторлик, ихтирочилик бюрolari, илмий ходимлар, муайян билим ва малакага эга бўлган фуқаролар иштирок этишлари мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги илмий-текшириш институтлари томонидан амалга оширилмоқда. Шу билан бирга Фанлар академияси, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар амалдаги қонунчилик асосида акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг муассислари бўлиш ҳуқуқига эгадирлар (Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Уставининг 66-банди).

Қонун ҳужжатларида мазкур шартнома субъектлари доираси бевосита чекланмаган. Бироқ, муайян турдаги илмий-текшириш ишларини олиб бориш учун тегишли лецензияга эга бўлиш талаб этилади. Масалан, «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг фаолият турларининг» Рўйхатига мувофиқ, ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлинадиган соҳалардаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналар, радиациядан ҳимояланиш воситаларини яшаш ва тайёрлаш учун тегишли лецензияга эга бўлиш талаб этилади.

Шу билан бирга баъзи ҳолатларда амалга оширилиши кўзда тутилаётган илмий-текшириш ишлари учун тегишли лецензияга эга бўлиши ёки ваколатли давлат органларининг топшириғи асосида

амалга оширилиши кўзда тутилади. Масалан, Россия Федерациясининг 1996 йил 5 июлдаги «Ген инженерияси соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида» ги қонунига мувофиқ, ген инженерияси соҳасида илмий-текшириш ва илмий-тадқиқот ишлари олби бориш учун лицензия олиш талаб қилинади.

ИТТКТП шартномасининг предметини илмий текширишларни амалга ошириш, янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш ишлари ташкил этади.

Пудратчи илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шарт. Агар илмий-текшириш ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у буюртмачининг розилиги билан шартномани бажаришга учинчи шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Пудратчи тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажарган вақтида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уни бажаришга учинчи шахсларни ёрдамчи пудратчи сифатида жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

Агар илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тарафлар шартнома нарчасига, уни бажариш жараёни ва олинган натижаларга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт. Махфий деб ҳисобланадиган маълумотлар ҳажми шартномада белгилаб қўйилади. Пудратчи буюртмачининг ёзма розилиги билан мазкур шартномалар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини патентлашга ҳақли.

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаларидаги тарафлар иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган доирада ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўзига пудратчи томонидан берилган иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, пудратчи эса, ўзи олган натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли.

Пудратчига (ижрочига) техникавий топшириқ бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш билан бирга, ИТТКТП шартномасига мувофиқ буюртмачининг мажбуриятлари яна қуйидагилардан иборат бўлади:

- пудратчига техникавий топшириқ бериши ва у билан ишлар дастурини (техника-иқтисодий параметрларни) ёки мавзусини келишиб олиши;

- пудратчига ишларни бажариш учун зарур ахборотни топшириши;

- бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва уларнинг ҳақини тўлаши шарт.

Мазкур шартномада пудратчининг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

- буюртмачи билан келишилган дастур (техника-иқтисодий параметрлар)га ёки мавзуга мувофиқ ишларни бажариши ва натижасини шартномада назарда тутилган муддатда буюртмачига топшириши;

- интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этиши;

- бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, буюртмачининг техникавий топшириғида ёки шартномада назарда тутилган техника-иқтисодий параметрлардан чекинишга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан барта-раф этиши;

- кутилаётган натижаларни олиш мумкин эмаслиги ёки ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда буюртмачини дарҳол хабардор қилиши;

- бундай шартномалар асосида топширилган натижаларга учинчи шахсларда алоҳида ҳуқуқлар йўқлиги ҳақида буюртмачига кафолат бериши шарт.

Агар илмий-текшириш ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи:

- ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган илмий-техникавий натижаларни буюртмачининг розилигисиз эълон қилмаслиги;

- ишларни бажариш жараёнида қўлга киритилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижаларни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қилиши;

- буюртмачига бажарилган ишларда қўлланилган ҳуқуқий муҳофазага лойиқ илмий-техникавий натижалардан фойдаланиш ҳақидаги махсус лицензияни бериши шарт.

Агар илмий-текшириш ишлари жараёнида пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибатида натижага эришиш мумкин эмаслиги маълум бўлса, буюртмачи шартномада назарда тутилган натижаларга

эришиб бўлмаслиги аниқлагунча амалга оширилган ишлар қиймати-ни тўлаши шарт, аммо бу қиймат шартномада кўрсатилган ишлар баҳосининг тегишли қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш жараёнида пудратчи айбдор бўлмагани ҳолда ишни давом эттириш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, буюртмачи пудратчининг харажатларини тўлаши шарт.

Пудратчи илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасини умуман ва тегишли даражада бажармаганлиги учун, агар шартноманинг бузилишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилмаса, буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, буюртмачининг ишлар қиймати доирасида кўрган реал зарарини пудратчи қоплаши шарт.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномаси тушунчаси.

2. Илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномасининг турдош шартномалардан фарқи.

3. Илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари шартномасига ишларни натижаларига бўлган ҳуқуқ.

4. Илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Пудрат шартномасида ишни баҳолаш муаммолари.

2. Пудрат шартномаси матнини шакллантириш.

3. Пудрат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш.

4. Пудрат шартномаси шартлари (муҳим, факультатив ва қўшимча шартлар).

5. Маиший пудрат натижалари камчиликларини аниқлаш.

6. Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш пудрати муносабатларини ривожлантириш.

7. Қурилиш ишларини хавфсизликни таъминлаш ва объектни суғурталаш.

8. Қурилиш пудрати шартномасида лойиха смета ҳужжатлари.

9. Қурилиш учун ер ажратиш тартиби ва шартлари.
10. Қурилиш ишларини назорат қилиш.
11. Қурилишни конверсация қилиш.
12. Қурилиш объектлари сифати учун жавобгарлик.
13. Қурилиш пудрати шартномавий муносабатларига ипотекани қўллаш муаммолари.
14. Лойиҳа ва қидирув билан боғлиқ маълумотлар.
15. Лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати шартномасида ишнинг камчиликларини аниқлаш.
16. Тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудратида махфийликни таъминлаш.
17. Пудрат шартномасида иш натижасига эриша олмаслик оқи-батлари.

## **38-БОБ. ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**

### **1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Фуқаролик кодексининг 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига қуйидагича таъриф берилган.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартнома орқали кўрсатиладиган хизматларга қуйидагиларни, яъни алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик ва бошқа хизматларни киритиш мумкин. Ушбу хизмат турларига нисбатан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг қоидалари тадбиқ этилади.

**Шу ўринда ушбу шартноманинг предметини ташкил қиладиган “хизмат” тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак.**

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан,** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси хизмат турига кўра ҳам консенсуал ҳам реал бўлиши мумкин. Масалан, сайёҳлик хизмати консенсуал характерга эга бўлса, алоқа хизматининг айрим турлари (ҳат-хабарлар юбориш хизмати) реал характерли бўлиши мумкин.

**Иккинчидан,** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ўз номидан кўриниб турибдики, муайян ҳақ эвазига амалга оширилади. Буюртмачи ўз топшириғига биноан ижрочи томонидан амалга оширилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**Учинчидан,** Шартнома юзасидан тарафларнинг ҳар иккаласида ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш икки томонлама шартномалар гуруҳига киради.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш республикамизда бозор муносабатлари шаклланиб бориши ва демократик жараёнларнинг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги сабабли аҳолига кенг жабҳа бўйлаб хизмат курсатишга қаратилган шартномадир.

Шартноманинг предмети ашёвий шаклда бўлмаган хизматдир. Яъни, муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга

ошириш билан боғлиқ бўлган, шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, муайян бир ихтисосликка, малакага эга бўлган кишилар томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Фуқаролик кодексининг 704-моддасига мувофиқ ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

**Шартномада ҳақ тўлаш тартиби.** Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочиға унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак (ФКнинг 705-моддаси).

Бугунги кунда республикамызда ушбу шартномаға бўлган талаб ортиб бормоқда. Аҳолиға турли соҳаларда кенг хизматлар кўрсатишға давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Республикамызда айниқса, соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб аҳолиға кенг қамровли ва сифатли тиббиёт хизматини кўрсатиш шароитларини яратиб берилди. Бу соҳанинг ривожланишида ҳусусий тиббиёт марказларининг ташкил этилиши катта самарали натижаларға эришишға туртки бўлди. Тиббий хизмат кўрсатувчи турли ҳусусий тиббиёт марказлари ташкил этилди ва бу фуқароларимизға таклиф этилаётган тиббий хизматлардан ўзлари учун мақул бўлганини танлаш имкониятларини ортишиға сабаб бўлди. Шунингдек, фуқароларимизнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишға, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишға қаратилган турли ҳуқуқий маслаҳатхоналар, адвокатуралар фаолият олиб бормоқда.

## **2. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг турлари**

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бир неча турларға ажратилади. Уларни биз хизмат кўрсатишнинг ҳусусиятиға қараб, алоқа хизмати, тиббий хизмат, ветеринария хизмати, аудиторлик хизмати, ҳуқуқий хизмат, маслаҳат хизмати ва шунға ўхшаш бошқа

турларга ажратамиз. Ана шу кўрсатиб ўтилган хизматлар ўз хусусияти, хизмат кўрсатиш ҳолати, характери ва ҳуқуқий тартибга солиниш соҳасига қараб, бир-биридан фарқланади. Аммо уларнинг умумий ўхшашлиги ҳам мавжуд. Шу сабабли уларни Фуқаролик кодекси ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси сифатида бир мавзуга жамлаган. Чунки бу шартномада бир томонда хизмат кўрсатувчи ижрочи, иккинчи томонда эса ана шу хизматдан фойдаланувчи буюртмачи иштирок этади. Буюртмачи бўлиб фуқаролар, шунингдек, юридик шахслар, ижрочи бўлиб эса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга булган ва хизмат кўрсатиш учун белгиланган тартибда рухсат олган фуқаро ёки ташкилотлар қатнашадилар. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган фуқаролар ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсата оладилар.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи корхоналар давлат руйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, юридик шахс ҳисобланади ва хизмат кўрсатиш фаолиятига эга бўлади.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси орқали кўрсатиладиган хизмат турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Алоқа хизмати;
2. Тиббиёт хизмати;
3. Ветеринария хизмати;
4. Аудиторлик хизмати;
5. Маслаҳат хизмати;
6. Ахборот хизматлари;
7. Таълим бериш хизмати;
8. Адвокатлик хизмати;
9. Сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар;

Санаб ўтилган хизмат турлари республикамизда жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан республикамизда ушбу хизмат турларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Почта алоқаси тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 708-моддасида пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоида-



лар ушбу боб қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган.

Республикада мустақилликдан кейин ривожланиб бораётган хизматлардан бири бу аудиторлик хизматидир.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида аудитга тушунча берилган. Унда белгиланишича, аудит муайян ваколатлар берилган шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган хўжаликларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада мувофиқлигини, шунингдек мукамаллигини, бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа молиявий ҳисобот юритишга дойр талабларга қай даражада монандлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия ҳужжатларининг экспертизаси ва тахлилидир. Аудит, шунингдек, консалтинг мижоз билан шартнома асосида хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олади.

Аудит белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини олган ва аудиторларнинг касб-кори руйхатига киритиладиган мутахассисдир.

Аудиторлик хизмати аудиторлик фирмаси томонидан олиб борилади. Аудиторлик фирмаси юридик ёки жисмоний шахслар томонидан тузилган, белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилган ва ўз уставига кўра, фаолияти соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхоналар ҳисобланади.

Аудиторлик фирмалари кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар тарзида тузилиши мумкин.

Аудиторлик ва аудиторлар фирмалари давлат руйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин ўз фаолиятини бошлайдилар.

### **3. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида тарафлар сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этади.

**Буюртмачи** – тегишли хизмат кўрсатилишидан манфаатдор бўлган ва бу хизматни ўзига ёки у кўрсатган бошқа шахсга кўрсатилиши учун буюртма берувчи шахс.

Мазкур шартномада буюртмачи сифатида хизмат турига қараб фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари қатнашишлари мум-

кин. Масалан, фуқаро ўзининг соғлиғини тиклаш учун тиббиёт хизматига мурожат қилса, юридик шахслар ёки давлат органлари ўзларига алоқа, почта хизматларини кўрсатишларини таъминлаш мақсадида алоқа ёки почта хизматларига мурожаат қиладилар.

**Ижрочи** – буюртмачи билан келишган ҳолда ўз зиммасига олган хизматни ҳақ эвазига амалга оширувчи, тегишли малака, мутахассисликка ва ваколатга эга бўлган шахс.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ижрочи бўлиб, тегишли хизматни амалга оширувчи **фуқаролари**, юридик шахслар, давлат муассасалари қатнашишлари мумкин.

**Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида хизмат кўрсатувчи, яъни ижрочининг асосий мажбурияти, буюртмачи томонидан зиммасига юкланадиган (буюриладиган) ашёвий кўринишга эга бўлмаган хизматни шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида бажаришдан иборатдир. Бунда ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи шахс юқорида айтиб ўтганимиздек, зиммасига юклатилаётган хизматни бажаришга ихтисоси, малакаси етарли бўлишидан ташқари, тегишли хизмат турини бажариш учун (махсус лицензия) ваколатга эга бўлиши ёки тегишли ташкилотда фаолият юритаётган бўлиши талаб этилади. Масалан, ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи шахс, яъни адвокат тегишли олий юридик маълумотга эга бўлиши ва шу фаолият билан шуғулланиши учун тегишлича рухсатнома олган бўлиши керак. Гарчи фуқаро олий юридик маълумотга эга бўлсада, лекин адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатномаси (лицензияси) мавжуд бўлмаса, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга, суд-тергов жараёнларида қатнашишга ҳақли эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тегишли олий юридик маълумотга эга шахс ўз билими доирасида бошқа шахсларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериши мумкин, бироқ у тегишли хизмат турини кўрсатиш учун албатта махсус рухсатномага эга бўлиши шарт.

Ижрочининг ҳуқуқлари шартнома юзасидан олган хизматини бажарганлик учун буюртмачидан ҳақни ўз вақтида тўлашни талаб қилишдан иборатдир.

**Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Ушбу шартнома бўйича буюртмачининг асосий мажбурияти ўзига кўрсатилган хизмат учун шартномада белгиланган ҳақни ўз вақтида тўлаш ёки тўлаб боришдан иборатдир.

Буюртмачи тегишли хизматга буюртма бериши учун ижрочи каби муайян талабга жавоб бериши шарт эмас, бироқ унда тегишли хизма-

тга буюртма бериш учун асос, зарурат ва тегишлича маблағ бўлиши шарт. Масалан, сайёҳлик хизматдан фойдаланишда албатта буюртмачининг саёҳат қилишга эҳтиёжи ва унга етарли маблағи бўлиши керак.

Буюртмачининг ҳуқуқлари ижрочи томонидан ўзига кўрсатилаётган хизматни шартнома шартларига мувофиқ ҳолда, ўз вақтида, сифатли адо этишини талаб қилишдан иборатдир.

Олдинги параграфда санаб ўтилган хизмат турларининг ҳар бирида шартнома тарафлари, яъни ижрочи ва буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбурияти хизмат турига қараб турли кўринишда бўлиши мумкин.

Чунончи: алоқа хизмати кўрсатиш шартномасига мувофиқ, хизмат кўрсатувчи ташкилот буюртмачиларга почта жўнатмаларини белгиланган манзилга жўнатиш, мижозларга кунлик матбуот хабарларини, шунингдек, газета, журналларни уларнинг уйига ёки бошқа белгиланган жойларга вақтида етказиб бериш, телефон хизмати кўрсатиш каби тузилган шартномалардан келиб чиқадиган бурчларни ўз вақтида маромига етказиб бажариш бўлса, буюртмачилар эса бунинг учун белгиланган хизмат ҳақини тўлаб туришга мажбур бўлади.

Тиббий хизмат кўрсатишда эса, бу хизматни бажаришга ихтисослашган ташкилот, шунингдек, етарлича тиббий хизмат кўрсатишга тегашли билим ва ҳужжатларга эга бўлган ҳамда рухсат олган шахслар, тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади. Улар эса фуқароларга малакали хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади. Тиббий хизматдан фойдаланувчилар агар бундай хизмат кўрсатиш текинга бажариладиган бўлмаса, келишилган ҳақни тўлашга бурчли бўлади.

Ветеринария хизмати бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилот буюртмачи фермерларга ёки аҳолига малакали хизмат кўрсатиш мажбуриятини олса, буюртмачи эса шартнома бўйича белгиланган хизмат ҳақини ва бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

Ахборот, маслаҳат бериш ва сайёҳлик хизмати кўрсатиш бўйича бу вазифаларни бажарувчи ташкилот тегишли хизматни шартнома бўйича сифатли бажаришга, буюртмачи эса келишилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашга мажбур бўлади.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи нотариус, адвокатура ва бошқа ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, фирмалар қонунга мувофиқ ва тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ хизмат кўрсатишга, буюртмачилар эса келишилган ҳақни белгиланган вақтда ва тартибда тўлашга мажбур бўлади.

Таълим (репетиторлик) хизмати тегишли гувоҳномаси, яъни рухсатномаси бўлган ва малакали ихтисосга эга, хусусий тадбиркор томонидан ёки бу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган фирма томонидан кўрсатилади. Мижоз, яъни таълим олишга мухтож шахс белгиланган ёки келишилган хизмат ҳақини тўлашга мажбур бўлади.

Аудиторлик хизмат бўйича аудитор ёки аудиторлик фирмаси мижоз ташкилотга шартномага мувофиқ сифатли хизмат кўрсатиш мажбуриятини олса, буюртмачи ташкилот шартлашилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашга мажбур бўлади.

#### **4. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги**

Фуқаролик кодексининг 706-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини шартномада кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўламаганлик учун ижрочи олдида жавобгардир.

Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда, буюртмачи ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

#### **Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш.**

Умумий қоида бўйича шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор бўлиши мумкин. Ҳақ эвазига хиз-

мат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш: буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шарти билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 707-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Томонларнинг шартнома юзасидан жавобгарлиги.
4. Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

## **39-БОБ. ЙЎЛОВЧИ, БАГАЖ ВА ЮК ТАШИШ ШАРТНОМАСИ**

### **1. Ташиш шартномаснинг тушунчаси, предмети ва турлари**

Иқтисодчиларнинг эътирофига кўра, транспорт жамият иқтисодий организмнинг муҳим қон томирларидан биридир. Зеро, транспорт узокни яқин, оғирни енгил қилувчи воситадир. Бу ғоя, айниқса, бозор муносабатлари шароитида янада теранлашмоқда. Айнан транспорт йўловчи, багаж ва юк ташишни амалга оширишнинг зарур воситаси бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатлари транспортдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга кескин таъсир кўрсатди. Масалан, автомобиль транспорти соҳасидаги кўплаб хусусий корхоналар вужудга келди. Илгариги “давлат режаси шартномавий муносабатларнинг асоси сифатида ўз мавқеини йўқотди. Юк ва йўловчилар ташиш шартномалари бозор муносабатларида транспорт корхонаси билан мижозлар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштирувчи асосий ҳуқуқий восита бўлиб қолди”<sup>1</sup>. Амалдаги ФКнинг 709-моддасига кўра, йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномалари асосида амалга оширилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасига таъриф беришдан олдин уларнинг турларини айтиб ўтиш керак, чунки бу шартноманинг тушунчалари унинг турига қараб фарқланади. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасининг қуйидаги асосий икки тури мавжуд:

- 1) йўловчи ташиш шартномаси;
- 2) юк ташиш шартномаси.

Ўзбекиетон Республикаси Фуқаролик кодексининг 710-моддасида йўловчи ташиш шартномасига қуйидагича таъриф берилди: “Йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж тошпирган бўлса – багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади”. Йўловчи ташиш шартномасида тарафлардан бири тадбиркорлик фаолияти юритганлиги учун бу шартнома хўжалик шартномалари туркумига киради. Бинобарин, унга нисбатан 1998 йил 29 августда қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шарт-

---

<sup>1</sup> Оқйўлова М.Б. Юк ташиш шартномаси тушунчаси ва мазмуни. Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 1997. -94 б.

номавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг нормалари ҳам татбиқ этилади.

Юқоридаги нормадан кўриниб турибдики, йўловчи деганда, ташувчи хизматидан фойдаланувчи жисмоний шахс тушунилади, багаж деганда эса транспортда жўнатиш учун ҳозирланган нарсалар, йўловчининг ўзи билан бирга бўлган (шахсий) юкини тушунамиз.

Ташувчи эса – бу маълум ҳақ эвазига йўловчи ва багажни белгиланган манзилга элтувчи шахс.

Шуни таъкидлаш керакки, Фуқаролик кодексининг ташиш шартномасига берган таърифи умумийдир, яъни Кодекс нормалари бу соҳани умумий нормалар тарзида тартибга солади. Амалда ташиш шартномаларига доир тегишли транспорт ташкилотларининг ўз нормалари мавжуд. Уларда, хусусан, йўловчи ва багаж ташишининг ўзига хос, соҳанинг махсус хусусиятларини ҳисобга олиб, таъриф берилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Ҳаво кодексига асосан йўловчи ва багаж ташиш шартномасига қуйидагича таъриф берилди: “Ҳаво транспортида ташиш шартномасига биноан ташувчи йўловчи ва унинг қўл юкини чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бериб, белгиланган манзилга элтиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи қўл юкини топширган бўлса – қўл юкини белгиланган манзилга етказиб, уни йўловчига ёки йўловчи тайинлаган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи белгиланган тариф бўйича парвоз-учиш, юк ташувчи белгилаган меъёрдан ортиқ қўл юки бўлган тақдирда эса – қўл юки учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади” (Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, 98-модда<sup>1</sup>).

Йўловчи ташиш шартномасининг асосий хусусияти шундаки, бунда ташиш бўйича хизматлардан фойдаланувчи тараф бўлиб фуқаро қатнашади. Бу эса тегишли устав ва низомларда кўрсатилган йўловчи ҳуқуқларидан ташқари, фуқаро яна ФК ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги қонунда кўрсатилган ҳуқуқпарга ҳам эгалигани билдиради.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, шартнома консенсуал характерга эга, яъни билет ёки багаж квитанцияси олингандан сўнг шартнома тузилган ҳисобла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда.

нади, йўловчи эса ташувчидан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

иккинчидан, бу шартнома икки томонлама шартнома ҳисобланади, яъни тарафларнинг ҳар бири муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Шартнома ёзма шаклда тузилади. Йўловчи чиптани қўлга киритгани шартнома тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат вазифасини ўтайди.

Учинчидан, йўловчи ташиш шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади, яъни йўловчи ташувчи хизматидан фойдалангани учун ҳақ тўлайди.

Ташиш шартномасининг иккинчи тури юк ташиш шартномасидир. Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Юк ташиш шартномасида юк ташувчи сифатида фақат тегишли лицензия олган шахсларгина қатнаша оладилар. Масалан, “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси, Ҳаво кодексининг 96-моддаларига кўра, автомобилда ташиш, ҳаво транспортида ташиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус қоида ва тартибларга мувофиқ, рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Жумладан, бундай шартномаларнинг иштирокчилари темир йўлда – темир йўл қорхонаси; дарё ва денгиз транспортида – пароходчилик; ҳаво транспортида – ҳаво транспорт қорхонаси; автомобиль транспортида – автохўжаликлар ёки автоколонналар<sup>1</sup> бўлади.

Юк ташиш шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, юк ташиш шартномаси реал шартнома ҳисобланади, яъни юк ташувчи жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахс (олувчи)га топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Бундай юк ташиш шартномаси шартлари тегишли транспорт ҳужжатларида, айтайлик, темир йўл, дарё ва ҳаво транспортида – транспорт юкхатида, денгиз транспортида – транспорт юкхати ёки

<sup>1</sup> Ф. Сайфуллаев. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. -Т.: Ўқитувчи. 1988. -121 б.



коносаментда; автомобиль транспортида – товар-транспорт юкхатида ёки бошқа хил актларда ва ҳужжатларда расмийлаштарилади.

Жўнатувчига транспорт юкхати ёки бошқа ташиш ҳужжатини тузиш ва бериш бир вақтнинг ўзида шартнома тузилганлигининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси ФК, 711-модда 2-банди).

Демак, юк ташиш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Иккинчидан, юк ташиш шартномаси ҳам одатда, икки томонлама шартномалар туркумига киради. Шартнома тарафларнинг ҳар бири учун муайян ҳуқуқ ва бурчлар туғдиради;

учинчидан, юк ташиш шартномаси ҳақ бараварига тузилади, чунки жўнатувчи ёки олувчи юк ташувчига юкни белгиланган манзилга етказиб берганлига учун ҳақ тўлайдилар.

Ташиш шартномасининг ҳар икки турида ҳам ташиш шартлари, шунингдек, тарафларнинг уларни ташиш бўйича жавобгарлиги, агар ФКда, транспорт уставларида ва кодексларда, бошқа қонунларда ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Биз юқорида кўриб ўтган шартнома турлари шартноманинг тарафларига қараб фарқланади, яъни масалан, йўловчи ва юк ташиш шартномасида унинг тарафлари сифатида бир томондан йўловчи (жисмоний шахс) ва иккинчи томондан транспорт ташкилоти ташувчи сифатида иштирок этса, юк ташиш шартномасида бир томонда юк жўнатувчи ва иккинчи томонда юк ташувчи иштирок этади. Булардан ташқари, ташиш қандай йўллар билан амалга оширилишига қараб ҳам куйидаги уч турга: ички қатнов бўйича юк ва йўловчилар ташишга; халқаро қатнов бўйича йўловчи ва юк ташишга; тўғри – аралаш қатнов бўйича йўловчи ва юк ташишга бўлинади.

Ички қатнов билан йўловчи ва юк ташиш деганда, бир транспорт корхонаси ҳаракат қиладиган чегарада, аниқроғи, мамлакат доирасида ташиш тушунилади. Айтайлик, Тошкент темир йўл чегарасидаги бир бекатдан шу йўл чегарасидаги бошқа бир бекатга юк ва йўловчилар ташиш. Шаҳар худудида ҳаракат қиладиган транспортларда йўловчи ва юк ташиш ҳам шу турга киради.

Халқаро қатнов бўйича йўловчи ва юк ташиш деганда, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида амалга ошириладиган ташиш тушунилади. Айтайлик, Тошкентдан Москвагача темир йўл корхоналарининг иштирокида тегишли транспорт ҳужжати билан йўловчи ва юклар ташиш.

Тўғри-аралаш катнов бўйича йўловчи ва юклар ташиш деганда, бир неча транспорт ва корхоналарнинг иштирокида ягона транспорт ҳужжати билан йўловчи, багаж ва юк ташиш тушунилади.

Мазкур турдаги шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг предметидир, яъни шартноманинг предмети товар ёки жўнатилаётган моддий бойликлар бўлмай, балки транспорт корхонасининг иккинчи тараф (мижоз) га кўрсатадиган транспорт хизматидир.

Йўловчи ва юклар ташиш шартномаси қуйидаги қонунлар ва халқаро конвенциялар билан ҳам тартибга солинади:

1. 1964 йил 6 апрелдаги “СССР Итифоқда темир йўллари устави”<sup>1</sup>. Бу Устав ҳозирги кунда ҳам собиқ СССР Итгифоқи ҳудудида МДХ давлатларининг келишувига асосан сақланиб, вақтинча амал қилиб турибди. Айни пайтда у темир йўллардан фойдаланиш бўйича давлатлараро битим мақомига эга. Шунингдек, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январь “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ва протокол-ни ратификация қилиш ҳақида”ги қарори<sup>2</sup> ҳам мавжуд. Ҳозирги пайтда темир йўл билан боғлиқ мунсабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган Темир йўл устави ҳам муҳим ҳуқуқий манба ҳисобланади.

2. 1993 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.

3. “Хўжалик юршувчи еубъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август қонуни.

4. “Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август қонуни.

5. “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрель қонуни.

6. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август қонуни.

7. “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрель қонуни.

8. “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель қонуни.

---

<sup>1</sup> СП СССР. 1964, § 5, ст. 36.

<sup>2</sup> //Ўзбекистон овози, 1992 й., 5 январь, 4-сон.

9. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель қонуни.

10. Контейнерлар тўғрисидаги 1972 йил Халқаро Божхона конвенцияси.

11. Юкларни халқаро йўлларда ташишга мўлжалланган йўлда ташиш воситаларини солиққа тортиш тўғрисидаги конвенция, 1956 йил.

12. Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бир хиллаштиришга оид конвенция, Варшава, 1929 йил.

ФКнинг ташиш тўғрисидаги нормалари бу ҳақдаги умумий қоидаларнигина ўз ичига олади. ФКнинг 709-моддасига кўра ташишни, асосан, транспорт уставлари ва кодекслари ҳамда уларга мувофиқ қабул қилинган қоидалар тартибга солади.

Почтани ташиш ҳақида ФКнинг 39-бобида ҳеч нарса дейилмайди, чунки у алоҳида хусусиятларга эга. Шунинг учун почтани ташиш тегишли транспорт уставлари ва кодекслари ҳамда уларга мувофиқ равишда қабул қилинган қоидалар билан тартибга солинади.

ФКнинг 39-бобида халқаро йўловчи ва юк ташиш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бундай ташишлар халқаро шартномалар (транспорт конвенциялари) асосида амалга оширилади Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномалар шаклига эга бўлган транспорт конвенциялари ФКнинг 7-моддаси мазмунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларига нисбатан афзалликка эга, яъни транспорт конвенциялари ва бизнинг транспорт ҳуқуқи нормалари ўртасида қарама-қаршилик бўлганда, халқаро шартномалар нормалари амалда бўлади. Айни пайтда, транспорт конвенцияларида тартибга солинмаган ҳолатлар бўлса, Ўзбекистон Республикаси ФК, транспорт уставлари ва кодекслари нормалари билан тўлдирилиши мумкин.

Шунингдек, айтиш керакки, маҳаллий транспорт қатновини ташкил қилиш халқаро транспорт қатнови тартибига мос равишда ишлаб чиқилади ва ўзгартирилади.

МДХ мамлакатлари ўртасида йўловчи ва юкларни ташиш алоҳида тартибга бўйсунди. Темир йўл орқали йўловчи ва юк ташиш учун МДХ мамлакатлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, 1964 йилги “СССР Иттифоқи темир йўллари Устави” вақтинча кучда қолдирилди. Бошқа турдаги транспортларда ташиш бўйича бундай турдаги келишув йўқ ва улар ўзаро тан олиниб, халқаро шартномалар қоидаларига асосан амалга оширилмоқда.

Амалиётда бундай тартибга солишнинг янгилигини ҳисобга олиб, МДХ давлатлари ўртасидаги айрим ташишлар ички алоқаларга доир эски транспорт ҳужжатларига асосан амалга оширилмоқда.

## **2. Шартнома бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Фуқаролик кодексининг 710-моддаси талабига кўра, “Йўловчи ва багаж ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли чипта ва багаж паттаси билан тасдиқланади». Йўловчига берилган чиптада шартноманинг асосий шартлари: чипта баҳоси, транспортнинг жўнаш вақти, чиптанинг яроқлилик муддати ёзилган бўлади. Ҳаво транспорти ва қонунда белгиланган тарзда шаҳарлараро ва халқаро йўналишда қатнайдиган поездлардан ташқари, бошқа транспортларга берилган чиптада йўловчининг исми, фамилияси ёзилмайди. Фамилиялари ёзилган чипталарни бировга бериш тақиқланади. Ҳаво транспортида йўловчи чиптани йўқотган тақдирда, бошқа чипта берилмайди.

Йўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ФКнинг 710, 715, 720, 721, 725-моддаларида (хусусан, йўловчиларнинг ҳуқуқлари) нормаланади.

Йўловчи тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган тартибда:

-ўзи билан бепул ёки имтиёзли шартларда болаларни олиб юриш;

-белгиланган миқдор доирасида ўзи билан бепул багаж олиб юриш;

-белгиланган миқдор доирасида бепул, миқдордан ортиқчаси учун эса тариф бўйича ҳақ тўлаб ташиш учун багаж топшириш;

-ташувчи билан тарифларда назарда тутилмаган хизматлар кўрсатиш хусусида келишиш;

-йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилса ва бунга узрли сабаб бўлмаса, ташувчининг айби билан йўловчи багажига шикаст етказилса ёки у йўқолса, шартномадан воз кечиш, зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга;

Шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам йўловчиларнинг ҳуқуқлари тегишли транспортнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиб белгиланган. Масалан, амалдаги Темир йўллар уставининг, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуннинг бир қатор моддаларида йўловчиларнинг қуйидаги ҳуқуқлари белгиланади:

-истаган поездга, хоҳлаган жойидан, яъни хоҳлаган вагондан жой беришни талаб қилиш;

- беш ёшдан катта бўлмаган бир болани текин олиб юриш;
- 36 килограммгача, шаҳар атрофида юрадиган поезддарда эса 50 килограммгача юкни текин олиб юриш;
- чиптанинг муддатини ўзгартириб олиб, йўлда бирон жойда 10 суткагача қолиш;
- юкни багаж қилиб жўнатиш;
- тасодифан касал бўлиб қолган такдирда бутун даволаниш давомида чиптанинг яроқлилиқ муддати узайтирилишини талаб қилиш ҳуқуқларига эга.

“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига асосан йўловчилар шаҳар транспортдан фойдаланишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шаҳар йўловчи транспортининг ҳар қандай туридан фойдаланиш;
- бекатлар ва тўхтаб ўтиш манзилларидан фойдаланиш;
- ўзлари билан биргаликда 7 ёшгача бўлган болаларни бепул олиб юриш;
- ўлчамлари белгиланган катгаликдан ошмайдиган, вазни 20 килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш;
- белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаб, багаж олиб юриш;
- ҳаёти ва соғлиғини шахсий суғурта қилиш ҳақида ихтиёрий равишда шартнома тузиш;
- бекатлар ва охирги диспетчерлик манзиллари диспетчерларидан шаҳар йўловчи транспортининг иши тўғрисида ахборот олиш.

Шунингдек, “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартабга солиш тўғрисида”ги қонунга асосан қуйидаги шахслар шаҳар йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқига эгалар:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;
- 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва 1-гуруҳ ногаронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;
- 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортвда фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;
- Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

-ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар<sup>1</sup>;

-Чернобил АЭСи ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига ча-  
линган ва уни бошдан кечирган шахслар;

-кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар.

Шунингдек, йўловчилар “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган ҳуқуқларга ҳам ташувчиларнинг хизматидан фойдаланувчи истеъмолчилар сифатида эга.

Айни пайтда қонун ҳужжатларида йўловчиларга бир қатор мажбуриятлар ҳам юкланган. Жумладан, йўловчилар ФКда белгиланганидек:

-белгиланган йўл ҳақини, багажи бўлса, багаж ташиш ҳақини ташувчига тўлаши;

-транспорт уставлари ва кодексларида белгиланган қоидаларга риоя этиши;

-ташувчининг талаби билан транспортда бепул юриш учун ҳуқуқ берадиган чипта ёки бошқа ҳужжатни тақдим этиши;

-ташувчининг талаби билан багаж квитанциясини тақдим этиши;

-поезд, самолётлардаги ва бошқа транспортлардаги ашёлардан тўғри фойдаланиши лозим.

Шунингдек, махсус қонунларда ҳамда қонунчилик актларида йўловчиларга транспорт турига қараб қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин. Хусусан, шаҳар транспортда йўловчиларнинг мажбурияти қуйидагилардан иборат:

- йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этишлари;

- йўл ҳақи ва багаж ташиш ҳақини ўз вақтида тўлашлари, чиптани манзилга етгунга қадар сақлашлари ва уни назорат қилувчи шахсларнинг талабига биноан кўрсатишлари;

- транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишлари;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун. 2009 йил 4 декабрь. 9 модда.

- шаҳар йўловчилар транспортдан фойдаланганда тозалик ва тартибга риоя этишлари, ташувчиларнинг асбоб-ускуналари ва мол-мулкани эҳтиёт қилишлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришлари шарт.

Қонунчилик, шунингдек йўловчиларнинг жавобгарлигини ҳам белгилайди. Масалан, йўловчининг айби билан ташувчининг мулкига зиён етказилса, йўловчи зарарни тўлашга мажбур. Шунингдек, йўловчи транспортга чиптасиз чиқса, у жарима тўлашга мажбур қилинади.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномасининг иккинчи тарафи – ташувчи (транспорт ташкилоти) ҳисобланади. Амалдаги меъёрий ҳужжатларда ташувчининг ҳам бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Умумий ҳолда ташувчининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- кўрсатган ташиш хизмати учун ҳақ олиш ёки кира ҳақини ҳамда багаж ташиш учун ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиш;

- кира ҳақи тўламаган йўловчиларга ФКда, транспорт уставларида ва кодексларида, агар ташиш шартномасида кўзда тутилган бўлса, шартномада белгиланган тартибда жарима солиш;

- йўловчининг транспортда белгиланган тартиб-интизомга риоя этишини талаб қилиш;

- бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан ёки транспортда имтиёзли тарзда юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан уларнинг ҳуқуқларини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни талаб қилиш;

- транспортда бепул, имтиёзли ёки бошқа тарзда юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш;

- транспортда бепул, имтиёзли ёки бошқа тарзда юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар сохталаштирилганлиги аниқланганда, бу ҳужжат эгаларини жавобгарликка тортиш.

Айни пайтда, ташувчининг зиммасида бир қатор мажбуриятлар ҳам мавжуд:

- йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса, багажни ҳам белгиланган манзилга элтаб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади (ФК, 710-модда);

- қонунчиликда белгиланган шахсларни бепул ва имтиёзли тарзда олиб юриш;

- йўловчи ва багажни белгиланган тарзда ва муддатда белгиланган манзилга, бундай муддат белгиланмаган бўлса, мақбул муддатда элтиб қўйиши шарт (ФК, 717-модда);

- транспорт воситаларини жўнатиш кечикканлиги сабабли йўловчи уларда жўнашдан бош тортган тақдирда башарти бундай ҳол юз беришида ташувчи ўзининг айбсизлигини исботлай олмаса, йўловчига кира ҳақини ва у қилган бошқа харажатларни қайтариши шарт (ФК, 720-модда);

- транспортда йўловчи ва багаж ташишни ташкил этишда унинг хавфсизлигини таъминлаш;

- зарур ҳолларда йўловчининг талаби билан чиптанинг муддатини узайтириш;

- ташувчининг айби билан йўловчи ёки унинг багажига шикаст етса ёки у зарар кўрса, зарарни тўлаши;

- қоидалар билан назарда тутилган тартибда йўловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кабилар.

Айрим транспорт турларига тегишли бўлган қонунлар, уставлар ва кодексларда, шу транспортларнинг турларига қараб ташувчиларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам юклатилган. Хусусан, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонунда ташувчининг қуйидаги мажбуриятлари нормаланган:

- шаҳарда йўловчиларни ташиш ишларини бажариш учун лицензияга эга бўлиш;

- йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этиш;

- йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлини хавфсизлигини таъминлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиндан сақлаш хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариш;

- ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар транспортдан техник фойдаланиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

- фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиш ва шу кабилар.

Ташувчиларнинг белгиланган йўналишдан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, ҳаракат жадвалини бузиш ҳамда йўловчиларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган талабни қўйиши ман этилади (“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси).



Йўловчи ва багаж ташиш ФКнинг 714-моддасидан келиб чиққан тартибда умумий фойдаланишдаги транспортда амалга оширилиши мумкин. Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш оммавий шартнома ҳисобланиб, унга асосан бундай турдаги ташишга ФКнинг 358-моддаси талаблари қўлланилади.

Бундай шартнома тегашли қонун ҳужжатларида ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига асосан, шаҳар йўловчилар транспортда йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Лекин маълум транспортга доир қонунчилик ҳужжатларида, бу турдаги транспортда йўловчи ва багаж ташиш оммавий шартнома тусига эга бўлса ҳам, белгиланмаган бўлиши мумкин. Унда бундай турдаги транспортларни умумий фойдаланишдаги транспорт деб эътироф этиш учун улар ФКнинг 714-моддасида кўрсатилган талабларга мос тушиши керак. Унга кўра, тижорат ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ташиш, агар қонун ҳужжатларидан ёки ушбу ташкилотга берилган рухсатномадан (лицензиядан) унинг ҳар қандай фуқаро ёки юридик шахс мурожаатига мувофиқ йўловчи, багаж ва (ёки) юк ташиш шартлиги англашилса, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш деб эътироф этилади.

### **3. Юк ташиш шартномаси турлари.**

#### **Шартнома тарафларининг — жўнатувчи (олувчи) ва юк ташувчишг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, юк ташиш шартномаси ёзма шартномадир. Бу шартнома ҳам йўловчи ва багаж ташиш шартномаси сингари ёзма шаклда тузилиши ФК, транспорт уставлари ва кодексларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Агар тегашли қонунчиликда шартнома тузиш тартиби ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса, у тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Юк ташиш шартномаси тузилганлиги ФКнинг 711-моддасига асосан, тегишли транспорт устави ёки кодексида назарда тутилган ҳужжат (транспорт юкхати, коносамент ёки юкка доир бошқа ҳужжатлар) ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

Мамлакат ичида юк ташишни расмийлаштирадиган ҳужжат, одатда, юкхати бўлади. Юк хатида юк жўнатувчи, юкни олувчи, юк тарифи, юкнинг жўнатиладиган, олинадиган манзили ва бошқа тегашли маълумотлар кўрсатилади. Юк ташиш шартномаси юкни та-

шувчига транспорт ҳужжатлари билан бирга топширилган пайтдаёқ тузилган ҳисобланади.

Юкнинг ташиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида махсус ҳужжат, темир йўллар ва дарё транспортида – квитанция, денгиз транспортида – коносаментнинг, ҳаво транспортида эса, юк хатининг нусхаси берилади.

Мазкур ҳужжатлар юкни бошқа манзилга жўнатиш ҳуқуқини, юк йўқотилган, зарарлантирилган тақдирда эса юк ташувчига нисбатан даъво қўзғатиш ҳуқуқини беради.

Юк ташиш шартномасининг тарафлари сифатида қуйидаги шахслар қатнашади:

юк жўнатувчи – юкни маълум бир транспорт турида белгиланган манзилга жўнатувчи шахс;

юк ташувчи – юкни бир манзилдан, жўнатувчидан олиб, иккинчи манзилда юк олувчига топширувчи шахс;

юк олувчи – юк жўнатувчилардан ўзига жўнатиш юкларни қабул қилиб олувчи шахс.

Мижозлар (юк жўнатувчилар ва юк олувчилар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ташувчи тўғрисида зарур бўлган ахборотни олиш;
- ташувчини эркин танлаш ва ташиш учун шартнома тузиш;
- қоидаларда ёки ташиш шартномасида белгиланган тарзда ташувчи томонидан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишидан баҳраманд бўлиш;

- ташиш тўғрисида етказилган зиённи ва маънавий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлатириш ва қоплатириш;

- ташиш шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар ташувчи томонидан бузилган тақдирда хизмат кўрсатишдан воз кечиш;

- ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат қилиш ва ҳоказо.

Юк жўнатувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- юкни белгиланган талабномага биноан ўз вақтида транспорт ташкилотига етказиб бериш;

- маҳсулотларни идишга (тарага) яхши жойлаштириш, қадоқлаш;

- маҳсулотларнинг табиий хусусиятларини ва турларини транспорт ҳужжатларида кўрсатиш;

- лозим ҳолларда ўз воситалари ва ишчи кучлари билан юкнитранспортга жойлаштириш;

- маҳсулотларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиб, огоҳлантириш белгиларини кўринарли қилиб ёзиш;

- кира ҳақини ўз вақтида тўлаш кабилар. Юк ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жўнатилаётган юк ўз сертификатига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;

- фуқаролар ҳаётига, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, экология ва санитария нормалари бузилишига ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳолатларда ташишдан воз кечиш;

- тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини ўз вақтида талаб қилиб олиш ва ҳоказо.

Юк ташувчининг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- юк юборувчининг талабномасида кўрсатилган вақтда юк ташиш воситаларини бериш;

- ушбу воситаларни беришдан олдин унинг тозалигини кўриб чиқиш, лозим бўлган ҳолларда ювиб, тозалаб бериш;

- юкни қабул қилиб олгандан сўнг уни зарарсизлантirmасдан сақлаш;

- транспорт воситасига ортгандан кейин ҳам тегишли эҳтиёт чораларини кўриш;

- айрим маҳсулотларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сақлаш;

- юкни тайинланган манзилга олиб бориш билан уни олувчига хабар қилиш кабилар.

Юк олувчининг мажбуриятлари қуйидагиларда кўринади:

- юк келганлиги тўғрисида хабар олиши биланок ўзига тегишли юкларни дарҳол олиб кетиш чораларини кўриш;

- борди-ю, олиб кетишнинг иложи бўлмаса, юкни эҳтиёт қилиб сақлаш чораларини кўриш ва юкни қабул қилишга оид бошқа баъзи бурчлардан иборат.

Юк ташиш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юк ташилаётган транспортнинг турига қараб ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, темир йўл транспорти билан юк ташилганда ташувчи-темир йўл корхонаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- юк ташиш мажбуриятини бажариши;

- юк ташиш учун яроқли бўлган вагонларни, цистерна, контейнерларни белгиланган муддатда юк жўнатувчи ихтиёрига бериши;

- вагонларнинг ва юкларнинг ҳолатини кўриб чиқиши;
- юкнинг қабул қилинганлиги тўғрисида квитанция ёзиб бериши;
- жўнатиш учун қабул қилинган юкларни зарарлантирмай ва йўқотмай сақлаши;
- юкни тайинланган муддатида белгиланган манзилга етказиб бериши;
- юкнинг тайинланган жойга етказиб келтирилганлиги тўғрисида юк ташувчини дарҳол хабардор қилиши;
- юк кимга берилиши тайинланган бўлса, уни шу шахсга топшириши.

Юк жўнатувчи ва олувчиларнинг мажбуриятлари, асосан, қуйидагилар билан чегараланади:

- юк ташиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришлари;
  - юкларни белгиланган муддатда жўнатиш учун транспорт ташкилоти томонидан берилган юк ташиш воситаларини, яъни вагон, контейнер, цистерналарни кўздан кечириб чиқишлари;
  - юк олувчилар ўзларига келган юкларни вақтида қабул қилиб олшшлари;
  - тариф бўйича белгиланган кира ҳақини тўлашлари кабилар.
- Темир йўл транспортида юк ташиш транспорт юкхатида расмийлаштирилади. Юкхатда бир қатор маълумотлар, чунончи, юк жўнатиш бекат ва йўлнинг номи, тайинланган бекат ва юк олувчининг манзили, жўнатилаётган юк тури, миқдори, ўровнинг хили, юк ташиш тезлиги, кира ҳақи, юкни қабул қилиш вақти, тушириш, юк топшириш вақти ва юкка доир бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Юк ташишнинг кенг тарқалган турларидан бири автомобиль транспорти орқали юк ташишдир. Автомобиль транспорти билан юк ташиш шартномаси ФКнинг ушбу шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалари, “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган намунавий шартномалар билан тартибга солинади. Бундай шартномада юк ташувчининг мажбуриятлари шартнома бўйича юкни тайинланган манзилга белгиланган муддатда кечиктирмасдан тўла-тўқис етказиб бериш ва шу каби бурчлардан иборат. Юк олувчининг мажбуриятларига: кира ҳақини тўлаш (агар юк жўнатувчи тўламаган бўлса), юкни қабул қилиш ва ўз вақтида ташиб олиш ва бошқалар киряди.

Юк жўнатувчининг мажбуриятларига: юк жўнатиш режасини бажариш, юкни ўз вақтида ташувчига (автотранспорт ташкилотига) топшириш; кира ҳақини тўлаш, юк ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш; шартнома билан белгиланган ҳолда юкни ўз ишчи кучи ва техник воситалари ёрдамида юклаш ва бошқалар киради.

Юк ташишнинг учинчи турига ҳаво транспорти билан юк ташиш шартномаси киради. Бу шартнома ФК ва Ҳаво кодекси ҳамда шу муносабатларни тартибга солишга доир чиқарилган бошқа қонунчилик аклари нормалари билан тартибга солинади. Ҳаво кодексининг 98-моддасига асосан: “Ҳаво транспортида ташиш шартномасига кўра юк ташувчи ўзига юк жўнатувчи ишониб топширган юк ёки почтани белгиланган манзилга етказиб, уларни юкни ёки почтани қабул қилиб олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади, юк жўнатувчи эса юк ёки почта ташилгани учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади”.

Юк ташиш шартномаси икки хил шаклда тузилиши мумкин:

1) шартномага кўра юкларни муайян муддатда ташиш; бунда юк миқдори, йўналиши, юк ташиш муддати, тарафларнинг мажбуриятлари, ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги шартлар ва шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик кўрсатилади;

2) бир ёки бир неча самолётни юк жўнатувчига бериш шарти билан тузилиши мумкин. Бу шартнома чартер шартномаси деб аталади. Бу шартнома шартлари ФКнинг 712-моддасида ҳамда Ҳаво кодексининг 99-моддасида нормаланган. Ҳаво кодексига асосан чартер (ҳаво кемасини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир юки бир неча парвоз учун тўлиқ бериб туриш мажбуриятини олади.

Бу шартнома бўйича ҳаво транспорти ташкилотининг асосий мажбуриятларига; юкни қабул қилиш, тайинланган манзилга етказиб бериш ва юкни эгасига топшириш, қабул қилинган юкни зарарсизлантирмасдан сақлашни таъминлаш, ўз вақтида эгасига етказиб бериш, олувчига юкнинг келганлигини хабар қилиш, юк йўқолганда эса уни қидириш чораларини кўриш, кам чиққанда, шикастланганида ва сифати пасайган ҳолларда зарарни қоплаш кабилар киради.

Юк жўнатувчининг асосий мажбуриятлари юкни аэропортга етказиб бериш ва кира ҳақини тўлашдан иборат.

Олувчининг мажбуриятлари юкни ўз вақтида қабул қилиб, тушириб олишдир.

Юк ташиш шартномасининг навбатдаги тури Ўзбекистон шариатида ниҳоятда кам учрайдиган ички сув транспорти билан юк ташиш шартномасидир. Бу шартнома юк ташувчи томонидан юкхат шаклида тузилади ва унда шартнома мазмуни ифодаланади.

Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада аниқ белгилашиб қўйилади. Чунончи, юк ташувчи юкни ўз вақтида етказиб беришга ва юк олувчига топширишга, жўнатувчи эса юк ташувчининг хизмати учун кира ҳақини тўлашга мажбур бўлади.

Юк ташиш шартномасининг сўнгги тури денгиз транспорти билан юк ташиш шартномасидир. Бу шартнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йирик денгизлар бўлмаганлиги сабабли ички муомалада бутунлай қўлланилмайди. Денгиз транспорти билан юк ташиш шартномасига нисбатан қонунчилигимизнинг татбиқ қилиниши фақат халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган бўлса-гина амалга оширилади. Шундай бўлса-да, денгиз транспорти билан юк ташиш каботаж ва чет эл мамлакатларига қатнаш йўли билан юк ташишга бўлинади. Каботаж деганда, бир давлат чегарасидаги портлар орасида юк ташиш тушунилади.

Денгиз транспорти билан юк ташиш коносамент ва чартер шартномалари билан расмийлаштирилади. Агар шартномада юк ташувчининг мажбурияти белгиланса-ю, аммо кемадан қанчалик жой берилиши шarti бўлмаса, бундай мажбурият коносамент шартномаси билан расмийлаштирилади.

Коносамент тилхат вазифасини бажаради ва юк топширилганлиги тўғрисида юридик далил бўлиб саналади. Бундан ташқари, коносамент, биринчидан, шартнома тузилганлиги тўғрисидаги далил; иккинчидан, юкни қабул қилганлик тўғрисида кема капитанининг тилхати; учинчидан, юкни тасарруф қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат ва тўртинчидан, юк ташувчи билан юк жўнатувчи ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Коносаментда юк ташувчи ва юк жўнатувчи, юк жўнатилган ва тайинланган манзиллар ҳамда юк тўғрисидаги бошқа тегишли маълумотлар кўрсатилади.

Денгиз йўлларида юк ташиш чартер (фрахт) шартномаси билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Юк ташишнинг чартер (фрахтлаш) шартномасига асосан денгиз кемасининг бир ёки бир неча рейсга қатнаши учун тузилса, бундай шартномага рейс чартери; агар кема

маълум бир вақт давомида кира қилишга берилса – бундай шартнома тайм-чартер деб аталади.

Денгиз транспорти билан юк ташиш шартномасига асосан юк ташувчининг асосий мажбуриятлари:

-юк ташиш воситаларини ўз вақтида бериши;

-юкни қабул қилиб олган кундан бошлаб, токи тайинланган манзилга олиб боргунча сақлаши;

-юкни олувчига топширишдан иборатдир. Юк жўнатувчининг асосий мажбуриятлари:

- юкни ташувчига топшириш;

- юкни қабул қилиш;

- кира ҳақи (фрахт) ни тўлашдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган юк ташиш шартномаларининг ичида аҳамиятга молиги бу чартер (фрахтлаш) шартномасидир. Чартер (фрахтлаш) шартномаси бўйича бир тараф (фрахтчи) иккинчи тарафга (фрахтловчига) ҳақ эвазига бир ёки бир неча транспорт воситаси сифимининг ҳаммасини ёки бир қисмини йўловчи багаж ва юк ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга бёриш мажбуриятини олади (ФК, 712-модда). Чартер шартномаси тузиш тартиби, унинг шакли ва турлари транспорт уставлари ва кодексларида белгилаб қўйилади.

#### **4. Ташиш шартномалари бўйича тарафларнинг жавобгарлиги**

ФКнинг 718-моддасига кўра, ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суръатда бажармаган тақдирда, тарафлар ФКда, транспорт уставлари ва кодексларда, шунингдек, Ҳаво кодексига, “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунларда ва тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар. Дарвоқе, фуқаролик ҳуқуқи жавобгарликнинг мулкӣ ҳрактерда бўлишини назарда тутлади.

Транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгиланган жавобгарлигини чеклаш ёки бар-тараф этиш ҳақидаги келишуви ҳақиқий эмас. Бинобарин, уларга нисбатан ФКнинг ҳақуқий саналмайдиган битимлар ҳақидаги қоидалари қўлланилади.

Ташиш шартномалари бўйича мулкый жавобгарлик шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликдан келиб чиқиб, ФКнинг 333-моддасига кўрар жавобгарликка тортишнинг асосий шarti айбдир. Унга биноан, қарздор айбли бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, жавоб беради. Айни пайтда мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Мамлакатимизда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг яна бир ҳуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни бўлиб, унинг 24, 34-моддаларига кўра, тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бу тараф бошқа тарафга неустойкадан ташқари, етказилган зарарни ҳам тўлайди. Бунда кўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида бошқа тараф олиши муқаррар бўлган, аммо ололма қолган даромадлари ҳам киради.

Жумладан, ФКнинг 719-моддасида ташувчининг транспорт воситаларини бермаганлик, жўнатувчининг эса берилган транспорт воситаларидан фойдаланмаганлик учун жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра, ташувчи ташкилот юк ташиш учун транспорт воситаларини қабул қилинган талабнома (буюртма)га ёки бошқа ташиш шартномасига мувофиқ бермаганлиги учун, жўнатувчи эса юкни тақдим этмаганлиги ёки берилган транспорт воситаларидан бошқа сабабларга кўра фойдаланмаганлиги учун транспорт уставлари ва кодекслари, шунингдек тарафларнинг келишувлари билан белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Айни пайтда транспорт воситаларини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланмаслик бирон-бир енгиб бўлмас куч ёки бошқа фавқулодда ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар туфайли ёхуд муайян йўналишларда юк ташиш тегишли транспорт уставлари, кодексларида белгиланган тартибда тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, бундай ҳолларда юк ташувчи ва юк жўнатувчи жавобгарликдан озод бўладилар. Ушбу ҳо-



латларда ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига биноан тўхтатиб турилиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги қонуни). Айни пайтда, бундай ҳоллардан келиб чиқадиган даъво муддатларининг ўтиши ҳам тўхтатилади (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 156-моддаси).

Йўловчи ташиш учун транспорт воситасини кечиктириб жўнатганлик ёки бундай транспорт воситаси манзилга кечикиб келганлиги учун ташувчи, агар кечикиш енгиб бўлмас куч ёхуд унга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар туфайли юз берганини исбот қилиб бера олмаса, йўловчига жарима тариқасида неустойка тўлайди. Шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги ташиш бунга кирмайди. Шунини айтиш керакки, ташувчи йўловчига жарима тўлашдан ташқари, йўловчининг шу туфайли кўрган ҳақиқий зарарини ҳам тўлайди.

Ҳаво кодексининг 118-моддасига кўра, почтани йўқотганлик, унга зиён етказганлик ёки кечиктирилганлик учун – агар бу ташувчи айби билан юз берган бўлса – ташувчи Жаҳон Почта Иттифоқининг (маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси – 1992 йил апрелидан ЖПИ (UPU) аъзоси) почта қоидалари ва ҳужжатларига мувофиқ, почта жўнатувчилар ёки почтани олувчилар олдида алоқа органлари белгилайдиган миқдорда жавобгар бўлади.

“Автомобиль транспорти тўғрисида”ги, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунларнинг тегишли моддаларига асосан, ташувчи ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказганлиги учун, агар у шикаст жабрланувчининг қасд ёки енгиб бўлмас куч туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Шунинг учун қонунчилик мижоз (истеъмолчи)ларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаб, жумладан, автомобиль транспорти соҳасида – халқаро ва шаҳарлараро йўналишларда, ҳаво, темир йўл транспортининг барча йўналишларида уларнинг мажбурий шахсий суғурта қилинишларини шарт қилиб қўяди. Суғурта муносабатлари ФКнинг суғуртага оид, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Тарафларнинг жавобгарлиги масаласи “Хўжалик юритувчк субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунда янада кескинроқ қўйилди. Ушбу қонуннинг 25-моддаси мазмунига кўра, товарларни етказиб бериш муддатларини кечикти-

риб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик ҳолларида товар етказиб берувчидан, ишларни бажарувчидан, хизматлар кўрсатувчидан кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади, бироқ бунда миқдори етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Шуниси эътиборлики, пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни асосий мажбуриятдан, яъни етказилган зарарни тўлашдан озод қилмайди.

Шуни айтиш керакки, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат каби усуллар билан таъминланади.

Юқорида айтганимиздек, ташиш шартномаларида мижозлар (юк жўнатувчи ва юк олувчилар) ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар бўладилар. Энг аввало, улар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда ташувчига етказган зарар (ҳақиқий зарар, бой берилган фойда) ни тўлайдилар. Чунончи, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга асосан кўрсатилган ишлар ва хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун мижозлар ташувчига тўлашни рад этган ёки ундан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида шундай нормалар белгиланганки, агар юк қабул қилувчи етиб келган юкни юк ташиш қоидаларида белгиланган муддатларда қабул қилиб олмаса ёки қабул қилишдан воз кечса, ташувчи юк жўнатувчини хабардор қилиб, унинг ҳисобига юкни ўзида сақлаб туришга ҳақлидир. Юк жўнатувчи хабардор қилинганидан кейинги 30 кун ичида олиб кетилмаган юк эгасиз деб ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартабда сотувга қўйилади.

“Автомобиль транспорти тўғрисида”ги, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунларга кўра, мижоз ўзининг айби билан бошқа шахсларга, ташувчининг ва бошқа шахсларнинг ташувчи жавобгар бўлган мол-мулкига етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Шунингдек, юк жўнатувчи транспорт ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги, ноаниқлиги ёки тўлиқ эмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган барча зарарлар учун ташувчи ва учинчи шахс олдида жавобгар бўлади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Юк ташиш ташкилотлари ва унинг турлари
3. Транспорт турлари ва транспорт ташкилотларининг ташкилий тузилиши.
4. Йўловчи, багаж ва юк ташишни ташкил қилишнинг ҳуқуқий шакллари (буюртма, аризалар, рўйхатлар).
5. Ташиш турлари ва ташишни ташкил қилиш шартлари.
6. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномаси.
7. Йўловчи, багаж ташиш шартномаси тушунчаси, шакли ва тузилиши.
8. Юк ташиш шартномасининг шакли ва тузиш тартиби.
9. Юк ташиш мажбуриятлари бўйича иштирокчилар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
10. Ташиш ҳужжатлари.
11. Чартер шартномаси.
12. Кира ҳақи.
13. Юк ташиш шартларини бузганлик учун жавобгарлик.

## **40-БОБ. ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ШАРТНОМАСИ**

### **1. Транспорт экспедицияси шартномаси тушунчаси, унинг ҳуқуқий белгилари ва шартнома шакли**

Инсоният тарихидаги энг катта ютуқларидан бири сифатида эътироф этиладиган транспорт инсоннинг ишларини енгиллаштиришга хизмат қиладиган, узокни яқин, оғирни енгил қилувчи воситадир. Транспорт жамият иқтисодий организмнинг муҳим қон томирларидан биридир. Айнан транспорт туридан қатъи назар йўловчи, бағаж ва юк ташишни амалга оширишнинг зарур воситаси бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатлари транспортдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга кескин таъсир кўрсатди. Автомобиль транспорти соҳадаги кўплаб хусусий корхоналар вужудга келди. Бундан ташқари транспорт экспедиторлик компаниялари хусусий сектор компаниялари сифатида фаолият юрита бошлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.0995 йилги ПФ-1212-сонли Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли "Ўрта Осиё Транс" хўжалик ҳисобидаги республика ташқи иқтисодий транспорт-экспедиторлик компанияси "Ўрта Осиё Транс" ОАЖ шаклидаги давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантирилди. Илгариги "давлат режаси шартномавий муносабатларнинг асоси сифатида ўз мавқеини йўқотди. Юк ва йўловчилар ташиш шартномалари бозор муносабатларида транспорт корхонаси билан миждозлар ўртасидаги муносабатларни расмийлаштирувчи асосий ҳуқуқий восита бўлиб қолди"<sup>1</sup>. Ҳ.Р.Раҳмонкуловнинг таъкидлашича, шартномали мажбуриятлар ўз хусусиятларига қараб:

- мол-мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

- мол-мулкни фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

- ишни бажариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

- хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

---

<sup>1</sup>Оқюлова М.Б. Юк ташиш шартномаси тушунчаси ва мазмуни.// Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 1997. -94 б.

-вакиллик фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

-ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлинади<sup>1</sup>.

Айрим ҳолларда юкни бир жойдан иккинчи жойга элтишда бир неча давлат ҳудудларини босиб ўтиш, бир неча транспорт туридан фойдаланиш темир йўл, ҳаво транспорти, автотранспорт) ва бошқаларни талаб этиши мумкин. Бунда эса юк эгаси бир қатор қийинчиликларни енгиб ўтишига олиб келади. Бу қийинчиликлар, юкларнинг жўнатилишини ва олинишини таъминлаш, экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш (турли давлатларда бундай ҳужжатларга бўлган талаб турлича бўлади. Бу ҳолда эса юк эгаси ҳар бир давлат божхона қонун-қоидаларини билиши ва уларни қўллай олиши зарур), юкнинг миқдорини ва ҳолатини ҳар бир транспортга юклаганда ва туширганда текшириш, бошлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаш, айрим кўзда тутилган ва тутилмаган харажатларни тўлаш, турли давлатлар ҳудудидан олиб ўтилаётганлиги учун ўз-ўзидан тилни билиш ёки тил биладиган тилмочга эҳтиёж сезиш кабиларда намоён бўлади. Бунда ўз-ўзидан ёрдамчи операцияларнинг бутун мажмуини бажариш зарурати келиб чиқади. Шунингдек, у ёки бу шахс манзилига юборилаётган ёки келаётган юклар ҳажми катта миқдорда бўлса белгиланган операцияларни мустақил бажариш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди.

Бундай фаолият махсус тайёрланган ихтисослашган шахслар томонидан амалга оширилса ўз ижобий натижасини беради. Иш ҳам тез битади, ҳам ўзи амалга оширгандан кўра ихтисослашган шахсларнинг ҳаракати самаралироқ бўлади. Бундай ихтисослашган шахслар экспедиторлар деб аталади.

Экспедиция лотинча “*expeditio*” сўзидан олинган бўлиб, жўнатиш юбориш деган маъноларни англатади<sup>2</sup>.

Улар юк ташувчи ва уларнинг мижозлари ўртасида воситачи сифатида ҳаракат қиладилар. Транспорт ташкилотларининг мижозларини хизмат қилиш бўйича бундай фаолият экспедицияли хизмат дейилади.

Транспорт экспедицияси шартномаси хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шартномалари туркумига киради.

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ. 2005. 18-20-бетлар.

<sup>2</sup> Гражданское право. Ч.2. Учебник/Под.ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. –М.: Проспект. 2005. С. 478.

Экспедиция хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан, аниқроғи, транспорт экспедиция шартномалари орқали расмийлаштирилади ҳамда у транспорт хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча шартномалар турига киради. Бу билан унинг қўлланилиши доираси ва субъектлар (экспедитор ва мижоз) функциялари белгиланади. Бу шартнома барча юк ташиш билан боғлиқ муносабатларга ҳам қўлланавермайди. Транспорт экспедицияси бўлиши учун албатта юк ташишни ташкил этиш хизматини амалга ошириш талаб этилади. Бу шартноманинг мазмуни шундан иборатки, жўнатувчилар ва қабул қилувчиларни уларга алоқадор бўлмаган юк ташиб ўтиш жараёнини ташкиллаштириш ва ўтказиш операцияларини бажаришдан озод этади. Экспедиторга юклатилган асосий функция эса айнан жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи озод этилган ҳаракатларни ҳақ эвазига бажаришни ташкил этиш ҳисобланади.

Мазкур шартнома экспедиция (яъни, юк ташиш хизматлари) билан шуғулланувчи корхоналар билан муносабатларни ифодаловчи воқеа сифатида кўрилади. Шартномадан мақсад экспедиция хизматларини кўрсатувчи корхона – экспедитор фуқаролар ёки юридик шахслар билан шартнома тузганида ўзига топширилган жўнатмани тайинланган манзилга юбориш ёхуд уларни қабул қилиб олиб, харидорга топширишдир. Экспедитор юк (жўнатма)ни транспорт корхоналарига топшириш учун ёки ўзининг транспорт воситалари, ишчи кучлари билан тайинланган манзилга, айтилган шахсга етказиш учун мижоздан қабул қилади ёхуд уни мижозга топшириш учун транспорт ташкилотидан қабул қилади. Мазкур шартнома аралаш шартнома бўлиб, у туфайли мижозлар баъзи бир ташкилий-хўжалик ишларидан, яъни юкларни қабул қилиб олиш, етказиб бериш, жўнатиш, тушириб олиш кабилардан озод бўладилар. Экспедитор мана шундай турдаги хизматларни кўрсатишга ихтисослашган. Шу сабабли унинг хизматидан фойдаланиш мижоз учун ҳар тарафлама фойдали, қулай бўлиб, уни қўшимча мажбуриятлардан халос қилади. Экспедиторда бундай мажбуриятларни сифатли амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Мижознинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежаллади. Транспорт экспедицияси шартномаларининг амалда кенг қўлланилиши уни янада кенгроқ ҳуқуқий тартибга солинишига ҳам олиб келди.

Транспорт экспедицияси шартномаси юк ташиш шартномасидан фарқ қилган ҳолда ташишни ташкил этиш хизматларини кўрсатилиши билан боғлиқ шартнома ҳисобланади. Шартнома асосида юк та-

шиш билан боғлиқ хизматлар бажарилади ёки бажарилиши ташкил этилади. Транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган хизматлар иккига бўлинади.

**-экспедиторлик хизматлари** - бу экспедитор шартномага мувофиқ хизмат кўрсатишни ўзига олган воситачилик ва ёрдамчи-технология хизматлари комплексиدير.

**-транспорт-экспедиторлик хизмати** – юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнини ташкил этиш, шунингдек, транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ юк ташишга алоқаси бўлган бошқа иш турларини бажариш билан боғлиқ транспорт хизмати тури.

Бу икки тушунча хизмат таркибига транспорт воситасининг киритилганлиги ёки киритилмасдан фақат умумий хизмат кўрсатишнинг ўзи билан кифояланиш орқали фарқланади.

Транспорт-экспедиторлик хизматлари жумласига қуйидагилар киради:

-юкни жўнатиш жойидан белгиланган жойгача ташишни ташкил этиш;

-мижознинг шарт-шароитларига кўра юкларни ташишнинг мақбул схемасини танлаш;

-юк жўнатувчининг омбори (терминали)дан юкларни қабул қилиб олиш, юк қабул қилувчининг омбори (терминали)га етказиб бериш, унга ва ташувчига топшириш;

-юкларни ўраш-жойлаш (кадоқлаш), маркалаш, боғлаш, навларга ажратиш ва сақлаш;

-юкни суғурталаш;

-юк жўнатилганлиги, турган жойи ва белгиланган жойга келганлиги (юкнинг ҳаракати диспозицияси) ҳақида хабардор қилиш;

-бошқа экспедиторлар хизматларининг турлари, тарифлари ва иш режимлари тўғрисидаги ахборотни ҳамда бошқа тезкор ахборот;

-транспорт-экспедиторлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар;

-божхона тартиботларини бажариш;

-юк ташилганлиги учун ташувчи билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

-юк ташиш билан боғлиқ бошқа хизматларни ўз ичига олиши мумкин.

Шартноманинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида ташиш билан боғлиқ хизматларни аъло даражада ташкил этган ҳолда юк ташувчини ортиқча ҳаракатлардан “озод” этиш ҳисобланади. Бун-

да мижоз ҳам вақтдан ютади, ҳам хизматни яхши ташкил этилиши натижасида ортиқча сарф харажат, юк бус-бутун етказиб берилиши хавфи камаяди. Бунинг асосий сабаблари сифатида эса экспедиторнинг ихтисослашганлиги, бозордаги рақобат аъло даражада хизматни ташкил этишни талаб этиши ва бошқалар билан белгиланади.

ФКнинг 726-моддасида транспорт экспедицияси шартномаси тушунчаси берилган. Унга кўра, транспорт экспедицияси шартномаси бу – экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олиш билан боғлиқ шартномадир.

Махсус белгиларга қараб шартномалар қуйидаги тарзда таснифланади: ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар; оммавий шартнома ва қўшилиш шартномаси; асосий ва дастлабки шартномалар; учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар; бир томонлама ва ўзаро шартномалар<sup>1</sup>.

Шартномаларни битимларнинг бир тури ҳисоблангани сабабли уларга нисбатан битимларни турларга бўлиш тўғрисидаги қоидалар қўлланиши мумкин. Бу меъзон И.Б.Зокиров асарларида шартнома турларига асос қилиб олинган. Шунингдек, муаллиф оммавий шартнома, қўшилиш шартномаси ва дастлабки шартнома каби турларга ҳам бўлинишини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

Юридик адабиётларда шартномаларни турларга ажратиш учун турли хил мезонларни қўллашга ҳаракат қилинган. Масалан, М.В.Гордон – ягона “натижа” мезони асосида барча маълум бўлган шартномаларни бир қаторга қўйишни таклиф этган. О.С.Иоффе эса шартномаларни туркумлашда “жамланган меъзон”ни таклиф этади. Е.А.Суханов О.С.Иоффе фикрини тўлдиришга ҳаракат қилиб, яна учта шартнома турини кўрсатиб ўтади<sup>3</sup>. Лекин биз И.Б.Зокировнинг шартномаларни таснифлаш меъзонини асос қилиб олдик. Зеро бу меъзон шартнома моҳиятини тушунтиришда “осон” йўлни танлайди.

Транспорт экспедицияси шартномаси ҳам ўзининг махсус белгиларига кўра қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эга:

-биринчидан, шартномада экспедитор ва юк ташувчи бошқа-бошқа шахс бўлган ҳолларда консенсуал, юк ташувчи ва экспедитор бир шахс бўлган ҳолларда эса реал бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ. 2005. -244 б.

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ. 2006.

<sup>3</sup> Суханов Е.А. Гражданское право. Т.2. –М.: Бек, 1993. -46 б.



Транспорт экспедицияси шартномаси консенсуал (ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириш пайтда вужудга келтирадиган шартнома) бўлиши мумкин. Чунончи, экспедитор экспедиция хизматларини бажаришни ташкил қилишида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартнома тегишли тартибда расмийлаштирилгандан сўнг вужудга келади.

Айрим ҳолларда агар экспедиторнинг ўзи шартнома бўйича юк ташувчи бўлган ҳолларда шартнома реал бўлиши мумкин. Транспорт экспедицияси реал бўлиши учун тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ юкни топшириш пайтида тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келиши лозим бўлади.

-иккинчидан, транспорт экспедицияси тарафларининг эрклари ифодаланишига қараб, икки томонлама шартнома ҳисобланади, яъни тарафларнинг ҳар бирида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Транспорт экспедицияси шартномасида экспедитор ҳам мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳам бир пайтнинг ўзида ҳам қарздор, ҳам кредитор бўлади. Масалан, экспедитор ҳақ эвазига шартномада белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олса, мижоз бу мажбуриятларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мижоз бажарилган хизматлар учун ўз вақтида келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олса экспедитор шартномада шартлашилган ҳақни ўз вақтида тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-учинчидан, шартнома бўйича муқобил ижро мавжуд, бинобарин, у ҳақ эвазига тузилади. Шартноманинг мазкур белгиси тўғридан-тўғри ФКнинг юқорида келтирилган 726-моддасида ифодаланган, яъни экспедитор ҳақ эвазига ёки мижоз ҳисобидан шартномада кўрсатилган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажаради ёки бажаришни ташкил қилиш мажбуриятини олади.

Ҳ.Раҳмонқулов ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар ҳақида фикр юритар экан, ҳақ эвазига тузилганлик бу бозор иқтисодиёти соҳасида товар-пул шаклидан фойдаланиш ва уни фаоллаштириш билан изоҳлайди. Топширилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланиши керак. Шартноманинг ҳақ эвазига тузилиши шуни англатадики, бир контрагент томонидан қилинган мулкӣ тақдим бошқа контрагент томонидан муқобил мулкӣ тақдимга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тараф баҳоси (қиймати)тенг мол-мулк тақдим этганида ҳақ тўлаш эквивалентлилик тусини касб этади. Мулкӣ

муносабатларнинг эквивалентлиги уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг баҳолилик бўлишини тақозо этади, бунда мазкур муносабатлар тенг баҳолилик амалда бўлган баҳолар бўйича белгиланган ҳолларда ҳам ҳақ тўланадиган муносабатлар ҳисобланади. Мулкӣ муносабатларнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши туфайли уларнинг иштирокчилари тенг субъектлар сифатида иш кўрадилар<sup>1</sup>.

Транспорт экспедицияси шартномаси хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу туркумдаги кўпгина шартномалар тарафлардан бирининг шартнома шартларига қўшилиши орқали тузилади. Транспорт экспедицияси шартномаси мижоз экспедитор томонидан кўрсатилган аввалдан назарда тутилган, унинг барча ҳаракатларини ўз ичига олган стандарт, формуляр шаклдаги шартномани имзолаши натижасида муносабат ўрнатилади.

Қўшилиш шартномаси дейилганида шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома тушунилади.

Бундай шартномага қўшилган, яъни ўзига контрагент томонидан таклиф этилган шартномани имзолаган тараф, башарти, қўшилиш шартномаси уни одатда умумий шартномалар бўйича бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум қилса ёки бошқа тарафнинг жавобгарлигини истисно этса ёхуд чеклаб қўйса, бошқа шунга ўхшаш ҳолатни оғирлаштирувчи шартлар ифодаланган бўлса, шартномани бекор қилиш ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. Бироқ, агар қўшилаётган тарафлар шартнома қандай шартлар асосида тузилаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлса, ушбу қоида ҳар бири тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тарафлар ўртасидаги шартномаларга нисбатан қўлланилмайди (ФКнинг 360-моддаси 3-қисми).

Одатда ҳаво, темир йўл транспорти хизматлари бир хилда белгиланиб, унинг мазмунини мижоз бошқача тузишни таклиф этиш имкониятига эга эмас. Шундан келиб чиқиб, экспедиторлар шартнома матнини шакллантирадилар ва формуляр тарзда мижозга шартноманинг матнини таклиф этадилар. Лекин бу шартномани бир томонлама шартнома эканлигини белгилаб бермайди. Чунки мижоз шартнома шартларига қўшилиш ёки қўшилмасликни ўзи белгилайди. Ўзининг талабларига мос келмаган шартларни ўзгартиришни талаб қилиши акс ҳолда шартнома имзоламаслигини билдириши мумкин.

---

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ. 2005. -245 б.

Шартнома ўзининг мазмунига кўра, бир қатор бошқа шартномаларнинг, айтайлик, топшириқ, воситачилик, омонат, юк ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг унсурларини қамраб олади. Шу туфайли экспедитор ўзи билан шартнома тузган мижоз учун бир қатор қўшимча хизматларни кўрсатади. Масалан, юк ташиш шартномасини тузади, юкни ортиш-тушириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатади, мижознинг топшириғига кўра, экспорт ва импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олади, божхона расмиятчиликлари ёки ўзга расмиятчиликларни бажаради, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текширади, мижоз зиммасига юклатилган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни белгиланган муддатларгача сақлайди, юкни белгиланган манзилда олиш билан боғлиқ бўлган, уни етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади. Шунини таъкидлаш керакки, мазкур хизматларни ва операцияларни транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ ҳам бажариш мумкин.

Транспорт экспедицияси шартномаси ёзма шаклда тузилади ва унда ташиш жараёнини транспортнинг ҳар хил турлари, шу жумладан, аралаш турлари билан ҳам давлат ичидаги, ҳам халқаро йўлларда ташкил этиш билан боғлиқ транспорт-экспедиторлик хизматларининг аниқ рўйхати, томонларнинг номи ва манзили, жўнатиш ва олиб бориш жойи (жойлари) номи ва бошқа шартлар бўлади. Юкни ўз тасаруфига қабул қилиб олгандан сўнг транспорт-экспедиторлик корхонаси ташиш учун тегишли транспорт ҳужжати (коносамент), транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш юк хати бериши шартдир.

ФКнинг 727-моддасига асосан агар экспедиторнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун ишончнома зарур бўлса, мижоз уни бериши шарт. Мижоз экспедиторга ишончнома бериши жараёнида ишончнома бериш қоидаларига риоя қилган ҳолда тегишлича расмийлаштириб бериши талаб қилинади. Мижоз берадиган ишончнома ФКнинг 134-144-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда берилиши лозим.

Олиб келиш ва олиб кетиш махсус рухсатномалар ва квоталар бўйича амалга ошириладиган, акциз солиғи олинадиган юкларни, шунингдек, хавфли юклар ва чиқиндиларни ташиш учун шартнома тузишга тегишли рухсатномалар бўлгандагина йўл қўйилади.

Экспедитор мижоз, ташувчи ва транспорт жараёнида қатнашувчи бошқа шахслар билан тузилган шартномага мувофиқ транспорт-экспедиторлик хизматини амалга оширади. Юкни бир ёки бир неча транспорт тури билан етказиб бериш ва мижознинг топшириғи (бу-

юртманомаси)га кўра транспорт жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ хизматлар рўйхати шартномада келишиб олинади. Мижоз бунинг учун келишиб олинган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Жисмоний шахслар томонидан товарлар тижорат мақсадлари учун олиб келинаётганда шартномага олиб келинаётган товарларни божхона расмийлаштируви бўйича транспорт-экспедиторлик ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда божхона расмийлаштируви бевосита жисмоний шахслар - товарларнинг эгалари томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Экспедиторлик топшириғи тузилган шартнома доирасида транспорт экспедицияси томонидан берилиши мумкин.

Транспорт-экспедиторлик фаолиятини давлат йўли билан бошқариш, сертификациялаш, солиқ солиш ва нарх белгилаш, транспорт-экспедиторлик фаолиятини ривожлантириш масалаларида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий базасини яратиш, миллий қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган ёки тузилган халқаро шартномалар талабларига риоя қилинишини назорат этиш йўли билан амалга оширилади.

Транспорт экспедиторлик муносабати фақатгина ФК билан тартибга солинмайди. Бошқа қонун ҳужжатлари ҳам уни бевосита ёки билвосита тартибга солади. Масалан, 15.04.1999 йилги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига асосан, темир йўл устави - қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўлнинг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан улар номидан иш кўрувчи экспедиторлик ва бошқа ташкилотларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган норматив ҳужжат эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.09.2000 йилдаги 348-сонли “Ўзбекистон Республикасида транспорт-экспедиторлик фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор<sup>2</sup> ҳамда унга асосан “Транспорт-экспе-

---

<sup>1</sup> Жисмоний шахслар томонидан транспорт ва транспорт-экспедиторлик ташкилотлари орқали товарларни олиб киришда божхона расмийлаштируви Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг 2002 йил 1 августдаги 91-сонли, 02/8-22-сонли ва БА-01/12-3143-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ягона божхона божини ундириш ва унинг суммасини Давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан Ягона божхона божини тўлаш билан жисмоний шахслар - товарларнинг эгалари томонидан бевосита амалга оширилиши белгиланган. // “Ўзбекистон Республикаси Молиявий ёнунлари тўплами” 4-сон, 2003.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қарорлар Тўплами. 2000. 9-сон, 56-модда.

диторлик корхоналари тўғрисида Низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш” Тартиби қабул қилинган.

## **2. Шартноманинг элементлари**

Шартномада фуқаролар, юридик шахслар субъектлар сифатида иштирок этиб, унинг тарафлари мос равишда мижоз ва экспедитор деб аталади.

Мижоз экспедиция хизматларига буюртма берадиган, экспедитор мижозга экспедиция хизматларини кўрсатадиган тарафлардир. Мижозлар сифатида кўрсатиладиган экспедиция хизматидан манфаатдор бўлган ҳар қандай шахслар (юк жўнатувчилар, юк олувчилар) бўлиши мумкин.

Экспедиторнинг ҳуқуқий мақоми ташқи савдо юкларига транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, транспорт-экспедиторлик хизматлари истеъмолчиларини рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.09.2000 йилдаги 348-сонли “Ўзбекистон Республикасида транспорт-экспедиторлик фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор ҳамда унга асосан “Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисида”ги Низом ва “Транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш” Тартиби қабул қилинган.

Унда транспорт экспедицияси билан боғлиқ бир қатор тушунчалар берилган. Жумладан, **Экспедитор** - транспорт экспедицияси шартномаси томони - товарларни ташишни ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахс, бунда у темир йўл, сув, автомобиль транспортда юкларни ташиш, шунингдек, юкларни, таваккалчиликларни, транспорт воситаларини суғурталаш, юклар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, жойлаштириш, сақлаш, ишлов бериш, декларациялаш ва божхона тартиботлари, транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш шартномасида назарда тутилган бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича кенг ва турли ишлар комплексини бажаради, шунингдек, ушбу ташишларни амалга ошириш устидан назоратни таъминлайди ва мижознинг транспорт корхоналари олдидаги манфаатларини ҳимоя қилади.

**Мижоз** - юк жўнатувчи ёки уни қабул қилиб олувчи.

**Ташувчи** - ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган жойга етказиш ва уни юкни қабул қилиб олувчига бериш ёки бошқа транс-

порт ташкилотига топшириш мажбуриятини оладиган ташиш шартномасининг бир томони.

**Хайдовчи-экспедитор** - ташувчининг буюртмачи билан келишиб юкларни қабул қилиш, уларни кузатиш ва топшириш бўйича транспорт-экспедиторлик операцияларини бажаришни амалга оширувчи вакил.

Мазкур хайдовчи-экспедиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июлда 1382-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича” Йўриқномада ўз ифодасини топган.

Хорижий етказиб берувчилар билан тузиладиган тендер контрактлари бўйича юклар ташилишини таъминлайдиган транспорт-экспедиторлик компаниялари тендер асосида танланади.

Экспедитор сифатида фақат транспорт экспедицияси хизматларини кўрсатиш учун лицензия олган тижоратчи юридик шахслар ва фуқаролар бўлиши мумкин.

Транспорт воситалари, терминаллар ва транспорт-экспедиторлик фаолиятининг бошқа объектлари, шунингдек, транспорт-экспедиторлик хизматлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий равишда сертификацияланиши керак. Транспорт-экспедиторлик фаолияти соҳасидаги сертификациялаш ваколатли давлат органи ёки у вакил қилган орган томонидан амалга оширилади.

Экспедиторлар транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича ўз фаолиятларини лицензия асосида амалга оширадилар. Транспорт-экспедиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси томонидан белгиланади. Транспорт-экспедиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг транспорт соҳасида лицензиялаш комиссиясининг қарори асосида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилади.

Масалан, амалдаги темир йўл уставига кўра, темир йўл корхоналари транспорт экспедицияси хизматларини бажарадиган ташкилотларни туза оладилар, дейилади.

Шартнома предметини экспедитор томонидан кўрсатиладиган юкларни ташиш билан боғлиқ хизматлар ташкил қилади. Табиийки, юқорида айтилганидек, шартнома предметини ташкил қилувчи маз-

кур хизматлар турли-туман. Уларни шартли равишда асосий, яъни юк ташишни ташкил этиш билан боғлиқ ва қўшимча, яъни юкни жўна-тиш билан боғлиқ барча хизматлар каби икки турга бўлиш мумкин. Шартнома тўлиқ транспорт - экспедиция хизмати кўрсатиш шарти билан тузилганда, экспедитор юкни бир манзилдан иккинчисига етказиш билан боғлиқ барча операцияларни ўзи бажаради. Тўғри, бунда у учинчи шахсларнинг хизматидан ҳам фойдаланиши мумкин (ФКнинг 730-моддаси). Бироқ шуниси муҳимки, мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди. Қисман транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатишда экспедитор операцияларнинг бир қисмини бажаради. Ҳар иккала ҳолда ҳам асосий хизматларга қўшимчалар киритилиши мумкин.

Шартноманинг муддати тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Хизмат кўрсатиш бир галга ҳам, узоқ муддатга ҳам тузилиши мумкин. Агар ФКнинг 731-моддасидаги ўн кунлик муддатга эътибор берсак, шартнома унчалик узоқ муддатга тузилмаслигига амин бўламиз.

Шартноманинг баҳоси кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишларнинг кўламига қараб, экспедиторга тўланадиган ҳақдир. Амалдаги тарифларга кўра, ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади (ФКнинг 356-моддаси).

### **3. Транспорт экспедицияси шартномасининг мазмуни**

Шартноманинг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади.

Қуйидагилар экспедиторнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

-мижозларнинг юк ташиш ва транспорт-экспедиторлик хизматларига бўлган талабларини қондириш;

-энг мақбул транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва танлаш, транспортда ташишлар турларини ва юкларни етказиб бериш усуллари, шунингдек, юкларни етказиб беришнинг ва уларни сақлашнинг келишилган муддатларини белгилаш;

-Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

-транспорт харажатларини камайтириш;

-кира қилиш ва кира ҳақини тўлаш;

-юкларни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, ўраш-жойлаш ва тақсимлаш;

-товарларга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;

-ёрдамчи ва қўшимча хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, юкни декларациялаш, божхона хизматлари кўрсатиш, юк ҳужжатларини расмийлаштириш;

-юкларни суғурталаш.

Экспедиторга қўйиладиган талабларга қуйидагилар киреди:

-касб ваколоти тўғрисидаги сертификатнинг мавжудлиги;

-транспорт-экспедиторлик корхонасининг банк ҳисоб рақами ва унинг тўлов қобилияти тўғрисида банк тасдиқномасининг мавжудлиги;

-транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ўзига хос операцияларнинг бажарилиши;

-транспорт экспедицияси шартномаси шартларининг сифатли бажарилиши;

-хизмат биносининг мавжудлиги;

-ўз функцияларини амалда бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатли далиллар (гувоҳнома, контрактлар, ҳисоб рақамлари ва уларга тенглаштирилган ҳужжатлар)га эга бўлиши.

Экспедитор қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

-юк ташувчилар, транспорт корхоналари, мижозлар билан шартномалар тузиш;

-транспорт воситаларини, йўналишларни ва юк етказиб бериш усулларини эркин танлаш, агар шартномада етказиб беришнинг шартлари ва усуллари келишиб олинмаган бўлса;

-бир томонлама тартибда ёки мижознинг топшириғига кўра қар қандай рухсат этилган жойда юкни тушириш, жойлаштириш учун қарор қабул қилиш, зарурият бўлганда эса юкнинг бузилиб қолиш, йўқолиш ёки унинг атроф-муҳитга, аҳолига ёхуд бошқа юкка хавфи бўлган ҳолларда қулай усуллар билан сотиб юбориш;

-йўқолган юкни қидириш ва мижоз томонидан кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги топшириқларни бажариш учун жалб қилинган учинчи шахсга талаб қўйиш, агар юк учинчи шахсининг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида йўқолган ёки бузилган бўлса, ва кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, бу ҳақда шартномада келишиб олинмаган бўлса, мижозни хабардор қилиб қўйиш;



-мижознинг манфаатлари йўлида ва унинг номидан сарф қилинган, ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар бўйича воситачилик ҳақини миждан ундириб олиш;

-миждо томонидан зарур бўлган ахборот тақдим этилмаган ҳолларда, агар бу ҳақда шартномада келишиб олинмаган бўлса, тегишли мажбуриятларни бажаришга киришмаслик;

–ўз мажбуриятларини бажариш учун ишончнома зарур бўлса, уни талаб қилиш;

–юкнинг ҳужжатлари ва унинг хоссалари, юкни ташиш шартлари тўғрисидаги ахборотларни ва уни ташиш билан боғлиқ бошқа ахборотларни талаб қилиш, мазкур ахборотлар тўлиқ бўлмаганида миждан зарур қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш;

–миждо зарур ахборотни тақдим этмаган тақдирда бундай ахборот тақдим этилгунга қадар тегишли мажбуриятларни ижро этишга киришмаслик;

–ўн кун олдин иккинчи тарафни огоҳлантириб, шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Экспедиторнинг гаровга оид ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қатнашчиси бўлган халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Шартнома бўйича экспедитор қуйидаги мажбуриятларга эга:

-ўзи ёки миждо танлаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиши;

-миждо ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномасини тузиши;

-юк жўнатилишини ва олиншини таъминлаши;

-шартномада экспорт-импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиши;

-божхона расмийчиликлари ва ўзга расмийчиликларни бажариши;

-юкнинг миқдори ва ҳолатини текшириши, уни ортиши ва тушириши;

-миждо зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаши;

-юкни омонат сақлаши;

-юк (жўнатма)ни белгиланган манзилда олиш билан боғлиқ, уни етказиб бериш учун зарур бўлган харажатларни амалга ошириши қабилар;

-транспорт-экспедиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш;

-қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиш;

-юкни транспорт (транспортнинг ҳар хил турлари) билан экспедитор ёки мижоз томонидан танланган йўналиш бўйича ташишни ташкил этиш.

Хорижий экспедиторлар, шунингдек, хорижий компанияларнинг шўба корхоналари (филиаллари) республика ҳудудида транспорт-экспедиторлик фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилишга мажбурдирлар.

Агар транспорт экспедицияси шартномасидан экспедиторнинг ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шартлиги келиб чиқмаса, экспедитор ўз мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли.

Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Юкларни топшириш-қабул қилишнинг тартиби ва муддатлари транспорт қоидалари, тарифлари ва намунавий шартномалар билан белгиланади. Булар бўлмаганида эса, ФКнинг 6-моддасида белгиланганидек, иш муомаласи одатлари қўлланилади.

Шартнома бўйича мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

–иш (хизмат)ни шартномада кўрсатилганидек, лозим даражада бажарилишини талаб қилиши;

–ўн кун олдин экспедиторни огоҳлантириб, шартномани бажаришдан бош тортиши.

Айни пайтда, мижоз қуйидаги мажбуриятларга эга:

–юкни экспедиторга топшириши ва қабул қилиб олиши;

–кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун белгиланган ҳақни тўлаши;

–агар экспедиторга ўз мажбуриятларини бажариши учун ишонч-нома зарур бўлса, уни бериши;

–экспедиторга юк билан боғлиқ, унинг айрим табиий хоссалари, ташиш шартлари ҳақидаги ахборотларни бериши;

–мавжуд ахборотлар тўлиқ бўлмаганида, қўшимча маълумотларни бериши кабилар.

Транспорт экспедицияси шартномаси, одатда, унинг бажарилиши билан ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар билан бекор бўлади (ФКнинг 25-боби).

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида тарафларга жавобгарлик белгиланади.

Чунончи, транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун экспедитор ФКнинг фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни белгилловчи 24-бобининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган асосларда ва миқдорда жавобгар бўлади.

Экспедитор ўз мажбуриятларини бажаришни, шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, учинчи шахслар зиммасига юклаш мумкин. Бироқ, ФКнинг 730-моддаси, 2-қисмига кўра, мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун мижоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Мижоз юкка доир ҳужжатлар ҳамда юкнинг хоссалари, уни ташиш шартлари тўғрисидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш мажбуриятини бузса, экспедиторга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортилганида, бу ҳақда маълум қилган тараф шартноманинг бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарни иккинчи тарафга тўлайди (ФКнинг 9, 324-моддалари).

#### **4. Транспорт экспедицияси шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик ва шартномани бекор бўлиш асослари**

ФКнинг 728-моддасида транспорт экспедицияси шартномасининг шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи ўз ифодасини топган. Унга асосан тарафлар шартнома бўйича ўзларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда жавобгар бўлишлари назарда тутилган.

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун экспедитор ФКнинг 24-бобининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган асосларда ва миқдорда жавобгар бўлади.

Экспедитор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли мижозга етказилган зарарни тўлаши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, экспедитор мижознинг талабларини ихтиёрий қаноат-

лантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилган бўл-маса, - даъво кўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Бой берилган фойдани аниқлашда миждоз томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

Транспорт экспедицияси шартномасида экспедиторлар икки ёки ундан ортиқ бўлган ҳолларда субсидиар жавобгарлик вужудга келади. Субсидиар жавобгарлик асослари ва шартлари шартнома ва қонун ҳужжатларида назарда тутилади.

Агар экспедитор мажбуриятнинг бузилиши ташиш шартномалари тегишли равишда бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққанини исботласа, экспедиторнинг миждоз олдидаги жавобгарлиги тегишли ташувчи экспедитор олдида жавобгар бўладиган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Экспедитор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

Башарти, қонунда ёки транспорт экспедицияси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади.

ФКнинг 730-моддасига асосан агар транспорт экспедицияси шартномасидан экспедиторнинг ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шартлиги келиб чиқмаса, экспедитор ўз мажбуриятларини бажаришга бошқа шахсларни жалб қилишга ҳақли. Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш экспедиторни транспорт экспедицияси шартномасининг бажарилиши учун миждоз олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Мижоз ёки экспедитор ўн кун олдин бошқа тарафни огоҳлантириб, транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Транспорт экспедицияси шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортилганида, бу ҳақда маълум қилган тараф шартноманинг бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарни иккинчи тарафга тўлайди (ФКнинг 731-моддаси).

Шартнома шартларини ўзгартириш ва бекор қилиш ФКнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тарафларнинг келишуви билан амалга оширилади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Транспорт экспедицияси шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Транспорт экспедицияси шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Шартнома бўйича асосий ва қўшимча хизматлар.
4. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги.

## 41-БОБ. ҚАРЗ ВА КРЕДИТ

### 1-§. Қарз шартномаси

Қарз шартномаси ҳали кишилик жамиятидаги ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар у қадар ривожланмаган пайтлардаёқ, муайян муддатга моддий ашёларни қайтариш шарти билан бериб туриш тарзида шаклланган эди. Қарз шартномасининг дастлабки ҳуқуқий белгилари қадимги Римда яратилди. Пул ихтиро қилиниши билан қарз шартномаси ўзининг ҳозирги кўринишини олган. Эндликда қарз деганда, муайян муддатга қайтариш шарти билан пул бериб туриш тушунилади. Шу тариқа қарз беришга нафақат, ўзаро ёрдам ва ишончининг тури, балки фойда кўриш воситаси сифатида ҳам қарала бошланди.

Қарз шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунга асосан бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 732-моддаси).

**Қарз шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагилардан иборат:**

**биринчидан**, бу шартнома реал шартнома бўлиб саналади, чунки тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар шартнома предмети бўлган пул ёки ашёнинг топширилиши пайтидан эътиборан вужудга келади ва шартнома ҳам шу пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади;

**иккинчидан**, қарз бир томонлама шартномалар тоифасига киради, чунки бу шартнома юзасидан бир тараф қарз берувчи ҳуқуқлар олса, иккинчи тараф қарздорда бурчлар бўлади, Жумладан, қарз берувчи қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздор олинган қарзини қайтаришга мажбур бўлади (ФКнинг 735-моддаси);

**учинчидан**, қарз шартномаси агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади (ФКнинг 734-моддаси 1-банди).

Қарз шартномаси фуқаролар ўртасида агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ, бўлса, оддий ёзма шаклда

тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, қарз суммасидан қатъи назар, ёзма тузилиши шарт (ФКнинг 733-моддаси).

Қарз мулкка иисбатан бўлган эгалик ҳуқуқини ёки мулкни оператив бошқарув ҳуқуқини ўтказишга қаратилган шартномалардан ҳисобланади. Бинобарин, қарздор қарзга олинган нарсанинг айнан ўзини қайтармасдан, балки олган пулни ёки ўша қарзга олинган нарсанинг хили, сифати ва миқдори бараварида бошқа нарсани қайтаришга мажбур бўлади. Агарда қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак (ФКнинг 734-моддаси 2-банди).

**Қарз шартномасида муддатлар.** Қарз шартномасини бажариш муддатларига тўхталадиган бўлсак, агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак (ФКнинг 735-моддаси).

Қонун ҳужжатларида бошқа шартномалардан келиб чиққан бурчининг (қарзнинг) ҳам қарз мажбурияти сифатида расмийлаштирилишига йўл қўяди. Бундай ҳолларда агар тарафлар олди-сотди муомаласидан, мулк ижараси ёки бошқа асосдан келиб чиқадиган ҳар қандай насияни қарз мажбурияти шаклига айлантирган бўлсалар, бу ходда қарз тўғрисидаги қоидалар татбиқ қилинади.

**Қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари.** Агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда Фуқаролик кодексининг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак. Қарз олинган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтарилиб берилган кунгача бу сумма юзасидан ФКнинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак

Амалдаги Фуқаролик кодексида қарз шартномасининг алоҳида иккита тури бор:

- аниқ мақсадли қарз (ФКнинг 739-моддаси);
- Давлат заёми шартномаси (ФКнинг 743-моддаси).

Оддий қарз шартномаси аниқ мақсадли қарздан фарқ қилади, бунга сабаб шундаки, мақсадли қарз шартномаси асосида олинган

қарз кўрсатилган аниқ мақсадларда ишлатилиши лозим. Масалан: корхона, ташкилот ўз ходимининг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида унга қарз берган бўлса, ходим уни бошқа мақсадларда ишлатишга ҳақи йук. Агарда шундай ҳолат содир бўлган бўлса, қарз берувчи қарзни муддатидан олдин, агарда фоизли бўлса, фоизлари билан биргаликда талаб қилиб олади.

Давлат заём шартномаси бўйича давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади. Бу шартномада олинган қарз-ни қайтариш тўғрисида алоҳида муддатлар белгиланган бўлмаса, қарз берувчи томонидан қарзни талаб қилган замон қайтаришга мажбур бўлади.

Давлат заёмлари ихтиёрийдир. Лекин давлат заёмларини ҳуку-мат номидан тегишли юридик шахслар чиқариши мумкин. Асосан ички пул эмиссиясини камайтириш, яъни қоғоз пуллар эмиссиясини кўпайтирмаган ҳолда фуқаролар ва юридик шахслар маблағларини давлат эҳтиёжлари учун жалб этиш ва бошқа мақсадларда давлат за-ёмидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, қарз шартномаси қимматли қоғозлар билан, яъни вексель, облигациялар йўли билан ҳам тузилиши мумкин. Ўзбе-кистон Республикасининг 02.09.1993 йилдаги N 918-XII “Қимматли воғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонунга кўра, “қимматли қоғозлар - бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжат-лардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имко-ниятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир. Қимматли қоғозлар - бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади”.

**Облигациялар.** Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоида-лар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Қуйидаги турлардаги облигациялар чиқарилиди:

республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг обли-гациялари;



корхоналарнинг облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реқвизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга фақат жамият устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади. Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Вексель.** Вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз вексель ҳисобланади.

Векселлар оддий ва юбориладиган векселларга бўлинади.

Вексель берувчининг муайян суммадаги пулни вексель олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан белгиланган муддатда ёки унинг тала-

бига кўра тўлашдан иборат қатъий мажбуриятини ўз ичига олган ҳужжат оддий вексель ҳисобланади.

Вексель олувчининг муайян суммадаги пулни олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан бошқа шахсга белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлаш тўғрисидаги қатъий буйруғидан иборат тўловчига қаратилган ҳужжат юбориладиган вексель ҳисобланади.

Векселларни (ҳазина векселларидан ташқари) чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада юритиш шартларини Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда белгилайди. Ҳазина векселларини чиқариш ва муомалада юритиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Векселларни чиқариш ҳуқуқи тижорат банкларига фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати бўйича берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.1997 й. ПФ-1738 “республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” фармони векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилган.

Фақат қонун, ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш (ФКнинг 738-моддаси), қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан, қарз шартномаси назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Фоизли қарзга бериладиган пул кредит дейилади. Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, қарз капитали шаклини олади. Агар қарз шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса; одатдаги пул қарзи бўлади, холос, чунки унда капитал белгиси бўлмайди.

Бозор иқтисодиётидаги кредит муносабатлари табиатан фарқланувчи икки турдаги муносабатларнинг яхлитлигини билдиради. Гап шундаки, қарзга олинган пул:

Биринчидан, капитал сифатида ишлатилади, бунда фойда олиш, пулни кўпайтириш назарда тутилади. Шунинг сабабли қарз капитали бо-

расидаги муносабатлар пайдо бўлади. Бунда пулнинг мулк сифатидаги ҳолати унинг ўзгалар қўлида капитал бўлиши ҳолатидан ажралади, ўзга мулки ўзга қўлида капиталга айланади.

Иккинчидан, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Пул эгаси учун қарз олувчи пулни қандай ишлатишининг ҳеч бир аҳамияти йўқ, у қарз ҳақини (фоизларни) олса бўлди. Баъзи ҳолларда қарз берувчи уни нимага ишлатишни шарт қилиб қуйиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 739-моддасида худди шундай аниқ мақсадли қарз назарда тутилади. Агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағларидан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шarti билан тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Бундан ташқари, қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиши ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда туилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

## **2 §. Кредит шартномаси**

**Кредит муносабатларининг ривожланиши.** Жамият фаолиятининг асосий жабҳаси бу – ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши кредитнинг ўрни беқиёсдир. Кредит – товар-пул муносабатлари шароитидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш кредит муносабатлари юзага келишининг табиий асоси ҳисобланади. Кредитга иқтисодий маънода таъриф берадиган бўлсак, “кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндиси” дур. Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларнинг маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

1. Фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади.

2. Такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

**Кредит шартномаси тушунчаси ва моҳияти.** Кредит шартномаси бўйича бир тараф, яъни банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредит берувчи, кредитор) иккинчи тарафга (кредит олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 744-моддаси).

Кредит муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни, “Марказий банк тўғрисида”ги қонун, “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунига кўра, банк ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартномавий характерга эга. Банк хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш ва тартибга олишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар қўлланилади.

Авваламбор, кредит нима? Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча буш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган, иқтисодий муносабатларнинг баъзи бир турларининг ўзига хослигини назарда тутадиган шартномалар тизими ишлаб чиқилган. Банк-кредит муносабатлари соҳасидаги шартномалар ҳам шулар жумласидандир.

Кредит муносабатлари таркиби икки элементдан иборат: кредит субъекти ва объекти.

**Кредит объекти** – бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан қарз берувчига қайтиб бериладиган қийматдир.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи (кредитор); иккинчиси пулга мухтож, яъни қарз олувчи.

Кредит товар ва пул кўринишидаги маблағларни:

- қайтариб беришлик;
- муддатлилик;
- фоиз тўлаш;
- кредитнинг товар-моддий бойликлар билан таъминланганлиги;
- тўловлилик;
- кредитнинг мақсадлилиги шартлари натижасида юзага келади.

Кредит шартномаси:

➤ Кредит муносабатлари иштирокчилари – қарз берувчи ва қарз олувчи ҳуқуқий жиҳатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар икки томон бир-бири билан ўзаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажарилишини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Мажбуриятларнинг бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

➤ Қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар, авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Қарз берувчи томонидан пул маблағларини қарга бериш қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари юзага келади.

Кредит муносабатларнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг мувофиқлигига боғлиқ. Томонлар манфаатининг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин, кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат фазо ва вақт жиҳатидан, шунингдек сифат жиҳатидан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўла олмайди. Кредит вужудга келиши учун аниқ бир иқтисодий асос – фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа шароитлар зарур.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашини амалга оширишга йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай

тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланилади (ФКнинг 744-моддаси, 2-қисм).

**Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт.** Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Қарз ва кредит шартномалари ўртасидаги умумийлик билан бирга жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

**Биринчидан,** кредит шартномаси бўйича кредитор сифатида фақат махсус субъектлар, банк ёки бошқа кредит ташкилоти қатнашади.

**Иккинчидан,** кредит шартномаси бўйича қарз олувчи кредиторга фоизлар тўлаши шарт.

**Учинчидан,** кредит шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади. Қарз шартномасида эса қарз суммаси энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан кам бўлса, оғзаки шаклда тузилиши мумкин.

**Туртинчидан,** кредит шартномаси реал эмас, балки консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб. Шу сабабли шартнома тузилгандан кейин у тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради. Бундай ҳолда шартноманинг бажарилмаслигига ФКнинг 746-моддасида белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Кредит ва молия тушунчалари ўртасида бир томондан умумийлик бўлса, иккинчи томондан фарқли жихатлари мавжуд.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини англатса, кредит бундан фарқлироқ, ўзга мулки бўлган мулкни қарзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури ҳисобланади.

Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Молияда томон ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир харажатсиз ишлатиши мумкин.

Кредит эса ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаган ҳолда вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб беришни англатади. Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категориядир.

Кредит субъектлари қуйидагилар бўлиши мумкин: корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли.

Кредит объекти ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Кредит жамиятда қуйидаги турт хил вазифани бажаради:

**Биринчидан**, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексель, чек сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик муомаласига жалб қилади;

**Иккинчидан**, у бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган қондани амалга оширади;

**Учинчидан**, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди;

**туртинчидан**, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Кредит ва ундан фойдаланиш натижасида турли натижаларга эришилади. Улар ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда кредитдан самарали фойдаланиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар тушунилади. Масалан: Бухоро вилоятида қурилган нефтни қайта ишлаш заводи, Андижоннинг Асака шахрида банк кредити ҳисобидан қурилган автомобиль заводи, Тўйтепа шахрида қурилган «Кобул» тўқимачилик фабрикаси кабиларни айтиш мумкин. Булар ҳозирги кунда маълум даражада эҳтиёжни қондириб, жаҳон бозорига чиқиб бормоқда. Бу кредитнинг ижобий тарафларига яққол мисолдир.

Кредитнинг салбий томони, асосан, қуйидаги икки ҳолатда намоён бўлади: кредит халқ хўжалигида турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул қадрсизланса;

агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланмай ва мамлакат ўзининг бошқа даромад манбалари, олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсаларини сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса ва ҳ.к.

**Кредит уюшмалари.** Кредит уюшмаларининг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасида “Кредит уюшмалари” тўғрисида қонун<sup>1</sup> 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган. Ушбу қонунга кўра, юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқлилилик асосида тузиладиган кредит ташкилоти кредит уюшмаси деб эътироф этилади. Устав фонднинг пай бадалларини киритган юридик ва жисмоний шахслар кре-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. 2002 йил №7 сон.

дит уюшмасининг аъзолари саналади. Шахсга кредит уюшмаси томонидан берилган сертификат унинг кредит уюшмасига аъзолигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Кредит уюшмаси аъзоларининг сони 50 тадан кам бўлиши мумкин эмас.

Кредит уюшмасининг ҳуқуқлари:

- депозитларга қўйиш учун ўз аъзоларидан пул маблағларини жалб этиш;
- ўз аъзоларига кредит бериш;
- ўз уставига мувофиқ шартномалар тузиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимларни амалга ошириш;
- грантлар ҳамда бепул бериладиган бошқа маблағларни олиш;
- маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш;
- кредит уюшмаси аъзолари молиявий мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун тўлайдиган неустойка миқдорини белгилаш;
- кредитларни белгиланган тартибда жалб этиш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

Кредит уюшмасининг мажбуриятлари:

- Ўз устав фондини белгиланган энг кам миқдордан пайсатирмаган ҳолда сақлаш;
- Ҳисоб, ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни юритиш;
- Ҳисоботни белгиланган тартибда эълон қилиш ва тақдим қилиш;
- Кредит уюшмасининг аъзоси кредит уюшмаси олдидаги мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда тўланиши лозим бўлган суммани кредит уюшмасининга аъзосига тегишли бўлган пай бадали ёки депозитдан, шунингдек, уларга пай бадали бўйича бериладиган дивидентлардан ва депозит бўйича тўланадиган фоизлардан ундириб олишга;
- Инспекция ўтказиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки вакилларига ҳужжатлар ва кредит уюшмаси фаолиятига оид бошқа ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлашга мажбурдир;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

“Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқарувининг 2002 йил 14 сентябрдаги 21-а/2-сонли қарори билан тасдиқланган “Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш қоидалари” Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги



Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва кредит уюшмалари учун капитални шакллантириш, кредитлаш, кредит ва депозит шакллардаги пул маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ бўлган молиявий операцияларни ўтказиш, шунингдек кредит уюшмаси фаолияти натижасида юзага келувчи таваккалчиликларни минималлаштириш мақсадида эркин пул воситаларини инвестициялаш бўйича мажбурий қоидаларни белгилайди.

Кредит уюшмалари фақат ўз аъзоларига кредит бериш ҳуқуқига эгадир.

Ссуда счётини очиш орқали кредитларни бериш кредит уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган кредит сиёсатига мувофиқ муддатлилик, қайтариш ва тўловлилик принциплари бўйича шартнома асосида амалга оширилади.

Кредит сиёсати тўғрисидаги Низом кредитлаш муддатларини ва шартларини белгилашни, кредитлаш лимитларини, таъминлаш қулай шаклларини, шунингдек берилган кредитлар бўйича ўхшаш мониторингларни ўрнатиш бўйича талабларни ўз ичига олиши керак.

Битта қарз олувчига ёки бир-бири билан ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига бериладиган кредит миқдори кредит уюшмаси капиталининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Кредитлар мулкӣ таъминланган, шунингдек таъминланмаган (ўзаро ишончли) бўлиши мумкин.

Тўлов тўланмаган ҳолларда кредит уюшмасининг кредит шартномасида тўланиши лозим бўлган суммани кредит уюшмасининг аъзосига тегишли бўлган пай бадали ёки депозитдан, шунингдек уларга пай бадали бўйича бериладиган дивидендлардан ва депозит бўйича тўланадиган фоизлардан ундириб олиш ҳуқуқи қайд этилган бўлиши керак.

Битта қарз олувчига ишончга асосан берилган кредитнинг максимал ҳажми кредит уюшмаси капиталининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ҳолларда кредит уюшмасидан қарз олувчилар "бир-бири билан ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳи" деб тан олинади:

- қарз олувчилардан бири расмий келишув ёки ҳар қандай бошқа усул асосида бошқа қарз олувчининг фаолиятига раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлса;

- иккита ёки ундан кўп қарз олувчилар расмий келишув ёки ҳар қандай бошқа усул асосида битта шахс раҳбарлигида бўлсалар (ушбу шахс кредит уюшмасидан қарз олувчи бўлмаган тақдирда ҳам);

- иккита ёки учдан кўп қарз олувчилар тахмин қилинган кредит тўланадиган манба ушбу қарз олувчиларнинг ҳаммасига бир хил бўлган тақдирда, биргаликда фаолият кўрсатишда иштирок этиш учун кредит уюшмасидан олинган кредитлардан фойдаланганда.

Кредит уюшмаси кредит қўмитаси кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари ва кредит уюшмаси ходимлари билан, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари билан, қачонки ушбу битимлар кредит уюшмасининг бошқа аъзоларига нисбатан қулай шароитларда тузилган бўлса, бундай битимларнинг тузилишига йўл қўймаслиги керак.

**Тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.** Кредит шартномаси тузилгандан бошлаб тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келади. Тарафларнинг шартнома ижросидан воз кечишига Фуқаролик кодексининг 745-моддасида белгилаб қўйилган асослар бўйича йўл қўйилади. Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Бизга маълумки, амалиётда ушбу муносабат субъектлари шартномада белгиланган мажбуриятларни бир томонлама бажармаслик ҳоллари жуда кўп учраб туради.

Ушбу ҳолатларни тартибга солиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>1</sup>ги, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”<sup>2</sup>ги, “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги фармонларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Қандай ҳолларда қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортиши мумкин? ФКнинг 746-моддасида қайд қилини-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, “Халқ сўзи”. 1997 йил 13 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, “Халқ сўзи”, 1998 йил 4 март.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Халқ сўзи”, 1998 йил 9 февраль.

шича, кредит олувчи шартномада келишилган кредитдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

Ушбу муносабатлардан келиб чиқадиган мулкый мажбуриятлар қонун ҳужжатлари ва улар ўртасидаги шартномага асосан ҳал қилинади.

**Кредит шакллари.** Ҳозирда кредитнинг бир неча шакллари мавжуд. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда эса бу воситачилар орқали юз беради. Масалан, кредит олиш учун учинчи шахсларнинг келажакда кафил бўлишлиги асосида ва ҳоказо.

Кредит қуйидаги:

- а) тижорат кредити;
- б) банк кредити;
- в) истеъмолчи кредити;
- г) давлат кредити;

д) халқаро кредит шакллари орқали кредит муносабатлари субъектлар ўртасида амалга оширилади.

**Тижорат кредити** бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан, бўнак олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 748-моддаси).

Содда қилиб айтадиган бўлсак тижорат кредити – бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шarti билан насияга берилди. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексель (қарз мажбуриятномаси) беради.

Тижорат асосида кредит беришнинг қуйидаги бешта усули бор:

1. Вексель усули;

2. Очик счёт орқали бериш;

3. Тўловни маълум белгиланган муддатда амалга оширган шартда чегирма бериш;

4. Мавсумий кредит;

5. Консигнация.

1. Вексель усулида товар етказиб берилгандан сўнг сотувчи харидорга траттани (тўлдирган ҳужжат) тақдим этади. Харидор ўз навбатида уни акцептлайди, яъни траттада кўрсатилган суммани ўз вақтида тўлашга розилик беради.

2. Очик ёки счёт орқали тижорат кредитини беришнинг мазмуни шундаки, харидор товарга буюртма бериши биланок, у юклаб жўнатилади, тўлов эса белгиланган муддатларда вақти-вақти билан амалга ошириб борилади.

3. Чегирма бериш усулида агар харидор тўлов ҳужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичида тўловни амалга оширса, тўлов йиғиндисидан чегирма берилади. Агар ушбу давр ичида тўлов тўлай олмаса, унда тўловни белгиланган муддатда тўлиқ амалга оширади.

4. Мавсумий кредит, одатда, маданий моллар ва кенг истеъмол молларини сотишда кенг қўлланилади. Бу усул ишлаб чиқарувчилар учун қулай бўлиб, улар омборларида молларни сақлаш харажатларидан халос бўлади.

5. Консигнация – бу шундай усулки, бунда сотиб олувчилар товарларни мажбуриятсиз сотиб оладилар, яъни товар сотилгандан сўнг пулни тўлайди. Агар товар сотилмай қолса, унда у эгасига қайтариб берилади.

**Банк кредити** тўғрисида сўз юритганимизда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида “Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир” деб қайд этилган.

Бозор иқтисодиётида хўжалик фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлар ва юридик шахслар доимий равишда вақтинча пул маблағларини жорий фаолиятларида фойдаланиш учун жалб қилиш эҳтиёжига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги пул маблағларини вақтинча жалб қилишнинг бир қатор шакллари кўзда тутган. Бу тижорат банклари томонидан бериладиган банк кредити, корхона ва тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ёрдам, турли фондларнинг грантлари, лизинг, факторинг, репорт, бюд-

жет маблағларидан амалга ошириладиган субсидия, дотация, субвенциялардир. Амалиётда пул маблағларини вақтинчалик жалб қилишнинг энг қулай ва самарали шакли банк кредитидир.<sup>1</sup>

Банк кредити – бу тижорта банки томонидан ўз мижозига аниқ муддатга ҳақ тўлаш ва мақсадли фойдаланиш шартларида тақдим этиладиган пул маблағларидир.

Кредитнинг **аниқ муддатга берилиши** авваламбор кредитни қайтарилишини билдиради. Банк кредити қайтарилиши тамойили билан қайтарилмайдиган молиявий ёрдамдан фарқланади.

Кредитнинг қайтариш муддати банк ва мижоз ўртасидаги келишув билан белгиланади. Кредит муддатини белгилашда мижознинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжи, банкнинг имкониятлари, кредит маблағлари қандай маҳсулотлар, хизматлар ва ишларга сарфланиши ва бошқа факторлар инобатга олинади.

Кредитнинг аниқ муддатга берилиши кредитталаб қилиб олунгунча берилиши тақиқланишини кўрсатади. Агар шартномада кредит муддатдан олдин қайтарилиши мумкинлиги белгиланмаган бўлса, мижоз кредитни келишилган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эга эмас.

Қонунчиликда кредитни шартномада белгиланган муддатдан олдинқисман қайтарилиши қайд қилинмаган бўлса-да, амалиётда банклар кредит шартномаларига жуда кам ҳолларда кредитни қисман қайтарилиши тўғрисида қоидаларни киритишга рози бўладилар. Сабаб – банк тақдим этилган кредит бўйича доимий равишда фоизларни олишдан манфаатдор, кредитни қисман (кўп ҳолларда тўла) муддатдан олдин қайтарилиши банкдан қайтарилган маблағларни бошқа мижозларга тақдим этиш учун вақт ва харажатларни талаб қилади.

Кредитлар муддатларига кўра, асосан савдо-сотик соҳасига ёки айрилма фондларни тўлдириш учун 1 йилгача бериладиган қисқа муддатли кредитларга, ускуналарни сотиб олиш ёки янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бериладиган янги 1 йилдан 5 йилгача бериладиган ўрта муддатли ва ижтимоий лойиҳаларга ёки катта ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш учун 5 йилдан ортиқ муддатга бериладиган узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитларни *ҳақ эвазига берилиши* мижоз томонидан банкка кредит маблағларидан фойдаланилгани учун фоизлар тўлаш кераклигини билдиради. Қонунчиликда фоизларнинг тўланиш муддати ва

---

<sup>1</sup> Бозоров Ш.Т. Банк кредитининг ҳуқуқий асослари. // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. Тошкент – 2002, 33-бет.

тартиби бўйича диспозитив моддалар белигиланмаган. Фоизар ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ўн кунликда, ҳар ойда, ҳар чоракда, ҳар йилда, кредитнинг асосий суммасини қайтариш пайтида ёки томонлар келишганбошқа муддатларда тўланиши мумкин. Амалиётда банклар миждозлардан фоизларни ҳр ойда тўлашни талаб қиладилар. Тижорат банклари миждознинг ҳисобварағидан фоизларни миждознинг алоҳида топшириғисиз кўчириб оладилар ва бу тўғрисида миждозга маълумотларни берадилар.

Кредитларни *мақсадлилиги* – кредитни аниё маъсадга берилишини билдиради. Бундан қуйидагилар келиб чиқади:

1) кредит мақсадсиз бўлиши мумкин эмас. Кредит шартномасида кредит маблағлари миждозга қайси мақсадларга берилиши аниқ белгиланади – сотиб олинандиган товарларнинг ҳажми, сифати, нархи, харид қилинандиган ускуналарнинг сони, ишлаб чиқарувчилари, сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қватлари, молиялаштириландиган ишлар ва хизматлар муддатлари, сифат кўрсаткичлари ва бошқа муҳим тадбирлар кўрсатилиши керак. Банк миждозга кредит маблағларини ўз хоҳишига кўра ишлатиш ҳуқуқини беришга ҳақли эмас.

2) Банк миждоз томонидан кредитни мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай назорат миждоз томонидан кредит маблағларидан тўловларни амалга ошириш жараёнида банкка тўлов ҳужжатларини тақдим этиш жараёнида ва сотиб олинган товарлар ва ускуналар, харид қилинган ишлар ва хизматларни жойида текшириш йўли билан амалга оширилади.

3) Миждоз томонидан кредит маблағларини кредит шартномасида кўзда тутилмаган мақсадларга ишлатилиши кредит шартномасини бузилганлигини билдиради ва банкка қонунчиликда ва кредит шартномасида белгиланган чораларни қўллаш ҳуқуқини беради.

Кредитларни тақдим этиш жараёнида тижорат банклари миждозларга кредитларни қайтишини таъминловчи қўшимча талабларни ўрнатадилар. Қонунчиликда барча кредитлар бўйича таъминот бўлиши шартлиги тўғрисида императив меъёр ўрнатилмаганлиги сабабли тижорат банклари ишончли миждозларга, яъни молиявий ҳолати шубҳа уйғотмайдиган, пул оқимлари етрали даражада бўлган, раҳбарлари ўз соҳасида юқори обрўга эга бўлган миждозларга таъминотсиз кредитларни беришлари мумкин. Бундай ҳоллар амалиётда кам учрайди.

Тижорат банклари таъминот сифатида мулкни гаровга қўйишни, учинчи шахсларнинг кафолати ёки кафиллигини, суғурта компанияларининг полисларини тақдим этишни талаб қилишлари мумкин.

### **Банклар томонидан микрокредитлар бериш.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк ва Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатасининг 2002 йил 10 майдаги 59-сонли, 23-сонли, 2-09/3-сонли, 217-В-сонли, 324-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги” низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ еттинчи сессиясида маъқулланган “2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш Дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли “2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тижорат банклари томонидан бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси (кейинчалик матнда - Бандлик жамғармаси) кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон республикаси Марказий банки ва молия вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги 203-в ва 108-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги” низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-1987-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида” 232-сон, 1999 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясида қилган маърузасида берилган асосий қоидаларни

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 296-сон ва 2001 йил 10 сентябрдаги "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини молиялаш, моддий-техник таъминлаш, божхона имтиёзлари, уларга банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 366-сон қарорларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 июндаги 273-Ф-сон фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Микрокредит бу кредит шаклларида бири бўлиб, унинг миқдори ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklари учун 5000 АҚШ долларига эквивалент бўлган миллий валютадаги суммадан; ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширадиган деҳқон ва фермер хўжалиklари, микрофирмалар, кичик корхоналар учун 10000 АҚШ долларига эквивалент бўлган миллий валютадаги суммадан ошмаслиги керак;

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар - микрокредит шаклларида бири, микрофирмалар ва деҳқон хўжалиklари (юридик шахс мақомига эга) учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжалиklари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бўлади;

бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линияси - бюджетдан ташқари жамғарма томонидан фақат мақсадли асосда, унинг суммасини ана шу банкларнинг балансида акс эттирган ҳолда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банкига ажратиладиган маблағлар.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжалиklарига бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобига 5000 АҚШ долларига эквивалент суммадан ошадиган ҳажмда кредитлар беришга йўл қўйилмайди.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар янги барпо этилаётган, давлат рўйхатига олинганидан кейин 6 ойдан кечиктирмаган даврда кредит олиш учун тегишли ариза топширган микрофирмалар ва кичик корхоналарга, деҳқон (юридик шахс ҳуқуқига эга) ва фермер хўжалиklаригагина берилади.

Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга оширадиганлар ва у қарз олувчи лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтирилиши керак.



Банкка тақдим этилган гаров ҳамда кредитдан самарали ва мақсадли фойдаланиш жойнинг ўзида текширилади.

Кредитдан фойдаланиш муддати тугагач, қарз олувчи олинган кредитни банкка ўз муддатида ва шартномада назарда тутилган тартибда қайтариши шарт.

Қарз олувчи берилган кредитдан мақсадга кўра фойдаланмаганлиги аниқланган тақдирда банк қарз олувчига бундан кейин кредит беришдан бош тортишга, қарз олувчидан кредит суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва шартнома бўйича тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Қарз олувчи асосий қарзи ва унга доир ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида таъкидланган муддатда сўндирмаган ҳолда банк гаров предметини мустақил равишда, судга мурожаат этмасдан, Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ундиришга ҳақлидир.

Қарз олувчи кредит шартномаси шартларига биноан қарзни ва унга доир ҳисобланган фоизларни сўндиришдан ёки шартнома шартларига мувофиқ гаров предметини банк тасарруфига топширишдан бош тортганда банк хўжалик судига тегишли даъво билан мурожаат этиши керак.

Шунингдек ушбу соҳадаги яна бир ҳужжат Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 29.02. 2000 й. 902-сонли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 22.02.2000 йилдаги 463-сонли “Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартиби” Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги мажлиси 1-сон баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 29.02. 2000 йилдаги 903-сонли, Ўзбекистон республикаси марказий банки томонидан тасдиқланган 22.02.2000 йилдаги 464-сонли “Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга

оширувчи фермер хўжаликлари, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш тартиби” Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги мажлиси 1-сон баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширувчи фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 07.03. 2000 йилдаги 907-сонли, Ўзбекистон республикаси марказий банки томонидан тасдиқланган 04.03.2000 йилдаги 465-сонли “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби” Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги мажлиси 1-сон баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган, фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 16.03.2002 йил 506-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 18.04.2002 йилдаги N 1126 “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тижорат банклари томонидан миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2001 йил 18 апрелидаги 178-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2002 йил 1 мартдаги 74-сон Қарори ҳамда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уй-жой мулкдорлари ширкатларини кредитлаш тижорат банклари томонидан, ушбу низомга мувофиқ кредитнинг қайтарилиши, тўловлилиги, таъминланганлиги, муддатлилиги ва ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш шартларига риоя этиб, хатарларни ҳар томонлама баҳолаш ва гаров қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 07.03. 2000 йилдаги 907-сонли, Ўзбекистон республикаси марказий банки томонидан тасдиқланган 04.03.2000 йилдаги 465-сонли “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби” Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги мажлиси 1-сон баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган, фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига 2-илова “Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида” НИЗОМ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармониغا мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг, деҳқон ва фермер хўжаликларининг иқтисодиётининг аниқ сектори пировард маҳсулотидаги улушини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 17.12.1998 й. 566-сон, Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган 09.11.1998 й. (19/8-сонли қарор) 261-сон “Қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисида” низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги 234-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Валюта

биржаси ҳузуридаги кредит ресурслари кимошди савдолари орқали тижорат банкларини қайта молиялаш учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

**Истеъмолчи кредити** деганимизда тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади.

“Истеъмол кредити тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>1</sup> да истеъмол кредитига шундай таъриф берилган:

“Истеъмол кредити – жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредитдир. Молиявий истеъмол кредити ва товар истеъмол кредити истеъмол кредитининг шакллари дир”.

*Молиявий истеъмол кредити* – сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир. Банklar ёки бошқа кредит ташкилотлари молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлар саналади.

*Товар истеъмол кредити* – сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир. Истеъмол товарларини (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар товар истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир.

Истеъмол кредитининг объекти – жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар, (ишлар, хизматлар)дир. Кўчмас мулк, шунингдек, қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк истеъмол кредити объекти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 19.03.1999 йилдаги 678-сонли, Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган 24.01.1998 йилдаги 377-сонли “Ўзбекистон республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига истеъмол кредити беришни ташкил этиш тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги, "Банklar ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида” Қонуни. (Қонунчилик Палатаси томонидан 2005 йил 22 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган. “Халқ сўзи” газетаси 2006 йил 10 май сонидан чоп этилган.

ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат банклари томонидан аҳолига истеъмол кредити бериш ва қайтариш жараёнларини тартибга солади.

Ундаги таърифга кўра,

Истеъмол кредити - бу аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга ёрдам берувчи кредитдир ва уй-рўзғор буюмлари:

радио-электрон ва бошқа маиший асбоб-ускуналар, мебеллар, интерьер буюмлари, турар жойни таъмирлаш билан боғлиқ товарларни харид қилиш учун 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Истеъмол кредити фақат балоғат ёшига етган ва муомала лаёқатига эга, доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтган, шунингдек доимий иш, ўз фаолиятдан олинадиган даромадга эга бўлган ёки қариллик нафақаси оладиган фуқароларгагина берилади.

Тижорат банклари томонидан ўзининг ходимларига истеъмол кредити берилиши тақиқланади.

Истеъмол кредити истеъмол кредити бериш қоидаларига<sup>1</sup> мувофиқ истеъмол кредити шартномаси бўйича тижорат асосида қайтарилиш, тўловлилик, муддатлилик, таъминланганлик ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш тамойилларига риоя қилинган тарзда берилади. Истеъмол кредити ўз фаолияти натижасида олинган даромадларга, пенсия ва бошқа даромадларга, эга жисмоний шахсларга берилади.

Кредит шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- мижознинг исми, шарифи, отасининг исми ва банкнинг тўлиқ номи, уларнинг почта манзиллари;
- кредит берилиши мақсади;
- кредит суммаси, қайтарилиш муддати ва тартиби;
- қайтарилиш манбаалари ва таъминот шакллари (гаров, кафолат, кафиллик ва амалдаги қоидаларда кўзда тутилган бошқа турлари);
- кредит учун фоизлар, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби;
- ўзаро мажбуриятлар ва томонларнинг шартнома шартларига риоя қилишдаги жавобгарлиги;
- шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда қўлланиладиган таъсир чоралари;

---

<sup>1</sup> Истеъмол кредити бериш қоидалари истеъмол кредити берувчи ташкилот томонидан “Истеъмол кредити тўғрисида” Қонунга мувофиқ белгиланади.

- кредитдан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш усуллари ва мақсадга ҳилоф ишлатилганлиги аниқланган ҳолларда қўлланиладиган жазо чоралари;

- Шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;

- Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа шартлар;

- томонлар имзоси ва банк муҳри.

Кредит шартномаси имзоланиб қарз олувчига шахсий ссуда ҳисоб варағи очилгандан кейин мазкур ҳисоб варағи орқали ўтаётган маблағларни тезкор назоратини таъминлаш мақсадида "Қарздорнинг кредит карточкаси" очилади.

Кредитдан фойдаланганлик учун мижоз банкка ҳақ тўлайди. Кредитдан фойдаланганлик учун тўлов миқдори - фоиз ставкаси банк ва қарз олувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Истеъмол кредитини нақд пул билан бериш тақиқланади.

Қарз олувчи жисмоний шахсга истеъмол кредитини бериш Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 18 ноябрда 539-рақам билан Давлат рўйхатига олинган Марказий банкнинг 1998 йил 22 августдаги 1-сонли "Ўзбекистон Республикасида банкларида очиладиган банк ҳисоб варақлари тўғрисида"ги йўриқномада кўзда тутилган тартибда унга шахсий ссуда ҳисоб варағи очиш йўли билан амалга оширилади.

Қарздор томонидан олинган кредит муддатидан олдин қайтарилган тақдирда у айна пайтда кредитдан фойдаланганлик муддати учун ҳисобланган фоизларни ҳам қўшиб тўлаши керак.

Банклар берилган кредитдан мақсадли тарзда фойдаланилишни назорат қилишлари керак.

Берилган кредитлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш банк томонидан қарз олувчининг савдо ташкилотларининг муҳри, сотилиш муддати қўйилган товар счётларини тақдим этиш ва жойига чиқиб текшириш орқали амалга оширилади.

Мижоз томонидан кредит бошқа мақсадларда фойдаланилгани аниқланган ҳолда банк гаровга олинган мулк ёки кредит қайтарилиши таъминотининг бошқа шакллариغا ўз ҳуқуқини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш йўли билан берилган кредитнинг тегишли қисмини муддатдан олдин қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Истеъмол кредитининг қайтариш манбаи қарздорнинг даромади ҳисобланади. Кредит бўйича қарз ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида кўзда тутилган шартларга биноан банк кассасига

бирданига тўлалигича, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарздорнинг ойлик маошидан ссуда ҳисобварағига ҳар ойда тўловлар ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Агар мижоз ўз фаолияти турига кўра барқарор даромадга эга бўлса кредитни қайтариш одатда ҳар ойда мунтазам равишда тенг миқдордаги маблағларни ссуда ҳисобварағига ўтказиш туриш орқали амалга оширилади. Ҳар бир тўлов асосий қарз ва фоизларнинг қопла-нишидан иборат бўлиб, асосий қарзни қоплаш қисми ссуда ҳисобва-рағининг ўзига ва фоизларни тўлови эса банк даромадига йўналтира-ди.

Масалан, Франция, АҚШда банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга асосан 2500 ҳолларга қадар товарлар харид этилади, харид пули банкларга магазинлар берган счётга қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқача қарз фоизидан кам бўлади, хатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қонди-ришга мўлжалланган. У товар ва пул шаклида бўлиши мумкин. Жум-ладан, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадларига бериладиган узок муддатли кредитлар пул шаклидаги истеъмолчи кредитларидир.

**Давлат кредити** тўғрисида, аввало, шуни айтиш керакки, банк-лар давлатга ҳам қарз беради. Шу билан бирга, ундан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар ўтайди.

Давлат қарзи турли шаклда, энг аввало, давлат заёмлари шак-лида бўлади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, У қарзни вақти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафо-латлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифани ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради.

Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин. Халқаро кредитлар бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хори-жий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 1997 йил 7 февраль қарори билан тартибга солинади. Ушбу қарорда лойихаларни танлаб олиш тартиби ҳамда кичик ва ўрта тадбиркор-ликни ривожлантириш учун жалб қилинадиган хорижий кредит ли-

ниялари ҳисобига кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш масалаларига эътибор қаратилган.

**Халқаро кредит** – бу қарз капиталининг халқаро микёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлик ва ҳақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқдир.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар бўлиб тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва регионал молия-кредит ташкилотлари ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар берадиган халқаро кредитларнинг хусусий банклар берадиган кредитлардан фарқи қуйидагилардан иборат: халқаро ташкилотлар, одатда, узок муддатли кредитлар беради. Хусусий банклар эса, асосан, қисқа муддатли кредитлар бериш билан шутулланади

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида” Низомга кўра,

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири ҳисобланадиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида тузилган қарз ва кредит шартномалари бўйича юридик хулосалар беради;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 ноябрдаги 526-сон қарорига 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида” Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда "Идоралараро кенгаш" деб юритилади) хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлар ва инвестицияларга хизмат кўрсатиш ва уларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 08.01.2004 йилдаги “жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби



тўғрисида” 7-сонли қарори "Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида" ва "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисида" 2003 йил 28 ноябрдаги 534-сон қарорига мувофиқ ҳамда жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш механизмини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган ва ушбу қарорга илова “Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисида” низом жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов (кейинги ўринларда матнда "тақдирлаш пули" деб юритилади) ундириш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2003 йилдаги N 267-сонли “Хорижий кредитлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори жалб этилган хорижий кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш, корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида берилган хорижий валютадаги кредитлар бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши учун жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори 09.08.2002 й. 286-сонли “Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун Банк оф Нью-Йорк (АҚШ)нинг кредит линиясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори АҚШ Экспорт-импорт банкининг суғурта қопламаси остида Банк оф Нью-Йорк томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантиришга йўналтирилган кредит линиясидан самарали фойдаланиш мақсадида қабул қилинган.

Шунингдек, қонун ҳужжатларида давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс қарз берувчи бўладиган ҳолатлар мавжуд. Бунда давлат заёми шартномаси бўйича қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарзга берилган пул маблағларини ёки заём шартларига боғлиқ ҳолда бошқа мол-мулкни, белгиланган фоизларни ёхуд бошқа мулкрий ҳуқуқларни заёмни муомалага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари

ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.

Кредитлар, шунингдек, ҳукуматга Олий Мажлис тасдиқлаган миқдорда эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тасдиқланган давлат қимматли қоғозлари гаровга қўйилиши шарти билан берилиши мумкин.<sup>1</sup>

Юқорида айтиб ўтилганидек, бундай шартномалар тузилиш билан ҳар иккала тарафда ҳам маълум бир мажбуриятлар пайдо бўлади. Бунда мажбурият субъектлари ва объектлари унинг муҳим унсурлари ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиккан ҳолда мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Кредитор-муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб қилишга ҳақли субъектдир. Қарздор эса муайян ҳаракатни қилишга ёки қилишдан сақланишга мажбур бўлган тарафдир. Қарз ва кредит шартномаси бўйича мажбурият объекти қарз берувчи пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлардир. Бу шартномадаги мажбуриятлар шартномали мажбуриятларга оид муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларга тааллуқлидир. Мажбуриятларнинг турлари бўйича қарз ва кредит шартномалари бир томонлама (ва икки томонлама) мажбуриятларга хосдир. Бундай мажбуриятда қатнашувчиларнинг бирида фақат талаб қилиш ҳуқуқи, иккинчи томонда эса фақат мажбурият бўлади. Қарз ва кредит шартномаси бўйича қарз берган шахс қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, қарздор эса ўз зиммасига олган қарзини қайтаришга бурчли бўлади.

Қонун нормаларига мувофиқ, пул мажбурияти бўйича мажбуриятни бажариш жойи мажбурият вужудга келган пайтда кредитор эса яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ер, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида ижро этилади.

Қарз ва кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкция ихтиёрий бажаришган бурчни мажбурий ижро эттиришга қаратилган. Олинган қарз ихтиёрий равишда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Марказий Банки тўғрисида”ги 1995 йил 21 декабрь қонуни. 6-модда

тўланмаганлиги учун уни мажбуран ундириш мумкин. Мажбурият юзасидан қарздор шахс мажбуриятларини бажармаслиги билан кредиторнинг субъектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади.

Қарздорнинг мажбуриятни лозим даражада бажармаслиги, яъни мажбуриятни шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга мувофиқ равишда бажармаслиги тушунилади. Агар мажбурият қарздор томонидан бутунлай бажарилмаса, кредитор суд орқали мажбуриятларнинг мажбурий тартибда бажарилишини, биринчи навбатда, албатта, реал равишда бажарилишини, агар мажбурият лозим даражада бажарилмаган бўлса, унинг қонун ёки шартномада кўрсатилган шартларга риоя қилиб бажаришни талаб қилишга ҳақли. Қарз ва кредит шартномаси мажбуриятнинг бажарилиши билан бекор бўлади. Қарз шартномаси қарз берувчи шартномадан воз кечиши билан ҳам бекор бўлиши мумкин. Шунингдек, тарафларнинг келишуви бўйича ҳам бекор бўлиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мажбуриятларнинг бекор бўлишига бошқа асослар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Қарз шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Қарз шартномасининг шакли ва турлари.
3. Қарз шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Қарз шартномасининг бекор бўлиш асослари.
5. Кредит шартномаси.
6. Кредит шартномасининг тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва тури тартиби.
7. Кредит шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Кредит турлари.
8. Кредитни таъминлаш усуллари.
9. Кредит шартномаси бўйича жавобгарлик, шартноманинг бекор бўлиши.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Қарз шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Қарз шартномаси шакли.
3. Қарз шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
4. Қарз шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги.

5. Кредит шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
6. Кредит шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
7. Кредит шартномасини бекор бўлиш асослари.

## **42-БОБ. ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ЭВАЗИГА МОЛИЯЛАШ**

**Шартнома тушунчаси.** Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси халқаро амалиётда, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бундан юз йиллар аввал “факторинг” (“фактор” – молиявий агент, комиссиянер сўзидан олинган) институти сифатида маълум бўлган. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасининг моҳияти шундаки, унинг бўйича мижоз молия агентидан (кўпчилик ҳолларда булар – банклар) мижознинг маҳсулот бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқларини харидор (буюртмачи)га тақдим этиш эвазига пул маблағларини беришдан иборат. Масалан, товар етказиб берувчи кўпинча етказиб берилган маҳсулот учун ўз мажбуриятини бажариш билан бир вақтда тўлов олмайди (олувчи вақгинча пул маблағлари бўлмагани сабабли олинган товар учун тўлов муддатини кечиктиради). Товар етказиб берувчи пул талабномасига эга бўла туриб, пул маблағлари йўқлиги ёки етишмаслиги учун қийин аҳволга тушиб қолади. Пул маблағлари муайян мулкый қийматга эга бўлиб, бозор қийматига, сўмнинг харид қобилиятига ҳам эга.

Молия агенти (банк) кредиторга (товар етказиб берувчига) учинчи шахс (харидор) нинг унга тегишли қарзини бу қарздордан тегишли пул маблағларини тўлаш муддати етиб келган вақтда ун-дириб олиш эвазига тўлашга тайёрдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан факторинг – бу комиссия-савдо операцияларининг мижоз айланма капиталини кредитлаш билан уйғунлашган ва унинг дебиторлик (мижоз товар ва хизматларини реализация қилгани жараёнида унинг счет-фактуралари билан тўланмаган) қарзини инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва банкка маҳсулот олувчидан (хизматдан фойдаланувчидан) тўлаш талабномаси ҳуқуқини топшириш билан боғлиқ туридир.

Ҳозирги кунда факторинг кўпинча банк ёки бошқа кредит муассасаси (молия агенти) ва товарлар сотаётган ё хизматлар кўрсатаётган корхона (мижоз) ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар сифатида белгилиниб, унга кўра молия агенти факторинг шартномаси бўйича мижоздан дебиторлик қарзини ундириш ҳуқуқига эга бўлади (мижозга нисбатан талабнома ҳуқуқи билан ёки бундай ҳуқуқсиз), шунингдек,

башарти шартномада назарда тутилган бўлса, мижознинг савдо операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиши мумкин.

Кредиторнинг пул талаблари молия агентининг бошқа кредитор билан тадбиркорлик битими предмети бўлиши ҳам мумкин, бунда кредитор мижоз вазифасини ўтайди. Молия агенти бўш пул маблағларига эга бўлиб, кредиторга (мижозга) тўлов бериб, тегишли моддий мукофот олади.

Юридик адабиётларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши тўғрисидаги хўжалик шартномаси билан кўп жиҳатдан умумий томонларга эга (“Цессия” ФК, 313–321-моддалар). ФКнинг 749-моддаси 1-қисмида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасига қуйидагича таъриф берилган:

“Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришдан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса, молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади”.

Ушбу таърифдан шундай хулоса чиқариш мумкин: пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси икки тарафлама ва ҳақ эвазига амалга оширилади. У реал ҳам (молия агенти пул ўтказди ёки мижоз тўлов муддати етиб келган пул талабномасидан воз кечади), шунингдек консенсуал ҳам (агент пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини олади ёки мижоз тўлов муддати етиб келган талабномадан воз кечиш, яъни келгуси қарзларни олиш ҳуқуқини ўтказиш мажбуриятини олади) бўлиши мумкин.

Мажбуриятда талабномадан воз кечиш шартномалари асосида шахсларни ўзгартириш тўғрисидаги умумий қоидалар уларнинг умумий характериға кўра факторинг шартномаси доирасида амалга ошириладиган ҳуқуқдан воз кечиш бўйича муносабатларға нисбатан қўлланилиши керак. Шу билан бирға талабнома ҳуқуқидан воз кечиш эвазига молиялаштириш тўғрисидаги махсус нормаларнинг киритилиши тижорат шартномалари объекти сифатида талабнома ҳуқуқидан фойдаланганда анъанавий ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисидаги нормалар ҳам қарздорнинг, айрим ҳолларда эса ҳам мижознинг манфаатларини

тўлиқ даражада таъминламаганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун факторинг шартномаси доирасида бир қанча муносабатлар ўзгача тартибга солинган (масалан, қарздор ва мижоз ўртасидаги шартномага талабномадан воз кечишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги шартнинг киритилиши оқибатлари, ўз навбатида бошқа шахс фойдасига талабномадан воз кечиш имконияти ва ҳ.к.). Бу нормалар ўзига хос хусусиятга эга. Шу боисдан ҳам факторинг шартномаси асосида ҳуқуқлардан воз кечилганида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-бобида факторинг доирасида у ёки бу муносабатларни тартибга солувчи махсус нормалар бўлмаган тақдирдагина тарафларга нисбатан Фуқаролик кодексининг талабномадан воз кечиш тўғрисидаги умумий нормалари қўлланилиши лозим.

**Шартнома қисмлари.** Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича томонлар молия агенти (фактор) ва мижоздир. Молиявий агент сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек, тижорат ташкилотлари (ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ва унитар корхоналар), агар бу фаолият уларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати мазмунига кирса, қатнашадилар.

Мижоз сифатида тижорат ташкилотлари ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар қатнашишлари мумкин, чунки факторинг шартномалари фақат тадбиркорлик муомаласида қўлланилади.

Молия агенти (“фактор”) билан мижоз ўртасида юзага келадиган мажбуриятлар факторинг шартномасининг ўзидан келиб чиқади. Молия агенти билан учинчи шахс мижоз қарздори (товарларни сотиб олувчи, иш ёки хизмат буюртмачиси) ўртасида юзага келадиган муносабатлар улар билан боғлиқ бўлса ҳам, факторинг шартномаси предметиға кирмайди.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси мазмуни ФК 749-моддаси 1-қисмиға мувофиқ, пул талабномасининг тегишли пул маблағларини мижозға тақдим этиш эвазига молия агентига берилишидир.

Қонунда факторинг шартномасининг икки тури ажралиб туради: 1) тўлов муддати етиб келган пул талабномаси (мавжуд талабнома); 2) келажакда вужудға келадиган пул талабномаси (бўлажак талабнома, ФК, 751-модданин 1-қисми).

Бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса бир эмас, бир нечта талабномадан иборат бўлиши мумкин. Масалан, муайян бир то-

варни сотиш бўйича барча талабнома ёки бир қарздорга нисбатан ҳамма талабномалар.

Молия агенти учун мавжуд талабнома тўлов муддати етиб келмаган (товарни кредитга етказиб бериш) ёки мижоз учинчи шахс билан эндигина тузиши лозим бўлган шартномадан келиб чиқадиган бўлажак талабномадан афзал ҳисобланади.

Бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса ҳар қандай мажбуриятлар эмас, балки аниқ талабномалар бўлиши шарт. Шартномада воз кечилаётган ҳар бир талабноманинг суммаси, тўлов муддатлари ва бошқа белгилари кўрсатилган бўлиши лозим. Бўлажак талабнома ўз вақтида, кечикмаган ҳолда вужудга келиши очиқ-равшан белгиланган бўлиши шарт.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида муддат томонлар келишуви билан белгиланади. Шартнома баҳоси мижознинг қарздорга талабномаси нархидир. Шартнома баҳосини белгилашда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади: мижоз ва қарздорнинг молиявий аҳволи, ҳисоб-китоблар шакли (турли қимматга эга бўлган аккредитив ёки инкассо), тўлов муддати (мавжуд талабнома ёки бўлажак талабнома), молия агентига берилган талабномалар сони ва бошқалар.

Молия агенти кўрсатган хизматлари учун тўланадиган мукофот миқдори мижозни молиялаш суммаси ва муддати; воз кечилган талабномалар қарздор томонидан тўланиши шубҳали бўлган вазиятнинг (таваккалчиликнинг) мавжудлиги; мижозга кўрсатилган қўшимча хизматлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси шакли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли ҳақидаги қоидалар билан (ФК, 320-модда) белгиланади. У оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шаклида амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қиладиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимнинг рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибида рўйхатга олиниши керак. Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади.

Жаҳон амалиётида факторинг шартномаларининг бир неча турлари мавжуд:



- регресс (маҳсулот етказувчидан тўловни қайта талабнома кўйиш) ҳуқуқи ёки регресс ҳуқуқисиз тўлиқ факторинг хизмати тўғрисида;

- регресс ҳуқуқи ёки регресс ҳуқуқисиз талабномаларнинг дастлабки тўлови тўғрисида<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-боби молия агентининг нафақат бухгалтерия хизмати ҳамда мижоз етказган маҳсулотлар ва кўрсатган хизматлар учун ҳисоб варақлар тўлови устидан назорат қилишдан эмас, балки мижоз контрагентларидан дебиторлик қарзларини бевосита ундириш ҳуқуқидан албатта иборат талабномадан воз кечиш эвазига кўрсатиладиган молиявий хизматларга нисбатан татбиқ этилади.

Банк молиялаштирганида мижоз талабномасидан воз кечмаган тақдирда бундай муносабатлар бошқача таснифланади (масалан, қарз шартномаси).

Банк мижозга у талабнома ҳуқуқидан воз кечиши эвазига кўрсатган молия хизматлари хусусияти ва турини тарафлар ўз хоҳишига кўра белгилашга ҳақли.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси мазмуни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат. Молия агенти (“фактор”)нинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардир: а) шартнома баҳоси бўлган пул маблағларини мижозга бериш; б) шартномада кўзда тутилган алоҳида ҳолларда мижоз операцияларининг бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни мижоздан қабул қилиш; в) мижозга воз кечиш предмети бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича қўшимча молиявий хизматлар кўрсатиш томонлар ўртасидаги муносабатлар кредит бериш эвазига талабномадан бир марта воз кечишдан иборат бўлиб қолмайдиган ҳолларда мақсадга мувофиқдир. Томонлар шартномада молия агентининг бошқа мажбуриятларини ҳам кўзда тутишлари мумкин.

Мижознинг асосий мажбурияти шартнома предмети бўлган пул талабномасидан молия агенти (“фактор”) фойдасига воз кечишдан иборатдир. Мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш предмети бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади (ФКнинг 752-моддаси 1-қисми). Берилаётган талабнома-

<sup>1</sup> Қаранг: Российская банковская энциклопедия./Гл.ред.О.И.Лаврушин.-М.: 1995.-447

нинг ҳақиқийлиги иккита шартга боғлиқ: а) мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш пайтида пул талабномасини бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак; б) ҳуқуқни мижозга бериш вақтида қарздор бу ҳуқуқни бажармасликка ҳақли бўладиган вазиятлар унга маълум бўлмаслиги керак (ФКнинг 752-моддаси, 2-қисми). Молия агенти ўз фойдасига воз кечиш предмети бўлган талабномани ижрога такдим этганда қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мижоз жавобгар бўлмайди. Унинг вазифаси ҳақиқий талабномани беришдан иборат. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талабноманинг бажарилиши учун мижоз кафолат бер-майди. Кўриниб турибдики, мижознинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредиторнинг жавобгарлигига ўхшаш тартибда белгиланган (ФК, 321-модда).

Мижоздан пул талабномасини олган молия агенти унинг тезроқ қондирилишидан манфаатдордир, у қарздорга муддатни чўзиш ва бошқа имтиёзлар берилишига рози бўлмаслиги мумкин. Қарздор эса, ўз кредитори, мол етказиб бериш шартномаси бўйича узоқ вақт ўзаро алоқада бўлган мол етказиб берувчисини нотаниш бўлган молия агентига алмаштиришдан манфаатдор эмас. Шу туфайли қарздорлар (мол етказиб бериш шартномаси бўйича харидорлар) шартномадан келиб чиқадиган бирор ҳуқуқни ҳар қандай томонга ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги шартни киритишни талаб қиладилар. Фуқаролик кодекси пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлашни ҳақиқий эмас деб эълон қилади (ФКнинг 753-моддаси, 1-қисми). Мижоз билан унинг қарздори ўртасидаги талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида келишув бўлган тақдирда ҳам пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланади. Қарздор унинг дастлабки кредиторига (мижозга) шартнома билан белгиланган пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш бузилганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллаш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолларда мижознинг ўз қарздори (контрагенти) олдида мулкни бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича мажбуриятлари сақланиб қолади. Мижоз, шунингдек, шартнома шартларига зид равишда кредиторни алмаштириши натижасида қарздорга етказилган зарар ўрнини қоплаши шарт.

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, молия агентининг пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишига йўл қўйилмайди (ФК, 754-модда). Агар шартномада пул талабномасидан, ўз навбатида, бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилган ҳолларда унга нисбатан пул талабномаси (факторинг)дан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси тўғрисидаги қоидалари тегишли суратда қўлланилади. Янги молия агенти ҳам тегишли лицензияга эга бўлиши керак. Бу ҳолда пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечаётган молиявий агент – мижоз, унинг мижози эса – қарздор бўлади. Е. А. Сухановнинг таъкидлашича, бу – “қарзларни сотиб олиш” ва “қарз мажбуриятлари бозори”ни яратиш бўйича фаолиятни чеклайди. Масалан, айрим тижорат ташкилотлари омонатчиларнинг тўловга ноқобил банклар ва бошқа кредит ташкилотларига бўлган талабномаларини сотиб олиб, бу фаолиятни ривожлантиришга уринмоқдалар.

ФКнинг 755-моддасига мувофиқ, қарздор мижоздан ёки молия агентидан пул талабномаси белгиланган, шунингдек, тўлов амалга оширилиши керак бўлган молия агенти кўрсатилган тақдирда, қарздор тўловни молия агентига амалга ошириши шарт. Билдиришномада берилган талабноманинг аниқ мазмуни, тўлов амалга оширилиши лозим бўлган молия агентининг номи кўрсатилиши лозим.

Агар ёзма билдиришнома, зарур бўлган ҳолларда эса, қўшимча далиллар қарздорга берилмаган бўлса, у тўловни мижознинг ўзига (дастлабки кредиторга) тўлаш ҳуқуқига эга бўлади<sup>1</sup>.

Факторинг банкда маҳсулот етказувчидан ёки унинг дебиторларидан ўз филиалларидан бирида ҳисоб рақами очиш, шунингдек, маҳсулот етказувчининг бошқа молия институтлари олдида кредит мажбуриятлари мавжудлиги даражасини ўрганиш зарурати йўқлиги билан таснифланади.

Ушбу хусусиятлар банк учун қулай ва қўшимча катта таваккалчиликка олиб келмайди, чунки факторинг шартномасига биноан маҳсулот етказувчига факторинг хизмати кўрсатилганида маҳсулот олувчилар банк дебиторларига айланиб қолади.

ФКнинг 756-моддаси 1-қисмида молия агентининг мижоздан талабни “сотиб олиш”и тўғрисида гапирилади. Сотиб олиш вақтида мижоз пул талабномасидан молия агенти фойдасига келишилган

<sup>1</sup> Банковское право. Отв. Ред. А.А. Травкин. 3-е издание перераб. и допол. -М.: Юристь. 2006. -280-297 б.

сумма эвазига воз кечади. Молия агенти, қарздорнинг тўлови молия агенти миждозга тўлаган пулдан ортиқ миждорда бўлган тақдирда ҳам қарздор талабни бажариш учун тўлайдиган ҳамма суммани олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Молия агенти қарздорнинг тўлови унинг воз кечилган талабнома харажатларини қоплай олмаслиги мумкин бўлганлиги учун таваккал қилади. Агар у таваккал қилишни истама-са, бошқа турдаги шартнома тузилади. Миждоз қарздор ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаслиги ва қарзнинг қолган қисмини молия агентига тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиб, таваккал қилади. Бундай ҳолда молия агенти белгилаган мукофот пулини чиқариб ташлаб, қарздор тўлаган сумма билан миждоздан олинган сумма ўрта-сидаги фарқни миждозга қайтариши шарт.

Миждоз қарздор билан тузган шартнома бўйича ўз зиммасига олган мулкни бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)га доир мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор молия агентига ўтган талабнома бўйича тўланган суммаларни, агар қарздор молия агентига ўтган талабнома бўйича тўланган суммаларни, агар қарздор бундай суммаларни бевосита миждоздан олишга ҳақли бўлса, ундан қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бундай пулларни қарздор бевосита миждознинг ўзидан ундириб олиши мумкин (ФК, 758-модда). Қарздор агар молия агенти ваъда қилинган тўловни миждозга тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки миждоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ тўловни олиши керак бўлган қарздор олдидаги мажбуриятини бузганлигини била туриб, бундай тўлов амалга оширганлигини исбот қила олса, ушбу суммаларни молия агенти қайтари-шини талаб қилишга ҳақли.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича мулкий жавобгарлик ушбу шартнома-нинг ҳуқуқий табиатига боғлиқ. Агар шартнома консенсуал бўлса, уни бажариш фақат миждоз учун лозим бўлади. У шартноманинг мазмуни ҳақиқийлиги ва унинг бажарилиши учун жавоб беради.

Томонлар келишувига мувофиқ, кўрилган зарарни қоплаш ва неустойка тўловини тўлаш кўзда тутилган бўлиши мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Факторинг шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Шартнома бўйича жавобгарлик.

## 43-БОБ. БАНК ОМОНАТИ ШАРТНОМАСИ

**Шартнома тушунчаси.** Банк омонати шартномаси шартноманинг алоҳида турларидан бири бўлиб, унга кўра биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФК, 759-модда).

Юридик адабиётларда банк омонати шартномасига айрим муаллифлар қарз шартномасининг бир тури, иррегуляр сақлаш (пул, нарсаларни тур белгилари бўйича сақлаш) сифатида қарасалар, қолганлар уни қарз шартномалари қисмларининг мажмуи деб ҳисоблаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида банк омонати шартномаси тушунчасига таъриф берилиб (759-модда), унда Россия Федерацияси Фуқаролик кодексидан фарқли равишда, лотинча “депозитум” – сақлашдан келиб чиққан “депозит” атамаси қўлланилмаган, шунингдек, банкнинг омонатчи пул маблағларини “сақлаш” мажбурияти берилмаган.

Банк омонати шартномаси мустақил шартнома бўлиб, унинг илдизлари қарз шартномасига бориб тақалади ва у банк (қарздор) билан омонатчи (кредитор) ўртасидаги кредит муносабатларини расмийлаштиради. Фуқаро билан тузиладиган банк омонати шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Демак, юзага келган муносабатларга ФКнинг 358-моддасида бундай шартномалар тўғрисида кўзда тутилган умумий қоидалар, хусусан, хизмат кўрсатувчининг шартнома тузишдан бош тортиши тақиқланиши, бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан афзал кўриши истисно этилиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан томонлар учун мажбурий бўлган қоидаларнинг чиқарилиши мумкинлиги кабилар тадбиқ этилади.

Банк омонати шартномаси реал бўлиб, омонатчи (бошқа шахс) банкка омонат пули суммасини бераётган вақтда тузилади. Омонатчи банкдан фақат омонат пули суммасини ва у бўйича фоизларни қайтаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, ўз шериги олдида ҳеч қандай мажбурият олмайди. Банк омонат пули суммасини ва у бўйича фоизларни тўлаши шарт. Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, банк омонати шартномаси бир томонлама ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Банк омонати шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У тарафлар имзолаган ягона ҳужжат тарзида икки нусхада тузилиши мумкин. Агар омонатнинг қўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунда, қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.<sup>2</sup> сноска

**Шартнома қисмлари.** Банк омонати шартномасининг предмети пуллар (омонат)дир. Омонат тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелда тасдиқланган қонунида қуйидагича таъриф берилган: “Омонат (депозит) – талаб қилиниши биланок ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёки бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси”.

Омонатни ташкил этадиган пул суммаси сўмларда ифодаланади. Омонатлар депозит ҳисобварағини очиш йўли билан қабул қилинади. Шу тўғрисида омонатчи билан банк ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун, агар ФКнинг 43-бобида бошқа қоидалар кўзда тутилган бўлмаса ва улар банк омонати шартномаси мазмунидан келиб чиқмаса, банк ҳисобварағи шартномасида белгиланган меъёрлар қўлланади. Масалан, банк ҳисобварағи шартномаси (ФК, 44-боб) да мавжуд бўлган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги меъёрлар банк омонати шартномаси бўйича муносабатларга татбиқ этилмайди, чунки банк омонати шартномаси банк ҳисобварағи шартномасидан фарқли равишда, товарлар (бajarилган иш ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китоб операцияларининг амалга оширилишига йўл қўймайди. Омонатчи депозит ҳисобварағига киритган маблағларга банк мулкчилик ҳуқуқини олади. Омонатчи эса, аксинча, мулкга эгалик (титул ҳуқуқи) ҳуқуқини йўқотади.

Банкка омонатга топширилган пул маблағларига омонатчининг ҳуқуқи моддий бўлмай, пулларни қайтариш ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидир.

Банк лицензиясини олиш тартиби мазкур Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ белгиланади. Юридик шахслар лицензиясиз омонатларни қабул қилиш бўйича банк операцияларини бажарган ҳол-

ларда омонатчи зудлик билан омонат суммасининг қайтариб берилишини, шунингдек, ФКнинг 327-моддасида кўзда тутилган фоизларнинг тўланиши ҳамда унга фоиз суммасидан ортиқ етказилган барча зарарлар ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин. Агар бундай вазиятда юридик шахслар омонатчи бўлсалар, ФКнинг 114-моддасида кўзда тутилган битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади. Бундай битимлар қатнашчиларининг дастлабки ҳолатига қайтарилаётган вақтда асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти (ФК, 1023-модда), хусусан, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоизлар тўлаш (ФК, 327-модда) ва жабрланувчига олинмаган даромадларни тўлаш (ФК, 1028-модда) қоидалари қўлланилади.

Юқоридаги оқибатлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул маблағларини:

- омонат сақловчиларга омонатни талаб қилиши билан оқ олиш ва омонатчининг қонунларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириши имкониятини бермайдиган векселлар ёки бошқа қимматли қоғозлар бериш;

- уларга ғайриқонуний чиқарилган деб топилган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиш йўли билан омонатларга жалб этиш ҳолларига нисбатан ҳам қўлланилади (ФКнинг 760-моддаси 4-қисми).

Энди қонун омонатчининг ҳисобварағига нафақат ўзи, балки учинчи шахсларнинг пул маблағларини кўйиш (ФК, 767-модда), шунингдек бунга мувофиқ равишда учинчи шахс фойдасига омонат кўйиш (ФК, 768-модда) имконини ҳам тартибга солади.

Биринчи ҳолда банк учинчи шахслардан келиб тушган пул маблағларини, ўз ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни уларга берган омонатчининг розилигига эга бўлган ҳолда, омонатчи ҳисобварағига киритиши лозим. Иккинчи ҳолатда эса, омонат бевосита омонатчининг ҳисобварағига эмас, балки муайян учинчи шахс номига киритилади. Масалан, ота-оналар ўз фарзанд(лар)и номига омонат кўядилар. Бу ҳолда омонат суммаси банкка янги депозит ҳисобварақ очиш йўли билан амалга оширилади ва бу шартноманинг муҳим шартини номига омонат кўйилаётган фуқаронинг исмини ёки юридик шахсининг номини кўрсатишдан иборатдир. Учинчи шахс фойдасига банк омонати шартномаси, агар бу омонатдан фойдаланувчининг исми (номи) кўрсатилмаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланмайди. Бу шартнома-

нинг ажралиб турадиган хусусияти шундан иборатки, учинчи шахс банк омонати (депозити) шартномасининг муқобил субъекти бўлади, у ўз ҳуқуқидан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги ҳам мумкин. Омонатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс омонатчи унинг фойдасига берилган ҳуқуқдан фойдаланишни истамаса, учинчи шахс фойдасига тузилган банк омонати шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниши ёки омонат киритувчи билан банкнинг келишуви бўйича ўзгартирилиши мумкин. Учинчи томон бенефициар бўлиб, унинг ҳуқуқлари омонат бўйича банкка талаб қўйилгунига қадар шартнома тузган томон ихтиёрига боғлиқ бўлади. Пул маблағлари келиб тушган пайтдан бошлаб ўз ҳомийси ўрнини тўлиқ эгаллайди ва омонатчи бўлиб қолади.

761-моддага мувофиқ, банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлиши керак. Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик, ФКнинг 114, 115-моддаларида белгиланган оқибатлар билан бирга, бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Банк омонати шартномаси ёзма шаклига фақат томонлар ягона ҳужжатнинг иккала нусхасига имзо чекиб, улардан бири омонатчига берилган ҳолдагина эмас, балки омонатни қўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланилади иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, риоя қилинган ҳисобланади.

Шартнома омонатчи қимматли қоғозлар, жамғарма ёки депозит сертификатини олган ҳолда ҳам расмийлаштирилган ҳисобланади. Унинг эгаси бундай қоғозларни тақдим этган вақтда омонатчи сифатида қатнашади.

Банк омонати шартномаси мазмун-моҳияти – банкнинг омонатчига омонат суммасини, банк омонати шартномасида белгиланган миқдорда фоизлар тўлаган ҳодда қайтариш мажбуриятидан иборат (ФК, 763-модда). Фоизлар омонатчи томонидан банкка берилган кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Уларнинг миқдори шартномада белгиланади. Агар фоизлар шартномада кўрсатилмаган бўлса ҳам улар банк фоизи ҳисоб ставкаси миқдорида тўланиши лозим. Демак, омонатга тўланадиган фоизлар миқдорини айрим ҳолларда томонлар келишиб олмаслиги, улар қонунга асосан белгиланиши мумкин. Банк фоизларининг келишилган миқдорини фақат талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича ва шартномада бундай ҳаракат



тақиқланмаган ҳолдагина камайтирилиши мумкин. Ҳатто шу ҳолда ҳам фоизларнинг янги миқдори умумий қоидага мувофиқ, омонатчиларга бу ҳақда хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланиши мумкин. Муддатли ёки шарт билан қўйилган омонатлар бўйича фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас (юридик шахслар учун бундай имконият шартномада кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин). Фуқаролар – омонатчиларни ҳимоя қилиб, қонун муддатли ва шарт билан қўйилган омонатлар бўйича фоизларга тузатиш киритилишини, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ман этади. Бундай омонатлар бўйича юридик шахслар учун фоизларни бир томонлама ўзгартиришга, шартномада белгиланган бўлса, йўл қўйилади.

Омонатга фоизлар ёзиш ва тўлаш тартиби ҳам қонунчиликда тартибга солинган (ФК, 764-модда). Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра, омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. ФКнинг 764-моддаси 2-қисмида банк омонати суммаси ва фоизлар, агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳар ойда омонатчининг талаби билан тўланиши кўзда тутилган. Бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса, фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб боради.

Агар омонат тегишли фоиз даври тугамасдан қайтарилаётган бўлса, миқдорнинг маблағларидан амалда фойдаланилган даврдан келиб чиққан ҳолда банк фоизлари ёзилади ва улар омонат асосий суммаси билан бир вақтда тўланади.

Банк омонати (депозити) шартномасида белгиланган тартибга кўра, омонатлар икки асосий турга бўлинади: талаб қилиниши биланоқ бериладиган омонат (талаб қилингунча сақланадиган омонат) ва шартномада белгиланган муддат туганидан кейин қайтариладиган омонат (муддатли омонат). Бироқ омонатнинг туридан қатъи назар, банк омонатчи талаб қилиши биланоқ омонат суммасини ёки унинг бир қисмини бериши шарт (ФК, 762-модда). Юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно.

Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан воз кечиши ҳақидаги шартли ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун

хужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин (ФК, 762-модда). Масалан, шартли омонатлар бирор шарт асосида (масалан, фарзанд балоғат ёшига етгунга қадар) тузиладиган банк омонати шартномаси бўйича қўйиладиган омонатлардир.

Номига омонат қўйилган шахс ҳисобварақ очилаётган вақтда белгиланган шартларга риоя қилинган ёки омонат қўювчи томонидан кўрсатилган ҳоллар юзага келганидагина уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Омонатчи белгиланган муддат етиб келганида муддатли омонат суммасини ёки шартномада белгиланган ҳолат юзага келиши билан шартли омонат пулини талаб қилмаган вазият ҳам бўлиши мумкин. Банк омонатининг бундай тури, агар шартномада бошқа тартиб кўзда тутилган бўлмаса, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат турига ўтказиб қўйилади.

Омонатни қайтариш ҳақидаги талабни бажармаганлик учун жавобгарлик, ФКнинг 766-моддасига мувофиқ, банк омонатчининг омонатини қайтариш тўғрисидаги талабини бажармаган ёки зарур равишда бажармаган; омонатни қайтариш шартлари ёмонлашган; фуқаролардан депозитни ваколат берилмаган шахс қабул қилган ёки омонатлар тўғрисидаги қонунчилик бузилган; омонат қайтарилмаган, омонат ноқонуний равишда тутиб турилган ёки фоизлар тўланмаган ҳолларда юзага келади. Бундай ҳолларда омонатчи банкдан омонат суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Банк омонати шартномасини бекор қилиш ҳамма вақт омонатчи-фуқаронинг бир томонлама хоҳиш-ихтиёри билан юз беради. Агар омонатчи юридик шахс бўлса, шартномани бекор қилиш омонатнинг турига боғлиқ: талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича – биринчи талаб билан, алоҳида шартлар билан қўйилган омонатлар учун шартномада кўзда тутилган тартиб қўлланилади.

**Омонат дафтарчаси ва омонат (депозит) сертификати.** Омонат дафтарчаси ва омонат (депозит) сертификати банк омонати шартномаси шаклида қўлланади. Уларнинг асосий хусусиятлари (биринчи бор ФКнинг 769, 770-моддаларида акс эттирилган. Омонат дафтарчаси фуқаро билан банк омонати шартномасини тузиш расмийлаштирилган ҳамда унинг ҳисобварағида омонат бўйича пул маблағлари ҳаракатини тасдиқлайдиган хужжатдир.

Омонат дафтарчаси омонатчининг номи ёзилган омонат дафтарчаси ёки тақдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси шаклида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бири икки хил вазифани: далил-

исбот (шартнома тузилгани ва унинг бекор қилинганини тасдиқлайди) ва ҳужжат (унда ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилади) вазифаларини бажаради. Такдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси қимматли қоғоз ҳисобланади. Ушбу дафтарча такдим этилган ҳолдагина бу ҳуқуқлар амалга оширилиши ва берилиши мумкин. Шу боисдан такдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси банк омонати шартномаси тузилганлиги ва фуқаро ҳисобварағига пул маблағлари киритилганлигини ёзма равишда тасдиқлайдиган ҳужжат бўлибгина қолмасдан, ҳуқуқ берувчи аҳамиятга эгадир. Омонат дафтарчаси реквизитлари қонунда белгиланган (ФК, 769-модда). Унда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

- а) депозит қабул қилган банкнинг номи, унинг жойлашган манзили;
- б) омонат бўйича ҳисобварақ номери;
- в) ҳисобварақ бўйича пул маблағлари ҳаракати (кирим, чиқим, қолдиқ) тўғрисидаги маълумотлар.

Омонат дафтарчаси омонатчида бўлганлиги сабабли, учинчи шахслар томонидан депозит ҳисобварағига қўшимча бадаллар қўйишга доир операцияларни омонатчи банкка келгунига қадар дафтарчада акс эттириб бўлмайди (ФК, 767-модда). Демак, омонат дафтарчаси омонатнинг ҳолатини ҳамма вақт ҳам етарлича аниқ акс эттира олмайди, ҳолбуки ФКнинг 769-моддаси бўйича шундай бўлиши керак.

Агар эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси йўқотилган бўлса ёки такдим этиш учун яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса, банк омонатчининг аризасига мувофиқ, унга янги омонат дафтарчаси беради. Кўрсатувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси йўқолганида, фуқаролик-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибга кўра, кўрсатувчига пул тўланадиган қимматли қоғозлар учун ҳуқуқлар тиклангунига қадар банк мажбуриятлардан озод бўлади.

Агар омонат дафтарча эгасига дафтарчани қонунсиз равишда эгаллаб олган бошқа шахс маълум бўлса, унга нисбатан виндикацион даъво қилиш йўли билан талаб қилиб олишга ҳақлидир (ФК, 228-модда).

Омонат (депозит) сертификати қимматли қоғоз бўлиб, банкка қўйилган омонат суммасини ҳам, омонатчининг (сертификат сақловчининг) белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин сертификатни берган банкда ёки ушбу банкнинг исталган филиалида омонат суммасини ва сертификатда кўрсатиб қўйилган фоизларни олиш ҳуқуқини тасдиқлайди (ФК, 770-модда).

Омонат дафтарчадан фарқли равишда, сертификат банк омонат шартномасини расмийлаштиришда универсал восита бўлиб, у фуқаролар, шунингдек, юридик шахслар билан бўладиган ўзаро муносабатларда қўлланади. Фуқаролар омонат сертификатлари эгалари бўлиши мумкин. Депозит сертификати омонат сертификатига ўхшайди, аммо унга фақат юридик шахслар эгалик қилиши мумкин.

Сертификат унда кўрсатилган муддат етиб келиши билан тўланиши шарт бўлган муддатли омонат туридир. Агар сертификат жисмоний шахс томонидан пул тўлаш учун муддатидан олдин тақдим этилган бўлса, банк унга омонат суммасини тўлаши керак, омонатчи-юридик шахс илтимоси бўйича эса, шартномада бошқа тартиб кўзда тутилган бўлмаса, омонат суммасини тўлаш ҳуқуқига эга, лекин мажбур эмас.

Агар сертификатнинг шартларида фоизларнинг бошқача миқдори белгилаб қўйилган бўлмаса, фоизлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар учун кўзда тутилган миқдорда тўланади (ФК, 770-модда).

Сертификат бланкида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: а) депозит (ёки “омонат”), сертификат номи; б) сертификат бериш учун асосни кўрсатиш (пул омонатини киритиш); в) депозит ёки жамғарма омонатни киритиш санаси; г) депозит ёки омонатнинг миқдори; д) банкнинг депозит суммасини ёки омонатни сўзсиз қайтариш мажбурияти; е) қайтариш муддати; ж) банкнинг фоиз ставкаси; з) тегишли фоизлар суммаси; и) сертификат банк-эмитентининг номи ва манзили; к) номи ёзиладиган сертификат олувчи (бенефициар) исми (номи); л) бундай битимларни тузиш учун банк ваколат берган икки шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Банк омонати шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Омонат турлари. Талаб қилгунга қадар сақланадиган ва муддатли омонат шартномаси.
3. Омонат дафтарчаси ва омонат депозит сертификати.
4. Омонатга тўланадиган фоизлар.

## 44-БОБ. БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ

**Шартнома тушунчаси.** Нақд пулсиз олиб бориладиган ҳисобкитоб ва кредит операцияларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг зарурий воситаси банк ҳисобварағининг алоҳида шартномасини тузиш вақтида юзага келади. Банк ҳисобварағини бухгалтерия ҳужжати деб ҳам қараш мумкин, чунки унда муайян шахсга тегишли пул маблағлари ва моддий бойликлар ҳаракати акс эттирилади. Бироқ ўз шаклига кўра, бу, авваламбор, шартнома бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳисобварақлар депозит, ҳисоб-китоб, жорий валюта, капитал қўйилмаларни молиялаш ҳисобварақлари бўлиши мумкин, улар ҳисобкитоб операциялари учун мўлжалланган. Уларни очиш учун ҳамма вақт банк ҳисобварағи шартномаси асосида тузилади. Айни улар ФКнинг 44-боби қоидалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексида банк ҳисобварағи шартномасига мустақил шартнома сифатида қаралади. ФКнинг 771-моддасида шартномага шундай таъриф берилган: “Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матнда – банк) иккинчи тарафнинг мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади”. Таърифдан кўриниб турибдики, банк ҳисобварағи шартномаси консенсуал шартнома экан, чунки у ҳисобварақ очилаётган вақтда унинг эгаси ҳисобвараққа маблағ варақ қўйиш-қўймаслигига боғлиқ эмас. Агар томонлар шартноманинг барча мавжуд шартлари бўйича келишиб олишга эришсалар, шартнома тузилган ҳисобланади. Банк ҳисобварағи шартномасининг қатнашчилари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга ҳам эга бўлганлиги туфайли, икки тарафлама шартнома ҳисобланади. Бу агар томонлар келишувида бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, тўловли-шартномадир (ФК, 781-модда). Банкда мижознинг ҳисобварақдаги маблағларидан ўз мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи бўлади, бунда у мижозга ушбу маблағлардан ҳеч қандай тўсиқсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Банк мижознинг пул мажбуриятларидан фойдалангани учун унга шартномада белгиланган миқдорда фоизлар (мукофот пули) тўлайди. Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда

фоизлар тўлаши шарт (ФК, 763- ва 734-моддалар). Мукофот суммасидан (одатдаги ҳисобварақда) фоизлар миқдорнинг ҳисобварағига ҳар чоракда киритилади. Миқдор банкнинг ҳисобварақда турган пул маблағлари билан операция қилиш бўйича хизматларига банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлаши шарт. Бу ҳақ банк томонидан ҳар ойнинг охирида миқдорнинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан ундириб олинади (ФК, 780-модда). Бунда банкнинг миқдорга ва миқдорнинг банкка ўзаро муқобил талаблари юзага келиши мумкин, улар бир-бирларининг талабларини ҳисобга олиш йўли билан банк томонидан бекор қилинади (ФК, 782-модда).

Кўриб чиқилаётган шартнома ўзига хос субъектив таркибига эга. Унинг номидан кўринганидек, банк шартноманинг бир тарафи бўлиши мумкин. Бошқа тараф сифатида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Одатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар жисмоний шахслар сифатида қатнашадилар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-бобида банк миқдорларига нисбатан махсус талаблар қўйилмаган. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ҳақидаги умумий қоидалари қўлланилади. Хусусан, умумий қоидага кўра, ташкилот банк ҳисобварағи шартномаси тарафига айланиши учун юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиши керак. Юридик шахслар ўз филиаллари ва ваколатхоналари тузишга ҳақли бўлиб, улар юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмалар ҳисобланади. Филиаллар ва ваколатхоналар фаолияти учун пул маблағлари зарур. Бундай шароитларда улар банкларнинг хизматларига муҳтож бўлиши мумкин. Шунинг учун амалдаги қонунчилик филиаллар ва ваколатхоналарнинг банк ҳисобварағларини (субсчет) очиш имкониятини назарда тутди.

Ким мазкур ҳолларда банк ҳисобварағи тарафи бўлади? – деган табиий савол туғилади. Биз айтганимиздек, филиаллар ва ваколатхоналар юридик шахслар ҳисобланмайди. Уларнинг раҳбарлари фуқаролар ва бошқа юридик шахслар билан турли ҳуқуқий муносабатларга кириб, ишончнома асосида ўз номидан эмас, балки филиал ёки ваколатхона ташкил қилган юридик шахс номидан иш кўради. Шунинг учун тегишли юридик шахслар филиаллар ва ваколатхоналарга ёрдамчи ҳисобварақ очишга асос бўлган шартномаларнинг тарафлари бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жисмоний шахслар ҳам банк ҳисобварағи шартномаси тарафлари бўлиши мумкин. Лекин банк амалиёти шундайки, банк ҳисобварағи шартномаси фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар билан тузилади. Жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг хусусий тадбиркор мақомига эга бўлади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслар банк омонати шартномасини тузиб банк мижози бўлиши мумкин.

Банк ҳисобварағи шартномасининг ўзига хослиги шундаки, на банк, на юридик шахс – мижоз уни тузишдан бош тортишга ҳақли эмас. Мазкур ҳолда мижознинг мажбурияти юридик шахсларнинг ҳисоб-китобларни нақд пулсиз тартибда амалга ошириш тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқади. Банкнинг шартнома тузиш мажбурияти унинг қонунда кўзда тутилган субъектив хусусиятларидан келиб чиқади (ФК, 775-модда, 3-қисм). Мана шунинг учун Е.А. Суханов фикрича, бу шартнома “ўз моҳиятига кўра оммавий шартнома” деб қаралади<sup>1</sup>.

**Шартнома қисмлари.** Шартнома томонлари – банк (шу жумладан, лицензияга эга бўлган кредит муассасаси) ва мижоз (ҳисобварақ эгаси)дир. Бу шартномада хизмат кўрсатувчи бўлиб ҳамма вақт банк ёки бундай турдаги ҳаракатлар (битимлар)ни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган кредит муассасаси бўлади. Мижоз сифатида ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Шартнома предмети – шартнома билан келишилган операцияларни амалга ошириш учун мижознинг банкдаги ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидир. Банк ўз мижозларининг кўпинча нақд пулсиз шаклда, ҳисобварақдаги ёзув шаклида мавжуд бўлган пул маблағларини том маънода айтганда, сақламайди. Шунингдек, банк омонати шартномасидаги каби, банк билан мижоз ўртасида оддий ҳуқуқий муносабатлар эмас, балки мажбуриятли-ҳуқуқий муносабатлар таркиб топади.

Мижознинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳисобварағига киритилган пул маблағлари билан амалга оширилган операциялар доирасига қараб, ҳисобварақларнинг турлари мавжуд.

Асосий ҳисобварақ ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўлиб, у тижорат ташкилотларига тўловларни тўлаш, кредитлар олиш, тушумларни киритиш ва банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш учун очилади. Ҳисоб-китоб варақлари кўпгина тижорат ташкилотларига (фондлар, кўнгилли бирлашмалар,

матлубот кооперациялари нафақат мулк эгаси, балки бошқа манбалар ҳисобига молияланадиган муайян турдаги муассасаларга) очилади. Ҳисоб-китоб варақлари юридик шахс ариза-илтимосномаси билан унинг филиали ва ваколатхонасига ҳам очилиши мумкин.

Жорий ҳисобварақлар айрим муассаса, филиал, ваколатхона, бўлинмаларга ҳамда тижорат ташкилоти бўлмаган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмаларига очилади. Жорий ҳисобварақлар фақат чекланган ҳисоб-китоб операцияларини, асосан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва маъмурий хўжалик харажатлари билан боғлиқ операцияларни амалга оширишга имкон беради. Бюджет ҳисобварақлари бюджет маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган субъектларга (кредитларни тасарруф этувчилар – ҳукумат идоралари, маъмуриятга) очилади. Вакиллик (корреспондентлик) ҳисобварағи – банк ҳисобварағи шартномаси турларидан биридир. Ушбу шартноманинг ўзига хос хусусияти унинг субъект таркибига боғлиқ – бу шартномада фақат банк муассасалари томонлар бўла олади (ФК, 789-модда). Вакиллик ҳисобварақлари корреспондент ҳисобварақларнинг бир туридир. Корреспондент ҳисобварақларни расмийлаштириш вақтида банк ҳисобварақ эгасини, унда маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарлича бўлмаган ҳолда, кредитлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг шакли – оддий ёзма шаклда бўлади. У шартнома тузиш ва ҳисобварақ очиш жараёни билан боғлиқ.

Ҳисобварақ очиш учун мижоз банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт: а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза; б) юридик шахс тузиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси (таъсис шартномаси); в) мижоз раҳбари ва бош бухгалтерининг имзо намуналари қўйилиб, муҳр изи туширилган варақча. Банк амалиётида бундай шахсларни идентификациялашнинг янги воситалари яратилган бўлиб, шартномада электрон тўлов воситалари, кодлар, пароллар ва ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа ахборот ташувчи воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиши мумкин (ФК, 776-модда).

Қонунчиликда юридик шахсга ҳисобварақ очиш учун мажбурий бўлган бошқа ҳужжатлар белгиланган. Мижоз томонидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза бериш оферта (шартнома тузиш учун таклиф) бўлиб, банк раҳбарининг бунга рухсат бериш тўғрисидаги ёзуви акцепт (шартнома тузишга розилик) дир.



Банк ҳисобварақни очишни рад этишга ҳақли эмас, ана шундай рад этишга банкда банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно (775-модда 4-қисм). Банкка ҳисобварақ очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами (пакети)ни тақдим этган ва асоссиз рад жавоби олган ҳар қандай шахс ФКнинг 377-моддаси 6-қисмида белгиланган тартибда уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шарт-нома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мижоз банкдан шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиб, унга етказилган зарар ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш амалиётда икки усулда: (банкнинг стандарт бланкасида) ягона ҳужжат тузиш ва уни имзолаш; ёки мижоз томонидан ариза берилиб, унга банк раҳбарининг рухсат имзосини қўйиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома тузиш тегишли ҳисобварақ очишни тақозо этади.

Банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш нафақат умумий қоидаларга асосан, балки бир томонлама ҳам амалга оширилади. Банк ҳисобварағи шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Банкнинг талабига кўра, банк ҳисобварағи шартномаси қонунда белгиланган қуйидаги икки муайян ҳолда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

а) мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

б) агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар қилинмаган бўлса. Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобвараққа ўтказилади. Банк ҳисобварағи шартномаси юридик шахс қайта ташкил этилганида ўзгартирилади, бунда ҳисобварақ қайта расмийлаштирилади. Банк ҳисобварағи шартномаси юридик шахс тугатилган ёки мижоз – фуқаро вафот этган тақдирда тугатилади. Шартномани бекор қилиш ёки тўхтатиш мижоз ҳисобварағини ёпиш билан тугалланади.

Банк ҳисобварағи шартномаси мазмунини банк билан мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Банкнинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: а) мижоз учун банк қонунда,

қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланадиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш шарт (ФК, 777-модда) б) банк сирини сақлаши шарт. Банк мижознинг топшириғи бўйича мижозга тушган пул маблағларини қабул қилади ва ҳисобвараққа киритади, мижознинг маблағларини ҳисобварақдан ўтказиш, нақд пулларни ҳисобварақдан бериш тўғрисидаги фармойишларини бажаради, ҳисобварақни кредитлайди ва бошқа ҳаракатларни бажаради. Банк мижоз пул маблағларидан фойдаланиш йўллари нозорат этиш ва мижознинг ўз ихтиёрига кўра пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини қонунда ёки шартномада кўзда тутилмаган равишда чеклашга ҳақли эмас. Мижоз банкка ҳисобкитобларни амалга ошириш, пул маблағларини депозитга ўтказиш, ҳисобварақдан чиқариш тўғрисида кўрсатма беради. Мижоз ҳисобварағи бўйича операциялар белгиланган муддатларда амалга оширилади (ФК, 778-модда).

Банк тегишли тўлов ҳужжати банкка тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тушган пул маблағларини ҳисобвараққа киритиб қўйиши шарт. Янада қисқароқ муддатлар мижоз билан тузилган шартномада кўзда тутилиши тўлов ҳужжати билан белгиланган бўлиши мумкин. Тегишли ҳисоб-китоб ҳужжати келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан банк маблағларини ҳисобдан чиқариш ёки ҳисоб-китоб ҳужжатларини бошқа банкка жўнатиш йўли билан мижознинг топшириғини бажара бошлаши керак. Мижознинг ҳисобварақдан маблағларни бериш тўғрисидаги фармойишлари ҳам худди шундай муддатларда бажарилиши керак. Агар мижоз ҳисобварақда маблағлар мавжуд бўлмаса, банк унинг топшириғини бажармаслиги лозим. Аммо банк ҳисобварағи шартномасида мижоз ҳисобварағида пул маблағлари йўқ бўлган тақдирда ҳам тўловларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда банк мижозга кредит беряпти деб ҳисобланади. Кредитлашнинг бу тури овердрафт деб аталади, у банк томонидан мижоз ҳисобварағидаги маблағларнинг салбий қолдиғи тарзида ҳисобга олинади. Бундай кредитлашга у тўғрисидаги шарт банк ҳисобварағи шартномасига киритилган тақдирдагина йўл қўйилади. Бу турдаги кредитнинг берилиши мижознинг ҳисобварағида маблағлар йўқлиги ёки етарли эмаслигида ҳисоб-китоблар ҳужжатларини зудлик билан тўлаш йўли билан амалга оширилади. Овердрафт бўйича кредитлаш муносабатларига нисбатан, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда ту-

тилган бўлмаса, қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 779-моддаси иккинчи қисми). Мижоз ҳисобварағига киритилган пул маблағларини ҳисоб-китоблар ҳужжатлари орқали тасарруф этади. Бу ҳужжатлар юридик шахс раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиши керак.

Агар ҳисоб-китоблар ҳужжати ваколатли шахс томонидан имзоланмаган ёки ваколатли шахс томонидан имзоланган бўлсада, аммо банк карточкасида унинг имзоси бўлмаган тақдирда банк ҳужжатни ижро учун қабул қилмайди.

Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақда турган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини электрон тўлов воситаларидан ҳамда уларда мижознинг ўз имзоси, кодлари, пароллари ва фармойиш тегишли ваколоти бўлган шахс томонидан берилганлигини тасдиқлайдиган бошқа воситаларнинг ўхшатмаларидан фойдаланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқлаш назарда тутилган бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 776-моддаси учинчи қисми).

Амалиётда шу мақсадда кўпинча электрон рақамли имзодан фойдаланилади. У ҳужжатнинг ҳақиқийлиги, яхлитлиги ва унинг муаллифини тўғри аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, бу ваколатли шахснинг ҳақиқий имзосининг нусхасидир. Айнан шу мақсадда персонал рақамнинг идентификаторидан ҳам фойдаланиш мумкин. У кредит ва дебет карточкалари (кредит карточкалари) орқали ҳисоб-китоблар қилганда қўлланилади. Кредит карточкаси – банк ёки бошқа махсус кредит муассасаси томонидан (дебет ёки кредит) пластик карточкаси тарзида бериладиган, эгаси номи ёзилган тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Кредит карточкаси тегишли банк муассасасида унинг эгаси жорий ҳисобварағи борлигини тасдиқлайди ва мижозга муайян жойларда товар ва хизматлар ҳақини тўлаш, шунингдек банкоматлардан нақд пул олиш имконини беради. Мижоз кредит карточкаси билан ҳисоб-китоб қилганда банк томонидан берилган кредит (кредит линияси) ҳисобига ўз ҳисобварағидаги маблағлардан ошиқ фойдаланиши мумкин. Мижоз дебет карточкасидан фойдаланилганида бундай имконият бўлмайди.

Мижознинг банк олдидаги қарзи вужудга келади ва бу ҳолда банк билан мижоз ўртасидаги муносабатларга қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар қўлланади (ФК, 779-модда).

Банк банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин (ФК, 786-модда). Маълумотлар фақат суд ва хўжалик судларига (судьяларга), давлат солиқ хизмати идораларига, божхона идораларига ва суриштирув, тергов органларига прокурорнинг розилиги билан берилиши мумкин. Мижоз-фуқаро ҳисобварағидан маълумотлар у вафот этган тақдирда меросхўрларига, шунингдек нотариус ва консулхона муассасаларига берилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли (ФК, 786-модда, 1 қисм). Худди шундай жавобгарлик банк сирини ошкор қилган банк ходимлари зиммасига ҳам юклатилади (ФК, 98-модда).

Мижоз ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш вақтида банк қоидаларига риоя қилиши ва (агар банк ҳисобварағи шартномасида кўзда тутилган бўлса) ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш бўйича банк харажатларини тўлаши лозим. Фақат мижознинг фармойишига асосан банк пул маблағларини ҳисобварақдан ўчиради (қонунда, шартномада кўзда тутилган ва қарори билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно). Агар мижознинг ҳисобварағидан маблағларни ўчириш қонунга асосан амалга оширилаётган бўлса, уни сўзсиз (низосиз) ҳисоб-варақдан акцептсиз ўчириш деб аташ қабул қилинган. Маблағларни мижоз — тўловчи ҳисобварағидан ўчириш навбати муҳим ҳисобланади. ФКнинг 784-моддаси императив қоидаларига мувофиқ, ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағларни ҳисобварақдан ўчириш мижознинг фармойишлари ва ўчириш учун бошқа ҳужжатлар тушган тартибда (календар навбатда), агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, амалга оширилади.

Ҳисобварақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қуйидаги мажбурий навбатда ўчирилади: биринчи навбатда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни, алиментлар ундириш тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, шунингдек ҳаётга ва сало-

матлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул ўтказиш-ни ёки пул бериш-ни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади. Кейин бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади ва ниҳоят, бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календар навбат тартибида пул ўчирилади (ФК, 784-модда). Санаб ўтилган ҳар бир навбатда календар тартиб амал қилади.

Ҳисобварақ бўйича операциялар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ва пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун банк мижоз олдида жавобгар бўлади. Банк мижозга келган пул маблағларининг ҳисобвараққа ўз вақтида киритиб қўймагани ёки ҳисобварақдан маблағлар асоссиз равишда ўчиргани, шунингдек ҳисобварақдан маблағларни ўз вақтида бермаганлиги ва мижознинг ҳисобварақдан маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини ўз вақтида бажармаганлиги учун жавобгар бўлади (ФК, 785-модда). Ноқонуний равишда фойдаланилган сумма учун жавобгарлик ушбу ФК нинг 327-моддасида белгиланган банк ҳисоб ставкасига асосан белгиланган тартиб ва миқдорда фоизлар тўлашдан иборат. Бу модданинг учинчи қисмида банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага фоизлар тўлаш ва зарарнинг ўрнини қоплаши ҳам шарт. Банк ҳисобварағи шартномасида томонлар бошқа мажбуриятларнинг бузилганлиги (мижоз ҳисобварағи бўйича кредит бермагани, банк хизмати кўрсатишдан бош тортигани) учун ҳам жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Айтиб ўтилганларга яна қўшимча қилиб шуни таъкидлаш керакки, банк ҳисобварағига киритилган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқи мижозга тегишли. Аммо қонун (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 787-моддаси) мижознинг бундай ҳуқуқини чеклаш имконини назарда тутди. Бундай чеклаш мижознинг ҳисобварақда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш шаклларида ифода этилади.

Ҳисобварақни хатлаш ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар операцияларини вақтинча тўхтатиб қўйишдир. Бундай ҳолларда банк ҳисобварағи шартномаси бекор қилинмайди. Пул маблағларининг ҳаммаси ёки уларнинг бир қисми хатланиши мумкин.

Ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишнинг ҳисобварақни хатлаш билан ўхшаш томонлари бор. Уларнинг фарқи шундан иборатки, ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатиб қўйилганида

қарорда операциялар тўхтатиб қўйилган сумма кўрсатилмайди, лекин ҳисобварақ бўйича қандай ҳисоб-китоблар операцияларига тўхтатиб қўйиш татбиқ этилаётгани кўрсатилиши мумкин. Ҳисобварақни хатлаш ва ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк сири ҳуқуқий режими банк мижозларининг ўз ҳисобварақлари ва омонатлари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмаслигидан манфаатдорлиги ва тадбиркорлик фаолияти шаффофлигини таъминлаш зарурлиги ўртасидаги муроа ҳисобланади. Банк сири тартибга солишнинг бир қанча хусусиятларини ажратиш лозим.

Банк сири ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Банк томонидан ҳимоя қилинадиган қуйидаги маълумотлар банк сири ҳисобланади:

1. Ўз мижозлари (корреспондентлари)нинг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари тўғрисидаги маълумотлар;

2. Банк хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ ҳолда ўз мижози (корреспонденти) тўғрисида олинган маълумотлар;

3. Мижоз (корреспондент)нинг банк сейфлари ва хоналарида сақланаётган мол-мулки мавжудлиги, хусусияти ва қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

4. Мижоз (корреспондент) топшириғи билан ёки унинг фойдасига амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

5. Банк сири ҳисобланган маълумотлар банклар ўртасида муомала қилиш борасида ошкор бўлган ва бошқа банк мижози (корреспонденти) тўғрисидаги маълумотлар;

6. Тўпланадиган пенсия тизими иштирокчилари, пенсия бадаллари суммаларининг миқдори ва ҳаракатланиши, фуқароларнинг индивидуал тўпланадиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлар тўғрисидаги маълумотлар.

Банк сири ҳисобланган маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ўзларига маълум бўлган ёхуд қонунда белгиланган тартибда тақдим қилинган шахслар томонидан маълумотларни сир сақлаш тартибини бузиш оқибатида оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш ёки оғзаки ё ёзма шаклда ёхуд бошқа усулда хабар қилиш, учинчи шахсларга етказиш, тўғридан-тўғри ёки билвосита учинчи шахсларга бундай маълумот-

лар олиш имкониятини яратиш банк сирини ошкор қилиш ҳисобланади.

Банк томонидан банк сирини ҳисобланган маълумотларни қонунда назарда тутилган ҳолларда учинчи шахсларга, шунингдек банкка юридик, бугалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатаётган шахсларга хабар қилиш ёки тақдим этиш, башарти бу мазкур хизмат кўрсатилиши учун зарур бўлса, банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

Банк, унинг миждози (кореспонденти) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари бошқа шахслар учинчи шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни банк сирини ҳисобланган маълумотларни прокуратура, тергов, суриштирув органларига, судга, суд ижрочисига, давлат солиқ хизмати-га тақдим қилишни тартибга солади.

Банк сирини ҳисобланган маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ўзларига маълум бўлган шахслар томонидан маълумотлар ноқонуний равишда ошкор қилинганлиги ёки улардан фойдаланилганлиги оқибатида банк миждозига (кореспондентига) зарар етказилганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Банк ҳисобварағи тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Банк ҳисобварағи шартномаси шакли ва шартномани тузиш тартиби.
3. Банк ҳисобварағи бўйича бажариладиган операциялар.
4. Банк ҳисобварағи бўйича маблағларни ўчириш навбати.
5. Банк ҳисобварағи шартномаси бекор бўлиш асослари.

## **45-БОБ. ҲИСОБ-КИТОБЛАР.**

### **1-§. Ҳисоб-китобга оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, мазмуни**

Ҳисоб-китоблар деб шартномадан ёки бошқа ҳуқуқий асослардан келиб чиққан пул мажбуриятини тўлашга қаратилган ҳаракатга айтилади. Бундай пул мажбуриятини шартномага (масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси) биноан бирор нарса сотиб олган ёки бирон-бир нарсани буюртма қилган ёхуд мулкни ижарага олган шахс бажаради. Пул мажбуриятлари нима? Бу шундай ҳуқуқий муносабатларга айтиладики, бунга асосан бир тараф қарздор, бошқа бир тараф - кредитор фойдасига маълум пул суммасини тўлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздорлардан мазкур мажбуриятнинг ижро этилишни талаб қилишга ҳақли бўлади.<sup>1</sup>

Ҳисоб-китобга оид ҳуқуқий муносабатлар – бу шундай пул мажбуриятлари билан боғлиқ бўлиб, бунда бир томон «ҳақ тўловчи» маълум миқдордаги суммани олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва бошқалар эвазига иккинчи томонга «ҳақ тўловчи»га тўлаш мажбуриятини олади. Ҳисоб-китоб муносабатларининг мақсади тегишли расмийлаштириш йўли билан пулни қарздор қўлидан кредитор қўлига ўтказишдир. Ҳисоб-китоб мажбуриятлари кўп жиҳатдан хилма-хил шартномалар билан боғлиқдир. Чунки ҳисоб-китоб мажбуриятлари олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат бўйича тузилган шартномалар юзасидан хўжалик ва ташкилотлар ўртасида вужудга келади.

Тарафлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириши фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлганлиги сабабли томонларнинг хоҳиш иродаси билан белгиланади. Бироқ давлат иқтисодий ноҳуш жараёнларнинг олдини олиш, пул операциялари устидан самарали назоратни амалга ошириш, фуқаролик муомаласи қатнашчилари томонидан ҳуқуқлар суиистеъмол қилинишга йўл қўймаслик мақсадида ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишининг муайян ҳуқуқий режимини белгилаб қўяди. Зероки, пул муомаласи олинган маҳсулот (товар), бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун ўзаро иқтисодий алоқага киришган тарафларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилишлари натижасидир ва фуқаролик муомаласининг зарурий шарти саналади.

Ҳисоб-китоблар:

<sup>1</sup> Зуляров. “Банк ҳуқуқи” ўқув қўлланма. “Тошкент ислом университети” – 2001, 153-154 бетлар



а) нақд пулсиз, яъни унга кўра ҳисоб-китоб фақат кредит ташкилотлари орқали амалга оширилади;

б) нақд пул билан, яъни бунда қарздор кредиторга пулни нақд («натура» шаклида) қўлига беради (банк билетлари ва тангалар орқали).

в) қимматли қоғозлар (чек, вексель) ва пластик карточкалар орқали амалга оширилади.<sup>1</sup>

Ҳисоб-китоб усули ҳисоб-китоб муносабатлари субъектларининг статуси (мақоми)га ёки тўлов амалга ошириладиган бошқа асосларга боғлиқ.

## **2-§. Нақд пуллар билан ҳисоб-китоблар қилиш**

Пул муомаласи – товарлар айланиши, шунингдек, нотовар тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи нақд пулли ва нақд пулсиз шаклдаги пуллар ҳаракатидир.<sup>2</sup> У ҳамيشа товар айланиши ва товар бозори шаклланиши билан боғлиқ. Товар айирбошлашда қиймат шакллариининг ўрин алмашиши, яъни товарнинг пулга айланиши ва янги товарларни сотиб олиш учун пуллардан кейинги фойдаланиш ва уларнинг доимий равишда ҳаракатда бўлиши зарурлигини белгилайди.

Кўплаб чет эллик иқтисодчилар пул айланишини нақд пул ва нақд пулсиз айланишларга бўлиб ўрганишнинг зарурати йўқ деб ҳисоблайдилар. Бунинг сабаби ривожланган чет мамлакатларда ҳисоб-китоблар асосан нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Лекин, ҳали ривожланган иқтисодга эга бўлмасдан туриб, биз хорижий давлатларнинг ҳозирги ҳисоб-китоблари мавқеи билан ўз ҳисоб-китоблар тизимимизни тенглаштира олмаймиз<sup>3</sup>.

Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш – нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йиғиндисидир. Бунда пул ўзининг асл тўлов ва муомала воситаси функцияларини бажаради.

Нақд пул билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар иш ҳақи, нафақалар, мукофотлар, якка тартибдаги қурилиш учун бериладиган кредитлар, суғурта тўловларини тўлашда намоён бўлади.

Бундан ташқари нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга:

- коммунал хизматлар учун тўловлар;
- маиший хизматлар учун тўловлар;
- суғурта ташкилотларига пайларни тўлаш;

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси “Фуқаролик ҳуқуқи” ТДЮИ. Дарслик. Тошкент 1999 йил, -бет

<sup>2</sup> Адик Ли. “Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи”, Тошкент – 2004, 330-бет

<sup>3</sup> Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Тошкент, “Молия” – 2000, 33-бет.

- солиқнинг баъзи турларини тўлаш;
- банк кредитини тўлаш;
- матбуот ташкилотларига пайлар тўлаш;
- акционерлик жамиятлари билан аъзолари ўртасидаги тўловлар ва бошқа тўловлар киради.

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамларидаги пуллар қуйидаги йўллар билан нақд пулга айланади:

- ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бериш;
- кўрсатилган хизматлар, меҳнат учун тўловлар;
- нафақалар тўлаш;
- ҳар хил мукофотлар;
- аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, товарлар сотиб олишда;

- давлат заёмлари ва лотерея билетлари бўйича тўловлар;
- аҳоли банклардан жамғармаларини олганда;
- аҳодига суғурта тўловлари тўланганда ва ҳаказо.

Нақд пуллар қуйидаги йўллар билан нақд пулсиз шаклга ўтади:

- уй-жой ва коммунал хизматлар учун тўловлар;
- алоқа ташкилотларига тўловлар;
- ҳар хил солиқлар ва пайлар тўлаганда;
- давлат заёмлари ва лотерея билетлари сотиб олинганидаги тушмлар орқали;

- якка тартибдаги қурилиш учун олинган кредитларни тўлаганда;

- ҳар хил божлар ва жарималарни тўлаганда;
- дам олиш уйлари ва бошқа соғломлаштириш муассасалари йўлланмалари учун тўлаганда ва бошқалар.

Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишда пул белгилари (банкнотлар ва металл тангалар) натура шаклида қатнашади. Муомаладаги нақд пуллар муомала воситаси ва тўлов воситаси функцияларини бажаради. Тўлов воситаси сифатида улар нафақат товарлар айланишида, балки бевосита товарни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар – иш ҳақи, пенсия, суғурта суммаларини тўлаш, солиқлар тўлаш, уй-жой коммунал хизмат учун тўловлар ва бошқа тўловлар учун ҳам фойдаланилади.

Фуқаролик кодексининг 790-моддаси 1-қисмига кўра, “Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин”.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда тўлов воситаси сифатида нақд

пул бўлмайди. Улар банк муассалари томонидан бир шахснинг ҳисобварағидан иккинчи шахснинг ҳисобварағига пул ўтказилади ва пул натура шаклида иштирок этмайди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар натижасида пул муомаласидаги нақд пуллар миқдори камаяди, нақд пулларнинг банкларда тўпланиши ҳисобига маблағларнинг марказлаштирилишига ёрдам беради, умуман пул муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишни енгиллаштиради.

Нақд пул эмиссиясини чеклаш, муомаладаги нақд пул суммаси ҳажмини камайтириш ва шу орқали пул қадрсизланиш жараёнларини секинлаштириш мақсадида 1998 йил 10-декабрда “Ўзбекистон Республикаси банк муассаларида пул муомаласи юзасидан ишларни ташкил этиш ҳақида” йўриқнома ишлаб чиқилган ва унда нақд пул билан боғлиқ банк операцияларининг амалга оширилиш асослари, шартлари, тартиби белгилаб қўйилган.

Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир-бири билан боғлиқдир. Масалан, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар томонидан ишчиларга ҳақ тўлашда уларнинг банк ҳисобварақларидаги пуллар нақд пул шаклида ишчиларига тўланади. Иккинчи томондан, аҳолига нақд пулга хизмат кўрсатувчи чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар ўзларига келиб тушган нақд пулларни банклардаги ҳисобварақларга ўтказишади, улардан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун фойдаланадилар.

### **3-§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақида умумий қоидалар.**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар – банк ҳисоб варақларида тегишли суммаларни ёзиб бориш воситасида, яъни тўловчининг ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ёки ўзаро талабларни қарз суришиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар мажмуидир.<sup>1</sup>

Фуқаролик кодексининг 790-моддасининг 2-3-қисмларига кўра “Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонундан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд

<sup>1</sup> Адик Ли. “Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи”, Тошкент – 2004, 338-бет.

пулсиз ҳисоб-китоблар уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобва-  
рақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари орқали амалга  
оширилади”.

Нақд пулсиз шаклидаги пул муомаласида - тегишли муносабат-  
лар субъектлари ўртасида тўлов воситаси сифатида реал пул бир-  
ликлари (банкнотлар ва тангалар) иштирок этмайди. Бундай муноса-  
батларда асосан ўзига хос символлар, яъни пул массаси муомаласи  
тўғрисидаги рақамли ёзувлардан фойдаланилади.<sup>1</sup>

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар корхоналар ва ташкилотлар ўрта-  
сида қуйидаги ўзаро муносабаларни юзага келтирувчи воситачидир:

а) ўзаро муносабатлар (реализация қилинган товарлар, бажарил-  
ган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш);

б) молия тизими билан муносабатлар (солиқлар ва бошқа маж-  
бурий тўловларни тўлаш);

в) кредит тизими билан муносабатлар (банк кредитларини олиш  
ва қайтариш);

г) юқори бошқарув органлари билан муносабатлар (маблағларни  
идора ичида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш).<sup>2</sup>

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қисман аҳоли даромадларини яра-  
тиш ва улардан фойдаланишга хизмат кўрсатади (даромадларнинг  
бир қисмини омонатларга ўтказиш, товарларга тўлов учун чеклардан  
фойдаланиш ва ҳ.к.). Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўғри ташкил  
этилиши корхона, ташкилот ва аҳоли пул даромадлари бир қисми-  
нинг бюджетга келиб тушиши ҳамда бюджет ҳисобидан узлуксиз мо-  
лиялаш учун ёрдам беради. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг банклар  
орқали амалга оширилиши мажбурийлиги банкларда кредит ресур-  
слари ҳосил бўлишини таъминлайди, пул оборотини тезлаштиради,  
нақд пул оборотига ижобий таъсир кўрсатади.

Одатда ҳисоб-китоблар маблағларни олувчилар томонидан то-  
варлар юклаб берилган, иш бажарилган, хизмат кўрсатилганидан  
кейин, шунингдек молиявий кредит ва бошқа пул мажбуриятларини  
тўлаш (масалан, солиқ тўловларини тўлаш, кредитларни қайтариш ва  
ҳ.к. бўйича мажбуриятларни бажариш) муддатлари етиб келганидан  
кейин амалга оширилади. Товарлар, ишлар, хизматлар учун олдиндан  
ҳақ тўлаш муайян шарт-шароитларда амалга оширилади. Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-  
китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996

<sup>1</sup> Карасева М.В., Крохина Ю.А. “Финансовое право” Москва, Норма, 2001 г.

<sup>2</sup> Адик Ли. “Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи”, Тошкент – 2004, 338-бет

йил 24 январдаги УП-1363-сонли қарори билан, мулкчилик шакллари-дан қатъи назар, республика истеъмолчи корхоналари ва ташкилотларига маҳсулотларни юклаб жўнатиш фақат етказиб бериш ҳажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан ҳақ тўланган тақдирдагина амалга оширилади. Ушбу чора ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлар тўлов интизомига риоя этишлари учун уларнинг масъулиятини ошириш, ўзаро қарзларнинг қисқартирилишини таъминлаш учун қаратилган.

Шунингдек, ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар, умумий қоидага кўра, тўловчининг розилиги билан амалга оширилади. Бундай розиликсиз маблағларнинг ҳисобдан чиқарилишига қонунчилик билан қатъий белгиланган ҳолларда (масалан, инкассо топшириқномалари бўйича) рухсат берилади, бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтилади.

Тўловлар фақат тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда ёки банк кредити ҳисобидан амалга оширилади. Маблағлар етишмаган ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан амалдаги қонунчилик билан белгиланган тўловлар навбати тартибида тўланади. Масалан, ҳисобварақ эгасининг бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун маблағларни ҳисобдан чиқариш навбатдан ташқари равишда амалга оширилади. Кейин маблағлар қуйидаги тўловларни кўзда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисобдан чиқарилади:

а) бюджетга тўловлар (давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, жарима санкциялари ва давлат божидан тушган маблағлар, республика ва маҳаллий бюджетларда тўпланадиган маблағлар ҳам шунга киради);

б) бюджетдан ташқари фондларга тўловлар;

в) меҳнат ҳуқуқий муносабатлари ва уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган талабларни қондириш учун тўловлар. Бунда ушбу мажбуриятлар тенг даражада бажарилиши таъминланиши керак.<sup>1</sup>

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш умумий қабул қилинган айрим талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар:

---

<sup>1</sup> “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида” йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Мулк қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 1999 йил 22 январда 104-В сонли қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 30 январда 615-рақам билан рўйхатга олинган.

- барча тўловларнинг ўз вақтида таъминланиши;
- маблағларни олувчилар билан тўловчиларнинг шартнома ва ҳисоб-китоблар интизомига риоя этишларини ўзаро назорат қилишлари, шунингдек ҳисоб-китоб муносабатлари устидан банк назорати учун зарур бўлган шарт-шароитларни ташкил этиш;
- ҳисоб-китоблардан ортиқча бўғинларни чиқариш, тўловларни амалга оширишнинг электрон усулларини жорий этиш йўли билан ҳисоб-китоб операцияларини осонлаштириш;
- аҳоли нақд пулсиз ҳисоб-китобларини кенгайтириш ва ҳ.к.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар иқтисодий мазмунига кўра товар ва нотовар операциялари бўйича ҳисоб-китобларга бўлинади. Товар операцияларига реализация қилинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун корхоналар, ташкилотлар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар киради. Нотовар операциялар молиявий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар (бюджетга тўловлар, банк ссудаларини тўлаш, суғурта тўловлари ва б.)дир.<sup>1</sup>

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар етказиб берувчи билан харидор, етказиб берувчи билан банк, харидор билан банк ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни акс эттиради. Шу муносабат билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларга муайян хусусиятлар хос бўлиб, улар икки омил билан боғлиқдир. Биринчидан, ҳар бир ҳисоб-китоб операцияси учун айна бир вақтда уч қатнашчи мавжуд бўлиши шарт: банк, тўловчи ва олувчи. Уларнинг ҳисоб-китоб муносабатлари соҳасидаги ўзаро алоқалари кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари билан тартибга солинади. Иккинчидан, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланиб, ушбу муносабатларда у ўзига тегишли ҳукмронлик ваколатлари берилган давлат органи сифатида қатнашади. Шу сабабли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари турли субъектлар ўртасида шартнома мажбуриятларини бажариш вақтида юзага келадиган ҳисоб-китоб операцияларини тартибга солади. Фуқаролик - ҳуқуқий шартномаларни тузиш вақтида ушбу шартномаларда томонлар келишуви бўйича белгиланадиган ҳисоб-китоблар шартлари (шакли, муддатлари ва ҳ.к.) кўзда тутилган бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Адик Ли. “Ўзбекистон Республикаси Молия ҳуқуқи”, Тошкент – 2004, 340-бет

Ҳисоб-китоб муносабатлари субъектларидан бири бўлиб, банклар ҳисоб-китобларни ташкил этади ва амалга оширади, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун белгиланган қоидаларга риоя этилишини назрат қилади, зарур асослар мавжуд бўлган ҳолларда эса, давлат мажбур этиш чораларини ҳам қўллайди. Табиийки, банклар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг ушбу гуруҳи фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинмайди.

Нақд пулсиз амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни тартибга солишда асосий меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом (Янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4(60)-сонли Қарори билан тасдиқланган) ҳисобланади. Ушбу ҳужжат нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча шакллари бўйича пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳисоб-китоб интизомига риоя этилишини назорат қилиш ва у бузилган тақдирда таъсир чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида электрон тўловлар тизими.

Ўзбекистон Республикасида электрон тўловлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Электрон тўловлар тўғрисида” Қонун қабул қилинган.<sup>1</sup>

Электрон тўлов бу техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Электрон тўлов тўлов тизимининг субъектлари ўртасида тузилган шартномалар асосида тўлов тизимининг белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Электрон тўлов тизимининг турлари:

- банклараро тўлов тизими – банклар ўртасидаги электрон тўловларни банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида очилган вакиллик ҳисобварақалари орқали амалга ошириш учун мўлжалланган.

- банкнинг ички тўлов тизими – банк филиаллари ва мижозлар ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш, шунингдек банклараро тўлов тизими билан ўзаро ҳаракатда бўлиш учун мўлжалланган;

- чакана тўловлар тизими – банк карталари ва бошқа электрон тўлов воситалари қўлланилган ҳолда электрон тўловларни амалга

---

<sup>1</sup> Қонунчилик Палатаси томонидан 2005 йил 2 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда маъқулланган. “Халқ сўзи газетаси” 2005 йил 17 декабрь сони.

ошириш учун мўлжалланган. Электрон тўлов воситаси унинг мазкур чакана тўловлар тизимига мансублигини идентификациялаш имкониятини берадиган фарқловчи белгиларга (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиларига) эга бўлиши керак.

Тўлов тизимининг қоидалари билан белигланган таркиб ва форматдаги реквизитларига эга бўлган ҳамда электрон тўловларни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тўлов ҳужжати саналади. Электрон тўлов ҳужжати пул ҳисоб-китобга доир қоғоз ҳужжат асосида ёки электрон тўлов воситасидан фойдаланган ҳолда тузилади ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Электрон тўлов ҳужжати пул ҳисоб-китоб ҳужжатларига тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳуқуқий шакллари:

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган шаклдаги ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан ва тегишли ҳужжат оборотига риоя этилган ҳолда олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (791-моддаси)да назарда тутилган шаклларда ташкил этади ва амалга оширади. Банкларда ҳисоб-китоб ҳужжатларининг хусусияти ва ҳужжат айланишини ташкил этиш хусусиятига қараб нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда олиб борилиши мумкин: тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар; инкассо бўйича ҳисоб-китоблар; чеклар билан ҳисоб-китоблар. Фуқаролик кодекси юқорида айтиб ўтилган шакллардан ташқари қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларда ҳам, шунингдек унга мувофиқ чиқариладиган банк қоидалари ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомиласи одатлари билан ҳам амалга оширишга йўл қўяди.

Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган шартномавий муносабатларга киришаётган тарафлар юқорида кўрсатилган ҳисоб-китоб қилиш шаклларининг исталганини танлаб олишга ва шартномада назарда тутишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида” Низомнинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Хўжалик субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий ба-



заси тўғрисида"ги, "Суд актлари ва бошқа органларнинг актларини ижроси тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомда белгиланган қоидалар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга (мижозларга) - резидентлар ва норезидентларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қуйидаги шаклларда ташкил қиладилар ва амалга оширадилар:

- 1) тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- 3) инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- 4) чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Юқорида назарда тутилган шакллар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- 1) мемориал ордер;
- 2) тўлов топшириқномаси;
- 3) тўлов талабномаси;
- 4) инкассо топшириқномаси;
- 5) аккредитивга ариза;
- 6) тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкадан фойдаланилган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг белгиланган шакллари билан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қиёслаб, бир қанча ҳолларда улар ўртасида тўғридан-тўғри ўхшашликлар борлигини пайқаш қийин эмас. Масалан, бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар; чеклар билан ҳисоб-китоблар каби шаклларига тегишли бўлиб, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг номлари ҳам уларга мувофиқ келади.

Айрим ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклининг номи пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи билан тўғри келмаслиги ҳам мумкин, чунки нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг айнан бир шакли турли пул-ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланилишига йўл қўяди. Хусусан, бу инкассо бўйича ҳисоб-китобларга тегишли бўлиб, улар тўлов талаб-

номаси ёки инкассо топшириқномаси ёрдамида тўловчининг ҳисоб-варағидан маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш учун расмийлаштирилиши мумкин. Шу сабабли нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари номлари ўртасида аниқ чегара қўйиш ҳисоб-китоблар тўғрисида қонунчилик нормаларини яхшироқ тушуниш ва бир хил қўллаш учун нафақат назарий, балки жуда катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Тарафлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киришмоқчи бўлсалар (масалан оддийгина олди-сотди муносабатларига), маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли тузилган шартнома (битим)га мувофиқ мустақил равишда белгиланади. Яъни сиз супермаркетга бориб кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлсангиз, супермаркетда сотувчи билан келишилган нақд пулсиз ҳисб-китоб шаклида ҳисоб-китобни амалга оширишингиз мумкин.

Агар банк счётининг шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, банк мижознинг (юридик ва жисмоний шахс) счётига тушган пул воситаларини ҳисобга олишга, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечикмасдан мижознинг талабига биноан унинг счётидан беришга ёки счётига ўтказишга мажбурдир.

Олувчиларнинг розилигини олмасдан, маблағлар олувчиларнинг депозит счётини четлаб ўтган ҳолда мижознинг топшириғи бўйича учинчи шахслар томонидан тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий қоидага кўра, маблағлар тўловчининг счётидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнггина, олувчининг счётига ўтказилади, ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб чеклари ва пластик карточкаларда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим қилинган барча талабларни қондириш учун мижознинг счётида етарли миқдорда пул воситалари йўқ бўлган ҳолларда, маблағларни ҳисобдан чиқариш "Хўжалик субъектларининг банкдаги счётидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ навбати бўйича тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Марказида очилган корреспондент счётилари, электрон тўловлар тузиш орқали миллий ва-

лютада амалга оширилади. Банклардаги ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат айланиши "Электрон тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида ҳисоб-китобларни юритиш тўғрисидаги Низом"га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 19 февралда 1010-сон билан рўйхатга олинган) ва "Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида" ги Низомга мувофиқ ташкил қилинади.

#### **4-§. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш**

**Тўлов топшириқномаси тушунчаси ва мазмуни.** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 792-моддасига мувофиқ, тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганида банк мижознинг топшириғига кўра, унинг ҳисоб варағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини мижоз кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисоб варағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисоб варағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.

"Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида" ги Низомда анча содда таъриф берилган: "Тўлов топшириқномаси - мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз счёти (ҳисобварағи) дан олувчининг счёти (ҳисобварағи)га маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади."

Ҳисоб-китоб шаклининг кенг оммалашган хили тўлов топшириғи бўлиб, бу ҳисоб-китоб шакли ҳозирги кунда корхона ва ташкилотлар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб турлари ичида энг кўп қўлланиладиган тури бўлиб қолди. Тўлов топшириқномалари билан товарлар, ишлар, ҳужжатлар учун ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Тўлов топшириқномаси билан тўловлар томонларнинг келишувига қараб, товар олиниши ёки хизмат кўрсатилишдан олдин ёки кейин тўланиши мумкин. Бунда, асосан, томонларнинг молиявий шароити асосий роль уйнайди. Фуқаролик кодексининг 784-моддасига мувофиқ мижознинг тўлов топшириқномасини қабул қилган банк тегишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисоб варағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига Фуқаролик кодексининг 792-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт.

Бундан ташқари, банк мижознинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисоб варақда пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишга ҳақли.

**Тўлов топшириқномасини банкнинг қабул қилиш шартлари:**

1. Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос бўлиши керак.

2. Мижознинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, банк томонидан ижрога қабул қилинади. Агар маблағлар бўлмаса, ижрога қабул қилинмайди. Мижоз билан банк ўртасида тузилган шартномада кўзда тутилган бошқача ҳолатлар бундан мустасно. (Фуқаролик кодексининг 793-моддаси).

3. Тўлов топшириқномасининг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларига тўловлар бундан мустасно).

Почта алоқаси орқали (пенсиялар, алиментлар ва ҳ.к.) маблағларни тўлов топшириқномалари орқали ўтказишда, илова қилиниши лозим бўлган барча ҳужжатларни (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалари) мижоз бевосита почта алоқаси корхоналарига тақдим этади.

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиш "Хўжалик субъектларининг банкдаги счётларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. Тўлов топшириқномасининг "Тўлов деталлари/мақсади" устунида "Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобидан" деб кўрсатилади.

Тўлов топшириқномалари билан товарлар, ишлар, хизматлар учун ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Тўлов топшириқномаси банк томонидан фақат мижознинг депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлган вақтдагина қабул қилинади (агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилган бўлмаса).

Тўлов топшириқномалари банкка улар ёзилган куннинг ўзида тақдим этилади, акс ҳолда банк уларни ижро учун қабул қилмайди. Миллий қонунчилигимиздаги бундай чеклаш тўловларни бюджетга

ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказиш бўйича тўлов топшириқномаларига нисбатан амал қилмайди.

Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида етарлича пул маблағлари мавжуд бўлган ҳолда, маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳисобварақ эгасининг фармойиши келиб тушиши тартибига мувофиқ унинг тўлов топшириқномаси бўйича амалга оширилади. Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида етарлича пул маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолда эса, ҳисобдан чиқариш тўловлар навбати тартибига амалга оширилади.

### **Тўлов топшириқномасининг турлари.**

Томонларнинг келишувига биноан тўлов топшириқлари муддатли, аванс тўловлар ва кечиктирилган муддатли бўлиши мумкин.

Муддатли тўлов маҳсулот етказиб берилишидан, хизмат кўрсатилишидан олдин аванс ҳисобидаги тўловдир.

Нон маҳсулотлари, сув учун, электр ва иссиқлик энергияси, телефон хизмати, почта-телеграф хизматлари, темир йўл орқали ташилган юклар учун, шунингдек, автомобиллар орқали ташилган юклар учун тўловлар дастлабки тўлов тўланганидан кейин амалга оширилади. Корхона ва ташкилотларнинг бир-бирларига етказиб берган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун муддатли тўлов топшириғи орқали ҳақ тўланади. Шунингдек, катта миқдордаги битимлар бўйича қисман ҳақ тўлаш ҳам тўлов топшириғи орқали амалга оширилади.

Аванс тўловлар ва кечиктирилган муддатли тўловлар шартнома асосида, лекин корхонанинг молиявий ахволига таъсир қилмайдиган асосда бўлиши мумкин.

Тўлов топшириғи етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун банк томонидан ҳақ тўловчининг топшириқ берган кунидан ҳақ тўловчининг ҳисоб варағидан маблағи бўлган ҳолда ёки банк кредити ҳисобига кўра, тўлов қобилияти бўлсагина қабул қилинади. Банк кредити ҳисобига ҳақ тўлашда банк ва ҳақ тўловчи корхона ўртасида шартнома тузилади.

Бюджет ҳисобидаги корхоналар, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари, хўжалик ҳисобида бўлмаган корхоналар топшириғи ҳисоб варағларида етарли маблағ бўлсагина банк томонидан қабул қилинади. Агар корхонанинг олинган маҳсулот, кўрсатилган хизмат учун етарли маблағи бўлмаса уларнинг юқори турувчи органи шу корхонанинг банкдаги ҳисоб варағига марказий фонддан ёки за-

хира фондидан пул ўтказиб беради ва ушбу маблағ олинган маҳсулот, кўрсатилган хизмат учун ишлатилади.

Агар ҳақ олувчи ва ҳақ тўловчи корхоналарга бошқа-бошқа банк хизмат қилса, тўлов топшириғи турт нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха мемориал ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи ва учинчи нусха тўлов амалга оширилганидан кейин ҳақ олувчига хизмат килувчи банкка юборилади ва иккинчи нусха мемориал ордер бўлиб ўша банкда қолади, учинчи нусха тўловни олувчига қилинган операциялар кўчирмаси билан берилади, туртинчиси ҳақ тўловчига банк тамғаси босилган ҳолда берилади.

Ҳисоб-китоб операциялари корхонанинг унга хизмат килувчи банкда очилган ҳисоб варақ орқали амалга оширилади. Банк корхонанинг ҳисоб варағидаги маблағларини сақлайди, ушбу ҳисоб ҳисоб-варағга тушувчи маблағларни ёзиб боради, корхонанинг пул ўтказиш ҳақидаги топшириғини, банк қоидалари асосида ва корхона билан тузилган шартнома асосида ва бошқа банк операцияларини амалга оширади.

Фуқаролик кодексининг 784-моддасига асосан, ҳисобварақда унга қўйилган ҳамма талабларни қаноатлантириш учун етарли миқдорда пул маблағлари бўлса, бу маблағларни ҳисоб варағидан ўчириш мижознинг фармойишлари ва ўчириш учун бошқа ҳужжатлар тушган тартибда (календарь-навбат), агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, амалга оширилади. Бундан ташқари, ҳисоб варақдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда пул маблағлари қуйидаги навбатда ўчирилади:

1. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни, алиментлар ундириш тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, шунингдек, ҳаётга ва саломатликка етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдаги пул ўтказишни ёки пул беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

2. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

3. Бошқа пул маблағларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

4. Бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь навбат тартибида пул ўчирилади.

Тўлов топшириғида бир корхона ўз маҳсулотини иккинчи корхонага етказиб беради ва бу ҳақда счёт-фактура юборади, ушбу маҳсулотни сотиб олувчи ташкилот ўзига хизмат қилувчи банкка ўз ҳисоб варағидан маълум суммани олинган маҳсулот учун ҳақ олувчи ташкилот ҳисоб варағига ўтказишга топшириқ беради, банк муассасаси бу топшириққа асосан ҳақ олувчи ташкилот ҳисоб варағидан олувчи ҳисоб варағига маълум суммани кўчиради. Тўлов топшириғи-биринчидан, маҳсулот ҳисоб-китоблари борасида жуда кенг қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакли, иккинчидан, дастлабки тўлов, аванс тўлови бўлиши мумкин, учинчидан, тўловни тез амалга оширувчи во-ситадир.

Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, банк пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда иштирок этадиган банклар ушбу топшириқни берган шахс олдида солидар жавобгар бўладилар (Фуқаролик кодексининг 795-моддаси).

**Режали тўловлар.** Тўлов топшириғи асосида амалга ошириладиган тўлов турларидан бири режали тўловлар бўлиб, бу тўлов, асосан, доимо бир-бирлари билан алоқа қиладиган корхона ва ташкилотлар ўртасида фақат томонлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Лекин бу ҳисоб-китоб шакли транзит бўйича маҳсулот етказиб беришда қўлланилмаслиги керак. Режали тўловлар маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги келишувга биноан ҳар куни ёки муайян муддатда ўтказилади. Сотиб олинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат учун келишилган даврий тўловдан келиб чиқиб, келгуси ой ёки чорак тўловлари суммаси томонлар томонидан аниқланади. Кунлик режали тўлов ҳажми банкнинг бир ойлик иш кунига қараб белгиланади. Ҳар бир режали тўлов учун банкка алоҳида ҳужжат тақдим этилади. Томонлар сотиб олинган маҳсулот, кўрсатилган хизмат учун тўловларни ҳар ойда камида бир маротаба ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Аниқланган фарқ алоҳида топшириқ билан тўланади ёки кейинги тўлов пайтида ҳисобга олинади. Ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш томонлар ўртасидаги ўзаро қарзлар ҳисобот даврида энг кам миқдорда бўлишини таъминлаш вазифасини бажаришга хизмат қиладди. Бу миқдор бир кунлик сотиб олинган маҳсулот нархидан ошиб кетмаслиги керак. Агар ҳақ тўловчининг ҳисоб варағида маблағи бўлмаса, бор маблағ олинган

маҳсулот, кўрсатилган хизмат учун етмаса ва бу корхонага кредит беришнинг иложи бўлмаса банк томонидан топшириқ қабул қилинмайди. Ҳақ тўловчининг ҳисоб варағида маблағ пайдо бўлганида режали тўлов олдинги қарзларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Режали тўлов биринчидан, маҳсулот етказиб беришда бир хил имкониятга эга бўлган, доимий алоқада бўлган корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланилади, иккинчидан, ҳақ тўловчи ташкилот ҳар куни, ҳар бир етказиб берилган маҳсулот учун эмас, балки даврий, яъни тўрт-беш кунда бир маротаба ҳақ тўлайди, учинчидан, ҳисоб-китоб ҳар ойнинг охирида аниқланиб боради, туртинчидан, бу ҳисоб-китоб шаклида ҳужжат сони камаяди, пул маблағи ҳаракати маҳсулот ҳаракатига жуда яқин бўлади.

**Ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш.** Корхоналар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш шаклларида яна бири ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблардир. Бунда корхона ва ташкилотларнинг ўзаро талабларини, яъни бир-бирининг ўртасида ўтказилган ҳисоб-китобнинг фарқи банк орқали тўлов топшириқномаси билан тўланади. Бунда маҳсулот берувчи ва ҳақ олувчи шартномада белгиланган муддатда ўзаро ўртадаги ҳисоб-китоблар аниқланади ва икки корхона ўртасидаги ўзаро қарзлар қопланади. Бир неча корхонага хизмат кўрсатувчи банк муассасаси уларнинг розилиги билан улар ўртасидаги ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш юзасидан ҳисоб-китобни амалга оширади. Банк муассасасининг 2-рақамли карточкасида турган муддатида тўланмаган тўловлари тўлов топшириғига асосан ўзаро талаб асосида тўланади. Капитал жамғармага ўз маблағидан қўйилган бадал тўлови, капитал жамғарма ҳисобидаги маблағга асосланган тўлов, бюджетга ўтказиладиган маблағлар, давлат ва ижтимоий суғурта тўлови, ойлик иш ҳақи ва унта тенглаштирилган тўловлар ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш бўйича тўловга қабул қилинмайди. Ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш қатнашчилари ўртасида амалга оширилган сумма ҳисоб-китоб варакасига ёзилади ва унга фоиз тўланмайди.

Мисол: Навоий номли жамоа хўжалиги туман электр тармоқлари корхонасига 10 000 сумлик картошка маҳсулоти берган, шунингдек туман электр тармоқлари корхонаси жамоа хўжалиги ҳудудидаги электр линияларини таъмирлаш бўйича 9000 сумлик хизмат кўрсатган. Бу икки ташкилот ўзаро ҳисоб-китоб қилиб, қарзларни бир-бирига қоплайди ва ўртадаги 1000 сум фарқ. учун туман электр



тармоклари корхонаси ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига тўлов топшириғи юборади.

Демак ҳисоб-китобнинг ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш (зачет взаимных требований) шакли, биринчидан, доимий ва бир марталик характерда бўлади, иккинчидан, икки ёки ундан ортиқ, шунингдек, бир гуруҳ, корхоналар ўртасида бўлади, учинчидан, ҳар бир иштирокчига адоҳда ҳисоб очилиб, улардан тўлов амалга оширилади ёки келиб тушган маблар ёзилади, туртинчидан, келиб тушувчи маблар тўловдан ортиқ, бўлса, кредит сальдоси ташкил бўлиб, сумма ҳисоб варағига ёзилади, бешинчидан, тўлов келиб тушган маблағдан кам бўлса, дебет сальдоси ҳосил бўлиб, фарқ ҳисоб варағидан ёки банк кредитидан тўланади.

Банк бўлимларида ҳар ойда бир мартаба ягона молия ҳисоб кунни ўтказилади. Ушбу тадбир банк бўлими мижозлари ўртасидаги ўзаро бир-бирларига бўлган қарзларни кечиш асосида амалга оширилади. Бундай ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш натижасида корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камади. Бу эса уларнинг молиявий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш банк балансининг 725-счётида амалга оширилади.

### **Мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар.**

Мемориал ордер бу фуқароларнинг амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолдаги ёзма топшириқномалари бўйича пул маблағларини нақдсиз ўтказмаларини амалга ошириш учун банклар томонидан фойдаланиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Яъни банклар мемориал ордерлардан фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолдаги ёзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

Банк тўловчи бўлиб чиққан ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк счётини олиб борувчи бош бухгалтер ва бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Мемориал ордерлар билан содир этилаётган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкнинг раҳбарига ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 124, 242-в-сон қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжаликларининг

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида” Низомда “Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар фермер хўжаликларининг махсус 23210 (23220) ҳисоб рақамларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан, муддатли мажбуриятномалар асосида мемориал ордер орқали биринчи навбатда ундирилади.”, дея белгиланган.

Бунда, топшириқнома бўйича тўлаш амалга оширилгандан сўнг мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 03.08.2000 й. 953-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан 15.07.2000 й. 476-сон билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида” низомда факторинг операциялари бўйича ҳисоб-китоб қоидалари белгиланиб, тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин банк-молиявий агент маблағларни миждознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига, дисконт суммасини чегирган ҳолда, ўтказишни амалга оширади. Маблағларни миждознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказишни банк мемориал-ордерлар билан амалга оширади, улар икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия операциялари амалга оширилганидан кейин банкнинг кун ҳужжатларига жойлаштирилади, иккинчи нусхаси белгиланган тартибда миждозга юборилади.

### **5-§. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилиш**

Тўлов талабномаси – товар етказиб берувчининг ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг товар сотиб олувчига шартномага асосан етказиб берилган товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар юзасидан банк орқали эмас, балки бевосита тўловчининг ўзига ҳақ тўлаши лозимлиги тўғрисида хабар қилувчи топшириғидир, яъни товар етказиб берувчи тўловчига товар-моддий бойликлар билан бирга, ушбу бойликлар бўйича ҳужжатлар ва тўлов талабномаси топширишни беради. Ҳақ тўловчи ташкилот бу ҳақда талабнома олганидан кейин тўлов имкониятини аниқлаб, бу талабнома – топшириқни ўзига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағи-

дан ҳақ олувчининг ҳисоб варағига тўлов суммасини ўтказиш ҳақида ҳужжат беради.

“Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низомда тўлов талабномасига шудай таъриф берилган: “Тўлов талабномаси ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати-дир.”

Умуман олганда, тўлов талабномаси - маблағларни олувчи томонидан эмитент банкка жўнатиладиган ва тўловчига муайян суммани ижрочи банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжати-дир. Бундай талаб юклаб жўнатирилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳамда томонлар шартномасида кўзда тутилган бошқа тўловлар бўйича қўйилиши мумкин. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар тўловчининг акцепти билан ҳам, унинг акцептсиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Акцепт билан тўланадиган талаблар тўлов суммаси тўловчиси томонидан акцепт (тан олиш) мавжуд бўлган ҳолда қондирилади.

Маблағ олувчи битта опреация бўйича, такроран талабнома тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас, дастлабки талабнома тўловчининг банкига келиб тушмаганлиги тўғрисида билдиришнома мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Акцепт билан тўланадиган талабномалар, талабноманинг нусхаси, банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмай, тўловчининг вакилига “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” журналида имзо чекдириб, топширилади ва шундан сўнг “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-сон карто-тека) ҳисоб рақамларига жойлаштирилади.

Тўлов топшириқномасини тўловчининг вакилига миждознинг келмаганлиги сабабли имзо чекдириб топшириш мумкин бўлмаганда банк 10 иш куни тугаганидан кейин тўлов топшириқномасини олувчининг банкига ижро этмасдан, чапдаги юқори бурчакда “Мижознинг келмаганлиги сабабли ижро этилмаган” деган ёзувни қайд этган ҳолда қайтариб юборишга ҳақлидир. Бунда, агар мазкур даврда ушбу банкдаги тўловчининг ҳисоб рақамлари бўйича унинг топшириғига кўра маблағларни ҳисобдан чиқариш операциялари (шу жумладан нақд пул бериш йўли билан) амалга оширилган бўлса, маблағ олувчи тўловчининг банкидан Ҳисоб рақамларини очиш бўйича белгиланган талабларни, маблағларни кирим қилиш ва миждозларнинг ҳисоб рақамларидан ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳуж-

жатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжларга нақд пул бериш тартибини бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазосини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ жарима ундиришга ҳақли.

Тўловчининг банки томонидан талабнома акцептининг қуйидаги муддати белгиланади:

- акцепт учун талабнома топширилганидан кейинги кундан бошлаб уч иш куни - бир шаҳардаги мижозлар учун;

- акцепт учун талабнома топширилганидан кейинги кундан бошлаб беш иш куни - бошқа шаҳардаги мижозлар учун;

- акцепт учун талабнома топширилган кундан кейинги кундан бошлаб 10 кунгача - тўловчининг асосли илтимосномаси бўйича.

Тўловчи белгиланган муддатда унга хизмат кўрсатадиган банк акцептдан қисман ёки тўлиқ воз кечиши тўғрисида ёзма ариза топшириш ҳуқуқига эгадир.

Акцептдан тўлиқ ёки қисман воз кечилган тақдирда тўловчи банкка имзо намуналари карточкасида кўрсатилган шахслар имзоси билан воз кечиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма воз кечишни тақдим этиши керак. Банклар воз кечишнинг асосланганлигини (воз кечиш сабабларини), шунингдек воз кечиш асосларига доир низоларни кўриб чиқмайди.

Агар белгиланган муддатда тўловчи акцептдан ёзма воз кечишни тақдим этмаса, талабнома акцептланган деб ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда тўловчиларнинг ҳисоб рақамларидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш амалга оширилади:

- иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобларда. Бу ҳолда сотилган иссиқлик энергияси учун тўлов топшириқномаси ва ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи томонидан истеъмолчига хизмат кўрсатадиган банкка қўйилади. Бунда “Тўлов тафсилотлари” устунида “Ҳисоб асбобларининг кўрсатишлари асосида” ёки “Тарифлар асосида” ёзуви қайд этилади. Ҳисобварақ-фактура белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, шу жумладан истеъмолчининг имзоси билан тасдиқланиши керак;

- талабномага даъво суммасини тан олиш тўғрисида қарздор ёзма жавобининг асл нусхаси илова қилинган тақдирда. Бошқа ҳужжатларнинг (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида далолатнома ва ҳоказоларнинг) талабномага илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бўла олмайди;

- банклар томонидан - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарз ўз вақтида сўндирилмаганида, қарздорларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамларида.

Талабноманинг юқоридаги ўнг бурчагига “Акцептсиз” деб ёзиб қўйилади ёки штамп қўйилади. Банк илова қилинган ҳужжатларнинг уларнинг талабномада кўрсатилган реквизитларига мувофиқлигини текширади.

Акцептсиз тўланадиган, операция куни давомида тўловчининг банкка келиб тушган талабномалар ўша куниёқ тўланади, тўловчининг ҳисоб рақамларида маблағ бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолда эса 2-сон картотекага тўланмаган суммада жойлаштирилади.

### **6-§. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ушбу шаклининг асосий мазмуни шундан иборатки, тўловчининг аризаси ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ равишда аккредитив очган банк (эмитент банк) у ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда кўзда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда, маблағларни олувчига тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (ФКнинг 796-моддаси).

Эмитент банк, агар бу банк маблағларни олувчиларга ҳам хизмат кўрсатаётган бўлса, тўловчининг аккредитив аризасини мустақил бажариши мумкин. Борди-ю, маблағларни олувчи бошқа банкда депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағига эга бўлса, эмитент банк олувчининг пул маблағларига хизмат кўрсатувчи банкка аккредитив бериши керак, у аккредитивнинг тўланишини амалга оширади (ижрочи банк). Яъни бу ҳолатдаги ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), ўз зиммасига унинг контрагенти-мблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шarti билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишни ўз зиммасига олади.

Тўлов қобилияти номаълум бўлган корхоналар билан ҳисоб-китоб қилишда қўл келадиган ҳисоб-китоб шакли аккредитив воситасида ҳисоб-китоб қилишдир.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли, агар у тўловчи билан маблағларни олувчи ўртасидаги шартномада кўзда тутилган бўлса, қўлланади. Бироқ айрим ҳолларда ҳисоб-китобларнинг бундай шакли

тузатиб бўлмайдиган тўловчиларга нисбатан таъсир чораси сифатида белгиланиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йил IV чорагида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 29 октябрдаги 488-қарорида истеъмолчилар (товар олинганидан кейин 60 кун мобайнида) тўлов муддатларини бузган ҳолда етказиб берувчилар зиммасига ҳисоб-китобларнинг фақат аккредитив шакли бўйича маҳсулот бериш мажбурияти юкланиши назарда тутилган.

Аккредитив тўловчининг (маҳсулот сотиб олувчининг) бирорта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоблашиш учун ўз банкига тўловга зарур маблағни алоҳида счётга ўтказишни сўраш ҳақидаги ёзма топшириғидир, яъни тўловчи ўзига зарур товар-моддий бойликни олмақчи бўлганда, маҳсулот етказиб берувчи шартномада аккредитив билан ҳисоблашишни талаб қиладиган бўлса, тўловчи ўз банкига ўз ҳисоб варағидан ёки маблағи йўқ ҳолда банк кредити ҳисобидан товар-моддий бойликлар учун зарур маблағни алоҳида балансдаги 720-счётга ўтказиш тўғрисида ёзма топшириқ беради. Ушбу топшириқ асосида банк тўловчига аккредитив очиб, бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчининг банкига хабар беради ва агарда тўловчи бу маблағни маҳсулот етказиб берувчининг банкига ўтказишни ҳам талаб этса, ушбу аккредитив маҳсулот етказиб берувчи банкига ўтказилади ва ўз ўрнида банк бу маблағни 720-баланс счётига кирим қилади ҳамда 9931-балансдан ташқари (аккредитивлар тўловига) счётни очади. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан товар жўнатирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар банкка тақдим этилгандан сўнг банк аккредитив суммасини унинг ҳисоб варағига ўтказади.

Ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклида тўловчи банкка аккредитив олиш учун аризани тақдим қилади.

Аккредитив шартларини тўлиқ рўйхати, тасдиқловчи ҳужжатларнинг аниқ тавсифномаси йўқ бўлган ҳолда аккредитив бўйича маблағларни олиш учун олувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва аккредитив олиш учун аризада “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида” Низомнинг 56-банди билан уларни расмийлаштириш талабларига риоя этилмаганлар банк томонидан тўловчига қайтарилади ва аккредитив счётлар очилмайди.

Аккредитивларни очиш тўғрисидаги ариза банк-эмитентга икки нусхада тақдим этилади.

Мижознинг аризасига кўра электрон тўловлар тизими бўйича аккредитивланган сумма маблағ олувчининг банкига жўнатилади ва

маблағ олувчининг аккредитив счётига ўтказилади. Ижрочи банк маблағ олувчига маблағлар келиб тушганлиги ҳақида хабар беради.

Маблағ олувчининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиш улар томонидан банкка аккредитивни амал қилиш муддати тугагунгача шартномада кўзда тутилган ва аккредитивни барча шартларини бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинган ҳолда амалга оширилади.

Маблағ олувчи ижрочи банкка тасдиқловчи ҳужжатларни икки нусхада тақдим қилади.

Ижрочи банк маблағ олувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганлиги, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш шарт.

Ушбу шартларнинг лоақал биттаси бузилганида ҳам аккредитивлар бўйича тўловлар тўланмайди.

Маблағ олувчининг банкида аккредитивни ёпиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) аккредитивни амал қилиш муддати тугаганда;

б) маблағ олувчининг аккредитивдан кейинчалик фойдаланишдан бош тортиши тўғрисидаги ёзма аризасига биноан агар ушбу ариза аккредитивнинг амал қилиш муддати тугагунча берилган бўлса, ҳамда ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса;

в) тўловчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ёзма талабномасига биноан, агар ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса. Аккредитив банк-эмитент томонидан хабарнома олинган кунда 22602-сонли "Аккредитивлар бўйича мижозларнинг депозитлари" баланс счётидаги суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

Ижрочи банк аккредитивни бекилганлиги тўғрисида банк-эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сумма тўловчининг банкка, маблағлар депонентланган счётга ўтказилади.

Аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ёки тўловчининг талаб қилиб олинувчи депозит счёти жойлашган банк-эмитентга қайтарилган ҳолларда, кўзда тутилмаган ҳолатлар счёти ҳам ёпилади.

Аккредитив учун топшириқда қуйидаги маълумотлар, жумладан, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив тартибда ҳақ тўланиши лозим бўлган маҳсулот номи, аккредитивнинг суммаси, аккредитивнинг муддати ҳамда етказиб берувчининг счёт-фактурасига мувофиқ равишда пул тўлаш тартиби, яъни пулни харидорнинг ак-

цепти билан ёки акцептдан бошқа тўлаш кераклиги албатта кўрсатилиши керак.

Топшириқда харидорнинг бошқа талаблари, масалан, счёт-фактурага товарнинг сифати ҳақидаги далолатномаси қўшилиши кераклиги ҳам кўрсатилиши мумкин.

Аккредитив очиш учун сотиб олувчи эмитент банкка белгиланган шаклдаги аккредитив учун ариза бериб, унда амал қилиш муддати, тўловчининг номи ва ҳисобварағи, эмитент банк ва ижрочи банк номи, аккредитивнинг амал қилиш муддати, шартнома номери, товар, ишлар ва хизматлар номи ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомда назарда тутилган бошқа реквизитларни кўрсатади. Аккредитив аризага қўшимча шартлар ҳам киритилиши мумкин.

**Қопланган (депонентланган) аккредитив** очилаётганида эмитент банк уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни ижрочи банк ихтиёрига эмитент банк мажбурияти амал қилган барча муддатга ўтказиши шарт. Яъни қопланган (депонентланган) аккредитивларни очишда банк-эмитент уни очишда мижознинг шахсий маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитентнинг мажбуриятлари амалда бўлган барча муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказишга мажбурдир. Қопланган аккредитив шундай аккредитивки, уларни очаетганда банк-эмитент ўз мажбуриятлари амал қиладиган даврда маҳсулот етказиб берувчининг банки ихтиёрига тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни алоҳида 720-«Аккредитивлар» баланс счётига ўтказиб беради.

Бундай ҳисоб-китоб қилишда харидор ва таъминотчи ўртасида шартнома тузилади. Харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига аккредитив очиш тўғрисида ариза бериб, маблағни депонентлаш тўғрисида тўлов топшириқномаси юборади. Банк бўлими харидор счётидан муайян суммани олиб, таъминотчининг банкига юборади. Таъминотчига хизмат кўрсатувчи банк суммани аккредитив счётига ўтказди ва таъминотчига аккредитив очилганлиги ҳақида хабар беради. Таъминотчи бу хабарни олиб, харидорга товар жўнатади ва ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига ҳисоб-китоб ҳужжатларини юборади. Ўз навбатида банк бўлими аккредитив счётидаги пулни таъминотчининг счётига ўтказди ва харидорга хизмат кўрсатувчи банкка аккредитивдан фойдаланганлик ҳақида хабар беради, шунингдек, бу банк ҳам харидорга аккредитивдан фойдаланганлик ҳақида мижозга хабар беради.



**Қопланмаган аккредитив** очилган тақдирда банк-эмитент иж-рочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисоб варағидан ўчириш ҳуқуқини бе-ради

Қопланмаган аккредитив очилаётганида эмитент банк ижрочи банкка ижрочи банкда юритилаётган эмитент банк ҳисобварағидан аккредитив барча суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради. Қопланмаган аккредитивни очишда банк-эмитент ижрочи банкка банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган счётидан барча ак-кредитив суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради. Банк ол-дидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажараетган корхона – тўлов-чилар билан банк муассасалари 720-«Аккредитивлар» баланс счётида қопланмаган (кафолатланган) аккредитив очиш тўғрисида шартнома тузишлари мумкин. Бундай ҳолда банк корхона ҳисобидан вақтин-чалик маблағ йўқлигида келиб тушган тўлов талабномалари банк ма-блағлари ҳисобига бажаришни кафолатлайди. Банклар ўртасида кор-респондент муомала ўрнатилганда, ижрочи-банкда банк-эмитент счё-тидан аккредитивнинг барча суммасини олиб кўйиш ҳуқуқини бериш йўли билан қопланмаган аккредитив очилиши мумкин. Корхонанинг қопланмаган аккредитивни чиқариш тўғрисидаги тавсияномаси банк-эмитент томонидан балансдан ташқари 9925 – «Банк томонидан бе-рилган кафолатлар, гаровлар» счётига кирим қилинади.

Қопланмаган (кафолатланган) аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда бўлади, яъни таъминотчи ва харидор ўртасида шартнома тузилади. Харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига кафолат остидаги аккредитив очиш тўғрисида ариза беради. Банк бўлими балансдан ташқари счётида «Банкнинг кафолатлари ва гаровлари» белгиси остида аккредитив очади ва бу ҳақда таъминот-чининг банкка хабар беради. Таъминотчига хизмат кўрсатувчи банк аккредитив очилгани ҳақида таъминотчига хабар юборади, таъминот-чи харидорга маҳсулот юборади ва ўзига хизмат кўрсатувчи банкка ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этади. Банк бу ҳисоб-китоб ҳуж-жатларига асосан таъминотчининг счётига пул ўтказади ва харидор банкка (дебет авизоси) тўлов талабномаси жўнатади. Харидорга хизмат кўрсатувчи банк бўлими тўлов талабномасини олиб, харидор-нинг счётидан муайян суммани бекор қилади, агар харидорнинг счё-тида маблағ бўлмаса, унга кредит беради ва бу ҳақда харидорга хабар қилади

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида бундай кўрсатма йўқ бўлса, у чақириб олинадиган аккредитив ҳисобланади.

**Чақириб олинадиган** аккредитив эмитент банк томонидан маблағларни олувчини олдиндан хабардор қилмасдан туриб, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Банк-эмитент хоҳлаган пайтда маҳсулот етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан, чақириб олинадиган аккредитивни ўзгартирилиши ёки йўқ қилиши мумкин, Аккредитивни чақириб олиш маблағларни олувчи олдида эмитент банк зиммасига юкланиши мумкин бўлган ҳеч қандай мажбуриятларни юзага келтирмайди. Чақириб олинадиган аккредитив шартларининг ўзгариши тўғрисидаги барча фармойишларни тўловчи маблағларни олувчига (маҳсулот етказиб берувчига) фақат эмитент банк орқали бериши мумкин, у маблағларни олувчи банкка (ижрочи банк), бу банк эса, маблағларни олувчига хабар беради. Аммо айни пайтда банк аккредитив шarti ўзгартирилмасдан ёки у бекор қилинмасдан олдинги шартлар бўйича барча талабларни бажаришга мажбур. Ижрочи банк (агар бу вақтда у аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида хабар олмаган бўлса) чақириб олинадиган аккредитив бўйича тўловларни ва бошқа операцияларни амалга ошириши лозим).

Умуман олганда, аккредитивни чақириб олиш маблағ олувчи олдида банк-эмитент учун қандайдир мажбуриятларни пайдо қилмайди.

**Чақириб олинмайдиган** аккредитив бажарувчи банк томонидан тасдиқланган банк-эмитентнинг аккредитивнинг барча шартлари бажарилгандаги ҳамда тўловни амалга ошириш бўйича қатъий мажбуриятини билдиради. Чақириб олинмайдиган аккредитив маҳсулот ишлаб чиқарувчининг манфаатларини кўзлаб очилади ва унинг хоҳишига қарамасдан, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи, агар аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса, муддатидан олдин аккредитивдан бош тортиши мумкин.

Маблағ олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

## **7-§ Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш**

Инкассо топшириқномаси - мижознинг банкка тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабини англатади.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва тўлов акцептини мижоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади ва бу ҳолатда пул тўловчининг розилиги талаб қилинмайди.

**Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар қилишда ундирувчи сифатида солиқ идоралари, бюджетдан ташқари фондлар, божхона органлари, суд органлари ва бошқа органлар қатнашадилар.**

Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банк) ни жалб қилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб қилишнинг инкассо топшириғи шакли бўйича ижро ҳужжати ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар асосида маблағ ундирувчилар банк муассасасига ижро ҳужжати ва унга тенглаштирилган ҳужжатларнинг санаси ва рақамини кўрсатиб, 0401001-инкассо топшириғини беради<sup>1</sup>. Хўжалик суди буйруғи, нотариус ёзуви асосида банк муассасасига берилаётган инкассо топшириғи билан бирга, ижро ҳужжатининг асли ёки дубликати кўшиб тақдим этилади. Ижро ҳужжатида маблағ ундирувчининг тўлиқ ва аниқ номи, тўловчининг тўлиқ ва аниқ номи, ундирув суммаси, унинг қайси ҳисоб варағидан олинishi кўрсатилиши лозим. Хўжалик судининг қарори ёки нусхаси хўжалик судининг буйруғи ижро варақаси ўрнига ўтмайди.

Ижро ҳужжатлари ёки фармойиш илова қилинган битта манзилдаги ҳақ тўловчининг ҳисоб варағидан маблағ олиш тўғрисидаги инкассо топшириғи банк муассасасига тақдим этилади.

Мижоз банкка инкассо топшириқномасини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 27 июнда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида” Низом га кўра №0505411013 формада тақдим этади.<sup>2</sup>

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари уларга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган

<sup>1</sup> ЎзР Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом (янги таҳрири) (ЎзР Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан тасдиқланган)

<sup>2</sup> ЎзР Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низом (янги таҳрири) (ЎзР Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан тасдиқланган)

ҳолда улардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбати белгилаб берилган.

Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлганда, маблағларни ҳисобдан чиқариш қонунчиликда кўзда тутилган тартибда, ҳисобварақ эгасининг топшириқлари келиб тушиш тартибида унинг тўлов топшириқномалари бўйича ёки ушбу банк ҳисобварағига унинг эгаси томонидан акцептланган ёки акцептсиз қўйилган тўлов талабнома-ларининг келиб тушиш тартибида амалга оширилади.

Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолда, ундан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш қўйидаги навбатда амалга оширилади.<sup>1</sup>

Ҳисобварақ эгасининг бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ўтган ой давомида унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушган жами тушумларнинг 5 фоизи миқдоригача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган рўйхатга асосан, ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизматидан фойдаланувчи ҳисобварақ эгасиники учун эса, 6 фоиз миқдоригача навбатсиз амалга оширилади.

Ҳисобварақ эгаси томонидан ариза зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар миқдорига боғлиқ ҳисоб-китоб билан бирга жорий ойнинг учинчи санасигача банкка тақдим қилинади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари хўжалик фаолиятининг ўзига ҳослигидан келиб чиққан ҳолда, бевосита ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган, ўта муҳим объектларни қўриқловчи бўлинмалар хизмати бўйича харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда зарурий харажатлар рўйхатини аниқлайдилар. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун зарур бўлган маблағлар миқдорини тўғри аниқлаш ҳисобварақ эгаси-корхона раҳбари ва бош бухгалтер зиммасига юклатилади.

Ҳисобварақ эгаси ўзига тегишли бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағларни ҳисоб-китобни ва аризани банкка тақдим этган кундан бошлаб жорий ой давомида тўлиқ ёки қисман олиши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимитининг ишлатилмаган қисми жорий ойнинг охиригача ишлатилиши мумкин ва кейинги ойга ишлатиш учун ўтказилмайди.

---

<sup>1</sup> Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. (Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 30.01.1999й. № 615, Тасдиқланган ЎзР Марказий Банки 22.01.1999й. № 104-В)

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун тўловлар ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномаларида “кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобига”, деб ёзилган бўлиши лозим.

Банклар кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун сарфланадиган маблағлар лимитининг тўғри аниқлашини ва унга риоя қилинишини назорат қиладилар.

Ушбу тартибни бузганлик тўғрисида далиллар аниқланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига қонунчиликда белгиланган тартибда жарима солинади.

**Биринчи навбатда,** хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни ҳисобдан чиқариш кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар лимити аниқлангандан ва захиралангандан кейин бюджетга тўланиши кўзда тутилган тўловлар бўйича (жумладан, давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, жарима рухсатлари ва давлат божи ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга жамланадиган тўловлардан келиб тушган маблағлар), бюджетдан ташқари жамғармалар ва талаблар, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва унга тенглаштирилган талаблар бўйича ушбу мажбуриятларнинг тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган мутаносиб равишда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга қуйидаги жамғармалар киради: Пенсия жамғармаси, бандлик жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда ҳукумат қарорига асосан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган сумма ҳисобига ташкил қилинган бошқа жамғармалар.<sup>1</sup>

**Иккинчи навбатда,** судлар ва хўжалик судлари ҳамда қонунчилик асосида уларга тенглаштирилган бошқа ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағлари ҳисобдан чиқарилади.

**Учинчи навбатда,** пул маблағларини юридик шахснинг банк ҳисобварағига қўйилган бошқа пул талаблари бўйича тўлов ҳужжатларининг келиб тушишига қараб календар навбатида ҳисобдан чиқарилади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлар қарзларини тўлаш учун уларнинг ҳисобварақларига маблағ ажратиш режалари чегарасида молия ва солиқ ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ҳокимиятлар томонидан тасдиқланган схемалар бўйича келиб

---

<sup>1</sup> Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Тошкент – 2004 йил, 128-бет.

тушган бюджет маблағлари (юқори бюджетлардан қисқа муддатли ссудалар кўринишида олинганлари ҳам киритилади) мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилмасдан, банклар томонидан тасдиқланган схемаларга қатъий амал қилинган ҳолда маблағларни бюджетга солиқ ва тўловлар кўринишида тўлиқ ҳажмда қайтариш учун йўналтирилади.

Тижорат банклари томонидан иш ҳақини тўлаш учун берилган кредитлар мутаносиб равишда тақсимланмайди ва фақат белгиланган мақсад бўйича фойдаланилади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг ҳисобварақларига молия ва солиқ органлари томонидан махсус ишлаб чиқилган ва ҳокимлик томонидан бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлик қарзини тўлаш учун режага кўра ажратилган пул маблағлари доирасида тасдиқланган бюджет маблағлари (шу жумладан, юқори турувчи бюджетдан қисқа муддатли ссудалар кўринишида олинганлари) ҳисобдан мутаносиб равишда ўчирилмайди, банклар томонидан маблағларни солиқлар ва тўловлар кўринишида бюджетга тўлиқ ҳажмда мажбурий тарзда қайтариш шарти билан, тасдиқланган схемаларга қатъиян риоя этган ҳолда йўналтирилади.

Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағлар унга қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк ушбу юқорида кўрсатилган биринчи навбатдаги талабларни қондириш учун амалиёт кунининг бошига етишмаётган маблағни унинг бошқа жами ҳисобварақларидан (савдо ташкилотларига ҳаётий зарур товарлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилган ҳисобварақларидан, муддатли ва жамғарма депозитларидан, шунингдек, 23208 -“Молия вазирлиги жамғармаси билан мақсадли ҳисоб-китоблар учун иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақ”, “23212 - “Республика бюджетининг мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари” ва 23214-“Маҳаллий бюджетларнинг юқори молия ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоблари учун маблағлари” ҳисобварақларидан ташқари) асосий ҳисобварағига ўтказиши лозим.<sup>1</sup>

Юридик шахснинг юқорида айтиб ўтилган ҳисобварақларидаги миллий валютадаги маблағлар юқорида кўрсатилган биринчи навбатда тўланиши лозим бўлган талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, хизмат кўрсатувчи банк давлат солиқ хизмати ва давлат божхона

---

<sup>1</sup> Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. (Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 30.01.1999й. № 615, Тасдиқланган ЎзР Марказий Банки 22.01.1999й. № 104-В)

хизмати ташкилотларининг тақдимига асосан мазкур юридик шахснинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағнинг ушбу талабларни қондириш учун етарли бўлган миқдордаги қисмини Республика валюта биржасига сотувга чиқаришга мажбур.<sup>1</sup>

Муддатли ва жамғарма депозит ҳисобварақлардаги маблағлар давлат солиқ хизмати ташкилотларининг (ёки бошқа ваколатли давлат ташкилотларининг) инкассо топшириқномаларига асосан юқорида кўрсатиб ўтилган талабларни қондириш учун депозитнинг шартномада кўрсатилган муддати тугагандан кейин банклар томонидан асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараққа кирим қилинади.

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолда муддатли ва жамғарма депозитлари бўйича депозит шартномаларини узайтириш тақиқланади.

Инкассо топшириқномалари қуйидаги ундирувчилар томонидан банкка тақдим қилиниши мумкин:

1. Ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар (пеня, жарималар)ни, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Республика йўл жамғармаси, юридик шахслар томонидан электр энергиясидан фойдаланганлик қарздорлиги учун тўловлар ва қолдиқларни ундириб олишда солиқ идоралари.

2. **Бюджетдан ташқари фондлар** – ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олишда, агарда бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлаш банк бўлимларидан тегишли давр учун иш ҳақига пул олинганда, лекин ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ёки солиқ органларининг инкассо топшириқномалари йўли билан амалга оширилади.<sup>2</sup>

3. **Божхона органлари** – ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундиришда. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари.<sup>3</sup>

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларнинг божхона тўловларига оид қисмининг бажарилиши тўғрисидаги божхона органларининг хулосасига биноан ана шу субъектлар

<sup>1</sup> Бюджетга тўловлар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 05.12.1996 й. 431-сонли Қарори)

<sup>2</sup> “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида” Қонунининг 7-моддаси.

ектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишлари мумкин;

- белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари ва жарима суммаларини хўжалик субъектларидан сўзсиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар.

4. **Суд органлари** уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича. “Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида” ги Йўриқномада белгиланишича, Ижро иши бўйича бюджетга ундирилган суммадан 10 фоиз миқдордаги ажратмалар Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига (кейинги матнларда Жамғарма деб юритилади) ўтказилади. Бунда, ижро ҳужжатлари бўйича суд ижрочилари томонидан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар солиқ идоралари томонидан қўйилган инкассо топшириқномаларига асосан ундирилган суммалардан 10 фоизли ажратма олинмайди.

Суд ижрочилари томонидан қарздор корхонанинг мол-мулкини бевосита сотиш (реализация қилиш) натижасида ундирилган пул маблағлари аввал суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамларига ўтказилиб, ушбу маблағларнинг:

90 фоизи - корхонанинг солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларини қоплаш учун корхонанинг банкдаги 29896 ҳисоб рақамига;

10 фоизи - тўғридан-тўғри Жамғарманинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Бунда корхонанинг банкдаги 29896 ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар тегишли солиқ турлари бўйича ва солиқ органларининг инкассо топшириқномаларига мувофиқ пропорционал равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда ўтказилади.

Жамғармага ўтказилган 10 фоизли ажратманинг қарздор корхоналарнинг солиқ органларидаги шахсий ҳисоб варақларида акс эттирилиши Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ органи мажбурий тартибда ижро этиш учун суд ижрочилари бўлинмасига тақдим этилган ушбу тоифадаги ижро ҳужжатида кўрсатилган сумма тўлиқ ундирилгандан сўнг, ўзи томонидан



қўйилган инкассо топшириқномаларини 10 фоизли ажратмага ўтказилган пул маблағини ҳисобга олган ҳолда ижросиз қайтариб олади ва бу ҳақда ижро ҳужжатини мажбурий тартибда ижро этиш учун тақдим қилган суд ижрочилари бўлинмасига хабар беради.

Давлат бюджетига ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари юзасидан ундирилган суммалар бўйича тўловларни қабул қилиб олиш ва тегишли ҳисоб рақамларга ўтказиш билан боғлиқ бўлган банк хизматлари учун банк муассасалари томонидан фоизлар олинмайди.

Туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари ва давлат солиқ органлари ўртасида ушбу тоифадаги ижро ҳужжатларининг ижроси юзасидан ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўзаро тезкор маълумот алмашиб борилади.

Жойлардаги вилоят хўжалик судлари, давлат солиқ бошқармалари ва Департаментнинг ҳудудий бўлимлари ўртасида ушбу тоифадаги ижро ҳужжатларининг ижроси юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича жойлардан олинган маълумотлар асосида таққослаш ишлари амалга оширилиб, натижалари бўйича Олий хўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментига мазкур Йўриқномага<sup>1</sup> илова этилаётган шаклга мувофиқ кейинги чорак биринчи ойининг 5-санасига қадар маълумот тақдим этиб борилади.

**5. Қонуний ҳужжатларга асосан бошқа органлар.** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан бошқа органлар томонидан ҳам инкассо топшириқномалари берилиши мумкин. Бунга мисол сифатида, нотариусларнинг ижро устхатларини мисол қилиб кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Лекин бу турдаги инкассо топшириқномалари кам учрайди ва амалиётда асосан юқорида зикр қилинган тўрт орган инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилишда иштирок этади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига уч нусхада иловалар билан бирга тақдим этилади:

1) агар маблағ олувчи ва тўловчига битта банкда хизмат кўрсатилганда:

---

<sup>1</sup> “Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида” ги Йўриқнома.

- инкассо топширикномасининг биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси тўловчига ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади;

- учинчи нусхаси тўловни олувчига шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда қайтарилади.

2) бир шаҳар ичида ҳисоб-китоблар қилишда инкассо топширикномалари бевосита тўловчининг банкига тақдим қилиниши мумкин:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси тўловчига ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади;

- учинчи нусхаси тўловни олувчига шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда қайтарилади.

3) банклараро ва шаҳарлараро (ҳудудлараро) ҳисоб-китоблар қилишда инкассо топширикномалари ундирувчиларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тақдим қилинганда:

- биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта орқали тўловчининг банкига бухгалтер томонидан имзо қўйилиб ва банкнинг унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланиб ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда жўнатилади;

- учинчи нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирилган штампи билан тасдиқланиб мижозга қайтарилади.

Инкассо топшириқлари билан ҳисоб-китоблар қилиш жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кам учрайди ва бу кўпинча хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятлилиги ва қонунга риоя қилмаслик оқибатларини яхши тушунишлари билан боғлиқ. Шу сабабли бизда ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик ва масъулиятлилиқ хусусиятларини кучайтиришга қаратилган тадбирлар ташкил этишимиз ва шунингдек ҳисоб-китобларга оид қонунчилик негизларини такомиллаштиришимиз лозим бўлади.

## **8-§. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш**

Тижорат банки ҳисоб-китоб чеки мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек эгаси ҳисобварағига маблағлар муайян суммасини тўлашни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқномасидан иборат. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки мижознинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг счётидан чек ушловчининг счётига маълум суммадаги маблағларга ўтказиш бўйича берган топшириғидир.

Чеклар тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда Марказий банкнинг "Давлат белгиси" ДИБ томонидан тайёрланади. Бунда, чекнинг рақами ва серияси, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси босмаҳона усулида чоп этилади.

Чеклар товарлар, ишлар ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Амалдаги қонунчилик бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бундай шакли жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) билан юридик шахслар ўртасида товарлар, ишлар ва хизматлар учун фақат ўзаро муносабатлардагина қўлланиши мумкин.

Чек берилаётганида банк жисмоний шахснинг аризасига мувофиқ баланс ҳисобварағи - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари»да чек суммасига алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақ очади ва чекка фақат шу ҳисобварақдан ҳақ тўлайди. Чек жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар ёки у томонидан киритилган нақд пуллар ҳисобидан берилади.

Чек икки қисмдан иборат: чекнинг ўзи ва унинг корешоги (милики). Корешокда чекда кўрсатилган суммани тасдиқлаш учун мўлжалланган назорат рақамлари бўлади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади. Агар чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан у банкка тақдим этилмаган бўлса, чек суммаси махсус баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан унинг эгаси банкка мурожаат қилса, банк чек эгасининг паспорти (ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжати) мавжуд бўлган ҳолда, тўсқинликсиз чекни қабул қилади ва сўндиради.

Чек муддатидан қатъи назар, нотариал тасдиқланган тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолда, меросхўрлар ёки ишончли шахслар

томонидан тақдим этилиши мумкин. Чек текширилгач, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери уни сўндириш учун рухсат беради.

Фойдаланилмаган чек тақдим этилган вақтда, тақдим этилган чекнинг асл ёки асл эмаслиги текширилади, чек берилишига асос бўлиб хизмат қилган ҳужжат бўйича чек эгасининг шахси тасдиқланади, фойдланилмаган чек суммаси эса, чек эгасининг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Қонунчилик бўйича чек йўқотилган бўлса, банк ушбу чек бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш учун жавобгар бўлмайди.

Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганда фақат чек берувчининг чек бериш пули билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банккина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин (ФКнинг 807-моддаси).

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга:

1. Банк томонидан акцептланган чеклар;
2. Банк томонидан акцептланмаган чеклар;
3. Лимитланган дафтарчалар бўйича олинадиган чеклар;
4. Лимитланмаган дафтарчалар бўйича олинадиган чекларга бўлинади.

Агар банк чекни акцептласа, яъни пул тўлаш мажбуриятини олса, бундай чеклар акцептланган чеклар ҳисобланади. Бюджет ҳисобида турган ташкилотлар томонидан олинган товарлар, уларга қилинган хизматлар учун бир шаҳар ичида ҳисоб-китоб қилинишда акцептланган чеклар қўлланилади.

Банк томонидан акцептланмаган чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш, асосан, хўжалик ташкилотлари томонидан олинган маҳсулотлар, уларга қилинган хизматлар учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Лимитланган чек дафтарчалари хўжалик ташкилотлари томонидан банкдан олинади. Лимит деб мазкур дафтарчадан бериладиган чекда кўрсатилиши мумкин бўлган умумий суммага айтилади. Лимит суммаси 100 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Лимитланган чек дафтарчалари олинган маҳсулот, бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Лимитланган чек дафтарчасида чекдан фойдаланиш шартлари банк томонидан кўрсатилади.

Лимитланмаган чеклар транспорт корхоналари ва алоқа ташкилотлари хизматларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашда қўлланилади. Чек дафтарчаларининг кучда бўлиш муддати олти ойга белгиланади. Чеклардан нотўғри фойдаланганлик учун, чек дафтари бошқа шахсга берилганлиги натижасида келиб чиққан зиён учун ёки чек дафтарининг алоҳида чекини йўқотиш ёки ўғирланганлиги учун, шунингдек, чекни имзолаш учун вакил қилинган шахс томонидан суиистеъмол қилиниши натижасида келган зиён учун чек дафтарчаси олган ҳўжалик органи жавобгар бўлади.

Лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчаларининг эгаси ҳар ҳафтада бир марта ўз вакилларининг дафтарчалардан чекларнинг тўғри сарфланаётганлигини текшириб турмоғи лозим. Бу текшириш ҳақида берилган чекнинг сўми қорешогининг орқасига бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзоси билан белги қўйилиши шарт.

Ҳисоб чеки чек берувчининг ўз ҳисоб варағидан чек олувчининг ҳисоб варағига муайян суммани ўтказиш тўғрисида банк муассасасига берган топшириғи ҳақидаги ҳужжатдир.

Чеклар тижорат банклари томонидан ушбу банкларда ўз ҳисоб ёки жорий сўтларини очган юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Маҳсулот олувчи ташкилот чек олиш тўғрисида ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига ариза беради. Банк муассасаси бу аризага асосан унга чек беради. Маҳсулот олувчи маҳсулот сотувчидан маҳсулот олиб, унга чек беради. Маҳсулот сотувчи бу чекни ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига беради ва ўз навбатида банк бўлими бу чекка асосан маҳсулот сотувчининг ҳисоб варағига маблағни ёзиб қўяди, бу ўтказилган маблағ тўғрисида маҳсулот олувчига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига юқоридаги маблағни сотиб олувчининг сўтидан олиш тўғрисида ҳужжат юборади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 808-моддасига мувофиқ, чекда қуйидагилар бўлиши шарт;

1. Ҳужжатлар матнига киритилган “чек” деган ном;
2. Муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топшириқ;
3. Тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги;
4. Тўлов валютаси;
5. Чек тузилган сана ва жой;
6. Чекни ёзиб берган шахснинг – чек берувчининг имзоси.
7. Ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтасининг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қилади.

Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган, деб ҳисобланади. Чекнинг шакли ва уни тулдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Чекнинг максимал суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан. минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Чек икки қисмдан иборат, яъни чекнинг ўзи ва унинг милки (корешоги). Милкда чекда кўрсатилган суммани тасдиқловчи назорат рақамлари кўрсатилади. Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Чек ёзилгандан бошлаб 10 кун давомида банк муассасасига кўрсатилиши лозим. Чек тўлиқ суммага тўланиши шарт. Чек карточкиси чек берган банк муассасасига олдин берилган чекларнинг барчаси фойдаланилганда топширилади. Битта чек лимити ўзгармаган ҳолда корхона чекка бўлган талаб ҳақида ариза берса, карточка корхонада колдирилнши мумкнн. Банкка топширилган чек карточкиси йўқ. қилинади ва бу ҳақда миждознинг аризасига белги қўйилади.

Чек олувчи 10 кун муддат ичида банк муассасасига чекни тақдим этиб, бу бўйича уз счётига кўрсатилган маблағни топширишни сўрайди. Агар бу муддат ўтиб кетса, чек ҳисоб-китоб учун қабул қилинмайди.

## **9-§. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар**

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қонунчиликда кўзда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг нисбатан янги шакли бўлиб, жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Пластик карточка ҳисоб-китоб ҳужжати сифатида банк томонидан чиқарилган алоҳида тўлов воситаси бўлиб, тегишли банкда варақча эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқлайди ва унга товарлар, ишлар ёки хизматларни нақд пул тўламай туриб, олиш ҳуқуқини беради.

Пластик карточкалар бир томондан – жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар билан, иккинчи томондан – юридик шахслар ёки товарларни реализация қилувчи, иш бажаруви ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда, шунингдек нақд пулларни бериш пунктлари ва банкоматларда нақд пулларни олиш учун қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкаларни чиқариши ва хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари би-

лан тузилган шартномалар ҳамда “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низомга мувофиқ равишда операцияларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилишлари шарт. Пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар уларга хизмат кўрсатиш шартномасига асосан амалга оширилади. Қонунчиликда бундай шарнома мажбурий шартлари рўйхати белгилаб берилган. Уларга томонлар номи, шартнома предмети, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, шартнома амал қилиш муддати ва уни бузиш шартлари, баҳс, низоларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг юридик манзиллари киради.

Тегишлигига кўра пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив хилларга бўлинади:

- шахсий карточка - бу жисмоний шахсга берилган пластик карточка;

- оилавий карточка - бу фойдаланувчига шахсий карточка ушловчининг ишончномасига асосан берилган пластик карточка;

- корпоратив карточка - бу юридик шахслар ва юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатишга белгиланган пластик карточка. Корпоратив карточкалардан иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тусдаги тўловларни тўлаш, шунингдек нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш ман қилинади.

Ҳаракатланиш режимига кўра пластик карточкалар қуйидаги турларга бўлинади:

- дебет карточка - улардан фойдаланиш уни ушловчига эмитент ва мижоз ўртасидаги шартнома шартларига биноан унинг карточка счётида мавжуд бўлган пул воситаларидан товарларга, ишларга ва хизматларга ҳақ тўлашда фойдаланиш ва ёки нақд пул воситаларини (корпоратив карточкалардан ташқари) олиш имкониятини берадиган карточка;

- кредит карточка - ундан фойдаланиш уни ушловчига эмитент билан тузилган шартномага асосан, товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва ёки нақд пул воситаларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) эмитент томонидан берилган кредит линияси ҳажмида операцияларни амалга ошириш имконини берадиган карточка;

- электрон ҳамён - жисмоний шахснинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш уни ушловчига товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва ёки пластик карточкадаги қолдиқ маблағлар чегарасида нақд пул маблағларини олишни амалга ошириш имкониятини беради.

Битта карточкада бир нечта "электрон ҳамёнлар" жойлашиши мумкин.

Қонунчиликда пластик карточкани персонализация қилишда риоя этилиши мажбурий бўлган қоидалар бор. Хусусан, бу реквизитларнинг аниқ тўпламига алоқадор бўлиб, улар пластик варақчада мажбурий равишда мавжуд бўлиши лозим. Қонунчиликда бундай реквизитларга қуйидагилар киритилган: а) идентификацияланган маълумотлар (карта номери ва серияси ва б.); б) эмитент банк (пластик карточкалар чиқарган банк)нинг коди – хосрақами; в) карточка эгаси ҳисобварағи номери ва шахсий маълумотлари (ташкilot номи); г) карточканинг амал қилиш муддати.

Пластик карточкалардан фойдаланиб, операцияларни амалга ошириш вақтида тузилган ҳужжатлар реквизитларида томонлар билан келишиб олинган белгилар мавжуд бўлиб, улар пластик карточкалар ва банк ҳисобварақлари реквизитлари ўртасидаги, шунингдек корхоналар идентификаторлари, нақд пулларни бериш пунктлари, банкоматлар ва корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ўртасидаги мувофиқликни тўғри белгилаш учун имкон беради.

Бундан ташқари ҳукумат томонидан маъқулланган бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли, 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли, 2003 йил 2 июлдаги 300-сонли, 2004 йил 26 февралдаги 9-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 57-сонли қарори қабул қилиниши ушбу тизим фаолияти хизматларининг ниҳоятда қисқа муддатлардла эътироф этилишини таъминлади. Шунга мос равишда, 2005 йилнинг 1-ярмига келиб банклар томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 3 бараварга, уларга хизмат кўрсатиш шохобчалари сони эса 2,8 мартага ошди.<sup>1</sup>

Пластик карточкаларга асосланган ҳисоб-китоблар тизими иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тўлов тизимининг асосини ташкил этаётган бир вақтда, Ўзбекистонда пластик карточкаларга асосланган ҳисоб-китоблар шакли тобора оммавийлашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

---

<sup>1</sup> Муллажонов Ф.М. Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш – устувор вазифамиз.// “Бозор. Пул ва кредит”. 2005 йил 8-сон, 8-бет.



Молиявий нуктаи назардан пластик карточкалар қуйидагича тансифланади:<sup>1</sup>

**1. Кредит карточкалари (Credit cards)** – нақд пулсиз ҳисобкитоблар тизимида энг кўп тарқалган тўлов карточкалари турига киради. Кредит карточкалари иштирокидаги транзакциялар (операциялар) алоҳида ҳисобварақлар ёрдамида амалга оширилиб, унинг доирасида карточка эгаси маълум миқдордаги кредит суммасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзи кредит карточкаларидан банкоматларда нақд пул олиш учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Карточка эгаси томонидан харид қилинадиган товар ёки хизматлар учун тўловлар карточка эмитенти томонидан, муомалага чиқарилган кредит карточкалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Карточка ёрдамида тўловни карточка маълумотларини ўқиш учун мўлжалланган, махсус қурилма (терминал) билан жиҳозланган ҳар қандай савдо марказида амалга ошириш мумкин. Кредит карточкалари тўлов функциясидан ташқари, қўшимча хизматларни, яъни суғурта, сервис, пресстиж ва шу каби кўплаб функцияларни таклиф этиши мумкин. Уларнинг бошқа тўлов карточкаларидан асосий фарқи, карточка эгасига тўлов муддатини узайтириш имкониятини беришдир. Бунда карточка эгаси томонидан тўлов товар олингандан ёки хизмат кўрсатилгандан кейин амалга оширилади (“pay later”).

Кредит карточкалар билан тўловларнинг қулайлиги: қисқа вақт ичида карточка ҳисобварағи қолдиғини текшириш, авторизациялаш, тўлов санасини аниқлаш ва ҳисобварақдан ундириб олиш (савдо тармоқлари учун) дан иборат. Бундан ташқари тўлов (ҳисоб-китоб) ҳужжатларини қайта ишлаш учун ортиқча харажат талаб қилинмайди ҳамда шу каби банк харажатлари камайтиради.

**2. Дебет карточкалари.** Пластик арточкалар тизимида дебет карточкалар фақат тўлов воситаси вазифасини бажаради. Дебет карточкаларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, тўлов воситаси сифатида улар қўлланганда карточка эгасининг ҳисобварағи дарҳол дебетланади (яъни ҳисобварақдаги пул дарҳол кўчириб олинади – “pay now”). Бунда дарҳол тўлов амалга ошириладиган жойдан карточка эгасининг ҳисобварағига online шароитида алоқага чиқилади. Тўловни авторизациялаш жараёни тўловчининг ҳисобварағидан пулни ҳисобдан чиқариб, тўловни қабул қилувчига ўтказиб бериш билан тугалланади. Шу ўринда дебет карточкаларнинг “delayed debit cards” турини

---

<sup>1</sup> Курбонов Х. Пластик карточкаларни молиявий нуктаи назардан таснифлаш. “Бозор. Пул ва Кредит” журнали. 2005 йил 8(99)-сон 20-бет.

эслатиб ўтиш жоиз. Улар қўлланилганда авторизация жараёни дарҳол амалга оширилмаса-да, лекин пулни ўтказиш бўйича тегишли транзакция кейинги иш кунида (кейинроқ) амалга оширилади. Яна бу турдаги карточкаларни нақд пул ўрнида ишлатилувчи энг оддий ва универсал восита дейиш мумкин. Кредит карточкаларидан фарқли равишда дебет карточкалар, агар ҳисобварақда маблағ бўлмаса, тўловни амалга ошириш ёки банкоматлардан нақд пул олиш имконини бермайди. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, одатда кўпчилик давлатларнинг ўз дебет карточкалар тизими яратилган. Шунга қарамай, ҳисоб-китобларнинг қулайлиги нуқтаи назаридан, бир қатор иқтисодий ривожланган давлатларда халқаро миқёсда тан олинган дебет карточкалари ҳам муомалада юради. Дунёда энг кўп тарқалган бу дебет карточкалари Maestro, Visa Elektron, Cirrus, ес-cards каби карточкаларни мисол келтириш мумкин.

**3.** Чеклар воситасидаги тўловларни кафолатлаш учун фойдаланиладиган карточкалар (Check Guarantee Cards). Бу турдаги карточкалар миждознинг банк ҳисобварақлари очилган банк томонидан берилиб, чекларни қалбакилаштиришни олдини олиш мақсадида чиқарилади.

**4.** Бошқа тўлов карточкалари тизими (яъни, моно-сервис карточкалар, мулти-сервис карточкалар) Нақд пулсиз тўловлар тизимида юқорида таърифлаб ўтилган дебет ва кредит карточкалари қаторига бугунги кунда муомалада бўлган “қимматли карточкалар” (ёки “prepared cards”)ни ҳам киритиш мумкин. Бу тоифадаги тўлов карточкалари яна нақд пул суррогатлари деб ҳам аталади, чунки улардан юқорида таърифлаб ўтилган карточкалар каби нақд ва нақдсиз пуллар ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур турдаги карточкалар билан тўловларни амалга ошириш жараёни қуйидагича: “қимматли карточкалар” деб аталган, яъни олдиндан пул қуйилган ушбу карточкалар билан тўловлар амалга оширилганда, ҳар бир тўлов вақтида карточкадаги маълумотни сақлаш қурилмаси (яъни чипдан) суммалар ҳисобдан чиқарилиб боради. Бу телефон карточкаларидаги механизм билан жуда ўхшаш. Клиринг талаб қилинадиган тизимларда эса маълумот сақланадиган қурилмадан (яъни чипдан) тўланиши лозим бўлган суммалар ўқиб олинади ҳамда эмитент ҳамда акцептант ўзаро келишган тартибда эмитентга тегишли сумма ундириб олиш учун жўнатилади. Ўз навбатида, эмитентдан тегишли сумма ундириб олинади.

Мижозларнинг тоифалари бўйича пластик карточкалар қуйидагиларга ажратилади:

Оддий карточкалар – асосан моддий миждозлар доираси учун мўлжалланган бўлиб, уларга “Classic Visa”, “Eurocard/Mastercard” каби карточкаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Кумуш карточкалар ёки бизнес карточкалар (Business Card) – асосан муайян компаниялар томонидан ўз ходимлари учун берилган карточкалар бўлиб, карточка эгаларига ўз компанияси маблағларини маълум даражада ишлатиш ваколоти берилади.

Олтин карточкаларга нисбатан таъминланган ва бой миждозлар учун мўлжалланган. Маълум миқдордаги сумма ёки даромадга эга бўлган ҳамда белигланган суммадаги кафолат бадалини киритган миждозлар “олтин” кредит карточкалар олишлари мумкин. American Express Gold Card, Gold Mastercard ва VISA VIP карточкаларини ушбу турдаги карточкалар сафига қўшиш мумкин.

Ўзбекистонда банк тизимида пластик карточкалар нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида борган сари муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳукуматимиз томонидан сўнгги йилларда қабул қилинаётган қарорларда ҳам пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида кенг жорий қилишга катта эътибор бериб келинмоқда ва ушбу қарорларнинг амалдаги ижросини таъминлашда республика банк тизимининг ҳиссаси бекиёсдир.

Сўнгги йилларда амалиётга жорий қилинаётган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб ишларининг амалга оширилиши соҳасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар тизимини ашкланттириш жараёни жадаллашмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги Фармони ушбу тизимни ягона бир ҳаракатлантирувчи кучга бирлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.<sup>1</sup>

Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида 2004 йил 24 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси Банклараро процессинг маркази не-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 30 мартдаги “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 3047-сонли Фармони. // Пул массасини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари.

гизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишдан қатъи назар, барча савдо шахобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга оширишга имкон берувчи Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаларидан бири мавжуд банкларнинг пластик карточкаларини ягона бир тизим асосида ишлашини таъминлашдан иборат. Фармонда хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи тўлаш, чакана савдони амалга ошириш, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловни яқка тартибда ва корпоратив пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш зарурлиги таъкидланган.

### **10-§. Векселлар ва бошқа пул мажбуриятлари билан ҳисоб-китоблар қилиш**

Векселлар уларда кўрсатилган муддат келганда вексель берувчи муайян пул суммасини вексель эгасига (вексель олувчига) сўзсиз тўлаши лозим бўлган мажбуриятдан гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир. Яъни вексель бу белгиланган шаклда тузилган, албатта бажарилиши керак бўлган қарз мажбурияти бўлиб, қарздор қарз берувчига белгиланган муддатда, белгиланган жойда, векселда кўрсатилган суммани тўлаш мажбуриятини олади.

Векселларнинг турлари:

1. Ҳазина векселлари
2. Тижорат векселлари
3. Оддий векселлар
4. Юбориладиган векселлар (ўтказма).

Векселларнинг асосан икки тури: оддий ва ўтказма векселлар кўпроқ қўлланилади. Оддий вексель қарздорнинг векселда кўрсатилган суммани белигланган жойда, муайян муддатда унинг буйруғига асосан қарз берувчига тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти саналади.

Оддий векселда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- матнга киритиладиган ва ҳужжат қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ифодаланган “Вексель” сўзи;
- маълум суммани тўлаш юзасидан оддий ҳамда ҳеч нима билан шартлашилмаган мажбурият;
- тўлаш муддати;
- тўловни амалга ошириш жойи;
- тўлов кимга ёки кимнинг буйруғи билан амалга оширилса, ўшанинг номи;

- вексель ёзилган сана ва жой;
- вексель берувчининг имзоси.

Ўтказма вексель (тратта) ёзма ҳужжат бўлиб, унда вексель берувчининг вексель олувчига унинг буйруғи бўйича муайян миқдордаги пулни маълум муддат ва маълум жойда тўлаш тўғрисидаги тўловчига берган шартсиз буйруғи акс эттирилади. Ўтказма векселда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- матнга киритиладиган ва ҳужжат қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ифодаланган “Вексель” сўзи;
- маълум суммани тўлаш учун оддий ва ҳеч нарса билан шартлашилмаган таклиф;
- тўлов муддати;
- тўловни амалга ошириш жойи;
- тўлов кимга ёки кимнинг буйруғи билан амалга оширилса, ўшанинг номи;
- вексель ёзилган сана ва жой;
- вексель берувчининг имзоси.

Моҳияти бўйича қарз тилхати бўлган оддий векселдан ўтказма векселнинг асосий фарқи шундаки, у маблағларни бир шахс ихтиёридан бошқа бир шахс ихтиёрига ўтказиш учун мўлжалланган.

Банк векселлари олувчининг номи ёзилган ҳужжатлар бўлиб, акцепт ва аваль (вексель бўйича ёзма вакиллик) ҳақидаги қоидалар тадбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси саналган ҳар бир шахс векселни сотиб олиши мумкин. Юридик шахслар векселни пул ўтказиш йўли билан сотиб оладилар. Вексель белгиланган шаклдаги бланкда ёзиб берилади ва ундан товарлар ҳамда хизматлар учун тўлов сифатида фойдаланилиши мумкин.

Вексель ҳоҳлаган суммага 1 йилгача берилиши мумкин. Векселни тўлаш муддати қуйидагича бўлиши мумкин:

- Вексель тақдим қилинганда;
- Тақдим қилингандан бошлаб маълум вақт ичида
- Тузилган вақтдан бошлаб маълум вақт ичида;
- Белгиланган, маълум кунга.
- Муддати “тақдим қилинганда” деб кўрсатилган вексель у кўрсатилиши билан тўланади

Векселлар арзонлаштирилган нархда, (дисконт билан) сотилиши ёки вексель суммасига фоизи қўшилиши мумкин. Фоиз ставкасининг миқдори банк томонидан векселни сотиб олувчининг маблағларининг

ҳажми ва жойлаштириш муддатига қараб белгиланади. Фоизлар векселлар расмийлаштирилган кундан бошлаб то вексель қайтарилгунча ёзилади. Фоиз ставкаси янги чиқарилган векселлар учун қайта кўриб чичилиши мумкин. Илгари чиқарилган векселлар бўйича векселнинг бутун муддати давомида ўзгартирилмайди. Вексель эгаси муддатидан илгари вексель пулини олишга ҳақлидир.

Вексель биринчи харидорнинг (вексель эгасининг) номига тузилади ва вексель бланкасининг орқа томонига ўтказиш тўғрисидаги ёзув ёзиш (индосамент) йўли билан бировнинг эгасидан иккинчи бир томон номига ўтказилиши мумкин.

Вексель эгасининг топшириғига асосан банк векселни муддати тугагунча ўзида сақлаб беришга қабул қилиши мумкин.

Йўқолган вексель қайта тикланмайди. Вексель эгаси йўқолган вексель тўғрисида банк-эмитентга ариза беради. Ариза умумий даъво муддатида қабул қилиниши мумкин. Ариза банк бошқаруви томонидан тузилган махсус комиссияда кўриб чиқилади ва кейин тўлов амалга оширилиши мумкин. Векселни йўқотиб қўйганлик учун махсус комиссия белгиланган миқдорда жарима ушлаб қолиши мумкин.

Вексель сотиб олиш учун сотиб олувчи шартнома тузади ва банкка пул ўтказилади. Вексель қаердан сотиб олинган бўлса, пули ўша жойда тўланади. Вексель бўйича пулни олишда вексель эгаси вексель билан бирга векселни тўлаш тўғрисида ариза беради. Аризада векселлар пулини ўтказиш ва фоиз ёзиш учун зарур тўлов реквизитлари кўрсатилади. Пули тўланган векселларга тўланганлик тўғрисида махсус штамп қўйилади ва банкнинг касса операциялари бўлимига сақлаш учун топширилади.

Тўлаш муддати келганда вексель пули тўланмаса, вексель эгаси вексель берувчилар, индоссанларга нисбатан даъво билан чиқиши мумкин.

Вексель эгаси даъвогар шахсдан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидир:

- агар келишилган бўлса, векселнинг тўланмаган пулини фоиз билан бирга тўлашни;
- тўлаш муддати бошланган кундан бошлаб Марказий банкнинг ҳисобига олиш ставкаси миқдорида фоиз тўлашни;
- норозилик бериш билан боғлиқ ва бошқа харажатларни қоплашни ва бошқалар.

Векселлар чиқариш ҳамда уларни рўйхатга олиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Молия Вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз шаклдаги пул муомаласида векселарнинг қўлланилиши вақтинча тхтатиб қўйилган.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Фуқаролик ҳуқуқида ҳисоб-китобларнинг ўрни.
2. Ҳисоб-китоб ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳисоб-китоб турлари:
  - 3.1. Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш:
  - 3.2. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш:
    - а) тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш;
    - б) аккредитив билан ҳисоб-китоб қилиш;
    - в) инкассо билан ҳисоб-китоб қилиш;
    - г) чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб-китобларнинг аҳамияти.
2. Ҳисоб-китоб тўғрисида умумий қоидалар.
3. Ҳисоб-китоб шакллари ва турлари.
4. Нақд пуллар билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш
5. Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилиш.
6. Тўлов топшириқномасини қабул қилиш ва ижро этиш тартиби.
7. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш.
8. Аккредитив тушунчаси ва турлари.
9. Инкассо тушунчаси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.
10. Чек тушунчаси ва турлари.
11. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

12. Ҳисоб-китоб қоидаларини бузганлик учун тарафларнинг жавоб-  
гарлиги.



## 46-БОБ. ТОПШИРИҚ ШАРТНОМАСИ

### 1. Топшириқ шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари

Фуқаролик кодексининг 817-моддасида топшириқ шартномасига таъриф берилган. Унга кўра, топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади.

Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади.

Топшириқ вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топшириқ берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин.

Вакил алоҳида ҳуқуқларга эга бўладиган топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (топшириқ берувчи) иккинчи тарафга (алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган вакилга) топшириқ берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки (ва) маълум ҳудудда топшириқ берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишни топширади.

Топшириқ шартномаси маълум шахс (шахслар) номидан маълум шахснинг (ёки шахсларнинг) вакиллик қилиши тўғрисидаги шартномадир. Бу шартномага биноан вакил топшириқ берувчи номидан ва унинг ҳисобига муайян юридик ҳаракатларни қилиш бурчини олганлиги сабабли вакилнинг ўзига берилган ваколат доирасида қилинган барча ижобий, қонуний ҳаракатлари топшириқ берувчи учун бевосита ҳуқуқ ва бурчлар вужудга келтиради. Вакилнинг ўзи эса учинчи шахслар билан тузилган битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва бурчлар ололмайди.

Шартноманинг ҳуқуқий белгилари тўғрисида шуни айтиш керакки, топшириқ шартномаси

**Биринчидан**, мазкур шартнома бир томонлама ҳам икки томонлама ҳам бўлиши мумкин. Агар шартномада вакилнинг ҳаракатлари учун ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, шартнома икки томонлама бўлади.

**Иккинчидан**, консенсуал шартномалар гуруҳига киради;

**Учинчидан**, топшириқ шартномаси вакилнинг хизмат учун ҳақ тўлаш шarti билан, шунингдек, хизмат текин бажарилиши назарда тутилиб ҳам тузилиши мумкин.

Топширик тарафларнинг ўзаро ишончларига асосланиб тузиладиган шартнома бўлганлиги туфайли, у шахсий характерга эга бўлган шартнома ҳисобланади.

Топширик берувчи учун вакилнинг ким бўлишлиги, яъни унинг шахси қандай муҳим аҳамиятга эга бўлса, вакил учун ҳам топширик берувчининг шахси шундай аҳамиятга эгадир. Агар тарафлардан бири иккинчисига нисбатан ўз ишончини оқламаса (масалан, вакилнинг зарарига қаратилган нотўғри хатти-ҳаракатлар қилса), шартнома аҳамиятини йўқотади. Бинобарин, бундай шартноманинг келгусида сақланиши тарафларнинг манфаатига зиён етказиши мумкинлиги сабабли ҳар қайси тарафга шартномани исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

Топширик шартномаси фуқаролар ўртасида кенг равишда қўлланиладиган шартномалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу шартномага биноан муомалага лаёқатли фуқародан бошқа бир фуқарога муайян юридик ҳаракатларни содир этишлиги учун топшириқлар бериши, яъни ўз номидан маълум юридик ҳаракатлар қилишни топшириши мумкин. Чунончи: уй-жой эгаси ўзига қарашли мулкни бирон жойга кетиш муносабати учун идора этишни (масалан, турар-жойни ижарага қўйиш, таъмирлаш ва сотишни) бошқа бировга топшириши мумкин. Фуқаролар топширик шартномаси тўзишлари билан пул ё бошқа моддий бойликларни юбориши ёки олиши, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган топширик, хизматларни бажариши ёхуд суд ишларини юргизиши мумкин ва хоказо.

### **Топширик шартномасининг шакли.**

Топширик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Топширик шартномаси вакил топширик берувчининг номидан иш олиб боришга ҳақли бўладиган муддатни кўрсатган ёки бундай муддатни кўрсатмаган ҳолда тузилиши мумкин (ФКнинг 817-моддаси 4-қ).

### **Топширик шартномаси бўйича ҳақ тўлаш.**

Агар қонун ҳужжатларида ёки топширик шартномасида назарда тутилган бўлса, топширик берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Агар топширик шартномаси иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса, топширик берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт.

Ҳақ тўлаш назарда тутилган топширик шартномасида тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш ҳақидаги шартлар бўлмаса, ҳақ

Фуқаролик кодекси 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ шунга ўхшаш хизматлар учун одатда қабул қилинган нархлар бўйича белгиланади ва топшириқ бажарилганидан кейин тўланади.

Вакил талаб қилинган ҳамма ҳаракатларни тегишли даражада амалга оширган, бироқ топшириқ у айбдор бўлмаган ҳолда бажарилмай қолган тақдирда ҳам ҳақ тўланиши керак.

Тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил Фуқаролик кодексининг 290-моддасига мувофиқ, топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли(ФКнинг 818-моддаси).

Топшириқ шартномаси тузилгандан кейин муайян юридик ҳаракат қилиш учун вакилга одатда ишончнома (ишонч қоғози) берилади. Бу ҳужжат тарафлар ўртасида ёзма шартномаси бўлганлигини билдиради ва вакилнинг учинчи шахслар ҳузурида ҳаракат қилишини қонунга мувофиқлаштиради. Ишончнома вакилга берилган ишончнинг ҳажмини белгилайди, аммо топшириқнинг мазмуни ишончномада белгиланмасдан, балки шартномада кўрсатилади.

## **2. Топшириқ шартномасининг иштирокчилари**

Топшириқ шартномасида тараф сифатида вакил ва топшириқ берувчи иштирок этади.

**Вакил** – топшириқ шартномасида топшириқ берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш учун тайинланган шахс.

**Топшириқ берувчи** – ўз фаолиятида вакил томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларга муҳтож бўлган ва шартнома бўйича тайинланган вакилга кўрсатмалар берувчи шахс.

Вакил ва топшириқ берувчи муомалага лаёқатли фуқаролар ҳамда юридик шахслар бўла оладилар. Истисно сифатида айрим ҳолларда ўн олти ёшга тўлиб, паспорт олган фуқаро ҳам вакил бўлиши ҳамда Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ ўн олти ёшга тулган, вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шутулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Фуқароларнинг фақат бир-бирлари учунгина эмас, баъзи ҳолларда ташкилотлар учун ҳам вакил бўлишларига қонун йўл қўяди. Масалан, савдо ва таъминот бўлимларининг агентлари, маҳсулот тайёрловчи вакил ва

бошқа ходимлар юридик шахсларнинг вакили сифатида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахс фақат ўз уставида назарда тутилган ҳолларда ёки ўз фаолиятининг характериға мувофиқ бўлгандагина фуқароларнинг вакили ёки бошқа шахснинг вакили сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

### **Топшириқ шартномасининг предмети.**

Топшириқ шартномасининг предмети вакил томонидан амалга ошириладиган муайян юридик ҳаракатлар, чунончи, унинг томонидан тузиладиган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган хилма-хил битимлар (шартномалар) ҳисобланади.

Топшириқни бажариш юзасидан қилинадиган баъзи юридик ҳаракатлар, масалан, муайян маълумотларни олиш учун биронта ташкилотга бориш ва шу кабилар мустақил характерға эға бўлганлиги ва фақат ёрдамчи ўрин тутганлиги сабабли топшириқ шартномасининг предмети бўла олмайди. Юридик аҳамиятға эға бўлган ҳаракатлар ҳар доим фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудға келтириш, ўзгартириш ва бекор бўлиш бўйича оқибатларни келтириб чиқаради. Топшириқ шартномасининг предмети фақат қонун ҳужжатларига зид келмайдиган юридик ҳаракатларгина бўлиши мумкин. Бинобарин, қонун ҳужжатларига хилоф битим тузиш тўғрисида топшириқ юридик кучға эға бўлмайди ва ҳақиқий ҳисобланмайди.

### **3. Топшириқ шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.**

Топшириқ икки томонлама шартнома бўлганлиги туфайли ҳар икки тарафда ҳам муайян ҳуқуқ ва бурчлар бўлади.

#### **Вакилнинг бурчлари асосан тубандагилардан иборат:**

**биринчидан**, вакил ўзига берилган топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқ берувчининг кўрсатмалари аниқ йўл кўйиладиган ва бажариладиган бўлмоғи керак.

Агар бундай кўрсатмалар берилмаган бўлса, вакил топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб ўзи мустақил равишда ҳаракат қилишға ҳақли бўлади. Вакил қоида бўйича топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четға чиқа олмайди.

Аммо ишнинг ҳолатларига кўра, топшириқ берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четға чиқиш зарур бўлса ҳамда вакил топшириқ берувчидан бу ҳақда олдиндан сурай олмаган

ёхуд ўз сўровига мақбул муддатда жавоб олмаган бўлса, у топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда вакил хабар бериш имкони туғилиши биланоқ йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига хабар қилиши шарт.

Агарда топшириқ берувчи тижорат вакили сифатида иш олиб борадиган вакилга топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб олдиндан суров юбормаган ҳолда топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай ҳолларда тижорат вакили, агар топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига мақбул муддатда хабар бериши шарт (ФК-нинг 819-моддаси);

**иккинчидан**, топшириқни шахсан вакилнинг ўзи бажариши лозим (ушбу Кодекснинг 822-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

**учинчидан**, топшириқ берувчининг талабига мувофиқ унга топшириқ қандай бажарилаётганлиги тўғрисида маълумот бериб туриши;

**тўртинчидан**, топшириқни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма ашёни кечиктирмасдан топшириқ берувчига топшириши;

**бешинчидан**, топшириқ бажариб бўлингандан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топшириқ берувчига қайтариб бериши ва агар шартнома шартларига топшириқнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим қилиши, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт (ФКнинг 820-моддаси).

Агарда топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ёки вакил топшириқ берувчининг манфаатларини химоя қилиши мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса, вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга, яъни ўринбосарига топширишга ҳақли (ФКнинг 822-моддаси). Бунда вакил қуйидагиларни содир этиши мумкин:

**биринчидан**, топшириқни бажаришни бошқа шахсга ишониб топширган вакил бу ҳақда дарҳол топшириқ берувчини хабардор қилиши шарт;

**иккинчидан**, топшириқ берувчи вакил танлаган ўринбосарни рад этишга ҳақли, лекин ўринбосар номини топшириқ шартномасида келтирган ҳоллар бундан мустасно;

**учинчидан**, агар вакил ўринбосарининг номи шартномада кўрсатилган бўлса, вакил ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши учун жавобгар бўлмайди;

**туртинчидан**, агар ишларнинг ўринбосар томонидан олиб борилиши топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса-ю, лекин ўринбосарнинг номи унда кўрсатилган бўлмаса, вакил ўринбосарнинг айбли ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди;

**бешинчидан**, агар вакилнинг ўринбосари томонидан иш юритилиши топшириқ шартномасида назарда тутилмаган бўлса, вакил ўз ўринбосарининг ҳар қандай ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

**Топшириқ берувчининг мажбуриятлари қуйидагича.**

Агарда топшириқ шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топшириқ берувчи қуйидагиларни бажариши:

**Биринчидан**, вакилни топшириқни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлаши;

**Иккинчидан**, вакил шартномага мувофиқ бажарган ишни кечиктирмасдан (топшириқни бажариши юзасидан олинган барча пулларни, ҳужжатларни ва ашёларни вакилдан) қабул қилиб олиши;

**Учинчидан**, вакил топшириқни бажариш учун қилган зарур харажатларни тўлаши (масалан, вакилнинг йўлқира харажатларини, ишни топшириш ва топшириқни бажариши юзасидан қилган бошқа харажатларини тўлаши лозим. Бундай харажатлар вакил ҳаракатининг муваффақиятли бўлиш-бўлмаглигидан катъи назар, тўланади);

**Тўртинчидан**, топшириқ бажарилганидан кейин, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, вакилга ҳақ тўлаши шарт.(ФКнинг 818, 821-моддалари). Хизмат ҳақининг миқдори амалда бўлган тарифларга ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ равишда белгиланади.

**4. Топшириқ шартномасининг бекор бўлиши.**

Топшириқ шартномаси (мажбуриятларининг бекор қилинишига оид умумий асослардан ташқари) қуйидаги ҳолларда:

**Биринчидан**, топшириқ берувчи топшириқни бекор қилиши;

**Иккинчидан**, вакил топшириқдан бош тортиши;

**Учинчидан**, топшириқ берувчининг ёки вакилнинг вафот этиши, улардан бирининг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши натижасида тўхтатилади.

Топшириқ берувчи истаган вақтда топшириқни бекор қилишга, вакил эса топшириқдан бош тортишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан воз кечиш

ҳақидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. (ФКнинг 823-моддаси). Мазкур ҳол императив (қатъий) характердаги норма бўлганлиги туфайли бундай шарт тарафлар томонидан шартномада назарда тутилмаган бўлса бу қоида ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар вакил топшириқ шартномасининг бекор қилингани ҳақида билмаган ва билиши лозим бўлмаган бўлса, унинг топшириқ берувчининг кўрсатмасига мувофиқ қонуний равишда қилган ҳаракатлари топшириқ берувчи (унинг қонуний вориси) зиммасига учинчи шахслар ва вакилга нисбатан мажбурият юклайди.

Тадбиркор сифатида иш олиб бораётган вакил билан топшириқ шартномасидан бош тортаётган тараф шартномани бекор қилиш тўғрисида иккинчи тарафни, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилиши шарт. Тижорат вакили бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи ўз топшириғини ана шундай олдиндан хабар бермай туриб бекор қилишга ҳақли (ФКнинг 823-моддаси).

Топшириқ берувчининг бедарак йўқрилганлиги, вафот этганлиги ёки муомалага лаёқатсиз бўлиб қолганлиги ёхуд муомалага лаёқатининг чекланганлиги ёнки юридик шахс бўлиб ҳисобланган топшириқ берувчи ташкилотнинг тугатилганлиги туфайли вакил топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳимоя қилиш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирон-бир шахсга, масалан, вассийга, ҳомийга ёки юридик шахсни тугатиш комиссиясига юклатилгунга қадар унинг ишини олиб боришга, топшириғини адо этишга мажбур бўлади.

**Топшириқ шартномасини бекор қилиш оқибатлари.** Агар топшириқ шартномаси топшириқ вакил томонидан тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинган бўлса, топшириқ берувчи вакилга топшириқни бажариш вақтида қилинган чиқимларни тўлаши, вакилга ҳақ берилиши керак бўлганида эса, унга бажарилган ишга мувофиқ ҳақ тўлаши ҳам шарт. Бу қоида вакил топшириқнинг бекор қилинганини билган ёки билиши лозим бўлганидан кейин бажарган топшириққа татбиқ этилмайди (ФКнинг 824-моддалари).

**Топшириқ шартномасида ҳуқуқий ворислик.** Вакил вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари ёки мерос мулкнинг сақланишини таъминлаш мажбурияти юклатилган бошқа шахслар топшириқ шартномаси бекор қилиниши ҳақида топшириқ берувчига кечиктирмай хабар беришлари ҳамда топшириқ берувчининг мол-мулкани муҳофаза қилиш учун зарур чораларни кўришлари, хусусан, топшириқ бе-

рувчининг ашёларини, шунингдек ҳужжатларини сақлаб қўйишлари, сўнгра эса унга топширишлари шарт. Вакил (ишончли вакил) бўлган юридик шахсни тугатаётган шахснинг зиммасида ҳам шундай мажбурият бўлади.

Вакил (ишончли вакил) сифатида иш олиб бораётган юридик шахс қайта ташкил этилганида топшириқ берувчи бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши керак. Мазкур ҳолатда бундай юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар топшириқ берувчи ўттиз кунлик муддатда топшириқ шартномасидан бош тортишини маълум қилмаса, унинг қонуний ворисига ўтади (ФКнинг 825-моддаси).

Вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шахсий характерда, яъни унинг шахси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисларига ўтмайди. Фақат хизмат ҳақи ва қилинган харажатларни олишга бўлган ҳуқуқларигина ворисларига ўтиши мумкин.

Бундан ташқари, шахснинг ҳаракатлари бевосита бошқа шахс манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлмаса, шу жумладан уларни амалга оширган шахс ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиляпман деб, хато уйлаган ва унинг ҳаракатлари бошқа шахснинг асоссиз бойиб кетишига олиб келган ҳолларда ҳам ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар унинг тадбиркорлик фаолияти доирасига киритилган тақдирда бу шахс ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаш билан бир каторда, тегишли миқдорда ҳақ тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Топшириқ олмасдан бошқа шахс манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахс мақсадга мувофиқ равишда қилган барча ҳаракатлари натижасида мулкӣ зарарнинг олдини ололмаганида ҳам кўрган зарарларини тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Топшириқ олмасдан бегона шахсларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилган шахснинг харажатлари миқдори унинг сақлаб қолмоқчи бўлган мулк қийматидан ошмаслиги керак. Топшириқ олмасдан бегона шахсларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилувчи шахсга муайян мажбуриятлар ҳам юклатилади.

Жумладан: биринчидан, топшириқ олмасдан ҳаракат қилувчи шахс имконияти бўлган замон манфаатдор шахсни бу тўғрида хабардор қилишга (ФКнинг 830-моддаси);



иккинчидан, хабардор қилиш имконияти бўлмаганида мулкый ёки шахсий зарарнинг олдини олиш юзасидан зарур бўлган барча чораларни кўришга;

учинчидан, топшириқ олмасдан қилинган ҳаракат натижасида олинган мулкни манфаатдор шахсга топширишга;

туртинчидан, ўзининг қилган харажатлари тўғрисида маълумот беришга;

бешинчидан, касддан ёки кўпол эҳтиётсизлик натижасида манфаат кўзланган шахсга етказилган зарарларни тўлашга мажбур бўлади (ФКнинг 831-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1.Топшириқ шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва шартнома шакли.

2.Топшириқ шартномасида қатнашувчи тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Топшириқни бажаришни бошқа шахсга ўтказиш.

4. Топшириқ шартномасида ҳуқуқий ворислик.

## **47-БОБ. БЕГОНА ШАХСНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ТОПШИРИҚСИЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ**

### **1. Бегона шахснинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш сабабли вужудга келадиган мажбуриятлар**

Манфаатдор шахсга ёки унинг мол-мулкига зарар етказилишининг олдини олиш, унинг мажбуриятларини бажариш ёки унинг қонунга зид бўлмаган бошқа манфаатларини кўзлаб, унинг топшириқсиз, бошқа кўрсатмасисиз ёки олдиндан ваъда берилган розилигисиз қилинган ҳаракатлар (бегона шахснинг манфаатини кўзлаб қилинган ҳаракатлар) очик кўриниб турган манфаат ёки фойдадан ҳамда манфаатдор шахснинг ҳақиқий ёки эҳтимол тутилган ниятларидан келиб чиқиб ҳамда ишнинг ҳолатларига кўра зарур ғамхўрлик ва эҳтиёткорлик билан қилинмоғи керак (ФКнинг 826-моддаси).

Бегона шахс (шахслар) манфаатини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилиш сабабли ҳақ тўлаш мажбуриятини вужудга келтириш учун тубандагича шартлар мавжуд бўлиши керак:

**биринчидан**, қилинган ҳаракатлар бошқа бир шахснинг мулкӣ манфаатларига ёки мулкӣ - характерда бўлган шахсий манфаатларига зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Масалан, бировнинг адашган молини эгасига топширганга қадар боқиб туриш ва унинг учун зарур харажатларни қилиш ёки қўшнисининг йўқлигида унинг боласи тўсатдан касал бўлиб қолиши туфайли уни даволашга қаратилган баъзи ҳаракатларни амалга ошириш ва бунинг учун муайян харажатлар қилиш ва ҳоказо;

**иккинчидан**, бегона шахс манфаатини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилиш аниқ шароитларда зарур ва мақсадга мувофиқ бўлиши керак;

**учинчидан**, топшириқсиз ҳаракат қилиш, ҳаракат қилувчи шахс ўз фаолиятини амалга оширишга киришишда манфаатдор шахсни хабардор қилиш ва мазкур ҳаракатларни қилиш учун унинг розилигини олиш имкониятига эга бўлмаслиги керак.

Лекин бошқа шахс манфаатларини кўзлаб, унинг топшириқсиз ҳаракат қилувчи шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ, бу ҳақда манфаатдор шахсга хабар қилмаса, у қилинган харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бошқа шахс манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилаётган шахс тегишли фаолиятини амалга оширишидан фуқаро вафот этган ёки юридик шахснинг фаолияти тўхтатилган тақдирда, ман-

фаатдор шахс фаолияти тўхтатилган тақдирда ҳам манфаатдор шахс меросхўрлари (қонуний ворислари) унинг ўрнини олгунларича бошланган фаолиятни давом эттириши шарт.

Юқорида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда бошқа шахс (шахслар)нинг манфаатини кўзлаб, топшириқ олмасдан ҳаракат қилган шахс ўзининг зарур харажатларининг, жумладан, мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарланишидан сақлаб қолиш ёки шахсий зарарнинг олдини олиш учун қилган харажатларининг тўланишини талаб қила олади. Бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахс мақсадга мувофиқ равишда қилган барча ҳаракатлари натижасида мулкнинг зарарнинг олдини ололмаганида ҳам кўрган зарарларининг тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Фуқаролик кодексининг 828-моддасига мувофиқ, бошқа шахс манфаатини кўзлаб тузилган битим бўйича мажбуриятлар битам тузилишидан манфаатдор бўлган шахс мазкур битимни мақуллаган пайтдан бошлаб унга ўтади, башарти бошқа тараф мажбуриятларнинг бундай ўтишига эътироз билдирмаса ёки битимни тузиш пайтида битим бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб тузилганлигини билган ёхуд билиши лозим бўлган бўлса, бундай битим бўйича мажбуриятлар битим тузилишидан манфаатдор бўлган шахсга ўтганида, ушбу битим бўйича ҳуқуқлар ҳам шу шахсга берилиши зарур. Бундан ташқари, битим тузган шахс бошқа шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширилган фаолият туфайли қилган харажатлари қоплангунча ҳуқуқларни топширишни кечиктириб туриши мумкин.

ФКнинг 829-моддасида топшириқсиз қилинган ҳаракатлардан манфаатдор шахснинг мажбуриятлари ушбу қилинган ҳаракатдан манфаатдор бўлган шахс унинг манфаатларини кўзлаб иш олиб борган шахсга зарур харажатларни ва бошқа шахснинг манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар аниқ бўлиб, бироқ кўзланган натижага эришилмаган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. Лекин бошқа шахснинг мол-мулкига зарар етказишнинг олди олинган ҳолларда ўрнини қоплаш ҳақининг миқдори мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетмаслиги керак.

Бундан ташқари, шахснинг ҳаракатлари бевосита бошқа шахс манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлмаса, шу жумладан, уларни амалга оширган шахс ўз манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиляпман деб, хато ўйлаган ва унинг ҳаракатлари бошқа шахснинг асоссиз бойиб кетишига олиб келган ҳолларда ҳам ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бошқа шахснинг

манфаатларини кўзлаб қилинган ҳаракатлар унинг тадбиркорлик фаолияти доирасига киритилган тақдирда бу шахс ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаш билан бир қаторда, тегишли миқдорда ҳақ тўлашни ҳам талаб қилишга ҳақли. Топшириқ олмасдан бошқа шахс манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган шахс мақсадга мувофиқ равишда қилган барча ҳаракатлари натижасида мулкий зарарнинг олдини ололмаганида ҳам кўрган зарарларини тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Топшириқ олмасдан бегона шахсларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилган шахснинг харажатлари миқдори унинг сақлаб қолмоқчи бўлган мулк қийматидан ошмаслиги керак. Топшириқ олмасдан бегона шахсларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилувчи шахсга муайян мажбуриятлар ҳам юклатилади.

Жумладан: **биринчидан**, топшириқ олмасдан ҳаракат қилувчи шахс имконияти бўлган замон манфаатдор шахсни бу тўғрида хабардор қилишга (ФКнинг 830-моддаси);

**иккинчидан**, хабардор қилиш имконияти бўлмаганида мулкий ёки шахсий зарарнинг олдини олиш юзасидан зарур бўлган барча чораларни кўришга;

**учинчидан**, топшириқ олмасдан қилинган ҳаракат натижасида олинган мулкни манфаатдор шахсга топширишга;

**тўртинчидан**, ўзининг қилган харажатлари тўғрисида маълумот беришга;

**бешинчидан**, қасддан ёки кўпол эҳтиётсизлик натижасида манфаат кўзланган шахсга етказилган зарарларни тўлашга мажбур бўлади (ФКнинг 831-моддаси).

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Бегона шахс манфаатларини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилиш тушунчаси.

2. Бегона шахс манфаатларини кўзлаб, топшириқсиз ҳаракат қилиш шартлари.

3. Бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб битим тузиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.

## **48-БОБ. ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ**

### **1. Воситачилик шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Фуқаролик кодексининг 832-моддасида воситачилик шартномасига таъриф берилган. Унга кўра, воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Фуқаролик кодексида берилган таърифга мувофиқ воситачилик шартномасига қуйидаги ҳуқуқий белгилар хосдир.

**Биринчидан,** воситачилик шартномасида икки тараф иштирок этади ва уларнинг ҳар бирида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади. Бу жиҳат ушбу шартноманинг икки томонлама эканлигини билдиради.

**Иккинчидан,** воситачилик шартномаси муайян ҳақ эвазига тузилади.

**Учинчидан,** воситачилик шартномаси консенсуал характерга эга.

**Воситачилик шартномасининг шакли.** Воситачилик шартномаси албатта ёзма тузилиши шарт. Қонунда белгиланган ушбу қоида императив характерга эга бўлиб, тарафлар ўз хохишлари билан ушбу шартни ўзгартиришга ҳақли эмас. Агар тарафлар шартноманинг шакли ҳақидаги қоидага амал қилмайдиган бўлсалар, шартнома тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади.

Қонун ҳужжатларида айрим турдаги воситачилик шартномасининг хусусиятлари назарда тутилган бўлиши мумкин.

Воситачилик шартномаси бўйича (воситачи) савдо-сотик қилинаётганда комитентнинг шахсан ўзи иштирокисиз учинчи шахслар билан бир неча ҳақ эвазига шартномалар тузади. Воситачи комитентнинг топшириғига биноан, унинг номидан ҳаракат қилади.

**Сотувчи (воситачи) мулк эгаси бўлмаган** ҳолда, учинчи шахслар билан бўладиган муносабатларда тўла ҳуқуқли тараф сифатида иштирок этади.

Воситачилик шартномаси кўп томонлари билан топшириқ шартномасига ўхшайди. Масалан, топшириқ шартномасида ҳам, воситачилик шартномасида ҳам бажарувчи топшириқ берувчининг фойдасини кўзлаб ҳаракат қилади. Топшириқ шартномаси бўйича қонунга зид бўлмаган ҳаракатлар юзасидан топшириқ берувчининг берган топшириғини вакил амалга оширса, воситачилик шартномаси бўйича воситачи фақатгина фуқаролик муомаласида бўлиши мумкин бўлган буюмлар юзасидан савдо-сотик қилишда воситачилик қилиши мумкин.

Бу шартномалар бир-биридан фарқ ҳам қилади. Чунончи: Топшириқ шартномаси ҳам текинга, ҳам ҳақ бараварига тузилиши мумкин бўлса, Воситачилик шартномаси фақат ҳақ эвазига тузилади. Бу шартномалар предмети билан ҳам фарқ қилади. ФКнинг 832-моддасида воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилган олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам воситачи ҳуқуқ ларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади, деб кўрсатилади.

Топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади (ФКнинг 817-моддаси).

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин (ФКнинг 832-моддаси).

**Воситачилик шартномасининг мақсади** товарларни савдо-сотик қилишда тарафларга қулайликлар яратиш, ўзига тегишли бўлмаган буюмлар билан чекланмаган миқдорда савдо-сотик қилишда воситачиликка кенг имконият яратиб бериш ҳисобланади.

Бундан ташқари, воситачи билан комитент ўртасидаги воситачилик шартномасида комитент воситачига савдо-сотикдан ташқари

пудрат, юк ташиш шартномаларини тузишни ҳам топшириши мумкин.

Вооситачилик шартномасида бир томондан воситачи комитент фойдасига бир неча битимларни амалга ошириши лозим бўлса, иккинчи томондан комитент воситачига ўз фойдаси учун қилинган ҳаракатларни мукофотлаш, ҳақ тўлаш ва шартномада курсатилган бошқа ҳаракатларни бажариш каби мажбуриятларни олади.

Воситачилик шартномаси бўйича тарафлар ўртасида товарларни қабул қилиб олиш вақтида содир этиладиган ҳаракатлар квитанция ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилиши орқали амалга оширилади, воситачига бериладиган мукофотлар миқдори товарга қўйилган нарх фоизидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачи қабул қилиб олган товар туриб қолган тақдирда уни уч мартагача ўз нархидан арзонлаштириш мумкин. Бу ҳолат комитент билан келишилган ёки келишилмасдан амалга оширилиши мумкин (агарда бу ҳақда шартномада қайд қилинган бўлса). Бундан ташқари, воситачи нархни учинчи марта тушираётганда, албатта, комитентни чакириши ёки унинг розилигини олиши лозим. Комитент нархни учинчи марта туширишга қарши бўлиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда қўйилган буюм-ашёни қайтариб олишга ҳақли, бунда воситачининг сақлаганлик ҳаракатлари ва харажатларини қоплаши лозим.

Воситачи ўз фаолиятини савдо-сотиқ ҳақида қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширади. Жумладан, ҳар хил ўқ-отар қуроллар, антиквар буюмлар, қимматбаҳо металл ва тошлардан қилинган нарсаларни сотишда воситачилик қилиш учун махсус рухсат олиши шарт.

**Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси.** Воситачи сотадиган мол-мулкнинг баҳоси, агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, комитент билан келишган ҳолда белгиланади (ФКнинг 836-моддаси).

**Воситачилик шартномасида тарафлар сифатида,** воситачи ва комитент иштирок этиши мумкин.

**Воситачи** – комитент ҳисобидан, ўз номидан бир ёки бир неча битимни тузувчи фуқаро ёки ташкилот бўлиши мумкин. Ҳозирда воситачилик билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайд этилган субъектларгина шуғулланишга ҳақли.

**Комитент** – ўзи фаолиятида воситачи хизматидан манфаатдор бўлган, воситачига турли битимларни тузишга топшириқ берувчи фуқаро ёки юридик шахс.

## **2. Воситачилик шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Воситачилик шартномаси икки тарафлама шартнома бўлганлиги туфайли тарафларнинг ҳар қайсиларида, яъни комитентда ҳам, воситачида ҳам муайян ҳуқуқлар ва бурчлар бўлади.

### **Воситачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Воситачи учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма ҳуқуқларни амалга ошириши шарт.

Воситачи учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма ҳуқуқларни амалга ошириши шарт.

Воситачи ўз зиммасига олган топшириқни комитентнинг кўрсатмаларига мувофиқ, воситачилик шартномасида бундай кўрсатмалар бўлмаганда эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ комитент учун энг фойдали шартлар асосида бажариши лозим. Агар воситачи битимни комитент кўрсатганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида тузган бўлса, қўшимча фойда, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар ўртасида барабар тақсимланади.

Воситачи битимнинг ижроси учун комитентга кафолат берган (делькредере) ҳолларда у воситачилик шартномасида келишилган миқдорда қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Комитент ҳисобидан учинчи шахс билан тузилган битим учинчи шахс томонидан бажарилмаганлиги учун воситачи комитент олдида жавобгар бўлмайди, воситачи ушбу шахсни танлашда зарур эҳтиёткорлик қилмаган ёки битимнинг бажарилишига кафолат берган (делькредере) ҳоллар бундан мустасно.

Воситачи учинчи шахс билан тузган битимни учинчи шахс бажармаган тақдирда, воситачи бу ҳақда дарҳол комитентга хабар бериши, зарур далил-исботларни тўплаши ва таъминлаши, шунингдек комитентнинг талабига кўра бундай битим юзасидан ҳуқуқларни талабларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда (Фуқаролик кодекснинг 313-317, 319, 320-моддалари) унга топшириши шарт.



Фуқаролик кодекси 834-моддасининг бешинчи қисми асосида битим бўйича ҳуқуқларни комитентга топширишга, воситачининг учинчи шахс билан ҳуқуқларни бундай беришни тақиқлайдиган ёки чеклайдиган келишувидан қатъи назар, йўл қўйилади. Бу ҳол воситачи ҳуқуқни топширишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақидаги келишувни бузиб ҳуқуқни топширганлиги муносабати билан уни учинчи шахс олдидаги жавобгарликдан озод қилмайди (ФКнинг 834-моддаси).

Агар воситачилик шартномаси комитентга боғлиқ сабаблар билан бажарилмаган бўлса, воситачи воситачилик ҳақида, шунингдек қилинган харажатларнинг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади (ФКнинг 833-моддаси).

Қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, воситачи иш манфаатларини, шунингдек, комитент манфаатларини кўзламасдан, комитент томонидан берилган кўрсатмалардан четга чиқиши – тарафлар ўртасида тузилган шартномани бузиш деб кўрсатилади. Бинобарин, бунинг натижасида кўрилган зарар воситачи томонидан комитентга тўланиши лозим. Чунончи, воситачи комитент томонидан тайинланиб, ўзаро келишиб белгиланган ашёнинг сотиш баҳосини ўзича комитент билан келишмасдан ўзгартира олмайди, акс ҳолда, ашёнинг бегиланган нархи билан сотилиши баҳоси ўртасидаги фарқни комитентга тўлашга мажбур бўлади.

Фуқаролик кодексининг 835-моддасида қўшимча воситачилик назарда тутилган. Унга кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи воситачилик шартномасини бажариш мақсадида бошқа шахс билан қўшимча воситачилик шартномаси тузишга ҳақли бўлиб, қўшимча воситачининг ҳаракатлари учун комитент олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Қўшимча воситачилик шартномаси бўйича воситачи қўшимча воситачига нисбатан комитент ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Қонун бирон-бир битимни фақат махсус вакил қилинган шахслар билан тузишга йўл қўядиган ҳолларда қўшимча воситачилик шартномаси фақат ана шундай шахс билангина тузилиши мумкин.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачилик шартномаси бекор қилингунга қадар комитент воситачининг розилигисиз қўшимча воситачи билан бево-сита муносабатларга киришишга ҳақли эмас.

Фуқаролик кодексининг 837-моддасида комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқиш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилган. Унда

кўрсатилишича, воситачи комитентнинг кўрсатмаларидан Фуқаролик кодексининг 819-моддасида назарда тутилган ҳолларда четга чиқишга ҳақли.

Мол-мулкни комитент билан келишилган нархдан арзон сотган воситачи мол-мулкни келишилган нархда сотиш имконига эга бўлмаганлигини ва арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини исбот қилиб бермаса, орадаги фарқни комитентга тўлаши шарт. Воситачи комитентдан рухсат сўраши шарт бўлган ҳолларда у комитентнинг кўрсатмаларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини ҳам исбот қилиши шарт.

Агар воситачи мол-мулкни комитент билан келишилгандан юқорироқ нархда сотиб олган бўлса, бундай харидни қабул қилишни истамаган комитент воситачидан учинчи шахс билан битим тузилганлиги ҳақида билдириш олганидан кейин оқилона муддатда бу ҳақда воситачига маълум қилиши шарт. Акс ҳолда харид комитент томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Агар воситачи нархдаги фарқни ўзи тўлашини маълум қилса, комитент ўзи учун тузилган битимдан бош тортишга ҳақли эмас.

Воситачи Фуқаролик кодексининг 290-моддасига мувофиқ ўз қўлида бўлган, комитентга ёки комитент кўрсатган шахсга топширилиши керак бўлган ашёларни воситачилик шартномаси бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли.

Комитент ночор (бонкрот) деб эълон қилинган тақдирда воситачининг мазкур ҳуқуқи бекор қилинади, унинг ўзи ушлаб турган ашёлар қиймати доирасида комитентга қўядиган талаблари Фуқаролик кодексининг 291-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган талаблар қаторида қаноатлантирилади (ФКнинг 838-моддаси).

Воситачи Фуқаролик кодексининг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар.

#### **Комитентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Комитент:

воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши;

ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши;

воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдида ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт (ФКнинг 841-моддаси).

Комитент воситачилик ҳақини, тегишли ҳолларда эса делькредере учун қўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари, воситачилик топшириғини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкни сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас (ФКнинг 842-моддаси).

Комитент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи битимнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши учун кафолатни ўз зиммасига олган (делькредере) ҳолларда эса шартномада белгиланган миқдорда қўшимча ҳақ ҳам тўлаши шарт. Агар шартномада бу миқдор назарда тутилган бўлмаса ва у шартноманинг шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин бўлмаса, ҳақ миқдори Фуқаролик кодекси 356-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади (ФКнинг 833-моддаси).

### **3. Воситачилик шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги**

Фуқаролик кодексининг 840-моддасида белгиланишича воситачи қуйидаги ҳолатларда жавобгар бўлади.

Воситачи ўз ихтиёридаги комитент мол-мулкнинг йўқолишига, етишмаслигига ёки шикастланишига олиб келган ҳар қандай камчилик учун комитент олдида жавобгар бўлади.

Агар воситачи комитент юборган ёки воситачига комитент учун келган мол-мулкни қабул қилиб олаётганида бу мол-мулкда ташқаридан кўздан кечирганда сезиб қолиниши мумкин бўлган шикастланиш ёки етишмовчилик мавжуд бўлса, шунингдек комитентнинг воситачи қўлида турган мол-мулқига бирон-бир шахс зарар келтирган тақдирда воситачи комитентнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши, зарур далил-исботларни тўплаши ва буларнинг барчаси ҳақида дарҳол комитентни хабардор қилиши шарт.

Ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулкни суғурталамаган воситачи бунинг учун фақат комитент унга мол-мулкни комитент ҳисо-

бидан суғурталашни буюрган ёки воситачининг бу мол-мулкни суғурталашни воситачилик шартномасида ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган ҳоллар жавобгар бўлади.

#### **4. Воситачилик шартномасининг бекор бўлиши**

Воситачилик шартномаси қуйидаги ҳолатларда бекор бўлиши мумкин:

- комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
- воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
- воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилганлиги;
- воситачи ночор деб топилганлиги оқибатида бекор қилинади (ФКнинг 845-моддаси). Шунингдек, муддати кўрсатилиб тузилган воситачилик шартномасининг муддати тугаши ва шартнома юзасидан тарафларнинг ҳар иккиси, яъни воситачи ва комитент ўз зиммасига олган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ижро этишлари билан ҳам шартнома бекор бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, воситачилик топшириғининг комитент томонидан бекор қилиниши (ФКнинг 843-моддаси), воситачилик топшириғини бажаришдан бош тортиши (ФКнинг 844-моддаси) туфайли ҳам воситачилик шартномаси бекор бўлиши мумкин.

Шартномани бир томонлама бекор қилишнинг қуйидаги тўрт турини ажратиш мумкин:

1. Комитент шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
2. Воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги;
3. Воситачилик топшириғининг комитент томонидан бекор қилиниши;
4. Воситачилик топшириғини бажаришдан бош тортиши.

Комитент воситачига берган топшириғини истаган вақтида бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда воситачининг топшириқ бекор қилиниши муносабати билан кўрган зарари умумий асосларда қопланади.

Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда комитент шартномани бекор қилиши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда комитент воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимлар учун ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни тўлаши шарт.

Топширик бекор қилинган тақдирда комитент воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, борди-ю бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли (ФКнинг 843-моддаси).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортиши натижасида ҳам шартнома бекор қилиниши мумкин. Бироқ воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, воситачи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас, шартнома амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тузилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда воситачи комитентга шартномани бекор қилиши ҳақида, агар хабар қилишнинг узокроқ муддати шартномада назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабар бериши шарт.

Воситачи комитентнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Воситачи топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида хабардор қилинган комитент воситачининг топшириқни бажаришдан бош тортаётганлиги ҳақида билдиришнома олган кундан эътиборан, агар шартномада бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кун ичида воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни тасарруф этиши шарт. Агар комиссионер ушбу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни сақлаб қўйишга топширишга ёки уни комитент учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Агар воситачилик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, топшириқни бажаришдан бош тортган воситачи шартнома бекор қилингунча ўзи тузган битимлар учун воситачилик ҳақи олишга, шунингдек шу пайтга қадар қилган харажатларининг қопланишига бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади (ФКнинг 844-моддаси).

**Комитент шартномани бажаришдан бош тортиши натижасида шартноманинг бекор бўлиши** Фуқаролик кодексининг 846-моддасида берилган. Унга кўра, комитент муддати кўрсатилмай тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда воситачини, агар шартномада узокроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин хабардор қилади.

Бундай ҳолда комитент воситачилик шартномаси бекор қилинганга қадар тузган битимлари учун воситачига ҳақ тўлаши, шунинг-

дек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни унга тўлаши шарт.

Комитент воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган тақдирда Фуқаролик кодекси 844-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Воситачи муддати кўрсатилмасдан тузилган воситачилик шартномасини бажаришдан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда комитентни, агар хабардор қилишнинг узоқроқ муддати шартномада кўзда тутилган бўлмаса, ўттиз кундан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Бундай ҳолда воситачи ўз ихтиёридаги комитентнинг мол-мулки тўлиқ сақланиши учун чоралар кўриши шарт. Комитент воситачилик шартномаси бекор бўлгунча воситачининг ихтиёридаги мол-мулкни тасарруф қилиши шарт. Агар у мана шу мажбуриятни бажармаса, воситачи ё мол-мулкни комитент ҳисобидан сақлашга топширишга ёки уни комитент учун мумкин қадар фойдали баҳода сотишга ҳақли.

Воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортган воситачи воситачилик ҳақини олиш ҳамда шартнома бекор бўлган пайтда ўзига тегишли бўладиган харажатларни ундириб олиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 847-моддаси).

Фуқаро вафот этган ёки воситачи юридик шахс тугатилган тақдирда воситачилик шартномаси бекор қилинади.

Воситачи юридик шахс қайта ташкил этилганида унинг воситачи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, башарти қайта ташкил этиш юз берганлиги ҳақидаги маълумотни олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида комитент шартномани бекор қилганлиги ҳақида хабар бермаса, қонуний ворисларга ўтади.

Комитент фуқаро вафот этган, у муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб топилган тақдирда, шунингдек комитент юридик шахс тугатилган тақдирда воситачи ўзига берилган топшириқни комитентнинг меросхўрларидан ёки ҳуқуқий ворисларидан (вакиллари-дан) тегишли кўрсатмалар келгунча бажариб туриши шарт (ФКнинг 848-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Воситачилик шартномаси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари.

2. Воситачилик шартномаси тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Воситачининг комитент кўрсатмаларидан четга чиқиши. Шартномани ижро этиш.

4. Воситачилик шартномасининг бир томонлама бекор бўлиши. Воситачининг жавобгарлиги.

5. Топшириқ, воситачилик ва агентлик (вакиллик)нинг бир-бирларидан фарқлари.

6. Воситачининг, ишончли вакилнинг вазифаси ва мажбуриятларнинг хусусияти.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Воситачилик шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Воситачилик шартномасининг шакли ва воситачилик ҳақи.
3. Воситачилик шартномасида тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Воситачилик шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги.
5. Воситачилик шартномасининг бир томонлама бекор бўлиши

## **49-БОБ. МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ**

### **1. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг умумий қоидалари**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Қонунда ёки шарт-

номада мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича айрим ҳаракатларга нисбатан чекловлар назарда тутилиши мумкин. Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Агар ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради (ФКнинг 849-моддаси).

**Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг ҳуқуқий белгилари:**

**Биринчидан,** мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мазмунидан келиб чиқиб, ушбу шартнома бир томонлама характерга эга. Бироқ, шартнома юзасидан ишончли бошқарувчига ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, бу шартномани икки томонлама, - деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

**Иккинчидан,** мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ишончли бошқарувчининг хизматлари учун муайян ҳақ тўлаш назарда тутилиши ҳам ёки тутилмаслиги ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу шартнома текинга ёки ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига киради.

**Учинчидан,** мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ўз характерига кўра реал шартномалар қаторига киради. Чунки, ишончли бошқарувчида мол-мулкни ишончли бошқариш мажбурияти мол-мулк унга топширилган пайтдан вужудга келади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси муддатлидир. Яъни бошқарувчи мол-мулкни муайян муддат давомида бошқариш мажбуриятини олади ва муддат тугаши билан уни ўз эгасига қайтариб беради. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси умумий муддати беш йил.

Бу турдаги янги институт фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида муқаддам ёритилмаганлиги ва ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида янги мулкый муносабатларнинг вужудга ке-



лиши оқибатида ушбу институтни амалиётга кенг татбиқ қилиш фуқаролик ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки бу институт бизга қадар инглиз-америка ҳуқуқ тизимида трастинг номи билан кенг тарқалган ҳуқуқ институтларидан саналиб келган.

Фуқаролик кодексининг 850-моддасида мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиши (жорий бўлиш) асослари назарда тутилган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш қуйидаги асосларда вужудга келади (жорий этилади):

- муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси;
- васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома;
- суд қарори;
- васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахсининг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар.

**Мол-мулкни ишончли бошқариш объекти.** Фуқаролик кодексининг 851-моддасига мувофиқ, ишончли бошқариш объектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Қонунда кўзда тутилган ҳолларни истисно этганда, пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмайди. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хўжалик бошқаруви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкин (ФКнинг 851-моддаси, 2-қисм).

Амалиётда мол-мулкни ишончли бошқариш, асосан, икки хилдаги объектлар – кўчар ва кўчмас мулкларга нисбатан жорий қилинади.

Ишончли бошқарувга берилаётган объектлар ичида мулккий мажмуалар нисбатан амалиётда кўп учрайди. Маълумки, бошқа объ-

ектларга нисбатан ушбу объектлар мол-мулкни ишончли бошқарувчига кўпроқ фойда олиш имкониятини беради.

Мол-мулкни ишончли бошқарув объекти бўлиб фақатгина ашёлар эмас, балки алоҳида (мутлак) ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундай алоҳида ҳуқуқлар қаторига интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкний ҳуқуқлар киради.

### **Мол-мулкни ишончли бошқариш субъектлари.**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида субъекти сифатида бошқарувнинг муассиси, ишончли бошқарувчи ва фойда олувчилар иштирок этади.

**Бошқарувнинг муассиси** – муайян мол-мулкка эга бўлган, уни бошқариш ва ундан даромад олишда ишончли бошқарувчи хизматига эҳтиёжи мавжуд шахс.

**Ишончли бошқарувчи** – муассис томонидан ўзига бириктирилган мол-мулкни бошқариш учун тайинланган фуқаро ёки юридик шахс.

**Фойда олувчи** – мол-мулкни ишончли бошқариш натижасида олинган даромадни ўзига берилишини талаб қилувчи ва унга эгалик қилувчи шахс. Шартномада муассис билан фойда олувчи (фуқаро бўлганда) бир шахс бўлиши мумкин.

**Фуқаролик қонун ҳужжатларига асосан қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўладилар:**

мол-мулкнинг эгаси;

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

ваколатли давлат органи давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;

мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона - мулкдорнинг рухсати билан;

қонунда назарда тутилган ҳолларда - нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган (ФКнинг 852-моддаси 1-қисм).

**Қуйидагилар ишончли бошқарувчи бўлишлари мумкин:**

фуқаро;

юридик шахс (ФКнинг 852-моддаси 2-қисм).

Мол-мулк давлат органига ишончли бошқарувга берилиши мумкин эмас. Ишончли бошқарувчи фақат ўз розилиги билангина тайинланиши мумкин. Ишончли бошқарувчидан ташқари ҳар қандай шахс фойда олувчи бўлиши мумкин (ФКнинг 852-моддаси 3-қисм).

## **Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг шакли.**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради(ФКнинг 854-моддаси).

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 853-моддаси талабига кўра, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати;

фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма;

ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари;

ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс;

агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли. Мазкур санаб ўтилган шартлар бўлмаган тақдирда, шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Ишончли бошқаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк бошқарув муассисининг бошқа мол-мулкидан, шунингдек ишончли бошқарувчининг мол-мулкидан ажратилади. Ушбу мол-мулк ишончли бошқарувчида алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб

юритилади. Ишончли бошқарув билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисобкитоб юритиш учун алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқаришга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, ушбу шахс ночор (банкрот) бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бошқарув муассиси банкрот бўлганида, ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у кимосди савдосига қўйилган мол-мулкка қўшиб юборилади (ФКнинг 855-моддаси).

## **2. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мазмуни**

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади.

### **Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш соҳасидаги ҳаракатларни амалга ошириш натижасида қўлга киритган ҳуқуқлар ана шундай мол-мулк таркибига киритилади. Ишончли бошқарувчининг ана шундай ҳаракатларни амалга ошириши натижасида вужудга келган мажбуриятлар шу мол-мулк ҳисобидан бажарилади.

Ишончли бошқарувчи бошқарувга топширилган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга беришни ва гаровга қўйишни фақат бу ҳол мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширишга ҳақли.

Ишончли бошқарувда бўлган мол-мулкка ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ишончли бошқарувчи ўзининг ҳуқуқлари ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 228, 229, 231, 232-моддалари).

Ишончли бошқарувчи бошқарувнинг муассисига ва фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси билан белгиланган муддатларда ва тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туради (ФКнинг 857-моддаси).

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ишончли бошқарувчининг шахсига нисбатан ҳам муайян талаблар кўзда тутилиши мумкин. Масалан, тадбиркорликка қобилиятли, билим даражаси, ихтисоси ва бошқа жихатлари.

Ишончли бошқарувчи шартнома тузилгунга қадар ўзига бошқариш учун топширилаётган мол-мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлиги ҳақида хабардор қилиб қўйилиши керак. Ушбу шарт бузилган тақдирда ишончли бошқарувчи шартномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблаб, реал зарарни қоплашни ва мутаносиб ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка шартнома тузилганидан кейин учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлса, ишончли бошқарувчи эса бу ҳақда ўн кунлик муддатда хабардор қилинмаган бўлса, у мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини бекор қилиб, ўзига келтирилган ҳақиқий зарарнинг қопланишини ва мутаносиб ҳақ тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. (ФКнинг 856-моддаси).

Фуқаролик кодексининг 858-моддасига мувофиқ, ишончли бошқарувчи мол-мулкни шахсан ўзи бошқаради, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно.

Ишончли бошқарувчи бошқа шахсга ишончли бошқарувчи номидан мол-мулкни бошқариш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширишни топшириши мумкин, башарти унга мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ана шундай ваколат берилган бўлса ёки у бунга муассиснинг ёзма розилигини олган бўлса, ёхуд бошқарув муассисининг ёки фойда олувчининг манфаатларини таъминлаш учун вазият тақозоси билан бунга мажбур бўлса ва бунда бошқарув муассисининг кўрсатмаларини оқилона муддатда олиш имконига эга бўлма-са.

Ишончли бошқарувчи ўзи танлаган ишончли вакилнинг ҳаракатлари учун ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақни олиш, шунингдек у мол-мулкни ишончли бошқариш чоғида қилган зарур харажатларни бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ёки ушбу мол-мулкдан фойдаланишдан келган даромадлар ҳисобидан қоплатиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 860-моддаси).

### **Бошқарув муассисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Агар мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса, бошқарув муассиси ишончли бошқарувчига мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳақни ўз вақтида ва белгиланган суммада тўлаши, шунингдек ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш чоғида қилган

зарур харажатларни бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ёки ушбу мол-мулкдан фойдаланишдан келган даромадлар ҳисобидан қоплаб бериши шарт (ФКнинг 860-моддаси).

Бошқарув муассиси ишончли бошқарувчини шартнома тузилгунга қадар бошқариш учун топширилаётган мол-мулкка учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари борлиги ҳақида хабардор қилиб қўйиши керак (ФКнинг 856-моддаси).

Мол-мулкни ишончли бошқариш муассиси шартномада кўзда тутилганидек, ишончли бошқарувчининг фаолияти юзасидан назоратни амалга оширишга ҳақли, лекин у бошқарувчининг тезкор, ички хўжалик юритув фаолиятига аралашмаслиги лозим.

Бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан ўзига ва фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси билан белгиланган муддатларда ва тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб туришини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 857-моддаси).

Агар шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса муассис ишончли бошқарувчидан, мол-мулкни бошқариш жараёнида олинган фойда ва бошқа тушумларни фойда олувчига шартномада белгиланган муддатларда топширишни талаб қилишга ҳақли.

### **3. Мол-мулкни ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги**

Мол-мулкни ишончли бошқариш пайтида фойда олувчининг ёки бошқарув муассисининг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш вақтида бой берилган фойдани, бошқарув муассисига эса мол-мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди.

Агар ишончли бошқарувчи ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Агар битимда қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чиқилганлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ишончли бошқарувга топширилган мол-мулк ҳисобидан тўланади.

Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ундирув ишончли бошқарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса, бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши, яъни регресс даъво қилиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.

**Фуқаролик кодексининг 861-моддасига кўра мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:**

➤ тарафлардан бирининг шартнома муддати тугаши муносабати билан шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ;

➤ агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, фойда олувчи фуқаронинг вафот этиши, фойда олувчи юридик шахснинг тугатилиши муносабати билан;

➤ ишончли бошқарувчи фуқаро вафот этганида, у муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланганида, шунингдек якка тадбиркор ночор (банкрот) деб топилганида;

➤ ишончли бошқарувчи юридик шахс тугатилганида, у ночор (банкрот) деб топилганида;

➤ фойда олувчи, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома бўйича фойдани олишдан бош тортганида;

➤ ишончли бошқарувчи ёки бошқарув муассиси ишончли бошқарувчи учун мол-мулкни ишончли бошқаришни шахсан амалга ошириши мумкин эмаслиги муносабати билан бошқарувни амалга оширишдан бош тортганида;

➤ бошқарув муассиси ишончли бошқарувчига шартномада келишилган ҳақни тўлаган ҳолда Фуқаролик кодексининг 861-моддаси 4-бандида кўрсатилганидан бошқа сабабларга кўра шартномани бажаришдан бош тортганида;

➤ ишончли бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини тегишли даражада бажармаган тақдирда шартнома суднинг қарорига мувофиқ бекор қилинганида;

➤ қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга

кўра.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор қилинганда ишончли бошқаришда бўлган мол-мулк, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқарув муассисига топширилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинганда иккинчи тараф, агар шартномада бошқача муддат белгиланган бўлмаса, камида уч ой олдин бундан хабардор қилиб қўйилиши керак.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Мол-мулкни ишончли бошқариш тушунчаси ва қўлланиш соҳаси.
2. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари.
3. Мол-мулкни ишончли бошқариш субъекти ва объектлари.
4. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари.
5. Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
6. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бекор бўлиш асослари.

## **50-БОБ. КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИ**

### **1 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва ишларнинг, турли хилдаги мулкӣ ҳуқуқларнинг фуқаролик муомаласидаги ҳаракатини амалга оширишда, бундай объектларнинг барчасини бир вақтда муомалада бўлишини комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси таъминлайди.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси бўйича бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тарафга (комплекс лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан)



лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 862-моддаси 1-қисми).

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси жаҳон амалиёти учун ҳам нисбатан янги институт бўлиб, ушбу шартнома ва у билан боғлиқ муносабатлар XX асрнинг бошларида вужудга келган. Мазкур шартноманинг номланиши хусусида ҳам бир қатор фикрлар мавжуд. Кўпчилик ривожланган давлатларда бу шартнома “франшизинг” (инглизча franchising – “ҳуқуқ”, “имтиёз” маъноларини англатади) номи билан машҳур бўлса, Россия Федерациясида “тижорат концессияси”, деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида бу шартноманинг “комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)” – деб номланишида ўзига хос маъно бор.

**Биринчидан**, мазкур шартноманинг бу тарзда (комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)) номланиши тегишли ҳуқуқий муносабатнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади.

**Иккинчидан**, шартноманинг номланишидаги “франшизинг” атамаси шартнома номини тўғри татбиқ этишга хизмат қилади.

**Учинчидан**, шартнома асосида бир тараф (лицензиар) иккинчи тарафга бераётган объектларнинг барчасини, фақатгина “комплекс тадбиркорлик” ибораси билан қамраб олиш мумкин.

**Тўртинчидан**, шартнома номланишида “лицензия” атамаси қўлланилиши бир шахсга тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлардан иккинчи шахснинг фойдаланиши билан боғлиқ.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг асосий мақсади (ҳуқуқий жиҳатдан) фақат тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар мажмуини вақтинча фойдаланишга бериш ҳисобланади. Шартнома асосида комплекс лицензиар ўзининг фирма номи ва қўриқланадиган бошқа тижорат ахбороти, ҳамда лицензиарнинг мутлақ ҳуқуқларига кирувчи объектлар: товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, ихтиролари (патент бўлгани ҳолда) ни комплекс лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига мувофиқ иккинчи томон-лицензиатга берилаётган ҳуқуқлар одатдаги мулкӣ ёки талаб қилиш ҳуқуқи эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эса, одатдагидек эгаллаб туриш мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ

соҳиби мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир<sup>1</sup>.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг иқтисодий аҳамияти шундаки, ушбу шартнома орқали йирик компаниялар ўз маҳсулотлари учун бозорлар вужудга келтирадилар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг муомалада қийинчиликсиз ҳаракати таъминланади. Бундан ташқари комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятини бошқа усуллар (масалан, юридик шахс ва қўшма корхона тузиш, алоҳида сармоя олиб кириш ва бошқалар) орқали амалга оширишга нисбатан анча қулайдир.

ФКнинг 862-моддаси иккинчи қисмида, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиатнинг лицензия комплексидан, лицензиарнинг иш соҳасидаги обрўсидан ва тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян ҳажмда (хусусан, минимал ва ёки максимал ҳажмда фойдаланишни белгилаб қўйган ҳолда) муайян фаолият соҳасига (лицензиардан олинган ёки лицензиат ишлаб чиқарган товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишлар бажариш, савдо фаолиятини амалга ошириш ва ҳоказо) қўллаган ҳолда, фойдаланиш ҳудудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан фойдаланиш назарда тутилиши мумкин.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси консенсуал, икки тарафлама ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Мазкур шартномада фуқаролик ҳуқуқидаги бир қанча шартномаларга хос жиҳатлар ифодалаганлиги учун, уни талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечиш шартномасидан, мулк ижараси шартномасидан, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномасидан ва лицензия шартномасидан фарқларини кўрсатиб ўтиш зарур.

Талабдан учинчи шахс фойдасига воз кечиш шартномасида кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқи франшизинг шартномасидан фарқ қилиб, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ булмайди. Бундан ташқари кредиторнинг ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиши билан унинг ўз ҳуқуқларига нисбатан ваколати барҳам топади. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида эса муайян муддатдан сўнг ёки белгиланган шарт амалга оширилганидан сўнг фойдаланишга олинган мутлақ ҳуқуқлар ўз соҳибига қайтарилади.

---

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. -Т.: ТДЮИ. 2003. -20 б.

Одатда, мулк ижараси шартномасида мулкый ҳуқуқлар фойдаланишга берилса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида мутлақ ҳуқуқлар фойдаланишга берилади. Баъзи ҳолларда ижара шартномасида ҳам мутлақ ҳуқуқлар берилиши назарда тутилиши мумкин. Масалан, корхонани ижарага бериш шартномасида корхонани индивидуаллаштириш воситалари мулкый комплекснинг таркибий қисми сифатида фойдаланишга берилади ва алоҳида ижара объекти сифатида қаралмайди.

Илмий-текшириш ишлари пудрати шартномасида эса, бажарилган ишнинг натижасида интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти яратилиши, бу эса ўз навбатида мутлақ ҳуқуқларни вужудга келтириши мумкин. Лекин бундай ҳолат ҳар доим ҳам юзага келмайди. Яъни илмий-текшириш ишлари пудрати шартномасида ҳамма вақт ҳам кўзланган натижага эришилавермайди. Қолаверса, бу турдаги пудрат шартномаларида ҳамма вақт ҳам интеллектуал мулк объектини яратиш талаби қўйилмайди. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида эса, предмет сифатида фақатгина мутлақ ҳуқуқлар эътироф этилади.

Лицензия шартномаларидан комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг фарқи шундаки, франшизинг шартномасида мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш мақсади белгилаб қўйилади, муаллифлик лицензияси ёки лицензия шартномаларида бундай чеклашлар белгиланмайди.

Франшизинг шартномаси қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Муаллифлик лицензияси эса рўйхатдан ўтказилмайди. Лицензия шартномаси эса фақатгина Давлат патент идораси томонидан рўйхатга олинади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, уни фуқаролик ҳуқуқидаги шартномаларнинг мустақил тури деб ҳисоблаш мумкин.

## **2 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг элементлари**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг тарафлари сифатида комплекс лицензиар ва комплекс лицензиат иштирок этади. Комплекс лицензиар ва лицензиат махсус субъектлар ҳисобланиб уларнинг иккаласи ҳам фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган фуқаролар бўлиши мумкин.

Комплекс лицензиар шартнома асосида берилаётган мутлақ ҳуқуқлар соҳиби бўлиб, мутлақ ҳуқуқларнинг унга тегишли эканлиги қонун ҳужжатларига асосланган бўлиши керак. Масалан, лицензиатга тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун берилаётган ҳуқуқлар патент ҳуқуқи объекти бўлганда лицензиар патент эгаси бўлиши ёки патентга нисбатан алоҳида “лицензия шартномаси” асосида ҳуқуқларга эга бўлиши, ёхуд унинг фирма номи тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, комплекс лицензиар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши, бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланиши керак. Бунда комплекс лицензиар тадбиркорлик фаолияти билан шартнома тузишдан олдин шуғулланган бўлиши талаб этилмайди, муҳими шартнома тузилаётган пайтда у тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида рўйхатга олинган бўлиши зарур<sup>1</sup>.

Комплекс лицензиат мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган шахс бўлиб, у ҳам шартнома тузилаётган пайтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Гарчи ФК ноtijорат ташкилотлари ва давлатнинг комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг субъектлари бўлиши мумкинлигини қатъий тақиқламаган бўлса-да, ФК 862-моддасининг 3-қисми (комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларгина тарафлар бўлиши мумкин) мазмунидан ноtijорат ташкилотлари ва давлат бу шартноманинг субъектлари бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг предмети-ни лицензиар томонидан лицензиатга берилаётган мутлақ ҳуқуқлар комплекси ташкил этади. Бу ҳуқуқларга қуйидагилар кириши мумкин:

1. Фирма номи;
2. Қўриқланадиган тижорат ахбороти;
3. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси;
4. Ихтиролар;
5. Лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичга оладиган бошқа мутлақ ҳуқуқлар комплекси.

Шартномага мувофиқ ушбу ҳуқуқларнинг ҳаммаси ёки бир неч-

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.2./Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.:Прспект.1997. -631 б.

таси ёхуд биттаси лицензиатга тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун берилиши мумкин. Лицензиат лицензиардан уларни ҳаммасини беришни талаб қилишга (шартномадан қайси ҳуқуқларнинг берилиши аниқ кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно) ҳақли эмас. Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиши учун фақат битта мутлақ ҳуқуқ, масалан фирма номи берилса ҳам, мутлақ ҳуқуқлар комплекс берилмаганлигидан қатъи назар бу шартнома комплекс тадбиркорлик лицензияси сифатида эътироф этилади.

Шартнома предмети ҳисобланган “мутлақ ҳуқуқлар комплекси”га лицензиарнинг ишчанлик обрўси ва ноу-хауларни ҳам киритиш мумкин. Зеро, ишчанлик обрўси ва ноу-хаулар ҳам мутлақ ҳуқуқ объекти сифатида шартнома предмети бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади (ФКнинг 862-моддаси 5-қисми).

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилмайди. Чунки шартнома тарафлари тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида шартномани тасдиқловчи муҳр ва штамп мавжуд бўлади. Шу билан бирга, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки яқка тадбиркор рўйхатга олинган орган томонидан рўйхатга олинади. Бундай органларга адлия органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари киради. А.А.Ивановнинг фикрича, шартномани давлат рўйхатидан ўтказишнинг зарурияти шартноманинг предмети билан боғлиқ. Чунки ўзига тегишли мутлақ ҳуқуқларни комплекс тадбиркорлик лицензияси асосида берар экан, тадбиркор, ўзининг бу борадаги ҳуқуқдорлигини чеклайди. Бундай чеклашлар эса, оммага ошкор қилиниши лозим<sup>1</sup>. Бунга қўшимча равишда шуни таъкидлаш лозимки, мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқ соҳиби томонидан бошқа шахсларга ўтказилиши унинг ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишга, тасарруф этишга бўлган ҳуқуқларини ҳудуд бўйича ёки ўзга ваколатлар бўйича чеклайди.

А.У.Тўраевнинг фикрича, томонларнинг қайси бири рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилиш тўғрисидаги масала қонунда аниқ

---

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.2./Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - М.: Проспект. 1997. -633 б.

белгиланган бўлиб, у лицензиар зиммасига юклатилган бўлади<sup>1</sup>. Лекин ушбу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини рўйхатга олинishi хусусидаги қоидаларни белгилловчи ФКнинг 863-моддасида шартнома рўйхатдан ўтказиш органига айнан лицензиарнинг мурожаат қилиши тўғрисидаги қоида белгиланмаган. Лекин мазкур норманинг мазмунидан шартномани рўйхатдан ўтказишни сўраб давлат органига лицензиар мурожаат этиши мақсадга мувофиқ бўлишини англаш қийин эмас. Бу ҳолат қуйидагиларда намоён бўлади:

**биринчидан**, лицензиар мутлақ ҳуқуқлар соҳиби сифатида ўзига тегишли ҳуқуқларнинг юридик тақдирини бегилишга фақатгина у ҳақли ҳисобланади;

**иккинчидан**, лицензиар шартномани рўйхатдан ўтказишдан лицензиатга нисбатан бир қанча қулайликларга эга. Масалан, унинг лицензиатга нисбатан ҳудудий яқинлиги ва рўйхатдан ўтказувчи органлар билан олдиндан муносабатнинг мавжудлиги.

Қонун шартномани рўйхатдан ўтказиш кимга юклатилишини тарафларнинг келишувига кўра белгиланишини чекламайди. Аксинча, ўзаро келишувга кўра, лицензиат ёки исталган учинчи шахс шартномани рўйхатдан ўтказишни сўраб давлат органига мурожаат этиши мумкин.

Патент ҳуқуқи объектлари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва шу кабилар) лицензиатга берилганда, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тегишли равишда адлия органлари ва маҳаллий ҳокимият органларидан рўйхатдан ўтказилса, патент ҳуқуқи объекти фойдаланишга берилганлиги тўғрисидаги лицензия Давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилади. Патент ҳуқуқи объектидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия комплекс тадбиркорлик лицензияси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг Давлат патент идораси томонидан рўйхатдан ўтказилади. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси мутлақ ҳуқуқлардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга рухсат бериш ҳисобланса, мутлақ ҳуқуқ соҳибининг ушбу ҳуқуқлардан фойдаланувчига бераётган рухсати – Давлат патент органи томонидан белгиланган тартиб асосида ва шаклда расмийлаштирилиш лозим бўлади ва бундай рухсат содда қилиб айтганда, “лицензия” – деб юритилади (ушбу “лицензия”ни муайян фаолият

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. 2 қисм. /Х.Раҳмонқулов, И.Зокировларнинг умум. тахр. остида.-Т.: Адолат. 1999. -282 б.

турини амалга ошириш учун давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган лицензия билан аралаштирмаслик лозим).

Шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги шартларга риоя этмаслик, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.

Шартноманинг баҳоси тарафларнинг ўзаро келишувига кўра аниқланади. Шартномада баҳонинг ифодаланмаслиги комплекс тадбиркорлик шартномасини ҳақиқий эмас, деб ҳисобланишига олиб келади.

Шартномада муддат белгиланиши ҳам, белгиланмаслиги ҳам мумкин. Чунки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси муддат асосида тузиладиган шартномалар тоифасига эмас, муайян шартларнинг бажарилишига асосланиб тузиладиган шартномалар тоифасига мансубдир.

### **3 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси мазмуни**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Шартнома икки томонлама шартномалар тоифасига хослиги сабабли, бир тарафнинг мажбуриятлари иккинчи тараф учун ҳуқуқ ҳисобланади ва аксинча.

Кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашларича, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиарнинг мажбуриятларини императив ва диспозитив мажбуриятларга бўлиш мумкин, ҳамда императив мажбуриятлар шартноманинг муҳим шартларини ташкил этади<sup>1</sup>.

Агар императив мажбуриятларни тарафлар ўзгартиришга ҳақли бўлмасалар, диспозитив мажбуриятларни ўз хоҳиш-иродаларига асосан ўзгартиришлари ёки бутунлай улардан воз кечишлари мумкин.

ФКнинг 866-моддасига мувофиқ, лицензиар қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

1. Лицензиатга техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириши ҳамда лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши, шунингдек лицензиат ва

---

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.2./Под. ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.:Проспект.1997. -638 б.; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.2 қисм./Ҳ.Раҳмонкулов, И.Зокировларнинг умум. таҳр. остида. -Т.: Адолат. 1999. -284 б.

унинг ходимларига ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан йўл-йўриқлар бериши шарт;

2. Лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;

3. Лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиши, шу жумладан, ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериши шарт.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиарнинг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Санаб ўтилганлардан биринчиси ва иккинчиси императив характерга эга мажбуриятлар бўлиб, биринчиси мутлақ ҳуқуқларни топшириш, мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишга доир техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириш ва кўшимча ахборотларни бериш билан боғлиқдир. Шу билан бирга, лицензиат ва унинг ходимларига мутлақ ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан йўл-йўриқлар бериш мажбурияти ҳам императив характерга эгадир. Чунки бусиз лицензиат ўзига берилаётган мутлақ ҳуқуқлардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш имконига эга бўлмайди.

Лицензиатга шартномада берилган лицензияларни бериш ва уларни расмийлаштирилиши одатда патент ҳуқуқи объектлари берилишида аҳамиятга эга бўлади. Юқорида таъкидланганидек, франшизинг шартномасини тузиш билан бирга, патент ҳуқуқи объектлари учун алоҳида лицензиялар бериш ҳам талаб этилади. Акс ҳолда патент ҳуқуқи объектларидан комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиши ғайриқонуний деб топилиши мумкин.

Лицензиарнинг лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, ҳамда ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга ёрдам бериш мажбурияти диспозитив характерга эга. Бу мажбурият фақатгина лицензиарнинг ўз фойдаси учун амалга оширилишини тақозо этадиган ҳолат сифатида қаралади. Чунки лицензиатга бу турдаги ёрдам кўрсатиш бозордаги товарлар сифатининг яхшиланишига ва лицензиарнинг ишчанлик обрўсининг ошишига олиб келиши билан бирга, лицензиат томонидан тўланадиган ҳақ миқдорининг ортишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Лицензиар лицензиат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар, кўрсатилаётган хизмат ва бажарилаётган иш сифатини назорат қилиб



туриши лозим. Акс ҳолда лицензиатнинг сифатсиз маҳсулоти учун учинчи шахслар олдида мулкӣ жавобгар бўлиши мумкин.

Лицензиатнинг энг асосий мажбурияти - ўзига фойдаланиш учун берилган мутлақ ҳуқуқлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш ва бунинг эвазига шартномада белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятидир. Лицензиат лицензиарга қатъий белгилаб қўйилган бир йўла ёки даврий тўловлар, тушумдан ажратмалар, лицензиар томонидан унга қайта сотиш учун етказиб бериладиган товарларнинг улгуржи нархларига устамалар шаклида ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида назарда тутилган бошқа шаклда ҳақ тўлайди.

Ушбу мажбуриятга қўшимча равишда лицензиат қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

1. Шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиш. Агар шартномада фирма номи ёки тижорат ахборотидан фойдаланишга нисбатан чеклашлар белгиланган бўлса, лицензиат ана шундай чеклашларга амал қилиши лозим. Масалан, шартномада фирма номидан фақатгина товарларни сотишда фойдаланиш назарда тутилган бўлса, лицензиат тадбиркорликнинг бошқа турида лицензиарнинг фирма номидан фойдаланмаслиги керак.

Бундан ташқари лицензиат шартномада махфий сақланиши кўзда тутилган маълумотларни сир сақлаши, айнан қайси компаниянинг фирма номи, товар белгиси ва тижорат сирларидан фойдаланиб фаолият юритаётганлигини истеъмолчилар очик-ойдин билиб олиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаши шарт. Шартнома асосида сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни лицензиар белгилаб беради. Бошқача айтганда, лицензиар махфий сақланишини талаб қилган ҳар қандай маълумот, у нисбий тижорат қийматига эга бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, лицензиат томонидан сир сақланиши лозим.

2. Лицензиат шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар, бажараётган ишлар сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаш. Масалан, лицензиар – нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Дока” компанияси томонидан тайёрланган нон маҳсулотларининг оғирлиги, ташқи кўриниши, сифати ва мазаси

бўйича лицензиат томонидан тайёрланаётган нон маҳсулотлари юқоридаги параметрлар билан бир хилда бўлиши керак.

3. Лицензиарнинг лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш характери, усуллари ва шартлари бу ҳуқуқлардан лицензиарнинг фойдаланишига аниқ мос келишига қаратилган барча йўриқномалари ва кўрсатмаларига, шу жумладан, лицензиат шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг ташқи ва ички безакларига доир кўрсатмаларига ҳам риоя этиш.

Лицензиат мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишда лицензиар томонидан бу ҳуқуқлар қандай усулларда амалга оширилаётган бўлса, шундай усулларга амал қилиши лозим. Тижорат биноларидаги ёзувлар, эълонлар ва реклама афишалари, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кийиниши, бинони безаб турувчи турли хилдаги безак ва кўринишлар ташқи ва ички томондан лицензиарнинг амалиёти билан бир хилда бўлиши ёки лицензиар берган кўрсатма ва йўриқномаларга асосланган бўлиши зарур. Масалан, “Макдоналдс” компаниясининг мутлақ ҳуқуқларидан фойдаланувчи лицензиатнинг овқатланиш шаҳобчалари ва унда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кийинишлари, компаниянинг овқатланиш шаҳобчалари ва ходимларининг кийимлари билан аниқ бўлиши лозим. Бундай шартнинг қўйилиши харидорни бозордаги товар, иш ёки хизмат кимга тегишли эканлигини дарҳол илғаб олишига хизмат қилади ва лицензиарнинг ишчанлик обрўси сақланиб қолишига олиб келади. Шу билан бирга, истеъмолчининг ўз ҳуқуқлари бузилганда етказилган зарарни кимдан ундириши кераклигини аниқлаб олишига ёрдам беради.

4. Сотиб олувчилар (буюртмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буюртма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиш. Масалан, товарни харидорнинг уйига олиб бориб бериш, унга товардан фойдаланишга доир кўрсатмалар ва йўриқномалар бериш, бепул маслаҳатлар бериш ва ҳ.к.

5. Шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериш.

Қўшимча лицензия бериш шартномада кўрсатилган ҳолларда берилади. Одатда, қўшимча лицензия комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида халқаро лицензиар чет эл давлатининг бутун ҳудудида ўз товар (иш, хизмат) бозорини ривожлантириш учун мутлақ ҳуқуқларини фақат бир шахсга берганда қўлланилади. Франши-

зингнинг бу тури “мастерлик лицензияси” - деб аталади. Бу усул орқали лицензиат бутун мамлакат бўйича франшизор (лицензиар) га айланади. Халқаро амалиётда қўшимча лицензия субфраншизинг – деб номланади<sup>1</sup>. Бундан ташқари франшизингни халқаро амалиётда қўлланиладиган, сотиш франшизинги, товар франшизинги, ишлаб чиқариш франшизинги, иш фаолияти франшизинги каби турлари мавжуд<sup>2</sup>.

Шартномада кўзда тутилган ҳолатдан келиб чиқиб, лицензиат қўшимча лицензия берган ҳолларда, у сублицензия олган шахсга нисбатан лицензиар ҳуқуқларига эга бўлади. Бироқ лицензиар ва сублицензиат ўртасида лицензиатнинг мажбуриятлари сақланиб қолади. Яъни, сублицензиатнинг мажбуриятларни бажармаслиги юзасидан ва бошқа ҳолатларга кўра лицензиат лицензиар олдида жавобгар бўлиши мумкин.

Қўшимча лицензиялар бериш бир вақтнинг ўзида лицензиатнинг ҳуқуқи ва мажбурияти сифатида қаралади. Агар қўшимча лицензия бериш лицензиатнинг ҳуқуқи ҳисобланса, унда шартномада бу ҳуқуқни чеклайдиган муайян шартлар ифодаланади. Масалан, муайян ҳудудда, чекланган шахсларга ва ҳ.к. Шартномага бундай челашларнинг киритилмаслиги, лицензиатга мутлақ ҳуқуқлар комплексини хоҳлаган усулда қўшимча лицензияга бериши мумкинлигини англатади.

ФКнинг 864-моддасида худди шунингдек, шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти ҳам ёзиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

#### **4 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини чеклайдиган ва шартномага киритилиши тақиқланган шартлар**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида тарафларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган шартлар киритилиши мумкин. Бундай шартлар эксклюзив шартлар деб номланиб, улар лицензиар ва лицензиатнинг у ёки бу ҳуқуқларини чеклашга қаратилади. Бундай шартлар тарафларнинг ўзаро келишувига кўра шартномага киритилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай шартлар тарафлардан бирининг талаби билан ҳам шартномада белгиланишига йўл қўйилади. Фақатгина бу

<sup>1</sup> Трахтергенц Л.А. Договор коммерческой концессии.//Юридический мир.1997. №3. -28 б.

<sup>2</sup> Довган В.В. Франчайзинг: путь к расширению бизнеса. (организация, технология, методы, аспекты).-Гольятти. Дока-прес. 1994.; Новосельцев Н.К. Оценка коммерческой концессии.//Хозяйство и право. 2000. №3. -37 б.

шартлар монополияга қарши орган ёки тегишли шахснинг аризасига кўра ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмаслиги лозим. Агар чеклайдиган шартлар тегишли бозорнинг ҳолатини ва тарафларнинг иқтисодий аҳволини ҳисобга олган ҳолда монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлса, улар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

ФКнинг 868-моддасида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини чеклайдиган шартлар қуйидагича белгиланган:

- лицензиарнинг лицензиатга бириктириб қўйилган ҳудудда фойдаланиш учун бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу ҳудудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти. Бундай шартлар, одатда, фойдаланиш ҳудуди кўрсатиб берилган лицензияларда белгиланиши мумкин. Бу шартни киритишдан мақсад бир туркумдаги маҳсулотларнинг бозордаги қийматини пасайиб кетишининг олдини олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, лицензиарнинг бир ҳудудда ўз лицензиати билан рақобатлашуви лицензиатга зарар етказиши билан бирга, унинг ўзига ҳам зарар етказади. Муайян ҳудудда худди шундай иккинчи лицензиянинг берилиши ҳам лицензиат манфаатларига путур етказиши мумкин. Шу муносабат билан лицензиат шартномага бошқа лицензиялар бермаслик тўғрисидаги шарт киритилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Лекин бозорнинг аҳволи ва монополияга қарши курашиш мақсадида тегишли монополия органи томонидан бу шарт ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бунда бир турдаги товар қийматининг ортиб кетиши ва монополь ҳуқуққа эга бўлишининг олдини олиш мақсадида лицензиарнинг шу ҳудудда фаолият олиб бормаслик ва бошқа лицензиялар бермаслик хусусидаги шартлар шартномага киритилишига йўл қўйилмайди;

- лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган ҳудудда лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти. Лицензиар ўзига тегишли мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини берган ҳудудда ўзи ҳам тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган бўлса, шартномага лицензиатнинг шу ҳудудда ўзи билан рақобатлашмаслиги тўғрисидаги шарт киритилишини талаб этишга ҳақли. Одатда, бундай лицензиялар оддий лицензия деб юритилиб, унда лицензиар лицензия объекти ҳисоблаган лицензия объектдан ўзи истаган ҳудудда фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади;

- лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан (бўлажак рақобатчиларидан) бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши. Бу шартга мувофиқ лицензиат лицензиарнинг

рақобатчиларидан комплекс тадбиркорлик лицензиясини олишга ҳақли бўлмайди. Зеро, рақобатчи билан лицензиатнинг ўзаро шерикларга айланиши (рақобатчидан лицензия олган шахс бир вақтнинг ўзида иккита лицензия эгасига айланиши оқибатида турли хилдаги ғаразли оқибатларни юзага келтириши мумкин) лицензиарга зарар етказилишига олиб келиши мумкин;

- лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини лицензиар билан келишиш мажбурияти. Бундай шартнинг шартномага киритилишидан асосий мақсад товарлар сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда лицензиарнинг лицензиат билан ўзаро ҳамкорлик ҳаркати қилиши таъминлайди. Натижада эса, товарлар, ишлар ва хизматлар истеъмолчилар ва миждозлар ўртасида тўғри тақсимланади.

Низога сабаб бўлувчи чеклашлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин<sup>1</sup>.

ФК комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига киритилиши мумкин бўлмаган чеклашларни ҳам кўзда тутари ва бундай шартлар ҳақиқий эмаслигини белгилайди. Бу шартлар қуйидагилардир:

- лицензиар лицензиатнинг товарни сотиш баҳосини ёки лицензиат бажарадиган (кўрсатадиган) ишлар (хизматлар) нархини белгилашга, ёки мазкур нархларнинг юқори ва пастки чегараларини белгилаб қўйишга ҳақли бўлса. Албатта, товарларнинг ишлаб чиқариш таннархига кўра ва олиб борилаётган фаолиятнинг рентабеллик даражасига кўра тахминий нархлари келишиб олиниши мумкин. Лекин нархларнинг юқори ва пастки даражалари қатъий белгиланиши ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Зеро, бундай ҳолат монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид ҳисобланади;

- лицензиат товарларни фақат маълум тоифадаги сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) ёки шартномада белгилаб қўйилган ҳудудда жойлашган (яшайдиган) сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) гина сотишга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга ҳақли бўлса. Бу шарт фуқаролик ҳуқуқидаги товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар эркин ҳаркат қилиш тамойилига ва шартномалар эркинлиги (ФКнинг 1-моддаси) тамойилига зид ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. 2 қисм. /Х.Раҳмонқулов, И.Зокировларнинг умум. тахр. остида. -Т.: Адолат. 1999. -288 б.

## **5 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг бекор бўлиш асослари**

Умумий қоидага кўра, шартномалар тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилади ва бекор қилинади. Тарафлардан бирининг талаби билан эса, шартнома суд томонидан, шартнома иккинчи тарафнинг айби билан жиддий бузилганда ва қонун ёки шартномада кўзда тутилган ўзга ҳолатларда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ҳам айнан шу асосларга кўра ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Фақат бу ўзгартиришлар шартнома қайтартибда расмийлаштирилган бўлса, шу тартибда киритилиши лозим. Яъни, шартноманинг ўзгартирилганлиги лицензиар тадбиркор сифатида рўйхатга олинган орган томонидан расмийлаштирилганидан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

Лицензия комплексига кирувчи бирон-бир алоҳида ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Янги лицензиар ўзига ўтган алоҳида ҳуқуқ жумласига кирувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича шартномага киришади.

Лицензиар фуқаро вафот этган тақдирда, унинг комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари меросхўрга, башарти бу меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлса ёки мерос очилган кундан эътиборан олти ой мобайнида тадбиркор сифатида рўйхатга олинса, ўтади. Акс ҳолда шартнома бекор қилинади.

Меросхўр тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиб олгунча ёки меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олингунча бўлган даврда лицензия комплексини нотариус томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган бошқарувчи идора қилади (ФКнинг 872-моддаси). Лицензиар ўзининг фирма номини ўзгартирган тақдирда, агар лицензиат шартномани бекор қилишни талаб қилмаса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси сақланиб қолади ва лицензиарнинг янги фирма номига нисбатан амал қилади. Шартноманинг амал қилиши сақланиб қолган тақдирда лицензиат лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси амал қилиб турган даврда лицензия комплексига кирувчи алоҳида ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаса ёки бундай ҳуқуқ бошқа асосга кўра бекор бўлса, шартнома бекор бўлган ҳуқуққа тааллуқли қои-

даларни чегириб ташлаган ҳолда сақланиб қолади, лицензиат эса, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Муддати кўрсатилиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тегишли муддат тамом бўлиши билан тарафларнинг ўзаро келишувига ёки улардан бирининг талабига кўра бекор бўлади.

Тарафлардан ҳар бири муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасидан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, бу ҳақда иккинчи тарафни олти ой олдин хабардор қилиши керак.

Лицензия комплексига кирган фирма номини янги фирма номи билан алмаштирмасдан унга бўлган ҳуқуқ бекор қилинган тақдирда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бекор қилинади.

Муддати кўрсатиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, шунингдек муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш лицензиар рўйхатга олинган орган томоиндан белгиланган тартибда рўйхатга олиниши орқали расмийлаштирилади.

## **6 §. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича жавобгарлик**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида тарафлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганликлари учун бир-бирлари олдида жавобгар бўладилар. Бунда тарафларнинг жавобгарлиги мажбуриятларни бузганлик учун умумий жавобгарлик қоидаларидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, лицензиарнинг лицензиатга шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларни фойдаланишга бермаслиги ёки лицензиатнинг белгиланган ҳақни ўз вақтида тўламаганлиги шартнома шартларини бузиш ҳисобланади ва улар етказилган зарарни ҳамда неустойкани тўлашлари лозим бўлади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида лицензиатга берилган ҳуқуқлар асосида у ишлаб чиқараётган товарлар лицензиар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатидан паст бўлмаслиги лозим, акс ҳолда лицензиар лицензиат ишлаб чиқарган товарнинг сифати пастлиги учун учинчи шахслар олдида жавобгар ҳисобланади. Чунки лицензиатнинг асосий мажбуриятларидан бири лицензиат ишлаб чиқараётган товарлар сифатини назорат қилишдир.

ФКда лицензиарнинг лицензиат мажбуриятлари юзасидан учинчи шахслар олдидаги субсидиар ва солидар жавобгарлиги белгиланган.

Лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича сотаётган (бажараётган, кўрсатаётган) товарлар (ишлар, хизматлар) сифати шартномага мос эмаслиги тўғрисида лицензиатга қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар субсидиар жавобгар бўлади (ФКнинг 869-моддаси 1-қисми).

Лицензиатга лицензиарнинг маҳсулотини (товарларини) тайёрловчи сифатида қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар лицензиат билан солидар жавобгар бўлади (ФКнинг 869-моддаси 2-қисми).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тушунчаси, шакли ва уни расмийлаштириш тартиби.

2. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Шартномани чеклайдиган шартлари.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5. Шартномани бекор бўлиш асослари.

## **51-БОБ. ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ**

### **1.1. Омонат сақлаш шартномаси ҳақида умумий қоидалар**

Омонат сақлаш шартномаси бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади.

Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессional омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин (ФКнинг 875-моддаси).

Омонат сақлаш шартномасининг ҳуқуқий белгилари асосан, тубандагича:

**Биринчидан**, омонат сақлаш реал шартнома бўлиб ҳисобланади, чунки ашёни омонат сақлаш юзасидан тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар омонат нарсасининг иккинчи тарафга топширилиши пайтидан эътиборан вужудга келади. Агар ашёни омонат сақлаш



шартномаси ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) ёки юридик шахслар ўртасида тузилса, омонат сақлаш шартномаси консенсуал ва икки тарафлама шартномалар гуруҳига тааллуқли бўлади, чунки бундай шартнома бўйича омонат сақлашга қўювчида ашёни омонат сақлашга қўйиш ва иккинчи тарафда, яъни омонат сақловчида ашёни қабул қилиш бурчлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади;

**иккинчидан**, омонат сақлаш шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида ёки шартнома билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, текинга тузиладиган шартнома деб фараз қилинади ва бундай ҳолда у бир томонлама шартнома бўлиб ҳисобланади;

**учинчидан**, омонат сақлаш шартномасининг асосий мақсади, омонат нарсасини сақлаш ва кейинчалик бутун ҳолда қайтаришдан иборат.

Омонат сақлаш шартномаси бўйича омонат сақловчига, одатда субъектив мулк ҳуқуқининг фақат бир унсуригина, яъни мулкни эгаллаш ҳуқуқигина ўтади.

**Омонат сақлаш шартномасининг объекти.** Ушбу шартноманинг объекти фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган, фуқаролар ва юридик шахсларнинг истеъмол мақсадларига мўлжалланган кўчар мол-мулклар бўлиши мумкин. Масалан, деҳқон-фермер хўжалиги ўзи етиштирган хосилни (картошка ёки пиёзни) сақлаш учун омборга топшириши ёки фуқаронинг ўзбойликларини, ҳужжатларини банкда сақлаши. Жисмоний хусусиятлари жиҳатидан омонат сақловчининг ихтиёридаги бинога ёки худудга жойлаштирилиши мумкин бўлган буюмларгина омонат сақлаш шартномасининг предмети бўла олади. Шу сабабли кўчмас мол-мулк ва ҳажми улкан объектлар бўйича омонат сақлаш шартномаси тузилиши мумкин эмас.

Кўчмас мол-мулклар, масалан ер участкалари, бино-иншоотлар, уй-жой ва бошқа объектлар омонат сақлаш шартномасининг предмети бўла олмайди. Кўчмас мулкларни сақлаш учун кўриқчи тайинланиши мумкин. Бироқ, кўчмас мулкларни сақлаш бўйича суд секвестри ҳам мазкур шартноманинг предмети бўлиши мумкин.

Сақланиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган нарсалар - қорадори, захарли моддалар, ҳар хил ўқотар қуроллар ва ҳоказолар омонат сақлаш шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас.

**Омонат сақлаш шартномасининг субъектлари.** Омонат сақлаш шартномасида икки тараф омонатни сақловчи ва юк топширувчи иштирок этади.

**Омонат сақловчи** – фаолияти бевосита фуқаролар ва юридик шахслар томонидан топшириладиган ашёларни сақлаш ва уларни бут-бутун ҳолда яна ўз эгаларига қайтариб бериш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсдир. Айрим омонат сақловчиларнинг асосий фаолият мақсади бошқа бўлса-да, фуқаролар ва юридик шахсларнинг омонатларини сақлаш каби қўшимча вазифаларни амалга оширади. Шу билан омонат муносабатларининг субъектига айланади. Масалан, банкларнинг асосий вазифаси молиявий (қарз, кредит, тўлов) операцияларини амалга оширишдир. Бироқ, банклар ўз навбатида фуқароларга тегишли бўлган қимматбаҳо тошлар, нодир ҳужжатлар ва турли бойликларни сақлаш каби қўшимча хизматни ҳам амалга оширадilar. Юридик шахслар ўзларининг Устав (Низом)ларида назарда тутилган ҳоллардагина омонат сақлаш фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

**Юк топширувчи** – ўзида муайян мол-мулк бўлган ва уни омонат сақлаш учун топширган юридик ва жисмоний шахслардир. Умуман олганда, омонат сақлаш шартномасида иштирок этувчи фуқаролар муомалага лаёқатли бўлишлари талаб қилинади.

**Омонат сақлаш шартномасининг шакли.** Омонат сақлаш шартномаси ёзма равишда тузилиши керак бўлган ҳолларда (Фуқаролик Кодекснинг 108-моддаси) агар ашёни сақлашга қабул қилинганлиги омонат сақловчи томонидан юк топширувчига сақлаш тилхати, паттаси, гувоҳномасини, омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжатни бериш йўли билан тасдиқланган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Агар ашё сақлаш учун фавқулодда ҳолатларда (ёнғин, табиий офат, тўсатдан касал бўлиш, ҳужум хавфи ва бошқалар) топширилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш талаб этилмайди.

Омонат сақлаш шартномаси омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёлар сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли билан тузилиши мумкин.

Омонат сақлаш шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиққан тақдирда, та-

рафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва ж қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (ФКнинг 877-моддаси).

**Омонат сақлаш шартномасида муддатлар.** Омонат сақловчи ашёни шартномада келишилган муддат давомида сақлаши шарт. Агар шартномада сақлаш муддати назарда тутилган бўлмаса ва уни шартноманинг шартларига қараб аниқлаш мумкин бўлмаса, ашё юк топширган шахс томонидан талаб қилиб олингунча сақланади.

Агар сақлаш муддати ашёни юк топширган шахс томонидан талаб қилиб олиш пайтигача қилиб белгиланган бўлса, омонат сақловчи бундай вазиятларда одат бўлган ашёни сақлаш муддати тугагач, ашёнинг юк топширган шахс томонидан қайтариб олинишини талаб қилишга ҳақли бўлиб, ашёни топширган шахсга уни қабул қилиб олиш учун оқилона муддат беради. Юк топширувчининг бу мажбуриятни бажармаслиги Фуқаролик кодекси 888-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади (ФКнинг 878-моддаси).

Омонат сақлаш шартномасида ашёни, агар унинг хусусиятлари имкони бўлса, топширилган ватдаги ҳолатидан ўзгартмай сақлаш вазифаси - асосий мақсад қилиб қўйилади. Омонат сақлаш шартноманинг объекти бўлган ашёни сақлаш вазифаси бошқа шартномаларда ҳам учраб туради. Масалан, сотувчи сотилган мол-мулкни сақлаши, яъни мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни топширишдан олдин сотиб олувчига ўтган ҳолларда сотувчи мол-мулкнинг ёмонлашишига йўл қуймай, уни топширгунга қадар сақлаши шарт. Шунингдек, пудрат шартномасига кўра, пудратчи буюртмачи берган материал, ускуна, қайта ишлашга (ишлов беришга) топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк сақланмаганлиги учун пудратчи (ФКнинг 641-моддасига мувофиқ) жавобгар бўлади. Лекин бундай ҳолларда сақлаш вазифаси шу шартномалардан ҳар бирига асосий вазифаларни амалга оширишда ёрдамчи бўлган қўшимча вазифа бўлиб кўрилади.

Хозирда омонат сақлашнинг янги-янги турлари пайдо бўлди. Масалан, товар омонатида омонат сақлаш, ашёларни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш, бойликларни банкда сақлаш (қимматбаҳо метатлар ва тошларни, ҳужжатларни сақлаш) ва бошқалар.

Омонат сақлаш шартномаси фуқаро ва юридик шахсларнинг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун қўлланилади. Жумладан, ломбардда омонат сақлаш учун фуқаролардан шахсий истеъмолига

мўлжалланган кўчар ашёлар қабул қилиниши мумкин (ФКнинг 394-моддаси). Бойликларни банкда сақлаш шартномасига мувофиқ, банк қимматли қоғозларни, қимматбаҳо металллар ва тошларни бошқа бойликларни, шунингдек, ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиши мумкин (ФКнинг 896-моддаси). Ашёларни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш шартномасига мувофиқ транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юкхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, улардан йўл ҳужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун топширади (ФКнинг 897-моддаси). Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш, бунда ташкилотларнинг кийимхоналарида ашёларни ҳақ эвазига сақлаш ҳақида ашёни сақлашга топшириш вақтида келишиб қўйилган ёки бошқа очиқ усулда шартлашилган бўлмаса, уларда ашёни сақлаш бепул ҳисобланади (ФКнинг 898-моддаси). Ашёни меҳмонхонада сақлашда меҳмонхонада яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чикканлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида алоҳида келишув бўлмаган тақдирда ҳам жавоб беради. Ашё енгиб бўлмайдиган куч, ашёнинг ўз хоссалари оқибатида ёки меҳмонхонада яшовчининг ўзи, унинг ҳамроҳлари ёки унинг ёнига келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган ҳоллар бундан мустаснодир (ФКнинг 899-моддаси).

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот товар омбори дейилади (ФКнинг 901-моддаси).

Амалиётда ушбу муносабатларга ўхшаш, лекин мазмунан ниҳоятда фарқ қиладиган, жумладан, қаровсиз ёки адашган чорва моллари тўғрисидаги қоидалар (ФКнинг 195-моддаси)га мувофиқ бундай чорва моллари ёхуд бошқа қаровсиз уй ҳайвонлари ёки қўлга ўргатилган ҳайвонлар топилганда ёки адашганда вақтинча сақлаш, боқиш ва фойдаланиш учун яқиндаги хўжалик ёки жамоаларга топширилади. Чорва моллари ва ҳайвонларни вақтинча сақлаш ҳайвонни то эгаси топилгунча асрашдан иборат бўлиб, омонат сақлаш шартномасига асосланмасдан, балки қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган мажбуриятнинг бир хилини ташкил этади.

Омонат сақлашнинг айрим турларини тартибга соладиган бир қанча низомлар мавжуд. Масалан, музхоналарда озик-овқат сақлаш муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Озиқ - овқат саноати Давлат комитети томонидан музхона омборлари тўғрисида чиқарилган Низомда кўрсатилган. Ломбардларда буюмларни омонат тарика-

сида сақлаш иши ломбарднинг намунавий уставига асосан амалга оширилади. Қўл юкларини ва багажларни сақлаш камераларидан фойдаланиш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Транспорт акционерлик корпорацияси томонидан қабул қилинган расмий қўлланмаларда белгилаб кўйилган. Юклар темир йўлларга қарашли жойларда сақлаш учун топширилганда, қолдирилганда уларнинг тўла-туқис сақланиши учун темир йўл муассасаси жавобгар бўлишлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Темир йўллари уставида кўрсатилган.

## **1.2. Омонат сақлаш шартномасининг турлари**

Фуқаролик ҳуқуқида омонат сақлаш шартномасининг бир неча турлари қонун ҳужжатлари ва қоидалар билан тартибга солинади. Омонат сақлаш шартномаси оддий омонат ва махсус омонат турларига бўлинади. Оддий омонат сақлашда омонат сақлашнинг умумий қоидалари (ФКнинг 875-893-моддалари)ни қўллашнинг ўзи кифоя қилади. Омонатни сақлашнинг махсус турига товар омборларида, ломбардларда, банкларда, транспорт корхоналарининг юкхоналарида, кийимхоналарда, мехмонхоналарда, секвестр (низоли ашёларни) омонат сақлаш киради. Бундан ташқари, омонат сақлашнинг махсус турига маданий бойликларни, музейга тегишли бўлган бойликлар ва бошқаларни омонат сақлаш ўз хусусиятларига эга. Буларни сақлашнинг ҳар бирида қўлланиладиган омонат сақлаш хизмати фаолияти бир-биридан ажралиб туради.

Амалиётда оддий (тинч) ва фавқулодда (ҳолатларда) омонат сақлаш шартномалари тузилиши мумкин.

Оддий ҳолатда омонат сақлаш шартномаси – тинчлик пайтида, Фуқаролик кодексида ўрнатилган қоидаларга риоя қиланган ҳолда тузилади.

Фавқулотда ҳолатларда яъни турли табиий офатлар, ҳарбий ҳолатлар, кутилмаган касалликларнинг тарқалиши натижасида тузиладиган омонат сақлаш шартномасини Фуқаролик кодекси билан ўрнатилган қоидаларнинг айримларига риоя қилмасдан ҳам тузишлари мумкин. Масалан, фуқаро мол-мулкни фавқулодда ҳолатларда омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя этмасдан ҳам омонат сақловчига топшириши мумкин.

Омонат сақлашнинг яна бир тури ашёни эгасизлантириб сақлашдир.

Амалиётда ашёларни эгасизлантириб сақланганида сақлаш учун қабул қилинган ашёлар бошқа юк топширувчиларнинг шунга ўхшаш

ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юборилиши мумкин. Масалан, оғирлик ва ўлчов билан белгиланадиган донни элеваторларда омонат сақлаш, турли шахсларга қарашли бўлган бир хилдаги буюмларни махсус хоналарда сақлаш ва хоказо. Сақлаш учун топширилган бундай ашёлар, нарсалар бир-бирларига аралаштирилиши, яъни эгасизлантирилиши сабабли омонат қўйган шахс ўзи топширган буюмларни қайтиб олганида ўз буюмларини эмас, балки жисм ва хил жихатидан ўша буюмларга тўғри келадиган бошқа нарсаларни олади. Бундай сақлашга эгасизлантириб сақлаш деб айтилади. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 879-моддасида шундай дейилади. Ашё эгасизлантириб сақланганида сақлаш учун қабул қилинган ашёлар бошқа юк топширувчиларнинг шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юборилиши мумкин. Юк топширувчига тенг миқдорда ёки тарафлар келишган миқдорда шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлар қайтариб берилади.

Эгасизлантириб сақлаш бундай ҳол омонат сақлаш шартномасида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади.

### **1.3. Омонат сақлаш шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Омонат сақловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Омонат қабул қилувчининг асосий бурчи омонат тарзида қўйилган нарсани сақлашдир. Унинг бошқа бурчлари ўша асосий бурчга боғлиқ бўлади.

Омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин.

Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзига беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмаган юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганлиги муносабати билан етказилган зарар учун омонат сақловчи олдида жавобгар бўлади.

Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга

топширилмаган ҳолларда, борди-ю, бу муддат белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади (ФКнинг 876-моддаси).

Омонат сақловчининг асосий мажбуриятларидан бири омонатга топширилаётган ашёни тўлиқ сақланишини таъминлашдан иборатдир. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 880-моддасида шундай дейилади.

Омонат сақловчи сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши шарт. Ашё сақлашга қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши шарт.

Омонат сақловчи ашёни қайтариш билан бир вақтда, башарти омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уни сақлаш вақтида олинган хосил ва даромадларни ҳам топшириши шарт.

Фуқаролик кодексининг 881-моддасига кўра омонат сақловчи ўзига сақлаш учун топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини беришга ҳақли эмас, сақланаётган ашёдан фойдаланиш унинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Омонат сақловчи ашёни сақлаш шартларини ўзгартириш зарурлиги ҳақида дарҳол юк топширувчини хабардор қилиши ва унинг жавобини кутиши шарт.

Ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, омонат сақловчи сақлаш шартномасида назарда тутилган сақлаш усули, жойи ва бошқа шартларни юк топширувчининг жавобини кутмасдан ўзгартириши шарт.

Агар сақлаш вақтида ашёнинг бузилиш хавфи аниқ бўлиб қолса ёки ашё бузилган бўлса, ёки унинг тўлиқ сақланишини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган бўлса, юк топширувчи эса ўз вақтида чоралар кўришини кутиш мумкин бўлмаса, омонат

сақловчи ашёни ёки унинг бир қисмини сақлаш жойида амалда бўлган баҳода мустақил сотишга ҳақли. Агар мазкур вазиятлар омонат сақловчи айбдор бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган бўлса, у сотиш учун қилган ўз харажатларини харид баҳосидан ундириш ҳуқуқига эга.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, омонат сақлашга фақат фуқаролик муомиласида эркин ҳаракатда бўлган ашёларгини топширилади. Айрим ашёлар хавфли хоссаларга эга бўлсада, омонат сақлаш учун топширилиши мумкин. Агар омонат сақлаш учун шундай хавфли хоссаларга эга ашёлар топшириладиган бўлса Фуқаролик кодексининг 883-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Агар юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳақида огоҳлантирмаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни кўрилган зиённи юк топширувчига тўламаган ҳолда истаган вақтда зарарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин. Юк топширувчи бундай ашёлар сақланиши муносабати билан сақловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар сақлаш учун профессионал омонат сақловчига топширилган вақтда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар бундай ашёлар сақлаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгаллигини била олмаган тақдирда қўлланади.

Ашёлар ҳақ эвазига сақланган тақдирда, Фуқаролик кодексининг 883-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди, борди-ю, бу ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи уни тўла-тўқис ундириб олиши мумкин.

Агар омонат сақловчи хабардор бўлгани ҳолда ва унинг розилиги билан сақлашга қабул қилинган ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёлар, гарчи уларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дарҳол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда зарарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб



ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

Фуқаролик кодексида белгиланган қоидага кўра омонат сақлашни омонат сақловчининг ўзи амалга ошириши керак. Айрим мустасно ҳолатлар ҳам борки, бунда ашёни омонат сақловчи учинчи шахсларга сақлаш учун топшириши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи юк топширувчининг розилигисиз ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли эмас, башарти буни юк топширувчининг манфаатлари зарур қилиб қўйган ва омонат сақловчи унинг розилигини олиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлмаса. Омонат сақловчи ашёни учинчи шахсга топширганлиги ҳақида юк топширувчини кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

Сақлаш учун ашё топширилган учинчи шахснинг ҳаракатлари учун омонат сақловчи жавоб беради (ФКнинг 884-моддаси).

### **Юк топширувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

Омонат сақлаш шартномаси ҳақ эвазига тузилган тақдирда, юк топширувчининг асосий мажбурияти омонат сақлаганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлашдан иборат бўлади. Агар омонат сақлаш шартномасида ҳақ тўлаш юзасидан бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, Фуқаролик кодексининг 885-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Омонат сақлаганлик учун ҳақ сақловчига сақлаш тамом бўлганидан кейин, борди-ю, сақлаш учун даврлар бўйича ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса - ҳар бир давр тамом бўлганидан кейин тўланиши шарт.

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўлмаган вазиятлар туфайли шартлашилган муддатидан олдин тўхтатилса, омонат сақловчи ҳақнинг мутаносиб қисмини, Фуқаролик кодекси 883-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда эса, ҳақнинг ҳаммасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўладиган вазиятлар туфайли муддатидан олдин тўхтатилса, у сақлаганлик учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бу ҳақ устидан олган суммаларни эса юк топширувчига қайтариши шарт.

Агар шартномада назарда тутилган муддат тугаганидан кейин сақлаб турилган ашё юк топширувчи томонидан қайтариб олинмаган

бўлса, у ашёни бундан кейин сақлагани учун омонат сақловчига тегишли миқдорда ҳақ тўлаши шарт.

Омонат сақлаш юзасидан қилинган харажатларни қоплаш юзасидан фуқаролик кодексининг 886-моддасида қуйидагича қоида назарда тутилган.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлаш харажатлари тўланадиган ҳақ суммасига киритилади. Алоҳида харажатлар омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган ҳақ суммасига ёки харажатлар таркибига киритилмаслиги назарда тутилади.

Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё текинга сақланганида юк топширувчи амалда қилинган зарур харажатларни омонат сақловчига тўлаши шарт.

Фуқаролик кодексининг 887-моддасида айтилишича, ашёни сақлаш учун қилинган, одатдаги бундай харажатлардан ортиқ бўлган ҳамда омонат сақлаш шартномасини тузиш чоғида тарафлар олдиндан кўриши мумкин бўлмаган харажатлар (алоҳида харажатлар), башарти юк топширувчи ушбу харажатларга розилик берган ёки уларни кейинчалик маъқуллаган бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда омонат сақловчига тўланади.

Алоҳида харажатларни қилиш зарур бўлиб қолганида, омонат сақловчи юк топширувчидан ушбу харажатларга розилик сўраши шарт. Агар юк топширувчи омонат сақловчи кўрсатган муддатда ёки жавоб бериш учун етарли бўлган вақтда ўзининг рози эмаслигини хабар қилмаса, у алоҳида харажатларга рози бўлган, деб ҳисобланади.

Ишнинг ҳолатларига кўра юк топширувчининг розилигини олдиндан олиш мумкин бўлса-да, омонат сақловчи бундай розиликни олмасдан туриб сақлаш учун алоҳида харажатлар қилган ва юк топширувчи кейинчалик уларни маъқулламаган тақдирда, омонат сақловчи алоҳида харажатларни фақат ушбу харажатлар қилинмаса ашёга етказилиши мумкин бўлган зарар доирасида қоплашни талаб қилиши мумкин.

Агар сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, алоҳида харажатлар сақлаш ҳақиға қўшимча равишда тўланади.

Яна бир муҳим бурчлардан бири юк топширувчининг шартномада назарда тутилган сақлаш муддати тамом бўлгач, сақлаш учун топширилган ашёни қайтариб олишидир. Ушбу қоида фуқаролик кодексининг 888-моддасида назарда тутилган.

Юк топширувчи шартномада назарда тутилган сақлаш муддати тамом бўлгач, сақлаш учун топширилган ашёни қайтариб олиши шарт.

Юк топширувчи ашёни олишдан бош тортган тақдирда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи ашёни мустақил суратда сотишга, унинг қиймати белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараварига тенг суммадан ортиқ бўлган тақдирда эса Фуқаролик кодексининг 379, 380 ва 381-моддаларида назарда тутилган тартибда сотишга ҳақли.

Ашёни сотишдан тушган сумма омонат сақловчига тегишли ҳақ чегириб ташлангач, юк топширувчига берилади.

#### **1.4. Фуқаролик қонунчилигида омонат сақловчининг жавобгарлиги**

Омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун Фуқаролик кодексининг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади.

Профессионал омонат сақловчи ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:

- энгиб бўлмас куч таъсири оқибатида;
- ашёнинг уни сақлаш учун қабул қилиш чоғида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли;
- сақланаётган ашёнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчининг қасддан қилганлиги ёки кўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаса жавобгар бўлади.

Шартномада назарда тутилган сақлаш муддати ёки омонат сақловчининг талабига кўра ашёни қайтариб олиши шарт бўлган вақт тугагач, юк топширувчи сақланаётган ашёни қайтариб олмаса, омонат сақловчи бундан буён ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун қасддан ҳаракат қилган ёки кўпол эҳтиётсизлик қилган тақдирдагина жавоб беради.

Шартномада омонат сақловчининг жавобгарлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқаролик кодексининг 890-моддасида омонат сақловчининг жавобгарлик даражаси белгиланган. Яъни ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги туфайли юк топширувчига етказилган зарар, агар қонунда ёки сақлаш шартнома-

сида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, Фуқаролик кодекснинг 324-моддасига мувофиқ омонат сақловчи томонидан қопланади.

Ашё текин сақланганида унинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши туфайли юк топширувчига етказилган зарар:

- ашёлар йўқолганлиги ва кам чиққанлиги учун - йўқолган ёки етишмаётган ашёларнинг қиймати миқдорида;

- ашёлар шикастланганлиги учун - уларнинг қиймати қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида қопланади.

Агар омонат сақловчи жавобгар бўлган ҳолда шикаст етиши натижасида ашённинг сифати ундан дастлабки вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, юк топширувчи ундан воз кечишга ва омонат сақловчидан ушбу ашённинг қийматини, шунингдек, агар қонунда ёки омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган бўлса, бошқа зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар омонат сақловчи ашёни сақлаш учун қабул қилиб олаётган пайтида унинг хоссаларини билмаган ва билиши шарт бўлмаган бўлса, юк топширувчи сақлаш учун топширилган ашённинг хоссалари туфайли етказилган зарарни омонат сақловчига тўлаши шарт (ФКнинг 891-модда).

Қонун ҳужжатларида, шартномада юк топширувчининг талаби билан омонат сақлаш мажбуриятининг бекор бўлиши ҳам назарда тутилади.

Агар шартномада юкни қайтариб беришнинг бошқача муддати белгиланган бўлса ҳам, омонат сақловчи юк топширувчининг талаби билан сақлашга қабул қилинган ашёни дарҳол қайтариб бериши керак. Бу ҳолда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юк топширувчи мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиши туфайли омонат сақловчига етказилган зарарни тўлаши шарт (ФКнинг 892-моддаси).

### **1.5. Омонат сақлаш шартномасининг бекор бўлиши.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига омонат сақлаш шартномасининг бекор бўлиши тўғрисида алоҳида қоидалар назарда тутилмаган. Бироқ омонат шартномаси тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиқиб қуйидаги ҳолатларда шартнома бекор бўлиши мумкинлигини назарда тутиш мумкин.

- Шартнома тарафларининг келишувчи талаби;
- Шартномада кўрсатилган муддатнинг тугаши билан;

- Шартнома шартларини бажаришдан бош тортиш орқали;
- Шартнома ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Омонат сақлаш шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари.
2. Омонат сақлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Омонат сақлашни учинчи шахсга топшириш.
4. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш.
5. Омонат сақлаш юзасидан қилинган ҳаражатлар.
6. Омонат сақлаш шартномасида жавобгарлик.
7. Омонат сақлашнинг алоҳида турлари.

### **2 §. Омонат сақлашнинг алоҳида турлари**

#### **2.1. Ломбардда омонат сақлаш (шартномаси)**

Фуқаролик кодексининг 894-моддасида ломбардда омонат сақлаш назарда тутилган. Унга кўра:

Ломбардда омонат сақлаш учун фуқаролардан шахсий истеймолга мўлжалланган кўчар ашёлар қабул қилиниши мумкин.

Ашёни ломбардда омонат сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Ломбардда омонат сақлаш шартномасига мувофиқ, фуқаролар ўзларига тегишли бўлган истеймол қилинмайдиган ашёларни ҳақ эвазига келажакда ашёни, мулкни эгасига қайтариш шарти ёки мулк эгаси қайтариб олиш шарти билан топширади.

Ломбард шартномаси оммавий характерга эга, чунки бу шартномадан қонун ҳужжатларида бошқача ҳол кайд қилинган бўлмаса, ҳамма фуқаролар фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ломбардлар махсус рухсатлар асосида фаолият кўрсатадилар, уларни ташкил қилиш ҳамда бекор қилиш тегишли органлар ва қонун-қоидалар асосида амалга оширилади.

Айрим турдаги ашёларни ломбардларга қабул қилишда махсус қоидалар татбиқ қилиш асосида расмийлаштирилади.

Ломбардларга фуқаролар томонидан ашёларни топшириш улар ўртасида тузиладиган шартномаларга асосан амалга оширилади, ашё-

ни топшириш вақтида тегишли квитанция (патта) ашёни топширган тарафга берилади.

Ломбардга ашёни топшириш вақтида топширилаётган нарсани баҳолаш асосида қабул қилинади. Топширилаётган ашёни баҳолаш қабул қилиш вақтидаги нархлар асосида амалга оширилади.

Ломбард сақлаш учун қабул қилинган ашёларни ФК 894-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ чиқарилган нархнинг тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан юк топширувчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбардларда ашёлар қонун ҳужжатлари, шартномалар ва тегишли қоидаларга мувофиқ аниқ белгиланган муддатлар асосида сақланади.

Фуқаролик кодексининг 895-моддасига мувофиқ юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган тақдирда, ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Бу муддат ўтганидан кейин талаб қилиб олинмаган ашёлар ломбард томонидан Фуқаролик кодекси 289-моддасининг еттинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда сотилиши мумкин.

Ашёларни сотишдан тушган пулдан сақлаш ҳақи ва ломбардга тегишли бошқа тўловлар қопланади. Пулнинг қолган қисми ломбард томонидан сақлов паттасининг эгасига у тақдим этилганида қайтариб берилади.

## **2.2. Бойликларни банкда сақлаш**

Омонат сақлашнинг яна бир тури бойликларни банкда омонат сақлашдир. Банк банк операцияларидан ташқари, мижозлар билан турли битимларни тузиши мумкин. Жумладан, банк қимматли қоғозларни, қимматбаҳо металллар ва тошларни, бошқа бойликларни, шунингдек, ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиши мумкин.

Банкда бойликларни сақлаш шартномаси банк томонидан бойлик топширувчига номи ёзилган сақлов ҳужжатини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатни тақдим этиш банк томонидан сақланаётган бойликларни бойлик топширувчига бериш учун асос бўлади.

Қимматли қоғозларни сақлаш (депозит) шартномасида назарда тутилган ҳолларда банк уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлашдан ташқари, ушбу қоғозларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳам (вакиллик ва ҳоказо) амалга оширади.

Фуқаролик кодексининг 896-моддаси 4-қисмига мувофиқ, бойликларни якка тартибдаги пўлат сандикдан (пўлат сандиқ бўлинма-

сидан, сақлаш учун мўлжалланган алоҳида бинодан) фойдаланган ҳолда сақлаш шартномаси банк томонидан бойликларни сақлаш учун қабул қилиш ҳаракатларини амалга ошириш ва бойлик топширувчига пўлат сандиқ калитини, бойлик топширувчини кўрсатадиган варақча, кўрсатувчининг пўлат сандиқни очиш ва ундан бойликларни олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа белги ёки ҳужжат бериш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар тарафлар ўртасида тузиладиган шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бойлик топширувчи истаган вақтда бойликларни пўлат сандиқдан олиши, уларни қайта қўйиши, сақланаётган ҳужжатлар билан ишлаши мумкин. Бунда банк бойлик топширувчининг бойликларни олишини ва қайтариб топширишини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Бойлик топширувчи бойликларнинг бир қисмини пўлат сандиқдан олган тақдирда, банк бойликларнинг қолган қисми бут сақланиши учун жавобгар бўлади.

Ушбу типдаги омонат сақлаш шартномасидан жаҳоннинг кўпгина мамлакатада олтин, олмос тақинчоқлари, сиёсий ёки тарихий жиҳатдан фавқулотда аҳамиятга эга бўлган нодир ҳужжатлар сақлашда ўринли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам бу турдаги омонат ашёларига нисбатан ўғирлашлар, йўқолишлар камроқ учрайди.

Фуқаролик кодексининг 896-моддасида белгиланган банкнинг пулат сандиғида бойликларни сақлаш қоидалари банк ўз пулат сандиғини мулк ижараси шартлари асосида фойдаланиш учун бошқа шахсга берадиган ҳолларга тааллуқли бўлмайди.

### **2.3. Ашёларни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш**

Ашёларни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш омонат сақлаш шартномасининг бир тури бўлиб, Фуқаролик кодексининг 897-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юкхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, уларда йўл ҳужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун қабул қилиши шарт. Ашёни транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш шартномаси оммавий ҳисобланади.

Ашё сақлаш учун юкхонага қабул қилинганлигини тасдиқлаш юзасидан (автомат юкхоналардан ташқари) юк топширувчига патта ёки номерли жетон берилади.

Патта ёки жетон йўқотилган тақдирда юкхонага топширилган ашё юк топширувчига ушбу ашё ўзига қарашли эканлигининг исботини тақдим этган тақдирда берилади.

Юкхонага топширилган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги оқибатида юк топширувчи кўрган зарар суммаси, агар ашёни сақлашга топшириш пайтида у нархланган бўлса ёки зарарнинг ўрнини қоплашга керакли сумма хусусида тарафлар келишиб олган бўлсалар, зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйилган пайдан бошлаб бир сутка муддатда юк топширувчига тўланади.

Ашё махсус қоидалар ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддатга юкхонага топширилиши мумкин. Кўрсатилган муддатда талаб қилиб олинмаган ашёни юкхона яна ўттиз кун сақлаб туриши шарт. Ушбу муддат тамом бўлгач, талаб қилиб олинмаган ашё сотилиши, сотишдан тушган пул эса Фуқаролик кодекснинг 895-моддасига мувофиқ тақсимланиши мумкин.

#### **2.4. Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш**

Агар ташкилотларнинг кийимхоналарида ашёларни ҳақ эвазига сақлаш ҳақида ашёни сақлашга топшириш вақтида келишиб қўйилган ёки бошқа очиқ усулда шартлашилган бўлмаса, уларда ашё сақлаш бепул ҳисобланади (ФКнинг 898-моддаси).

Бу усулда омонат сақлаш учун асосан устки кийимлар, бош кийимлар ва бошқа ашёлар топширилади. Ашё кийимхонада сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқлаш учун сақловчи юк топширувчига номерли жетон ёки ашё сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи бошқа белги беради.

Кийимхонага топширилган ашё жетон тақдим этувчига берилади. Бунда сақловчи жетон тақдим этувчининг ашёни олишга ваколатларини текшириши шарт эмас. Бироқ, омонат сақловчи жетон уни тақдим этувчига қарашли эканлигига шубҳаланса, ашёни жетон тақдим этувчига қайтариб беришни тўхтатиб туришга ҳақли.

Юк топширувчи жетонни йўқотиб қўйган, лекин унинг ашёларни кийимхонага топширганлиги ёки ашёларнинг унга тегишлилиги сақловчида шубҳа туғдирмаган ёхуд юк топширувчи томонидан исботланган ҳолларда ҳам сақловчи кийимхонадаги ашёни беришга ҳақли. Ташкилотларнинг ашёлар кийимхоналарда бут сақланиши учун жавобгарлиги, шунингдек талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари Фуқаролик кодекснинг 897-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган қоидалар бўйича белгиланади.



## **2.5. Ашёни меҳмонхонада сақлаш**

Меҳмонхонада яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида алоҳида келишув бўлмаган тақдирда ҳам жавоб беради, ашё енгиб бўлмайдиган куч, ашёнинг ўз хоссалари оқибатида ёки меҳмонхонада яшовчининг ўзи, унинг ҳамроҳлари ёки унинг ёнига келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 897-моддаси).

Меҳмонхона ходимларига ишониб топширилган ашё ёки мўлжалланган жойга (меҳмонхона номери ва бошқаларга) жойлаштирилган ашё меҳмонхонага олиб кирилган ашё деб ҳисобланади.

Пул, бошқа валюта қимматликлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар сақлаш учун алоҳида омонат сақлаш шартномаси бўйича қабул қилиб олинган бўлсагина, меҳмонхона уларнинг йўқолганлиги учун жавобгар бўлади.

Меҳмонхонада яшаётган шахс ўз ашёларининг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлигини билиб қолса, меҳмонхона маъмуриятига бу ҳақда кечиктирмай хабар қилиши шарт. Акс ҳолда меҳмонхона ашёларнинг тўлиқ сақланмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Меҳмонхона бу ерда яшаётган шахсларнинг ашёлари сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслигини эълон қилган тақдирда ҳам, жавобгарликдан озод қилинмайди.

Меҳмонхоналарда талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ва уларнинг тақдири Фуқаролик кодекс 897-моддасининг бешинчи қисмида ёзиб қўйилган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари мотеллар, дам олиш уйлари, санаторийлар, ётоқхоналар, ҳаммомларда, шунингдек ташкилотга келадиган фуқароларнинг ашёларини сақлаш учун махсус ажратилган жойларга эга бўлган бошқа ташкилотларда ҳам ашёларни сақлашга нисбатан қўлланади.

## **2.6. Низоли ашёларни сақлаш (секвестр)**

Омонат сақлашнинг яна бир тури секвестр тўғрисидаги шартномадир. Секвестр тўғрисидаги шартнома бўйича ашёга эгалик қилиш хусусида ораларида низо чиққан икки ёки бир неча шахс низоли ашёни учинчи шахсга берадилар. Учинчи шахс низо ҳал бўлгач, ашёни суд қарори билан ёки низолашаётган ҳамма шахсларнинг келишувига

мувофиқ кимга тегишли бўлса, ўша шахсга қайтариб бериш мажбуриятини олади (шартнома секвестри).

Низоли ашё суднинг қарорига кўра секвестр тартибида сақлаш учун топширилиши мумкин (суд секвестри). Суд томонидан тайинланган шахс ҳам, шунингдек баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс ҳам суд секвестри бўйича омонат сақловчи бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчининг розилиги талаб қилинади (ФКнинг 900-моддаси).

Шартномага берилган таърифга кўра секвестрнинг икки тури мавжуд:

1. Шартнома секвестри;
2. Суд секвестри.

Секвестр тартибида сақлашга кўчар мулклар ҳам, шунингдек кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин.

### **3-§. Товар омборида омонат сақлаш**

#### **1. Товар омбори тушунчаси**

**Товар омбори деб** - тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилотга айтилади. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 901-моддасида шундай дейилади. Тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот товар омбори дейилади.

Бизга маълумки, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ товар омбори товарларни сақлаш учун чегараланган доирадаги шахслардан қабул қилиши мумкин бўлган омборлар жумласига киритилган бўлмаса, у умумий фойдаланишдаги омбор деб ҳисобланади. Умумий фойдаланишдаги товар омбори томонидан тузиладиган омборда омонат сақлаш шартномаси оммавий шартнома деб ҳисобланади.

**Шартноманинг ҳуқуқий белгилари.** Шартнома икки томонлама, ҳақ бараварига ёки текин тузилиши мумкин.

Омборда омонат сақлаш шартномаси бўйича товар омбори (сақловчи) товар эгаси (юк топширувчи) томонидан ўзига топширилган товарларни ҳақ эвазига сақлаш ва уларни тўлиқ ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 903-моддаси).

**Шартноманинг шакли.** Омборда омонат сақлаш шартномаси ёзма равишда тузилади. Агар омборда сақлаш шартномаси тузиш ва

товарни омборга қабул қилиб олиш омбор ҳужжати билан тасдиқланган бўлса, омборда омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади (ФКнинг 903-моддаси 2-қисми).

Агар қонун ҳужжатларидан ёки омборда омонат сақлаш шартномасидан товар омбори ўзига сақлаш учун топширилган товарларни тасарруф этиш мумкинлиги келиб чиқса, у ҳолда тарафларнинг муносабатларига Фуқаролик кодекси 41-бобининг қарз ва кредит ҳақдаги қоидалари қўлланилади.

Товар омборида омонат сақлаш шартномасининг иштирокчилари тадбиркорлар ҳам бўлиши мумкин. Бу ўринда омонат сақловчи бўлиб, товар омборлари деб тан олинган корхоналар, бундан ташқари, тегишли ваколатли органларнинг махсус лицензиялари асосида хусусий товар омборларига эга фуқаролар бўлиши мумкин. Ҳозирги бозор муносабатлари жадал ривожланаётган бир даврда, айниқса, савдо товарларини хусусий омборларда сақлаш амалиётда кўп учрайди. Бу товар омборлари қонун ҳужжатларига ва товар сақлаш тўғрисидаги қоидаларга зид бўлмаган ҳамманинг омонатини қабул қилишга мажбурдир.

Лекин махсус мўлжалланган товар омборларида ундан фойдаланувчилар доираси чекланиши, бундан ташқари, товар омборлари махсус идораларга тегишли ҳам бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 905-моддасига кўра товар омбори зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йўриқномалари, сақлаш йўриқномалари, айрим турдаги товарларни сақлаш қоидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа махсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи) га риоя қилиши лозим;

Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан кўздан кечириши керак;

Агар омонат сақлаш эгасизлантириш йўли билан амалга ошириладиган бўлса, товар омбори товар эгасига товарларни ёки уларнинг намуналарини кўздан кечириш, намуна олиш ҳамда товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятларини бериши шарт.

Товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун сақлаш шароитларини тезлик билан ўзгартириш талаб қилинадиган ҳолларда

товар омбори зарур шошилиш чораларни мустақил кўриши ва бу кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасига хабар бериши;

Сақлаш вақтида товар омборда омонат сақлаш шартномасида келишилганидан ёки одатдаги табиий бузилиш нормалари доирасидан ташқари чиқадиган даражада бузилганлиги аниқланган тақдирда, товар омбори бу ҳақда дарҳол далолатнома тузиши ва ўша куниёқ юк топширувчини хабардор қилиши шарт.

Товар эгаси ва товар омборининг ҳар бири товарни қайтариб бериш вақтида уни кўздан кечириш ва миқдорини текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу туфайли қилинган харажатлар товарни кўздан кечиришни ёки унинг миқдорини текширишни талаб қилган тараф зиммасига тушади.

Агар омбор товарни эгасига қайтараётган вақтида улар товарни бирга кўздан кечирмаган ёки текширмаган бўлсалар, товар тегишли даражада сақланмаганлиги оқибатида унинг кам чиққанлиги ёки бузилганлиги ҳақидаги ариза омборга товарни олиш вақтида, товарни қабул қилишнинг оддий усули билан аниқлаш мумкин бўлмаган етишмовчилик ёки бузилиш хусусида эса, уларни аниқлаш учун зарур бўлган оқилона муддатда ёзма равишда юборилиши керак.

Фуқаролик кодексининг 906-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ариза бўлмаганида, агар акси исбот қилинган бўлмаса, омбор товарни омборда омонат сақлаш шартномаси шартларига мувофиқ қайтарган деб ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида товар омборида юклар сақланганда қуйидаги ҳужжатларни бериш билан расмийлаштирилади:

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қоғозлар бўлади. Икки қисмли ва оддий омбор гувоҳномаси гаров предмета бўлиши мумкин (ФКнинг 908-моддаси).

Икки қисмли омбор гувоҳномаси омбор гувоҳномасидан ва гаров гувоҳномасидан (варрант) иборат бўлиб, улар бир-биридан ажратилиши мумкин.

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг ҳар бир қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

товарни сақлаш учун қабул қилган товар омборининг номи ва жойлашган манзили;

омбор гувоҳномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;  
товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки  
фуқаронинг исми, шунингдек товар эгасининг жойлашган ери (яшаш  
жойи);

сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори - бир-  
ликлар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўл-  
чови (оғирлиги, ҳажми);

агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш  
учун қабул қилинганлиги ёки товар талаб қилиб олингунча сақлаш  
учун қабул қилинганлиги;

омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ёки бу ҳақни  
ҳисоблаб чиқаришга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини  
тўлаш тартиби;

омбор гувоҳномаси берилган сана.

Икки қисмли омбор гувоҳномасининг иккала қисмида вакил  
шахснинг бир хил имзоси ва товар омборхонасининг муҳри бўлиши  
шарт.

Фуқаролик кодексининг 909-моддаси талабларига мос келмай-  
диган ҳужжат икки қисмли омбор гувоҳномаси бўла олмайди.

Омбор ва гаров гувоҳномаларини сақловчи омборда сақланаёт-  
ган товарни тўла тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Гаров гувоҳномасидан ажратилган омбор гувоҳномасини сақ-  
ловчи товарни тасарруф этишга ҳақли, лекин гаров гувоҳномаси  
бўйича берилган кредитни тўламагунича товарни омбордан олиши  
мумкин эмас (ФКнинг 910-моддаси 2-қисми).

Гаров гувоҳномасини сақловчи ушбу гувоҳнома бўйича берил-  
ган кредит ва унинг фоизлари миқдорида товар бўйича гаров ҳуқуқи-  
га эга бўлади. Товар гаровга қўйилганида бу ҳақда омбор гувоҳно-  
масига белги қўйилади.

Агарда қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилган  
бўлмаса, омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси биргаликда ёки  
алоҳида-алоҳида топшириш ёзувлари бўйича топширилиши мумкин.

Оддий омбор гувоҳномаси тақдим этувчига берилади. Бундан  
ташқари, оддий омбор гувоҳномасида Фуқаролик кодексининг 909-  
моддасида назарда тутилган маълумотлар бўлиши, шунингдек, у  
тақдим этувчига берилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.

Товарни икки қисмли омборхона гувоҳномаси бўйича бериш  
қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда товар омбори товарни омбор ва гаров гувоҳномаларини (икки қисмли омбор гувоҳномасини) сақловчига бериб, ундан ушбу иккала гувоҳномани олади.

Омбор гувоҳномасини сақловчи гаров гувоҳномасига эга бўлма-са, бироқ унинг юзасидан қарз суммасини тўлаган бўлса, омбор то-варни фақат омбор гувоҳномасига айирбошлаш йўли билан ва у би-лан биргаликда гаров гувоҳномаси бўйича бутун қарз суммаси тўлан-ганлиги ҳақидаги патта тақдим этилгандагина беради.

Омбор ва гаров гувоҳномаларининг сақловчиси товарни қисм-ларга бўлиб беришни талаб қилишга ҳақли. Бунда дастлабки гувоҳно-малар ўрнига унга омборда қолган товар учун янги гувоҳномалар бе-рилади.

Гаров гувоҳномасига эга бўлмаган ва унинг юзасидан қарз сум-масини тўламаган омбор гувоҳномасини сақловчига Фуқаролик ко-дексининг 913-моддаси талабларига қарамай, товарни берган товар омбори гаров гувоҳномасини сақловчи олдида бу гувоҳнома бўйича таъминланган тўлов учун жавобгар бўлади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Ломбардларда омонат сақлаш шартномаси.
2. Бойликларни банкда сақлаш шартномаси.
3. Ашёларни транспорт ташкилотлари юкхоналарида сақлаш.
4. Ашёларни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш.
5. Ашёларни меҳмонхоналарда сақлаш.
6. Низоли ашёларни сақлаш (секвестр).
7. Товар омборида омонат сақлаш тушунчаси ва шартноманинг ҳуқуқий белгилари.
8. Шартнома томонлари ва шакли.
9. Сақловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
10. Омбор ҳужжатлари.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Омонат сақлаш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
2. Омонат сақлаш шартномасида тарафлар ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбури-ятлари.
3. Омонат сақлаш шартномасининг шакли ва муддатлари.

4. Ашёларни эгасизлантириб ва хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш.
5. Омонат сақлаш шартномасида тарафларнинг жавобгарлиги.
6. Омонат сақлаш шартномасининг бекор бўлиш асослари ва тартиби.
7. Ломбардда омонат сақлаш тартиби ва шартлари.
8. Бойликларни банкда сақлаш
9. Ашёларни транспорт ташкилотлари юкхоналарида сақлаш.
10. Ашёларни ташкилотларнинг киймхоналарида сақлаш.
11. Ашёларни меҳмонхоналарда сақлаш.
12. Низоли ашёларни сақлаш. Секвестр.
13. Товар омборида омонат сақлаш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.
14. Товар омбори ҳужжатлари: оддий ва икки қисмли обор гувоҳнома-си.
15. Товар омбори тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

## **52-БОБ.СУҒУРТА**

### **1 §. Суғуртанинг моҳияти ва аҳамияти**

Ҳозирги мураккаб кунда ҳаёт тасодифларга тўладир. Инсон турли хил тасодифларнинг табиий офат, босқинчилик қурбони бўлиш-лиги, тўсатдан бетоб бўлишлиги, тадбиркор шахс эса бозор конъюнк-тураси туфайли даромад ололмаслик ҳолатларидан холи эмас. Мана шундай салбий оқибатларни олдини олиш ёки салбий оқибатларни имкон қадар камайтириш мақсадида ҳар бир фуқаронинг истаги десак муболаға бўлмайди. Шунингдек айрим фуқароларимиз (ўт ўчирувчи-лар, қутқарувчилар, инкассаторлар ва бошқа касб эгалари) хавфли зо-наларда ишлайдилар. Бундай вазиятларда ишга қабул қилинган хо-димларнинг ҳаёти, меҳнат қобилиятини суғурта қилиш тегишли таш-килот ва идоралар ўз зиммаларига оладилар. Кўпгина фуқароларимиз ўз кексалик даврларини таъминлаш мақсадида махсус ихтисослашган ташкилотларга мурожаат этадиларки, улар фуқаролар ва ташкилот-лардан (суғурта қилдирувчи) бир йўла ёки вақти-вақти билан суғурта шартномасига мувофиқ бадалларни йиғадилар. Ушбу бадаллар ҳисо-бига (суғурта мукофоти) суғурталовчида алоҳида жамғарма ҳосил бўлиб, шартномада белгиланган ҳодиса (ўлим, меҳнат қобилиятини йўқотиши, мулкнинг нобуд бўлишлиги, даромад ололмаслиги ва бошқалар) рўй берганидан сўнггина келишилган сумма суғурта қил-дирувчига ёки у кўрсатган шахсга тўлайди. Республикамизда суғурта хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, давлат ижтимоий суғуртаси

ҳам мавжуд бўлиб, мустақиллик даврига қадар улар давлат страхованияси (госстрах)<sup>1</sup> ва давлат социал страхованияси (соцстрах)<sup>2</sup> деб юритилган.

Республикамиздаги суғурта фаолиятини ижтимоий суғурта ва суғурта хизматларига ажратиш мумкин.

Ижтимоий суғурта ҳозирги кунда ҳам шу ном билан юритилмоқда. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган барча фуқаролар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинадилар. Суғуртада эса, барча фуқаролар ишлаш-ишламаслигидан қатъи назар, ихтиёрий ва мажбурий суғурта хизматларидан фойдаланиши мумкин. Демак, ижтимоий суғурта субъектлари туман ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслардир. Ижтимоий суғурта ва суғурта, объектлари ҳамда фондларнинг ташкил қилиниши билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, суғуртада, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки суғурта объекти бўлиб ҳисобланса, улар ижтимоий суғуртанинг объекти бўла олмайди. Ижтимоий суғурта ва давлат суғуртаси ўзаро фондларнинг ташкил қилинишига кўра ҳам қуйидагича фарқ қилади. Масалан, ижтимоий таъминот суғуртасида, барча фуқароларнинг иш ҳақидан бир хил бадал олиш белгиланган бўлса, давлат суғуртасида суғурталанаётган объектнинг қийматидан келиб чиқиб бадал миқдори турлича белгиланади ва шартномада белгиланган миқдорда ҳамда муддатларда тўлаб борилади. Ундан ташқари суғурта шартномаси маълум муддат билан чегараланган бўлади, ижтимоий суғуртада эса бундай муддат кўрсатилмайди.

Фуқаролар ижтимоий суғурта тадбирларидан ташқари, қўшимча равишда ўзларини ихтиёрий суғурта қилишлари ҳам мумкин. Масалан, ёшга доир нафақа нафақа олишни суғурталаган шахс ижтимоий суғурта бўйича белгиланган ёшга доир нафақасини ва унга қўшимча равишда суғурта шартномасида белгиланган суғурта товонини (пулни) олиши мумкин. Швецияда пенсия ва тиббий хизмат давлат томонидан ташкил этилган бўлиб, 100% аҳолини қамраб олади. Бироқ, бунга қўшимча тарзда, фуқаролар, суғурта компаниялари билан ҳам ихтиёрий суғурта шартномаларини тузишлари мумкин<sup>3</sup>.

Юқоридаги суғурта хизмати турлари тартибга солиниши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланиб, суғурта Ўзбекистон Республикасининг

<sup>1</sup> Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. -Т.: Ўқитувчи, 1988. -138 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари кодексига шарҳлар. -Т.: Ўзбекистон, 1985. -319 б.

<sup>3</sup> www.allinsurance.ru



Фуқаролик кодекси билан, ижтимоий суғурта эса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Ижтимоий суғурта ва суғурта ўртасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, суғурта жисмоний ва юридик шахсларни бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган ҳар қандай молиявий инқирозлардан ҳимоялашнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Германияда “Альянс” номли суғурта компанияси суғурта бозорининг ҳукмрони ҳисобланиб, у ҳаётни суғурталаш соҳасининг 42 фоизини ва бошқа суғурта соҳаларини эса 38 фоизини эгаллаган<sup>1</sup>.

Суғурта бозорида етакчи ўринни эгаллаган Францияда, суғурта хизмати фаолиятини тартибга солиш, махсус суғурта кодекси асосида амалга оширилиб, у ҳаётни суғурталаш ва автомобил суғуртасига ихтисослашган<sup>2</sup>.

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизим барпо этилган. Бу ерда хаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини белгилаш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, бу ерда кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлар эса паст даражада<sup>3</sup>.

Суғурта бозори ривожланган Швецияда фақат транспорт ҳайдовчиларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги мажбурий суғурталанади, бошқа турдаги суғурта эса фақат ихтиёрий амалга оширилади.<sup>4</sup>

## **2 §. Суғурта ташкилотларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми**

Товар-пул муносабатларининг тараққий этиши билан инсонлар ихтиёрий тарзда маблағ тўплаб, турли тасодифий воқеалардан ўз-ўзларини ҳимоя қилишга фаол кириша бошладилар. Шу мақсадларда, суғурта соҳасига ихтисослашган ва уни ўзининг тадбиркорлик – тижорат фаолияти шакли қилиб олган шахсларга (суғурталовчиларга, суғурта ташкилотларига) олдиндан муайян миқдордаги бадаллар тўлаш йўли билан ҳимоялаш вазифасини суғурта ташкилотлари зиммасига юклаганлар.

<sup>1</sup> Ваҳобов А., Бурҳонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. -Т.: Янги аср авлоди, 2003 . –208 б.

<sup>2</sup> Благутин Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий. //Страховое дело. 2002. №10. стр-58.

<sup>3</sup> Ваҳобов А., Бурҳонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. -Т.: Янги аср авлоди, 2003 . –208 б.

<sup>4</sup> Страховой мир Швеции:цифры, страхование в россии [www.allinsurance-ru](http://www.allinsurance-ru) 29.05.2003.стр. 9 из 11

Тарихий манбаларга кўра, суғурта тўғрисидаги дастлабки қонунлар Европа мамлакатларида қабул қилинган. Илк суғурта қонунлари Германия, Швеция ва Голландияда жорий этилган<sup>1</sup>.

Республикамиз мустақиллигининг илк кунларидаёқ, суғурта хизматини кўрсатиш бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилди ва натижада Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида” ги қонунини қабул қилинди.

Мазкур қонун 1993 йил 6 майда қабул қилиниб, давлатимизда миллий суғурта фаолиятини тартибга солишда ташланган илк қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Суғурта” деб номланган 52- боби 48-та моддани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига суғуртани тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар, асосан, суғурта хизмати кўрсатиш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни, суғурта шартномасини тартибга солишга қаратилганлиги сабабли 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида” ги қонуннинг шартномага оид бўлими ўзининг аҳамиятини йўқотди. Натижада, бу қонунни фақат суғурта тизими фаолиятини тартибга солишга қаратилган қисмигина ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Оқибатда ҳуқуқий меъёрларни янада такомиллаштирган ҳолда, янги таҳрирда 2002 йил 5 апрелда “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг айрим турларини суғурталаш мақсадида 2008 йил 21 апрелда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Экспорт ўсишини янада рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспорт қилувчиларни суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технология, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига комплекс маркетинг орқали кириб боришини таъминлаш мақсадида, 1997 йил 18 февралда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

Ушбу фармонга мувофиқ куйидагилар "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

---

<sup>1</sup> Саъдуллаев Н. Суғурта – ҳаётий зарурат. Ғ Ўзбекистон овози. 2002. 20 апрель.

- сармоя, технологиялар, товарлар ва хизматларни миллий экспорт қилувчиларни халқаро бозорларда сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган тижорат банклари томонидан технологиялар, товарлар ва хизматлар экспортига маблағ билан таъминлаш учун ажратилган экспорт кредитларини қоплашга суғурта кафолатлари бериш;

- комплекс маркетинг таҳлилини ва юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига самарали кириб бориши стратегияси ишлаб чиқишини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига жалб қилинаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилиш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, корхоналар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли мулкӣ манфаатларининг ҳимоя қилиш мақсадида

“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компаниясини тузиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 мартда қарор қабул қилди.

Банкларнинг кредитлари қайтарилмаганлиги учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлиги, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилиши суғуртаси ва бошқа ҳолатлар суғурта қилинади.

Бу қонун, суғурта тизими фаолиятини тартибга солишга қаратилганлиги билан, олдинги қонундан тубдан фарқ қилиб, суғурта идораларини ихтисослашган тартибда, яъни, ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта соҳаларини суғурталаш билан шуғулланишини белгилаб берди. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори билан, ихтисослашган ҳолда фаолият юритувчи суғурталовчиларнинг минимал устав фонди:

- ҳаёт суғуртаси соҳаси – 250 минг АҚШ доллари сўм миқдоридида;

- умумий суғурта соҳаси – 150 минг АҚШ доллари сўм миқдоридида;

- қайта суғурта фаолияти соҳаси (агар фаолият предмети бўлиб фақат қайта суғурта бўлганда) – 2 млн. АҚШ доллари сўм миқдори белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини янада ривожлантириш мақсадида, “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ҳам қабул қилинди.

Республикамизда «Ўздавсуғуртаназорат» инспекциясини ташкил этиш мақсадида 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузурида суғурта назорати бўйича давлат инспекцияси тузилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Суғурта агентлари орқали суғурта шартномаларини тузиш ва амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятини суғурталовчи билан тузилган топшириқ шартномаси (агентлик келишуви) асосида амалга оширишни қонун билан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2003 йил 28 январда “Суғурта агентлиги тўғрисида Низом” қабул қилинди. Бироқ мазкур Низом суғурта брокерларига нисбатан қўлланилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида, ҳамда уларга лицензия бериш тартибини мувофиқлаштириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига илова қилиб “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом” қабул қилинди.

Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмайди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

Айрим ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда суғурта хизмати кўрсатиш фаолияти махсус суғурта кодекси билан тартибга солинади ва бу амалиётда ўз самарасини бермоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари ғ Ҳалқ сўзи. 2002 . 1 февраль.

<sup>2</sup> Благутин Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий. // Страховое дело. №10. 2002.- 58-с.

### 3 §. Суғурта шартномаси

Суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурта қилдирувчи) юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи томонидан суғурта товонини (суғурта пулини) тўлайди.

Суғурта шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланиб, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлайди, суғурталовчи эса суғурта ҳодисаси рўй бериши билан суғурта пулини тўлайди.

Икки томонлама шартнома бўлиб, иккала тараф ўз зиммаларига ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятларни оладилар. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта бадалини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилдирувчи эса суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Суғурта шартномаси тузилиши жараёнида суғурта бадалининг бир йўла тўланиши билан суғурта қилдирувчида мажбурият қолмаслигини назарда тутиб уни бир томонлама ва консенсуал шартномалар туркумига ҳам мансуб бўлади деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>. Суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси ҳақида хабар бериш мажбуриятининг сақланиб қолиниши суғурта шартномасининг икки томонлама шартнома сифатидаги хусусияти ўзгармайди.

Суғурта шартномаси тузилиш пайтига ва мазмунига қараб реал ва консенсуал шартномалар тоифасига киради. Ихтиёрий суғурта шартномалари реал шартнома ҳисобланади. Чунки, реал шартномаларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши тарафлар ўзаро келишган, шартномани расмийлаштирган бўлишидан ташқари шартнома нарса, ашё ёки пулнинг топширилиши талаб қилинади.

Суғурта шартномасининг элементларига тарафлар, предмет, муддат, шакли ва мазмуни киради.

Суғурта шартномасининг тарафлари бўлиб – суғурта қилдирувчи ва суғурталовчилар ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи – суғурта шартномасини тузувчи шахс ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи сифатида ҳар қандай шахс иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ

---

<sup>1</sup> Брагинский М.И. Витрянский В.В. Договорное право. Договоры о выполнении работ и оказании услуг – М.: 2002. Статут. 572

хўжалик ташкилотлари - ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, жамоат ташкилотлари, якка тадбиркорлар ва фуқаролар суғурта субъектлари ёки суғурта қилдирувчилари бўлиши мумкин.

Хўжаликларга, хусусий ташкилотларга, фуқаролар ва тадбиркорларга қарашли мулклар, мулкӣ жавобгарликлари, ҳаёти ва соғлиғи суғурта шартномасининг объектидирю.

Бироқ айрим турларида махсус субъектлар иштироқ этишигина мумкин. Мисол учун мажбурий давлат суғуртасида – давлат ҳокимият органлари. Кейинги параграфларда, суғурта шартномасининг алоҳида шаклларида батафсил кўриб чиқилади.

Суғурта қилдирувчи қоида бўйича суғурта мукофотини тўлайди. Бироқ консенсуал шартномада суғурта мукофотини тўлаш учинчи шахсга юклатилиши ҳам мумкин.

Наф олувчи бўлиб – суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилдирувчи кимнинг фойдасига тузган бўлса, шу шахс ҳисобланади.

Бу шартнома учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар туркумига кириб, ҳуқуқ билан бирга мажбурият ҳам юкланади.

Наф олувчи суғурта шартномасининг ҳамма турида иштироқ этмайди, фақатгина суғурта қилдирувчи истаган пайтдагина иштироқ эта олади. Айрим суғурта шартномаларида суғурта қилдирувчининг эрки иродасидан ташқари наф олувчининг иштироқи истисно этилади (тадбиркорлик хавфи суғуртаси), бошқаларида эса иштироқи мажбурийдир (жавобгарлик суғуртаси).

Наф олувчи суғурта шартномасини тузишда бевосита иштироқ этмай, унга розилик берса шартномадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар унга ҳам тааллуқли бўлади. Агар шартнома бўйича ҳеч қандай эътироз бўлмайдиган бўлса, шартнома субъекти сифатида қабул қилиниб шартнома мажбуриятларини бажармаганлик борасида жавобгарликка ҳам тортилади.

ФКнинг 917-моддасининг 3-қисмига мувофиқ наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига такдим этиш зарур.

Наф олувчида суғурта манфаатдорлиги бўлиши керак, ана шундагина у шахсий ва мулкӣ суғуртада иштироқ этиши мумкин.

Юқорида келтирилган шартлар бўйича наф олувчи суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг наф олувчи то-

монидан бажарилиши ФКнинг 926-моддасида қайд этилган. Наф олувчи фойдасига суғурта шартномасини тузиш суғурта қилдирувчини суғурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар фойдасига шартнома тузилган шахс томонидан бажарилмаган бўлса, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Наф олувчи мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни талаб қилганида суғурталовчи ундан, шу жумладан суғурталанган шахс наф олувчи бўлган тақдирда ҳам суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, лекин бажармаган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари хавфи наф олувчининг зиммасида бўлади.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчини огоҳлантирган ҳолда наф олувчини бошқа шахс билан алмаштиришга ҳақли (ФКнинг 945-моддаси). Наф олувчини алмаштириш чоғида суғурталовчининг розилигини олиш шарт эмас. Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган наф олувчини алмаштиришга фақат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Суғурта шартномасининг бекор бўлишига қадар наф олувчи суғурта қилдирувчи томонидан хоҳлаган вақтда алмаштирилиши мумкин. Бироқ наф олувчи суғурта шартномасига мувофиқ бирор мажбуриятни бажариши ёки суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш тўғрисида суғурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

Суғурталанган шахс – бу жисмоний шахс бўлиб, шахсий суғурта шартномасига мувофиқ ҳаёти ёки соғлиғи суғурталанган шахсдир. Бунда суғурталанган шахсда доимо суғурта манфаатдорлиги бўлиб, ҳам суғурта қилдирувчи ва наф олувчи бўлиши мумкин.

Агар суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи билан мос келмаса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилган ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 921-модда 4 қисми).

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган ҳолларда, шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи бу шахсни суғурта ходисаси юз бергунча исталган вақтда, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи томонидан шу суғурталанган шахс ва суғурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин (ФКнинг 944-модда).

Суғурталовчи – тегишли фаолият тури учун рухсатномага эга бўлган юридик шахс ҳисобланадилар. Суғурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, лицензия олиш тартиби ва уларнинг фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади. Бу борада юқорида гапириб ўтилди.

Швеция қонунларида ҳам суғурта компаниялари ихтисослашган ҳолда фаолият юритиши белгиланган бўлиб, 25 та суғурта компанияси ҳаёт суғуртаси билан шуғулланса, 57 таси мулкӣ (умумий) суғурталаш ишларини олиб боради. Бир вақтнинг ўзида бу икки турни суғурталаш ишларини олиб бориш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Агар битта шартномада бир неча суғурталовчи иштирок этса, у ҳолда биргаликда суғурта деб юритилади. Агар бошқача ҳол белгилаб қўйилмаган бўлса, суғурталовчилар суғурта қилдирувчи олдида солидар жавобгар бўладилар. Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада суғурта қилиш учун биргаликда суғурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисида оддий ширкат тузишлари мумкин (суғурта шерикчилиги). Биргаликда суғурталовчилар ўртасида тегишли келишув бўлган тақдирда, улардан бири суғурта қилдирувчи (наф олувчи) нинг олдида фақат ўз улуши учун жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, у билан ўзаро муносабатларда барча биргаликдаги суғурталовчилар номидан вакил бўлиши мумкин (ФКнинг 941-моддаси).

Қайта суғурта биргаликдаги суғуртанинг акси бўлиб, унда суғурталовчи шартнома бўйича ўз зиммасига олган суғурта хавфини бошқа суғурта ташкилотида суғурталайди. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномаларда суғурта қилдирувчи ҳисобланади. Қайта суғурта қилишда суғурта пулини ёки товонини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади (ФКнинг 959-моддаси).

Суғурта франшизаси ҳам мавжуд бўлиб – бу ўз зиммасига талофотларни бартараф этиш харажатларини олиш суммаси ҳисобланади.

Агар зарар миқдори франшизадан ошса товон тўлиқ тўланади (шартсиз франшиза). Франшиза суғурта қийматининг камайишини

<sup>1</sup> Страховой мир Швеции: цифры, страхование в россии [www.allinsurance-гг](http://www.allinsurance-гг) 29.05.2003.стр. 2 из 11.



таъминлайди. Мисол учун, автомобилни суғурта қилишда сиз суғурта ташкилоти билан барча етказилган зарарни – тирнаш (чизиш) ёхуд эзилиши 500 долларгача бўлган зарар миқдорини ўзингиз қоплашингиз мумкин. Бу ҳолатда суғурта ҳодисаси деб белгиламайсиз ва натижада ортиқча ҳаракатдан холи бўласиз.

Франшиза фоиз ёки тегишли суммада белгиланиши мумкин.<sup>1</sup>

Францияда, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишни амалга ошираётган суғурта идоралари ўз жавобгарлигини қайта суғурта қилиш компанияларида мажбурий суғурталаш тартиби ўрнатилган. Бунинг сабаби шундаки, одатда, бахтсиз ҳодиса табиат ҳодисаси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу ҳодиса содир бўлганда аҳолининг кўп қисмини зарар кўришини оқибатда, бундай бахтсиз ҳодисалардан суғурталаган суғурта идорасининг уларга кўрилган зарарни тўлашда маблағи етмай қолганда қайта суғурта қилган идоранинг маблағидан фойдаланишни назарда тутди<sup>2</sup>. Ривожланган мамлакатларда, қонунга зид бўлмаган ҳар қандай қайта суғурталашни амалга ошириш мумкин.

Суғурта шартномасини тузишда воситачилар орқали суғурта агентлари ёки суғурта брокерлари иштирокида амалга оширилади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси суғурта брокерига таъриф берилган бўлиб, суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокерининг фаолияти бундан мустаснодир.

Қайта суғурта брокери деб ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта агенти деб суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

<sup>1</sup> [http://kasko.711.ru/master\\_klass\\_avtokasko?ridk23199&00k1&findk68newWink0&apagek2&nmk\\_72302](http://kasko.711.ru/master_klass_avtokasko?ridk23199&00k1&findk68newWink0&apagek2&nmk_72302)

<sup>2</sup> Благутин Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий. // Страховое дело. №10. 2002. 58-с.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

Суғурталовчилар ўзлари ваколат берган суғурта агентларининг реестрларини юритишлари лозим (Суғурта фаолияти тўғр. қонун. 9-модда).

Суғурта шартномасининг предмети бўлиб алоҳида турдаги хизмат тушунилади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддатининг бошланиши суғурта мукофоти ёки биринчи бадалнинг тўланиши билан кучга киради. Агар амал қилишнинг бошқача муддати белгиланмаган бўлса, суғурта шартномаси кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисасига нисбатан татбиқ қилинади (ФКнинг 947-моддаси).

Шартнома кучга киргандан сўнг суғурта хавфи йўқолса, муддатидан олдин бекор бўлади:

- суғурталанган мол-мулк юз бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлса;

- тадбиркорлик хавфини ёки шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхташи билан. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, бошқача тартиб белгиланмаган бўлса қайтариб берилмайди.

Шартноманинг шакли – ёзма бўлиб, бу талабга риоя этилмаса, шартнома ҳақиқий эмас деб топилади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига мувофиқ суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси) ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолатда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёки суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади (ФКнинг 927-моддаси).

Шунингдек суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурталовчи ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари (суғурта полиси) тақдим этиши мумкин.

Суғурта полиси (шаҳодатнома, сертификат, квитанция) - суғурта шартномасини тасдиқловчи, суғурталовчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжат. Полис шартноманинг ҳамма муҳим шартларини ўзида

мужассам этиши шарт. Суғурталовчи томонидан имзоланиб, суғурталовчининг, суғурта қилдирувчининг, наф олувчининг, суғурталанган шахснинг номи ва манзили, суғурта объекти, суғурта хавфи, суғурта пулининг миқдори, ҳамда шартнома муддати кўрсатилиши керак.

Полис бир галлик ва бош полис бўлиши мумкин. Бир галлик суғурта полисида одатда битта предмет бўйича суғурта шартномаси расмийлаштирилади. Бош полис бўйича суғурталаш эса бир турдаги мол-мулк турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш тушунилади (ФКнинг 928-моддаси 1 қисми).

Бош полис билан суғурталаш фақатгина мол-мулкни суғурта қилишда қўллаш мумкин. Шахсий ва мулкый суғуртада бир галлик суғурта полиси қўлланилади. Агар шартномада кўрсатилган бўлса, шахсий ва мулкый суғуртада қўлланилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса, улар олингандан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.

Бош полис бўйича суғурталашда доимо мулкларнинг ўзгариши рўй бериб, мол-мулкнинг бир қисми шартномадан чиқиб кетса, ўрнига бошқалари келади. Шунинг учун вақти-вақти билан суғурта бадаллари тўлаб борилиши керак.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт (ФКнинг 928-моддаси 2 ва 3-қисмлари).

Суғурта шартномасининг шартлари нафақат шартномада ёки суғурта полисида белгиланиши, балки суғурта қоидалари билан ҳам белгиланиши мумкин.

Суғурта қоидалари – суғурталовчи ёки суғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги суғуртанинг стандарт қоидалардир. Бу қоидалар кўп маротаба қўлланишга мўлжалланган бўлгани учун стандартлаштирилган.

Суғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шартномаси матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисида) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта ҳужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир. Илова қилинган тақдирда, шартномани тузиш пайтида суғурта қилдирувчига суғурта қоидалари топширилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйилиши лозим (ФКнинг 930-моддаси 2 қисми).

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта қоидаларининг айрим бандларини ўзгартириш ёки чиқариб ташлаш ва қоидаларда бўлмаган бандларни шартномага киритиш тўғрисида келишишлари мумкин (ФКнинг 930-моддаси 3-қисми).

Шунингдек суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, суғурта шартномасида (полисида) кўрсатиб ўтилган тегишли турдаги суғурта қоидаларини, ушбу қоидалар 930-моддага кўра мажбурий бўлмаса ўам, важ қилиб келтиришга ҳақли.

Шартноманинг муҳим шартлари шартнома мазмунини ташкил қилганлиги учун аввалам бор ушбу шартларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шартноманинг муҳим шартлари ФКнинг 929-моддасида ўз аксини топган:

- 1) суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёки бошқа мулкый манфаат;
- 2) суғурта ҳодисаси;
- 3) суғурта пули;
- 4) суғурта товони миқдори;
- 5) суғурта мукофоти миқдори ва уни тўлаш муддатлари;
- 6) шартноманинг муддати.

Суғурта объекти бўлиб нафақат фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, балки ҳозирги кунда жавобгарлик мажбуриятлари, тадбиркорлик хавфи ва яна бир қатор манфаатлар ҳам бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси объектларининг шартнома тузилаётган вақтдаги ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳолларда, суғурта шартномаси объектининг ҳолати, жойлашиш шароити туфайли, шахсий суғурта шартномасида эса суғурталанувчи шахснинг соғлиғи ҳолати, суғурта хавфини баҳолашга, унинг миқдорини ўзгартиришга ёки

суғурта шартномасини умуман тузмасликка сабаб бўлиши мумкин. Албатта, бу ҳақда, Фуқаролик кодекснинг 932-моддасида суғурталанувчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра, мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганда, суғурталовчи суғурталанаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурият бўлган тақдирда унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида экспертиза тайинлашга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномаси тузилаётганда эса, суғурталовчи суғурта қилинаётган шахс соғлиғининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтиришга ҳақли. Агар, суғурталовчи, ушбу текширув давомида суғурта қилиниши лозим бўлган объектларда суғурта шартномаси тузмасликка асос бўладиган ҳолатларни аниқласа, суғурта шартномасини тузишдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Суғурта компаниялари ва идораларининг асосий вазифалари, фуқаролардан ёки юридик шахслардан ундириладиган мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадаллари билан ўз заҳираларини бойитиш эмас, балки, бахтсиз ҳодисалар, тижорат таваккалчилиги ва бошқа ҳодисалар туфайли молиявий қийинчиликка тушиб қолган суғурталанувчиларга суғурта қопламаларини тўлаш орқали ёрдам беришдан иборат.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича чет эл давлатларининг тажрибасига назар соладиган бўлсак, Германияда, аҳолининг ёши чегараланмаганлигини, аксинча, суғурталанётган шахснинг ёшига, яъни суғурта хавфини ошиб боришига қараб, суғурта бадаллари миқдорининг ошиб боришини кузатамиз<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалик экинларини суғурта қилиш шартномалари бўйича, қишлоқ хўжалик экинлари, суғурта объектлари ҳисобланиб, уларнинг қандай жойга экилганлиги шартнома тузиш ёки тузмасликка асос бўлади. Агар экинлар шўр, сувсиз ва ҳосилдорлиги кам ерларга экилган бўлса, суғурта идораси ходимлари, шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Фуқароларнинг уй-жойини ихтиёрий суғурта қилиш тўғрисидаги қоидаларга асосан, агар уй-жойлар қаровсиз аҳволда, ёки қулаб тушиш эҳтимоли бор ерларда бўлса, уларни суғурталашга йўл қўйилмайди<sup>2</sup>. Суғурта объектига берилган таърифда, фуқароларнинг мол-мулки ва соғлиғи суғурта объекти бўлади деб ҳисобланса-да, суғурта ҳодисаси хавфи юқори бўлганлиги сабабли бундай объектлар суғурталанмайди.

<sup>1</sup> «Структуры социальной рыночной экономики». Глава из книги Германия. Факты. стр-48.

<sup>2</sup> Қишлоқ аҳолиси уй мулкни ихтиёрий суғурта қилиш қондаси. –Т.: Ўзагросуғурта, 1997. 17.05. №19.

Суғурта шартномасининг объектлари, шартнома мазмунига қараб турлича бўлиши мумкин. Агар шартнома турларига қараб суғурта объектларини бўладиган бўлсак, уларни мулкый ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий объектларга ажратишимиз мумкин. Масалан, шартномадан келиб чиқадиган жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича, шахснинг шартномада белгиланган жавобгарлиги суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Шахсий давлат мажбурий суғуртаси бўйича суғурталанган шахснинг фақат иш билан боғлиқ ҳолда ўз соғлиғини бузилиши, шикастланиши ёки вафот этиши, яъни ўз хизмат бурчини бажараётган вақтдаги ҳаёти ва соғлиғи, суғурта объекти бўлиб саналади. Хизмат бурчини бажаришдан ташқари ҳолатдаги ҳаёти ва соғлиғи объекти бўлиб ҳисобланмайди. ФКнинг 916-моддасига мувофиқ қуйидаги манфаатлар суғурта қилинмайди:

- кимор, лоторея ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.

- гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатлар.

Суғурта ҳодисаси - суғурта шартномасида кўзда тутилган ва юз бериши мумкин бўлган воқеа тушунилади. Суғурта ҳодисаси баъзи ҳолларда суғурта хатари деб ҳам юритилади. “Суғурта хатари” атамаси эса, турлича маъноларда қўлланилиши мумкин. Аксарият ҳолларда, суғурта хатари деб қуйидагиларга айтилади:

- 1) Воқеа ва бир қанча воқеалар ва булар натижасида, суғурта қилувчи ўзининг асосий мажбуриятини бажариши - суғурта товонини (суғурта суммасини) тўлаши керак бўлган ҳолат.

- 2) Рўй бериш эҳтимоли бўлган хавф-хатар, шу хавф-хатарнинг юз бериш эҳтимолидан суғурта қилиш.

- 3) Бир ёки бир неча суғурта бўйича суғурта қилувчининг зиммасига тушадиган масъулият даражаси.

Ҳар қандай суғурта шартномасида ҳам, суғурта ҳодисаси рўй берганида, суғурта қилувчи суғурта товонини тўлаши лозим бўлган воқеалар аниқ кўзда тутилади.

Суғурта назарияси ва амалиётида, муайян шартлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу шартларга кўра, бирон бир тарздаги ҳодиса (воқеа) суғурта қилувчи зиммасига оладиган масъулият деб ҳисобланиши мумкин. Бундай шартлар бир неча суғуртада кўзда тутилган воқеалар, рўй беришлиги (реал) ва тасодифий тусда бўлиши керак акс ҳолда, суғуртанинг зарурияти бўлмай қолади. Суғурта объектига нисбатан воқеанинг рўй бериш факти, унинг қачон рўй бериши ва таъсир кучи,

суғурта қилувчига ҳам, суғурта қилдирувчига ҳам, олдиндан маълум бўлмаслиги ва суғурта шартномаси иштирокчилари томонидан уюштирилган бўлмаслиги керак.

ФКнинг 953-моддасида: “Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқиба-тида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пу-лини тўлашдан озод қилинади, қасддан зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида қилинган ҳаракатлар бундан мустасно”, деб белги-ланган. Суғурта ҳодисасига қўйилган бу талабга кўра, суғурта ҳоди-саси суғурта товонини тўлашни ҳал қилишда аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари, махсус ор-ганлар томонидан ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида суғурта то-вони тўлаш ёки тўламаслик ҳақида қарор чиқарилади. Масалан, шах-сий суғурта шартномалари бўйича суғурталанувчи шикастланганда, шу шикастланиш даражаси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва келгу-сидаги оқибатлари ҳақида, албатта, тиббиёт хулосаси талаб этилади. Баъзида, суғурталанувчи келиб чиққан бахтсиз ҳодиса туфайли эмас, балки унинг оқибатлари натижасида, катта зарар кўриши мумкин. Шундай ҳолатларни аниқлаш мақсадида тиббий хулоса катта аҳами-ятга эга.

Агар, суғурта шартномасини тузишда, мазкур объектга доир воқеанинг албатта рўй бериши маълум бўлса, у ҳолда суғуртани амалга ошириб бўлмайди.

Маълум турдаги бир неча хил мол-мулкни, бир турдаги хавф-хатардан ёки айни бир вақтда турли хил хавф-хатарлардан суғурта қилиш мумкин. Ҳозирги кунда суғурта идоралари жисмоний ва юри-дик шахсларни турли-хавф-хатарлардан суғурталаш орқали ҳимоя-лаш вазифасини амалга оширмоқда.

Суғурта шартномасида иштирок этаётган суғурта объекти ва суғурта субъектларига қараб суғурта ҳодисаси ҳам турлича бўлади. Ҳаётни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталанувчининг вафоти суғурта ҳодисаси ҳисобланса, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича, тадбиркор олиши керак мумкин бўлган фойданинг олинмай қолиши, суғурта шартномасининг ҳодисаси, зар-рар етказганлик мажбуриятларини суғурта қилиш шартномаси бўйи-ча эса, учинчи шахсга зарар етказилиши суғурта ҳодисалари бўлиб ҳисобланади.

ФКнинг 943-моддасига асосан, суғурта шартномасида суғурта предмети сифатида белгиланадиган ҳодиса, эҳтимол тутиладиган ва

тасодифлик белгиларига эга бўлиши лозим. Масалан, қарздорнинг кредит суммасини қайтариш мажбуриятини бажармаслиги фақат тасодиф бўлгандагина яъни, мазкур ҳолат суғурталанувчининг эркидан ташқари содир бўлгандагина суғурта ҳодисаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Суғурта ҳодисасининг содир бўлган вақти суғурта товонини талаб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, кредит қайтарилишини кафолатловчи суғурта шартномасига кўра, суғурталанувчининг кредитордан олган кредит қарзини унинг муддати келган пайтда қайтара олмаслиги суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда, шартномада белгиланган муддатда суғурта идораларига хабар бермаслик ҳам суғурта товонини тўлашни рад этиш учун асос бўлади. ФКнинг 951-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра суғурта қилдирувчи шартномада ёки суғурта қоидаларида назарда тутилган муддатларда, суғурталовчига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ҳақида хабар бермаса, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотларнинг йўқлиги, унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Агар суғурта ҳодисаси ҳақида хабар берилганидан сўнг, суғурта идораларидан вакил келиб тегишли далолатнома тузмаса, суғурта идораси томонидан, далолатнома тузилмаганлигини рўқач қилиб, белгиланган товон пулини тўлашни рад қилинишига йўл қўйилмайди.

Далолатнома - суғурта қилинган мол- мулкнинг зарарланиш сабаби, миқдори ва аниқ жойи кўрсатилган ҳамда экспертлар хулосаси мавжуд бўлган ҳужжатдир<sup>1</sup>.

Суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг тузиладиган далолатномаларда иштирок этувчи шахсларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги ҳамда суғурта қилдирувчи (унинг вояга етган оила аъзоси ёхуд ваколатли шахс) иштирокида тузилиши керак. Далолатномада, бахтсиз ҳодиса туфайли, суғурта шартномаси объектининг қанча миқдорда зарарланганлиги, бахтсиз ҳодисани келиб чиқиш тафсилотлари албатта ёритилган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда, далолатнома тузиш учун тегишли мутахассис, башарти, иситиш, сув билан таъминлаш ёки канализация тизимлари, улардан фойдаланувчи ташкилотнинг айби билан

---

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия. –Т.: Шарқ, 2001. –413 б.



ишдан чиққанда эса, ана шу ташкилотнинг вакили ҳам таклиф этилиши керак.

Суғурта органларига, ана шундай мавҳум ҳолатда вужудга келган суғурта ҳодисалари қандай содир бўлганлигини, тасодифан ёки қасддан уюштирилган ҳаракатлар туфайли содир бўлганлигини ва суғурта товонининг миқдорини белгилаш мақсадида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тегишли ҳужжатлар сўраб олиш ҳуқуқи “Ўзбекистон Республикасининг Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуннинг 25- моддасида кафолатланган бўлиб, унга кўра “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, суғурталовчиларнинг сўровига кўра суғурта ҳодисаларининг юз бериши сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда суғурта товони миқдорлари, суғурталовчи томонидан аниқланиши мақсадида етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни тақдим этишлари шарт”<sup>1</sup>, - деб белгиланган. ФКнинг 957-моддасида суғурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган ҳуқуқларининг суғурталовчига ўтиши яъни суброгация ҳуқуқи таъминланган. Бу моддада, суғурта қилдирувчининг етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ҳуқуқлари, агар мулкий суғурта шартномасида бошқача кўрсатилмаган бўлса, суғурталовчига ўтиши қоидалари мустаҳкамланган. Бироқ, зарар қасддан етказилган бўлса, суғурталовчи суғурта пулини тўлагандан сўнг, суғурта шартномасида қандай кўрсатилганидан қатъи назар, юқоридаги ҳуқуқни қўлга киритади.

ФКнинг 935-моддасига мувофиқ: “Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади”. Мол-мулкни суғурта қилишдан кўзланган асосий мақсад, суғурта қилинган мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши натижасида етган зарарни қоплашдан иборат. Шу боис, суғурта юзасидан бериладиган пулнинг миқдори (суғурта пули), суғурта қилинган мол-мулкнинг қийматидан ошмаслиги талаб этилади. Шу маънода, айтиб бериш керак суғурта пулини белгилаш учун, унинг қийматини аниқлаш керак бўлади.

ФКнинг 935-моддасига кўра, мулкий суғурта шартномаси амал қилган даврда, томонларга мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Ҳ Халқ сўзи. 2002. 28.05.

қиймати юзасидан низолашиш ҳуқуқи берилмаган, суғурталовчи ўзининг суғурта қилдирувчи томонидан атайлаб чалғитилганлигини исботлаб берувчи ҳолатлар бундан мустасно. Агар шартномада суғурта пули билан суғурта қийматининг нисбати бузилган бўлса, мазкур шартнома қисман ҳақиқий эмас деб топилади ва шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мулкнинг шартнома тузилган пайтдаги қийматидан келиб чиққан ҳолда суғурта товони тўланади.

Мулкнинг суғурта қиймати унинг ҳақиқий қиймати доирасида ва унинг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда мулкнинг ҳақиқий қиймати уни кўриқдан ўтказиш, баҳолаш, экспертиза тайинлаш ва унинг хулосаси, бозордаги шунга ўхшаш мулкнинг баҳосини белигилаш билан аниқланади.

Объектнинг (бинолар, чорва моллари, бирон қишлоқ хўжалик экинининг ҳосили ва бошқаларнинг) суғурта қилиш мақсадлари учун белгиланган қиймати-суғурта учун баҳолаш деб аталади.

Суғурта қилинувчи объектларни баҳолаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бу баҳо, суғурта йўли билан таъминлаш суммасини белгилаш учун асос қилиб олинади. Агар, суғурта қилинаётган объектларга унинг ҳақиқий қийматидан кам баҳо қўйилса, у ҳолда суғурта йўли билан таъминлаш пули ҳам камаяди.

Суғурта пули суғурта учун қўйилган баҳо билан тўғри келиши мумкин. Бу ҳолда мулк унинг тўла қиймати миқдорида суғурта қилинган ҳисобланади. Агар мол-мулк нобуд бўлса, ёки зарар етказилса, унга етган зарар тўлиқ ҳажмда қопланади. Суғурта пули суғурта қийматидан кам бўлиши ҳам мумкин.

ФКнинг 938-моддасида: “Суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмади ва суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди”.

Суғурта қиймати - суғурта объектининг асл, фактик қиймати бўлиб, уни белгилаш турли мамалакатлардаги жорий қонунчилик ва амалиётда шаклланган ўзига хос қоидаларга асосланиб амалга оширилади.

Америка Қўшма Штатларида эса, суғурта қиймати товар юкланаётган пайтдаги бозор нархи қанча бўлса, шундан келиб чиқиб ҳисобланади ва бу рейс бошланиши олдидан аниқланади. Француз қонунчилигида, суғурта қийматига товарнинг сотилиш нархи ва юклаш пайтида сарфланган харажатлар, унинг белгиланган жойга

етказилиши ва кутилаётган даромад миқдори ҳам қўшиб белгиланади. Германияда эса суғурта қиймати сифатида, суғурта ҳодисаси юзга келиши билан товарнинг асл сотилиш қиймати қабул қилинган.

Суғурта пули ва суғурта баҳоси тўғрисида юқорида таъкидлаб ўтилган қоидалар, шахсий суғурта шартномасига қўлланилмайди. Чунки, кишининг ҳаёти ёки меҳнат қобилиятини, суғурта қилиш мақсадларида баҳолаб бўлмайди.

Хуллас, суғурта қийматини аниқлаш, суғурта ҳодисаси натижасида тўланадиган суғурта товони, суғурта бадали миқдорини суғурта пулини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қатъий белгиланиши лозим.

Суғурта пули - суғурта қийматидан келиб чиқиб белгиланади ва у суғурта қийматидан кам ёки тенг миқдорда белгиланиши мумкин.

ФКнинг 934-моддасига мувофиқ: “Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра, ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

мол-мулк учун - унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган ҳақиқий қиймати;

тадбиркорлик хавфи - суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида, суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар.

Қонун ёки суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурталовчи, шартномада қайд этилган шахсга суғурта шартномасида белгиланган муддатда, суғурта пулини (суғурта товонини) тўлаши шарт.

Суғурта пулининг миқдори, суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш ҳолатига қараб камайиши ёки умуман тўланмаслиги мумкин. Чунки, суғурта ҳодисасининг келиб чиқишида, суғурта қилдирувчининг айби бўлса ёки суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар, суғурта пу-

лидан кам миқдорда бўлган тақдирда, суғурта пулининг миқдори камайиши мумкин. Суғурта пули билан суғурта товони бир мазмундаги иборалар эмас. Чунончи, суғурта пули шартномада суғурта ҳодисаси рўй берганида тўланиши лозим бўлган пул бўлса, суғурта товони суғурта ҳодисаси рўй бергач, суғурта қилдирувчи кўрган зарар ёки суғурта ташкилоти томонидан тўланиши лозим бўлган пул маблағи ҳисобланади.

Етказилган зарар миқдорини, суғурта ташкилоти, ўзи тузган далолатнома асосида, зарур ҳолларда эса, мулкнинг нобуд бўлган, зарарланган ёки йўқолган жойи, вақти, сабаби ва бошқа шароитлар ҳақида ваколатли ташкилотлар (авария хизмати, милиция, тергов ташкилотлари, суд ва бошқалар) томонидан берилган ҳужжатларни ҳисобга олиб аниқлайди.

Суғурта ҳодисаси натижасида мол-мулкка етказилган зарар бўлиб, мулк нобуд бўлганида ёки ўғирланганида - мулкни суғурта қилишда асосланадиган, суғурта шартномасида белгиланган нархи, уй-жойнинг ҳаммаси тамоман нобуд бўлганда эса, махсус ва умумий суғурта шартномаларида кўрсатилган суғурта пули, мулк зарарланганда –мулкнинг олдинги қиймати билан суғурта ҳодисаси туфайли қимматини (сифати ва қийматини) йўқотгандан кейинги нархи орасидаги фарқ;

агар зарарланган нарсани тузатиш йўли билан аввалги ҳолатига келтириш мумкин бўлса, у ҳолда ана шу нарсани тузатиш нархи кўрилган зарар ҳисобланади.

Тузатиш нархи, тузатиш мақсадида фуқаролардан ҳақ ундириб олиш учун тегишли ташкилотлар томонидан белгиланган амалдаги баҳолар (тарифлар) асосида ҳисоблаб чиқилади.

Тузатиш нархи, суғурта пулидан ошмайдиган миқдор доирасидагина зарар деб тан олинади. Агар, экспертиза ўтказиш зарур деб топилган бўлса, бу ишни бажариш нархи ҳам зарар қийматига қўшилади.

Кўрсатилган ишларни бажариш харажатларининг миқдори амалдаги баҳолар асосида, ана шу ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси юз берганида, мулкни сақлаб қолиш ва уни тартибга келтириш учун қилинган харажатлар нархи ҳам (агар бу харажатлар зарур деб тан олинган бўлса) зарар миқдорига киритилади.

Ушбу харажатлар миқдори тегишли ишлар (хизматлар) га фуқаролар ҳақ тўлаши учун белгиланган амалдаги баҳолар (таърифлар) асосида аниқланади.

Агар нобуд бўлган, зарарланган ёки ўғирланган бирон-бир мулк учун белгиланган нархлар бўлмаса, у ҳолда, зарар миқдори суғурта шартномаси тузилган пайтда амал қилаётган нархлардан келиб чиқиб аниқланади.

Суғурта товони, кўрилган зарар миқдорида, суғурта шартномаси тузилган пайтдаги баҳолар асосида, аммо шартномада келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Суғурта товонини тўлаш ҳақидаги қарорни давлат суғурта муассасаси мустақил равишда қабул қилади.

Суғурта товонини эса, шартнома тузган суғурта муассасаси барча зарур ҳужжатларни олганидан сўнг, шартномада белгиланган муддат ичида тўлайди. Суғурта қилдирувчига ёки унинг оила аъзоларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган тақдирда, бу тартиб жорий қилинмайди.

Суғурта товони суғурта қилдирувчининг ўзига тўланади. Унинг хоҳишига биноан, товон наф олувчининг номи ёзилган чек бериш, омонат кассага ўтказиш, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш ёки белгиланган тартибда почта орқали юбориш йўли билан тўланиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи вафот этган бўлса, суғурта товони қонунда белгиланган тартибда, унинг ворисларига тўланади.

Суғурта муассасаси ходимларининг айби билан, суғурта товонини тўлаш кечиктирилганлиги учун, суғурта шартномаларида, тегишли жарималар тўлаш белгиланади. Бундай жарималарнинг миқдорини белгилаш, ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича, томонларнинг ўзаро келишуви асосида, мажбурий суғурта шартномалари бўйича эса, ушбу шартномага оид қонун ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси, яъни фуқарони бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартномаси бўйича, агар суғурта ҳодисаси рўй берса, суғурта қилувчи суғурта тўловини 72 соат ичида тўлаши лозим. Башарти, тўлов белгиланган муддат ичида амалга оширилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун, шартномада белгиланган миқдорда жарима тўланади.

Зарар, айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланса, суғурта қилдирувчи, суғурта товонини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Агар зарар,

қисман қопланган ёки тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан кам миқдорда тўланган бўлса, у ҳолда, суғурта товони, етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олинган пулни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг, суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш жараёнида, ушбу ҳодисанинг келиб чиқишида, суғурта қилдирувчининг қасддан содир этган ҳаракатлари мавжудлиги аниқланса, суғурта идоралари, суғурта қопламасини тўлашни рад этишга ҳақли бўлади.

Суғурта шартномасининг шартларини белгилашда, суғурта бадали, суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши лозим бўлган пул тўлов мажбурияти вазифасини ўтайди. Зеро, суғурта бадали, шартнома тузаётган суғурталанувчи томонидан суғурта идорасига тўланиши лозим бўлган пул миқдоридир. Суғурта бадали, шартномаларда, баъзан суғурта мукофоти деб ҳам юритилади.

Мукофот рағбатлантирувчи тарздаги пул миқдори бўлиб, суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган пул мукофот мазмунини билдирмайди.

Суғурта шартномасида бадалларининг миқдори шартноманинг турига қараб белгиланади. Агар ихтиёрий суғурта шартномалари тузилаётган бўлса, бундай шартномаларнинг бадаллари миқдори шартнома субъектлари ўртасида суғурта пули миқдорига қараб, ўзаро келишув асосида белгиланади. Суғурта пулининг энг кам миқдори суғурта қоидаларида белгилаб қўйилган бўлиши мумкин.

Мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қатъий белгиланган бўлади ва уни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Лекин, баъзи ҳолларда, суғурта бадалларининг миқдори шартноманинг муддатига нисбатан белгиланган бўлиши мумкин. Бир йилдан кам муддатга тузилган шартномалар бўйича шартнома муддатига боғлиқ равишда суғурта фоиз ставкаларининг миқдори камайтирилади.

Шартноманинг мазмуни бўлиб, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада белгиланган мажбуриятларини ёритишда аниқлаб олиш мумкин бўлади. Аввалам бор, суғурталовчининг зиммасида таваккалчилик бўлиб, суғурта ҳодисаси рўй бериши билан суғурта пулини тўлайди. Ушбу мажбурият энг асосий мажбурият ҳисобланиб, суғурта ҳафви унинг зиммасида бўлиши суғурталовчига ҳеч қандай ҳаракатларни содир этиш юклатилмайди, аксинча агар суғурта хавфи рўй бергудек бўлса, суғурта пулини тўлаш ҳаракатини амалга ошириши керак

бўлади. Суғурта товони одатда суғурта пулидан ошмаслиги керак. Аксарият ҳолатларда суғурта пули пул бирликларида амалга оширилади, айрим вақтларда натура ҳолида ҳам берилиши мумкин. Мисол учун тиббий суғуртада пулнинг эвазига суғурта қилдирувчига тиббий муолажа кўрсатилади. Суғурта товонининг миқдори ва тартиби суғурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ, шунингдек шартнома шартларига асосан амалга оширилади. ФКнинг 951-моддасига мувофиқ, суғурта ҳодисаси рўй бериши биланоқ суғурта қилдирувчининг аризаси суғурталовчини огоҳлантириш усулларида бири ҳисобланади. Бироқ айрим вазиятларда наф олувчи томонидан ҳам огоҳлантирилиши мумкин. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва усули назарда тутилган бўлса, ушбу шартлашилган муддатда ва усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчининг ўзининг фойдасига тuzилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчининг зиммасида бўлади. Юқоридаги мажбуриятларнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёки бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради. Ушбу қоидалар шахсий суғурта шартномасига ҳам таллуқли бўлиб, суғурталовчини хабардор этиш 20 кундан кам бўлмаслиги керак. Суғурталовчи суғурта ҳодисасининг келиб чиқиш асослари ва вазиятларини ўрганишга асосли бўлиб, суғурта товонини белгилашда муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳолатни ўрганишда суғурталовчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи (ФКнинг 932-моддаси), суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта хавфининг ортиши оқибатлари (ФКнинг 949-моддаси) билан аниқлаш имконини беради.

Агар суғурта товонини тўлашни рад этувчи маълумотлар бўлмаса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига (наф олувчи) тўлаши шарт.

Қуйидаги ҳолларда суғурталовчи тўлашдан бош тортиши мумкин:

Суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса (ФКнинг 953-моддаси 1 қисми).

Қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод этиш ёки товон миқдорини камайтириш мумкин. Суғурталовчи суғурталанган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар

етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан, агар зарар суғурталанувчи учун жавобгар шахсининг айби билан етказилган бўлса, озод қилинмайди.

Суғурталовчи шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, тўланиши лозим бўлган суғурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача суғурта шартномаси камида 2 йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди (ФКнинг 953-моддаси 2-4 қисмлари). Қолган ҳолатларда суғурта қилдирувчининг, наф олувчининг ёки суғурталанган шахсининг эҳтиётсизлиги ва кўпол эҳтиётсизлиги суғурта товонини рад этишга асос бўла олмайди.

Суғурта ҳодисаси қуйидаги ҳолатларда юз берган бўлса:

- ядро портлаши, радиация ёки захарланиш таъсирида;
- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ва бошқа ҳарбий тадбирлар.

Суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод этилади. Бунинг сабаби суғурта ҳодисасининг амалга ошиш хавфи юқори бўлганлиги билан белгиланади.

Одатда суғурта товонини тўлашни рад этиш қарори суғурта қилдирувчи (наф олувчи) сўраб мурожаат этгандан сўнг, 15 кундан кечиктирмасдан ёзма, ҳамда сабаблари кўрсатилган ҳолатда билдирилади (ФКнинг 955-моддаси).

Суғурта пулини тўлашдан бош тортиш ёки бўйин товлаш, ҳамда ўз вақтида тўламаганлик учун неустойка белгиланмаган, бироқ суғурта шартномасида неустойка белгиланиши мумкин.

Кейинги суғурталовчининг мажбурияти бу суғурта сиридир. Суғурталовчи суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ва наф олувчи, унинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғурталовчи бузилган ҳуқуқларнинг тури ва бузиш хусусиятларига қараб ФКнинг 985, 1021, 1022-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади (ФКнинг 933-моддаси). Мазкур қоида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек суғурталовчининг қўшимча мажбуриятлари шартномада белгилаб қўйилиши мумкин.



Суғурта қилдирувчи шартномада белгилаб қўйилган суммани бир қисмини тўлаган бўлса, қолган суғурта бадалларини тўлаши шарт. Суғурта қилдирувчида суғурта мукофотини (биринчи суғурта бадали) тўлаш мажбурияти ётади.

Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин. Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли (ФКнинг 942-моддаси).

Навбатдаги мажбурияти суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли қутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи) ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни, маълумотларни суғурталовчига хабар бериши шарт.

Суғурта шартномасининг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим ҳисобланади. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди (ФКнинг 931-моданинг 2 ва 3 қисмлари).

ФКнинг 932-моддасига мувофиқ мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганда суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, экспертиза тайинлашга ҳақли. Шахсий суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи суғурта қилинаётган шахснинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширишга ҳақлидир. Бу бўйича юқорида гапириб ўтилди.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлгон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (ФКнинг 931-модда 4 қисм). Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчи-

нинг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб, шартномани бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди (ФКнинг 931-модда 3 қисм).

Мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи шартнома тузилаётганда суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар бериш шарт. Суғурта шартномасида ва суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида айтиб қўйилган ўзгаришлар муҳим деб ҳисобланади (ФКнинг 949-модда).

Мазкур моддага мувофиқ суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган суғурталовчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Суғурта тўловларини, суғурта бадалларини ўз вақтида тўлаш, суғурта полисини беришни кечиктирмаслик, суғурта объектини асраш, суғурта ҳодисаси рўй берганида вақтида хабар бериш ва ҳоказо шартлар шартнома тарафларининг мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ушбу шартларга риоя қилмаслик ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлиб ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини бузганлик учун қўлланиладиган энг асосий жавобгарлик турларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у шартнома иштирокчиларига мулкий зарар етиши натижасида келиб чиқади.

Суғурта шартномаларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, жазо чоралари сифатида, зарарни тўлаш ва неустойка қўлланилиши билан ифодаланади.

Фуқаролик қонунчилиги бўйича жавобгарлик тўғридан-тўғри етказилган зарар учун ҳам, шунингдек, зарар оқибатида олиниши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад учун ҳам келиб чиқади.

Суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини тўламаслик суғурта ташкилотларининг жавобгарлигига сабаб бўлади. Бунда, суғурта идораси шартномани лозим даражада бажармаганлиги, унинг бу ҳаракатлари суғурта қонунчилигига зидлиги ва суғур-

та товонини тўламаганлиги суғурта идорасининг айби эканлигидан келиб чиқиб, суғурталанувчиларга суғурта тўлаш билан бирга, шу суғурта товонини беришни кечиктирган ҳар бир кун учун белгиланган миқдорда қўшиб тўланади. Суғурта шартномаси томонлар ўртасида ўзаро шартнома орқали тартибга солинади. Суғурта шартномаси муносабатларида суғурта қилувчи (суғурта ташкилоти) нинг вакили, суғурта қилдирувчи жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили ва шартномада суғурта тўловини олиши белгиланган наф олувчи қатнашади.

Ўзаро тил бириктириб суғурта пулини ноқонуний равишда ўзлаштириш, ҳар икки томон учун ҳам келтирилган зарар миқдорига қараб, фуқаровий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Суғурта шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш шартлари, суғурта шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш асослари бўйича, агар суғурта қилдирувчи шахс, суғурта агенти томонидан, жиноий йўл билан қўлга киритган, рўйхатга олинган, хатланган мулкка нисбатан суғурта шартномаси тузиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирилган бўлишига қарамай, шу мулк жиноий йўл билан қўлга киритганлигини яшириб, суғурта шартномасини тузган бўлса, шартнома, албатта, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта идораларига тўланган суғурта бадаллари қайтариб берилмагани ҳолда бекор қилинади.

Суғурта шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш асослари бўйича ФКнинг 943-моддасида ҳам шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари берилган бўлиб, бу модданинг 1 қисмида, агар шартнома тузиш пайтида суғурта объекти мавжуд бўлмаса, шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши кўрсатилган.

Суғурталовчи суғурта шартномасини тузиш вақтида, суғурта объектининг ҳақиқатда мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Суғурталанаётган объект суғурта шартномаси даврида мавжудми ёки йўқми, суғурталанётган манфаатлар ғайриқонуний эмасми каби масалалар ҳал қилингандагина шартнома тузишга киришиш лозим.

#### **4. Суғурта шартномасининг шакллари**

Суғурта шартномаси шакллари бўйича эса *ихтиёрий*, *мажбурий* ва *мажбурий давлат* суғуртасига бўлинади. Бу шакллар суғурта шартномасининг мустақил тармоқлари бўлиб, улар ўзининг иқтисодий ва юридик негизи жиҳатидан, техникаси ва амалга ошириш йўллари жиҳатидан тамомила хилма-хилдир.

Ҳаёт суғуртаси жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва қўшимча пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилишдан иборат бўлиб, бунда суғуртанинг шартнома бўйича энг кам муддати бир йилни ташкил этади ва суғурта суммаларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизини ёки даврий тўловларни ўз ичига олади.

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс) нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тулган ёки унинг ҳаётида шартномада назарди тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади (ФКнинг 921-моддаси 1 қисми). ФКнинг 914-моддасига мувофиқ, шахсий суғурта оммавий шартномалар туркумига киради. Шунингдек уларни учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар турига ҳам киритиш мумкин<sup>1</sup>. Хусусан, умумий қоида бўйича, шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо бўлади. Масалан, ҳаётини суғурталаётган шахс ўзи вафот этган тақдирда, шартномада белгиланган пулни олиш учун бошқа шахсни наф олувчи қилиб тайинлаши мумкин.

Суғурта шартномасининг оммавий саналишидан мақсад, суғурталовчи белгиланган стандарт шартнома шаклларида фойдаланиб, мурожаат этган ҳамма суғурта қилдирувчиларга бир хил муносабатда бўлишлигидир. Бироқ суғурталовчи суғурта қилдирувчи шахсининг шахсий ҳолатларини (соғлиғи, ёши, касби ва бошқалар) эътиборга олган ҳолда шартномани тузадилар. Айрим категориядаги шахслар билан шартнома тузишдан бош тортишлари мумкин, қачонки суғурта қилдириладиган шахс оғир касал бўлса ёки кексалигини инобатга олган ҳолда.

Мулкий суғуртадан ўзига хос хусусиятлари қуйидагичадир:

- фақатгина шахсий манфаат, яъни суғурталанган шахс ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда, муайян ёшга тўлишлиги, шартномада кўзда тутилган воқеа содир бўлиши билан суғурта пулини олиши тушунилади. Буларнинг барчаси шахс билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг шахсий номулкий бойлиги (ҳуқуқи) ҳисобланади.

<sup>1</sup> И.Б.Зокиров. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. -Т.: Ўқитувчи, 1988. -196 б.

Бундай шахсий манфаатлар суғурта қилинаётганда суғурта пули ихтиёрий равишда белгиланади.

Мулкий суғуртада доимо кўрилган зарарни қоплаш кўзда тутилади. Бундай мулкий зарарлар ҳамisha хавфли ҳисобланади. Булар қаторида шахс билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳам бўлиши мумкин (шикастланиши ёхуд бетоб бўлиши). Бироқ бошқа шахсий манфаатлар суғурталанган шахс учун хавф туғдирмай, балки белгиланган ёшга етиши, муомала лаёқатига тўлишлиги, никоҳга киришишлиги ва бошқалар кўзланган мақсадга эришишликни билдиради.

- суғурталанган шахс ёхуд наф олувчи билан мос келмайдиган бошқа субъектнинг пайдо бўлиши.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади (ФКнинг 921-модда 2-қисм). Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суғурта пули бир йўла ёки вақти-вақти билан тўланиши, суғурталанган шахснинг (наф олувчи) ҳеч қандай йўқотишларсиз узоқ вақт давомида таъминланади.

Ривожланган мамлакатлар, Франция ва Буюк Британияда, суғурта-қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида шартнома тузиш мажбурияти юклатилмаган. Суғурта компаниялари полисларининг сотиб олиниши билан, улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Бу полисларда шартноманинг муҳим шартлари қисқа ҳолда баён этилади. Мазкур шартлар билан келишган суғурта қилдирувчилар уларни сотиб олиши ёки олмаслиги ихтиёрий амалга оширилади<sup>1</sup>.

Умумий суғурта эса шахсий, мулкий суғурта, мажбуриятларни суғурта қилиш, ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта шартномаларидан иборат.

---

<sup>1</sup> Шахов В.В. Введение в страхование. –М.: «Финансы и статистика» 1999. -273 стр.

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий суғурта алоҳида тартибга солиниб, қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидagi фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан суғурта қилиш мажбурий суғурта деб юритилади (ФКнинг 914-модда 3 қисм).

ФКнинг 922-моддасининг 6 қисмига мувофиқ, мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

Давлатга тегишли бўлган мулкларни хўжалик ёки оператив бошқарувдаги юридик шахсларнинг зиммасига ушбу мулкларни суғурталаш юклатилиши мумкин (ФКнинг 922-модда 5 қисм).

Мажбурий суғурта шартномаси бошқа шартномалардан суғурта пули, бадали махсус қонунларга асосан тузилиши ва бадал миқдори ҳам қатъий белгиланган бўлиб, уни фақат суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши билан фарқ қилади. Ҳозирда бу турдаги шартнома, асосан фуқароларнинг учинчи шахс олдидagi жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, кредит юзасидан гаровга қўйилаётган мулкни мажбурий суғурталаш, гаров мулкни кредитни қоплаш юзасидан етмаган қисмини суғурталаш қўлланилмоқда.

Мажбурий суғурта шартномасининг шартлари қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, уларни ихтиёрий равишда ўзгартириш мумкин эмас.

Мажбурий бўлиб ҳам шахсий, ҳам мулкий бўлиши мумкин. ФКнинг 922-моддасининг 1 қисмига мувофиқ:

- қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

- бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган фуқаровий жавобгарлик хавфи белгиланиши мумкин.

Суғуртанинг бошқа шакллари мажбурий бўлиши мумкин эмас.

Чунончи, тадбиркорлик хавфи ҳам мажбурий суғурта қилинмайди. Тадбиркорлик фаолияти доимо ўзининг таваккалчилиги ва ўз ҳисобидан фаолият юритади. Мулкӣ ва шахсий суғуртанинг айрим турлари ҳам мажбуран суғурта қилинмайди. Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас (ФКнинг 922-модда 4-қисм).

Мажбурий суғурта суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузиш воситада амалга оширилади.

Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг миқдори энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар қонун бўйича фойдасига мажбурий суғурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса, ёки суғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади (ФКнинг 924-модда).

Давлат мажбурий суғуртаси эса фуқаролар ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида давлат томонидан суғурта қилдирилади ва бу шартнома бўйича суғурта бадалларини тўлаш давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Бундай суғурта шартномаси турларига “Судлар тўғрисида”ги қонунга кўра судьяларни, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга кўра прокуратура ходимларини ва қонун билан белгиланган бошқа ходимларни суғурталаш давлат мажбурий суғурта қилиш шартномалари турига киради.

Бундай турдаги суғурта шартномалари фақат давлат суғурта компаниялари билан тузилиши белгиланган.

Ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Германия Федератив Республикасида ҳарбий хизматчиларнинг давлат мажбурий суғуртасида уларнинг бир йўла оила аъзоларини ҳам суғурта ҳимоясига олинади ва ҳарбий хизматчининг оила аъзолари ҳам саломатлик

суғуртасидан ўз соғлиқларини йўқотганларида тенг ҳуқуқлилиқ та-  
мойиллари асосида фойдаланишлари мумкин.

Қонун талабига кўра, суғурта компаниялари ҳаёт суғуртаси ва  
умумий суғурта соҳалари бўйича ихтисослаштирилган тартибда таш-  
кил қилиниши белгиланган.

Мажбурий эҳтиёж туғилмайдиган транспорт ҳайдовчиларининг  
учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурталаш эса  
ҳамма транспорт ҳайдовчилари учун бир хилда жорий қилинмаган.  
Бунинг сабаби, бир томондан, суғурта қилдирувчиларда мажбурий  
эҳтиёжнинг йўқлиги бўлса, иккинчи томондан бундай турдаги суғур-  
тани амалга оширишнинг мажбурий тартибининг йўқлигидир.

Йўловчиларни мажбурий суғурта қилишнинг мазмунига кўра,  
йўловчининг белгиланган манзилга етиб борғунига қадар соғлиғи ёки  
ҳаётига етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади. Йўловчиларни  
ташиш шартномасига кўра, ташиш корхоналари йўловчиларни белги-  
ланган манзилга хавф-хатарсиз етказиш жавобгарлигини ўз зиммаси-  
га олади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, транспорт воситалари  
ҳайдовчиларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги суғуртаси  
мажбурий тартибда амалга оширилмоқда. Республикамизда, мажбу-  
рий суғурта тури, жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда жорий  
қилинган бўлиб, суғуртанинг бу тури, йўл ҳодисалари натижасида  
ҳайдовчи томонидан етказилган зарарни зудлик билан қоплаш имко-  
ниятини беради.

Мажбурий суғурта қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган  
бўлиб, бунда суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғурта шарт-  
номасини тузиш шарт ҳисобланади. (ФКнинг 914-моддаси).

Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб  
кўйилиши мумкин:

- қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки  
мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб (масалан,  
ҳаво ва темир йўл транспортида йўловчиларнинг ҳаётини суғур-  
талаш).

Бошқа шахсларнинг ҳаёти, солиғи ёки мол-мулкига зарар етқа-  
зилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузи-  
лиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий  
жавобгарлик хавф-хатари (масалан, Нотариат тўғрисидаги қонуннинг  
20-моддасига асосан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус  
ўз фаолиятини суғурта қилиш ҳақида шартнома тузиши ва бунда



суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз барава-  
ридан кам бўлмаслиги керак).

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти кимга юклатилиши  
қонунда белгилаб қўйилади.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти юкла-  
ниши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тар-  
тибда хўжалик юритишда ёки оператив бошқаришда бўлган давлатга  
қарашли мол-мулк ўзига бириктириб қўйилган юридик шахсларга бу  
мол-мулкни суғурталаш юкланиши мумкин.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оши-  
рилади (йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси бундан мустасно).

Қонун бўйича фойдасига мажбурий суғурта амалга оширилиши  
лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум  
бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбу-  
рияти юкланган шахсдан унинг амалга оширилишини суд тартибида  
талаб қилишга ҳақли. Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш  
зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса, ёки суғурта  
шартномаси наф олувчининг аҳволини ёмонлаштирадиган шартларда  
тузган бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича  
суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак  
бўлган шартларда жавобгар бўлади.

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг ман-  
фаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулк-  
нинг мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат суғуртаси давлат бюджети ҳисобидан амалга  
оширилади.

Бунда суғурталовчилар бўлиб, давлат суғуртаси ташкилотлари  
ёки давлатга қарашли бошқа муассасалар ҳисобланади.

Мажбурий мулкий суғурта тураржойларни, қишлоқ хўжалик  
экинлари, чорва моллари билан юз берадиган ва шу каби бахтсиз  
ҳодисалардан суғурталашда қўлланилади.

Йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш мажбурий  
шахсий суғурта ҳисобланади. Бунда ҳаво, темир йўл, денгиз ва  
шаҳарлараро автомобиль транспорти йўловчилари ҳаёти ва соғлиғи  
суғурта қилинади. Суғурта бадали билет баҳосига қўшилади. Баъзи  
ҳолларда йўловчиларга суғурта полиси берилади.

Ҳарбий хизматчилар, милиция ходимлари, давлатнинг айрим  
тоифадаги хизматчилари ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан давлат

бюджети ҳисобидан суғурталанади.

Ихтиёрий шахсий суғурта. Умрбод суғурта шартномаси 20 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар билан тузилади. 1-гурӯх ногиронлари билан бундай шартнома тузилмайди. (Агар бундай шартнома тузилган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва суғурталанувчига тўлаган бадалларининг 92 фоизи қайтарилади. Агар бу ҳолат шартнома тузилган вақтдан бошлаб, бир йилдан кейин аниқланса, шартнома умумий асосларда ўз кучини сақлаб қолади).

Суғурта хавф-хатари бўлиб суғурта қилдирувчининг ўлими эҳтимоли ҳисобланади. Суғурта товон пули суғурта қилдирувчининг ёши, суғурта пули ва ҳатто жинсига ҳам боғлиқ бўлади. Суғурта қилдирувчи 85 ёшга етгунга қадар ҳар ойда суғурта бадали тўлаб туради. Суғурта қилдирувчи шартнома амал қилган даврда қандай сабабларга кўра вафот этган бўлмасин, наф кўрувчига суғурта таъминоти тўланади. Суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг икки йил ичида суғурта қилдирувчи онкологик касалликлардан ёки юрак-қон томири касалликларидан вафот этса ёхуд ўз-ўзини ўлдирса, суғурта таъминоти тўланмайди.

Шартнома тузиш ҳақидаги ариза суғурта қилдирувчи томонидан шахсан имзоланган бўлиши ва унга унинг шахсини тасдиқловчи маълумотлар хусусида ҳужжат илова қилинган бўлиши керак.

Ҳаётни аралаш суғурта қилдириш шартномаси энг кўп тарқалган шартномалардан ҳисобланади. Бунда суғурта ташкилоти шартномада белгиланган муддатгача яшаш, меҳнат қобилиятини бутунлай ёки қисман йўқотиш, ўлим ҳолатлари рўй берганида зарарни қоплашни ўз устига олади. Шартнома 16 ёшдан 77 ёшгача шахслар билан 3, 5, 10, 15 ва 20 йил муддатга тузилади (аммо шартнома охирида шахс 80 ёшдан ошмаган бўлиши лозим). Ишламайдиган 1-гурӯх ногиронлари билан шартнома тузилмайди.

Суғурта бадали суғурта қилдирувчининг ёши, суғурта муддати ва суғурта полисига боғлиқ. Суғурта бадаллари бирваракайига тўланиши мумкин. Уч ой давомида аъзолик бадаллари тўланмаса, 4-ойнинг 1-санасидан бошлаб шартнома бекор бўлади. Бунда шартнома 6 ой давомида амал қилган бўлса, суғурталовчи суғурталанувчи тўламаган бадалларни қайтариб олишга ҳақли.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва бошқа қариндошлар томонидан болаларни суғурта қилиш уларнинг ёши ва соғлиғидан қатъи назар амалга оширилади (бола 15 ёшдан ошмаган бўлиш лозим).

Суғурта мукофоти тўлаш учун асос: суғурта муддатининг тамом

бўлиши, бахтсиз ҳодисадан шикастланиш ва шу кабилар. Суғурта қилдирувчилар алмаштирилиши ёки бир нечта бўлишлари мумкин. Суғурталанувчи бола вафот этса, суғурта таъминотининг 30 фоизи ҳажмида нафақа тайинланади ва айни вақтда суғурта бадаллари тўлиқ қайтариб берилади.

Никоҳни суғурталаш (тўй суғуртаси) ота-оналар (бошқа қариндошлар) томонидан тузилиб, бунда суғурта қилдирувчилар 18-72 ёшгача, бироқ суғурта муддати тамом бўлганида 75 ёшдан ошмаган бўлишлари лозим.

Шартнома тузилишида боланинг ёши 15 дан ошмаган бўлиши лозим.

Суғурта бадаллари ҳажми суғурта қилдирувчининг (боланинг эмас) ёшига, суғурта қийматига ва суғурта муддатига боғлиқ.

Ихтиёрий мулкий суғурта. Ихтиёрий мулкий суғурта турлари ва шакллари ниҳоятда хилма-хилдир. Суғурта предметлари сифатида хилма-хил уй жиҳозлари ва анжомлари, уй-ҳайвонлари, транспорт воситалари, бошқа ашёлар, транспорт востилари эгаларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги, кредитларни қайтармаслик хавф-хатарини суғурталаш ва ҳаказолар ҳисобланади.

Мулкий суғуртада суғурта объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:

1. Муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), камчиқиши ёки шикастланиши хавф-хатари.

2. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик хавф-хатари. У ҳам ўз навбатида икки турга бўлинади: зарар етказганлик учун жавобгарлик ва шартнома бўйича жавобгарлик хавф-хатарини суғурта қилиш.

Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказиш оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталанади.

Суғурта қилдирувчи фақат ўзининг шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурталаши мумкин (учинчи шахс жавобгарлиги суғурта объекти бўла олмайди).

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи бу шартномани шартларига кўра суғурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф наф олувчи фойдасига, ҳатто суғурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам суғурталанган ҳисобланади.

3.Тадбиркорлик хавф-хатарини суғурта қилиш (ФКнинг 920-моддаси).

Хорижий сармоядорларнинг мол-мулклари экспроприацияланишидан (қайтариб олинишидан), уруш ёки фуқаролар ғалаёнларидан. Суғурта ташкилоти билан сармоядор ўртасидаги шартнома муносабатларига мамлакат маъмурларининг аралашувидан, миллий валютани бошқа валюталарга конвертациялаш ва уни мамлакатдан ташқарига чиқаришга доир мамлакат маъмурлари томонидан чеклашлар жорий этилишидан, сармоядорлар (инвесторларнинг)нинг айрим гуруҳлари учун ҳуқуқни камситадиган руҳдаги янги қонунқоидалар жорий этилишидан, бошқа турдош хавф-хатарлар (таваккалчиликлардан) суғурталаниш мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

- 1.Суғурта тушунчаси ва аҳамияти.
- 2.Суғурта тарихи ва суғурта тўғрисидаги қонунлар.
- 3.Суғурта ҳуқуқининг асосий тушунчалари, суғурта таваккалчилиги, суғурта мукофоти ва суғурта тўлови, суғурта ҳақи, суғурта маблағи ва бошқалар.
4. Суғурта – шартномасининг тушунчаси. Унинг шакли ва тузилиши. Суғурта шартномасининг асосий шартлари.
- 5.Суғурта шартномаси объекти, иштирокчилари, суғурталовчилар, суғурталанувчилар, суғурталанган шахслар, мукофотни олувчи.
- 6.Суғурта шартномасини тузиш. Суғурта шартномасини кучга кириши. Суғурта полиси.
- 7.Суғурта шартномасини бажариш ва у юзасидан жавобгарлик. Суғурта шартномасининг амалда бўлиш даврида суғурта таваккалчилигини ортиши. Суғурталанувчи томонидан зарарни камайтириш. Суғурталанувчини тўловдан озод қилиш. Субрагация.
- 8.Суғурта шартномасини муддатидан олдин тугатиш. Суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги.
9. Суғуртанинг алоҳида турлари:
10. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта.
11. Мулкӣ ва шахсий суғурта.
12. Қўшалок суғурта ва биргаликдаги суғурта.
13. Қайта суғурта.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Суғурта ҳуқуқий муносабатлари ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида тутган ўрни.
2. Суғурта предмети ва объектлари
3. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш
4. Иш берувчининг жавобгарлигини суғурталаш
5. Суғурта шартномаси ва унинг муҳим шартлари
6. Суғурта шартномаси тарафларининг жавобгарлиги

## **53-БОБ. ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ**

### **1. Оддий ширкат тушунчаси, ҳуқуқий белгилари, ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Оддий ширкат мамлакатимиз қонунчилиги учун янги эмас. Бундай шартнома қадимдан мамлакатимиз ҳудудида қўлланиб келинган. Бу шартнома тури мусулмон ҳуқуқи қонунчилигида жуда яхши ишланган ва мувофақиятли қўлланилганлиги қадимгиманбалардан маълум. Бундай манбалардан бири “Мухтасар”дир. Ушбу китобда оддий ширкат “шериклик” номи билан аталади. “Ширкати тақабул”<sup>1</sup> да бир турли ҳунарни бирга қўшилиб бажаришга шарт қилишиб, ишлашда ҳамда ишни қабул қилиб олишдаги шериклик оддий ширкат тушунчасига тўғри келади. Унда ҳар бир ҳаракат, фойданинг тақсимлаш ва бошқа масалаларни биргаликда шериклар келишувига асосан амалга оширилиши аниқ мисоллар орқали очиқ берилган.

Оддий ширкат шартномаси ўтмишда биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома номи билан аталиб келинган. Оддий ширкат шартномаси кўп томонлама битимлардан бўлиб, бунга асосан иштирокчилар деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш мақсадида, қонунга зид бўлмаган умумий хўжалик юритиш учун ўз ҳиссаларини қўшиб, юридик шахс тузмасдан, биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар. Оддий ширкат шартномасида иштирок этувчилар икки кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

ФКнинг 962-моддасига асосан оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини

<sup>1</sup> Мухтасар. –Т.: Чўлпон. 1994. -230 б.

қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

Демак, шартнома бир неча шахсларнинг бир фаолиятни олиб бориш учун тузадиган бирлашмалари ҳисобланади, лекин бу бирлашма юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритади. Шу сабабли муайян ҳаракат қилувчи иштирокчиларнинг ҳар бири юридик шахсдан фарқли ўлароқ муносабатда иштирок этиш жараёнида ўз субъектчилигини сақлаб қолиш билан характерланади. Яъни юридик шахс мақомига эга бўлган шахслар бирлашмаларида муносабатда иштирок ягона субъект орқали амалга оширилса (бу ерда юридик шахс мавҳум тушунча бўлиб, ўз-ўзидан ундаги иштирокчилар муносабатда иштирок этсалар-да ўз номларидан муносабатга киришмайди. Аксинча улар ягона субъект бўлган юридик шахс номидан ҳаракат қиладиган ва юзага келган ҳуқуқ ва мажбурият ҳам улар учун эмас, юридик шахс учун вужудга келади) оддий ширкатда вужудга келган ҳуқуқ ва мажбурият оддий ширкат тарафлари учун вужудга келади.

Оддий ширкат шартномаси бошқа фуқаролик ҳуқуқий шартномаларидан ўз предмети, тарафлари, мақсади билан фарқланади. Бундай фарқлардан яна бири цивилист олимлар томонидан шартномаларни турли жиҳатларига кўра туркумлаш жараёнида янада яққолроқ кўринади.

Х.Рахмонқуловнинг фикрича шартномали мажбуриятлар таркибида мулкӣ муносабатлар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) мол-мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

б) мол-мулкни фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

в) ишни бажариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

г) хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

д) вакиллик фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

е) ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Рахмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). –Т.: ТДЮИ. 2005. Б. 18-20.

Муаллиф оддий ширкат шартномасини ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар туркумига киритади.

О.С.Иоффе шартномаларни янада майдалашган ҳолда:

1. Мол-мулкни ҳақ эвазига ўтказиш бўйича шартномалар;
2. Мол-мулкни мулк сифатида ёки фойдаланишга текин бериш бўйича мажбуриятлар;
3. Ишлар бажариш бўйича мажбуриятлар;
4. Хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятлар;
5. Юк ва пассажирлар ташиш бўйича мажбуриятлар;
6. Кредит ва ҳисоб-китоб бўйича мажбуриятлар;
7. Биргаликдаги фаолият бўйича мажбуриятлар;
8. Суғурта бўйича мажбуриятлар;
9. Мол-мулкдан ҳақ эвазига фойдаланиш бўйича мажбуриятлар тарзида туркумлайди<sup>1</sup>.

О.А.Красавчиков ҳам шартномаларни ўзига хос мол-мулкни топширишга бўлган мажбуриятлар, ишларни бажаришга бўлган мажбуриятлар, хизматлар кўрсатишга қаратилган мажбуриятлар, пул топширишга қаратилган мажбуриятлар тарзида туркумлайди<sup>2</sup>.

О.А.Красавчиков юқоридаги муаллифлардан фарқли равишда оддий ширкат фаолиятни бирлаштириш бўлганлиги сабабли, бу ерда мазкур шартнома туркумлаган ишларни бажаришга бўлган мажбуриятлар ва хизматлар кўрсатишга қаратилган мажбуриятлар туркумига мансуб бўлади деган хулосага келади.

М.Брагинский, В.Витрянский ФКда ўз ўрнига эга бўлган шартномаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- мол-мулкни топширишга қаратилган шартномалар;
- ишларни бажаришга йўналтирилган шартномалар;
- хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар;
- турли тузилмаларни таъсис этишга қаратилган шартномалар<sup>3</sup>.

М.Брагинский, В.Витрянский тўртинчи гуруҳ доирасида бўлиниш бирлашиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолатда улар юридик шахслар ташкил этиш мақсадини кўзласа (тўлиқ ширкат, ишончга асосланган ширкат-коммандит ширкат, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ташкил этиш учун зарур бўлган таъсис шартномалари акциядорлик жамияти тузиш борасида таъсисчилар шартномаси назарда тутилмоқда), бошқа ҳолатда эса, юридик шахс ташкил этмасдан

<sup>1</sup>Иоффе О.С. Обязательственное право. М., Юр.лит. 1975.-17 б.

<sup>2</sup>Красавчиков О.А. Вопросы системы особенной части ТК РСФСР. Свердловск. 1957. -127 б.

<sup>3</sup>Брагинский М, Витрянский В. Договорное право. М., Статут, 1997. –320 с.

биргаликда хўжалик фаолияти юритиш мақсади кўзланади. Биргаликдаги фаолият охир оқибатда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган оддий ширкат шаклидаги тузилма барпо этишга қаратилади.

Юқоридаги муаллифлар фикрларини умумлаштирган ҳолда оддий ширкат шартномасининг бошқа шартномалардан фарқли, ўзига хос жиҳатларидан бири келиб чиқади. Оддий ширкат шартномаси ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни вужудга келтирувчи шартнома ҳисобланади.

Шартнома бўйича тарафлар муайян ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш мақсадида бирлашишлари мумкин. Шу сабабли ҳам шартнома биргаликдаги фаолият юритишга ихтисослашган шартномалардан бири ҳисобланади.

Шартноманинг яна бир хусусияти шартнома тарафларининг иштироки билан боғлиқ. Шартномада тараф сифатида фақат тадбиркорлик субъектлари иштирок этишлари мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ва кимлар тадбиркорлик субъектлари эканлиги қонун-ҳужжатлари билан белгиланади. Оддий ширкат шартномасидан бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда тарафлар қарздор ва кредитор сифатида муносабатга киришадилар. Оддий ширкат шартномасида эса шартнома иштирокчилари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги бошқа шартномалар каби бир-бирларига нисбатан қарздор ва кредитор сифатида иштирок этмасдан, балки биргаликдаги ягона манфаатларни, маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракат қиладилар, чунончи ФК 210-моддасининг иккинчи қисмида айтилганидек, бир ёки бир неча шахслар кўп квартирали уй-жойлар қуришлари ёки фуқаролар ўз чорва молларини биргалашиб боқишлари, шунингдек, боғдорчилик ширкатлари (кооперативи) ўзаро муносабатларини ширкат шартномалари асосида олиб боришлари Оддий ширкат шартномасига мисол бўла олади.

Оддий ширкат турмушнинг баъзи соҳаларида турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, бир неча киши томонидан уюшган гуруҳ тузилиб (бирок юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмасдан), буюртма асосида иморатлар қуриш, созанда-хонандалар гуруҳи тузиб тўйларга хизмат қилиш, бир неча фанлар бўйича ўқитувчилар томонидан репетиторлар гуруҳига уюшиш ва ҳ.к.

Оддий ширкат аъзолари тадбиркорлик мақсадини кўзлаб фаолият юритишлари, шунингдек, хайр-саховат мақсадларида биргаликда фаолият юритишлари ҳам мумкин.



Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада суғурта қилиш учун биргаликда суғурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар (суғурта шерикчилиги) тузишлари мумкин. (ФКнинг 941-моддаси).

Оддий ширкат шартномасининг яна бир хусусияти унда иштирок этувчи шерикларнинг солидар мажбуриятга эга эканликликларидир.

Оддий ширкат шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади, чунки шартнома иштирокчилари ФКнинг 963-моддасида кўрсатилганидек, шерикларнинг умумий мақсадга эришиш учун қўшадиган пул маблағлари, мол-мулки, касбий ва бошқа билимлари, малака ва маҳорати, шунингдек, иштирокчининг ишбилармонлик обрў-эътибори ва шу каби бошқа хислатлари шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

Оддий ширкат шартномаси мазмунидан ёки ҳақиқий фактик ҳолатларидан бошқача-ҳол келиб чиқмаса, шерикларнинг умумий ишга қўшадиган ҳамма нарсаси: пули, бошқа мол-мулки, касбий билимлари, малака, маҳорати ва ишбилармонлик обрў-эътибори қиймати бўйича тенг ҳисса қўшган деб тахмин қилинади. Шерикларнинг юқорида айтилган умумий ишга қўшадиган ҳамма ҳиссаларини пул билан баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув (шартнома) бўйича амалга оширилади.

Ҳар бир тараф баҳоси (қиймати)тенг мол-мулк тақдим этганида ҳақ тўлаш эквивалентлилик тусини касб этади. Мулкий муносабатларнинг эквивалентлиги уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг баҳолилик бўлишини тақозо этади, бунда мазкур муносабатлар тенг баҳолилик амалда бўлган баҳолар бўйича белги-ланган ҳолларда ҳам ҳақ тўланадиган муносабатлар ҳисобланади. Мулкий муносабатларнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши туфайли уларнинг иштирокчилари тенг субъектлар сифатида иш кўрадилар.

Оддий ширкат шартномаси консенсуал шартнома ҳисобланади. Ушбу шартнома икки ёки ундан кўп шахс томонидан тузилиб, уларнинг ўз маблағларини бирлаштириш мажбуриятини қамраб олади. Оддий ширкат шартномаси иштирокчилари фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш мақсадида юридик шахс ташкил этмасдан биргаликда фаолият юритиш тўғрисида келишиб оладилар. Агарда ушбу шартнома тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошириш мақсадини кўзласа, унинг тарафлари бўлиб, якка тадбиркорлар ва тижорат ташкилотлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

Оддий ширкат шартномаси кўм томонлама шартнома ҳисобланади. Кўп томонлама битимларда уч ва ундан ортиқ шахсларнинг эрклари ифодаланиб тузилади.

## **2. Оддий ширкат шартномаси бўйича тарафларга қўйиладиган талаблар**

Оддий ширкат шартномасида фақат якка тадбиркорлар, шунингдек, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин (ФКнинг 962-моддаси). Демак оддий ширкат шартномасида тараф сифатида иштирок этадиган тарафлар учун алоҳида талаб қўйилган. У ҳам бўлса, уларнинг тадбиркорлик субъектлари бўлишлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг<sup>2</sup> 4-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик қонунчилигида белгиланган тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган таваккал ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир<sup>3</sup>.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлишлиги мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ва юридик шахс тузган ҳолдаги тадбиркорлик фаолиятини ўз ичига қамраб олади. Оддий ширкат айнан якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида тузилиши мумкин.

<sup>1</sup> Брагинский М, Витрянский В. Договорное право. М.: Статут, 1997.С. 322-323.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил 5-6 сон. 140-модда.

<sup>3</sup> Зокиров И. Баратов М. Тадбиркорлик: манфаат ва масъулият. –Т.: Адолат. 2002. –4 б.

И.У.Жанайдаров якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини шахсий тадбиркорлик ва биргаликдаги тадбиркорлик турларига бўлади<sup>1</sup>.

Жисмоний шахслар белгиланган тартибда давлат рўйхатдан ўтгандан сўнг якка тадбиркор мақомини қўлга киритадилар. Уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом<sup>2</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги 24.05.2006 йилги п ққ-357-сонли қарори<sup>3</sup> билан белгиланган.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига асосан, жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги:

-эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;

-оддий ширкат;

-юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан утганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Дунё миқёсида якка тадбиркорлик иқтисодни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бундан мамлакатимиз иқтисоди ҳам мустасно эмас. Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, биргина 2005 йилга келиб, иқтисодиётнинг кичик секторида 6236,2 минг киши бандлиги таъминланди. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида банд аҳолининг 64% ташкил этади дегани. Шундан 51% якка тадбиркорлар ҳисобланади<sup>4</sup>.

Оддий ширкат шартномасининг тарафи сифатида иштирок этадиган яна бир субъект бу юридик шахслардир. Юридик шахсларнинг ғуқуқий мақоми ФК ва махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

<sup>1</sup> Гражданское право. Т. 1. Отв.ред. М.К.Сулейменов, Ю.Г.Басин. –Алматы.: КазГЮА. 2000. –372 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003, 15-16-сон, 130-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 20-21-сон, 174-модда.

<sup>4</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-март 2005 года. ООП Гос.комитета Р.Уз. по статистике. –Т.: 2005. 12 б.

Улар қонунда белгиланган тартибда оддий ширкат шартномасининг иштирокчилари бўлишлари мумкин.

### **3. Оддий ширкат шартномасини тузиш ва шартнома шакли**

Оддий ширкат шартномаси тарафлари ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. ФКнинг 364-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда оддий ширкат шартномасига киришувчи тарафлардан бири қолган бир неча шахсларга биргаликда юридик шахс тузмаган ҳолда фаолият олиб бориш учун шартнома муносабатларига киришиш тўғрисидаги таклиф (оферта) ни йўллайди. Қолган шахслар оферентнинг таклифда баён этилган шартларда шартнома тузишга розилигини билдирса (акцептласа) оддий ширкат шартномаси тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузиш таклифи (оферта) жавоб қайтариш (акцепт) учун кечиктириб жўнатилгани тақдирда, башарти, таклиф (оферта) киритган шахс ушбу муддат ичида таклифни (офертани) қабул қилиш тўғрисида бошқа тарафдан жавоб (акцепт) олган бўлса, шартнома тузилган деб ҳисобланади (ФКнинг 371-моддаси). Лекин оддий ширкат шартномаси бундан фарқли равишда фаолият биргаликда амалга оширилишини назарда тутиб айрим истисноларни келтириб чиқариши мумкин.

Оддий ширкат шартномасини тузиш тўғрисида барча тарафлар розилиги шартноманинг тузилганлигини билдиради. ФКнинг 962-моддасига асосан шартнома фақат ёзма шаклда тузилади. Белгиланган шаклга риоя этмаслик шартномани ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Фуқаролик кодексининг 965-моддасига кўра, оддий ширкат шартномаси иштирокчиларнинг умумий ишларини юритиш шартномасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Умумий ишларни юритишда ҳар бир шерик, агар оддий ширкат шартномасида ишларни юритиш шартноманинг айрим иштирокчилари томонидан амалга оширилиши белгиланмаган бўлса, барча шериклар номидан иш кўришга ҳақли.

Ишлар биргаликда юритилганда ҳар бир битимни тузиш учун барча шерикларнинг розилиги талаб қилинади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шерикнинг барча иштирокчилар номидан битим тузиш ваколоти унга қолган шериклар то-

монидан берилган ишончнома билан тасдиқланади ёки оддий ширкат шартномасидан келиб чиқади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шериклар битим тузган шерикнинг умумий ишларни юритиш бўйича ҳуқуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмайдилар, улар бундай чеклашлар борлигини битим тузилаётган пайтда учинчи шахс билганлигини ёки олдиндан билиши лозим бўлганлигини исботловчи ҳоллар бундан мустасно.

Барча шерикларга нисбатан ишларни юритиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, улар номидан битимлар тузган ёхуд барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб ўз номидан битимлар тузган шерик, агар бу битим барча шерикларнинг манфаатлари учун зарур бўлган эди деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у ўз маблағларидан қилган харажатлари қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар бундай битимлар туфайли бошқа шерикларга зарар етказилган бўлса, улар бу зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Умумий ишларга тааллуқли қарорлар, агар оддий ширкат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шериклар томонидан умумий келишувга кўра қабул қилинади.

Умумий ишларни юритишга ваколатли шартнома иштирокчилари, агар оддий ширкат шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, алоҳида ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оддий ширкат юридик шахс бўлмаганлиги туфайли унинг умумий ишини олиб борадиган “органи” бўлмайди. Шу сабабли, оддий ширкат фаолиятида иштирокчиларнинг умумий ишларни юритиш шериклар томонидан ўзаро келишиб тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Оддий ширкатда умумий ишларни олиб бориш уларнинг умумий розиликлари бўйича амалга оширилади. Ширкат шартномасидаги фаолиятга раҳбалик қилишда шартнома иштирокчиларининг барчаси, қўшган бадаллари миқдоридан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Ширкат фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи шартнома иштирокчиларининг бирига умумий ишни юргизиш учун ишончнома бериб топширилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 966-моддасига биноан, ҳар бир шерик у шерикларнинг умумий ишларини юритишга ваколат олган-олмаганидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақли. Бу ҳуқуқни рад этиш ёки уни чеклаш, шу жумладан, шерикларнинг келишуви билан рад этиш ёки чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда, ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади.

Шериклардан бирортасини умумий харажатларни беришдан ёки зарарларни тўлашдан озод этиш тўғрисида иштирокчилар ўртасида келишув бўлса, бу келишув ўз ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

#### **4. Оддий ширкат шартномаси бўйича қўшиладиган ҳисса.**

##### **Фойда ва зарарларни тақсимлаш**

Шерик умумий ишга қўшадиган ҳамма нарса, жумладан пул, бошқа мол-мулк, касбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, шунингдек ишбилармонлик обрў-эътибори шерикнинг қўшган ҳиссаси ҳисобланади (ФКнинг 963-моддаси).

Шериклар, агар оддий ширкат шартномасидан ёки ҳақиқий ҳолатлардан бошқача мазмун келиб чиқмаса, қиймати бўйича тенг ҳисса қўшадилар деб тахмин қилинади. Шерикнинг қўшган ҳиссасини пулда баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

Мол-мулкни баҳолаш аввало тарафларнинг келишуви билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда махсус лицензияга эга бўлган баҳоловчи томонидан ҳам ҳисса баҳоланиши мумкин. Бундай баҳолаш “Ўзбекистон Республикасининг баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни (19.08.1999 й.)га асосан амалга оширилади. Мазкур қонуннинг 5-моддасига асосан баҳолаш объектлари жумласига қуйидагилар кирилади:

- алоҳида моддий объектлар (ашёлар);
- шахснинг мол-мулкни ташкил этувчи ашёлар мажмуи, шу жумладан муайян турдаги (кўчар ёки кўчмас) мол-мулк;
- мол-мулкка ёки мол-мулк таркибидаги айрим ашёларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар;
- талаб қилиш ҳуқуқлари, мажбуриятлар (қарзлар);
- ишлар, хизматлар, ахборот;
- интеллектуал мулк объектлари ва қонун ҳужжатларида фуқаролик муомаласида бўлиши мумкинлиги белгиланган бошқа фуқаролик ҳуқуқлари объектлари.

Баҳолаш мақсадларига қараб баҳолаш объекти хусусида бозор қиймати ёки бозорниқидан фарқланувчи қиймат қўйилади. Баҳолаш

объекти қиймати турларининг қўлланиш соҳаси ва уларнинг фарқланувчи хусусиятлари баҳолаш стандартлари билан белгиланади. Баҳолаш объектини баҳолаш пул шаклида амалга оширилади.

Баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объекти очик бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди. Агар бирон-бир баҳолаш объектини баҳолашдан мажбурий ўтказиш талаби мавжуд бўлган норматив ҳужжатда ёки баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада (матнда бундан буён шартнома деб юритилади) қийматнинг аниқ тури кўрсатилган бўлмаса, мазкур объектнинг бозор қиймати белгиланиши лозим. Мазкур қоида норматив ҳужжатда баҳолаш объекти қийматининг турини аниқловчи, ушбу Қонунда ёки баҳолаш стандартларида назарда тутилмаган атамалардан фойдаланилган тақдирда ҳам қўлланилиши керак.

Баҳолашни ўтказиш баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда баҳолаш ўтказилиши мажбурий ҳисобланади. (Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси).

Бу ерда хисса мол-мулк бўлган тақдирда унинг баҳолаш катта муаммоларни келтириб чиқармаслиги мумкин. Лекин касбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, ишбилармонлик обрў-эътиборини баҳолаш унинг аниқ миқдорий кўрсаткичлари бўлмаганлиги сабабли аксарият ҳолларда мутахассис ёрдамига эҳтиёж сезилишига олиб келади.

Оддий ширкат шартномасига асосан шерикларнинг умумий мол-мулки масаласи ФКнинг 964-моддасида айтилганидек, шериклар ўзларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ширкатга қўшган мол-мулки, шунингдек, биргаликда олиб борилган фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари, фаолият туфайли олинган ҳосил ҳамда даромадлар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, шерикларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади.

Шерикларнинг умумий улушли мулкида бўлган мол-мулк, шунингдек, уларнинг умумий талаблари ва умумий алоҳида ҳуқуқлари шерикларнинг умумий мол-мулкини ташкил этади. Умумий мол-мулкдан барча шерикларнинг манфаати кўзлаб фойдаланилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкидан фойдаланиш уларнинг келишувига кўра, келишувга эришилмаган тақдирда, суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкни асраш бўйича мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби оддий ширкат шартномасида назарда тутилади.

Шундай қилиб, шерикларнинг умумий мол-мулкига қўйидагилар киради:

1) умумий ҳиссавий мулк ҳуқуқи асосида шерикларга тегишли бўлган мол-мулк;

2) шерикларнинг бири томонидан қўйилган ва ҳамма шерикларнинг умумий манфаатлари йўлида фойдаланиладиган, лекин фақат бирига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк.

Қонун бўйича шерикларнинг умумий мулк бўйича ўзлари қўшган ҳиссаларига нисбатан мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқи белгиланган. Бу ҳиссани шерик тўлиқ ёки қисман сотиши, совға қилиши ва мерос қолдириши мумкин.

Шериклар умумий мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисобини юриштиш улар томонидан оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахслардан бирига топширилиши мумкин.

Шерикларнинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкидан фойдаланиш уларнинг келишувига кўра, келишувга эришилмаган тақдирда, суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Шерикларнинг умумий мол-мулкни асраш бўйича мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби оддий ширкатнинг шартномасида назарда тутилади.

Шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади.

Шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни қоплашда иштирок этишдан тўлиқ озод этадиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки



шерикларнинг бошқа келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори ФКнинг 227-моддасига мувофиқ унинг умумий мол-мулкдаги улушини ажратишни талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 227-моддасига асосан улушли ёки биргаликдаги мулк иштирокчисининг кредитори мулкдорда бошқа мол-мулк етарли бўлмаганида ундирувни қарздорнинг умумий мол-мулкдаги улушига қаратиш учун бу улушни ажратишни талаб қилишга ҳақли.

Агар бундай ҳолларда улушни асли ҳолида ажратиш мумкин бўлмаса ёки улушли ёхуд биргаликдаги мулкнинг қолган иштирокчилари бунга эътироз билдирсалар, кредитор қарздор ўз улушини умумий мулкнинг қолган иштирокчиларига ушбу улушнинг қийматига мутаносиб нархда сотиб, сотишдан тушган маблағларни қарзни узишга қаратишини талаб қилишга ҳақли.

Умумий мулкнинг қолган иштирокчилари қарздорнинг улушини сотиб олишдан воз кечган тақдирда кредитор ундирувни қарздорнинг умумий мулк ҳуқуқидаги улушига ушбу улушни ким ошди савдоси орқали сотиш йўли билан қаратишни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

## **5. Оддий ширкат шартномаси бўйича жавобгарлик, шартноманинг бекор бўлиш асослари. Яширин ширкат**

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаса, умумий шартнома мажбуриятлари юзасидан ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Оддий ширкат шартномасидан келиб чиқмаган умумий мажбуриятлар бўйича шериклар солидар жавобгар бўладилар.

Агар оддий ширкат шартномаси иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, шериклар умумий мажбуриятлар бўйича уларнинг юзага келиш асосидан қатъи назар, солидар жавобгар бўладилар.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчиларининг жавобгарлиги қуйидаги ҳолатлар билан аниқланади:

а) амалга оширилаётган фаолият (тижорат ёки нотижорат) характери билан;

б) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос чоралари ва уларни қўллаш асослари билан (шартномасиз жавобгарлик, битимлар юзасидан учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик);

в) оддий ширкат фаолиятини тугатиш факти билан. Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувда ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига муносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Оддий ширкат шартномаси ФКнинг 970-моддасида кўрсатилганидек, қуйидагилар оқибатида бекор бўлади:

- шериклардан бирортаси муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, агар оддий ширкат шартномасида ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақданиб қолиши назарда тутилмаган бўлса;

- шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда (ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно);

- шерик вафот этганда ёки оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда, агар шартномада ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақданиб қолиши ёхуд вафот этган шерикнинг (тугатилган ёки қайта ташкил этилган юридик шахснинг) унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) билан алмаштирилиши назарда тутилмаган бўлса;

- номуайян муддатга тузилган оддий ширкат шартномасида шерик-иштирокчи бундан буён шартномада иштирок этишдан воз кечганда (ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно);

- муайян муддатга тузилган оддий ширкат шартномаси бўйича шериклардан бирининг талаби билан ўзи ва қолган шериклари ўртасидаги шартнома муносабатлари муддатидан олдин бекор қилинганда (ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно);

- оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда;

- шерикнинг улуши унинг кредитори талаби билан ажратилганда (ушбу модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно);

- ФКда ёки шартномада кўрсатилган бошқа асосларда.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгаллигига ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёлар, тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади.

Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайтдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Шерикларнинг умумий улушли мулкида турган мол-мулкни ва уларда юзага келган умумий талаб қилиш ҳуқуқларини тақсимлаш Фуқаролик кодексининг 223-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умумий улушли мулкка хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни қўшган шерик оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда, қолган шериклар ва кредиторларнинг манфаатларига риоя этилиши шarti билан бу ашёнинг ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Оддий ширкат шартномасида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум қилмаслик (яширин ширкат) назарда тутилиши мумкин.

Бундай шартномага нисбатан, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки яширин ширкат моҳиятидан келиб чиқмаса, оддий ширкатга оид қоидалар қўлланилади. Яширин ширкатда ҳар бир аъзо учинчи шахслар билан муносабатларда ўз номидан қатнашади ва ўзи тузган битимлар учун (гарчи ширкат манфаатларини кўзлаб тузган бўлса ҳам) шахсан ўзи жавоб беради. Яширин ширкатда ширкатнинг мавжудлиги бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди. Бироқ бундай ошкор этмаслик ҳуқуққа хилоф бўлмаслиги шарт. Агарда ширкат аъзолари, масалан, солиқлар тўлаш, рўйхатдан ўтишдан қочиб фаолият юритишган бўлса, тегишли ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Яширин ширкат аъзолари бошқа субъектлар билан бўлган муносабатларда ширкатнинг мавжудлигини ошкор этишса, у ҳолда ширкат мажбуриятлари бўйича умумий жавобгарлик вужудга келади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Оддий ширкат шартномасининг тушунчаси
2. Оддий ширкат шартномасининг ўзига хос хусусиятлари
3. Оддий ширкат шартномасининг ҳуқуқий белгилари
4. Оддий ширкат шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Оддий ширкат шартномасида умумий ишларни юритиш
6. Оддий ширкат шартномасига қўшиладиган улушлар
7. Оддий ширкат шартномасида фойдани тақсимлаш
8. Яширин ширкат

## 54-БОБ. ОММАВИЙ ТАҢЛОВ

Оммавий танлов фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос муносабат бўлиб, бир томоннинг ҳатти-ҳаракати натижасида вужудга келиши билан белгиланади. Оммавий танлов бир шахснинг муайян ишни бажариш ва натижага эришиш учун номуайян доирадаги шахсларга ёки муайян шахслар доирасига қилинган ва энг яхши натижага эришган шахс учун муайян мукофот ёки рағбатлантиришни кўзда тутадиган муносабат ҳисобланади.

Ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик учун пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида (мукофот тўлаш тўғрисида) ошкора (оммавий танлов) эълон қилган шахс танловни ўтказиш шартларига мувофиқ унинг ғолиби деб топилган кимсага шартлашилган мукофотни тўлаши лозим.

Ҳозирги кунда оммавий танловлар ўтказиш тўғрисидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Бунда оммавий танловларни ҳуқуқий тартибга солиш тегишли давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунинг таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодекси оммавий танловлар ўтказиш бўйича бошқа ҳуқуқий манбаларга (қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар)га ишора қилмайди. Бунда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий органлари томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар оммавий танловлар иштирокчиларига эмас, балки органларнинг ўзларига, уларнинг танловларни ўтказиш борасидаги фаолиятини тартибга солишга мўлжалланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, бундай актларда оммавий танловларнинг мақсадлари, танлов комиссиясининг таркиби ва унинг вазифалари, танлов комиссиясининг мажбуриятлари, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда мавжуд бўлган мазкур танловларни ўтказиш борасидаги қўшимча маълумотлари ва ҳоказолар акс эттирилган бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш муносабати билан бир томонлама ҳаракатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар, жумладан, турли танловлар, аукционлар ва ҳоказолар ўтказиш кўпайиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПК-436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қаро-

рида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 13 декабрдаги 284-сонли буйруғига биноан республика олий таълим муассасаларида талабаларни илмий-тадқиқот, ижодиёт ва бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларни илм-фанни жадал ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшишларига ва илм-фаннинг услубиётини ўзлаштиришга етарли шарт-шароитлар яратиш, таълим билан фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида аспирант, докторант, тадқиқотчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари республика танловини ўтказиш белгиланган. Ўзининг юридик табиати бўйича оммавий танлов бир томонлама битимлар жумласига киради.

1964 йилги Фуқаролик кодексида “танлов” “конкурс” деб кўрсатилган. “Конкурс” лотинча ибора бўлиб, бир неча шахсларнинг муайян мақсадга эришиши учун ўзаро мусобоқада бўлишини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, оммавий танловда маълум бир объектлар ўзаро қиёслаб, сифатига кўра баҳоланади. Шунинг учун кўпинча оммавий танловдан фойдаланиш кўзланган мақсадга тезроқ эришишда муваффақият келтиради.

Ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик учун пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида (мукофот тўлаш тўғрисида) ошкора (оммавий танлов) эълон қилган шахс танловни ўтказиш шартларига мувофиқ, унинг ғолиби деб топилган кимсага шартлашилган мукофотни тўлаши лозим. (ФК 976-модда).

Оммавий танлов эълон қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижодий фаолиятларни, шунингдек, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги муайян вазифаларни тўла ва яхшироқ ҳал қилиш масаласини ўз олдига қўяди. Оммавий танлов эълон қилиш адабиёт, фан ва санъат соҳасида баркамол ва юксак ғоявий асарлар яратиш ҳамда техника тараққиёти масалаларини ҳал қилишга қаратилади.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги оммавий танловларни ўтказишга муайян шартлар (талаблар) қўяди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 54-моддаси нормаларини таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Оммавий танловнинг ошкора ўтилиши муайян ишни бажарганлик учун мукофот тўлаш ошкора ваъда қилинган ва муайян ёки номуайян шахслар (номаълум ҳар бир шахсга нисбатан) доирасига

қаратилган бўлади. Шу белгисига кўра оммавий танлов иккига бўлинади:

- а) очик;
- б) ёпик;

Очик танловда танловни уюштирувчининг танловда иштирок этишга таклифи матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида барча хоҳловчиларга қаратилади. Бунда оммавий танлов иштирокчилари доираси кенгрок ёки торрок, миқдори ноаниқ бўлади. Ёпик оммавий танловда иштирок этишга таклиф танловни уюштирувчи томонидан ўзи хоҳлаган муайян доирадаги шахсларга юборилади. Бунда танловда қатнашувчи шахслар доираси чегараланган ва уюштирувчига маълум бўлади.

Шуни айтиш лозимки, ҳуқуқий адабиётларда оммавийлик турли маъноларга эга. Айрим муаллифларнинг фикрича, оммавийлик шартли ўтказилаётган танловларнинг мақсадларининг ижтимоий фойдалилигини англатади.

Адабиётларда оммавий танловлар тўғрисидаги эълон мажбурий равишда оммавий ахборот воситалари орқали бажарилиши лозимлиги айтиб ўтилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 976 моддасининг 2 қисми асос бўлади. Унга кўра оммавий танловни уюштирувчининг танловда иштирок этишга таклифи матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан барча хоҳловчиларга қаратилганда очик ёки танловда иштирок этишга таклиф танловни уюштирувчининг хоҳиши бўйича муайян доирадаги шахсларга юборилганда ёпик бўлиши мумкин. Ушбу матнда қўлланилган “бошқа” сўзи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида фақатгина оммавий ахборот воситалари ва матбуотларни кўзда тутишини тушуниш мумкин. Чунки, биринчидан, агар сўз фақатгина оммавий ахборот воситалари тўғрисида кетган бўлса, уларни санаб ўтишга эҳтиёж бўлмас эди (матбуот сўзининг ўзи кифоя қиларди), иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 976-моддаси 2-қисмининг асосий талаби шундан иборатки, оммавий танловда иштирок этиш барча хоҳловчиларга қаратилган бўлиши лозим. Бунга эса нафақат оммавий ахборот воситалари, балки бошқа услублар, яъни оммавий танлов тўғрисидаги ёзма эълонлар ҳам киряди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси бўйича оммавий танловларнинг ўтказилиши тўғрисидаги эълон “оммавий ахборот воситаларида” бўлиши лозимлиги тўғрисидаги талаби айрим шубҳалар

туғдиради. Фуқаролик кодексининг мазкур талаби, биринчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида матбуот сўзи билан боғлиқ бўлган низоли вазиятларни келтириб чиқаради, иккинчидан, оммавий танловларни эълон қилишда фуқаролик жамиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган замонавий инфор­мацион ва электрон технологияларнинг (масалан, интернет) қўлланишини чеклайди. Ундан ташқари, оммавий танловларни эълон қилишга ўхшаш бўлган бошқа ҳуқуқий конструкцияларни (савдоларнинг эълон қилиниши ва оммавий оферта) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ўз ичига қамраб олмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, хулоса қилиш мумкин­ки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси танловнинг оммавий­лик шарти, биринчидан, ҳаммага ва ҳар кимга қаратилган бўлиши, иккинчидан, қонунда назарда тутилган услублар орқали амалга оширилиши лозим. Иккинчидан, оммавий танлов маълум бир фойдали мақсадларга эришишни кўзлаб амалга оширилади. Учинчидан, муко­фот муайян ишни яхшироқ бажарганлик учун ваъда қилинади. Бу бир неча шахслар томонидан эришилган натижаларни бир-бири билан қиёслаб, энг яхшисини танлаб олиш имконини беради. Шу сабабли танловда фақат бир иш ёки бир шахснинг бир нечта иши қатнашган бўлса, танлов ўтказилмаган ҳисобланади. Шу билан бирга, ишнинг танловда кўрсатилган шартларга мос бўлиши ҳам талаб қилинади.

Ушбу белгиларга кўра, оммавий танловга қуйидагича таъриф бериш мумкин: оммавий танлов – уни эълон қилиш, ишларни топшириш, баҳолаш ва ваъда қилинган мукофотни тўлаш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндисидир.

Оммавий танловнинг субъектлари сифатида бир томондан танловни уюштирувчилар ва иккинчи томондан иштирокчилар сифатида турли юридик ва жисмоний шахслар қатнашади, унинг объекти эса иштирокчилар томонидан бажарилган ва конкурсга тақдим этилган ишлар бўлиб ҳисобланади.

Оммавий танловга оид ҳуқуқий муносабат бирмунча мураккаб бўлиб, танлов эълон қилиш, шартларини аниқлаш, ишларни топшириш, конкурс мезонларини, тартибини, натижаларини белгилаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Фуқаролик кодексининг 976-моддаси 4-қисмида кўрсатилгани­дек, оммавий танлов тўғрисидаги эълон топшириқнинг моҳиятини назарда тутувчи шартларни, ишнинг натижаларини ёки бошқа ютуқларни баҳолаш мезонлари ва тартибини, уларни тақдим этиш



жойи, муддати ва тартибини, тўланадиган мукофот миқдори ва шақлини, шунингдек, натижаларни эълон қилиш тартиби ва муддатларини ўз ичига олган бўлиши лозим. Шу билан бирга, 976-модданинг 3-қисмига биноан, танловни уюштирувчи танловда иштирок этиш истагини билдирган шахсларни дастлабки саралашдан ўтказган тақдирда, очик танловда иштирокчиларнинг дастлабки малакаси ҳақида шарт ҳам қўйилиши мумкин. Бу шартлар мажбурий, яъни оммавий танлов эълон қилиниши вақтида уларнинг кўрсатилиши керак бўлган шартлар ва факультатив, яъни танлов ўтказувчининг хоҳиши билан киритиладиган шартлардир. Мажбурий шартлардан бирининг бўлмаслиги танловни эълон қилинмаган деб топилишига олиб келади. Бу шартлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) топшириқнинг мазмуни ҳақидаги маълумотлар. Уларнинг қай даражада ёритилиши танловнинг мақсад ва хусусиятидан келиб чиқади. Шунинг учун танловни эълон қилишда топшириқни аниқ ва равшан кўрсатиш керак. Масалан: бирон-бир асарни яратишда унинг жанрини кўрсатиш;

б) топшириқни бажариш муддати. Бу муддат шундай даврни ўз ичига олиши зарурки, бу вақт ичида топшириқнинг бажаришнинг реал имконияти бўлиши керак. Муддат аниқ бир сана (масалан: 1999 йил 1 ноябргача) билан ҳам ёки маълум бир вақт оралиғи (масалан: уч ой ичида) билан ҳам кўрсатилиши мумкин. Топшириқни кўрсатилган вақтда бажармаслик танловда иштирок этишни рад этишга олиб келади ва уни на суд тартибида, на маъмурий тартибда шикоят қилишга асос бўла олади;

в) ишларни ёки бошқа натижаларни тақдим этиш тартиби, аввало, унинг қай шаклда топширилиши билан изоҳланади. Баъзи бир ишларни тақдим этиш танлов характеридан келиб чиқади ва уни бевосита топширишда ифодаланади. (қўлёзма, лойиҳа, модель ва ҳоказолар). Баъзи топшириқлар эса бевосита ижро этиш (масалан: роль ижро этиш, қўшиқ, шеър айтиш ва ҳоказо) билан амалга оширилади;

г) ишни топшириш жойи нафақат иштирокчилар учун, балки жамоатчиликни жалб этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу айниқса, ижрочилик қобилиятини намоёиш этишда яққол намоён бўлади;

д) ишларни қиёсий баҳолаш тартиби, мезонлари ва муддати берилган топшириқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Кўп ҳолларда танлов бир неча турларда ўтказилиши, баъзи ҳолларда ишлар олдиндан танлаб олиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Якуний баҳолашдан олдин ишлар оммавий ахборот воситалари орқали

намойиш қилиниши ва бу билан уларнинг таклифларини ўрганиб чиқиш имконига эга бўлиши назарда тутилиши мумкин. Якуний баҳолаш эълон қилинган кун ғолибга мукофот бериш тўғрисида қарор чиққан кун ҳам бўлиб ҳисобланади;

е) мукофот миқдори маълум сумма ёки мулк қийматга эга бўлган ашё билан белгиланади;

ж) танлов натижаларини эълон қилиш тартиби ва муддатлари ҳақида танлов эълон қилинган шаклда ёки бошқача тарзда иштирокчилар огоҳлантирилиши керак. Чунки баъзи ҳолларда, айниқса, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ишларда ишлани бажаришаг қабул қилинган вақтдан бошлаб шартномавий муносабатлар амалга оширилади. Бошқа иштирокчилар учун эса бу қарор ҳуқуқий муносабат туғанлигини билдиради<sup>1</sup>.

Танловнинг факультатив белгилари танлов ўтказувчи томонидан киритилади ва томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштиришга ёрдам беради. Уларга ҳакамлар хайъати таркиби, асарларнинг қайтарилиши тартиби ва ҳоказолар киради.

Оммавий танлов шартларининг ҳар қандай ўзгартирилиши тўғрисида унинг иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган барча шахслар хабардор қилиниши керак. Бундай хабардор қилиш танловнинг ўзи қайси усулда эълон қилинган бўлса, шундай усулда (масалан: танлов матбуот, радио, телевидение орқали эълон қилинган бўлса, унга киритиладиган ўзгартиришлар ёки уни бекор қилиш ҳам шу тартибда) эълон қилиниши мумкин. Бу талабга риоя қилиш танловни ташкил қилувчини дастлабки шартлар бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш бурчидан озод қилади. Бироқ у эълонда назарда тутилган ишни конкурс шартларининг ўзгартирилиши ёки уни бекор қилиниши ўзига маълум бўлгунча ёки маълум бўлиши лозим бўлгунча бажарган ҳар қандай шахснинг харажатларини тўлашга мажбурдир. (ФКнинг 977-моддаси 3-қисми). Танловни эълон қилган шахс агар кўрсатилган иш танловдан мустасно тарзда, хусусан, танлов тўғрисидаги эълонга қадар бажарилганлиги ёхуд аввал бошданок танлов шартларига номувофиқ бўлганлигини исботласа, харажатларни тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

Агар танлов шартларини ўзгартириш ёки бекор қилишда танлов эълон қилган шахс ўзгартириш муддатлари ва усули тўғрисидаги талабларни бузган бўлса, эълонда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган ишни бажарганларга мукофот тўлаши лозим.

<sup>1</sup> Фукаролик ҳуқуқи. II-қисм./Ҳ.Раҳмонкулов, И.Зокировларнинг таҳрири остида.-Т.:Адолат.1999.-326-327 б.

Танлов топшириғини унинг шартларига риоя қилиб ижро этган шахс хизмат ҳақи (мукофот) олишга ҳақли бўлади. Фуқаролик кодексининг 978-моддасида айтилганидек, мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор танлов ҳақидаги эълонда белгиланган тартиб ва муддатларда чиқарилиши ҳамда оммавий танлов иштирокчиларига маълум қилиниши лозим.

Иш танловга топширилишининг ўзи уни бажарилган шахсга мукофот ҳуқуқини вужудга келтирмайди. Бундай ҳуқуқ фақат кейинчалик, иш танлов шартларига мувофиқ яхши ва мукофотга сазовор деб топилгандагина вужудга келади.

Танловга топширилган ишларни кўриш, таққослаш, баҳолаш ва унинг натижаларини белгилаш учун танловни ташкил қилувчи, одатда, танлов комиссиясини таъсис этади ёки баъзи ҳолларда унинг ўзи томонидан баҳоланади ёхуд баҳолаш учун бошқа шахсга топширади. Танлов ҳаётининг аъзолари танлов натижаларидан манфаатдор шахс бўлмасликлари лозим.

Танлов натижаларини белгиловчи ҳайъат қуйидаги мазмундаги қарорларни, чунончи, танлов талабларига жавоб берган ишга мукофотлар тўлаш тўғрисида ёки мукофот тўлашни рад қилиш, мукофотларнинг сонини камайтириш ёхуд рағбатлантириш, мукофотларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Танлов ҳайъати ўз қарорини қандай асослар бўйича қабул қилинганлигини кўрсатмаслиги ҳам мумкин.

Танлов натижалари ва мукофотлар тўлаш тўғрисидаги қарор танлов тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатда чиқарилган бўлиши керак. Бу бурч бузилган тақдирда танлов шартларига жавоб берадиган ишларни топширган шахслар суд тартибида ўз меҳнатлари учун ҳақ ва танлов топшириқларини бажариш муносабати билан қилинган харажатларнинг тўланишини талаб қилишлари мумкин.

Мукофот тўлаш тўғрисидаги қарор танлов ҳақидаги эълонда белгиланган муддатда иштирокчиларга билдирилиши лозим. Одатда бундай маълумотлар танлов ғолибларига ёзма хабарлар юбориш ва танлов натижаларини матбуотда эълон қилиш йўли билан амалга оширилади.

Танловда ғалаба қозонган шахсларга тегишли мукофотлар, унга бошқа турдаги мукофотларнинг, чунончи, муаллифлик гонорари ёки ихтирони берганлик учун тўланадиган мукофотдан қатъи назар, тўланади.

Мукофот танлов шартларига жавоб берган ва танлов ҳайъати томонидан ижобий баҳоланган ягона иш учун берилади. Бинобарин, агар бир топшириқни бажаришда бир неча шахслар биргаликда иштирок этган бўлсалар, мукофот улар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланади. Агар бундай келишувга эришилмаган бўлса, мукофотни тақсимлаш тартибини суд белгилайди.

Танловни ташкил этувчи мукофотни бутунлай ёки қисман тўлашдан бош тортганда, шунингдек, танлов иштирокчисига тегишли мукофотни тўлаш муддатларини бузганида тегишли мукофот суд тартибида ундирилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 979-моддасида кўрсатилганидек, агар оммавий танлов предмети фан, адабиёт ёки санъат асаридан иборат бўлса, танловни эълон қилган шахс, башарти танлов шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартлашилган мукофотга сазовор бўлган муаллиф билан унга тегишли ҳақни тўлаган ҳолда, асардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуқни қўлга киритади.

Оммавий танловни эълон қилган шахс, агар танлов тўғрисидаги танлов эълонида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки бажарилган ишнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, мукофотга сазовор бўлмаган ишларни танлов иштирокчиларига қайтариши шарт (ФКнинг 980-моддаси). Бу қоидада айтилишича, танловга топширилган, ammo мукофотга сазовор бўлмаган ишлар танлов натижалари эълон қилиниши биланоқ дарҳол муаллифларига қайтарилиши лозим. Танловни ташкил этувчи томонидан бу бурчнинг бажарилмаслиги танлов иштирокчиларига топширган ишларининг қайтарилишни талаб қилиш ҳуқуқини, ишнинг йўқотилгани ёки зарарлантирилгани ҳолда эса, зарарларнинг тўланиши ҳақида даъво қўзғатиш ҳуқуқини беради. Ammo танлов шартларида танловга топширилган ишларнинг қайтарилмаслиги ёки муаллифларнинг талаби бўйичагина қайтарилиши назарда тутилиши мумкин. Шу билан биргаликда, танлов шартларида бундай талабларнинг муаллифлар томонидан қўйилиши, шунингдек, ишларнинг танловни ташкил қилувчи томонидан қайтарилиш муддатлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Танлов иштирокчиларига уларнинг мукофотга сазовор бўлмаган ишларнинг қайтарилиши пайтидан эътиборан оммавий танловга оид муносабат бекор бўлади.

Оммавий танловларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ўтказилиши тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим. Оммавий

танлов қачонки ташкилотчи ва иштирокчи унинг ўтказилишига доир фуқаролик қонунчилигига риоя қилсагина, иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида юқори натижа ва самара (танлов ташкилотчиси учун) бериши мумкин. Акс ҳолда, оммавий танлов ноҳақиқий деб топилиши, ташкилотчилар ва иштирокчилар ўз олдига қўйган мақсадларига эришмасликлари мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Оммавий танлов тушунчаси ва ўтказиш тартиби.
2. Оммавий танлов шартлари.
3. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш
2. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш

## **55-БОБ. МУКОФОТНИ ОШКОРА ВАЪДА ҚИЛИШ**

Одатда ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш турли хилдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари орқали амалга оширилади. Лекин, баъзи ҳолларда кўзланган мақсадларга эришиш учун ишни бажаришга кўпчиликни жалб этишга ва бунинг учун мукофот беришга ваъда берилади. Мукофотни ошкора қилишнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 981-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, эълонда кўрсатилган ҳаракатни ким унда белгиланган муддатда бажарса, ўшанга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида (мукофотни тўлаш) тўғрисида ошкора эълон қилган шахс тегишли ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахсга ваъда қилинган мукофотни тўлаши шарт.

Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, мукофотни ошкора ваъда қилиш шартли характерга эга бўлиб, бир томонлама битим ҳисобланади. Бунда бир томондагина ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлади. Мукофот ваъда қилинган тақдирда ваъда қилган шахсда уни тўлаш мажбурияти бўлади. Ваъдага қизиқиш билдирган шахсда эса на ҳуқуқ на мажбурият пайдо бўлади. Унда ҳуқуқлар тегишли эълонда кўрсатилган натижага эришган вақддан бошлаб вужудга келади. Шу пайтдан бошлаб ваъда қилган мукофотни тўлаш мажбурияти вужудга келади, бунда эълонда кўрсатилган ҳаракат бажарилгани ҳақида ваъда берувчи хабардор қилиши керак. Ваъда айнан номуайян шахслар доирасига қаратилган бўлиши лозим, акс ҳолда муносабатлар келишилган ҳисобланади. Ваъда турли шаклда ифодаланиши мумкин

(ёзма, оғзаки, матбуот, телевидение орқали ва хоказолар), уй деворлари, дарахтлар ва хоказоларга ёпиштирилган эълонлар Фуқаролик кодексининг 981-моддасида кўрсатилган мажбуриятни вужудга келтирмайди. Ҳар қандай шаклда ҳам эълон номуайян шахслар учун қулай бўлиши ва зарурат туғилса, уни берган шахсдан тасдиқлатиб олиш имконини бериши керак. Мукофотни тўлаш мажбурияти мукофот ким томонидан ваъда қилинганлиги аниқлангандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Бу мажбуриятларни юзага келтириш учун мукофот тўлаш қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

биринчидан, мукофотни ваъда қилиш ошкора (оммавий) бўлиши, яъни номуайян шахслар доирасига мурожаат қилинган бўлиши керак. Агар мукофотни тўлаш аниқ бир шахс ёки шахсларнинг бир доирасига мўлжалланган бўлса, бу муносабатлар шартнома характерига эга бўлади;

иккинчидан, ваъда қилинган мукофот мулкӣй характерга, яъни пул ёки бошқа тарздаги мулкӣй қийматга эга бўлиши керак. Масалан: қимматбаҳо ашё бериш;

учинчидан, мукофот маълум бир ҳуқуққа мос ҳаракатни амалга оширганлик учун белгиланади. Белгиланган мукофотни олиш учун эришилиши лозим бўлган натижа эълонда кўрсатилиши шарт. Масалан: йўқ нарсани топиш;

тўртинчидан, мукофотни ошкора тўлаш тўғрисидаги эълонда мукофот ким томонидан ваъда қилингани кўрсатилиши керак. Ваъдага қизиқиш билдирган шахс ваъдани ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли ва агар, ҳақиқатда мукофот тўғрисидаги эълон унда кўрсатилган шахс томонидан қилинмаган бўлиб чиқса, бундай талаб қўйилмаганлиги оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади (ФКнинг 981-моддаси 2-қисми).

Юқоридаги белгилардан келиб чиқиб, қуйидагича таъриф келтириш мумкин: “Мукофотни ошкора ваъда қилиш деганда шартлашилган натижага эришганлик учун мулкӣй характерда тақдирлаш билан ваъда бериш назарда тутилган, номуайян шахслар доирасига қаратилган мурожаат тушунилади”.

Мукофотни ваъда қилган шахс уни тўлаши шарт. Мукофотнинг суммаси ёки мулкӣй қийматга эга ашё эълонда кўрсатилган бўлиши мумкин ёхуд мукофот миқдори кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Агар мукофотни ошкора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, у мукофотни ваъда қилган шахс билан келишувга кўра аниқ-

ланади, низо келиб чиққан тақдирда эса суд тартибида аниқланади (ФКнинг 981-моддаси 3-қисми).

Эълонда кўрсатилган ҳаракат бажарилиши ёки бажарилмаслиги мумкин. Бу ҳаракат белгиланган муддатда бажарилса, уни бажарган шахс мукофотни талаб қила олади. Айрим ҳолларда бу иш бири-биридан мустақил равишда бир неча шахс томонидан бажарилиши мумкин. Бундай ҳолатда Фуқаролик кодексининг 981-моддаси 5-қисмига мувофиқ тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб содир этган шахс мукофотни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар эълонда кўрсатилган ҳаракатни қайси бири биринчи бўлиб содир этганини аниқлашнинг имкони бўлмаса, шунингдек, ҳаракат икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса, мукофот улар ўртасида баб-баравар ёки уларнинг ўзаро келишувида назарда тутилган миқдорда тақсимланади.

Фуқаролик кодексининг 981-моддаси 4-қисми мукофотни тўлаш мажбурияти, тегишли ҳаракат эълон қилиниши муносабати билан ёки ундан мустасно тарзда бажарилганидан қатъи назар, юзага келишини белгилайди. Баъзи ҳолларда мукофот ваъда қилинганидан хабардор бўлмаган шахс эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариши мумкин. Бу ҳолда ҳам Фуқаролик кодексининг 981-моддаси 5-қисми қоидалари қўлланилади.

Эълонда маълум муддатнинг кўрсатилган бўлишлиги мукофотни олиш учун тегишли ҳаракатни шу муддатда қилиш лозимлигини ва бу муддат даъво мукофот ваъда қилган шахс у билан боғлиқлигини кўрсатади. Муддат мукофотни ошкора ваъда қилишнинг зарурий характердаги белгиси эмас. Лекин у кўрсатилган бўлса, шу муддат давомида қилинган ҳаракат мукофот олишга асос бўлиши мумкин.

Мукофотни ошкора ваъда қилган шахс уни бекор қилишга ҳақли. Мукофотни ошкора ваъда қилишни бекор қилиш изланувчиларнинг манфаатларини бузмаслиги керак. Шунинг учун қонунда бекор қилиш маълум шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши кераклиги кўрсатилган.

Фуқаролик кодексининг 982-моддасида кўрсатилишича, мукофот тўлашни ошкора эълон қилган шахс берилган ваъдадан худди шундай тартибда воз кечишга ҳақли, воз кечишга йўл қўймаслиги эълоннинг ўзида назарда тутилган ёки ундан келиб чиқадиган ёки мукофот ваъда қилинган ҳаракатни содир этиш учун муайян муддат берилган ёхуд воз кечишни эълон қилиш пайтига келиб бир ёки бир

неча қизиқиш билдирган шахслар эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Бу қоидадан шуни кўриш мумкинки, мукофотни ошкора ваъда қилган шахс ундан воз кечиши учун қуйидаги шартларга амал қилиши керак:

а) ваъдани бекор қилиш ва эълон қилиш қай тартибда амалга оширилган бўлса, шу тартибда амалга оширилиши керак;

б) эълонда ундан воз кечишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган бўлмаслиги лозим;

в) эълонда кўрсатилган ҳаракат содир қилиниши керак бўлган муддат белгилаб қўйилмаган бўлиши шарт;

г) воз кечишни эълон қилиш пайтида эълонда кўрсатилган ҳаракат содир қилинмаган бўлиши керак.

Мукофот ҳақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш мукофот тўғрисида эълон қилган шахсни қизиқиш билдирган шахсга у эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариши муносабати билан қилган харажатларини қоплашдан озод қилинмайди. Қоплаш миқдори барча ҳолларда эълонда кўрсатилган мукофотдан ортиқча бўлиши мумкин эмас.

Агар мукофотни ошкора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, мукофот, ваъда қилган шахс билан ўзаро келишувларига кўра аниқланади, агар мукофот бўйича низо келиб чиқса суд томонидан ҳал қилинади.

Мукофотни тўлаш мажбурияти, тегишли ҳаракат эълон қилиниши муносабати билан ёки ундан мустасно тарзда бажарилганидан қатъи назар, вужудга келади. Мукофотни тўлашнинг икки омилини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Мазкур мажбурият мувофиқ ҳаракатларнинг бажарилиши лозимлиги фактидан қатъи назар пайдо бўлади.

Мазкур мажбурият бундай ваъдани берган шахсни аниқлаганиши шарти билан пайдо бўлади.

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни бир неча шахс томонидан бажарилганида ҳаракатни биринчи бўлиб бажарган шахс мукофотни олиш ҳуқуқига эга.

Агар эълонда кўрсатилган ҳаракат икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан бажарилган бўлса ва улардан қайси бири тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб бажарилишини аниқлашнинг имкони бўлмаса, шунингдек, агар ҳаракат икки ёки бундан ортиқ шахслар томонидан



бир пайтнинг ўзида содир этилган бўлса, мукофот улар ўртасида баб-баравар ёки уларнинг ўзаро келишувига кўра тақсимланади.

Агар мукофот тўғрисидаги эълонда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки унда кўрсатилган ҳаракат хусусиятидан келиб чиқмаса, бажарилган ҳаракатнинг эълонда мавжуд бўлган талабларга мувофиқлиги мукофотни ошкора ваъда қилган шахс томонидан аниқланади, низо келиб чиққан тақдирда эса суд томонидан ҳал қилинади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Мукофотни ошкора ваъда қилиш тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари
2. Ошкор ваъда қилинган мукофотни тўлаш шартлари
3. Мукофотни ошкора ваъда қилишда мукофотни тўлаш тартиби

## **56-БОБ. ҚИМОР ВА ГАРОВ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИШ**

ФКнинг 56-бобида қимор ва гаров ўйинлар ўтказишнинг ҳуқуқий оқибатлари белгилаб қўйилган. ФКнинг 983-моддасида кўрсатилишича, фуқаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган қимор ва гаров ўйинлар (қимор ва бас бойлаш) уюштириш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблари судда химоя қилинмайди деб кўрсатилади. Маълумки, қимор ўйинлари икки ва ундан ортиқ шахснинг мулкрий манфаат кўриш мақсадида таваккал қилган ҳолда маълум турдаги ўйин шартлари асосида ҳатти-ҳаракатларини амалга ошириш тушунилади. Бунда ўйинда иштирок этувчи бир ёки бир нечта тараф ҳисобига бошқа тараф, яъни ютган томон - мулкрий томон мулкрий манфаат кўради (масалан, карта, ошиқ ва ҳоказо ўйинлар).

Бас бойлашиш деганда икки ёки бир неча шахс ўртасида маълум бир ходисанинг рўй бериши ёки рўй бермаслиги, маълум бир субъект томонидан бирон нарсага эришиш ёки эришмаслиги бас бойланади. Бунда тарафларнинг қарама-қарши фикрлари фарқ қиладиган, бас боғлашишда қиморнинг фикри тўғри бўлса, ўша ғолиб чиқади ва мулкка эришади. Баъзи хусусияти билан у шартли кечиктирилган битимларга ўхшаб кетади. Бас предмети бўйича тахмин қилинаётган нарсага эришиш тарафларнинг эрки-иродасига боғлиқ бўлиши мумкин ёки бўлмаслиги мумкин. Масалан: икки футбол ишқибози томони бас

бойлашишида руй берадиган ходиса томонларнинг эрк-иродасига боғлиқ бўлмайди.

Агарда футбол ишқибозлари ўртасида ўйинчининг маълум ўйинда гол уриши ёки гол уролмаслиги тўғрисида бас бойлаш, қимор ва бас боғлаш тўғрисидаги ўйинлардан фарқ қилиб, кўнгилочар ўйинлар ҳисобланади. Кўнгилочар ўйинларда ютиш ва ютқизиш мавжуд бўлса ҳам мулкӣ манфаат мавжуд бўлмайди.

Қимор ўйинларига ружу қўйиш, уни доимий касб қилиш ахлоқ; нуқтаи назаридан салбий баҳоланади. Қимор ўйинлари айрим ҳолларда қонунлар билан тақиқланади. Қимор ўйинлари билан боғлиқ бўлган талаблар, яъни ютуқни бермаслиқ ютказилганликни тан олмаслиқ суд орқали ҳимоя қилинмайди.

Агарда қимор ва гаров ўйинлари алдов, зўравонлик таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вакилининг қимор ёки гаров ўйинлари ташкилотчиси билан ғаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари (алдаш орқали ютиш, қимор ўйнашга мажбур этиш ва шу каби ҳолатларда) агар талаб қилувчи шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказадиган бўлса, судда ҳимоя қилиниши мумкин. Бунда Фуқаролик Кодексининг 122, 123-моддаларида кўрсатилган оқибатлар вужудга келади.

Фуқаролик кодекси 984-моддасида лотереялар, тотализаторлар ва бошқа ўйинларнинг давлат томонидан ўтказилиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар белгилаб қўйилган. Лотереялар, тотализаторлар, ўзаро бас бойлашишлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиси - давлат, ваколатли давлат органидан рухсатнома (лицензия) олган шахслар ва ўйинларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланади. Бундай шартнома лотерея билети, патта ёки бошқа ҳужжат бериш орқали расмийлаштирилади ва иштирокчи лотерея билети қийматини тўлаган ёки ўйинда иштирок этишга бошқа тарзда ҳақ тўлаган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Бундай шартномалар реал шартномалар ҳисобланади. Ўйин ташкилотчиси билан ўйин иштирокчилари ўртасидаги шартнома тузиш туррисидаги таклиф ўйинларни ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Таклифда бундай шартлар ташкилотчиси шартнома бўйича уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош тортган тақдирда, ўйинларнинг иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан

ўйинларни қолдириш ёки уларнинг муддатини бошқа вақтга кўчириш туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Лотерея, тотализатор ёки бошқа ўйинларни ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга (масалан: спорт-лото бўйича 6 ёки 5 рақамни олдиндан топган шахслар) ўйинлар ташкилотчиси томонидан ютуқ ўйинлари ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда пул-буюм ёки туристик йўлланма ҳолида ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, ўйинларнинг натижалари чиқарилган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан тўлаши лозим. Уйин натижалари, ғолибларини аниқлаш ўйинлар ташкилотчиси томонидан ёхуд холис, учинчи шахслар томонидан (масала: ҳакамлар ҳайъати томонидан) очиқ, ошкора-лик асосида белгиланади.

Ўйинлар ташкилотчиси ўйинлар натижаларини матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали ёки бошқача тарзда эълон қилиши шарт. Ўйинлар ташкилотчиси ғолибларга ютуқни тўлаш ҳақидаги мажбуриятни бажармаган тақдирда ютган иштирокчиларнинг талаблари суд орқали қаноатлантирилади. Ўйинлар ташкилотчиси иштирокчиларга ютуқларни тўлаш билан бирга, шартнома шартларини бузиш оқибатида етказилган бошқа зарарларни ҳам қоплаши лозим.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Қимор ва гаров ўйинларини тушунчаси
2. Қимор ва гаров ўйинларини ўтказиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари.

## **57-БОБ. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

### **1 §. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисида умумий тушунча**

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият тушунчасига фуқаролик қонунчилигида таъриф берилмаган. Бироқ, мазкур тушунча бевосита, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги тарзда

ФКнинг 985-моддасида ўз ифодасини топган. Мазкур нормадан зарар етказган шахснинг етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти, ҳамда жабрланувчининг етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлигини англаш мумкин. Бу эса ўз навбатида мажбуриятнинг анъанавий тузилиши (конструкцияси) – кредитор ва қарздор муносабатлари мавжудлигини билдиради. Мазкур ҳолатда зарар етказувчи - қарздор ҳисобланса, жабрланувчи (мулкига, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етган шахс) – кредитор ҳисобланади. Шу билан бирга зарар етказилганда жабрланувчининг талаб қилиши ҳуқуқи зарар етказувчи учун мажбурият сифатида намоён бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ, шахс (жисмоний ёки юридик шахс) нинг ҳаёти ва соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказган шахс етказилган зарар тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади, жабрланувчи эса ўзига етказилган зарар қоплашни талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, кишиларнинг бир-бири билан доимий равишда ўзаро муносабатларида баъзан уларнинг моддий ёки номоддий манфаатларига зарар етиш оқибатлари келиб чиқади. Бу зарарлар турли тасодифлар, эҳтиётсизлик, қасд орқали, табиий офатлар натижасида юзага келади<sup>1</sup>. Шундай ҳолатда етказилган зарар ким томонидан тўланиши (зарар етказилган шахс ёки жабрланган шахс ёхуд учинчи шахслар томонидан) масаласи юзага келади. Ҳозирги вақтда юридик ва жисмоний шахслар кутилмаган зарарлардан ҳимояланиш мақсадида суғурта хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ҳар доим ҳам вақтида суғурта хизматидан фойдаланишининг иложи бўлавермайди. Натижада кутилмаган зарар келиб чиқади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурта товони ҳар доим ҳам етказилган зарарни тўла қоплай олмайди. Шу сабабли етказилган зарарни бир ҳуқуқий институт ёрдамида тартибга солишнинг иложи йўқ<sup>2</sup>. Мазкур муносабатларни тартибга солишда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият институти асосий ўринга эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бу тури деликт мажбуриятлар – деб ҳам аталади.

**Дилект мажбуриятларининг ҳуқуқий табиатини** аниқлашда, мажбуриятнинг мазкур турини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси билан ўзаро нисбатани белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий адабиётларда «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият» ва «зарар етказганлик учун жавобгарлик тушунчалари» ай-

<sup>1</sup> Гражданское Право. Учебник. Часть II/Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. - М.: Проспект. 1998. - 694 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм). - Т.: Адолат. 1999. - 335 б.

ний тушунчалар сифатида қўлланилади, ҳамда «жавобгарлик» тушунчаси бу ҳолатда асосий ўринни эгаллайди<sup>1</sup>. Мазкур ҳолат ФКнинг 57-бобида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу боб «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» - деб номланса, бобнинг биринчи моддаси (ФКнинг 985-моддаси) зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларига бағишланади. Шу билан бирга кейинги моддаларда ҳам асосан «мажбурият» тушунчаси эмас, «жавобгарлик» тушунчаси қўлланилади. Бу эса ушбу тушунчалар ўртасида қарама-қаршилик мавжуд эмаслигини, уларнинг узвий боғлиқлигини англатади<sup>2</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик деганда, мулкӣ тусдаги санкцияларни ҳуқуқбузарга нисбатан татбиқ этиш тушунилади. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий асосларига мувофиқ, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мулкӣ тусга эга бўлиб<sup>3</sup>, шартномали мажбуриятларга ҳам, шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларга ҳам татбиқ этилади. Бироқ, шартномали мажбуриятларда жавобгарлик иккиламчи тусга эга бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномали мажбуриятларни «кузатиб боради» ва мажбурият бузилгандагина қўлланилади. Агар мажбурият лозим даражада бажарилса, жавобгарлик масаласи вужудга келмайди.

Зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларда эса, жавобгарлик ҳуқуқбузарлик факти асосида вужудга келади. Яъни, зарар етказишдан вужудга келадиган мажбурият вужудга келиши билан у ўз мазмунида жавобгарликни, ҳуқуқбузарга санкция қўллаш имкониятини мавжудлигини ифодалайди. Албатта бу вазиятда жавобгарлик бошқа бир мажбуриятни тўлдирмайди, «кузатмайди» (шартномали мажбуриятлардаги каби), у зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлардаги ҳуқуқбузар мажбуриятнинг мазмунини ташкил этади.

Етказилган зарар учун ҳуқуқбузар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда етказилган зарар қоплаш шаклидаги жавобгарликка тортилади.

<sup>1</sup> Иоффе О.С. Обязательственное право.-797 с.; Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в гражданском праве.-Л.:ЛГУ.1983.-42-98 с.; Белякова А.М. Возмещение причиненного вреда.-М.: 1972. -3-34с.; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. /Ҳ.Раҳмонкулов ва И.Зокировларнинг ум. тахр. остида. -Т.: Адолат. 1999. -339 б.; Быков А.Г., Половинчик Д.И. Основы автотранспортного права. -М.: Юрид.лит. 1980. -274 с.; Окюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари.//Қонун химоясида. 1999. №9. -Б.18; Гражданское право.Часть вторая:Учебник/ Под общей ред. А.Г.Калпина.-М.:Юрист.2000.-509 с.; Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.:Юрид.лит.1975.

<sup>2</sup> Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов. -М.: БЕК. 2002.-363 с.

<sup>3</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ. 2005. -139 б.

Таъкидлаш лозимки, баъзи хорижлик юристлар деликт ҳуқуқи ва у билан боғлиқ доктриналар тезликда эскириб ўз аҳамиятини йўқотиб бораётганлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга оид бўлган ҳолатлар «техника асрида аравани бошқариш қоидаларига ўхшаш» дир. Зеро замонавий жамиятда зарарларни қоплашнинг катта қисми суғурта хизматининг зиммасига тушади<sup>1</sup>. Баъзи мутахассислар эса, бу ҳолат (зарарни қоплашда суғурта хизматидан фойдаланиш) «дилект ҳуқуқини кўмиш» учун асос бўлмаслигини, етказилган зарарларни қоплашда суғуртанинг ўрни шубҳасиз катта эканлигини, бироқ, суғурта институти деликт ҳуқуқи билан биргаликда қўлланилиб келинаётганлигини ва бу ҳолат узок вақт давом этишини таъкидлашади<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, етказилган зарарни қоплашда суғурта хизматининг ўрни беқиёс бироқ, етказилган зарарни қоплашга доир қоидаларнинг мавжудлиги суғурта ташкилотлари учун суброгация<sup>3</sup> (ФКнинг 318, 957-моддалари) қилиш имкониятини беришини ҳам назарда тутиш ва суброгацияни қўллаш фақатгина деликт институти орқали амалга оширилишини ҳисобга олсак, деликт мажбуриятларининг аҳамияти жамият ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам пасаймаслигини англаш мумкин.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжуд:

а) бу мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплаш моддий хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, мулкӣ ҳамда шахсий номулкий муносабатларни қамраб олади;

б) улар мутлақ характерга эга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар ( мулк ҳуқуқи, умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи ва бошқалар) ёки шахсий номулкий манфаатларининг бузилиши натижасида келиб чиқади;

в) гарчи ҳуқуқ жабрланувчи билан шартномавий муносабатларида бўлган шахс томонидан тбўзилган бўлса-да, мажбуриятлар мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги туфайли шартномасиз характерга эга бўлади;

г) бу мажбуриятлар зарар ким томонидан кимга етказилгани, зарар қай тқўринишда етказилгани ва зарарни қоплаш усулларида қатъи назар, тўлиқ қопланишини назарда тутлади;

д) қонунда назарда тутилган ҳолларда зарарни тўлаш мажбурия-

<sup>1</sup> Flemming J. The Law of Svdnev, 1965.P.13.

<sup>2</sup> Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов. -М.:БЕК.2002.-364 с.

<sup>3</sup> Қаранг: Абдуллаева Н.Н. Суғурта ҳуқуқи.-Т.:ЖИДУ.2006.-135-143 б.

ти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин<sup>1</sup>.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзига хос эквивалентлик вазифасини бажаради. Яъни, деликт мажбуриятлари орқали ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолат тикланади. Масалан, фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, унинг соғлиғини тиклаш учун қилган харажатлари ҳуқуқбузар томонидан қопланиши ҳуқуқни бузилишини бузилишидан олдинги ҳолатини тиклаш ҳисобланади. Шу билан бирга, деликт мажбуриятлари учун жавобгарликнинг белгиланганлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Деликт институтининг аҳамияти, унинг функциялари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аҳамияти ва функциялари билан бир хилда деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, деликт институти ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик каби ҳуқуқни тикловчи, ҳуқуқбузарликнинг олдини оловчи, тарбиявий вазифаларни бажаради.

**Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари. Бош деликт тамойили.** Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бошқа турлари каби муайян юридик фактлар асосида вужудга келади. Мазкур мажбурият вужудга келиши учун асос бўладиган қонун ҳужжатларидан кўзда тутилган юридик фактлар – зарар етказиш факти, деликт ҳисобланади.

Бироқ, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўз мазмунида етказилган зарар учун жавобгарликни ҳам назарда тутаяди. Шунинг учун ҳам қонун деликт мажбуриятларини вужудга келиш асослари ва шартлари билан бирга зарар учун жавобгарлик асослари ва шартлари масаласини ҳам ҳал қилади. Бошқача айтганда, деликт мажбуриятларининг вужудга келиш шартлари ва етказилган зарар учун жавобгарлик шартлари бир-бирига мос келади.

Етказилган зарар учун жавобгарлик чораларини белгилашда қонун умумий тамойилларга таянади. Ҳуқуқий адабиётларда бу тамойил «бош деликт тамойили» - деб юритилади. Мазкур тамойилга биноан, бир шақс томонидан иккинчи шахсга етказилган зарарнинг мавжудлигиёқ, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини вужудга келтиради. Бунда жабрланувчи зарар етказувчи ҳаракатнинг ғайриқонуний эканлигини, унинг айбдор эканлигини исботлаши талаб этилмайди. Зарар етказувчининг ҳаракати ҳуқуққа хилоф ва у айбдор – деб «ҳисобланади». Шу муносабат билан зарар етказувчи жавобгар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм).-Т.:Адолат.1999.-336-337 б.

ликдан фақатгина ўз ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф эмаслигини ва айбдор эмаслигини исботлагандагина озод этилади. Бош деликт та-мойил Франция гражданлик кодексининг 1382-моддасида тўлиқ ўз ифодасини топган деб ҳисобланади, унга кўра, бошқа шахсга зиён етказган инсоннинг ҳар қандай ҳаракати, айбли ҳаракат натижасида етказилган зиёни қоплашни келтириб чиқаради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Англия ҳуқуқи бош деликт кате-гориясини билмайди. Бу ерда суд амалёти – суд прецеденти томо-нидан ишлаб чиқилган алоҳида деликтлар амал қилади. Масалан, ҳозирги кунда ҳам Англия судлари автомобил томонидан пиёдага етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларни кўришда 200 йил аввалги от-арава томонидан пиёдага етказилган зарарни қоплаш бўйича прецедентга таянади<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида ҳам бошделикт та-мойили ўз ифодасини топган. Зеро, ФКнинг 985-моддасида фуқаро-лик ҳуқуқи субъектига етказилган зарар зарар етказувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши назарда тутилган. Албатта бош деликт та-мойилига мувофиқ, зарар етказилганлигининг ўзиёқ уни қоплаш ло-зимлигини англамайди. Буни учун қонуда белгилаган бир қатор шартлар мавжуд бўлиши лозим. Мазкур шартларнинг мавжуд бўл-маслиги эса, зарарни қопланмаслигини англатади. Фуқаролик қонун-чилигида «бош деликт» тамайилининг мазмунини ташкил этувчи етка-зилган зарар учун жавобгарликнинг умумий шартлари белгиланган, бўлиб улар жумласига зарар етказувчи ҳаракатнинг ҳуқуққа хило-флиги, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, айб киради.

Фуқаролик қонунчилигида етказилган зарар учун жавобгарлик-нинг умумий шартларини белгиловчи бош деликт билан бирга бир қатор вазиятларни назарда тутиладики, уларнинг ҳар бирида махсус қоидалар қўлланилади ва алоҳида деликтлар деб юритилади. Маса-лан, ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавоб-гарлик (ФКнинг 999-моддаси), вояга етмаган шахслар томонидан етка-зилган зарар учун жавобгарлик (ФКнинг 993-моддаси) ва бошқалар.

**Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарлик асоси ва шартлари.** Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар учун жавобгарлик асоси сифатида жабрланувчининг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ бўлган юридик факт – зарар-нинг мавжудлиги ҳисобланади. Жавобгарлик шартлари эса, жавоб-

<sup>1</sup> Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК.2002.-366-367 с.



гарлик асосларини тавсифловчи ва тегишли санкциялар қўлланилиши учун зарур бўлган қонунда белгиланган талаблардир. Шундай қилиб, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шартлари бир-бири билан узвий боғлиқ унсурлар ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари хусусида яқдил фикрлар мавжуд эмас. Баъзи муаллифлар ҳуқуқбузарга жавобгарликни юклаш учун зарур бўлган умумий, анъанавий шартлар йиғиндиси сифатида «фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркиби» ни эътироф этишади<sup>1</sup>. Бошқа гуруҳ муаллифлар ушбу концепцияни танқид қилишиб, жиноят ҳуқуқидаги жиноят таркиби қоидаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблашади<sup>2</sup>. Шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқбузарликнинг «чекланган» таркиби мавжуд бўлган ҳолатлар (фуқаролик қонун ҳужжатларида айбсиз жавобгарлик ҳолати ҳолати мавжуд бўлиб, айб фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибига кирмайди) ҳам деликт мажбуриятлари учун жавобгарлик асослари ва усуллари ни анъанавий «ҳуқуқбузарлик таркиби» доирасида белгилаш баҳсли эканлигин кўрсатади. Ҳуқуқбузарлик концепциясини фуқаролик ҳуқуқида қўллаш мумкин эмаслиги таъкидлаб, О.Оқюлов шартномали мажбуриятлар учун жавобгарлик ва деликт мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликда фуқаролик-ҳуқуқбузарлик таркиби икки хил бўлишини кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибига бевоқиф кўчириш, фуқаролик ҳуқуқи предмети ва тамойилларига зид эканлигини айтиб ўтади<sup>3</sup>.

Мазкур фикрларни давом эттириб Ж.Бобоев ва Н.Эгамбердиевалар деликт мажбуриятларида жавобгарлик асосини субъектив фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши ташкил этади, бироқ бу асоснинг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш учун етарли бўлмайди, бунинг учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар бўлиши лозим деб ҳисоблашади<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Алексеев С.С. О составе гражданского правонарушения// правоедение.1958.№1.; Матвеев Г.К. Основания гражданского-правовой ответственности.-М.:Юрид.лит.1970.; Иоффе О.С. Ответственность по гражданскому праву.-Л.1958.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.-М.:1998.-568 с.; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари//Қонун ҳимоясида.1999.№9.-Б.16-19.Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дисс...Автореф.-Т.:2006.

<sup>3</sup> Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари// Қонун ҳимоясида. 1999.№9.-Б.16-19.

<sup>4</sup> Бабаев Д.И. истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс...Автореф.-Т.:2005.; Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дисс...Автореф.-Т.:2006.

Шу маънода таъкидлаш лозимки, гарчи фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибини баҳсли эканлиги айтиб ўтилсада, ҳозирги кунда бу «таркиб» илмий жиҳатдан рад этилган эмас. Зеро, деликт мажбуриятларида зарарнинг мавжудлиги билан бирга, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шартлари ҳисобланган: ғайриқонуний ҳатти-ҳаракат, зарар етказувчи ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва зарар ўртасидаги сабабий боғланиш ва айбнинг мавжуд бўлиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш имконини беради.

Деликт мажбуриятлари бўйича субъектив фуқаролик ҳуқуқининг бузилиши зарар етказилиши факти сифатида баҳоланади. Деликт жавобгарлигининг асоси деганда, фуқаро ёки юридик шахснинг мол-мулкига ёхуд номоддий неъматлар – фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига зарар етказилиш факти тушунилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи мутахассислар фуқарлик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шу жумладан деликт жавобгарлигининг асоси сифатида ҳуқуқбузарликни эътироф этишади<sup>1</sup>. Бироқ, бунда муайян ҳатти-ҳаракатни ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик шартлари мавжуд бўлиши лозим. Жавобгарлик асоси эса уни татбиқ этиш имкони мавжудлиги англатади, лекин бунда ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар бўлиши керак. Шу муносабат билан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси бу ҳуқуқбузарлик эмас, зарарнинг мавжудлиги ҳисобланади. Муайян фактнинг ҳуқуқбузарлик эканлигини белгиловчи шартлар жавобгарлик татбиқ этилаётганда аниқланиши лозим.

Ҳуқуқий адабиётларда зарарни деликт жавобгарлиги шартларидан бири сифатида қараш кенг тарқалган<sup>2</sup>. Шу билан бирга зарарни деликт жавобгарлигининг шартлари жумласига киритмаган муаллифлар ҳам мавжуд<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, зарарнинг мавжудлиги деликт мажбуриятларида жавобгарлик шарти ҳисобланмайди. Зеро, бу ҳолда ўзига хос қарама-қаршилик вужудга келади. Чунки, зарар етказганлик учун жавобгарлик шарти сифатида шу зарарнинг ўзи белгиланиши

<sup>1</sup> Малеин Н.С. Правонарушение: понятие, причины, ответственность.-М.:1985.-130-133 с.; Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.2005.-176 б.; Эгамбердиева Н.Ҳ. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шартлари. Юрид.фан.номз.дисс...Автореф.-Т.:2006.-13 б.

<sup>2</sup> Гражданское Право.Учебник.Часть II/Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Проспект.2000.-702 с.; Белякова А.М. Имущественная ответственность за причинение вреда.-М.:1979.-27 с.; Смирнов В.Т., Собчак А.А. Общее учение о деликтных обязательствах в гражданском праве.-Л.:ЛГУ.1983.-31 с.; Саттарова М.Ф. проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц. Автореф.дисс....к.ю.н.-Т.:2004.-15 с.

<sup>3</sup> Иоффе О.С. обязательственное право.-М.:1975.-798 с.; Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК.2002.-370 с.; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари.//Қонун химоясида. 1999.№9.-Б.18-19.

мантиқсиз ҳолат бўлиб қолади. Зарар (зарарнинг мавжудилиги) бошқа шахснинг субъектив фуқаролик-ҳуқуқларини бузган шахсга жавобгарликни татбиқ этиш асосидир.

**Зарар деликт жавобгарлигининг асоси сифатида.** Зарар (зарарнинг мавжудлиги) деликт жавобгарликнинг бевосита зарурий асоси ҳисобланади. Зарар мавжуд бўлмаганда деликт жавобгарлик ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Агар, баъзи ҳолларда шартнома билан белгиланадиган жавобгарлик мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун кредиторга зарар етказилиш ёки етказилмаслигидан қатъи назар, бегиланса, шартномадан ташқари белгиланадиган жавобгарлик зарар бўлмаган тақдирга вужудга келиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Деликт жавобгарлигининг асоси сифатида зарар деганда фуқаролик ҳуқуқи субъектига тегишли мол-мулк шикастланиши ёки нобуд бўлиши натижасида, шунингдек фуқаронинг соғлиғига шикаст етиши ва вафоти натижасида вужудга келадиган салбий мулкӣ ва номулкӣ оқибатлар тушунилади.

ФКнинг 14-моддасида эса, зарар тушунчаси бузилган ҳуқуқни тиклаш воситаси сифатида таърифланади. Шу билан бирга бозор муносабатлари шароитида зарарнинг икки кўриниши мавжуд бўлиши ҳам мазкур моддада ифодаланган. Ушбу моддага мувофиқ, зарар деганда ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Н.Эгамбердиева эса зарар тушунчасини қуйидаги уч ҳолат асосида тушунишни таклиф этади: а) ҳақиқий зарар; б) бой берилган фойда; в) маънавий зарар<sup>2</sup>. Албатта зарар тушунчасини бундай тартибда уч «турга» бўлиш ўзига хос назарий аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, етказилган зарар миқдорини аниқлашда ва жавобгарликни белгилашда зарарни ўзига хос тарзда «туркумлаш» муҳим ўрин тутди.

ФКнинг 985-моддасига мувофиқ, зарар «шахсга» ёки «мол-мулкка» етказилади. Мол-мулкка етказилган зарар деганда, одатда шахснинг мулкӣ мол-мулки камайиши ёки уларнинг қиймати пасайиши тушунилади. Баъзан, мулкӣ зарар жабрланувчининг зарар етка-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм).-Т.:Адолат.1999.-340 б.

<sup>2</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дисс... Автореф.-Т.:2006.-15 б.

зишдан олдинги ҳолати ва кейинги ҳолати ўртасидаги мулкӣ фарқ сифатида ҳам белгиланади.

Шахсга зарар етказишда ҳуқуқбузарлик объекти бўлиб, номоддий неъмат ҳисобланган – фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи тушунилади. Бироқ, мазкур зарар бўйича мажбурият вужудга келишида асосий эътибор мулкӣ ҳолатга қаратилади, яъни мулкӣ зарар қопланади. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина маънавий зарар ундирилади. Бироқ ҳамма вазиятларда ҳам зарар мулкӣ кўринишда қопланади. Зеро, фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик ҳар доим мулкӣ кўринишда намоён бўлади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида зарар тушунчаси билан бирга, зиён тушунчаси ҳам қўлланилади. ФКнинг 1009-моддаси боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни қоплаш қоидаларини белгилайди. Бироқ, фуқаролик қонунчилигида бу икки тушунча ўртасида фарқ борлиги эътироф этилмайди. Кўпчилик вазиятлар «зарар» ва «зиён» атамалари синоним сўзлари сифатида қўлланилади. Шу билан бирга пул кўринишидаги зарар (русча - убыток) атамаси ҳам мавжуд бўлиб, одатда бу атама мутахассислар томонидан мулкӣ зарарнинг пул кўринишидаги ифодаланishi сифатида талқин этилади<sup>2</sup>. Зарарнинг мазкур кўринишлари ўзига хос мустақил аҳамият касб этмаслигини таъкидлаган ҳолда маънавий зарар деликт мажбуриятларида алоҳида ўрин тутишини эътироф этиш лозим.

**Деликт жавобгарлигининг шартлари.** Зарар етказилганда фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик белгиланиши учун зарарнинг мавжуд бўлиши билан бирга, қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади. Бундай шартлар бош деликт тамойилидан келиб чиқади ва қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, зарар етказишнинг барча ҳолатлари учун татбиқ этилади. Деликт жавобгарлиги (зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик) нинг шартлари – бу ҳуқуқбузарга тегишли жавобгарлик чораси – санкцияни белгилашда, яъни, уни зарарни қоплаш мажбуриятини бажаришга мажбур қилишда амал қилиниши лозим бўлган умум мажбурий талаблардир.

Деликт мажбуриятлар ва улардан келиб чиқадиган деликт жавобгарлик қуйидаги шартлар асосида вужудга келади:

- зарар етказган шахс хатти-ҳаракати ҳуқуққа хилофлиги;

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм.-Т.:ТДЮИ.2006.-10 б.

<sup>2</sup> Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК.2002.-371 с

- зарар етказувчининг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракати ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- зарар етказган шахснинг айби.

**Зарар етказувчи ҳатти-ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлиги.** Деликт жавобгарлигининг шарти сифатида зарар етказувчи шахс ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлиги ФКда қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозимлиги қонундан келиб чиқади (ФК 985-моддасининг 55-қисми). Бунга мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат туфайли етказилган зарар тўлиқ қопланиши лозим.

Умумий қоидага кўра шахснинг ҳаркатлари ҳуқуқ нормаларида белгиланган қиодаларни, ҳамда бир вақтнинг ўзида муайян шахснинг субъектив ҳуқуқларини бузса ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Масалан, фуқаро катта тезликда югуриб кета туриб, қаршисидан келаётган кишини туртиб кетди, - дейлик натижада иккинчи фуқаронинг йиқилиб тушиши натижасида унинг қўли синди, яъни соғлиғига жиддий зарар етказилди. Бунда инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисидаги объектив ҳуқуқ нормаси, ҳамда у билан бир вақтда жабрланувчининг соғлиққа нисбатан субъектив ҳуқуқи бузилди.

Деликт мажбуриятларида зарар етказувчи ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги презумпцияси амал қилади. Бу қоида бош деликт тамойилиданга таянади. Мазкур тамойилга мувофиқ, шахсларнинг мол-мулкига ёки фуқаронинг соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, ҳуқуққа хилоф деб баҳоланиши лозим. Шу билан бирга жабрланувчига зарар етказувчи ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлигини исботлаш мажбурият юклатилмайди, аксинча зарар етказувчининг ҳаракати ҳуқуққа хилоф тахмин қилинади. Яъни, зарар етказувчи ўз ҳаракатларини ҳуқуқ хилоф эмаслигини исботламагунича, унинг ҳаракати ҳуқуққа хилоф – деб ҳисобланади.

Маълумки, ҳуқуққа хилоф хулқ атвор одатда шахсларнинг мулкӣ манфаатлари доирасидаги юқотишларга сабаб бўладиган фаол ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Шу билан бирга шахсий номулкий манфаатлар соҳасида ҳам фаол ҳаракатлар орқали ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор намоён бўлиши мумкин. Масалан, фуқаронинг номга бўлган ҳуқуқидан ғайриқонуний тарзда фойдаланиш натижасида етказилган зарар қопланиши лозим (ФКнинг 20-моддаси).

Зарар етказувчи хулқ-атворининг ҳуқуққа хилофлиги нафақат фаол ҳаракат орқали, балки ҳаракатсизлик натижасида ҳам намоён

бўлиши мумкин. Бунда ҳаракатсизлик деганда, шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши керак бўлганда, унинг шу ҳаракатни бажармаганлиги тушунилади. Масалан, корхонада меҳнат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминланмаслиги натижасида баъзи ходимларнинг заҳарли газдан заҳарланиши, корхона маъмуриятини ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизлиги натижасида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш» Қоидаларнинг 3-банидаг мувофиқ, иш берувчи томонидан ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика чоралари ҳамда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш тадбирлари таъминланмаганлиги (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси қоидалари ва шу кабиларга риоя қилмаслик) туфайли олинган меҳнат жароҳати унинг айби билан содир этилган деб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳаётда зарар етказилган бўлсада, зарар етказувчининг ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф бўлмаган вазиятлар ҳам кўплаб учрайди. Умумий қоидага кўра, қонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарар қопланмайди. Бироқ мазкур қоидага истосно сифатида ФКнинг 985-моддаси 5-қисмида қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозимлиги белгиланган.

Зарар етказувчи ҳаракати шахснинг хизмат вазифасини бажариши ёки қонун ҳужжатларида ёхуд бошқа касбий йўриқномада белгиланган доирада амалга оширилган бўлса қонуний ҳисобланади. Масалан, ўт учирувчилар ёнғинни ўчириш вақтида ёнғин атрофидаги мол-мулкка ҳам зарар етказишлари мумкин. Бунда агар ўт ўчирувчи белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар етказилган зарар қопланмайди. Шу билан бирга муайян ҳудудда эпидемий, эпизотия тарқалганда санэпидстанция ходимлари томонидан уй ҳайвонларининг йўқ қилиб ташланиши, агар бу касалликларнинг олдини олишга хизмат қилса қонуний ҳаракат сифатида эътироф этилади ва етказилган зарар қопланмайди.

Жабрланувчининг розилиги билан амалга оширилган ҳаракат натижасида зарар етказилса, бундай ҳаракат ҳам ҳуқуққа хилоф ҳисобланмайди. Бунда жабрланувчининг муомалага лаёқатли бўлиши ва

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 5-6-сон, 35-модда.

ўз хоҳишини эркни ифодаланган бўлиши талаб этилади (масалан ички аъзоларни трансплентация қилиш, қон топшириши ва шу қабилар). Шу билан бирга жабрланувчининг хоҳиши ҳам қонуний бўлиши шарт. Агар фуқаро ихтиёрий равишда муайян дори воситасида ўзини ўлдиришни тиббиёт ходимларидан сўраса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, бундай талабни амалга ошириш ғайриқонуний ҳисобланади. Эфтаназия (ўз хоҳишига кўра ўлимни танлаш) ҳуқуқи нидерландияда шахсий ҳуқуқ сифатида мустақамлаб қўйилган, аммо бундай ҳуқуқни Ўзбекистонда эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, диний қадриятларга, ахлоқий негизларга мутлақо зиддир<sup>1</sup>.

Зарарнинг қонуний асосларда етказилиши мумкинлигининг кенг тарқалган ҳолати бу зарурий мудофа ҳолатида етказилган зарар ҳисобланади<sup>2</sup>. ФКнинг 987-моддасига мувофиқ, зарурий мудофа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди. Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим. Шахсга унинг жиний ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди. Зарурий мудофа чегарасидан четга чиқиб етказилган зарарлар эса умумий асосларда қопланади. Бироқ, бунда зарар етказилишига сабаб бўлган жабрланувчи айбининг даражаси ва зарар етказувчининг айби даражаси ҳисобга олиниши лозим. Бу ҳолатда ҳуқуққа хилофликнинг мавжуд эмаслиги деликт мажбуриятлари вужудга келишини ва унга мос равишда етказилган зарар учун жавобгарлик вужудга келишини истисно этади.

Бироқ, ФКда қонуний ҳаракат натижасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳолат ҳам белгиланган. ФКнинг 988-моддасида белгиланган охири зарурат ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, охири зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охири зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим.

<sup>1</sup> Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти.2006.-37 б.

<sup>2</sup> Зарурий мудофа тушунчаси, унинг чегараси Жиноят кодексида белгиланган.

Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини зарарни етказган шахс учинчи шахсининг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, охириги зарурат ва зарурий мудофа ҳолатида етказилган зарар деликт жавобгарлиги ҳисобланмайди<sup>1</sup>. Чунки, бунда зарар етказувчи ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги мавжуд эмас ва унинг хулқ-атвори салбий баҳоланмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам ФКнинг 987 ва 988 моддаларида «жавобгарлик» атамалари қўлланилмайди ва бу ўринда ФК ўзига хос «нейтрал» ҳолатни ифодалайди.

**Зарар етказувчининг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракати ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш.** Сабабий боғланишининг мавжудлиги деликт жавобгарлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Агар шахс муайян зарар етказмаган бўлса у айбдор ҳисобланмайди. Зеро, қонун зарар уни етказган шахс томонидан қопланишини назарада тутаяди (ФКнинг 985-моддаси).

Таъкидлаш лозимки, сабабий боғланиш фалсафий унсур ҳисобланади. Сабабий боғланиш табиат ва жамиятдаги объектив мавжуд алоқадорликларни ифодалайди. Бунда бир воқелик сабаб сифатида намоён бўлса, иккинчиси бу сабаблар оқибати сифатида ифодаланади<sup>2</sup>.

Сабаб билан оқибат ўртасида узвий алоқа мавжуд. Сабаб доимо оқибатдан олдин пайдо бўлади, негаки, оқибат сабаб таъсирининг натижасидир. Бундан келиб чиқадики, башарти, сабаб у ёки бу натижа (зиён етказиш) юзага келишидан олдин пайдо бўлган бўлсагина, шахсининг қонунга хилоф ҳаракатини келтириб чиқариши мумкин. Оқибат эса доимо сабаб таъсирининг натижасидир. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқбузарлик доимо анан шу ҳуқуқбузарликка (сабабга) хос муайян ҳуқуқий оқибатлар (оқибат) келтириб чиқарилади<sup>3</sup>.

Етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги муайян ишни кўриб чиқишда юридик аҳамиятга эга бўлган сабабий боғланиш масаласини ҳал қилишда қийинчилик туғилганда, бу натижа (мол-мулкнинг ши-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» ги Фармонини тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» ги 1998 йил 9 апрелдаги 72-сонли Қарори.

<sup>2</sup> Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/отв.ред.Е.А.Суханов. -М.: БЕК. 2002. -371 с

<sup>3</sup> Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.2005.-176 б.



касланиши ёки нобуд бўлиши, инсоннинг ҳаётига тажовуз қилиниши шу кабилар) деярли ҳар доим бирхил бўлмаган қатор ҳолатлар - сабаблар натижаси эканлигидан келиб чиқиш лозим. Бунда асосий вазифа уларнинг орасидан асосий, ҳал қилувчи ва бош ҳолатни ажратиб олиш ҳисобланади. Оқибатни вужудга келтирувчи иккиламчи, тасо-дифий, жузъий шартлар ҳисобга олинмаслиги лозим. Мазкур вазифа-ни ҳал этишда суъялар нафақат ўз билим ва тажрибаларига таянади-лар, балки фан, техника, ишлаб чиқариш ва шу каби тегишли соҳани-нинг мутахассислари бўлган экспертларни ҳам жалб этадилар. Турли воқеликлардаги сабабий боғланиш ўзига хосдир. Зеро, бунда ҳар бир натижа ўзининг сабабига эга. Сабабий боғланишни аниқлашда тах-минлар фарзлар, тайёр гепотизалар бўлиши мумкин эмас.

**Зарар етказувчи айби деликт жавобгарлигининг шарти сифатида.** Айб учун жавобгарлик тамойили умумий аҳамиятга эга бў-либ, у «бош деликт» тушунчасининг мажбурий унсури ҳисобланади. Баъзан қонун мазкур тамойилдан истисно ҳолатларни ҳам белги-лайди, бироқ бу мазкур тамойилни рад этиш учун асос бўла олмайди. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида узоқ муддат мобайнида айбни шахснинг ўз ҳатти-ҳаракатларига нисбатан руҳий муносабати сифатида талқин этиш концепцияси амал қилиб келган. Айбни бундай тушуниш деликт жавобгарлиги учун ҳам хос бўлган<sup>1</sup>. Айб тушунчасининг замонавий талқинига кўра, айбни ҳуқуқбузарнинг ўз ҳатти-ҳаракати ва унинг натижасига нисбатан «руҳий муносабати» сифатида талқин этиш амалий жиҳатдан фойдасиздир<sup>2</sup>. Айбдорлик ёки айбсизлик масаласини шахснинг ўз ишлари ва мажбуриятларига нисбатан муносабатини таҳлил қилиш орқали ҳал қилиши мумкин. И.Зокировнинг фикрича, айб деганда шахснинг мажбуриятини бажар-ишга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги тушунилади<sup>3</sup>. Агар шахс муайян вазиятда зарур бўлган масъулият ва кузатувчанликни намоён эта олган бўлса, унда бу шахсни айбсиз деб топиш мумкин. Мазкур ҳолатлар одатда айбнинг эҳтиётсизлик шакли учун хосдир. Қасд шаклидаги айбда эса бир шахснинг бошқа шахсга мулккий зарар етказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги аҳамиятга эга бўлади.

Деликт жавобгарлигининг асоси ҳисобланган айб тўғрисидаги

<sup>1</sup> Иоффе О.С. Обязательственное право.-М.:юрид.лит.1975.-128 с; Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.2005.-190-191 б.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.-М.:1998.-568 с.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. -Т.: ТДЮИ. 2006. -334 б.

умумий қоида қонунчиликда шундай ифодаланади: зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади (ФКнинг 985-моддаси 4-қисми). Мазкур нормада деликт жавобгарлигининг шарти ҳисобланган айб билан боғлиқ қуйидаги икки масала ўз ечимини топган:

- деликт жавобгарлигининг шартларидан бири сифатида зарар етказувчининг айби ҳисобланади;

- зарар етказувчининг айби тахмин қилинади, яъни қонун унинг айбдорлиги презумпциясини белгилайди ва жабрланувчини зарар етказувчи айбини исботлашдан озод қилади.

Деликт жавобгарлигининг шарти ҳисоблангана айбнинг умумий асослари билан бирга ФКнинг 985-моддаси 4-қисми уни истисно этувчи ҳолтани ҳам белгилайди: қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бундай истисно махсус деликтлар ҳақидаги қоидаларда белгиланган. Масалан, ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик (ФКнинг 999-моддаси), суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик (ФКнинг 991-моддаси) да айбсиз жавобгарлик ҳолатлари белгиланган.

Деликт ҳуқуқида айбнинг турли шакллари мавжуд: қасд, эҳтиётсизлик, қўпол эҳтиётсизлик ва бошқалар. Бироқ жиноят ҳуқуқидан фарқ қилиб фуқаролик-ҳуқуқида айбнинг даражалари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмайди ва айбнинг даражаси зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда аҳамиятга эга бўлмайди.

Деликт муносабатлари иштирокчиларининг айби даражаси етказилган зарарни қоплашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига хос истисно ҳолат фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини топганда. Масалан, жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарарнинг юзага келишига ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб товон миқдори камайтирилиши лозим (ФКнинг 1004-моддаси). Агар мазкур вазиятда жабрланувчининг ҳаракатлари енгил (одатдаги) эҳтиётсизлик бўлганида эди, етказилган зарар учун тўланадиган товон миқдори камайтирилмас эди.

**Зарар етказишни олдини олишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар.** Деликт мажбуриятлари мавжуд ва вужудга келган ҳақиқий зарарларни қоплашни назарда тутди. Шу билан бирга ҳаётда шахсга

ҳали зарар етказилмаган бўлсада, зарар етиш хавфи мавжуд бўлган ҳолатлар кўп учрайди. Бундай ҳолатлар одатда энергиянинг турли шакллари ва замонавий технологиядан фойдаланиб амал ошириладиган ишлаб чиқариш фаолиятида кўп учрайди. Масалан, туман ҳокимиятининг қарорига кўра, аҳоли яшайдиган пунктдан узоқ бўлмаган жойда ахлат куйдиришга мўлжалланган кучли песлар қурилиши режалаштирилди. Эколог мутахассислар, врачларнинг хулосасига кўра, мазкур иншоотнинг қурилиши ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини ёмонлашувига, турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келар экан. Айнан мана шундай мисолни кимё ва цемент заводларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Тожикистонда жойлашган Турсунзода Алюминий завод ҳам ўша ҳудудда яшаётган аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Таъкидлаш лоимки, амалдаги ФК кучга киритилгунга қадар фуқаролик қонунчилигида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини келажакда етказилиши мумкин бўлган зарарлар хавфидан ҳимоя қилиш воситаси мавжуд эмас эди. ФКнинг 986-моддасида ана шундай ҳимоя воситаси – зарар етказишнинг олдини олиш белгиланган. Зеро, бу ҳимоя воситасини деликт мажбуриятлари билан узвий боғлиқ бўлган алоҳида мажбурият, - деб баҳолаш мумкин.

Биринчидан, ФКда келгусида зарар етиш хавфи мавжудлиги ҳолати белгиланган бўлиб, бу ҳолат деликт мажбурияти билан боғлиқ бўлмайди (ФКнинг 986-моддаси 1-қисми). Бу ерда фақатгина зарарнинг вужудга келиш хавфи мавжуд, зарарнинг ўзи ҳали мавжуд эмас. Иккинчидан, ФКнинг 986-моддасида корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати бўлган ҳолатни назарда тутати ва ҳолат деликт мажбурияти билан боғлиқ, лекин бу фаолият зарар етказишда давом этмоқда ёки янги зарар етказиш хавфини вужудга келтирмоқда. Бу ҳолатда зарар етказиш хавфи билан боғлиқ бўлган мажбурият, шу вазиятда вужудга келган деликт мажбуриятлари билан боғлиқ бўлади, гарчи мустақил мазмунга эга бўлса ва мустақил оқибатларни вужудга келтирса-да.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, айтиш мумкин, келгусида зарар етказилиши хавфидан келиб чиқадиган, шу билан бирга корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибатида етказилган ва зарар етказилиш давом этаётган мажбуриятларга мувофиқ, уни амалга ошираётган ёки амалга ошириш ис-

тагида бўлган шахс (эҳтимсол тутилган зарар етказувчи) тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатишга мажбур, келгусида ўзига зарар етказилиш хавфи бор бўлган шахс бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни тақиқлаш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли. Мазкур вазиятлар вужудга келиш асоси бўлиб, келгусида зарар етказиш хавфи фактининг намоён бўлиши, шу билан бирга корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати ҳисобланади. Бунда хавф реал бўлиши, шахснинг субъектив қарашларидан ва муайян вазиятга нисбатан ҳиссиётларидан келиб чиқмаслиги лозим.

**Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги.** Маълумки, юридик шахс номидан унинг фаолиятини унинг органлари, раҳбарлари ва ходимлари амалга оширадilar. Одатда юридик шахс ходимининг хизмат вазифаси бўйича бажарган иши ва унинг натижалари юридик шахсга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради. Шу муносабат билан юридик шахс ўз ходим томонидан учинчи шахсларга етказилган зарарни тўлайди. Айнан шу қоидани бошқа фуқаронинг ёлланма меҳнатидан фойдаланаётган фуқарога нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида бир фуқаронинг иккинчи фуқаро ёлланма меҳнатидан фойдаланиши одатдий ҳол сифатида қаралади. Бироқ, бунда иш берган фуқаро иш берувчи юридик шахслар каби ўз ходим етказган зарарларни қоплаш лозим. ФКнинг 989-моддасига мувофиқ, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди. Масалан, автопаркка тегишли автобус ҳайдовчисининг эҳтиётсизлиги туфайли, фуқаро А.га тегишли девор шикастланади. Фуқаро А. етказилган зарарни ундириш тўғрисида судга мурожаат қилса, зарарни қоплаш мажбурияти ҳайдовчига эмас, автопарк зиммасига тушади.

Мазкур вазиятда юридик шахс ёки ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган фуқаронинг жавобгарлиги бировларнинг ҳаракатлари ва бировларнинг айби учун эмас, балки ўз айби учун белгиланадиган жавобгарлик бўлиб кўрилади<sup>1</sup>. Зеро, ходим ҳар доим юридик шахс ёки ўз иш берувчиси бўлган фуқаронинг вакили сифатида унинг номидан ҳаракат қилади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар қоидаларига мувофиқ, меҳнат шартномаси асосида, шунингдек фуқаровий-ҳуқу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм).-Т.:Адолат.1999.-342 б.

кий шартнома асосида иш бажараётган фуқаролар, агар бунда ишларни бехатар олиб бориш юзасидан тегишли юридик шахснинг ёки фуқаронинг топшириғи бўйича ёки назорати остида ҳаракат қилган бўлсалар ёки ҳаракат қилишлари лозим бўлган бўлса, ходимлар деб эътироф этиладилар.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар. Иштирокчиларнинг ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳатти-ҳаракати натижасида етказилган зарарлар эса хўжалик ширкати ва жамиятлари томонидан қопланмайди. Шу билан бирга коммандит ширкатида коммандитчи (ҳисса қўшувчи) ширкат фаолияти ёки ширкат аъзоларнинг ғайриқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди (Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисида»ги 2001 йил 6 декабр Қонунинг 30-моддаси).

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик. ФКнинг 15-моддасига мувофиқ, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. ФКнинг 15-моддаси оммавий ҳокимият органларининг умумий жавобгарлик асосларини белгилайди ва бунда оммавий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида етказилган зарарларгина қопланиши назарда тутилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳолат деликт жавобгарлигининг алоҳида тури ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, бунда зарар етказувчи бўлиб, ҳокимият ваколатларига эга бўлган оммавий ҳокимият органлари ва ўзларининг ҳокимият функцияларини асосида ҳаракат қиладиган ва ижро этадиган мансабдор шахслар ҳисобланади. Деликт мажбуриятларида субъекти си-

фатида давлат ҳокимияти барча тармоқларидаги органлари – қонунчилик, ижроия ва суд органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этиладилар. Мансабдор шахс бўлиб эса, махсус ваколат асосида ҳокимият вакили функциясини доимий ёки вақтинча амалга ошираётган фуқаролар ёхуд ҳокимият органларида, ушбу органлардан ташқаридаги ташкилий-тартибот вазифасини амалга оширадиган мансабда ишлаётганлар ҳисобланадилар.

Давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларининг мансабдор шахслари ҳисобланмайдиган бошқа барча ташкилотлар, шу жумладан, давлат ёки муниципал муассасалар (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва шу кабилар) улар томонидан етказилган зарарни ФКнинг 989-моддаси асосида қоплайдилар. Бу қоида давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ушбу органларнинг ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган ходимлари (масалан, вазирлик ёки идоранинг хавфсизлик хизмати бошлиғи, хўжалик бошқаруви раҳбари) ёхуд мансабдор шахс ҳисобланмайдиган шахслари (масалан, хизмат автомобили ҳайдовчиси) етказган зарарга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Шу муносабат бу деликт мажбуриятларида мансабдор шахс атамаси жиноят-ҳуқуқий категория учун хос ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ташкилот (орган) ва фуқаролар (мансабдор шахслар) ҳокимият ваколатларини амалга оширар экан, улар ўзларига шундай имкониятни яратиб берган оммавий-ҳуқуқий – тузилма – давлат номидан ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам давлат ўзнинг органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Оммавий-ҳуқуқий тузилмалар ўз органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарларни ўз мулклари ҳисобидан қоплайдилар. Шу билан бирга қонун етказилган зарарни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлигини назарда тутди (ФКнинг 15-моддаси).

Бош деликт тамойилига асосланадиган мулкӣ зарар учун жавобгарликнинг умумий шартларидан фарқ қилиб, жавобгарликнинг бу тури вужудга келишининг биринчи шarti сифатида жабрланувчи исботлаши лозим бўлган оммавий ҳокимият органи ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонунийлиги эътироф этилади. Бунда юқоридаги органлар ва шахслар ҳаракати нафақат ғайриқонуний, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам зид бўлиши, бшқача айтган ҳуқуққа хилоф бўлиши лозим.

Мазкур ҳолатда бош деликт тамойилидан чекиниш ҳолати сифатида зарар етказувчи ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлигини исботлаш вазифаси жабрланувчига юклатилиши муҳим асосларга эга. Зеро, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракати нафақат бир томонлама мажбурий, ҳокимият тусига эга балки, ўз табиати-га кўра, кимнингдир мулкӣ манфаатлари билан тўқнаш келади ва бунда кимнингдир мулкӣ манфаатларига путур етиши табиӣ, бу эса битта ҳолат асосида улар ҳаракатини ҳуқуққа хилоф деб баҳолашга асос бўлмайди. Таъкидлаш лозимки, давлат фақатгина мукофотлар бериш ва совға-салом тарқатиш учун ташкил қилинмаган. Шу сабабли ҳам унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ўз функцияларин бажаришлари ҳар доим ҳуқуқийдир, гарчи бунда зарар етказилиш ҳолати вужудга келсада. Бу ҳаракатлар ваколатсиз ёки ваколатдан четга чиқиб амалга оширилганда ёхуд ҳокимият ваколатларидан ғаразли мақсадларда фойдаланилган бўлса ғайриқонуний ҳисобланади.

Оммавий ҳокимият органларининг ҳаракатлари билан зарар етказилиши улар томонидан ҳокимият ваколатларини амалга оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжат (буйруқ, йўриқнома, кўрсатма) ни қабул қилиниши шаклида намоён бўлади. Шу билан бирга мансабдор шахснинг зарар етказувчи ҳаракати унинг ҳуқуққа хилоф-хулқ атвори ёки оғзаки фармойиш бериш орқали ифодаланади. Шунингдек, мансабдор шахс томонидан фуқаролар ёки юридик шахслар учун мажбурий тусга эга бўлган тегишли ёзма фармойиш берилиши ҳам ғайриқонуний бўлса, етказилган зарар қопланиши лозим. Шундай қилиб, оммавий ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракати деганда, нафақат, улар томонидан қабул қилинган ноқонуний норматив ёки индивидуал ҳуқуқий ҳужжат, балки ноқонуний тусга эга бўлган уларнинг амалдаги ҳаракатлари ҳам тушунилади.

Оммавий давлат ҳокимияти ҳуқуқларини лозим даражада амалга оширмасликнинг ўзигина ҳуқуққа хилоф ҳисобланмайди, балки унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари, ҳокимият мажбуриятларининг амалга оширмаслиги – ҳаракатсизлиги ҳам ҳуқуққа хилофлик сифатида баҳоланади. Масалан, жабрланувчига мулкӣ зиён етказадиган тегишли рухсат ёки ҳужжатни беришни ноқонуний рад қилиш, давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиш ва ҳ.к.

Умумий қоидага кўра давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари қонуний ҳисобланади, шунинг учун ҳам мулкӣ жавобгарликни белгилаш учун дастлаб суд тартибида бундай ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш лозим бўлади. ФКнинг 12-моддасига мувофиқ, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқландиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Давлат органи ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний ҳужжати натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг асоси сифатида бундай ҳужжатнинг қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат нормасига зид келиши ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат фуқаролик-ҳуқуқий тусига эга бўлган ҳужжатларга, балки фуқаролар ёки юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларига таллуқли бўлган барча норматив ҳужжатларга тегишлидир. Бошқача айтганда муайян ҳужжатнинг ҳуқуққа хилофлиги фуқаролик ҳуқуқи доирасидан ташқарида бўлиши ҳам мумкин, бироқ ушбу ҳужжат қабул қилиниши билан вужудга келган мулкӣ оқибат ҳар доим фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга бўлади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида оммавий ҳокимият органи ва улар мансабдор шахслари етказган зарари учун жавобгарлик шартлари тўғрисида бошқа кўрсатмалар мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида бундай жавобгарлик деликт жавобгарлигининг умумий асосларида белгиланиши англатади. Шу билан бирга, бу жавобгарлик мавжудлиги назарда тутиландиган зарар етказувчи – ҳокимият органи ёки мансабдор шахс айбига асосланади.

**Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органи ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик.** Давлат ҳокимияти органи томонидан етказилган зарар учун жавобгарликнинг ўзига хос ҳолатлари сифатида фуқарога қуйидаги ҳолатларда зарар етказиш кўрсатиб ўтилади:

- қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш;
- қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш;
- эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиши;
- қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш.



Санаб ўтилган ҳолатлар ҳар бир фуқаронинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка нисбатан конституциявий ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади ва фуқаронини руҳий изтироблари билан бирга улар учун нохуш мулкӣ оқибатларни ҳам вужудга келтиради. Шунинг учун ҳа қонун лар учун алоҳида ҳуқуқӣ, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқӣ оқибатни белгилайди.

Биринчи навбатда мазкур ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар - суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахсларининг фуқаролар (жисмоний шахслар) га нисбатан юқоридаги оқибатларни вужудга келтирадиган ноқонунӣ ҳаракати натижаси ҳисобланади. Агар зарар фуқарога санаб ўтилган органларнинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти (гумонланувчи сифатида ноқонунӣ асосда ушлаб туриш, унга нисбатан мажбурий тиббий чораларни кўриш) натижасида етказилган зарар, фуқароларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонунӣ ҳаракатлари билан етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумӣ асосларидан келиб чиқиб қопланади (ФКнинг 991-моддаси). Бу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг юридик шахсларга етказилган зарарларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Юқоридаги давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари санаб ўтилган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси номидан ҳаракат қиладилар. Шу муносабат уларнинг ноқонунӣ ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни ҳам Ўзбекистон Республикаси ўз зимасига олади ва бу зарарлар давлат бюджети ҳисобидан тўла ҳажмда қопланади. Бунда зарарни қоплаш бевосита давлат молия органлари томонидан амалга оширилади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ҳаракатининг ноқонунӣлиги суднинг асосли ҳукми ёки жиноят ишининг ребилитация қилиш асослари бўйича тугатилиши (жиноятнинг содир этилмаганлиги, қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги, фуқаронинг қилмишни содир этишда иштирок этганлиги исботланмаганлиги) билан, шунингдек ишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тугатилганлиги билан асосланиши лозим. Ишнинг бошқа асосларда (амнистия, вазиятнинг ўзгариши ва шу кабилар) тугатилиши етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини истисно қилади.

Юқорида кўзда тутилган ҳаракатлар натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари

ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар тўланиши лозим. Зеро, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органининг мансабдор шахслари инсофли ҳаркат қила туриб ҳам адашишлари мумкин. Масалан, суд айбдор бўлмаган фуқарони дастлабки терговда вужудга келган жиноятни содир этиш тахмини бўйича жавобгарликаа тортиши мумкин. Бундай ҳолатларда зарар етказувчи айби презумпцияси мавжуд бўлиб, зарар қопланмасдан қолиб кетар эди.

ФУ бундай заралар тўлиқ ҳажмда қопланиши алоҳида таъкидлайди (ФКнинг 991-модаси) ва бу вазиятда маънавий зарар тўланишини ҳам белгилайди (ФКнинг 1021-моддаси). Деликт мажбуриятларининг мазкур турида етказилган зараларни қоплашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- жабрланувчига йўқотилган иш ҳақи ва бошқа даромадлар, пенсия ва нафақалар учун товон тўланишини;

- мусодара қилинган, олиб қўйилган ва хатланган мол-мулкни қайтаришни;

- жабрланувчи томонидан тўланган жарималар ва суд тўловлари, шунингдек ҳуқуқий хизмат учун тўланган суммалар қайтарилишини;

- жабрланувчининг бошқа зиёнлари (йўқотилган уй-жой ёки бошқа мол-мулк олинмаган фойда) ни қоплаш.

**Вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.** Мазкур деликт мажбуриятининг умумий қиодаси бўлиб, етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини тўлиқ муомалага лаёқатсизлар (деликт мажбуриятлари бўйича эса тўлиқ деликт лаёқатлили) зиммасига юклаш ҳисобланади. Бироқ ҳаётда қисман муомалага лаёқатлилар, шунингдек тўлиқ деликт лаёқатига эга бўлмаганлар ва ўз ҳаракатнинг оқибатларини тушуна олмайдиганлар томонидан етказилган зарарлар кўп учрайди. Мазкур вазиятларда етказилган зарар ҳам бош деликт тамойилига мувофиқ қопланиши лозим. Бироқ, бунда деликт мажбуриятлари нафақат умумий қоидалар (бош деликт тамойили) асосида балки, кўрсатиб ўтилган деликтларнинг ҳар бири учун хос бўлган қоидалар асосида вужудга келади.

**Вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.** 14 ёшга тўлмаган вояга темаганлар ўзлари етказган зарр учун жавобгар бўлмайдилар.

Таъкидлаш лозимки, деликт жавобгарликка нисбатан қонун вояга етмаганларни икки гуруҳ – 6 ёшгача ва 6 ёшдан 14 ёшгача – ажаратиб кўрсатмайди ва уларнинг иккаласини ҳам деликтга лаёқатсиз деб

топади. Бироқ, 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган фуқаролар тўлиқ деликтга лаёқатсизлиги бу ёшда болаларнинг ўз ҳаракатлари оқибатини тўлиқ тушуниб етмаслиги ҳисобланди.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларнинг муомала лаёқати одатда иккига бўлинади. Биринчиси битимга лаёқатлилиқ деб номланса, иккинчи деликт лаёқатлилиқ дейилади. Деликт лаёқатлилиқ шахснинг ўз ҳаракатлари билан бошқа шахсга етказган зарари учун жавобгар бўлишини намоён бўлади. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар эса деликт лаёқатига эга бўлмайдилар. Улар томонидан етказилган зарар ҳам ўзлари томонидан эмас бўлки, бошқа шахслар томонидан тўланади.

ФКнинг 993-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандлиқка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар. Ота-она ёки васийнинг бу вазиятдаги айби уларнинг ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган болага етарли даражада эътиборли ва масъулиятли бўлмаганликларида кўринади. Васийнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни инсофсизлик ёки эътиборсизлик билан бажариши<sup>1</sup> унинг етказилган зарардаги айби сифатида баҳоланади ва у васийлиги остидаги шахс етказган зарарни қоплаши лозим бўлади.

Агар васийлиқка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса, агар зарар муассасанинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар кичик ёшдаги бола ўқув юрти, тарбиялаш, даволаш муассасаси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахснинг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассасалар ва шахслар, агар зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар.

Ота-она (фарзандлиқка олувчилар), васийлар, ўқув юртлари, тарбиялаш, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг кичик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида» ги низом

ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди.

Агар ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган бошқа шахслар вафот этган бўлсалар ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар, тўлиқ муомалага лаёқатли бўлиб қолган зарар етказувчининг ўзи бундай маблағга эга бўлса, суд тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг ўз мол-мулки ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийи томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши лозим.

Агар ҳомийликка муҳтож ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра унинг ҳомийси ҳисобланувчи бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассасалар, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарарни тўлиғича ёки унинг етишмайдиган қисмини тўлашлари шарт.

Зарар етказган вояга етганида ёхуд у вояга етмасидан унда мол-мулк ёки зарарни тўлаш учун етарли даромад манбалари пайдо бўлганида ёхуд у вояга етмасидан муомала лаёқатига эга бўлганида ота-она (фарзандликка олувчилар), ҳомий ва тегишли муассасанинг зарарни тўлаш бўйича мажбурияти тугайди.

Суд ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онага уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган хулқ-атвори улар болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклаши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган шахсларни жавобгарликка тортишга собиқ тарбияланувчилари олдидаги ўз мажбури-

ятларини бажармаганликлари исботланган ҳолда етказилган зарарларни қоплаш мажбурияти сабаб бўлади. Бундай жавобгарликни белгиланиши учун зарар етказган вояга етмаганнинг ҳаракати билан ота-онасининг берган тарбияси ўртасида сабабий кетма-кетликдаги алоқа мавжуд бўлиши керак. Лозим даражада ота-оналик ҳуқуқларини бажармаслик дейилганда боланинг тарбиясига ахлоқсиз хулқ-атвори шаклланиши тушунилади<sup>1</sup>.

**Муомалага лаёқатсизлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.** Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийи ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, тўлайди.

Васий ёки ташкилотнинг муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбурияти, унинг муомала лаёқати тикланган тақдирда ҳам тугамайди.

Агар васий вафот этса ёхуд зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаса, зарар етказувчининг ўзи эса бундай маблағга эга бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиғича ёки қисман зарар етказувчининг мол-мулки ҳисобидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли (ФКнинг 996-моддаси).

Муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш оқибатида етказилган зарарни унинг ўзи умумий асосларда тўлайди.

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган муомалага лаёқатли фуқаро, шунингдек ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган келтирган зарари учун жавобгар бўлмайди.

Агар жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлаш мажбуриятини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин.

Зарар етказувчи, агар спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш туфайли ёки бошқа усулда ўзини ўзи шу ҳолатга келтирган бўлса, жавобгарликдан озод қилинмайди.

Агар зарар руҳий ҳолати бузилгани (руҳий касаллик ёки ақли заифлик) оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм).-Т.:Адолат.1999.-345 б.

уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисида масала қўймаган эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандларига юкланиши мумкин.

**Ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.** Ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар ўзининг хусусияти, зарар етиш усули ва қопланиши, жавобгарликнинг белгитларига кўра махсус деликт ҳисобланади. ФКнинг 999-моддасига мувофиқ, Фаолияти теварак-атрофдагиларга ортиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт.

Ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа турларига қараганда қтгийроқ ҳисобланади. Зеро, мазкур деликтда жавобгарлик зарар етказувчининг айби-бор йўқлигидан қатъи назар вужудга келади. Шу сабабли ҳам баъзи ҳолларда ФКнинг 999-моддаси бўйича жавобгарликни «ошиқча (кучайтирилган)» жавобгарлик деб аташади. Бироқ, бунда Қонуни жавобгарликнинг даражаси ҳақида эмас, зарар етказиш хавфининг юқорилигидан келиб чиққанлигини унутмаслик лозим. Ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарарлар учун жавобгарни белгилашда ҳам ФКнинг 985-моддасида назарда тутилган бош деликт учун жавобгарлик қоидалари қўлланилади.

Таъкидлаш лозимки, делик жавобгарлигининг мазкур тури ҳуқуқий адабиётларда кенг ва атрофлича ёритилган. Шу билан бирга ошиқча хавф манбаи тушунчаси бўйича адабиётларда бир нечта қарашлар мавжуд. Биринчи қараш вакиллари ошиқча хавф манбаини теварак-атрофга зарар етказиш мумкин бўлган хавфли фаолият тури деб ҳисоблашади. Иккинчи қараш вакиллари эса ошиқча хавф манбаини теварак атрофга хавф солувчи ҳар доим ҳам инсонинг тўлиқ назорати остида бўлмайдиган моддий дунё объектлари, нарсалар сифатида талқин этишади. Бироқ иккила қараш вакиллари ҳам бир-бирларини инкор этмаган ҳолда, ошиқча хавф манбаи тушунчаси бўйича умумий хулосага келишга ҳаракат қилишади. Умуман олганда

ошиқча хавф манбаи юзасидан юқоридаги ҳар иккала қарашлар ҳам ўзига хос мантиқий ва ҳуқуқий асосларга эга. Зеро, ошиқча хавф манбаи муайян нарсаларга, объектларга асосланадиган фаолият тури сифатида аҳамиятлидир. Чунки, ҳар қандай фаолиятнинг муайян объектга асосланиб амалга оширилишини ҳисобга олсак, ошиқча хавф манбаи деганда, доимий равишда инсоннинг тўлиқ назорати остида бўлмайдиган муайян техникавий, физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа хусусиятларига кўра теварак-атрофга зарар етказиш хавфи юқори бўлган предметлар ва улар орқали амалга ошириладиган фаолият тушунилади. Таъкидлаш лозимки, ошиқча хавф манбаи ҳисобланган нарсалардан фойдаланиш жараёнида ёки уни эксплуатация қилинмаган ҳолатида ҳам зарар етказилиши мумкин. Масалан, автомобилдан фойдаланилмаганда, у гараж ёки тўхташ жофида турганида ҳам муайян деталнинг носоз ҳолати ёки об-ҳаво таъсирида ёниб кетиши ёки портлаб кетиши мумкин, ёки турли хилдаги хавфли хоссаларга эга ашёлар сақланадиган идишдан чиқаётган газнинг зарар етказиши мумкинлиги.

Ошиқча хавф манбаини кенгроқ тушуниш учун уларнинг таснифидан фойдаланган маъқулдир. ФКнинг 999-моддасида кўрсатилган ошиқча хавф манбаиларининг турлари мукаммал бўлмасдан, тахминий ҳисобланади, чунки фан ва техниканинг доимий ривожланганиши натижасида уларни тўла ва аниқ санаб ўтишининг имконияти йўқ. Шу туфайли, уларни маълум бир гуруҳларга бўлиб ўрганиш муҳим роль ўйнайди. О. А. Красавчиков уларни гуруҳларга бўлишда моддий объектдаги энергиянинг шаклига қараб бўлишни мезон қилиб олишни таклиф қилади ва шу мезон асосида ошиқча хавф манбаини 4 гуруҳга ажратади:

1. Физикавий. Улар ўз навбатида механик (масалан: транспорт), элетррик (катта қувватдаги) ва иссиқлик (буғ қурилмалари) хавф манбаиларига бўлинадилар.

2. Физикавий-кимёвий. Уларга радиоактив материаллар киради.

3. Кимёвий хавф манбалари. Уларга захарловчи (захар), портловчи ( турли газлар) ва хавфли ёнувчи ( ёнилғининг бир неча турлари) объектлар киради.

4. Биологик. Улар зоологик (ёввойи ҳайвонлар) ва микробиологик хавфлар (бир қанча микроорганизмларнинг шатммлари)<sup>1</sup> дан иборат.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм). -Т.: Адолат. 1999. -347 б.

Албатта мазкур рўйхат ошиқча хавф манбаи турларнинг тўлиқ рўйхати ҳисобланамайди. Чунки, фан ва технологияларнинг жадал ривожланиб бориши турли хилдаги техник воситаларнинг такомиллашган кўриниши билан бирга бир қатор янги объектларнинг вужудга келтирмоқда. Ҳозирги кунда компьютерлар, қўл телефонларини ҳам маълум маънода ошиқча хавф манбаи объектлари жумласига киритиш мумкин.

ФКнинг 999-моддаси 2-қисмига мувофиқ, зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулк ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва хоказо) эгаллик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Ошиқча хавф манбаларининг эгалари бу манбаларнинг бир бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва хоказо) натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади. Бунда бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айби даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг барабар тақсимланади. Зарарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан ҳеч бири зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда тарафларнинг ҳар бири ўзи кўрган зарар хавфини зиммасига олади.

Ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.



**Зарарни қоплаш усуллари.** Деликт мажбуриятлари учун умуман фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик учун етказилган зарарни қоплаш усуллари муҳим аҳамият касб этади. Биринчи навбатда етказилган зарарни қоплаш усуллари белгилаш жабрланувчини қайсидир маънода «юпанч» вазифасини бажаради. Чунки, айнан зарарни қоплаш усуллари танлаш орқали жабрланувчи қайсидир маънода ўзи учун адолат қарор топишини, ўзи танлаган асосларда ҳақиқат қарор топаётганлигини англаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, зарарни қоплаш усуллари белгилаш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Зеро, юридик жавобгарликнинг бошқа турларида жабрланувчи ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг у ёки бу чорасини белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда жабрланувчига нисбатан бундай имкониятнинг берилиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мулкӣ кўринишда бўлиши ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳам субъектив фуқаролик ҳуқуқи эканлиги билан белгиланади.

ФКнинг 1003-моддасига мувофиқ, суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

Етказилган зарарни қоплаш усуллари ФКнинг 1003 моддасида иккига бўлинади:

- зарарни аслича қоплаш;
- етказилган зарарни тўлаш.

Умумий маънода суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қондиришда зарар миқдорини пул суммаси кўринишида белгилаши ҳам мумкин. Бироқ иш ҳолатларига кўра ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулк шикастланган бўлса ёки унинг мол-мулки нобуд бўлган бўлса, жабрланувчи шикастланган мол-мулк ҳуқуқбузар ҳисобидан тузатилишини ёки нобуд бўлган мол-мулк ўрнига айнан шундай ашёни тақдим этишни талаб этишга ҳақли бўлади. Бундай вазиятда ҳуқуқбузар ашёни натура ҳолида тақдим этишни рад этишга ҳақли бўлмайди.

Етказилган зарарни тўлашда эса, ҳуқуқбузар ФКнинг 14-моддасига мувофиқ, ҳақиқий зарар, бой берилган фойда ва маънавий зарарни тўлаши лозим бўлади. Бундай зарарлар жумласига мол-мулкнинг

шикастланиши ёки фуқаронинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарар, фуқаронинг иш ҳақи, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан оладиган даромадлари, муаллифлик ҳақи ва бошқа даромадалари ҳам киради.

**Жабрланувчининг айбини ва зарар етказган шахснинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиш.** Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам юз берадики, шахсга етказилган зарар нафақат бошқа кишининг балки, жабрланувчининг айби натижаси юз беради. Масалан, йўловчининг йўл ҳаракати Қоидаларини бузиб ўтиш тақиқланган жойдан ўтиши, ишчининг хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслиги ва шу кабилар натижасида етказилган зарарларда жабрланувчи ҳам айбдор ҳисобланади.

Одатда жабрланувчининг айби қўпол эҳтиётсизлик ёки турмуш қоидаларини бузишда намоён бўлади. Шу билан бирга жабрланувчининг айби ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракат натижасида вужудга келиши мумкин. Масалан, Масалан, “Химия” комбинати қоровули С. комбинат ҳовлисидаги этил спирти деб ёзилган цистернадан спирт ўғирлаб унга сув аралаштириб ичди ва натижада С.нинг иккала кўзи ҳам кўрмай қолди. Кейинчалик маълум бўлишича, “этил спирти” деб ёзилган цистернада спирт эмас, бошқа заҳарли суюқлик бор экан. Бу ерда жабрланувчининг айби туфайли зарар вужудга келди, бунда “Химия” комбинати жавобгарликдан озод этилади. Чунки, қоровулга комбинатдаги хом ашёни ўғирлаш ҳуқуқи берилмаган аксинча, унинг мажбурияти ана шу хом ашёни кўриқлаш эди<sup>1</sup>.

Жабрланувчининг айби қуйидаги хусусиятлари билан белгиланади:

биринчидан, зарар етказувчининг айбидан фарқли ўлароқ жабрланувчининг айби бошқа шахснинг субъектив ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ бўлмайди;

иккинчидан, агар зарар етказувчининг айбли бўлишлиги фараз қилинса, жабрланган шахснинг айби зарар етказган шахс томонидан исботланган бўлиши керак;

учинчидан, зарар етказган шахс айбининг қайси шаклда бўлишлигидан қатъи назар, жавобгарликка тортилса (ФКнинг 1004-моддасида кўрсатилган ҳоллар мустасно), жабрланувчининг айби қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик шаклда ифодаланган бўлсагина, юридик аҳамиятга бўлади. Шу билан бирга, қонун зарар етказган шахс ва жабрланувчининг бир хилдаги шароитларда бўлмаганликларини эътиборга олади, чунки зарар етказувчига қараганда жабрланувчида лозим

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. юрид.фан.номз. дисс.-Т.:2006.

даражада эҳтиёткорлик чораларини кўриши бир қадар қийинроқ ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қонун жабрланувчи айбининг шаклларига қараб дилект мажбуриятлари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни татбиқ этиш, зарарни қоплаш ҳажми ёки тўланадиган товон миқдорини белгилайди.

- агар зарар жабрланувчининг қасддан иш кўриши натижасида юзага келган бўлса, у тўланмайди;

- агар жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарарнинг юзага келишига ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб товон миқдори камайтирилиши лозим;

- жабрланувчи қўпол эҳтиётсизлик қилганда ва зарар етказувчининг айби бўлмаганда, унинг жавобгарлиги айбидан қатъи назар юзага келган ҳолларда, товон миқдори камайтирилиши лозим ёки, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда товон тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Қўшимча харажатларни тўлашда, боқувчисининг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни тўлашда, шунингдек дафн этиш харажатларини тўлашда жабрланувчининг айби ҳисобга олинмайди.

Суд фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиб, камайтириши мумкин, зарар қасддан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 1004-моддаси).

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси, аҳамияти.

2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарликнинг умумий асослари.

3. Зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик.

4. Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик.

5. Иш берувчининг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги.

6. Мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм).-Т.:Адолат.1999.-347 б.

7. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг қонунга хилоф ҳаракатлари юзасидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

8. Муомалага лаёқатсизлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

9. Муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

10. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

11. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

12. Ошиқча хавф манбаларидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

13. Жавобгарликдан озод қилиш асослари.

14. Зарарни қоплаш миқдорини ўзгартириш тартиби.

15. Юридик шахсни бекор қилганда зарарни қоплаш тартиби.

## **2-§. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар**

**Умумий қоидалар.** Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ҳаёт ва соғлиқ бирор-бир моддий миқдорда ўлчаниши ёки у билан тенглаштирилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳуқуқнинг асосий вазифаларидан бири ҳам инсон ҳуқуқлари, шу жумладан инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Қўриқлаш функциясини бажарадиган ҳуқуқ соҳалари: жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқи ҳам инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни белгилайди. Бу нормалар қўриқлаш функцияларини бажаришга қаратилган ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда, инсон соғлиғини тиклашга, моддий юқотишларни қоплашга йўналтирилади. Агар жиноят ҳуқуқида фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда зарар етказувчининг шахси билан боғлиқ санкция қўлланилса, фуқаролик ҳуқуқида зарар етказувчининг моддий аҳволига таъсир кўрсатиш орқали жабрланувчи шахснинг моддий юқотишлари қопланади.

ФК фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга нисбатан алоҳида қоидаларни белгилайди. Бу қоидалар алоҳида деликт сифатида ҳуқуқнит бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш вазифасини бажаради. Бунда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар, жумладан соғлиғига шикаст етказиш (қўлнинг си-

ниши, тана аъзоларининг шикестланиши ва шу кабилар) зарар етказувчи томонидан қопланиши лозим ҳисобланади. Масалан, икки фуқаронинг ўзаро жанжаллашиб қоилиши натижасида, бирининг иккинчисини туртиб юбориши натижасида унинг қўли синганда, зарар етказувчи шахс жабрланган фуқаронинг даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплаши лозим. Мазкур зарарни қоплаш дилект мажбуриятларининг умумий қоидалари ва бош деликт тамойилига асосан қопланади.

Бироқ фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ФКнинг 1005-1017 моддалари билан тартибга солинади.

ФКнинг 1005-моддасига мувофиқ шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу боб қоидадаларига мувофиқ қопланади.

Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказиш, шунингдек ҳаётдан маҳрум этиш айбдор шахсга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни вужудга келтириб, мажбуриятларнинг умумий қоидаларидан ўлароқ ўзига хос хусусиятларга эга. Бу мажбуриятлар ФКнинг алоҳида нормалари, яъни 57-боб билан тартибга солинади. Айниқса, ишчи ва ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишида зарарни ундириш ҳозирги кунга қадар жуда баҳсли бўлиб келган. Чунки бундай муносабатлар нафақат фуқаролик, балки меҳнат ва маъмурий қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади. Мазкур муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2005 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш” Қоидалари ҳақида қарори қабул қилинди. Унга биноан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш бўйича муносабатлар тартибга солинади.

Мазкур қоидалар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган юридик шахсларга, юридик шахс бўлмас-

дан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ёки ишлаётган ҳамда меҳнат жароҳати олган ходимларга жорий этилади. Иш берувчи ва ходим ўртасида вужудга келувчи бундай муносабатларнинг аксарияти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солиниб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида учрайдиган бу ҳолатлар шартномадан ташқари вужудга келади.

Ушбу мажбуриятлар шартномадан ташқари, яъни деликт мажбуриятлар деб юритилади ва улар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш қоидалари асосида юзага келади. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи унинг асосий бойлиги ҳисобланиб, унга нисбатан ҳар қандай зарар етказилиши ёки уни ҳаётдан маҳрум этиши ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳисобланади. Фақатгина айрим ҳолларда, яъни ўзини ҳимоя қилиш ва жиноятчини тутишда (қасдан содир этмаслик) унинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши ҳоллари учрайди.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши унинг номулкий ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиб, унинг асосида нафақат моддий, балки маънавий зарарни қоплашни ҳам талаб этишга ҳақлидир (ФКнинг 1021-модда). Фуқарога мулкий зарар етказилиши иш ҳақини йўқотиш ёки бошқа даромад манбаларини йўқотиш, соғлиғини тиклаш учун қилган харажатлари, дафн этиш харажатлари ва ҳ.к.лар тушунилади. Агар ҳеч қандай мулкий зарар етказилмаган бўлса-ю, бироқ унинг соғлиғига зарар етказилганлиги аниқланса, жисмоний ва маънавий зарар етказилиши оқибатида кечирган ҳис-ҳаяжон учун то-вон ундиришга ҳақли бўлади.

Етказилган зарар учун жавобгарликнинг шартларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузарнинг айбли ҳаракати ҳамда ошиқча хавф манбаи томонидан ва суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари ҳисобланади (ФКнинг 991, 999-моддалар). ФКнинг 985-моддасига мувофиқ зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод этилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг яна бир шarti бўлмиш сабабий боғланиш, зарар етказувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилиши ўртасида боғлиқлик бўлишлиги, ҳамда жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи билан мулкий йўқотишлар (ойлик маошини йўқотиши, қўшимча харажатлар ва бошқалар) ўртасида боғлиқлик бўлиши керак.

Мазкур деликт мажбуриятларни икки асосий турга бўлишимиз мумкин, яъни фуқаронинг қандай манфаатларига зарар етказилишига қараб: а) фуқаронинг соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик; б) боқувчисини йўқотганлик учун жавобгарлик. Қайд этилган ҳолатлар ўзининг субъектив состави, қоплаш жиҳати ва бошқа хусусиятлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Фуқаронинг соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгарлик. Фуқаронинг соғлиғига зарар ёки шикаст етказилиши натижасидаги мулкӣ йўқотиш бўлиб меҳнат қобилиятини қисман ёхуд тўла йўқотиши оқибатида ойлик иш ҳақини (даромад) ололмаслиги, соғлиғини тиклаш учун қиладиган ёхуд қилган харажати тушунилади.

Ололмай қолган даромад ёхуд ойлик иш ҳақи кўринишидаги зарар икки омилга кўра аниқланади: 1) зарар етгунга қадар оладиган даромади ёки ўртача ойлик маоши; 2) жабрланган шахснинг профессионал даражасининг камайиши, профессионал меҳнат қобилиятининг йўқлигида – умумий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши инобатга олинади. Йўқотилган иш ҳақи (даромади) нинг таркибига меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида оладиган, ҳамда даромад соғлиғига қаратиладиган тўловлар киради. Тадбиркорлик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар ва муаллифлик гонорари ҳам шу таркибга киради. Меҳнат таътилидан фойдаланмаганлик учун олинадиган компенсациялар ва ишдан бўшатирилганлик учун бериладиган ҳисоб-китоблар қайд этилган таркибга кирмайди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақалар инобатга олинади. Бунда барча иш ҳақи (даромадлар) солиқ солишдан олдинги суммалар ҳисобида аниқланади.

Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги ишланган ўн икки ой ичидаги иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Зарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги амалда ишлаган ойлардаги иш ҳақи (даромад) нинг умумий суммасини ана шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлар унинг хоҳишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишланган ойларга алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмаганда ҳисобдан чиқариб ташланади. Жабрланувчининг мулкӣ аҳволи ўзгариши аниқ бўлган, яъни иш ҳақининг ошиши, янги лавозимга тайинланиши

соғлиққа зарар етгунга қадар содир бўлса, олиши мумкин бўлган иш ҳақи (даромади) инобатга олинади.

Жабрланувчи бу вақт мобайнида ҳеч қаерда ишламаган тақдирда, унинг хоҳишига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи (даромади) ёки мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш миқдори ҳисобга олинади (ФКнинг 1007-модда).

Иш даври тўлиқ ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарарни тўлаш миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади<sup>1</sup>.

Йўқотилган иш ҳақи (даромад) миқдорини аниқлашнинг иккинчи омили бўлиб, жабрланган шахснинг профессионал меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси ҳисобланади, касб маҳорати бўлмаганда эса, унинг умумий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси инобатга олинади. Шунингдек, меҳнат қобилиятини аниқлашда вақтинчалик ва доимий меҳнат қобилиятига алоҳида эътибор берилади. Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш деганда, маълум вақт мобайнида умуман меҳнатга қобилиятсиз бўлиши тушунилади ва иш ҳақи (даромад) дан маҳрум бўлишига айтилади. Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик тиббий муассаса томонидан аниқланиб, фуқарога вақтинчалик касаллик варақасини бериш йўли билан тасдиқланади.

Умуман меҳнат қобилиятини йўқотиш эса давлатга тегишли тиббий муассасалар (ҳозирги ВКК) ва суд-тиббий экспертизаси томонидан тўлиқ ёхуд қисман йўқотилганлиги аниқланади. Фуқаронинг доимий меҳнат қобилиятини йўқотиши уни I, II ёки III гуруҳ ногиро-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш” Қоидалари тўғрисидаги 60-сонли қарори.



ни деб тан олиниши билан белгиланади. Тўлиқ меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаронинг ўртача иш ҳақи (даромад) ни белгилаш юқорида белгиланган тартиб бўйича аниқланади. Қисман меҳнат қобилиятини йўқотганда унинг миқдори фуқарода сақланиб қолган меҳнат қобилиятининг фоизи ҳисобида аниқланади. Мисол учун экспертизанинг хулосасига мувофиқ жабрланган шахсда 60% профессионал меҳнат қобилияти сақланиб қолган бўлса, қолган 40% қопланиши керак бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳоидалар асосида зарар тўлиқ қопланиши керак. Жабрланувчи шахснинг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли соғлиғига шикаст етадиган бўлса, зарар тўлиқ қопланмайди. Миқдорнинг ўзгариши жабрланувчининг айблилик даражасига қараб белгиланади. Жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарни ундиришда тўсқинлик қилмайди.

Фуқаро майиб бўлганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан, даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даъволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар жабрланувчи бепул даволанмасдан харажатлар қилган тақдирда, унинг томонидан қилинган қўшимча харажатларни ундиришни талаб этиши мумкин. Албатта, бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандагина амалга ошириш мумкин бўлади.

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек, соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга ҳам сабаб бўлмайди (зарарни ҳисоблаш ҳисобига киритилмайди). Зарарни ҳисоблаш ҳисобига шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин

оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам киритилмайди (ФКнинг 1006-модда).

Фуқаронинг соғлиғига шикаст етказилиши натижасида жабрланувчи ўз касби билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида кўп даромад топадиган бўлган тақдирда ҳам зарарни ундириш миқдори таъсир этмайди.

Зарарнинг миқдори автоматик равишда ва манфаатдор шахсларнинг талаби билан ўзгариши мумкин. ФКнинг 1013-моддасига мувофиқ, турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан тўловлар миқдори мутаносиб равишда ўзгаради. Қолган вазиятларда тўловлар миқдорининг камайиши ёхуд кўпайиши ФКнинг 1012-моддасида қайд этилган манфаатдор тарафларнинг талаби билан ўзгариши мумкин. Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли ўзига зарарни ундириш белгиланган пайтда соғлиғи нисбатан ёмонлашса, қоплаш миқдорини тегишлича кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли. Жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган пайтда нисбатан ошган бўлса, қоплаш миқдорини тегишлича камайитиришни талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, зарар етказган шахснинг мулкӣ аҳволи, унинг ногиронликка ҳамда ёшга доир нафақага чиқиши муносабати билан камайган бўлса ва эҳтиётсизлик натижасида зарар етказилган шартларда тўлов миқдорини камайитиришни талаб этиши мумкин.

**Вояга етмаган шахсларнинг** соғлиғига шикаст етказилганда зарар ундиришнинг алоҳида хусусиятлари мавжуд. Маълумки, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган фуқароларнинг соғлиғига шикаст етказилганда, уларнинг ишламаслигини инобатга олган ҳолда фақат қўшимча харажатларнигина ундириш мумкин. Чунки уларнинг ишламаганликлари боис, табиӣки, улар иш ҳақи (даромад) ни йўқотмайдилар. Агар 14 ёшдан то 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг соғлиғига шикаст етказилганда қўшимча харажатлардан ташқари, унинг меҳнат қобилиятининг йўқотилиши ёхуд камайишини ҳисобга олган ҳолда ФКнинг 1008-моддасига мувофиқ зарарни ундириш мумкин. Агар вояга етмаган шахс меҳнат фаолиятини бошлаб, муайян даромадга ёхуд иш ҳақи олаётган тақдирда, унинг

миқдоридан келиб чиққан ҳолда зарарни ундириши ҳамда кўпайтиришни талаб этиши мумкин (ФКнинг 1008-модданинг 3-4 бандлари).

Чунончи, вояга етмаган шахслар стипендия олаётган бўлсалар, уларнинг стипендиялари иш ҳақиға тенглаштирилиши ҳам мумкин.

Кейинги иккинчи хусусияти бўлмиш боқувчисини йўқотганлик учун жавобгарликда фуқаронинг вафот этишига бевосита алоқадор шахс унинг қарамоғидаги шахсларга зарарни қоплаб бериши шарт. Боқувчисини йўқотганлик учун зарарни қоплашни талаб этувчи шахсларга қуйидагилар киради:

- мархумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқиға эға бўлган меҳнатға лаёқатсиз шахслар;

- мархумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди;

- меҳнат фаолиятдан катъи назар, мархумнинг қарамоғида бўлган унинг 14 ёшға тўлмаган ёки кўрсатилган ёшға тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасиға кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришиға муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлашда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;

- мархумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатға қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ушбу категориядаги шахслар доирасиға вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган меҳнатға лаёқатли турмуш ўртоғи унинг вафотидан кейин 5 йил ичида нафақа олиш ёшиға етганлар киради.

ФКнинг 1009-моддасиға мувофиқ зарар қуйидагиларға тўланади:

- вояға етмаганларға – 18 ёшға тўлгунға қадар;

- 18 ёшдан ошган ўқувчиларға – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунға қадар, бироқ 23 ёшдан ошмагунча;

- 55 ёшдан ошган аёларға ва 60 ёшдан ошган эркакларға – умрбод;

- ногиронларға – ногиронлик муддатиғача;

- мархумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар 14 ёшға тўлгунға қадар парваришлашда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзоси.

Боқувчисини йўқотганлик муносабати билан зарар ундиришнинг асосларини манфаатдор шахслар томонидан исботлаб бериши

лозим. Қариндошлик алоқалари тегишли ҳужжатлар ёрдамида аниқланади, агар аниқлаш мураккаб бўладиган бўлса, суд томонидан аниқланади. Фарзандлари ФХДЁ органлари томонидан берилган туғилганлик гувоҳномаларини тақдим этиши билан исботланади. Оила аъзоларининг таркибий қисми эса ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари асосида аниқланади. 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган, олий ёхуд ўрта махсус касб-ҳунар ўқув муассасаларида таҳсил оладиган ўқувчи ёхуд талабалар тегишли муассасанинг берган билдиришномалари билан аниқланади.

Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш миқдори қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, ФКнинг 1007-моддасига мувофиқ зарар қопланади. Шунингдек ФКнинг 1010-моддасига асосан иш ҳақи (даромад) нинг таркибига ҳаётлик вақтида олган нафақа, умрбод таъминоти ва бошқа шунга ўхшаш таъминотлар ҳам ҳисобга олинади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун зарар миқдори вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан унинг ўзига ва қарамоғидаги меҳнатга лаёқатли, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга тўғри келадиган улушни чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳар бирига бериладиган зарар тўловлари миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган улуш уларнинг сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун зарар тўлови миқдори суд тартибида белгиланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган ва бўлмаган шахслар айна бир вақтда зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлишган тақдирда зарар тўловлари миқдори энг аввало вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнг иш ҳақининг қолган миқдорига қараб вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахслар учун зарар тўлови миқдори мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибга мувофиқ белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун уларга боқувчи вафоти туфайли

тайинланган пенсия, шунингдек бошқа пенсиялар, иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа даромадлар зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоғида бўлган ҳар бир шахс ҳисобига зарар тўлови миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Зарарни ундириш, манфаатдор шахсларга тўланадиган зарарнинг миқдори ва тақсимоти ФКнинг 14-моддасига асосан тақсимланади. Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бир неча фуқаролар бўлсалар, вафот этган шахснинг йўқолган иш ҳақи (даромади) ҳисобга олиниб, манфаатдор шахслар ўртасида тенг тақсимланади.

Агар вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, бироқ ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар бўлган тақдирда, уларга зарарнинг миқдори қуйидагича аниқланади:

- таъминот суд тартибида ундирилган бўлса, суд томонидан белгиланган сумма билан;

- фуқароларнинг моддий аҳволи ва вафот этган шахснинг ўлимидан олдин қанчалик таъминот бера олиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, агар таъминот суд тартибида белгиланмаган бўлса.

Вафот этган боқувчи ўзининг ўлимига сабаб бўлганлик айби ҳисобга олинмайди (қасддан содир этилгандан ташқари). Юқорида қайд этилган фуқароларга зарарнинг миқдорини белгилашда улар томонидан оладиган нафақалари, стипендиялари, иш ҳақ (даромад) лари ҳисобга олинмайди.

Ҳар бирига белгиланган миқдор кейинчалик қайта ҳисобланмайди, яъни таъминот олувчилардан бирининг вафоти бошқа таъминот олувчиларнинг фойдасига қайта ҳисобланмайди. Шунингдек боқувчининг таъминотида бўлган, ҳамда унинг вафотидан сўнг 5 йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган фуқароларга тайинланган тўловнинг миқдори ҳам қайта ҳисобланмайди.

Қонун бу борада икки ҳолатни белгилайди, чунончи боқувчининг вафотидан кейин туғилган фарзанд ва боқувчининг ака-сингиллари, неваралари, фарзандларининг парвариши билан банд бўлган шахсларга тўловни белгилаш ёхуд олиб ташлаш. Ушбу қайд этилган ҳолатларда боқувчининг иш ҳақи (даромади) нинг бир қисми ҳар бир кишига ҳисоблаб чиқилади.

Қайта ҳисоб-китоб қилиш зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахс боқувчининг вафоти ҳақида хабар топмаганда, ёхуд қонун билан энг кам ойлик иш ҳақининг ошиши муносабати билан ҳам қайта ҳисобланади. Агар боқувчининг вафоти меҳнат ёки шартнома мажбу-

рийтларини бажариш чоғида вафот этса, иш берувчи қўшимча 5 йил мобайнида меҳнатига тўланадиган муайян муддатда товон тўлайди.

Боқувчининг вафоти билан боғлиқ қўшимча харажатларга қонунда дафн маросимига кетадиган харажатлар назарда тутилади. Бундай харажатларни қоплаш зарар етказган шахс томонидан қопланади, шунингдек қилинган харажатлар зарар миқдорини белгилашда инобатга олинмайди.

Агар зарар етказган шахс ёхуд юридик шахс ўз хохишига биноан зарарни қопламаса, жабрланган шахс манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказганда даъво муддати қўлланилмайди, бироқ 3 йиллик даъво муддати ўтгандан сўнг мурожаат этилганида зарар даъводан олдинги 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилиши мумкин. Масалан, фуқаронинг ҳаётига 1996 йил зарар етказилган бўлса-ю, даъво 2004 йил қўзғатилган бўлса, суд фақатгина 2001 йилдан 2004 йилгача бўлган муддат учун зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқаради.<sup>1</sup>

Қоида бўйича зарар ҳар ойда тўлаб борилади, ҳамда пулнинг ўтказиш масъулияти тўловчининг зиммасида бўлади. Истисно ҳолатида суд тўловчининг белгиланган муддат мобайнида узрли сабабларга кўра тўлолмаслигини инобатга олган ҳолда 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга бир йўла тўлашни белгилаши мумкин. Мисол учун зарар етказган шахс узоқ муддатга хизмат сафарига жўнаши бўлиши мумкин.

Агар зарар етказган шахс юридик шахс бўлиб ва у қайта тузилса, тўловларни тўлаш унинг ҳуқуқий ворисига ўтади. Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади. Башарти, юридик шахс тугатилса, тегишли тўловлар жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилади. Юридик шахсининг мол-мулки йўқлиги сабабли тўловларни капиталлаштиришнинг имкони бўлмаса, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонун ҳуж-

---

<sup>1</sup> Н.Ф.Имомов. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати.- Т.: 2005.-119.

жатларида назарда тутилган тартибда тўланади (ФКнинг 1015-моддаси).

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

2. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми, хусусияти, муддати.

3. Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадини) аниқлаш.

4. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарар ўрнини қоплаш.

5. Боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган зарарни қоплаш миқдори.

6. Зарар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан зарарнинг қопланиши.

7. Зарар ўрнини қоплаш тўловлари ва зарар миқдорини ўзгартириш тартиби.

### **3-§. Товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Товарлар, иш ёки хизматлар таркибий қисмининг камчилиги ёхуд нуқсонлари оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ҳамда мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида зарарни қоплаш нафақат Фуқаролик кодекси, балки “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун билан ҳам тартибга солинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки мазкур, ҳужжатлар қоидаларини қўллаш доираси ва мазмуни жиҳатидан бир-бирига мос келмайди.

Деликт мажбуриятлар қаторида товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар жабрланувчи ва зарар етказган шахс ўртасида шартномадан ташқари мажбуриятни вужудга келтиради. Бироқ жабрланувчи ва зарар етказган шахс ўртасида шартномавий муносабат бўлиши мумкинлигини эътироф этиш мумкин. Тегишли сифатда бўлмаган товар сотилганда, сотиб олувчида бир қатор ҳуқуқлар пайдо бўлади. Улар жумласига етказилган зарарни қоплаш ҳам киради. Бундай ҳуқуқ шартномавий характерда бўлиб, олди-сотди шартномаси билан тартибга солинади. Башарти, сотиб олинган

товарнинг камчилиги туфайли фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилса ва зарарни ундириш бўйича келиб чиқадиган муносабат шартномадан ташқари деб қаралади.

ФКнинг 1017-моддасига мувофиқ, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига, юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим. Ушбу қоидалар истеъмол мақсадларида харид қилинганида қўлланилади.

Бошқача сўз билан айтганда, зарар кўрган шахс бўлиб харидор (буюртмачи), харидор (буюртмачи)нинг оила аъзолари, сотиб олувчидан бошқа ҳуқуқий асосларда товар (буюртма)ни олган шахс ва бошқалар бўлиши мумкин. Жабрланувчилар бўлиб ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин.

Жавобгар шахс бўлиб сотувчи ва тайёрловчи (ижрочи) бўладилар. Жавобгар сотувчи ва тайёрловчи (ижрочи) сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Қайси биридан зарарни ундириш жабрланган шахснинг ўзига боғлиқ. Жабрланувчи бирданига иккала жавобгар шахсга мурожаат этиб, солидар жавобгарликка тортиши мумкин. Агар жабрланган шахслар бир нечта бўлса, у ҳолда ҳар бири мустақил равишда хоҳлаган жавобгар шахсга мурожаат этиши мумкин.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун истеъмолчига товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган мулкӣ жавобгарликни вужудга келтирувчи ҳолатлар ва бунинг натижасида қопланиши зарур бўлган оқибатлар кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 20-моддасида товарнинг қуйидаги камчиликлари юзасидан жавобгарлик белгиланади:

- товарнинг тузилишига;
- товарнинг ишлаб чиқарилишига;
- товарнинг таркибига;
- товарнинг бошқа жиҳатларидаги нуқсонларга.

Одатда, товарнинг тузилиши деганда, унинг белгиланган шакли-шамойили, мавжуд стандартларга мослиги, муайян тассавур доирасидалиги, тегишли мақсад учун фойдаланиладиган товар туркумидаги бошқа товарларга ўхшашлиги тушунилади. Масалан, оддий пиёла ёки



ручканинг тузилишини тасаввур қиладиган бўлсак, пиёла конуссимон шаклдаги атрофи ясси қилиб ишланган суюқлик истеъмол қилишга мўлжалланган предмет ҳисобланса, ручка ўз шакл шамойилига кўра, қўлда ёзиш учун қулай бўлган ашё ҳисобланади<sup>1</sup>.

Товарнинг ишлаб чиқарилишидаги нуқсон бу товар ( махсус идиш ва ўрамда сотиладиган товарларда) даги уни ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган лекин оддий кўздан кечириш жараёнида аниқлашнинг имкони бўлмаган камчиликлар ҳисобланиб, товардаги бундай нуқсонлар у ишлаб чиқарилиб тегишли сотувчиларга топширилишидан олдин вужудга келган бўлиши керак. Ишлаб чиқарилиши давомида товарда вужудга келган камчилик (нуқсон)ни ишлаб чиқарувчи билган ёки билмаганидан қатъи назар истеъмолчи олдида жавобгардир. Зеро, бундай нуқсон товар ишлаб чиқарилиш жараёнидаги камчилик ва товар ишлаб чиқарувчининг ишга бўлган нотўғри муносабатидан келиб чиққан ҳисобланади.

Товарнинг таркиби атамаси ўзида товарнинг бутлиги, унинг комплекти ибораларини ифодалайди. Одатда “таркиб” сўзи мураккаб ашёлар (агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиладиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади (ФКнинг 91-модда). Товарнинг таркибига нафақат муайян қисмлар, балки умумийликка эга бўлган бир неча алоҳида (мустақил) ашёлар ҳам киради.

Рецептуравий нуқсонлар эса товарнинг ички тузилиши, таркиби ва товардан фойдаланиш қоидаларидаги камчиликлар бўлиб, бундай нуқсонлар одатда, истеъмолчининг эътироз асосида мутахасислар томонидан аниқланади. Ҳар қандай товар сотилаётганда, унинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар товарнинг ўзида ёки товарга қўшиб харидор (истеъмолчи)га топшириладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилиши керак. Мансуб ашё ва ҳужжатлар жумласига товарнинг сифат сертификати, товардан фойдаланиш йўриқномаси, техник паспорт, хавфсизликни таъминловчи мослама, қулф учун калит, телевизор учун пулт ва ҳ.к. лар киради. Бундай ашё ва ҳужжатларни топширмаган сотувчи сотиб олувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарарни қоплаши лозим бўлган ҳолат сифатида қонун истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки

---

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига шарҳ. -Т.: Ўзбекистон. 2005.

мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар асбоб-анжомлар ёки бошқа воситалар кўлланилиши оқибатида истеъmolчининг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарни келтириб ўтади. Истеъmolчига тақдим этилаётган ҳар қандай товар, иш, хизмат ёки бошқа нарсалар унинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етиши хавфини туғдирмаслиги лозим. Шу жумладан, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишда ижрочи томонидан кўлланилаётган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа воситалар (масалан, иш бажаришда ижрочи томонидан фойдаланилаётган транспорт воситаси ёки бошқа ошиқча хавф манбаи) ҳам истеъmolчининг юқорида санаб ўтилган субъектив ҳуқуқларига зарар етказмаслиги зарур.

ФКнинг 1018-моддасига асосан, товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.

Ишнинг (хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс (ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Товар (иш, хизмат) кимдан сотиб олинганлиги (иш ёки хизмат ким томонидан бажарилганлиги) аниқлаш, бу товарни ким ишлаб чиққанлигини билиш ҳисобланади. Истеъmolчининг (яъни зарар етказилган истеъmolчининг) сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома тузган ёки тузмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай истеъmolчининг товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бу истеъmolчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланмаса-да, унинг субъектив ҳуқуқи сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Истеъmolчига етказилган зарар учун, етказилган зарарни қоплаш билан бирга қуйидаги жавобгарлик чоралари ҳам кўлланилиши мумкин:

- шартномада ёки қонунда белгиланган неустойкани тўлаш;
- бурчни натура ҳолда бажариш ва қўшимча равишда жарима тўлаш;
- мажбуриятни қарздор (биз кўриб чиқаётган масалада эса сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи)) ҳисобидан бажариш;
- товар (иш ёки хизмат) даги нуқсонларни текинга бартараф этиш билан бирга етказилган зарани қоплашни ҳам талаб қилиш.

Ушбу жавобгарлик чораларининг барчаси истеъmolчининг хоҳиш-иродаси ёки қонун ва шартномага мувофиқ ҳамда мажбурият

моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Истеъмолчига зарар етказилганда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари жумласига бой берилган фойдани ундириш кирмайди.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг қопланиши лозим бўлган муддатлари белгиланган:

- норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида;

- бундай муддатлар белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида.

Яроқлилиқ муддати ва хизмат муддати давомида товар (иш ёки хизмат)нинг бенуқсон ишлаши ва хизмат қилиши юзасидан жавобгарликни сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўз зиммасига олади. Белгиланган муддат мобайнида зарар етказилса, зарар ундирилиши мумкин. Бироқ ушбу муддатлар ўтган бўлса, зарар ундирилмайди.

Узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни назарда тутиб, бундай товарларнинг нуқсонлари туфайли етказилган зарарни қоплаш учун ўн йиллик (анча узоқ) муддатни белгилайди. Ана шу 10 йил мобайнида товар (иш, хизмат) даги нуқсонлар туфайли истеъмолчига етказилган зарар қопланса, 10 йилдан сўнг етказилган зарар қопланмайди.

ФКнинг 1019-моддаси талабларига мувофиқ, бундай муддатлардан ташқари зарар қуйидаги ҳолларда қопланиши лозим:

1) Қонун талаблари бузилиб яроқлилиқ муддати белгиланмаган бўлса;

2) Товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилиқ муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш Қоидалари” ҳақидаги қарорида буюртмачи маиший хизмат сифатига нисбатан бўлган эътирозларини буюртмани қабул қилиш ва бериш жойида белгиланган кафолат муддатлари мобайнида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса эътирозларни эса буюртмани олиш вақтида билдиришга ҳақлидир деб белгиланган. Мазкур Қоидалар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари маиший хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар билан бажарувчилар ўртасидаги муно-

сабатларни тартибга солади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маиший хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) билан шуғулланадиган, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунитидан қатъи назар, барча юридик ва жисмоний шахсларга тадбиқ қилинади.

Қоидалар буюртмани қабул қилиш, расмийлаштириш, бажариш, беришга, буюртмачи билан ҳисоб-китоб қилишга қўйиладиган талабларни, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект ва буюртмачининг мулкый жавобгарлигини белгилайди

Буюртмани уйда бажариш учун ходимлар буюртмачи билан келишилган вақтда келмаса, буюртмачи хўжалик юритувчи субъектдан етказилган моддий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақ бўлади. Агар хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект бўлса, буюртмачи эътирозини дарҳол, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қиладиганларини эса - эътироз билдирилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида кўриб чиқиши керак.

Шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг шартнома шартларидан иш сифатини ёмонлаштирадиган даражада четга чиқса ёки бошқа камчиликлар билан боғлиқ даъволар буюртмачи томонидан иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида, агар нуқсонларни ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқлаш мумкин бўлмаса - иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида берилиши мумкин.

Қурилма ва иншоотлардаги ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликларга оид даъвони буюртмачи иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб уч йил мобайнида бериши мумкин.

Агар шартномада кафолат муддати назарда тутилган ва ишдаги нуқсонлар тўғрисидаги мурожаат кафолат муддати доирасида берилган бўлса, даъво муддати нуқсон тўғрисида мурожаат қилинган кундан бошланади.

Буюртма сифатсиз бажарилган тақдирда хўжалик юритувчи субъект буюртмачига иш ва хизматларнинг буюртмани бажариш вақтидаги Қийматининг 20 фоизи миқдорида айбона тўлайди.

Бажарувчи ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар юзасидан низолар ушбу хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти ёки суд орқали ҳал қилиниши мумкин.

Шунингдек ФКнинг 1020-моддасида товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган. Унга мувофиқ товарнинг сотувчи-

си ёки тайёрловчиси, шнинг (хизматнинг) ижрочиси, зарар енгиб бўлмас куч таъсирида ёки истеъмолчи товарларни сақлаш ёки улардан (ишнинг натижаларидан, хизматлардан) фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиши оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари.
2. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар.
3. Зарарни қоплаш муддатлари.
4. Зарар учун жавобгар шахслар доираси.
5. Жавобгарликдан озод қилиш асослари.

### 4-§. Маънавий зарарни қоплаш

Фуқаролик қонун ҳужжатларида маънавий зарар тушунчасининг таърифи берилмаган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги №7-сонли Қарорида<sup>1</sup> маънавий зарар тушунчаси таъриф берилган унга кўра, маънавий зарар деганда жарбланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) бошқа азоблар тушунилади.

Маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қағуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий силарни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 19.12.2003. й. 20-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Агар маънавий зарар жабр этувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган кучга киргунга қадарли етказилган бўлса, шунингдек даъвогар бундай қонун кучга киришидан кейин ҳам маънавий ва жисмоний азоб ҳис қилаётган бўлса ҳам даъвогарнинг бу ҳақдаги талаби қаноатлантиришга тегишли эмас, чунки зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган бўлган ва умумий қоидага кўра содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин эмас.

ФКнинг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Бироқ, қуйидаги ҳолатларда маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади, агар:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;

- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий қоидага кўра, маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товлон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъи назар қопланади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Маънавий зарар тушунчаси
2. Маънавий зарарни қоплаш тартиби
3. Маънавий зарар миқдорини аниқлаш

## ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР

1. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари
2. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар учун жавобгарлик муаммолари
3. Зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳолатида етказилган зарар учун жавобгарлик
4. Зарар етказишнинг олдини олиш
5. Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги
6. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
7. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик
8. Зарарнинг ўз жавобгарлигини суғурталаган шахс томонидан тўланиши
9. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
10. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
11. Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги
12. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
13. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
14. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик
15. Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик
16. Зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқи

17. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий асослари.

18. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми ва хусусияти

19. Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадни) аниқлаш

20. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш

21. Боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш

22. Юридик шахс бекор қилинган тақдирда зарарнинг қопланиши

23. Маънавий зарар тушунчаси ва уни қоплаш тартиби

## **58 БОБ. АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг кодификация қилиниши натижасида, унинг тизимининг таркибий қисми бўлган мажбурий ҳуқуқ институтларидаги ўзгаришлар асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларда вужудга келди.

Шу муносабат билан, асоссиз орттирилган бойлик мажбуриятлари институти ривожланиши тенденцияларини; унинг иқтисодий муомаладаги аҳамиятини, шакллари ва усулларини, асоссиз орттирилган бойлик, ёки асоссиз тежалган мулк мажбуриятларининг муқобил ҳуқуқ институтлари билан мутаносиблигини аниқлаш лозим.

Мажбуриятларнинг амалдаги таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1023 моддасининг 1-бандида ўз ифодасини топган: қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт.

Таърифдан келиб чиқишига кўра, асоссиз орттирилган ёки тежаб қолинган бойлик бўйича мажбуриятларнинг субъекти бўлиб, асоссиз орттирилган ёки тежаб қолинган мол-мулкни қўлга киритган қарздор ва бу мулкни талаб қилиш ҳуқуқи эга бўлган ҳақиқий мулкдор (кре-



дитор) бўлиши мумкин. Бунда қарздор ва кредитор бўлиб фуқаролар, жумладан, муомалага лаёқатсиз шахслар ҳам, ҳуқуқ субъектчилиги характеридан катъи назар, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Ассосиз орттирилган ёки тежаб қолинган бойлик мажбуриятларнинг объекти бўлиб, ассосиз бойлик орттирган шахснинг ассосиз орттирилган ёки тежаб қолинган бойликни кредиторга қайтариши бўйича қиладиган ҳаракатлари ҳисобланади. Ассосиз орттирилган бойликни талаб қилувчи кредитор мавжуд бўлмаган ҳолларда мулк давлат бюджетига ёки қонунга мувофиқ тегишли муассасага ўтказилади. Бундай мажбуриятларнинг мазмуни жабрланувчининг ассосиз орттирилган бойликни асл ҳолида ёки пул суммасида ассосиз бойлик орттирган шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи ва бу қарздорнинг ассосиз орттирилган бойликни жабрланувчига қайтариш мажбуриятидан иборатдир.

Қонун талабидан кўриниб турибдики, ассосиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти вужудга келиши учун, биринчидан, бир шахс иккинчи шахс ҳисобига ассосиз бойлик орттириши, иккинчидан, бундай бойлик орттиришга ҳеч қандай қонуний асос бўлмаслиги шарт, учинчидан, мулк, асосан, янглишиш, хатолик билан олинади ёки тежалади.

Аммо баъзи ҳолларда мулкнинг янглишмасдан, атайин қасддан ассосиз олинис ҳоллари рўй бериши мумкин. Ғайриқонуний ёки давлат манфаатларига зид қилинган хатти - ҳаракатлар туфайли ўзгалар ҳисобига ассосиз бойлик орттирган шахс ассосиз олинган мулкни қонунда назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳолатларда давлат даромадига ўтказиши лозим, яъни ҳақиқий бўлмаган битимлар тузиш йўли билан олинган ассосиз бойликлар тўғридан-тўғри давлат даромадига ўтказилади.

Ассосиз орттирилган бойликдан келиб чиққан мажбуриятларнинг функционал белгиланиши нафақатгина жабрланувчининг мулкӣ доирасини қўлга киритувчи томонидан қайта тиклаш, балки жабрланувчига ассосиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни қайтариб беришдан иборат бўлади.

Ассосиз орттирилган бойлик мажбуриятлари турли юридик фактлар асосида вужудга келишига қарамай, ушбу мажбуриятлар шартномадан ташқари тузилган битимлар доирасига кириб, субъектларнинг мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақил институт сифатида кўринишда бўлади.

Асоссиз орттирилган бойликдан келиб чикувчи мажбуриятларнинг таркиби қуйидаги элементлардан ташкил топади:

а) бир шахс бошқа шахснинг ҳисобидан мол-мулкка эга бўлади;

б) мол-мулк асоссиз қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган йўллар билан қўлга қиритилади ёки тежаб олинади;

Бир шахснинг бошқа шахс ҳисобидан мол-мулкка эгалик қилиш натижасида мулк ҳажмининг ошишига ва иккинчи тарафнинг мулкни камайишига олиб келади.

Қўлга қиритилган мулк, унинг миқдорининг кўпайиши, қўлга қиритувчининг қўшимча харажатларисиз унинг қийматини ошишига, масалан, бир шахс бошқа шахснинг илтимосига кўра, ишониб топширган қарзини бошқа шахсга топширса; ташкилот унинг номига олинган товарларга қайтадан пул тўласа ва ҳоказо.

Мулкни тежаш деганда, шахс ўз маблағларини сарф қилиши лозимлиги, лекин сарф қилмаганлиги ёки бошқа шахснинг харажатлари қопланмаганлиги, ёки бошқа шахсга мукофот тўланмаслиги тушунилади. Масалан, ширкатнинг тўлов шартномасига кўра, банк адашиб бошқа ширкат ҳисобидан маблағни чиқариб ташласа, битта ширкатнинг маблағи ошиши, бошқасиникининг камайишига олиб келади. Агар шахс, мулкдорнинг розилигисиз унга мукофот тўламасдан мулкдан фойдаланса, мукофот тўланмаслиги эвазига тежаш келиб чиқади.

Асоссиз бойишнинг энг кўп тарқалган тури қўлга қиритувчининг ўзига тегишли бўлмаган мулкка эга бўлиши тушунилади. Бу шаклнинг асосий тури – жабрланувчининг қўлга қиритувчига мулкий фойданинг берилишидир. Чунки тақдим этиш асосида ётувчи битим ёки бошқа ҳуқуқий асос бўлмаган, ёки эътироф этилмаган.

Ривожланган товар муомаласи шароитида муаллифлик, патент ва бошқа ҳуқуқларга дахл қилишлар кузатилмоқда. Бундай ҳатolikларга йўл қўйилганда ноқонуний фойдаланувчида ихтиролардан фойдаланиш, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ўзганинг хизмат ва тижорат сири, муаллифлик ва муқобил ҳуқуқларга мукофот тўламаслик учун лицензия тўловларни амалга оширмаганлиги натижасида асоссиз тежаш пайдо бўлади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Асосий бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва мазмуни.

2. Асоссиз бойликни қайтариш мажбурияти тушунчаси.

3. Ассосиз орттирилган бойлик қандай ҳолларда асл ҳолда қай-  
тарилади.
4. Қайтариб берилмайдиган ассосиз орттирилган бойлик.

## IV Б Ў Л И М.

### 59-БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ

#### **1 §. Интеллектуал мулк объектларининг ўзига хос хусусиятлари**

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ўзига хос объекти бўлиб ҳисобланади. «Интеллект» лотинча сўз бўлиб, «ақл» маъносини англатади. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари — ашёлар, қимматбаҳо қоғозлардан қуйидаги хусусиятлари бўйича фарқ қилади:

а) кўп ҳолларда интеллектуал мулк объектлари моддий кўринишда эмас, балки, ғоя, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Обьектив шаклда ифодаланган ғоя, билим моддий элтувчида, моддий ифодада, масалан, чизма, макет, аппарат, қурилмада мужассамлашган бўлиши мумкин, бироқ, бунда ғоя, билим бирламчи, унинг моддий мужассами ҳар доим иккиламчи бўлади;

б) ғоя, билим шаклидаги интеллектуал мулк объектига одатдаги моддий ашёга эгалик қилгандай эгалик қилиш мумкин эмас;

в) бундай объектлардан бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин;

г) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги ҳақидаги қоида (ФКнинг 164-моддаси) қўлланилмайди. Бинобарин, кўпчилик ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истиснони ҳисобга олмаганда) интеллектуал мулк ҳуқуқи амал қилиши қонунларда белгиланган муддатлар билан чегараланган бўлади;

д) қонунларда белгиланган муддатлар ўтиши билан интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳибининг интеллектуал мулкнинг муайян объектига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлади ва бу объектлар умуминсоний бойликка айланиб, ҳар ким ундан маълум шартлар асосида (муаллифининг шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) текин ва рухсатсиз фойдаланишга ҳақли бўлади;

е) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ғоя кўринишида бўлган ҳолларда уларни ашёлар сингари эгаллаш мумкин эмаслиги, улардан бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиш имкониятлари мавжудлиги сабабли бундай объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикацион даъвони қўллаш (ФКнинг 228-моддаси) имконияти амалда мавжуд эмас;

ё) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқи эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади;

ж) интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши, айна вақтда, маълум ҳудуд билан ҳам чегараланган бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудлардагина амал қилади;

з) кўпгина интеллектуал мулк объектларига нисбатан уларнинг муаллифлари шахсий ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу объектлардан фойдаланувчилар ушбу шахсий ҳуқуқларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Интеллектуал мулк объектлари бу объектларнинг қандай фаолият маҳсули эканлиги, уларнинг ҳуқуқий режими ва шу каби хусусиятларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

1. Интеллектуал фаолият натижалари. Интеллектуал фаолият ўз характерига кўра, инсон фаолиятининг энг олий кўриниши — ижодий фаолият бўлиб ҳисобланади. Инсон ижодий фаолияти бу фаолиятни амалга ошириш усул-воситалари, фаолият маҳсуллари хусусиятларига кўра инсон онгли фаолиятининг бошқа кўриниши одатдаги, кундалик фаолиятидан фарқ қилади.

Одатдаги, кундалик фаолият доимий, такрорланиб турувчи фаолият бўлиб, бунда фаолият ўзи ҳам, ундан вужудга келадиган натижалар ҳам илгаридан маълум бўлади. Шу сабабли ҳам одатдаги, кундалик фаолият репродуктив фаолият ҳисобланиб, бунда тайёр ўй-фикрлар формал мантиқ ёки бошқа қонун-қоидалар асосида қайтадан, такрорий ҳосил бўлади. Ижодий фаолият (ақлий, тафаккур) интеллектуал фаолият бўлиб, унинг натижасида фан, техника, адабиёт ёки санъат соҳасида янги, ижодий мустақил маҳсул яратилади (қаранг: Ионас В. Л., Произведение творчества в гражданском праве. М., 1972 й. 9-10 б).

Интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагилар киради:

- фан, адабиёт, санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёки эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

- электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау).

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлари, ишлар ва хизматларнинг хусусий унсурларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан бўлган ҳуқуқпарга ҳам мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Маълумки, фуқаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этади, айти вақтда, муомалада хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳам ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарадиган ишлари ва кўрсатадиган хизматларининг хусусий аломатларини (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади. Бундай алоҳида фарқлаш белгиларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- фирма номлари;
- товар (хизмат кўрсатиш) белгилари;
- товар чиқарилган жой номи.

Маълумки, интеллектуал фаолият энг тез ривожланиб бораётган динамик жараён ҳисобланади. Юксак суръатлар билан давом этаётган бу жараён натижасида интеллектуал фаолиятнинг янги маҳсуллари вужудга келмоқда. Масалан, топограл ва интеграл микросхемалар. Гарчи улар мавжуд қонунларда назарда тутилмаган бўлса ҳам уларга нисбатан ФКнинг 1031-моддаси 3-қисмида белгиланган қоидалар мазмунидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг улар ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатадиган хизматларининг янги фарқлаш белгилари вужудга келиши мумкин ва бундай ҳолда ҳам уларга нисбатан ФКнинг IV бўлимига тегишли қоидалар қўлланилади.

## **2 §. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисида илмий назариялар тавсифи**

Мулк ҳуқуқи ҳар доим нафақат фуқаролик ҳуқуқининг балки ҳар қандай ҳуқуқ тизимининг энг асосий, марказий институтларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли Қадимги Рим ҳуқуқида, ундан кейинроқ вужудга келган мусулмон ҳуқуқида ҳам унга алоҳида ўрин ажра-

тилган. Бироқ XVII асрларга келиб мулк ҳуқуқи барча мол-мулклар ва мулкый ҳуқуқларни фуқаролик муомаласида бўлишини тегишли ва зарур даражада тартибга сола олмаслиги маълум бўлди. Гап китоб босишни ихтиро қилиш ва ихтироларни саноатда кенг қўллашни бошлаш билан вужудга келган инсон ижодий фаолияти натижаларига нисбатан мулкый ҳуқуқлар устида бормоқда. Уларга нисбатан одатдаги, анъанавий мулк ҳуқуқи нормаларини қўллаш, мулкдор ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мумкин эмас эди. Худди шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқи бағридан интеллектуал мулк ҳуқуқини ажралиб чиқиши учун объектив зарурат вужудга келди. Бироқ интеллектуал мулк ҳуқуқи бирданига осонгина шаклланмади. У то ҳозирги кўринишдаги доктриналар ҳолига етгунча мураккаб ва зиддиятли жараёнларни бошдан кечирди ва турли туман илмий назариялар шаклида ривожланиб борди.

А.П.Сергеевнинг кўрсатишича ўрта асрларда ҳукмдорлар айрим ноширлар ва техник янгиликлар ихтиро қилган мануфактура эгаларига алоҳида имтиёзлар беришган. Кейинчалик эса қонунларда асарлар ва техник янгиликлардан фойдаланишда уларнинг эгаларига муайян чекланган муддатга мутлақ ҳуқуқлар бериш расм бўлган<sup>1</sup>. Худди шу сабабли ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқининг дастлабки куртаклари ҳуқуқ нормаларида ўз мужассамини топиши гарчи қандайдир назарияда ўз ифодасини топмаган бўлса ҳам, уни ўзига хос назарий асослари мавжуд деб ҳисоблаш мумкин. Уни шартли равишда "имтиёзли мулкдорлар назарияси" деб аташ ўринли бўлур эди. Ушбу назария амал қилган даврларда 1623 йилда Англияда қирол Яков Стюарт томонидан "Монополиялар ҳақида Статут" қабул қилинди. Бунда техник янгиликни ишлаб чиққан ва қўллаган шахсга 14 йиллик муддатга ушбу янгиликка нисбатан мутлақ ҳуқуқ белгиланди. 1710 йилда "қиролича Анна Статутлари" чиқарилди ва адабий асарларга нисбатан улар яратилган вақтдан бошлаб 14 йил ўз асарини эълон қилишга нисбатан мутлақ ҳуқуқ белгиланди (ушбу муддат муаллиф ҳаётлик даврида яна 14 йилга узайтирилиши мумкин эди). Ушбу қонунларда имтиёзлар ўзига хос кўринишга, юқорироқ босқичга кўтарилди, яъни монополия (якка ҳокимлик) шаклига ўтди, ҳозирги мутлақ ҳуқуқларнинг илк куртаклари унда ўз ифодасини топди.

XVIII аср охирларида интеллектуал мулк ҳуқуқини изоҳловчи илк илмий назария – табиий ҳуқуқлар назарияси вужудга келди. Ушбу назария асосида ижодкор шахснинг ҳуқуқлари инсон ва фуқа-

---

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. –М.: Проспект, 2000. 11-б.

ронинг табиий ҳуқуқларини ажралмас қисмидир, унинг маънавий ижодининг натижасидир деган асосли хулоса ётади. Ушбу ҳуқуқ табиий ҳуқуқ бўлиб, у давлат уни тан олиши, эътироф этишидан қатъи назар мавжуд бўлади. Давлат уни фақат ҳимоя қилишга кўмаклашиши мумкин, учинчи шахслар тажовузидан ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш мумкин холос. Ушбу назария ижодий фаолият натижаларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишга, уларни бозорда харидор топилса сотишга имкон берувчи ҳуқуқий асосларни вужудга келтирди.

Кейинчалик проприетор (мулк маъносини англатади) назарияси вужудга келди ва XIX асрда кенг тарқалди. Унинг асосида инсоннинг ҳар қандай меҳнати мулк яратади, демак, ижодкор инсон ақлий меҳнати ихтиролар, асарлар ва бошқа номоддий (вужудсиз, жисмсиз) объектларни яратади деган ғоя ётади. Ушбу назария Европанинг роман ҳуқуқ тизими амал қилган давлатларида кенг тарқалди. Ушбу мамлакатларда ижодий ютуқлар яртаувчиларининг ҳуқуқлари мулк ҳуқуқига тенглаштирилди, баъзан эса ижодий фаолият маҳсуллари бевосита кўчар мол-мулкларга мансуб деб белгилаб қўйилди. Мулк назарияси билан боғлиқ равишда саноат мулки, адабий-бадиий мулк, интеллектуал мулк иборалари муомалага киритилди ва улар халқаро ҳужжатларда ўзининг легал ифодасини топди (1883 йилда амалга киритилган саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, 1886 йилда адабий – бадиий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Берн Конвенцияси ишлаб чиқилди, 1967 йилда Стокгольмда Бутунжаҳон интеллектуал мулк Ташкилоти (БИМТ) ни таъсис этиш тўғрисида Конвенция тузилди ва ҳ.к.).

Гарчи интеллектуал мулк назарияси ижодкор инсонлар ҳуқуқларини эътироф этиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ижобий натижалар берганига қарамасдан бориб унинг заиф нуқталари ҳам мавжуд эди. Бу мулк ҳуқуқи тўғрисидаги барча нормаларни интеллектуал мулк объектларига нисбатан бевосита қўллаб бўлмасликда ўз ифодасини топади. Пауллет, П.Розенберг каби олимлар интеллектуал мулк унинг номоддий эканлиги сабабли махсус тартибга солишни талаб этувчи алоҳида турдаги мулк, патентлар эгалари, муаллифлик ҳуқуқи ва товар белгилари субъектлари мулк ҳуқуқининг объектлари бўлиб кўринмас ва вужудсиз ашёлар ҳисобланади деб ушбу заиф нуқталарни бартараф этишга уриндилар.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини табиатини изохлашда интеллектуал ҳуқуқлар назарияси ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. 1879 йилда



бельгиялик юрист Э.Пикар "интеллектуал ҳуқуқлар" иборасини муомалага киритди. Ушбу назарияга муаллифлар, патент эгалари ҳуқуқлари *sui generis* яъни фуқаролик ҳуқуқларини анъанавий равишда ашаёвий, мажбурият, шахсий ҳуқуқларга бўлиш доирасига кирмайдиган алоҳида турдаги ҳуқуқлар сифатида қараш лозим деган ғоя асос бўлди. Бундай ҳуқуқлар ашёга нисбатан мулк ҳуқуқидан амал қилиш вақти ва худуди (макон ва замон), муҳофаза ҳажми, фойдаланиш хусусиятлари билан фарқ қилади. Махсус интеллектуал ҳуқуқлар назарияси тарафдорларининг кўпчилиги "интеллектуал мулк" иборасини қўллашга қаршидирлар.

Кейинчалик Й.Коллер томонидан номоддийлик ҳақидаги назария (имматериал назария) ишлаб чиқилди ва В.Еременконинг фикрича у муаллифлик ва патент ҳуқуқини ривожда муҳим ва жиддий таъсир қилади<sup>1</sup>. Ушбу назария мазмунида мулк ҳуқуқидан фарқли равишда муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқлари шахсий (номоддий) ҳуқуқлар ва мулкӣ ҳуқуқларни бирикмасидан (комбинациясидан) иборат деган ғоя ётади.

Россиялик таниқли цивилист олим А.П.Сергеев ҳам ушбу назарияга ўхшаш мулоҳазаларни баён этади: "Ҳозирги вақтда муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини икки ёқлама табиатини амалда ҳеч ким шубҳа остига олмайди. Бир томонда ижодий натижа яратувчисига ундан фойдаланиш ҳуқуқи тегишлидир. Ушбу ҳуқуқ мутлақ характерга эга ва эркин равишда бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуққа мансуб ва ўзининг қатор белгиларига кўра ҳақиқатан ҳам мулк ҳуқуқи билан ўхшашдир. Бошқа томондан, муаллиф муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ ва шу каби шахсий номулкӣ ҳуқуқлар мажмуининг соҳибидир. Ушбу ҳуқуқлар ўз табиатига кўра унинг соҳибидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Айни вақтда мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлар ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, улар мустаҳкам тарзда ўзаро боғлиқ, ўзаро чатишиб кетган ва шундай ҳолатда узвий бирликни ташкил этади"<sup>2</sup>.

Шахс назарияси О.Гирке асарларида ўзининг ифодасини топган. Ушбу назарияга кўра ижодкорнинг ҳуқуқи унинг шахсининг таркибий қисми, унинг ижодий фаолиятининг натижасидир. Ушбу ҳуқуқ номга бўлган ҳуқуқ, яшашга бўлган ҳуқуққа ўхшашдир. Ҳатто муаллиф ўз асарини чоп эттирганда, ихтирочи патент олган тақдирда ҳам

<sup>1</sup> Еременко В.И. ГК РФ и интеллектуальная собственность. Государство и право. 2003. №1, 4-бет.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. –М., Проспект, 2000. 13-14-б.

у ўзининг ички моҳиятига кўра шахсининг ягона ҳуқуқи бўлиб қолади деб кўрсатадилар ушбу назария тарафдорлари. Ушбу назария интеллектуал мулкнинг фақат бир жиҳатинигина қамраб олади, бироқ интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида ҳаракатда бўлишини таъминлай олмайди.

Табиий ҳуқуқлар, саноат мулки, интеллектуал ҳуқуқлар, номоддийлик, шахс назариялари М.Кузнецовнинг кўрсатишича хусусий-ҳуқуқий назариялар туркумига киради<sup>1</sup>.

Интеллектуал мулк моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилувчи назарияларнинг иккинчи туркуми оммавий – ҳуқуқий назариялардир. Улар ичида энг машҳурлари – шартномавий назария ва мутлақ (мустанасно) ҳуқуқлар назарияларидир.

Шартномавий назарияга кўра ижодкор сиёсий ҳокимият билан, давлат билан ўзига хос шартномавий муносабатда бўлади. Масалан, Е.Богатих, В.Левченконинг фикрича, патентни шартнома сифатида тушуниш патент-ҳуқуқий институтлар мазмунига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. Ихтирочи омма учун ўз ихтиросининг мазмунини очиб беради, бунинг эвазига давлат ихтирочининг муайян ҳуқуқлар билан таъминлайди ва уларни муайян муддат муҳофаза қилади. Ушбу муддат тугагач ихтиро умуминсоний бойликка айланади. Ушбу шартнома ҳар иккала тараф учун ҳам фойдали, ўзаро манфаатга асосланади<sup>2</sup>.

Бироқ В.Еременко ушбу назариянинг бир заиф нуқтасига аҳамият беради: агар патент шартнома бўлса, у ҳолда давлат шартномалар эркинлиги тамойилига асосан бундай шартномани тузмаслиги ҳам мумкин, бироқ амалда бундай эмас. Умумий қоидага кўра давлат қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча ихтироларга патент бериши шарт<sup>3</sup>. Шундай қилиб ушбу назария ҳам интеллектуал мулк моҳиятини тўла очиб бера олмайди, индивидуаллаштириш воситалари ва ошкор этилмаган ахборотларга нисбатан эса уларни асло қўллаб бўлмайди.

Кенг тарқалган назариялардан яна бири бу мутлақ (мустанасно) ҳуқуқлар назарияси ҳисобланади. Ушбу назария XIX аср охирларида вужудга келди. Унинг тарафдорларидан бири А.Пиленко қуйидагича ёзади: "Патент ҳуқуқининг моҳияти шундаки унинг соҳиби барча учинчи шахсларга қуйидагиларни тақиқлаб қўйиши мумкин:

<sup>1</sup>Кузнецов М.К. Охрана результатов творческой деятельности в международном частном праве. –М., 1988. 59-б.

<sup>2</sup> Богатих Е.А., Левченко В.И. Патентное право капиталистических и развивающихся государств. –М., 1978. 16-18-б.

<sup>3</sup> Еременко В.И. ГК РФ и интеллектуальная собственность. Государство и право. 2003. №1, 36-бет.

- 1) патентланган ихтирони ўзлаштириб олишни;
- 2) айнан ўшандай ихтирони қайтадан ихтиро қилишни;
- 3) худди шундай ихтирони патентлашни сўраб мурожаат қилишни. Ушбу ваколатлар патент берилгандан кейингина вужудга келади<sup>1</sup>. Э.П.Гаврилов ҳам мутлақ ҳуқуқ мазмунини шундай шарҳлайди: "мутлақ ҳуқуқ шундан иборатки, унинг соҳиби ушбу ҳуқуқдан фойдаланишни ҳар қандай учинчи шахсларга тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Айни вақтда мутлақ ҳуқуқлар соҳиби кўп ҳолларда ўзига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишни қисман ёки тўлиқ учинчи шахсларга ҳам топширишга ҳақли"<sup>2</sup>.

Ушбу назариянинг афзаллиги шундаки, у мутлақ ҳуқуқларни объектдан муайян доирадаги шахслар фойдаланиши учун реал имконият бўлган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди. Гарчи В.Еременко унинг заифлиги мутлақ ҳуқуқни тасарруф қилиш имкониятини чегараланганида<sup>3</sup> деб ҳисобласа ҳам асло ундай эмас. Унинг заифлиги асосий эътиборни мутлақ ҳуқуқларга қаратиб шахсий ҳуқуқларни назардан қочирганида намоён бўлади.

XX аср ўрталарида клиентела назарияси илгари сурилди (муаллифи – француз олими П.Рубье). Унга кўра патент ҳуқуқи таркиби доимий равишда ўзгариб турадиган ва мутлақо бошқача қонунлар таъсирида бўлган муайян доирадаги истеъмолчилар ҳуқуқидир<sup>4</sup>.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича ҳозирда кенг амал қилаётган доктрина унинг қўшалок негизга эга эканлигига асосланади. Ушбу қўшалок негиз мулкий ва шахсий ҳуқуқлардан иборат. Ушбу доктринани асослаб беришда француз олими Р.Дюманинг хизмати катта. Ушбу назария мазмуни дунёнинг кўпгина мамлакатларининг интеллектуал мулкка бағишланган нормаларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг IV бўлими ҳам шулар жумласига кириди.

Бироқ ҳеч қайси назария интеллектуал мулк моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Шу сабабли баъзи адабиётларда интеллектуал мулкка нисбатан ўзига хос илмий назарий асос қидириш давом этмоқда. Кейинги вақтларда Россиялик цивилист олим В.Еременко ҳам бунга уриниб кўрди. Унинг фикрича номоддий неъматларга нисбатан

<sup>1</sup> Пиленко А. Право изобретателя. Т.1. С-Пб. 1902. 288-б.

<sup>2</sup> Гаврилов Э. Право на интеллектуальную собственность в новом ГК РФ. // Государство и право. 1995. №11. 63-64-бетлар.

<sup>3</sup> Еременко В.И. Ўша асар. 37-б.

<sup>4</sup> Еременко В.И. Ўша асар. 37-б.

ҳуқуқлар моҳиятига нисбатан ҳар томонлама, комплекс ёндашув бўлмагани сабабли ҳозирга қадар бунга муваффақ бўлинмаган. Шу сабабли ҳам олим ўзининг асосий эътиборини мутлақ ҳуқуқларга қаратади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан давлат томонидан берилган махсус муҳофаза мутлақ ҳуқуқлар шаклини олади. Одатда товарларга нисбатан интеллектуал мулк объектлари анчайин нозик ҳисобланади: кенг оммага унинг моҳияти маълум бўлиши билан интеллектуал мулкдор махсус ҳимояга муҳтож бўлиб қолади. Агар давлат ҳимоя қилмаса ушбу объект ундан даромад олиш мақсадида фойдаланиш учун зарур воситаларга эга бўлган ҳар кимса томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Кафолатланган ҳуқуқий муҳофаза мавжуд бўлмаса интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқишга муайян маблағлар сарфлаган шахс ўз харажатларини ҳам чиқариб ола олмайди ва оқибатда бундай турдаги фаолиятдан манфаатдор бўлмагани туфайли унга қизиқиши йўқолади. Демак, деб хулоса чиқаради В.Еременко, мутлақ ҳуқуқ жамиятда бадий ижодиётни ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришни рағбатлантиради<sup>1</sup>.

В.Еременко мутлақ ҳуқуқ мазмунини таҳлил қилар экан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи давлатнинг оммавий-ҳуқуқий ҳужжати асосида бериладиган легал монополия (қонуний якка ҳокимлик) шаклида намоён бўлади деб кўрсатади<sup>2</sup>. Шунини эътироф этиш лозимки, муаллиф муайян маънода ҳақ. Агар модомики интеллектуал мулкнинг аксарият кўпчилик объектлари моҳияти мутлақ ҳуқуқ билан боғлиқ экан, у ҳолда мутлақ ҳуқуқни асосий тушунча сифатида бўрттириб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар. Бироқ мутлақ ҳуқуқлар иборасини "интеллектуал мулк" ўрнига қўллаш ўринли бўлармикан? В.Еременко асос сифатида кўрсатадики АКШ, Япония, Германия, Австрия, Скандинавия мамлакатлари ва шу каби давлатларда "саноат мулки", "интеллектуал мулк" иборалари фақат халқаро шартномаларда, Конвенцияларда, халқаро ташкилотлар номларида, патент идоралари номларида қўлланилади. Ихтироларга нисбатан эса "мутлақ ҳуқуқлар" ибораси қўлланади. Шу сабабли ҳам, унинг фикрича МДХ давлатлари ҳам "интеллектуал мулк" иборасидан воз кечиб "мутлақ (мустасно) ҳуқуқ" ёхуд "мутлақ (номоддий) ҳуқуқ" иборасини қўллашлари лозим. Муаллифнинг (ихтирочининг) мутлақ (номоддий) ҳуқуқи – бу абсолют характерга ва икки ёқлама табиатга (шахсий ахлоқий) ва мулкӣ ҳуқуқларни узвий боғловчи субъектив фуқаролик ҳуқуқидир.

<sup>1</sup> Еременко В.И. ГК РФ и интеллектуальная собственность. Государство и право. 2003. №1, 38-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 39-б.

Ушбу ҳуқуқнинг мутлақлиги (мустаснолиги) унинг эгасининг шахси билан боғлиқлигида ҳам, ҳуқуқ эгасига ҳар қандай шахс қарши туриши мумкинлигида ҳам намоён бўлади. Мутлақ ҳуқуқнинг мулкӣ қисми таркибида антимонопол қонунчиликка асло зид келмайдиган, давлат томонидан тегишли муҳофаза ҳужжати бериш асосида тасдиқланадиган легал монополия ётади. Легал монополиyani позитив функциясини амалга оширишда мулк ҳуқуқи юридик конструкцияси баъзи элементлари, хусусан, муҳофаза қилинаётган объектларни тасарруф қилиш ваколатларидан фойдаланиш мумкин. Мутлақ (номоддий) ҳуқуқнинг абсолют характери унинг негатив функциясини, яъни учинчи шахсларга муҳофаза қилинаётган объектлардан фойдаланишни тақиқлаш бўйича ваколатларни белгилаб беради<sup>1</sup>.

Қозоғистонлик олим Т.Каудиров интеллектуал мулкнинг ҳолатини норматив тушуниш бўйича тўрт хил конструкция мавжуд деб ҳисоблайди:

- А) мол-мулкнинг ўзига хос тури, мулк ҳуқуқи объекти;
- Б) ижод маҳсули ва индивидуаллаштириш воситаси;
- В) фуқаролик ҳуқуқ лаёқати элементи;
- Г) муайян субъектга тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқ.

У интеллектуал мулкни мутлақ ҳуқуқ билан айнийлаштиришга қарши, чунки объектни ифодаланиш хусусиятлари кучига кўра "интеллектуал мулк ҳуқуқи" ҳуқуққа бўлган ҳуқуқдан бошқа нарса эмас. Энг асосийси, у интеллектуал мулк ҳуқуқига шундай таъриф беришни таклиф этади: "интеллектуал мулк ҳуқуқи ижодий интеллектуал фаолиятнинг объективлаштирилган натижаларига ва уларга тенглаштирилган юридик шахсларнинг индивидуаллаштириш воситалари, жисмоний ёхуд юридик шахс маҳсулотлари, улар кўрсатадиган хизматлар, бажарадиган ишларнинг индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан шахсий номулки ва мулкӣ ҳуқуқлар мажмуи кўринишидаги муҳофазаланадиган ахборотларга бўлган ҳуқуқнинг бир турдир"<sup>2</sup>.

Юқорида интеллектуал мулк бўйича илмий назариялар умумий тарзда кўриб чиқилди. Ушбу назарияларнинг ҳар бири цивилистика фани ривожиди муайян аҳамиятга эга ва ўз даврида интеллектуал мулк моҳияти, ўзига хос хусусиятларининг айрим қирраларини очиб берди ва ҳуқуқий тартибга солишда муайян нормаларни вужудга келтирди. Ушбу назарияларнинг қай бири тўғрироқ деган савол қўйиш

<sup>1</sup> Еременко В. Ўша асар 41-б.

<sup>2</sup> Каудиров Т.Е. Гражданско-правовая охрана объектов промышленной собственности в Республике Казахстан. Докторлик диссертацияси автореферати. -Алматы. 2002. 18-19-б.

ва бунга ҳакамлик қилиш ноўрин бўлур эди. Илмий техника тараққиёти олға қараб борган сари, ижтимоий ҳаёт ривожланиб борган сари янгидан янги объектлар вужудга келади ва ҳатто айтиш мумкин уларнинг баъзилари мавжуд илмий назариялар доирасига сиғмаслиги мумкин. У ҳолда уларни изоҳлаш учун янги илмий назариялар ишлаб чиқишга зарурат туғилади. Бу жараён табиий ва шу сабабли ҳар қандай даврга, ҳар қандай объектга ҳозиржавоб илмий назария яратишга уриниш истиқболга эга эмас. Бироқ ҳозирча ФКда ўз мужассамини топган интеллектуал мулк конструкцияси мавжуд реаллик эҳтиёжларига қаноатланарли жавоб беради ва шу сабабли ундан воз кечиб, уни қандайдир "ҳуқуқлар мажмуи" билан алмаштириш оқилона бўлмаган бўлур эди.

### **3 §. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари**

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда бу объектларга нисбатан субъектив ҳуқуққар соҳиби ҳуқуқларининг қонуний жиҳатдан қўриқлашини вужудга келтириш асослари тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк объекти ўз-ўзидан ҳуқуқий муҳофаза остига олинмайди, балки бу объектга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга бўлган шахслар (муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, мутлақ ҳуқуқлар соҳибининг ҳуқуқлари, лицензия асосида фойдаланувчининг ҳуқуқлари, аввалдан фойдаланувчининг ҳуқуқлари ва шу кабилар) ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза остига олинади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза остига олиш:

- уларнинг яратилганлилик факти асосида;
- ФКда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

Интеллектуал объектларнинг қуйидаги турлари бўйича уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилиши (вужудга келиш) факти асосида содир бўлади:

- фан, адабиёт, санъат асарлари;
- ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ижролар, ижроларни саҳналаштириш, эшитгириш ва кўрсатувлар;

- топологик ва интеграл схемалар.

Бунда объект ижодкор томонидан оғзаки, ёзма, тасвир шаклида ёки бошқалар томонидан идрок этиш (қабул қилиш) учун имкон берадиган бошқа объектив шаклда мужассам этилиши билан яратилган ҳисобланади. Бинобарин, шу вақтдан бошлаб унга нисбатан бошқа шахсларда субъектив ҳуқуқлар вужудга келади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Бундай ҳолда объектдан учинчи шахсларнинг фойдаланган бўлиши, объект рўйхатдан ўтказилиши ёки бошқа расмиятчиликларга риоя этилиши талаб этилмайди. Ҳатто объект кейинчалик рўйхатдан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги қоида мавжуд бўлса ҳам (масалан, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари учун давлат рўйхати мавжуд) бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳолатига таъсир этмайди. Бунда интеллектуал мулк объектлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки хорижий давлат ҳудудида яратилганлиги факти аҳамиятга эга эмас.

Интеллектуал мулкнинг бир қатор объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ФКда ёки бошқа қонунларда (масалан, «Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари тўғрисида»ги Қонун, Селекция ютуқлари ҳақидаги қонун ва шу кабилар) белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши орқали вужудга келади. Бунинг учун интеллектуал мулк объектига нисбатан ўз субъектив ҳуқуқларининг эътироф этилишига ҳақли бўлган манфаатдор фуқаро ёки юридик шахс белгиланган тартибда ваколатли давлат органига мурожаат этиши ва ўз талабини асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Талаб қаноатлантирилган ҳолларда ваколатли давлат органи фуқаро ёки юридик шахсни интеллектуал мулк объектига нисбатан субъектив ҳуқуқлари муҳофаза остига олинганлигини билдирувчи ҳужжат (патент, гувоҳнома, қайд этилганлик ҳақидаги шаходатнома), ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи беради. Ваколатли давлат органи бундай талабни рад этган тақдирда бу ҳақда асослантирилган қарор чиқаради. Қарор устидан Апелляцион кенгашга ёки судга қонунларда белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи (кўп объектлар бўйича бундай орган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси ҳисобланади) ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи беришда қуйидаги ҳолатларни, албатта, ўрганиб чиқади:

а) ҳуқуқий муҳофаза берилиши сўралаётган объект интеллектуал мулк объекти сифатида тегишли хусусиятларга эгами, йўқми;

б) ўз номига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилишини сўраб мурожаат қилаётган фуқаро ёки юридик шахс талаби қонуний асосларга эгами, йўқми;

в) ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилиши бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмайдами ва ҳоказо.

Айрим турдаги интеллектуал мулк объектларини ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳуқуқий қўриқланиши бўйича тартиб белгиланганлигининг аҳамияти шундан иборатки, бунда, биринчидан, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи интеллектуал мулк объектларининг сифат-жиҳатидан тегишли талабларга жавоб бера олиши лозимлигини, иккинчидан, номига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган шахснинг субъектив ҳуқуқларини тасдиқловчи ва бу ҳуқуқларнинг бошқалар томонидан риоя этилишини таъминловчи восита эканлигини гувоҳлантиради. Айни вақтда бундай тартиб ҳуқуқий муҳофаза вужудга келиши ва унинг амал муддатларини белгилашда баҳс-низоларга ўрин қолдирмайди, шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳудудларида ушбу объектга нисбатан худди шундай муҳофаза ёрлиғини олишни осонлаштиради. Баъзи объектлар бўйича эса бундай объект яратувчиси бўлган ижодкорнинг муаллифлик шахсий ҳуқуқларини ҳам ўзига хос тарзда гувоҳлантиради. Объектга нисбатан ҳуқуқий ёрлиқ мавжудлиги номига ёрлиқ берилган шахснинг субъектив ҳуқуқлари бузилган тақдирда суд йўли билан ҳимоя қилиш учун асос бўлади.

Интеллектуал мулк куйидаги объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилиши асосида вужудга келади:

- ихтиро, саноат намунасига нисбатан патент берилади;
- фойдали моделга нисбатан гувоҳнома берилади («Ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси);
- селекция ютуқларига нисбатан патент берилади;
- товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан у давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома берилади;
- фирма номи давлат рўйхатидан ўтказилиб (реестрга киритилиб) бу ҳақда далолатнома берилади;
- товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилиб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғида объект номи, унинг алоҳида хусусиятлари, ушбу объ-



ект муаллифи (ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, селекция ютуқларига нисбатан ҳуқуқлар соҳибининг номи) ҳуқуқий муҳофаза муддатининг бошланиш ва бекор бўлиш вақти, ушбу ёрлиқни берган ваколатли давлат органи номи кўрсатилади, унинг раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади. Фирма номига берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғининг амал қилиши муддат билан чегараланмайди. Товар (хизмат кўрсатиш) белгиси, товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ бўйича берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи амал қилиш муддати ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда узайтириб турилиши мумкин. Саноат намунаси ва фойдали моделга нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи чекланган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олинishi шарт бўлган интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар бундай ёрлиқ олинмаган ҳолларда суд ёки бошқа давлат органлари томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳар қандай давлат органи ёки жамоа ташкилоти томонидан эмас, бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат идораси томонидан берилиши лозим.

Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши Ўзбекистон Республикаси иштирокида халқаро конвенциялар, шартномалар, икки ёки кўп томонлама битимлар ёхуд Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат идоралари томонидан рўйхатдан ўтказдирилиши ёки тегишли ҳуқуқий ёрлиқ берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш қонунларда белгиланган қатор шартлар асосида (ФКнинг 98-моддаси, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-5-моддалари, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-3-моддалари) белгиланади. Кўп ҳолларда бундай шартлар асосида ошкор этилмаган ахборот соҳибининг бу ахборотга нисбатан фактик монопол ҳолати ётади. Фактик монопол ҳолат қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида мавжудлигини билдиради:

а) ошкор қилинмаган ахборот учинчи шахсларга номаълум бўлиши;

б) худди шу номаълумлиги сабабли у ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши;

в) учинчи шахсларга бундай ахборотдан қонуний асосларда эркин баҳраманд бўлиши (танишуви, хабардор бўлиши, фойдаланиши) имкониятлари бўлмаслиги;

г) ахборот соҳиби унинг махфийлиги (сирлигини)ни сақлаш бўйича барча чораларни кўрган бўлиши шарт.

Фактик монопол ҳолатини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш, рўйхатдан ўтказиш (бундай ахборот ноу-хау сифатида лицензия шартномаси асосида берилиши ҳолларидан ташқари) ёки бошқа расмийлаштирилган тартибда расмийлаштирилиши лозим эмас.

Ошкор этилмаган ахборот соҳибининг ҳуқуқларига учинчи шахсларнинг инсофсиз ҳаракатлари, фирмом рақобат (саноат жосуслиги, ходимни сотиб олиш) орқали путур етказилганда суд йўли билан ҳуқуқий муҳофаза остига олинади.

Ошкор этилмаган ахборотлар учинчи шахслар томонидан инсофли асосларда олинганда ёки у томонидан мустақил равишда изланиш асосида топилганда ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқ соҳибининг субъектив ҳуқуқлари ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди (чунки бунда у фактик монопол эгалик мавқеидан амалда маҳрум бўлади).

#### **4 §. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар**

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан унинг муаллифининг шахсий ҳуқуқлари деганда, мулкӣ мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор-яратувчи сифатидаги мавқеини эътироф этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлақ ҳуқуқлари тушунилади ва ҳуқуқлар муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бировга етказилиши, яъни муаллифдан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуқлар мазмуни, доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида ўзига хос тарзда белгиланади. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллиф шахсий ҳуқуқлари доираси кенг (муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ, муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, асарни чақириб олиш ҳуқуқи ва ҳоказо). Баъзи объектлар бўйича эса (масалан, селекция ютуқларида) шахсий ҳуқуқ объект муаллифи сифатида тан олинishi ҳуқуқи билан кифояланади.

Интеллектуал фаолият натижалари муаллифи шахсий ҳуқуқлари билан бир қаторда, ушбу натижага нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга ҳам эга. Мулкӣ ҳуқуқ мазмуни муаллифнинг ушбу ўзи яратган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиши, бошқаларга ҳақ эвазига фойдаланишга бериш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун рухсат бериш ёхуд ҳақ эвазига бу натижага нисбатан ҳуқуқларни бошқаларга етказиш имкониятлари билан белгиланади.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳажми тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар (ФКнинг 1034-моддаси) муаллифнинг ўзига эмас, бошқа шахсга тегишли бўлса, муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасига мулкӣ ҳуқуқлари чекланган тусга эга бўлади (масалан, муаллифлик ҳуқуқида эргашма ҳуқуқ ёки улуш ҳуқуқи, селекция ютуқлари бўйича селекционерларнинг патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқи, ихтирочининг ихтиродан илмий-тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказо).

Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий ҳуқуқлар фақат ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг ўзига тегишли бўлади, мулкӣ ҳуқуқлар эса, учинчи шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин (масалан, объект буюртма асосида яратилганда). Мулкӣ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлиши; у бошқаларга ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши, гаров предмети бўлиши, мерос тартибида ўтиши мумкин. Шахсий ҳуқуқлар эса ижодкор-муаллифнинг шахси билан боғлиқ, ундан бегоналаштирилиши, бировга ўтказилиши мумкин эмас. Бинобарин, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида қандай ҳаракатда бўлишидан қатъи назар, шахсий ҳуқуқлар фақат ижодкор-муаллифнинг ўзида сақланиб қолади ва мулкӣ ҳуқуқлардан фойдаланувчилар ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг шахсий ҳуқуқларига риоя қилишлари шарт. Масалан, асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқни сотиб олган нашриёт асарни нашр этишда муаллиф номини кўрсатиши, асар дахлсизлигига риоя қилиши лозим.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга

нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкӣ ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқлар интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан бўлган ҳуқуқлар каби икки турга, яъни шахсий ва мулкӣ тусдаги ҳуқуқларга бўлинади ва демак, унга икки хил тусдаги ҳуқуқ сифатида қаралади. Биноба-ин, алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқи нафақат мулкӣ, айна вақтда шахсий тусда ҳам бўлади. Бироқ бу ҳуқуқ маълум тартибда ва шартларга риоя қилинган ҳолда ҳақ эвазига ёки текин, вақтинча бошқаларга ўтказилиши, фойдаланиш учун берилиши мумкин бўлади (фирма номига бўлган ҳуқуқдан ташқари).

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиши ҳуқуқи) шахсий номулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Интеллектуал фаолият натижасида ихтиро ёки асарни ўз ақлий, ижодий фаолияти - меҳнати билан яратган шахс ушбу натижанинг муаллифи деб тан олинади, эътироф этилади. Бу ҳуқуқ ижодий фаолият маҳсулига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи деб аталиб, барча қолган шахсий ҳуқуқларнинг ўзагини ташкил этади, бошқа шахсий ҳуқуқлар ушбу ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирдагина, ундан келиб чиқувчи ўзига хос ҳосила иккиламчи ҳуқуқ ҳисобланади. Муаллиф сифатида тан олишга бўлган ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра, шахсий номулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади, яъни у, биринчидан, ижодкор-яратувчи шахси билан боғлиқ, иккинчидан, мулкӣ-иқтисодий мазмунга эга эмас, учинчидан, ҳуқуқ соҳибининг ўзидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқ ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Ижодий хусусиятларга эга бўлмаган, одатдаги, механик тусдаги меҳнати билан ижодий фаолият натижасини яратишда қатнашган шахслар муаллиф ҳуқуқига эга бўлмайди (масалан, ихтирочи чизмаси асосида ихтиро қурилмасини ясаган чилангар ва ҳоказо).

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, берилмайди. Ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллиф ҳуқуқи ижодкор яратувчисининг ўзигагина тегишли, унинг ўзидан ҳар қандай тарзда, ҳар қандай асосда бегоналаштирилиши, бошқа бировга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабдан муаллифлик ҳуқуқини битим ёки шартнома

асосида бошқа бировга ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш) ёки ундан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш муаллифнинг ўз эрки, ихтиёри ва хоҳиши билан содир бўлса ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Бинобарин, бир шахс иккинчи шахс учун унинг номидан диссертация ёзиб бериши, асар ёзиб бериши ҳақидаги келишувлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва қонунга номувофиқ битим саналади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Агар ижодий фаолият натижаси (ихтиро, асар) икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланади. Ҳаммуаллифлар шахсий ҳуқуқлари умумий қоидалар бўйича тенг ҳажмда бўлиши эътироф этилади. Мулкӣ-ҳуқуқлар ҳажми эса ҳаммуаллифлар ўртасида ўзаро келишув асосида белгиланади ва нотенг ҳажмда бўлишига йўл қўйилади. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари бўлиб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин. Ушбу қоида интеллектуал мулк объектини яратишда ғоят кўпчилик қатнашадиган турларга нисбатан амал қилади. Масалан, кинофильм худди шундай объект ҳисобланади. Бу жараёнда кўпчилик ўз ижодий меҳнати билан қатнашсада, кинофильм муаллифи бўлиб сценарий муаллифи, саҳналаштирувчи режиссёр, бош оператор, бош расом ва шу каби чекланган доирадаги шахслар ҳисобланади.

Яратилиш факти сабабли ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектларга нисбатан муаллиф ҳуқуқлари ушбу яратилиш факти асосида вужудга келади ва расмиятчиликларга риоя этилиш талаб қилинмайди. Ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳуқуқий муҳофаза остига олиннадиган интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати ёки бошқа ҳужжат асосида гувоҳлантирилади. Барча шахсий ҳуқуқлар каби муаллиф-яратувчи ҳуқуқлари муддасизт ҳимоя қилинади.

## **5 §. Мутлақ ҳуқуқ тушунчаси ва унинг мазмуни**

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мутлақ ҳуқуқлар дейилганда бундай ҳуқуқ соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлилигини ва айна вақтнинг ўзида

бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади.<sup>1</sup> Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкӣ ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас, уларнинг фарқлари ҳақида юқорида муфассал тўхтаб ўтилган эди.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда, ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ушбу мутлақ ҳуқуқлар ўз характери ва мазмунига кўра мулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганда ҳуқуқ соҳибининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбурлашсиз, тазйиқларсиз фойдаланиш тушунилади.

Объектлардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш дейилганда ундан турли объектив шаклда — қўлёзма, босма асар, аппарат, қурилма, этикетка, ҳар хил ёрлиқпар, макет, иншоотлар, ҳайкаллар ва шу кабиларда ҳамда турли воситалар ёрдамида қўлёзма шаклида тарқатиш, нашр этиш, оғзаки ўқиш, реклама проспектиларига жойлаштириш, қурилишларда мужассамлаштириш ва ҳоказо усулларда эксплуатация қилиш, фойдаланиш тушунилади.

Объектдан фойдаланиш шакллари ва усуллари қонун йўл қўйган асосларга тўла мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун мутлақ ҳуқуқ соҳиби белгиланган талабларга риоя қилмоғи шарт. Масалан, янги ихтиро асосида автомобиль ясаган ихтирочи бу автомобилни тегишли давлат идораларида (масалан, Давлат автомобиль инспекциясида) қайд эттирган бўлиши шарт. Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларига нисбатан товар белгилари болалар муассасаларида реклама проспектилари орқали жойлаштирилиши мумкин эмас. Янги доридармонлар яратган шифокор ундан фойдаланишда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда интеллектуал мулк объектдан бундай фойдаланиш қонуний фойдаланиш ҳисобланмайди.

---

<sup>1</sup> Гражданское право. –М.: Бек, 1994. Т.1, 314-бет.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига ф-қат ҳуқуқ эгаси розилиги билан йўл қўйилади.

Агарда мутлақ ҳуқуқ бир неча шахсга тегишли бўлса (масалан, муаллифларга) учинчи шахслар мутлақ объектдан фойдаланиш учун барча ҳуқуқ соҳибларидан рухсат олоғи шарт.

Мутлақ ҳуқуқ соҳибидан олинадиган учинчи шахсларнинг объектдан фойдаланишга розилиги очиқ-яққол ифодаланган бўлиши, тегишли ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Индамаслик, сукут розилик аломати ҳисобланмайди.

Интеллектуал мулкнинг кўпгина объектларидан бир вақтнинг ўзида чексиз доирадаги учинчи шахсларнинг фойдаланиши имконияти мавжуд бўлади, бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим фақат мутлақ ҳуқуқ соҳибининг рухсати асосидагина фойдаланишлари шарт.

Интеллектуал мулк объектдан мутлақ ҳуқуқ эгаси рухсатини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли фуқаролик-ҳуқуқий тартибда жавобгар бўладилар. Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга, учинчи шахслардан ҳуқуқ бузилиш ҳаракатларини тўхтатишга, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини учинчи шахслар ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар ФК ҳамда бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Умумий қоидага кўра, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуқ сифатида фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлади. У турли битимлар ва шартномалар предмети бўлиши мумкин. Бинобарин, интеллектуал мулк объектига бўлган мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни ҳақ эвазига ёки текин ҳолда бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш, маълум чекланган қоидада фойдаланишга рухсат бериш ва ҳоказо) га ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказди, демак, бу ҳуқуқни ўзидан тўла бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг маълум қисмини ўзида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисмини учинчи шахсларга ўтказди.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказишни ҳуқуқий расмийлаштириш шартлари ва тартиби ФКнинг 1035-моддасида белгилаб қўйилган.

Интеллектуал мулк объектдан бошқа шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериш бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳибининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишга рухсат беришда мутлақ ҳуқуқ шу ҳуқуқ соҳибининг ўзида қолади, ундан бегоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда объектдан фойдаланиш ҳуқуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари ва тартиби мутлақ ҳуқуқ ва фойдаланувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси ўз ҳуқуқини ФК ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни ўз мажбурияти ёки учинчи шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровга қўйиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқини қонунда ман этилган тарзда тасарруф қилишга ҳақли эмас. Ҳуқуқни тасарруф этишнинг қонун ман этган усули ФКда ёки амалдаги қонунларда бевосита кўзда тутилади. Масалан, конституциявий тузумга қарши, уруш, миллатлараро адоват, беҳаёликни тарғиб этувчи асарларни тарқатиш (ҳақ эвазига ёки текин) қонунга асосан ман қилинади. Юридик шахс қайта ташкил этилмаган ёки бошқа шахсга ўтказилмаган ҳоллардан ташқари, юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи бошқаларга ўтказилишига рухсат берилмайди.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишига ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ФКда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.

Қуйидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ соҳибининг мутлақ ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари, тартиби қонунларда назарда тутилган:

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси);



- селекция ютуқларидан («Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси);

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларидан («ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси);

- муаллифлик ҳуқуқи объектларидан (ФКнинг 1058—1061-моддалари).

Мутлақ ҳуқуқлар интеллектуал мулк объектидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига имконият бериш орқали қонунларда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин. Бундай ҳолатлар қуйидаги объектларга нисбатан мавжуд:

- саноат мулки объектларидан «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналар тўғрисида» ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда учинчи шахслар фойдаланиши учун мажбурий лицензия бериш тартибида;

- саноат мулки объектларидан аввалдан фойдаланиб келувчи шахсларга («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси);

- ошкор этилмаган ахборотлардан фойдаланиш (ФКнинг 1086-моддаси 4-қисмида белгиланган ҳолларда);

- муаллифлик ҳуқуқи объектларидан («Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 24-32-моддалари).

Фирма номи, товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни чеклаш қонунларда назарда тутилмаган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳам амалдаги қонунларда аниқ белгилаб қўйилган:

- саноат мулки объектларига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиқлари ҳуқуқий муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган объектларга нисбатан ёки ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олишга ҳақли бўлмаган шахс номига берилган ҳолларда;

- селекция ютуқларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган ҳолларда;

- товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда;

- бошқаларнинг асарларини ўзлаштириш орқали ушбу асарларга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг бундай ўзлаштириши натижасида олган ҳуқуқи ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топиш бундай ҳуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берган ваколатли давлат органи, Апелляция кенгашлари ёки суд томонидан (муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан) амалга оширилади. Бунда мутлақ ҳуқуқ аввал бошдан (қарор чиқарилган пайдан эмас) ҳақиқий саналмайди. Бинобарин, мутлақ ҳуқуқи ҳақиқий эмас деб топилган шахснинг бундай ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида олган барча даромадлари мутлақ ҳуқуқнинг ҳақиқий эгаси фойдасига ундирилиши мумкин.

Баъзи интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бошқа асосларда муддатдан олдин бекор бўлиши ҳам мумкин: масалан,

- селекция ютуқларига нисбатан («Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддаси);

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси 1-қисми 2—3-бандлари);

- товар (хизмат) белгиларига нисбатан Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси 1-қисми, 2-қисмининг 2,4,5,6-бандлари).

- муаллифлик ҳуқуқлари объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқдан ихтиёрий воз кечган ҳолларда;

- ошкор этилмаган ахборотлар уларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши шартларидан (ФКнинг 98-моддаси) бири мавжуд бўлмай қолган ҳолларда унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳам бекор бўлади.

Мутлақ ҳуқуқни ҳақиқий эмас деб топишда мутлақ ҳуқуқ илгаридан мавжуд эмас деб ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ муддатидан олдин бекор бўлганда эса у бекор қилингунга қадар мавжудлига тан олинади ва фақат кейинги давр учун ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирмайди.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга бундай чеклаш интеллектуал мулк объектидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини камситмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Қонунлар интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни чеклаш, энг аввало, ижтимоий ва давлат манфаатларини назарда тутиб белгиланган. Лекин бу чеклашлар қонунда қатъий бел-

гиланган ҳолларда, шартларда ва тартибда амалга оширилади. Бундай чеклашлар натижасида учинчи шахслар интеллектуал мулк объектдан вақтинчалик, қисман ва маълум бир мақсадлардагина фойдаланишга ҳақли бўладилар (баъзи ҳолатларда фақат ҳақ эвазига). Бундай чеклашлар асосида учинчи шахсларда мутлақ ҳуқуқ асло вужудга келмайди.

Интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар етказиш, энг аввало, мутлақ ҳуқуқ соҳибининг бу объектдан фойдаланиш имкониятлари чекланишида, турли тўсқинликларда намоён бўлади. Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасининг қонуний манфаатлари камситилиши унинг объектдан келатган ёки оладиган даромадларининг камайишида, шахсий ҳуқуқларининг бузилишида намоён бўлади. Агар мутлақ ҳуқуқни чеклашлар юқоридаги оқибатларга олиб келса, ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг суд орқали ҳимоя этилишини талаб қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкӣ ҳуқуқлар, агар ФКда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек, бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқӣ ворислик тартибида ўтади.

Ушбу белгиланган қоидага интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкӣ ҳуқуқлар ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бунда назарда тутилган ҳуқуқлар фақат мулкӣ тусга эга бўлади, шахсий ҳуқуқларга нисбатан ушбу қоида тааллуқли эмас. Ўтказилаётган мулкӣ ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқиши ва фақат ҳуқуқ эгасига тегишли бўлиши шарт. Мулкӣ ҳуқуқлар деганда интеллектуал мулк объектдан шахсан фойдаланиш ёки уни ҳақ эвазига фойдаланишга бериш бўйича ҳуқуқ эгасига тегишли ваколатлар тушунилади.

Мулкӣ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлади ва бундай ҳуқуқ учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкӣ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси унинг маълум қисмини ўзида сақлаб қолиб, қолган қисмини ўтказади. Мулкӣ ҳуқуқлар фақат шартнома асосида ўтказилади. Шартнома мулкӣ ҳуқуқ эгаси ва ҳуқуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 26-боби (Шартнома

тушунчаси ва шартлари), 28-боби (Шартнома шартларини ўзгартириш ва шартноманинг бекор бўлиши)да белгиланган қоидалар қўлланилади.

Шартнома тузувчи тарафлар — интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ва мутлақ ҳуқуқдан вужудга келувчи мулкӣ ҳуқуқлар ўзига ўтказилаётган шахс номлари, агар мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқӣ муҳофаза ёрлиғи асосида вужудга келган бўлса, ушбу ёрликнома ва қайд рўйхати рақами, унинг амал қилиш муддати, ўтказилаётган мулкӣ ҳуқуқ мазмуни ва ҳажми, ундан фойдаланиш шартлари, муддати, агар шартнома ҳақ бараварига тузилаётган бўлса, тўланадиган ҳақ миқдори ва тўлаш тартиби, мулкӣ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ундан фойдаланиш устидан ҳуқуқ эгасининг назорат қилиш бўйича ваколатлари, тарафларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва ҳоказолар кўрсатилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт. Шартнома шакли турли интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари учун турлича бўлиши қонунларда белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар ўтказилганда, шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиши лозим. Мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан берилган ҳуқуқӣ муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) асосида вужудга келган бўлса, бунда мулкӣ ҳуқуқни ўтказиш ҳақидаги шартнома ёзма тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиб, ваколатли давлат идорасининг рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу қоида ноу-хауга нисбатан ҳам амал қилади. Акс ҳолда шартнома ҳақиқӣ саналмайди.

ФКда ва амалдаги қонунларда айрим интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи мулкӣ ҳуқуқларнинг ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсларга ўтказиш масаласида юқоридаги қоидалардан истиснолар мавжуд. Масалан, ФК 1110-моддаси 2-қисмига асосан, товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди ва мабодо шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳақиқӣ саналмайди. ФКнинг 1101-моддасида фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, у юқоридаги умумӣ қоидалардан фарқ қилади. ФКнинг 1105-моддаси 2-қисмига асосан, товар белгисига бўлган ҳуқуқни, башарти

у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқ эгаси вафотидан кейин мерос тартибида қонуний меросхўрларга ёки васият асосида бошқа шахсларга ўтади. Бунда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан ФКнинг V бўлимида ворислик ҳақидаги белгиланган нормалар қўлланилади. Интеллектуал мулк объектларига мутлақ ҳуқуқлар эгаси юридик шахс бўлса, бундай юридик шахс қайта ташкил этилган ҳолларда (уни бошқа бир юридик шахс билан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш – ФКнинг 49-моддаси) мутлақ ҳуқуқ ворислик тартибида янги ташкил этилган юридик шахсга ўтади. Қайта ташкил этишнинг бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш ҳолларида янги вужудга келган юридик шахсларнинг қайси бирига мутлақ ҳуқуқ ўтиши уларнинг ўзаро келишуви асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Мерос тартибида ва ҳуқуқий ворислик тартибида мутлақ ҳуқуқларнинг ўтиш факти нотариус томонидан берилган мерос гувоҳномаси, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи мавжуд бўлса, ушбу ёрлиқни мутлақ ҳуқуқни янги эгаси номига расмийлаштириш ҳақида ваколатли давлат идорасининг тегишли ҳужжати олиниши ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқларининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқлар ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ҳақиқий эмас.

Ушбу қоида ижодий фаолият натижасининг яратувчиси бўлган муаллифнинг бу натижаларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ҳолатига тааллуқлидир. Бундай ҳолда агарда муаллиф мутлақ ҳуқуқдан келиб чиқувчи мулкий ҳуқуқларни шартнома асосида бошқа, учинчи шахсларга ўтказса ёки муаллиф вафоти туфайли бундай мулкий ҳуқуқлар универсал ворислик тартибида ҳуқуқлар ворисларига ўтса, муаллиф шахсий ҳуқуқлари, бошқа мутлақ ҳуқуқлар (унинг ўзидан бегоналаштирилмайдиган ва бошқа бировга ўтказилмайдиган) асло бекор бўлмайди, чекланмайди ёки уларнинг ҳам шартнома асосида учинчи шахсларга ёки ворисларга ўтишига олиб келмайди. Ҳатто мутлақ ҳуқуқ соҳиби муаллифнинг ўзи бўлмай, бошқа шахс бўлган

тақдирда ҳам, мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи бошқа мулкӣ ҳуқуқлар бу ҳуқуқлар эгаси томонидан шартнома асосида учинчи шахсга ёки универсал ворислик тартибида ворисларга ўтган тақдирда ҳам бу ҳолат муаллифнинг ҳуқуқини ҳамда бошқа ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқларининг ўтишига, бекор бўлишига ёхуд чекланишига олиб келмайди.

Ижодий фаолият натижаси яратувчиси бўлган муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлган, бошқа бировга ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мутлақ ҳуқуқлари доираси, турлари ва мазмуни ФКнинг 1033-моддасида белгилаб қўйилган.

Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши ҳақидаги шартлар кўзда тутилган шартнома муаллифнинг ўзи билан учинчи шахс ўртасида ёки интеллектуал мулк объектининг яратувчиси бўлмаган мутлақ ҳуқуқ соҳиби ва учинчи шахс ўртасида тузилганлигидан қатъи назар, шартноманинг ўша шартлари назарда тутилган қисми ҳақиқий саналмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий объект вужудга келтирмайди. Бундай шартнома ўз-ўзича ҳақиқий саналмайди ва унга нисбатан ФКнинг 113-моддаси 3-қисми қоидалари қўлланади.

Шартноманинг юқоридаги шартларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд томонидан қарор чиқарилиши талаб этилмайди.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан муаллифлик ҳуқуқлари бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида қанча шахсларга ўтказиш орқали ҳаракатда бўлганидан қатъи назар, муаллифнинг ўзида сақланиб қолади. Бошқача айтганда, объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар неча марталаб бошқа учинчи шахсларга ўтганлиги факти муаллифнинг ўзига тегишли бўлган ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқларининг амал қилишига бирон-бир даражада тўсқинлик қилмайди.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномаларда бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган ҳисобланади.

Маълумки, мутлақ ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуқлар мажмуи сифатида ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объекти бўйича ўзи содир этишга ҳақли бўлган, бошқаларга содир этишга руҳсат бера оладиган ёки содир этишни тақиқлаб қўя олишга ҳақли бўлган хилма-хил ваколатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам мутлақ ҳуқуқлар шартнома асосида ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилганда айнан қандай ҳуқуқ (масалан, маълум ҳудуд доирасида шахсан танҳо фой-

даланиш, бошқа фойдатанувчилар ҳам мавжуд бўлган асосда фойдаланиш, бошқа ҳудуд доирасида бу ҳуқуқни амалга оширишга тааллуқлилиги ёки тааллуқли эмаслиги) ўтказилаётганлиги ва бу ҳуқуқдан келиб чиқувчи ваколатларни аниқ белгилаб, шартномада акс эттириш лозим. Шартномада назарда тутилмаган барча ҳуқуқлар (мутлақ ҳуқуққа оид) токи бунинг акси исботланмагунча шартнома бўйича ўтказилмаган деб ҳисобланади, деган презумпция амал қилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, агар шартнома асосида мутлақ ҳуқуқлардан бир қисмини ўзига олган шахс бу ҳуқуқларга оид қўшимча бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга оширса, бу ҳолда ўша қўшимча ҳуқуқлардан мутлақ ҳуқуқлар эгаси розилиги ёки рухсати асосида амалга оширганлигини тегишли далил билан исботлаб бермоғи шарт. Акс ҳолда, у қўшимча ҳуқуқларни ўзлаштириб олган ҳисобланади. Қўшимча ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлар эгаси розилиги ёки рухсати асосида олганлигини исботлаш мажбурияти фақат учинчи шахс зиммасида бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси энгил машиналар ишлаб чиқарувчи корхонага маълум марказдаги энгил машинани ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун шартнома асосида ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказган бўлса, корхона бошқа марказдаги энгил автомобилларга нисбатан ушбу ихтирони қўллаш олмайди (агар бу тўғрида мутлақ ҳуқуқлар соҳиббининг махсус рухсатини олмаган бўлса).

Мутлақ ҳуқуқни уни амал қилиш даври бўйича чекланган муддатларда фойдаланиш учун бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ФКнинг 1035-моддаси 1-3-қисмларида кўзда тутилган қоидалар мутлақ ҳуқуқлар шартнома асосида ёки универсал ворислик тартибида бундай мутлақ ҳуқуқлар амал қилишнинг барча қолган муддати бўйича учинчи шахсга ўтишга назарда тутилган ҳолларга нисбатан тааллуқлидир. Агар мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни бошқа шахсларга вақтинчалик ўтказса (маълум чегараланган муддат давомида), у ҳолда бундай шартнома лицензия шартномаси ҳисобланади.

## **6 §. Лицензия шартномалари ва уларнинг турлари**

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолияти натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тарафга (лицензияга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишига рухсат берилади.

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик ҳуқуқий восита ҳисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақидаги келишув ҳисобланади. Мулк эгаси (патент эгаси, товар белгиси соҳиби, муаллифлик ҳуқуқи объекти соҳиби, ошкор этилмаган ахборотлар эгаси) нинг ҳуқуқий муҳофаза остидаги объектдан фойдаланиш ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар асосида учинчи шахсларга беришга лицензия (рухсатнома) дейилади. (Қаранг: Гражданское право. М., изд. Бек, 1994. 248—249-б.).

Лицензия шартномаси ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра анъанавий олиш-сотиш ва мулк ижара белгиларига ўхшаб кетса ҳам бу шартномалардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, олиш-сотиш ва мулк ижараси шартномалари сотувчининг ёки ижарага берувчининг мулк ҳуқуқига ёки ашёвий ҳуқуқига асосланади. Лицензия шартномаси эса лицензия берувчининг интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқига асосланади.

Иккинчидан, олиш-сотиш ёхуд мулк ижара асосида ашё олувчига ёки ижарага топширилади ва бу ашёга нисбатан бир вақтнинг ўзида икки тарафлама эгалик қилиш мумкин. Мутлақ ҳуқуқ объектини эса кўп ҳолларда топширишга ҳожат йўқ: ихтиро, саноат намунаси мазмуни ёки товар белгиси тасвири эълон этилган ва ҳамма у билан танишиши, хабардор бўлиши имконига эга. Бу объект бир вақтнинг ўзида лицензия берувчи (лицензиар) томонидан ҳам, номуайян доирадаги учинчи шахслар (лицензиатлар) томонидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, олди-сотди шартномаси бўйича ФКнинг товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбуриятлари (ФКнинг 388-моддаси), сотувчининг сотилган товарни сақлаш мажбурияти (ФКнинг 391-моддаси), сотувчининг товар камчилик-нуқсонлари учун жавобгарлиги (ФКнинг 409-моддаси) ва шу каби мулк ижара шартномаси бўйича қатор қоидаларни лицензия шартномаси бўйича амалда қўллаб бўлмади.

Лицензия шартномасининг предмети бўлиб ҳуқуқий муҳофаза остидаги ижодий фаолият натижаси (фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва ҳоказо) ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита (фирма номи, товар, хизмат кўрсатиш белгиси) ҳисобланади. ФКнинг 1109-моддаси 3-қисмига асосан, товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш



ҳуқуқи лицензия шартномаси предмети бўла олмайди. Шартномада қатнашувчи тараф – интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби – лицензиар ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари қонуний асосга кўра вужудга келган ёки ваколатли давлат идораси берган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи билан гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Шартномада қатнашувчи бошқа тараф – интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома олган шахс – лицензиат деб аталади.

Лицензия шартномасида бериладиган ҳуқуқ, фойдаланиш чегаралари ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Юқорида кўрсатилгандай, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар доираси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. Бундай ҳуқуқлар шартли равишда уч гуруҳга бўлиниши мумкин: ҳуқуқ эгасининг объектдан шахсан фойдаланиши, бошқаларга фойдаланишга рухсат бериши, бошқаларнинг фойдаланишини тақиқлаб қўйиши. Айни вақтда бу ҳуқуқлар ҳам турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин: ўзи фойдаланиши, бошқага ҳам фойдаланишга рухсат бериши; фақат ўзи фойдаланиши; ўзи фойдаланмай, бошқага фойдаланишга рухсат бериши. Бошқага фойдаланишга беришда бундай фойдаланиш ҳудуди, фойдаланиш ҳажми ва миқёслари (ўзи хоҳлагандай маълум технологик жараён ёки ишлаб чиқаришда, маълум маҳсулотга нисбатан ва ҳоказо) ҳам аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Лицензия шартномасида лицензия асосида лицензиатнинг интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш муддати аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бу муддат лицензия берилган вақтдан бошлаб, объектни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддати доирасидан қисқа бўлиши шарт. Масалан, ихтирога берилган патент 20 йил амал қилади, айтайлик, ушбу ихтиродан фойдаланишга лицензия берилганда, патентнинг амал қилиш муддати 10 йил қолганди. Лицензия муддати ана шу қолган муддатдан қисқа бўлиши шарт. Агарда объектдан фойдаланишга берилган рухсатнома муддат билан чегараланмаган, яъни объектнинг ҳуқуқий муҳофаза муддати давомида амал қиладиган бўлса, у ҳолда фойдаланиш лицензия шартномаси орқали расмийлаштирилмайди, бунда ФКнинг 1035-моддаси 1-қисми қоидалари қўлланилади.

Лицензия шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Одатда лицензия шартномаси бўйича ҳақ тўлашда икки хил шакл кенг қўлланилади: бир вақтнинг ўзида ҳақнинг ҳаммасини тўлаш (паушал тўлов) ва лицензия асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки сотилган товардан олинган даромадлардан ҳисса ажратиб бе-

риб туриш (роялти). Баъзан ҳар иккала шакл биргаликда қўлланилади. Бунда дастлаб кафолатланган қатъий миқдордаги ҳақ ва кейинчалик ҳар белгиланган даврда фойдадан улуш ажратиш. Баъзи ҳолларда ҳақ натура шаклида ҳам олиниши мумкин. Тўловнинг шакли тарафларнинг келишуви асосида белгиланади.

Лицензия шартномаси асосида лицензиатга қуйидагиларнинг берилишини назарда тутиш мумкин:

- интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

- интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияларни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

- қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Оддий мутлақ лицензияда интеллектуал мулк объектдан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ўзи (яъни лицензиар), лицензиат ва айни вақтда мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олган бошқа учинчи шахслар ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Бинобарин, бундай ҳолда лицензиат лицензия асосида фойдаланишга рухсат олган объектда мутлақ ҳуқуқ эгасининг фойдаланишига, шунингдек, лицензиат олинган лицензия асосида олдиндан мавжуд ёки кейинчалик пайдо бўлувчи бошқа лицензиатларнинг объектдан фойдаланиш ҳуқуқларига эътироз билдиришга ҳақли эмас. Бунда лицензиатга объектдан бошқалар қатори фойдаланиш ҳуқуқи ўтади, холос.

Мутлақ лицензияда объектдан лицензиат ҳам, лицензиар ҳам фойдаланишга ҳақли, бироқ лицензиар бошқа учинчи шахсларга объектдан фойдаланиш бўйича лицензия беришга ҳақли эмас. Бинобарин, мутлақ лицензия шартномаси амал қилган вақтда лицензиат ҳам, лицензиар ҳам объектдан фойдаланишда тенг ҳажмли ҳуқуққа эга бўлади.

Қонунларда, шунингдек, мажбурий лицензия, очик лицензия берилиши шарт бўлган лицензия турлари ҳам мавжуд.

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига асосан патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектдан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектдан фойдаланишни хоҳловчи ва фойдаланишга тайёр ҳар қандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ

лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Агарда мутлақ ҳуқуқ эгаси саноат мулки объектидан фойдаланмаганлик ёки етарли даражада фойдаланмаганлик узрли сабабларга кўра рўй берганлигини исботлаб бермаса, суд юқорида кўрсатилган шахсга фойдаланиш доираси ҳажми, муддатлари ва ҳақ тўлаш тартибини белгилаган ҳолда мажбурий лицензия беришга ҳақли. Бунда тўланадиган ҳақ миқдори лицензиянинг бозор баҳосидан кам бўлмаслиги шарт.

«Селекция ютуқлари ҳақида»ги Қонуннинг 40-моддасига асосан агар патент эгаси патент берилган санадан эътиборан уч йил мобайнида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва, агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига дахл этадиган бўлса, бу селекция ютуғидан фойдаланиш истагидаги шахс ўзига мажбурий лицензия беришни сўраб ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Мажбурий лицензия номулқ (оддий) лицензия тариқасида берилди ва унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материаллини олиш ҳуқуқини беради. Мажбурий лицензия фақат селекция ютуғидан ижозат этиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланилишини таъминлай оладиган шахсга берилди. Мажбурий лицензия патент эгасининг муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш учун бошқа шахсга лицензияни беришига тўсқинлик қилмайди. Патент идораси мажбурий лицензиялар берилганлиги ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

Мажбурий лицензиянинг яна бир кўриниши – берилиши шарт бўлган лицензия ҳисобланади. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги Қонуннинг 32-моддасига асосан, агар патент эгаси саноат мулки объектидан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг баъзи объектларига нисбатан очик лицензия шартлари қўлланилади. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги Қонуннинг 32-моддасига асосан, патент эгаси патент идорасига ҳар қандай шахсга саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериши ҳақида ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай тартибда олинадиган лицензияга

очик лицензия дейилади. Очик лицензия сотиб олиш истагида бўлган шахс патент эгаси билан тўловлар ҳақида шартнома ёхуд номутлак лицензия бериш ҳақида шартнома тузиши лозим. Шартнома шартлари бўйича низолар хўжалик судларда кўрилади. Патент эгасининг очик лицензия бериш ҳақидаги аризаси қайтариб олинishi мумкин эмас.

«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига асосан, патент эгаси Патент идорасига селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида ариза топширишга ҳақли. Бу ҳолда патент ёки гувоҳнома ўз кучида сақланганлик учун ундирилдиган бож ёки йиғим 50 фоизга камайтирилади. Патент эгасининг очик лицензияга бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси қақриб олинмайди. Очик лицензия сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар ҳақида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартларига доир низолар суд томонидан ҳал этилади.

Интеллектуал мулк объектдан мутлак ҳуқуқ эгасидан лицензия олмасдан фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бундай фойдаланиш ҳақ эвазига ёки текин бўлиши мумкин. Масалан, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда саноат мулки объектдан аввалдан фойдаланувчи лицензия олмасдан, текин фойдаланишга ҳақли. Ушбу қонуннинг 32-моддаси 4-қисмига асосан саноат мулки объектдан патент эгасининг розилигисиз мутаносиб миқдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин. Бунда тўлов ҳажми тўғрисида низолар Олий Хўжалик Суди томонидан ҳал этилади.

Лицензия шартномаси ёзма равишда тузилади. Саноат мулки объектлари (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар [хизмат] белгиси)дан фойдаланиш, шунингдек, селекция ютуқлари, ноухаудан фойдаланишга берилган лицензия Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт, акс ҳолда, ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига асосан улар мутлак (ўз-ўзидан) ҳақиқий ҳисобланмайди. Муаллифлик лицензия шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақда ФКнинг 1071-моддасида белгилаб қўйилган. Гарчи қонунда бевосита талаб қилинмаса ҳам яратилиши факти бўйича мутлак ҳуқуқ вужудга келадиган ва ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектлардан фойдаланишга

лицензия бериш ҳақидаги шартномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилмоғи мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Лицензия шартномаси мазмунида қуйидагилар ўз ифодасини топмоғи лозим: тарафларнинг номлари, лицензиарнинг объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларини гувоҳлантирувчи (тасдиқловчи) ҳужжат ҳақида маълумотлар, объектдан фойдаланиш бўйича берилаётган ҳуқуқ ҳажми, фойдаланиш доираси, услуби, чегараси, фойдаланиш муддати, ҳақ тўлаш шакли, миқдор ва тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ва ҳоказо. Бундан ташқари, шартномада лицензиарнинг лицензиатга берилаётган ҳуқуқларидан реал фойдаланишни таъминлаш мажбурияти (зарур ҳужжатларни бериш), буюмлар намуналари билан топшириш, техник ёрдам кўрсатиш, ўз мутахассисларини юбориш, махсус қурилмалар, асбоб-ускуналар, хом ашё билан таъминлаш ва шу кабилар кўзда тутилиши мумкин. Бундан ташқари, лицензиар лицензия учун асос бўлган патентнинг амал қилинишини таъминлаш (божларни тўлаб туриш, учинчи шахслар даъволаридан ҳимоя қилиш), лицензиат томонидан техник шартларга ва йўл-йўриқларга риоя қилган ҳолда лицензия асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан амалга ошириш мумкинлиги ва зарур кўрсаткичларга эришиш учун жавобгардир. Баъзи ҳолларда лицензия шартномасининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб, тарафлар томонидан патентларга тааллуқли маълумотларнинг сир сақланиши ҳисобланади. Шартномада бу мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Интеллектуал мулк объектларининг баъзи бирлари бўйича лицензия шартномасида назарда тутилиши мажбурий бўлган шартлар қонунда бевосита кўрсатилган. Масалан, ФКнинг 1111-моддаси 2-қисмига асосан, фирма номидан фойдаланишга лицензия берилганда шартномада истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи ишоралар шарт қилиб қўйилиши лозим. Маҳсулот (хизмат) белгиси ҳақидаги қонуннинг 21-моддаси 3-қисмига асосан, товар белгасидан фойдаланиш ҳуқуқидан бошқа шахсга лицензия асосида фойдаланишга берилганда шартномада лицензиар маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилаётганлигини назорат этиб туриши ҳақида шарт бўлиши лозим.

Агарда лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, лицензия шартномасида лицензиар томонидан интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

кўрсатилган бўлиши мумкин. Ушбу объектдан лицензиарнинг ўзи фойдаланиши ва бошқаларга фойдаланишга рухсат бериши ҳақида кўрсатмаган бўлса ҳам бундай ҳуқуқ мавжудлиги ҳақидаги презумпция амал қилади. Бинобарин, бундай шартнома номутолқ лицензия шартномаси ҳисобланади ва лицензиар бунга эътироз билдиришга ҳақли эмас.

Лицензия олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома сублицензия (иккиламчи ёки ҳосила лицензия) шартномаси ҳисобланади. Лицензия олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли. Бинобарин, бундай турдаги лицензияни фақат мутолқ ва тўлиқ лицензия эгаларигина бера олади. Бунда сублицензиатга бериладиган фойдаланиш ҳуқуқи ҳажми сублицензиарнинг бирламчи лицензия шартномаси асосида лицензиат сифатида олган ҳуқуқлари ҳажмидан ошмаслиги шарт. Асосий (бирламчи) лицензия шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда ёки муддати тугаганда сублицензия ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Кўшимча (иккиламчи) лицензиатнинг ҳаракатлари учун агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади. Масалан, кўшимча (иккиламчи) лицензиат айби билан лицензия учун асос бўлган патентга доир маълумотлар, махфийлиги сақланмай ошкор қилинганда, асосий лицензиар олдида лицензиатнинг ўзи жавобгар бўлади. Ўз навбатида асосий лицензиар иккиламчи (кўшимча) лицензиатга нисбатан регресс даъво ҳуқуқига эга. Умумий қоида бўйича сублицензиатнинг ҳаракатлари учун асосий лицензиар олдида лицензиат айби бор-йўқлигидан қатъи назар, жавобгар бўлади. Лицензия шартномасида сублицензиатнинг лицензиар олдида бевосита ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлишлиги назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **7 §. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар**

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратишга ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутолқ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиш мумкин.

Ҳар бир ижодкор шахс ўз интеллектуал фаолиятини ўз хоҳишига кўра, ўз ташаббуси, ўз маблағлари асосида, иш берувчиси билан тузилган меҳнат битими (контракт) асосида ёки иш берувчиси бўлмаган бошқа шахс буюртмаси бўйича шартнома асосида ташкил этиши мумкин.

Муаллиф – ижодкорнинг ўз ташаббуси ва ўз маблағлари асосида яратилган ижодий фаолият натижасига нисбатан шахсий номулкӣ ва мутлақ ҳуқуқлар фақат унинг ўзигагина тегишли бўлади. У ижодий фаолият маҳсули бўлган объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўз хоҳишига кўра эркин равишда тасарруф этади.

Муаллиф – ижодкор бошқа бир шахс (иш берувчи) билан меҳнат муносабатида бўлган ҳолда, меҳнат битимида шарт қилиб қўйилган ижодий фаолиятни амалга ошириш, иш (топшириқ) бажариш асосида вужудга келган ижодий фаолият маҳсулига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга ушбу ФКнинг 1062, 1087-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида (масалан, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, «ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси ва шу кабилар) белгилаб қўйилган қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормалари қўлланилади.

Муаллифнинг ижодий фаолият маҳсулини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида бошқа ҳар қандай учинчи шахс билан тузадиган шартномаси ўз мазмунига кўра фуқаролик-ҳуқуқӣ тусдаги шартнома ҳисобланади ва ушбу шартномага нисбатан ФКнинг тегишли меъёрлари қўлланилади. Шартнома предмети бўлиб муаллифнинг келгусида ижодий фаолиятни амалга ошириш ва унинг натижасида яратиладиган ижодий фаолият маҳсули ҳисобланади. Бинобарин, тарафлар шартнома тузган вақтда ҳали интеллектуал фаолият маҳсули вужудга келмаган бўлади. Шартнома тузиш вақтида амалда яратилган, мавжуд бўлган ижодий фаолият маҳсулига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар учинчи шахсларга ФКнинг 1035-моддасида белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартнома ижодкор шахс билан буюртмачи ўртасида тузилади. Унга асосан ижодкор шахс (ижрочи, бажарувчи) ижодий фаолиятни амалга ошириш асосида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектини яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқни буюртмачига топшириш, буюртмачи эса бажарувчини тегишли маблағ билан таъминлаш ва ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш шартномалар предмети қандай объект бўлишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси (ФКнинг 693-702-моддалари);

муаллифлик шартномаси (ФКнинг 1067-моддаси).

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижаси хусусиятини, шунингдек, ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усулларини белгилаши лозим.

Интеллектуал фаолият натижаси хусусияти, туси, энг аввало, унинг маълум сифат кўрсаткичларида намоён бўлади. Бундай сифат кўрсаткичлари объектнинг техник-иқтисодий характеристикасида, ҳуқуқий мезонларга мослигига (масалан, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олиш – патентга лаёқатлилиқ даражасида эканлиги) ва шу кабиларга кўра ифодаланади.

Шартномада ўз аксини топиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири – интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш мақсадлари (масалан, ихтиродан қайси тармоқда, қандай маҳсулотдан ёки илмий асардан тижорат мақсадида ёки ўқув-таълим мақсадларида ва ҳоказо) ёки фойдаланиш усуллари (масалан, адабий асарни нашр этиш ёки сахналаштириш ёки кинофильм қилиш) ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартноманинг зарур шартлари ҳисобланади ва кўп ҳолларда бу шартлар тарафлар зиммасига юкланган мажбурият тариқасида намоён бўлади. Масалан, объектнинг маълум сифат хусусиятларида бўлиши учун ижодкор-муаллиф масъул бўлса, объектдан фойдаланиш мақсади ва усулларига риоя қилиш буюртмачи зиммасига юкланади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартнома предмети бўлиб, ҳар доим келгусида яратиладиган, муайян хусусиятларга эга бўлган, аниқ ва конкрет белгилаб қўйилган асар, ихтиро, селекция ютуғи ва шу кабилар ҳисобланади. Агар ижодкор-муаллиф зиммасига у келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мулкӣ ҳуқуқларини биронта шахсга (буюртмачига ёки бошқа учинчи шахсга) бериш мажбурияти юкланган бўлса, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқӣ ҳисобланмайди ва у ҳеч қандай ҳуқуқӣ оқибатлар вужудга келтирмайди. Бинобарин, буюртмачи унинг ижросини талаб



қила олмайди. Ушбу қоида ФКнинг 23-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролик ҳуқуқи лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўймаслиги ҳақидаги умумий тамойил билан чамбарчас боғлиқ. Ижодкор – муаллифнинг келгусида яратадиган ҳар қандай асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш мажбурияти шу сабабли ҳам унинг ҳуқуқ лаёқатини ғайриқонуний чеклаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида фуқароларнинг ижод эркинлиги мустаҳкамланиб қўйилган. Унда кўрсатилишича, ҳар қандай шахсга илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланади. Бинобарин, интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартномада агарда муаллиф – ижодкорнинг келгусида муайян турдаги ёки муайян соҳадаги интеллектуал фаолият билан шуғулланмаслик ёки бу фаолият натижасини яратмаслик мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. ФКнинг 23-моддасида фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиш ва ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб кўрсатилади. Демак, ижодкор-муаллифнинг ўз ихтиёри, эрки, иродаси билан бундай шартни шартнома мажбурияти сифатида ўз зиммасига олганлиги аҳамиятга эга эмас. Албатта, ижодкор-муаллиф ўз эрки, ихтиёри билан амалда маълум турдаги интеллектуал фаолият билан шуғулланмасликка ҳақли, бироқ бу ҳолат шартнома предмети ёки шартнома шарти сифатида намоён бўлганда, ҳар доим ўз-ўзича ҳақиқий ҳисобланмайди.

## **8 §. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи ўртасидаги нисбат**

Юқорида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларининг асосий хусусиятлари, унинг анъанавий мулк ҳуқуқи объектларидан фарқлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. Бинобарин, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ билан ушбу объектнинг моддийлашган ифодасига, моддий элтувчисига нисбатан мулк ҳуқуқини фарқламоқ лозим. ФКда белгиланган қоидага кўра, интеллектуал фаолият натижаси (асар, ихтиро ва шу каби)га ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита (масалан, товар белгиси)га нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан мустақил равишда мавжуд бўлади. Масалан, асар мингаб нусхада китоб шаклида нашр этилиши,

ихтиро асосида маҳсулотлар (масалан, курилма, ускуна, дори-дармон ва ҳоказо) ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда, албатта, нашр этилган асарнинг китоб шаклидаги нусхаларини сотиб олган шахсда, ихтиро асосида чиқарилган маҳсулотни сотиб олган шахсларда ўша китобга нисбатан, ўша маҳсулотга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади, бироқ асарга нисбатан ёки ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқ вужудга келмайди. Интеллектуал мулк объектлари турли моддий воситаларда ифодаланиши, чексиз нусхаларда мавжуд бўлиши ва фуқаролик муомаласида ҳаракат қилиши мумкин, бундай моддий воситалар ашёлар тарзида кўрилиши мумкин, бироқ бундай ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи унинг келиб чиқиш, яратилиши асоси бўлган ғоявий (идея) негизи бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига бўлган мутлақ ҳуқуқларга асло таъсир қилмайди.

Интеллектуал фаолиятнинг айрим натижалари ўзининг ғоявий негизи ва бу негиз моддий мужассами билан узвий боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиши мумкин (масалан, ягона нусхадаги ҳайкал, портрет, ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотлари ва шу кабилар). Бундай объектлар фуқаролик муомаласида ҳаракатда бўлганда мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи мазмуни ва таъсир доираси асло чалкаштирилмаслиги шарт. Масалан, портрет рассом томонидан бошқа шахсга сотилганда рассом ушбу портретдан нусхалар кўчириш ва уларни кўпайтириб, эркин тасарруф этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Бунда рассом ушбу портретга нисбатан, унга муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бироқ портретнинг оригинал нусхасига нисбатан мулк уни сотиб олган харидорга ўтади.

Ягона нусхани, нодир (такрорланмас) тусдаги объектлар фуқаролик муомаласида ҳаракатда бўлганда, уларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқ, баъзи истисноларни назарга олмаганда, айнан ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолларда объект моддий-ашёвий негизидан ажралмаслигини ҳисобга олган ҳолда, унга нисбатан мулк ҳуқуқи қоидаларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Бундай объектни ўзидан бегоналаштирувчи шахс бир вақтнинг ўзида ҳам мулк ҳуқуқи, ҳам мутлақ ҳуқуқини бир хил йўналишда ва услубда ўзидан бегоналаштирмоғи лозим.

Бошқа ҳар қандай ҳолларда мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи ўртасида коллизия вужудга келганда, мутлақ ҳуқуқ устуворликка эга бўлади. Бу ҳолат, масалан, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ўз ифодасини топган. Чунончи, бирон-бир киши

янги буғдой навини, гарчи мазкур навни қонуний асосларда олган бўлса ҳам уни мутлақ ҳуқуқ соҳибидан берухсат кўпайтиришга ёки тарқатишга ҳақли эмас.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқ ҳам бу воситалар ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, у билан боғлиқ бўлмаган ва мустақил ҳолда амал қилади. Масалан, товар белгиси ифодаланган реклама панносини сотиб олган шахсда бу паннога нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади ва ундан қонуний асосда ўз хоҳишича фойдаланишга ҳақли, бироқ товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуққа бу ҳол таъсир этмайди. Восита ифодаланган моддий объектлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши, у турли шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин, бироқ бу воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ягона шахс бўлиб қолади ва бу мутлақ ҳуқуқ мазмунига, унинг амалга оширилишига асло тўсқинлик қилмайди, халақит бермайди. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи бир-биридан қатъи назар, мавжуд бўлади.

### **9 §. Мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари**

Маълумки, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиши абадий муддатсиз бўлмай, маълум муддат, вақт билан чегараланган бўлади. Бироқ бу муддат барча объектлар учун бир хилда бўлмай, турли объектларга нисбатан муддатнинг бошланиш, амал қилиш, бекор бўлиш, баъзи ҳолларда эса узайтириш тартиби бўйича турлича намоён бўлади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати бевосита ФКда ёки бошқа амалдаги қонунларда назарда тутилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати давомида ҳуқуқ эгасининг бу мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи субъектив ҳуқуқлари ҳуқуқий муҳофаза остида бўлади ва кўриқланади, бу ҳуқуқларга ҳамма риоя қилиши шарт, башарти улар кимдир томонидан бузилса, бузилган ҳуқуқ ҳуқуқ эгасининг талаби билан суд орқали ҳимоя қилинади, зарур ҳолларда бу ҳуқуқлар амалга оширилиши қонуний тартибда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот эт-

ган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган мутлақ ҳуқуқлар учун бундай 50 йил муддатнинг бошланиши энг узок яшаган ҳаммуаллиф вафотидан кейин бошланади.

Яширин тахаллус остида ёки имзосиз чоп этилган асарга бўлган мутлақ ҳуқуқ асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади.

Агар асар муаллиф вафотидан кейин 50 йил ичида биринчи марта чоп этилса, мутлақ ҳуқуқ асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан 50 йил давомида амал қилади (ФКнинг 1065-моддаси).

Турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар қуйидаги муддатларда амал қилади:

ижрочининг ҳуқуқлари биринчи ёзув (ижрони ёзиб олиш) ёки биринчи ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан 50 йил давомида;

эфир, кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришга бўлган ҳуқуқи уни биринчи марта эфир орқали трансляция қилиш вақтидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. («Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 54, 55-моддалари);

ихтирога нисбатан патент йигирма йил давомида амал қилади (устуворлик санасидан бошлаб);

саноат намунасига нисбатан патент 10 йил давомида амал қилади (устуворлик санасидан бошлаб);

фойдали моделга бўлган патент 5 йил давомида амал қилади.

Саноат намунасига, фойдали моделга бўлган патент амал қилиш муддатлари узайтирилиши мумкин. («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси).

Селекция ютуқларига бўлган патент селекция ютуғи давлат реестрига киритилган вақддан бошлаб 20 йил давомида, ток, ёғоч-боп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликлари, шу жумладан, уларнинг пайвандтаглари учун 25 йил давомида амал қилади ва у 10 йилга узайтирилиши мумкин («Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Маҳсулот (хизмат) белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларни гувоҳлантирувчи гувоҳнома устуворлик санасидан бошлаб 10 йил давомида амал қилади ва ҳар гал 10 йилга узайтирилиши мумкин. («Товар

белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси).

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиш муддати чекланмаган бўлиб, юридик шахс бекор бўлган ёхуд номи ўзгарган ҳоллардагина бекор бўлиши мумкин (ФКнинг 1100-моддаси).

Ошкор этилмаган ахборотларга бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати (ҳуқуқий муҳофаза қилиниши) ҳам ФКнинг 1095-моддасида белгиланган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда муддат билан чегараланмаган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати қатъий белгилаб қўйилган ҳолларда бу муддат ўтганидан кейин (агарда уни узайтириш мумкин бўлмаса) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари бекор бўлади. Бунинг маъноси шундан иборатки, бундай объектлар ижтимоий бойлик, ижтимоий неъматга айланади, яъни ҳар ким ундан эркин ва текин фойдалана олади (объект муаллифининг шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда).

Маълумки, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ўз мазмуни ва характери бўйича мулк ҳуқуқлар мажмуини ташкил этади ва бинобарин, улар қонун асосида маълум белгиланган муддат давомида амал қилади. Мутлақ ҳуқуқлардан фарқли равишда интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулк ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади, яъни уларга риоя этилиши вақт билан чегараланмайди. Бундай шахсий ҳуқуқлар интеллектуал фаолият маҳсули муаллифига ҳам (масалан, муаллифлик ҳуқуқи), учинчи шахсларга ҳам (масалан, рассом томонидан портретда ифодаланган шахснинг ўз қиёфасига бўлган шахсий ҳуқуқи) тегишли бўлиши мумкин. Шахсий ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлар кимга тегишли эканлигидан қатъи назар, амал қилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида эркин ҳаракат қилади, у бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин, шахсий ҳуқуқлар эса ҳуқуқ соҳибининг ўзидан бегоналаштирилмайди ва бошқа шахсларга ўтказилмайди.

Мутлақ ҳуқуқ амал қилиш муддатининг тугаши ёки унинг муддатидан олдин, қонунда белгиланган асосларда бекор бўлиши, шунингдек, шахсий ҳуқуқ соҳибининг вафот этиши бундай шахсий ҳуқуққа бошқалар томонидан риоя этилиш шартлигига асло таъсир этмайди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектга бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати тамом бўлганлиги сабабли бу объектларнинг ижтимоий бойлик, неъматга айланганлиги факти ҳам

уларга нисбатан муаллифнинг ёки учинчи шахсларнинг шахсий ҳуқуқлари бекор бўлишига асло олиб келмайди. Бундай шахсий ҳуқуқлар қонун билан бемуддат қўриқланади.

ФКнинг 1039-моддасида назарда тутилган қоидага асосан агарда қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектга бўлган мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан бундай мутлақ ҳуқуқлардан муайян вақт давомида фойдаланмаган ҳолларда бекор қилиниши мумкин. Маълумки, умумий қоида бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқидан ўзи мустақил, эркин ва ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақли. Айрим ҳолларда қонун мутлақ ҳуқуқ соҳиби зиммасига ўзига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш бўйича фаол ҳаракатлар содир этиш мажбуриятини юклайди, ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда ҳуқуқ эгаси учун қатор салбий оқибатлар вужудга келиши қонунларда белгилаб қўйилган. Масалан, дастлабки патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил давомида патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёхуд етарли фойдаланмаса ва бу узрли сабабларга кўра рўй берганлигини исботлаб бера олмаса, объектдан фойдаланишни хоҳловчи бошқа шахслар объектдан фойдаланишга мажбурий лицензия берилишини сўраб, судга мурожаат этишга ҳақли («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 11 -моддаси).

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни гувоҳлантирувчи ҳужжат — гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси рўйхатдан ўтказилгандан кейинги беш йил давмида узлуксиз ишлатилмаган ёки умуман фойдаланилмаган бўлса, агарда товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси эгаси белгидан ўзига боғлиқ бўлмаган узрли сабабларга кўра фойдаланмаганлигини исботлаб бера олмаса, исталган шахснинг аризасига мувофиқ, суд чиқарган қарор асосида тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун 25-моддаси).

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Интеллектуал мулк объектларининг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?
2. Интеллектуал мулк объектларининг турлари.
3. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг субинститутлари.
4. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари.

5. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар.

6. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш. Лицензия шартномалари.

7. Интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари.

## **60-БОБ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ**

### **1 §. Муаллифлик ҳуқуқи объектларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш.**

#### **Муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва асосий категориялари**

Интеллектуал фаолият маҳсуллари орасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектлари алоҳида ажралиб туради. Бу алоҳидалик ижодкор-муаллиф ҳуқуқӣ мақомида ҳам, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объекти бўлган фан, адабиёт, санъат асарлари, ижрочилик фаолияти ҳуқуқӣ режимида ҳам ўз ифодасини топган.

Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқалар ўсиб боргани сайин бир мамлакатдаги ижодкорлар асарларидан бошқа мамлакатлардаги кишилар фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда, бу эса муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар дунёнинг кўп мамлакатларида бир хилда тартибга солинишига бўлган заруратни вужудга келтирмоқда. Ушбу зарурат тақозосига кўра, муаллифлик ҳуқуқи бўйича Бутунжаҳон Конвенциясида (уни Женева Конвенцияси ҳам дейишади) ҳамда адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Конвенцияда (уни Берн Конвенцияси деб ҳам атайдилар<sup>1</sup>) ишлаб чиқилган ва дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўз миллий қонунларини у ёки бу Конвенция асосида шакллантирмоқдалар. Берн Конвенцияси меъёрлари муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқӣ муҳофаза этишда қатъийроқ тусга эга<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун мазмунида Берн Конвенциясининг асосий қоидалари ётади.

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми бўлиб, унинг энг муҳим институтларидан ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар адабиёт, санъат асарларини яратиш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга 2006 йил 19 апрелдан бошлаб аъзо ҳисобланади.

<sup>2</sup> Тошев Б., Муаллифлик ҳуқуқи. Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наш-риёти. 1997.- 88—96-б.

улардан фойдаланиш ва ижро этиш билан боғлиқ бўлган шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Муаллифлик ҳуқуқи тамойиллари деб унинг негизида ётган асосий қоидаларга айтилади. Бу тамойиллар ичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ижод эркинлиги муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундан иборатки, ижодкор ўз ижодий маҳсули мавзусини танлашда, унинг шаклини белгилашда, уни яратиш услубларини танлашда, ундан фойдаланишда эркин ва мустақилдир. Айни вақтда бу эркинлик қонун доирасида амалга оширилмоғи лозим. Ижодкор ўз асари орқали конституциявий тузумга қарши, зўравонлик ёки беҳаёликни тарғиб қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш мақсадларини кўзламаслиги лозим. Муҳим конституциявий тамойиллардан яна бири ижодий маҳсулотларга нисбатан цензуранинг йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоидадир.

Муаллиф асарни яратишда ёки эълон қилишда агарда у давлат сирлари, шахсий сирлар ёхуд бошқаларнинг қонуний манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса, олдиндан руҳсат олиш, асар мазмунини назоратдан ўтказиш талаб этилмайди. Муаллифлик ҳуқуқининг яна бир асосий қоидаларидан бири – муаллиф ҳуқуқларининг вужудга келиши, уни муҳофаза этиш, асарни яратиш факти асосида вужудга келиши, у қандайдир расмийликларга риоя этилиши талаб этилмаслигидир. Ушбу тамойил ФКнинг 1041-моддаси ва Қонуннинг 10-моддасида ўз ифодасини топган.

Муаллифларнинг асарларни яратиш ва улардан фойдаланишда маънавий ва моддий манфаатдорлигини ҳар томонлама муҳофаза этиш ҳам қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу тамойил муаллифлик ҳуқуқий муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи меъёрлардагина эмас, балки субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатларида, муаллиф ҳуқуқларини муҳофаза этиш бўйича давлат органлари зиммасига юкланган мажбуриятларда, бузилган муаллиф ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи меъёрларда ҳам ўз ифодасини топган.

Муаллифлик ҳуқуқи бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (27, 29, 42, 67-моддалар ва бошқалар), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (1041-1081 моддалар), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун, «ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисида» Қонун, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Оммавий ахборот воси-



талари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу борада, айниқса, ФК муҳим аҳамиятга эга. ФКнинг бевосита муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи меъёрлардан ташқари бошқа меъёрлари ҳам бу соҳада тартибга солувчи вазифаларни бажаради. Масалан, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати мазмунини белгиловчи меъёрда фуқароларнинг фан, адабиёт, санъат асарларига муаллиф бўлиш ҳу-уқи (ФКнинг 18-моддаси), моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича қоидалари (ФКнинг 14, 1021-моддалари), интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалари (ФКнинг 97-моддаси) шулар жумласидандир.

## **2 §. Муаллифлик ҳуқуқи объектилари**

ФКнинг 1041-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарларига уларнинг мақсади ва кадр-қиймати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъи назар, жорий этилади.

Ҳар қандай асар муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза этилиши учун у ижодий фаолият маҳсули бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам оддий, кундалик ҳаётдаги сўзлашувлар, мулоқотлар муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди. Ижодий жараён бу, энг аввало, инсон тафаккури, ақлий фаолият маҳсули; у ўзига хос оригинал тусга эга.

Ҳуқуқий адабиётларда ижодий жараённинг икки ҳолати таъкидлаб кўрсатилади:

- а) асар яратиш жараёнининг онгли, интеллектуал характери;
- б) яратилган асарнинг янгилиги, оригиналлиги<sup>1</sup>.

Ижодкор ижодий жараёнининг онгли, интеллектуал туси шундан иборатки, асар яратилишидан олдин у ижодкорнинг онгида, хаёлида шаклланади, вужудга келади. Асар маълум бир ўй-фикр асосида пайдо бўлиб, у фикр-ғоя, фикр-режа, фикр-қоралама тарзида босқичлардан ўтади, шу тарзда асар яратилиб, шаклланиб боради<sup>2</sup>.

Асарнинг янгиланиши ижодий фаолиятнинг зарур унсури сифатида асарнинг янги мазмунида, янги шаклида, янги ғояларида, янги миллий концепцияда ифодаланади<sup>3</sup>.

Асарнинг янгилиги ҳақидаги мезон мутлақ тусга эга бўлмай, нисбий тусга эга. Илм-фан соҳаларидаги асарларда янги ғоялар,

<sup>1</sup> Гражданское право. М., 1994 й. Том I. Изд. Бек. 321-б.

<sup>2</sup> Серебровский В. Й. Вопросы авторского права. М., 1956 й. 35-б.

ечимлар муҳим аҳамиятга эга бўлса, адабий асарларда ва санъат асарларида шаклан янгилик муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, ўтмишда «Ҳамса» – 5 дoston сюжети бўйича Низомий Ганжавий, Хисрав Дехдавий, Алишер Навоий асарлари бунга яққол далилдир. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарларида сюжет бўйича ўхшашлик мавжуд, бироқ асар шаклан бир-бирига ўхшамайди. Шу сабабли ҳам муаллифлик ҳукуқида шакл бўйича янгилик ўзига хос тарзда биринчи режага чиқади, дейиш мумкин.

Асарнинг муаллифлик ҳукуқи объекти- сифатида муҳофаза қилиш учун яна бир белгиси — бу унинг объектив шаклда ифодаланганлигидир. Асардаги ғоя, мазмун, ўй-фикр, образ учинчи шахслар идрок этиши, танишуви, қабул қилиши учун имкон берувчи маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши шарт. Шу маънода олганда ҳали муаллифнинг ўй-фикрида бўлган, бироқ бошқалар қабул қилиш учун объектив шаклга киритилмаган асар муаллифлик ҳукуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди.

ФКнинг 1041-моддасига асосан, асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклда ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан, аудио ва видео ёзуви, икки ўлчамли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвирда ва ҳ.к.) унинг учинчи шахслар учун фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга ҳисобланади. Моддий жисмда ифодаланмаган оғзаки ёки бошқа хил асар, башарти у учинчи шахсларнинг идрок этиши учун мақбул келган, кифоя қилган бўлса (омма олдида сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳ.к.) объектив шаклга эга ҳисобланади.

Ижодкор асарининг учинчи шахслар томонидан идрок этилиши, қабул қилиниши, ҳозирча инсоннинг кўриш ва эшитиш хусусиятлари, қобилияти асосида рўй беради.

Ёзма асарлар, видеотасвирлар, икки ўлчовли асарлар (расмлар) ҳажмий-фазовий шаклдаги тасвир (масалан, ҳайкал, меъморий бинолар) кўриш туйғуси орқали қабул қилинса, мусиқа, нутқлар, бадий ўқишлар эшитиш туйғуси орқали қабул қилинади.

Муаллифлик ҳукуқи объектлари қуйидаги турлардан иборат:  
адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);  
драма ва сценарий асарлари;

матнли ёки матнсиз муסיқа асарлари;  
муסיқали драма асарлари;  
хореография асарлари ва пантомималар;  
аудиовизуал асарлар;  
рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;  
манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;  
архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;  
фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;  
жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги ЭХМ учун дастурлар, шу жумладан ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда, чунончи бошланғич матн ҳамда объект кодида ифодаланиши мумкин бўлган амалий дастурлар ва операция тизимлари;

Қонуннинг 5-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа асарлар (Қонуннинг 6-моддаси).

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиши учун асар тугалланган бўлиши шарт эмас. Шу сабабли асар тугалланмаган бўлса ҳам, агарда уларда ижодийлик унсурлари мавжуд бўлса, муаллифлик ҳуқуқининг мустақил объекти бўлиб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи эълон этилган (нашр этилган) ва шунингдек, нашр этилмаган, ҳали қўлёзма ҳолатида бўлган асарларга бирдай жорий этилади.

Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор расмийликка риоя қилиш талаб этилмайди. Ҳолбуки, интеллектуал фаолиятнинг бошқа объектлари бўйича ҳуқуқий муҳофаза бу объект ваколатли давлат идораси томонидан махсус муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) олгандан кейин вужудга келади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф этилаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан (агарда улар илмий асар сифатида объектив шаклга солинмаган бўлса) жорий этилмайди. Расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, ажримлар ва шу кабилар), шунингдек, уларнинг расмий таржималари, расмий рамзлар, халқ ижодиёти асарлари, оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги

хабарлар, инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштарокисиз муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар (масалан, робот томонидан басталанган мусиқа, ёзилган шеър) ҳам муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди.

### **3 §. Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари**

Муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ичида фан, адабиёт, санъат асарларини ижодий меҳнати билан яратган шахс-муаллиф алоҳида ўринни эгаллайди. Фуқаронинг субъектив муаллифлик ҳуқуқи вужудга келиши, фан, адабиёт ёки санъат асарларининг муаллифи сифатида эътироф этилиши унинг ёшига, ақли ва руҳий ҳолатига, асарнинг яратилиш жойига, нашр этилган-этилмаганлигига боғлиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки объектив шаклда мавжуд бўлган асарни яратган шахснинг муаллифлик ҳуқуқи унинг қайси давлатнинг фуқаролигидан қатъи назар, тан олинади.

Асари хорижда нашр этилган ёки кўлёзма ҳолида хорижда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муаллифлик ҳуқуқлари ҳам тан олинади. Агарда бундай шахс хорижий давлат фуқароси бўлса, унинг муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар асосида белгиланади.

Гарчи асарни яратишда қатнашмаган бўлса-да, муаллифнинг ҳуқуқий ворислари бўлган шахслар ва юридик шахслар ҳам субъектив муаллифлик ҳуқуқларининг субъекти саналади. Бундай тоифадаги субъектларга муаллифнинг барча ҳуқуқлари эмас, балки асардан фойдаланиш бўйича маълум ҳуқуқларигина ўтади, холос. Субъектив муаллифлик ҳуқуқининг бундай тарзда ўтиши мерос ёки муаллиф билан тузилган шартнома асосида рўй беради. Хизмат топшириғини бажариш юзасидан яратилган асардан топшириқ мақсади тақозо этган усулда ва топшириқдан келиб чиқадиган доирада фойдаланиш ҳуқуқи, башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асар яратиш ҳақида топшириқ берган ва муаллиф билан меҳнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш берувчига) тегишлидир. Иш берувчи бундай фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга ҳақлидир. (Қонуннинг 34-моддаси).

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифи деб ҳисоблан-

майди. Бироқ қонунларда назарда тутилган ҳолларда бундай шахслар ана шундай асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўладилар.

Қомуслардан, қомусий луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлардан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқи уларнинг ноширларига тегишлидир. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳаққидир.

Аудиовизуал асар, шу жумладан, фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни истифода этилишига, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказишига, кабель орқали беришга, эфир орқали узатишга ва асардан ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини асарни тайёрловчига (продюсерга) ўтказишга олиб келмайди.

Юқоридан кўриниб турибдики, асарлар яратилишини ташкил этувчи юридик шахслар, яъни газета, журнал, илмий тўпламлар, чоп этувчи нашриётлар, кино-телестудиялар, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрловчи ташкилотлар муаллифлик ҳуқуқлари доираси муаллиф ҳуқуқларига нисбатан анча қисқа, асосан, асарлардан фойдаланиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, асар муайян жисмоний шахснинг ижодий меҳнати билангина яратилади, шу сабабли ҳам юридик шахслар муаллиф бўла олмайдилар.

Муаллифлик ҳуқуқининг энг муҳим қоидаларидан бири бу – ҳаммуаллифлик бўйича муносабатларни тартибга солувчи меъёрлардир. Қонуннинг 12-моддасига асосан икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи мазкур асар бўлинмас, бир бу-тун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Ҳаммуаллифликнинг қуйидаги белгилари мавжуд: а) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати; б) бундай биргаликдаги фаолият натижасида вужудга келган асарга ни-батан муаллифлик ҳуқуқининг бундай фаолиятда иштирок этган барча шахсларга тааллуқли эканлиги; в) жамоа асарининг яратилганлиги.

Ҳаммуаллифлар томонидан яратилган ягона асарга нисбатан уларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларини, умумий мулк инсти-

тутини биргаликдаги мулк ва ҳиссали мулкка нисбатан шерик мулкдорлар ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларига қиёслаш мумкин, зеро бундай ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ўхшашликлар мавжуд.

Агар ҳаммуаллифлар томонидан яратилган асар мазмун яхлитлигига путур етмаган ҳолда таркибий қисмларга ажралиши мумкин бўлса, у ҳолда Қонуннинг 12-моддаси 2-3-қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Унда айтилишича, агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади. Бундай асарлар жумласига кўшиқ (муסיқаси ва шеър матни билан биргаликда), китоб (матн ва унга ишланган расмлар билан биргаликда), спектакль (драма матни, муסיқаси ва сахна безаги) ва шу кабилар киради. Бундай асарларда нисбий мустақил ҳаммуаллифлик мавжуд, чунки уларнинг ҳар бир қисми алоҳида бадиий, илмий ёки адабий аҳамиятга эга. Бундай асарнинг маълум қисми муаллифи ўз қисмига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга. Қонунга асосан ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар, улар ўртасидаги битимда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, асарни ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақли. Ҳуқуқий адабиётларда бундай ҳолларда асар яратувчилари ўртасида ҳаммуаллифлик мавжуд эмас, балки бу турли асарлардан биргаликда фойдаланиш ҳолати содир бўлади, деган нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Бунга жавобан бошқа муаллифлар бундай асарларнинг ҳар бир қисми ижодий фаолиятнинг маълум тури маҳсули (масалан, кўшиқ шеъри матни, поэтик асарнинг муסיқаси ва бастакорлик фаолияти натижасида яратилган муסיқавий асарни) ташкил этади, бироқ улар бирлаштирилганда муаллифлик ҳуқуқининг янги объекти – кўшиқ вужудга келади деб ҳақли фикр билдирадилар<sup>1</sup>.

Нисбий мустақил ҳаммуаллифларнинг умумий ягона асар бўйича мажбуриятлар учун жавобгарликка нисбатан ҳам ҳиссали мажбуриятлар ҳақидаги қоида қўллаш мумкин. Бошқача айтганда, бундай ҳаммуаллифларнинг бири томонидан ўз мажбуриятини бузганлиги бошқа муаллифлар учун ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирмайди. Ҳар бир муаллиф ўз қисми бўйича жавоб беради.

Ҳаммуаллифликнинг яна бир тури мутлақ ҳаммуаллифликдир. Бунда ҳаммуаллифлар томонидан яратилган асар мазмунан бир бутун, яхлитликни ташкил этиб, у мустақил қисмларга ажралмайди. Бунга Ҳ. Нуъмон, Ш. Шораҳмедовнинг «Ота», Ильф, Петровнинг

<sup>1</sup> Гражданское право. Т. 2, 1994, 328-б.

«Олтин бузоқ», «12 стул» асарлари яққол мисол бўла олади. Бунда барча асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида барча ҳаммуаллифларга тенг даражада тааллуқли бўлади.

Қонуннинг 12-моддасига асосан, бундай ҳолларда асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб, тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифларнинг ҳеч бири ҳақли эмас. Бўлинмас асар яратиш бўйича ҳаммуаллифларнинг мажбурияти учун жавобгарлик масаласида ҳам биргаликдаги умумий мажбуриятлар ҳақидаги қоидаларни қўллаш мумкин. Бинобарин, бундай ҳолларда бир ҳаммуаллифнинг мажбурияти бўйича бошқа ҳаммуаллифлар ҳам ҳеч истисносиз жавобгар бўладилар.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар умумий қоида бўйича ўзаро келишув, битим асосида белгиланади. Бундай битимда турли масалалар, масалан, асар нашр этилганда зарварақда қайси ҳаммуаллиф исми-шарифи қандай тартибда ёзилиши, қалам ҳақини тақсимлаш ва ҳоказолар кўзда тутилиши мумкин. Бундай битим бўлмаган тақдирда асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, қалам ҳақи улар ўртасида тенг тақсимланади. Агарда ҳаммуаллифлар ўзаро келишувга эриша олмасалар, низо суд томонидан ҳал этилади.

Қонунда фильмлар муаллифлари, ҳосила асарлар муаллифлари, интервью муаллифлари ҳақидаги масалалар бевосита ўз ифодасини топган бўлиб, улар муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобландилар. Қонуннинг 15-моддасига асосан, қуйидагилар кинофильм, телефильм, видеофильм (аудиовизуал асар) нинг тўлиқ муаллифлари ҳисобланадилар:

фильмни саҳналаштирувчи режиссёр;

сценарий муаллифи;

муайян( аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёхуд матнсиз мусиқа асарининг муаллифи;

саҳналаштирувчи (суратга олувчи) оператор;

саҳналаштирувчи рассом.

Бундай асарнинг ҳаммуаллифлари жумласига фильмда фойдаланилган бошқа асарларнинг муаллифи ҳам киритилиши мумкин.

Муқаддам мавжуд бўлиб, шунингдек, фильм устида иш олиб бориш жараёнида яратилиб, фильмда фойдаланилган асарлар муаллифларининг ҳар бири умуман фильмга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан қатъи назар, мустақил мазмунга эга бўлган ўз асарига муаллифликни сақлаб қолади.

Ҳосила асарлар, одатда, бошқа бир асар асосида яратилади. Ҳосила асарни яратиш учун асос бўлган асар асосий ёки бирламчи асар сифатвда қаралади. Масалан, Абдулла қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосий асар бўлса, «Ўтган кунлар» радиопостановкаси ёки «Ўтган кунлар» бадиий фильми сценарийси ҳосила асар ҳисобланади.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларни тузувчилар ҳосила асарнинг муаллифи деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамланма асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Бир асосий асар асосида номуайян миқдорда ҳосила асарлар яратилиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ўша асосий асар асосида ҳосила асарлар яратишига асло тўсиқлик қилмайди.

Жамлама асар муаллифига (тузувчисига) ижодий меҳнат натижасини ифодаловчи, мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган, материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир. Тузувчи жамлама асарга киритилган асарлардан ҳар бирининг муаллифлари ҳуқуқларига риоя этган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади. Агар муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жамлама асарга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини жамлама асардан қатъи назар сақлаб қоладилар. Тузувчининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ўз жамлама асарларини яратиш учун айна ўша материалларни мустақил равишда танлаб олишларига ёки жойлаштиришларига тўсқинлик қилмайди (Қонуннинг 14-моддаси).

Интервью савол-жавоб тарзидаги асар ҳисобланади. Бунда интервью берувчи ва интервью олувчи иштирок этадилар. Интервью ёзувчига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлик асосида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ёки уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишлидир. Бироқ, интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ёки эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.

#### **4 §. Муаллифларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш**



Муаллифларнинг ҳуқуқлари ўз мазмунига кўра шахсий номулкий ва мулкӣ тусдадаги ҳуқуқларга бўлинади.

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

асардан муаллифнинг ҳақиқӣ исмо-шарифи, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмо-шарифини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмо-шарифига бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ), шу жумладан чақириб олиш ҳуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи).

Одатда умумӣ қоида бўйича муаллифлик шахсий ҳуқуқлари фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли бўлади, ҳуқуқлар муаллифдан бегоналаштирилиши ёки бошқача тарзда бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳам муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиши ҳақида бошқа бирон-бир шахс билан тузган битим ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси аҳамиятсиз ҳисобланади ва ҳеч қандай ҳуқуқӣ оқибатлар келтириб чиқармайди. Бундай битимларга нисбатан мутлақо яроқсиз битимларга доир қоидалар қўлланилади.

Муаллиф шахсий ҳуқуқлари ичида муаллифлик ҳуқуқи асосӣ ўринни эгаллайди. Бу ҳуқуқ муаллифнинг бошқа ҳар қандай шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари вужудга келиши учун бирламчи асосдир. Асар кимнинг ижодӣ меҳнати билан яратилган бўлса, ўша шахс асар муаллифи деб эътироф этилади, тан олинади. Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифнинг ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айни шу асарга муаллифлик ҳуқуқининг эътироф этилишини истисно этади. Муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш учун асар ижодкорнинг ўз ташаббуси билан ёки буюртма асосида (иш берувчи топшириғига кўра ёки шартнома асосида) яратилганлиги аҳамиятга эга эмас. Бунда энг муҳими муаллифнинг асарни ўз ижодӣ меҳнати билан яратганлик факти ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга

келиши учун асарни эълон этганлик ёки этмаганлик аҳамиятга эга эмас, бироқ эълон қилинган асарларга нисбатан ўзига хос муаллифлик презумпцияси (презумпция – акси исботланмагунча ҳақиқат сифатида тан олинадиган ҳолат, факт) амал қилади. Бунга асосан асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, башарти унинг муаллиф эмас эканлиги исбот қилиб берилмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқини белгилашда асар имзосиз ёхуд тахаллус остида эълон қилинганлиги маълум ўзига хосликни келтириб чиқаради. Асар имзосиз (муаллиф номи кўрсатилмасдан аноним тарзда) босиб чиқарилганда ижодкор бу асар ўзиники эканлигини ошқороммавий эълон қилиб, белгиланган тартибда исботлаб бериши лозим. Агарда асар тахаллус остида босиб чиқарилган бўлса (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно, масалан, Ойбек тахаллуси остида чиқарилган асар атоқли адиб Мусо Тошмуҳамедовга тегишли эканлиги барчага аён) ҳам юқоридаги қоида амал қилади. Масалан, «Муштум» журналида 20-йиллари ўз асарларини эълон қилган баъзи ижодкорлар ўнлаб тахаллуслардан фойдаланганлар. Чунончи, Абдулла Қодирий Жулқунбой тахаллусидан ташқари, Баттол, Думбул ва шу каби бир марталик тахаллуслар остида ҳам асарлар эълон қилган.

Муаллифнинг номга бўлган ҳуқуқининг моҳияти шундан иборатки, муаллиф (ҳаммуаллифлар) асардан ўз исм-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ё имзосиз ёки шу тарзда фойдаланишга руҳсат бериш борасидаги мутлақ ҳуқуққа эгадир.

Муаллиф асарни ўз исми-шарифи остида эълон қилганда у тегишли давлат органларида қайд этилган, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспортда ёзилган исм-шарифдан фойдаланади (масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва шу каби ҳолатлар).

Асар тахаллус остида эълон қилинганда муаллифнинг исми-шарифини билдирмайдиган шартли сўз бирикмаси остида эълон қилинади. Тахаллус бошқача ном (масалан, Жорж Санд, Комила, Нодира), муаллифнинг туғилган жойи номи (Ал-Бухорий, Қўнғиртовлик, Ал-Хоразмий, Чустий) ёки бирор предмет номи кўринишида бўлади. Мумтоз адабиёт намояндаларининг кўпчилиги тахаллусга эга бўлган. Муаллиф ўзи хоҳлаган тахаллусни танлаш ҳуқуқига эга, бироқ танланадиган тахаллус бошқаларнинг номларини, тахаллусларини улар билан муаллиф шахсини чалкаштиришга олиб келадиган даражада такрорламаслиги, давлатнинг расмий рамзларига айний бўл-

маслиги мақсадга мувофиқ ва албатга, одоб-ахлоқ қоидаларига ҳам риоя қилиниши лозим.

Асарни ўз исми-шарифи билан, тахаллус остида ёки имзосиз эълон қилиш муаллифнинг ўз шахсий ишидир, унинг ўз хоҳиши-иродасига боғлиқ<sup>1</sup>. Имзосиз ёки яширин тахаллус билан эълон қилиш мотивлари турлича бўлиши мумкин: асарнинг муаллиф шахсини билмаган ҳолда ўқувчи томонидан холисона баҳоланишга имкон бериш, асар бадиий савиясидан кўнгли тўлмаганлиги сабабли ўз исми-шарифи билан эълон қилишдан тортиниш, асарни у ёки бу сабабларга кўра ўз номидан эълон қилишдан келиб чиқиши мумкин бўлган ўзи учун ноқулай оқибатларга йўл қўйилмаслик ва ҳоказо, бироқ асар имзосиз ёхуд яширин тахаллус (яширин тахаллус бу ўринда муаллифнинг шахсини очик-ойдин, ошкора ойдинлаштиришга имкон бермайдиган тахаллус маъносида қўлланилмоқда) билан эълон қилинганда муаллиф учун бу асарга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишда маълум миқдорда қийинчиликлар туғдиришини таъкидлаб ўтиш лозим.

Муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи мазмуни Қонуннинг 18-моддасида ўз ифодасини топган. Бунга, асосан, муаллиф ўз асарига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарни ҳимоя қилиш борасидаги мутлақ ҳуқуққа эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ошкора ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўз боши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай ижодий асар ижодкор шахсининг узвий, таркибий қисмидир. Асарда муаллифнинг нафақат ўй-фикрлари, дунёқараши акс этади, балки асарнинг савияси, даражаси, ижодкорнинг шахсий лаёқати, ижодий қобилияти ҳам мужассамланади. Шу сабабли ҳам асар дахлсизлигини бузиш муаллифнинг шахсига қаратилган

---

<sup>1</sup> Тахаллус остида асар эълон қилиш муаллифнинг хоҳиши-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳақида фактлар ҳам мавжуд. Масалан, совет космонавтикасининг етакчи олими *С. П. Королёв*, атомшунос олим *И. В. Курчатое* ва шу кабилар 40—60-йилларда ўз илмий мақолаларини тахаллус остида эълон қилишган. Бу ҳолат уларнинг шахси ҳақида маълумотлар давлат сири эканлиги билан изоҳланади.

ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаганида эса, муаллифнинг мерохўрлари, шунингдек, қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юклатилган ваколатли идоралар томонидан амалга оширилади.

Асарни ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ ўз мазмунига кўра ҳам шахсий, ҳам мулкӣй характерга эга бўлган ҳуқуқдир.

Қонуннинг 18-моддасига асосан, муаллиф номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига, танишувига имкон яратиб бериш (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ) ҳуқуқига эгадир. Асарни нашр этиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқача тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имконият яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф айна вақтда асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилинган қарордан воз кечиш (асарни чақириб олиш олиш) ҳуқуқига ҳам эга, бироқ бунда муаллиф асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга бунинг натижасида етказилган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойда ўрнини қоплаши шарт. Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф асарни қайтариб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввалдан тайёрлаб қўйилган қисмларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳаққи.

Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣй ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга руҳсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи);

асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Асарга унинг объектив шаклини, оҳорий, асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолатдага шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеотовуш ёки тасвир ёзувларидан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни истифода қилиш, такрорлаш ҳисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан, уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади. Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойда-

ланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

Бошқача айтганда, масалан, бирор шахс илмий монографияда берилган маълумотлар ва чизмалар асосида қурилма ёки ускуна ясаб, ундан фойдаланиш ушбу асардан муаллифлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан фойдаланган бўлиб ҳисобланмайди.

Муаллифнинг асарни таржима қилишга ва қайта ишлашга бўлган мутлақ ҳуқуқлари таржима қилинган ёки қайта ишланган асарга нисбатан муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Муаллифнинг дизайнерлик, архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш лойиҳаларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари бундай лойиҳаларни амалда рўёбга чиқаришни ҳам ўз ичига олади. қабул қилинган архитектура лойиҳасининг муаллифи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачидан қурилишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бино ёки иншоотни қуриш чоғида ўз лойиҳасини рўёбга чиқаришда қатнашиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар, фонограммага ёзилган асарлар муаллифлари асарнинг асл нусхасини ёки нусхасини прокатга беришга рухсат этишда мутлақ ҳуқуққа эга. Ушбу қисмнинг қоидалари аудиовизуал асарларга нисбатан, агар фақат шундай прокат ана шу асарларни такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуққа жиддий зарар етказадиган кенг кўламли такрорлашга олиб келмаса, шунингдек ЭҲМ учун дастурларга нисбатан, агар ЭҲМ учун дастурнинг ўзи прокатнинг асосий объекти бўлмаса, қўлланилмайди.

Фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда муаллиф, фонограмма ёки аудиовизуал асарни прокатга бериш ҳуқуқи фонограммани тайёрловчига ёки аудиовизуал асарни тайёрловчига ўтказилганлигига қарамай, фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асар сақлаш учун ҳар кимнинг фойдаланиши мумкин бўлган сақлов жойига (депозитарийга) топширилган бўлса ва депози-

тарий билан тузилган шартномага кўра мазкур депозитарийга мурожаат этадиган ҳар қандай шахсининг асар нусхасини олиши мумкин бўлса, асардан бу тарзда фойдаланиш асарларнинг қўлёзмаларини, ҳар қандай моддий жисмдаги бошқа асарларни сақлаш учун топшириш деб эътироф этилади.

Асарни сақлаш учун топшириш мутлақ муаллифлик ҳуқуқи эгасининг депозитарий билан тузилган, асардан фойдаланиш шартларини белгиловчи шартнома асосида амалга оширилади. Бундай шартнома ва депозитарийнинг фойдаланувчи билан тузган шартномаси оммавий шартномадир.

Тасвирий санъат асарининг муаллифи асар мулкдоридан ўз асарларини такрорлаш ҳуқуқини (фойдаланиш ҳуқуқини) амалга ошириш имкониятини беришни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда асар мулкдоридан асарни муаллифга етказиб беришни талаб қилиш мумкин эмас.

Тасвирий санъат асарига бўлган мулк ҳуқуқининг муаллифдан бошқа шахсга (ҳақ эвазига ёки текин) ўтиши бу асарнинг дастлабки сотилишини билдиради.

Тасвирий санъат асарини олдинги нархдан камида йигирма фоиз юқори нарх бўйича ошқора қайта сотишнинг (кимошди савдоси, тасвирий санъат галереяси, бадий салон, дўкон ва ҳоказо орқали) ҳар бир ҳолатида муаллиф сотувчидан қайта сотиш нархининг беш фоизи миқдорида ҳақ олиш ҳуқуқига эга (эргашма ҳуқуқ). Мазкур ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилмайди ва фақат муаллифнинг қонун бўйича меросхўрларига муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатига ўтади.

Асардан бошқа шахсларга ҳақ эвазига фойдаланишга бериш муаллифнинг асардан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Мулкий ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин. Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян

усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айна шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради. Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсларга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади. Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ, муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас. Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан



фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фойз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт. Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шarti ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Аудиовизуал асар яратиш ва ундан фойдаланиш учун муаллифлик шартномасини тузиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бу асар муаллифлари томонидан аудиовизуал асарни тайёрловчига такрорлаш, тарқатиш, прокатга бериш, омма олдидан ижро этиш, эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига такроран юбориш, аудиовизуал асарни барчанинг эътиборига етказиш, шунингдек аудиовизуал асарга субтитр қилиш ва матнни дубляж қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига олиб келади. Кўрсатилган ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи амал қиладиган муддат мобайнида амалда бўлади. Аудиовизуал асар таркибига кирадиган асарлардан фойдаланиш муаллифлик шартномаси асосида ва қонунда назарда тутилган бошқа асосларда амалга оширилади. Асарни аудиовизуал асар таркибига киритишга ўз розилигини берган ҳуқуқ эгаси, агар аудиовизуал асарни тайёрловчи билан тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, аудиовизуал асардан фойдаланишни тақиқлашга ёки бирон-бир тарзда чеклашга ҳақли эмас. Аудиовизуал асарга таркибий қисм бўлиб кирган, ҳам илгари мавжуд бўлган, ҳам унинг устида ишлаш жараёнида яратилган асарларнинг муаллифлари, агар аудиовизуал асарни тайёрловчи билан тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида шартлашилган бўлмаса, ҳар бири ўз асарига нисбатан муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Муаллиф буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича асарни шартнома шартларига мувофиқ яратиш ва уни буюртмачига топши-

риш мажбуриятини олади. Буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича яратилган асарга бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга тегишлидир.

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари нусхаларини сотишда муаллифлик шартномаси, агар унинг шартлари (дастурдан ва маълумотлар базасидан фойдаланиш шартлари) дастур ёки маълумотлар базаси нусхаларида тегишли тарзда баён қилинган бўлса, ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари унинг ўзидан бегоналаштирилишига, яъни бошқа бировларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Муаллифнинг асардан бошқалар фойдаланганлиги учун оладиган ҳақ (гонорар, қалам ҳақи) миқдори муаллиф билан асардан фойдаланувчилар (масалан, нашриёт, театр, кўргазма ташкилотчилари ва ҳоказо) ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Турмушда бу ҳақ миқдори асарнинг биринчи марта ёки қайта нашр этилиши, тиражи, муаллифнинг машҳурлик даражаси, асарнинг буюртма бўйича яратилганлиги ва шу каби ҳолатларга боғлиқ. Кўп ҳолларда ҳар бир нашриётда асарлар учун илгаридан белгилаб қўйилган гонорар ставкалари амал қилади.

Қонунда асарлардан муаллифнинг розилигини олмасдан, лекин тегишли ҳақ тўлаган ҳолда, шунингдек, асардан муаллифнинг розилигини олмасдан ва ҳақ тўламасдан учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган (Қонуннинг 25-33-моддалари). Муаллифнинг ва бошқа шахснинг асаридан фойдаланиш борасидаги мутлақ ҳуқуқларини бундай чеклашга асардан нормал фойдаланишда ўринсиз путур етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз кам-ситмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари амал қилиш муддатлари Қонуннинг 35-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Мазкур муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, қуйидагилар:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;
- ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу қонунга мувофиқ шундай фойдаланишга шартнома тузмасдан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- ҳуқуқ эгаларининг мулкый ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқларни бузишдир.

Асарларнинг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг бундай асарларни муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон

муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

Муаллифлик ҳуқуқи соҳибининг мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ФКнинг 11-моддаси, 1040-моддаси, 1070-моддаларида ва Қонуннинг 65-моддасида белгилаб берилган. Содир этилган ҳуқуқбузарлик характериға қараб, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг тегашли усули қўлланади. Қонуннинг 65-моддасига мувфоик, муаллиф, ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- ҳуқуқларнинг тан олишини;

- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаши ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

- ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқини бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

- зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товонни тўлашини;

- қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар кўришини.

Муаллиф ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот мулкий ҳуқуқларини бошқариш шундай ташкилот томонидан амалга ошириладиган шахсларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш ёки уни тўхтатиш учун зарур чоралар кўриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарарлар, шунингдек бундай чораларни амалга оширган шахс кўрган зарарлар ҳуқуқбузар ҳисобидан ундириб олиниши керак.

Асарларнинг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади.

Асарларнинг мусодара қилинган контрафакт нусхалари йўқ қилиниши керак, уларни ҳуқуқ эгасига унинг илтимосига биноан топшириш ҳоллари бундан мустасно.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқларидан барчани хабардор қилиш учун объектнинг (асарнинг) ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва қуйидаги уч элемент (унсур)дан иборат муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана (доира) ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;  
муаллифлик мутлақ ҳуқуқлари соҳибининг номи;  
асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Ушбу белги халқаро миқёсда, бошқа хорижий давлатларнинг кўпчилигида ҳам қабул қилинган. Амалда муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали асардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Бундай шартнома ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Тайёр асар ёки яратилиши лозим бўлган асар учун муаллифлик буюртма-шартномаси тузилади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий бойликка айланади. Ижтимоий бойлик (неъмат) ҳисобланадиган асардан, бошқа объектлардан ҳар бир шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ва қандайдир рухсат олмаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бироқ бунда муаллифлик ҳуқуқига, муаллиф номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа риоя этилиши шарт.

## **5 §. Элекгрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

Илмий-техника тараққиёти жамият ҳаётининг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатмода ва у ривожланишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бу таъсир, энг аввало, компьютерлар (ЭҲМ) ёрдамида ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш фаолияти билан боғлиқ бўлган соҳаларда, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам бундай фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, унинг натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Респуб-

ликасида (1994 йил 5 май) «ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига асосан, ЭХМ учун маълумотлар базалари ва дастурлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари тоифасига киритилади. Бунинг маъноси шуки, муаллифлик ҳуқуқининг аксарият меъёрлари (объектга нисбатан ҳуқуқий муҳофазанинг вужудга келиши шарти, муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари, муаллифнинг шахсий ва мулк-кий ҳуқуқлари ва ҳоказолар) компьютер дастурлари ижодкорлари учун ҳам қўлланилади.

Маълумотлар базаси деганда ЭХМлар ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан, мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи тушунилади.

ЭХМ (компьютер) учун яратилган дастур деганда муайян натижага эришиш мақсадида ЭХМ, ЭХМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар (фармойишлар, буйруқлар) мажмуи тушунилади.

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгандан кейин вужудга келади ва бунда муаллифлик ҳуқуқининг бошқа объектлари каби уларни рўйхатдан ўтказиш ва бошқа расмийликларга риоя қилиш шарт эмас. Шу сабабли ҳам қонуннинг 9-моддасига асосан ЭХМ учун яратилган дастурларни ёки маълумотлар базаларини тегишли ваколатли давлат идораларида қайд этиш (реестрга киритиш) ҳақидаги талабга риоя қилмаслик ҳуқуқ эгасини мутлақ ҳуқуқлардан маҳрум этмайди, бироқ бу ҳуқуқларни амалга ошириш, уни муҳофаза этишни нисбатан қийинлаштиради, холос. Агарда дастур ёки маълумотлар базалари рўйхатдан ўтказилган бўлса, уларга нисбатан мулк-кий ҳуқуқлар, бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар ҳам тегишли давлат идорасида (яъни Давлат Патент идораси ҳузуридаги агентликда) рўйхатдан ўтказилиши лозим.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек, муаллифнинг ва объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг соҳиби ваколатларининг мазмуни тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Бундай қонунлар жумласига «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Қонун (унинг 16, 17, 18, 19, 21, 22-ва бошқа моддалари) нинг тегишли қоидалари ҳам киритилади. Бундан ташқари, муаллиф ёки мутлақ ҳуқуқ эгаси дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш, шу жумладан, дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга оширишга рухсат

беришга ҳақли. Дастур ва маълумотлар базаларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар шартнома асосида ёхуд мерос тартибида бошқа шахсларга ўтади. Шартнома ёзма тузилиши ва унда объектдан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори, шартнома муддати кўрсатилиши шарт.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс мутлақ ҳуқуқ соҳибидан кўшимча равишда руҳсат олмаган ҳолда ушбу объектлар ўз вазифасига мувофиқ ишлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан, ЭҲМга ёзиб кўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек, аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. Дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасини қонуний асосларда олган шахс ҳуқуқларининг доираси ва мазмуни ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳақидаги Қонуннинг 12-13-моддаларида белгилаб кўйилган. Ушбу қонуннинг 14-моддасида муаллифлик ва мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари назарда тутилади. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг муаллифи ёхуд мутлақ ҳуқуқ соҳиби:

ўз ҳуқуқларининг тан олинishi (эътироф этилишини), ҳуқуқ бузилишига қадар бўлган ҳолат тикланишининг ва ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг тўхтатилишини;

етказилган зарарнинг қопланишини (шу жумладан, ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини ўзига ундириб берилишини);

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўр-ига энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан то минг бараваригача ҳажмида товон тўланишини (қандай миқдорда бўлишини суд белгилайди) талаб қилишга ҳақлидир.

Суд ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини (яъни контрафакт нусхаларни) мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Контрафакт нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд мутлақ ҳуқуқ соҳибининг илтимосига биноан, зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин.

## **6 §. Интеграл микросхемалар топологияларини интеллектуал мулк объекти сифатида бўлишининг**

## Ўзига хос хусусиятлари

Фан-техника тараққиёти шиддатли ривожланаётган ҳозирги даврда интеллектуал мулкнинг янгидан-янги объектлари вужудга келмоқда. Улардан бири интеграл микросхемалар топологияси ҳисобланади. Интеграл микросхемалар бу электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугал ёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон ашё бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, ашёдаги боғланишларнинг айрим ёки барча бу ашё тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртидан узвий шакл топган бўлади. Интеграл микросхема топологияси деганда эса интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви тушунилади. Бошқача айтганда ҳар бир муайян геометрик фазовий жойлашув ўзига хос янги объект бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига<sup>1</sup> (2001 йил 12 май) асосан бундай турдаги объектларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари бўлиб:

1. топологиянинг ўзига хослиги (оригиналлиги);
2. давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилганлиги ҳисобланади.

1989 йилда ишлаб чиқилган интеграл микросхемаларга нисбатан интеллектуал мулкчилик тўғрисидаги Вашингтон шартномасида, кўпчилик ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Россия Федерацияси қонунчилигида бундай объектларни ҳуқуқий муҳофаза остига олишнинг зарур шarti бўлиб уларнинг оригиналлиги кўрсатлади, давлат рўйхатидан ўтказиш компьютерлар каби бўлиб, мажбурий шарт эмас<sup>2</sup>. Ҳудди шу сабабли ҳам ушбу мамлакатларда интеграл микросхемалар топологияси муаллифлик ҳуқуқи объектлари каби яратилиш факти асосида ҳуқуқий муҳофаза остига олинади. Гарчи Ўзбекистонда ушбу объектлар патент асосида эмас, тегишли гувоҳнома асосида ҳуқуқий ҳимояланса ҳам, гувоҳнома бериш тартиби, мутлақ ҳуқуқ мазмуни муаллифлик ҳуқуқи объектларидан кўра, зохиран патент объектлариникига ўхшаб кетишини қайд этиш лозим. Бироқ, бундан муаллиф топологиялар патент ҳуқуқи объекти деган фикрда деб хулоса чиқармаслик лозим.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи». 2001 йил 18 май.

<sup>2</sup> А.П.Сергеев. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. М., Проспект. 2002 г. 692-693-бетлар.



Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳол исботлангунга қадар ўзига хос (оригинал) деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияларга, агар бундай элементларнинг ифтидоси оригинал бўлса, ижодий фаолият натижасида яратилган бўлса ҳуқуқий муҳофаза остига олинади.

Ҳолатлар, усуллар, тизимлар технология ёки кодлаштирилган ахборотлар гарчи топологияга сингдирилган, муҳасамланган бўлса ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф (иш берувчи, уларнинг ҳуқуқий вориси) томонидан бевосита ёхуд ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси патент ижорасига берилади.. Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин.

Талабнома берилган санадан бошлаб икки ойлик муддат ичида патент идораси ҳуқуқий муҳофаза сўралган топология бўйича давлат экспертизаси ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра, топологияни рўйхатдан олиш ёхуд уни рад этиш ҳақидаги қарор чиқарилади.

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ўн йил давомида амал қилади.

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ муддатининг бошланиши қуйидаги саналардан энг олдингиси бўйича аниқланади:

-топологиядан биринчи марта фойдаланиш санаси бўйича, бунда топология жаҳоннинг бирор бир жойида фуқаралик муомаласига олдинроқ киритилганлиги ҳужжатлар билан қайд этилган сана назарда тутилади;

-топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий эълон қилинган сана бўйича.

Бошқа шахс томонидан мустақил равишда яратилган айнан бир хил топология пайдо бўлган ҳолларда топологиядан фойдаланишга мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш умумий муддати ўн йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Хуқуқ эвазига топологиядан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи эгасига тегишлидир.

Топологиянинг ҳуқуқий муҳофаза белгиси «Т» ҳисобланади.

Муҳофаза қилинадиган топологиянинг, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемалани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатимиз қўллаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш (ўзига хос, оригинал бўлмаган қисмини такрорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Бироқ айнан бир хилдаги топологияни мустақил яратган шахс ундан мустақил фойдаланишга ҳақли. Мутлақ ҳуқуқ эгаси топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мутлақ ҳуқуқни амал қилиш муддат тугаганда, суд қарори асосида ёхуд қонунда белгиланган бошқа асослар бўйича (Қонуннинг 16-моддаси) бекор бўлади.

Қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасига мансуб субъектлар томонидан топологияни бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланган. Бунга кўра улар давлатларда топологияни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар. Саноат мулки объектларига нисбатан белгиланганидек, олдиндан қўйилган шартлар бу ўринда мавжуд эмас.

Чет эл юридик шахслари, жисмоний шахслари, топологияга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаровийлик асосида ҳуқуқларга эга бўладилар.

Топологияларга нисбатан муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари ФКда белгиланган тартибда ва асосларда ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари.
2. Муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинмайдиган талаблар
3. Асар муаллифи
4. Ҳаммуаллифлик.

5. Муаллифлик презумпцияси.
6. Муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар
7. Муаллифлик ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари.
8. Муаллифлик шартномаси
9. Хизмат тартибида яратилган асар
10. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари
11. Муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий бошқариш

## **61-БОБ. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлган баъзи асарлар бевосита учинчи шахслар томонидан ижро этилиши (балет, спектакль кўринишида) лозим бўлади. Ижрочилар ва ижрони ташкил этувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўз тусига кўра ижодий фаолият ҳисобланади, бироқ бунда ижодий фаолият услуби, туси ва маҳсуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, шу сабабли ҳам у муаллифлик ҳуқуқига туташ, муштарак бўлган турдош ҳуқуқлар орқали тартибга солинади. Турдош ҳуқуқлар сахна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видео ёзувига, эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади. Бинобарин, асарнинг ижролари, ижронинг аудиовизуал ёзувлари, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар субъекти бўлиб, ижрочилар, асарнинг ижро ёзувини яратувчилар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ва уларни узатувчи ташкилотлар ҳисобланади (шунингдек, уларнинг меросхўрлари ва ҳуқуқий ворислари ҳам).

Муаллифлик ҳуқуқлари каби турдош ҳуқуқлар ҳам ўз ҳимоя белгиларига эга. Ижро ёзувини яратган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиши учун бундай белгидан фойдаланишлари мумкин. Аудиоёзув (овоз ёзиб олинган грампластинка, компакт диск ва ҳоказо) ёки видеоёзув (тасвир ёзилган видеокассеталар)нинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган ғилофда акс эттириладиган бу белги уч унсур (элемент)дан иборат:

- айланага олинган «Р» ҳарфи;
- турдош мутлақ ҳуқуқлар эгасининг исм-шарифи (номи);
- ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқлари мазмуни ва ҳажми бир хил эмас, шу сабабли ҳам қонунда бу ҳуқуқлар алоҳида нормаларда ўз ифодасини топган. Бундай субъектлар ичида ижрочи алоҳида ўрин

эгаллайди. Асарлар ижрочилари бўлиб, ашула, рақс, пантомима ёхуд ифодали ўқишни амалга оширувчи артистлар, бундай ижроларни (спектаклларни) сахналаштирувчи режиссёрлар, мусиқа асарлари ижросининг дирижёрлари ҳисобланадилар. Ижрочилар меҳнати ҳам ижодий фаолият ҳисобланади. Ижрони амалга ошириш жараёнида улар асарни сўз, хатти-ҳаракат, қиёфа ёхуд имо-ишора орқали талқин этадилар, уни томошабинга етказишга ҳаракат қиладилар. Бинобарин, уларнинг маҳорати, қобилияти, тажрибаси улар ижодининг сифатини белгилайди. Худди шу сабабли ҳам ҳаваскорлар ижросидаги спектакль билан айнан шу спектаклнинг профессионал актёрлар билан ижроси бир-биридан кескин фарқ қилади. Ижрочи меҳнати ижодий жараён эканлиги С. Хўжаев ижросидаги Тошболта ошиқ, О. Хўжаев ижросидаги Навоий, Ш. Бурҳонов ижросидаги Сулаймон ота, С. Эшонтураева ижросидаги Жамила образлари ёхуд С.Қобулова ижросидаги мумтоз ашулалар ва шу қабиларда яққол намоён бўлади.

Қонуннинг 47-моддасига асосан, ижрочига қуйидаги ҳуқуқлар тегишлидир:

исм-шарифга бўлган ҳуқуқ;

ижрони ижрочининг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, шу жумладан ижрочининг ижросидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этилаётган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларини риоя этган ҳолда рўёбга чиқарадилар. Масалан, хонанда айтаётган ашуласи матн муаллифи ва мусиқа муаллифи ҳуқуқларига риоя қилиш лозим.

Ижрочининг ҳуқуқлари мерос ёхуд ворислик тартибида ўтади. Ижрочининг ҳуқуқлари ижрони биринчи бор намоёниш этиш (сахналаштириш) ёки ижро ёзувини илк бор тайёрлаш вақтидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. Ижрочининг шахсий ҳуқуқлари бемуддат қўриқланади.

Ижрочи ижрога бўлган ўз мутлақ ҳуқуқини бошқа шахсларга шартнома асосида ўтказишга ҳақли. Ижродан фойдаланмоқчи бўлган ҳар қандай шахслар ижрога нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси рухсатини олмоғи шарт.

Ашула, рақс, мусиқа ва бошқа турли ижролардан кенг доирадаги шахслар фойдалана олишлари учун улар тегишли моддий воситалар-

да (пластинка, компакт-диск, аудиовидеокассета) ифодаланмоғи лозим. Бинобарин, турдош ҳуқуқлар субъектларидан бири бўлиб, ижро ёзувини яратган шахс ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқларида ношир қандай ўрин тутса, турдош ҳуқуқларда ижро ёзуви тайёрловчиси ҳам худди шундай ўрин эгаллайди. Ижро ёзувини яратиш жараёни икки томонлама характерга эга. Бир томондан у техник жараён, яъни ижро техник қурилмалар ёрдамида ёзиб олинади. Бундай ижро ёзуви тайёрловчиси зиммасига техник қурилмаларни тайёрлаш, уларга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ва умуман бошқа моддий харажатлар юкланади. Иккинчи томондан баъзи ҳолларда ижро ёзувини тайёрловчи фаолияти баъзи ижодий элементлардан ҳам холи эмас. Бироқ ижро ёзувини тайёрловчи ижро ёзувига нисбатан, асосан, мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади. Қонунга асосан ижрочининг товуш-тасвир ёзувларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар унинг яратувчиси ва унинг ҳуқуқӣ ворисларига тегишли бўлади. Ижро ёзувидан фойдаланмоқчи бўлган бошқа шахслар ундан рухсат олишлари шарт. Бунда мутлақ ҳуқуқнинг мазмуни қуйидагиларда ифодаланади:

- ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);
- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);
- ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);
- ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);
- илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);
- ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);
- ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи).

Қонуннинг 47-моддасига асосан, фойда олиш (тижорат) мақсадида эълон қилинган ижро ёзуви ижрочи ва ижро ёзуви яратувчиси розилигисиз бошқа учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йўл

қўйилади. Бироқ бунда албатга ҳақ тўланиши шарт. Бинобарин, кино-театрларда, видеобарларда, ресторан, кафеларда ва бошқа кўнгило-чар-дам олиш жойларида ёзувларни намойиш этиш, радио ва телевидение орқали эшиттириш, кўрсатиш ва ҳоказо ҳолларда бундай фойдаланувчи шахслар тегишли муассасаларга (муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилот, масалан, муаллифлик ҳуқуқлари бўйича вакилликка) белгиланган ставкаларда ҳақ тўлаб турадилар. Вакиллик эса ҳақни тегишли муаллифлар, ижрочилар, ижро ёзуви тайёрловчиларига етказиб беради. Бу ҳолда ўзига хос уч томонлама битим амал қилади: муаллиф, ижрочи, ижро ёзуви тайёрловчиси битим вакиллик ўртасида ва вакиллик билан ижро ёзувидан фойдаланувчилар ўртасида. Бундай битимларга нисбатан ФКнинг вакиллик ва ишончнома ҳақидаги қоидалари, топшириқ шартномасининг айрим қоидалари қўлланилади.

Фонограммани тайёрловчига ушбу қонунга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар тегишлидир.

Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ҳуқуқи);

фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).

Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўламаган ҳолда йўл қўйилади.

Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидалари қўлланилади.

Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочиларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани тайёрловчининг ва ижроси шундай фонограммага ёзилган ижрочининг розилигисиз, лекин уларга ҳақ тўлаган ҳолда:

фонограммани омма олдида ижро этишга;

фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шу жумладан уни ретрансляция қилиш йўли билан эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишга йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш ижрочиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ёки фонограммаларни тайёрловчиларнинг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан шундай ташкилотлар ўртасидаги келишувга биноан амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби ҳақни йиғувчи ташкилот билан фонограммадан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги келишувда белгиланади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот (радиомарказ ва телемарказлар) ҳам турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳисобланадилар. Қонуннинг 52-моддасига асосан, ўз кўрсатув ва эшиттиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш учун руҳсат бериш бўйича мутлақ ҳуқуқлар эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотга тегишлидир. Кўрсатув ва эшиттири-

шлардан учинчи шахсларнинг фойдаланиши шартнома асосида амалга оширилади. Кўрсатув ва эшитгиришлар бунда қандай тусда бўлиши (масалан, «Табассум» радиожурнали, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви ёки «Ахборот» кўрсатуви) аҳамиятга эга эмас.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот қуйидагиларга ҳақлидир:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш ҳуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция ҳуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш ҳуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши ёзувини такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқи қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилиги билан амалга оширилганда;

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш Қонуннинг 53-моддаси қоидаларига мувофиқ тайёрланган ёзув мақсадида амалга оширилганда.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мум-



кин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидалари қўлланилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижрочилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда ижродан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан ҳамда уларнинг ёзувларидан фойдаланишга, шунингдек фонограммани такрорлашга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

кундалик воқеалар шарҳига ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унчалик катта бўлмаган парчалар киритиш йўли билан;

фақат ўқув ёки илмий-тадқиқот мақсадларида;

илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ёхуд ахборот мақсадларида иқтибос олиниши шарти билан ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унча катта бўлмаган парчаларни иқтибос шаклида келтириш. Бунда тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш учун ҳар қандай такрорлаш ушбу қонуннинг 51-моддаси қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади;

ушбу қонунда фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг мулкӣ ҳуқуқларини чеклашга нисбатан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Жисмоний шахс томонидан ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш бе-

рувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўламаган ҳолда ижронинг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришининг, шунингдек фонограмманинг ёзувини фақат ўз шахсий мақсадлари учун ва даромад олишни кўзламаган ҳолда тайёрлашга йўл қўйилади.

Агар қисқа муддат фойдаланиш учун ёзув ёки такрорлаш эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот томонидан ўз асбоб-ускуналари ёрдамида ҳамда унинг ўз кўрсатуви ёки эшиттириши учун амалга оширилаётган бўлса, ижронинг ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришнинг қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувларини амалга ошириш, бундай ёзувларни такрорлаш ва тижорат мақсадида чоп этилган фонограммани такрорлаш учун ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг ҳамда эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг рухсатини олишга нисбатан Қонуннинг 47, 50 ва 52-моддаларининг қоидалари қуйидаги шартлар билан қўлланилмайди:

эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ушбу қисм қоидаларига мувофиқ қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув ёки бундай ёзувни такрорлаш амалга оширилаётган ижронинг ўзини ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш учун олдиндан рухсат олган тақдирда;

қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув фан, адабиёт ва санъат асарларининг Қонуннинг 31-моддаси қоидаларига мувофиқ эфир орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот томонидан ба-жариладиган қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувга нисбатан белгиланадиган муддат доирасида йўқ қилиб юборилган тақдирда, ўзининг алоҳида ҳужжат хусусиятига эгаллиги сабабли давлат архивларида сақланиши мумкин бўлган ягона нусха бундан мустасно.

Ушбу моддада муаллифнинг, ижрочининг, фонограммаларни тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларига нисбатан назарда тутилган чеклашлар ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан, шунингдек уларга киритилган фан, адабиёт ва санъат асарларидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ҳолда ҳамда ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг, мазкур асарлар муаллифлари ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини чеклаб қўймаган ҳолда қўлланилади.

Қонунда ижрочига нисбатан назарда тутилган ҳуқуқлар ижро биринчи марта ижро этилгандан кейин эллик йил мобайнида амал қилади.

Ижрочининг исм-шарифга бўлган ҳамда ижрони ижрочининг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари муддатсиз муҳофаза қилинади.

Фонограммани тайёрловчига нисбатан ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар фонограмма биринчи марта чоп этилганидан кейин эллик йил мобайнида ёхуд агар фонограмма унинг биринчи ёзувидан кейин эллик йил ичида чоп этилмаган бўлса, шу муддат мобайнида амал қилади.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришига нисбатан ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари бундай кўрсатув ёки эшиттириш биринчи марта эфирга узатилганидан ёки биринчи марта кабель орқали юборилганидан кейин эллик йил мобайнида амал қилади.

Турдош ҳуқуқлар объектларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат турдош ҳуқуқлар объектлари келиб чиққан мамлакатда белгиланган турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт рўй берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

Мазкур муддатларнинг қолган қисми доирасида ижродан, фонограммдан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишни амалга ошириш ёхуд фойдаланишга рухсат бериш ва ҳақ олишга бўлган ҳуқуқ ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг меросхўрларига (юридик шахсларга нисбатан - ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Ижро, фонограмма, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришига бўлган турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган ижролар, фонограммалар ва эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк бўлган ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларидан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин.

Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича умумий усуллар (ФКнинг 11-моддаси), интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари (ФКнинг 1040-моддаси) ва Қонуннинг 65-моддаси (муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларининг барчаси турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам татбиқ этилади. Дарсликнинг 60-бобида бу усуллар ёритилган) орқали амалга оширилади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Турдош ҳуқуқ тушунчаси
2. Турдош ҳуқуқ объектлари.
3. Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш белгилари.
4. Турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари.
5. Турдош ҳуқуқ субъектларининг ваколатлари.

## **62-БОБ . САНОАТ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ**

### **1 §. Саноат мулки тушунчаси, турлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

Саноат мулки объектлари интеллектуал мулк объектларининг таркибий қисми ҳисобланади. «Саноат мулки» иборасини том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани қўллаш XVII-XIX асрларда Европа мамлакатларида ҳуқуқий ёрлик – патент орқали муҳофаза қилинадиган ихтиролар – техник тусдаги ечимларни, асосан, саноат соҳасида қўлланганлиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда саноат мулки нафақат саноатда, балки амалиётнинг, турмушнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади. Гарчи бу ибора унчалик аниқ-равшан бўлмаса ҳам, бироқ қонуншуносликда мустаҳкам ўрнашиб қолгани сабабли халқаро конвенцияларда, ривожланган мамлакатлар қонунларида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳимоя қилинадиган катта бир гуруҳининг номи сифатида анъанавий жиҳатдан кенг қўлланиб келмоқда. Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида саноат мулкининг муҳофаза объектлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: 1) ихтиролар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат кўрсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) манбани кўрсатиш; 8) товарнинг келиб чиқиш жойи номи (1-2-моддалар); 9) фирром рақобатнинг олдини олиш.

Амалдаги ФКда саноат мулкига бўлган ҳуқуқ ихтиро, фойдали модель саноат намунасига бўлган ҳуқуқ сифатида назарда тутилади.

ФКнинг 1082-моддасига асосан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси яратилиш факги бўйича эмас, балки махсус ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати – патент берилган тақдирдагина ҳимоя қилинади, кўриқланади. Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи – ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан патент дастлабки патент деб аталади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйилдиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган «Ихтиро-ар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) билан белгиланади.

Ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартлари ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан, ихтиро сифатида кўрса-

тилган объект (яъни амалий аҳамиятга эга бўлган муаммонинг ечими) агар у янги, ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, патент асосида ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар ихтиро техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади. Ихтиро техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади. Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиро объектлари турли-туман кўринишларга эга. Баъзи ҳолларда аввалдан мавжуд объектнинг янги мақсадларда қўлланиши ҳам ихтиро ҳисобланади. Масалан, қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади..

қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

ташқил этиш ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар (масалан, инсонни руҳий ёки жисмоний қийноққа солиш воситалари, фаҳш-бузуклик воситалари ва хоказо).

Фойдали моделларнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг конструктив жиҳатдан ясалиши, тайёрланиши, шунингдек, уларнинг таркибий қисмлари фойдали модель ҳисобланади.

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, ағари у янги бўлса, уни амалиётда қўллаш мумин бўлса, патент бериш орқали ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Ушбу талаблар ихтирога қўйиладиган

талабларга ўхшашдир. Аини вақтда улар ўртасида жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, фойдали модель ихтирочилик даражасига эга эмас. Фойдали модель объектлари доираси торроқ. Жумладан, усуллар, моддалар, микроорганизм штаммлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек, уларнинг янги мақсадда қўлланиши фойдали модель ҳисобланмайди. Аини вақтда, ихтиро бўлиб ҳисобланмайдиган объектлар ҳам фойдали модель сифатида муҳофаза қилинмайди.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечимлари саноат намунаси ҳисобланади. Ушбу ечимлар буюмнинг конструктив хусусиятларини эмас, балки фақат ташқи қиёфасини, ташқи кўринишини шакллантиради. Бадий-конструкторлик ечими сифатида саноат намунаси санъат асарларидан шу билан фарқланадики, унда буюмнинг конструктив (техник яроқлилиқ, қулайлик хусусиятлари, ишлаш қобилияти) ва эстетик сифати (чиroyлилиги, безатилганлиги) узвий уйғунлашган бўлиши лозим.

Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ўзига хос бўлса ва уни амалиётда қўллаш мумкин бўлса, патент бериш орқали ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади (Қонуннинг 8-моддаси). Саноат намунаси агар буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгилловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммавий-ошкора эълон қилинган маълумотлардан аён (очиқ-равшан кўриниб турган) бўлмаса, янги ҳисобланади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий туси билан боғлиқ бўлса, ўзига хос (оригинал) ҳисобланади.

Саноат намунаси, агар уни (буюмни тайёрлаш орқали) такрор-такрор ҳосил қилиш (истифода қилиш, қайта кўпайт-риш) мумкин бўлса, саноат (амалиёт)да қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, бадий-конструкторлик ечими агарда бадий жиҳатдан ва ахборот-маълумот жиҳатдан мужассамланган, ифодаланган, композиция яхлитлиги, оқилона рационал шаклга эга (яъни конструктив-технологик талабга мос) ва эргоника мезонла-ига мувофиқ бўлса, саноат намунаси деб эътироф этилади (масалан, енгил автомобилларнинг янги моделлари).

Қуйидагилар саноат намунаси ҳисобланмайди: матбаа (нашр) маҳсулотлари (газета, журнал, китоб ва ҳоказо, меъморчилик шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа ста-

ционер, суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар, буюмларнинг фақат техник функцияси билан боғлиқ бўлган ечимлар (гайка, шуруп, болт, винт ва шу кабилар), жамоат манфаатларига, инсон-парварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (хаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисларига тегишли бўлади ҳамда ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) билан тасдиқланади.

Агар бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки объектини яратган бўлса, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, дастлабки патент, гувоҳнома)га бўлган ҳуқуқ Патент идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга берилади.

Дастлабки патент ва гувоҳнома дастлабки экспертиза ўтказилганидан кейин, патент эса объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Ихтирога берилган патент ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгаллик қилишини, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга нисбатан мутлақ ҳуқуқини гувоҳлантиради.

Саноат намунасига, фойдали моделга берилган патент ҳам худди шундай вазифаларни бажаради.

Ёрлиқ эгасининг мутлақ ҳуқуқи ушбу ёрлиқ (патент, гувоҳнома, дастлабки патент) ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда ҳисобланади.

Устуворлик санасидан бошлаб ихтирога бўлган патент 20 йил мобайнида, саноат намунасига бўлган патент 10 йил давомида амал қилади.

Ихтирога берилган дастлабки патент ва фойдали моделга берилган патент беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси, фойдали модель патенти, амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегишли равишда беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Патент, дастлабки патент бериш тартиби Қонуннинг 14-26-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқ эгаси патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида ўз хоҳишига кўра фойдаланиш бўйича мут-



лақ ҳуқуққа эгадир. Бундай мутлақ ҳуқуқ куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

а) ҳуқуқий муҳофаза қилинган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;

б) патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;

в) муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;

г) худди шундай муҳофазаланган ечимга эга бўлган буюмларни импорт қилиш.

Бу таркибий қисмлар бир бутун яхлит ҳолда мутлақ ҳуқуқ мазмунини ташкил этади. Айни вақтда ҳуқуқий муҳофаза унинг айрим қисмларинигина қамраб олиш мумкин. Масалан, нефтдан бензин олиш усули. Бу усул асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўзи ҳуқуқий муҳофаза остида бўлмайди. Маълумки, ёрлиқ берилган ечим, маҳсулотга нисбатан мутлақ ҳуқуқ энг камида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бинобарин, бундай маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт қилиш) ҳуқуқи ҳам мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишлидир.

Бошқа ҳар қандай шахслар ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасидан патент эгаси рухсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланишлари лозим.

Қонуннинг 12-моддасига асосан, куйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқини бузиш сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларида таркиб топган қурилмаларни Париж Конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда қўллаш – бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учунгина фойдаланиши шарти билан;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий-тадқиқот ёки тажриба ўтказиш;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда ҳолларда қўллаш;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, башарти бу воситалар хўжалик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай, шахсий мақсадларда фойдаланиш, қўллаш;

дорихоналарда врач рецепти бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш;

Қонуннинг 31-моддасида белгиланган ҳолларда, тартибда ва ҳажмларда аввалдан фойдаланувчи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан фойдаланиш.

ФКнинг 1034-моддаси, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги қонуннинг 11, 32-моддаларига асосан саноат мулки объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишга рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли. Қонунлар бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳаракатлар мутлақ ҳуқуқни бузиш деб ҳисобланишини белгилайди. Бинобарин ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасида мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олмасдан фойдаланган ҳолда:

- а) маҳсулот тайёрлаш;
- б) технологик жараёнларни йўлга қўйиш, қўллаш;
- в) четдан олиб келиш (импорт қилиш);
- г) сотишга таклиф этиш, сотиш;
- д) фуқаролик муомаласига бошқача йўсинда киритиш (масалан, ижарага бериш, ҳадя қилиш ва ҳоказолар);
- е) ҳақ эвазига ёки ҳақсиз фуқаролик муомаласига киритиш мақсадида сақлаш;

ж) ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўлланиш ёки ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш (сотиш, ижарага бериш ва ҳоказо) ёки шу мақсадда сақлаш ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи эгаси (патент ёки гувоҳнома эгаси) мутлақ ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади.

Патент (гувоҳнома) эгасининг саноат мулки объектидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериши қатъий ифодаланган бўлиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Учинчи шахс томонидан мутлақ ҳуқуқ эгасини шунчаки хабардор қилиш факти рухсат олиш ҳисобланмайди. Мутлақ ҳуқуқ эгаси томондан учинчи шахснинг рухсат сўраб қилган мурожаатига индамаслик рухсат берилмаганлигини билдиради. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг рухсат

бериши унинг хатти-ҳаракатларида ҳам кўриниб туриши мумкин (масалан, ихтиро қурилмасини бериш). Бундай ҳолларда (рухсат олиш аниқ-равшан ифодаланиши лозим) мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олинган деб ҳисоблаш мумкин (ФКнинг 106-моддасига асосан).

Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларини бузиш тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

ФКда белгиланган қоидага асосан, мутлақ ҳуқуқни бузган деб ҳисобланаётган шахс бунинг аксини исботлаб бериши шарт (масалан, маҳсулот патентланган усул билан тайёрланмаганлигини). У бу ҳолатни исботлаб бергунга қадар маҳсулот патентланган усулда тайёрланган деб ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий презумпция Қонуннинг 30-моддасида батафсил ўз ифодасини топган. Унга асосан ихтиронинг, фойдали моделнинг мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга ўхшаш саналувчи формула бўлган белги қўлланилган бўлса, маҳсулот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб ҳисобланади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патент берилган усулда олинган деб ҳисобланади.

Агар маҳсулотда патентланган саноат намунасининг барча муҳим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

## **2 §. Патентга бўлган ҳуқуқ ва шахсий ҳуқуқлар**

Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқларнинг юридик тақдирини белгилашни англатади. Мутлақ ҳуқуқ соҳиби бу ҳуқуқларни шахсан ўзи амалга ошириши, бошқа ҳар қандай шахсларга тўлиқ ёки қисман ҳақ бараварига (лицензия бериш, сотиш) ёки текин (ҳадя қилиш) ўтказишга ҳақли.

Патентга бўлган ҳуқуқ ўз таркибига, доирасига хилма-хил ҳуқуқларни қамраб олади. Бу ҳуқуқларнинг мажмуи патентга бўлган ҳуқуқни ташкил этади. ФКнинг 1034-моддасида патентга бўлган ҳуқуқларнинг асосий турлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) патент олиш ҳуқуқи. Қонуннинг 9-моддасига асосан тубандагилар саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент)

олишга ҳақли: саноат мулк объектининг муаллифи (хаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) меросхўрлари;

муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага оид талабларда ёхуд саноат мулки объекти Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар розилиги шарти билан) ушбу асосга кўра патент олиш ҳуқуқи ҳақ эвазига ёки текин ҳар қандай шахсга ўтказилиши мумкин. Муаллиф билан саноат мулки объектини яратиш бўйича шартнома тузган ва шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган буюртмачи ҳам ушбу асосга кўра, патент олиш ҳуқуқини кўлга киритади;

объект хизмат топшириғи бўйича яратилганда, муаллиф учун иш берувчига (ФКнинг 1087-моддасида белгиланган ҳолларда асосларда ва тартибда);

патент олиш ҳуқуқи мерос бўйича ўтади;

б) саноат мулки объектига патент (гувоҳнома) бериш сўралган талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар. Патент олишга бўлган ҳуқуқ Патент идорасига белгиланган тартибда патент беришни сўраб талабнома бериш (Қонуннинг 14, 20-моддалари) орқали амалга оширилади. Талабнома топширилиб, у Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгач, талабнома топширган шахсда вужудга келадиган ҳуқуқлар (улар орасида марказий ўринда ўз номига патент олиш ҳуқуқи туради) бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш тегишли шаклда расмийлаштирилиши лозим;

в) патентга эгалик ҳуқуқи бу, энг аввало, патент бўйича мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳолда ўз ихтиёри, эрк-иродаси доирасида ушлаб туриш, сақлаб туриш ҳисобланади. Бу ҳуқуқ мазмуни Қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган. Патентга эгалик ҳуқуқи ҳам тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин тарзда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин (у тегишли тартибга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши лозим – ёзма тузилиши ва давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт);

г) патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, яъни саноат мулки объектидан ўзи фойдаланиши, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат (лицензия) бериши ва бошқаларнинг бу объектлардан фойдаланишини тақиқлаб қўйиши, лицензия учун тегишли ҳақ олиши, мутлақ ҳуқуқлари бузилиш натижасида етказилган зарарларнинг (ҳам моддий, ҳам маънавий зарарларнинг) қопланишини талаб қилиши ва шу

каби ҳуқуқлардан иборат. Бу ҳуқуқлар ҳам бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин.

1. Саноат мулки объекти (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси)ни ўз ижодий меҳнати билан шахсан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш ҳақидаги топширилган талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида муаллиф ариза бериб, саноат мулки объектига ўз номини ёки махсус ном бериш ҳуқуқига эга.

2. Ихтиро, фойдали, модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар вужудга келган вақддан бошлаб вужудга келади. Қонуннинг 5-моддасига асосан патент асосида келиб чиқувчи мутлақ ҳуқуқлар объектнинг устуворлик санасидан бошлаб амал қила бошлайди. Бинобарин, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар ҳам шу вақддан бошлаб вужудга келади ва патентга асосланган ҳуқуқлардан фарқли равишда бемуддат амал қилади.

3. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифига қонун ҳужжатлари асосида махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги (характердаги) афзалликлар берилиши мумкин.

ФКда, бошқа қонун ҳужжатларида муаллифга тегишли қуйидаги махсус ҳуқуқлар ва уларни ҳимоя қилиш бўйича меъёрлар белгилаб қўйилган:

а) объектнинг муаллифи сифатида ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғида қайд этилиши ва бу ҳуқуқнинг, ҳамма томонидан тан олиниши, рияз этилишига бўлган ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-га асосан муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган;

б) муаллифнинг саноат мулки объектига ном бериш ҳуқуқи;

в) саноат мулки объектидан муаллиф бу объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олмай ва ҳақ тўламай, илмий тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланишга ҳақли;

г) патент (гувоҳнома) эгаси бўлмаган саноат мулки объекти-нинг муаллифи мазкур объектдан фойдаланилганлиги ва унга доир лицензия сотилганлиги учун мукофот пули олишга ҳақлидир. Ҳақ миқдори, уни тўлаш тартиби иш берувчи, патент эгаси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Патент (гувоҳнома) эгаси унинг амал қилиш муддати давомида муаллифга қуйидагилар ҳисобидан ҳақ тўланади:

объектдан фойдаланганликдан келадиган фойда (даромад);  
объект асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар,  
кўрсатилган хизмат) таннари;

объект учун берилган лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида ҳақ тўланиши мумкин (Қонуннинг 32-моддаси);

д) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда саноат мулки объекти муаллифлари қатор имтиёзлар ва афзалликларга (штатлар қисқарганда ишда қолдиришда имтиёз, ижодий таътилга чиқиш ҳуқуқи ва ҳоказо), давлат тураржойи берилганда қўшимча тураржой нормаси олиш ҳуқуқига эга бўлиш, уларга давлат мукофотлари, илмий даража ва фахрий унвонлар берилиши мумкин.

Қонуннинг 15-17-моддаларида кўрсатиладигани, саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш ҳақидаги талабномада объектни ўз ижодий меҳнати билан яратган шахс унинг муаллифи сифатида кўрсатилади. Бу ҳолатнинг акси (объект муаллифи бошқа шахс эканлиги) исботлаб берилмагунча талабномада объект муаллифи сифатида кўрсатилган шахснинг муаллифлик презумпцияси амал қилади. Муаллифлик ҳақида низо чиққан тақдирда муаллифлик ҳуқуқи вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатлар (муаллифлик ҳуқуқи даъвогарининг объект бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борганлигига, ижобий натижаларга эришгани ва ҳоказо) далил-исбот тариқасида жалб этилиши мумкин. Ҳуқуқ юзага келишидан кейин вужудга келган фактлар ва ҳолатлар муаллифликни тасдиқловчи далил-исбот сифатида келтирилиши мумкин эмас.

Агар, саноат мулки объекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси бу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки объекти ҳаммуаллифларнинг объект бўйича ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланади.

Саноат мулки объектини яратишда ижодийлик тусига эга бўлган фаолият орқали ёрдам берган (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам бериш, ҳуқуқларнинг расмийлаштирилишига кўмаклашиш ва ҳоказолар) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди. Бироқ улар саноат

мулки объектларини яратиш ва улардан фойдаланишда кўмаклашган шахс сифатида мукофот олишга ҳақли.

Қуйидаги ҳолларда саноат мулки объектига нисбатан гувоҳнома олиш ҳуқуқи объект муаллифи билан меҳнат шартномаси (битими, контракт) тузган иш берувчига тегишли бўлади:

а) объект ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида яратилган бўлса;

б) объект ходим томонидан иш берувчининг аниқ муайян хизмат топшириғини бажариш натижасида яратилган бўлса;

в) башарти бу ҳолат саноат мулки объектининг муаллифи билан иш берувчи ўртасидаги шартномада (контрактда) назарда тутилган бўлса (агарда юқоридаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса-ю, объект патент олиш ҳуқуқи иш берувчига тегишли бўлиши ҳақида келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда патент олиш ҳуқуқи муаллифнинг ўзида қолади).

Қонунда, шунингдек, ходим корхонанинг ихтисосига доир техник билимлар ёрдамида яратилган саноат мулки объектига патент олиш ҳуқуқи ҳам иш берувчига тегишли бўлиши назарда тутилади (9-модда).

Агарда иш берувчи саноат мулки объекти яратилганлиги ҳақида муаллиф хабардор қилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказмаса, муаллиф ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Саноат мулки объекти иш берувчи томонидан махфий (ноу-хау сифатида) сақланадиган бўлса, муаллиф махсус ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ходим томонидан хизмат тартибида саноат мулки объекти яратилганда муаллиф мукофот пули олишга ҳақли. Мукофот пули миқдори, тўлов тартиби, тўлов шартлари ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида белгилаб қўйилади. Агар тарафлар бундай келишувга эришмасалар, судга мурожаат қилишга ҳақли. У ҳолда келишув шартлари суд томонидан белгиланади.

Одатда объект яратилишида ходим ўз ижодий меҳнати билан, иш берувчи эса меҳнат шароитини вужудга келтириш, зарур асбоб-ускуна, адабиётлар, маълумотлар билан таъминлаш орқали иштирок этади. Объектдан фойдаланишда олинадиган даромадни тақсимлашда ким қанча ҳисса қўшганлиги аниқ ҳисобга олинади ва шунга мутаносиб равишда фойдадан улуш белгиланади. Агарда объектни яратишда

ходим ва бажарувчи қўшган ҳиссаларини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, объектдан фойдаланиш ёки лицензия бериш асосида иш берувчи оладиган фойданинг ярми (50 фоизи) муаллифга тегишли бўлади.

### **3 §. Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби**

Саноат мулки объектига берилган патент патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш дақидаги шартнома ҳақ эвазига ёки ҳақсиз эканлигидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши шарт. Бундай шартномани шакллантиришда ФКнинг 107-моддасида белгилаб қўйилган битимнинг ёзма шакли ҳақидаги қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Ёзма равишда тузилган шартнома Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказишга ваколатли давлат идораси, энг аввало, шартнома шартларини қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади. Қонунга номувофиқ бўлган шартномаларни рўйхатдан ўтказдириш рад этилиб, тарафларга шартнома шартларини қонунга мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Умумий қоидалар бўйича шартномаларнинг рўйхатдан ўтказилишида улар қанчалик мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланмайди (давлат ва жамият манфаатларига атайлаб хилоф равишда тузилган шартномалар бундан мустасно). Шартнома рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

Шартноманинг ёзма равишда тузилишига ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади. ФКнинг 112-моддасига асосан, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар шартнома ёзма равишда тузилган, аммо тарафлардан бири уни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни ФКнинг 112-моддаси 3-қисмига биноан рўйхатдан ўтказишга ҳақлидир. Шартномани Давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош торган тараф шартномани тузишни кечиктирганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Шартномадаги тарафлар томонидан ушбу талабларга риоя қилмаслик оқибатларига нисбатан ФКнинг 113-114-моддаларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан саноат мулки объектдан бошқа шахсга фойдаланиш учун лицензия шартномаси ҳақидаги келишуви



албатта ёзма равишда тузилиши шарт. Бунда ФКнинг 107-моддаси ва 1037-моддаси талабларига риоя қилиниши лозим. Бундай талаб асосий лицензия шартномаси учун ҳам, сублицензия (қўшимча лицензия, ҳосила ёки иккиламчи лицензия) шартномаси учун ҳам тааллуқлидир.

Ёзма равишда тузилган лицензия шартномаси Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бунда шартнома шартлари қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан ва алоҳида ҳолларда мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳоланади. Рўйхатдан ўтказиш рад этилганда тегишли тартибда шикоят берилиши мумкин.

Лицензия шартномаси рўйхатдан ўтказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади, тарафларда шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради.

Агар лицензия шартномаси тарафларидан бири асоссиз равишда шартномани рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан шартномани рўйхатдан ўтказиш ҳақида ФКнинг 112-моддаси 3-қисмига асосан қарор чиқаришга ҳақли. Шартномани Давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортган тараф шартномани тузишни кечиктирганлиги учун етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Лицензия шартномаси тузишда тарафлар томонидан ушбу талабларга риоя қилмаслик шартноманинг ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Бунда вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларга нисбатан ФКнинг 113-114-моддаларида белгиланган қоидалар қўлланади.

ФКнинг 1090-моддасида саноат мулки объектига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати – патент асосида амал қилувчи мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Ушбу жавобгарликнинг вужудга келиш асослари ФКнинг 24-боби моддаларида назарда тутилган қоидаларда мужассамлашган.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузиш, энг аввало, муҳофазаланаётган объектдан бошқа шахслар берухсат фойдаланаётганларида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам патент эгаси биринчи навбатда қоидабузардан ҳуқуқ бузилиши ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Саноат мулки объектига нисбатан патент эгасининг ҳуқуқларини бузган қоидабузар патент эгасига етказилган зарар ўрнини қоплаши шарт. Зарар тўла ҳажмда тўланиши лозим. Етказилган зарар моддий ёки маънавий кўринишларда бўлиши мумкин. Моддий зарар патент эгаси томонидан саноат мулки объектларидан фойдаланиш

асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот патент эгаси ҳуқуқлари бузилиши оқибатида бозорда ўтмай қолиши, нархининг пасайиши ва шу кабиларда намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолат нафақат маҳсулот чиқаришда, балки хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам рўй бериши мумкин. Маънавий зарар патент эгаси ҳуқуқларини бузиш натижасида унинг касб-кор нуфузига, мутлақ ҳуқуқ соҳиби сифатида ҳолатига путур етишида намоён бўлади. Бундай маънавий зарар пул билан қопланишидан ташқари, суд ҳуқуқбузар зиммасига патент эгасининг ишбилармонлик мавқеини қайта тиклаш мақсадида суд қарорини ўз ҳисобидан эълон қилдириш мажбуриятини юклаши мумкин.

Патент эгаси кўрилган зарарнинг қопланиши ўрнига қоидабузар томонидан патент эгаси ҳуқуқларини бузиш натижасида (яъни муҳофазаланаётган саноат мулки объектларидан рухсатсиз фойдаланиш орқали) олган барча даромадларини ундириб олишга ҳақли. Бундай ҳодда патент эгаси зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас. Бинобарин, зарарни қоплаш ёки даромадларни қайтариш альтернатив жавобгарлик чоралари ҳисобланади, уларнинг қайси бирини қўллашни танлаш ҳуқуқи патент эгасига тааллуқлидир.

ФКнинг 1040-моддасида мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг қуйидаги усуллари ҳам назарда тутилади:

- мутлақ ҳуқуқларни бузишга кўмаклашган моддий объектларни ва бундай ҳуқуқбузарлик асосида яратилган маҳсулотларни олиб қўйиш.

Олиб қўйилган ушбу моддий объектлар патент эгасининг талаби бўйича ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан йўқ қилиб юборилиши ёки патент эгаси ихтиёрига берилиши мумкин.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Саноат мулки тушунчаси ва турлари
2. Ихтиро тушунчаси
3. Ихтиро объектлари
4. Ихтиро ҳисобланмайдиган объектлар
5. Ихтиронинг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ шартлари
6. Фойдали модел тушунчаси ва ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ шартлари
7. Саноат намунаси тушунчаси ва ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ шартлари
8. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига патент бериш тартиби
9. Ихтирога берилган патентнинг амал қилиш муддати
10. Фойдали моделга берилган патентнинг амал қилиш муддати

11. Саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддати
12. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси муаллифнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
13. Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
14. Патент фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш
15. Патент амал қилиш муддатининг бекор бўлиши

## **63-БОБ. СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ**

### **1 §. Селекция ютуғи тушунчаси**

Селекция ютуғи деганда, умумий маънода, ўсимликларнинг янги нави ва ҳайвонларнинг янги зоти тушунилади (Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 2-моддаси). Селекция ўзида инсон иродаси асосида йўналтирилган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг эволюциясини ифодалайди<sup>1</sup>. Айни вақтда селекция ютуқлари инсон ақлий фаолияти натижаси ҳисобланади.

Селекция-лотинча, *selego* сўзидан олинган бўлиб, саралаш, тўплаш деган маънони англатади<sup>2</sup>. Селекция-бу жонли табиат, тирик борлиқ устида олиб борилган кишиларнинг ақлий фаолиятлари бўлиб, селекция ютуғи эса, ана шу ақлий фаолият натижасида эришилладиган муваффақиятлардир. Ўсимликларнинг навлари ва ҳайвонларнинг зотларини саралаш, тўплаш ва уларни физиологик, генетик ва биологик усуллар ҳамда илмий-ижодий фаолият орқали ўзаро ча-тиштириш ёки бошқа йўллар билан кўпайтириш натижасида янги нав ва зотни ҳосил қилиш селекция ютуғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуғи тўғрисида”ги қонуни “селекция ютуғи” атамаси учун асосий тушунчалар ҳисобланган-ўсимликлар нави ва ҳайвонларнинг зоти тушунчаларининг таърифини баён этади. Ушбу қонунга мувофиқ, нав-ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи му-айян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларига қараб аниқланади ва айни бир ботаник так-сондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқ қилади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир.

Зот-генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик ху-сусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқладиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашоратлар, ипак қурти) ёки уларнинг дура-

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. -М.: Проспект. 2000. -702 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9-том. -Т.: 1997.-585 б

гайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари муайян гуруҳагина хос бўлиб, уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги тип (зонал тип), завод типи, завод линияси, зот оиласи, партиноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир (Қонуннинг 2-моддаси).

Юқорида санаб ўтилган нав ва зотнинг муҳофаза қилинадиган объектлари формал биологик тушунчалар бўлиб, бу объектларнинг бузилиши ёки уларга путур етказилиши мавжуд нав ва зотнинг бузилишига ва нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Селекция ютуғи ҳуқуқий муҳофаза этилаётганда нав ва зотга тегишли бўлган муҳофаза қилинадиган объектларнинг ҳолатини ўрганилиб, ҳуқуқ бузилишига баҳо бериш лозим.

Селекция-инсоннинг илмий ва ақлий билимларини ўсимликлар ва ҳайвонлар эволюциясига йўналтириш натижасида инсоннинг ўзи учун қулай, мақбул ва фойдали нав ва зот яратиш жараёнидир. Шу ўринда селекция соҳасидаги тадқиқотлар билан ген инженерияси соҳасида тадқиқотлар ўртасидаги фарқни изоҳлаб ўтиш жоиз. Селекция-бу фақат ўсимликлар ва ҳайвонлар устида олиб бориладиган тадқиқотлар бўлса, ген инженерияси-барча жонзот (шу жумладан, инсон) устида олиб бориладиган илмий-тажрибавий фаолиятдир. Ген инженерияси тадқиқотларининг асосий мақсади тирик жонзотнинг асосий унсури-генига турли таъсир ўтказиб, янги тур, нав, зот, хил яратишдан иборат. Ген инженерияси усулида яратилган нав ва зотларни анъанавий селекция усулида яратилган нав ва зотлардан фарқлаш зарур. Ген инженериясида янги нав ва зот яратиш учун бир турдаги ёки бир оиладаги ҳайвонлар ва ўсимликлар эмас, балки бири-биридан бутунлай узоқ тур ва оиладаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзаро ген инженерияси усулида чатиштирилади ёки сунъий равишда ген ўзгартирилади. Натижада мутлақо инсон тасаввурига сиғиши қийин бўлган гибридлар ва мутантлар (масалан, фил ва туянинг, балик ва товукнинг, бўри ва қуённинг чатишмалари) юзага келади. Жаҳон жамоатчилигининг фикрича, бундай гибрид ва мутантларни яратилиши мавжуд табиий мувозанатни бузиш билан бирга инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, бундай тадқиқотларни ўтказишни тақиқлаш зарур.

А.И.Иойрыш, О.А.Красовскийларнинг фикрича ген инженерияси бу дастурли, наслдан наслга ўтиш хусусиятига эга бўлган, анъанавий селекция йўли билан чиқаришнинг имкони бўлмаган биологик

тузилмалар (хайвонлар ва ўсимликларнинг индивидуал генлари, микроорганизмлари, оқсиллари) ини олишга қаратилган услуб ва воситаларнинг йиғиндисидир. Ген инженерияси табиат қонуниятларни билишда, тибийётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли хил соҳаларини мувофиқлаштириш ва уўғунлаштиришда, кўплаб экологик ва ижтимоий муаммоларининг ечимини топишда инсоннинг имкониятларини кенгайтиради ва янги жиҳатларни касб этади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ген инженерияси соҳасидаги тадқиқотлар ютуқлари инсон ҳаёти, соғлиғи ва турмуш шароитининг яхшиланиши учун бир қатор фойдали воситаларнинг яратилишини таъминлади. Зеро, келажакда ген инженерияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳар қандай касалликни олдини олувчи турли вакциналарни, касалликларни тез даволовчи дори-дармонларни тайёрлашда, янгидан-янги озиқ-овқат маҳсулотларини пайдо бўлишида асосий восита вазифасини бажаради.

Кейинги пайтларда ген инженериясининг ютуқлари жаҳон ҳам жамияти томонидан юқори баҳоланмоқда. Зеро, кейинги қисқа вақт оралиғида инсон соғлиғи учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган турли дори-дармонлар<sup>2</sup>нинг кашф этилиши, кўп йиллар давомида тузатиб бўлмаслиги тан олинган касалликларнинг давоси топилганлиги (масалан, агар рак касаллигининг бошланиш даврида, бу касалликдан батамом халос бўлиши мумкинлиги, вирусли геппатит Внинг вакцинаси топилганлиги, ҳозирда деярли барчага маълум), инсон организми гармонларининг ўсишига ёрдам берувчи турли воситаларнинг вужудга келиши айнан ген инженерияси тадқиқотларининг ҳосиласидир.

Бундан ташқари келажакда инсоният олдида турган ва ҳал этилиши йилдан-йилга қийинлашиб бораётган очарчилик, сувсизлик, табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва қўйинки одам ва унинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ деярли барча муаммоларни ҳал этишда энг асосий ва бирламчи омил бу ген инженерияси ва унинг ютуқлари бўлади, дея ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин<sup>3</sup>. Айниқса, озиқ-

<sup>1</sup> Иойрыш А.И., Красовский О.А. Правовые аспекты генной инженерии.// Государство и право. 1997.№3. С 112.

<sup>2</sup> Масалан, 2002-2003 йилларда Хитой ва бошқа жанубий шарқий Осиё мамлакатларида тарқалган «грипп» хасталиги ўхшаш ўта юқумли ўткир ичак ва нафас йўли (респираторли) касаллигига қарши қисқа фурсатда вакцинанинг яратилиши ген инженерияси соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг тез суръатларда ривожланиб бораётгани ва инсон ҳаёти ва соғлиғи учун катта аҳамиятга эга экани билан характерланади

<sup>3</sup> Дарҳақиқат, ген инженериясининг инсоният учун аҳамияти ва фойдаси бениҳоя катта. Бундай фойдалиликни, инсон билан боғлиқ ҳар қандай соҳа ва муносабатларда кўришимиз мумкин. Бу ҳолат инсон умрини ўзайтиришдан тортиб, уни қайтадан туғилишигача (клонлаштириш орқали) амал қиладиган жараёнлар занжирини ташкил этади. Гарчи ҳозирги кунларда инсонни клонлаштириш ишлари амалга оширлаётган бўлсада, ҳали бу

овқат муаммосини ҳал этишда ва бу муаммо билан чамбарчас боғлиқ қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ген инженерияси тадқиқотлари юқори натижаларга эришмоқда. Зеро ҳозирги кунда бозорларимизни тўлдириб турган турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми ген инженерияси ютуқлари асосида яратилган нав ва зотлардан олинган ҳосилдир. Ҳозирги кунда турли хил ҳашоратлар(масалан курт) емайдиган олма ва картошка, кемирувчилар еса ўлиши мумкин бўлган лекин одам истъеъмол қилса фақат фойда кўрадиган помидор, бодринг ва шунга ўхшаш полиз экинлари борлигини инсоният ажабланмасдан қабул қилмоқда. Кейинги йилларда кўплаб ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда айнан ген инженерияси ютуқларидан фойдаланишмоқда. Мисол учун кейинги икки-уч йил ичида юртимиз бозорларида пайдо бўлган «америка тарвузлари»га эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг жайдари тарвузларга қараганда уруғи кам бўлишини, серсув ва шираси юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Инсоният ген инженерияси илмий тадқиқотларининг бир йўналиши ҳисобланган клонлаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, ўсимликлар дунёсини ривожлантириш билан истиқболда катта ютуқларга эришишга умид боғламоқда. Масалан, яқинда АҚШ олимлари гуруч ядросидаги ДНК кодини ўзгартириш йўли билан шолининг сувсизликка чидамли навини клонлаш усулида яратишгани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди<sup>1</sup>.

Ген инженерияси натижаларининг инсон учун фойдали хусусиятлари бўлиши билан бирга, унинг инсон соғлиғи учун зарарли жиҳатлари борлигини ҳам эсдан чиқармаслиги керак. Яъни, муайян натижага эришиш йўлида амалга оширилаётган тажрибалар ва амалиётлар ижобий натижа билан бирга салбий оқибатларни ҳам вужудга келтириши мумкинлигига ҳар доим ҳам шундай тадқиқот олиб бораётган шахслар кафолат бера олишмайди. Айниқса бир туркумда бўлмаган ўсимликлар ва ҳайвонлар генининг ўзгартирилиши келажакда инсон учун қандай хавф-хатар туғдиришини олдиндан башорат қилиш қийин. Мутахассисларининг таъкидлашича баъзи касалликлар лабораториялардаги хавфсизликнинг етарли даражада таъминланмаганлигидан келиб чиққан.

Шундай экан ген инженерияси ютуқларининг жаҳон иқтисодий

---

соҳада ютуққа эришилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ш. Хужайрани сунъий кўпайтириш истиқболлари.//Сирли олам. 2002. №8. Б.12.

ва ижтимоий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу илмий тадқиқот фаолияти ва унинг натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурияти юзага келади.

Ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларига кўра ген инженерияси натижалари (ёки ютуқлари) интеллектуал мулк объектлари жумласига киради. Зеро, ушбу ҳолатда инсон ўзининг ақлий-ижодий фаолияти орқали ўзи учун қулай ва фойдали натижага эришади. Бунда, инсоннинг ақлий-ижодий фаолияти тирик борлиқнинг барча объектлари (ҳаттоки инсон) устида олиб бориладиган илмий тадқиқотларга қаратилади. Бу фаолият тиббиёт, биология, зоология, селекция, генетика, физиология каби жонли табиат билан боғлиқ барча соҳаларда олиб борилади. Нимаики тирик мавжудот бўлса, айнан ўша ген инженерияси тадқиқотининг объекти бўлиши мумкин.

Маълумки, селекция ютуқларининг яратилиши узок давом этадиган тадрижий (эволюцион) тадқиқотлар, илмий, иждодий тажрибалар ва инсон яратувчанлик қобилиятини тақозо этади. Селекция ютуқлари-инсоннинг табиат қонуниятлари тўғрисидаги билимлар ва иждодкорлик салоҳиятини ўзи учун қулай ва фойдали неъматлар яратишга йўналтира олиш маҳсули ҳисобланади.

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратилиши унча узок бўлмаган тарихий жараённи бошидан кечирган. Даставвал, янги навларнинг яратилиши маҳаллий шароитларда узок йиллар танлаб ва саралаб бориш йўли билан яратилган. Бунда ҳеч қандай чатиштириш ва пайвандлаш усуллари қўлланилмаган (ҳозирда бундай навлар “жайдари навлар”) дейилади. Кейинчалик, фан ва техниканинг ривожланиши натижасида навлар турли ўсимликларни чатиштириш, пайвандлаб, шунингдек ўсимлик ирсиятига кимёвий ва радиоактив моддалар билан таъсир этиб етиштирила бошланди (бундай усулда яратилган навлар “селекция навлари” деб юритилади).

Ҳайвонларнинг янги зотларини яратиш ўсимликларни янги навларини яратишдан фарқ қилади. Янги зот-қишлоқ хўжалик ҳайвонларини танлаш ва саралаш бўйича наслчилик ишлари олиб бориш, ташқи муҳит, боқиш, асраш ва фойдаланиш натижасида вужудга келади. Янги зот бошқа зотлардан ўзининг маҳсулдорлиги билан ажралиб туриши лозим. Зот ягона аждоддан келиб чиқиши, гавда тузилиши жиҳатидан маълум типга тааллуқли бўлиши, физиологик ва морфологик белгилари авлоддан-авлодга ўтиши лозим бўлган ҳайвонлар гуруҳидир.

Селекция ютуқлари ўз моҳиятига кўра фақат, тирик борлик устида олиб борилган илмий-ижодий фаолият маҳсули сифатида кўрилар экан, бунда яратилган объектларнинг инсон эҳтиёжлари учун ниҳоятда зарур эканлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Ҳуқуқий жиҳатдан селекция ютуқларининг моҳияти яратилган янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш орқали ифодаланса, ҳаётий зарурият нуқтаи назаридан селекция ютуқлари аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш ва иқтисодий самарадорликни кўтариш меъзонлари билан белгиланади.

Селекция ютуқларини ихтиролар билан қуйидаги ўхшашликлари мавжуд:

1.Селекция ютуқлари ҳам ихтиролар ҳам интеллектуал мулкнинг патент билан муҳофаза қилинадиган объектларидир;

2.Жонли борлик қонуниятларини билиш инсонга ҳайвонлар ва ўсимликлар ривожланишини ўзи учун керакли томонга йўналтира олишида мақсадли таъсир этиш имконини беради. Шу маънода селекционернинг иждодий фаолияти ихтирочининг иждодий фаолиятига жуда ўхшайди. Ихтирочи сингари селекционер ҳам объектнинг ўзгариш жараёнига фаол аралашади ва уни олдиндан режалаштирилган натижага эришиш мақсадида керакли томонга йўналтиради;

3.Селекция ютуғи муаллифи фаолиятининг натижаси инсон учун зарурий сифатларга эга бўлган ўсимликларни янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратишга қаратилган аниқ амалий масалани ечишдан иборат. Масаланинг оддий қўйилиши, гарчи унда иждодийлик мавжуд бўлсада, қонун билан кўриқланмайди. Бунда нафақат қайси нав ва зотни яратиш кўзда тутилиши кўрсатилиши, балки янги нав (зот)ни реал яратиш ва уни қонунда назарда тутилган тартибда текшириш учун бутун селекция жараёнини охирига етказиш лозим.

Селекция ютуқлари аниқ амалий масалани ечими сифатида ихтиро билан бир хилдир. Чунки, ихтиро ҳам селекция ютуқлари сингари амалий характердаги масалаларни ечиш орқали яратилади. Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш тартиби ўзининг асосий хусусиятларига кўра, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари каби бўлиб, махсус давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади ва бундай расмийлаштириш битта орган-Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Селекция ютуқлари ўзининг ҳуқуқий тартибга солинишига кўра ихтиролардан қуйидаги хусусиятлари бўйича фарқ қилади:



1. Жонсиз табиат объектлари устидан иш олиб борувчи ихтиро-чидан фарқ қилиб селекция ютуғи муаллифи жонли табиат объектлари устида иш олиб боради;

2. Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналаридан фарқли равишда, селекция ютуқларини яратиш ва бутун селекция жараёнини охирига етказиш нафақат селекция ютуғи муаллифига, балки табиий иқлим шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни, селекция ишларига иқлимнинг ўзгариши салбий таъсир кўрсатиши ва кўзланган натижага эришишнинг имкони бўлмаслиги мумкин;

3. Селекция ютуқларини жамоатчилик томонидан эътироф этилиши ва тан олинishi ҳам ўзига хос ҳолат бўлиб, нафақат саноат мулк объектлари (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари) балки, интеллектуал мулкнинг бошқа объектларидан ҳам фарқ қилади. Масалан, яратилган ихтиронинг эътироф этилиш ёки тан олинishi учун уни синовдан ўтказиш ва фойдали хусусиятларини текширишнинг ўзи кифоя қилса, селекция ютуқларини тан олинishi ва эътироф этилиши учун узоқ вақт ва жиддий текширув такрорий назорат этиш ва тинимсиз парвариш талаб этилади. Ихтиро яратилгандан сўнг, унинг бузилишига таъсир этувчи кучлар деярли бўл-маса (ихтиро нобуд бўлса, чизмалар орқали уни тиклаш мумкин), селекция ютуқларининг узоқ вақт синаб кўрилиши уларни эътироф этиш ниҳоятда мураккаб жараён эканлигини билдиради.

4. Селекция ютуғида объектнинг идеал асоси ва унинг моддий мужассами узвий боғлиқ бўлади. Моддий мужассамнинг тўла ҳажмда нобуд бўлиши селекция ютуғини ҳам объект сифатида нобуд қилади. Ихтиро эса ўзининг моддий мужассамидан алоҳида ҳолда яшайди.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида техник муаммонинг ечими яратилса, селекция ютуқларида эса биологик муаммонинг ечими топилади. Шу ўринда истисно сифатида микроорганизм штамлари биотехник объект бўлиб, ихтиро ҳисобланади.

5. Ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилиқ шартларига кўра, ихтиро ва селекция ютуқлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ихтиро қуйидаги шартлар мавжуд бўлса, патент орқали муҳофаза этилади:

-янгилик;

-ихтирочилик даражасига эга бўлишлик;

-амалиётда қўллаш мумкинлиги (Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси).

Селекция ютуқлари эса:

-янгилик;

-фарқланиш;

-турдошлик;

-барқарорлик (Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси) мезонларига жавоб берса ҳуқуқий муҳофаза этилади.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқий муҳофаза этиш шартларига кўра, бу икки объект бир-биридан бутунлай фарқ қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиниши бўйича бундан ўзига хос хусусиятлар селекция ютуқларини интеллектуал мулкнинг бошқа объектларидан фарқли равишда тирик борлик устида олиб бориладиган илмий-ижодий фаолият маҳсули эканлиги билан тавсифланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, селекция ютуқлари интеллектуал мулкнинг патент билан кўриқланадиган объект саналади. Шу билан бирга илмий-ижодий фаолият объектига кўра селекция ютуқлари интеллектуал мулк тизимида ўзига хос ўринга эга.

Биринчидан, интеллектуал мулк объектларидан фақатгина селекция ютуқлари тирик борлик, жонли табиат устида олиб бориладиган тадқиқотлар маҳсули ҳисобланади. Одам ирсияти ва генини ўзгартириш орқали сунъий одам яратиш ҳақидаги таълимотлар иждоий фаолият саналмайди ва кўпчилик давлатларда бундай тадқиқотлар ўтказиш қатъий тақиқланган.

Иккинчидан, селекция ютуқларини яратиш жараёни ўзининг мураккаблиги ва узоқ давом этиши билан ажралиб туради.

Учинчидан, селекция ютуқлари интеллектуал мулкнинг объектив шаклга келтирилгандан сўнг муҳофаза этиладиган объектлари жумласига эмас, балки тегишли давлат органи томонидан бериладиган махсус ҳимоя ҳужжати орқали муҳофаза этиладиган объектларидан саналади.

Тўртинчидан, гарчи, селекция ютуқлари патент билан муҳофаза этилсада, улар интеллектуал мулкнинг патент ҳуқуқи институти объекти ҳисобланмайди. Т.Е.Каудўровнинг фикрича, селекция ютуқлари саноат мулки (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари) объекти ҳисобланади<sup>1</sup>. А.П.Сергеевнинг фикрича, селекция ютуқлари интеллектуал мулкнинг анъанавий институтлари (муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, патент ҳуқуқи, фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни шахсийлаштирувчи воситалар)дан ўзининг муҳофаза этилаётган объекти ҳуқуқий тартиб-

---

<sup>1</sup> Каудыров Т.Е. Гражданско-правовая охрана объектов промышленной собственности в Республике Казахстан. Автореф.дисс....док. юрид.наук. –Алматы, 2002. -13 с.

га солиниши билан фарқ қилиб, интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объекти ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ноанъанавий объект атамаси шартли равишда ишлатилган бўлиб, илмий-ижодий фаолият нафақат адабиёт ва санъат, саноат мулки соҳасида балки, ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида ҳам олиб борилади ва ана шу соҳалардаги (масалан, селекция ютуқлари билан бирга топологик-интеграл микросхемалар, хизмат ва тижорат сирлари) иждодий ва илмий меҳнат натижалари интеллектуал мулкнинг анъанавий объектларидан фарқ қилишлиги учун уларни умумий институтга бирлаштириб, шартли равишда интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари деб юритилади.

Бешинчидан, селекция ютуқларини яратиш давлат назорати ва қўллаб-қувватлаши остида амалга оширилади ва давлатнинг махсус меъёрий ҳужжатлари билан давлат органларига селекция ютуқларини яратиш ва шу соҳада илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкиллаштириш топшириғи юклатилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 июндаги “Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир” қарорига мувофиқ бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навларга кўра жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича доимий ишловчи республика комиссиясининг асосий вазифалари жумласига: илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, идоравий бўйсунидан қатъи назар нав синаш участкаларининг фаолиятини таҳлил қилиш, селекционерлар ва уруғшуносларни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, киритилади.

## **2 §. Селекция ютуқларини ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилиқ шартлари**

Ўсимликлар нави ва ҳайвонлар зотини яратишга қаратилган биологик муаммо ечими селекция ютуқларининг асосий белгисидир. Селекция ютуқларининг биологик ечими белгиси селекция ютуқларини интеллектуал мулк объекти сифатидаги моҳиятини ва унинг интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларидан фарқли томонларини очиб беради. Ушбу асосий тушунча ҳар қандай ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари учун тааллуқли ҳисобланади. Бунда ушбу нав ва зотлар қонун билан қўриқланиши ёки қўриқланмаслиги аҳамиятга эга эмас.

---

<sup>1</sup> Гражданское право. /Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. Т. 3. -М.: Проспект. -1998. -20 с.

Муҳофаза этилаётган селекция ютуқлари бир қанча кўшимча белгиларга эга бўлиши лозим. Бошқача айтганда, қонунда белгиланган ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилик мезонларига жавоб бериши шарт<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунининг 2-бўлими селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиги деб номланади ва бевосита селекция ютуғининг ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилик мезонини белгилайди. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса у ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилик шартларининг ҳар бири қонунда алоҳида-алоҳида баён этилган. Қонунга мувофиқ, уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулоти патент бериш ҳақида талабнома топширилган кундан эътиборан: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида бир йил олдин; бошқа давлат ҳудудида камида тўрт йил ёки агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахатлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин селекция ютуғи муаллифи, унинг ҳуқуқий вориси томонидан ёки уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса янгилик ҳисобланади (Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси).

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари ҳимояга лаёқатлилигининг янгилик мезонида ифодаланган бир йил, тўрт йил, олти йил олдин селекция ютуғи муаллифи, унинг ҳуқуқий вориси томонидан ёки унинг розилиги билан сотилмаганлиги ва бошқа шахсга фойдаланиш учун топширилмаганлиги бир қанча давлатлар қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Россия Федерациясининг 1993 йил 6 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси 2-банди, Литва Республикасининг 1996 йил 17 сентябрдаги “Ўсимликлар тури ва уруғчилиги муҳофазаси тўғрисида”ги қонунида ва Грузия Республикасининг 1996 йил ноябр ойидаги “Селекция ютуқлари муҳофазаси тўғрисида”ги қонунида селекция ютуғининг янгилиги шу республикалар ҳудудида селекция ютуғи бир йил олдин, чет элда ёғочбоп ўсимликлар олти йил, бошқа ўсимликлар тўрт йил олдин сотилмаганлиги ва фойдаланилмаганлиги билан белгиланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. -М.: Проспект, 2000, 704 с.

<sup>2</sup> Закон Российской Федерации О селекционных достижениях. 1996. 6 август; Закон Литовской Республики по охране пород, растений и семеноводства. 1996. 17 сентябр; Закон Республики Джорджия Об охране селекционных достижений. 1996 7 ноябр.

Шу билан бирга Грузияда селекция ютуқларининг янгилиги мезони ҳимояга лаёқатлилигининг биринчи мезони ҳам ҳисобланади<sup>1</sup>.

Селекция ютуғининг янгилиги мезонига қўйилган қонуний талаблар интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига қўйилган қонун талабларидан фарқланишини илғаш мушкул эмас албатта, селекция ютуғининг янгилиги мезонига фақатгина битта талаб-бошқа шахсларга фойдаланиш учун уруғни ва уруғлик материални сотмаслик ёки бошқача усулда топширмаслик талаби қўйилади. Агар умумфойдаланишдаги манбаларда эълон қилинган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумот эълон қилинган бўлса, селекция ютуқларидан селекция ютуғи муаллифининг ўзи ёки унинг ҳуқуқий вориси фойдаланган ҳисобланади ва тадқиқотнинг янгилиги эътиборга олинмайди.

Селекция ютуқлари агар нав ёки зотни яратишда фойдаланилган материал бошқа шахслар томонидан селекция ютуғи муаллифи ёки унинг ҳуқуқий вориси розилигини олмасдан фойдаланган бўлсалар, селекция ютуғининг янгилиги мезони сақланиб қолинади.

Селекция ютуқларининг янгилиги белгиланган вақт билан аниқланади ва бу вақт устуворлик санаси ҳисобланади. Ўз вақтида селекция ютуғининг устуворлиги санаси давлат патент идорасига патент олиш учун ёки фойдаланишга рухсат олиш учун ариза топширилган кундан бошланади. Агар давлат патент идорасига бир кунда битта селекция ютуғи учун бир неча ариза тушган бўлса, у ҳолда аризани жўнатиш санасидаги устуворликка эътибор берилади яъни, қайси ариза олдинроқ жўнатилган ёки топширилган бўлса, селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқига ўша аризачи эга бўлади. Шунингдек, аризани жўнатиш саналари мос келса, у ҳолда аризани давлат патент идорасида рўйхатга олиш рақамидаги устуворлик ҳисобга олинади. Бунда жўнатиш санаси мос келган аризадан қайси олдинроқ давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилган бўлса, шу аризачи селекция ютуғига нисбатан патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Талабнома берувчи патент идорасига жўнатаётган талабномасида биринчи талабноманинг устуворлик санасини кўрсатиши лозим. Талабнома берувчи талабнома патент идорасига тушган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг нусхасини ва таржимасини тақдим этиши шарт.

Патент ҳуқуқига мувофиқ, селекция ютуғига патент олиш учун талабнома топширган шахс янгилик бўйича имтиёздан фойдаланади.

---

<sup>1</sup> Джорбенадзе С. защита селекционных достижений в Грузии. Интеллектуальная собственность.1997.№7-8. С.73-75.

Бу имтиёз талабнома топширган шахснинг селекция ютуғидан қонунда белгилаб қўйилган муддат давомида бошқа шахсга фойдаланиш учун бериш ҳуқуқидир. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ селекция ютуғига патент олиш учун талабнома топширган шахс уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ариза топширган кундан эътиборан бир йил мобайнида бошқа давлат ҳудудида тўрт йил давомида ёки ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, олти йил мобайнида фойдаланиш учун бошқага бериш ҳуқуқига эга. Бунда уруғлик кўчат ёки насл маҳсулотини фойдаланиш учун бошқа шахсга бериш қонунда белгиланган муддатдан кўп бўлса, у ҳолда патент олиш учун топширилган селекция ютуғи янгилик саналмайди. Селекция ютуғи истисно тариқасида янгилик мезонига жавоб бермаган ҳолларда ҳам ҳуқуқий муҳофаза этилади. Бу ҳолат фойдаланишга топширилган аниқ нав ва зот селекция ютуқларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган бўлса юзага келади. Бунда устуворлик сана си давлат патент идорасига селекция ютуғини фойдаланиш учун топшириш тўғрисидаги талабнома тушган пайтдан бошлаб белгиланади. Патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғидан фойдаланишга руҳсат берилган пайтдан бошлаб патент берилган вақтгача бўлган муддатга қисқартирилади.

Селекция ютуғининг ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилигини белгиловчи иккинчи мезон-фарқланиш мезонидир. Фарқланиш мезони янгилик мезонига анча яқин мезон ҳисобланади ва ўзининг анъанавий тушунчаси билан селекция ютуғининг янгилиги мезонини тўлдириб туради. Шунингдек, яратилган нав ва зотнинг селекция ютуғи сифатида эътироф этилишини таъминлайди. қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, селекция ютуғи талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим. Ушбу норма белгилаган аниқ-равшан тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 49-сон буйруғи билан 1997 йил 3 сентябрда тасдиқланган “Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари”да селекция ютуғи патент олиш учун талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан маркерли, иммунли, ҳосилдорлик ёки бошқа кўрсаткичлари билан фарқланиши лозим<sup>1</sup>. Бунда “маркерли” атамаси экиш технологиясидаги фарқланишни билдирса, “иммунли” атамаси эса, организмнинг касаллик

<sup>1</sup> Селекция ютуқлари. Расмий Ахборотнома. -Т.: 1998. -121 б.

туғдирувчи омиллар (микроблар, таксинлар) ва антиген табиатли ёт моддаларга чидамлилиги ва мойил эмаслигидаги фарқлар назарда тутилади.

Ҳосилдорлик жиҳатидан бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан кўпроқ ҳосил бериши билан фарқланиши лозим. Бошқа кўрсаткичлар дейилганда уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотининг сифати жиҳатидан фойдалилиги юқори бўлишлиги кўзда тутилган.

Селекция ютуғи барчага маълум деб, селекция ютуғига бошқа мамлакатда ҳимоя ҳужжати бериш ҳақида талабнома топширилган ва унга мувофиқ патент ёки шунга ўхшаш муҳофазанинг бошқа бир шакли берилган бўлса, ёхуд селекция ютуғи шу мамлакатнинг селекция ютуқлари расмий реестрига киритилган бўлса селекция ютуғи талабнома топширилган санада барчага маълум эди деб ҳисобланади (қонуннинг 10-моддаси).

Селекция ютуқларини барчага маълумлиги, шу селекция ютуғининг расмий каталогларда маълумот жамғармаларига ёки бирор бир нашрда тўлиқ ифодаланганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга селекция ютуғини бошқа барчага маълум селекция ютуқларидан фарқланишида яратилган селекция ютуғининг олдин мавжуд бўлган ва у тўғрисидаги маълумотлар барча олиши мумкин бўлган ахборот манбаларида нашр этилган селекция ютуғидан белгиланган сифат кўрсаткичлари билан ажралиб туришини аниқлаш муҳим ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Селекция ютуқларининг фарқланиш мезони турли давлатларда турлича талқин этилади. Масалан, Литва Республикаси қонунчилигига мувофиқ селекция ютуғининг фарқланиши қуйидагича ифодаланади: нав, Литва Республикаси ёки чет элда маълум бўлган, шунингдек олдин берилган аризаларда кўрсатилган навлардан битта зарурий белгиси билан фарқ қилса фарқланиш мезонига жавоб берган ҳисобланади<sup>1</sup>.

Селекция ютуғининг зарурий белгиси дейилганда бу ерда яратилган селекция ютуғининг сифат, миқдор ва бошқа муҳим белгилари тушунилади. Шунинг назарда тутиш керакки, селекция ютуғининг фарқланиш мезони устида тадқиқот олиб бораётганда жаҳонда маълум бўлган барча селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш лозим бўлади.

---

<sup>1</sup> Каспирявичус П. Охрана новых пород растений в Литве. //Интеллектуальная собственность. 1998. №5, -131-132 с.

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун “барчага маълумлик” иборасини қуйидагича ифодалайди:

-кейинчалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, кондинцияга етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

-сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб кирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

Кўриниб турибдики, бу норма селекция ютуқларининг барчага маълумлиги қандай селекция ютуғига нисбатан аниқланишини ўзида ифодалайди ва шу шартлар мавжуд бўлганда селекция ютуғини барчага маълум деб ҳисоблайди.

Селекция ютуқлари барчага маълум бўлган селекция ютуқларидан фарқланиши билан бирга маълум маънода турдош (ўхшаш) бўлиши ҳам лозим. қонуннинг 11-моддасига биноан, селекция ютуғи кўпайтиришнинг ўзига хос жиҳатларини олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса турдош ҳисобланади. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари бундай белгиларга: морфологик, физиологик, цитологик, кимёвий ва бошқа белгилар киради ҳамда, айнан ана шу белгилари билан яратилган янги нав ва янги зот ўз аждодига ўхшаши керак. Ўхшашлик белгиси селекция соҳасида эришилган натижанинг сифатини аниқлайди. Кўпчилик ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларида, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг бошқа нав ва зотларидан ажратиб турувчи ўзига хос умумий белгилари мавжуд бўлмаса, селекция фаолияти соҳасида ютуққа эришишнинг иложи бўлмасди.

Ўхшашлик белгиси ўсимликлар нави ва ҳайвонлар зотининг ҳар бири учун давлат патент идораси томонидан алоҳида, ҳар бир ўсимлик нави ва ҳайвон зоти учун хос бўлган услублар билан аниқланади.

Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ шартларининг сўнггиси барқарорлик мезонидир. Қонуннинг 12-моддасига биноан, селекция ютуғи барқарор ҳисобланиши учун бир неча марта кўпайтирилгандан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолиши керак. Ишлаб чиқаришга жорий этилганда ўзининг алоҳида хусусиятларини сақлаб қола олмайдиган ўсимлик ва ҳайвонларни яратиш қонунга мувофиқ селекция ютуғи ҳисобланмайди ва



қонун билан кўриқланмайди. Гарчи бунда шундай ўсимлик ва ҳайвон муҳим илмий аҳамиятга эга эканлиги ҳамда ижодий фаолият натижаси яратилганлиги эътиборга олинмайди. Селекция соҳасидаги илмий фаолият натижасида барқарорлик мезонининг мавжуд бўлмаслиги яратилган нав ва зотнинг-селекция ютуғи эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Селекция ютуқлари янгилик, фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонига жавоб бериши билан бирга Ўзбекистон Республикасида патентли ва патентсиз тадбирга мувофиқ муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик авлод ҳамда турларга тааллуқли бўлсагина ҳуқуқий муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик авлод ҳамда турларнинг давлат рўйхати Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1997 йил 4 декабрдаги қарори билан тасдиқланган. Ушбу рўйхат ботаник ва зоологик авлод ҳамда турларнинг ҳар бирини ўзбекча, русча ва лотинча номланишини ва улар мансуб бўлган гуруҳларни ўзида ифодалайди. Масалан, жавдар ғалла экинлари гуруҳига; тарик, шоли дон-ёрма экинлари гуруҳига; жўхори дон ва озуқа экинлари гуруҳига мансублиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, селекция ютуқларини ҳимояга лаёқатлилиги мезонларини қуйидагича ифодалаш мумкин: ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратишга доир биологик муаммонинг ечими, барчага маълум нав ва зотлардан аниқ-равшан фарқланиши, етарли даражада турдош ва барқарор бўлиши, шунингдек қонун билан белгиланган ботаник ва зоологик авлод ҳамда турларга тегишли бўлиши керак.

### **3 §. Селекция ютуқларига патент бериш тартиби**

Интеллектуал мулкнинг бир қатор объектлари сингари селекция ютуқлари ҳам патент билан муҳофаза этилади. Яратилган янги нав ва зот давлат патент идораси томонидан ҳуқуқий ҳимоя ҳужжати-патент берилганидан сўнг, селекция ютуғи деб эътироф этилади. Селекция ютуғи муаллифи томонидан ижодий фаолият натижасида яратилган янги нав ва зотга патент берилмаса, у интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайди ва ҳуқуқий ҳимоя қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқ патент билан тас-

---

<sup>1</sup> Селекция ютуқлари. Расмий Ахборотнома. -Т., 1998. -93-95 б.

диқланади (Қонуннинг 14-моддаси). Бундай ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати ҳуқуқий жиҳатдан анча мақбул ҳисобланади.

1961 йилги Ўсимликларнинг янги навлари бўйича Париж Конвенциясида ҳам иштирокчи давлатларга ҳуқуқий ҳимоя ҳужжатининг биттасини танлаш лозимлиги кўрсатилган эди. Шу билан бирга Россия Федерациясининг 1993 йил 7 августдаги Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунда ҳам селекция ютуқларига фақат битта ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати-патент берилиши назарда тутилган. Бундан ташқари кўпчилик давлатларда ҳам селекция ютуқлари фақат битта ҳимоя ҳужжати билан муҳофаза қилинади. Масалан, селекция ютуқлари Германияда – “Навларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1968 йилдаги қонунга мувофиқ гувоҳнома орқали АҚШдаги икки қонун ҳужжати - 1930 йилдаги “Ўсимлик навларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва 1970 йилдаги “Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра селекция ютуқлари гувоҳнома билан Италиядаги “Ўсимликларни янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup> билан гувоҳнома асосида муҳофаза қилинади.

Болгарияда эса янги нав ва зотга нисбатан сертификат берилади ва Болгария Республикасининг “Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари тўғрисида”ги 1996 йил 19 сентябрда қабул қилинган Қонунига мувофиқ, сертификат мутлақ ҳуқуқ соҳибларига берилади<sup>2</sup>.

“Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, патентга бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг меросхўрига (меросхўрларига) тегишлидир. Селекция ютуғини бир неча шахс биргаликда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқига уларнинг ҳаммаси эга бўлади. Ушбу шахслардан биттасининг патент олиш ҳуқуқидан воз кечиши бошқаларнинг патент олиш ҳуқуқига таъсир этмайди.

Агар селекция ютуғи хизмат вазифаларини аниқ топшириқни бажариш натижасида ёки иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этувчи билим ва тажрибаси натижасида яратилган бўлса, патент олиш ҳуқуқи иш берувчи шахсга тегишли бўлади.

Селекция ютуғига нисбатан патент бериш тартиби ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент бериш тартибига ўзининг асосий белгилари билан ўхшайди ва махсус давлат органлари орқали амалга оширилади. Шу билан бирга селекция ютуғининг ўзи-

<sup>1</sup> Левченко В.И. Правовая охрана селекционных достижений. -М.: Наука. 1983. - с.

<sup>2</sup> Ненова А. Охрана интеллектуальной собственности в Болгарии.//Патент и лицензии.2000.№12. С.56-57.

га хос хусусиятларидан келиб чиқиб, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун селекция ютуғига патент бериш тартибининг бир неча хусусиятларини ифодалайди<sup>1</sup>.

Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришни биринчи босқичи патент (ёки гувоҳнома) олиш учун ариза тузиш ва топшириш ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олим Т.Е Каудўровнинг фикрига кўра, селекция ютуғини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабнома, селекция ютуғи муаллифининг фикрига кўра яратилган янги нав ёки зотга нисбатан берилади. Барча ҳолатларда ҳам олиб бориладиган синов ва экспертиза тадқиқотларнинг объекти тахмин қилинаётган нав ва зот эмас, амалда мавжуд бўлган нав ва зот ҳисобланади<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, бунда талабнома топширган селекция ютуғи муаллифи ўзи томонидан чиқарилган нав ёки зотни селекция ютуғи деб ҳисоблаб, унга ҳуқуқий муҳофаза ҳужжатини олишни сўраб мурожаат қилади. Ҳали яратилмаган ёки чиқарилмаган, ёхуд тўлиқ тугалланмаган тадқиқот натижаларига нисбатан патент берилмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 49-сон буйруғи билан 1997 йил 3 сентябрда тасдиқланган “Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари”га мувофиқ, селекция ютуғига патент олиш учун топширилган талабномада: реферат (селекция ютуғининг қисқача мазмуни) ҳам бўлиши керак. Шу билан бирга, талабнома берувчи, талабнома берувчиларнинг нав ва зотни синовдан ўтказганлик ҳақидаги ҳужжатларни талабнома билан бир вақтда ёки агентликка талабнома тушган санадан бошлаб уч ой муддат ичида топширади.

Талабнома берувчиларнинг нав ва зотни синовдан ўтказганлиги ҳақидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Патент идорасининг Селекция ютуқлари бўлимига (иш вақтида) бир йил давомида топширилиши мумкин. Селекция ютуқлари бўлимига талабнома топшириш санаси талабнома материаллари келиб тушган сана билан белгиланади. Талабнома ўсимликларнинг битта нави ёки ҳайвонларнинг битта зотига тааллуқли бўлиши керак. Шунингдек, талабнома материалларидан ўсимликларнинг навлари бир парҳишдан кўпайган ўсимлик бир ёки бир неча авлодлар, биринчи авлод дурагайи ва аралашмаси

<sup>1</sup> Фан ва техника Давлат қўмитасининг 15 август 1997й. №365-Сонли Ўзбекистон Республикасида ихтироларга патент, дастлабки патент учун ариза тузиш қоидалари.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. -М., Проспект, 2000. -711 с.

<sup>3</sup> Каудыров.Т.Е. Гражданско-правовая охрана объектов промышленной собственности в Республике Казахстан. Автореф.дисс.... док. юрид. наук. -Алматы: 2002. -37 с.

билан, хайвонлар зотлари эса-зотнинг ичидаги хили, завод хили, завод тизими, кросс (паррандачиликда), партеноклон тизимлари, дурагайлари тавсифланиши керак. Агар талабнома тизими нав, зот ёки аралашмага берилса (ўз-ўзидан чангланувчан ва мавсумий кўпаювчан ўсимликлар), у ҳолда нав, зотнинг ҳамма тизимларига тегишли анкеталарга эга бўлиши керак.

Патент бериш ҳақидаги селекция ютуғи муаллифи ва кимнинг номига патент ёки гувоҳнома сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек, уларнинг турар-жойи ёки жойлашган ерига доир маълумотлар кўрсатилган ариза вақтинчалик қоидаларнинг 3.1.бандига мувофиқ ва вақтинчалик қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган шаклда берилади.

Селекция ютуғининг номи Қонунга ва “Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари”га мувофиқ, талабнома берувчи таклиф қилган ва селекция ютуқлари бўлими маъқуллаган ном бўлиши лозим. Селекция ютуғининг номи ўхшашликка олиб келиши, қисқа бўлиши, у ёки бу яқин ботаник ёки зоологик авлод ҳамда турга тааллуқли ва ҳаммага маълум селекция ютуғи номларидан фарқланиши керак. У фақат рақамлар билангина чегараланмаслиги, хусусияти, келиб чиқиши, селекция ютуғининг муҳимлиги, селекция ютуғи муаллифилар шахси бўйича чалғитмаслиги, инсонпарварлик ва ахлоқий тамойилларга зид бўлмаслиги керак.

Талабномадан қишлоқ хўжалик соҳасидаги бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг хулосалари ўз аксини топган. Бу ижобий ҳол албатта. Лекин селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топшириш тартиби ханузгача “вақтинчалик қоидалар” билан амалга оширилаётганлиги мавжуд ҳуқуқий механизмнинг барқарор эмаслигидан далолат беради.

Қонун талабларига мувофиқ тузилган талабнома патент идорасининг селекция ютуқлари бўлимига талабнома берувчи орқали бевожита ёки почта орқали топширилади, шунингдек, патент идорасидан рўйхатдан ўтган ва тегишли ишонч қоғозига эга бўлган шахслар томонидан ҳам топширилиши мумкин.

Шу ўринда селекция ютуқларига патент бериш ҳуқуқига эга давлат органи ҳақида қуйидаги фикрларни баён этиш мақсадга мувофиқ.

“Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат Патент идораси селекция

ютуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади. Патент идораси селекция ютуқларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади. Селекция ютуқлари бўйича расмий экспертиза ўтказилади, селекция ютуқларини давлат реестрига киритади ва ҳимоя ҳужжати беради.

Бир неча талабнома берувчидан талабномасини топширишда муҳофаза ҳужжатини олиш тадбирида талабнома берувчилардан бири иштирок этишдан бош тортса, бу бошқа талабнома берувчиларни муҳофаза ҳужжатини олишга бўлган ҳаракатини амалга оширишда тўсиқ бўлмайди.

Қонунга мувофиқ, талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат экспертизаси расмий экспертизани ва янгилик эканлигини экспертиза қилишдан ҳамда фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган давлат синовидан иборат ҳимояга лаёқатлилиқ экспертизасини ўз ичига олади. Селекция ютуғига патент учун ҳимояга лаёқатлилиқ жиҳатдан тўлиқ экспертиза қилинадиган гувоҳнома учун эса, ўхшашлик ва барқарорлик синови ўтказилади.

Талабноманинг расмий экспертизаси икки ой муддатида ўтказилиб, экспертиза давомида устуворлик санаси белгиланади ҳамда зарур ҳужжатларнинг қўйилган талабларга қанчалик мослиги текширилади (Россия Федерация қонунчилигида бу муддат бир ойни ташкил этади). Талабнома нотўғри тузилган ёки мавжуд хатоликларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб талабнома қабул қилинмайди ёхуд талабнома берувчига талабномани тузатиш ва тўлдириш учун зарурий муддат берилади.

Шунингдек, расмий экспертиза ўтказилаётган даврда талабнома берувчи ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тўлдиришга, уларга аниқлик ёки тузатишлар киритишга ҳақлидир.

Расмий экспертиза ўтказилгандан сўнг, расмий экспертиза натижалари ва тегишлича ўсимликлар навига ёки ҳайвонлар зотига берилган талабномани қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги, арз ҳужжатларини ихтисослаштирилган ташкилотга янгилик, фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик бўйича давлат экспертизасига топширилганлиги тўғрисида талабномачига билдириш қоғози юборилади. Талабномалар олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар патент идорасининг расмий маълумотномасида чоп этилади.

Талабнома муҳокамага қабул қилинганлиги ва уни ихтисослаштирилган ташкилотга топширилганлиги тўғрисидаги билдириш қоғози патент идорасидан олинганидан сўнг, талабнома берувчи тегишли божларни тўлайди ва нав, зот намуналарини ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилик бўйича давлат синовини ўтказишга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг намуналар сони кўрсатилган ҳужжати асосида тегишли манзилларга ўз вақтида уруғлар, насл материалларига гувоҳномалар қўшилган ҳолда юборилади.

Кўриб чиқишга қабул қилинган талабномалардаги селекция ютуқларига муваққат ҳуқуқий ҳимоя тайинланади. Муваққат ҳуқуқий ҳимоя талабнома тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи давлат реестрида рўйхатга олинган санага қадар белгиланади. Муваққат ҳуқуқий ҳимоя даврида селекция ютуғи муаллифи патент эгаси ҳуқуқларига эга бўлади. Агар патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят қилиш имкониятлари тугаган бўлса, муваққат ҳуқуқий ҳимоя бошланмаган деб ҳисобланади. Ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуқларидан уларга муваққат ҳуқуқий ҳимоя белгиланган даврда фойдаланилаётган шахс патент эгасининг талабига биноан унга патент ёки гувоҳнома олганидан кейин пул товони тўлаши шарт. Бу товоннинг миқдори патент эгаси билан тузилган битимда белгилаб қўйилади.

Селекция ютуғининг янгилик эканлиги экспертизаси уруғлик ёки насл материали устуворлик санаси ва қонунда белгиланган бошқа муддатлар давомида, селекция ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан бошқа шахсларга берилмаганлиги ёки селекция ёки унинг ҳуқуқий ворисининг розилиги билан бошқа шахслар ундан фойдаланмаганлигини аниқлайди<sup>1</sup>.

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ селекция ютуғининг янгилик эканлиги экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд ҳужжатлар ва далил исботлар шу жумладан, ўз ташаббуси билан олган ахборот асосида амалга оширади ва Патент идорасига талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонларига мувофиқ ёки номувофиқлиги тўғрисидаги хулосани тақдим этади. Ихтисослаштирилган ташкилотнинг хулосасига мувофиқ, патент идораси селекция ютуғининг янгилик мезони мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида талабнома берувчини ёзма равишда хабардор этади.

---

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. –М., Проспект, 2000. -713 с.

Агар талабномада кўрсатилган селекция ютуғи янгилик мезонига мос бўлмаса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай манфаатдор шахс талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик эканлигига нисбатан ўз даъвосини патент идорасига жўнатиши мумкин. Патент идораси селекция ютуғининг янгилигига нисбатан олинган даъво ҳақида талабнома берувчини хабардор қилади. Талабнома берувчи бундай даъвога рози бўлмаса, билдиришнома (бу ҳақда Патент идорасининг хабарини) олган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида Патент идорасига далил исботлар баён этилган эътирозни жўнатиш ҳуқуқига эга.

Патент идорасининг патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан талабнома берувчи Патент идорасининг Апелляция кенгашига шикоят билан мурожаат этишга ҳақли. Бу ҳуқуқ рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниб, бу ҳақда талабнома берувчи хабардор қилингандан сўнг уч ойлик муддат ичида сақланиб қолади. Уч ойлик муддат ўтгач, талабнома берувчи бундай ҳуқуқни йўқотади.

Апелляция тушган санадан эътиборан икки ойлик муддатда апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши керак. Апелляция кенгашининг қарори қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида унинг устидан шикоят қилиш мумкин.

Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилигининг фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонлари чуқур илмий текширув ва биологик, зоологик, физиологик, генетик тадқиқотларни талаб қилиш учун уларга нисбатан тайинланган экспертиза-селекция ютуғининг давлат синови деб аталади. Селекция ютуғининг фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослигининг давлат синови ихтисослаштирилган ташкилотлар (қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси ва чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси) томонидан белгиланган услуб ва муддатларда ўтказилади. Давлат синови ўтказиш учун талабнома берувчи керакли миқдордаги уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотларини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга «Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари»нинг 4-иловасида<sup>1</sup> кўрсатилган муддатда тақдим этилиши шарт.

Селекция ютуғининг давлат синовини ўтказишда ихтисослаштирилган ташкилот талабнома берувчи, Ўзбекистон Республика-

---

<sup>1</sup> Селекция ютуқлари. Расмий Ахборотнома.-Т.: 1998. -142 б.

сининг ташкилотлари, шунингдек бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилган синов натижаларидан фойдаланиши мумкин. Ўтказилган синов натижаларига қараб, селекция ютуғининг ҳимояга лаёқатлилиқ мезонига мослиги тўғрисида ихтисослаштирилган ташкилот хулоса чиқаради. Агар, селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлса, унинг номи белгиланган талабларга мос келса, ихтисослаштирилган ташкилот селекция ютуғининг расмий тавсифини тайёрлаёди. Ихтисослаштирилган ташкилот тайёрлаган селекция ютуғининг расмий тавсифига мувофиқ, Патент идораси селекция ютуғига патент бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилади.

Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлмаса, Патент идораси патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Бунда аризачи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг қарори устидан шикоят билан Апелляция кенгашига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (қонунинг 23-моддаси).

Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабнома талабнома берувчининг ёзма розилиги билан патент бериш тўғрисида ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар чақириб олиниши мумкин. Бунда талабнома берувчилар бир нечта бўлса, талабнома улардан ҳар бирининг розилиги билангина чақириб олинади. Агар улардан бири норози бўлса, талабнома чақириб олинмайди. Талабнома берувчининг илтимосига мувофиқ, талабномани тўлдириш, унга аниқлик ва тузатиш киритиш муддатлари уч ойгача узайтирилиши мумкин, ҳамда бундай узайтириш кўпи билан икки марта амалга оширилади. Муддатларни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширганлик учун бож ёки йиғим тўлайди.

Патент идораси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг, селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш ҳамда патент бериш тартибининг учинчи-сўнгги босқичи бошланади. Унда Патент идораси селекция ютуғини Ўзбекистон Республикаси Селекция ютуқлари давлат реестрида рўйхатга олади.

Давлат реестрига ўсимлик ва ҳайвонлар аждоди (тури) ҳақидаги маълумотлар нав ёки зотнинг номи, селекция ютуғининг рўйхатдан ўтиш санаси ва рўйхат рақами, патент эгасининг исми ва унинг манзили, ҳамда селекция ютуғи муаллифининг номи тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Кейинчалик реестрга патентнинг бошқа шахсга (унинг исми ва манзилини кўрсатган ҳолда) ўтказилганлиги ҳақидаги мутлақ, очиқ ва мажбурий лицензиялар ҳақидаги маълумотлар ҳамда



патентнинг амал қилинишини тўхтаганлиги (сабабини кўрсатиб) ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, патентни Ўзбекистон Республикаси номидан Патент идораси беради. Селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан бошлаб олти ой ичида ҳар қандай шахс патент берилишига эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Бу эътирозни Апелляция кенгаши тегишли ихтисослаштирилган ташкилот вакиллари иштирокида эътироз билдирилган санадан бошлаб олти ой ичида кўриб чиқиши лозим. Бундай эътирозлар билдирилмаган ва улар рад қилинган бўлса, Патент идораси селекция ютуғини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган вақтдан бошлаб, олти ой ўтгач патентни беради. Бунда селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги қарорга эътироз билдирилган ёки билдирилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Патент беришни сўраётган шахслар сонидан қатъи назар селекция ютуғига битта ҳимоя ҳужжати берилади. Ҳимоя ҳужжатларининг шакли ва уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади. Патент эгаси патент олганидан сўнг, шу нав ва зотга тааллуқли зарур материалларни сақлаш учун жўнатади (Қонуннинг 27-моддаси 8-қисми).

Патент эгаси навни, зотни патентнинг амал қилиши муддати давомида, нав, зот тегишли давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган, уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгиларини ўзгартирмай сақлаши лозим. Ихтисослаштирилган ташкилотлар ва Патент идорасининг сўровига биноан патент эгаси назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материалларини жўнатиши ва тегишли жойда текширув ўтказиш учун имконият яратиб бериши лозим.

Селекция ютуқларига патент ҳуқуқини расмийлаштириш ҳаракатлари: патент бериш ҳақида талабнома топшириш, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент бериш, уни ўз кучида сақлаб қолиш, шунингдек, селекция ютуғининг экспертизаси ва ҳимояси билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амалларни бажариш учун божлар ёки йиғимлар ундирилади. қонунга мувофиқ, бажарилганлиги учун божлар ва йиғимлар ундирилдиган ҳаракатлар рўйхати, божлар ва йиғимлар миқдори ҳамда уларни тўлаш муддати, шунингдек, тўловдан озод қилиш, тўлов муддатларини камайтириш ёки божлар ёхуд йиғимларни қайтариб бериш

учун асослар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади (Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуннинг 29-моддаси).

#### **4 §.Селекция ютуғи муаллифининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Барча интеллектуал мулк объектларининг муаллифи бўлгани сингари, селекция ютуқларининг ҳам ўз яратувчиси ҳам, муаллифи бўлишлиги табиий ҳол албатта. Одатда, ҳуқуқий муҳофазанинг шакллантирилганлиги, биологик ва зоологик ютуққа муаллифлик масаласининг қандай ҳал қилинганлигига боғлиқ бўлади.<sup>1</sup> Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида жавоб берилган. Унга кўра, ўзининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ва ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ёки чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик ёки ҳайвон зотининг селекция ютуғи муаллифи деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ишталган фуқароси ёши ва муомала лаёқатидан қатъи назар селекция ютуғининг муаллифи бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқлари вужудга келишининг асоси муомалага лаёқатлилиги селекция натижасида ютуқнинг объектив фактлилиги ҳисобланади. Яратилган селекция ютуғига ҳуқуқмў муҳофаза ҳужжати берилгандан сўнг, унинг муаллифи селекция ютуғларига нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилади. Вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқлари уларнинг қонуний вакиллари орқали амалга оширилади.

Қонунда чет эл фуқаролари селекция ютуқларининг муаллифи бўлишлиги ёки улар ҳуқуқларининг муҳофазаси ҳақида сўз юритилмаган. Лекин, «Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари»да хорижий фуқаролар ва юридик шахслар талабномани Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига кўра ёки ўзаро дўстлик тамойили асосида берадилар, - деган қоида мустаҳкамланган. Ушбу меъёр чет эл фуқаролари ва юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасида селекция ютуқларининг тўла-қонли субъекти бўла олмасаларда, улар ҳам халқаро шартномалар ва дўстлик тамойили асосида селекция ютуғига нисбатан ҳуқуқлар субъектлар бўла олишлари мумкинлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Левченко В.И. Правовая охрана селекционных достижения. -М.: Наука. 1983. -51 с.

Бир неча шахсларнинг ижодий фаолиятлари натижасида селекция ютуқлари яратилган бўлса, унда бундай селекция ютуғига нисбатан ҳаммуаллифлик белгиланади. Селекция ютуғини яратишда ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган шахсларнинг барчаси селекция ютуғи муаллифи деб эътироф этилади. Селекция соҳасида ҳаммуаллифлик масаласи жуда долзарб ҳисобланади. Чунки, биринчидан, янги нав ва ҳайвон зотларининг катта қисми яқка селекция ютуғи муаллифи томонидан эмас, бутун бир ижодкорлар томонидан яратилмоқда; иккинчидан, селекция инсон фаолиятининг махсус соҳаси бўлиб, ижодий фаолиятнинг бошқа турларидан ўзининг бир неча хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда селекция комплекс фан сифатида турли хил мутахассислар-генетиклар, физиологлар, биохимиклар, фитопотологлар, цитологлар ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуи ҳисобланади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат санаб ўтилган мутахассисларнинг барчаси нафақат ўз олдига қўйилган масалани ечиши, яъни янги навни у ёки бу фойдали томони ва сифатини аниқлаши лозим. Балки, селекция натижасининг ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларининг юзага келтиришдаги умумий муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилишлари керак. Шу билан бирга, янги нав ёки зот яратилишининг анча узоқ муддат давом этишини, баъзи ҳолатларда бу ишда инсонларнинг бир неча авлодлари алмашилишини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ва ниҳоят, селекция ишида бошқа соҳалардан фарқ қилиб селекция ютуғи муаллифларга дастлабки материалларни саралаш, уруғликни кўпайтиришда техник операцияларни бажарувчи шахсларнинг кўмаги муҳим аҳамият касб этишини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳаммуаллиф сифатида селекция ишида ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган шахслар тан олинишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Селекция ютуғи муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи-шахсий номулкий ҳуқуқ бўлиб, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишув ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, яъни муаллифнинг бундай ҳаракати ҳеч қандай юридик оқибатлар вужудга келтирмайди<sup>2</sup>. Патент ҳуқуқидан фарқли равишда муаллифлик ҳуқуқи муддатсиз ҳимоя қилинади.

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. –М.: Проспект. 2000. -708 с.

<sup>2</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари.-Т.:ТДЮИ наш.2003.-21 б.

Республикаимиз қонунчилиги селекция ютуқлари муаллифларига улар хизматининг жамият томонидан тан олиниши ва ижодий фаолиятларининг манфатдорлиги таъминловчи бир қатор ҳуқуқлар белгилайди. Ушбу ҳуқуқларнинг асосийлари, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонуннинг 1-бўлимида берилган. Селекция ютуғи муаллифининг ҳуқуқлари бу қонунда қатъий тартибда санаб кўрсатилмаган бўлса-да, лекин турли нормаларда баён этилган. Баъзи ҳуқуқлар эса қонунда ўз аксини топмаган бўлса-да, уларни қонунчилик мазмунидан англаб олиш мумкин.

А.П.Сергеевнинг фикрича, селекция ютуғи муаллифлар субъектив фуқаролик ҳуқуқлари тизимини қуйидаги учта гуруҳга бўлиб, ўрганиш мумкин:

а) селекциявий фаолият натижасида эришилган ютуққа боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқлар;

б) селекция ютуғини расмий равишда ҳимояга лаёқатли деб топилши билан боғлиқ ҳуқуқлар;

в) селекция ютуғидан фойдаланиш билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқлар<sup>1</sup>.

Айнан мана шу учта гуруҳдаги ҳуқуқлар селекция ютуғи муаллифининг барча ҳуқуқларини ўзида жамлаб олади. Умумий қоидага кўра, ҳар қандай ижод натижаси кўзланган мақсадга эришилгандан сўнг, яратилган ҳисобланади ва ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Бу қоидани тўлиғича селекция ютуқларига нисбатан қўллаш мумкин. Биологик масаланинг ечими топилган кундан бошлаб, селекция ютуғи муаллифи ўзининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳеч ким бир шахс томонидан эришилган селекция натижасини ўзиники қилиб олишга ҳақли эмас. Ижодий натижага эришилган лекин, ҳали унинг ҳимояга лаёқатлилиги расмий тан олинмаган даврда, селекция ютуғи муаллифининг манфаатлари муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан муҳофаза қилинади.

Шунингдек, селекция ютуғи муаллифининг юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлари жумласига, селекциявий натижани ҳимояга лаёқатлилигини тан олиш учун топшириш ҳуқуқи ҳам киради. Қонунга мувофиқ селекция ютуғи муаллифи ҳам яратилган янги ўсимлик ва ҳайвон зоти учун патент олиш тўғрисида талабнома топшириш ҳуқуқига эга. Ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини ўзининг ижодий фаолияти билан яратган ёки рўёбга чиқарган жисмоний шахс – селекция ютуғининг

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. –М.: Проспект. 2000. -715 с.

муаллифи, қуйидаги ҳолларда талабнома бериш ва муҳофаза ҳужжати олиш ҳуқуқига эга бўлади:

-селекция ютуғини яратиш ёки рўёбга чиқариш шартнома билан ишга ёлланмаган селекция ютуғи муаллифининг ижодий иши натижасида юзага чиққан бўлса;

-селекция ютуғини яратиш ёки рўёбга чиқариш селекция ютуғи муаллифи ўз хизмат бурчларини (селекция ютуғи хизмати) бажаришлари натижасида юзага келган бўлса, лекин томонларнинг талабнома бериш ва муҳофаза ҳужжати олиш ҳуқуқлари шартнома билан тасдиқланмаган бўлса;

-селекция ютуқларини яратиш ёки рўёбга чиқариш селекция ютуғи муаллифи ўз хизмат бурчларини бажариши (селекция ютуғи хизмати) натижасида юзага келган бўлса, талабнома бериш ва муҳофаза ҳужжатини олиш ҳуқуқи эса, селекция ютуғи муаллифи томонидан шартномага биноан мустаҳкамланмаган бўлса;

-селекция ютуғини яратиш ёки рўёбга чиқариш селекция ютуғи муаллифини аниқ топшириқни бажаришдаги ўз бурчлари натижасида юзага келган бўлса, лекин, топшириқ предмети мақсадга жавоб бермаса;

-селекция ютуғи хизмат юзасидан бажарилган бўлса, иш берувчи эса, селекция ютуғи муаллифи томонидан хизмат селекция ютуғи тўғрисидаги хабарни олганидан сўнг 4 ой муддат давомида талабнома бермаса, талабнома бериш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказмаса ва селекция ютуғини сир сақлашни селекция ютуғи муаллифига маълум қилмаган бўлса (селекция ютуқларига талабнома тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидаларининг 6.1. банди).

Селекция ютуғи муаллифининг селекциявий фаолияти натижасида эришилган ютуқларга боғлиқ бўлган ҳуқуқларидан яна бири патент олиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ амалдаги қонунчилик билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган бўлсада, лекин бундай ҳуқуқ селекция ютуғи муаллифининг потенциал имкониятлари қаторига киради, чунки қонун интеллектуал фаолиятнинг алоҳида натижаларига нисбатан ҳуқуқлари (қонунда кўрсатилмаган, лекин шахсга тегишли қонуний манфаатлардан келиб чиқадиган)га тўсқинлик қилмайди. Ҳозирги кунда селекция ютуқларининг барчаси давлатга қарашли муассасаларда яратилаётганлиги, янги нав ва зотга патент олиш ҳуқуқи яъни, мутлақ ҳуқуқ фақат иш берувчига тегишли эканлигини ҳисобга олган ҳолда селекция ютуғи муаллифининг бу ҳуқуқи (қонуний манфаатлари) "Селекция ютуқла-

ри тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, бу ҳолатга ФКнинг интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар тўғрисидаги (1034-модда) ва мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги (1035-модда) қоидаларини татбиқ этиб бўлмайди. Бу қоидалар қўлланилиши учун эса, селекция ютуғи муаллифи янги нав ва зотга патент олишда мутлақ ҳуқуққа эга бўлишлари керак, ҳозирда эса, улар аксинча, нисбий ҳуқуққа эгалар.

Селекция ютуғи ҳуқуқий ҳимоясининг расмий тан олиниши, селекция ютуғи муаллифида бир қатор субъектив ҳуқуқни вужудга келтиради. Агар селекция ютуғининг ҳуқуқий ҳимояси расмий тан олингунгача бўлган даврда фақатгина ижодий натижага бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва уни тан олиниши ҳақида фикр юритиш мумкин бўлса, эришилган натижани ҳуқуқий ҳимояга лаёқатли деб топилган селекция ютуғи сифатида расмийлаштирилиши селекция ютуғи муаллифига аниқ селекция ютуғининг муаллифлик ҳуқуқини беради. Ушбу ҳуқуқлар жумласига биринчи навбатда ҳимояга лаёқатли селекция натижасига муаллифлик ҳуқуқи киради. Муаллифлик ҳуқуқида ҳам патент ҳуқуқида ҳам бу субъектив ҳуқуқ шахсий мутлақ ва мустаснолик характериға эға. Муаллифлик ҳуқуқи фақатгина селекция ютуғи муаллифининг ўзигагина (селекция ютуғи муаллифилар гуруҳига ҳам) тегишли ва ҳуқуқий ворислик асосида бошқага берилиши мумкин эмас.

Селекция ютуғи муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ ҳисобланади ва муддатсиз ҳимояга қилинади. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари шахсий ҳуқуқларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Буни шу ҳолат билан ифодалаш мумкин-ки, агар фуқаролар шахсий ҳуқуқлари уларнинг шахси билан боғлиқ бўлса, муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари унинг ижодий меҳнати билан боғлиқдир<sup>1</sup>. Селекция ютуғи муаллифининг муаллифлигини ўзлаштириб олиш, уни ҳаммуаллифликка мажбур қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишиға сабаб бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи билан узвий боғлиқ бўлган селекция ютуғи муаллифининг яна бир ҳуқуқи муаллифлик номиға бўлган ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлсада, селекция ютуғи муаллифининг мустақил ҳуқуқи ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ селекция ютуғи муаллифига ҳимоя ҳужжати бериш ҳақидаги талабномада ҳимоя ҳужжатида ва селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган

---

<sup>1</sup> Тошев Б.Н. Законодательные основы и формы защиты авторских прав в Узбекистане. Автореф.дисс.... док. юрид. наук. –Т.: 1999. –12 с.

барча материалларда ўз номи кўрсатилишини талаб қилиш имконини беради. Селекция ютуғи муаллифига худди асар муаллифи каби тахаллусдан фойдаланиш имконияти берилмаган. Лекин, селекция ютуғи муаллифи давлат патент идораси томонидан эълон қилинадиган аризалар тўғрисидаги маълумотларда ўз номи кўрсатилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Селекция ютуғи муаллифи ўз номига патент беришни сўраб ариза топширгандан сўнг селекция ютуғига ўз номи ёки бошқа махсус ном беришни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга ушбу босқичда селекция ютуғи муаллифида, агар иш берувчи билан тузилган шартномада бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса бошқа ҳуқуқлар ҳам юзга келади. Шундай ҳуқуқлардан бири сифатида селекция ютуғи муаллифи билан иш берувчи ўртасидаги шартномада, селекция ютуғи муаллифининг селекция ютуғи ҳимояга лаёқатли деб топилса, алоҳида мукофот талаб қилиш ҳуқуқини кўрсатиш мумкин. Ушбу шартга мувофиқ селекция ютуғи муаллифи ўсимликларнинг янги нави ва ҳайвонларнинг янги зотини яратишда олиб борган иши учун тегишли ҳақ (иш ҳақи) олишдан ташқари (бундай ҳақ яратилган натижа ҳимояга лаёқатли бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар селекция ютуғи муаллифига берилади) селекция натижага ҳимояга лаёқатли деб топилса, мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Селекция ютуғи муаллифининг селекция ютуғидан фойдаланиш билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқлари-бу селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришдир. Ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг муаллифи бундай ҳуқуққа, унинг ўзи селекция ютуғига патент эгаси ҳисобланмаганда ҳамда ўсимлик нави ёки ҳайвон зотига доир лицензиядан фойдаланилганда ёхуд у сотилганида эга бўлади. Бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади (қонуннинг 7-моддаси 4-қисми).

Селекция ютуғининг муаллифи селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя даврида ҳам кучга эга бўлади (қонуннинг 21-моддаси). қонун селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш муддатини аниқ белгилайди. Унга мувофиқ ҳақ селекция ютуғининг муаллифи (ҳам-муаллифлар)га селекция ютуғидан фойдаланилган ҳисобот даври ту-гагандан кейин кўпи билан 6 ой ичида тўланади.

## **5 §. Селекция ютуғига нисбатан патент эгасининг ҳуқуқ ва**

## **мажбуриятлари**

Селекция ютуқларига нисбатан селекция ютуғининг муаллифи, уларнинг ҳуқуқий ворислари, иш берувчилар ҳамда селекция ютуғининг муаллифининг розилиги билан патент олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар патент эгаси бўлишлари мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, селекция ютуғининг муаллифи яратилган селекция ютуғи тўғрисида иш берувчини хабардор қилган кундан эътиборан тўрт ой ичида иш берувчи Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида селекция ютуғининг муаллифига маълум қилмаса, селекция ютуғининг муаллифи талабнома топшириш орқали селекция ютуғига патент эгаси сифатида тан олиниш ҳуқуқига эга бўлади.

Хизмат тартибида яратилган селекция ютуғининг эгаси иш берувчи ҳисобланади. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, селекция ютуғининг муаллифи селекция ютуғини яратишда: ўзига эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса; селекция ютуғини яратиш мақсадида ўз зиммасига махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса; иш берувчи ёки топшириқ берган шахс томонидан ўзига берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса; иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай ютуқ хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Шунингдек, селекция ютуғига нисбатан патент эгаси сифатида селекция ютуғи муаллифи ва иш берувчи ўртасидаги шартномада назарда тутилган шахс ҳам тан олиниши мумкин. Агар селекция ютуғи муаллифнинг ўзи томонидан мустақил яратилган бўлса, у ҳолда селекция ютуғи муаллифи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг патент ёки гувоҳномани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги талабномаси ёки аризасида кўрсатилган ҳар қандай шахс патентни олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда селекция ютуғи муаллифи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг аризаси Патент идорасига патент бериш тўғрисида қарор қабул қилинишига қадар тушган бўлиши лозим.

Селекция ютуғини бир неча шахслар бир-биридан ҳоли равишда яратган бўлсалар, у ҳолда патент олиш ҳуқуқига патент идорасига олдинроқ талабнома топширган ва бу талабномаси чақириб олинмаган ёки рад этилмаган шахс эга бўлади.

Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг хизматчилари ана шу ташкилотларда ишлаган бутун даврида патент



олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Улар патент олиш ҳуқуқига патент идораси ёки ихтисослаштирилган ташкилотлардан ишдан кетганларидан бир йил ўтгандан сўнг, эга бўладилар (Қонуннинг 15-моддаси).

Селекция ютуғига нисбатан муаллифлик ҳуқуқидан фарқ қилиб селекция ютуғига нисбатан патент ҳуқуқи ва патент олиш ҳуқуқи меърос асосида бир шахсдан иккинчисига ўтиши мумкин. Шу билан бирга патент эгаси ўзининг эгалик ҳуқуқидан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс фойдасига воз кечиши мумкин. Бунда селекция ютуғига нисбатан патент эгаси сифатида ана шу шахслар тан олинади.

Селекция ютуғига нисбатан патент эгасига ҳам худди саноат мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан патент эгасиники каби селекция ютуғидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар мавжуд. Шу билан бирга патент эгаси бундай ҳуқуққа патент олмаган учинчи шахслар эга бўлишлари мумкин эмаслигини ҳам белгилайди. Шунингдек, қонун худди ихтироларнинг ҳуқуқий режимидаги каби селекция ютуқларида ҳам патент эгасига мутлақ ҳуқуқлар бир бир қаторда мажбуриятларни, патентни тасарруф этиш ҳуқуқини белгилайди. Бироқ селекция ютуғи объектларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, селекция ютуғига нисбатан патент эгасининг ихтироларга нисбатан патент эгасидан фарқ қиладиган бир қатор алоҳида ҳуқуқлари мавжуд. Биринчидан, саноат мулк ҳуқуқи объектларидан фарқ қилиб, селекция ютуғига нисбатан берилган патент ва патент эгасининг ҳуқуқлари узоқ муддатга давом этади. Бунда ихтиролар учун патент муддати кўпи билан 20 йилни ташкил этса («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунинг 3-моддаси), селекция ютуқларининг кўпчилиги учун 30 йил (патент эгасининг илтимосига биноан узайтирилиши мумкин бўлган муддатни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) бошқалари (ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар учун) 35 йилни ташкил этади. Иккинчидан, саноат мулк ҳуқуқи объектларига бериладиган патентларнинг амал қилиш муддати устуворлик санасидан бошлаб ҳисобланса, селекция ютуқлари учун бериладиган патентни ҳисоблаш муддати эса, нав ёки зот Давлат реестрига киритилгандан бошлаб ҳисобланади.

Селекция ютуқларига нисбатан патент эгасининг ҳуқуқлари селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя тайинланган пайтдан бошланади. Муваққат ҳуқуқий ҳимоя ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуғига талабнома тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олинган санага қадар белгиланади. қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, талаб-

нома берувчи селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя берилган даврда патент эгасининг ҳуқуқларига эга бўлади. Аризачининг муваққат ҳуқуқий ҳимоя даврида бундай ҳуқуқларга эга бўлиши ижобий ҳол албатта.

Селекция ютуқларини патент орқали муҳофаза этилишини ўзига хос хусусияти шундаки, қонун учинчи шахсларга патент эгасининг розилигисиз селекция ютуғига нисбатан амалга ошира олмайдиган ҳаракатлар рўйхатини белгилайди<sup>1</sup> ҳамда патент эгасининг мутлақ ҳуқуқлари қайси ҳаракатларга қаратилишини кўрсатади. қонуннинг 30-моддасига биноан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи-ҳар қандай шахс-ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материалига нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш учун патент эгасининг рухсатини олиши зарурлиги билан ифодаланadi. Патент эгасининг розилигидан сўнг амалга оширилиши мумкин бўлган бундай ҳаракатлар жумласига: етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш); нав ёки наслик конденциясига етказиш; сотиш учун таклиф этиш; сотиш ва бошқа усулда ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш; шунингдек юқорида санаб ўтилган мақсадларда сақлаш.

Ушбу ҳуқуқлар патент эгасининг мутлақ ҳуқуқлари (патент билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлар) бўлиб, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам патент эгасининг ўзига тегишлидир. Патент эгаси ўзининг мутлақ ҳуқуқлари жумласига кирувчи ушбу ҳаракатлардан фойдаланиш учун берадиган рухсатномани фақат ўзининг хоҳиши билан беради ҳамда ушбу рухсатнома эвазига селекция ютуғидан фойдаланувчи зиммасига турли хил шартлар, чекловлар ва мажбуриятлар юклаши мумкин бўлади. Шунингдек, патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатсиз фуқаролик муомиласига киритилган уруғлик ёки зотли ҳайвонлардан етиштирилган ўсимлик материалига ва чорва маҳсулотларига ҳам амал қилади.

Муҳофаза қилинаётган нав, зот белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган (бунда, муҳофаза қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган бўлмаслиги лозим), ушбу қонуннинг барқарорлик мезонига мувофиқ муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан аниқ-равшан фарқ қилмайдиган, муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилган навнинг уруғлик, кўчат материалига ёки зотнинг

---

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. –М.: Проспект. 2000. -720 с.

насл материалига нисбатан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқлари доирасига кирадиган ҳаракатларни (қонуннинг 30-моддаси 2-қисмида кўрсатилган) амалга ошириш учун ҳам патент эгасининг рухсатини олиш зарур.

«Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонун нав ёки зот бошқа (дастлабки нав ёки зотнинг белгиларини «жиддий равишда ўзида сақлаб қолиши» тушунчасини ҳам изоҳлаб ўтади. Бу изоҳ қонун 31-моддасининг 5-қисмида баён этилган бўлиб, агар нав ёки зот:

-дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ёки зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотипи ёхуд генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларини сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

-табiiй ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав ўсимликлари ёки зот ҳайвонлардан айрим мутантларни саралаб олиш, беккросс, нав ёки зотни ген инжинерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли услубларни қўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда дастлабки нав ёки зотдан аниқ-равшан ажралиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотипи ёхуд генотиплар комбинациясига мос келса, ўзида бошқа (дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини сақлаб қолган нав ёки зот деб эътироф этилади.

Бир неча патент эгаларига тегишли патент билан муҳофаза қилинган селекция ютуғидан фойдаланиш чоғидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Селекция ютуғига нисбатан патент эгалари ўртасида селекция ютуғидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бўлмаса, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиши мумкин. Лекин бунда ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган селекция ютуғига бошқа патент эгаларининг розилигисиз махсус лицензия беришга ёки патентдан ёхуд гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга ҳақли эмас. Махсус лицензия бериш ва патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш учун патент эгаси бошқа шахсларнинг ёзма розилигини олиши лозим.

Патент эгалари ўртасидаги селекция ютуғига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар доираси ва селекция ютуғидан фойдаланиш бўйича низолар суд томонидан тартибга солинади.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларига путур етказмайдиган истисно ҳолатлар ҳам қонунда санаб кўрсатилган. Истисно ҳолатлар де-

ганда селекция ютуқларидан патент эгасининг розилигини олмасдан, учинчи шахслар фойдаланиши мумкин бўлган ҳолатлар тушунилади. Патент эгасининг розилигисиз селекция ютуғидан учинчи шахслар шахсий ва нотижорат мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Бундай мақсадларда фойдаланиш деганда янги нав ва зот, уруғлиги, кўчати ёки насл маҳсулотини ўз томорқасида экиш ва истеъмол қилиш тушунилади. Селекция ютуғидан синов-тажриба мақсадида фойдаланиш ҳам патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузиш деб баҳоланмайди.

Селекция ютуқларидан эркин фойдаланишдаги муҳим ҳолатлардан бири ана шу яратилаётган нав ва зотдан патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузмаган ҳолда бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланишдир<sup>1</sup>. Бундай фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайди ҳамда патент эгасидан рухсат олишни талаб қилмайди.

Шунингдек, корхона, хўжалик субъектлари патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалидан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик субъектлари ҳудудида фойдаланиш ҳам патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмай. Бу ҳолатда навли уруғлик ва кўчат материални олган корхона, ташкилотга фақатгина такрор етиштириш ҳуқуқи берилади. Навли уруғлик ва кўчат материални истаганча тасарруф этишга, уни сотишга ёки бошқача усулда ўзга шахсларга беришга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари такрор етиштириш ҳам қонунда белгиланган муддатдан ошмаслиги ва айнан қонун белгилаган ҳудудда амалга оширилиши керак. Патент эгаси ўзига патент асосида тегишли бўлган барча ҳуқуқларни тасарруф этишга ҳақли. қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, патент эгаси патент олиш ҳуқуқини патент бериш ҳақидаги талабнома патент идорасида рўйхатга олинганлиги туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқлар шунингдек, патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ўтказиши мумкин.

Талабнома берувчи талабнома Патент идорасига топширилган пайдан то патент бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар патент олиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Селекция ютуғига берилган патентга нисбатан ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш саноат мулки объектларига берилган патентга нисбатан ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби каби ҳақ

---

<sup>1</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. –М.: Проспект. 2000. -715 с.

эвазига ёки ҳақсиз эканлигидан қатъи назар ёзма равишда тузиладиган шартномалар орқали амалга оширилади<sup>1</sup>.

Патент олиш ҳуқуқини бошқа шахс фойдасига воз кечиш фуқаролик ҳуқуқида қонун йўл қўйган исталган шартнома, хусусан олдисотди, мулкни текинга бериш, айирбошлаш ва шу кабилар орқали расмийлаштирилиши мумкин<sup>2</sup>. Селекция ютуқларидан фойдаланишга рухсат бериш – лицензия шартномалари эса, қатъий ёзма шаклда тузилиши лозим.

Селекция ютуқларига эгалик қилиш ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек лицензия шартномалари ҳам Давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

Патентда кўрсатилган нав ёки зот тўғрисида лицензия шартномаси тузилади ва бундай шартномаларнинг предметини нав ва зотдан фойдаланиш ҳуқуқи кимга берилаётганлиги ҳамда шу ҳуқуқлар доираси ташкил этади. Патент эгаси ўз номига берилган патент билан кўриқланаётган селекция ютуғидан фойдаланишга патент эгаси бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга бериши мумкин.

Селекция ютуғидан фойдаланишни бошқа шахсга бериш бевосита патент эгаси ёки патент идораси ёрдамида амалга оширилади. Биринчи ҳолатда патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзи истаган шахс ёки шахсларга шартнома асосида беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар-лицензия шартномалари-деб аталади. қонунда бундай шартномаларни бир неча турлари санаб кўрсатилган. Бевосита патент эгасининг ўзи томонидан селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган лицензия шартномаларининг икки тури қонунда ўз ифодасини топган. Улардан биринчиси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги махсус лицензия шартномасидир. Махсус лицензия шартномаси патент эгаси ва селекция ютуғидан фойдаланиш истагини билдирган шахс ўртасида тузилади.

Қонунга мувофиқ махсус лицензия лицензиат (селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган шахс)га шартномада белгиланган доирадаги селекция ютуғидан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқларни беради. Бунда мутлақ ҳуқуқлар дейилганда лицензиар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм). –Т.: Адолат. 1999. -426 б.

<sup>2</sup> Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности РФ. –М.: Проспект. 2000. -722 с.

лицензиатга берган ва шу билан бирга учинчи шахсларга беришидан сақланиши лозим бўлган ҳуқуқлар тушунилади.

Патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга беришда, селекция ютуғига берилган патентдан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан учинчи шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолса, бундай лицензия шартномаси – номутлақ (оддий) лицензия шартномаси дейилади. Оддий лицензия шартномаларида лицензиар айнан битта селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бир неча шахсларга бериши мумкин. Бунда лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади. Мутлақ ва оддий лицензия шартномалари Патент идораси томонидан рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади.

Селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини патент идораси орқали бошқа шахсга бериш очик лицензия ва мажбурий лицензия шартномалари орқали амалга оширилади. Очик лицензия шартномаси патент эгасининг селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисидаги Патент идорасига топширган ариза асосида бузилади. қонуннинг 39-моддаси 3-бандига мувофиқ, бу ҳолда патент ёки гувоҳномани ўз кучида сақлаганлик учун ундирилган бож ёки йиғим 50%га камайтиради.

Очик лицензияни сотиб олиш олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар тўғрисида шартнома тузиши шарт.

Қонунга мувофиқ патент эгасининг очик лицензияга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чақириб олинмайди. Яъни патент эгаси очик лицензия беришдан воз кеча олмайди.

Мажбурий лицензия бериш шартлари қонунда белгиланганига кўра, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда берилади. Биринчидан, мажбурий лицензия берилиши сўралаётган селекция ютуғига патент уч йил олдин берилган бўлиши керак. Иккинчидан, уч йил давомида патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги ёки фойдалана олиш имконига эга бўлмаслиги лозим. Учтинчидан, ҳар қандай лицензия шартномаси тузишни патент эгаси рад қилган бўлиши шарт. Тўртинчидан, мажбурий лицензия олишни талаб қилган шахс селекция ютуғидан фойдаланишни таъминлай оладиган шахс бўлиши лозим.

Бундан ташқари мажбурий лицензия олиш истагини билдирган шахс мажбурий лицензия сўраб мурожаат қилганлиги учун бож ва йиғимларни тўлаши керак. Шунингдек, мажбурий лицензия патент

эгасининг селекция ютуғидан фойдаланмаслиги жамият манфаатларига даҳл қилса, яъни жамият манфаатларига зарар етказса, номутлак лицензия шаклида берилади.

Қонун 40-моддасига мувофиқ мажбурий лицензия беришни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилинади. Суд аризани ўрганиш жараёнида юқорида санаб кўрсатилган мажбурий лицензияни бериш шартларига эътибор қаратиш лозим. Агар шу шартлардан бири бўл-маса ҳам аризани кўриб чиқиш рад этилади. Зеро, бу шартлар бир би-рини тўлдириш вазифасини бажаради ва уларнинг барчаси мажбурий лицензия бериш учун яхлит асосни ташкил этади.

Мажбурий лицензияни қўлга киритган шахс патент эгасидан се-лекция ютуғининг дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материални талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда патент эгаси ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланиш ёки селекция ютуғидан фойдаланиш лицензиясини бошқа шахсга бериш ҳуқуқларини сақлаб қолади. Патент идораси мажбурий лицензиялар берилганлиги тўғри-сидаги маълумотларни эълон қилиши лозим.

Қонунда патент эгаси ҳуқуқларининг тугаши шартлари ҳам са-наб кўрсатилган. Унга мувофиқ, патент эгасининг ҳуқуқлари муҳофа-за қилинаётган нав ёки зотнинг ҳар қандай маҳсулотига доир хатти-ҳаракатларга нисбатан селекция ютуқлари қуйидаги асосларда муо-милага киритилганда амал қилмайди:

-муҳофаза қилинаётган нав ёки зотга доир ҳар қандай материал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш орқали;

-ёхуд бошқа усулда ўтказиш (масалан, ҳадя, айирбошлаш, текин фойдаланиш учун бериш ва ҳ.к.) орқали;

-қайта ишлаш ва истеъмол мақсадларида тегишли ботаник ва зо-ологик турдаги нав ёки зот муҳофаза қилинмайдиган мамлакатга олиб чиқиш орқали.

Шунингдек, айнан шу ҳаракатлар кейинчалик кўпайтириш мақсадида амалга оширилган ҳолатларда патент эгасининг ҳуқуқлари тугамаслиги қонуннинг 32-моддаси 2-қисмида ўз ифодасини топган.

Селекция ютуғидан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан бирга қонунда патент эгасига ана шу ҳаракатларни амалга оширишда бир қатор мажбуриятлар юклатилган. Бу мажбуриятлар саноат мулк объ-ектларига нисбатан мутлак ҳуқуқ эгаларининг мажбуриятларига мос келади. Селекция ютуқлари ва саноат объектлари битта ҳуқуқий ҳужжати (патент) орқали ҳимоя қилинганлиги сабабли уларга шу

ҳуқуқий муҳофа ҳужжати асосида деярли бир хил мажбуриятлар юклатилган. Патент эгаси селекция ютуғига берилган патентни унинг бутун амал қилиш муддати давомида ўз кучида сақлаганлик учун бож ва йиғимлар тўлаши лозим. Патентни ўз кучида сақлаганлик учун ундириладиган бож ва йиғимларнинг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Селекция ютуқларига нисбатан патент эгасининг ўзига хос мажбуриятлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай мажбуриятлар саноат мулки объектлари патент эгаларида мавжуд бўлмайди. Селекция ютуғи патент эгасининг бу мажбурияти унинг интеллектуал мулк объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам очиб беради. Патент эгасининг селекция ютуғини сақлаб қолиш мажбурияти ана шундай мажбуриятлардан бўлиб бунда патент эгаси навни, зотни патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаши шартки, нав, зот тегишли Давлат реестрида рўйхатга олинган санада тuzилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақланиб қолиши лозим.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Селекция ютуқлари тушунчаси
2. Селекция ютуқларининг ихтиролардан фарқи
3. Селекция ютуқларининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ шартлари
4. Селекция ютуқларига патент бериш тартиби
5. Селекция ютуқлари патентининг амал қилиш муддати
6. Селекция ютуқларининг муваққат ҳуқуқий муҳофазаси
7. Селекция ютуқлари муаллифининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
8. Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
9. Патентдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш
10. Селекция ютуқларидан фойдаланишга доир лицензия шартномалари
11. Хизмат тартибида яратилган селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқ



## **64-БОБ. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

### **1 §. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш шартлари**

Ошкор этилмаган ахборот деганда учинчи шахслар учун маълум бўлмаган, махфий, сир бўлиб ҳисобланувчи маълумотлар тушилади.

Техникавий ахборот деганда машина, механизмлар, курилмалар, ускуналар, технологик жараёнларни яратиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, қўллашга оид бўлган маълумотлар ҳисобладади.

Ташкилий ахборот деганда юридик шахснинг ташкилий структураси, хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатлари ташкилий механизмига, меҳнат (иш) жараёнларини ташкил этиш, уларга таъсир қилиш, бошқаришга оид маълумотлар тушунилади.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сири деганда корхонанинг (субъектнинг) ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириши, молия ва бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар тушунилади.

Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби, ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Ноу-хау деганда фуқаро ёки юридик шахсга фактик монополия асосида тегишли бўлган, фойдали техникавий, ташкилий ёки бошқа маълумотлар тушилади.

Ошкор этилмаган ахборотларга қонуний эгаллик қўйидаги асосларда вужудга келади:

- бундай ахборотларни ўзи яратган, ишлаб чиққан бўлса;
- бундай ахборотлар эгаллик қилувчининг топшириғи, буюртмаси асосида яратилган, ишлаб чиқилган бўлса;
- бундай ахборотлар ҳуқуқий ворислик тартибда ўтган бўлса;
- бундай ахборотлар бошқа шахсларни инсофли асосларда олинган бўлса ( сотиб олиш, лицензия олиш, текин фойдаланишга бериш ва ҳоказо).

Ҳар қандай маълумот ошкор этилмаган ахборот сифатида тан олиними учун;

а) бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши ( яъни ахборот эгаси ушбу

ахборотга эгаллиги сабабли ўзи ёки ишлаб чиқарган маҳсулотни, кўрсатадиган иши, бажарадиган иши бошқа рақобатдаги субъектлар ёки уларнинг маҳсулотлари, хизматлари, ишларига нисбатан афзалликка, имтиёзга эга бўлиши) шарт;

б) бошқа учинчи шахсларда қонун йўли билан бундай ахборотлардан эркин баҳраманд бўлиш, танишиб чиқиш, билиб олиш мумкин бўлмаслиги лозим;

в) ахборот эгаси унинг махфийлигини, сирлилигини сақлашга доир чоралар кўрган ( бундай ахборотлардан хабардор шахслар доираси қатъи чекланган, бу шахслар сир сақлаш мажбурияти ҳақида огоҳлантирилган, маълумотлардан фойдаланишнинг ёпиқ тизими ишлаб чиқилган ва ҳоказо) бўлиши шарт.

Юқоридаги учла шарт ФКнинг 98-моддасида мустаҳкамланиб қўйилган бўлиб, ушбу шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва уларга риоя қилинган ҳолларда ошкор қилинмаган ахборот эгаси ундан бошқа шахсларнинг ғайриқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш, ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Сир тутиладиган фан-техника. ишлаб чиқариш, иктисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 191-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ошкор этилмаган ахборот эгаси бу ахборотга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эмас, балки фактик монополия мавқеига эга. Шу сабабли ҳам у фақат бошқаларининг ғайриқонуний фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, айти вақтда, бундай ахборотларни ўзлари мустақил равишда яратган, ишлаб чиққан, инсофли асосларда олган шахсларнинг ундан фойдаланишини тақиқлашга ҳақли эмас.

Ошкор қилинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ахборот эгасида фактик монополия ҳолати вужудга келиши билан пайдо бўлади ва бунда бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажариш (уни рўйхатдан ўтказдириш, ререстрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, серфикат олиш ва ҳказо) талаб этилмайди. Бироқ баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига ноу-хауни лицензия асосида олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳақидаги шартномаларни ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказдириш шартлиги ҳақида қоида мавжуд. Бироқ бунда давлат идораси зиммасига ноу-хау махфийлигини сақлаш ва таъминлаш мажбурияти юкланади.

ФКнинг 1095-моддасида назарда тутилган қоидалар мазмунига кўра, ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоидаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу қода хужалик юритувчи субъектларнинг хизмат ёки тижорат сири ниқоби остида ҳар хил суиистеъмолликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқалар манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишнинг олдини олади, унга ҳуқуқий тўсиқлар қўяди.

Хизмат ёки тижорат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотларга мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар (банкларда омонатга қўйилган маблағлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари) ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар, битимлар, шартномалар тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар, умуман назорат\_ контроль функциясини бажарувчи давлат идораларига даврий равишда тақдим этилиб турадиган (фуқролар ва юридик шахслар томонидан) ҳар қандай маълумотлар, ҳисоботлар киради. Худди шу каби, илгари ошкора-оммавий эълон қилинган маълумотлар, шунингдек, ҳар бир шахс эркин танишиш, билишни талаб қилиш ҳуқуқига ёки имкониятига эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари бўлиб ҳисобланмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар (масалан, теварак-атрофни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятларни яширишнинг олдини олиш мақсадида) ошкор қилинмайдиган ахборотлар ҳуқуқий режимига эга бўла олмаслиги қонун ҳужжатларидаалоҳида писанда қилиб қўйилган (масалан, «Корхоналар ҳақида»ги қонуннинг 34-моддаси)

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза этиш ҳуқуқи муддат билан чегараланмаган, бироқ ФКнинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва қатъий риоя қилинган пайтга қадар амал қилади. Бу шартларнинг бирортаси мавжуд бўлма-са ёки бузилса, ошкор этилмаган ахборотдан бошқа шахсларнинг фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқи ўз-ўзидан бекор бўлади.

## **2 §. Ошкор этилмаган ахборотдан ғайриқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундай фойдаланаётган шахс ахборотни қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик

(олганлик, тарқатганлик) натижасида етказилган зарани тўла ҳажмда тўлаши шарт. Зарар ошкор этилмаган ахборотни ахборот учун мутлак, ёки нисбий тижорат қиймати (самараси) нинг пасайишида, камайишида ёки йўқолишида (касб-кор, нуфузи, маҳсулот, хизматнинг рақобатбардоҳлик даражасига, нархига салбий таъсир қилишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахс бунинг натижасида даромад олганлиги зарарни ундирмаслик учун асос бўлмайди. Агар даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотнинг қонунан эгасига ундириб берилиши лозим. ФКнинг 1096-моддасида ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи тушунчаси берилган ва унинг ахборотдан ноқонуний фойдаланганда ахборот эгаси олдида жавобгарликнинг вужудга келиши вақти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билан вақтда бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишни давом эттирса, ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга етказилган зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотнинг қонуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ҳақида огоҳлатириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари - бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишчи-хизматчисини сотиб олиш- фирром рақобат ҳисобланади ва у фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахслар ноқонуний фойдаланаётганлигини билган заҳоти бундай фойдаланишни тўхтатишни талаб қилишга ҳақли.

Айни вақтда ахборотни инсофли эгалловчиундан фойдаланишнинг қонуний асосга ўтказилишинисўраб, ахборот эгасига мурожаат қилишга, у билан келишувга эриша олмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотлардан фойдаланиш учун сарф-харажатлар қилган (ускуналар, қурилмалар, иншоотлар айёрлаган, қурган, сотиб олган) бўлса, суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаболинандиган мутлак лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишга рухсат беришга ҳақли.

Ҳақ миқдори тарафлар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгиланади.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустақил тарзда олган шахс ўзи яратган, ишлаб чиққан,

аниқлаган ёки унинг топшириғи, буюртмаси асосида бошқа шахслар яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган бўлса ва бундай ахборотни қонунан олган шахс (ахборотни қонуний эгасилан ҳақ бараварига сотиб олган, фойдаланишга лицензия олган, ҳуқуқий ворислик тартибда олган, ва ҳоказо) бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланишга учун унинг олдида жавобгар эмас. Ахборотнинг қонунан эгаси ахборотни мустақил ва қонунан олган бошқа шахсларга ундан фойланишларини тақиқлаб қўйишга, ҳақ талаб қилишга, шунингдек, бошқача тарзда эркин тасарруф қилишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас. Агар ахборот хабардор бўлган барча шахслар унинг махфийлиги, сирлигини сақлаб қолишни хоҳлаган, уни таъминлаш бўйича ўзаро келишувга эришишлари лозим бўлади ва ошкор этилмаган ахборотни шерик эгалари сифатида тасарруф қилишлари шарт.

### **3 §. Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби**

Ошкор этилмаган ахборот қонунан эгалик қилувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ билан бир вақтда ушбу ахборотдан бошқа шахсларнинг ноқонуний фойдаланишдан муҳофазаланиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичида ноу-хауни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Баъзи адабиётларда ноу-хау соҳиби унга нисбатан мутлақ ҳуқуқи мавжуд бўлмагани учун уни бошқа шахсга топшириш лицензия шартномаси эмас, чунки бунда шартноманинг предмети бўлиб ноу-хаудан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ эмас, балки ноу-хаунинг ўзини топшириш ҳисобланади, деган қарашлар ҳам мавжуд<sup>1</sup>. Ноу-хауни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чеклаган жамият, қўшма корхоналар, устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, ҳисса, пай сифатида қўшиши ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири - топширилаётган ахборотнинг махфийлигини, сирлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотнинг конфиденциалли-

<sup>1</sup> Гражданское право. Т. 2. –М.: БЕК, 1994. 252-б.

гини муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланади.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилинишида лицензиарларники каби ҳуқуқларга эга (ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноқонуний фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳоказолар).

Маълумки, лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал қилади. Бироқ ошкор этилмаган ахборот моддий - ашёвий эмас, ғоявий негизга эга. Бундай ахборот у билан танишган, хабардор бўлган шахсдан бегоналаштирилиши, хотирадан ўчириб ташлаш амалда деярли мумкин эмас. ФКнинг 1097- моддасига кўра, ахборотларнинг махфийлиги сақлаш мажбурияти, башарти тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиат зиммасида қолиши ҳақидаги қонун назарда тутуди(агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензияларнинг ошкор қилинмаган ахборотларга нисбатан фактик монополия мавқеини йўқотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Ошкор этилмаган ахборот тушунчаси
2. Ошкор этилмаган ахборот турлари
3. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш
4. Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан фактик монопол ҳуқуқ
5. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

## **65-БОБ. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ**

### **1 §. Фирма номига бўлган ҳуқуқ**

Маълумки, ҳар бир жисмоний шахс – фуқаро ўз исм, насабига эга ва бу уни бошқалардан ажратиб турувчи белгилардан биридир. Юридик шахслар ҳам ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номга эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак (масалан, «Лаззат» қандолат фабрикаси, «Камолот» жамғармаси ва ҳоказо).

Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги 2006 йил 18 сентябрдаги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун)нинг 3-моддасига мувофиқ, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади. Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига шундай номни ёхуд давлат рамзлари (герб, байроқ) элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим ва у ундан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ва етказилган зарарларни тўлаши лозим (ФКнинг 46-моддаси).

Фирма номи – тижоратчи ташкилотнинг фуқаролик муомаласида иштирокида уни бошқа қатнашчилардан, уларнинг товарлари,

ишлари ва хизматларидан фарқловчи, ажратиб турувчи, индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади. Юридик шахс фирма номидан юридик шахснинг ўзини ҳам, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарган иши, кўрсатадиган хизматини фарқловчи, хабардор қилувчи восита, белги сифатида фойдаланишига бўлган мутлақ ҳуқуқи ФКнинг 1098-моддасида қоида тариқасида белгилаб қўйилган.

Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларини (устав, таъсис шартномаси, ташкил этиш ҳақидаги қарор) тасдиқлашда муассислар томонидан белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан қайд этилади, бу ҳақда юридик шахсга далолатнома берилади.

Фирма номида қуйидаги белгилар кўрсатилмаслиги керак.:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган.

Шу билан бирга фирма номида қуйидагилар ҳам кўрсатилмаслиши мумкин эмас:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган.



ФКнинг 1099-моддасида белгиланган қоидага асосан юридик шахснинг фирма номидан у ишлаб чиқарган товарлар, бажарган иш, кўрсатган хизмат белгисида фойдаланишга йўл қўйилади.

Юридик шахс товарларга, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисоб варақалари, босма нашрлар, расмий бланкаларда ва шу каби фирма номидан товар (хизмат) белгисида фойдаланига ҳақли.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) ўз ташкилотининг фирма номини билдириши, хабардор қилиши шарт.

Юридик шахснинг фирма номидан товар (хизмат) белгиси сифатида фойдаланиши бу унга тегишли ҳуқуқ бўлиб, мажбурият эмас. Агар юридик шахс фирма номини товар белгисига киритса, у товар белгисининг таркибий қисми, элементи сифатида ёки унга қўшимча, илова элемент сифатида бўлиши мумкин. Фирма номи товар белгисининг таркибий қисми сифатида бўлганида, у ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахсининг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга. Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

Қуйидаги ҳолатлар фирма номидан фойдаланиш ҳисобланади.:

- фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш;

- фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида ишлатиш

## **2 §. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши ва уни бошқа шахсга бериш тартиби**

Юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши, эътироф этилиши, муҳофаза қилинишининг зарур шarti – бу номнинг Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказдирилганлиги ва бу ҳақда далолатнома белгиланганлиги.

Ушбу талабга риоя қилмаслик фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ тан олинмаслигига сабаб бўлади.

Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умумэътироф этган номга (масалан, Самсунг, Боинг, Сони, Кока-Кола ва ҳоказо) нисбатан мутлақ ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ҳолларда амал қилиши мумкин:

а) агар бу Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар, битимлар ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама, кўп томонлама шартномалар, битимларда назарда тутилган бўлса.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 8-моддасида кўрсатиладиги, конвенциянинг иштирокчиси бўлиш ҳар бир давлат бошқа иштирокчи хорижий давлатда жойлаган фирма номини унинг ўзида қайд этилган-этилмаганидан қатъи назар (қайд этиш ҳақидаги талаб мажбурийлигидан қатъи назар), ҳуқуқий муҳофаза қилиш, мутлақ ҳуқуқини таъ-минлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Париж конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ у қайд этилганидан бошлаб бемуддат амал қилади.

Ном эгаси бўлган шахс тугатилганидан бошлаб ёки унинг фирма номини белгиланган тартибда ўзгартириш орқали фирма номи-а бўлган мутлақ ҳуқуқ бекор бўлади. Фирма номи ўзгартирилганда бу ҳақда ошкора-оммавий эълон қилиниши шарт.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс (лицензиар) ўз фирма номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонун ҳужжатларига мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин (масалан, ФКнинг 862-моддасида белгиланган франшизинг шартномасини тузиш орқали), лицензия фирма номидан фойдаланиш ҳоллари, доираси, бунинг учун олинадиги

ган ҳақ миқдори, тўлаш тартиби ва шу каби шартларни ўз ичига олиши лозим. Айтилиши ва шартномада лицензиар лицензиатга унинг зиммасига фирма номидан фойдаланишда истеъмолчини чалғитиб қўйиш, алдашига олиб келишни истисно этувчи чоралар кўриш мажбуриятини юклаши ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиши лозим. Бундай чоралар кўрилмаган тақдирда истеъмолчининг эътирозлари лицензиат (бошқанинг фирма номидан фойдаланувчи)га эмас, балки лицензиарга (фирма номининг эгасига) қаратилиши мумкин. Лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитишни истисно этадиган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиш чикариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкий мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилганда ва юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши топшириш ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахс бўлинганда ёки у юридик шахс таркибидан ажралиб чиққанида фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши тақсимлаш балансига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқини бегоналаштириш ваколатли давлат органида қайд этиш ва тегишли далолатнома бериш орқали расмийлаштирилади.

Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш юридик шахс тугатилган ёки унинг фирма номи ўзгартирилган тақдирда, тугатилади.

Фирма номидан ноқонуний фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Агар товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номига бўлган ҳуқуқ фирма номига бўлган ҳуқуқдан илгари олинган бўлса, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номида ушбу фирманинг номидан фойдаланиш фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалга оширилади.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чет эл юридик шахслари ушбу қонунда назарда тутилган фирма номларига бўлган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан ёки ўзаро келишув принципи асосида Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан тенг равишда фойдаланадилар.

### **3 §. Товар (хизмат кўрсатиш) белгисига бўлган ҳуқуқ**

Товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларининг бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун фойдаланиладиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, қабарик ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар белгиси исталган бир рангда ёки турли рангларда бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида товар (хизмат) белгиларини рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ФК, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» 2001 йил 30 августдаги Қонун (бундан кейин матнда қонун деб юритилади) ва тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунга асосан қуйидаги ҳолларда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди, агарда улар:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамгалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки "кўринишдаги", "турдаги", "усулдаги" ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ушбу қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Санаб ўтилганларнинг 1-4-бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, юқоридагиларнинг 5-8-бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисига устун мавқега эга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган 5-8-бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан

фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Санаб ўтилганларнинг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин (Қонуннинг 10-моддаси).

Товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий шартининг тегишли ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказдирилганлиги ҳисобланади.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказдириш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ёки Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали (хорижий субъектлар учун) берилиши мумкин.

Умумий қоида бўйича товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисининг устуворлиги тегишли тарзда расмийлаштирилган талабнома Патент идорасига келиб тушган кунга қараб белгиланади. Талабнома ва талабномада ифодаланган белги белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади ва унинг натижаларига қараб, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Рад этиш ҳақидаги қарор устидан Патент идорасининг Апелляция кенгашига шикоят қилиш мумкин. Апелляция кенгаши қарори бўйича норози томон олти ой ичида судга шикоят қилишга ҳақли.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатга олиш ҳақидаги қарорга асосан, Патент идораси товар белгисини Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари реестрида рўйхатдан ўтказди. Давлат реестрига ва товар белгисининг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномага товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси тасвири, унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар, устуворлик санаси, рўйхатдан ўтган вақти, ушбу белгини қўйиш мўлжалланган товарлар, хизматлар рўйхати киритилади, бу ҳақда маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида аълон қилинади.

Товар белгиси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан ва белгиланган бож тўланганлиги ҳақида ҳужжат олинганидан кейин уч ой ичида Патент идораси товар белгиси эгасига гувоҳнома беради.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома белгисининг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисининг устуворлигини, товар белгиси, хизмат кўрса-

тиш белгиси эгасининг гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома устуворлик белгиланган санадан эътиборан ўн йил давомида амал қилади. Бу муддат тегишли бож тўлаб борилган тақдирда ҳар гал ўн йилга узайтириб борилади.

Товар белгиси эгаси бу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф қилишда мутлақ ҳуқуққа эга. Мутлақ ҳуқуқ мазмуни Қонуннинг 26-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан, унга ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки ёки тақиқлаб қўйишда мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан унинг эгаси рухсатсиз ҳеч ким фойдалана олмайди.

Товар (хизмат) белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қанақасига ва ҳар қандай тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисининг эгаси томонидан ёки қонунда белгиланган тартибда лицензия шартномаси асосида шундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан товар белгиси қайси товарларга қўйиш учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, шу товарларда ва уларнинг ўрови устида ишлатилиши товар белгисидан фойдаланиш ҳисобларида, расмий иш қоғозларида, осиб қўйиладиган лавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда ишлатиш ҳам ундан фойдаланиш деб топилиши мумкин.

Қонуннинг 27-моддасига асосан товар белгисининг эгаси ундан фойдаланиши шарт.

Товар белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилгандан кейин ишлатилмаган ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатида беш йил давомида узрли сабабсиз умуман фойдаланилмаганда, исталган манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ суд чиқарган қарор асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин. Ушбу масалани ҳал этишда товар белгиси эгаси тақдим этган ва товар белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра фойдаланилмаганлигини (масалан, корхона реконструкция қилинганлиги, қайта жиҳозланганлиги сабабли ёки бозорда товарга талаб бўлмаганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтатилганлиги ва ҳоказо) исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин. Узрли сабабсиз товар белгиси-



дан фойдаланмаслик деганда ушбу товар белгиси ишлатилиши мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритишда товар белгисидан фойдаланмаслик тушунилади.

Белгиланган қоидага асосан товар белгисидан нафақат товар белгиси эгасининг ўзи фойдаланиши, балки бу белгидан фойдаланиш учун бошқа шахсларга лицензия (рухсатнома) берилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш ҳисобланади. Бинобарин, товар белгисидан белги эгаси беш йил давомида ўзи фойдаланмаган ҳолда, бошқа шахсларга ундан фойдаланиш учун лицензия берилиши ФК 1104-моддаси 1-қисмини қўлламаслик учун асос бўлади.

#### **4 §. Товар (хизмат кўрсатиш) белгисини бошқа шахсларга ўтказиш**

Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар, хизматларнинг барча гуруҳлари ёки бир қисмига товар белгиси қўйишдан иборат мутлақ ҳуқуқни белги эгаси шартнома асосида бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахсга бериши (ўтказиши) мумкин. Шартномада ўтказилаётган ҳуқуқ ҳажми аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бундай шартнома ҳақ бараварига ҳам, текин ҳам тузилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда товар белгасига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди:

а) агарда бунда товар ҳақида истеъмолчининг ёки бошқаларнинг чалғишига, янглишишига сабабчи бўлиши мумкин бўлса;

б) агарда бундай товарни ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ҳақида истеъмолчининг чалғишига, янглишишига сабабчи бўлиши мумкин бўлса, бундай ҳолларда Патент идораси товар белгисига нисбатан ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этади.

Агарда юқоридаги ҳолатлар ёки улардан бири шартнома тузилганидан кейин вужудга келган бўлса, у ҳолда шартномани бекор қилиш ҳақида талаб билан ваколатли давлат органлари, истеъмолчилар уюшмалари ёки бошқа шахслар мурожаат этишлари мумкин. Шартнома суд томонидан бекор қилинганда унинг бажарилиши натижасида вужудга келган юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш тарафларнинг зиммасига юкланиши лозим.

Товар белгиси эгаси бу белгидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга бериши мумкин. Лицензия шартномасида лицензиат маҳсулотининг сифати лицензиар маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал

қилинаётганлигини назорат этиб туриши тўғрисидаги шарт бўлиши лозим.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг ҳар қандай асосга кўра бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан, уни шартнома асосида (ФК 105-моддаси 1-қисмида белгиланган тартибда) ёки ҳуқуқий ворислик тартибида (юримдик шахслар қайта ташкил этилиши оқибатида) бошқа шахсга бериш патент идорасида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

Ушбу талабга риоя қилинмаслик оқибатлари ФКнинг 1106-моддасида белгилаб қўйилган.

ФКнинг 1106-моддасида товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар шаклига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган. Бунга асосан товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномалар ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши учун лицензия бериш ҳақидаги шартнома:

а) ёзма равишда тузилиши керак (бунда битимларнинг ёзма шакли ҳақидаги ФКнинг 107-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилиниши шарт);

б) Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим (бунда Патент идораси шартномаларнинг қонунга, шунингдек, мақсадга мувофиқлигини, давлат ва жамият манфаатларига хилоф эмаслигини текширади); Патент идорасининг шартномаларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарори асослантирилган бўлиши лозим. Бу қарор устидан шикоят билан судга мурожаат қилиш мумкин.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига лицензия бериш ҳақидаги шартномаларнинг ёзма шаклига ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартномаларнинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Бундай шартномалар ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Айни вақтда ушбу қоидадан истиснолар ҳам мавжуд бўлиб, у ФКнинг 112-моддаси 2-қисмида белгилаб қўйилган. Бунга асосан агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим (шартнома) суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф шартномани тузиш кечик-

тирилганлиги туфайли иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлашга мажбур.

Шартномаларнинг ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари ФКнинг 113-114-моддаларида белгилаб қўйилган. Бунга асосан шартнома ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири шартнома асосида олган нарсани бошқа тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани аслича, натура ҳолида (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган хизмат ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агарда шартнома ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини тўлаши шарт.

Ҳақиқий бўлмаган шартнома унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари, бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Бинобарин, бундай шартномалар бўйича ижрони талаб қилиш, шартнома шартларини бузганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш ҳақида судга муурожаат қилиш мумкин эмас.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим, шартнома ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

## **5 §. Товар (хизмат) белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик**

ФКнинг 1007-моддасида товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси, жавобгарлик ҳажми белгилаб қўйилган.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда товар белгисидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда (товар белгиси эгаси билан ушбу белгига бўлган ҳуқуқни олиш ҳақида шартнома тузмасдан ёхуд товар белгисидан фойдаланишга лицензия олиш ҳақида шартнома тузмасдан) товар белгисидан фойдаланиш тушунилади.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликка йўл қўяётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, қоидабузарликни тўхтатмоғи шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган шахс бунинг натижасида товар белгисининг эгасига (баъзи ҳолларда ушбу товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахсга ҳам) етказил-

ган зарарларни тўлаши шарт. Бунда ФКнинг 14-моддасида белгилаб қўйилган зарарни қоплаш ҳақидаги қоидалардан келиб чиқмоқ керак. Товар белгиси эгасига етказилган зарар, энг аввало, унинг товар белгиси эгаси сифатидаги ҳуқуқларини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, қоидабузар бундай қоидабузарлик натижасида етказилган товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида даромад олган бўлса, олинган даромадлар товар белгиси эгаси (баъзи ҳолларда товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахс)га ундириб берилиши лозим.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиш билан бирга, қуйидаги ҳаракатларни ҳам амалга оширишга мажбур:

1) тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини (этикеткалар, ёрлиқлар, тамғалар, муҳрлар, реклама проспеклари, шу кабилар) йўқ қилиб ташлаши шарт;

2) қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки чалғитиб юбориш даражасида унга ўхшаши бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши (ўчириб ташлаш, қириб ташлаш, қирқиб ташлаш, бўлиб ташлаш) шарт.

Юқоридаги ҳаракатларни қоидабузар ўзи амалга оширмаган ҳолда суд томонидан, қоидабузар ҳисобидан мажбурий тарзда амалга оширилади.

Агарда қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан, унинг идишидан ва ўровидан йўқотишнинг иложи бўлмаса тегишли товар (идиши, ўрови) йўқ қилиб ташланиши лозим. Йўқ қилиб ташлаш қоидабузар зиммасига юклатилади. Йўқ қилиб юбориш усули йўқ қилиб юборишни амалга оширувчи шахс томонидан танланади.

Қоидабузар ўз ихтиёри билан товарни йўқ қилиб юбормаган тақдирда, йўқ қилиб юбориш суд қарори асосида мажбурий равишда амалга оширилади. Бундаги сарф-харажатлар қоидабузар зиммасига юкланади.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 177-моддасида жавобгарлик белгиланган.

## **6 §. Товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ**

ФКнинг 1108-моддасида, ҳамда Қонунда товар келиб чиққан (тайёрланган) жойнинг номи тушунчаси, уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асоси, тартиби белгилаб берилган.

Ҳар бир мамлакат, минтақа, маълум бир ҳудуд ўз иқлими, ҳавоси, тупроқ таркиби, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий шароитлари билан ўзига хосдир. Баъзан бу ўзига хослик ўша ҳудуд доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматнинг ўзига хос алоҳида сифатга, белгиларга эга бўлишини белгилайди. Бошқа жойдаги айнан ўшандай ишлаб чиқарилган товарлар, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ўшандай сифатга, белгиларга эга бўлмайди. Бинобарин, маълум географик ҳудуднинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллар (асосан, ўша жойда яшовчиларнинг касби-кор малакаси, маҳорати) билан узвий боғлиқ равишда тайёрланган товарлар бошқа жойда тайёрланган айнан шундай товарларга нисбатан харидоргир, юқори сифатли, алоҳида хусусиятларга эга, рақобатбардошли ҳисобланади. Бозорда ушбу товар тайёрланган жой номининг ўзи товар маълум сифат хусусиятига эга эканлиги ҳақида ўзига хос сертификат ҳисобланади. Масалан, «Боржоми», «Ессентуки», «Тошкент» сувлари, Учқора майизи, Ургут тамакиси, Янгиқўрғон анжири, Кува анори ва ҳоказо. Баъзан товар тайёрланган жойнинг табиий шарт-шароитлари билан эмас, балки ўша жойда яшовчи аҳолининг маълум бир касб-ҳунари, маҳсулот тайёрлашда бўлган алоҳида маҳорати, малакаси ушбу товар сифатини белгилашда алоҳида муҳим омил бўлиши мумкин. Масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Хива гилами ва ҳоказо.

Товар чиқарилган (тайёрланган) жой номи сифатида мамлакат номи ишлатилиши (Бразилия кофеси, Эрон гилами, Грузия чойи), аҳоли пункти ёки минтақавий ҳудуд номи (Тошкент суви, Чуст пичоғи), умуман, қандайдир геотрафик объект номи (масалан, Тянь-Шань суви) қўлланилиши мумкин. Бундай мақсадларда ўша географик объект тарихий номи ишлатилиши мумкин (Шампань шароби, Кагор шароби ва ҳоказо). Бунда энг асосий сабаб ўша жойда ишлаб чиқарилган товарнинг юқори сифати, алоҳида белгиларга эга эканлиги ва худди шу ҳолат товарлар бозорида, харидорлар орасида маълум аҳамиятга эга эканлигидир. Баъзан бу товар ишлаб чиқариш билан эмас, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлиши, бу ҳолат кўпинча жойларда тиббий даволаш, хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ бўлиб, бунда ўша жойдаги балчик, минерал сув, ғорлар, ҳаво таркиби, ҳаво зичлиги,

атмосфера босими ва ҳоказо ҳолатлар муҳим, белгиловчи омил бўлиши мумкин.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда жўғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектка хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқ ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1) маълум жой, ҳудуд ўзининг табиий-иқлим ва рельеф шарт-шароитларига кўра, унда яшовчи аҳолининг касб-кор маҳорати, малакаси туфайли ўзига хосликларга эга бўлиши;

2) бу ўзига хослик ушбу жойда, ҳудудда тайёрланадиган, ишлаб чиқариладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматларнинг алоҳида сифати, хусусияти, белгиларини таъминловчи омил бўлиши;

3) юқоридаги ҳолат товарлар бозорида маълум ва машҳур бўлиши талаб этилади.

Юқордаги шартлар мавжуд бўлган ҳолдагина товар чиқарилган жой номи уни рўйхатга олиш асосида ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Баъзи ҳолларда товар номи географик объект номи билан боғлиқ ёки бир хилда бўлса-да, бироқ товар бошқа жойларда ҳам айнан ўшандай тайёрланиши мумкин (масалан, ахалтекин отлари), бошқа ҳолларда эса бундай ном маълум товарнинг ёки товарлар гуруҳининг номи сифатида умумистеъмолга кириб кетган бўлиши мумкин (голланд пишлоғи, кельн суви-одеколон ва ҳоказо). Бундай ҳолларда атама товар чиқарилган жой номи сифатида тан олинмайди ва бинобарин, ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатга олинмайди. Бироқ бу ҳолат бундай маълум ва машҳур номдан инсофсизлик билан фойдаланиб, харидорларни, истеъмолчиларни алдаш, паст сифатли товарларни ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилганда ҳуқуқи бузилган шахснинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ҳуқуқи бузилган шахс ФКнинг 11-моддасида кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли.

Қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

- товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

- товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

- товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

Товар чиқарилган жой номи Ўзбекистон Республикаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказдирилади. Бунда ФК 1108-моддаси 2-қисмида белгиланган талабларга ишлаб чиқариладиган товарнинг жавоб бериши ва айна ўшандай товар ишлаб чиқарувчининг ўша ҳудуд доирасида фаолият юритиши муҳим омил ҳисобланади (масалан, Сурхондарёда фаолият юритаётган хунарманд ўз маҳсулотини Чуст пичоғи деб бозорда сотиши мақсадга мувофиқ эмас).

Патент идораси томонидан рўйхатга олиш амалга оширилганидан кейин товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берилади.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи гувоҳномаси маълум муддатга берилади, бу муддат тугагач, у узайтирилиши мумкин. Рўйхатга олишда товарларнинг у тайёрланган жой номи билан боғлиқ равишда сифатга эга эканлигини текшириш учун экспертиза тайинланиши мумкин. Гувоҳнома амал қилиш муддати давомида ваколатли давлат органлари, истеъмолчиларнинг уюшмалари товарларнинг махсус сифати, хусусияти, белгилари бўйича талабларга мувофиқлиги устидан доимий назоратни олиб борадилар.

Гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор бўлади:

а) маълум ҳудуд, жой ўша жойда ишлаб чиқарилувчи товарнинг махсус сифати, белгиси, хусусиятини белгиловчи табиий иқлим, рельеф ва бошқа омиллардан маҳрум бўлганда (минерал сув чикмай қолганда, балчиқ тугаганда, маълум касб-хунар билан аҳоли шуғулланмай қолганда ёки малака, маҳорат йўқотилганда);

б) ишлаб чиқариладиган товарнинг махсус сифат, белги, хусусиятларга эга бўлиши ҳақидаги талабларга риоя қилинмаган тақдирда;

в) жой номи товар ёки товарлар гуруҳи номи сифатида умумистеъмолга кириб қолганда.

Товар чиқарилган жой номини рўйхатга олиш, бу номдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома бериш, рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топиш, рўйхатга олиш ва гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш, уларнинг бекор бўлиши тартиби ва шартлари махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **7 §. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номни товарда, идиши ва ўровида, рекламаларда, босма маълумотларда, ҳисоб варақаларда ишлатиш, шунингдек, ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан (соштиш, ижарага бериш, намойиш этиш ва ҳоказолар) жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир. Товар чиқарилган жой номи товар белгиси билан биргаликда, шунингдек, ўзи мустақил, алоҳида равишда ишлатилиши мумкин.

Саноат мулки объектларининг бошқа турлардан фарқли равишда товарларнинг келиб чиқиш жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи у ёки бу шахсга монополия (танҳолик) асосида тегишли бўлмайди. Бу ҳуқуқ тегишли мамлакат, жой, ҳудуд доирасида ўша турдаги товарни тайёрлаш бўйича хўжалик фаолиятини амалга ошираётган барча шахсларга тегишли бўлиши мумкин (ФКнинг 1108-моддаси 1-3-қисмида белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда). Бинобарин, масалан, Чуст ҳудудида фаолият юритувчи барча пичоксоз – ҳунармандлар «Чуст пичоғи» деган номдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома сўраб, Патент идорасига мурожаат этишга ҳақлидирлар. Бунда бир неча ҳунарманд биргаликда ҳам, бир-бирларидан мустақил, алоҳида тарзда ҳам рўйхатга олинишлари мумкин. Уларнинг ҳар бири товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Юқорида кўрсатилгандай, товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш мутлақ монопол ҳуқуқ эмас, бу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида ФКнинг 1108-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинганда чексиз, номуайян доирадаги шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Худди шу сабабли товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга берилишига, унинг бошқа шахсга ўтказилишига, унинг лицензия асосида фойдаланиш учун берилишига йўл қўйилмайди, бу ҳақдаги битим ва шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги (давлат чегаралари ичида жойлашган) товарлар чиқарилган жойларнинг номлари (ви-



лоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, тоғлар, дарёлар ва бошқа географик объектлар) ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади (яъни бу номдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари учинчи шахсларнинг тажовузларидан қўриқланади).

Бошқа давлатдаги товар ишлаб чиқарилган жой номи Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун қуйидаги икки шарт бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт:

а) агарда бу ном товар чиқарилган мамлакатда рўйхатдан ўтказилган бўлса;

б) сўнгра Ўзбекистон Республикаси Патент идорасида ҳам белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Бинобарин, бошқа давлатда товар ишлаб чиқарилган жой номи шу давлатнинг ўзида ҳуқуқий муҳофаза қилинмаса, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

## **8 §. Товар чиқарилган жой номидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланиш деганда, энг аввало, бунга тегишли гувоҳномаси бўлмаган ҳолда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш тушунилади. Шунингдек, ишлаб чиқараётган товари махсус сифатга, хусусиятга, белгига эга бўлмай қолгани сабабли гувоҳномасининг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилган ёки бекор қилинган шахс томонидан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш тушунилади.

Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланиш натижасида, энг аввало, товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга қонуний ҳақли бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилади, қолаверса, кўп ҳолларда товар чиқарилган жой номидан ғайриқонуний фойдаланиш натижасида истеъмолчилар алданади, уларга паст сифатли товарлар махсус сифатли, хусусиятли, белгили товар сифатида ўтказилади. Айни вақтда, бу ҳолат келгусида товар чиқарилган жой номи ишлатилган ҳар қандай товарларга нисбатан ҳам ишончсизлик вужудга келишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланишга қарши курашда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар алоҳида мавқега ва ҳуқуқларга эга. Чунончи:

1) товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахсдан ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тўхтатишни;

2)товардан, унинг идиши ва ўровидан, бланкалар, рекламадан ва бошқа ҳужжатлардан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган номни ёки шу ном билан адаштирадиган даражадаги ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни;

3)агарда товардаги, унинг идиши ёки ўровидаги жой номи ёки унга ўхшаш белгиларни йўқ қилиб, ўчириб ташлашнинг иложи бўлмаса, тегишли равишда товарнинг идиши ва ўровини олиб қўйиш, муомаладан чиқариб олиш ва йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақли.

Қоидабузар ушбу талабларни ихтиёрий бажаришдан бош тортганда, у мажбурий равишда ва қоидабузар ҳисобидан амалга оширилади.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу ҳуқуқни бузиб, жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланган шахсдан бунинг натижасида ўзига етказилган зарарларнинг тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли. Бунда ФКнинг 14-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга етказилган зарар қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1)қонунга хилоф ҳаракат натижасида бозорда унинг товарларининг ўтмай қолиши, шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириши, тўхтатиб қўйишга мажбур бўлиши;

2)қонунга хилоф ҳаракат натижасида ололмай қолган, бироқ у содир бўлмаганда одатдаги нормал фуқаролик муомаласида олиши мумкин бўлган даромад (жой номи қўлланиладиган товарлар ёхуд товарлар гуруҳи бўйича);

3)қоидабузар томонидан паст сифатли товарларнинг жой номидан фойдаланиб, муомалага киритилиши натижасида истеъмолчиларда жой номи ишлатилган товарларга нисбатан ишончсизлик ҳолати ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича харажатлар.

Қоидабузар томонидан жой номидан ғайриқонуний фойдаланиш натижасида олинган даромад бу номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (шахслар) фойдасига ёки ўша тегишли ҳудуд бўйича давлат бюджети ҳисобига ундирилиши мақсадга мувофиқдир.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган қонуннинг 5-6-моддаларига асосан истеъмолчи товар ишлаб чиқарган шахс, унинг жойлашган жойи, товар ҳақида маълумотлар билан таъминланиши лозим. Ушбу Қонуннинг 7-моддасига асосан, агарда товар ишлаб чиқарувчи ўзи

ёки товар ҳақида ёлғон маълумотлар бериш натижасида истеъмолчи-га сифати паст товар ўтказилса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли.

Товарнинг келиб чиқиши жойининг номи саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси доирасида ҳам ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади. Шунингдек, буюмларнинг чиқарилган жойларини нотўғри ёки ёлғон кўрсатганлик учун санкциялар (жазо чоралари) ҳақидаги 1891 йил 14 апрелдаги Мадрид битимида товарнинг чиқарилган жойи ҳақида янглишишга сабаб бўлувчи белгилар, номларни кўйганлик учун санкциялар белгиланган. Буюмларнинг келиб чиқиш жойлари кўрсаткичларини ҳимоя қилиш ва уларни халқаро қайд этиш ҳақидаги 1958 йил 31 октябрдаги Лиссабон иттифоқи органи товар чиқарилган жой номларини қайд этиш механизмини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Дунёнинг деярли барча давлатларида товарларнинг чиқарилган жойлари номларидан ғайриқонуний фойдаланиш, бу жойлар номлари ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш фирром рақобатнинг кўри-нишларидан ҳисобланади ва тегишли жавобгарлик чоралари (зарарларни тўлатиш, ҳудудга олиб келишни тақиқлаш, арест солиш, товарни йўқ қилиб ташлаш ва ҳоказолар) кўрилишига сабаб бўлади. «Ўзбекистон Республикасининг товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» ги 1996 йил 27 декабрда қабул қилган Қонуннинг 8-моддасига асосан юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиш, товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи хусусида истеъмолчини чалғитиш инсофсиз рақобат ҳисобланади ва тақиқланади.

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Фуқаролик муомаласи қатнашчиларини шахсийлаштирувчи воситалар тушунчаси
2. Фирма номи тушунчаси
3. Фирма номи сифатида рўйхатдан ўтказиладиган белгилар
4. Фирма номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар
5. Фирма номига гувоҳнома бериш тартиби
6. Фирма номига берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати
7. Фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш
8. Фирма номига берилган гувоҳноманинг бекор бўлиши

9. Товар ва хизмат кўрсатиш белгиси тушунчаси
10. Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар
11. Товар ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳнома бериш тартиби
12. Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати
13. Товар келиб чиққан жой номи тушунчаси
14. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар
15. Товар келиб чиққан жой номига берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати.
16. Товар белгиси ва товар келиб чиққан жой номига берилган гувоҳноманинг муддатидан олдин бекор бўлиши
17. Товар белгиси ва товар келиб чиққан жой номига берилган гувоҳнома эгасининг мутлақ ҳуқуқлари

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари.
2. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқлар.
3. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар.
4. Интеграл микросхемалар топологиялари тушунчаси.
5. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
6. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари
7. Асар муаллифи ва ҳаммуаллифлик
8. Муаллифнинг шахсий номулкый ҳуқуқлари
9. Турдош ҳуқуқлар
10. Саноат мулки тушунчаси ва унинг турлари.
11. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасининг ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилиқ шартлари.
12. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига патент бериш тартиби.
13. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунаси муаллифи патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
14. Селекция ютуғи тушунчаси ва интеллектуал мулк объектлари тизимида тутган ўрни.
15. Селекция ютуқларини ҳуқуқий ҳимояга лаёқатлилиқ шартлари
16. Селекция ютуқларига патент бериш тартиби

17. Селекция ютуғи муаллифининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
18. Селекция ютуғига нисбатан патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
19. Ошкор этилмаган ахборот тушунчаси ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари.
20. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланилганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.
21. Фирма номи тушунчаси ва унинг белгилари.
22. Товар белгиси.
23. Товар келиб чиққан жой номи.

## **V БЎЛИМ. МЕРОС ҲУҚУҚИ**

### **66-БОБ. ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1 §. Мерос ва ворислик тушунчалари**

Халқ ўртасида мерос деганда, вафот этган шахсдан қолган мол-мулк тушунилади.

Хусусий мулкнинг мазмуни кенгайиши билан мерос ҳуқуқининг мундарижаси такомиллашади ва кенгаяди.

Ҳаётда ҳар бир шахс бошқа бир шахслар билан ҳар хил муносабатларда бўлади. Бу муносабатлар, албатта, шахснинг эркин иродаси билан вужудга келади. Вақт ўтиши билан бир муносабат бекор бўлади, иккинчи бир муносабат вужудга келади. Муносабатнинг барчаси шахсий ёки мулкӣ муносабатлар бўлиб, маълум бир қоидалар билан тартибга солинади. Муносабатда турган ҳар бир шахс муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бундай ҳуқуқ ва мажбурият, қоида тариқасида, шахс вафот этгандан сўнг ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг вафот этиши бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди. Масалан, кредит муассасаларига қўйилган маблағ, уни қўйган шахс вафот этганда ҳам банк омонатни бериш мажбуриятидан озод бўлмайди. Мажбурият давом этади, аммо талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтади.

Фуқаро вафот этгандан кейин ҳам унинг барча ҳуқуқи ва мажбуриятлари ўз кучини сақлаб қолмайди, айримлари бекор бўлади.

Вафот этган шахснинг ҳаётлигида бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос тариқасида ворисларга ўтади.

Шундай қилиб, шахснинг ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос ҳисобланади ва ворислик ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтади.

Аниқроқ қилиб айтганда, вафот этган шахсга тегишли бўлган мулк - уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи мерос тариқасида ўтади.

Вафот этганнинг шахси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос сифатида бошқаларга ўтмайди. Масалан, ижтимоий таъминот ва меҳнат қонунлари асосида шахснинг оладиган нафақа, пенсия ва бошқа тўловларига бўлган ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда вужудга келадиган шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ҳар бир шахс ўз мулкининг вафот этганидан сўнги тақдирини олдиндан, ҳаётлигида белгилаб қўйиши мумкин.

Демак, мерос деганда, вафот этган шахснинг мол-мулки, мулкка бўлган ҳуқуқи, бошқалардан талаб қилиш ҳуқуқи, бошқалар олдидаги мажбуриятлари ва қарзларини тушуниш керак.

Шундай қилиб, мерос-бу фуқароларнинг ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисидан иборат.

Мерос ҳуқуқи, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган ва фуқаролик ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқ тармоқчаларидан ҳисобланади. Мулк муносабатлари каби мерос ва ворислик муносабатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади<sup>1</sup>.

Мерос ҳуқуқи - бу фуқаронинг вафоти муносабати билан унинг мулкий, мулк билан боғлиқ бўлган шахсий-номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бевосита қабул қилиб олишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Мерос ҳуқуқи фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини қўриқлаш билан боғланган бўлиб, уларнинг ўз мулкига нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқини ҳеч қандай тўсиқсиз, нафақат ҳаётлигида, шунингдек, вафот этгандан сўнг ҳам амалга оширилишини таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси дарслиги. Тошкент. 2000 й. 323-бет.

Хусусий мулк эгаси ўзи вафотидан кейин мулкнинг кимга ўтиши масаласини мерос ҳуқуқи асосида ҳаётлигида аниқлаб қўяди. Шу билан у хусусий мулк ҳуқуқининг мавқеини мустаҳкамлайди, мулкнинг кўпайиши ва ривожланишини таъминлаш йўли билан меросхўрларнинг ҳам яхши яшаш ва ҳаёт кечириш шароитларини яхшилашга кўмаклашади.

Мерос ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб у қонун билан кафолатланган. Бу ҳуқуқдан барча фуқаролар, уларнинг миллати, ижтимоий аҳволи, мулкӣ бойлиги, жинси ва диний эътиқоди, хизмат вазифасидан қатъи назар, баробар фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», -деб кўрсатилган.

Шундай қилиб, мерос ҳуқуқи меросга оид барча муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборат.

Мерос ҳуқуқининг асосий ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

1) мерос ҳуқуқи фуқароларнинг хусусий мулки ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади;

2) мерос қолдирувчи ўзининг хусусий мулк ҳуқуқини вафотидан кейин ҳам сақланиши, кўпайиши, ривож топиши билан оилавий ва қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашдаги омилларини ҳисобга олган ҳолда, меросни кимга ўтишига бефарқ қарай олмайди.

3) қонунда белгилаб қўйилган меросхўрлар бўлиб, асосан мерос қолдирувчининг қариндошлик муносабати билан боғланган шахслар, унинг оила аъзолари ва қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз, ёрдамга муҳтож шахслар ҳисобланадилар;

4) мерос мулқидан олинadиган ҳисса эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам, қайд қилинган никоҳдан туғилган болалар учун ҳам, қонун билан белгиланган тартибда оталиги аниқланган болалар учун ҳам, фарзандликка олинганлар учун ҳам, баробардир;

5) васият бўйича меросхўрлар доирасини белгилаш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, у нафақат жисмоний шахслардан, шунингдек, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин;

б) қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ворислик амалга оширилмаган ҳолларда мерос мулк тақдири суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Шундай қилиб, мерос ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг ажралмас ва яқунловчи қисми ҳисобланиб, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган.

Фуқаролик қонунчилигида мерос ҳуқуқи, ворислик асослари, мерос таркиби, мероснинг очилиши, меросхўрлар тизими ва нолайиқ меросхўрларни меросдан четлатиш асослари, васият бўйича ворисларнинг умумий қоидалари, меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқни, меросни муҳофаза қилиш, уни бошқариш, меросни эгаллашнинг умумий қоидалари, меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш, меросни тақсимлаш, меросдан воз кечиш ҳуқуқлари, ҳозир бўлмаган ворисларнинг ҳуқуқлари, мерос-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар, мерос мулкдан қилинадиган харажатлар, эгасиз қолган мерос мулкининг тақдирини белгилаш ва бошқа меросга оид ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Ворислик ҳуқуқи тушунчаси. Ворис деганда, қонунда белгилаб қўйилган мерос қолдирувчининг қариндошлик муносабатлари билан боғланган авлод ва аждодлари, унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз боқимлари (қонун бўйича ворислар), шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ва шартларга риоя қилиб, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олингач, мероснинг ўтиши лозим бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган шахслар (васият бўйича ворислар) тушунилади.

Ворислик ҳуқуқи, қонунда белгиланган ёки мерос қолдирувчи томонидан васиятномада кўрсатилган тартибда ва шартларга асосан унга тегишли бўлган мулк ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни меросхўрларга ўтиш тартибини белгилайди.

Фуқаролик қонунида ворислик деб, марҳум фуқаро мулкининг қонунларда белгиларган тартибда бир ёки бир неча шахсларга (ворисларга) ўтишига айтилади.

Ворислик ҳуқуқи деб, фуқаронинг вафот этганидан сўнг мулкининг бошқа шахсларга (ворисларга) ўтказилишида вужудга келадиган муносабатларнинг тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади.

Ворислик- бу ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир шахсдан (мерос қолдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхўр-



ларга) ўтиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у ҳаммадан аввал, иқтисодий ҳодиса сифатида ва вафот этган шахсининг мулкани, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиш тартибини белгилайди.

Ворисик ҳуқуқи мерос ҳуқуқининг бир бўлаги сифатида унинг амал қилинишини таъминлайди, мерос таркибига кирган мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни меросхўрларга ўтиш қоидаларини ўз ичига олади.

Ворисик ҳуқуқи фуқаролар вафот этганда уларнинг маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтиш тартибини белгилаб берувчи фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборатдир.

Бу фикр кўпчилик юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан исботланган.

Шундай қилиб, ворислик ҳуқуқи-бу мерос очилган пайтда вафот этган шахсга тегишли бўлган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартларини белгилаб берувчи ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборат.

Демак, ворислик ҳуқуқининг вазифаси вафот этган шахсининг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсларга, меросхўрларга ўтишини қонун билан белгиланган тартибда таъминлашдан иборат.

## **2 §. Ворислик асослари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади», - дейилган.

Бу ҳуқуқдан фойдаланиб ҳар бир шахс ўзи ҳаётлигида ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини ҳал қилиб қўяди, вафотидан кейин уни кимга ўтишини белгилаб қўяди.

Шу билан бирга, фуқаро вафот этганидан сўнг унинг мулки кимларга ўтиши қонун билан ҳам белгилаб қўйилган бўлади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига асосан, ворислик икки асосда вужудга келади. Биринчидан, васият бўйича ва, иккинчидан, қонун бўйича.

Мулкдор ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини ўзи вафот этгандан сўнг унинг маълум бир шахс томонидан тасарруф қилинишини белгиламаган ҳолларда қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Бундан ташқари, қонун бўйича ворислик: Биринчидан, васият-нома қисман ёки бутунлай ҳақиқӣ эмас деб топилган ҳолларда; ик-

кинчидан, мерос мулкининг ҳаммаси васият қилинмасдан қолган тақдирда, васият қилинмаган қисмига; учинчидан васият бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин меросни қабул қилиб олмасдан вафот этган бўлса; тўртинчидан, васият бўйича меросхўр меросни олишдан бош тортган ёки ундан воз кечган ҳолларда вужудга келади.

Қонун бўйича меросхўр мерос қолдирувчи билан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган унинг аждодлари ва авлодлари, оила аъзолари, меҳнатга лаёқатсиз, унинг қарамоғида бўлган, оила аъзоси бўлмаган шахслар бўлишлари мумкин.

Демак, қонун бўйича меросхўр бўлиш учун нафақат мерос қолдирувчининг расман қон-қариндошлари бўлиши, шунингдек, амалда ҳаётда ҳам яқин кишилари бўлиши мумкин.

Қонун бўйича ворислик муносабати билан мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтиш тартиби ва шартлари қонунда белгилаб қўйилган бўлади. Мерос мулк қонунда белгиланган тартибда, миқдорда ва тартибда меросхўрлар ўртасида тақсимланади. Қонунда белгиланмаган шахсларга ёки белгиланган тартибни бузиб, мерос мулкни яқин қариндошларига ёки бошқа яқин кишиларига, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлмаган шахсларга бериш мумкин эмас.

Қонун бўйича ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчининг вафоти ёки унинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши билан бирданига ва тўлиғича меросхўрларга ўтади.

Васият бўйича ворислик мерос қолдирувчининг эрки билан вужудга келади. Мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини меросхўрлар ўртасида тақсимлаш, мерос қолдирувчининг эрки билан амалга оширилади.

Меросдан четлаштириш ёки мерос олишдан маҳрум қилиш фақат қонунда белгиланган асосларда ва тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Ворислик асослари қонун бўйича ворисликда ҳам, васият бўйича ворисликда ҳам келишув мавзуси бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳаётда ва ҳатто, суд амалиётида ҳам бундай келишувлар учраб туради. Масалан, нотариал тартибда тасдиқланган васиятномага асосан фуқаро Сотиболдиев ўзига тегишли бўлган уй-жойни ва жамғарма банкида сақланаётган омонат маблағни набираси Баҳодиржонга васият қилиб қолдирган. Сотиболдиев вафотидан сўнг унинг вояга етган болалари судга мурожаат қилиб мерос қолдирувчи оғир касаллиги сабабли васиятномага имзо қилиш имконияти бўлмаган, васиятнома қалбаки-

лаштирилган деган асосда уни ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар, аризани кўрган туман суди иш юритишни бекор қилиб, тарафларнинг мерос мулкани тақсимлаш ҳақидаги ўзаро келишувини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарган. Вилоят судининг раёсати вилоят прокурорининг назорат тартибида берган протестини рад қилиб, туман суди ажримини кучда қолдирган. Республика Бош прокурори ўринбосарининг протести билан Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати туман судининг ажрими ва вилоят судининг қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан кўришга юборган. Олий суд ҳайъати қарорида, иш бўйича васиятноманнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқламасдан туриб, масалани ҳал қилиш мумкин эмаслигини ва бу масалада, васият бўйича ҳамда, шунингдек, қонун бўйича ворисликда ворислик асослари келишув мавзуи бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатган.

### **3 §. Мероснинг очилиши ва ворислик ҳуқуқини амалга ошириш**

**Мероснинг очилиш вақти ва жойи.** Қонун ворислик ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишини очилиши билан боғлайди. Ворислик ҳуқуқи асосида мерос мулкани қабул қилиб олиш мероснинг очилиши муносабати билангина амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мероснинг очилиш жойи ва вақти муҳим ва зарур аҳамият касб этади.

Ворислик ҳуқуқининг вужудга келиши муайян бир ҳодисанинг содир бўлиши билан боғлиқ. Бундай ҳодиса биринчидан, фуқаронинг вафот этиши, ёки, иккинчидан, фуқаронинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши ҳисобланади.

Мероснинг очилиши маълум бир вақтда вужудга келади. Мероснинг очилиши деганда, мерос ва ворислик ҳуқуқининг пайдо бўлишини белгилаб берувчи юридик фактнинг юзага келиши тушунилади.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш ғайриқонуний ҳаракатларининг олдини олишга имкон беради.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш биринчидан, мерос тариқасида ўтадиган қолдирувчинин ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таркибини белгилаш; иккинчидан, меросхўрлар доирасини аниқлаш; учинчидан, қонун бўйича ҳамда васият бўйича белгиланган мерос мулкани қабул қилиб олиш ёки ундан воз кечиш; тўртинчидан, ме-

росга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва кредитларнинг даъво қўзғатиши учун муддатни белгилаш ва бошқа меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир.

ФКнинг 1116-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг вафот этган куни (зарур бўлганда пайти ҳам), мерос очилган вақт деб саналади. Фуқаро вафот этган деб эълон қилинган ҳолларда, агар суднинг қарорида бошқача муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирадиган кун мерос очилган вақт ҳисобланади.

Фуқаронинг ўлими факти фуқаролик ҳамда далолатномаларни қайд қилиш идоралари томонидан берилган фуқаронинг вафот этгани тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ҳар хил бахтсиз ҳодисалар оқибатида бедарак йўқолган шахсларнинг вафот этган кунини аниқлашда, суд шу бахтсиз ҳодиса рўй берган вақтни фуқаролик вафот этган кун деб ҳал қилув қарорида кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолларда суд қарорида кўрсатилган кун мероснинг очилган вақти ҳисобланади. ФКнинг 36-моддасига асосан, агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг доимий яшаш жойида 3 йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида 6 ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларни аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин. Фуқаронинг вафот этганлигини расмийлаштирилганда мерос қолдирувчининг вафот этган пайти, яъни соати ҳисобга олинмайди. Аммо бирининг вафотидан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахсларнинг бир вақтда вафот этганларида уларнинг қайси бири олдин ва қайси бири кейин вафот этганлигини аниқлаш талаб қилинса, қонун бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этганларни бир вақтда вафот этган деб ҳисоблайди ва мерос уларниг ҳар биридан кейин очилади. Бундай ҳолда улардан ҳар бирининг меросхўри алоҳида ворисликка чақириладилар. Вафот этганларнинг бир-бирларидан мерос олиш ҳуқуқи пайдо бўлмайди.

Никоҳ муносабатлари ёки қон-қариндошлик туфайли бир-бирлари билан боғланган шахсларнинг бир вақтда вафот этганда, уларнинг ҳар бирининг ворислари мустақил равишда ворисликка чақириладилар. Масалан, автоавария оқибатида эр ва хотин бир пайтда ҳалок бўлдилар. Эрнинг олдинги хотинидан бир боласи ва хотинининг ҳам олдинги эридан бир боласи бўлган. Нотариус меросни

тақсимлаганда, аввало, улардан қолган мол-мулкни Оила кодексининг 23-, 25- ва 27-моддалари, ҳамда никоҳ шартномаларига асосан, уларнинг ҳар бирининг хусусий, шахсий ва биргаликдаги мулкдаги ҳар бирининг ҳиссасини ОКнинг 27- ва 28-моддалари тартибида аниқлаб, меросни адолатли ворислар ўртасида тақсимлаш чораларини кўриши керак. Чунки эр билан хотин ўртасида ворислик ҳуқуқи пайдо бўлмайди. Уларнинг ҳар биридан кейин мерос очилгани сабабли, ҳар иккаласининг меросхўрлари ўзларнинг бири отасининг, бири онасининг мерос мулкига ворис бўладилар.

Васиятнома берган шахс билан васиятномага асосан ҳуқуқ олувчи шахс бир вақтнинг ўзида вафот этган тақдирда васият бўйича мерос очилмайди. Мерос мулк қонун бўйича ворисларга ўтади.

Ота-бола «К» ва «Б» бир пайтда автоавария оқибатида ҳалок бўлганликлари сабабли, «Б»нинг боласи, «К»нинг набираси «В» нотариусга мурожаат қилиб, бобоси «К» томонидан отаси «Б» номига васият қилиб қолдирган енгил автомашинани тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича унга гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус гувоҳнома беришни рад қилиб, ФК.нинг 1116-моддасининг III қисмига асосан биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка ичида вафот этган тақдирда, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилиши ва ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка алоҳида чақирилишлари, васиятнома берган шахс билан васиятнома бўйича ҳуқуқ олувчи шахс бир вақтнинг ўзида вафот этганлигида, васият бўйича мерос очилмаслиги ва мерос мулки қонун бўйича ворисларга ўтиши ҳақида тушунтирган.

Ворислик ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини тўғри аниқлаш ҳам мероснинг очилиш вақтини аниқ белгилашга боғлиқ. Чунки меросхўрлар доираси ҳам, мерос муносабатларини татбиқ қилиш лозим бўлган қонунлар ҳам мероснинг очилиш пайти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги 1996 йил 29 август Олий Мажлис қарорининг 12-бандида ФКнинг 1112-1157-моддаларида назарда тутилган мерос ҳуқуқи нормалари 1997 йил 1 мартгача мерос очилган бўлиб, аммо меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг унинг ўзи бошқариш органи ихтиёрига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши белгилаб қўйилди.

Демак, 1997 йил 1 мартгача, яъни ФК амалга киритилгунгача қабул қилиб олинган мерос мулк тўғрисида ворислар ўртасида ёки бошқа шахслар ўртасида келиб чиққан. Низолар амалдаги фуқаролик қонун нормалари билан эмас, балки эски фуқаролик қонуни мерос ҳуқуқи қоидаларига асосан ҳал қилиниши керак.

Мерос ҳуқуқига доир ФК қоидалари 1997 йил 1 мартгача очилган ва қабул қилиб олинмаган мерос мулк юзасидан орқага қайтиш кучига эга.

Ворисликка доир ҳуқуқий муносабатлар мерос очилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу билан бирга мерос очилган жойда амалда бўлган қонунларга асосланади. Шу сабабдан мероснинг очилиш жойини тўғри аниқлаш қонуннинг ҳуқуқий муносабатга тўғри татбиқ қилинишини таъминлайди.

Мероснинг очилиш жойини аниқлаш билан мерос мулкни кўриқлаш, уни бошқариш, қонунда белгиланган тартибда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берадиган нотариал идорани аниқлаш, кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиб, ҳал қиладиган идораларни белгилаш ва бошқа мерос очилиш жойи билан боғлиқ масалаларни тўғри ҳал қилиш таъминланади.

«Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи,- дейилади ФКнинг 21 моддасида,- унинг яшаш жойи ҳисобланади. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари-ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади».

ФКнинг 1117-моддасида мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи деб белгиланган.

Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, унинг кўчмас мулки ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулки бўлмаган тақдирда, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланади.

Демак, мерос қолдирувчининг мулки бир неча жойда жойлашган тақдирда, мерос очилган жой бўлиб, унинг асосий қисми турган жой саналади.

Ўзининг асосий турар жойидан вақтинча бошқа жойда- ҳарбий хизматда, ўқув юртларида, қамоқ жойларида, чет элларда яшаб турган шахслар вафот этганда уларнинг аввал турган доимий яшаш жойлари мерос очилган жой ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг доимий яшаш жойига уй-жой бошқармалари, маҳалла кўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган ҳужжатларга асосан, уй дафтарида олинган кўчирма ёки паспортдаги белгидан аниқлаш мумкин. Фуқаро «Б» Қорақалпоғистон республикасининг Қўнғирот шаҳрида ўзининг туғишган онаси «Х»нинг уйида яшаб турган пайтда вафот этади. Унинг номига расмийлаштирилган енгил автомашина «Тико» Қўнғирот шаҳар Нотариуси томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида онаси «Х»га гувоҳнома берилган. Тошкент шаҳрида доимий яшаб турган «Б»нинг хотини ва ўғли, унинг номидаги уй-жойни ва бошқа мерос мулкларини қонун бўйича ворислик асосида қабул қилиб оладилар ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани нотариусига мурожаат қиладилар. «Б» га тегишли енгил автомашинага Қўнғирот шаҳар нотариуси томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани онаси «Х»га берилганидан хабар топиб, судга мурожаат қилиб, гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво кўзғатадилар. Суд даъвони қаноатлантиради ва қаерда вафот этганининг доимий яшаш жойи Тошкент шаҳрида унинг кўчмас мулки-уй-жойи мавжудлигини кўрсатиб, нотариус томонидан ФКнинг 1117-моддаси талаблари берилганлигини эътироф этади.

Мерос қолдирувчининг охириги доимий турар жойини, унинг кўчмас мулки ёки бошқа мулкларининг турган жойини аниқлаш учун етарли ҳужжатлар бўлмаса, мерос очилган жой факти манфаатдор шахснинг даъво аризасига асосан суд томонидан белгиланади.

Демак, мероснинг очилиш жойини аниқлаш учун нотариусда етарли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, мерос очилган жой фактини аниқлаган суднинг қарорини талаб қилишлари керак.

#### **4 §. Мерос ҳуқуқининг объектлари**

Мерос қолдирувчи ҳаётлигида бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мероснинг объекти бўлади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг вафотидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради(ФКнинг 1113-моддаси).

«Ҳар бир шахс,-дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддасида,-мулкдор бўлишга ҳақли».

«Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари,-дейилади ФКнинг 209-моддасида,-ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин».

Демак, қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк объекти бўлиши мумкин ва хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати қонун билан чекланмаган.

Мероснинг объекти актив ва пасив бўлиши мумкин. Вафот этган шахснинг мерос очилган пайтдаги ашёвий ва мажбурият ҳуқуқлари-актив, вафот этганнинг зиммасидаги мажбуриятлар-пасив объектлар бўлиб ҳисобланади.

Актив ҳолатда меросхўр мерос мулкка нисбатан қонуний ҳуқуққа эга бўлиб, тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади. Пасив ҳолатда эса, ўз устига мажбурият юклайди, яъни мерос қолдирувчининг мажбуриятлари меросхўрлар зиммасига ўтади.

Қонун билан тақиқланмаган фуқаронинг барча мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусий мулк сифатида мерос ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи (ФКнинг 207-211- моддалари), кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, шунингдек мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради<sup>1</sup>.

«Мулкчилик тўғрисида»ги 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган қонун<sup>2</sup> «уй-жойлар, дала ҳовлилар, боғ уйлари, ер участкаларидаги дов-дарахтлар, уй ҳайвонлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, боғдорчилик, полизчилик учун керакли мол-мулклар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шунингдек истеъмолга мўлжалланган бошқа мол-мулк фуқаролар мулки бўлиши мумкин» дейилган.

Уй-жой кооперативининг, уй-жой қуриш, дала ҳовли, гараж кооперативи ёки бошқа иморат ёки бино учун пай бадалини батамом тўлаган кооператив аъзоси шу мол-мулкнинг эгалик ҳуқуқини олади.

Мазкур мол-мулкни мулк қилиб сотиб олгандан кейин фуқаро уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга-сотиш, васият қилиш, ижарага бериш, унинг юзасидан қонунга зид бўлмаган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ФКнинг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. Тошкент. 1998 й. 218-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон қонун ва фармойишлари. Тошкент, Ўзбекистон. 1992 й. 10-бет.



Қонун фуқароларнинг мол-мулкни умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи ва муҳофаза қилишни эътироф этади.

Хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган корхоналар (ФКнинг 1152-моддаси), шунингдек, мерос ҳуқуқи бўйича ворисларга ўтиши мумкин бўлган мулкӣ ва айрим номулкий ҳуқуқлар жумласига мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқи (ФКнинг 234-моддаси), интеллектуал мулк объектлари бўлган шахсий номулкий ва мулкӣ ҳуқуқлар (ФКнинг 1033-моддаси), кашфиётчилик, ихтирочилик ва муаллифлик фаолиятларидан келиб чиқадиган мулкӣ ҳуқуқлар ҳам мерос мулкнинг объекти бўлиши мумкин.

ФКнинг 210-моддасига асосан белгиланан тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Давлатга керакли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартиби вужудга келади.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки бошқа биноларга уни қурган шахс мулк ҳуқуқини ололмайди. Шунинг учун бу шахс қурган иморатни тасарруф этишга- сотиш, ҳады қилиш ёки васият қилишга ҳақли эмас.

ФКнинг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш қоидаларини ҳамда нормаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк-ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи вужудга келмагани сабабли, мерос ҳуқуқининг объекти бўлолмайди.

ФКнинг 1114-моддасига асосан, умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкнинг иштирокчиси фақатгина ўз улушини васият қилиб қолдириши мумкин. Умумий биргаликдаги мулк икки ёки ундан ортиқ шахснинг ихтиёрида бўлган мулк бўлиб, бу мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бундай мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг улуши аниқланиб қўйилган, яъни улушли мулк, ёки бундай улушлар аниқланмай, яъни биргаликдаги мулк ҳолида умумий мулк бўлиши мумкин (ФКнинг 216-моддаси.). Масалан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида қурилган уй-жойга бўлган ҳуқуқи. Васиятнома эр ёки хотин томонидан биргаликдаги умумий

мулк бўлган уй-жой улушига қолдирилганда, агар бу улуш аниқланмаган бўлса, уй-жойнинг тенг ярмига бўлган ҳуқуқ мерос объекти бўлади.

«Нотариат тўғрисидаги Қонун»нинг 62-моддасига асосан, эрхотиннинг аризасига мувофиқ, улардан бирига ёки ҳар иккаласига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши мумкин. Бундай ҳолларда гувоҳномада белгилаб берилган мулк мерос ҳуқуқининг объекти таркибига киради.

«Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи,- дейилади ФКнинг 1143-моддасида,- унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулк ҳуқуқларига, шу жумладан, никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди».

ФКнинг 1115-моддасига асосан, деҳқон (фермер) хўжалигининг ер участкаси мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан эгалик қилиб олинган бўлса, бундан участкаларга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи мерос ҳуқуқининг объекти бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексига асосан<sup>1</sup> республика фуқаролигига деҳқон хўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш, коллектив бокдорчилик ва узумчилик олиб бориш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ер участкалари олиш ҳуқуқи берилган. Фуқароларнинг ерга эгалик қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига доир давлат ҳужжати билан тасдиқланади. Бу ер участкалари мерос ҳуқуқининг объекти бўлади.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос мулк таркибига кирмайди ва мерос ҳуқуқининг объекти бўлмайди.

Юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай тижорат ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига ва бирлашмаларига бўлган аъзолик ҳуқуқи ҳамда улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқлари;

1) бу ташкилотларда мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи уларда аъзо бўлиб туриш ҳуқуқидан келиб чиқади, шу туфайли, бу ҳуқуқни на

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Републикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Тошкент, 1998. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» III-жилд. -238 б.

қонун ва на васият бўйича мерос қилиб қолдириб бўлади. Бу ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ёки шартнома ва Низомларда бошқача ҳол кўрсатилган бўлса, мерос ҳуқуқи татбиқ қилиниши мумкин;

2) мажбуриятларни ёки шартномаларни бажариш жараёнида мерос қолдирувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган товонни (ФКнинг 1005-моддаси.) ундириш ҳуқуқи ҳам мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлгани сабабли мерос объекти бўла олмайди. Аммо мерос қолдирувчи ҳаётлигида унга етказилган зарарни қоплаш ҳисобидан олиши лозим бўлган, лекин вафоти муносабати билан ололмай қолган сумма мерос таркибига кирди ва у умумий тартибда ворисларга ўтади;

алимент мажбурияти туфайли вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, вояга етмаган ёш болаларига таъминот бериш мажбурияти, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот мажбурияти, бошқаларга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти ва бошқа шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди;

махсус қоидаларга асосан, меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи ҳамда бошқа мулк ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос объекти бўлмайди ва улар мерос таркибига кирмайди. Булар қуйидагилар:

а) ижтимоий таъминот йўли билан ногиронларга текинга берилган енгил автомашиналарнинг айнан ўзига бўлган ҳуқуқ мерос объекти бўлмайди ва мерос мулк сифатида меросхўрларга ўтмайди; имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб, қийматининг бир қисми тўлаб олинган енгил автомобиль тасарруфида бўлган шахс вафот этганда, ижтимоий таъминот органлари томонидан бу мулк сотилиб, мерос қолдирувчига тегишли суммаси унинг меросхўрларига берилади; меросхўр тегишли суммани тўлаб, бу мулкни ўзига қолдириши ҳам мумкин.

б) меҳнат қонунлари асосида вақтинча меҳнат қобилятини йўқотгани учун нафақа олиш ҳуқуқи ёки ногиронлик учун пенсия олиш ҳуқуқи, ҳомиладорлик ва қарамоғида бўлган ёш болалари учун олинадиган бошқа ҳар қандай нафақаларга бўлган ҳуқуқ, агар у мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлса, мерос таркибига кирмайди ва ҳоказолар.

## 5 §. Мерос ҳуқуқининг субъектлари

1. Қонун бўйича меросхўрлар доираси. Мерос қолдирувчининг қонунда белгилаб қўйилган қариндошлари бўлган ва унинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммаларига қабул қилиб олувчи шахслар қонун бўйича меросхўрлар ҳисобланадилар. Меросхўрлар доираси мерос очилгандан сўнг аниқланади, чунки меросхўр бўлиш учун қонунда белгилаб қўйилган шахслар мерос очилган пайтда, албатта, ҳаёт бўлишлари керак.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасига мерос қолдирувчи билан қариндошлик ришталари орқали боғланган қуйидаги шахслар киришлари мумкин:

- Биринчидан, тўғри чизик бўйича юқорига қараб туташган мерос қолдирувчининг авлод-аждодлари: ота-онаси, бобо-бувиси ва ҳоказолар;

- Иккинчидан, тўғри чизик бўйича пастга туташган мерос қолдирувчининг авлодлари-унинг фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари (набира, чевара, эвара ва ҳоказолар);

- Учинчидан, ён чизик бўйича қариндошлиги бўлган шахслар, яъни мерос қолдирувчининг ака-укалари, опа-сингиллари, тоға-амаки, амма-холалари ва уларнинг авлодлари;

- Ундан ташқари, мерос қолдирувчи боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадилар.

ФКнинг 1118-моддасига асосан қонун бўйича меросхўрлар доирасига мерос қолдирувчи вафот этган пайтда, яъни мероснинг очилиш пайтида ҳаёт бўлган унинг қариндошлари ҳамда қонунда белгилаб қўйилган бошқа шахслар кирадилар.

Шунинг билан бирга, мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилганидан кейин уч юз кун ўтмасдан тирик туғилган болалари қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар доираси ФКнинг 1135-1141-моддаларида белгилаб қўйилган тартибда навбатлар билан ворисликка чақирилиш орқали амалга оширилади.

Оила қонунларига асосан, фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олган шахсларга ва уларнинг қариндошларига нисбатан, фарзандликка бола олган шахслар ва уларнинг қариндошлари эса-фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодларига нис-

батан шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар жиҳатидан қариндошларга тенглаштирилади.

«Фарзандликка олинган болалар,-дейилади Оила кодексининг 165-моддасида,-барча шахсий ва мулкый ҳуқуқларда фарзандликка олувчиларнинг ўз болаларига тенглаштирилади. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-анаси (ота-она қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар».

Демак, фарзандликка олинганлар ҳам, фарзандликка олганлар ҳам қонун бўйича мерос ҳуқуқининг субъектлари бўлишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар мерос очилганга қадар ёки мерос очилгандан кейин меросни қабул қилиб улгурмасдан вафот этган тақдирда, уларга тегишли бўлган мерос улуши уларнинг ворисларига тақдим қилиш ҳуқуқи асосида ўтади(ФКнинг 1140-моддаси)

Бола, набира, чевара ва эвараларнинг меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади. Ён қариндошлик бўйича меросхўрликка тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-ука, опа-сингиллари номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси(тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

ФКнинг 208-моддасида хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари белгиланган. Улар мерос ҳуқуқининг ҳам субъектлари бўла оладилар.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар ҳисобланадилар.

Фуқаролар кўрсатилган юридик шахслар таркибидаги умумий мулклардан ўз улушларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқига эга бўладилар ва фақат уларгина мерос ҳуқуқининг субъектлари бўла оладилар.

2.Васият бўйича меросхўрлар доираси. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 18-моддасига асосан, фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари, мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари мумкин.

Демак, ҳар бир фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини хоҳлаган жисмоний ва юридик шахсларга мерос ҳуқуқи асосида васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Васият бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар тизими қонунда белгилаб қўйилган, аммо ФКнинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда ворис суднинг ҳал қилув қарори билан нолайиқ меросхўр деб топилиб, мерос олишдан четлаштирилиши мумкин. Қонун бўйича меросхўр бўлиши назарда тутилган шахслар васият бўйича ҳам меросхўр бўлишлари мумкин. Шу билан бирга мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шу жумладан, давлат ва давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ҳам васият бўйича мерос ҳуқуқининг субъектлари бўлишлари мумкин.

Демак, қонун бўйича меросхўрлар доирасига, асосан, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатида бўлган, шунингдек мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган, меҳнатга қобилиятсиз, қонунда белгилаб қўйилган шахслар кирса, васият бўйича меросхўрлар доирасига киритиш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва фақатгина унинг хоҳиш-иродаси билан эркин танланади.

Васият бўйича меросхўрлар доирасига кириш учун фуқаронинг миллати, фуқаролиги, турар жойи, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган мансаби ва моддий аҳволи, шунингдек муомалага лаёқатсизлиги таъсир этмайди.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлмаган ва мерос очилгандан кейин ўлик туғилган болалар, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда тугатилган юридик шахслар васият бўйича мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

## **6 §. Нолайиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш**

Хусусий мулк эгасини ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда ғайриқонуний тарзда мулк ҳуқуқидан маҳрум қилишга ёки мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан ўз эрки ва иродаси билан ёндашишга, уни тасарруф этишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

Қонун мерос қолдирувчига ворисларни меросдан четлатиш ҳуқуқини беради.

ФКнинг 1120-моддаси 4-қисмига асосан, васият қолдирувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини, изоҳ бермасдан, меросдан маҳрум этишга, агар васиятномадан

бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қолдирувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, меросга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги мерос қолдирувчининг васиятномада берган фармойиши мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларнинг мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига ҳам таъсир этмайди, яъни васиятномада кўрсатилган меросхўрни меросдан четлатиш, унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқий ҳисобланади. «Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар учун, - дейилади ФКнинг 1142-моддасининг III қисмида, - васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир».

Мажбурий улуш олиши лозим бўлган меросхўрларнинг доираси ва улуши қонунда белгилаб қўйилган. (ФКнинг 1142-моддаси I қисми). Уларни мерос ҳиссаларидан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди.

Меросхўрларни меросдан четлатиш асослари ФКнинг 1119-моддасида белгилаб қўйилган. Бу асослар қуйидагилардан иборат:

1. Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Демак, меросхўрни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун, унинг содир қилган ғайриқонуний ҳаракати, биринчидан, мерос қолдирувчига ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасига қарши қаратилган бўлиши; иккинчидан, ғайриқонуний ҳаракат қасддан қилинган бўлиши; учинчидан, ғайриқонуний ҳаракат оқибатида мерос қолдирувчини ёки меросхўрлардан бирортасини ҳаётдан маҳрум қилишнинг ўзи мерос олиш ёки унга тегишли бўлган мерос мулкдан ўз ҳиссасини кўпайтиришга эришиш мақсадида бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, аммо унинг мерос олишига имконият туғдирганининг ўзи меросдан четлатиш учун асос бўлади. Масалан, туман судининг ҳукми билан «Б» га ўз эгаси «М»ни қасддан ўлдиргани учун қамоқ жазоси берилган. «М» вафот этишидан олдин ўғли «Б»га ўзининг «Нексия» енгил машинасини васият қилиб қўйган бўлади. «Б»нинг ўғли «М» набираси «С» отасининг ишончномаси билан нотариусга мурожаат қилиб, «Нексия» машинасини олиш учун меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўрайди. Нотариус ФКнинг

1119-моддасининг биринчи қисмига асосан талабни рад қилади. «С» туман судига ариза билан мурожаат қилиб, нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномасини беришни рад қилган қарорини бекор қилиб, «Б»нинг «Нексия» машинага бўлган васият бўйича ворислик ҳуқуқини тиклаб беришни сўрайди. Суднинг ҳал қилув қарори билан «С»нинг аризаси қаноатлатирилмасдан қолдирилган. Суд қарорида, «Б» отаси «М»ни, яъни мерос қолдирувчини, қасддан ўлдирганлиги туман судининг қонуний кучга кирган ҳукми билан ўз тасдиғини топганлигини кўрсатиб, нотариуснинг васият бўйича «Б» номига «М» томонидан қолдирилган «Нексия» автомашинасига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни рад қилиб чиқарган қарори ФКнинг 1119-моддасининг 1-қисми талаблари асосида қонуний эканлигини тасдиқлаб қасддан ўлдиришнинг ўзи уни васият бўйича меросхўр бўлишдан четлатиш учун асос бўлишини кўрсатган.

Мол-мулкни васият қилиб қолдириш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи, эрки ва хоҳиш-иродаси бўлгани сабабли, унинг ҳаётига суиқасд қилингандан кейин, ўша шахс номига расмийлаштирилган васиятнома, агар уни бекор қилиш учун кейинчалик ҳаракат қилинган бўлмаса, ҳақиқий ҳисобланади. Масалан, «Б» эри «К» вафотидан кейин судга мурожаат қилиб эрининг аввалги хотинидан ўлган ўғли «Ш» эрининг ҳаётига бир неча маротаба суиқасд қилганлиги, уни ўлдирмоқчи бўлганлиги, аммо эри ўзининг хусусий уй-жойини унга васият қилиб қолдирганини кўрсатиб «Ш»ни меросдан четлатишни сўраган. Суиқасд қилинганини тасдиқлаш учун гувоҳликка қўшниларни кўрсатган. Туман суди ишни атрофлича текширганда васиятномани унинг ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин тузилганлигини тасдиқлаб, ФКнинг 1119-модда 1-қисмига асосан «Б»нинг даъво аризаси рад этилган.

Демак, меросдан четлаштириш учун мерос қолдирувчи ҳаётига ёки эҳтимол тугилган меросхўрлардан бирортасининг ҳаётига нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракат қасддан қилинган бўлиши шарт. Эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эса, бундай меросхўрларни меросдан четлаштириш учун асос бўлмайди.

2. Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси амалга оширилишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайишига имкон яратиб берган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.



Мерос қолдирувчининг энг сўнгги хоҳиш-иродаси васиятномада белгилаб қўйилган бўлиши мумкин ёки васиятнома тузиш олдидан изҳор қилинган бўлиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ҳаракати; биринчидан, қасддан қилинган бўлиши, иккинчидан, бу ҳаракат оқибатида ўзларининг ёки ўзларига яқин кишиларнинг ворисликка чақирилишига шароит туғдирган бўлиши, учинчидан, бу ҳаракат билан мерос мулкнинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улушининг кўпайишига имкон яратиб берган тақдирдагина бундай шахсларни меросдан четлаштириш учун асос бўлади.

Мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳар хил йўллар билан бажарилиши мумкин. Масалан, сохта васиятнома тузиш йўли билан, васиятномани ўз манфаатига мос тузишга мажбурлаш йўли билан, меросхўрлардан бирортасини меросдан воз кечишга мажбурлаш ва бошқа йўллар билан мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси бажарилмасдан қолишига эришиш мумкин.

3. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ҳамда қонунда назарда тутилган асосларда мерос қолдирувчига таъминот бериш мажбурияти зиммаларига юклатилган шахслар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда қонун бўйича ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, аммо мерос очилган пайтда ота-оналик ҳуқуқи тикланган ҳолларда улар меросдан четлаштирилмасликлари мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш (Оила кодексининг 79-моддаси) ва бу ҳуқуқни тиклаш (оила кодексининг 82-моддаси) Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси қоидаларига асосан амалга оширилган бўлиши керак.

Ҳар бир ота ва она ўзларининг вояга етмаган болаларига ва вояга етган, меҳнатга қобилиятсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот беришга мажбурдирлар. Қонунда назарда тутилган тартибда ва белгиланган шартларга асосан, суднинг ҳал қилув қарори билан юклатилган таъминот бериш мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота ёки онани таъминот олишга ҳуқуқи бўлган шахс вафот этган тақдирда ундан қолган мерос мулкка ворис бўлишдан четлаштириш учун асос бўлади. Фуқаронинг таъминот бериш ҳақидаги суднинг ҳул

қилув қарорини бажаришдан бўйин товлагани тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Худди шунингдек, қонунга асосан меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож ота ёки оналарга, суднинг ҳал қилув қарори билан таъминот бериш мажбурияти юклатилган меҳнатга қобилиятли, вояга етган болалар таъминот беришдан бўйин товлаган тақдирда, вафот этган ота ёки оналардан қолган мерос мулк олишдан четлаштирилишлари мумкин. Меросдан четлаштириш фақатгина манфаатдор шахсларнинг даъво аризаларига асосан суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

«Б» судга мурожаат қилиб, Эри «С» вафот этганини ва у ҳаётлигида қариллиги туфайли ёрдамга муҳтож бўлиб, ўғли «В» томонидан ихтиёрий таъминот бермаганлиги сабабли, суд қарори билан таъминот олиб турганлигини ва уни мунтазам бермай келганлигини кўрсатиб, ўғли «В» ни мерос олишдан четлаштиришни сўраган.

Туман суди ишни мазмунан кўриб аниқланишича «С» ҳаётлик даврида бир неча маротаба суд ижрочисига мурожаат қилиб, суд ҳал қилув қарорини мажбурий бажарилишини таъминлашни сўраганлиги, милиция ва прокуратура органларига мурожаат қилиб, ўғли «В» суд қарорини бажаришдан мунтазам равишда бўйин товлаб келаётганлигини ва унга нисбатан чора кўришни сўраганлиги тасдиқланган.

Туман суди ФКнинг 1119-моддасининг 3-қисмига асосан «В»ни мерос олишдан четлатиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. «Б»нинг даъво аризаси қаноатлантирилди.

Нолойиқ меросхўрлар деб топиш учун ва ворисни меросдан четлатиш учун етарли далиллар тўпланиб, қонун билан зиммасига юклатилган моддий ёрдам бериш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлиги тасдиқланиши керак.

Бу далиллар қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) жиноий тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлган ҳаракатларни содир қилган шахсларга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори;

б) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ва амал қилиб турган ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори;

в) мерос қолдирувчига таъминот беришдан бош тортган ёки зиммасига юклатилган таъминот бериш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан суднинг ҳукми, қарори ёки

ажрими, шунингдек, қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;

г) ижро варақа бўйича суд ижросининг, ариза, шикоят ва хабарлар бўйича милиция ва прокуратура органларининг текшириш ҳужжатлари ва ҳоказо бошқа далиллар.

Юқорида кўрсатилган асосларда меросдан ворисни четлаштириш васият мажбуриятига нисбатан ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Шундай қилиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлик ёки қонунга асосан таъминот бериш мажбурияти зиммасига юклатилган шахсларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик учун мерос олишдан четлаштириш фақатгина қонун бўйича ворисликни амалга оширишда татбиқ этилади. Бу асослар васият бўйича ворисликни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Ворислик ҳуқуқи тушунчаси ва асослари.
2. Мерос таркиби, очилиши ва очилиш жойи.
3. Меросхўрлар ва нолайиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш.

## **67-БОБ. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК**

### **1 §. Васият бўйича ворислик тушунчаси**

«Мулкдор, - дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида, мулкига ўз хоҳишига эгаликқилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади».

Мулкдор ўз мулкани тасарруф этишда эркин бўлиб, у «фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» (53-модда)

ФКнинг 1120-моддасида «Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мқлки ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф этилади».

Юридик адабиётларда васият тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳар хил таърифланади.

Р.О. Халфинанинг таърифи бўйича, васият-бу шахс вафот этган тақдирда ўз мулкига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган шаклда амалга оширилган фармойиш ҳисобланади<sup>1</sup>.

М.Ю. Баршевскийнинг фикри бўйича васият-бу мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳуқуқни олиш тартибини белгиловчи шахсий-расмий характерга эга бўлган бир томонлама битим ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ф.Сайфуллаевнинг берган таърифи бўйича «васият деб, мерос қолдирувчининг ўзи вафот этгандан кейин мулкининг барчасини ёки бир қисмини қонун билан белгиланган тартибда ворисларнинг ёки ворислари бўлиб ҳисобланмаган шахсларнинг бири ёки бир нечтасига, давлатга ёки давлат, жамоат ташкилотлари, корхона ёки муассасаларга қолдириш ҳақидаги берган ёзма буйруғига айтилади»<sup>3</sup>.

Бу таърифларнинг ҳар бирида бир умумий камчилиги-бу васият-номанинг ўзига хос белгилари тўла равишда кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ўтган ўн йил давомида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатган фуқаролик кодексининг меросга оид ҳуқуқий нормаларини таҳлил этиш натижасида васиятнинг қуйидаги белгиларини эътироф этишлари лозим.:

- Биринчидан, васиятнома, ўз-ўзидан маълумки у ёзма шаклда тузилган ҳужжат;

- Иккинчидан, ҳужжат албатта васият қолдирувчи томонидан шахсан тузилган бўлиши керак, уни вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди;

- Учинчидан, васиятнома қоида тариқасида шахсан ёзилиб имзо қилиниш керак;

- Тўртинчидан, васиятнома бир томонлама битим бўлиб, фақат мерос қолдирувчининг эрки билан тузилади, меросхўрнинг эрки билан олинади;

- Бешинчидан, мол-мулкни кимга васият қилиш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади;

- Олтинчидан, васиятномада васият бўйича ҳуқуқ олув олдига фақат қонуний талаб ва шартларни қўйиши мумкин;

- Еттинчидан, васиятномани хоҳлаган пайтда ва изох бермай ўзгартириш, бекор қилиш мумкин;

---

<sup>1</sup> Р.О. Халфина. Право наследования в СССР. Москва. 1952.30-бет.

<sup>2</sup> М.Ю. Баршевский. Правовое регулирование наследования по завещанию. Москва. 1989.

<sup>3</sup> Ф. Сайфуллаев. Ўзбекистон ССР Гражданлик ҳуқуқи. II том. Тошкент, «Ўқитувчи»1988.- 264- б.

- Саккизинчидан, васиятнома, албатта, нотариус ёки бошқа қонун билан ҳуқуқ берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилиши шарт;

- Тўққизинчидан, васиятнома фақат мерос очилгандан кейингина амал қила бошлайди;

- Ўнинчидан, васиятнома бўйича ҳуқуқий оқибат-икки томоннинг-васият қолдирувчи ва меросхўрларнинг хоҳиш-иродаси амалга оширилган ҳолда вужудга келади.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги таърифни этироф этамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган ҳуқуққа асосан ҳар бир фуқаро томонидан ўзига тегишли бўлган шахсий ва ҳусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан сўнг тасарруф этиш шакл ва қоидалари белгилаб берилган хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этадиган фармойиши васият деб эътироф этилади.

Васиятнома ўзига хос хусусиятларга эга:

- Биринчидан, васиятнома васият қолдирувчининг шахси билан бевосита боғлиқ. Васиятнома фуқаронинг шахсий фармойиши ҳисобланиб, шахсан васият қолдирувчи томонидан тузилади. Ишончномага асосан, бошқа шахслар, ҳатто қонуний вакиллар томонидан тузилишига йўл қўйилмайди.

- Иккинчидан, васиятнома бир томонлама битим ҳисобланиб, фақат васиятномада кўрсатилган шахс томонидан амалга оширилади.

- Учинчидан, ўз эрки билан ўз мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқи-васият қилиш эркинлиги, фақатгина тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларга берилади. Муомалага лаёқатсиз топилган шахслар ўзларининг мол-мулкларини васият қилиб қолдиролмайдилар. Васият қолдирувчининг муомала лаёқати васиятнома тузилган вақт билан белгиланади.

- Тўртинчидан, васиятнома, албатта, қонунда белгиланган шаклда ва тартибда тузилиши ва фақат қонун билан ҳуқуқ берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилган бўлиши шарт.

- Бешинчидан, васият қолдирувчи васиятномага фақат ўзига тегишли бўлган мулкни, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни, шунингдек мерос очилиш пайтига келиб унга тегишли бўлиш эҳтимоли бўлган мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам васиятномага киритиш мумкин.

- «Васиятномани тасдиқлаб беришда,-дейилади «Нотариат тўғрисидаги» қонуннинг 45-моддасида,-васият қилувчидан унинг ва-

сият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди». Чунки васиятномада кўрсатилган мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ ва мажбурият васият қилинаётган пайтда васият қолдирувчига тегишли бўлмаган бўлиши, лекин кейинчалик унга тегишли бўлиши эҳтимоли ҳисобга олиб, кўрсатилган мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ мерос очилган пайтга келиб унга ўтса, васиятномадаги фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи, ФКнинг 1120-моддасига асосан ўзининг қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулкни ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг барчасини ёки унинг муайян бир қисмини, шу жумладан уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларини ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мулкни васият қилиш ҳақида фармойиш берган бўлса, унинг ҳамма мулки, шу жумладан уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари ҳам васият бўйича меросхўрларга ўтади.

Васиятномада мол-мулкнинг бир қисми васият қилинган тақдирда, унинг қолган қисми қонун бўйича ворисларга ўтади. Бундай ҳолда васият қолдирувчи уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари ҳақида алоҳида, уларнинг васият бўйича кимга ўтишини кўрсатиши шарт. Васият бўйича мерос қолдирувчининг фактгина мулкӣ ҳуқуқлари ўтади, мулкӣ мажбуриятлар эса, ФКнинг 1155-моддаси тартибида мерос қиймати ҳисобидан ҳамма талаблардан олдин имтиёзли равишда қолдирилиши лозим.

Мерос қолдирувчи ўзининг қарзларини тўлашдан айрим ворисларни қисман ёки тўлиқ озод қилишга ҳақли эмас. Бундай васиятномада кўрсатилган фармойиш ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида шерик (солидар) қарздорлар сифатида жавобгардирлар.

Васият қолдирувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки унинг муайян бир қисмини хоҳлаган бир ёки бир неча шахсларга, шу билан бирга, давлатга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёки бошқа юридик шахсларга берилиши ҳақида фармойишда кўрсатиши мумкин.

Васият қолдирувчи ўзининг васиятномасидаги фармойиши билан қонун бўйича меросхўрларнинг ҳаммасини, бир нечтасини ёки биттасини меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, васият қолдирувчи айрим меросхўрларнинг ҳиссаларини кўпайтириш ёки камайитириш ҳақида, айрим ашёларни

маълум бир ворисларга бериш ҳақида фармойишда кўрсатиши мумкин. Васият қолдирувчи ўзининг бундай ҳаракатларининг сабабини тушунтириб изоҳ беришга мажбур эмас. Шу билан бирга, қонуний ворисни меросдан маҳрум қилиш бирор шарт асосида ҳам бўлиши мумкин эмас. Умуман васиятноmani бекор қилиш шarti билан васиятнома тузилишига йўл қўйилмайди. Аммо уни кечиктириш шarti билан васиятнома тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда мерос мулк бирданига васият бўйича ворисга ўтмайди ва васиятномада берилган фармойишга кўра маълум бир топшириқ бажарилгандан кейин ўтиш тартиби ҳақида шарт қўйилиши мумкин.

Бир ёки бир неча меросхўрлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, ворисликни навбат бўйича бошқа, қонун бўйича меросхўрлар оладилар. Агар ҳамма меросхўрлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлсалар, мерос мулк ФКнинг 1157-моддаси таркибида суднинг қарори билан ҳал қилинади.

Васиятномада ворис сифатида кўрсатилмаган меросхўр васият қилинмасдан қолган мерос мулкка қонун бўйича ворис бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мерос очилмасдан вафот этган ёки меросдан воз кечган васият бўйича меросхўрга васият қилинган мулкни олиш ҳуқуқи қонун бўйича меросхўрларга ўтади. Тақдим қилиш ҳуқуқи васият бўйича меросхўрлар ворисларига ўтмайди.

Қонун бўйича меросхўрларнинг мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, уларнинг тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи васиятномада ўзига тегишли мулкни нафақат кимга мерос қилиб қолдириш ҳақида, айни вақтда, умумий тарзда «ҳамма болаларимга», «набираларимга» ва ҳоказо бошқача умумий тарзда уларнинг қонун бўйича қайси навбатда меросхўр бўлишларидан қатъи назар белгилаб қўйиши мумкин.

Васиятнома сўзи икки маънода татбиқ этилади. Биринчидан васиятнома - бу васият қолдирувчининг эрки ифодаланган ҳужжатнинг ўзи сифатида татбиқ қилинса, иккинчидан, васиятнома-васият қолдирувчининг эркини ифода этувчи акт ҳисобланади.

Бу маънода васиятнома бир томонлама битим бўлиб, уни тузиш учун қонун ҳужжатларига асосан бир тарафнинг, яъни васият қолдирувчининг хоҳиши етарли бўлади. Бошқа бир шахснинг қарши эркини ифода қилиш талаб қилинмайди. Шунинг учун васиятноманинг ҳақиқийлиги ҳеч вақт ворисларнинг розилигига боғлиқ эмас.

Нима учун васиятнома бир томонлама битим деб аталади?

ФКнинг 102-моддасида баён қилинганидек, битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Демак, васият қолдирувчи шахсан ўзи, ўз эрки билан меросхўрга ўзининг хусусий мол-мулкига нисбатан маълум бир ҳуқуқни белгилаб беради. Ворисни меросдан маҳрум қилишга ҳам унинг сабабини тушунтиришга мерос қолдирувчининг мажбур эмаслиги назарда тутилади.

«Мерос қолдирувчи,-дейилади ФКнинг 1120-моддаси 7-бандида, -васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас».

Бунинг учун фақат қонунда белгиланган шакл ва тартибга риоя қилиш талаб қилинади, холос.

Васият бўйича меросхўр фақат мерос очилгандан кейин меросдан воз кечишга ёки меросни қабул қилиб олмасликка ҳақли.

Васиятнома тузган шахс ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳамма ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бунинг учун васиятномани тўлиғича ёки қисман бекор қилиш, унинг мазмунини ўзгартириш шарт эмас. Васиятномада белгилаб қўйилган алоҳида ашёларни маълум бир меросхўрга бериш ҳақидаги фармойиш ҳам мерос очилгунга қадар у шахс учун ҳеч қандай ҳуқуқ туғдирмайди.

Васиятнома ҳар бир алоҳида олинган шахснинг айнан ўзининг ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам васиятнома икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда тузилиши мумкин эмас.

«Мерос қолдирувчи,-дейилади ФКнинг 1120-модда 8-бандида, -васиятномада ўзи меросхўр этиб тайинланган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Масалан, ота ўғлига васият бўйича қолдирган уй-жойни, у вафот этганда, албатта, набирасига васиятнома орқали қолдириш мажбуриятини юклаши мумкин эмас. Васиятномада кўрсатилган бундай шарт ҳақиқий саналмайди.

## **2 §. Васиятноманинг шакллари**



Васиятноманинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонун унинг шаклига алоҳида эътиборни қаратган. ФКнинг 1124- моддасида васиятноманинг ёзма шакли белгилаб, унинг ёзилган жойи ва вақти кўрсатилиши шарт қилиб кўрсатилган.

Қонунда белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди (ФКнинг 1130-моддаси). Васиятнома бир томонлама битим бўлгани сабабли, уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ФКнинг битимлари ҳақидаги (115-моддаси) қоидалари тартибида амалга оширилади.

Нотариал тасдиқланган васиятномалар ва нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёки унинг сўзидан нотариус томонидан ёзилган ва шахсан имзо қилинган бўлиши керак.

Васият қолдирувчининг жисмоний нуқсонлиги, касаллиги ёки саводсизлиги оқибатида васиятномани ўз қўли билан ёзиб имзо қўйиш имконияти бўлмаганда, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан ёзилиб, имзо қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, васиятноманинг гувоҳлантирувчи нотариус ёки қонун билан васиятномаларни гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларнинг иштирокида, васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзиб, имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан нотариал ҳаракатлар нотариат идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилиши керак. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, давлат нотариат идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Васиятномани васият қилувчининг ўрнига имзолаш ман қилинган шахсларнинг тизими ФКнинг 1124-моддасида белгилаб қўйилган.

Булар қуйидагилар:

-нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс;

-васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари;

-васият қолдирувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 37-моддасига биноан, нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини(эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек, мазкур давлат нотариат идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўл остида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича оғзаки тузилган шартномалар, битимлар ҳар хил техник воситалар ёрдамида (магнитофон, телефонга, видео тасмага ва ҳоказо) ёзилган васият мазмунини англатувчи ёзувлар, васият қолдирувчининг сўзидан бўлса ҳам, бундай васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди. Уларнинг ҳақиқийлигини гувоҳлар кўрсатмалари ёки бошқа қўшимча ёзма ва оғзаки далиллар орқали суд йўли билан ҳам тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Туман судининг 1997 йил 8 октябр ҳал қилув қарори билан мерос қолдирувчининг кичик ўғли «Г» нинг ўз акаси «Б» га нисбатан қўзғатилган даъвоси қаноатлантирилиб, оталари ҳаётлигиди маҳаллада, кўпчилик иштирокида (публично) ўзига тегишли енгил автомашина «Тико»ни кичик ўғли учун олганлигини ва оилавий маслаҳатда, катта ўғли «Б» ҳузурида, уни «кичик ўғлим «Г» га васият қилдим» деган оғзаки сўзлари тасдиқланади, деб ҳал қилув қарори чиқарган.

Суднинг бу ҳал қилув қарори «Б» нинг шикоят билан вилоят суди томонидан васиятноманинг қонунда белгиланган шаклга риоя қилинмаганлиги асос қилиниб, туман судининг ҳал қилув қарори юқори Конституция суди томонидан бекор қилинган.

Амалиётда, бундай воқеа ва ходисалар учраб туради. Шу билан бирга васиятноманинг тузилган вақти ва жойини белгилаб қўйиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Мерос очилгандан кейин меросхўрлар ўртасида низо чиққанида, биринчидан, мерос қолдирувчининг васиятнома тузганда муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги, ҳаракатларининг оқибатига кўзи етмаганлиги; иккинчидан, икки ёки ундан ортиқ васиятнома мавжуд бўлганда, улардан қайси бири олдин, қайси бири кейин тузилганлигини аниқлаш васиятномада кўрсатилган вақтда васият қолирувчи имзо

қўйиш имкониятларига эга бўлган ёки бўлмаганлигини исботлаш учун зарур бўлади.

Қонунда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилган васиятномалар ҳақиқий бўлиб саналиб, акс ҳолда, низога сабаб бўлади.

Бундай низолар суд томонидан кўрилганда фуқаролик процессуал қонунида йўл қўйилган далиллар, исботлаш воситаларидан фойдаланиб, мерос қолдирувчининг вафот этиш олдидаги ҳақиқий эрки, хоҳиш-иродаси ифода этилганлиги ва оғзаки қилинган васиятнинг ҳақиқийлиги суд йўли билан тасдиқланган тақдирда, масала ижобий ҳал қилиниши керак, деган фикр адолатли бўлур эди.

Амалиётда шундай ходисалар учрайдики, васият қолдирувчи бир неча мартаба ўзининг васиятномасини тузиб қолдиради. Унинг қайси бири ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун васиятноманинг тузиш вақти асос қилиб олиниши керак. Кейинги тузилган васиятнома аввалги васиятноманинг бекор бўлиши учун асос бўлади.

Васиятноманинг тузилган вақти унинг нотариал тасдиқланган вақти билан ҳисобланади.

Қонунда назарда тутилган васиятнома шаклига доир асосий талаблар, биринчидан, васиятнома нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган бўлишидир, шунингдек васиятномалар ёзма шаклда фақат қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, тасдиқлангандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Васиятноманинг сир сақланиши. Амалиётда мол-мулкни васият қилиб қолдириш қариндошлар олдидан улар билан муносабатларда ноқулайлик туғдиради. Шу сабабдан қонун васиятномани сир сақланишини назарда тутди.

ФКнинг 1128-моддасида «Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васиятномани васият қолдирувчи ўрнига имзо қилувчи фуқаро мерос очилганга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас».

Қонун васиятноманинг сир сақланишини таъминлаш учун етарли чоралар ва тадбирлар белгилаб қўяди. Васиятноманинг борлиги ҳақида ошкор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 6-моддасига асосан амалга оширилган нотариал тўғрисидаги маълумотлар фақат суд, прокуратура ва тергов органларининг талабига асосан улар юритаётган ишлар

муносабати билан берилади. Васиятнома вафотидан кейингина берилиши мумкин.

Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан нотариал ҳаракатлар ҳақида ўзига маълум бўлган маълумотларни ҳар қандай мансабдор шахс ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. Бундай шахслар қонунда белгиланган тартибда васиятнома сирларини ошкор қилганликлари учун тегишлича жавобгарликка тортиладилар.

Васиятномани сир сақлаш ҳақидаги қонун талаблари васият қолдирувчи учун ҳам мажбурийдир. Васият қолдирувчи ўзининг васиятномаси ҳақида ошкор айтишга ва уни бошқаларга кўрсатишга ҳақли, аммо нотариал идорасига васиятномани ошкор қилиш учун фармойиш беришга ҳақли эмас. Васиятнома фақат мерос очилган пайтдан бошлаб кучга киради. Васиятноманинг тузилишидан унинг кучга киришига қадар анча вақт ўтиши мумкин. Қонун бу муддатни чегаралаб қўйган эмас.

Агар васиятнома васият қолдирувчи томонидан ўзгартирилмаган ёки бекор қилинмаган бўлса, у қанча вақт ўтишидан қатъи назар, амал қилади. Васият қолдирувчи ўзининг васиятномада изҳор қилган иродасини хоҳлаган вақтда ўзгартириши ва бекор қилишга ҳақли экан, бу ҳақда, айниқса, меросхўрлар хабар топмаслиги мақсадга мувофиқ. Шунинг учун васиятноманинг мавжудлигини хизмат вазифасини бажариш муносабати билан билган шахслар унинг мазмуни ҳақида, тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳақидаги маълумотларни сир сақлашга мажбурдирлар. Васиятноманинг тузилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги маълум бир гуруҳ шахсларга маълум бўлади. Нотариус, қонун билан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар, васият қолдирувчи ўрнига васиятномани имзо қилган шахслар васиятнома ҳақида ахборотга эга бўлган шахслар бўлиши мумкин.

Бу шахслар мерос очилгунга қадар васиятноманинг мавжудлиги ва унинг мазмуни ҳақида ҳеч кимга, шу жумладан, меросхўрнинг ўзига ҳам ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Васиятнома тузувчи унинг мазмуни билан танишиб чиқмасдан тасдиқлашни нотариусдан талаб қилишга ҳақли. Бундай васиятномалар махфий васиятнома бўлиб ҳисобланади, махфий васиятнома ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиши, имзоланиши ва икки гувоҳ ҳамда нотариус иштирокида конвертга солиниб, елимланиши лозим. Елимланган конвертнинг устида гувоҳларнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, улар-

нинг доимий турар жойлари тўлиқ ёзилиб, улар томонидан имзоланиши керак. Гувоҳлар имзолаган бу конверт ҳам уларнинг ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиниб, нотариус томонидан елимланиб, унинг устига тасдиқлаш устхати ёзилиши керак.

### **3 §. Нотариал тасдиқланган васиятнома**

Васиятномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларга («Нотариус тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси), хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга (24-модда), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га (25-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасаларининг консуллари (28-модда)га берилган.

Нотариусларнинг, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби «Нотариат тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Васиятномани тасдиқлаш вақтида нотариус уни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилганнинг шахсини, муомалага лаёқатини белгиланган тартибда аниқлашни, васиятнома васият қолдирувчи томонидан ўз қўли билан ёзилганлигини, ундаги имзо ўз қўли билан қўйилганлигини текшириб, шунга ишонч ҳосил қилиши керак. Лекин қоида тариқасида васият қолдирувчи томонидан васиятнома нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахснинг ҳузурда ёзилиши ва имзоланиши керак.

Васият қолдирувчининг жисмоний камчиликлари ёки саводсизлиги сабабли ўзи ўз қўли билан ёзиш ва имзо қилиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс томонидан унинг сўзидан ёзиб олинishi мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, васиятнома матни васият қолдирувчига ўқиб берилиши шарт ва бу ҳақда васиятномага алоҳида белги қилиб қўйилиши керак.

Агар саводсиз васият қолдирувчининг қулоғи қар, тили гунг ёки ҳам қар, ҳам гунг бўлса, васиятнома гувоҳлантирилаётганда уларга тушунтира биладиган шахснинг иштироки таъминланиши ва у ўзининг имзоси билан васиятноманинг мазмуни васият қолдирувчининг эрки тўғри келишини гувоҳлантириши керак. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси, албатта, васиятномани гувоҳлантирувчи нотариуснинг ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансаб-

дор шахсининг иштирокида бўлиши шарт. Васиятнома фақат васият қолдирувчи ҳузурида тасдиқланиши лозим.

Васиятнома васият қолдирувчининг сўзидан нотариус томонидан ёки васиятномани тасдиқлаётган мансабдор шахс томонидан техник воситалар ёрдамида, яъни ёзув машинкаси, компьютердан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бундай васиятномалар ҳам, албатта, васият қолдирувчи томонидан васиятномани тасдиқловчи нотариус ёки бошқа мансабдор шахс ҳузурида имзо қилиниши керак. Имзолашдан олдин васият қолдирувчи васиятномани тасдиқловчи нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс олдида васиятноманинг матни ни тўлиғича ўқиб чиқиши ва ундан кейин имзо қўйиши керак.

Васият қолдирувчининг хоҳишига кўра, васиятномани хоҳлаган нотариал идорасининг нотариусида тасдиқлаши мумкин. Башарти, васият қолдирувчи томонидан олдин, бошқа нотариусда васиятнома расмийлаштирилган бўлса, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида васиятномани биринчи гувоҳлантирган нотариусга мурожаат қилиш шарт эмас. Аммо васиятномани иккинчи маротаба гувоҳлантираётган нотариус бу ҳақда васиятномани биринчи маротаба гувоҳлантирган нотариусга хабар бериши шарт.

Васиятномани тасдиқлаган вақт, уни тузиш вақти бўлиб саналади.

Васиятноманинг қонунда белгиланган шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади.

#### **4 §. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар**

Нотариал идораларида тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, қонунда назарда тутилган тартибда белгиланган мансабдор шахслар томонидан васиятноманинг тасдиқланишига йўл қўйилади. Бундай васиятномалар нотариал тартибда тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.

Қонунда васиятномаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг аниқ рўйхати берилган. Шу билан бирга, қандай ҳолатларда уни амалга оширишга рухсат берилиши ҳам аниқ белгиланган. Бу қонундан кенг талқин этишга йўл қўйилмайди. Қонунда назарда тутилган мансабдор шахслардан бошқа ҳеч ким васиятномани гувоҳлантиришга ҳақли эмас.

Васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг шахсан ўзи васият қолдирувчининг шахсини аниқлаши, унинг муомала лаёқатига эга эканлигини, васиятнома ҳақиқатдан ҳам васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиб, имзо қилинганлигини аниқлаб, шунга ишонч ҳосил қилиши шарт, шундан кейингина васиятномани тасдиқлаши мумкин.

«Нотариат тўғрисида» ги қонуннинг 27-моддасига асосан мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалардан битта нусхаси васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилиши шарт. Давлат нотариал идорасининг нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб, унинг шакл ва тартиб жиҳатидан қонунга мувофиқ тузилганлигини аниқлайди, номувофиқлиги аниқланганда, бу ҳақда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга хабар қилиши керак. Амалиётда бундай васиятномалар васият қилувчи томонидан бевосита вафоти олдидан тузилган бўлади. Низо чиққанда уларнинг ҳақиқийлиги фақат мерос очилгандан кейин суд томонидан ҳал қилинади.

ФКнинг 1126-моддаси ва «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга, тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлар, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалар;

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг ана шу экспедиция бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ҳарбий хизматчиларнинг, нотариус бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида ёки қамокда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалар;

Нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган фуқароларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Васиятноманинг кўрсатилган шаклларига доир қоидаларга риоя қилинганда унинг мазмуни ҳақида англашилмовчиликлар бўлмаслигига ва ҳар қандай низоларнинг келиб чиқишига асос қолдирмайди. Оқибатда васиятнома талқин қилинганда ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъносини англаш ва уни эътиборга олиш имконияти туғилади.

Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар тасдиқланаётган, нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаблардан бошқа ФКнинг 1125-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади.

## **5 §. Васиятномани ўзгартириш, бекор қилиш**

Фуқароларга васиятномани эркин тузиш тўғрисида берилган ҳуқуқ, уни ўз хоҳиши билан бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқини ҳам беради.

«Васият қилувчи, -дейилади ФКнинг 1127-моддасида, -исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли».

Васиятномани тўлиғича, унинг ҳамма бандларини бекор қилиш, биринчидан, унинг нотариусдаги нусхаларини йўқ қилиб ташлашни сўраб берган аризасига асосан, ва иккинчидан, янги васиятнома тузилиб, унда албатта васиятномани бекор қилиш ҳақида фармойиш бериш йўли билан амалга оширилади.

Васиятнома қисман ўзгартирилганда, биринчидан, янги тузилган васиятномада олдинги васиятноманинг айрим бандларини бекор қилиш, иккинчидан, ундаги айрим бандларига зид равишда тузилиш йўли билан ўзгартириш киритилади.

Кейинги тузилган васиятнома бекор қилинган тақдирда ҳам янги васиятнома тузиш йўли билан бекор қилинган ёки қисман, кейинги васиятномага зид бўлгани сабабли бекор қилинган аввалги васиятнома қайтадан тикланмайди.



Васиятнома икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси нотариат идорасида сақланади, бир нусхаси васият қолдирувчи кўлида бўлади.

Васият бекор қилинганда ёки у ўзгартирилганда, бу ҳаракат васиятноманинг ҳар иккала нусхасида ҳам ўз аксини топиши керак.

«Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 46-моддасига асосан, нотариуслар васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги аризани олган тақдирда, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда, аввалги васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларини рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги кўяди.

Васиятномани бекор қилишни сўраб берилган аризадаги имзо, албатта, белгиланган тартиб бўйича нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак.

Васиятномани ўзгартириш, фақатгина, янги васиятнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бу васиятномада олдинги васиятноманинг айрим бандлари бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бундан ташқари, кейинги тузилган васиятнома олдинги васиятномани бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан, қўшимча фармойишлар билан тўлдирилиши ҳам мумкин. Агарда олдинги васиятномаларда мерос қолдирувчи ўзининг мол-мулкидан бир қисмини васият қилиб қолдирган бўлиб, кейинги васиятномада мулкнинг қолган қисмига васиятнома тузган бўлса, мерос очилганда ҳар иккала васиятнома ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳар иккала васиятнома бўйича ҳам ворислар мерос оладилар.

Васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзма фармойиш васиятномани тасдиқлаган нотариусга ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсга берилади.

Ёзма фармойиш васият қолдирувчи томонидан шахсан берилиши шарт. Ҳар қандай ҳолатда, яъни ариза васият қолдирувчи томонидан берилганда ҳам, ёки алоқа идоралари орқали берилганда ҳам, бу фармойиш васиятномани бекор қилишни сўраган шахснинг аризадаги имзоси, албатта, нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак. Нотариал тасдиқланган васиятномани бекор қилиш ҳақидаги ёзма фармойиш исталган нотариал идорасига ҳам берилиши мумкин. Фармойишни олган нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс, ўз навбатида, уни васиятномани тасдиқлаган нотариусга юбориши керак.

Васиятномани бекор қилиш-васият мажбуриятининг бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун у васият фармойиши учун белги-

ланган қоидалар билан йўл қўйилган ҳамма шаклларда амалга оширилиши керак.

Васиятнома қўлида бўлган шахс унга ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиб, тузатишлар қилишиги йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда мерос олиш масаласи нотариат идорасида сақланиб турган васиятноманинг биринчи нусхаси асосида амалга оширилади.

Нотариус томонидан тасдиқланган васиятнома, нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар билан ҳам бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бундай васиятномаларнинг биринчи нусхалари «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига асосан васият қолдирувчининг доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборилиши шарт.

Янги васиятнома тузилган вақтда васият қилувчи олдинги васиятномадаги айрим бандларини ўзгартиришни кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Янги васиятномада берилган фармойиш нафақат эски васиятномани тўлдириш, шунинг билан бирга, унинг мазмунига бутунлай ёки қисман зид бўлишини ўзи кифоя қилади.

Айрим ҳолларда васият қолдирувчи эски васиятномага зид келмайдиган ва уни бекор қилмайдиган, ўзгартирмайдиган фармойишни ўз ичига олган васиятнома тузиши мумкин.

Масалан, фуқаро «М» 1999 йил декабр ойининг 15 куни Юнусобод туманидаги давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан тасдиқланган васиятнома бўйича ўзининг уй-жойини кичик ўғли «В» га расмийлаштирган.

«М» 2001 йил август ойининг 5 куни эса янги васиятномани тузиб, унда ўзининг «Нексия» енгил автомашинасини набираси «Ш» га бериш тўғрисида фармойиш берган. 2003 йилнинг март ойи 21 кунда «М» вафот этиши муносабати билан «В» ва «Ш» нотариусга муурожаат қилганда, нотариус «М»га тегишли уй-жойга нисбатан бўлган ҳуқуқ тўғрисида, «Ш»га эса, «Нексия» автомашинасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берган.

## **6 §. Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши**

Васиятнома, бир томонлама битим ҳисобланиб, у мерос қолдирувчининг шахсан ўзи томонидан, васият бўйича ҳуқуқ олувчининг розилигисиз тузилади.

ФК.нинг 1130-моддасига асосан, тегишли шаклда тузилмаган, васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг қонунда белгилаб қўйилган тартиби бузилган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади.

Васиятноманинг айрим бандлари ҳақиқий эмаслиги унинг қолган қисмининг ҳақиқийлигига дахл қилмайди. Васиятнома тўлиғича ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, у бир томонлама битим бўлганлиги сабабли, ФКнинг 9-бобида назарда тутилган битимлар тўғрисидаги қоидаларга бўйсунди.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалар мерос очилган пайдан бошлаб 3 йил муддатда суд томонидан кўрилиб ҳал қилинади.

Даъво манфаатдор шахс-меросхўр, унинг вакили ёки прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин.

ФКнинг 9-бобида 2-параграфида назарда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидалар васиятнома тузишда ҳам амал қилади.

Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Битимнинг қонун талаб қилган шаклига (ФКнинг 1124-моддасида васиятноманинг ёзма шакли назарда тутилган) риоя қилмаслиги (ФКнинг 115-моддаси).

2. Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаганлиги (ФКнинг 116-моддаси).

3. Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар томонидан тузилганлиги (ФКнинг 117-моддаси).

4. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар томонидан тузилганлиги (ФКнинг 119-моддаси).

5. Муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан ҳомийларининг рухсатсиз тузилганлиги (ФКнинг 120-моддаси).

6. Ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган (ФКнинг 121-моддаси).

7. Жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган (ФКнинг 122-моддаси).

8. Алдаш, зўрлик, кўрқитиш бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон келишуви ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (ФКнинг 123-моддаси).

9. Юридик оқибатлар туғдириш ният бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган (ФКнинг 124-моддаси).

Васиятнома бутунлай бекор бўлган тақдирда, унда васият қилиб қолдирилган мулк бошқа қонуний ворислар ўртасида тенг тақсимланади.

Васиятноманинг айрим қисмлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг шу қисмида кўрсатилган мулк, қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар ўртасида тенг бўлинади.

Шундай қилиб битимларнинг ҳақиқий бўлиш шартлари, уларнинг ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ҳақидаги ФКда назарда тутилган умумий қоидалар васиятномага ҳам татбиқ этилади<sup>1</sup>.

### **7 §. Васиятномани ижро этиш**

Васият қолдирувчи ўзининг фармойиши билан васиятномани ижро этишни қонун бўйича ворисга ёки васият бўйича тайинланган меросхўрлардан бирига ёки бир нечтасига, шунингдек меросхўр ҳисобланмайдиган бошқа шахсларга топшириши мумкин.

Агар васиятномани ижро этиш меросхўр бўлмаган шахсга топширилган бўлса, албатта, бу шахснинг васиятномани ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилган бўлиши керак. Васиятномани ижро этувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари васиятноманинг мазмунида ифода этилган бўлиши керак. Шунинг учун васиятномани тасдиқлаётган нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс, албатта, васият қолдирувчининг истагини, васиятномани ижро этувчиларнинг ҳуқуқлари ва улар зиммасига юклатиладиган мажбуриятларни аниқлаши керак.

Мерос қолдирувчи томонидан васиятномани ижро этувчи тайинланмаган ҳолларда, меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятнома ижросини меросхўрлардан бирига ёки бошқа шахсга топширишлари мумкин. Бундай келишувга эришилмаганда, улардан бирининг ёки бир нечтасининг талаби билан суд томонидан васиятномани ижро этувчи тайинланиши мумкин.

Васиятномада уни ижро этиш бўйича махсус топшириқ бўлмаган тақдирда, васиятномани ижро этиш меросни қабул қилган ворислар томонидан амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Тошкент, 1998 й. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» III жилд. 238-бет.

Васиятномани ижро этувчи меросхўрлар доирасига кирадиган шахслардан бўлган тақдирда, улар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олишлари васиятномани ижро этишга берган розилиги ҳисобланади.

Васиятномани ижро этувчи сифатида жисмоний шахслар билан бир қаторда, юридик шахслар ҳам тайинланиши мумкин. Умумфойдали мақсадни амалга ошириш учун васият қилинган маблағни тасарруф қилиш маълум бир юридик шахс зиммасига юкланиши, унинг васиятномани ижро этувчи қилиб тайинлаши мумкин.

Васиятнома қолдирувчи томонидан васиятномани ижро этиш мажбурияти юклатилган шахс бу мажбуриятни бажаришдан истаган вақтда меросхўрларни олдиндан хабардор қилиб, воз кечишга ҳақли. Шу билан бирга, васиятномани ижро этувчи ворисларнинг аризасига биноан суднинг ҳал қилув қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятномани ижро этувчини тайинлашдан мақсад меросхўрлар, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчилар ва бошқа учинчи шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, шунингдек, васият қолдирувчи ўзининг васиятномасидаги фармойишини аниқ амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Васиятномани ижро этувчи васият қолдирувчи томонидан унга берилган ваколат доирасида барча ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Васиятномада уни ижро этувчиларга васиятномани тўла равишда бажарилишини, шунингдек, унинг маълум бир қисмини бажариш ҳақида топшириқ берилиши мумкин. Васият қолдирувчининг васиятномада берган фармойишини ўз вақтида ва тўлиғича бажариш васиятномани ижро этувчининг вазифаси ҳисобланади.

Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан холи этиш, мерос қолдирувчига тегишли бўлган суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарар бўлган мақбул муддат мобайнида амалга ошириши керак. Бу муддат ҳар қандай ҳолда ҳам мерос очилган кундан бошлаб, бир йилдан ошмаслиги керак.

ФКнинг 1131-моддасига асосан васиятномани ижро этувчи:

1. Меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;
2. Барча меросхўрларни вва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига ва-

сият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;

3. Мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;

4. Мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ, меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;

5. Меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятлари ижро этилишини таъминлаши;

6. Васият мажбуриятларини бажариш ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Демак, васиятномани ижро этувчининг асосий вазифаси мерос мулкни жамлаш ва сақлаш чораларини кўриш, уни қонунда ва васиятномада белгиланган тартибда меросхўрлар ўртасида тақсимлаш ва кредиторларнинг талабларини қабул қилиб олиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Васиятномани ижро этувчи ҳуқуқий мақомининг ўзига хос томонлари бор. Васиятномани ижро этувчи мерос қолдирувчининг топшириғига асосан меросни қабул қилган ёки қабул қилиши мумкин бўлган меросхўрлар номидан ҳаракат қилади. Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли. Шунингдек, бундай ишларда иштирок этиш учун қилиниши мумкин.

Меросхўрлар васият қолдирувчининг эрки-иродаси билан боғланган бўлиб, васиятномани ижро этувчини унинг ваколатидан маҳрум этишга ҳақли эмаслар, аммо меросхўрлар васиятномани ижро этувчидан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва унинг ҳаракатларидан норози бўлган тақдирда судга шикоят қилишлари мумкин.

Васиятномани ижро этувчи, ўз навбатида, меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш билан боғлиқ зарур ҳаракатларни мерос мулк ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга.

Меросхўрлар доирасига кирмаган васиятномани ижро этувчи шахс мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган бошқа меросхўрлар ҳозир бўлгунигача мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Васиятномани ижро этувчиси бўлган меросхўр эса, мерос мулк ҳисобидан бошқа харажатларни ҳам амалга оширишга ҳақли.

Васиятномани ижро этиш жараёнида вужудга келган ҳар қандай ноаниқликлар, ундаги ибораларнинг асл маъносини тушуниш қийин бўлган ҳолларда ва унинг мазмуни мерос қолдирувчининг ҳақиқий

хоҳиш-иродасини ифодалашини аниқлаш васиятномани талқин қилишни талаб қилади. Шунинг учун васиятномани аниқ ва тўғри ижро этиш учун васиятномага киритилган топшириқ ва фармойишлар тахминий ва ноаниқ мазмунда бўлмаслиги керак.

ФКнинг 1129-моддасига асосан, васиятнома нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинади. Васиятнома талқин қилинганда ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Васиятномадаги бирон бир қоиданинг асл маъноси ноаниқ бўлса, у бошқа қоидалар ва умумий васиятноманинг мазмуни билан таққослаш орқали аниқланади.

Васиятномани, аввало, нотариус ва васиятномани ижро этувчи талқин қилади. Уларнинг васиятнома мазмуни бўйича чиқарган хулосаларидан меросхўрлар норози бўлган тақдирда манфаатдор томоннинг аризасига биноан васиятномани талқин қилиш суд томонидан амалга оширилади.

Васиятномани талқин қилишдан асосий мақсад васият қолдирувчининг ҳақиқий эрки-иродасининг мазмунини тўғри тушунилиб, масалани адолатли ҳал қилишдан иборат.

## **8 §. Васият мажбурияти, мажбурият юклаш**

Васият мажбурияти. Васият қолдирувчи ўзи тузган васиятнома-сида васият бўйича меросхўрларнинг зиммасига маълум бир мажбуриятни юклаши мумкин. Бу васият мажбурияти ҳисобланади. Бундай мажбурият қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахсларга, шунингдек, бошқа хоҳлаган шахсга, шу жумладан, юридик шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Васият мажбуриятини бажариш қонун бўйича ва васият бўйича меросхўрларнинг ҳаммасига, бир нечтасига ёки биттасининг зиммасига юклатилиши мумкин. Фойдасига мажбурият бўйича бажарилиши лозим бўлган топшириқ-васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи ҳисобланади. Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахслар ҳам васият юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин. Булар васият мажбуриятининг бажарилишини васият мажбурияти юклатилган шахслардан талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шундай қилиб, васият мажбуриятининг асосини, зиммасига васият мажбурияти бажарилиши юклатилган меросхўр билан мажбури-

ятининг ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ўртасидаги мажбурият муносабати ташкил этади. Шу сабабдан бундай ҳолларда васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи-кредитор, меросхўр эса-қарздор бўлиб ҳисобланади.

Васият мажбуриятининг мазмуни, унинг предмети ҳар хил бўлиши мумкин.

ФКнинг 1132-моддаси 3-бандига асосан, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбуриятининг предмети бўлиши мумкин.

Васият қолдирувчининг васиятномадаги фармойишида кўрсатилган мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган шахс бу мажбуриятни бажаришга мажбур. Васият мажбуриятини ижро этиш фақатгина меросни қабул қилиб олган ворис учун мажбурийдир ва фақат мерос мулк ҳисобидан бўлиш мумкин. Зиммасига васият мажбурияти бажарилиши юклатилган меросхўр бу вазифа ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Мажбурият барча ворислар ёки бир неча ворислар зиммасига юклатилган тақдирда, уларнинг ҳар бири васият мажбурияти бўйича юклатилган мажбуриятнинг ўзига тегишли мерос ҳиссасига мутаносиб равишда бажаради. Васиятномада бошқача фармойиш берилган бўлса, у ҳолда зиммасига мажбурият юклатилган ворис васият қолдирувчининг фармойишига асосан мажбуриятни амалга оширилишида васият мажбурияти бўйича бундай фармойиш васият қолдирувчи томонидан васиятноманинг матнида белгилаб қўйилган бўлиши васият мажбурияти ҳисобланади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вориснинг зиммасига васият мажбурияти юклатилган тақдирда, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми чегараланади.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган ворис меросдан воз кечиб, уни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади.



Васият қолдирувчи уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни васият бўйича мерос қилиб оладиган меросхўр зиммасига уй-жойнинг бир қисмини маълум бир шахсга ундан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Шунингдек, уй-жойнинг бир қисмини маълум бир шахснинг оила аъзолари учун маълум муддатга фойдаланишга қолдириш тўғрисида меросхўрларга фармойиш бериши мумкин. Бу турар жойига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтганда ҳам умрбод ёки кўрсатилган муддат тамом бўлгунча фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотмайди. Аммо уй-жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс вафот этганда, васият қолдирувчи васиятномада бошқача фармойиш бермаган бўлса, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг умрбод фойдаланиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ёки бошқа оила аъзоларига ўтмайди.

Васият мажбурияти қуйидаги ҳолларда бажарилмайди:

а) васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи шахс мерос очилгунга қадар вафот этса;

б) васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васиятнома бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин, аммо васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгармасдан, вафот этган тақдирда.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади, шу жумладан тақдим этиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлган шахсларга ҳам. Бошқа меросхўрлар бўлмаган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори билан мол-мулк эгасиз деб топилса, васият мажбуриятини бажариш мерос мулк ўтган давлат ёки фуқаронинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтади. Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос мерос қолдирувчининг қарзларни тўлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аммо бу мажбуриятни ўз зиммасига олишга мажбур деган сўз эмас. Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятдан воз кечишга ҳақли. Аммо қисман воз кечишга ёки изоҳлар ва шартлар қўйиб воз кечишга, шунингдек, бошқа шахсларнинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Демак, мерос қолдирувчи томонидан васиятномада кўрсатилган васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи шахснинг ўзигина бу ҳуқуқдан фойдаланади. У вафот этган тақдирда, бу ҳуқуқ унинг ворисларига ўтмайди.

Мажбурият юклаш. Васият қолдирувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон бир ҳаракатни бажариш ёки бажаришдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажариш кредитор си-

фатида талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги, худди шу каби умумфойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига маълум мажбурият юклаши мумкин. Бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши ҳам мумкин. Бундай мулк хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан ҳам васият мажбурияти тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Васият мажбуриятдан фарқли ўлароқ, мажбурият юклашда васият қолдирувчи меросхўрлар зиммасига мулк хусусияти ёки номулкий характердаги ҳаракатларни бажаришни юклайди. Меросхўр зиммасига юклатилган бундай ҳаракатнинг бажарлишини умумфойдали мақсадни амалга ошириш бўйича манфаатдор бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, прокуратура органлари ҳам васиятномани ижро этувчидан васият қолдирувчининг топшириғини тўғри бажариш учун мажбурият талаб қилишлари мумкин. Агар васият қолдирувчи томонидан қўйилган умумфойдали мақсадни амалга ошириш учун имконият бўлмаса, у вақтда мулк бошқа шунга яқин умумфойдали мақсадга сарф этилиши мумкин.

Васият бўйича юклатилган мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган ворис вафот этиб қолган тақдирда, умумфойдали ҳаракатларни бажариш мерос олган бошқа меросхўрлар зиммасига тушади.

Мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган, меросхўрларга қарши ғайриқонуний ҳаракатлар содир қилиб, шу орқали ўзига васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олишга имкон яратган, шунингдек, мерос қолдирувчини кўрсатиш, зўрлик ишлатиш ёки товламачилик йўли билан васият мажбурияти бўйича ҳуқуқни васиятномага киритишга эришган шахслар васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олишдан маҳрум этилиши мумкин.

Бу ҳуқуқ айтилиши бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахсларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди. Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи шахс ундан воз кечган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган ворис бу мажбуриятни бажаришдан озод қилинади.

Умумфойдали мақсад учун бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини назарда тутган ворисга берилган мерос қолдирувчининг махсус васият фармойиши мажбурият юклаш ҳисобланади.

Мажбуриятни юклаш васият мажбуриятдан фарқ қилади. Мажбуриятни юклаш ҳам худди васият мажбурияти сингари маълум маж-

буриятни меросхўрнинг ҳиссаси ҳисобига бажарилиши назарда тутилади. Аммо васият мажбуриятида васият бўйича маълум бир меросхўр фойдасига мерос мулкдан ажратишни назарда тутса, мажбурият юклаш мулкӣ ёки номулкӣ характерда бўлиши билан умум-фойдали мақсадни амалга оширишга қаратилган ҳаракат кимга нисбатан қилиниши лозимлиги кўрсатилмайди. Ваҳоланки, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи шахс белгилаб қўйилади.

Демак, васият мажбурияти фақат мулкӣ характерга эга бўлиб, мажбурият юклаш эса, ҳам мулкӣ, ҳам номулкӣ характерга эга бўлиши мумкин. Мажбурият юклашда юкланган мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи давлат ташкилотларининг мансабдор шахсларига, прокуратура органларига, васиятни бажарувчига ва бошқа ворисларга берилган бўлади.

Мажбуриятни юклаш мулкӣ характерга эга бўлган хатти-ҳаракатлар содир этишдан иборат ҳолларда, ФКнинг 1132-моддаси 4-5- ва 10-қисмларида назарда тутилган қоидаларга амал қилинади.

Агар ФК қоидаларига мувофиқ мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрлар тегишли лозим бўлган мерос улуши бошқа меросхўрларга ўтса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Васият бўйича ворислик.
2. Васиятнома шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар.
3. Нотариал тасдиқланган ва унга тенглаштирилган васиятномалар.
4. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш тартиби.
5. Васиятномани ижро этиш.
6. Васият мажбурияти ва уни юклаш шартлари.

## **68-БОБ. ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК**

### **1. Қонун бўйича ворислик тушунчаси**

Мерос қолдирувчи ўзининг хусусий мулкининг ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини ўзи ҳаётлик вақтида белгилаб қўйиш ҳуқуқига эга. Аммо қонун билан бир қатор шартлар белгиланганки, бунга асосан мерос қолдирувчи уларни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Қонунда махсус белгилаб қўйилган айрим категория меросхўрларнинг меросга бўлган ҳуқуқларини қонун ҳимоя қилади. Мерос

қолдирувчи бундай меросхўрларнинг қонунда белгиланган мерос улушларини камайтиришга ёки уларни умуман мерос олишдан маҳрум қилишга ҳақли эмас.

«Мерос очилган пайтда, -дейилади Олий суднинг 2000 йил 22 декабрда қабул қилинган 33-сон Пленум қарорининг 3-моддаси 2-қисмида, -ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради ҳамда қариндошлик доирасига қараб. Фуқаролик кодексининг 1135-1138-моддалари талабига мувофиқ ворисликка чақирилган».

Қонун бўйича ворисликни амалга ошириш учун мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатида бўлган ҳамда мерос қолдирувчининг қарамида, унинг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳисобланади.

Демак, вафот этган шахсга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг қонунда белгилаб қўйилган шахсларга ўтиши қонун бўйича ворислик ҳисобланади<sup>1</sup>.

ФКнинг 1134-моддасига асосан, қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ўз ота-оналарига, уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини йўқотадилар, шу билан бирга мажбуриятлардан ҳам озод бўладилар.

«Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари,-дейилади ФКнинг 1134-моддасининг 3-қисмида,-фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси, бобо-бувалари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этгандан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар».

Демак, фарзандликка олинган шахснинг ота-она, бобо-буваси, ака-ука ва опа-сингиллари, фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодларига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини йўқотадилар.

Шунингдек, қайд қилинган никоҳдан туғилган ва қонунда белгиланган тартибда оталиги аниқланган болалар, шунинг билан фарзандликка олинганлар ва қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўлган барча шахслар ворисликка чақирилган бир навбатда ва тенг ҳиссада мерос олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон фуқаролик кодекс II-қисмга шарҳлар Т. 1998 й III-жилд 265-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига асосан хотин-қизлар ва эркаклар мерос олишда ҳам тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қонун бўйича меросхўрлар, ФКнинг 1135-1139-моддасида назарда тутилган тартибга асосан, беш навбатда ворисликка чақириладилар.

Бундан ташқари ФКнинг 1140-моддасига асосан мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари сифатида ворисликка чақирилишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар а) бўлмаган тақдирда; б) меросхўрларнинг ҳаммаси меросдан четлаштирилганда; в) барча ворислар меросни қабул қилиб олмаганда; ёки ундан воз кечганда ворислик ҳуқуқини қўлга киритади.

Бир навбат доирасида қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар ўртасида мерос мулк тенг ҳиссада тақсимланади.

Вояга етмаган болалар ўзларининг ота-оналари билан бирга яшаганда вафот этган тақдирда улардан мерос қолган мол-мулк, агар қонунда белгиланган тартибда васият қилинган бўлса, ота-оналарга ўтади.

Қонун бўйича ворисликка фақат мерос қолдирувчи вафот этган пайтда ҳаёт бўлган шахсларгина чақириладилар.

Қонун бўйича меросхўр мерос очилгандан кейин уни қабул қилиб олмасдан вафот этган тақдирда, унинг улуши тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича унинг меросхўрларига ўтади.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлаш унинг мерос қолдирувчига нисбатан қариндошлик даражасини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан амалга оширилади.

Қонун бўйича ворисликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мерос қолдирувчининг оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ворисликнинг чақирилиш нисбатига боғлиқ эмас. Оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари мерос қолдирувчи билан унинг вафотигача 3 йил бирга яшаб келган қонун бўйича ворисларга ўтади. Оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари таркибига кундалик уй-рўзғор юмушларини бажариш ва оила аъзоларининг маиший эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ашёлар киради.

Фуқаро «Б» вафот эгангача ўзининг туғишган опаси билан «В» билан ўн йил давомида бирга яшаган. «Б» вафот этиши билан унинг алоҳида яшаб турган ўғли «Л» нотариусга мурожаат қилиб, ўзини би-

ринчи навбатда меросхўр деб, отасидан қолган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус мерос таркибига кирган мол-мулкни тенг бўлиб, мерос мулкнинг ярмига-ўз улушига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ёзиб берган. Уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларини ҳамда тегишли улушни «Вга бериш ҳақида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

«Л»нинг аризасига асосан ишни кўрган туман суди, аризани қаноатлантирмай, нотариуснинг қарорини қонуний деб ҳал қилув қарори чиқарган.

Туман судининг ҳал қилув қароридида кўрсатишича «В» ФКнинг 1141-моддасига асосан қонун бўйича меросхўр бўлиб, мерос қолдирувчининг боқимида у вафот этгангача у билан биргаликда яшаганлиги ва меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар, ФКнинг 1153-моддасига асосан, мерос очилгунча мерос қолдирувчи билан 3 йил давомида биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимлаганда мерос таркибидан уй-жой, квартира, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуқга эга эканлигини асос қилиб олган.

## **2 §. Ворисликка чақириш навбатлари**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида қонун бўйича ворисликка чақириш навбатлари белгилаб қўйилган.

Навбат билан мерос қолдирувчининг авлод ва аждодлари, фарзандликка олинганлар, уларнинг авлодлари, қон-қариндошлик муносабатлари билан боғланган бошқа шахслар, қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан ташқари мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз боқимлари ҳам қонун бўйича меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаганда, ёки меросдан четлаштирилганда, шунингдек меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечганда ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Биринчи навбатдаги меросхўрлар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1135-моддасида белгилаб қўйилган фуқаролар. Булар - мерос қолдирувчининг болалари, шунингдек, фарзандликка олинган болалар, эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан фарзандликка олувчилар, тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбат-

даги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Шунинг билан бирга, мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила бўлиб, у вафот этгандан сўнг 300 кун мобайнида тирик туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Мерос қолдирувчининг болалари қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўлишлари учун, аввало, улар қонуний никоҳда бўлган ота-оналардан туғилган бўлишлари керак. Бундай болалар ҳам ота вафотидан сўнг, ҳам она вафотидан сўнг биринчи навбатда ворислик ҳуқуқини қўлга киритадилар. Қонуний никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болалар, қонунда белгиланган тартибда оталиги аниқланган ҳолларда, биринчи навбатда қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадилар ва ҳам ота, ҳам онадан мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Оталиги белгиланмаган болалар эса, фақатгина оналари вафот этганда, ундан қолган мерос мулкка биринчи навбатда қонун бўйича меросхўр бўладилар. Аммо мерос қолдирувчининг қарамоғида, унинг боқимида бўлган болалар, ФКнинг 1139- ёки 1141-моддаларда кўрсатилган асосларда меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонуний никоҳда турган вақтда туғилиб, кейинчалик бу никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, бу ҳол болаларнинг меросхўр бўлиш ҳуқуқига таъсир этмайди. Болаларнинг насл-насабини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг X бобида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ўғай болалар ўғай отанинг ёки ўғай онанинг меросхўрлари бўла олмайдилар. Булар фақат меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, мерос қолдирувчи ўғай ота ёки ўғай онанинг боқимида бўлган тақдирда ворисликка чақирилишлари мумкин. Худди шунингдек, ўғай ота, ўғай оналар ҳам ўғай болалардан мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Фарзандликка олинганлар қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳоллардагина қонун бўйича ворис бўла оладилар. 1926 йил 1 мартгача расмийлаштирилмасдан фарзандликка олинганлар, уларнинг ота-оналари сифатида ёзилган ёки ёзилмаганидан қатъи назар, қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Болаларнинг ота-оналаридан кейин меросхўр бўлишлари учун зарур бўлган шартлар ота-оналарнинг ҳам болаларидан кейин меросхўр бўлишлари учун зарур шартлардан ҳисобланади. Мерос қолдирувчининг туғилиш гувоҳномасида ота ва она сифатида ёзилган шахслар қонун бўйича биринчи навбатда ворисликка чақириладилар.

Демак, никоҳга кирган эр ёки хотиннинг ҳар бирининг биринчи никоҳдан туғилган болалари, қоида сифатида, фақат ўзларининг ота-

оналари мол-мулкига биринчи навбатда қонун бўйича ворис бўла оладилар. Эр ёки хотин вафот этганда, фақатгина қайд қилинган никоҳда ёки қайд қилинган никоҳга тенглаштирилган никоҳда бўлган ҳаёт қолган эр ёки хотин қонун бўйича биринчи навбатда меросхўр бўлади.

Қонун билан йўл қўйилган айрим ҳолларда эр-хотинлик муносабатлари суд тартибида тасдиқланиши ҳам мумкин.

Миллий чегараланиш вақтида Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган Хоразм ва Бухоро халқ Республикаларида 1928 йил 1 октябрча, яъни Ўзбекистон Республикасининг биринчи никоҳ ва оила кодекси амалга киритилгангача, бошқа ҳудудларда 1917 йил 20 декабрча, эски урф-одат ва диний маросимлар бўйича тузилган никоҳлар қайд қилинган никоҳга тенглаштирилади.

Демак, бундай ҳолларда эр ва хотин биридан кейин иккинчиси мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Никоҳ бекор қилинганидан кейин вафот этган эр ёки хотин қонунда назарда тутилган, меҳнатга лаёқатсиз боқимда бўлганлаги учун ворис бўлиши мумкин.

Қонун бўйича иккинчи навбат меросхўрлар. ФКнинг 1136-моддасида белгилаб қўйилган мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она бир-у ота бошқа ёки ота бир-у она бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари қонун бўйича иккинчи навбат ворислар жумласига кирадилар.

Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси қонун бўйича иккинчи навбатда тенг улушларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг она томондан бобоси ва бувиси ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларининг набираларидан мерос олиш ҳуқуқига эга, аммо мерос қолдирувчининг ота томондан бобоси ва бувиси вафот этган набираси билан унинг отаси ўртасидаги юридик боғланиш қонуний бўлган ҳоллардагина ворис бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бошқача қилиб айтганда, мерос қолдирувчи билан унинг отаси ўртасидаги муносабат-ота-оналик муносабати қонуний никоҳ муносабатларидан келиб чиққан тақдирда ёки мерос қолдирувчига нисбатан оталик қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳоллардагина ота томондан бўлган бобо ва бувилари мерос қолдирувчи набираларининг мерос мулкига иккинчи навбатда қонун бўйича меросхўр бўла оладилар.



Қонун бўйича учинчи навбат меросхўрлар. ФКнинг 1137-моддасига асосан мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси, холаси тенг улушларда мерос олиш ҳуқуқига эга.

Қонун бўйича учунчи навбат ворисликка чақирилиш учун, биринчи ва иккинчи навбат ворисларнинг умуман бўлмаслиги ёки улар мерос олишдан воз кечган бўлишлари, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда меросдан четлаштирилган бўлишлари керак.

Қонун бўйича тўртинчи навбатда ворислик. ФКнинг 1138-моддасига асосан тўртинчи навбат ворислик ҳуқуқи мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даражанинг ўзи ҳам киритади) бўлган қариндошларига ўтади. Бу навбат бўйича мерос олишда мерос қолдирувчининг яқинроқ қариндошлари узоқроқ қариндошларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қариндошлик деб, икки ёки бир неча шахслар ўртасидаги туғишганлик, қон-қариндошлик тизими туфайли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугашига боғлиқ бўлган қариндошлик алоқасига айтилади.

Қариндошликнинг узоқ-яқинлиги унинг чизиклари шажаралари ва даражалари билан белгиланади.

Бир шахснинг бевосита бошқа шахсдан тарқалиши даражани белгилайди. Ҳар бир янги туғилиш билан янги даража пайдо бўлади.

Бир неча узлуксиз қариндошлик даражаларининг алоқаси қариндошлик шажараси деб аталади. Тўғри чизиклар юқорига қараб туташган ва пастга қараб туташган бўлади. Тўғри чизик бўйича қариндошликда болалардан ота-оналарига ёки, аксинча, ота-оналаридан болаларига қараб ҳисоб олиб бориши юқори томондан ёки пастки томондан туғилиш бўйича келиб чиққан қариндошлар қиради. Шунга асосан, юқорига қараб тўғри чизик бўйича аждодлар шажарасига ота-она, бобо-буви, катта бобо-катта буви ва ҳоказолар қиради. Тўғри чизик бўйича пастга қараб авлодлар шажарасига ўғил-қизлар, набиралар, чеваралар, эваралар ва ҳоказолар қирадилар.

Ҳаммалари учун умумий бўлган, учинчи шахсдан, яъни катта бобо-бувилардан келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланадилар. Бунга ака-ука, опа-сингил ва уларнинг болалари, ота-онанинг ака-укалари ва опа-сингиллари ҳамда улардан келиб чиққан қариндошлар, боболар ва бувиларнинг ака-ука ва опа-сингиллари ва бошқалар ён чизик бўйича қариндошлар ҳисобланадилар.

Тўғри чизик билан туташган қариндошлар ҳамма вақт ён чизик бўйича туташган қариндошларга нисбатан яқинроқдирлар.

Икки шахс ўртасида ён чизик бўйича қариндошликнинг яқинлигини аниқлашда шу шахснинг ўзини ҳисобга қўшмасдан туриб, даражаларнинг сони ва ундан туғилишлар ҳисобга олиниши керак.

Ҳисоб тўғри чизик бўйича юқорига қараб туташган, улар учун умумий бўлган учинчи шахсга, ундан эса пастга-улардан иккинчисига қараб олиб борилади.

Бир ота ва бир онадан туғишган қондош ака-укалар, опа-сингиллар қариндошликнинг иккинчи даражасида турадилар. Амаки, тоға, жияни билан, амма ва хола жияни билан учинчи даражада, амакивачча, тоғавачча, холавачча ва ҳоказолар қариндошликнинг тўртинчи даражасида турадилар.

### **3 §. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари**

Меҳнатга қобилиятсиз мерос қолдирувчининг боқимида бўлган шахслар икки гуруҳга бўлинадилар ва икки тартибда мерос оладилар.

Биринчидан, мерос қолдирувчининг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФКнинг 1141-моддаси асосида мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар; фуқаролик кодексининг 1139-моддаси тартибда бешинчи навбатдаги қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрда «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги 33-сон Пленум қарорининг 4-моддасида фуқаролик кодексининг 1139-, 1141-моддаларида кўрсатилган мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимларни уч тоифасини бир-биридан ажратиш лозимлигини кўрсатади.

Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси 1-қисмида кўрсатилган боқимлар (1-тоифа) бўлиш учун, биринчидан, улар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, иккинчидан, у билан бирга яшаган бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши керак.

ФКнинг 1141-моддаси 2-қисмида кўрсатилган боқимлар (2-тоифа) бўлиши учун, биринчидан, фуқаролик кодексининг 1136-1138-моддаларида кўрсатилган меросхўрлар жумласига мансуб бўлган ме-

рос қолдирувчининг иккинчи, учинчи, тўртинчи навбатдаги меросхўрлари бўлиши, иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1139-моддасида кўрсатилган боқимлар (3-тоифа) бўлиши учун, биринчидан, мерос қолдирувчининг қариндошлари жумласига кирмайдиган, иккинчидан, меросхўр билан бирга яшамаган ёки бир йил муддатдан кам яшаган, учинчидан, ҳаёт кечирishi учун бирдан бир манба сифатида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиб, ундан доимий моддий ёрдам олиб турган меҳнатга қобилиятсиз шахс бўлиши керак.

Биринчи ва иккинчи тоифадаги боқимлар ворисликка чақириладиган навбатдаги меросхўрлар билан биргаликда ворисликка чақириладилар ва меросхўрлар билан биргаликда мерос оладилар, аммо уларнинг мерос мулкидан оладиган улушлари мерос мулкнинг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак. Меросхўрлар бўлмаганда, бу тоифадаги боқимлар мустақил равишда қонун бўйича меросхўрлар ҳисобланиб мерос мулкини тўла оладилар.

Учинчи тоифадаги боқимлар бешинчи навбатдаги меросхўрлар бўлганлиги сабабли олдинги навбатдаги ворислар бўлмаганда ворисликка чақириладилар ва мерос мулкида шу навбатдаги меросхўрлар билан тенг улушда мерос оладилар.

Қонун бўйича меҳнатга қобилиятсизлар ўн саккиз ёшга кирмаган, вояга етмаганлар, биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлар, олтмиш ёшга кирган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар, тиббий хулоса билан меҳнатга лаёқатсиз, ногирон деб топилган шахслардан иборат бўлади.

Айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ёши етмасдан имтиёзли тартибда нафақа олаётган шахслар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланмайдилар. Буларнинг меҳнатга қобилиятсизлиги фақат тиббий меҳнат комиссияларининг хулосаси билан белгиланади. Ёши ёки ногиронлиги уларнинг нафақа дафтарчаларига асосан аниқланади.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлишини, бирга яшашини ва муддатини аниқлаш тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла ва уй-жой кўмиталари, ижтимоий таъминот идоралари, ижтимоий ҳимоя органлари ва бошқа ташкилотлар, жамоатлардан талаб қилиб олинган ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

ди. Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш факти суднинг қарори билан ҳам аниқланиши мумкин.

«Мерос қолдирувчинин қарамоғида бўлишлик деганда,- дейилади 33-сон Пленум қарорининг 5-моддасида,- унинг томонидан бериб турилган моддий ёрдам шахснинг ҳаёт кечириши учун бирон-бир асосий ва доимий манба бўлишини назарда тутмоқ лозим. Даврий, вақти-вақти билан бериб турилган моддий ёрдам мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш фактини белгилаш учун асос бўлмайди. Моддий ёрдам мерос қолдирувчининг вафотигача узлуксиз берилган бўлиши шарт».

Агарда мерос қолдирувчининг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахс ФКнинг 1136-1138-моддалари тартибида қонун бўйича меросхўрлар жумласига киргани ҳолда, ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмаган бўлса, ҳам мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган бўлса, мерос қолдирувчи билан бирга яшаган-яшамаганлигидан қатъи назар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Фуқаро «Е» вафот этгандан сўнг унинг ўғли «С» ва хотини «Б» биринчи навбат меросхўрлар сифатида, нотариусга мурожаат қилиб мерос мулкнинг барчасини икковларига бериш ҳақида меросга бўлган ҳуқуқ гувоҳномасини беришни сўраганлар. Нотариус «Е» нинг ота томонидан бобоси-81 яшар, унинг хотини 75 яшар, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиб, унинг берган ёрдами бирдан-бир ҳаёт кечириш манбаи бўлганлигини аниқлаб, уларни ҳам ворисликка чақириб, мерос мулкни тенг улушларда тақсимлаш тўғрисида тўғри қарор қилган.

#### **4 §. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича воорислик**

Мерос очилгунга қадар, шунингдек, мерос очилгандан кейин, аммо меросни қабул қилиб ололмасдан вафот этган қонун бўйича ворисликка чақирилган ёки чақирилиши лозим бўлагн меросхўрларнинг ворислари ўзларининг вафот этган ота-оналарига тегишли бўлган мерос мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундай ворислик тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик дейилади.

«Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик,- дейилади ФКнинг 1140-моддасида,- қонун бўйича меросхўр мерос очилганга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтиши-

ни назарда тутати, бунда улуш такдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади».

Ворисликка чақирилган биринчи наватдаги қонун бўйича меросхўрлар вафот этиши муносабати билан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг набиралари, такдим этиш ҳуқуқи билан меросхўр бўлиб, ўзининг отасига ёки онасига тегишли бўлган мерос мулк ҳиссасига бўлган ҳуқуқни қўлга киритадилар.

Агар такдим қилиш ҳуқуқи бўйича бир неча меросхўрлар бўлса, вафот этган меросхўрларга тегишли ҳисса улар ўртасида ўзаро тенг тақсимланади.

33-сон Олий Суд Пленуми қарорининг 6-моддасида «бир хил даражадаги қариндошлар бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланишини» кўрсатиш билан, бирга «бу қонундан келиб чиқиб, агар ўғил (қиз) ота ёки онадан олдин вафот этган бўлса, ундан кейин вафот этган ота ёки онанинг мулкига ўлган фарзанднинг болалари такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўлади. Вафот этган шахснинг турмуш ўртоғи такдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўла олмайди» деб кўрсатилган.

«П»нинг ўғли «С» вафот этиб, унинг қизи «К» нотариусга муурожаат қилиб, «П»нинг вафотидан кейин ундан қолган мерос мулкидан отаси «С»га тегишли улуш меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраган. Нотариус ФКнинг 1140-модда тартибида қарор чиқариб, талабни қондирган.

Болалар, набиралар, чеваралар ва эвараларнинг меросхўрларга такдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Бунда меросхўрдан қолган улуш такдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Ён қариндошлик бўйича ворисликка чақирилган туғишган ака-ука, опа-сингиллар ёки амаки-тоға, амма-холалар мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин уни қабул қилиб ололмасдан вафот этган бўлсалар, уларга тегишли бўлган мерос ҳиссаларини ўз ота-оналари номидан, яъни мерос қолдирувчининг туғишган ака-ука, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари номидан уларнинг болалари, яъни мерос қолдирувчининг жиянлари, мерос қолдирувчининг туғишган амакиси-тоғаси номидан, унинг амакиваччалари, тоғаваччалари, аммаси-холаси номидан аммаваччалари ва холаваччалари тенг ҳиссада оладилар.

Буларнинг ҳаммаси меросни тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворилик асосида қўлга киритадилар. Кўп ҳолларда тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича мерос олувчиларнинг ҳиссаси бошқа қонун бўйича меросхўрларнинг ҳиссаларидан анча кам бўлади, чунки мерос олиш лозим бўлган шахсга тегишли ҳисса унинг болалари, набиралари ўртасида тенг тақсимланади.

### **5 §. Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқи**

Мерос қолдирувчи ўз хоҳиши билан қонунда белилаб қўйилган тартибдан бошқача тарзда меросхўрларнинг доирасини белгилаши, улар ўртасида мерос мулкни бўлиш тартибини аниқлаб қўйиши ёки ўзи мерос мулкни тақсимлаб, ҳар қайси меросхўрнинг мерос ҳиссасини белгилаши, мерос мулкдан айрим ашёларни айрим меросхўрларга беришни васият қилиб қолдириши мумкин.

Аммо мерос қолдирувчининг ўз хусусий мулкни ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини ҳал қилишдаги эрки қисман чегараланиб қўйилган.

Мажбурий ҳисса олиши лозим бўлган меросхўрларнинг доираси ва улуши қонунда белгилаб қўйилган. Уларни мерос ҳиссаларидан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди. Бу меросхўрлар, асосан, қонун бўйича биринчи навбатда меросхўрлар жумласига кирувчилар ҳисобланадилар.

ФКнинг 1142-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятнома-нинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Васият қолдирувчи ўз эрки билан мажбурий улуш олувчиларнинг ҳиссаларини қонунда белгиланганидан камайтиришга ҳақли эмас.

Мажбурий улуш мерос қолдирилган ҳамма мулк ва мулкый ҳуқуқларни ўз ичига олади мажбурий ҳиссани ҳисоблаш учун, аввало, мерос таркибига кирган ҳамма мулкнинг қийматини белгилаб, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбурияти билан белгиланган мулкнинг қиймати ва васият қилинган мулкнинг қийматини ҳисоблаб, мажбурий ҳисса миқдорини тўғри белгилаш учун мерос мулкнинг ҳаммасини, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор

буюмларидан иборат мол-мулкнинг қийматини ҳам ҳисобга олиш зарурати туғилади.

Мажбурий ҳиссани васият қилинмай қолган мерос мулк ҳисобидан ундириш имконияти текширилиб кўрилади.

Демак, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан айнан ўзини, натура шаклида эмас, балки улардан ўзига тегишли ҳиссанинг қийматини олади. Мулк эса мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган шахс тасарруфида қолади.

Агар мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган ворис уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан мажбурий ҳисса олувчиларга улушнинг қийматини эмас, балки мулкнинг айнан ўзини беришни хоҳласа, унинг бу ҳаракатини чеклаш мумкин эмас.

Мажбурий ҳисса олувчиларни ҳисобга олмасдан мерос мулкнинг ҳаммасини васият қилиб қолдириш-васиятномани қисман ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга асос бўлади.

Мажбурий ҳисса олувчиларни қонунда белгиланган улушни олишдан маҳрум қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда фақат мажбурий ҳисса чиқарилгандан сўнг қолган мерос мулкка нисбатан васият ижро этилади.

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мерос мулкнинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос мулкнинг ҳаммаси эмас, балки унинг бир қисми васият қилинганда, мажбурий ҳисса мерос мулкнинг ҳаммаси ҳисобидан белгиланади. Бу мажбурий ҳисса васият бўйича белгиланган мерос мулкдан бошқа мол-мулк ҳисобидан ундирилиши керак. Агар васият қилинмасдан қолган мол-мулкнинг суммаси мажбурий ҳиссани қоплаш учун етарли бўлмаса, у ҳолда етишмаган қисми васият қилинган мол-мулк ҳисобидан қопланиши керак. Васият бўйича меросхўрдан ташқари, қонун бўйича меросхўрлар ҳам ворисликка чақирилган тақдирда ва унинг таркибига меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар кирганда, аввало, уларнинг улуши аниқланиб, қолган мерос мулк қонуний меросхўрлар ўртасида баб-баробар тақсимланади. Қонун бўйича ворисларнинг ҳиссалари васият қилинмай қолган мол-мулк ҳисобидан берилади.

Соғлиғи, ёши жиҳатидан алоҳида ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни моддий томондан таъминлаш мақсадида меросдан мажбурий

ҳисса ажратиш йўли билан васият эркинлиги бир мунча чегараланган. Меросдан бутунлай маҳрум қилиш мумкин бўлмаган шахслар доираси қонун билан белгилаб қўйилган. Улар васиятнома мазмунидан қатъи назар, мерос мулкдан қонунда белгиланган улушни оладилар. Бу мажбурий ҳисса ҳисобланади.

Васиятномани тасдиқланаётган нотариус бу ҳақда, албатта, васият қолдирувчининг огоҳлантириши шарт.

Қонунда белгиланган мажбурия ҳиссани ажратиб беришда бошқа ворисларнинг розилиги талаб қилинмайди. Мажбурий улуш олувчиларнинг доираси қонун билан қатъий белгиланиб қўйилган. Улар фақат биринчи навбатдаги меросхўрлардан иборат бўлади. Бошқа қонуний ворислар, гарчи улар вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Мерос қолдирувчининг набира, чеваралари тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр ҳисобланиб, улар гарчи меҳнатга лаёқатсиз бўлсалар ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Худди шунингдек, қонун бўйича биринчидан бошқа навбатдаги меросхўрлар меросдан мажбурий ҳисса олишга ҳақли эмаслар.

Мажбурий ҳисса фақат қонун бўйича ворислик асосида олинади. Шу сабабдан, ФКнинг 1119-моддаси тартибида нолайиқ меросхўрлар деб топилиб, меросдан четлаштирилганлар ҳам мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Мажбурий ҳисса олиш учун қонунда белгиланган шартлар мерос очилган пайтда мавжуд бўлиши керак. Масалан, мерос қолдирувчининг вояга етган боласи мерос очилган пайтга келиб, меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолса, бундай ҳолда у мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Мерос қолдирувчи томонидан маълум бир ворисга ҳисса ажратилмаганда ёки қонунда белгиланганидан мажбурий ҳиссани кам ажратганда ёхуд уни меросдан маҳрум қилганда, мажбурий ҳисса ҳақидаги қоидалар ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда меросхўрларга, албатта, қонунда белгиланган қонун бўйича меросхўр бўлганда унга тегадиган ҳиссанинг ярмидан кам бўлмаган улушини ажратиб бериш лозим бўлади.

На суд ва на нотариус қонунда белгиланган мажбурий ҳисса миқдорини камайтиришга ёки умуман мажбурий ҳисса олишдан маҳрум қилиши ҳақли эмас.

Мажбурий ҳиссанинг миқдорини ҳисоблашда мерос таркибига кирган барча мол-мулк, шу жумладан, васият мажбуриятини бажариш учун ажратилган мулк, умумфойдали мақсад учун сарф қилини-



ши лозим бўлган ҳаракат, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларининг қиймати ҳам ҳисобга олиниши керак. Мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворис мерос қолдирувчи билан у вафот этган пайтда бирга яшаган бўлса ҳам ўй жиҳозлари, рўзғор буюмлари ҳисобидан қонунда белгиланган миқдордан мажбурий улушни ортиқ олиши мумкин эмас. Унинг мерос қилиб олган уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари мажбурий ҳисса миқдорига қўшилади.

Давлат ва тижорат банкларида сақланаётган маблағларига нисбатан мерос қолдирувчининг кимга бериш ҳақида васият фармойиши бўлган тақдирда ҳам бу суммалар мерос таркибига кириши ва мажбурий ҳисса ҳисоблашда улар қўшилиши керак.

Мажбурий ҳисса миқдорини аниқлаганда, агар васиятнома бўлмаса, қонун бўйича ворисликка чақирилиши лозим бўлган меросхўрларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш керак.

Мажбурий ҳиссага ҳуқуқи бўлган меросхўр ўз ҳиссасини олишдан воз кечиши мумкин. Аммо мажбурий ҳисса олишнинг қонун билан белгиланганлигидан бўлган асосий мақсадни ва уни олишга бўлган ҳуқуқнинг алоҳида категориядаги шахсларга татбиқ этилишини ҳисобга олганда, мажбурий ҳисса олишдан воз кечиш бошқа шахслар, шу жумладан бошқа меросхўрлар фойдасига бўлиши мумкин эмас.

Бундай ҳолларда мерос мулк ворисликка чақирилган барча меросхўрлар ўртасида тенг тақсимланиши керак.

Меросхўрнинг мажбурий ҳиссага бўлган ҳуқуқи бузилган тақдирда, васиятноманинг мажбурий ҳиссига доир қисми суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

## **6 §. Меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш**

Мерос мулкни муҳофаза қилиш, аввало, мерос очилган жойдаги нотариус зиммасига юклатилади. «Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 52-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарга кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқлинишига доир чора тадбирларни кўради.

Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари, уй-жой бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари мерос очилган жойда мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўришлари керак.

«Аҳоли пунктларида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда,- дейилади «Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 25-моддасида,-шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўрадилар. Мерос мулкнинг қаердалиги, унинг таркибини аниқлаш, рўйхатга олиш ва сақлаш учун топшириш-мерос мулкни муҳофаза қилиш учун кўрилган чоралар ҳисобланади».

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёк унинг бир қисми мерос очилган жойдаги бошқа ерд бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)га мерос мол-мулкни қўриқлашга доир чора-тадбирларни куриш тўғрисида топшириқ беради.

«Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар курган нотариус ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади» («Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 53-моддаси).

Рўйхатга олинган мерос мулк сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширилиши мумкин.

Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс уни бутунлигича, зарар етказмасдан сақлаш чораларини кўриши керак. Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс меросхўрлар доирасига кирмайдиган бўлса, сақлагани учун ҳақ талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳақнинг миқдори нотариус томонидан мулкни сақлашга олган шахс ўртасидаги келишувга асосланади мерос мулкни сақлаш жараёнида етказилган зарар учун жавобгарлик масалалари умумий тартибда ҳал қилинади. Мерос мулкни сақлаш харажатлари мерос мулк ҳисобидан бўлиши керак.

ФК.нинг 1131-моддасига асосан, васиятноми ижро этувчи меросни муҳофаза қилиш, уни бошқариш вазифасини амалга оширади. Васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд тартибда тайинланган васиятноми ижро этувчи, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибда ўтадиган қисимга нисбатан белгиланган мажбуриятни амалга оширувчи тайинлашни талаб қилмасалар, меросни бошқарувчи мерос мулкнинг ҳаммасини муҳоўаза қилиш ҳамда уни бошқариш вазифасини бажаради.

Қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига кўра, мерос очилган жойдаги нотариус томонидан меросни бошқарувчи тайинланиши мумкин. Бошқарув тайинланган ёки тан-

ланган номзодга норози бўлган қонун бўйича меросхўрнинг талаби билан низо суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

Қонун бўйича меросхўр бўлмаган ёки уларнинг борлиги маълум бўлмаган ҳолларда, меросни бошқариш учун ижрочи тайинлашни сўраб нотариусга маҳаллий давлат ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мурожаат қилишлари керак. Мерос очилган жойда қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлганда, уларнинг талаби бўйича ижро этувчи мерос мулк ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва мақбул тарзда ҳақ тўлаган ҳолда чақирилиб олиниши мумкин.

Мерос мулкни сақлаш учун белгиланган муддат тамом бўлиши, мерос мулкни сақлаш чоралари бекор бўлгани ҳақида нотариус ворисларга хабар бериши керак.

«Меросни бошқарувчи,-дейилади ФКнинг 1144-моддасининг 6-қисмида,-меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир».

## МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Қонун бўйича ворислик.
2. Қонуний ворислик асослари ва ворислар гуруҳлари.
3. Такдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик.
4. Мерос қолдирувчи қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслар, эр (хотин)нинг ҳуқуқлари.
5. Мажбурий улуш ҳуқуқи.
6. Меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш.

## 69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

### 1 §. Меросни қабул қилиш

Мерос очилган пайтдан бошлаб ворислар мерос мулкка бўлган ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Меросни қабул қилиб олиш ҳам бир томонлама битим бўлиб, ворисликка чақирилган шахснинг эрки-иродаси билан амалга оширилади. Бошқа битимлар сингари меросни қабул қилиб олиш ҳам фақат муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олиш тартиби ФКнинг 27; 32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширилади.

ФКнинг 1145-моддасига асосан меросхўр ўзига тегишли лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса, уни меросхўр деб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижисида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Мерос мулк фақат ворисликка чақирилган шахслар томонидан қабул қилиб олиниши керак. Ворисликка, аввало, биринчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар ёки васият бўйича меросхўрлар кирадилар.

Қонун бўйича ва васият бўйича меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ягона тартиб ўрнатилган. Бу тартиб мерос қолдирувчи билан бир жойда яшаб турган ворислар учун ҳам, бошқа жойда яшаб турган ворислар учун ҳам ягона ҳисобланади. Мерос мулкни қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи ҳаракат мерос мулкни бошқариш, сақлаш, ундан фойдаланиш, уни қўриқлаш, унга тегишли бўлган давлат солиқларини ва бошқа тўловларни тўлаш ва ҳоказо шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар ҳисобланади.

Мерос мулкни қабул қилиб олиб, унга эгалик қилишга киришилганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари, уй-жой бошқармалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мерос қолдирувчи ва меросни қабул қилганларнинг уй жойи маъмурият ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ёзма ҳужжатларига асосан тасдиқланиши мумкин.

Бундан ташқари, мерос мулкнинг қабул қилиб олинганлиги тўғрисида мерос очилган жойдаги нотариусга берилган хабар бўлиши,

бу хабар меросни қабул қилиб олган вориснинг ўзи орқали етказилган бўлиши ҳам мумкин. Агар меросхўрнинг ўзи шахсан келиб нотариусга ариза бермасдан, уни бошқа шахслар ёки алоқа идоралари орқали юборган бўлса, ундаги имзо, албатта, нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб берилган ариза ҳам мерос мулкни қабул қилиб олган билан тенг ҳисобланади. Мерос мулкнинг қисманига эгалик қилиб олиш мерос мулкнинг ҳаммасини қабул қилиш билан тенглаштирилади.

Меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги масала юзасидан чиққан низолар суд тартибида кўрилиб, ҳал қилинади. Мероснинг қабул қилиб олинганлиги ёки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб берган аризани қайтариб олиш ёки ундан воз кечишга йўл қўйилмайди. Бундай шахслар кейинчалик мерос олишдан бош тортишга ҳам ҳақли эмаслар.

Мерос олиш учун қонунда муддат белгиланган эмас. Меросдан воз кечиш учун берилган олти ойлик муддат тамом бўлгандан кейин, меросхўр бундай ҳуқуқни йўқотади. Демак, мерос мулкни қабул қилган ҳисобланади.

Меросхўр меросни қабул қилмасдан, ундан воз кечса, бошқа меросхўрлар бўлмаса ёки улар ҳам мерос олишдан воз кечсалар, мерос мулкка бўлган ҳуқуқ иккинчи навбат меросхўрларга ўтади.

Васият бўйича меросхўрларга ҳам меросдан воз кечиш учун олти ой муддат берилган, шу муддатда меросдан воз кечгани тўғрисида нотариусга ариза билан мурожаат қилмасалар, меросни қабул қилган ҳисобланадилар.

Меросдан воз кечиш. «Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли, -дейилади ФКнинг 1147-моддасида, -Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.»

Меросдан воз кечиш бир томонлама битим бўлиб, ФКнинг 9-бобида назарда тутилган битимлар ҳақидаги қоидаларга асосланади. Меросдан воз кечиш, фақатгина, муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомалага лаёқати чекланган шахслар эса, ўзларининг ҳомийлари, қонуний вакиллари розилиги билан, муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар эса, уларнинг номидан васийлари меросдан воз кечишни амалга оширишлари мумкин.

Меросдан воз кечиш тўғрисидаги ариза нотариусга берилади. Мерос мулкнинг бир қисмидан воз кечишга йўл қўйилмайди. Мероснинг бир қисмидан воз кечганлик мероснинг ҳаммасидан воз кечганлик ҳисобланади. Меросдан воз кечган ворис кейинчалик меросни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Меросдан воз кечиш фақатгина қонун бўйича меросхўрлар жумласига кирган шахслар фойдасига, шунингдек васият бўйича меросхўрлар фойдасига бўлиши мумкин. Бундан ташқари меросдан воз кечиш давлат ёки жамоат ташкилотлари фойдасига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фойдасига ҳам бўлиши мумкин.

Меросдан воз кечиш бир ёки бир неча меросхўрлар фойдасига, бир неча ташкилотлар фойдасига ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда меросдан воз кечган ворис фойдасига воз кечганларнинг ҳар бирига маълум улушни ёки маълум ашёни белгилаб бериши мумкин. Улуш белгиланмаган тақдирда, мерос мулк уларнинг ҳаммасига тенг улашда тақсимланади.

Меросхўрлар доирасига кирмаган шахслар фойдасига, ваисятномада махсус кўрсатиш билан меросдан маҳрум этилганлар фойдасига, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар фойдасига меросдан воз кечишга йўл қўйилмайди. Меросдан воз кечиш фақатгина мерос очилгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Мерос очилмасдан олдин меросдан воз кечиш мумкин эмас.

Меросдан воз кечишлик алдаш, зўрлик қилиш, кўрқитиш, рухий таъсир ўтказиш ва бошқа ғайри қонуний ҳаракатлар орқали амалга оширилган тақдирда, битимлар тўғрисидаги қоидаларга асосан суд йўли билан бундай воз кечиш ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар ҳам қонунда белгиланган муддатда меросдан воз кечиш ҳақида нотариусга ариза берган бўлсалар уларнинг улушлари қонун бўйича ёки васият бўйича меросхўрларга ўтиши лозим.

Мерос қолдирувчининг неvara, чеваралари қонун бўйича фақатгина тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворис бўлишлари мумкин бўлганлиги сабабли, уларнинг фойдасига меросдан воз кечиш, шунингдек, агар улар васият бўйича меросхўр бўлсалар ёки мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар сифатида ундан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлсалар, улар фойдасига ҳам меросдан воз кечиш мумкин. «Агар меросхўр, -дейилади ФК.нинг 1147-модда 5-қисмида, -мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка

бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган вақт ўтмасданок йўқотади».

Меросхўр томонидан берилган ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган тақдирда, меросдан шу тарзда воз кечиш ҳам мумкин.

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам, вориликка чақирилган бўлса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган мерос мулкидан воз кечишга ҳақли.

Бошқа меросхўрларнинг меросдан воз кечиши оқибатида мерос улуши ортган ворис, бу улушни олишдан воз кечиши мумкин.

«Васият мажбурият юзасидан ҳуқуқ олувчи, -дейлади ФК.нинг 1149-моддасида, -васият мажбуриятидан воз кечишга ҳақли-қисман воз кечишга, изоҳотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди».

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи, айти бир вақтда ҳам меросхўр ҳисобланганда, васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди. Бундай ҳолларда васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи бу ҳуқуқдан меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахслар фойдасига воз кечишга ҳақли эмас.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи, васият мажбуриятини қабул қилган бўлса, мажбуриятни бажаришга мажбур. Бундай ҳолларда васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

Васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи бу ҳуқуқдан ўз эрки билан воз кечишга ҳақли; Бундай ҳуқуқдан воз кечишлик, албатта, сўзсиз ва қатиян бўлиши керак. Ҳуқуқдан воз кечган шахс уни қайтадан тиклашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Меросхўрлар жумласига кирувчи шахс васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи бўлган, тақдирда, васият мажбуриятидан воз кечиш ҳуқуқи, айти бир пайтнинг ўзида, уларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб,

а) қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар доирасига кирмайдиган шахслар фойдасига меросдан воз кечиш ҳақиқий ҳисобланмайди;

б) мерос қолдирувчи томонидан махсус фармойиш билан меросдан маҳрум этилган меросхўрлар фойдасига меросдан воз кечишга йўл қўйилмайди;

в) ФК,нинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда меросдан четлаштирилган ворислар фойдасига меросдан воз кечиш мумкин эмас.

## **2 §. Мероснинг тақсимланиши**

Қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлардан исталган бири мерос мулкни тақсимлашни ва ундан ўз улушини ажратиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мерос мулкни тақсимлаш меросхўрларнинг ўзаро келишуви билан улардан ҳар қайсисининг ўзига тегишли бўлган ҳиссасига яраша тақсимланади. Меросни тақсимлаш муносабати билан меросхўрлар ўртасида чиққан низо меросхўрлардан бирининг ёки бир нечтасининг даъво аризасига асосан суд тартибида ҳал қилинади.

Меросхўрлар ўртасида мерос мулкни тақсимлашдан олдин эрхотиннинг ёки бошқа меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан умумий биргаликдаги мулкдан ҳаётлик вақтида тегишли бўлган қисмини ажратиб, шунингдек, васиятномада белгилаб қўйилган мол-мулк ҳам васият бўйича меросхўрга берилиб, қолган қисми қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Умумий биргаликдаги мулкни тақсимлаш ФК.нинг 226-моддаси тартибида амалга оширилади.

Мерос қолдирувчининг ҳомила бўлиб, ҳали туғилмаган болалари бўлган тақдирда меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейин амалга оширилиши керак.

«Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик тўғилса,- дейилади ФК.нинг 1151-моддаси 5-қисмида, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлаш амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотда яқалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили тақлиф этилиши лозим».

Ҳомиладаги бола ўлик туғилган тақдирда, унга тегишли улуш бошқа қонуний меросхўрлар ўртасида тенг ҳиссаларда тақсимланади.

Барча мерос мулк ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда ёки муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васиятнома тузилган бўлса, мерос васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.



Махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши мажбурий бўлган мол-мулкнинг (уй-жой, автомашина ва ҳоказолар) меросхўрлар ўртасида тақсимланиши алоҳида шартнома билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан берилиши керак.

Бундай шартномалар, албатта, нотариал тартибда гувоҳлантирилиши ва тегишли давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра, мерос мулкнинг бошқа қисмларини тақсимлаш ҳам шартнома тузиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Давлат жамғарма банкларида, тижорат банклари ва бошқа омонат сақланадиган муассасаларда бўлган маблағлар юзасидан омонатчи махсус кўрсатма қолдирган бўлса, ёки васиятномада бу ҳақда фармойиш берган бўлса, омонатдаги бу маблағ васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш билан расмийлаштирилади. Агар банкдаги омонатни кимга бериш ҳақида фармойиш берилмаган бўлса, ундаги маблағ умумий тартибда мерос таркибига киритиб тақсимланиди.

ФК.нинг 216-моддасига асосан умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк бўлган, яъни бўлинмайдиган ашёлар ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк ҳисобланган корхона-мерос ҳуқуқи бўйича икки ёки ундан ортиқ шахсларга, ворисларга ўтганда, улар ўртасида мулкларнинг айнан ўзи бўлинмайди.

Биргаликдаги умумий мулкда мулкдорлардан ҳар бирининг улуши белгилаб қўйилган бўлса, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги улуши ҳар бир меросхўрнинг улушига қўшилади.

Бундай ҳолда корхона бутунлигича қолиб, умумий улушли мулк сифатида фаолият юритади. Мерос қолдирувчи томонидан қолдирилган меросдан хисса корхонада улуши бўлмаган меросхўрга ўтган тақдирда, у ҳам умумий мулкка улушли мулкдор бўлади. Умумий улушли мулкнинг мулкдорлари умумий тартибда ФКнинг 223-моддасида назарда тутилган қоидага асосан ўз улушларини асл ҳолича, айнан ўзини ажратиб беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Агар улушнинг айнан ўзини асл ҳолича ажратиб беришга қонун йўл қўймаса, ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка номутаносиб зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан унинг қиймати тўланиши керак.

Қонун билан айрим меросхўрларга мерос таркибига кирган айрим мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқ белгиланган. Алоҳида мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш бошқа меросхўрларнинг, шунингдек, мерос қолдирувчининг бошқа оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмаслиги керак.

ФК.нинг 1153-моддасига асосан, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа тураржойни, шунингдек, уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Бундай имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиш учун меросхўр, албатта, мерос қолдирувчи билан у вафот этган пайтда мерос мулк бўлган уй-жойда, квартира бирга яшаб турган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, мерос мулкка нисбатан мерос қолдирувчи билан умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўр мулк тақсимланганда умумий мулкнинг айнан ўзини мерос қилиб олишни талаб қилишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Мерос мулк таркибига кирган уй-жой, квартира, уй ашёлари ва рўзғор буюмлари ҳамда биргаликдаги умумий мулк тақсимланганда, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш оқибатида мерос мулкка тақсимлашда иштирок этган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатига путур етказмаслиги керак.

Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муносабати билан мерос таркибига кирган барча мол-мулк бошқа ворисларга тегишли улушларини бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқ билан мерос мулкнинг айнан ўзини олган ворис бошқа меросхўрларга тегишли ҳиссаларини пул бароварида ёки маълум бир бошқа мулк бароварида қоплаши керак.

Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш натижасида мерос таркибига кирган мол-мулк бир меросхўр эгалигига ўтиши муносабати билан бошқа ворис оғир аҳволга тушиб қолиш эҳтимоли бўлиб қолганда, улар ўртасида келишув бўлмаса, масала суд томонидан адолатни ҳал қилиниши керак.

ФКнинг 1154-моддасига асосан, меросхўр меросдан воз кечган ёки ворислар қаторидан четлаштирилган тақдирда, мероснинг уларга тегадиган қисми қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида ҳиссалрига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этса, унинг тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислари бўлмаса, мерос мулк

қонун бўйича ёки васият бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар томонидан қабул қилиб олинмаса, мерос олишдан маҳрум қилинган вориснинг улуши васият қилинмай қолган бўлса, ФКнинг 1119-моддаси тартибида нолайиқ меросхўр сифатида меросдан четлаштирилса, мероснинг уларга тегишли ҳиссалари қонун бўйича ворисларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, дейилади ФКнинг 1154-моддасида, мероснинг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми қолган васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади ва агар васиятномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади».

Меросдан воз кечишлик бошқа қонун бўйича ёки васият бўйича ворислар фойдасига бўлмаган тақдирда ҳам мерос мулк қонун бўйича ворислар ихтиёрига ўтади.

Васиятномада кўрсатилмаган ва васият қилинмасдан қолган мулк ҳам қонун бўйича меросхўрларга ўтади, улар ўртасида тенг тақсимланади. Меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ворис ўрнига бошқа меросхўр тайинланган бўлса ёки меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган бўлса, шунингдек қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг меросдан воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши, кейинги навбатдаги меросхўрларнинг ворисликка чақирилишига сабаб бўлса, уларга тегишли мерос мулкдан улуш кўрсатилган шахсларга ўтади.

Демак, мерос ҳиссаларининг ортиши мерос мулкни қабул қилиб олмаганлик, меросни қабул қилишдан воз кечганлик, васият қолдирувчи томонидан меросхўрни мерос ҳуқуқидан маҳрум қилганлик оқибатида ва васият қилинмай қолган мол-мулк ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Фараз қилайлик, мерос қолдирувчи «С» ўзининг енгил автомашинасини ўғли «М»га, уй-жойни эса, набираси «К»га, қолган барча мол-мулкни хотини «Б»га васият қилиб қолдирди. Набираси «К» васият бўйича мерос олишдан воз кечиб, меросни қабул қилиб олмади. Бундай ҳолда «К»га тегишли бўлган уй-жой мерос қолдирувчининг қонун бўйича меросхўрлари бўлган хотини «Б» ва ўғли «М»га тенг улушда бўлинади. Қонун бўйича ворислик вужудга келмайди, чунки

«С» ўзининг барча мол-мулкнинг хотини «Б»га васият қилиб қолдирган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, васият бўйича меросхўр, қонун ёки васият бўйича бошқа меросхўрлар фойдасига, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг унинг ўзи бошқариш органлари фойдасига ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ворисдан кейинги ворис тайинлаб, меросдан воз кечса, мерос очилгандан кейин вафот этганда вориснинг васият бўйича мерос ҳиссасига нисбатан ҳам мерос ҳиссаларининг кўпайиши ҳақида қоидалар татбиқ қилинади.

Мерос мулкни қабул қилиб олмаган, меросни қабул қилишдан воз кечганлиги оқибатида меросхўрлар ҳиссаларининг бошқа ворисларга ўтиши билан уларнинг ҳиссалари ортиши мумкин. Шунингдек, мерос очилгандан кейин ворис вафот этиб, унинг ҳиссасини оладиган тақдим этиш ҳуқуқи билан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар бўлмаса, уларнинг мерос мулкдаги ҳиссалари қонун бўйича ворисликка чақирилган ворислар ўртасида улушларига мутаносиб тақсимланади.

Васият қилувчи ўзининг қонун бўйича ворисларидан бирини бир нечасини мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этса, буларнинг ҳиссалари бошқа меросхўрларнинг мерос ҳиссаларига кўшилади.

Қонун бўйича мерос қолдирувчининг барча мол-мулкни ёки унинг васият қилинмасдан қолган қисмини ҳамма мол-мулк васият қилинган ҳолда мерос ҳиссаларининг ортишида ҳар хил тартиб белгиланган.

Қонун бўйича мерос қолдирувчининг ҳамма мол-мулки ёки унинг васият қилинмай қолган қисми, шунингдек, мерос очилганда қонунда назарда тутилган асосларда меросдан четлаштирилган вориснинг ҳиссаси қонун бўйича ҳамма мерос мулкка ва унинг васият қилинмай қолган қисмига ворислик ҳуқуқи ворисликка чақирилган меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида тенг ҳиссада тақсимланади.

Мерос қолдирувчи ўзининг барча мол-мулкни васият қилиб қолдирганда, меросдан воз кечган ва меросхўрлар қаторидан четлаштирилган ворисларга тегишли мерос мулк васиятномада тайинланган меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида улушларига қараб, мутаносиб тарзда тақсимланади.

Ворисликдан тушиб қолган меросхўрнинг мерос мулкдаги ҳиссасининг бошқа меросхўрларга ўтиши мерос улушининг ортиши ҳисобланади.

Мерос мулк мерос очилиши билан ворислар ихтиёрига ўтади ва уни қабул қилиб олган ҳисобланадилар. Аммо мерос мулкни тасарруф этиш, мерос мулк ҳисобидан қонунда назарда тутилган харажатлардан бошқа талаблар қолдирилиши мумкин эмас. Мерос мулкни тасарруф қилиш қонунда белгиланган олти ой ўтгандан сўнг ёки ворислик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома олингандан кейин вужудга келади.

Мерос очилган жойда ҳамма ворислар ҳозир бўлгани ҳолда улар ўртасида келишмовчилик бўлмаган тақдирда, мерос мулк ҳисобидан ҳамма харажатларни амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолларда меросни кейинчалик тақсимлаганда ворислар томонидан қилинган харажатларни ўзлари қабул қилган мерос ҳиссаларига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига асосан, нотариус мерос очилганлик ҳақидаги хабарни эшитгач, бу ҳақда меросхўрларни хабардор қилиши шарт. Мерос очилган пайтда мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган, лекин мерос олишга чақирилган ворис ФКнинг 1147-моддасида белгиланган олти ой давомида меросдан воз кечмаган бўлса, меросни қабул қилиб олган ворислар томонидан мерос мулкни тақсимлаш ниятлари ҳақида унга хабар бергандан кейин уч ой ичида меросни тақсимлашда иштирок этиш ниятини билдирмаса, мерос мулкдан унинг қисми ажратилиб, қолган қисми ўзаро келишилган ҳолда ворислар ўртасида тақсимланади.

Мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи маълум бўлмаса, нотариус оммавий ахборот воситалари орқали ошкора маълум қилиш ёки хабар эълон қилиш йўли билан ҳам меросхўрни чақириши мумкин. Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ФКнинг 1151-моддасининг 2-қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

ФКнинг 216-моддасида умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари белгилаб қўйилган. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мулк ҳуқуқида ҳар бир мулкдорнинг улуши аниқланиб қўйилган (улушли мулк) ёки улушлари аниқланиб қўйилмаган (биргаликдаги умумий мулк) бўлиши мумкин.

Қонун билан тартибга солинмаган, шартнома билан ёки бошқача тарзда умумий мулк иштирокчилари келишувига кўра уларнинг ҳис-

салари белгилаб қўйилмаган бўлса ва уни белгилаш ҳам мумкин бўлмаса, умумий мулк иштирокчиларининг ҳиссалари тенг бўлиб ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлангандан кейин амалга оширилиши мумкин. Умумий мулк тақсимланганда ва ундан улуш ажратилганда, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

ФКнинг 223-моддасида умумий мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш асослари ҳамда тартиби, биргаликдаги мулкнинг айрим турлари учун бошқа қонунлар билан белгиланади.

Улушли мулкни тасарруф қилиш унинг барча иштирокчилари келишуви билан амалга оширилади.

«Улушли мулк иштирокчиси,-дейлади ФКнинг 218-моддасида, -ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга қўйишга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ушбу кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади».

Демак, улушли мулк иштирокчиси мол-мулкни тасарруф қилаётганда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқини бузмаслиги керак.

Умумий биргаликдаги мулк-бу ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган икки ёки ундан ортиқ шахс эгалигида бўлган мулк ҳисобланади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирортасининг вафоти муносабати билан мерос таркибини белгилаш учун унинг улушини аниқлаш зарурати туғилади. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирининг улушини аниқлаш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улушини аниқлашни талаб қилади. Умумий мулк тақсимланганда ва ундан вафот этганнинг улуши ажратилганда, қонунда ёки умумий мулк иштирокчиларининг бошқача келишуви бўлмаган тақдирда, ҳамма иштирокчиларнинг ҳиссалари тенг бўлади.

«Умумий биргаликдаги мулк-иштирокчиларининг ўлими,-дейлади ФКнинг 1114-моддасида,-умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги унинг улушини аниқлаш ва ушбу кодекснинг 226-моддасида белги-

ланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушини ажратиш учун асос бўлади».

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий молқмулкка бўлган ҳуқуқдаги ўз улушини васият қилиб қолдиришга, шу билан бирга, умумий биргаликдаги мол-мулкнинг ҳар бир иштирокчиси умумий мулкни тасарруф этиш тўғрисида битимлар тузишга ҳақли.

Васиятнома биргаликдаги умумий мулкда бўлган ҳиссага қолдирилган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги улуши аниқланади.

Агар биргаликдаги умумий мулк иштирокчилари васият қолдирмасдан вафот этган бўлса, умумий биргаликдаги мулкдаги ҳиссаси аниқланиб, қонун бўйича меросхўрларга тенг ҳиссада тақсимланади.

Эр ва хотинларнинг умумий биргаликдаги мулкда бўлган улушга нисбатан мулк ҳуқуқини улар ҳаётлигида расмийлаштиришлари мумкин.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 62-моддасига асосан, эр-хотиннинг ёзма аризасига асосан улардан бирига ёки ҳар иккаласига никоҳ давомида орттирган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқ тўғрисида нотариус томонидан гувоҳнома берилади.

Уй-жойга(уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек, бошқа бинолар, иншоотлар, иморатлар ва бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома, шу мол-мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

### **3 §. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш**

Меросни қабул қилиб олиш бир томонлама битим бўлгани сабабли, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш меросни қабул қилиб олган меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки уларнинг ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризасига асосан мерос очилгандан сўнг олти ой ўтгандан кейин берилади.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддасига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг ёзма аризасига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради. Меросхўр ариза билан бирга мерос қолдирувчининг вафоти ҳақидаги гувоҳнома, мерос очилган жой ва вақтини, мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатини тасдиқловчи ҳужжатлар ва, шунингдек, мероснинг таркибини аниқловчи далилларни топшириш керак.

Мерос қолдирувчи билан ўзининг қариндошлик муносабатларини исботловчи ҳужжатлари бўлмаган ворислар бошқа меросхўрларнинг розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ўзларини киритишлари мумкин. Бундай розилик, албатта, ёзма равишда берилиши керак ва низо чиққан тақдирда суд орқали қилинади.

«Қонун бўйича мерос очилганида ҳам, васиятнома бўйича мерос очилганида ҳам,-дейлади ФКнинг 1146-моддасида,-агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат (олти ой. Р.М.) тугамасдан олдин берилиши мумкин».

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги муддатни ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритиши мумкин. Бу розилик, албатта, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада ўз аксини топиши мумкин.

Мерос мулк таркибига кирган айрим ашёларга нисбатан бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Масалан уй-жой, автомашина ва бошқа шунга ўхшаш давлат рўйхатидан ўтказилган ашёларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак. Акс ҳолда, бу ашёларга нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилмайди, чунки улар мерос таркибига кирмайди.

Бундан ташқари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома учинчи бўлган мерос мулкни талаб қилиб олиш учун, васият қилинмасдан қолган банклардаги жамғарма пулларни олиш учун ҳам керак бўлади.

Масалан, мерос қолдирувчининг ололмай қолган муаллифлик ҳақи, ихтиро ва кашфиётлар учун олинган ҳақ ва бошқа олиши лозим бўлган, васият қилинмасдан қолган ҳақлари.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун асос - фақат мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Меросхўрнинг қўлида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг бўлмаслиги бу ҳуқуқни йўқотишга олиб келмайди.

Миқдори қонун билан белгиланган бир ойлик энг кам иш ҳақидан ошмаган банклардаги васият қилинмасдан қолган жамғарма пулларни, мерос қолдирувчининг ололмай қолган иш ҳақини олиш учун меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олти ойлик муддат ўтмасдан берилиши мумкин.



«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддасида қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари белгилаб қўйилган.

«Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида, -дейилади бу моддада, -тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қонун бўйича ворисликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текшириб кўради».

Васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун эса, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, васият-номанинг борлиги, унинг бекор қилинмаганлиги, мажбурий ҳиссага ҳуқуқи бўлган ворисларнинг доираси аниқланиши керак.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра, ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос мулкнинг ҳаммасига ёки меросхўрлар хоҳишига кўра, унинг бир қисмига берилиши мумкин. Мерос мулкнинг қолган қисмига эса, кейинчалик қўшимча гувоҳнома берилиши мумкин. Масалан, меросхўрнинг талаби бўйича фақат уй-жойга ёки автомашинага бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилиши мумкин.

Тергов ва суриштирув органлари томонидан рўйхатга олинган ва арест солинган мол-мулкларга нисбатан, бу мулкларни рўйхатдан чиқарилмасдан ёки арест бекор қилинмасдан олдин меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш мумкин эмас.

Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариусга мурожаат қилмаган бўлса, унинг ҳиссаси очик қолдирилади.

Нотариус вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўр яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Мажбурий ҳиссага бўлган мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома васиятнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмасдан ҳам берилиши мумкин. Агар мажбурий ҳиссага бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома беришда низо чиқиб қолса, нотариус гувоҳнома беришни тўхта-

тиб, муддат беради. Белгиланган муддатда манфаатдор ворислар судга мурожаат қилсалар, масала суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади ва суднинг қарорига асосланиб гувоҳнома берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш билан боғлиқ ҳамма низолар суд тартибида кўрилиб ҳал қилинади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суд қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мерос мулк давлатга ёки давлат органларига васият қилинган бўлса, нотариус ҳеч кимнинг мурожаатини кутмасдан, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани мерос очилган жойдаги молия органига беради.

«Нотариус тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддасида васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари белгиланган.

«Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида,- дейилади бу моддада,- тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятномининг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойни, мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текширади.

Нотариус меросдан шак-шубҳасиз улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ҳам аниқлайди».

Ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилгандан кейин меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган тақдирда, унинг ворислари тақдим қилиш ҳуқуқи асосида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома талаб қилиб, нотариусга мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳаётлик вақтида умумий биргаликдаги мулкдаги ўз улушига бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштирмаган эр-хотинлардан бири вафот этганда марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига асосан умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши мумкин.

«Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда, - дейилади «Нотариат тўғрисида»ги қонунинг 63-моддасида,- эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотинига (эрига) никоҳ давоми-

да орттирилган умумий мол-мулкнинг ярмиси учун берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра ва марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) розилиги билан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома вафот этган эрнинг (хотиннинг) ҳам умумий мол-мулкдаги улуши белгиланиши мумкин».

#### **4 §. Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши**

Ворисликка чақирилган меросхўр қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ўзига тегишли бўлган мерос мулкнинг ҳаммасига ёки бир қисмини қабул қилиб олиш ҳуқуқига, мерос очилган пайтдан эътиборан эга бўлади.

Меросни қабул қилиб олиш бир томонлама битим бўлиб, уни бажариш фақатгина мерос олувчининг эрки-иродасига боғлиқ. Меросхўр мерос мулкни олиш ҳуқуқидан воз кечиши мумкин.

Мерос қабул қилиш учун махсус муддат қонунда белгиланган эмас. Лекин мерос ҳуқуқидан воз кечиш учун олти ой муддат белгиланган. Шу муддатда меросдан воз кечгани тўғрисида нотариусга ариза билан мурожаат қилмаса, меросхўр меросни қабул қилган ҳисобланади.

Мерос мулкни бошқариш, сақлаш, қисман бўлса ҳам, ундан фойдаланиш, шу билан бирга, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, нотариусга қилинган мурожаат - мерос мулкни қабул қилганлигини исботлайди.

«Агар меросхўр меросни қабул қилмаган ва мерос мулки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, давлатга ёхуд бирор бир шахснинг эгаллигига ўтказилмаган бўлса, -дейилади Олий суд Пленумининг 33-сон қарори 14-бандида, -меросхўр истаган вақтида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариусга мурожаат қилиши мумкин».

Қонун бўйича меросхўр ёки васият бўйича ворисликка чақирилган ворис мерос очилмасдан олдин ёки мерос очилгандан кейин, меросни ўзига тегишли қисмини олиш учун ҳаракат қилмасдан вафот этган тақдирда, мерос мулкдан унга тегишли улушни қабул қилиб олиш ҳуқуқи қонун бўйича тақдим этиш ҳуқуқи асосида унинг меросхўрларига ўтади.

Масалан, фуқаро «К» 2001 йил 15 мартда вафот этиши муносабати билан, унинг ўғиллари «Б» ва «Д» ворисликка чақирилган. Аммо «Б» икки ой ўтгандан кейин 2001 йил 15 май куни отасидан қолган

мерос мулкдан ўз улушини ололмасдан вафот этган. Мерос қолдирувчи «К» билан биргаликда яшаб турган ўғли «Д» мерос мулкнинг ҳаммасига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб, нотариусга мурожаат қилган. Мерос қолдирувчи «К»нинг катта ўғли «Б»нинг қонун бўйича меросхўри «Х» борлигидан хабар топган нотариус, уни ворисликка тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича чақириб, отаси «Б»га тегишли бўлган мерос улушга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериб, масалани адолатли ҳал қилган.

Мерос очилгандан кейин ёки мерос очилмасдан олдин вафот этган меросхўрнинг мерос улушини қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ўтади.

Вафот этган меросхўрнинг мерос олиш ҳуқуқи ҳам унинг ворислари томонидан умумий даъво муддатида амалга оширилиши мумкин.

Мерос мулкни қабул қилиб олган, аммо уни тегишлича расмийлаштиришга улгурмасдан вафот этган тақдирда, унинг ворислари, меросни қабул қилиш ҳуқуқи тақдим қилиш ҳуқуқи асосида ўтади.

Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши билан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича мерос олиш қуйидагилар билан фарқ қилади:

а) Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши меросхўр мерос очилгандан сўнг меросни қабул қилиб, уни расмийлаштиришга улгурмасдан вафот этиши муносабати билан амалга оширилади;

б) Меросни қабул қилиш ҳуқуқининг ўтиши, нафақат қонун бўйича, шунингдек васият бўйича ворисликда ҳам амалга оширилади;

в) Меросни қабул қилиш ҳуқуқини нафақат набира ва чеваралар, шунингдек, бошқа ҳар қандай меросхўрлар ҳам қўлга киритадилар.

Демак, меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олишга улгурмай вафот этган бўлса, унинг меросни қабул қилиш ҳуқуқи мерос таркибига киради ва унинг меросхўрлари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни талаб қилишлари мумкин.

## **5 §. Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш**

Мерос мулк мерос очилиши билан ворислар ихтиёрига ўтади. Аммо мерос мулкни қабул қилиб олган ворисга уни тасарруф қилиш ҳуқуқи берилмаган. Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган олти ойлик муддат ўтгандан кейингина ёки меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома олингандан кейин вужудга келади. Мерос очилган жойда ҳамма ворислар мавжуд бўлган тақдир-

да, улар ўртасида келишув бўлса, мерос мулк ҳисобидан ҳамма харажатларни амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолларда меросни кейинчалик тақсимлаганда, ворислар қилинган харажатларни ўзлари қабул қилган мерос хиссаларига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.<sup>1</sup>

Мерос мулк ҳисобидан харажат қилиш тартиби ФКнинг 1155-моддаси, «Нотариат ўғрисида»ги Қонунинг 57-моддасида назарда тутилган.

«Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин,-дейлади ФКнинг 1155-моддасида,-мерос қолдирувчининг вафоти олдиан хасталиги туфайли қилинган харажатлар, мерос қолдирувчининг дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек, васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчи ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан, ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қолдирилиши лозим».

Зарур ҳолларда, бу қоидадан истисно тариқасида нотариус мерос мулк ҳисобидан айрим харажатларни қоплаш учун маблағ ажратиб бериш ҳақида кўрсатма бериши мумкин.

Масалан, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган вояга етмаган, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз боқимларининг турмуш кечириши учун вақтинча мерос мулк ҳисобидан маблағ ажратиб берилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг вафоти муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган дафн маросимига кетадиган харажатлар, биринчи навбатда, мерос мулк таркибига кирган пул маблағлари ҳисобидан бўлиши керак. Пул маблағлари етишмаган ёки умуман бўлмаган тақдирда, бошқа мулклар ҳисобидан қопланади.

Мерос мулкдан қилинган харажатлар юзасидан келиб чиққан ҳар қандай низолар ворисларнинг даъво аризасига биноан суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

Мерос қолдирувчининг карзлари бўйича кредиторлар олдида жавобгарлик меросхўрлар зиммасига тушади. Одатда, ўзбекча урф-одатлар бўйича вафот этган шахснинг дафн этиш маросимида кўпчи-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Тошкент. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. . III-жилд 1998 -297 б.

лик ўртасида ворислардан бири мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

ФКнинг 1156-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг кредитори ва сиятномани ижро этувчига, меросни бошқарувчига ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиққан ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мерос мол-мулкнинг қиймати доирасида шерик қарздор сифатида жавобгар бўладилар.

Мерос мулкни қийматини белгилашда бозор нархининг ўртача миқдоридан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилиш лозим бўлади.

Мулк қийматини белгилашдан келиб чиққан низолар ҳам суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

Меросхўрлар фақат қонун бўйича ҳуқуқни олиш йўли қўйилган мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлишлари мумкин.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ қарзлар (алимент, нафақа тўлаш) фақат ўтган вақтдан қолган қарзи учун мерос мулк ҳисобидан қопланади.

Мерос мулкни сақлаш, қўриқлаш учун тайинланган шахсларга, шунингдек мерос мулкни бошқариш учун васиятномани ижро этувчи шахсларнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш масаласи ҳам мерос тақсимланишига қадар ҳал қилиниши керак. Бундан харажатларни қоплаш ҳақида топшириқ нотариус томонидан берилиши мумкин.

«Нотариат тўғрисида»га қонуннинг 55-моддасига асосан, мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар улар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ талаб қилишга ҳақлидирлар.

Мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгарлик ҳақидаги қоидалар барча қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрларга, шу жумладан давлат ёки бошқа юридик шахсларга баб-баробар тааллуқлидир.

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 57-моддасида, нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунча, агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома давлатга берилгунча, мерос мол-мулк ҳисобидан:

1) Мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб турган, шунингдек, вафот этгандан кейин, уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш;

2) Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш;

3) Иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш;

4) Мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек, меросхўрларни чақириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида фармойиш беради.

Агар кўрсатилган харажатлар мерос мулк тақсимлангунга қадар тўланмаган бўлса, меросхўрларнинг олган ҳиссаларига мутаносиб равишда ундирилади.

Бундай харажатларни ундириб олиш учун умумий даъво муддати қўлланилади.

## **6 §. Мерос мулкни эгасиз деб топиш**

Маълумки, ФКнинг 1112-моддасига асосан, ворислик, фақат икки йўл билан-васият бўйича ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васият мавжуд бўлмаган ёки мерос қолдирувчи томонидан мол-мулк тақдири ҳал қилинмаган ҳолларда, қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Қонунга асосан давлат фақат васият бўйича ворислик ҳуқуқи асосида меросхўр бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат меросдан воз кечишга ҳақли эмас.

Мерос мулк ворислик ҳуқуқи асосида давлатга ёки унинг айрим органларига, шунингдек жамоат ташкилотларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши мумкин.

Мерос мулк давлатга ёки давлат органларига қуйидаги ҳолларда ўтади:

биринчидан, мерос қолдирувчи ўзининг барча хусусий ва шахсий мулкларини, шунингдек, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлатга ёки давлатнинг айрим органларига васиятнома орқали қолдирган бўлса;

иккинчидан, мерос қолдирувчи ўзининг молқ-мулкининг бир қисмини ёки айрим ашёларни давлатга ёки давлатнинг айрим органларига васият қилиб қилган бўлса;

учинчидан, меросхўрлардан бири ёки бир нечтаси, ўзининг мерос мулкдаги улушини олишдан, давлат ёки давлатнинг бирон органи фойдасига, воз кечса;

Мерос қолдирувчи ўз мулкни давлатга ёки давлат органига васият қилган тақдирда, нотариус васиятномага асосан васият қилинган мулкни тўғридан-тўғри давлат эгалигига ўтказиш учун мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома ёзиб, молия органига юборади.

ФКнинг 1157-моддасида мерос мол-мулк куйидаги асослар мавжуд бўлганда эгасиз деб топилиши кўрсатилган:

биринчидан, қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса;

иккинчидан, меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса;

учинчидан, меросхўрларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса;

тўртинчидан, ФКнинг 1119-моддасига асосан меросхўрлар меросдан четлаштирилган бўлса;

бешинчидан, мерос қолдирувчи барча меросхўрларни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, мерос мулкни ҳеч кимга васият қилмаса;

олтинчидан, мерос мулкнинг бир қисмини ёки алоҳида ашёларни васият қилиб, қолган мол-мулкни оладиган қонуний ворислар бўлмаса;

Қонунда назарда тутилган асосларда, ФПКнинг 298-300-моддалари тартибида суднинг ҳал қилув қарори билан мерос мол-мулк эгасиз деб топилиш мумкин.

Мерос мол-мулкка эгасиз деб топиш масаласини ҳал қилиш учун, мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимият органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин ариза билан судга мурожаат қилиши керак. Суд аризани кўриб, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда, мерос мулкни эгасиз деб топиб, уни турган жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказди. Агарда бу орган мол-мулкдан воз кечса, эгасиз деб топилган мерос мулк давлат мулкига ўтади. Давлат эгасиз деб топилган мерос мулкни қабул қилишдан воз кечишга ҳақли эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эгасиз қолган мерос мулкни қўриқлаш, бошқариш учун талаб қилинадиган харажатлар мулкнинг қийматидан ошиб кетадиган бўлса, мулкни эгасиз деб топиш масаласини кўрсатилган бир йил муддат ўтмасдан ҳам суд томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, мерос мулк давлат эгалигига уч йўл билан ўтади:

- биринчидан, мерос қолдирувчининг қолдирган васиятномаси бўйича;



- иккинчидан, меросхўрларнинг меросдаги ўз улушидан давлат ёки унинг органлари фойдасига воз кечган билан;

- учинчидан, мерос мулкни суд қарори билан эгасиз деб топилиши муносабати билан, мерос мулк мулк ҳуқуқи асосида давлат эгаллигига ўтади.

Демак, мерос мулк фақат қонун бўйича ва васият бўйича ворислик асосида меросхўрларга ўтади. Эгасиз қолган мулк эса, давлат эгаллигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан эгасиз мулкни олишдан воз кечгандан сўнг эгасиз мулк сифатида.

## **МУАММОЛИ САВОЛЛАР**

1. Меросни эгаллаш.
2. Мерос гувоҳномаси.
3. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи ва уни чекланиши.
4. Васият мажбуриятидан воз кечиш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.
5. Мероснинг тақсимланиши.
6. Корхонага ворислик.
7. Мерос улушларининг ошиши.
8. Мерос мол-мулкига қаратиладиган ҳаражатлар ва қарзлар.
9. Эгасиз қолган мол-мулк.

## **ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг ворислик ҳуқуқи
2. Ворислик тўғрисидаги қонунчилик ва уни такомиллаштириш муаммолари
3. Васиятнома ва уни расмийлаштириши тартиби
4. Ворислик асослари
5. Қонун бўйича ворислик навбатлари
6. Мерос таркиби

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ (II-қисм)

Мухаррир: .

Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда саҳифаловчи: *Ф.Нурлибаев.*

Босишга рухсат этилди: . Ҳажми: б.т.

Адади: . Буюртма: № .

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.